**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ**

**“ТИҚХММИ” МТУнинг ҚАРШИ ИРРИГАЦИЯ ВА АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР ИНСТИТУТИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАСИ “ОЛИМА” УЮШМАСИ**

# МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЦИВИЛИЗАЦИЯ ТИЗИМИДА ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ ВА МАДАНИЯТИ

**Халқаро илмий-амалий конференция материаллари**
**2022 йил 14 май**

**Қарши – 2022**

Ушбу тўпламда Марказий Осиё цивилизацияси тизимида қадимги ва ўрта асрлар миграция жараёнлари ва шаҳарсозлик маданияти масалалари, Ўзбекистон тарихи ва маданияти мавзусининг манбашунослиги ва тарихшунослиги, Ўзбекистон археология ва этнологияси муаммолари, Янги Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий жараёнларини татқиқ этишдаги инновацион ёндошувлар, Қашқадарё воҳаси тарихи ва бошқа соҳаларга доир масалалар қамраб олинган.

Ушбу тўплам кенг жамоатчилик, давр тарихи билан қизиқувчилар, тарихчилар ва талаба ёшларга мўлжалланган.


## Масъул муҳаррир:

**Г.Э.Мўминова – т.ф.д., профессор. Қарши давлат университети “Жаҳон тарихи” кафедраси мудири.**

## Таҳрир ҳайъати ва аъзолари:

**доц. Н.Холмирзаев**
**проф. О.Бўриев**
**проф. Ю.Эргашева**
**проф. Б.Эшов**
**доц. Ч.Темирова**
**доц. А.Пардаев**
**доц. Б.Аҳмедов**
**PhD. Д.Шодмонова**
**PhD. Р.Тўхтаева**
**PhD. Б.Тошпўлатов**
**ўқ. И.Жабборова**



Мазкур тўплам Қарши давлат университети Илмий Кенгашининг 2022 йил 13 майдаги 9 – сонли қарори билан нашрга тавсия қилинди.


**Тўпламга киритилган маълумотларнинг тўғрилиги, стилистик бехатолиги учун муаллифлар масъулдир.**


© Қарши давлат университети, 2022 йил.

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН – УЧИНЧИ РЕНЕССАНС САРИ

***Д.Ҳ.Набиев – и.ф.д., профессор. Қарши давлат университети ректори***

***“Биз ўз олдимизга жамиятимизнинг янги қиёфасини яратиш, Янги Ўзбекистонни барпо этиш масаласини стратегик вазифа сифатида қўйдик.”***
***Шавкат Ширзиёев***

Жаҳон халқларининг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти мислсиз даражада ривожланиб, глобаллашув жараёнининг қамрови ғоят кенг кўламда кучайиб бораётган ҳозирги даврда инсоният келгуси ҳаётга, айниқса, дунё цивилизациясининг тақдири ва барқарорлигига улуғ аждодларимиз томонидан яратилган бебаҳо илмий-адабий, маънавий-маданий меросни кенг кўламда ўрганиш ва тарғиб этиш билан бевосита боғлиқ бўлиб турибди.

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида Ўзбекистонда Янги Уйғониш даври, яъни Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш энг асосий мақсад қилиб қўйилди. Шу боисдан ҳам энг аввало, Учинчи Ренессанснинг мазмун-моҳиятини ҳар биримиз чуқур ва теран англаб олишимиз ниҳоятда зарур.

Мамлакатимизда Учинчи Ренессансни ХХ асрда маърифатпарвар жадидлар амалга оширишлари мумкин эди. Нега деганда, бу фидойи ва жонкуяр зотлар бутун умрларини миллий уйғониш ғоясига бағишлаб, ўлкани жаҳолат ва қолоқликдан олиб чиқиш, миллатимизни ғафлат ботқоғидан қутқариш учун бор куч ва имкониятларини сафарбар қилдилар. Шу йўлда улар ўзларининг азиз жонларини ҳам қурбон қилдилар ва улар “**Илмдан бошқа нажот йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас**” деган Ҳадиси шарифни ҳаётий эътиқод деб билдилар. Миллий истиқлол, тараққиёт ва фаровонликка, аввало, маърифат орқали, дунёвий ва диний билим, замонавий илм-ҳунарларни чуқур эгаллаш орқали эришиш мумкин, деб ҳисобладилар.

Бу даврда Абдулла Авлоний, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунавварқори Абдурашидхонов, Убайдулла Хўжаев, Абдурауф Фитрат, Ибрат домла, Абдулҳамид Чўлпон, Абдулла Қодирий, Ашурали Зоҳирий, Ҳожи Муин ва бошқа яна юзлаб улуғ инсонлар миллий уйғониш ва миллатпарварлик ҳаракатининг олдинги сафларида турдилар. Улар янги усул мактаблари билан бир қаторда, одамларнинг дунёқараши ва турмуш тарзини ўзгартиришга қаратилган газета-журналлар, нашриёт ва кутубхоналар, театрлар ташкил этдилар.

Жадидларимиз ўз олдига қўйган эзгу мақсадларни амалга оширишга мавжуд вазият, ижтимоий тузум йўл бермаганди. Улар ўша даврнинг турли кимсаларининг туҳмат-маломатларига дучор бўлдилар. Дастлаб Россия ҳукумати, кейинчалик шўролар уларни аёвсиз қувғин ва қатағон қилганди. Лекин, бу миллий уйғониш ва тараққиёт ҳаракати Ватанимиз тарихида ёрқин хотира сифатида қолди. Юртимиз озодлиги ва халқимиз бахт-саодати йўлида жонини фидо қилган жадидларнинг илмий-маърифий, адабий-бадиий мероси ҳозирги даврда ҳам катта аҳамиятга эга.

ХХ аср 90-йиллари бошларида Ўзбекистон миллий мустақилликка эришгач, Ренессанснинг учинчи янги босқичи учун қулай шароит вужудга келди. 2014 йил 14-15 майда Самарқанд шаҳридаги халқаро илмий анжуманда юртимиз учинчи Уйғониш даври бўсағасида турганлигини алоҳида таъкидлаган эди. 30 йилдан зиёд вақт давомида асрларга татигулик қисқа даврда беқиёс ва кенг қамровли бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев таъкидладики: “**Бугун жаҳон миқёсида юртимиз ҳақида сўз кетганда “Янги Ўзбекистон” ибораси тилга олинмоқда. Бу кейинги йилларда тараққиётнинг мутлақо янги босқичига**

**қадам қўйганимиз, эришаётган залворли ютуқларимизнинг эътирофидир. Халқимизнинг улуғвор қудрати жўш урган ҳозирги замонда Ўзбекистонда янги бир уйғониш – Учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилмоқда, десак, айни ҳақиқат бўлади**"

Юртбошимиз уқтирганидек, биз ана шундай бебаҳо меросга кўпинча фақат тарихий ёдгорликка қарагандай муносабатда бўлиб келмоқдамиз. Бундай тенгсиз бойликни амалий ҳаётимизга татбиқ этишда бепарволик ва эътиборсизликка йўл қўймоқдамиз. Вахоланки, бундай ноёб мерос жаҳондаги саноқли халқларга насиб этган. Масалан, биргина Ўзбекистон Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондларида сақланаётган 100 мингдан ортиқ нодир қўлёзмаларга жаҳон аҳли ҳавас қилади. Алломаларимизнинг ноёб илмий-маънавий мероси биз учун доимий ҳаракатдаги ҳаётий дастурга айланиши керак. Бу ўлмас мерос ҳамиша барчамизга доимо куч-қувват ва илҳом бағишлайди, албатта.

Ҳозирги пайтда буюк аждодларимизнинг бебаҳо меросига таяниб, янги Ренессанс пойдеворини яратиш учун бизда барча имкониятлар мавжуд, дейишга тўла асослар мавжуд. Ҳамма гап ана шу бор имкониятлардан самарали фойдалана олишимизга боғлиқ.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев нутқ ва маърузаларида ҳам Ўзбекистондаги янги Учинчи Ренессанснинг мазмун-моҳияти, тарихий илдизлари, унинг мустаҳкам пойдеворини яратиш соҳасидаги энг долзарб вазифаларга доимо тўхталади ва ўзининг теран амалий тавсияларини бермоқда.

Юртбошимизнинг Янги Ўзбекистондаги Учинчи Ренессанс ғояси бўйича матбуот ва ОАВ ларда мунозаралар қизғин бошланиб кетди. Чунки мазкур ғоя ниҳоятда кенг қамровли бўлиб, ижтимоий фанлар вакиллари ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдиришлари ва илмий концепцияларини яратишлари лозим.

Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш жараёни беш-ўн йил давом этмай, анча катта ва машаққатли даврни талаб қилади. Бунинг учун, энг аввало минглаб истеъдодли кадрлар, иқтидорли замонавий ёшлар, фидойи инсонлар ниҳоятда зарур.

Президентимиз раҳнамолигида улуғ ниятлар билан пойдевори қўйилаётган Янги Уйғониш даври юртимизда саҳифаларга бой тарих яратилмоқдаки, бу келгусида авлодларга муносиб мерос қолдиришга хизмат қилиши шак-шубҳасиздир.

"**Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари**" деган даъваткор ғоя ҳаётимизга тобора чуқур кириб бормоқда. Биз айни шу асосда халқимиз ҳаётини тубдан яхшилаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қонун устуворлиги ва ижтимоий адолатни таъминлаш, инновацион тараққиёт борасида муҳим қадамларни қўймоқда. Айни вақтда Янги Ўзбекистондаги Учинчи Ренессанснинг мазмун-моҳиятини ва тарихий илдизлари бўйича теран илмий изланишлар ҳамда уни кенг оммага етказиш учун қамровдор тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда.

Янги Ўзбекистонда ёшларни ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг ўқиши, меҳнат қилиши, билим олиши ва қобилиятини тўла намоён этиши учун барча шароитлар яратилмоқда. Чунончи, ёшлар ҳам Янги Ўзбекистон бунёдкори ҳисобланади.

Ёш авлоднинг фикрларини фуқаролик позицияси ва фаоллигини кучайтириш, уларни мустақил фикрловчи, замонавий билим ва касб ҳунарларни пухта эгаллаб, халқаро миқёсида рақобатга кириша оладиган баркамол шахслар, етук мутахассислар этиб тарбиялаш бўйича кенг қамровли тадбирлар амалга оширилмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлайдики: "**Бир ҳақиқатни барчамиз чуқур англаб олишимиз керак: миллий тарихни халқимиз, айниқса, ёшларимизга миллий руҳда етказиш, уларнинг қалбига, шуурига сингдириш**

**керак. Акс ҳолда унинг тарбиявий таъсири бўлмайди. Биз ёшларимизни тарихдан сабоқ олиш, хулоса чиқаришга ўргатишимиз, уларни тарих илми, тарихий тафаккур билан қуроллантиришимиз зарур. Бунинг учун, аввало, Ўзбекистонда тарих фанини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини самарали амалга оширишимиз лозим**” (Янги Ўзбекистон стратегияси. – Т., 2021. – Б.288).

Бу эзгу вазифаларни рўёбга чиқаришда олий ўқув юртларининг ўрни ниҳоятда катта ва мазкур муассасаларда самарали меҳнат қилаётган зиёлилардан, олимларимиздан катта масъулият талаб этилади. Чунки Таълим тўғрисидаги Қонун замирида ҳам олий таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, уни халқаро талаб ва андозаларга мослаштириш. ёш авлодни чуқур билимли, замонавий фикрлайдиган, инновацион ғояларни ўзлаштириб олган, профессионал кўникмаларга эга бўлган замонавий мутахассислар қилиб тарбиялаш бош мақсадимиз ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан қаралганда, бугун Ватанимизга нафақат юқори малакали мутахассислар, балки умумбашарий ва миллий мерос ҳамда қадриятларни замонавий билим ва тафаккур билан бойитишга қодир, мустақил фикр юритиб, ҳар томонлама асосланган қатъий қарорлар қабул қила оладиган баркамол ёшлар зарур. Шунинг учун ҳозир Янги Ўзбекистонда таълим жараёнида замонавий ахборот технологияларини ривожлантиришга ва инновацион ғояларни ўзлаштириб олишга катта аҳамият берилмоқда.

Ўзбекистон мустақил ривожланиш йўлига кирган жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин олган давлатлардан бири саналади. Биз мамлакатимизни ривожланган давлатлар қаторига олиб чиқишни бош мақсад қилиб қўйганмиз. Бунга давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида ишлаб чиқилган “**2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси**” ва “**2022 йил – Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили**” давлат дастурида барча асослар мавжуд. Бу йўналишда самарали фаолият олиб бораётган олий ўқув юртлари ижтимоий-гуманитар фанлар кафедралари профессор-ўқитувчилари томонидан ўқув, илмий-тадқиқот ва маънавий-маърифий соҳаларда олиб бораётган кенг қамровли хайрли ишлари ибратга лойиқдир.

Қарши давлат университети “Жаҳон тарихи” кафедраси ташаббуси билан, Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти ҳамда Қарши ирригация ва агротехнологиялари институти ҳамда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси “Олима” уюшмаси вилоят бўлими билан ҳамкорликда ўтказилаётган “Марказий Осиё цивилизацияси тизимида Ўзбекистон тарихи ва маданияти” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конфереция сига тақдим этилган хорижий, юртимиз олимлари, ёш тадқиқотчиларнинг маърузалари мундарижаси, мазмуни ва моҳиятига кўра Президетимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида олиб борилаётган қамровли ислоҳотларни рўёбга чиқаришда ва мавжуд муаммоларни илмий ечимини топишга яқиндан ёрдам беради.

Демакки, ушбу халқаро илмий-амалий анжуман Марказий Осиё, Ўзбекистон, қолаверса Қашқадарё воҳаси тарихини янги саҳифалар билан бойитиши шак-шубҳасиздир.

Анжуман ишига улкан муваффақиятлар тилайман!

# I-ШЎЪБА: МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ ТИЗИМИДА ҚАДИМГИ ВА ЎРТА АСРЛАР МИГРАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ ВА ШАҲАРСОЗЛИК МАДАНИЯТИ

## МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ИЛК ЦИВИЛИЗАЦИЯЛАР РИВОЖЛАНИШИ ХУСУСИЯТЛАРИ

*А.С.Сагдуллаев – ЎзРФА академиги, т.ф.д., профессор*

Қадимги Шарқда дастлабки цивилизациялар сунъий суғоришга асосланган зироаткорлик, ихтисослашган ҳунармандчилик, шаҳарлар ва мудофаа тизими, юксак даражада ривож топган бинокорлик ва меъморчилик – ибодатхоналар ва саройлар, ички ва ташқи савдо-сотиқ фаолияти, тасвирий санъат ва ёзув каби иқтисодий ва маданий белгилари билан ажралиб турган.

Илк цивилизациялар давлатчилик тизими ва шаҳарларнинг ижтимоий-сиёсий доирасида шаклланган. Бунда шаҳарлар сиёсий-маъмурий, иқтисодий ва диний марказлар сифатида муҳим аҳамиятга эга бўлган.

Жанубий Туркманистоннинг Копетдоғ ёнбағирларида жойлашган бронза даври ёдгорликларининг ўрганилиши натижасида “Олтинтепа цивилизацияси” ҳақида масала илгари сурилди [1]. Мазкур цивилизация, Қадимги Шарқнинг Нил, Дажла ва Фрот, Ҳинд ва Хуанхе серсув дарёлари воҳаларида пайдо бўлган цивилизацияларга нисбатан ирригация деҳқончилиги чекланган сув ресурсларига асосланиб тараққий топган марказлари қаторига киритилди [2].

Археологик маълумотларга кўра, мил. авв. III минг йилликнинг иккинчи ярми Олтинтепа ижтимоий тизимида зироаткорлар, чўпон-чорвадорлар, бинокорлар, ҳунармандлар, коҳинлар каби қатламлар мавжуд бўлиб, шаҳар ихтисослашган ҳунармандчилик, савдо-сотиқ ва диний маркази вазифасини бажарган. Аммо, унинг сиёсий, маъмурий функцияларини ўрганишга доир маълумотлар чекланган, шунингдек, ҳарбий иш ва мудофаа тизими етарлича ривожланмаганлиги ҳамда сарой шаклида йирик иншоот аниқланмаганлиги эътиборга молик [3]. Шу боис Олтинтепа маданиятида цивилизация кўрсаткичлари тўлиқ суратда ифодаланмаган ва бу борада цивилизациянинг дастлабки кўринишлари намоён бўла бошлаганлиги ҳақида сўз юритиш мақсадга мувофиқ.

Хусусан, тоғ сойлари ва булоқлар сув ресурсларига таянган сунъий суғоришнинг имкониятлари, демографик омиллари таъсирида, яъни аҳоли сонининг табиий кўпайиши натижасида чекланиб борган [4]. Мил. авв. III минг йилликнинг охирларида, Олтинтепа ва Намозгоҳ каби илк шаҳар марказларида иқтисодий инқироз бошланган.

Энеолит ва бронза даврларида, металлургия ривожланиши натижасида, одамлар мис, қалай ва қурғошин конларини эгаллаб олишган ҳамда олтин ва кумуш сингари нодир металлар, ложуворд (лаъл), феруза каби қимматбаҳо минераллардан фойдалана бошлашган. Шу боис, қазилма бойликлар мавжуд ҳудудларни эгаллаб олиш ва кончилик ишларни йўлга қўйиш заруратининг вужудга келиши ҳолати турли тадқиқотларда қайд этилган.

Мил. авв. IV – III минг йиллик бошларида Панж дарёсининг сўл сохил воҳалари Ҳинд водийси ва Жанубий Афғонистондан келиб чиққан аҳоли гурухлари томонидан ўзлаштирилади. Узоқ масофадаги кўчиш – миграциянинг сабаби, шимолий-шарқий Афғонистоннинг Бадахшон тоғларида мавжуд хомашё конларини ўзлаштириш мақсади билан боғланган [5].

Иқтисодий омиллар белгилаб берган ташқи миграциялар оқибатида, юқори Зарафшон воҳасида Саразм манзилгоҳи шаклланган. Зарафшон тоғ тизмасидаги фойдали қазилмаларидан самарали фойдаланиш жараёнида шимолий-шарқий Эрон, жануби-ғарбий Туркманистон ва Жанубий Афғонистоннинг аҳолиси вакиллари фаол иштирок этишган [6].

Мил. авв. III минг йиллик ўрталарида Ҳинд (Хараппа) цивилизацияси вакиллари томонидан Панж дарёсининг сўл соҳили ҳавзасида Шўртўқай савдо факториясига асос солинади. Унинг пайдо бўлиши тоғ-кон қазилма маҳсулотларини ишлаб чиқариш, Ҳинд водийсига камёб минерал ложуворд ҳамда кумуш ва олтин ашёларини етказиб бериш эҳтиёжи билан боғлиқ бўлган [7].

Мил. авв. III минг йилликнинг охирлари – II минг йиллик бошлари Марғиёна ва Бақтрияда Гонур, Даштли-Сополли маданиятларнинг шаклланиши жараёнида ташқи миграциялар омили катта аҳамият касб этган. Мазкур миграциялар юзага келган таянч марказлари Аккад, Шумер, Эроннинг шимоли-шарқи ва Туркманистоннинг Копетдоғ ёнбағирларида жойлашган.

Маълумки, Икки дарё оралиғининг ўрта ва қуйи қисмида (Шумер) сунъий суғоришга асосланган зироаткорлик соҳасида Дажла ва Фрот дарёлари сувидан фойдаланилган. Аксинча, минтақанинг шимолий вилоятида (Аккад) кўпроқ лалмикор деҳқончилик ривожланиб, арпа ва буғдой экилган. Тахминан мил. авв. 2200 йилга келиб, Олд Осиё ҳудудларида иқлимнинг исиб кетиши, ёмғирларнинг кескин камая бориши сабабли қурғоқчилик ва чанг бўронлари вужудга келиши оқибатида, Аккад аҳолиси анъанавий турар жойларини тарк этишга мажбур бўлган. Олд Осиёликлар Шарқий Эрон ва Жанубий Туркманистон ерлари сари оммавий равишда йўл олишган [8]. Уларнинг сони кўп қисми қўйи Мурғоб дарёси воҳасида ўтроқлашади, бошқа бир катта гуруҳлари ўзларининг мулки ва чорва подалари билан Бақтрияга кириб келишади.

Олтинтепа маданиятига нисбатан Марғиёна-Бақтрия ёдгорликларида бронза даври цивилизациясининг деярли барча белгилари ўз аксини топган. Турлича иншоотлар ва катта бинолар қуриш техникасини билган ҳамда мураккаб меъморчилик тузилиши усулларига доир билимларга эга бўлган келгиндилар, ўзлаштирилган юртларда кўп хонали турар жойлар, тўғрибурчак, доира ва тўртбурчак меъморий тархига эга мустахкамланган ибодатхоналар ва саройлар, шунингдек, мудофаа деворларида буржлар ва шинаклар мавжуд қалъаларни бунёд этишган [9].

Бронзадан ишланган ханжарлар, болталар ва найза пайконлари, мураккаб мудофаа тизими қатори ҳарбий ишнинг анча ривожланганидан дарак беради.

Тасвирий санъат ҳам юқори даражада тараққий этган эди. Бронзадан ясалган мухр, туморлари тасвирларида, кумуш ва олтин идишлар сиртидаги манзараларида мифологик ва кундалик ҳаёт мавзулари ўрин олган. Мисол тариқасида, Япониядаги Михо музейи коллекциясида Бақтриядан топилган кумуш идиш сиртида иккита хўкиз тортадиган омоч ёрдамида ерни шудгор қилиш ва деҳқонларнинг далага уруғ сочиш манзарасини кўриш мумкин [10]. Бронза даврида ер ва сувга, қуёш ва оловга сиғиниш кенг тарқалган.

Марказий Осиё илк давлатчилик тарихига оид илмий қарашлар ва ёндашувлар, ҳозирги даврга қадар ушбу мавзунинг тарихшунослиги ва ёритилишининг асосий жиҳатлари алоҳида кўриб чиқилди [11]. Марғиёна ва Бақтрия мисолида давлатчилик тизимининг мил. авв. III минг йиллик охирлари – II минг йиллик бошларида вужудга келганлиги тадқиқотчилар томонидан тан олинган (шу жумладан, хорижий илмий адабиётларда ҳам). Шунингдек, қуйи Мурғоб

ҳавзасидаги бронза даврида шаклланган давлатларни “қадимги шарқ подшоҳлиги” деб аташ таклиф этилган [12].

Бундай ёндашувнинг тарихий воқеликка тўғри келиши эҳтимолидан ҳоли эмас. Негаки, қадимий зироаткорлар ягона сув манбаи Мурғоб дарёсининг қуйи тармоқлари воҳаларида жойлашган. Гонур шаҳри вилоятнинг сиёсий – маъмурий, иқтисодий ва маданий маркази вазифасини бажариб, мудофа деворлари билан ураб олинган. Шаҳар ҳудудида катта ҳашаматли сарой ва ибодатхоналар мавжуд бўлган ҳамда буюмларга бой “подшоҳлар” қабрлари аниқланган.

Бақтрияда бронза даври ёдгорликларининг географияси ва картографиясига кўра, аҳоли тоғ олди ерларини ўзлаштирган ва далаларнинг сўғорилиши турлича тоғ дарёлари билан бевосита боғланган [13]. Шу сабабдан, Бақтриянинг жанубида – Даштли, шимолида – Жарқутон ва шарқида – Шўртўқай, табий чегаралари билан бир – бирларидан ажратилган алоҳида вилоятларнинг сиёсий, иқтисодий ва диний марказлари бўлган. Шунингдек ҳар бир вилоятда маъмурий бошқарув мустақил амалга оширилганлигига ўхшайди. Бундан Жанубий ва Шимолий Бақтрияда топиб текширилган саройлар ва ибодатхоналар гувоҳлик беради [14;15].

Сўнгги йилларда айрим тадқиқотчилар Марказий Осиё қадимги тарихини “Турон тарихи” сифатида ёритишга интилиб, 3 минг йил аввал “Турон цивилизацияси” пайдо бўлганлиги ҳақида масалани илгари суришган. Шуни таъкидлаш жоизки, минтақа тарихига оид илк ёзма манбаларда (“Авесто”, қадимги форс битиклари, юнон муаллифларининг асарлари) “Турон” атамаси тарихий-географик ҳудуд, мамлакат ва давлат каби маъноларида тилга олинмаган [16]. “Авесто”да “тур”, “тура” дашт чорвадор қабилалари қайд этилган. Бироқ, улар жойлашган ҳудудларнинг маркази “Қангҳа” деб аталган. Аслида “Турон” топонимининг келиб чиқиши илк кўринишлари милодий V – VI аср бошлари билан белгиланади. Сосонийлар сулоласи ҳукмронлиги даври Эронда, зардуштийлар коҳинлари, оғзаки ва ёзма шаклларда сақланиб келган “Авесто” алқовларини алоҳида қисмларга ажратиб, қонунлар тўпламини яратган [17]. Шу сабабли, дастлаб “Авесто”да тасвирланган ўтроқ арийлар ва тура дашт чорвадор қабилаларнинг ўзаро курашлари ҳақидаги тарихий ривоятлар, Эрон ва Турон ўртасидаги курашлар сифатида ёритила бошлаган. Ушбу мавзунинг ривожланишида Эроннинг эфталийлар ва Турк ҳоқонлиги билан сиёсий муносабатлари ҳам катта аҳамият касб этган. Натижада, қаҳрамонликка оид достонларга асосланган “Шоҳнома” эпоси вужудга келиб, форс ва араб тилларида ёзилган тарихий-географик адабиётларда “Турон” атамаси кенг қўлланилган.

**Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати:**


1. Массон В.М. Алтын – депе // Тр. ЮТАКЭ. Т. XVIII. – Л.: Наука, 1981. – С. 129.
2. Массон В.М. Алтын – депе... – С.124 – 126, рис. 33.
3. Массон В.М. Алтын – депе... – С.126.
4. Лисицына Г.Н. Становление и развитие Фошаемого земледелия в Южной Туркмении. – М.: Наука, 1978. – С.215.
5. Gardin J. – C., Lyonnet B. La prostection arheologique de la Bactriane orientale (1974 – 1978): premiers rezultats // Mesopotamia, 1978 – 1979 // Vol. XIII – XIV. – P.99 – 154.
6. Исаков А.И. Саразм: новый раннеземледельческий памятник Средней Азии // СА. – М., 1986. – №1. – С.152 – 157.
7. Frankfort H. P. Tradition harappeene et innovation bactrienne a’shortughai // L‘archelogique de la Bactriane ancienne. – Paris, 1985. – P.95-104.

8. Сарианиди В.И. Задолго до Заратуштры. – М.: Старый сад, 2010. – С.16-18.
9. Мамедов М. Древняя архитектура Бактрии и Маргианы. – Ашхабад, 2003. – С.116 – 117.
10. Марказий Осиё маданий мероси Япония музейларида. – Тошкент, 2019. – Б.452.
11. Абдуллаев Ў.И. Ўрта Осиёда ибтидоий жамоа тузуми ва илк давлатчилик тарихи. – Тошкент, 2019. – Б.45-116.
12. Сарианиди В.И. Маргуш. Древневосточное царство в старой дельте реки Мургаб. – Ашгабат, 2002.
13. Сагдуллаев А.С., Холматов Н.Ў., Абдуллаев Ў.И. Марказий Осиёда тарихий – маданий вилоятларнинг шаклланиши ва этник географияси муаммолари. – Тошкент: Университет, 2020. – Б.162-163.
14. Аскаров А.А., Ширинов Т. Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. – Самарканд, 1993.
15. Хуф Д., Шайдуллаев Ш. Некоторые результаты работ узбекско – германской экспедиции на городище Джаркутан // ИМКУ. Вып.30. – Самарканд, 1999. – С.19-26.
16. Сагдуллаев А.С., Холматов Н.Ў., Абдуллаев Ў.И. Марказий Осиёда тарихий – маданий вилоятларнинг шаклланиши... – Б.213, 232.
17. Фрай Р. Наследие Ирана/Пер. с. англ. В.Лившица и Е.В.Зеймаля. – М.: Наука, 1972. – С.66-68, 315-316; Бойс М. Зороастрийцы. Верования и обычаи // Пер. с англ. И.М.Стеблин – Каменского. – М.: Наука, 1982. – С.155, 163-164.

## КУЛЬТУРНОЕ НАСЛЕДИЕ ТЮРКСКИХ НАРОДОВ КАК ФАКТОР СТАНОВЛЕНИЯ СРЕДНЕВЕКОВОГО РЕНЕССАНСА ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ

***М.К.Рахимшикова, Д.А.Хавазметова – кандидат философских наук, доцент Южно-Казахстанского университета им. М. Ауезова, Шымкент, Казахстан магистр гуманитарных наук Шымкентского университета, Шымкент, Казахстан***

Более двух тысячи лет назад на территории Центральной Азии возникла удивительная и своеобразная культура. Быт и материальная культура племен, обитавших нашу территорию, прежде всего, зависела от животноводства и земледелия. В VI веке на территории Центральной Азии возникла первая крупная империя, под названием гунны. В дальнейшем они заняли огромную территорию Великой степи. Таким образом, на исторической арене мира появляется новая империя – Тюркский Каганат.

Действительно, идеология и политическая деятельность Тюркского каганата имело влияние на геополитическую арену. Создав мощную империю, каганат начинает свою политическую миссию, расширяя свои владения. Если учесть во внимание географическую расположенность территории Тюркского Каганата, то можно понять, что богатая природа и особые климатические условия стали причиной формирования богатейшей культуры, в основе которой лежала три разновидности культуры:

– номадическая культура;
– оседлая, оазисная культура;
– смешенная, скотоводческо-земледельческая культура;

Кроме того, тюркский мир можно рассматривать в качестве самых первых и могучих культур и цивилизаций, повлиявших на весь ход мировой истории. Отсюда и возникает вопрос. По какой причине, тюркская культура, политика или экономика, смогла оказать влияние на исторический ход развития мира? Ответ на данный вопрос гласит таким образом. Дело в том, что территория Тюркского каганата находилась в центре Евразии, благодаря которой тюркский мир был объединяющимся звеном или мостом Востока и Запада. Также, через его территорию проходил Великий Шелковый Путь. Конечно же, данная ситуация благоприятно влияла экономическому процветанию тюркского мира. Кроме того, тюркский народ был умным, трудолюбивым, справедливым, что способствовало культурному развитию.

Самое главное достижение тюрков заключается в том, что в его культуре было развито военное дело, а в политической сфере они были знатоками, так как установили тесные связи с соседними государствами, а также, процветала экономика. Благодаря развитию материальной и духовной культуры, появились новые города, которые являлись центрами экономической, социальной и духовной жизни народов Центральной Азии.

Если кратко проанализировать истоки или опоры существования тюркского народа, то у них существовала сложная, но и одновременно универсальная система хозяйствования. Не просто так появилось изречение: «человека кормит земля». Земледелие и скотоводство – вот основные опоры существования наших предков. Они и являлись основными факторами прогресса. Параллельно развивается ремесло и торговля. Кроме того, существуют исторические данные о том, что в начале первого тысячелетия тюрки освоили металлургию и начали использовать бронзу и железо.

Кроме того, мы также должны рассмотреть смысл феномена «тюрк». Этимологический смысл понятия «тюрк» означало союз десяти племен, которые объединились в V веке на нашей территории. Но есть еще другие сведения о том, что 12 племен объединились и создали Тюркский народ. Термин «тюрк» в древнетюркском языке обозначает «достигший расцвета, могущества». [1, с. 599] Прародиной тюрков являлась территория Центральной Азии. Таким образом, возникает Тюркский Каганат. Кроме того, казахский, узбекский, киргизский, уйгурский, татарский и другие языки, по сути, являются продолжением тюркского языка.

Философское наследие тюрков имеет глубокий отпечаток в мировой истории. Непосредственно, в то время, нация рассматривалась в этническом контексте. Тюркский народ – это единый этнический состав разных племен древности, арии, гунны, саки, скифы и др. Первое упоминание этнонима (turk) встречаются в китайских источниках. В общем смысле, тюркский язык входит в алтайскую языковую семью. Если исследовать происхождение, то исторические корни тюркского народа не является единым этническим составом, но дальнейшая ассимиляция стала причиной их родственных связей. Таким образом, на исторической арене мира появляется единый этнический состав тюрков.

Таким образом тюркские народы основали уникальную цивилизацию. Каганат, даже сам правитель страны, уделял должное внимание образованию и просвещению. В научном и литературном наследии древних тюрков рассматривается антропологические и социальные проблемы. Что касается понятия интеллектуальная нация, то данный феномен рассматривался в контексте развития общества.

Анализируя существующие исследования по тюркской философии, мы пришли к выводу, что она имеет определенные черты. Одним из самых отличительных черт тюркской философии, по мнению А.Нысанбаева, является традиционность. [2, с. 8] Традиционализм вытекал из жизненного уклада народа. Вечные ценности тюркского народа выступали в качестве трансформации социального бытия.

Философия тюрков воплощается в дастанах, художественной прозе, назидательных притчах и поэзии. Многие философские проблемы отражены в стихотворных жанрах. Краткий анализ стихотворений дает нам понять о понимании ответственности правителя перед своим народом. Каганы посвящают свои обращения не только простому народу, но и бекам, ханам, военноначальникам. Понятие «турки билге» означает мудрого, умного кагана. Правитель «Турки билге» (Билге Каган) обращается своему народу, припоминая о своих владениях и о защите, сохранении целосности своих владений.

В памятниках описывается идеи о создании великой империи, а также, принятии всевозможных мер для укрепления и сохранения Каганата. Хотя более длительное время политическая обстановка была спокойной, но уже в VII веке политическая обстановка меняется, начинается вторжение на тюркскую территорию. Краткое изложение философии древнетюркской империи на основе сюжета «Орхоно-енисейские памятники» заключается в том, что в то время центральной проблемой философии стала не только проблемы государственного управления, но и проблемы развития науки, образования. Кроме того, мировоззренческие ориентиры древнетюркских народов были настолько широкими, что почти охватывали самые насущные проблемы общества.

В VI-VIII века в культурной жизни тюркского народа были созданы уникальные неповторимые литературные памятники, высеченные руническим письмом на трехметровых каменных стенах. Литературные памятники тюркских народов «Памятник Кюль-Тегина», «Надпись в честь Бильге-Кагана», «Надпись в честь Тоньюкука» отличаются художественным мастерством, высокими помыслами, создавших авторов. Именно эти памятники включают в себе «Орхоно-енисейские памятники». Поэтическое искусство древнетюркских народов являются свидетельством о высокой культуре народа, высоком уровне поэтического мышления, высокой нравственности.

Например, в малых надписях Кюль-Тегина существуют такие строки:

Все беки, весь народ правителем верны,
Хранили свой уклад – крепили каганат
Каганы, отходя в мир мертвых, всем живым
Старались завещать устроенную жизнь. [1, с.55]

Кроме этого, в малых надписях Кюль-Тегина описываются обращение Кагана к народу, в котором отражается:

– призыв к мудрости, бдительности, так как необдуманные поступки могут иметь негативные результаты;

– призыв к единству и сплоченности, чтобы укрепить тюркскую государственность и могущество народа;

– идеи об обширных владениях, которые являются достоянием народа;

– глубоко осмысленная и намеченная общественно-политическая программа, которая являлась идеологией Тюркского Каганата. Посредством данной программы Каганат планирует создать новые ориентиры бытия тюркских народов, что содействует становлению мудрой нации, также непосредственно смог бы влиять на интеллект;

Таким образом, изучая письменные памятники культуры древних тюрков, мы осознаем, что единство и сплоченность народа, нравственные качества человека – излюбленная тема древнетюркской философии. Кроме того, существовало такое мнение, что единство и сплоченность народа зависят от уровня доверия народа к своему правителю.

Кроме того, политическая деятельность Кагана, его высказывания дают нам понять о его богатом жизненном опыте, о том, что он глубоко осведомлен об особенностях менталитета своего народа. Каганы заботились о судьбе народа и страны, принимали меры в целях укрепления государственности. Эти меры, прежде всего, были направлены на создание более гуманного, умного и рационально действующего общества. В этом и заключается идея формирования более разумного социума.

Во время исследования источников древнетюркской философии, мы ознакомились с некоторыми ошибочными мнениями. Например, некоторые ученые считают, что в древности государственность не существовала. Мы должны понимать ту историческую справедливость, что каждая эпоха характеризуется определенными социально-политическими нормами. В разное время существовали разные структуры государственного управления.

Возникает вопрос: в чем заключается историческое значение «Орхоно-Енисейских памятников»? Что дает нам его изучения? Ответ на эти вопросы заключаются в следующих выводах:

– во-первых, мы начинаем уважать памятники древнетюркской культуры, так как в нем заложены основы создания разумного этноса, сохранения целосности государства;

– во-вторых, в условиях независимости, каждый гражданин будет стараться любить свою Родину, свое отечество, как любили наши предки. Кроме того, мы осознаем место материальной и духовной культуры тюркских народов в становлении Ренессанса Центральной Азии ;

– в-третьих, в современных условиях, когда мы начали процесс создания «Нового государства» посредством формирования интеллектуально развитой нации, уроки истории весьма своевременны. Существует такая пословица: «мудр тот, кто помнит об ошибках». Небольшие оплошности наших предков послужила развалу каганата. Самое главное, мировоззренческие ориентиры древнетюркской философии настолько многогранны и величественны, что они будут служить нам не только в качестве духовного путеводителя, но и в качестве социально-ориентированного путеводителя. Таким образом, древнетюркская писменность, литература, философия и культура являются мостом между прошлым и настоящим.

IX-X века для тюркских народов является более продуктивным. В жизни и деятельности Ценральной Азии начинается культурное Возрождение. В период с X по XII вв., на смену тюркского государства, приходит династия Караханидов, сменившей в Средней Азии иранскую династию Саманидов. После исламизации, тюрки вместе с арабами основали мусульманскую культуру. Данный период является наиболее плодотворным, так как великие деятели тюркского мира, начинают озарять науку и культуру.

Видные представители данного периода – Абу Наср аль-Фараби, Абу Райхан аль-Бируни, Абу Али Ибн Сина, Юсуф Баласагуни, Алишер Навои, Махмуд Кашгари, Ахмед Югнеки, Ходжа Ахмед Яссави, Сулейман Бакыргани, аль-Маарри, аль-Газали, Фирдавси, Омар Хайям и др. Эти титаны науки внесли большой вклад в развитии науки и становлении «мусульманского Ренессанса». Эти корифеи, исследуя научную и философскую мысль Востока, достигли небывалых вершин науки.

**Литература**

1. Жетписбаева Б.А. Древнетюркская литература. Учебник. – Алматы, 2006.
1. Тюркская философия: десять вопросов и ответов. Под редакцией С.Ю.Колчигина. – Алматы, 2006. – 142 с.
2. Древнетюркский словарь. – Л.: Наука, 1969. – С.599.

## НАКШБАНДИЙСКИЕ НАСТАВНИКИ ТАТАРСКИХ БОГОСЛОВОВ КОНЦА XVIII – XIX ВВ. В СРЕДНЕЙ АЗИИ

***Р.К.Адыгамов – кандидат исторических наук, старший научный сотрудник отдела истории религий и общественной мысли Института истории им. Ш. Марджани АН РТ (420111, ул. Батурина, 7А, Казань, Российская Федерация); доцент кафедры ICESCO Международной исламской академии Узбекистана***

***Аннотация:*** *Суфийское учение издревле оказывало значительное влияние на религиозную жизнь мусульман Средней Азии и Волго-Уральского региона. Интеллектуальный обмен между богословами Мавераннахра и их северными братьями начинается ещё в Булгарский период и находит своё продолжение в связях между регионами в период Казанского ханства и после его падения. Причём мусульмане Поволжья выступали не только в качестве учеников, но также и обогащали богословов Средней Азии своими изысканиями. Особую роль в отношениях между мусульманами двух регионов имел суфизм. Он укреплял интеллектуальные достижения богословов своими духовными практиками и проповедью идей равенства и братства. В рамках данного исследования проводится анализ духовной связи между суфиями Средней Азии и Поволжья, а также рассматривается процесс генезиса муджаддидийской ветви накшбандийского тариката, нашедшей своё продолжение в Волго-Уральском регионе.*

***Ключевые слова:*** *суфизм, тасаввуф, накшбандия, Поволжье, Средняя Азия, Урал, мусульманское богословие.*

Тема взаимоотношений между учителем и учеником, на первый взгляд в трудах мусульманских богословов тщательно раскрыта. Однако, несмотря на безусловную полезность этих трактатов, они носят общий характер и не отражают специфики того или иного региона, населённого мусульманами. Также довольно много отечественных и зарубежных исследований, посвящённых общим понятиям суфизма, и дающих представление о его учении и практике.

В последние годы также появляются исследования, посвящённые бытованию суфизма в Средней Азии. Среди них следует отметить статьи С.Н. Абашина [2: 117 – 141], Т.Г. Дорофеевой [8: 39 – 50], Л.Э. Исмаилова [11: С. 24 – 28] и А.А. Аширова, Б.А. Пасилова [5: 37 – 43]. Первый автор в своей публикации анализирует суфизм с этнографической точки зрения, связывая его ментальными особенностями жителей региона. Во второй публикации раскрываются особенности суфизма. Показаны основные периоды его развития и роль Мухаммеда и его сподвижников в становлении этого направления. Также даётся характеристика особенностям крупнейшего тариката Средней Азии - Накшбандия. Третья публикация уделяет больше внимания местам захоронений известных суфиев Средней Азии, нежели самому учению. В ней рассматриваются перспективы развития духовного туризма в регионе. Четвёртая публикация изучает практическую сторону суфизма в ЦА, а

именно «зикр джахри». Ценно то, что работа основана на материалах полевых исследований, проведённых в 2003-2005 гг.

Следующая группа исследований имеет отношение к известным среднеазиатским суфийским персоналиям. Так, А.И. Пылев [13: 122 – 126.] анализирует роль Йусуфа ал-Хамадани в развитии суфизма и его литературы в Средней Азии. Как известно, святой имеет прямое отношение к формированию учения накшбандия и становлению тариката в регионе. В публикации З.А. Салиховой [16: 87 – 88] прослеживается процесс становления теории суфийского воспитания в учении Бахаутдина Накшбанда. Особое внимание уделено ярким представителям этого философско-религиозного течения, внесшего большой вклад в развитие и распространение суфизма по всей Средней Азии. Статья имеет междисциплинарный характер, написана на стыке предметов педагогики, истории, философии и теологии. И, наконец, в исследовании У. Абдурасулова [3: 101 – 118] изучается дискуссия между известными советскими исследователями-медиевистами А.Н. Болдыревым и О.Д. Чеховичем об «исторической роли» Ходжа Ахрара — влиятельного политического деятеля и шайха Накшбандийа XV в. — нашедшей отражение как в публикациях, так и в личной переписке. Также большой интерес представляет и исследование молодого узбекистанского учёного К. Рахимова [14], посвящённое основоположникам накшбандийского тариката. Автор подробно излагает биографии и вклад семи наставников в формирование тариката.

Публикация А.В. Сызранова [18: 27 – 38] также близка к теме данного исследования, автор предпринял попытку проанализировать историю мусульманского мистицизма в Нижнем Поволжье – одном из российских регионе, где мусульмане являются самой многочисленной (после христианства) конфессией. Суфизм сыграл значительную роль в распространении ислама в Нижнем Поволжье и был одной из форм бытования мусульманской религии в этом регионе, веками переплетаясь с народными верованиями.

Наиболее близкими к проблематике данного исследования являются научные труды Г.Г. Идятуллиной [9], Р.К. Адыгамова [4], Д.А. Шагавиева [20: 35 – 46] и Н.Р. Сабирова [15]. Хотя диссертация Г.Г.Идиятуллиной посвящена изучению наследия Г. Курсави и его труда «ал-Иршад ли ал-ибад», автор в рамках исследования также анализирует интеллектуально духовные связи между двумя регионами. В диссертации Р.К. Адыгамова изучается жизненный путь и вклад Г. Утыз-Имяни в общественную мысль татар. Изучая среднеазиатский период жизни богослова, автор диссертации также выявляет и его духовных наставников. Статья Д.А. Шагавиева непосредственно посвящена выявлению цепочки духовной преемственности известного татарского богослова Ш. Марджани, получившего иджазу суфийского шейха у своих среднеазиатских наставников. И, наконец, в диссертации Н.Р. Сабирова исследуется влияние суфийской традиции на общественную мысль татар. Автор диссертации в рамках исследования также уделяет внимание среднеазиатским суфийским наставникам, богословам и поэтам.

На наш взгляд, в свете укрепления взаимоотношений между Республикой Татарстан и Республикой Узбекистан, исследования, посвящённые взаимному интеллектуальному и духовному обмену между мыслителями обоих регионов, представляются весьма актуальными. Мы считаем, целесообразным проведение совместных исследований в данной области.

**Духовные связи Средней Азии и Поволжья**

Как известно, ещё в булгарский период связи Поволжья со Средней Азией, имели большое значение для мусульман обоих регионов. Хотя Казанское ханство и

было завоевано, однако, эти связи, обусловленные этнической и конфессиональной близостью мусульман двух регионов, продолжали играть значительную роль в сохранении мусульманской учёности среди татар. С созданием в 1744 г. под Оренбургом Сеитовского посада (татарской слободы) эти связи становятся ещё крепче.

Если, с одной стороны, это послужило активизации торговых отношений между Российской Империей и государствами Средней Азии, то, с другой стороны, дало возможность татарам укреплять и возрождать духовную жизнь. Как известно, татары играли роль посредников между христианской Российской Империей и мусульманскими государствами среднеазиатского региона. В тоже время укрепление торговых взаимоотношений давало татарам возможность постигать духовное наследие как среднеазиатских богословов, так и наследие остальных ханафитских регионов мусульманского мира. После издания указа Екатерины II о веротерпимости в 1773 г. обучение татар в таких среднеазиатских центрах, как Бухара, Самарканд, Кабул и др. приобретает легитимный характер, и идеи местных богословов превращаются в один из факторов, влиявших на формирование духовных взглядов богословов Поволжья и Урала.

Большинство шакирдов татар данного периода были учениками известных богословов Фаизхана ал-Кабули (ум. 1802 г.) и Ниязкула ат-Туркмани (ум. 1820/21 г.). Согласно источникам известно, что именно у них обучались Г. Утыз-Имяни и Г. Курсави, ставшие родоначальниками возрождения татарского богословия в конце XVIII – начале XIX вв. Об известном татарском богослове Ш. Марджани также известно, что он был учеником трёх суфийских шейхов накшбандийского ордена:’Убайдуллы ибн Нийазкули (ум. 1852 г.),’Абд ал-Кадира ал-Фаруки ал-Хинди (Сахибзадэ, ум. 1855 г.), Мазхара (Музхира) ибн Ахмада ал-Хинди (ум. в 1883 г.) [12: 285, 6: 168, 22: 72, 18: 181, 1: 168].

Важным фактом, при выявлении тенденций, оказавших влияние на возрождение и становление татарской богословской мысли, является то, что все упомянутые личности в дополнение к их учености были шейхами суфийского тариката накшбандийа-муджаддидийа. Изучая труды представителей самого раннего периода возрождения татарской общественной мысли, Г. Утыз-Имяни и Г. Курсави можно сделать вывод, что одной из главных тенденций того периода, оказавшей влияние на их творчество, были идеи среднеазиатских богословов-суфиев.

**Истоки накшбандийа в Поволжье**

Известно, что суфийский тарикат накшбандийа, мюридами которого становились татарские шакирды этого периода, зародился в конце XIV в. Основы данного ордена заложил известный святой из Средней Азии Баха’ ад-Дина Накшбанд (1318-1389). Ему удалось соединить воедино идеи и практику наставников более раннего периода Ахмада ал-Йасави и Абд ал-Халика ал-Гидждувани. Он же заложил и основы организационной структуры тариката. В итоге накшбандийа стала не только одним из двенадцати суфийских тарикатов, но и наиболее распространённым из них. В основу тариката легла идея, о необходимости в первую очередь жить в соответствии с предписаниями основных источников ислама, суть которых отражена в суннитском вероучении и правовой системе четырех суннитских мазхабов. Цепочка духовой преемственности тариката имеет два основных ответвления, одно из которых восходит к сподвижнику и другу Пророка Мухаммада Абу Бакру, а вторая к двоюродному брату Пророка и сподвижнику’Али ибн Аби Талибу [10: 187]. Главная идея накшбандийа сводится к тезису «Даст ба кор, дил ба йор» («Рука в труде, а сердце с Любимым (Аллахом)»).

Суть данного девиза сводится к тому, что аскеза мюрида должна проявляться не в формальном отрешении от мира, а быть его душевным состоянием. Согласно накшбандии, мюрид должен быть суфием-мирянином с социально активной позицией, которому следует жить не на подаяния, а добывать пропитание себе и своей семье своим трудом или коммерцией, принося пользу «хидма» людям.

В ходе распространения и развития тариката накшбандийа, в нём сформировалось несколько внутренних духовных путей, наиболее известными из которых были накшбандийа-муджаддидийа и накшбандий-халидийа. Основы второго были заложены индийским богословом, суфием, наставником Ахмадом Фаруки Сирхинди (1564-1624), который более известен по прозвищу «имам ар-Раббани» («Имам, посвятивший себя господу»). Деятельность Ахмада Сирхинди не была ограничена лишь духовным самосовершенствованием и наставничеством, а характеризуется гражданским протестом против правящей верхушки. Аннемари Шиммель указывает, что он выступил против императоров Акбара и Джахангира [23:284], которые пытались внедрять шиитскую традицию в своем государстве. Другие исследователи уточняют, что «Он выступил против религиозного синкретизма императора Акбара (1556-1605) и прошиитских настроений императора Джахангира (1605-1627)» [16:30]. Падишах Акбар, симпатизируя представителям индуизма, защищал их интересы и соответствующим образом выстраивал внутреннюю политику государства. В итоге это привело к «процессу размывания мусульманских ценностей, их смешение с ценностями иной религии» [18: 31]. Внутренняя политика императора Акбара привела к тому, что в империи Моголов начались гонения против суннитских богословов. Вследствие чего в последние годы правления шаха Акбара Ахмад Сирхинди не только выступил с осуждением, на его взгляд ошибочной конфессиональной политики государства, но также организовал социальный протест. Главной идеей, которую высказывал имам Раббани была необходимость вернуться к наследию пророка Мухаммада. Л. Гордон-Полонская по этому поводу указывала: «его учение было направлено, в первую очередь, против различных мусульманских и индуистских ересей» [7: 37].

Следующий император шах Джахангир, женившийся на шиитке, начал проводить государственную политику, выгодную шиитам. С этой целью по его приказу в Индию из Ирана были доставлены поэты-шииты, что стало причиной распространения шиитского учения. И вновь Имам Раббани открыто выступил против шаха. Идеи и социальная активность заставили его написать свой первый богословский труд, который был посвящён критике шиитских воззрений. В итоге он был заключён в тюрьму [23: 284]. Несмотря на это, ему удалось организовать широкое народное движение. Его ученики по всей империи активно выступали с проповедями, защищая суннитский ислам и призывая строго соблюдать предписания Корана и сунны [18:32].

Ахмад ас-Сирхинди написал множество богословских трудов, наиболее известными из которых являются его письма «ал-Мактубат». Из пятисот тридцати четырех писем семьдесят адресованы чиновникам могольского государства [23:284]. Позднее ученики шейха собрали эти письма в одну книгу. Этот труд был переведён с персидского на арабский язык известным татарским богословом Мурадом Рамзи, в результате он стал доступен большому числу мусульман.

Благодаря своему учению и социальной активности Ахмад ас-Сирхинди был назван «муджаддид алфи сани» – «Обновитель второго тысячелетия». Пользуясь военно-политической поддержкой Махабат-хана, одного из могольских вельмож, Ахмаду ас-Сирхинди вынудил шаха Джахангира пойти на компромисс и признать его требования. Благодаря богословской и общественной деятельности имама ар-

Раббани была сохранена суннитская идентичность мусульман Индии [18:33]. Кроме этого, его учение оказало значительное влияние на развитие духовной традиции во многих регионах мусульманского мира и Поволжья в частности.

**Выводы**

Суфизм оказал значительное влияние на развитие духовной традиции Волго-Уральского региона и Средней Азии. В настоящее время в обоих регионах наблюдается процесс возрождения этого духовного учения. И вероятнее всего популярность суфизма в этих регионах будет возрастать. Учитывая тот факт, что иногда он может играть существенную роль в социальной и даже внутриполитической жизни общества, его изучение представляется весьма актуальным.

Данное исследование показало, что на данный момент проблематика исторических взаимосвязей между суфиями двух регионов изучена недостаточно. Большинство работ имеют общий характер, и только в некоторых из них можно проследить связь между богословами двух регионов.

В рамках исследования была раскрыта преемственность между Фаизханом ал-Кабули, Ниязкулом ат-Туркмани,’Убайдуллой ибн Нийазкули,’Абд ал-Кадиром ал-Фаруки ал-Хинди (Сахибзадэ), Мазхаром (Музхиром) ибн Ахмада ал-Хинди (ум. в 1883 г.) и их учениками из Волго-Уральского региона, что дало возможность распространению накшбандийа-халидийа в Волго-Уральском регионе. Помимо этого есть необходимость в глубоком изучении биографий этих личностей, особенностей учения и практики, существование цепочки преемственности между ними и современными религиозными, духовными деятелями обоих регионов.

**Источники и литература**


1. Maras I., Turk Dunyasinda Dini Yenilesme (1850-1917). – Istambul: Otuken, 2002.
2. Абашин С.Н. Суфизм в Средней Азии: точка зрения этнографа // “Суфизм в Центральной Азии (зарубежные исследования). Сборник статей памяти Фритца Майера (1912-1998)” // Вестник Евразии. – 2001. – № 4. – С.117 – 141.
3. Абдурасулов У. “Дело о Ходжа Ахраре вернуть на доследование”: накшбандийский шайх в публикациях и личной корреспонденции советских востоковедов // Islamology. – 2017. – Т. 7. – № 2. – С.101 – 118.
4. Адыгамов Р.К. Роль Габдрахима Утыз-Имяни в изучении социокультурных и религиозных традиций татарского общества конца XVIII - первой трети XIX вв. // Диссертация на соискание учёной степени кандидата исторических наук. – Казань, 2006.
5. Аширов А.А., Пасилов Б.А. Зикр джахр в ритульной практике суфийских групп Средней Азии и его этнографические особенности // Этнографическое обозрение. – 2010. – № 5. – С.37 – 43.
6. Баруди Г. Мэржани хакында ижмалы мэгълумат // «Мэржани» жыентыгы (Сб. Марджани) . – Казань: «Иман», 2001 (транслитерация издания 1915) .
7. Гордон-Полонская Л. История Пакистана. – М., 1963.
8. Дорофеева Т.Г. Исламский мистицизм и его среднеазиатская практика // Россия и мировое сообщество: актуальные проблемы современности. – 2017. – С.39 – 50.
9. Идиятуллина Г.Г. Абу Наср Курсави и среднеазиатские истоки татарской общественной мысли конца XVIII – начала XIX веков (по материалам

тракта “ал-Иршад ли-л-ибад”) // Диссертация на соискание учёной степени кандидата исторических наук. – Казань, 2001.
10. Ислам (энциклопедический словарь) – М., 1991.
11. Исмаилов Л.Э. Мавераннахрский суфизм и священные захоронения (XVI В.) // Ученые записки худжандского государственного университета им. академика Б. Гафурова. Серия гуманитарно-общественных наук. – 2019. – № 4 (61). – С.24 – 28.
12. Марджани Ш. Мукаддимат вафийат ал-аслаф. – Казань, 1883.
13. Пылев А.И. Шейх Йусуф ал-Хамадани (1048/1049-1140) и его роль в развитии суфизма и суфийской литературы в Средней Азии // Творческое наследие Алишера Навои и современность. Сборник докладов Международной научно-практической конференции. 2018. – Издательство: ООО “4 Принт” – С.122 – 126.
14. Рахимов К. Тарикат хваджаган-накшбандийа и семь пиров // Пер. с узбек. яз. И.Р. Гибадуллина. – Казань: ИД «МеДДоК», 2020. – 180 с.
15. Сабиров Н.Р. Роль суфийских традиций в развитии татарской общественной мысли XVII-XVIII вв.: основные направления и проблематика // Автореферат диссертации на соискание учёной степени кандидата исторических наук. – Казань, 2013.
16. Салихова З.А. Возникновение теории воспитания и обучения Бахауддина Накшбанди // Россия – Узбекистан. Международные образовательные и социально-культурные технологии: векторы развития // Сборник материалов международной научной конференции. – 2019. – С.87 – 88.
17. Саттар хан А., Анвар З. Отважный защитник веры шейх Сирхинди // Ислам. – 2004. – № 1.
18. Сызранов А.В. Суфизм и суфии в Нижнем Поволжье // Восток. Афро-азиатские общества: история и современность. – 2008. – № 3. – С.27 – 38.
19. Фахретдин Р. Болгар вэ Казан тореклэре. – Казань, 1993.
20. Шагавиев Д.А. Шигабутдин Марджани как суфий // Минбар. Исламские исследования. – 2008. – С.35 – 46.
21. Шараф Ш. Мэржинен тэржемэи хэле // [сборник] Марджани. – Казань: Магариф, 1915.
22. Шиһабетдин Мэржани. – Казань: Рухият, 1998.
23. Шиммель А. Мир исламского мистицизма / А. Шиммель. – М.: Энигма, 1999.

## ФИЛОСОФСКИЕ ВЗГЛЯДЫ АЛЬ-ФАРАБИ И ИХ РОЛЬ В РАЗВИТИИ ОБЩЕСТВЕННОЙ МЫСЛИ ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ

***К.К. Бегалинова – доктор философских наук, профессор кафедры религиоведения и культурологи КазНУ им. аль-Фараби(Казахстан).***

«Наукой наук» в арабо-мусульманском мире считалась философия. Крупнейшим представителем философской мысли Востока, внесший огромный вклад в развитие общественных наук, является видный среднеазиатский философ, ученый-энциклопедист, один из основоположников аристотелизма на Ближнем и Среднем Востоке аль-Фараби. Деятельность его приходится на время правления династии Караханидов (X-XII вв.). К этому времени могущество величественной державы – Арабского Халифата постепенно падает, процессы распада Халифата

усиливаются и одновременно с этим укрепляется власть на перифериях. В этих государствах процессы феодализации всех сфер общества проходят особо интенсивно. Развиваются и укрепляются исламские институты. «Роль религии в жизни средневековых мусульманских народов была огромна, – пишет И.М. Фильштинский – Арабомусульманская империя, возглавляемая правителями, которые были не просто политическими, но прежде всего религиозными лидерами, с самого начала сложилась как государство теократическое» [1].

Действительно, суфизм в тех условиях выступал одной из форм идеологической оппозиции к господствующей идеологии караханидского общества. Как справедливо пишет В. В. Бартольд, опираясь на средневековых авторов, «...источник говорит о гонении, которому подвергались в то время суфии в перешедшем под власть турок Мавераннахре» [2]. Безусловно, эта противоречивая эпоха наложила определённый отпечаток на творчество выдающихся центральноазиатских мыслителей, к числу которых относится и аль-Фараби.

Абу Наср Мухаммад ибн-Мухаммад ибн-Тархан ибн-Узлаг аль-Фараби (873-950 гг.) родился в округе Фараб (г. Васидж, расположенный при впадении реки Арысь в Сырдарью) в семье, принадлежавшей к высшим слоям тюркской воинской элиты. В пределах Фараба проходило его детство. Здесь с ранних лет он начал жадно интересоваться различными науками. Свободно владел тюркским, арабским, персидским языками. Стремление к удовлетворению своих разносторонних научных и культурных запросов побуждает любознательного юного аль-Фараби покинуть родные места и переехать в столицу Аббасидского Халифата г. Багдад, который был центром культурной и научной жизни Халифата. Так начинается Багдадский период в жизни аль-Фараби, очень важный, в процессе которого сложилось его учение о человеке и мире, сформировался он сам как великий учёный и философ.

В Багдаде он интенсивно занимается изучением греческой философии, в частности аристотелевской, пишет свои первые научные трактаты на арабском и греческом языках, серьезно занимается изучением латыни, санскрита и других языков. Получив основательные знания, он переселяется в Сирию и примыкает к суфиям, которые впоследствии сыграют решающую роль в оформлении теоретической системы мыслителя.

Деятельность аль-Фараби энциклопедична, она охватывает многогранный спектр проблем онтологического, натурфилософского, гносеологического, логического и т.д. характеров. Он оставил заметный след в развитии многих наук и является автором более ста шестидесяти научных трудов по различным отраслям знаний – философии, языкознанию, музыке, математике, астрономии, физике, ботанике, минералогии, географии, истории, медицине. Прежде всего Фараби интересовали теоретические основания различных наук, их философский смысл. Много времени Фараби уделял изучению языков и в этом достиг поразительных результатов. В конце жизни он владел более чем семьюдесятью языками.

Аль-Фараби был глубоким знатоком эллинистической культуры. Его комментаторская работа охватывала почти все логические сочинения Аристотеля, его «Этику», «Риторику», «Поэтику», «Метафизику», философские труды Платона. Он также писал рецензии и комментарии на труды о движении небесных тел Птолемея, сочинения о психологии души Александра Афродизийского, на медицинские труды Галена и труды Эпикура, Зенона, Евклида, Порфирия. Комментарий аль-Фараби к «Метафизике» Аристотеля помог Ибн Сине постичь мудрость этой книги. Часто это были не просто пояснения к античным текстам, а парафразы, позволявшие их автору выражать собственные идеи как бы «от имени» авторитетного античного ученого. Важным аспектом творчества аль-Фараби

является его историко-философский анализ античного наследия. Особый интерес представляет сопоставление учений Платона и Аристотеля, которым он хотел подчеркнуть не их различие, а скорее сходство, общность стремления к истине, познаваемой с разных сторон. За этот вклад в науку аль-Фараби признали «Вторым учителем» (после Аристотеля) и назвали «Аристотелем Востока».

Будучи средневековым мыслителем, аль-Фараби не мог обойти стороной теологические проблемы, внести свой существенный вклад в разрешение некоторых из них, в особенности проблем, очерченных аш-Шахрастани в «Книге о религиях и сектах». Ими являются следующие проблемы: «Первое основоположение: божественные атрибуты и единобожие. Оно охватывает проблемы вечных качеств, разъяснение «качеств сущности» и «качеств действия» и того, что необходимо для Аллаха Всевышнего, что возможно в отношении него и что невозможно. Второе основоположение: предопределение и божественная справедливость. Оно охватывает проблемы непреложного приговора (Аллаха), предопределения, принуждения, касба, желания добра и зла, предопределённого и известного... Третье основоположение: обещания, угроза плена, решения. Оно охватывает вопросы веры, покаяния, угрозы, отсрочивания, обвинения в неверии, в заблуждении… Четвёртое осново-положение: откровение, разум, посланничество, имамат. Оно охватывает проблемы добродеяния, злодеяния, добродетели. «наилучшего», божественной благодати, непогрешимости в пророчестве, условий имамата: божественное установление по мнению одних или единодушное решение общины по мнению других…» [3]. При этом, как утверждают большинство исследователей, истоки теологических доктрин аль-Фараби нужно искать в «Метафизике» Аристотеля. В учении Стагирита аль-Фараби, прежде всего, привлекала его логика. Общеизвестно, что место и значение аль-Фараби в истории арабоязычной философии и средневекового философского мышления в целом определяется тем, что именно он осуществил трансформацию философии Аристотеля, в дальнейшем наложившим сущностный отпечаток на арабоязычный перипатетизм и воспринятую всеми последующими поколениями мусульманских философов. «…аль-Фараби, воспроизводя учение Аристотеля о первых и вторых сущностях, – пишет Г. Б. Шаймухамбетова, – выражает полное согласие с ним относительно проблемы субстанции, хотя надлежит отметить большую ясность и систематичность, а также факт сохранения и актуализации аристотелевского понимания содержательного, объективного характера категорий в качестве важнейших философских понятий» [4]. В самом общем виде онтогносеология аль-Фараби, зиждется на следующих фундаментальных аристотелевско-неоплатонических принципах: иерархичности в строении бытия и взаимозависимости всех ступеней этой иерархии при очевидном приоритете высшей ступени. Приведём в качестве примера одно из рассуждений аль-Фараби из малоиспользуемого его трактата «Жемчужины премудрости» (или «Геммы премудрости», как его иногда переводят). В 8 параграфе говорится о том, что высшая ступень, называемая им «Необходимо сущее» – Бог – есть такая же сущность, что и мир, Универсум, но только в форме единства, а мир – есть такая же сущность, что и Бог, только в форме множества. Другими словами, по своей сущности они подобны, но по форме различны. Необходимо сущего, т.е. Бога аль-Фараби называет первоначальным источником всякого истечения, причиной существования многообразия. «Существования многочисленны, и вместе с тем они делятся по ступеням в своём множестве. Субстанция (Первопричины) такова, что всякое бытие оттуда исходит, каково бы оно ни было, – совершенное или несовершенное; и также его субстанция такова, что когда все бытия оттуда исходят, в зависимости от своей ступени, и каждое из них получает часть и степень бытия,

ему предназначенные, вновь всё начинается с наиболее совершенного; продолжается это посредством того, что менее совершенно, и, таким образом, следует от несовершенного к ещё менее совершенному, завершаясь бытием, вне которого невозможно никакое другое существование и вне которого, следовательно, нет более бытия... Его субстанция такова, что когда бытия исходят из Него, в зависимости от своей ступени, они объединяются, скрепляются и упорядочиваются таким образом, что множества предметов образуют единую систему и становятся как бы единым бытием», - пишет аль-Фараби [5]. И хотя Аль-Фараби допускает существование бога в качестве первопричины бытия и перводвигателя, его философия выражает стремление разобраться в сложнейших вопросах познания и бытия. В его учении Бог (Первоначало) и мир неразрывно связаны. В трактате аль-Фараби утверждает, что Бог есть такая же сущность, как и мир, но воплощающая единство; мир же является такой же сущностью, как и Бог, но выражен в множестве. Необходимо сущее первоначало – это вселенная в форме единства. Именно поэтому философ так тщательно исследует состояния бытия, его формы: простые элементы – воздух, огонь, землю, воду; а также минералы, растения, животных, человека и небесные тела. Тем самым он подчеркивает объективное существование внешнего мира. Его философские взгляды оказали сильнейшее влияние на развитие арабоязычной философии. Как видим, зависимость учения аль-Фараби от аристотелизма и неоплатонизма в решении вопроса о принципах бытия не может вызывать сомнений. Но определяющим всё же остаётся аристотелевское влияние. Как пишет П. П. Блонский, если «Плотин своё учение о материи вполне определённо связывает с философией Платона», то отношение аль-Фараби к материи, к «чувственной очевидности» прямо противоположно [6]. В сущности мысль его движется в русле аристотелизма. Аль-Фараби материю рассматривает как самостоятельную онтологическую субстанцию, как реальность, объективно существующую основу материальных предметов. «…Первая материя является потенцией всех субстанции в поднебесьи, – пишет он. И далее: – …Форма существует благодаря материи, а материя является субстратом для форм. Формы не существуют сами по себе. Для своего существования они нуждаются в субстрате… Материя является началом и причиной в качестве субстрата форм» [7]. Следует отметить, что согласно учения аль-Фараби, подлинный мир функционирует в прямой зависимости от материи и в очень опосредованной – от Первопричины. На эту особенность онтологии аль-Фараби обращал внимание М.М.Хайруллаев. Характеризуя созданную аль-Фараби форму пантеистического, вернее холистского, истолкования бытия, он считает, что условно её можно называть натуралистическим пантеизмом.

Что касается теории неоплатонизма, то у неё аль-Фараби в основном заимствовал онтологическую систему, согласно которой он выделяет шесть принципов вещей: 1. божественный принцип или первая причина, 2. вторичные причины или небесные сферы, 3. активный интеллект, 4. душа, 5. форма, 6. абстрактная материя. У аль-Фараби так же, как и у неоплатоников, материя занимает самое низшее место в системе мироздания. Но если последние рассматривали материю как нечто пассивное, инертное, порочное начало, то аль-Фараби придаёт ей иные противоположные свойства. Материя аль-Фараби активна, самостоятельна, вечна, она является порождением самой себя. Материя, как и у неоплатоников, является результатом эманации. Эманация, по аль-Фараби, нисходит от высших сфер к низшим. Что касается высшей ступени эманации – Бога, то аль-Фараби ему отводил лишь роль «первичной причины» Создателя мира и, лишив его всякой акциденции, рассматривал как безличное абстрактное существо [8]. Как пишет М. М. Хайруллаев, «в системе Фараби Бог настолько отдалён от материи, от природы,

что до неё почти не доходит воздействие его мощи и воли, его управление растворяется, обессиливается на промежуточных ступенях, и материя остаётся хозяином самой себя» [9].

Гносеология мыслителя, покоясь на его онтологии, исходит, с одной стороны, из признания Первой причины всего сущего – Аллаха, а с другой стороны, человек сам является обладателем творческого начала, дарованного ему Богом - разума. Поэтому при решении гносеологических проблем аль-Фараби отстаивает общую для всех мусульманских течений мысль о космическом «деятельном» или «активном» Разуме. Подобно тому, как мы не можем видеть предмета, пока он не освещён лучами Солнца и света, точно так же человеческий разум бессилен, пока он не озарён искрой мирового активного разума. В космологии аль-Фараби учение о разуме выступает как учение о десяти разумах, в гносеологии как учение о трёх разумах: страдательном, действительном и приобретённом. По аль-Фараби, единство с Деятельным Разумом составляет цель жизни человека [10].

Бог аль-Фараби, как и коранический, так же совершенен, добр, как идея Красоты и Добра у Платона, он является совершенством и Красотой в своей наивысшей степени. Бог аль-Фараби является абсолютным и трансцендентным. Концепция абсолютного Бога, удовлетворявшая его, в некоторой мере была чужда античному мышлению. Как пишет И. Мадкур, «Если греческая философия выводила божественный элемент путём анализа реального мира, то у аль-Фараби вся космология исходит от него. По всей вероятности здесь заметно влияние неоплатонизма» [11]. Несмотря на подобный синкретизм, следует заметить, что преобладающий элемент теологии аль-Фараби аристотелевского происхождения. А эта теология, как видим, является основой всей системы аль-Фараби.

С учением о Боге связана теория профетизма. Проблемы профетизма большинство мыслителей включают или в психологию, или в этику, или в политику. Так, аль-Фараби рассматривает её в тесной связи с учением о государстве, выделяя проблему пророка как главы добродетельного города. Необходимо подчеркнуть, что заслуга аль-Фараби состоит и в том, что он первым разработал учение об особенностях и структуре общественной жизни, выделил науку о государственном управлении в отдельную научную дисциплину, поставил такие вопросы, как предмет и задачи науки об общественной жизни; происхождение и виды общественных объединений; функции государства, его особенности и формы управления; место и обязанности человека в обществе, вопросы нравственного и интеллектуального воспитания молодёжи; конечная цель государства и способы достижения всеобщего счастья. Все эти проблемы подробно рассматриваются в таких трудах аль-Фараби, как «Трактат о взглядах жителей идеального города» (его теории построены для отдельно взятого города-государства), «Гражданская политика», «Книга о войне и мирной жизни», «Афоризмы государственного человека», «Книга изучения общества», «Трактат о достижении счастья», «Указание путей счастья», «О добродетельных нравах». По Ал-Фараби, к наукам об общественной жизни относятся политическая наука (ал-маданийа), юриспруденция (фикх) и мусульманская теология (калам). Искусство управления предполагает как теоретические знания общих законов управления, так и практическую деятельность по управлению. Их сочетание делает управление гибким и сильным.

Добродетельный город согласно аль-Фараби должен составлять единый организм, единое целое, члены которого занимаются своими занятиями в соответствии с их способностями. «Добродетельный город подобен совершенному, здоровому телу, все органы которого помогают друг другу с тем, чтобы сохранить жизнь живого существа и сделать её наиболее полной, – пишет аль-Фараби. – Как

органы тела различаются между собой, превосходя друг друга по своей природе и своим способностям (так, они состоят из одного главного органа – сердца; органов, приближающихся к этому главному органу по своим степеням, каждый из коих от природы наделён определённой способностью ... – точно так же и члены городского объединения различаются между собой по своей природе, превосходя друг друга по своему положению» [5]. Сердцем этого организма является глава государства, функции которого являются наиболее благородными и наиболее важными. Роль главе отводится и политическая, т.к. Он является верховным правителем всего города, его министры и помощники выполняют только его приказы, и этическая, т.к. является образцом подражания для всех граждан и примером, которому они следуют. Глава добродетельного города – «это – человек, который достиг совершенства и стал разумом и понятием в действии. Это – человек, у которого способность воображения естественным путём достигла указанной нами высшей степени совершенства. Способность эта естественным образом предрасположена к восприятию как в момент бодрствования, так и в момент сна от деятельного разума индивидуальных вещей… Если это происходит в обеих частях его способности мыслить – в теоретической способности и способности практической, - а затем в его способности воображения, то тогда этот человек будет как раз тем, кто воспринимает откровение, а Аллах (велик Он и всемогущ) открывается ему через посредство, деятельного разума. То, что, переполнившись, переливается от Аллаха,.. к деятельному разуму,.. – к его страдательному разуму через посредство приобретённого разума, а затем – к его способности воображения. И человек этот благодаря тому, что переливается от него в его воспринимающий разум, становится мудрецом, философом, обладателем совершенного разума, а благодаря тому, что перетекает от него в его способность воображения – пророком, прорицателем будущего и истолкователем текущих частных событий – и всё это благодаря тому существованию, в котором он познаёт божественное» [5]. Аль-Фараби отмечает, что место главы добродетельного города сравнимо с местом Бога во Вселенной, он «обладает высшей степенью человеческого совершенства и находится на вершине счастья» [5]. Точно так же, как отдалённые разумы и двигатели небесных сфер обретают свою силу и своё совершенство, устремляясь к Первому бытию, точно так же счастье членов добродетельного города состоит в воссоединении своему главе. Все члены такого городского объединения, говорит аль-Фараби, должны посредством своих действий следовать цели первого главы города - каждый в соответствии со своей степенью. «В городе есть определённый человек – глава и прочие люди, приближающиеся к этому главе по своим степеням, каждый из которых согласно собственному положению и способностям осуществляет то действие, которого требует преследуемая главой цель» [5]. Правителем добродетельного города не может быть любой человек. Управление выпадает только тому, кто предрасположен к нему от природы.

Как видим, в философской системе аль-Фараби нашлось место мистико-теологическим проблемам богопознания, профетизму, откровению и т.д. На этом основании мусульманские исследователи считают аль-Фараби рьяным приверженцем суфизма. Отмечая мистический характер философии аль-Фараби, большинство источников ссылаются на то, что мыслитель всегда находился в уединении, вёл умеренный образ жизни, избегал роскоши, большую часть своего времени проводил у подножия гор, садов и ручейков и там же написал свои произведения. Другие же источники утверждают, что аль-Фараби не только вёл аскетический образ жизни, но и ходил в суфийской рубахе, а когда он скончался,

халиф Сайд ад-Даула, надев также суфийскую рубаху, вместе со всеми своими приближёнными читал молитву над погребением.

Этическое учение аль-Фараби продолжало и развивало прогрессивные традиции эвдемонизма в этике, который признавал основным источником нравственности стремление человека к счастью. Под достижением счастья аль-Фараби понимал все активные действия человека на путях нахождения им своего предназначения и места в жизни. аль-фарабиевская этика провозгласила чистоту сердец и рук, социальную справедливость, совестливость в отношениях между людьми. Главным в человеке, по аль-Фараби, выступает душевное начало (сердце), которое отождествляется с зеркалом, отражающим поступки человека. Человек был, есть и будет частью Вселенной, космоса, мира. Человек не может быть центром, царём, мастером, хозяином Земли, Космоса. Гениальный ум мыслителя аль-Фараби уводил в сторону от этих захватывающих эпитетов в адрес человека. Эта интуиция, связь с родными корнями помогла ему, раскрывая проблемы человека и Бога, человека и мира выразить основную тенденцию, главенствующую линию в трактовке этой проблемы. В этом вечность, внеисторичность аль-Фараби, его принадлежность всему человечеству во все времена, для всех народов. В этом его величие, сопричастность его прошлому, настоящему и будущему мира и человека.

Итак, учение аль-Фараби выступает этапом, эпохой в развитии мусульманской философии, науки, которые трудно представить без этого имени. Естественнонаучные, философские и социологические воззрения аль-Фараби, гуманные и прогрессивные в своей основе, сыграли важную роль в развитии мировой науки. Современный исследователь А. Машанов отмечает, что труды аль-Фараби сыграли большую роль в процессе европейского Возрождения. [12] Произведения аль-Фараби были известны знаменитым ученым Леонардо да Винчи, Бэкону, Копернику, Кеплеру, Лейбницу и многим другим.

**Использованная литература:**


1. Фильштинский И.М. Арабоязычная средневековая культура. – С.45.
2. Бартольд В.В. – Соч. т.2, ч.1. – М., 1963. – С.235.
3. Аш-Шахрастани. Книга о религиях и сектах. – М., 1984. – С28-29.
4. Шаймухамбетова Г.Б. Арobоязычная философия средневековья и классическая традиция. – М., 1979. – С.65.
5. Аль-Фараби. Философские трактаты. – Алма-Ата, 1970. –С.228-229.
6. Блонский П.П. Философия Плотина. – М., 1918. – С.95-96.
7. Аль-Фараби. Социально-этические трактаты. – Алма-Ата, 1973. – С.84,56.
8. Аль-Фараби. Существо вопросов // Избранные произведения. – М., 1961. – С.167.
9. Хайруллаев М.М. Мировоззрение аль-Фараби и его значение в истории философии. – Ташкент: «ФАН», 1967. – С.199.
10. Аль-Фараби. Жемчужины премудрости. //В кн. Философские произведения аль-Фараби. – Лейден. 1890. (на нем. яз.)
11. Madkour I. La plase d al-Farabidans I ecolephilosophigue musulmane. – Paris. 1969. – P.58.
12. Абдунабиев А. Вклад в мировую цивилизацию. – Ташкент. «Ўзбекистон», 1998. – С.45.

## МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚАРО МАДАНИЙ АЛОҚАЛАР ТИЗИМИДА

*Ў. Мавланов – т.ф.д., проф., Ўзбекистон миллий университети.*

Қадимги давр ва ўрта асрлардаги турли ҳудудлар ўртасида олиб борилган кенг кўламли мулоқотда ижтимоий-сиёсий ва маданий-ғоявий таъсир алоҳида ўрин тутади. Айрим ҳолларда ғоявий-маданий таъсир натижалари сиёсий-иқтисодий таъсирларга қараганда кўпроқ ўзгаришларни келтириб чиқарганлигини кўриш мумкин. Илк маданий алоқалар натижасида турли хўжалик соҳаларидаги ютуқлар, технологик янгиликлар ҳам босқичма-босқич тарқалиб, бу жараён цивилизациянинг бирламчи ва иккиламчи марказларининг пайдо бўлишига олиб келган асосий омиллардан бири бўлганини Қадимги Шарқ цивилизацияси марказлари мисолида кўриш мумкин [1].

Турли ижтимоий-иқтисодий ва табиий-географик омиллар сабабли маданий тараққиёт ер юзининг турли минтақаларида турлича ривожланиб, бу ҳолат, бир томондан, илк цивилизациялар ва уларнинг перифериялари (чекка ҳудудлари) пайдо бўлишига олиб келган бўлса, иккинчи томондан, барча тарихий даврларда маданий алоқаларга бўлган эҳтиёжни сақлаб турарди. Цивилизация марказларининг чекка ҳудудларга маданий таъсири иқтисодий-маданий ҳаётнинг турли соҳаларидаги янгиликлар ва ютуқларнинг ёйилишига олиб келган асосий омил сифатида тарихнинг энг қадимги даврларидан бошлаб етакчи ўрин тутиб келди. Шу ўринда ҳар қандай маданият ривожи, биринчи галда, ички сабаблар билан белгиланишини таъкидлаб ўтиш керак. Чунки ҳеч қайси қабила ва халқ четдан олиб келинган иқтисодий-маданий янгиликларни, агар улар бу янгиликларни қабул қилиб олишга тайёр бўлмасалар, ўзлаштира олмаслигини кўплаб тарихий мисоллар ҳам кўрсатади [2].

Марказий Осиёнинг қадимги давр ва ўрта асрлардаги маданий алоқалари тарихининг илк, қадимги ва ўрта асрлар даври босқичларини ажратиб кўрсатиш мумкин. Тадқиқотчилар илк босқич энг қадимги даврдан бошлаб мил. авв. I минг йиллик бошларигача, қадимги давр босқичи аҳамонийлар давридан илк ўрта асрларгача давом этганини, ўрта асрлар босқичи эса илк ва ривожланган ўрта асрлар, Амир Темур ва темурийлар даври ҳамда сўнгги ўрта асрлар даврларига бўлинишини қайд этадилар [3].

Ўрта Осиё ва Қадимги Шарқ дунёси ўртасидаги маданий таъсир ва алоқалар тош давридаёқ бошланган. Ўрта Осиёнинг жанубий ва марказий ҳудудларининг Қадимги Шарқ цивилизациялари марказлари билан ўзаро маданий мулоқоти янги тош даврида бошланиб, энеолит ва бронза даврида ўзининг ривожланган палласига кирди. Ўрта Осиёнинг жанубий вилоятлари узоқ давом этган бу давр давомида Шарқ цивилизациясининг илк ўчоқларидан келаётган иқтисодий ва технологик таъсир (суғорма деҳқончилик ва ўтроқ маконларнинг пайдо бўлиши, ҳунармандчиликда кулолчилик чархининг жорий этилиши, мис ва бронза металлургиясининг бошланиши, илк шаҳарсозлик маданияти ва давлат бошқаруви асосларининг шаклланиши) доирасида бўлиб келишди [4].

Илк темир ва аҳамонийлар даври Ўрта Осиё ва Қадимги Шарқ ўртасидаги ўзаро маданий таъсирнинг янги босқичини бошлаб берди. Маданий алоқаларнинг бу янги босқичида Ўрта Осиёда дастлабки танга пуллар пайдо бўлди, Хоразм, Бақтрия ва Суғд ёзувига асос бўлган оромий алифбоси кириб келди. Бу даврда минтақамиз шимолида қадимги туркий ёзувлар ҳам пайдо бўлади. Бу ҳақда Ўзбекистон ҳудудидан топилган қадимги туркий битиклар [5], Олмаотадан 50 км. шарқда, Иссиқ дарёси бўйида жойлашган қадимги мозор-қўрғондан топилган кумуш идишдаги

туркий ёзув далолат беради. Туркийшунос олимлар мил. авв VI-V асрларга оид бўлган Иссиқ ёзуви Урхун-Енисей алифбосининг қадимги Олтой диалектида ёзилганлигини қайд қилиб ўтишган [6].

Шу билан бирга, мил. авв. I минг йиллик бошларида минтақамизда шаклланган Марғиёна, Суғдиёна, Бақтрия ва Хоразм каби тарихий-маданий вилоятлар шарқ цивилизациясининг илғор техник ютуқларини қабул қилувчи ва бошқа ҳудудларга тарқатувчи ҳудудлар бўлибгина қолмасдан, балки қадимги Шарқнинг қўшни вилоятлари маданиятидан анча фарқ қиладиган, маҳаллий анъаналарга ва тараққиётнинг ўзига хос хусусиятларга эга бўлган юксак ривожланган Ўрта Осиё маданияти марказларига айланишди. Хусусан, кейинги йиллардаги тарихий тадқиқотлар натижаларини таҳлил қилиб, мил. авв. VI-IV асрларда Хоразм, Суғд, Бақтрия ва Марғиёна маданияти маҳаллий анъаналарга асосланганлигини ва бу вилоятлар моддий маданияти Эрон аҳамонийлари маданиятидан тубдан фарқ қилганлигини кўриш мумкин [7].

Шу тариқа, ўзаро маданий ҳамкорлик икки томонлама бўлиб, ҳатто илгари цивилизациянинг иккиламчи ўчоқлари ҳисобланган Ўрта Осиё вилоятларидан цивилизациянинг илк ўчоқларга ғоявий таъсир юз берди. Буни биз асл ватани Хоразм бўлган зардуштийлик динининг Эронда, Афғонистон ва Ҳиндистон шимолида тарқалиши ва катта таъсирга эга бўлиши мисолида ҳам кўрамиз [8].

Александр Македонский юришларидан кейин Ўрта Осиёда Ғарб маданияти таъсири бошланиб, у салавкийлар даврида ўзининг юқори чўққисига чиқди. Бу давр Ўрта Осиёнинг ташқи маданий алоқалари тарихидаги янги босқич бўлиб, бу антик даврни (мил. авв. IV аср охирларидан – мил. IV асргача) ўз ичига олади. Бу даврда Ўрта Осиёнинг бир қатор вилоятлари (Бақтрия, Парфия, Марғиёна, Суғдиёна) маданиятида маҳаллий ва юнон (эллинистик) маданий анъаналарининг ўзаро қўшилиши – синтезини юзага келиб, минтақанинг жанубий ҳудудларида юнон алифбосига асосланган ёзув, танга пуллар ва ўлчов бирликларининг янги тизими, турли санъат буюмлари тарқалди. Шу билан бирга Ўрта Осиёда ва Афғонистон шимолида яшаётган юнон-македонлар қурилиш, меъморчилик ва ҳунармандчиликда маҳаллий анъаналарни қабул қилдилар, қадимги маҳаллий динлар юнонлар диний қарашлари ва антик мифология образлари билан қўшилиб кетди. Эллинизм маданияти анъаналари юнонлар бошқарувидан анча кейин, кушонлар салтанати даврида ҳам сақланиб қолгани бу маданий таъсирнинг маҳаллий халқ ичига анча чуқур сингиб борганлигини кўрсатади [9].

Кушонлар даври Марказий Осиё минтақаси маданий алоқаларида янги йўналишни келтириб чиқарди. Бу алоқалар Марказий Осиёда буддизмнинг кенг ёйилиши [10] бадиий маданиятда янги оқим – юнон-ҳинд ва буддизм санъатлари қўшилиши (синтези) маҳсули бўлган Гандхара мактабини юзага келтирди. Бу Айритом шарафа безакларида, Будда ва Бодхисатва ҳайкалларида, шунингдек Ўзбекистон жанубидаги Фаёзтепа, Қоратепа ва Далварзинтепадан топилган тасвирий санъат намуналарида акс этган [11]. Холчаён ёдгорлигидан топилган ҳайкалларда Ҳиндистон, Ўрта Осиё, Эрон ва Шарқий Туркистонда учрайдиган “Дионис мавзуси” кўзга ташланиши [12] Ўзбекистон жанубининг Марказий Осиё маданий алоқалари тизимида тутган аҳамиятини кўрсатиб туради. Бу даврда Будда таълимоти Марказий Ўрта Осиё орқали Шарқий Туркистон ва Хитойга ҳам тарқалгани, Хитойдан эса Шарқий Туркистонга кириб келгани [13] маданий таъсирнинг яна бир ёрқин кўринишидир.

Мил. авв. II аср сўнгги чорагидан, яъни Буюк ипак йўли тармоқларининг шаклланишидан бошлаб, Ўрта Осиё ва Хитой ўртасидаги маданий алоқалар бошланди. Фарғона водийсининг антик даврга мансуб кўплаб маконларидан

Хитойдан келтирилган ойна буюмлар [14], у-шу, кай юань тун бао типидаги тангалар [15] ва Хитой ипагидан тайёрланган ипак матолар ҳамда бошқа кўплаб маҳсулотлар топилганлиги маълум. Фарғона водийсидан эса хитойликларнинг ҳарбий-стратегик интилишларида катта ўрин тутган самовий отлар ва Хитой қишлоқ хўжалигида ва ҳунармандчилигида катта иқтисодий ўзгаришларни келтириб чиқарган беда экиш, узумчилик, пахта етиштириш, бодринг ва бошқа полиз маҳсулотларини маданийлаштириш [16], рангли шишалар тайёрлаш сир-асрорлари ўзлаштирилди [17].

Қадимги Хитой манбаларида Фарғонанинг узумдан тайёрланган ароғи узоқ йиллар бузилмай туриши ва қуввати билан Хитой ароғидан устун туриши ҳақидаги маълумотлар ҳамда тандир нон ва сомса Хитойга Ўрта Осиёдан кириб борганлиги, илк ўрта асрларда Хитойда туркистонликларнинг ошхоналари кенг ёйилганлиги ҳақидаги мутахассислар фикри ҳам [18] минтақамизнинг Хитой кулинария (ошпазлик) санъатига катта таъсир кўрсатганини исботлайди.

Марказий Осиё халқларининг мусиқа ва рақс санъати қадим асосларга эга бўлиб, бу ҳақда мусиқа асбобларининг сопол, суяк ва бошқалардан ишланган нусхалари, айрим бадиий безаклар ва деворий тасвирлардаги маълумотлар ва мусиқа илмига бағишланган махсус рисолалар далолат беради. Қадимги даврда ва ўрта асрларда минтақамизнинг турли ҳудудларида мусиқа ва ашулла ҳамда рақс санъатидаги ўзига хос йўналишлар узил-кесил шаклланди. Минтақа ижтимоий-маданий ҳаётида катта ўрин тутган бу санъат ютуқлари минтақа тарихий-маданий вилоятларининг бир-бири билан ҳамда қўшни халқлар билан маданий алоқалар асосида ривожланиб келгани эътиборга лойиқдир. Хусусан, илк ўрта асрларда Ўрта Осиё мусиқа асбоблари, рақс санъати Хитойда катта эътибор қозонгани [19], Ҳиндистон ва Ўрта Осиё мусиқаси санъатида ҳамкорлик анъаналари [20] ва бошқаларни айтиб ўтиш мумкин. Ўрта асрларга келиб минтақа мусиқа ва рақс санъатида ҳинд, эрон, араб ва бошқа халқлар билан ҳамкорлик ҳам мавжуд бўлиб, изчил ривожланиб келгани маълум.

Умуман олганда, Ўрта Осиёнинг турли тарихий-маданий вилоятлари тарихнинг энг қадимги давридан бошлаб ўзаро ва қўшни халқлар билан қалин маданий муносабатда бўлиб келдилар. Бу маданий алоқалар ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг турли соҳаларидаги ҳамкорлик, турли технологик ютуқларни кенг миқёсда ўзаро алмашиш, савдо-сотиқ ва элчилик муносабатлари, ҳунармандчилик, меъморчилик, ҳайкалтарошлик, тасвирий санъат ва маданиятнинг бошқа соҳаларидаги ўзаро таъсир, диний-фалсафий қарашлар ва аҳлоқий мезонлар алмашинуви, маълумотлар, янгиликлар ва илм-фаннинг турли соҳаларидаги ҳамкорлик, ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларидаги технологик янгиликларнинг, ёзув ва нумизматик жараёнларнинг тарқалиши ва бошқа кўринишларда амалга оширилиб келинди. Бу жиҳатдан минтақанинг қадимги йўллари, айниқса Буюк ипак йўли бўйлаб амалга оширилган маданий мулоқотнинг аҳамияти ниҳоятда катта бўлди. Минтақанинг асосий карвон йўлларидаги савдо карвонлари таркибида ҳунармандлар, олимлар, шоирлар ва мусиқачилар ҳам бор эди. Тадқиқотчилар бу жиҳатдан илк ўрта асрларда минтақа халқлари, хусусан, суғдийларнинг шарқнинг улкан худудида турли маданий анъаналар ва динлар (зардуштийлик, буддизм, насронийлик, монийлик)ни ёйиш ва жорий қилишда ҳам катта ўрин тутганлигини, шу билан бирга бу ўзаро алоқалар бир томонлама бўлмасдан, маданий таъсир Шарқдан Ғарбга – Хитойдан Ўрта Осиёга, Эронга, Олд Осиёга ҳам тарқалганини муҳим аҳамиятга эгадир [21]. Ривожланган ўрта асрларда минтақанинг маданий алоқалари ривожида марказлашган давлатларнинг пайдо бўлиши, илм-фаннинг турли соҳаларида, моддий ва маънавий ҳаётда эришилган ютуқлар асос бўлди [22].

Ўрта асрлар давридаги маданий алоқалар, ягона дин, ёзув, давлат бошқаруви ва ижтимоий ҳаётдаги яқинлик минтақанинг турли ҳудудларида умумминтақавий маданият шаклланишига олиб келиши билан бирга барча мусулмон мамлакатлари маданиятида ҳам умумийлик ва яқинликни келтириб чиқарди. Бу даврда Ўрта Осиё маданияти ҳақида гапирганда минтақа халқлари менталитетига хос бўлган муҳим бир хусусиятни, яъни барча тарихий даврларда бу ҳудудда ҳайратда қоларли бағрикенглик бўлганини таъкидлаб ўтиш керак [23]. Бунга биринчилардан бўлиб швецариялик олим А.Менц эътибор қаратгани ҳам муҳимдир [24].

Шу тариқа, Ўрта Осиё халқларининг маданий алоқалари ўтган тарихий даврлар давомида эзгулик, бунёдкорлик ва умуминсоний тараққиётга хизмат қилиб келди. Бу Ўрта Осиё цивилизациясининг бош ғояси сифатида бугунги кунда ҳам амалда бўлиб келаётганлигини, аждодларимиз асос солган ўлмас ғоялар давом этаётганлигини алоҳида қайд қилиб ўтиш керак. Буни Ўзбекистоннинг ташқи маданий алоқалари ва мамлакатимиздаги маданий тараққиёт мисолида ҳам кўрамиз.

**Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати**


1. Ртвеладзе Э.В., Саидов А.Х., Абдуллаев Е.В. Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси: давлатчилик ва ҳуқуқ тарихидан лавҳалар. – Тошкент: Адолат, 2001. – Б. 46.
2. Махкамова Д Узбекистан в системы международных культурных связей (особенности и законамерности исторического развития) // Дисс... на соиск. уч. степ. канд. ист. наук. – Ташкент, 2005. – С. 47.
3. Мавлонов Ў., Махкамова Д. Маданий алоқалар ва савдо йўллари – Тошкент: Академия, 2004. – Б. 12-13; Махкамова Д. Узбекистан в системы международных культурных связей (особенности и законамерности исторического развития): Автореф. дисс. на соиск. уч. степ. канд. ист. Наук. – Т., 2005.
4. Мавлонов Ў., Махкамова Д. Маданий алоқалар ва савдо йўллари. – Б. 13.
5. Содиқов Қ. Кўк турк битиклари: матн ва унинг тарихий талқини. – Ташкент, 2004. – Б. 10-20.
6. Акишев К.А. Курган Иссык. – М., 1978., Иссиқ қўрғони. Ўз МЭ, 4-жилд. – Тошкент: Ўз МЭ ДИН, 2002. – Б. 262-263.
7. Сагдуллаев А.С., Аминов Б., Мавлонов Ў., Норқулов Н. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. – Тошкент: Академия, 2000. – Б. 11.
8. Сагдуллаев А.С. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда. –Тошкент, 1996. – Б. 16-22.
9. Сулайманова Ф. Шарқ ва Ғарб. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997; Пидаев Ш. Сирли кушонлар салтанати. –Тошкент, 1992.
10. Шагалина Н.Д. Историко-культурная и историко-региональная интерпретация бактрийской терракоты долины Окса III в. до н.э. – III в. н.э.: Автореферат на соискание ученой степени кандидата исторических наук. – Ташкент, 2006.
11. Пугаченкова Г.А. Из художественной сокровищницы Среднего Востока. – Ташкент, 1987; Ўша муаллиф. Предметы иноземного импорта на Среднеазиатских трассах Великого шелкового пути // На Среднеазитаских трассах Великого шелкового пути. Очерки истории и культуры. – Ташкент: Фан, 1990. – С. 35-36.
12. Далварзинтепа – кушанский город на юге Узбекистана. – Ташкент, 1978. – С. 211.

**13.** Пугаченкова Г.А. Предметы иноземного импорта на Среднеазиатских трассах Великого шелкового пути. – С. 35-36.

**14.** Заднепровский Ю.А. Трансазиатский степной путь – ветвь Шелкового пути по археологическим данным // Древние номады Центральной Азии. – СПб., 1997. – С. 79-82.

**15.** Горбунова Н., Ивочкина Н. Монеты у-шу из могильников Ферганы // Сообшение Гос. Эрмитажа. – Л., 1988. – С. 45-50.

**16.** Бичурин Н.Я (Иакинф). Собрание сведение о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. В трех частях. – Алмата: ТОО “Жалын Баспасы”, 1998. – Ч. II. – С. 166; Ширинов Т.Ш., Зайнобиддинов С.З. Буюк ипак йўли ва Фарғона водийси // Буюк Ипак йўли ва Фарғона водийси: Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Тошкент, 2004. – Б. 7-10.

**17.** Шефер Э. Золотые персики Самарканда. Книга о чужеземных диковинах в империи Тан / Пер. Е.В. Зеймаля и Е.И.Лубо-Лесниченко. – М.: Наука, 1981. – С. 331.

**18.** Хўжаев А. Фарғона водийсининг Хитой билан савдо алоқалари // Мозийдан садо. – Тошкент, 2005. № 1 (25). – Б. 46-47.

**19.** Пугаченкова Г.А., Ремпель Л.И. История искусства Узбекистана. – М., 1965; Малькеева А.А. Значение Великого шелкового пути в расширинии международных музыкалных связей // На Среднеазиатских трассах Великого шелкового пути. Очерки истории и культуры. – Ташкент: Наука, 1990. – С. 39-59.

**20.** Джумаев А.Б. О взаимосвязах музыкальных культур Средней Азии и Индии // Индия и Центральная Азия (доисламский период). – Ташкент, 2000. – С. 153-156.

**21.** Ртвеладзе Э.В. Великий шелковый путь. – Т., 1999; Ўша муаллиф. Цивилизации, культура, государственности Центральной Азии. – Т., 2005.

**22.** Хайруллаев М.М. Ўрта Осиёда илк ўйғониш даври маданияти. – Т., 1994.

**23.** Мавлонов Ў. Илк мусулмон Уйғониш даври ва диний бағрикенглик // Бағрикенглик – жамият барқарорлигининг асоси: Илмий-амалий анжуман материаллари. – Тошкент., 2003. – Б. 121-123.

**24.** Менц А. Мусулманский реннесанс. – М., 1966. – С. 39-44.


## МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ҚАДИМГИ ШАҲАРЛАРИ ТАРИХИ БЎЙИЧА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ НАТИЖАЛАРИ

***Б.Ж.Эшов – т.ф.д., профессор. Қарши давлат университети.***

Мустақиллик йилларида минтақа ҳудудидаги шаҳарларнинг шаклланиши ва ривожланиши масалаларини ўрганиш янги поғонага кўтарилди. Бунга энг аввало, тарихий жараёнлар тараққиётига формацияли ёндашувдан воз кечилганлиги муҳим туртки бўлди. Бу даврда урбанизация тарихининг бошланишида турли синфлар ўртасидаги ўзаро зиддиятлар эмас, балки жамият тараққиётининг зарурий эҳтиёжлари асосий омил эканлиги тўғрисидаги хулосалар турли нашрларда ўз аксини топди [1].

XX асрнинг 90-йилларидаги илмий изланишлар асосан шу даврга қадар амалга оширилган тадқиқотларнинг умумлаштирилиши, қиёсий таҳлилини ўзида акс этади. Жумладан, А.А. Асқаров илмий мактаби аъзолари томонидан давом

эттирилган тадқиқотлар натижасида Жанубий Ўзбекистон ҳудудларида илк шаҳарсозлик маданияти тарихига оид маълумотлар доираси анча кенгайди.

1993 йилда А.А. Асқаров ва Т.Ш. Шириновлар ҳаммуаллифлигида чоп этилган монография муҳим аҳамиятга эга бўлди [2]. Мазкур асарда Ўрта Осиёнинг жанубида шаҳарсозлик маданиятининг вужудга келиши бронза даври билан боғланиб, ушбу масала бўйича мавжуд ёндашувлар таҳлил қилинган.

Марғиёна ва Бақтрия ёдгорликларидан топиб текширилган археологик материаллар диссертацияларда таҳлил этилди [3]. Бу тадқиқотлар илк шаҳарлар ўрганилиши тарихида янги босқични юзага келишига, шунингдек, кўп йиллик тадқиқот натижаларининг қайта кўриб чиқилишига асос бўлди.

М.М. Мамбетуллаев Хоразм ҳудудларида шаҳар тараққиёти масалаларини комплекс ўрганиш натижасида воҳада урбанизация жараёнларининг юқори босқичи илк темир даврига тўғри келганлигини ҳамда мазкур даврда Қўзалиқир қўҳна шаҳри бунинг исботи эканлигини таъкидлаб ўтди [4]. Шунингдек, тадқиқотчи томонидан воҳадаги урбанизация жараёнларининг кейинги босқичлари ҳам махсус даврларга ажратилди.

Бу давр Хоразм моддий маданиятини ўрганган тадқиқотчиларнинг эътироф этишларича, Хоразмдаги ўзига хос маданият соҳиблари Жанубий Туркманистон ва Шимоли-Шарқий Эрон ҳудудларидаги қадимги деҳқончилик цивилизациялари билан узвий алоқада бўлганлар [5]. Ю.А. Рапопортнинг фикрига кўра, бу ҳолат архаик Хоразм кўчманчи аҳолисининг минтақа жанубидаги цивилизация ютуқларидан фойдаланиши учун кенг имкониятлар яратиб, мил.авв. VII – VI асрларда Қадимги Хоразм давлати пайдо бўлишига туртки бўлган эди [6]. Бу жараён аввало, Сариқамишолди ҳудудларида кўзга ташланади ва бу ҳудудлар Хоразм шаҳарсозлигининг бошланиши билан боғланади.

Хоразм археологик-этнографик экспедициясининг тадқиқотлари туфайли бу ҳудудлардан архаик даврга оид 400га яқин аҳоли пунктлари ва йирик канал излари аниқланган. Булар орасида ўзида шаҳарсозлик белгиларини акс эттирган энг йирик ёдгорлик – Кўзалиқир қўҳна шаҳри ҳисобланади. Тадқиқотчиларнинг фикрича, Хоразм шаҳарсозлик маданияти айнан Кўзалиқирдан бошланади [7].

Б.И. Вайнберг Кўзалиқир қадимги Хоразмдаги ҳимоя деворлари билан ўраб олинган, маъмурий функцияларга эга бўлган меъморий ёдгорликни ўзида акс эттиришини аниқлади. Шунингдек, Кўзалиқир Ўрта Осиёнинг бошқа шаҳарлари каби воҳанинг мустаҳкамланган ҳарбий-сиёсий маркази бўлганлиги кузатилди [8].

Мустақилликнинг дастлабки йилларида фанга татбиқ этилган янги археологик материаллар, уларнинг аҳамияти ва қадимги тарих муаммоларининг ўрганилишидаги янгича ёндашувлар вужудга келиши масаласи А. Асқаровнинг мақолаларида ўз аксини топган [9].

XX асрнинг 90-йиллари ва XXI аср бошларида археологик ва ёзма манбалар таҳлили асосида Суғдиёна ҳудудларидаги урбанизация жараёнларининг шаклланиши масаласини нисбатан тўлиқ ўрганиш М.Х. Исомиддинов томонидан амалга оширилган бўлиб [10], бу олимнинг асосий эътибори Афросиёб, Кўктепа ва Ерқўрғон қўҳна шаҳарларига қаратилди.

Самарқанддан 30 км ғарбда жойлашган Кўктепа қўҳна шаҳри харобаларининг очилиши Суғдиёна қадимги шаҳарлари ҳақидаги маълумотларнинг янада кенгайишига имкон яратди [11]. Тадқиқотлар натижасида топилган моддий ашёлар Афросиёб топилмалари билан солиштирилганда Кўктепа илк темир даврига оид бўлиб, илк шаҳарсозлик маданиятини ўзида акс эттиради деган хулосага келинди [12]. Бир неча маданий қатламдан иборат бўлган қўҳна шаҳарда олиб борилган янги

тадқиқотлар Суғдиёна қадимги шаҳарсозлиги учун қимматли маълумотлар берди, жумладан, Кўктепанинг мудофаа тизими ва ички тузилиши ўрганилди [13].

Кўктепадаги уй-жойлардан қўлда ишланган нақшли сополлар, ёрғучоқлар, тош ўроқлар топилган. Ёдгорликдаги моддий маданият мажмуаси сўнгги бронза ва илк темир асри Фарғона ва Чочдаги Чуст [14] ва Бурғулик [15] маданий мажмуалари билан ўхшашлик топади. Бу ердан тўғри бурчакли хом ғиштдан қурилган ҳоким қароргоҳи бўлганлиги тахмин қилинаётган маҳобатли иншоот бунёд этилган. Ушбу мажмуанинг бунёд этилиши мил.авв. VII асрнинг бошлари билан белгиланган [16]. Кўктепанинг йирик ўлчамлари, йўлаклар – галерея шаклидаги ҳимоя тартибини ўз ичига олган мудофаа тизими, ҳукмдор қароргоҳини қамраб олган ички қурилишлар, йирик ибодатхона мажмуи уни Афросиёб сингари илк темир даври йирик шаҳарлари қаторига қўшиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Шунга ўхшаш қурилишлар, бинокорлик усуллари Бақтриядаги Қизилтепа ёдгорлигида кузатилади [17].

М.Х. Исомиддинов ўтган асрнинг 70-йилларида В.И. Спришевский томонидан Афросиёб ёдгорлигидаги очилган энг қадимги мудофаа девори қатламларини Кўктепа ибодатхонаси қатламлари билан солиштириш асосида мудофаа иншооти мил.авв. VIII – VII асрларга оид, деган хулосага келди [18].

Кейинги йилларда олиб борилган археологик изланишлар натижасида қўҳна шаҳарнинг хронологияси, ижтимоий-иқтисодий ва маданий тарихига кўпгина аниқликлар киритилди. Афросиёбда узоқ йиллар тадқиқот ишлари олиб борган М.Х. Исомиддинов ёдгорликнинг энг қадимги қатламларини мил.авв. VII – VI асрнинг бошлари, ундан кейинги қатламларни эса мил.авв. VII – VI асрнинг биринчи ярми билан белгилади [19].

М.Х. Исомиддинов Самарқанд Суғди ҳудудларида илк давлат уюшмалари ва шаҳарлар шаклланишида қуйидаги йирик омиллар шубҳасиз етакчи ўрин ўйнаганлигини таъкидлаб ўтади:

1. Ҳосилдор ерлар, серсув тоғ дарёлари ва илиқ иқлим шароити.
2. Юқори даражада ривожланган деҳқончилик ва ҳунармандчилик.
3. Металл-маъдан асосларининг мавжудлиги.
4. Воҳанинг қулай савдо йўллари устида жойлашганлиги.
5. Кўчманчи дашт ҳудудлар билан қўшничилик [20].

Мустақиллик йилларида олиб борилган археологик тадқиқотлар Қашқадарё воҳасининг (Жанубий Суғд) қадимги шаҳарларини ўрганиш масалаларига ҳам кўпгина аниқликлар киритди. Р.Х. Сулаймонов раҳбарлигидаги тадқиқотларда Ерқўрғоннинг пастки қатламларидан мил.авв. IX – VII асрларга оид маданий қатламлар аниқланди. Шунингдек, Ерқўрғонда тўртта қурилиш даври мавжуд бўлганлиги ҳамда биринчи қурилиш даврига оид энг қадимги ҳимоя девори мил.авв. VIII – VII асрларда бунёд этилганлиги аниқланди [21]. Р.Х. Сулаймонов Ерқўрғон ҳудудида мил.авв. IX – VIII асрларда вужудга келган ўтроқ аҳоли манзилгоҳи ҳам мудофаа иншоотлари билан муҳофаза қилинган бўлиши мумкин, деган хулосага келди [22].

Ерқўрғон топилмалари ҳамда бу ерда очилган ҳоким саройи, шаҳар ибодатхонаси, даҳма ва мақбараларни [23], бошқа ҳудудлардаги топилмалар билан қиёслаб шундай хулоса чиқариш мумкинки, қадимги Суғд шаҳарлари меъморчилиги қўшни Бақтрия ва Марғиёнанинг бронза ва илк темир асрига оид бой бунёдкорлик мероси билан уйғунлашиб, ўзига хос йўналишда давом этган.

Шарқий Қашқадарё (Китоб-Шаҳрисабз) воҳаси ҳудудларидан мил.авв. I минг йилликнинг биринчи ярми ва ўрталарига оид шаҳарсозлик маданияти ҳақида янги маълумотлар олинди. Бу ҳудудлардаги Сангиртепа ва Узунқир ёдгорликлари Шўробсой бўйида, воҳанинг энг йирик ва қадимий маданий-хўжалик ҳудудида

жойлашган. Сангиртепадаги археологик-стратиграфик тадқиқотлар натижасида ёдгорликнинг шаклланиш тарихи, унинг ўзлаштирилиши ва ташландиқ ҳолга келиш босқичлари аниқланди. Ёдгорликнинг илк шаклланиш даври мил.авв. IX – VIII асрларга оид эканлиги, ушбу даврда бу ерда мустаҳкам пахса девор билан ўралган йирик иншоот қад кўтарганлиги аниқланди [24].

Узунқирдаги археологик қазишмалар жараёнида ёдгорликнинг марказий қисмидаги шурфдан топилган мил.авв. VIII асрга оид сопол мажмуаси ушбу ёдгорликда ҳаёт мил.авв. I минг йиллик бошларида пайдо бўлганлигини исботлади [25].

XXI аср бошларида Сангиртепада тадқиқот ишларини давом эттирган М. Хасановнинг хулосаларига кўра, бу жойда мил.авв. IX – VIII асрлардан то V – IV асрларгача бўлган Бақтриядаги Кучуктепа I-II-III даври сопол мажмуалари кузатилади. Шунингдек, ушбу ердан Суғдиёна ҳудудларида биринчи бўлиб Зардўштийлик ибодатхонасининг қолдиқлари очилди [26].

Ш.Т. Одилов Суғдиёнада, хусусан Бухоро воҳасида топиб текширилган илк темир даврига оид археологик маълумотларни қўшни ҳудудлар билан солиштириб чуқур таҳлил этган [27]. Тадқиқотчининг таъкидлашича, Бухоро воҳасида топилган ёдгорликлар алоҳида ҳудудда жойлашган бўлиб, илк темир даврида бу ҳудудда деҳқончилик маданияти шаклланади [28].

Суғдиёнада шаҳарсозликнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши масалаларига хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, илк шаҳарсозликнинг шаклланиши жамият тараққиётидаги ривожланиш билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, бу жараён узоқ ва босқичма-босқич даврларни ўз ичига олади. Суғдиёна шаҳарсозлигининг шаклланиши ва ривожланиши бунга ёрқин мисол бўлиш мумкин.

XX аср охири – XXI асрнинг бошларида Жарқўтон ёдгорлигида эришилган янги кашфиётлар натижасида Ўзбекистон тарихи фанига “илк шаҳар”, “шаҳар-давлат” каби иборалар кириб келди. Д. Хуфф ва Ш. Шайдуллаев томонидан олиб борилган тадқиқотлар Жарқўтон қалъасининг қурилиш усули, бинокорлик хусусиятларини аниқлаш имконини берди. Илмий изланишлар давомида шаҳарда қалъа, сарой, ибодатхона ва ён-атрофда жойлашган саккизта катта патриархал жамоаларига тегишли уй-жойлар ўрганилди [29]. Ушбу тадқиқотлар Ўзбекистон ҳудудларида илк шаҳарлар тарихи масаласида янги босқич юзага келишига, шунингдек, кўп йиллик тадқиқотлар натижаларининг қайта кўриб чиқилишига асос бўлди. Жумладан, Ш. Шайдуллаев томонидан бажарилган Жанубий Ўзбекистон илк темир даври ёдгорликларига бағишланган илмий ишлар диққатга сазовордир [30].

Фарғона водийсида урбанизация жараёнларига доир тадқиқотлар ЎзР ФА Археология институти олимлари томонидан давом эттирилди [31]. Фарғонанинг илк урбанизацияси тарихшунослиги масалалари А. Анарбоев томонидан махсус ўрганилди. Олимнинг таъкидлашича, Фарғонанинг урбанизацияси бўйича Ю. Заднепровский мутахассис сифатида бу давр шаҳарларининг белгилари сифатида қуйидагиларни ажратади: катта майдон, ривожланган ҳимоя тартиби, истеҳком (қалъа)нинг мавжудлиги, деҳқончилик ҳудудлари ёки воҳаси маркази, дин ва ўзаро айирбошлаш маркази. Аммо, олим Чуст маданиятига оид аниқ аҳоли манзилгоҳларини изоҳлар экан, уларни баъзан “шаҳармонанд” (протогород), баъзан “илк шаҳар” (ранний город) деб белгилайди. Шунингдек, тадқиқотчи ўз ишларидан бирида Чуст ва Бургулик маданиятлари ибтидоий жамоа даври маданиятлари бўлиб, Далварзинни ҳам, Эйлатанни ҳам шаҳар сифатида таърифлаш мумкин эмаслигини таъкидлайди. А. Анарбоевнинг фикрича эса, Фарғонадаги майдони 4-5 гадан кам бўлмаган, истеҳкомли бўлган, ривожланган мудофаа тартибига эга бўлган барча

пунктлар қишлоқ хўжалик атрофи, ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ марказлари бўлиб, шаҳар мақомига даъвогар бўлиши мумкин [32].

Тарихшунослик нуқтаи назаридан Фарғона водийсида шаҳарларнинг ўрганилиши натижалари, мавжуд илмий қарашлар ва ёндашувлар А.С. Сагдуллаев ва И. Йўлдошевларнинг мақоласида кўриб чиқилган [33].

Қисқача таҳлил қилинган маълумотларга асосланиб қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

– мустақиллик йилларида бронза асри ва илк темир даври тарихига бағишланган бир қатор муҳим тадқиқотлар амалга оширилган. Уларда қадимги шаҳарсозлик – урбанизация тарихи тадқиқининг айрим масалалари таҳлил қилинган, турли нашрлар мазмуни асосан археологик йўналишга эга;

– урбанизация жараёнлари муаммолари бўйича хилма-хил назариялар, илмий адабиётларда турлича ёндашувлар мавжуд бўлиб, қадимги шаҳарсозлик хусусиятлари ва анъаналари масалалари, уларнинг ривожланиш динамикаси, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий функциялари турли ҳудудлардаги урбанистик жараёнлар билан боғлиқ ҳолда қиёсий ўрганишни тақозо этади;

– мустақиллик йилларида Ўрта Осиё шаҳарларининг босқичма-босқич ривожланишидаги тарихий хусусиятлар, шаҳарлар тарихини даврлаштириш муаммоси аниқроқ асосланди;

– XX асрнинг 90-йиллари – XXI аср бошларида Ўрта Осиёнинг қўшни вилоятлари шаҳарсозлик маданиятларининг ўзаро алоқалари ва таъсири каби долзарб масалалар таҳлил қилинди. Бу борада илмий қарашлар ва ёндашувларнинг ўзгарганлигига қарамасдан, бронза асри ва илк темир даври шаҳарлари тарихшунослиги мавзуси махсус тадқиқот объектига айланмади;

– XXI аср бошларидаги илк шаҳарлар тарихига бағишланган тадқиқотларда совет даврида илмий қарашларнинг мазмун-моҳиятига танқидий баҳолар бериш билан бирга, мавжуд назариялар ва ёндашувлардаги ижобий жиҳатларни ажратиб кўрсатиш зарурати таъкидланади.

**Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати**


1. Ртвеладзе Э.В. Цивилизации, государства культуры Центральной Азии. – Ташкент, 2005; История государственности Узбекистана / Отв. ред. ЭВ. Ртвеладзе, Д.А Алимова. – Ташкент: Узбекистан, 2009. – Т. 1; Қадимги давлатчилик ва урбанизация (тарихий лавҳалар) / Маъс. муҳаррир. Р.Х. Сулаймонов. – Тошкент: Mumtoz so’z, 2010.
2. Аскаров А.А., Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. – Самарканд: Институт археологии АН РУз, 1993. – 162 с.
3. Мамедов М. Памятники эпохи бронзы и раннего железа Бактрии и Маргианы: Автореф. дисс… канд. ист. наук. – Алма-Ата, 1991. – 25 с.; Ширинов Т. Раннегородская культура эпохи бронзы Юга Средней Азии: Афтореф. дисс… док. ист. наук. – М., 1993. – 49 с.
4. Мамбетуллаев М. Хорезм и контакты с кочевниками // В сб: Археология и история Центральной Азии. –Самарканд, 2004. – С. 97-102.
5. Вайнберг Б.И. Памятники Куюсайской культуры // Труды ХАЭЭ. – М.: Наука, 1979. Т. XI. – С. 7-76.
6. Рапопорт Ю.А. Краткий очерк Хорезма в древности // Приаралье в древности и средневековые. – М.: Наука, 1998. – С. 28-41.
7. Вишневская О.А., Рапопорт Ю.А. Гордище Кюзелигыр. К вопросу о ранней истории Хорезма // ВДИ. – М., 1997. – № 2. – С. 150-173.

8. Вайнберг Б.И. Изучение памятников Присарыкамышской дельты Амударьи в 70-80-х годах // Скотоводы и земледельцы Левобережного Хорезма (древность и средневековые). – М.: Наука, 1991. – С. 26-38.
9. Асқаров А.А. Ўрта Осиё қадимги дунёсининг асосий хусусиятлари // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. (Кейинчалик - ЎИФ). – Тошкент, 1994. – № 6. – Б. 31-35; Ўша муаллиф. Мустақиллик йилларида тарих, археология ва этнология // ЎИФ. – Тошкент, 1996. – № 6. – Б. 63-73.
10. Исомиддинов М.Х. Сополга битилган тарих. – Тошкент: Фан, 1993. – Б. 96; Ўша муаллиф. Истоки городской культуры Самаркандского Согда. – Ташкент: Изд.им. А.Кадыри, 2002. – С. 34.
11. Исомиддинов М.Х. Истоки городской культуры. Самаркандского Согда. – С. 35.
12. Исомиддинов М.Х., Иваницкий Д.И., Иневаткина О.Н. Об обнаружении нового древнесогдийского городища // Города Центральной Азии на Великом шелковом пути: Тезисы докладов. – Самарканд, 1994. – С.33-34.
13. Исомиддинов М.Х. О дате основания Самарканда // ОНУ. – Ташкент, 1997. – № 5. – С. 62-67; Ўша муаллиф. Истоки городской культуры Самаркандского Согда. – С. 65-130.
14. Заднепровский Ю.А. Ошское поселение бронзового века // Известия АН Кирг. – Фрунзе: Знание, 1981. – № 2. – С. 41-49.
15. Заднепровский Ю.А. Бургулская культура // Древности Туябугаза. – Ташкент: Фан, 1978. – С. 10-26.
16. Исамиддинов М.Х., Рапен К. К стратиграфии городища Коктепа // ИМКУ. – Самарканд, 1999. – Вып. 30. – С. 69-79.
17. Сагдуллаев А.С. Усадьбы древней Бактрии… – С. 36.
18. Исомиддинов М.Х. Истоки городской культуры Самаркандского Согда... – С. 87-89.
19. Исомиддинов М.Х. Истоки городской культуры... –С.123.
20. Исомиддинов М.Х. Истоки городской культуры... –С.131.
21. Сулаймонов Р.Х., Хасанов М., Раимкулов А., Омельченко А. Эпоха Зардуштры и начало урбанизации древного Нахшаба // Oʻzbekiston tarixi. – Ташкент, 2001. №3. – С.9-17.
22. Сулейменов Р.Х. Древней Нахшаб. Проблемы цивилизации Узбекистана VII в. до н.э. – VII в. н.э. – Ташкент: Фан, 2000. – С. 133.
23. Сулейманов Р.Х., Древний Нахшаб... – С. 123-135.
24. Лушпенко О.П. Древнеземледельческие поселения Южного Согда // Средняя Азия и мировая цивилизация: Тезисы докладов конференции. – Ташкент: Фан, 1992. – С. 79-80.
25. Лушпенко О.П. Древнеземледельческие поселения Южного Согда // Средняя Азия и мировая цивилизация: Тезисы докладов конференции. – Ташкент: Фан, 1992. – С. 79-80.
26. Хасанов М., Мехендали С. Раскопки на Сангиртепа в Кашкадарье // Археологические исследования в Узбекистане. 2003 год. – Ташкент: Институт археология АН РУз, 2004. – С. 182-186.
27. Адылов Ш.Т. На заре урбанизации и государственности в Бухарском оазисе // Бухара и мировая культура. Динамика культурного процесса в столицах восточных цивилизаций. Вып. 1. – Бухара, 1993. – С. 51-55.
28. Адылов Ш.Т. Истоки и возниквение цивилизации и государственности в Западном Согде. // ОНУ. – Ташкент, 1998. – № 4. – С. 23.

**29.** Шайдуллаев Ш.Б., Хуфф Д. Некоторые результаты работ Узбекско-Германской экспедиции на городище Джаркутан // ИМКУ. – Самарканд, 1999. – № 30; Шайдуллаев Ш.Б., Хуфф Д., Рахимов К. Жарқўтон – 2002 // Ўзбекистонда археологик тадқиқотлар. – Тошкент, 2003. – Б. 31-33.
**30.** Шайдуллаев Ш.Б. Северная Бактрия в эпоху раннего железного века. – Ташкент: Фан, 2000. – Б. 200; Ўша муаллиф. Ўзбекистон ҳудудида давлатчиликнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичлари (Бақтрия мисолида).: Тарих. фан. док... дисс. автореферати. – Самарқанд: ЎзФА Археология институти, 2009. – Б. 21-23.
**31.** Матбобоев Б.Х. Фарғона қадимий шаҳарларини жойлашган ўрни муаммолари // ЎИФ. – Тошкент, 1995. – № 9. – Б. 71-76; Ўша муаллиф. Ранний город Ферганы и вопросы начальноного этапа государственности // Археология и история культуры Средней Азии. – Ташкент, 2002. – С. 77-78; Ўша муаллиф. Ўзбек давлатчилигининг илк босқичларида Фарғона // Ўзбек давлатчилиги тарихида қадимги Фарғона. – Наманган, 2001. – Б. 44-47; Ўша муаллиф. Қадимги Фарғонада илк давлатчилик илдизлари // O‘zbekiston tarixi. – Тошкент, 2002. – № 1. – Б. 21-32; Анарбаев А.А. Ахсикент в древности и средневековье // СА. – М., 1988. – № 1. – С. 113-116.
**32.** Анарбаев А.А. Урбанистические традиции Ферганы // Изучение культурного наследия Востока. – СПб.: Знание, 1999. – С. 65-66.
**33.** Сагдуллаев А., Юлдашев И. К вопросу о ранних городах и государствах долины Ферганы // O‘zbekiston tarixi. – Ташкент, 2009. – № 3. – С. 54-60.

## “МАРКАЗИЙ ОСИЁ” АТАМАСИ: БАЪЗИ ЧИЗГИЛАР

***О.Бўриев – т.ф.н., проф., Қарши давлат университети 9***

Ҳозирги даврдаги барча илмий-оммабоп адабиётларда ва бошка турли-туман справочник шаклдаги маълумотномаларда “Марказий Осиё” атамаси кенг қўлланилмоқда. Бу атама сиёсий-географик тушунча бўлиб, бугунги кунда минтақага Қозоғистон, Ўзбекистон, Тожикистон, Туркманистон, Қирғизистон Республикалари киради.

Ушбу салоҳиятли минтақа ҳудуди турли даврларда “Турон”, “Туркистон”, “Мовароуннаҳр”, “Ўрта Осиё” ва ниҳоят “Марказий Осиё” номлари билан аталиб келинган. Табиийки, бу минтақалар ҳудудий жиҳатдан бироз фарқ қилган. Шу боисдан Туронзамин ҳудуди ўтмишда қандай номланганлиги ва унинг тарихи барчани қизиқтиради, албатта.

Марказий Осиё қадимдан бошлаб, жаҳоннинг энг йирик тарих ва маънавий-маданий меросга эга бўлган салоҳиятли минтақалардан бири саналади [2]. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек: “Маълумки, азалдан Буюк ипак йўли, Буюк Ҳинд савдо йўлларида жойлашган Марказий Осиё геостратегик ўрнашувига кўра, минг йиллар давомида жаҳон миқёсидаги муҳим жараёнлар марказида бўлиб келган. Бизнинг минтақамиз Европа, Яқин Шарқ, Жанубий ва Шарқий Осиёни боғлайдиган ўзига хос кўприк бўлиб хизмат қилган.

Ушбу заминда дунё цивилизацияси ривожига беқиёс ҳисса қўшган буюк гуманист олимлар, мутафаккирлар ва шоирлар яшаб ижод қилган. Бу ерда улкан табиий захиралар, катта инсоний салоҳият мавжуд. Бугунги кунда ҳам Марказий Осиё дунёнинг эътибор марказида бўлиб, бу ҳудудда рақаботдош қудратли давлатларнинг манфаатлари ўзаро кесишиб келади”[1].

Марказий Осиё – бу Осиё материгининг ички қисмидаги табиий область ҳисобланиб, майдони 6 млн. кв. кмдир. Шимолий ва ғарбий чеккаси Монголия, Хитой Халқ Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасидаги давлат чегарасигача бўлиб, шарқи катта Хингон, жануби эса Тибет ҳудудидаги Цангпо (Брахмапутра) дарёси ва Ҳинд дарёсининг юқори қисми билан ўралган. Марказий Осиё денгиз сатҳидан анча баланд жойлашган. Рельефи кенглик бўйлаб чўзилган тоғ тизмалари (Монголия, Олтой, Хангой, Хэнтэй, Тяньшань, Наньшан, Куньлун) ва кенг ҳамда анча чуқур ботиқлар (Жунғория, ғарбий Монголиядаги катта кўллар сойлиги, Торим, Қайдам) дан иборат [3].

Марказий Осиё минтақаси ҳудудига бутунги кунда Кавказ ва Кавказорти минтақаси, Ўрта Осиё (Ўзбекистон, Тожикистон, Туркманистон, Қирғизистон) ва Қозоғистон, шунингдек, шимолий Афғонистон, шимоли-шарқий Эрон, Тожикистоннинг шимолий қисми (шимоли-ғарбий провинцияси ва марказга бўйсунувчи Азад – Кашмир ҳудуди), Шимолий Ҳиндистон (Жалека-Кашмир штати), Хитойнинг ғарбий қисмини (Шинжон-Уйғур автоном тумани) ва маркази-ғарбий Мўғулистон кенгликларини географик жиҳатидан қамраб олади.

Россия империяси даврида «Ўрта Осиё» дейилганда Орол денгизининг шимолий нуқтасидан то Балхаш кўлининг шимолий нуқтасигача ўтказилган тўғри чизиқдан Эрон, Афғонистон, Хитой ва Каспий денгизи чегараларигача қадар бўлган оралиқда жойлашган ҳудуд тушунилган.

Рус қомусларида таъкидланишича, Россиянинг Ўрта Осиё эгалигига Урал Тўрғай, Окмулла, Семипалатинск, Еттисув, Закаспий, Сирдарё, Самарқанд, Фарғона (Помир билан бирга) вилоятлари кириб, майдони 3318413 кв.км. аҳолиси эса 415200 нафар киши (1907) бўлиб, унга Хива хонлиги ва Бухоро амирлиги туташиб кетган[4]. Ҳудди шу қомусда кўрсатилгандек, Марказий, Ўрта Осиё Осиё материгининг ички қисми бўлиб, Эрон ясси тоғлиги ва Туркистон ҳавзасини ўз ичига олади [4].

Ғарб олимлари томонидан кенг геграфик ҳудудларни (ҳозирги Покистон, Афғонистон, Туркистон, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Хитойнинг шимолий қисмини ўз ичига олган Шарқий Туркистон, Мўғулистон) қамраб олувчи ерларга нисбатан «Марказий Осиё минтақаси" термини қўлланилди [5].

Шўро даврида бу тушунчалар бир оз ўзгарган, чунки 1924 йилдаги миллий – ҳудудий чегараланиши натижасида собиқ Ўрта Осиёнинг анчагина қисми Қозоғистон таркибига киртилган. Қозоғистоннинг чегаралари эса шарқи-шимолда Ўрта Сибирга, ғарбда Урал тоғлари ва Волга дарёсининг этакларигача кисман Европа қитъасигача чўзилиб борган. Шу боисдан Қозоғистоннинг "Ўрта Осиё" тушунчаси билан қамраб олиш баҳсли бўлган. Бундай шароитда Ўрта Осиё деганда Тожикистон, Туркманистон, Қирғизистон, Ўзбекистон (унинг таркибига кирувчи Қорақалпоғистон) тушунила бошланган.

Расмий ҳужжатларда ва кундалик ҳаётда "Ўрта Осиё ва Қозоғистон" тушунчаси ҳам кенг ишлатилган. Ўрта Осиё ҳудуди ўрта асрларда "Мовароуннаҳр", XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида (1924 йилга қадар) "Туркистон» деб аталган. Кейинчалик бу атама Марказий Осиёдан фарқ қилиш учун қўлланилган.

Хорижий адабиётларда "Ўрта Осиё" ва "Марказий Осиё" тушунчалари бир маънода ишлатилади [6].

Шўро иттифоқи парчаланган унинг таркибида бўлган Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Туркманистон мустақил давлатларга айлангандан сўнг ҳудуди, тарихи, маданияти, кўп жиҳатдан тиллари яқин бўлган бу мамлакатларини бир-бирига жипслаштирувчи янги ва истиқболли омиллар пайдо бўлди. «Ўрта Осиё ва Қозоғистон» тушунчаси ўрнини «Марказий Осиё" тушунчаси

эгаллади. Бу бешала давлатлар раҳбарларининг 1993 йил январь ойи бошида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган учрашувида Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов ташаббуси билан Марказий Осиё хамдўстлигига асос солинди. Жаҳон сиёсий луғатида «Марказий Осиё" деган янги атама пайдо бўлди [7].

Марказий Осиё минтақасида жойлашган давлатларда ўзига хос табиий ишлаб чиқариш имкониятлари мавжуд. Собиқ Иттифоқ даврида қазиб олинган кўмирнинг карийб 20 фоизи, газнинг 18 фоизи, олтиннинг 33 фоизи, ўсимлик ёғининг 26 фоизи, пахтанинг 92 фоизи шу минтақа хиссасига тўғри келарди [7]. Шунинг ўзи мазкур салоҳиятли мамлакатларнинг ўзаро ҳамкорлигини йўлга қўйиш канчалик ҳар томонлама аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.

«Марказий Осиё» атамаси дастлаб, юкорида таъкидланганидек немис географ олими А. фон Гумбольднинг Парижда 1843 йилда чоп этилган 3 жилдлик «Марказий Осиё, Тоғ тизмаларини тадқиқ қилиш ва иқлимини таққослаш" номли асарида қўлланган. Унда тадқиқотчи мазкур ҳудуднинг суғориш тизими ва тоғ тизмаларини ўрганиб, Марказий Осиёни мустақил ва ўзига хос минтақа сифатида таърифлаган [9].

Шўро даври қомусларида таъкидланишича, Марказий Осиё Хитой ва Мўғулистондаги табиий ўлка, майдони 6 млн. кв. км.га тенг [10].

Бу атама XX асрнинг сўнги чорагида геосиёсий тушунча сифатида қўлланила бошланди. Ҳозирда Марказий Осиё 4 млн. кв. км. майдонга, 70 млндан зиёд аҳолига эга бўлган салоҳиятли минтақадир. У Осиё ва Европа давлатларини бир-бирига боғловчи кўприк ҳисобланиб, муҳим сиёсий ва иқтисодий аҳамиятига молик макондир. Шунингдек Ғарбий Европада хариташунослик нашрларда Ўрта Осиё ҳудуди Татария, Тартария деб номланган [11].

Манбаларда ўрта асрларда Осиёнинг катта қисми, жумладан ҳозирги Марказий Осиё ёки Туркистон ерлари Тартария деб аталган [12].

Юкорида таъкидланганидек, "Марказий Осиё" атамаси бугунги кунда барча илмий-оммабоп адабиётларда ва жамоатчилик ўртасида кенг қўлланилиб келинмоқда. Кўриниб турибдики, инсоният цивилизацияси бешикларидан ҳисобланган азим Сирдарё ва Амударё оралиғидаги бепоён ҳудудлар турли даврларда сиёсий, тарихий ва географик асарларда Турон, Туркистон, Мовароуннаҳр, Ўрта Осиё, Марказий Осиё номлари билан аталиб келинган.

Шу боисдан ҳам сўнгги йилларда Марказий Осиё ва қўшни ҳудудларда олиб борилган кенг қамровли илмий тадқиқотлар бу минтақа Қадимий Шарқ цивилизациясининг шаклланишида ва ривожланишида ўзига хос салоҳиятли ўрин тутганлигини исботлади. Уларга асосланиб, «Турон ёки Туркистон цивилизацияси», "Ўрта Осиё цивилизацияси», «Марказий Осиё цивилизацияси" каби тарихий тушунчалар илмий тадқиқотларда кенг қўлланилмоқда [13]. Миллий ўзликни англашга интилиш янада кучая бошлаган ва тарихий қадриятлар тикланаётган ҳозирги даврда «Турон», «Туркистон", "Мовароуннахр", "Ўрта Осиё», «Марказий Осиё» атамаларни моҳият-мазмунини янада теранроқ ўрганишга эҳтиёж тобора кучаймоқда.

Республикамизда минтақа тарихини илмий тахлил этиш ва ўрганиш соҳасида ҳам анчагина тажриба тўпланди. Масалан, Ўрта Осиё, Марказий Осиё тарихи, археологияси, антропологияси, этнографияси бўйича ўз даврида маълум даражада илмий-тадқиқотлар олиб борилган (С.П.Толстов, Л.В.Ошанин, В.В.Гинзбург, Т.А.Трофимова, Т.Қ. Хожайов, Т.А. Жданко, Н.А. Кисляков, С.П. Поляков, Е.А. Давидович ва бошқалар).

Сўнгги давр Ж.Кабиров, А.Сагдуллаевларнинг "Ўрта Осий археологияси" (1990), А.Сагдуллаевнинг "Қадимги Ўрта Осиё тарихи" (2004), О. Бўриевнинг «Ўрта

Осиё халқлари этнографияси" (1997), А.Дониёровнинг «Марказий Осиё этнографияси, этногенези ва этник тарихи» (2003), Б.Эшовнинг «Қадимги Ўрта Осиё шаҳарлари тарихи» (2005) каби ўқув қўлланмалари нашр этилди.

Шунингдек, мустақиллик даврида Марказий Осиё тарихи, археологияси, этнографияси бўйича Э.В.Ртвеладзе, А.Абдураззоқов, В.Н. Басилов, А. Ўралов, Г.Аъзамова, Ў.Мавлоновларнинг салмоқли илмий монографиялари босилиб чиқди. Шунингдек Ш.Саидовнинг "Марказий Осиё тарихи" (2004), О.Бўриевнинг "Марказий Осиё халқлари этнологияси" ўқув қўлланмаси (2011, 2014) ва дарслиги (2021) ҳаммуаллифликда нашр этилди.

Ўзбекистон Миллий университети Тарих факультетида "Ўрта Осиё археологияси", Қарши давлат университети тарих факультетида "Марказий Осиё этнологияси" махсус курслари ўқитилган эди. Тошкент давлат Шарқшунослик университетида "Марказий Осиё халқлари тарихи ва этнографияси" кафедраси ташкил этилган.

Тарих факультетларида "Ўрта Осиё алломалари илмий мероси", "Ўрта Осиё тасаввуф тараққиёти тарихи", "Ўрта Осиё қадимги ва ўрта асрлар шаҳарлари тарихи", "Ўрта Осиё сулолалари тарихи", "Ўрта Осиё халқлари тарихи ёзма манбаларда», «Ўрта Осиё нумизматикаси", "Ўрта Осиё ҳунармандчилиги тарихи" каби махсус курслар ўқитилмоқда. Лекин ҳанузгача "Ўрта Осиё тарихи" ёки "Марказий Осиё тарихи" курси "Тарих" йўналиши асосий ўқув режасига киритилмаган ва мазкур курс бўйича ўқув қўлланмаси ҳам яратилмаган.

Тошкентда Франциянинг Марказий Осиё тадқиқотлари институти (ИФЕАК) бир муддат ишлаб турди, Самарқандда ЮНЕСКОнинг Марказий Осиё тарихи институти, Тошкентда Марказий Осиё халқаро институти фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти олимлари (Э.Каримов ва бошқ.) халқаро ЮНЕСКО ташкилоти ҳамкорлигида чоп этилган "Марказий Осиё цивилизацияси тарихи" 6 жилдлигини тайёрлашда қатнашган эди. Ҳозирда ушбу мажмуани ўзбек тилига таржима қилиш долзарб бўлиб турибди. Минтақа тарихи бўйича Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида ҳам илмий изланишлар олиб борилмоқда. Истиқлолдан сўнг Тошкентда Турон ФА ташкил этилиб, «Турон тарихи» илмий-оммабоп журнал нашр этилмоқда. Юртимизда Марказий Осиё тарихини ўрганиш бўйича кўплаб нуфузли халқаро илмий анжуманлар ўтказилганлиги ҳам, айниқса, диққатга сазовордир [14].

Давлатимиз раҳбари таъкидлагандики: "Ўзбекистон ташқи сиёсатда Марказий Осиё – бош устувор йўналиш тамойилини бажармоқда. Ўзбекистон ташаббуси билан Марказий Осиё мамлакатлари ҳамкорлигида 2018-2021 йилларда БМТ Бош Ассамблеясининг бир неча махсус резолюциялари қабул қилинди. "Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш" (2018 йил 22 июнь), "Маърифат ва диний бағрикенглик" (2018 йил 12 декабрь), "Марказий Осиёда барқарор туризм ва барқарор ривожланиш" (2019 йил 19 декабрь), "Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудудига айлантириш тўғрисида" (2021 йил 18 май) каби БМТ резолюциялари халқаро ҳамкорлигимизнинг яққол мисолдир" [1].

Хулоса ҳозирги мустақиллик даврида асрларга бўйлашган Марказий Осиё тарихини янада тўлақонли ўрганишга қизиқиш тобора ошиб бормоқда.

**Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати**

**1.** Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Т.: "Ўзбекистон", 2021. – Б.38

2. Алимов Р. М. Центральная Азия: концентуалный анаиз. – “Общественные науки в Узбекистане”, 2004. – №4. – С.3
3. ЎзМЭ. – Т., 2003. 5-жилд. – Б. 405
4. Брокгауз Ф.А. Еврон И.А. Иллюстрированый энциклопедический словарь. Современная версия. – М., 2007. – С.591
5. Мавлонов Ў. Ўрта Осиёнинг қадимги йўллари. – Т., 2018. – Б.3
6. Мустақиллик изоҳли илмий-оммабоп луғат. – Т., 1998. – Б.278
7. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 3-китоб. –Т., 2000. Б.541
8. “Тафаккур”, 2008 йил 4-сон, – Б.25
9. Энциклопедик луғат. 2 томлик. I-том. – Т., 1988. – Б.492
10. Саидбобоев З. Атлас Азиатской России – как источник по истории Туркестана начало XX в. «Ўзбекистон тарихи», 2008 йил 1-сон. – Б.692.
11. Амир Темур Европа элчилари нигоҳида. Масъул муҳаррир проф. А.Саидов. – Т., 2007. – Б.112.
12. Мавлонов Ў. Кўрсатилган асар. – Б.3
13. Марказий Осиё тарих кўзгусида: ўтмишдан келажакка. – Т., 2002; Марказий Осиё цивилизациялашган тараққиёт йўлида. – Т., 2003; Марказий Осиё XX аср бошида: ислоҳотлар, янгиланиш, тараккиёт ва мустақиллик учун кураш (жадидчилик, мухторият ва истиқлолчилик). – Т., 2004; Социальная жизнь пародов Центральной Азии в первой четверти XX века: традиции и инновации. – Т., 2008. ва ҳ.к.

## РАННИЕ ХРАМЫ И САКРАЛИЗАЦИЯ ДРЕВНИХ КУЛЬТОВ

***Е. А. Гордеева – PhD, с.н.с. Национального центра археологии АН РУз***

***Аннотация:*** *В статье автор раскрывает роль ранних храмов Центральной Азии в сложении и укреплении идеологических воззрений обществ Северной Бактрии в эпоху палеометалла. Проводит анализ взаимовлияний погребальной и храмовой обрядностей друг на друга в Северной Бактрии.*

***Ключевые слова:*** *ранний храм, сапаллинская культура, храм Джаркутан, Храм Тоголок*

Культово-сакральные сооружения несут в себе отражение идеологических воззрений. Свидетельством того является уникальный культовый комплекс юга Средней Азии – это храм Джаркутан.

Храм Джаркутан относится к сапаллинской культуре [22]. Он посвящен культу огня и воды [19]. В плане храм представляет собой прямоугольник, обнесённый обводной стеной. Планировка храма позволяет отметить некоторое сходство с храмами древнего Шумера [22]. Храм находился в восточной части поселения Джаркутан и являлся центром управления этого города-государства [4]. Присутствовали алтари квадратной и круглой формы. У многих народов мира круглая форма имела сакральное значение и применялась при строительстве святилищ, храмов. Многими исследователями круг рассматривается как символ солнца. Алтарь – огненная космология в виде солярного культа, продукт представления индо-европейских народов, который отражён в Ригведе и Авесте. По канонам зороастризма, символом Верховного бога Ахура Мазды является огонь, а его обиталище – само солнце [21]. Почти все исследователи в изображении «колеса», «кольца», «диска» видят символ солнца, и эта точка зрения в настоящее время

является господствующей. Итак, круглые алтари храма Джаркутана имели сакральное значение – культ огня, который символизировал солнце.

Квадратные алтари также были культовыми. Форма квадрата в монументальных сооружениях отождествляется с четырьмя сторонами света. Квадрат символизировал основные элементы мира: «огонь – вода – земля – воздух», таким образом, достигается идеально устойчивая структура, целостность, интегрируются основные параметры космоса [21]. Алтарь, имеющий квадратную форму, являлся жреческим. Алтарь, алтарная часть во всех случаях служили объектом поклонения. В храме Джаркутана присутствовала иерархия жрецов, как и в храмах Маргианы, которые, в некоторых случаях, одновременно были и правителями.

В целом, храм огня Джаркутана носит протозороастрийский характер. Сегодня бытует мнение, что этот храм является «храмом раннего зороастризма» [10]. Однако, это утверждение несколько спорно, так как в науке не до конца определено, что имеется в виду под понятием «ранний зороастризм»: либо это период деятельности самого Заратуштры, либо – время правления Ахеменидов? Более корректным представляется считать, что храм Джаркутан носит протозороастрийский характер. Так, анализируя традиции погребального обряда протозороастрийского периода, выявляется, что они не соответствуют зороастрийской идеологии, потому что в большинстве случаев основаны на анимистических верованиях. Эволюция погребального обряда также является отражением изменений, происходивших в мировоззрении служителей и посетителей храма [22]. Это переход от отдельных могильников к некрополям за пределами поселений [9].

При сопоставлении храмов Тоголок 21 и Джаркутан наблюдается полная аналогия, связанная с культом хаомы, в связи с чем, можно предположить, что в Северной Бактрии присутствовала традиция, связанная с культом Митры, основанная на проведении ритуалов возлияния хаомы [17, 20]. Важно напомнить, что Митра – верховный бог в своём разумном, ясном, умеренном и упорядоченном, спокойном, доброжелательном, жреческом аспекте. Митре в Ригведе посвящено два гимна, в которых выражается доверие как к богу (милостивый, могущественный). Митра – хранитель строгого Порядка во всех его проявлениях. Митра владеет юридическими и связанными с ними средствами («правом» и «законом»). Все, кого примирил Митра согласно договору, контракту, должны были в жертву ему принести белое животное. Жертвоприношение – это своего рода обращение к богу и показывает, что принадлежит богу, после чего бог создаёт для человека «гармонию» [8]. Продолжая тему договора необходимо отметить и то, что Митра также был «связан с подземным царством, где выступал судьей душ умерших» [18]. В классическом митраизме Митра – отображение солярного начала и был связан с золотом. Несмотря на сложение религии зороастризма, Митра считался божеством языческой архаики (в этой ипостаси он был воплощён на Тилля-тепе и на Иссыке). Сам архаический митраизм был наполнен элементами шаманизма [11]. Для него характерна культовая обрядность, включавшая такие элементы как ритуальные пляски, символическое переодевание, употребление опьяняющих напитков. Данная культовая обрядность корнями уходит в глубокую первобытную древность, что подтверждается ритуально-магическими сценами петроглифов. В Авесте Митра не является богом солнца, а считается богом «света рассвета» [1]. Но при этом он тесно связан с солнцем, так как вместе с ним путешествует по небосклону. В Ригведе Митра связан с солнцем [15]. Культ Митры был внедрён в религию Северо-Западной Индии, где именно среднеазиатский (бактрийский, сакский, парфянский), культ

солнца Митры смешивается с индийскими солнечными культами [12]. Важно отметить, что, по мнению исследователей, культ хаомы существовал в эпоху поздней бронзы в Средней Азии, который был напрямую связан с Митрой. Свидетельством тому являются храмы, возведённые в честь данного культа (Южный Гонур, Тоголок 1, 21 (Маргиана) [17]. Для культа Митры была характерна и идея кровавого жертвоприношения быка, который по поверью должен был «обеспечить массовое плодородие животного и растительного мира» [17]. Митра выступает в единении первоначально с быком, а затем с оленем, последний в древних представлениях индоевропейцев связан с солярным божеством [7]. Из всего сказанного выше, можно предположить, что культ Митры проник на территорию Бактрии из Маргианы, так как жители Сапаллитепа были выходцами из Маргианы [5]. Подтверждением также является и храм Джаркутана монументальной архитектурой аналогичный храму Тоголок 21 [16], и был построен в честь солнечного божества (возможно Митры) [20]. Кроме того, культ Митры, существовавший в Бактрии, в последующем смешался с индийскими солнечными культами [12]. Выше упоминалось, что в храме Джаркутан основным являлся культ огня. В честь него и был сооружён сам храм [21]. Необходимо отметить, что ритуалы, связанные с возлиянием хаомы, преобладали в Маргиане, а в Бактрии большее внимание уделялось обрядам с огнем [17].

В храмовом комплексе Джаркутана расположение могильника и храма имело ритуально-сакральное значение. А именно, храм находился на востоке, откуда обычно поднимается солнце, а могильник располагался на юго-западе, куда заходит солнце. На Джаркутане отмечается сакрализация животных. Их семантика свидетельствует о том, что они не являлись тотемами, а скорее всего, символизировали какие-либо божества. Например, образ птицы считался символом божества неба, солнца, грома, ветра, плодородия, души. Согласно хеттской мифологии, космос состоит из неба, земли, надземного мира, с которым ассоциируются орёл, пчела, змея [3]. В иранской традиции птицы отождествляются с высшей мудростью – огнём и солнцем. Гусь, часто упоминаемый в Ригведе, является символом солнца [13]. В Ригведе (Авесте) рассказывается миф о спасении напитка «бессмертия» «быстролётной птицей» [6]. Согласно мнению исследователей, «образ птицы из храма Джаркутана, видимо, связан с производством и питьём культовых напитков типа хаомы, который позднее стал каноническим атрибутом зороастрийского вероучения» [4]. Многие исследователи зооморфные сосуды считают ритуальными. В древнехеттском обществе питьё из ритуальных сосудов жидкостей, «символизирующих кровь», приравнивались к ритуалу жертвоприношения соответственного животного [2].

Встречаются и астральные культы (культ солнца), о чём свидетельствуют геометрические знаки. Примером может стать крест –сакральный символ, который выделяет идею центра, вечности, солярный знак перекрещивающихся лучей. Иногда крест указывал на мужское начало [14]. Треугольник – также отражает символ огня, язык пламени, устремлённый вверх, обеспеченность, плодоносящую силу земли [14]. В целом семантика геометрического орнамента отражена в гимнах Авесты и Ригведы [23].

В Средней Азии в дозороастрийский период существовали традиции, обряды и культы, ставшие источником для сложения зороастрийского учения [21]. Сам Заратуштра не считается создателем новой религии, так как он реформировал древние традиции огнепоклонников. Опираясь на свои идеи, он «модернизировал систему древних религиозных верований и представлений» [5]. Появление храма такого типа, как Джаркутан в Северной Бактрии свидетельствует о сложении новых

мировоззренческих взглядов, которые резко отличались от первобытных религиозных верований [22]. Также сюжеты зооморфного и геометрического содержания относятся к индоиранскому характеру культов древнебактрийского общества [21].

Надо отметить, что основой сложения зороастрийской идеологии послужила прото- и раннегородская цивилизации [17]. Вообще, главным средством в завоевании доверия людей и укреплении идеологических взглядов в эпоху существования протогородских цивилизаций становится зарождающаяся религия [24].

**Список литературы:**


1. Авеста. Избранные гимны // пер. И. Стеблин – Каменского. – Душанбе, 1990. – С.54 – 94.
2. Антонова Е. В. К исследованию места сосудов в картине мира первобытных земледельцев // Восточный Туркестан и Средняя Азия в системе культур древнего и средневекового Востока. – М., 1986. – С. 49.
3. Ардзинба В. Г. Заметки к текстам хеттских ритуалов // ВДИ. – М., 1977. – № 3. – С. 126
4. Аскаров А. А., Ширинов Т. О некоторых группах культовой керамики Джаркутана // ИМКУ. – Ташкент, 1991. – Вып. 25. – С. 38, 54.
5. Аскаров А. А История происхождения узбекского народа. – Ташкент: Узбекистан, 2018 – С. 146, 163.
6. Бонгард-Левин Г. М., Грановский Э. А. От Скифии до Индии. – М., 1983. – С. 122 – 129.
7. Вайнберг Б. И. Калалы-гыр 2. Культовый центр в Древнем Хорезме IV – II вв. до н.э. – М., 2004. – 216 с.
8. Дюмезиль Ж. Верховные боги индоевропейцев. – М., 1986. – С. 43 – 56.
9. Ионесов В.И. Становление и развитие раннеклассовых отношений в оседлоземледельческом обществе Северной Бактрии (По материалам погребальных комплексов II тыс. до н.э. Южного Узбекистана): Автореф. дисс… канд. истор. наук. – Самарканд, 1990. – С. 11 – 12.
10. Каримова Д. О. Погребальные обряды и верования населения Северной Бактрии (на примере материальной культуры эпохи бронзы): Автореф. дисс… докт. филос. по истор. наукам. – Ташкент, 2017. – С. 40.
11. Лелеков Л. А. О символизме погребальных облачений («золотые люди» скифо-сакского мира) // Скифо – сибирский мир (Искусство и идеология). – Новосибирск, 1987. – С. 26 – 27.
12. Литвинский Б. А. Древние кочевники «Крыши мира». – М., 1972. – С. 154.
13. Мифы народов мира. – М., 1980. – Т. 1. – С. 346 – 348.
14. Мифы народов мира. – М., 1982. – Т. 2. – С. 12 – 13, 272.
15. Ригведа. Мандалы V – VIII / Отв. ред. П. А. Гринцер. – М., 1995. – С. 70.
16. Сарианиди В. И. Древности страны Маргуш. – Ашхабад, 1990. – С. 152.
17. Сулейманов Р. Х. Древний Нахшаб. – Самарканд-Ташкент: Фан, 2000. – С. 228 – 235.
18. Филанович М. И. Древние культы и религии среднеазиатского Междуречья // Ўзбекистон ҳалкнинг дини, маданияти ва урф-одатлари: тарих ва хозирги холат. – Тошкент, 2011. – С. 12 – 20.
19. Шайдуллаев Ш. Б. Ўзбекистон худудида давлатчиликнинг пайдо бўлиши.: Тарих фан. докт. дисс… автореф. – Самарканд, 2009. – Б. 23.

20. Шайдуллаев А. Ш. Глиптика и сфрагистика культуры Сапалли.: Автореф. дисс… докт. философии по истор. наукам. – Ташкент, 2018.– С. 31.
21. Ширинов Т. Алтари огня из храма Джаркутана – памятник эпохи развитой бронзы юга Узбекистана // ИМКУ. – Ташкент, 1990. – Вып. 23. – С. 69 – 79.
22. Ширинов Т. Ранняя городская культура эпохи поздней бронзы юга Средней Азии (по материалам городища Джаркутан): Автореф. дисс. … докт. истор. наук. – М., 1993. – С. 42, 115, 155.
23. Ширинов Т. Связи Средней Азии и Индийского субконтинента во II тыс. до н.э. // Индия и Центральная Азия (доисламский период) (отв. ред. Ртвеладзе Э. В.). – Ташкент, 2000. – С. 118.
24. Эсонов М. «Авесто» жамиятининг археологик материалларда.: Тарих фанлар. докт. дис... – Тошкент, 2007. – Б. 52.


## ҚАДИМГИ ДАВР МАРКАЗИЙ ОСИЁ ВА ХИТОЙ САВДО – ДИПЛОМАТИК АЛОҚЛАРИ ТАРИХИДАН
**(хитой манбалари асосида)**


***Азимов Хуршид – т.ф.н., доцент. ЎзР ФА Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти илмий ходими***


Қадимги давр Марказий Осиё ва Хитой ўртасидаги иқтисодий дипломатик алоқалар тарихи бир неча минг йилликларга бориб тақалади. Ғарб ва Шарқ ўртасида неча минг йиллар давомида савдо муносабатларида Марказий Осиё минтақаси кўприк вазифасини ўтаган.

Марказий Осиё ва Хитой ўртасидаги муносабатлар Чжоу (мил. авв. 1046/1022-256 йй.) сулоласи даврида ёзилган ёзма манбаларда тилга олинади.

Ғарбий Чжоу (мил.ав. 1046/1022-771 йй.) сулоласи даврида Помир тоғининг ғарби ва шарқидаги ҳалқлар билан савдо алоқалар мавжудлиги қайд этилади. Жумладан, хитойлик олим Ли Мингвейнинг зикр этишича, Марказий Осиёдаги Чюйсоу-гуо (қадимги ўқилиши гиа шиэу / gĭa ʃĭəu 渠搜国, тахминан ҳозозирги Фарғона водийси ёки Помирнинг ғарбидаги қадимги давлат)дан узунбурунча сичқон (рус. землеройка), итлар, Кангмин (康民 тах. ҳоз. Самарқанд)дан кичик тахта соллар (стропила), ўғузияликлар (рузие / юэчжи)дан эса Чжоу давлатига яхши бақувват отлар олиб борилган. Ҳатто милоддан олдинги даврда ёзилган энг қадимги манбалардан бири «Чжушу жинян» (竹書紀年Қамиш китоб хотиралари)даги маълумотга асосланиб, мил.ав. 2342 йил чюйсоуликлардан [Марказий текислик]га меҳмонлар келганлиги ҳақида маълумот келтирилади [1]. Аслида мил. авв. XXIV асрда бундай муносабатларга оид маълумотлар мавжудлиги ҳамда Чюйсоу давлати нечанчи асрларда қадимги Фарғона давлатининг хитойча номи эканлиги ҳақида аниқ бир тўхтамга келинмаган, бироқ юқорида келтирилган хитойлик тарихчиларнинг асарларида кўпинча қадимги Фарғона Помир тоғининг ғарбий қисми хитойча шундай ном билан аталган.

Хитой ёзма манба ва тарихий асарларидаги маълумотлардан кўриниб турибдики, мил. авв. XII – VIII асрларда Марказий Осиёда маҳаллий ҳунармандчилик анча ривожланган бўлган, қолаверса, ҳайвонлар ҳам азалдан Хитой ҳудудига олиб борганлигидан дарак беради. Ўзбекистонлик археолог, академик Э. Ртвеладзенинг археологик маълумотларга асосланиб хабар беришича, биринчи минг йилликнинг биринчи ярмида хитойликлар Хўтан билан савдо алоқаларини ўрнатиб, у ердан нефрит тошлари Хитойга олиб борилган.

Айнан шу даврдан бошлаб Олтой ҳудуди билан ҳам савдо алоқалари бўлиб, ипакдан қилинган кашта ва Чу князлигида ишлаб чиқарилган матолар топилган [2]. Бундай маълумотлар хитойлик тарихчиларнинг асарларида ҳам учрайди, фақатгина археологик томонидан далиллар бера олади. Шу даврларга оид ёзма манба маълумотларга қарасак, ҳатто «Му-Тянзи чжуан» («穆天子传 – Тангри фарзанди Му ҳақида баён») сафарномасида келтирилишича, Чжоу (мил. авв. 1046/1022-256 йй.) сулоласи бешинчи ҳукмдори Муман (Му-Тянзи – Тангри ўғли Му, Му-ванг – ҳукумдор Му) Марказий Осиёдаги Шивангму мамлакатига саёҳатида ўз ҳамроҳлари билан бир неча юз ўрам мато, олтин ва кумуш буюмлар, чиғаноқ пуллар олиб борган. У олиб борган буюмларни маҳаллий аҳоли бошлиқларига ҳадя этган. Бундан ташқари, у ҳадя этган совғаларининг кўпчилигини олтин ва кумушдан қилинган буюмлар ташкил этган. Маҳаллий аҳоли томонидан эса уларга от, қўй, қорамол, дон, мусаллас ва бошқа буюмлар совға қилинган. Йирик Хитой олими Гуо Муожо раҳбарлигида тузилган қадимги Хитой тарихи хариталари тўпламида кўрсатилишича, Му замонасида Ўрдоснинг шимолида гуй-фанг (қадимги ўқилишда куэй пиванг鬼方 – кюн мамлакати одамлари), марказий қисмида чюан-рунг (қадимги ўқилишда кюн-ривем 犬戎, яъни отлиқ хунлар) яшаган [3]. Демак, Му даврида Марказий Осиё ва қадимги Хитой ўртасидаги иқтисодий алоқалар Ўрдос аҳолиси орқали амалга оширилган. Дастлабки савдо алоқалари товар айирбошлаш асосида бўлган. Кейинчалик танга пуллар асосида савдо қилина бошланди. Ўша давр Марказий Осиё давлатларида турли хил маҳаллий буюмлар ишлаб чиқарилган.

Қадимги Хитой мил.ав. I асрларга келиб Марказий Осиёдаги улкан Қанғ (қадимги ўқилиши Кангкия // хитойча ўқилиши Кангжюй) давлати билан иқтисодий муносабатларини кенгайтиради. Сабаби, Қанғ давлати Ипак йўлининг шимолий ва марказий қисмида жойлашган эди. Қолаверса, Хитой маҳсулотлари Марказий Осиё орқали ўтган йўлларда Қанғ давлати савдо хавфсизлигини таъминлаб берган. Шу муносабат билан Хан императори Чен-ди (мил.ав.36-6йй.) даврида Қанғ ҳукмдорлари билан савдо-элчилик алоқалари олиб борилган [4].

Хан сулоласи (мил. авв. 206 – мил. 220) давридан бошлаб Марказий Осиё билан савдо-сотиқ алоқаларида элчилар муҳим аҳамият касб этган. Сабаби Хитой саройи томонидан ғарбга жўнатилган элчи сиёсий вазифалардан ташқари маҳаллий маҳсулотларни айирбошлаш учун ўзи билан бир қанча савдо буюмларини олиб йўлга чиққан. Элчи гуруҳига бириктирилган савдо қарвонлари турли мақсадларга жўнатилган. Мил. авв. 119 йил хитойлик элчи ва сайёҳ Чжанг Чян 300 кишига бошчилик қилиб Усун давлатига йўлга чиққанда ўзи билан олтин, кумуш, қимматбаҳо ипак матолар, бир неча ўн минг бош мол, қўй ва жамаонинг ҳар бир кишиси иккитадан от олган эди. Бу 300 кишилик жамоа ичида турли тоифадаги шахслар бўлган. Чжанг Чяннинг бу сафаргиси Марказий Осиёдаги иккинчи миссияси ҳисобланади. Элчи Усун давлатидан туриб ҳатто ўзига ёрдамчи элчиларни Қанғ, Фарғона (Дайюан), Улуғ Ўғузия (Дай рузие), Шенду (Шимолий Ҳиндистон) давлатлари билан савдо алоқаларини амалга ошириш учун жўнатади. Айни шу даврда Марказий Осиёга юборилган савдо элчилар гуруҳи ниҳоятда кўпайган. Шу билан бир қаторда Марказий Осиё қадимги давлатларидан ҳам элчилар маҳаллий буюмларни Хитой саройига олиб борган. Чжанг Чян биринчи марта (мил. авв. 128 й.) Марказий Осиёга элчи бўлиб борганида, унинг элчилик жамоаси бир неча юз кишидан иборат бўлиб, савдо хусусиятига эга бўлган ўзлари билан ипак ва ипак матолар, темир буюмлар, лак буюмлар ва бошқа Хитойнинг маҳаллий буюмларини савдо айирбошлаш қилган. У савдо қилган худудлардан бир неча бош қўй, мол, от, узум ва бошқа маҳаллий

маҳсулотларни ўша пайтдаги Хитой пойтахти Чангъанга (ҳоз. Шиан - 西安) олиб кетишган. Охирги йиллардаги хитой тарихий асарларида худоу (胡豆 мош), хутао (胡桃 шафтоли), хума (胡麻 кунжут), хуцонг (胡葱 пиёз) каби ўсимликлар Чжанг Чян ўзи билан бирга Хитойга олиб келган деган маълумотлар учрайди [5].

Хитой саройига элчиларнинг берган ҳисоботида борган мамлакатларнинг иқтисодий аҳволи, маҳаллий буюмлар кўпроқ қизиқтирган. Чунки қадимги Хитой ғарб билан савдо-сотиқни жонлантиришда бу муҳим аҳамият касб этган. Хитой сулолалар тарихининг дастлабки манбаси «Тарихий хотиралар» (Шижи)да қадимги Марказий Осиё давлатларида маҳаллий буюмлар ҳақида маълумотлар батафсил келтирилади. Жумладан, Буюк Фарғона (Дай-юан)ликлар деҳқончилик билан шуғулланиши, шоли ва буғдой экиши, узумдан шароб тайёрлаши, зотли отлар кўплиги ва Парфия (Ансиек // зам. ўқ. Анши)ликларда ҳам ушбу маҳсулотлар мавжуд бўлган. Асуэн (Усун) ва Кангкия давлатида эса чорвачилик маҳсулотлари, Бактрия (Дайғиа // Дашя)да деҳқончилик махсулотлари, у ерликлар савдо ишларига чаққонлиги, ундаги бозорларда ҳар хил моллар сотилиши ҳақида батафсил маълумот бор [6]. Юэчжилар / ғуз-ерликлар (дай рузие / да юэчжи) Амударё бўйларига келиб мазкур ҳудудни эгаллагандан сўнг, ўз буюмлари билан маҳаллий маҳсулотларни бойитади. Уларда чорвачилик маҳсулотлари анча ривожланган бўлиб, ҳатто ўзлари учун жундан зич ва қалин матолар ишлаб чиқарган [7]. Кейинчалик юэчжиларнинг авлоди Кушон давлати даврида Хитой саройига кўпроқ ҳунармандчилик буюмлари олиб борилган. Кушон империяси даврида Хитой билан савдо муносабатлар анча ривожланди. Мазкур давлат шарқ ва ғарб савдо йўлларининг ўртасида жойлашганлиги боис, халқаро савдо алоқаларидан жуда катта манфаатга эга бўлган. Хитой манбаларида Кушон империяси Дай юэчжи (Улуғ ўғузия, Дай рузие / дай юэчжи гуо 大月氏國) давлати номи билан тилга олиниб, ҳатто у ердан ҳунармандлар Хитой саройида хизмат қилганлиги ҳақидаги маълумотлар мавжуд. Жумладан, «Вэйшу» (魏書/ 魏书 Вей [сулоласи] тарихи) 102-боб, Ғарбий мамлакатлар тазкираси, Дай юэчжи гуо)да “... [Вэй ҳукмдори] Ши-зу даврида (408-452 йй.), мазкур давлат савдогарларининг қадами [Вэй сулоласининг] пойтахтигача етган. Улар тош эритиб рангли ойна шиша ясаймиз деган. Шунинг билан тоғда руда қазиб келиб, Вэй пойтахтига олиб келган, ясалган ойна шиша ғарбдан олиб келгандан ҳам чиройли ялтираган экан. Ҳукмдор ёрлиқ тушириб, вақтинча сарой қурди. Ушбу сарой тиниқ ва ялтираб турганлиги учун кўрганлар ҳайратта қолган. Кўрганларнинг ҳаммаси буни илоҳлар қилган деб билди. Шундан эътиборан Хитойда (Чжунггуо) ойна ва шиша буюмлар арзонлашиб кетган бўлиб, кишилар уларни қадрламайдиган бўлган” [8].

Дастлаб Хитой ва Марказий Осиё ўртасидаги савдода Хан саройи Турон давлатларидан отлар импорт қилган. Бироқ импорт қилинган отлар сони нисбатан кам бўлган. Сабаби мил. авв. II – мил. II асрнинг ўрталаригача Хитойнинг атрофида от боқиладиган жойлар хунлар назорати остида бўлган. Отнинг импорти Хитойнинг ҳарбий соҳасида муҳим аҳамият касб этган. Ўша даврда битта салт отининг нархи 100 тилла, юк ташиш учун фойдаланиладиган отнинг нархи 5 минг танга, мил.авв. 93 йилда миниладиган отнинг нархи эса 150 минг танга бўлган [9]. Хан даврда хитойликлар уч давлатнинг отларига кўпроқ қизиқишган. Булар қадимги Фарғона, Асуэн (Усун) ва Улуғ Ғузер (Дай-юэчжи)лик отлари ҳисобланган. Хитой саройи томонидан мил.авв. 114 йилдан то мил.авв. 104 йилга қадар отлар масаласида Фарғонага (Дайюан) бир неча марта элчилар жўнатилган. Лекин манбаларда саноқлигина хитой элчиларинг исмлари

қайд этилган. Ушбу йиллар оралиғида Хан саройи томонидан Че Линг (車令) ва Яо Дингхан (姚定漢) исмли элчилар Фарғона (Дайюан / Даван) отларини олиб келиш мақсадида Марказий Осиёга жўнатилади. Қадимги Хитойда мил. III асрнинг сўнги чоракларида Хан давлати таназзулга юз тутиб парчаланиб кетади. Айнан шу даврларда ҳам Фарғона ва Хитой ўртасида дипломатик савдо алоқалари давом этди. «Вэйшу» ( 魏書/ 魏书 – Вей [сулоласи] тарихи) 102-боб, Ғарбий мамлакатлар тазкираси, Луона-гуо (洛那國қадимги ўқилишда Lakna — Фарғона давлати)да “Тайхэ (太和 - 227-233)нинг учинчи йили (мил. 229 йил) [ушбу мамлакат ҳукмдори] элчи юбориб, [Вэй императорига] танасидан консимон тер оқадиган от совға қилган” [10]. Хитой томонидан ҳам Фарғонага элчилар жўнатилади. Жумладан, Вей сулоласи томонидан Дунг Ван (董琬), Гао Минг (高明) исмли элчилар жўнатилади. Бу иккиси дастлаб Усун давлатига бориб, у ердан Дунг Ван ўзи Пуолуона (Фарғона)га йўл олади, [Гао] Минг эса Чочга элчи бўлиб боради.

Буюк ипак йўлида жойлашган мамлакатларнинг бозорларида катта миқдоридаги ипак савдосидан ташқари Хитойнинг олтин, кумуш, мато, туз, Марказий Осиё давлатларининг маҳаллий ҳунармандчилик буюмлари, мева ва ўсимликлар, от, қорамол ва бошқа чорва ҳайвонлар кўплаб сотилган. Қадимги фарғоналик савдогарлар Хитойдан кумуш ва олтин олиб келиб ундан қимматбаҳо буюмлар ясашган [11]. Фарғонанинг олтин, кумуш буюмлари ғарб томондаги мамлакатларда ҳам бозори чаққон бўлган. Фарғонадан эса Хитойга отлар, беда ўсимлиги, узум, ток новдаси, анор, зира ўсимлиги олиб борилган. Айнан бу ўсимликлар қадимдан Хитой жамиятида кенг оммалашади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, мил.ав. биринчи минг йиллик бошларида қадимги Хитой Марказий Осиё билан савдо муносабатлари олиб борганлиги ҳақидаги қадимги хитой ёзма манбаларда маълумотлар мавжуд. Савдо сотиқ алоқлари мил.ав. II асрга қадар атрофдаги ҳунлар, юэчжилар орқали амалга оширилган. Хан даврига келиб Марказий Осиё билан савдо алоқалари кенг кўламда амалга оширилди. Бунда икки минтақа элчилари борди-келдиси анча қизғин бўлган. Айнан ушбу савдо элчилик муносабатларида Марказй Осиёдан Хитой бозорларига бир қанча савдо буюмлари, мева ва сабзавотлар олиб борилганлиги ва қадимги Хитой жамиятида кенг оммалашганини кўриш мумкин.

**Фойдаланилган манба ва адабиётлар**


1. Ли Мингвей. Сичжоу чжилу маойиши (李明伟. 丝绸之路贸易史 - Ипак йўли савдо тарихи). – Ланчжоу, 1997. – Б.7, 48.
2. Ртвеладзе Э. Цивилизации, государства, культуры Центральной Азии. – Ташкент, 2005. – С. 254.
3. Чжунгуо шигао диту жи (中国史稿地图集-Хитой тарихи хариталари тўплами). – Шангхай, 1996. – Б.11.
4. Боровкова Л.А. Царства “западного края” во II–I веках до н. э. (Восточный Туркестан и Средняя Азия по сведениям из «Ши цзи» и «Хань шу») – Москва, 2001. – С. 307-309.
5. Фанг Ҳао. Чжунгши жяотунгши шангшя (方豪.中西交通史-Хитой ва Ғарб алоқалари тарихи 1 жилд). – Шангхай, 2008. – Б. 77.
6. Хўжаев А. Фарғона тарихига оид маълумотлар(大宛 宛城). – Фарғона: Фарғона, 2013. – Б. 28-40.
7. Ходжаев А. Из истории древних тюрков. – Алматы, 2011. – С. 180.

8. Вэй Шоу. Вэйшу. (魏收. 魏書 – Вэй [сулоласи] тарихи ) // Эршиси ши (24 тарих). 10-жилд. – Пекин, 1974. – Б.2275. Аслиятдан А. Хўжаев изоҳли таржимаси. Хўжаев А., Айтбаев А...– Тошкент, 2016. – Б. 84.
9. Хўжаев А. Буюк ипак йўли: муносабатлар ва тақдирлар. – Тошкент, 2007. – Б. 180-181.
10. Хўжаев А. изоҳли таржимаси. Фарғона тарихига оид маълумотлар (қадимий ва илк ўрта аср хитой манбаларидан таржималар ва уларга шарҳлар). – Фарғона, 2013. – Б. 79. Ушбу маълумотлар асл манба Вэй Шоу. Вэйшу. (魏收. 魏書 – Вэй [сулоласи] тарихи ) // Эршиси ши (24 тарих). 8-жилд. – Пекин, 1974. – Б.2270.
11. Ртвеладзе Э. Цивилизации, государства, культуры Центральной Азии. – Ташкент, 2005. – С. 121..

## ИСТОРИЯ МИГРАЦИИ НЕМЦЕВ В ТУРКЕСТАН

***Д.М.Иноятова – доктор исторических наук, доцент кафедры “Новейшая история Узбекистана”, Национальный университет Узбекистана***

С древнейших времен территория Турана была полиэтничной. На его территории проживали хорезмийцы, бактрийцы, согдийцы, парфяне, дахи, саки, массагеты, карлуки, огузы и др, которые являются предками нынешних народов: узбеков, таджиков, туркменов, казахов и киргизов. Полиэтничность увеличивалась в связи с завоеваниями иранцев, арабов, миграциями азиатских евреев, люли, уйгуров и др.

В связи с развитием в регионе торговых и дипломатических связей появляются и европейцы. К примеру, российские немцы в XVI – XIX вв. побывали в Средней Азии в составе российских посольств, в качестве дипломатов, ученых, путешественников и др. Среди них мы можем назвать натуралистов Э.А. Эверсмана, Х.Г. Пандера, Щульца. Ф.И. Базинера, капитана Е.К. Мейндорфа, этнографа И.Г. Георги, майора Бланкеннагеля, ученого Э. Эйхвальда, востоковедов П.И. Лерха и Х.Д. Френа, академика К.М. Бэра, И.Ф. Бларамберга и многих других. В 1739–1740 гг. поручик Миллер возглавил первый караван из Оренбурга в Ташкент и был первым официальным представителем Российской империи в Туркестане. В 1791 г. Якоб Боувер составил одну из первых карт Туркестана. Но они надолго не задерживались, выполняли свою миссию и возвращались на родину.

Исторические источники, сообщают о следах немцев в Туркестане начиная с XV в. Многие этнические немцы побывали на территории Туркестана в период средневековья в качестве невольников, послов, путешественников. Одним из первых в крае побывал баварский солдат Иоганн Шильтбергер уроженец Мюнхена, который оставил свои воспоминания в книге «Путешествие по Европе, Азии и Африке с 1394 по 1447 год».

Следы немцев мы находим в фонде библиотеки им. А. Навои в Ташкенте, где хранится «Девятая немецкая библия», напечатанная в XV в. 1724 г. Георг Гендель написал оперу «Тамерлан» которая была поставлена в Лондонском Королевском театре.

Массовое переселение немцев в числе других российских народов в Туркестан началось со второй половины XIX в. после завоевания его Российской империей. На завоеванной территории в 1867 г. было образовано Туркестанское генерал-губернаторство. Его административным центром сделали г. Ташкент. Манифестом от 17 июля 1867 г. первым генерал-губернатором Туркестана был

назначен генерал-адъютант К.П. Кауфман. Российское правительство планомерно проводило политику переселения русскоязычного населения из центральных губерний империи в Туркестанский край. Принятие в 1886 г. «Положения об управлении Туркестанским краем» давало право российским подданным приезжать и обустраиваться в Туркестанском генерал-губернаторстве. Среди прибывавших российских подданных преобладали славяне (русские, украинцы, белорусы), много было немцев, татар, евреев, меньше – поляков, финнов, греков, шведов, датчан. Одновременно с российскими поданными с различными интересами мигрировали в край 700 – 800 европейцев-иностранцев, которые являлись подданными иностранных государств (Германии, Франции, Италии, Англии, Дании и др.). Заметим, что одновременно с европейцами появлялись и азиаты, среди которых преобладали кашгарцы, таранчи, персы, азербайджанцы, курды и арабы. В результате значительно увеличилась этническая мозаичность региона.

Потоки миграций немцев в Туркестан в зависимости от времени переселения, характера (добровольные и насильственные) можно разделить на три группы. Первой группой немцев, прибывших вместе с продвижением царских войск в Туркестан в составе воинского контингента, были военные, в том числе офицеры высшего и среднего состава, рядовые царской армии. За армией следовали административные чиновники, занимавшие посты в управлении и гражданских службах. Это были преимущественно выходцы из балтийских (остзейских) провинций – подданные России, которые за многие десятилетия накопили опыт военной службы и охотно служили в царской армии. По мере хозяйственно-экономического освоения края здесь появлялись гражданские служащие, чиновники, предприниматели, представители научной интеллигенции. Второй группой были немцы-крестьяне, появившиеся в последней четверти XIX в. Селились компактно, образовывая общины (диаспоры), аналогичные той, из которой прибыли. Третью группу составили европейские выходцы – военнопленные и беженцы в ходе Первой мировой войны.

По данным первой Всероссийской переписи населения 1897 г. численность населения Узбекистана в современных его границах составила 3948 тыс. чел. По данным этой же переписи, в Туркестанском генерал-губернаторстве и на соседних территориях проживало до 3800 немцев. Среди них было много военнослужащих и чиновников, этнических немцев, пришедших сюда с российскими войсками. К примеру, в воинских частях Туркестанского округа служили 818 немцев, среди которых было немало генералов, штабных офицеров, полковников. В Ташкентской лютеранской общине 73 ее члена были высокопоставленными чиновниками, они занимали ключевые посты в командном составе, в администрации управления, торговле, культуре, образовании и медицине. Многочисленность их в высших эшелонах военной администрации объясняется данными российской армии в конце XVIII в., где до 30% офицерского состава составляли этнические немцы, в основном остзейцы.

Вместе с военными и чиновниками сюда переселялись и их семьи. Первоначально они селились в местах, где стояли форты и укрепления, в пригородах Ташкента, позже и в других городах Туркестана. Немцы в Ташкенте селились компактно по улице Гоголя (ныне акад. Яхъе Гулямова) и Наманганскому проспекту (переименована в ул. Жуковского, ныне ул. академика Садыка Азимова). Немцы проживали в других городах и населенных пунктах Туркестанского генерал-губернаторства – Самарканде, Катта-кургане, Джизаке, Асхабаде, Чарджоу, Ура-тюбе, Ходженте, Коканде, Андижане, Новом Маргилане, Оше, Керки, Термезе, Кызыл-Арвате, Петро-Александровске.

В Туркестане немцы заселялись не только в городах, но и в сельской местности. Планомерная крестьянская (русская, украинская, немецкая) колонизация Сырдарьинской и Семиреченской областей Туркестана началась с 1874 г. Немцы-крестьяне из центральных и южных губерний России прибыли позже, в конце 1870-х годов. По указанным ранее причинам в 1879–1882-е годы в Туркестан раньше, чем немцы-крестьяне лютеранского вероисповедания, переселились немцы-меннониты из немецких колоний России – Бердянского уезда Таврической губернии (юг Украины) и Новоузенского уезда Самарской губернии (Поволжье).

Первый этап переселения немецких крестьян-меннонитов (самый большой) охватил 159 семей, приблизительно около 500 человек. В дороге от тяжелых условий умерло 34 человека, из них 25 детей.

Вторая волна массовой миграции немцев-крестьян в Туркестан была вызвана сильной засухой, неурожаем и голодом в центральных районах России и Поволжья в 1890–1892-е гг., позднее из Южной Украины. Они мигрировали в Туркестан, Сибирь, на Урал и в Казахстан. Это были беднейшие представители крестьянского населения из немецких колоний Поволжья. По религиозному убеждению, они были лютеранами. Администрация туркестанского губернаторства немецких переселенцев направляли в основном в Сырдарьинскую область.

В общей сложности колонистами из центральных областей России было образовано 14 поселений в Туркестане. Из них в Сырдарьинской области Аулиеатинского уезда 6 меннонитских: Николайполь, Гнаденталь (Андреевка), Гнаденфельд (Владимировка), Кеппенталь (Романовка), Гогендорф (Хивинское), Иоганнесдорф (Ивановское); 2 смешанного типа - Орловка и Алексеевка; в Ташкентском уезде Сырдарьинской области 3 лютеранских: Константиновка, Кауфманское, Степное; в Закаспийской области 2 лютеранских: Крестово и Козелковский; в Хивинском ханстве 1меннонитское: Ак-Мечеть.

На протяжении первого десятилетия XX в. в связи со столыпинской аграрной реформой продолжались миграции переселенцев из России, среди которых было немало немцев-колонистов. Они подселялись в уже существующие поселения в Сырдарьинской и Закаспийской областях.

Если в 1897 г. в Сырдарьинской области было 1857 немцев, то в 1910 г. – уже 5582 (почти в 3 раза больше); в Закаспийской области – с 1026 до 1571. По данным 1911 г. в Ташкенте проживало 3245 немцев, в Аулие-Ата (ныне Джамбул) – 73, в Чимкенте – 35, в Туркестане – 112, в Перовске (Кзыл-Орда) – 67, в Казалинске – 53, Петро-Александровске (Турткуль) – 8, Ашхабаде – 556, в Красноводске – 35, Мерве – около 90. Почти в каждом городе Ферганской и Семиреченской областей в начале XX в. проживало по несколько десятков немцев. В других областях Туркестана численность немцев осталась на прежнем уровне или возросла незначительно.

Согласно принятым в России законам, направленным на ликвидацию «немецкого засилья», третью группу составили – военнопленные австро-венгерской и германской армий, а также беженцы с неприятельских территорий во время 1-й мировой войны. В июне 1915 г. с западных границ России, начали появляться беженцы в Средней Азии и к концу года составляли около 70 тыс. человек. Среди них было около 8-10 тыс. поляков и евреев, эвакуированных из Польши, а также от 1,5 тыс. до 2 тыс. прибалтов, около 4 тыс. немцев из Волынской и Киевской губерний. Туркестанская администрация, специально образовала отделы городских управ по признанию беженцев. Они были расквартированы в 37 специально построенных для них лагерях и казармах. Вскоре, с июля 1915 г. в связи с недостатком рабочей силы в центральных районах России, из Средней Азии в Казанский округ и на Украину начался вывоз значительной партии пленных. С

апреля 1916 г. начался вывоз беженцев, большинство которых было переброшено в Самарскую и Саратовскую губернии. После реэвакуации осталось не более 7-8 тыс. беженцев. Кроме того к 1917 г. оставалось около 41 285 пленных из них: 3515 германских и 36,6 тыс. австро-венгерских солдат, 1714 австро-венгерских офицеров и 60 германских офицеров, которые пополнили ряды европейцев в Туркестане.

Подводя итог, численности первых двух групп, добровольно переселившегося немецкого населения Туркестана (без военнопленных и беженцев), отметим, что если в конце XIX в. их было всего 3800 чел., то к середине второго десятилетия XX в. стало более 8500. Более половины из них, около 5 тысяч были горожанами, остальные были жителями сельской местности. В частности, в Сырдарьинской области проживало около 2000 немцев, или 0,13% населения Туркестана, в Закаспийской – 1026, или 0,27%, в Самаркандской – около 450, в Ферганской – около 160, в Семиреченской – более 40 немцев. В Ташкенте находилось 3245 немцев, Самарканде – 378, Ашхабаде – 566. Большинство из них были подданными Российской империи. Однако среди них 200 немцев были подданными Германии, Австро-Венгрии и 150 – подданными Хивинского ханства (акмечетские немцы-меннониты в 1904 г. приняли хивинское подданство).

Таким образом, анализ собранного материала послужил основой для выделения нескольких этапов причин миграции немцев в Туркестан. Первый этап: формирование в русле вторичных миграционных потоков, в основном, из центральных районов России и в небольшом количестве из Германии к концу 70-х годов XIX в. (причины: экономические и религиозные); второй этап: – появление военнопленных и беженцев в ходе Первой мировой войны; третий этап: 1920-е гг. (причины: связанные с голодом в Поволжье и политикой коллективизации в стране). В образовании немецкой диаспоры на территории Туркестана большую роль играли добровольные миграционные процессы, которые происходили в русле вторичных миграционных потоков именно из центральных районов России, а не из исторической родины немцев Германии. Необходимо заметить, что отличие от других европейских переселенцев, прибывших из России в Туркестан, немецкие переселенцы создавали свои общины (диаспоры) не по национальному, а по религиозному принципу.

## СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ И ИСТОЧНИКОВ.


1. Путешествие по Европе, Азии и Африке с 1394 по 1447 год. // Отв. ред. Б. Ахмедов. – Ташкент: Шарк, 1997. – 240 с.
2. НАУз Ф. И-1. Оп. 22. Д. 409. Л. 10.
3. НАУз. Ф. Р-25. Оп. 1. Д. 182. Л.16, 17.
4. Ата-Мирзаев О., Гентшке В., Муртзаева Р. Узбекистан многонациональный: историко-демографический аспект. – Ташкент, 1998. – С.7.
5. Брук С.И. Немцы в СССР: современная ситуация // Исследования по прикладной и неотложной этнологии» 1990 г. См. http:// www.iea.ras.ru/ Сайт Института этнологии и антропологии РАН.
6. Матвеев А.М. К вопросу о выходцах из Германии в Средней Азии в конце XIX – начале XX века // Науч. труды ТашГУ Вып. 392. – Ташкент, 1970. С. 62.
7. НАУз Ф. И-1. Оп.1. Д.1987. Л. 25.
8. Belk F.R. The Great of the Russia Mennonites to Central Asia. 1880-1884. – Eugene, 2001. – P. 87–132.

9. История российских немцев в документах (1763 – 1992 гг.) // Сост. В. А. Ауман, В. Г Чеботарева. – М., 1993. – С. 36-46.
10. Кнауер Н.Х. Евангелическо-лютеранская церковь в Туркестане // К истории христианства в Средней Азии. – Ташкент, 1998. – С. 243.
11. Матвеев А.М. Зарубежные выходцы в Туркестане на путях к Великому Октябрю. – Т. 1977. – С. 32.
12. Обзор Сырдарьинской области за 1911 г. – Ташкент, 1913.
13. Дмитриев-Мамонов А.Д. Путеводитель по Туркестану и железным дорогам Среднеазиатской и Ташкентской. – СПб, 1903.
14. НАУз Ф. И-1. Оп. 11. Д. 1479. Л. 25.

## ҚЎҚОН ХОНЛИГИ ШАҲАРСОЗЛИК МАДАНИЯТИДА МЕЪМОРЧИЛИК ВА АМАЛИЙ САНЪАТИНИНГ ЎРНИ (XVIII асрнинг охири – XIX асрнинг бошлари)

***Т.Д.Худойқулов – тарих фанлар доктори, доцент. ҚарДУПИ***

XVIII асрнинг охири – XIX асрларнинг бошларида Қўқон хонлиги кучли марказий ҳокимиятга эга бўлган марказлашган давлат сифатида қарор топиши, хўжаликнинг бирмунча жонланиши натижасида моддий маданият ривожланди. Мамлакат пойтахти Қўқон ва бошқа шаҳарларда бир қатор меъморий обидалар, йўллар, кўприклар, сув иншоотлари, ҳаммомлар қад ростлади, амалий санъат ва хаттотлик санъати ривож топди.

XIX асрнинг биринчи ярмида хонликда Умархон, Муҳаммадалихон, Нодирабегим, Худоёрхон, Султон Муродбек, Султон Сайидхон, ҳарбий бошлиқлардан Мусулмонқули, Аликули, Ҳолмуҳаммад мингбошилар ва замонасининг илғор, маърифатли кишилари томонидан меъморий обидалар қурдирилди, шаҳарсозлик тез суръатлар билан ривожланди. Натижада мамлакат пойтахти Қўқон тез фурсатда Ўрта Осиёнинг йирик шаҳарларидан бири, илм-фан ва маданият марказига айланди.

Меъморчиликда асосий эътибор биринчи навбатда мадрасалар, масжидлар, хонақолар, дарвеш ва қаландарлар учун такяхоналар, қорихоналар, сардобалар, кўприклар, бозор расталари барпо қилиш ҳамда ариқлар қазишга қаратилган.

Хонлик шаҳар ва қишлоқларида кўзга ташланадиган биринчи бино мадраса ва масжидлар бўлиб, улар баланд ва ҳашаматли, нақшинкор ҳамда кунгирадор қилиб қурилган. Мадраса, масжид ва ўрда иморатлари салобатли ҳамда ҳашаматли бўлиши учун улар осмонўпар гумбазли қилиб бунёд этилган. Биноларнинг баландлиги ва мустаҳкамлигини ўша давр қурилишининг ютуқларидан деб ҳисоблаш мумкин.

Қўқон шаҳрида Умархон ҳукмронлиги даврида машҳур тарихчи Муҳаммад Ҳакимхон томонидан Ҳаким тўра мадрасаси, 1840-1842 йиллар ўртасида Моҳлар ойим ва Хон мадрасалари барпо этилган. Булардан ташқари Офтобойим, Ризоқулибек, Мингойим, Муҳаммад ясовул, Хўжа додхоҳ, Ҳаққули мингбоши, Муҳаммад сиддиқ тўнқатор, Маҳдуд Дастурхончи, Аминхон хиштин, Муҳаммад Юсуф охунд девон каби мадрасалар бунёд этилган.

Шаҳар маркази Чорсуда тўртта йирик мадраса биноси қад кўтарган.

Василий Пшеничников маълумотига қараганда, 1842 йилда пойтахтда 15 та мадраса бўлиб, улардан энг кўзга кўринганлари Муҳаммадалихон мадрасаси, Норбўтабек, Жомий, Олий, Ҳаким ойим, Султон Муродбек, Хўжа додхоҳ, Минг ойим мадрасаларидир. Уларнинг 38 тадан 108 тагача ҳужраси бўлган [1].

XIX асрда Тошкент шаҳрида ҳам бир қанча мадрасалар барпо этилган. Жумладан, Умархон даврида, тахминан 1816 йилларда Тинчбоф гузарида Шукурхон мадрасаси, 1820 йилда Кўкча даҳасида пишиқ ғиштдан Эшон Бўрихўжа Санчиқмони мадрасаси қурилган.

XIX асрнинг 30 йилларида Муҳаммадалихоннинг фармони билан шаҳар Регистонида мадраса қад ростлаган ва унга Мир Иноятуллоҳ бош мударрис этиб тайинланган [2].

Муҳаммадалихон қозикалон этиб тайинлаган Исохўжа томонидан ҳам ўз номида пишиқ ғиштдан мадраса бунёд этилган. Шунингдек, 1830 йилда Чархчикўча мадрасаси, 1833 йилда Маҳмуд дастурхончи мадрасаси қурилган. Маҳмуд дастурхончи мадрасаси Дегрезлар маҳалласида жойлашган ва 25 та ҳужрани ўз ичига олган.

1838-1839 йилларда Туркистон ҳокими Эшонқули додхоҳ ибн Лашкар бекларбеги томонидан Эшонқули додхоҳ мадрасаси қурдирилган. Бу мадраса рус манбаларида Шайхонтоҳур мадрасаси, деб ҳам қайд этилади. Мадраса Юнусхон мадрасасининг жануби-шарқида тўрт тарафдан бир-бирига қаратиб солинган. Лашкар бекларбегининг ўғли Ниёз Муҳаммад мирзо мадрасада мутаваллий бўлган.

1838-1840 йилларда Тошкент ҳокими Лашкар бекларбеги томонидан Бекларбеги мадрасаси барпо этилган. Мадраса икки қаватли бўлиб, 58 ҳужрали, айрим маълумотларга кўра 59 ҳужра, дарсхона ва бир масжиддан иборат бўлган.

1840 йилда Каллахона мадрасаси, 1852 йилда Зангиота мақбараси ёнида Нормуҳаммад қўшбеги мадрасаси, 1857 йилда Тошкент ҳокими Мирзо Аҳмад қўшбеги томонидан Қаффол Шоший мақбарасининг жанубида, пишиқ ғиштдан Мўйи муборак мадраса ҳужра ва бир масжиддан иборат бўлиб, Абдулмажидхон эшон биринчи мударриси бўлган.

1860 йилда Кадубод, 1865-1876 йиллар оралиғида Кўкча даҳасидаги Пичоқчилик маҳалласида пишиқ ғиштдан Шарифбой, 1871 йилда Қосимбой Қоратутий, 1873 йилда Отабийҳожи мадрасалари солинган.

Бундан ташқари, Марғилонда Сайидаҳмадхўжа мадрасаси, Андижон шаҳри атрофида Сайдуллоҳ уста томонидан Отақўзи мадрасаси, Исахон уста ва унинг ўғиллари бошчилигида Мирзақули Бўлиш мадрасаси каби илм масканлари бунёд этилган.

Умуман олганда, XIX асрда хонликнинг Қўқон, Тошкент, Андижон, Хўжанд, Ўратепа, Марғилон, Туркистон каби шаҳарларида 200 дан ортиқ мадрасалар қурилган.

1801-1876 йилларда хонликда маъмурий ва жамоат бинолари, жумладан, саройлар, масжидлар, кўприклар, карвонсаройлар, ҳаммомлар, йўллар қурилишига катта эътибор берилган ва хусусий уйлар қурилиши ҳам анча ривожланган.

1863 йилда Султон Сайидхон Қўқонда ўзи учун ўрда-хон саройи қурдирган. Лекин бу ўрда 1870 йилда Худоёрхон томонидан қайта қурилиб, атрофида боғ барпо қилинган. Бу қурилиш тарихи Қўқон тарихчиларидан Аваз Муҳаммад Аттор ва Ниёз Муҳаммадлар томонидан ёритилган [3].

Хонликда Жоме (жума ва ҳайит намозларини ўқиш учун) ва маҳалла масжидлари (беш вақт намоз ўқиш учун) қурилишига алоҳида эътибор берилган. Жоме масжидлари ўзининг салобатлилиги билан ажралиб турган. Улар баланд гумбазли ва текис шифтли бўлиб, ҳар иккала турдаги бинонинг ички кўринишида шифти ва ташқи кўринишида гумбаз безагига алоҳида эътибор берилган.

Масжидлар биносининг қурилиши ва уларнинг таъмири асосан вақфлар ҳисобидан амалга оширилган. Масалан, Умархон масжидининг таъмири 1850-1851

йилларда Худоёрхон томонидан амалга оширилган бўлса, Ийдгоҳ масжиди 1865 йилда ўзининг вақфлари ҳисобидан таъмирланган[4].

Хонликда мақбаралар хонлар, саййид ва хўжалар қабрлари устида барпо қилинган ва уларнинг қурилиши ҳамда таъмири савобли ишлардан ҳисобланган. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, уларни қурдириш обрў орттириш воситаси ҳам бўлган.

Масалан, 1825 йилда Нодирабегим томонидан Умархон ва унинг авлодлари учун «Даҳмаи Шоҳон» – «Шоҳлар даҳмаси» мақбараси қурдирилган. Кейинчалик бу мажмуага Нодира, Муҳаммадалихон ва бошқа хонлар дафн этилган. 1850-1851 йилларда бу мақбара Худоёрхон томонидан таъмирланган.

Тошкентнинг Шайхонтоҳур даҳасидаги Шайх Хованди Тоҳур мақбараси энг йирик мақбаралардан бири бўлиб, мақбара биноси Нормуҳаммад қўшбеги ҳокимлиги даврида пишиқ ғиштдан қурилган. Муҳаммад Солиҳхўжанинг ёзишича, мақбаранинг деворлари ва томи аввал ёғочдан бўлган. Унинг шимол тарафидан ариқ оқиб ўтган. Мақбара атрофи катта қабристон бўлиб, унинг ғарб томонида, яъни қабристоннинг ўртасида бир неча хоналар ва ичида гумбаздан иборат пишиқ ғиштдан қурилган чиллахона бўлган. Мазкур гумбазни Шайх Хованди Тоҳурнинг набираси Хўжа Аҳрор Валий қурдирган бўлиб, унинг ўртасида тош лавҳа ҳам ўрнатган[5].

Шунингдек, Наманган вилоятининг Чодак тоғ қишлоғида Бойи Ҳамадон мақбараси узунчоқ тузилишдаги қабрнинг бир-биридан кўтарилиб борган уч поғанали супадан ташкил топганлигини ва унинг тўридаги супада сағана ўрнатилганлиги ва уни зиёрат қилишга қулай қилиб қурилганлиги билан ажралиб туради[6].

Шу билан бирга, Фарғона водийсида XVIII-XIX асрларда қурилган мақбараларнинг ички кўринишида XI-XII асрларга хос анъаналар кузатилади. Жумладан, Намангандаги Хўжамнинг (Хўжа Амин) қабри мақбараси бунга мисол бўла олади.

Хонлик меъморчилиги тархида жамоат бинолари сирасига кирувчи ҳаммомлар алоҳида ўрин эгаллайди. Шарқда ҳаммомлар шаҳарнинг жисмоний ва маънавий тарбия аҳамиятига эга бўлган биноларидан бири ҳисобланади. Тадқиқотчи олимлар ҳаммомларни тархи ва тузилиши жиҳатидан, асосан икки гуруҳга, яъни тўлиқ ва тўлиқсиз кўринишдаги ҳаммомларга бўладилар. Биринчи гуруҳ ҳаммомларининг умумий тузилиши тўғри тўртбурчакка яқин бўлиб, асосий хонаси – миёнсарой иморат марказини эгаллаган бўлса, иккинчи турдаги ҳаммомлар кам хонали, соддароқ, тузилиши жиҳатидан «Г» ҳарфи шаклида, асимметрик, оддий ва узунчоқ шаклда бўлган. Асосан маҳалла ва қишлоқ ҳаммомлари тўлиқсиз кўринишдаги ҳаммомлар бўлган.

XIX асрда қурилган ҳаммомлар бир неча, яъни «лунги хона», «иссиқ хона», «хунук хона» ва миёнсарой (ўртасарой) ёки катта гумбаз каби хоналардан ташкил топган. Шулардан миёнсарой хонаси ўзининг жойланиши, катталиги, тузилиши билан қолганларидан ажралиб туради. Масалан, XIX асрга оид Тошкентдаги Чорсу ҳаммоми миёнсаройидан олтита эшик орқали тўққизта турли катталикдаги хоналарга ўтилган. Миёнсаройнинг ҳамма томонида эшик бўлганлиги сабабли тўртбурчак тузилишдаги супа унинг марказида жойлашган. Миёнсаройнинг гумбази саккизбурчак қанотларига ўрнатилган қалқонсимон равоқлар устида жойлашган. Гумбаз марказида қубба шаклидаги қисми бўлиб, унинг ён деворларида панжара билан тўсилган равоқлар назарда тутилган. Улар орқали миёнсаройга ёруғлик тушиб турган.

Миёнсаройнинг ички кўриниши ўзига хос қурилиши туфайли киши диққатини тортадиган манзарага эга бўлган. Жумладан, гумбаз гардиши остидаги қалқонсимон равоқлари, миёнсарой марказий ўқлари тўғрисидаги деворларнинг токча шаклида ташқарига сурилиши, уларнинг катта равоқлар ичига олиниши ва панжаралардан тушаётган нурлар натижасида ёруғ ва сояли юзаларнинг вужудга келиши унинг ички кўринишини жонлантириб юборади.

Ҳаммомлар пишиқ ғиштдан, бир неча гумбазли қилиб қурилган ва улар эгасининг номи билан аталган. Муаррих Муҳаммад Солиҳхўжа Шайхонтоҳур даҳасининг Қиёт маҳалласида жойлашган Мусомуҳаммад Бекмуҳаммад ўғли ҳаммоми, Кўкалдош мадрасаси орқасидаги пастликда жойлашган Муҳаммад Каримхўжа халифаи қозоқ ҳаммоми, Кўҳна Намозгоҳ кўчасидаги Ҳожи Отабой ва Мулла Бадалмуҳаммад ҳаммомлари ҳақида маълумот беради[7].

А.П.Хорошхиннинг маълумотларига кўра, Тошкент Чорсу бозорининг ўзида олтита ҳаммом фаолият кўрсатган. Уларнинг ҳар бири бир вақтнинг ўзида 200 кишига хизмат кўрсата олган. Ҳафтанинг бир ёки икки кунида ҳаммомлар аёлларга хизмат кўрсатган. Шу кунларда ҳаммом хизматида ҳам аёллар бўлган.

XVIII – XIX асрларда мамлакатнинг турли бурчакларида барпо этилган мадраса, масжид ва бошқа меъморий иншоотлар қурилишининг асосини анъанавий меъморчилик услуби ташкил этган. Меъморчилик анъанасига кўра мадраса, масжид ҳаммом ва тимларнинг гумбазлари:

– чархий – бўйи ва эни бир хил тўртбурчак, томи айлана;

– балхий – бўйи энидан узун, пастқам;

– мирзойи – гумбаз баландлиги эни кенглигининг ярмидан ортиқ;

– чортарк – томи пастак, тўрт қиррали, тўрт чокли ва яна қовурғали, бешикчи, чоркунжа, гажакдор шаклларда қурилган.

Ёғоч, темир, пишиқ ёки хом ғишт, юпқа сопол ғишт, ганч, мармар, харсангтош, соғ тупроқ ва оҳак асосий қурилиш материаллари бўлган. Темир ва ёғоч кам бўлганлиги учун қурилишда кўпроқ пишиқ ёки хом ғишт, ганч, тош, лой ва оҳак ишлатилган. Бино пойдеворига харсангтош ёки мармартош ётқизилган. Қурилишда терак, тол, тут, ёнғоқ, қайроғоч ва арча ёғочларидан кенг фойдаланилган. Пишиқ ғишт, ганч, юпқа сопол ғиштлар махсус хумдонларда пишириб тайёрланган.

Хонликнинг хўжалик ҳаёти суғорма деҳқончиликка асосланганлиги боис суғориш иншоотлари қурилишига алоҳида аҳамият берилган. Улар аҳоли, хонлар, алоҳида амалдорларнинг ташаббуси ёки раҳбарлигида ҳашар йўли билан қурилган. Масалан, 1822-1842 йилларда Тошкент вилоятида Хонариқ канали, 1868-1871 йилларда Фарғонада Улуғнор (Улуғнаҳр) канали қазилганлигини айтиб ўтиш мумкин. Улуғнор каналини қазишда ҳар йили 4 мингдан кўпроқ деҳқон қатнашган. Худоёрхон уларга шу канал суви билан суғориладиган ерларни беришга ваъда қилган. Лекин канал қазиб битказилгандан кейин, ундан фақат йирик ер эгаларигина фойдаланганлар. Каналнинг суви деҳқонлар ерларига бориб етмаган. Бу ариқнинг қурилиши ҳақида Муҳаммад Азиз Марғилоний қуйидагиларни ёзади: «Худоёрхон Улуғнаҳрни қазиш вақтида сувни кўтариш учун Асакада чархпалак ҳам қурди. У Асака атрофидаги чўлларга сув чиқариб уни обод этиб, ўрда ва бозорлар қурмоқчи бўлди. Бунинг учун эски қабристонни ҳам бузиб ташлашни буюрди. Атрофдаги қишлоқларга мардикор солиғини солиб уларни ишлатди. Кўп мусулмонлар шунда ҳалок бўлдилар» [8].

Юқоридагиларга хулоса қилиб, айтиш мумкинки, Қўқон хонлигида меъморий обидалар бунёд этиш халқ меъморчилиги анъаналари асосида амалга оширилган. Шу билан бир қаторда қурилиш ва меъморчиликда муайян ўзгаришлар ҳам юз берди. Бу

ҳол хонликнинг Россия билан сиёсий, иқтисодий муносабатларининг таъсирида рўй берди.

Меъморчиликда асосий эътибор жамоат бинолари ва иншоотлари қуришга қаратилган. Жамоат биноларидан мадрасалар, масжидлар, ҳаммомлар, йўллар ва кўприклар, работ ҳамда карвонсаройлар, сув иншоотлари оддий халқнинг машаққатли меҳнати билан барпо этилган.

Хонликда Қўқон ва Тошкент ўзига хос меъморчилик мактаблари ва амалий санъат усулларига эга бўлган. Бу маҳаллий меъморчилик мактаблари ўзининг кенг ҳажмли манзаралари, безакларнинг ғоят нафислиги, жимжимадорлиги, рангларнинг шўхчанглиги ва кўзни қамаштирадиган даражада ёрқинлиги, ёғоч ҳамда ганч ўймакорлиги билан ажралиб туради.

Қўқон хонлигида моддий ва айни пайтда маънавий маданиятнинг намунаси бўлган китобат санъати ва хаттотлик ҳам юқори даражада ривожланган. Бу санъат асосан Қўқон, Тошкент, Андижон, Хўжанд, Ўратепа каби шаҳарларда ривож топган.

**Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати**


1. Галкин М.Н. Этнографические и исторические материалы по Средней Азии и Оренбургскому краю. – Санкт-Петербург: 1869. – С. 238-240; История Узбекистана. Т.III. – Ташкент: – С. 220.
2. Султонов Ў.А. Муҳаммад Солиххўжа ва унинг «Тарихи жадидайи Тошканд» асари. – Тошкент: 2007. – Б. 142 -150.
3. Аваз Муҳаммад Аттор Хўқандий. Тарихи жаҳоннамойи. 341а,б вар; Ниёз Муҳаммад Хуқандий. Ибрат ул-хавоқин (Тарихи шоҳрухий). – Б. 280.
4. Троицкая. Каталог архива Кокандских ханов. – С. 330.
5. Султонов Ў.А. Муҳаммад Солиххўжа ва унинг «Тарихи жадидайи Тошканд» асари. – Б. 174-175.
6. Нозилов Д.А. Марказий Осиё меъморчилигида интерьер. – Тошкент: Фан. 2005. – Б. 451.
7. Султонов Ў.А. Муҳаммад Солиххўжа ва унинг «Тарихи жадидайи Тошканд» асари. – Б. 174-175.
8. Муҳаммад Азиз Марғилоний. Тарихи Азизий. – Б. 313.


## ФАРҒОНА ВОДИЙСИДАГИ ИЛК ШАҲАРЛАРИ

***Д.С.Кадирова – Фарғона политехника институти "Ўзбекистон тарихи ва ижтимоий фанлар" кафедраси катта ўқитувчиси***

Археологик тадқиқотлар маълумотларига кўра, Ўрта Осиё ҳудудида илк шаҳарлар эрамиздан аввалги II минг йиллик охирларида пайдо бўлган. Шаҳарлар давлатларнинг пайдо бўлиш жараёни узвий боғлиқ ҳолда кечган. Шаҳарларнинг пайдо бўлиши омиллари ҳақида тарихчи олимлардан бири С.Қудратов барча таниқли тарихчи ва археолог олимларимизнинг фикр ва мулоҳазаларини ҳамда илмий хулосаларини инобатга олган ҳолда қуйидагиларни билдиради.

Биринчи омил – аҳолининг юқори зичлиги, унинг бир ерда тўпланишига имкон яратадиган озиқ-овқат олиш йўли, яъни ўтроқ деҳқончиликнинг пайдо бўлиши. Аҳоли зичлиги ўтроқ деҳқончилик жамиятларида олдинги термачилик, овчилик билан шуғулланган даврга нисбатан 100 баровар ошади.

Иккинчи омил – ҳунармандчиликнинг деҳқончиликдан ажралиб чиқишидир. Бунинг натижасида айрим аҳоли манзилгоҳларида асосан махсус ишлаб чиқариш (ҳунармандчилик) билан шуғулланадиган аҳоли тўплана бошлади. Бир сўз билан

айтганда, ҳунармандчиликнинг ажралиш жараёни билан шаҳарларнинг пайдо бўлиш жараёни бир вақтда боради. Шаҳар ва ҳунармандчиликнинг бир-бирларининг юксалишига шароит яратган. Айниқса, ҳунармандчилик металлургия ва кулолчилик каби тармоқларининг юксалиши, шаҳарлар шакилланиши жараёнини тезлаштирди [1]

Тарихчи – археолог олимларнинг таъкидлашича, шаҳарларнинг пайдо бўлишида жамиятдаги ижтимоий табақаланиш, бошқарув тизимининг тобора мураккаблашиб бориши, ижтимоий муносабатлари, савдо-сотиқ ривожи, диний тушунчалардаги ўзгаришлар, ўша даврлардаги ҳарбий-сиёсий вазиятлар ҳам муҳим омил бўлиб хизмат қилган. Юқоридаги зикр этилган шарт-шароит ва омиллар ҳудудимизда эрамиздан аввалги III – II минг йилликда, яъни бронза давридаёқ шаҳар типидаги аҳоли манзилгоҳларининг пайдо бўлишига олиб келган.

Илк шаҳарлар аҳоли сонининг бирмунча кўплиги билан, монументал иншоотлар (сарой, ибодатхона) ҳунармандчилик маҳаллаларининг мавжудлилиги ва бозор майдонларининг борлиги билан қишлоқлардан ажралиб турган.

Маълумки, цивилизация кишилик жамияти ривожининг маълум даврида пайдо бўлиб, цивилизациянинг юзага келиши ва ривожланишида шаҳар етакчи ўрин тутади. Сабаби, айнан шаҳарлар цивилизация пайдо бўлиши ва ривожланишини таъминлаган жараёнлар кечган марказ ролини бажарган.

Ибрат (Исҳоқхон Жунайдуллахўжа ўғли (1862-1937))нинг “Фарғона тарихи” рисоласида Фарғонадаги илк шаҳарлар ҳақида маълумотлар берилган. Ибрат Фағона водийси шаҳарларининг энг қадимийси Қубо деб беради. Археологлар Қува харобаси 12 гектарни ташкил этганлигини ва 2000 йилдан зиёд тарихга эга эканлигини исботлайдилар. Ибрат гарчи Қува қадимийроқ шаҳар бўлса-да, “аммоки ул вақтда Ахсикент эди” – деб, Ахсикентнинг Фарғона мулки пойтахти бўлганлигига ишора беради. Ахсикент Ибрат маълумотларига кўра Афросиёб даврида, Қубо эса , Нуширвон даврларида обод бўлганлигига урғу беради. Ибрат водийнинг йирик шаҳарларидан бири бўлган Қубо атамаси хусусида ҳам ўз фикрини билдириб “Қубо Нуширвон отаси Қубод исми билан боғлиқдир”, – деб таъкидлаб ўтади.

Эски Аҳсикент ёдгорлигида олиб борилган археологик тадқиқотлар шаҳарнинг эрамиздан аввалги III – II асрларда шаҳар деворлари махсус тагкурси устига қурилиб, аста-секин такомиллашиб борганлигини кўрсатади. Ўз тарихий географиясида В.В.Бартольд X асрга келиб Қубони Ахсикентга нисбатан кенгроқ ва ободроқ эканлигини таъкидлайди.

Ибратнинг “Фарғона тарихи” рисоласида Фарғона водийсидаги бошқа шаҳарлар ҳақида ҳам маълумотлар мавжуддир. Ибрат томонидан кўрсатилган шаҳарлардан бири Марғилон ёки Маргинондир. Унинг тарихи турли ривоятлар манбалар асосида ёритилган. Фарғона ҳақида бундай дейди: “Фарғона музофатнинг номи бўлиб, ҳар асрда маркази хукумат, яъни пойтахт бир ерда махсус бўлиб, ўзгалари анга тобе бўлур экан. Чунончи, мўғуллар асрида Қубо ва Ахси пойтахт бўлиб, мусулмонлар асрида Маргинон пойтахти Ёрмазор бўлиб, Андижон пойтахти Асака бўлиб, Наманган пойтахти Тўрақўрғон бўлиб ҳар ерда ҳавоси тоза, суви покиза ерларни ҳокимлар маркази ҳукумат иттихоз қилиб ўтар эканлар. Ёзги ўрда ва қишки ўрда деганидек” [2].

Тарихий манбаларда кўрсатилишича, X асрдаёқ Марғилон Фарғона водийсининг савдо ва маданият марказларидан бири бўлган. IX асрнинг иккинчи ярми ва X асрнинг биринчи чорагида яшаб ўтган араб сайёҳи ва географ олими Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Муҳаммад ал-Форсий ал-Истахрийнинг (850-934) “Китоб масолик ул-мамолик” (“Мамлакатларга бориладиган йўллар ҳақида китоб”) номли 20 бобдан иборат географик асарида Арабистон, Мағриб, Миср, Сурия, Ироқ, Эрон,

Мовароуннаҳр, шунингдек, Ҳиндистоннинг чегаралари иқлими, маъмурий бўлиниши, машҳур шаҳарлари, уларга олиб борадиган йўллар, аҳолиси ва унинг машғулоти, машҳур кишилари, савдо-сотиқ ва бошқа масалалар баён этилган бўлиб, унда Марғилон шаҳри тўғрисида қуйидаги маълумотлар учрайди. Истахарий Фарғона водийсини Юқори Несиъя ва Қуйи Несиъя сингари вилоятларга ажратган. Шу сабабдан, Марғилонни Юқори Несиъя вилоятига мансуб шаҳарлар жумласидан эканлигини айтади. Шунингдек, академик В.В.Бартольд ўзининг “Мўғуллар даврида Туркистон” номли асарида қуйидагиларни келтирган эди: “Мақдисий Фарғонада масжиди жомеъли 40 шаҳар ҳам қишлоқ борлигини баён этиб, 31 шаҳар номини зикр қиладир ва уларни уч даражага ажратади:

1. Миёнрудий шаҳарлари (Насробод, Минора, Рангад, Шикит, Заркан, Хайрлам, Башбашан, Уштикон, Зандармиш, Ўзганд);
2. Несиъя шаҳарлари (Ўш, Қуба, Баранг, Маргинон, Риштон, Ванкат, Кенд);
3. Вагзи шаҳарлар ( Боканд, Косон, Боб, Сарак, Ашт Тобкар, Аввал, Дираркад, Навкад, Мискан, Биган, Тисхан, Чидгил, Савдо)” [3]

Муаллифнинг биринчи даража шаҳарлар қаторида Норин билан Қорадарё орасидаги шаҳарларни, иккинчи даражага Фарғонанинг жануб қисмидагиларни, учинчи даражага Сирдарёнинг шимолидагиларни киритганлиги маълум бўлади.

Ибрат томонидан ёзилган “Фарғона тарихи” рисоласида Қўқон шаҳри ҳақида ҳам фикрлар билдирилган. У Қўқон этимологияси хусусидаги икки хил қарашни келтиради. Яъни “хўқ қанд-тўқиз ковланган” ва “феъли ҳўйи қанд- яхши ёки латиф шаҳар” маъноларини билдиради. “Қанд” –“қўрғон, қалъа, шаҳар” атамаси суғдий тил орқали Фарғона водийсига кириб келиб жой номларида кенг қўлланилган. Жумладан, Ахсикент, Ўзганд, Новқат, Хўқонд ва бошқалар. Хўқанд эса ўз этимологиясига кўра “ хува-савдо, қанд-шаҳар” маъноларини бериши ҳақиқатга яқин. Чунки Чочдан довон орқали ва Суғддан Исфара орқали кириб келган карвонлар бевосита Хўвақанд-Қўқон-савдо карвонсаройи”да тўқнашган. Бу манзилгоҳ кейинчалик шаҳар номига айланган.

Ҳудудларимиздаги илк шаҳарларнинг ташкил топиши билан ушбу ҳудудда энг қадимги цивилизация қарор топади. Бу қадимги Шарқ типидаги маҳаллий цивилизация эди. Бу цивилизация ҳудудимиз қадимги халқларининг ютуғи бўлиб, унинг кейинги даврлардаги ривожланишига асос бўлиб хизмат қилган.

**Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати**


1. Қудратов С. Марказий Осиё худудида илк шаҳарларнинг пайдо бўлиши. – Тошкент, 1998.
2. Ибрат И. Фарғона тарихи. – Тошкент: Камалак, 1991.
3. Бартольд В.В. Мўғуллар даврида Туркистон. – Самарқанд,1931.
4. Мадинабону Қ., Дилдора Қ. Амир Темур даврида шаҳарсозлик ривожланиш тарихи. Urban development history during the time of Amir Temur. «История городского развития во время Амира Темура // Yosh Tadqiqotchi Jurnali. – 2022. – Т. 1. – №. 3. – С. 38-44.
5. Кадирова Д. Қўқон хонлигининг ташкил топиши масаласи тарихидан // Общество и инновации. – 2022. – Т. 3. – №. 1. – С. 111-115.
6. Sabirdjahnovna K. D. Eastern thinkers on issues of personality development // Проблемы современной науки и образования. – 2020. – №. 2 (147).

# БРОНЗА ВА ИЛК ТЕМИР ДАВРИ МИГРАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИДА ЖАНУБИЙ ОРОЛБЎЙИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

*Ж. Хакимниязов – т.ф.н., доц. Нукус давлат университети.*
*С. Кудайбергенов – таянч доктарант, Нукус давлат университети.*

Бронза ва илк темир даври Марказий Осиё ва бутун Евросиё минтақасида кенг кўламдаги миграция жараёнлари бошланган тарихий давр сифатида аҳамиятга эга. Бу даврда амалга оширилган аҳоли миграцияси минтақавий этномаданий муносабатларда, этногенез жараёнларида, ижтимоий-сиёсий ва маданий муҳитнинг шаклланишида муҳим ўзгаришларни келтириб чиқарган. Марказий Осиёнинг дашт ва деҳқончилик воҳалари қабилалари алоқалари муаммоси турли даврда турли тадқиқотчилар томонидан кўриб ўтилган. Лекин шуни қайд этиш керакки, ҳозиргача бронза даврида Жанубий Оролбўйи орқали ўтган миграция йўллари ва уларнинг минтақавий алоқа йўллари тизимидаги аҳамияти кам эътибор қаратилган илмий масалалардан бири бўлиб келмоқда.

Олиб борилган археологик тадқиқотлар натижаларини [1] таҳлил қилсак, бронза даврида чорвадор қабилалар миграцияси бошланган қуйидаги иккита марказ мавжуд бўлганлигини кўриш мумкин:

1. Волгабўйи – Уралбўйи ҳудудлари;
2. Шимоли-ғарбий Қозоғистон ҳудудлари.

Бронза даврида чорвадор қабилаларнинг кўчишларида Шимолий Оролбўйи ва Устюрт платоси муҳим ўрин тутганлигини археологик материаллар орқали ҳам кўриш мумкин [2]. Устюртнинг шимолий чегараларида ҳам бронза даври чорвадорларининг вақтинчалик қароргоҳлари топилгани [3] Оролбўйининг бронза давридаги миграция жараёнларида муҳим оралиқ ҳудуд сифатида тутган аҳамиятидан далолат беради.

Мавжуд археологик маълумотлар таҳлилига таяниб, шимоли-шаркдаги даштларнинг чорвадор қабилалари Жанубий Оролбўйига Устюрт платаси ва Сирдарёнинг қуйи оқимлари орқали кириб келганлиги ҳақида хулосага келишимиз мумкин. Бу ердан дашт чорвадор қабилалари Амударёнинг қуйи оқимларига ўтишган. Кейин уларнинг йўллари Ўрта Ўзбойда иккига бўлиниб, бир йўналиши Копетдағ тоғолди ҳудудига, иккинчиси Зарафшон дарёси қуйи оқими йўналиши бўйлаб кетган.

Ўтган асрнинг 50-60 йилларида Марказий Осиёда бронза даври дашт маданияти ёдгорликлари тарқалган ҳудудлар масаласини ёритишга эътибор кучайган ва бу илмий муаммо кўплаб тадқиқотчилар томонидан кўриб ўтилган эди [4]. Ўрганилган археологик ёдгорликлар географияси асосида кўчманчи қабилаларнинг Урал ва Эмба дарёлари ёқалаб Мангишлоқ ва Устюрт платосига, шунингдек, Уролбўйидан ва шимолий-ғарбий Қозоғистондан Шимолий ва Шарқий Оролбўйига кўчиш йўналишлари кўрсатиб ўтилган эди [5]. Мавжуд илмий хулосаларга таяниб, Оролбўйидан дашт чорвадорлари Қизилқум ва Қоракум саҳроларига кириб келганлигини қайд этишимиз мумкин.

Бронза ва илк темир даврида Марказий Осиёнинг шимолий ва жанубий вилоятларни боғлаган алоқа йўллари йўналишлари Амударёнинг чап қирғоғи ёқалаб Марғиёна ва Бақтрияга ўтган. Бу йўналишнинг аҳамияти ўрта асрларда ҳам ўз аҳамиятини сақлаб қолганлиги эътиборлидир. Хусусан, ўрта асрларда Ҳазорасп, Жигарбанд ва Дарғон орқали Марвга (Мурғоб дарёси қуйи оқимига) ўтган йўналишнинг археологик тавсифи М.Е. Массон томонидан археологик тадқиқотлар натижалари ва ёзма манбалар маълумотлари асосида кенг ёритиб берилган. Марвдан

Хоразмга ўтган савдо йўли йўналишини археологик-топографик жиҳатдан ўрганган ушбу мутахассис ўрта асрларда ҳам фойдаланилган карвон йўли бўйлаб саҳро ичкарисига 70 км. гача бўлган ҳудудда бронза ва илк темир даврига тегишли ўнлаб ёдгорликларни топишга муваффақ бўлган [6].

Дашт қабилалари Марғиёнага жанубий Оролбўйи орқали кириб келган. Кейин улар Келиф Ўзбойи оқими бўйлаб Бақтрияга [7], шунингдек, Мурғоб дарёси оқими бўйлаб жанубга харакат қилганлар. Бу дарёнинг ўрта оқимида жойлашган ва бир-бирлари билан сўқмоқ йўллар орқали боғланган Қорахонбой, Яхбил, Черкезли, Дуртқудуқ ва бошқа қудуқлар атрофида дашт чорвадорлари сопол идишлари топилган. Сўнгги бронза даври чорвадорларининг айрим маконлари ўрта Мурғоб воҳасидан 70-80 км. узоқликда, чорва учун керакли емишга бой яйловлар ҳудудида жойлашганлигини олиб борилган тадқиқотлар кўрсатиб берди [8].

Юқорида келтирилган маълумотлардан келиб чиқиб, бронза даврида Оролбўйида Евросиё даштларини, Ўрта Осиёнинг жанубий ҳудудларини, Эрон ва Ҳинд водийси ўзаро боғлаб турувчи транзит алоқа йўллари кесиб ўтганлиги ҳақида хулосага келиш мумкин. Бу йўналишлар дашт ва саҳролар, дарё водийлари ва кечувлар, тоғ довонлари орқали ўтган. Бу йўллар нафақат траназит, шу билан бирга маҳаллий алоқаларда ҳам катта аҳамиятга эга бўлиб, юк ташиш, маҳсулот алмашиш ва иқтисодий муносабатларда фойдаланилган. Чорва молларини ёзги ва қишки яйловларга олиб боришга хизмат қилган анъанавий йўналишлар ҳам бўлган. Бундан ташқари табиий бойликларни қазиб олиш ва устахоналарга, истеъмолчиларга етказишга хизмат қилган йўллар бўлганлиги ҳам эътиборни тортади [9].

Археологик маълумотлар таҳлилига асосланиб, бронза ва илк темир даври алоқа йўллари йўналишлари бир-бирига мос келганлиги ҳақида хулосага келиш мумкин. Бу ҳақда Оролбўйидаги археологик ёдгорликларнинг географик жойлашуви ҳам далолат беради.

Мил. авв. X – VIII асрларда Жанубий Оролбўйида яшаган чорвадор қабилалар (Амиробод маданияти) суғорма деҳқончилик кўникмаларига ҳам эга бўлишган [10]. Сирдарёнинг қуйи оқимида (Шарқий Оролбўйи) ярим ўтроқ чорвадорлар маданияти шаклланиб, уларга тегишли топилмалар Шимолий Тагискен мақбараларидаги қазишмалар пайтида аниқланган [11].

Мутахассислар илк темир даврида Амударёнинг қуйи оқимига Мурғоб воҳасидан аҳоли миграцияси амалга оширилганлиги ва бу миграция Хоразм воҳасининг кейинги ижтимоий тараққиётига, хусусан, этномаданий синтез Хоразм воҳасидаги этномаданий вазиятга ҳам таъсир кўрсатганлигини қайд этишади. Бу таъмирни мил. авв. VII асрда Хоразмда шаклланган Кўзалиқир маданияти олдинги Амиробод ҳамда маҳаллий чорвадорлар – Хоразм саклари маданияти билан генетик ўхшашликка эга эмаслигида кўзга ташланади [12].

Ушбу миграция амалга оширилган Амударёнинг ўрта оқимида, Марғиёна ва Бақтриядан Хоразмга ва Бухоро воҳасига ўтувчи йўлда мудофаа деворлари билан мустаҳкамланган Одойтепа қўрғони топиб ўрганилган. Одойтепа қўрғони Амударёдаги муҳим кечувни назорат қилувчи ва Хоразм воҳасининг ҳудудий чегараларини белгилашда ҳам муҳим ўрин тутган ёдгорлик ҳисобланади [13].

Мил. авв. VII – V асрлардаги миграция жараёнларида Устюрт платаси катта аҳамиятга эга бўлган. Бу ҳудуд орқали ёзма манбаларда дахлар, массагетлар ва саклар номи билан машҳур бўлган кўчманчи чорвадор қабилаларнинг мавсумий кўчишлари амалга оширилган. Илк даврларда улар Урол ва Эмба дарёлари оралиғидан Шарқий Оролбўйига ва Амударё ўзани Ўзбойгача бўлган ҳудудда кўчиб юришган [14].

Илк темир даврида Оролбўйидаги қадимги йўллар иқтисодий характердаги турли вазифаларни бажариб, маданий ҳаётдаги янгиликлар тарқалишига ҳам хизмат қилган. Лекин сиёсий вазият ўзгариб турган вазиятда бу йўллардан кўпроқ ҳарбий босқинлар ва узоқ ўлкаларга амалга оширилган ҳарбий юришлар учун фойдаланилган. Буни сакларнинг Мидияга ҳарбий юришлар ҳақида маълумот қолдирган антик давр муаллифлари асарлари орқали ҳам кўрамиз.

Шу тариқа Оролбўйи ҳудуди бронза ва илк темир давридан бошлаб Марказий Осиёнинг шимолдаги дашт ҳудудлари, шунингдек, Волгабўйи ва Уралбўйи билан алоқаларида, аҳоли миграциясида транзит ҳудуд сифатида муҳим ўрин тутган.

**Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати:**


1. Збруева А. В. Древние культурные связи Средней Азии и Приуралья // Вестник древней истории. – М., 1946. № 3. – С. 181-186.
2. Формозов А.А. Древности с Усть-Урта // Вестник АН Каз ССР. – Алма-Ата, 1947. – № 7 (28).
3. Байпаков К.М., Таймагамбетов Ж.К. Археология Казахстана. – Алматы, 2006. – С. 116-117.
4. Массон В.М. Древнеземледельческая культура Маргианы // Материалы и исследования по археологии. – М.-Л., 1959. – С. 116-118; Аскаров А. Памятники Андроновской культуры в низовьях Зарафшана // История материальной культуры Узбекистана. Вып. 3. – Ташкент, 1962. – С. 35-41; Кузьмина Е.Е. О южных пределах распространения степных культур эпохи бронзы в Средней Азии // Памятники каменного и бронзового века Евразии. – М.: Наука, 1964. – С. 148-154.
5. Виноградова Н.М., Кузьмина Е.Е. Контакты степных и земледельческих племен Средней Азии в эпоху бронзы // Восточный Туркестан и Средняя Азия в системы культур древнего и средневекового Востока. – М.: Наука, 1986. – С. 127-131.
6. Массон М.Е. Средневековые торговые пути из Мерва в Хорезм и Мавераннахр // Тр. ЮТАКЭ. Т. XIII. – Ашхабад, 1966. – С. 67-74.
7. Ершов С.А. Археологическая коллекция с Келифского Узбоя // Известия Туркменского филиала АН. – Ашхабад, 1951. – С. 89.
8. Кузьмина Е.Е., Ляпин А.А. Новые находки степной керамики на Мургабе // Проблемы археологии Туркменистана. – Ашхабад, 1984. – С. 6-21.
9. Мавлонов Ў.М. Марказий Осиёнинг қадимги йўллари: шаклланиши ва ривожланиш босқичлари. – Тошкент: Akademiya, 2008, – Б. 50-55.
10. Итина М.А. История степных племен Южного Приаралья // Тр. ХАЭЭ. Т. Х. – М., 1977. – С. 188.
11. Толстов С.П. По Древним дельтам Окса и Яксарта. – М., 1962. – С. 80-86.
12. Сагдуллаев А.С., Матякубов Х. К проблеме происхождения глинобитно-сырцовой архитектуры в Хорезме // Вестник Национального университета Узбекистана. Специальный выпуск. 2013.. – С. 59-61; Они же. О некоторых дискуссионных проблемах истории древнего Хорезма // История культуры Узбекистана. – Ташкент, 2016. – С. 6-28.
13. Массон М.Е. Средневековые торговые пути из Мерва. – С. 187; Пилипко В.Н. Древнее городище Одей-депе на среднем течении Амударьи // Каракумские древности. Вып. VIII. – Ашхабад, 1979. – С. 27-29.
14. Смирнов К.Ф, Кочевники Северного Прикаспия и Южного Урала скифского времени // Этнография и археология Средней Азии. – М.: Наука, 1979. – С. 74-77.

# ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДАГИ УРБАНИЗАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ

***Д.Т.Қудратов – Гулистон давлат университети академик лицейи Ижтимоий фанлар кафедраси мудири тарих фани бош ўқитувчиси***

Амир Темур ва темурийлар давридаги ижодий ғояларнинг энг юксак ютуқларидан бирини архитектуравий мажмуалар ташкил этган. Улар аксарият ҳолларда катта шаҳарларда яратилган, бу йирик шаҳарлардаги қурилиш йирик масштабли қурилишни ўзига сингдирган ғояларга йўл очиб берган ва бу ғоялар амалиётга тадбиқ этилган. Уларнинг энг ёрқин намуналари давлатнинг пойтахт марказларини, темурийлар ҳукмронлигидаги марказларни янада кўркамлаштирган. Бу даврдаги шаҳарсозлик ғояларининг эркинлиги меъморларга янги шаҳарлар қурилишининг эшикларини очиб берди (масалан, Самарқанд), лекин бундай шаҳарлар кам эди. Тарихий тарзда шаклланган ва тиғиз жойлашган шаҳарларда мавжуд бўлган биноларни ҳисобга олиш зарурияти туғилди. Фақат қатъий ягона ҳокимият шароитларидагина бутун даҳаларни бузиш имконияти бор эди ва уларнинг ўрнига янги бинолар қурилиши мумкин эди.

Тадқиқотчиларнинг фикрича, Ўзбекистон тарихий шаҳарларининг бошқа ҳудудлардаги қадимий шаҳарлардан ажратиб турадиган жиҳатларидан бири шундан иборатки, бу ердаги меъморий обидаларнинг аксарият қисми уйғунлашган иморатлар гуруҳи – меъморий ансамбллар шаклида бунёд этилганлигидадир.[1.Б.32] Самарқанд ва Ҳиротдаги бош савдо магистрали иншоотларининг пухта ўйланган режавий ва ҳажм ғоялари меъмор-усталарга уларни таъмирлаш имкониятини берарди.

Амир Темур ва Мирзо Улуғбек даврларидаги меъморларнинг санъати шундаки, улар янги биноларни тиклашда уларнинг мавжуд бўлган бинолар билан ўртасидаги ўзаро боғлиқликни ҳисобга олишган, уларни оқилона равишда мувозанатлаштирганлар [2,125]. Монументал мажмуаларни яратишда XIV – XV аср меъморлари ягона ўқда ётувчи иккита бинони бир-бирига қаратиб қуришдек энг содда усулни иштиёқ билан қўллашган: бу икки бино баланд пештоқларга эга бўлган бўлиб, уларнинг биринчиси мавжуд бўлиб, иккинчиси гўёки биринчисининг кўзгудаги аксидек намоён бўлади, лекин улар композицияси билан бир-биридан фарқ қилади ва шу билан бир қаторда ўзаро мувозанатлашган.

Темурийлар даврида фан ва маданиятнинг тараққий топиши меъморчиликда ҳам ўз ифодасини топган. Бинобарин, ўша давр иморатларининг пишиқ композициявий ечими, кошинкорлигию ва умуман нақшу нигорлари, меъморий безаклари ҳамда шакл тузилишида яхлит ҳандасавий боғланиш туфайли эришилган уйғунлик бунга мисол бўлади [3,91-93]. Аммо Мирзо Улуғбек даври меъморчилигини илмий таҳлил этиш жараёнида биз айнан мана шу давр учун зарурий меъморий усул сифатида бир неча марта такрорланган омил - бир неча иморатни ўзаро уйғунлаштириб яхлит мажмуа тарзида бунёд этишга интилинганлигини кўрамиз. Жумладан, Ғиждувондаги Улуғбек мадрасаси, Хўжа Абдулҳолиқ Ғиждувоний хазираси муқобилига “қўш” усулида қурилган бўлса, Шаҳрисабздаги Кўк гумбаз масжиди ҳам шайх Шамсиддин Кулол мақбараси билан айнан шу йўсинда боғланган [4,84]. Бухоро қадимий шаҳарлардан бири ҳисобланиб, ўрганилаётган даврда йирик қўрғондеворлар билан ўралган. Шаҳар уч қисмдан иборат бўлган: арк, шаҳристон ва рабоддан. Шаҳарга 11 та кириш дарвозалари орқали кирилган. Улар Самарқанд, Имом, Ўғлон, Талипач, Шергарон, Қоракўл, Шайх Жалол, Намозгоҳ, Саллахона, Қарши ва Мозор каби номлар билан аталган. Бу дарвозалардан фақатгина Шайх Жалол дарвозасигина нисбатан яхши сақланиб

қолган. Дарвозалар орқали кирувчи йўллар асосий йўллар ҳисобланиб, бирмунча кенг бўлган. Шаҳар марказига элтувчи бу йўллар бўйлаб савдо иншоотлари ва ҳунармандчилик устахоналари барпо этилган [5,66-67].

Шаҳарнинг маркази яхлит ва улкан мажмуа кўринишига эга. У асосан илк ўрта асрлардаги шаҳристоннинг ғарбий ва жанубий кўчаларини эгаллаган. Марказ ғарб тарафидан Пойи калон мажмуасидан бошланган. Тоқи заргарон чорсуси шаҳристоннинг марказини ифодалайди. Ундан шарқда, кўчанинг икки тарафидан Мирзо Улуғбек ва Абдулазизхон мадрасалари ўрин олган.

Мирзо Улуғбекнинг шаҳарсозлик соҳасидаги бунёдкорлик фаолияти икки йўналишдан иборатдир. Биринчиси-бу масжид, мадраса, карвонсарой, ҳаммом, мақбаралар каби янги иморатлар қурилиши бўлса, иккинчиси-битмай қолган иморатлар мажмуасини якунланган шаклга келтиришдан иборатдир. Гўри Амир мажмуасига тўхталадиган бўлсак, маълумки, у ерда XV аср бошларида Муҳаммад Султон мадрасаси ва хонакоҳи бўлган. Сўнг Амир Темур суюкли набираси шарафига мақбара қурилишини бошлаб юборган. Мана шу охирги иморат тугалланмай қолганлиги туфайли мажмуа композицияси поёнига етмай қолган. Мирзо Улуғбек 1424 йилда мақбаранинг кунчиқар девори томонидаги зиёратхона тарзидаги йўлакни солдириб мадраса, мақбара ва хонакоҳ ўраб турган мурабба майдоннинг олд тарафига гўзал пештоқ бунёд эттирди. Ҳовли бурчакларида тўртта икки ошёнлик миноралар тиклаб уч иншоотни яхлит меъморий ансамбл ҳолига келтирди [6,42].

Мирзо Улуғбекнинг бобоси Амир Темур даврида бошланиб тугалланмай қолган ишни поёнига етказишдан иборат бўлган иккинчи иши ҳам меъморий ансамбл яратишдан иборат. Чунончи, Шоҳи зинда қабргоҳининг бугунги композицион тузилиши Абдулазиз номидан қурилиш қисми бинолари гуруҳи қад кўтаргандан кейин шаклланиб, якунланди. Мирзо Улуғбек замонасигача эса, Шоҳи зинда мажмуасигача асосий кириш йўли ғарб томондан – Ҳазрат Ҳизир масжиди томонидан бошланадиган йўлак орқали бўлган деган тахминлар бор.

Шундай қилиб, Мирзо Улуғбек меъморий меросини тадқиқ этиш унинг ўрганилмаган қирралари бениҳоя кўп эканлигини кўрсатмоқда. Шулардан бири Мирзо Улуғбек нафақат алоҳида бинолар қуриб қолмасдан, хоҳ янги иншоот бўлсин, хоҳ тугалланмаган иморат ёки мажмуани поёнига етказиш иши бўлсин албатта уйғунлашган бинолар гуруҳи – мажмуалар яратишни мақсад қилиб қўйганлигини кўрамиз. Бунда кўпинча “қўш” усулидаги мажмуа яратилган. Бу ҳолатда Мирзо Улуғбек ўзининг бунёдкорлик фаолиятида юксак шаҳарсозлик ғоясидан келиб чиққан.

Самарқанд Регистонининг XV асрдаги қиёфаси ҳақида “Бобурнома”да қуйидаги маълумотлар бор: “Улуғбек Мирзонинг иморатларидин Самарқанд қалъасининг ичида мадраса ва хонақоҳдур. Хонақоҳнинг гунбази бисёр улуғ гунбаздур, оламда онча улуғ гунбаз йўқ деб нишон берурлар. Яна ушбу мадраса ва хонақоҳга ёвуқ бир яхши ҳаммом солибтур, Мирзо ҳаммомиға машҳурдур, ҳар навъ тошлардин фаршлар қилибтур. Хуросон ва Самарқандта онча ҳаммом маълум эмаским, бўлғай. Яна бу мадрасанинг жанубида бир масжид солибтур, масжиди Муқаттаъ дерлар. Бу жиҳаттин Муқаттаъ дерларким, қитъа-қитъа йиғочларни тарош қилиб, ислимий ва хитоий нақшлар солибтурлар, тамом деворлари ва сақфи ушбу йўсунлуқтур. Бу масжиднинг қибласи била мадраса қибласининг самти мунажжим тарийқи била амал қилибтурлар” [7,45].

Шундай қилиб, XVI асрда Самарқанднинг жанубида Абусаид мадрасаси пайдо бўлиб, унда самарқандлик шайбонийлар мақбаралари бор эди. XVII асрда эса буюк Ялангтўш Баҳодирнинг буйруғига кўра карвонсарой ўрнида Тиллакори

мадрасаси, Мирзо Улуғбек хонақоҳи ўрнида бўлса Шердор мадрасаси барпо этилган. Регистон айнан шу уч мадраса кўринишида бизнинг давримизгача етиб келган.

Хулоса қилиб айтганда, Темурийлар даврида шаҳарларда меъморий мажмуалар яратишга жуда катта эътибор берган. Бу мажмуалар шаҳарларнинг марказий қисмларига яқин жойда қурилган ва аҳоли энг кўп тўпланадиган жойларидан бири ҳисобланган. Айнан шу жойларда бозор қурилмалари ҳам ривожланган. Улар таркибига турли типдаги иншоотлар: илмий – мадрасалар, диний – масжидлар ва хонақоҳлар, дунёвий – карвонсарой ва ҳаммомлар кирган дея тахмин қилиш мумкин.

**Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати**


1. Аҳмедов М.Қ. Самарқанд меъморий ансамблларининг янгича ҳаёти // Ўзбекистон архитектураси ва қурилиши. – Т.: 2007. – 32 б.
2. Ўролов А.С. Меъморий шаклларни уйғунлаштириш ва безаш. –Самарқанд: 2003. – 125 б
3. Пугаченкова Г.А. Зодчество Центральной Азии XV век. Ведущие тенденции и черты. – Т.: 1976. – С. 91-93.
4. Қадимги Кеш-Шаҳрисабз тарихидан лавҳалар. Муаллифлар жамоаси. Масъул муҳаррир А.С.Сагдуллаев. – Тошкент, 1998. – 198 б.
5. Сухарева О.А. К Истории городов Бухареского ханства. – Ташкент: АН Уз ССР. 1958. – С. 66-67.
6. Темур ва Улуғбек даври тарихи. Тўплам. Масъул муҳаррир С.Кароматов. – Тошкент: Қомуслар бош таҳририяти, 1996. – 236 б
7. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Т.: 1989. –Б.45.


## БУЮК МАЪРИФАТПАРВАР ИЛМИЙ ИЖОДИДА ОБИ ҲАЁТ МАСАЛАСИ

***И.Н.Наимов – “Бухоро тарихи” кафедраси ўқитувчиси,***
***Бухоро давлат университети***

1868 йилда Зарафшон водийсининг Зирабулоққача бўлган қисми Россия империяси томонидан босиб олиниб, сувнинг боши унинг қўл остига ўтди. Бу ҳолат бухороликларни ташвишлантирмайди. Чунки Самарқанд воҳасининг Россияга қўшиб олиниши билан Зарафшон дарёсининг юқори оқимида жойлашган ва Бухоро воҳасининг сув таъминоти учун сув ташланғич “қулфак” бўлиб хизмат қилувчи асосий сув узеллари, жумладан, Чўпонота сув айирғич иншооти Зарафшон округи ихтиёрига ўтиб, Бухорони сув билан таъминлаш олдингидек амирлик ихтиёрида эмас, балки Россиянинг Туркистондаги маъмурияти хоҳишига боғланиб қолганди. Мустамлакачилар имкон қадар воҳани сув қарамлигига тутиб туришга ҳаракат қиладилар. Хусусан, В.В. Радлов “Ҳар ҳолда Зарафшон водийсининг ўрта қисмида сувдан бемалол фойдаланиш билан унинг қуйи қисмида суғориш тартибларини бузиш имкони бор”, – деб айнан Бухоро амирлигини сув танқислигида тутиб туриш масаласини инобатга олган эди. Шунингдек, 1874 йилда Бухорода бўлган ва унинг сув таъминотидаги аҳволини кузатган Н.П. Стремоухов “Зарафшоннинг асосий оқими бизнинг ҳудудимизда бўлгани учун ҳар йилги сув тақсимоти ҳукуматимиз ихтиёрида. Бу ишни бошқариш билан у бухороликлар олдида анчагина устунликка эга. Энг зарур эҳтиёж (сув)дан қисиб Россияга нисбатан ўз муносабатларида эҳтиёткор бўлишга ҳамма вақт уларни мажбур этиш мумкин” [6] – дейди. Демак, билдирилган фикрлардан англаб етиш мумкинки, Россия сиёсий ҳукмрон вакиллари

Зарафшон дарёси масаласига жиддий қарашган ва сувни ўз назоратларида тутиб туриш тўғрисида ошкора гапиришган.

Шуни қайд қилиш лозимки, Бухоро амирлиги амалдорлари сувни ўз назоратларига олиш учун қўлдан бой берилган ҳудудларни амирликка қайтариш лозим, деган фикрда бўлишган ва бунинг учун барча ҳаракатларни амалга оширишган. Бухоро элчилари ушбу мақсадда империя пойтахти Петербургга жўнашдан олдин Туркистон генерал губернатори К.П. Кауфман билан учрашиш ва унинг бу хусусдаги нуктаи-назарини билиш мақсадида 1869 йил август ойида Тошкентга келишган. Абулқосимбий бошчилигидаги амирлик элчиларига таржимон сифатида П.И. Пашино бириктирилган. Аҳмад Дониш таркибида бўлган бухоролик элчиларга П.И. Пашино тажрибасизлик қилиб, куни-кеча Бухоро-Россия муносабатлари К.П. Кауфман ҳузурида муҳокама этилганлиги [5] ва Самарқандни Бухорога қайтариб бериш тўғрисида Петербургдан келган махфий телеграмма [6] билан таништирган. Бу хабарга асосланиб, элчилар Самарқандни қайтариб бериш тўғрисидаги қарорнинг бажарилишини губернатордан талаб қиладилар аммо К.П. Кауфман буни мутлақо рад этади. Назаримизда, ушбу телеграмма тавсия характерига эга бўлган. Чунки рус подшоси Туркистондаги барча масалаларни ўз давлати фойдасига ижобий ҳал қилиш ваколатини тўла-тукис К.П. Кауфманга ишониб топширган эди. Албатта, кейинчалик губернатор махфий хат билан амирлик элчиларини ким хабардор қилганини билиб олади ва П.И. Пашинога йўл қўйилган салбий ҳолатни дала судида кўриб чиқиб, ўлим жазосига маҳкум этиш [6] билан таҳдид қилади.

Шундай бир вазиятда А.Дониш бир вақтлар ота-боболари томонидан минг машаққат билан ўзлаштирилган ерларни қайтиб саҳрога бой беришга йўл қўймаслик ҳамда мамлакатда кенг қамровли сув ислоҳотини амалга ошириш зарур деган фикрда эди. Шу сабабли, ўзининг илғор сув ислоҳотига оид илмий қарашларини амирга таклиф этади. Бу ҳақда Аҳмад Дониш ўзининг “Манғит амирлари тарихи” номли асарида шундай ёзади: “Агарда руслар Зарафшон сувини ўзлари ишлатаверсалар Бухорога сув келмаслиги аниқ ва бу тез орада Бухорода қурғоқчиликни келтириб чиқаради. Хозирги кунга келиб Самарқандда ариқлар сони 12 тадан 28 тага етди. Кўп чўл ва водийлар гуллаб яшнади” [6].

Шунга қарамай, Бухоро амирлиги вакиллари Зарафшон дарёсидан сув олиш бўйича қўлларидан келганча барча саъйи-ҳаракатларини амалга оширадилар. Хусусан, улар сув масаласида Туркистон маъмуриятига ўз шикоятларини билдириб турадилар. Жумладан, Аҳмад Дониш Бухоро вакили сифатида 1869 йил ноябр-декабр ойларида Петербургда бўлган вақтида Туркистон генерал губернатори К.П. Кауфман билан Бухоро суви масаласи бўйича музокаралар олиб боради. “Бир сафар элчилик билан император пойтахтига етиб борганимда, – деб ёзади Дониш – Бухоро суви тўғрисида губернатор билан баҳслашдим: “Модомики, император бизга нисбатан мурувватли экан, сен эса дўстлик даъвосини қиляпсан, Самарқанд сувини баробар тақсимлаб, 10-15 кун Бухорога ҳавола қил ва 10-15 кун Самарқандга инъом қил...” [6].

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Аҳмад Дониш етарли даражада дипломатик маҳоратга эга бўлганлиги туфайли ҳар бир нозик масалани ҳал қилувчи томон билан мулоймлик йўли орқали ижобий ечим топишга ҳаракат қилган. Натижада амалга оширилган астойдил ҳаракатлар туфайли К.П. Кауфман Аҳмад Донишнинг Зарафшон сувини баробар тақсим қилиш тўғрисидаги таклифига розилик билдиради ва уни амалга оширишни ваъда қилади. “Бу масалада ҳаддан ташқари кўп маротаба биз қаттиқ туриб талаб қилганимиздан у (губернатор) безор бўлди. (Сўнгра) – Сизлар хотиржам бўлинглар, мен Самарқанд ҳокимига ёзма буйруқ бераман.

Сизларнинг хоҳишингизга мувофиқ ҳар йили у сувларингизни ўз вақтида етказиб беради”, – деб жавоб қайтаради.

Петербургда сув масаласи бўйича олиб борилган музокаралар ўз самарасини бермай қолмади. Бу ҳақда Аҳмад Дониш ўз асарида қуйидагиларни баён этади: “Тошкентдан чиқиб, Самарқандга кириб келган вақтимизда Самарқанд ҳокими Абрамов биз билан учрашди ва илтифот қилиб, айтдики,дарё сувини қандай хоҳласанглар ва айтсанглар шундай қилиб, Бухоро ва Самарқанд ўртасида баробар тақсимлаб беришим ва дарёда сув бор экан бу тақсимотнинг қатъий бўлиши тўғрисида губернатордан менга буйруқ келди. Энди сиз булар тўғрисида ўз амирингизни хабардор қилинг. У ишончли ва мўътабар бир кишини юборсин. У ва сув хўжалиги одамлари билан мушоҳада қилиб, сувни тақсим қиламиз” [6]. Албатта, Аҳмад Дониш А.К. Абрамовнинг ушбу “илтифотини” Амир Музаффарга етказади.

Бухоро Амири Музаффар ва Қўшбеги Муҳаммадшоҳбийлар К.П. Кауфман ва А.К. Абрамовга мактуб ёзиб, Зарафшон сувини Бухорога аввал бир ой “нимжўй” ва кейин ўн беш кун “обандоз” қилинишини сўрайдилар [6].

Ушбу мактуб мазмунига эътибор берилса, Бухоро амалдорларининг Туркистон маъмуриятига қанчалик қарам бўлиб қолганлиги яққол намоён бўлиб турибди.

Аҳмад Дониш деҳқон ва чорвадорларга уларнинг экин-тикинларини сувдан қолдирмаслик учун амир моҳир кишилардан мироббоши қўйиши лозим, деган фикрда эди ва бу тўғрисида ўз таклифларини Амир Музаффарга маълум қилади. Натижада, 1870 йилнинг апрел ва май ойларида сув масаласи юзасидан Ёқуб Қоровулбеги Бухородан элчи сифатида Самарқандга юборилади. Бухоро вакили Ёқуб Қоровулбеги 4 июнгача Самарқандда бўлиб, сув тақсимоти устидан назорат қилиб туради. Бу вақтда дарё оқими Бухорогача етиб боради. Шундай қилиб, 1870 йил баҳор ва ёз ойларида Зарафшон дарёсига суви ниҳоятда оз бўлишига қарамай Бухорогача етказиб берилиши таъминланади.

Бироқ 1871 йилда баҳор қуруқ келганлиги сабабли Зарафшон дарёсида сув танқислиги вужудга келади ва томонлар сув тақсимоти бўйича яна музокалар олиб борадилар. Жумладан, 1872 йил январда генерал-маёр Абрамов раислигидаги уч нафар рус маъмурлари ва Бухоро амири вакиллари ҳамда Зиёвуддин округи бош амлокдори Абулғаффордан иборат комиссия тузилади. Улар сувни йилнинг икки мавсумида, яъни 15 апрелидан – 15 майгача ҳамда ёзда 15 августдан – 15 сентябргача тенг тақсимлашга келишиб оладилар [5]. Ҳали ўшандаёқ, география, топография, гидрография сингари фанлардан яхши хабардор бўлган Аҳмад Дониш Бухоро экинзорларининг сатҳи, Амударё, Сирдарё ва Зарафшон дарёларининг сув оқими ҳажми буйича таҳлилий ўлчовларни амалга оширди [1]. Натижада, Бухоронинг суғорилиш тарихида биринчи бўлиб, ҳозирги кундан қарийб бир ярим аср муқаддам Бухорога Амударёдан сув чиқариш масаласини кўтарди.

Албатта, Аҳмад Донишнинг Бухорога Амударёдан сув чиқариш фикри ўз-ўзидан пайдо бўлмаган. Бунга биринчи сабаб Чор Россиясининг Самарқандни босиб олиши ва Зарафшон дарёсининг юқори ўзанига эгалик қилиши, иккинчидан, 1870 йилнинг қиш ва баҳор мавсумларидаги қурғоқчилик оқибатида чорванинг нобуд бўлиши ва экинларнинг сувсизликдан қуриб кетганлиги билан боғлиқ эди.

Кўп ойлар давом этган мана шундай изланишлар натижасида у суғорма деҳқончилигини ривожлантириш учун Амударё сувини Бухоро воҳасига келтириш лозим, деган хулосага келиб, бўлажак канал тархини чизди.

Мазкур чизмага биноан Амударё сувини канал қазиш йўли билан Карки ва Калиф орқали Бухоро экинзорларига олиб келиш назарда тутилган эди. Бўлажак

канал дарё ўзанининг энг юқори сатҳидан паст текисликлар оркали табиий йўл билан экинзорларга оқиши натижасида ортиқча харажатларга зарурат бўлмас эди.

Канал қурилиши тўғрисидаги фикрларини тўла пишитиб, тегишли чизмада акс эттирганидан кейин Аҳмад Дониш Бухоро ҳукмдори Музаффархонга мактуб йўллаб, ўз ғоясини баён этади. Бу тўғрисида Аҳмад Дониш шундай ёзади: “Амирга азри иншо қилдимки, бу йил ёмғир оз бўляпти, гармоб вақтида мабодо сув нуқсонга юз тутиши мумкин. Самарқанд суви умидида хотиржам ўтириб бўлмайди. Агар Бухоронинг етти туманидан ҳар таноб ердан икки тангадан жулъ (фавқулодда ҳолатларда аҳолидан олинадиган солиқ тури) солиғи йиғиш тўғрисида ишорати олий бўлса, шунча миқдор танга тўланади. Шу маблағдан икки лак (икки юз минг) танга харж қилинса, Карки ва Калиф қаршисидан Амударё сувини чиқариб, Бухоро, Қарши ва Миёнкўлга келтириш мумкин”. Мактубни диққат билан ўқиб чиққан ҳукмдор канал қурилиши натижасида Бухорога катта сув келиб, экинзорларни босиб кетишидан хавотирда қолиб, унинг таклифига рад жавобини беради. Жавобдан қониқмаган ва аксинча ўз ғоясидан қайтмаган Аҳмад Дониш ҳукмдорга яна бир карра мактуб йўллаб, унинг эътирозларини амалий ҳисоб-китоблар билан пучга чиқаради. Хусусан, у “Бундай хавфсираш бутунлай асоссиз... Сув тошқини бўлди деб ҳам фараз қилайлик, агар каналимизнинг боши Карки қаршисида бўлса, сув Қаршининг ғарби, Қоровул қири ва Мамажуғротнинг жанубидан (Когон атрофлари), дашт ва қумликлар ичидан оқиб ўтиб, Нарзам ва Чоржўй яқинида яна дарёга келиб қуйилади. Ундан ҳеч жой зарар кўрмайди. Агар Калиф қаршисидан бош олса, у вақтда Ғузор дарёси ўз оқимини ўзгартириб, икки дарё оралиғи (Қашқадарё ва Амударё) бўйлаб оқади. Биз яна сув бошига тош ва қир (ганч)дан тўғон ўрнатишимиз ва қоровуллар тайин қилишимиз ҳамда истеҳком қуришимиз мумкин. У ердаги назоратчилар доимо сувдан бохабар бўлиб турадилар”, – деб, ёзади. Бундан ғазабланган Музаффархон Донишга жавоб номасида: “Бундай хатлар ёзишдан кўра мендан пул сўрасангиз бўлмайдими?” - деб писанда қилади.

Аҳмад Дониш Амир Музаффар ҳукмронлиги даври ҳақида тасвирлар экан, юқорида гувоҳи бўлганимиздек иқтисодий тушкунлик ҳолатини очиб беришга ҳаракат қилган. Айниқса сув танқислиги, деҳқончилик учун зарур бўлган суғориш масалаларига алоҳида эътибор қаратган. Олиб борилган ҳар бир мунозарада амир жаноблари ҳар сафар рад жавоблари ёхуд Аҳмад Дониш таклифларига турли баҳоналар билан жавоб қайтараверган. Бир сафар амир қуйидагича жавоб ёзади: “Агарда биз Амударёдан сув олсак руслар нима учун сувни биздан эмас Амударёдан олаяпсизлар деб сўрайди, шунда биз нима деб жавоб қайтарамиз” Аҳмад Дониш бу хусусда ўйлаб руслар бундай демаслигига ақли етади, чунки у русларнинг нияти бу ўлкаларни эгаллаш экан, уларга ўзини сув билан таъминлай оладиган ўлкани эгаллаш фойдали эканини яхши фахмлар эди. Шундай қилиб, Аҳмад Донишнинг ўз халқи ва Ватани учун ишлаб чиққан сув ислоҳоти амалга ошмай қолади.

Бугунги кунда ирригация соҳасидаги муҳандис олимлар Амударё сувини Аҳмад Дониш тавсия этган табиий йўл орқали тежамкор лойиҳа – илмий концепцияси устида изланишлар олиб боришмоқда. Улар катта иқтисодий самара келтириши мумкин бўлган Амударёни янги ўзанидан оқизиш ва Тожикистондаги Роғун ГЭСИдан куз-қиш ойларида чиқадиган обпарто (ташлама) сувларни мамлакатимизда янги қурилажак сув омборига йўналтириш масаласи бўйича қардош халқлар билан кенг қамровли чора-тадбирларни амалга оширишмоқда. Умид қиламизки, яқин келажакда буюк ҳамюртимиз Аҳмад Дониш тавсия этган лойиҳа бўйича обиҳаёт чиқарилиб, унинг ушалмаган орзуси рўёбга чиқади.

**Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати**

1. Гневушева Е.И. Забытий путещественник, Жызн и путешествие Петра Ивановича Пашино. Москва: “Географическая литература”, 1956.– С. 59,60.
2. Дониш А. История мангитской династии. Перевод, предисловие и примечание И.А.Наджафовой. – Душанбе: “Дониш”, 1967. – С . 96-110
3. Дониш А. Наводир ул-вақоэъ. – Тошкент.: “Фан”, 1964. – Б. 64.
4. Жумаев А., Жумаева Н. Аҳмад Дониш асарларида сув таъминоти масалалари // Аҳмад Дониш – XIX асрнинг буюк мутафаккири: Республика илмий-назарий конференцияси материаллари. 2-китоб. – Бухоро, 2007. – Б. 38.
5. Камол Айни. Встречи Ахмада Дониша с П.И. Пашино // Народы Азии и Африки. 1963. №6. – С. 145.
6. Муҳаммаджонов А. Қуйи Зарафшон водийсининг суғорилиш тарихи. – Тошкент: “Фан”, 1972. – Б. 191,194.
7. Наимов И. Аму-Бухоро каналининг илк лойиҳаси // “Бухорои шариф газетаси”, 2012йил 9 февраль.
8. “Туркестанские ведемости” (Ташкент), 1874 йил 7 мая..

## АМИР ТЕМУР ДАВРИДА ИЛМ-ФАН ТАРАҚҚИЁТИ

***А.Ҳ.Чориев – т.ф.д, проф., Қарши давлат университети***
***С.А.Аҳмадова – Қарши давлат университет 4-босқич талабаси***

Амир Темур даврида илм-фаннинг тараққий этишига таъсир кўрсатган омиллар ҳақида гапирар эканмиз, биринчи навбатда, Соҳибқироннинг мамлакатда қатъий тартиб ўрнатишга эришганини, ҳар бир ишни, шу жумладан, илм ва таълим ишларини белгиланган қонун ва қоидаларга мувофиқ амалга оширганини, бу қонун-қоидаларни эса салтанатдаги кишиларнинг турли хил тоифалари билан боғлаб тузганини таъкидлаб ўтиш зарур. Бу ҳақда “Темур тузуклари”да қуйидаги сўзлар битилган: “Салтанатим мартабасига зебу зийнат бердим. Салтанатимни ўн икки тоифага бўлиб, уларга таянган ҳолда иш юргиздим. Салтанатим қонун-қоидаларини ҳам ана шу ўн икки тоифага боғлаб туздим” [1].

Амир Темурнинг уламо, фузало, фозиллар тоифасига (биринчи тоифа) алоҳида эътибор бергани, уларни ўзига яқинлаштиришга ҳаракат қилгани, давлат миқёсида амалга ошириладиган тадбирларни белгилаш, муҳим қарорлар қабул қилишдан аввал кенгашлар чақириб, улар билан маслаҳатлашгани Соҳибқироннинг илм-фан аҳлига катта ишонч билдирганлигидан далолат беради. Темур кенгашиб, маслаҳатлашиб ўтказилган тадбир саноқсиз лашкар ожизлик қилган кучни енгишга имкон беради, деб ҳисоблаган. Ана шунинг учун ҳам у олимлар ва руҳонийларга мурожаат қилиб, улардан мамлакатни бошқаришда ўз маслаҳатлари билан ёрдам беришларини сўраган.

Бу жиҳатдан Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома” китоби берилган Амир Темурнинг янгидан бунёд этилган Боилкан шаҳрида олиму фузалолар билан ўтказган кенгаши ҳақидаги маълумот диққатга сазовордир. Бу кенгашдаги нутқида у шундай деган: “Фан ва диннинг машҳур кишилари ўз маслаҳатлари билан подшоҳларга ёрдам бериб келганлар. Сизлар эса менга нисбатан бундай қилмаяпсизлар. Менинг мақсадим, мамлакатда адолат ўрнатиш, тартиб ва тинчликни мустаҳкамлаш, фуқаронинг турмушини яхшилаш, юртимизда қурилишни кучайтириш, давлатимизни ривожлантиришдир. Сизлар бу ишларни амалга оширишда менга ўз маслаҳатларингиз билан кўмаклашишларингиз керак”.

Амир Темурнинг илм-фан аҳлига бўлган муносабати давлатни идора қилиш, салтанат саройида ўтириш, маошлар тайинлаш ва шу кабилар тузукларда алоҳида қайд қилинган. Хусусан, у олимлар, донишмандларга саройда ўтказиладиган мажлисларда ўзининг ўнг тарафидан ул кишилар учун мўлжалланган томонидан ўрин берган.

Умрининг кўп қисмини ҳарбий юришларда ўтказган Амир Темур сафарларда ҳам олимлар билан ҳамсуҳбат бўлар эди. Жумладан, Дамашқ муҳосара қилинган пайтда, машҳур араб тарихчиси ва мутафаккири ибн Халдун (1332 – 1406) билан суҳбатда бўлган. Учрашув чоғида машҳур тарихчи Соҳибқиронга Қуръони Каримнинг гўзал бир нусхасини ҳадя қилади ва Амир Темур ўрнидан туриб, муқаддас китобни ўпиб, бошига қўйган [2].

Худди ана шундай ҳурмат ва эҳтиромни Соҳибқирон ўзи забт этган мамлакатлардаги олим-у фузало, доно кишиларга нисбатан ҳам кўрсатган. “Қайси мамлакатни забт этган бўлсам, – деб таъкидлайди бу ҳақда Амир Темур, – ўша ернинг обрў-эътиборлик кишиларини азиз тутиб, саййидлари, уламолари, фузало ва машойихларига таъзим бажо келтирдим ва ҳурматладим, уларга суюрғол, вазифалар бериб, маошларини белгиладим”.

Темур даврида илм-фаннинг қайтадан ривож топишига таъсир кўрсатган омиллардан яна бири қўшни мамлакатлар, айниқса Хитой [1], Ҳиндистон билан иқтисодий ва маданий алоқаларнинг кучайиши бўлди. Турли мамлакатлардаги илмий марказлар, олимлар ўртасида алоқаларнинг ўрнатилиши, халқларнинг бир-бирининг тарихий маданиятини ўрганиши, илм-фан соҳасидаги эришган натижалари билан танишиши илмий билимлар тараққиёти учун қулай шароит туғдирган.

Темур салтанатида илм-фаннинг тараққий этишида ўтмиш маданияти, бойликларини ўрганишга эътибор берилиши ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бу давр олимлари қадимги Юнонистон мутафаккирларининг илмий мерослари, хусусан, Арасту асарларининг ал-Киндий томонидан амалга оширилган таржимаси, Эвклиднинг математикага оид 13 китобини ўз ичига олган “Асослар” асарининг, Птоломейнинг “Алмагест” китобининг Беруний томонидан санскрит тилига таржималари ва шу кабилар билан таниш эдилар. Уларда Хитой ва ҳинд олимларининг риёзиёт, фалакиёт, тиббиёт, кимё, адабиёт, тарих каби илм соҳаларидаги тадқиқотларига, чунончи, ҳиндларнинг “Калила ва Димна” асарига бўлган қизиқиши кучли эди. Шунингдек, XIV – XV асрларда илм-фаннинг юксалиши учун IX – XII асрларда Ўрта Осиёда яратилган маданиятнинг, хусусан, Хоразмий, Форобий, ибн Сино, Беруний, Умар Ҳайём, Насриддин Тусий каби жаҳонга машҳур бўлган алломалар илмий меросининг ғоявий манба бўлиб хизмат қилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур. Юқорида қайд этиб ўтилган омиллар ва бошқа шунга ўхшаш ҳодисалар Ўрта Осиёда илм-фаннинг истилолар, сиёсий вазиятларининг ўзгариш таъсирида тараққиётдан тўхтаб қолишга йўл қўймаган ва илмий билимлар ривожидаги ворисликнинг сақланишига ёрдам берган. Бундай ворисликни Темур ва Темурийлар давридаги илм-у фан тараққиётининг барча йўналишларида, хусусан, риёзиёт соҳасида кузатиш мумкин. Таниқли голландиялик математик ва фан тарихи билимдони Д. Я. Стройкнинг фикрича, “ислом дунёсида бўлган кўп урушлар, сиёсий ва этнологик ўзгаришлар математика ва астрономия ривожида юксалиш на қулашларга сабаб бўлса-да, илмий марказлардан бирининг йўқолиши ва бошқаларининг пайдо бўлишига олиб келган бўлса-да, бу фанларнинг умумий характери, тараққиётининг асосий йўналишига таъсир эта олмаган” [3].

Ҳақиқатан ҳам ал-Хоразмийнинг асарларидаги ҳиндларнинг ўнлик саноқ системасининг талқини ва ривожлантирилиши, “Китоб ал-жабр нал-муқобала”да таклиф қилинган тенгламаларни ечишнинг икки хил усули ва шу каби муҳим

кашфиётлар ал-Кошийнинг ўнлик касрларни ихтиро қилишида, учинчи даражали тенгламаларни ечиш усулини топишида ва умуман, юқори даражали алгебраик тенгламаларни ечиш методини кўрсатишда ўз давомини топган ва чуқурлаштирган бўлиб, риёзиётдаги алгоритмик-алгебраик руҳнинг мустаҳкамланишига хизмат қилган.

Шуниси диққатга сазоворки, ислом мамлакатларида риёзиёт айнан ана шу алгоритмик-алгебраик йўналишда қадимги дунёдаги риёзиётга нисбатан илгарилаб кетган ва у даражага Ғарбий Европада фақат XVI асрдагина эришган.

Яна шуни айтиш керакки, XIX аср ўрталаригача алгебрада унинг Шарқдан келиб чиққанлиги, аксиоматик методнинг ишлатилмаслиги билан Эвклид геометриясидан кескин фарқ қилиши сезилиб турган. Уларнинг келиб чиқишидаги фарқ ҳатто ҳозирги пайтдаги алгебра ва геометрияга оид мактаб дарсликларида ҳам сезилиб туради. Албатта, юқорида билдирилган фикрлар ислом мамлакатларида, шу жумладан, Темур ва Темурийлар бошқарган давлатда риёзиётнинг бошқа йўналишларида тадқиқотлар етарли даражада олиб борилмаган, деган маънони англатмайди. Буни тасдиқловчи далиллар мавжуд. Масалан, Умар Хайёмнинг “Эвклид китобининг қийин постулатларига шарҳлар” асарида Эвклиднинг параллел чизиқлар ҳақидаги постулатини исбот қилишга уриниб, тўртбурчакнинг ўткир, ўтмас ва тўғрибурчаклари тўғрисида кўрган учта фарази, илгари сурган ғоялари Насриддин Тусий асарларида тасдиқланади ҳамда кейинчалик ал-Кошийнинг айлананинг узунлигини ўлчаши, п сонининг қийматини аниқлаши билан тўлдирилади. Риёзиётнинг бу йўналишида қилинган ишлар геометрик тригонометрияларни юксак чўққиларга кўтариб, XIX асрда ноэвкли геометриясини яратиш учун зарур шарт-шароитларини ташкил этган.

**Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати:**


1. Темур тузуклари. – Т., 1991. – Б.64.
2. Махсудов Д. Амир Темур салтанатида илм-фан ривожи хусусида // Темурийлар даври: тадқиқотлар ва муаммолар. – Т.: “Наврўз”, 2014. – Б.226-228.
3. Чориев А. Соҳибқирон маънавияти. – Т.: “Янги аср авлоди”, 2021. – Б.53.


## ТУРКОН ХОТУН ВА УНИНГ АНУШТЕГИНИЙЛАР СУЛОЛАСИДА ТУТГАН ЎРНИ

***Файзуллаев Ойбек Ихтиёр ўғли – Термиз давлат университети***

XI асрнинг охирларида ҳукмдорлик фаолиятини бошлаган Ануштегинийлар ўғузларнинг Бекдили уруғидан етишиб чиққан эди. Тарихнависларнинг маълумотларига кўра, Ануштегин хоразмшоҳларнинг валиаҳдлари, ҳукмдорлари уларнинг Бекдили уруғидан туғилган фарзандларидан тайинланарди. Бошқа уруғга мансуб аёллардан туғилган шаҳзодалар ҳукмдорликка муносиб кўрилмасди. Бундай тартиб мамлакатда уруғлар, қабилалар ўртасида тахт учун курашларни камайтиришга, сулоланинг ҳукмронлик қудратини оширишга хизмат қилди. Бу ҳолат 1200 йил Алоуддин Такаш ҳукмронлигининг охиригача давом этди. 1200 йил Муҳаммад Хоразмшоҳ тахтга ўтириши билан амал қилиб келинаётган қоидаларга путур етди. Негаки, Такашдан кейин тахтга Носириддин Маликшоҳ ўтириши керак эди. У Такашнинг Бекдили уруғига мансуб хотинидан туғилган бўлиб, бу сулоланинг ички тартибларига мос эди. Бироқ Носириддин Маликшоҳнинг 1197 йилда вафот этиши, Алоуддин Муҳаммаднинг тахтга келишига сабаб бўлди.

Алоуддин Муҳаммад Такашнинг қипчоқ уруғига мансуб хотини Туркон хотундан дунёга келган эди. Такаш вафот этгач ўғли Алоуддин Муҳаммадни ҳам, у бошқарган Хоразмшоҳлар давлатини ҳам Туркон хотун қўлга олади. Бекдили уруғига мансуб амалдорларни мансабларидан четлаштириб, юқори лавозимларга қипчоқ уруғидан бўлган ўз яқинларини қўяди [4]. Кўп вақтларда бу мансабдор шахсларга Туркон хотуннинг сиёсий таъсири кучли бўлган.

Шиҳобуддин Муҳаммад ибн Аҳмад Нисовийнинг (1193-1249) "Сират ус-султон Жалолуддин Менкбурни" [1] (Султон Жалолуддин Менкбурнининг таржимаи ҳоли) асарида Алоуддин Муҳаммад Хоразмшоҳ даврида ҳудудлар кенгайганлиги, шон-шуҳрати ортиб, мамлакати Ироқнинг чегарасидан Туркистонгача етганлиги маҳорат билан ёритилади. Шунингдек, Хоразмшоҳлар салтанати тарихида ўзига хос нуфузга эга малика Туркон хотун ҳақида ҳам маълумотлар келтирилган. Жумладан, "Туркон хотун ҳаётининг баъзи бир жиҳатлари ва унинг феъл атвори" [1, 66] деб номланган бобида шундай маълумотлар келтирилади. "У Баёт уруғидан эди. Баёт уруғининг Эмек қабиласига мансуб ҳисобланади. Унинг иши юришиб турк мамлакатларидан бирининг ҳукмдори Жонкишихоннинг қизи эди. Эл-Арслоннинг ўғли Такиш ҳукмдорларнинг ўғли ҳукмдорларни қизини олгани каби унга уйланди. Ҳокимият султон Муҳаммадга отаси Такишдан мерос бўлиб ўтганидан кейин Эмек ва унга қўшни бўлган қўшни қабилалар унинг давлати таркибига келиб қўшилдилар. Шу сабабли султоннинг кучи кўпайди, у эса уларни янада улуғлади. Натижада Туркон хотун мамлакатни бошқара бошалди. Султон қайсидир мамлакатни босиб олгудек бўлса, унинг қайсидир вилоятини онасининг яқинлари учун ажратиб беради".

Ан-Нисовий унинг феъл-атвори хусусида шундай ёзади: "У ақлли аёл эди. Унга шикоят хатлари, арзномалар келгудек бўлса, уларни синчиковлик билан адоалат нуқтаи назаридан кўриб чиқарди ва жабр қилувчининг зулми остида эзилган одам тарафини оларди. Аммо у қотилликни мардлик нишонаси деб баҳоларди. У мамлакат учун кўплаб яхши ишлар қилди" [1, 64].

Муаррихнинг маълумотига кўра, ҳукмдор саройида тарбияланиб, вояга етган Туркон хотун ўзига яраша ақл-идрокка ва бошқарув истеъдодига эга бўлган: "Унинг котиблари (куттаб ал-иншо) еттита эди. Уларнинг ҳаммаси машҳур, даврининг атоқли ва олижаноб инсонлари эди. Агар ундан ва султондан бир масала бўйича иккита муносабат билдирилган нома келиб қолгудек бўлса, унинг битилган муддатига қаралларди. Улардан қайси бири кейин ёзилган бўлса, шу номадаги фикр мамлакат учун асос қилиб олинарди. Унинг фармонларидаги туғроси қуйидагича эди: "Улуғ Туркон, мўминлар ва тинчликнинг ҳимоячиси, икки олам аёлларининг маликаси" деган сўзлар эди. У бу сўзларни қалам билан катта қилиб, чиройли тарзда ёзиб қўйганди, уни бошқа бирор одам ўзгартира олмасди" [1, 64-65].

Бу сўзлардан кўриниб турибдики, Туркон хотун фақат ёмон фазилатлар эгаси эмас, балки мамлакат учун улкан ишларни амалга оширди, кўп яхши ишлар қилди. Халқнинг арз ва шикоятларини ҳам Туркон хотун кўриб чиқишини билдик. Унинг ўз шахсий девонхонаси бўлганлиги ҳам давлат миқёсидаги ишларни, муҳим масалаларни мустақил равишда ечиш имкониятига эга эканлигини кўрсатади. Туркон хотун "Жаҳоннинг ҳокими" деган тахаллусга эга бўлиб, фармонларидаги шахсий муҳри – тўғросида: "Исмат уд-Дунё вад-Дин Улуғ Туркон малика нисо ал-оламийн" (Дунё ва унинг покдомони, Улуғ Туркон, олам аёлларининг маликаси) деб битилган эди. Булар ниҳоятда усталик билан ишланган бўлиб, сохталаштириб бўлмасди ва у ўз шиорини ўғли шиорининг ёнига қўяр эди [2, 159].

Асарни ўқиш жараёнида Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ онаси Туркон хотундан ҳокимиятни бошқариш, муҳим лавозимларга номзод қўйишда маслаҳатлар

сўраб турганлигини билишимиз мумкин. “Ўша пайтлар Султон вазири Низомулмулк ибн Низомулмулк Баҳовуддин Маъсуд ал-Харавийни мансабидан четлаштирганда бу лавозимга кимни қўйиш тўғрисида онасидан маслаҳат сўраганди. У эса унга Низомулмулк Носириддин Муҳаммад ибн Солиҳни вазир қилиб тайинлашни маслаҳат берганди. Султон онаси катта ва кичик, аҳамиятли ва аҳамиятсиз бўлсин, бирор иш юзасидан буйруқ берганда икки сабабга кўра ҳеч қачон қаршилик қилмасди. Биринчи сабаби: ота-онасига бўлган муҳаббати туфайли эди, онаси ундан кўп ишларда ёрдамини аямаганди. Иккинчи сабаби: давлат тепасидаги кўплаб амирлар онаси уруғидан эди, Султон улар билан бирга хитойиларга қарши курашиб, улар мамлакатини тортиб олганди. Ана шулар учун ҳам у юқоридаги номини эслатганимиз, яъни онаси тавсия этган одамни қанчалик хушламасин, ёмон кўрмасин, дардини ичига ютиб, вазирлик лавозимига қўйганди. Аммо Низомулмулкда вазирлик мансаби учун ибрат қилиб кўрсатадиган нарса йўқ эди, аксинча такаббурлик, исрофгарчилик авжига чиққанди.

Султон порага ўчлиги учун уни жазолашни ният қилиб қўйганди. Султон уни вазирликка юксак лаёқати учун эмас, балки онасининг ғуломи, аниқроғи, ғуломининг ўғли бўлгани учун олганди… Султон Носириддинни вазирликдан четлаштиради ва вазирига шундай дейди, “Ўз устозингнинг эшигига йўқол”. Яъни султон уни онаси ҳузурига, Хоразмга жўнатди” [1, 49-51]. Бироқ Муҳаммад Хоразмшоҳ ўзи томонидан тавсия қилинган номзод мансабидан четлаштирилиб, ҳайдаб юборилганлиги Туркон хотунни нафсониятига тегди. У ўғлининг қарорига қарши бориб, бадарға қилинган Низомулмулкни Хоразмда тантанали равишда кутиб олади, ҳатто уни кутиб олиш учун “шаҳар аҳолисининг каттаю кичик, амалдору фақир – ҳаммасини жалб қилганди” [1, 53]. Воқеалар ривожида ҳукмдор онасининг энди ҳаддидан ошишига гувоҳ бўлиб борамиз: “Султон Хоразмга Иззиддин Тўғрул бошчилигида қўшин юбориб, Носириддиннинг бошини олиб келишни буюради.

У Хоразмга яқинлашганда Туркон хотун Султоннинг нияти ва қароридан тўла хабар топган эди. Унинг бу ишни амалга ошириш учун келаётганини билиб, уни ҳузурига олиб келишни буюради. У (Туркон хотун) унга (Иззиддинга) Носириддин вазирлик курсисига ўтирган пайтда девонхонада бўлишини тайинлайди (бундан олдин у Носириддинга Хоразм ҳукмдори, Султон тахтининг валиаҳди Қутбиддин Ўзлоғшонинг вазири лавозимини топширган эди). Айтилган пайтда Иззиддин девонхонада бўлади. Шунда унга бу ерда йиғилганлар гувоҳлигида Султоннинг Носириддинга саломини етказишни ва унинг номидан “Менинг сендан бўлак вазирим йўқ. Сен ўз девонингнинг бошчиси бўлиб қол. Менинг мулкимда ҳеч ким сенинг ёрлиқларингга қарши чиқолмайди ва ҳукмронлигингни рад этмайди”, деган сўзларни айтишни тайинлайди. Номини айтганимиз (Иззиддин) бошқа имкони бўлмаганидан худди шундай қилади. Бу билан у Султон буйруғига ҳам қарши боради” [1, 53-54].

Туркон хотун нафақат султон, балки молиявий ишлар, аркони давлат ва сарой амалдорлари устидан ҳам ҳукмронлик қилган. Кўп ҳолларда Муҳаммад Хоразмшоҳ томонидан эълон қилинган қарорлар Туркон хотун томонидан ҳеч қандай асоссиз, кенгашсиз бекор қилинар эди. Султон Низомулмулкни четлаштириб, уни жазолашни буюрган Иззиддин Тўғрул ҳам Туркон хотун буйруғи билан бу ишни қилмади. Бу ҳам етмаганидек, Туркон хотун девонда Султон номидан ёлғон гапларни гапиришга Иззиддин Тўғрулни мажбур қилди.

Бундан кўриниб турибдики, бир томондан Султон ва иккинчи томонда Туркон хотун турганда Иззиддин Тўғрул Хоразм ҳукмдори, 27 мамлакатни бўйсундирган, ҳаттоки, Бағдодга юриш қилган Султоннинг эмас, балки унинг онаси Туркон хотуннинг буйруғига амал қилди. Бундан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки,

амалдорлар Султондан эмас кўпроқ Туркон хотундан қўрққанлар. Қанчадан қанча ҳудудларни бўйсундирган, унинг ҳукмдорларини итоат эттирган, ҳеч қайси ҳукмдор амалга оширолмаган қорахитойларни даф қилган Султон оддийгина вазирини ҳам жазолай олмади. Аксинч, Туркон хотуннинг қилган ишлари орқали у янада юксакларга кўтарилди, яъни "Носириддин… вазир қилиб тайинланган пайтда Султон унга тўртта найзадор тайинлаган эди. Одатда улуғ вазирларга шундай эҳтиром кўрсатиларди, найзадорлар найзалари сопига эса тилло қоплама қопланарди. Хоразмда вазирлар атрофига саккиз найзадор қўйиладиган бўлди. Бу уларнинг насабини улуғлашга қаратилганди. Булар ҳақидаги маълумотлар Мовароуннаҳрда турган Султонга ҳам етиб борар, бу унинг ғазабини кучайтирарди" [1, 54].

Аловуддин Такаш Қутбиддин Муҳаммадни валиаҳдликка тайинлагач, уни Бекдили уруғига мансуб бўлган бўлган Ойчечакка уйлантирди. Ва бу никоҳдан 1199 йилда туғилган Жалолиддин Менгбурнини Алоуддин Муҳаммаднинг валиаҳди деб эълон қилди. Бу билан у хоразмшоҳлар тахтида Бекдили уруғига мансуб ануштегинийлар сулоласи ҳукмронлиги давом этишини хоҳлади. Афсуски, унинг ўлими бу орзунинг ушалишига йўл бермади. Туркон хотун эса ўғлини ўз уруғига мансуб қипчоқ хонларининг қизларига уйлантириб, улардан туғилган фарзандларни тахт ворислари этиб белгилади. Бу ерда биз Туркон хотуннинг Ануштегинийлар сулоласида ўрнатилган ички тартибларга ўзгаришлар қилиб, ўзи мансуб бўлган уруғ вакилларининг ҳокимиятни эгаллашини хоҳлаётганини кўришимиз мумкин. Эри Такашнинг васиятига қарама-қарши ўларок, Жалолиддинни валиаҳдликдан четлаштиради, унинг ўрнига Султон Муҳаммаднинг қипчоқлардан бўлган хотинидан туғилган ўғли Ўзлоғшоҳни тахт ториси этиб тайинлайди ва ўзининг назоратида бўлган Хоразм, Хуросон ҳамда Мозандаронга ҳокимлик қилиш ҳуқуқини берди. Унинг учун мана бундай тўғро ҳам танлади: "Султон Абул Музаффар Ўзлоғшоҳ ибн Султон Санжар Ғиёс амир ал-мўминин" [2, 160]. Шу тариқа Жалолиддин ва Туркон хотун ўртасида зиддиятлар кучаяди.

Хоразмшоҳлар давлатини Урганчда – Туркон хотун, Самарқандда – Султон Муҳаммад бошқаради ва шу тариқа, мамлакатда қўшҳокимиятчилик вужудга келади. Бизга маълумки, кўпгина давлатлар ҳам парчаланиб кетишига сабаб, қўшҳокимиятчиликдир. Хоразмшоҳлар давлати тиргакларига ҳам айни шу сабаб туфайли шикаст етди. Лашкарлар, саркардалар, давлат арконлари ўртасида зиддият авж олади, қабилалар, уруғлар ўртасидаги якдиллик йўқолди. Бу эса ўз навбатида, мўғулларнинг Хоразмшоҳлар давлатини босиб олишига хизмат қилди. Чингизхон ҳийла ишлатиб она ва бола ўртасига совуқчилик туширишга ҳаракат қилди. Бунинг учун у асли хоразмлик бўлган, Чингизхон томонга ўтиб кетиб кетган ҳожиб Донишманддан фойдаланди: "Чингизхон ўзига содиқ бўлган одамлардан яна бири - ҳожиб Донишмандни Хоразмга Туркон хотун ҳузурига жўнатди. У унга бундай номани берди: "Маълумки, ўғлинг ҳуқуқларингни поймол этиб, сенга ёмонлик қилди. Шу сабабли мен унинг баъзи амирлари билан келишган ҳолда унга қарши юриш қилмоқчиман. Агар сен шартимга кўнсанг, менинг сўзларим ишончли эканлигини билмоқчи бўлсанг, ҳузуримга кимнидир юбор. Шундан сўнг Хоразм, Хуросон, Жайҳуннинг нариги томонидаги уларга теградош бўлган мулклар ҳам сенга берилади". Ушбу элчи билан бир вақтда Султоннинг Жайҳун қирғоқларидан қочганлиги хабари келди. Туркон хотун ваҳимага тушиб қолди. Чингизхон номасига ҳам жавоб ёзмади" [1, 61].

Ўз навбатида Султоннинг қўлига ҳам онаси яқинлари бўлган қипчоқ лашкарбошилари томонидан Чингизхонга ёзилган нома "тасодифан" тушиб қолди. Бу ҳақда Ан-Нисовий асарининг 17-бобида келтирилган бўлиб, бу фитна асли

ўтрорлик бўлган, сотқин Бадриддин Амид [5] томонидан амалга оширилди. Унинг тавсиясига кўра, Чингизхон аъёнлари томонидан сохта мактуб тайёрланди. Унда "Биз ўз уруғимиз ва биздан паноҳ истаганлар билан биргаликда туркийлар мамлакатидан Султон ҳузурига, унинг онасига хизмат қилиш учун келдик. Бизлар унга ер юзининг барча давлатларига қарши курашда, уларни босиб олишда, ҳукмдорлари ва аҳолисини бўйсундиришга ёрдам бердик. Эндиликда унинг онаси ҳақ-ҳуқуқларига нисбатан ниятлари ва муносабатлари ўзгарди: у ўзининг манманлиги натижасида такаббурлигини кўрсатмоқда. Шу сабабли у (Туркон хотун) Султонга ёрдам бермаслигимизни буюрди. Бизлар эса сенинг (Чингизхон) келишингни кутаяпмиз, сенинг амрингга бўйсуниш ниятидамиз" [1, 59], дейилганди. Мактуб ўз кучини кўрсатганлигига тарих шоҳид.

Ан-Нисовий асарининг "Туркон хотуннинг олти юз ўн олтинчи йилнинг охирги кунларида (1220 йилнинг март ойи бошларида) Хоразмни ташлаб чиқиши баёни" дея номланган 18-бобида Туркон хотун Хоразмни қандай тарк этгани, тарк этаётганда қандай гуноҳ ишлар қилгани, қандай қилиб Чингизхон қўлига асир тушиб қолгани ҳақида баён этилади. "У Хоразмда қолиш имконияти йўқлигини билди ва ўзи билан олиши мумкин бўлган нарсаларнинг ҳаммасини – Султон хотинларини, кичик ёшдаги болаларни, хазинадаги бойликларни олиб шаҳар билан хайрлашиб, Хоразмдан чиқди. Унинг хайрлашиш онларини кўрганларнинг кўнгиллари юмшаб, кўзларидан ёш оқди. У кетишидан олдин асрлар бўйи ўзи учун шармандали бўлган, асрлар бўйи бир лаънат билан эсланадиган бир адолатсиз ишни қилди. У бу уруш оловлари тезликда барҳам топади, узилган иплар яна қайтадан уланади, қоп-қора тун зулматидан кейин тонг яна нур сочади деб ўйлаб, Хоразмда асирликда бўлган ҳукмдорларни, уларнинг ўғилларини, юқори мартабали зотларни, олижаноб инсонларни, улуғ садрларни қатл қилдирди. Унинг ҳимоясида бўлган бундай инсонлар 22 та эди. Буларнинг орасида Султон Тўғрул ас-Салжуқийнинг ўғли, Балх малиги Имодиддин, унинг ўғли, Ермиз ҳукмдори ал-Малик Баҳромшоҳ, Бомиён ҳукмдори Аловуддин, Вахш ҳукмдори Жамолиддин Умар, Сиғноқ ҳукмдорининг икки ўғли, Бурҳониддин Муҳаммад Садр Жаҳон, унинг укаси Ифтихор Жаҳон ва икки ўғли Малик ал-Ислом, Азиз ал-Ислом ҳамда яна бошқалар бор эди. У ўз нуқсонларини нима билан ёпишни билмасдан бу ишни қилди. Бунинг ўрнига қилган ишлари учун Оллоҳ олдида тавба тазарру, адолатни тан олганида, эҳтимол, шундай шармандали ҳолга тушмаган бўлармиди" [1, 63-64].

Биз кўриб турибмизки, мамлакат ҳукмдори ҳам мудофаани ташкил этиш ўрнига давлатни ташлаб қочиб кетди, бу ҳам етмаганидек ўзини "ҳукмдор" ҳисоблаган Туркон хотун ҳам Хоразмни ўз ҳолига ташлаб кетди. Қочиб кетиши билан бир қаторда, буюк зотларни, ҳукмдор фарзандларини қатл эттириб, пойтахтни уларнинг қонига "ботириб кетди".

Шиҳобиддин Нисовийнинг қайд этишича, Туркон хотун 1220 йил Илол (Мозандаронда мустаҳкам қалъалардан бири. Сори дарёсининг юқори қисмида жойлашган) қалъасида мўғулларга асир тушади ва барча хизматкорлари билан бирга Чингизхон ҳузурига етказилади. Султоннинг фарзандлари қатл этилади, қизлари эса мўғулларга турмушга берилади [1, 63]. Насавийнинг таъкидлашича, Туркон хотун Жалолиддин олдига боришини истамаган, уни ор билган. Қорақурумга келтирилган Туркон хотун қашшоқликда ҳаёт кечиради ва шу ерда вафот этади [1, 63-64].

Минг афсуски "икки олам маликаси" номлари билан машҳур бўлган малика мўғул қўлига асир тушди. Жалолиддин олдига боришни ўзига ор билди. Тақдирни қарангки Такишнинг суюклиси, Султон онаси Чингизхоннинг дастурхонига қарам бўлиб қолди. Бунгача у қандай инсон эди? Фармонлари ҳар бир вилоятда сўзсиз ижро қилинмасмиди? Ғур султони пойтахтга юриш қилганда шаҳар мудофаасини

ташкил этишга катта ҳисса қўшган айнан шу инсон эмасмиди? Албатта, ўша Туркон хотун эди. Эндичи?

Туркон хотун ғурийлар султони Шиҳобиддин Гурганжга юриш қилганда, шаҳар мудофасини кучли тарзда ташкил қилганлиги, аҳолининг арзномалари билан шуғулланиши, жабр қилувчининг зулми остида эзилган одамни ҳимоя қилиши, мардликни жуда қадрлаши манбаларда келтирилган. Бироқ бошқарув ишида у кўпроқ давлат манфаатларини эмас, балки шахсий манфаатларни устун қўйганлиги, гарчи лойиқ бўлмаса-да, ўз уруғи вакилларига юқори мансабларни берганлиги ҳам маълум. Шундай қилиб, “Исмат уд-Дунё”, олам аёлларининг маликаси – Туркон хотун кўпчилик нигоҳида Хоразмшоҳлар давлатининг таназзулига сабабчи бўлган шахс сифатида тарих зарварақларида қолди.

**Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати**


1. Шиҳобиддин Муҳаммад ан-Нисовий. Сийрот ус-султон Жалол ад-дин Менгбурни (Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти) /Камол Матёқубов таржимаси. –Тошкент: “Ўзбекистон”, 2006. – 384 б.
2. Буниёдов З. Ануштагин Хоразмшоҳлар давлати (1097-1231) // А.Аҳмад ва М.Маҳмуд таржимаси. –Тошкент, 1998. – 256 б.
3. Хоразмшоҳ Жалолиддин Мангуберди (даври, маданий ҳаёт, манбалар) // Илмий тўплам. –Тошкент: Фан, 1999. – 108 б.
4. Матёқубов К. Маликанинг жасорати /Адолат ижтимоий-сиёсий газетаси, №18-сон, 2020 йил.
5. ***Изоҳ:*** Ўтрорнинг босиб олинишига қадар мўғуллар томонга ўтиб кетган Бадриддин ал-Амиднинг уруғ-аймоқлари ва яқинлари Султонга душман бўлган "Руҳонийлар ташкилоти"дан эдилар. Бу руҳонийлар Бухоро садрлари ва Самарқанд шайхларига нисбатан душманликни яққол намоён қилдилар. Чингизхон Бадриддин ал- Амиддан Хоразмшоҳлар қўшинларининг жойлашиши, давлат ичидаги низолар, келишмовчиликлар тўғрисида кўплаб маълумотлар олди. У бу маълумотлардан кенг фойдаланди.


## ДУХОВНЫЙ ВЗГЛЯДЫ АЛИШЕРА НАВОИ НА СИСТЕМУ ЦИВИЛИЗАЦИИ СРЕДНЕЙ АЗИИ

***Эгамбердиева Нафиса Мустафаевна – старшая преподавательница, кафедра национальной идеологии, основ духовности и правового воспитания, Навоийский государственный педагогический институт***

В многочисленных темах произведений Алишера Навои большое значение придаётся темам олицетворяющих Родину, верности и преданности краю, где он родился и вырос, чувству национальной гордости. Размышляя о том, как Навои почитает свою родину, к какой национальности и какой родине он относится, как отображает эти чувства в своих произведениях, учёный Навоивед Иззат Султон высказывает следующую мысль: “Ни в одном своём произведении Навои не говорит о том, какую родину он считает своей. Из многочисленных краёв он с такой любовью, восторгом и наслаждением описывает один из краёв, что у нас появляется впечатление, что писатель говорит не только о родине, но и большой и постоянной любви к той родной земле, где он родился, вырос, и эта любовь его к родной земле будет продолжаться до конца его жизни [1].

Мыслители и философы того времени исходя из идей справедливости выдвигали целый ряд передовых идей по вопросу войн своего времени смотря на

этот вопрос с точки зрения исторических иидеологических условий. Они и в этом вопросе оставаясь верными своим идеям патриотизмау, человеколюбия они не только заботились и беспокоились о своём народе и своей родине, но и проявляли участие к другим народам, к их родине, их счастью и благополучию. Например, Навои так пишет об основных безжалостных войсках, которые развязывали войны и приносили огромное горе и несчастья, то есть об армиях захватчиков и грабителей: “Чёрное безжалостное воинство в военном походе – сообщик называемой чудовищем банды, врагов живого и здравого... Их дело разграбить всё что возможно, они налетают как саранча на посевы и лижут листья травы. Между ними и человечеством противостояние, с исламом и мусульманствооони м у них разногласия. По своей сути они далеки от сообразительности и рассудительности, такие качества как ум, рассудок и здравый смысл им чужды... У них нет ничего человеческого и в этом они схожи с чудовищами, у них много повадок животных и очень мало человеческих... Люди не могут их покарать, пусть покарает их сам Аллах” [2].

Очевидцы социально-философского мышления Центральной Азии под влиянием социально-политических, культурно- духовных условий возникших на последующих этапах периода возрождения, они своеобразно трактуя идеи о причинах возникновения обществ своих предшественников, утверждая о необходимости превращения в крепкую и устойчивую цель достижение процветания общества, в первую очередь искоренение в обществе межнациональных и международных войн и истреблений, религиозной вражды, раздоров между людьми, достижения солидарности, милосердия, веры и компромисов.

Эти идеи нашлия своеобразное отражение в дастане Алишера Навои “Садди Искандарий”. В своих прекрасных художественных скрижалях ипримерах мечту общества основанную на взаимопомощи друг-другу всех без исключения, достижения взаимопонимая людей междй собой, окончании международной и религиозной вражды и раздоров, основанного на социальной справедливости. В произведениях Навои основное достоинство падишаха такого святого государства мечты Искандара зиждется не на его благочестии, богобоязненности и убеждениях, а на его мудрости, просвещённости и справедливости. Принимая во внимание, что мыслитель входит в число мыслителей последовательного соблюдения убеждений религии ислам, насколько огромное идеологическое значение имеют его идеи не только для средних веков, но и для настоящего времени. Герой произведения Навои Искандар в управлении страной не опирается на своих советников и доверенных помощников из числа религиозного духовенства, а руководит опираясь на советы в основном представителей науки различного направления, образованных учёных и мыслителей. Эту группу этих учёных и мыслителей народы Ближнего и Среднего Востока представляют себе как символ мудрости в истории философского мышления, возглавляемую Аристотелем. Искандар в вопросах управления государством обращается к философам и мудрецам, в частности, к Аристотелю. Аристотель же даёт ему знания о своём жизненном опыте и образе жизни людей в обществе.

По утверждению крупного учёного-востоковеда Э.Бертельса в странах Востока общность имён Искандар и Аристотель даёт возможность объединения онтологических, гнесеологических и нравственных вопросов философии в политическом, военном, и государственном управлении страной [3].

Особо стоит отметить, что Алишер Навои свои взгляды о справедливости и справедливом управлении государством старался выразить через указания религии ислам и шариат. Однако в его мировоззрении заповеди шариата построены на понятиях и основываются только на убеждениях, связанных с социальной жизнью

людей, в определённой степени связаны с реальной действительностью, являются понятиями связи и отношениями между людьми. С этой точки зрения заслуживают внимания следующие размышления крупного учёного исламоведа Е.А. Беляева: “Своеобразность исламского и мусульманского права выражается в том, что на территории проживания многих культурных народов отражает социальную действительность определённого периода. Межэкономические и культурные связи этих народов, а также влияние предшествующих культур являются основными причинами процветания арабской культуры в средние века и ею неоценимого значения в развитии культуры человечества” [4].

Наряду с этим, опираясь на хадис: “Одночасовая справедливость и 60-дневная польза” [5] лучше богослужения, в своих произведениях,на основе тенденции “Известный своей справедливостью неверный царь лучше падишаха тиранамусульманина”, поэт воспевает подход ко всем народам, представителям различных религиозных конфессий критерий спв своих произведениях - Шу билан бирга мутафаккирлар: “Биведливости к каждому человеку. Кроме того, следует отметить и то, что если в мусульманских странах в вопросах управления государством критерий справедливости основывается и осуществляется на указаниях и заповедях шариата, в истории государственности узбекского народа с потребностями реальной жизненной действительности также опиралась на сформированные в прошлом законы и правила. В этом отношении мнения исследователя Азамата Зиё имеют основания: “Говоря шариат нужно понимать очевидные нравственно-правовые нормы мусульманского общества. Даже если в значении “правильный путь” лежит природа (аш шариа) основанная на Коране и сунны , однако она в действительности для фикха (право и юриспруденция)служит общим идеологическим, религиозно-нравственным источником. Значит, можно сделать вывод, что общество управляя различными сферами жизни также издавна пользовалось возможностями законности (тузук) и мусульманской законности (фикх) [6].

Наряду с утверждением, что основа благосостояния страны и благополучия народа есть заслуга справедливого правителя, очень сильно очернялся правитель далёкий от народа, его нужд, сильно угнетающий правитель. И в памяти современников поэта образ идеального справедливого шах выражен точно. В своём произведении Мирхонд “Равзат ус-сафо “ говорит о том, что амир с чистой душой (Навои) во времена Абдусаид мирзо поехал в салтанат Хорасан (столицу Герат), где несколько дней он любезно провёл на пороге дома счастья, однако для себя он не нашёл там уважения, почёта и воспитанности. [7]. Так как Абдусаид был вспыльчивым, безжалостным правителем, Навои был вынужден покинуть свой родной Герат х и несколько лет прожить в Самарканде. Чиновники на службе Абдусаида были такими же безжалостными как и их правитель. И то, что поэт видел в своей жизни таких правителей, он критиковал правителей угнетателей в своих произведениях, брал их на острие пера, во многих случаях призывает их к совести и справедливости, объясняет шахам о необходимости овладения хорошими качествами.

Из вышеуказанных размышлений Навои можно сделать вывод, что поэт исходит из идей о справедливости ряда передовых идей по вопросам войн с точки зрения времени, истории и идеологии. Ещё одна из важных сторон состоит в том, что в произведениях Алишера Навои воспевание чувства родины и сегодня не потеряло свою актуальность и воспитательное значение в воспитании молодого поколения, изыскания в них чувств патриотизма, человеколюбия, доведения их до совершенства.

**Список литературы**


1. Султон Иззат. Тетрадь души Навои. Издательство литературы и искусства им. Г.Гуляма. – Т., 1969. – С.11.
2. Алишер Навои. Маҳбуб ул-қулуб (Автор прозаического изложения Иноят Махсумов). – Ташкент, 1983. – С.21-22.
3. Бертельс Е.Э. Навои и Джами. – М., 1966. – С.283.
4. Шарль Р. Мусульманское право. Предисловие Е.А. Беляева. – М., 1958. – С. 9.
5. Нафл ибодати – кўпроқ савоб олиш умидида қўшимча ибодат қилиш, намоз ўқиш, рўза тутиш ва ҳ.к
6. Азамат Зиё. История узбекской государственности. Тошкент, 2001. – С.185-186.
7. Султон Иззат. Тетрадь души Навои. Издательство литературы и искусства им. Г. Гуляма. – Т., 1969. – С.131.


## СУҒДИЁНА ҲУДУДИДАГИ ТЕРРАКОТАЛАРДА ЭЧКИ ТАСВИРИ ВА ТАЛҚИНИ

***Н.О.Хушвақов – тарих фанлари номзоди, “Шаҳрисабз давлат музей-қўриқхонаси бош директори***

Жанубий Суғдиёна Кеш ва Насаф воҳаларини қамраб олган тарихий ҳамда маданий жиҳатдан қадимий ўлка ҳисобланади. Мазкур ҳудуддан топилган археологик материаллар қадимги даврдаги ижтимоий-сиёсий ҳаёт, аҳолининг турмуш тарзи ва маънавиятини аниқлашдаги асосий манбалар ҳисобланади. Музей фондларининг ноёб экспонатлари сифатидан сақланаётган сопол плиткалар, остадонлар ҳамда терракоталарда эчки ёки қўчқор тасвирлари кўплаб учрайди. Эчки тасвири тасодифий ҳодиса эмас, балки қадимги Шарқ ва Осиё халқларининг фалсафий мафкурасидан келиб чиққан. Яккабоғ туманидаги Алакўйлак қишлоғининг шимолий қисмида жойлашган “Қовурға ота“ қабристонида гўрковлар томонидан топилган зооантропоморф тасвирга эга сопол терракота диққатга сазовордир.

Ҳайкалча – терракота юпқа, қизғиш-жигар ранг лойдан ясалган, чўзинчоқ, юқорисида тўғрибурчакли, тор арк тасвирланган, ўлчамлари 15 х 6 см.ни ташкил этади. Терракотанинг орти силлиқ, юзаси эса қолип шаклида, тасмасимон бўртмали равоқ ичида зооантропоморф шахс акс этган. Унинг боши чап томонга ёнбош бўлиб қараб турибди. Бошида йирик эчки шох ўрнатилган. Шох жуда реалистик, чизиқлар аниқ ва фактураси жуда тиниқ услубда яратилган. Шохнинг пастида йирик думалоқ тож аниқ билинади, у зигзак, учбурчак тиши пешонасига тушиб турибди. Юзи бироз хира, кўзи шаклан бодомсимон, қорачиғи аниқ ва соч ўрими ёнга тушган. Юз қисми узунчоқ, эчкининг узун тумшуғига ўхшайди. Узун соқоли елкасигача тушган, ўнг томонидан кўкраги устига ҳам соч ўрими тушиб турибди.

Шахс узун кўйлак кийган, енглари узун ва ёқаси йўқ. Кийим ярим танасини ўраб турибди. Ўнг қўлида номаълум буюм мавжуд. Кўкраги устида тасмалар билан боғланган апизак-медальон мавжуд. Баданнинг пастки қисмида тўрт қатламли белбоғ ва юпкасимон кийим кийган. Юпкада тасмасимон безаклар мавжуд.

Шахснинг ўнг қўли кўкрак даражасида кўтарилган, қўлда қилич мавжуд, қиличнинг учлари ўткир ва юқорига қараб қайрилган. Билагида қалин билакузук ва чап қўли билан қалқонга суянган.Қадди ноодатий, оёқлари кенг тарзда, ўнг оёғига суяниб, чапи эса бир оз кўтарилган ва қалқон билан бирлашиб кетган. Шахснинг ўнг

елкаси ортида шамолда ҳилпираб турган юнг ўралган найза кўринади, Бундай рамзлар Сўғдиёна терракоталарида кўп учрайди ва мазмун жиҳатдан илоҳий шахслигидан далолат беради.

Терракотанинг археологик қатламдан топилмагани сабабли даврий санасини аниқлаш мушкул. Топилманинг санасини шу жойдан топилган яна бир археологик топилма-ўтовсимон остадоннинг қопқоғи белгилаб бериши мумкин. Остадон қопқоғи лойдан тасмасимон техника услубида ясалган, юқори қисмлари эса текис. Қопқоқ дастаси қўпол. Қопқоқ анор навдаси чизиб безалган. Қопқоқ дастаси қарағайнинг мевасига ўхшаш ва ундан пастга қараб чизилган 4 та анор навдаларини биттаси чуқур бўлса, бошқалари сал-пал сезилади. Қопқоқда навдалар тасвири ва дастаси "мурданинг қайта тирилиши (реокарнация)" рамзидир. Шаҳрисабз туманига қарашли Юмалоқтепадан топилган айнан шунга ўхшаш остадонлар қопқоғи VII-VIII асрлар билан саналанади. Бундай остадонлар Тошкент вилояти ҳудудида ҳам мавжуд.

Мазкур терракота ёки аниқроқ қилиб айтсак, шундай шаклга эга қирралари тасмасимон тарзда бўртиб чиққан плакеткалар Суғдиёна ҳудудидан топилган кўплаб терракоталарга ўхшаш [1:76]. Аммо Суғдиёна ҳудудидаги терракоталарини батафсил тадқиқ этган В.А.Мешкерис асарларида медальон-апизаклиси йўқ. Сосонийлар даври маданиятида медальонли терракоталар, кўкрак безаклари ва апезаклар учрашини ҳисобга олсак, Суғдиёнадаги медальон ёки апезакни айнан сосонийлар маданият таьсири деб талқин этиш мумкин. Масалан, Насаф тарихий маданий ҳудудида жойлашган Шортепа ва Ерқўрғон ёдгорликлари ҳудудидан топилган терракоталарнинг кийимлари, соч турмаги ва бош кийимларида шундай маданий таъсир яққол сезилади [2:236].

Алакўйлак терракотасини ясашда кулол Буюк Шопур (309-379) қиёфасидан фойдаланган бўлиши ҳам мумкин. Бу ҳолат терракотани эрамизнинг IV-V асрлар билан саналаш имконини беради. Функционал жиҳатдан терракота тумор сифатида тақиб юрилган.

Мазкур терракота ва унда тасвирланган шахснинг тарихий талқини жуда қизиқарли. Айнан кўкрагига медальон тақилган терракота ҳозирча Суғдиёна ягона, аммо Верхне-Березов хазинасида орасида эчки боши билан тасвирланган антропоморф шахс қиёфаси учрайди ва уни тадқиқотчилар Хоразм маданияти сифатида талқин этадилар[3:46].

Мазкур идишда ҳам эчкисимон бошли қиёфа боши чапга қараган. У ҳам чап қўлида ленталар осилган найзани ушлаб турибди, аммо идишдаги шахс танасининг пастки қисми ноаниқ. Тадқиқотчи В.П.Даркевичнинг фикрича, тананинг пастки қисми навдалар барги, у "қурбонлик қилиш" одатини ифодалайди. В.П.Даркевич бу тасвирни "Ҳосилдорлик маъбудига" қурбонлик қилиш учун театр ниқоби бўлса керак, деб ҳисоблайди. У тасвирдаги тасмали найза ва ниқобни Деонисга бағишланган қурбонлик байрами деб талқин этган. С.П.Толстов эса "эчки боши терракоталар" Сиёвуш образи деб ҳисоблайди[4:46].

С. Кабановнинг Яккабоғдан топган плиткаси ҳам Хоразм теракотталарига жуда ўхшаш ва С.П.Толстовнинг фикрини тасдиқлаши мумкин [5:55]. Унда ҳам қирғоқлари тасмасимон равоқ мавжуд. Равоқ ичида зооантроморфик шахс ифодаланган, унинг ҳам чап қўли кўкрагигача кўтарилган, қўл панжалари эса очиқ. Ўнг қўлида жанг қуроли- булава турибди. Унинг қиёфаси ҳам ноодатий, чўзоқ ва учбурчак шаклда ва қиёфаси ҳайвонга ўхшайди. Бурни одамникидек, кўзлари думалоқ ва қорачиқлари аниқ билинади. Бошидаги "эчки шох" аниқ билинади. Бундан ташқари бошида схематик тож кўриниб турибди, тожнинг пешонага тегиб турган қисмида тўлқинсимон чизиқлар (сочлар) акс этган. Бу шахс ҳам тиззасигача

тушган, пасти кенг учбурчак безаклар мавжуд кафтан кийган. Оёқлари кенг тарзда жойлашган, лекин жуда ориқ. Ортида эса ўсимлик навдаси ифодаланган [5:54].

Плакетка ва терракоталар диний характерга эга авлиёлар, фариштaлар ёки худоларни ифодалаган, улар душман ёки “ёмон руҳлар”дан ҳимоя қилиш ҳамда ҳомийлик қилишни назарда тутган. Шу жумладан, Алакўйлакдан топилган сопол терракота ҳам Хоразм хазинаси орасидаги мис идишда тасвирланган шахс ҳам қадимда ҳосилдорлик фариштаси ёки худосига сиғинишни ифодалаган ва зардуштийликдаги инкорнация (қайта туғилиш) фалсафасига асосланган. Масалан, Юмалоқтепадан топилган остадонда ҳам эчки образи тасвирланган, бу тасвирлар ҳосилдорлик ёки бадавлатлик тимсолидир.

Энг қадимги даврларда ҳам тоғ эчкисига ов қилиш ёки эчкилардан иборат чорвалар турли хил урф-одатларда муҳим рол ўйнаган ва кўпинча гендерлигига эътибор берилган. Эчкиларни уришқоқлиги эркакларга қиёсланган бўлса, такалар оналик ва кўпайиш мазмунини ифодалаган. Терракоталарда ифодаланган эчкисимон киёфали шахслар “Эчки культи” – антропоморф қиёфаларни яратишга олиб келган. Алакўйлак терракотасида ҳам қадимий фалсафий қараш – маҳаллий хосилдорлик рамзи ифодаланган. Масалан, қадимий Месопотамияда ҳайвонлар ҳақидаги фалсафий қарашлар афсонавий образлар яралишига олиб келган эди. Шумер, Аккад ва Вавилонда ҳам эчки муқаддас ҳайвон ҳисобланиб, Мардук ва Неннер-ҳайвонлар ҳомийсидан деҳқончилик, канал, ариқлар ва чорвачилик ҳомийси даражасигача ўсиб ўтган. Қадимий Вавилондаги илк Кесит санъатида Аммар худоси инсон қиёфасида қийшиқ ҳассали, оёғи эса тоғ эчкиси устида тасвирланган [6:135].

Грек санъати ва тарихий афсоналарида Дионис дастлаб ҳосилдорлик худоси сифатида (ўлим ва тирилиш), кейинчалик эса узумчилик ва вино фариштаси деб талқин этилади. Хусусан, Дионис Загрейни греклар катта Дионис деб атаганлар, Уларнинг афсоналарига кўра, Зевс илон қиёфасида Персефон қўйнига киради ва у шохли Загрей-Дионисни туғади. Гера рашк қилиб, титанларга Загрей-Дионисни тилка-пора қилиб ташлайдилар. Афина эса Загрей-Дионисни юрагини қутқариб қолади, Зевс Загрей-Дионисни юрагини ютиб, Семел орқали қайтадан туғдиради. Греция ва Яқин Шарқ мамлакатларида Дионис турли хил ҳайвонлар қиёфасига кира олади, кўпинча у эчки қиёфасида намоён бўлиб лақаби ҳам “шўх жонли эчки”дир. Диониснинг йўлдошлари эса эчкисимон девлар ҳисобланади. Диониснинг шарафлаш – Дионис байрами ўсимликларнинг вегетация календарига мос равишда йилида 4 марта ўтказилган. Бу байрамлар шўх-шодон намойишлар, ҳайвонларни (кўпинча эчкиларни) қурбонлик қилиш, муқаддас идишларда виноларни тўлдириш ва ичиш ҳамда қўшиқлар айтиш билан ўтказилган. Қурбонлик қилингач, турли хил ҳазил ўйинлар, куч синашиш, беланчакка учиш ва оёғига ёғлаган эчки терисини боғлаб узоққа сакраш ўйналган. Ғолиблар мешга тўлдирилган вино билан тақдирланганлар. Алакўйлакдаги шахснинг оёқларини кенг ҳолда ёйиб туриши айнан шу ўйинлар билан боғлиқ бўлиши мумкин.

В.П.Даркевичнинг фикрича, Дионис ва Ўрта Осиёда кенг тарқалган ҳосилдорлик маъбуди – Сиёвуш бир-бири билан боғлиқ шахслардир. Ҳар иккаласи ҳам ўлим ва қайта туғилишнинг маъбудлари ҳисобланади, ҳар иккаласи ҳам узумчилик ва виночилик ҳомийси ҳисобланади [7:76]. Закарий Қазвиний асарларида (у 1282 йилда вафот этган) космосдаги юлдузлар туркумидан бири “Бар Сиёвуш” деб аталган [8: 25-82].

Суғдиёнадан топилган остадонлар, плакетка ва терракоталардаги ўтирган ҳолда, ёки қўлида курол билан бошида даҳшатли тасвирлар ифодаланган тасвирларнинг бир-бирига ўхшашлиги тасофидий эмас.Улар Бар-Сиёвуш тимсолидир [9:62]. Алакўйлак терракотасида ҳам Сиёвуш тимсоли акс этган. Уни

тумор қилиб тақиб юрган одам осмондаги қайсидир юлдузни ўзининг ҳомийси ёки ҳимоячиси деб ҳисоблаган. Плакеткадаги олов шуъласи илоҳий образ эканини исботлайди ва мазкур терракота тумор сифатида тақиб юрилган. Тумор эса оила фаровонлигини таьминлаш учун ҳосилдорликка бағишланган. Терракотадаги шахснинг қўлидаги қуроли зардуштийлик динидаги ёвузлик маъбуди Ангро Манудан ҳимоя қилиш қуролидир.

**Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати**


1. Мешкерис В.А. Согдийская терракота. – Душанбе: Дониш, 1989.
2. Сулайманов Р.Х. Древний Нахшеб. – Ташкент, 2000.
3. Даркевич В.П. Художественный металл Востока VIII-XIII вв. – М.: Наука. 1976.
4. Толстов С.П.Древней Хорезм. Опыт историко-археологического исследования. – М., 1948.
5. Кабанов С.К.Две терракоты из долины Кашкадарьи. // ИМКУ, вып. 2. – Ташкент, 1962.
6. Кабанов С.К. Култура сельских поселений Южного Согда III-VI вв. – Ташкент, 1981.
7. Gray Louis H. The foundations of the Iranian Religions. Being a series of the Ratanbai Katrak Lectures delivered at Oxford. Bombay: Kitab Mahal, 1925.
8. Белинцкий А.М. Вопросқ идеологии и культуров Согда (по материалам Пенджикентских храмов) // Живопись древнего Пенджикента. – М., 1947.
9. Пугаченкова Г.А. Ремпель Л.И. Выдающиеся памятники изобразительного исскуства Узбекистана. – Ташкент: Изд-во худ. лит-ры. 1960.


## VIII – XII АСРЛАРДА ЎРТА ОСИЁ ШАҲАРЛАРИДА КАСБИЙ ЎЗЛИКНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

***Ш.П.Тошева – ЎзР ФА Миллий археология маркази илмий ходими***

***Аннотация****: Ушбу мақолада Ўрта Осиёда ислом дининг ёйилишидан бошлаб ривожланган ўрта асрларгача бўлган давр ичида минтақа аҳолисининг ўзликларида, хусусан, касбий ўзлигида ҳунармандчилик билан боғлиқ ўзгаришлар тўғрисида сўз боради. Қарийб беш юз йиллик давр мобайнида Ўрта Осиёнинг йирик шаҳарларидаги ерлик аҳолининг, айниқса, ҳунармандларнинг янги мафкурага мослашган ҳолда қадимий маҳаллий ва исломий анъаналарни ўзаро омухталаштирган ҳолда ҳунармандчиликни янги босқичга олиб чиққанликлари таҳлил қилинади.*

***Калит сўзлар****: Ўрта Осиё, шаҳар, ислом, анъанлар, ўзлик, миллий, этник, касбий ўзликлар, ҳунармандчилик, косиблар.*

Психолог олимларларнинг фикрига кўра, замонавий жамиятда иқтисодий инқирозлар касбий соҳага таъсир қилади, чунки кўп одамлар одатдаги иш жойини йўқотадилар ва ўзларининг касбий интилишларини амалга ошира олмайдилар. Касбий ўзига хосликни йўқотиш касбий маргинализм феноменини келтириб чиқаради. Бу касбий ролда иштирок этмаслик, ўзини ўзи инкор этиш, касбнинг шахсий аҳамиятини йўқотиш билан тавсифланади. Касбий маргинализм феномени жамият учун хавфлидир, чунки унинг белгилари касбий фаолият сифати ва самарадорлигининг пасайишига олиб келади. Кенг миқёсдаги касбий инқирозлар эса, оммавий равишда бутун жамиятнинг етуклик даражасини пасайтиради, хусусан, унинг инқирозларини кенгайтириб ўзига хос "шафқатсиз доира"ни ташкил қилади.

Оддийгина иқтисодий бухронлар касб ҳунар вакилларининг иш фаолиятига ва пировард натижада жамият ҳаётига шу қадар таъсир қилар экан, кенг ҳудудларга чўзилиб кетган Ўрта Осиё шаҳарларининг араблар томонидан истило этилиши, маҳаллий аҳоли учун бутунлай ёт, янги мафкура, янги дин – исломнинг, янги тил – араб тилининг жорий этилиши ҳунармандларнинг касб корига, уларнинг иш жараёнига қандай таъсир ўтказди, янги мафкурани қабул қилиш қай тарзда кечди, деган саволлар ҳамма давр тарихчиларини қизиқтирган.

Аввало шуни қайд этиш керакки, араблар келишидан олдин Ўрта Осиёда бирор бир дин давлат дини даражасига кўтарилмаган бўлиб, кенг маънода диний бағрикенглик ҳукм сурарди. Шаҳарларда буддистлар зиёратгоҳлари, оташпарастлар ибодатхоналари, христианлар черкови ёнма-ён фаолият кўрсатган . Эрон ва Византия каби якка дин ҳукмрон бўлган мамлакатлардан қувғинга учраган турли мазҳаб ва дин вакиллари ҳам Ўрта Осиё шаҳарларида қўним топишган . Араб истилолари даврида шаҳарлар вайрон бўлди, ёқиб юборилди, аҳолининг катта қисми, жумладан, ҳунармандлар қирилиб кетди. Араблар маҳаллий аҳолига тиқиштирилган янги дин устидан назорат ўрнатиш мақсадида маҳаллий аҳоли хонадонларига мажбурий равишда араб жангчиларини жойлаштиришди .

VIII аср ўрталаридан бошлаб араблар истилосининг ҳалокатли оқибатлари бартараф этилгандан сўнг, Мовароуннаҳрда аста-секинлик билан ишлаб чиқарувчи кучлар орта борди.

Араблар ислом мафкураларини сингдириш учун ерли аҳолига музика асбоблари, олтин ва кумушдан ишланган идишлар, болалар учун сополдан турли ҳайвонлар шаклида ишланган ўйинчоқларни ишлаб чиқариш ва бозорларда сотиш, эркакларга ипакдан тикилган қимматбаҳо кийимлар кийишни таъқиқлаб қўйишган . Кўринадики, VIII асрдаги ижтимоий-иқтисодий воқелик ўша давр ҳунармандларининг касбий фаолиятига алоҳида талаблар қўйганди. Бу талабларнинг ўзига хослиги ҳунарманддан билим, тажриба ва оригинал ечимлар талаб қиларди. Табиийки, араблар келишидан олдин ҳам шаҳарсозлик, меъморчилик, савдо-сотиқ ва ҳунармадчилик соҳаларида бой маданий анъаналар меросхўри бўлган Ўрта Осиё ҳунарманд усталари мавжуд ҳолатдан чиқиш йўлларини қидирганлар.

Манбаларда қайд этилишича, ислом руҳонийлари томонидан қуйилган таъқиқлар қисман бажарилган бўлса, қисман четлаб ўтилган ёки янги бир ҳунар турининг жадал суратда ўсишига олиб келган. IX-X асрларга келиб, кулоллар ўз касб-корларига ижодий ёндошган ҳолда, Варахша ва Панжикент девор расмлари учун хос бўлган ўткир контраст рангларнинг қадимий комбинацияларини сирланган сопол буюмларнинг безакларига кўчиришга муваффақ бўлишган. Шунингдек, 6-7-асрлардаги металларда ёпиқ ва очиқ шаклларда безак ясашнинг машҳур схемасини ҳам сирланган сополларнинг безакларида фойдаланишган.

IX-X асрларда эпиграфик тасвирлар ўлароқ, араб тилида узун ҳикматли иборалар ва тилаклар ёзилган сирланган идишларни маънавий қадрият ва оилавий бойлик тимсоллари сифатида хонадонларда сақлаш ва ишлатиш урфга кирган бўлса, XI аср бошларига келиб, бутунлай стилизатсия қилинган ва унинг ўрнини безак элементлари эгаллаган . Бу давр бадиий ҳунармандчилигида безакли нақшлар ва улар комбинацияларининг бойлиги, ранглар ва сирларнинг жўшқин жилоси, оммавий ишлаб чиқариш характери билан уйғунлашиб, уни амалий санъатнинг соф халқ тармоғига айлантирди. Бу кулолчиликда этник жамоани ва шунга мос равишда Ўрта Осиё минтақасининг йирик тарихий-маданий ҳудудлари аҳолисининг эстетик талаблари хусусиятини акс эттириши билан характерланади ҳамда бир қанча маҳаллий мактаблар мавжудлигидан дарак беради . Бу даврда Ўрта Осиёда яшаган турли-туман халқларнинг мафкуравий ғояларининг хилма-хиллиги ҳамда

Сомонийлар томонидан диний ақидаларнинг маълум даражада либераллаштирилгани диний таъқиқларни бироз юмшашига олиб келди. Натижада мусулмонлар билан бирга, зардуштийлар, несториан христианлари, яҳудийлар, манихейлар, жамоалари тинч-тотув яшаганлар. IX – XI асрларда кулолчиликда усталар объектив воқеликни тасвирлаш каби қадимги анъаналарни давом эттирган ҳолда, ўз маҳсулотларини маҳаллий фауна тасвирлари билан безаганлар. Улар қушлар, балиқлар, қўчқор, от, туя, шер, жайрон каби зооморфик тасвирларни кенг қўллаганлар. Буларнинг барчаси амалий санъатнинг ривожланишида ғоявий-маданий муҳитни таъминлаган .

Археолог олимларнинг тадқиқотлари шуни кўрсатдики, тирик мавжудотлар қиёфасини тасвирлаш ислом динининг мавқеи билан боғлиқликда кечган. Яъни, Халифалик қудартли бўлган VIII асрларда тирик мавжудотлар санъат объекти сифатида мавжуд бўлишни тўхтатган, мавжуд яратилган асарлар аёвсиз йўқ қилинган .

Бир сўз билан айтганда, IX - XII асрлар ҳунармандчилиги ва амалий санъатида усталар кўп асрлик анъанавий тажрибаларни давр талабига мослаган ҳолда, унга ўзларининг инновацон ёндашувлари ва юксак маҳоратларини қўшиб, янги босқичга кўтара олдилар.

**Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати**


1. Бартольд, В. В. Туркестан в эпоху монголского нашествия // В.В. Бартольд. Сочинения. В 9 и томах. Т. I. – М.: Наука, 1963.
2. Беленицкий, А. М., Бентович И. Б., Большаков О. Г. Средневековый город Средней Азии. – Л.: Издательство: Наука, 1973.
3. Большаков, О. Г. Ислам и изобразительное искусство // Труды Гос. Эрмитажа. Т. X. – Л., 1969.
4. Дементий Л.И. Проблемы профессиональной идентичности и маргинальности в ситуации сознательной смены профессии (на примере получения второго высшего психологического образования).
5. Илясова С. Р., Ильясов, Дж. Я., Имамбердиев, Р. А., Исхакова, Е. А. “Нет блага в богатстве...” Глазурованная керамика Ташкентского оазиса IX – XII веков. – Москва: Фонд Марджани, 2016.
6. Мирзаахмедов, Д. К., Мирзаахмедов, С.Д. Узбекистан. // Религии Центральной Азии и Азербайджана. Т. V. Ислам. – Самарканд: МИЦАИ, 2020.
7. Наршахий Мухаммад. Тарихи Бухара (перевод, комментарии, примечания Ш. С. Камолиддина). – Ташкент, 2011.
8. Поварёнков Ю. П. Психологическая характеристика профессиональной идентичности. Кризис идентичности и проблемы становления гражданского общества // Сборник науных трудов. – Ярославль: ЯГПУ, 2003.
9. Пугаченкова, Г. А. На путях познания художественного наследия Средней Азиии. // Изобразительное и прикладное искусство. – Ташкент: Издательство Фан, 1990.
10. Ташходжаев, С. Ш. Художественная поливная керамика Самарканда IX-начало XIII вв. – Ташкент: Издательство Фан, 1967.

# ҚИЗИЛОЛМА 2 – ИЛК ПАЛЕОЛИТ ДАВРИ ЁДГОРЛИГИНИНГ ТОШ ИНДУСТРИЯСИ ВА МАДАНИЙ-ДАВРИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

***А.М.Омонов – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Миллий археология маркази илмий ходими***

**Аннотация:** Ушбу мақолада Оҳангарон водийси ҳудудидаги илк палеолит даврига мансуб Қизилолма 2 ёдгорлигининг ўрганилиши, тош индустрияси ва маданий-даврий хусусиятларига батафсил тўхталиб ўтилган. Шунингдек, мақолада мазкур ёдгорлик технокомплексининг тип-варақи тузилиб, жадвал тарзида ҳавола этилган ва шунинг асосида ёдгорликнинг маданий-даврий хослигига аниқликлар киритилган.

**Калит сўзлар:** Плейстоцен, палеолит, Қизилолма-2, Терра-Амата, Кударо, Кўлбулоқ, Селунгур, Олдувой, Ашел, Клектон, миграция, леваллуа, ретуш, чоппер, чоппинг, бифас.

Ўрта Осиёда илк палеолит даври қадимги маданиятининг вужудга келишида Оҳангарон водийсининг ўзига хос ўрни бор. Минтақадаги энг хушманзара масканлардан бири бўлган – Чотқол тоғ тизмасининг жанубий-шарқий ҳудудлари, тўртламчи даврда (плейстоцен) иқлими муътадил, табиий шароити қулай, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига бой бўлган. Шу сабабли мазкур ҳудудлар плейстоцен давриданоқ илк аждодларимиз томонидан ўзлаштирилган. Ватанимизнинг энг қадимги моддий маданият тарихи ушбу ҳудуддаги Қизилолма 2, Тошсой, Жарсой 2 ва Кўлбулоқ (қуйи қатламлари) каби илк палеолит даври ёдгорликларидан топилган материаллар билан чамбарчас боғлиқ. Мазкур ёдгорликларнинг айримлари стратиграфиялашган, (маданий қатламга эга), баъзиларида (Тошсой ва Жарсой 2) маданий қатлам йуқ фақатгина ер юзасидан йиғиб олинган тош буюмлар (артефактлар) мажмуасига эга.

Кўлбулоқ макони ва унинг атрофидаги қадимги тош даври ёдгорликлари ўтган асрнинг 60–йилларидан бошлаб тадқиқ этилган. Мазкур ёдгорликлар Ангрен дарёсининг ўнг соҳилидаги палеоген ва бўр-мел даври ётқизиқлари атрофида жойлашган. Ушбу қадимги ётқизиқлар Қизилолмасой, Жарсой, Тошсой ва Ангрен дарёлари ирмоқлари билан кесилган бўлиб, улардаги хомашё манбалари очилиб қолган. Аксарияти илк палеолит даврига мансуб бўлган ушбу ёдгорликлардан турли хомашёлардан ишланган минглаб тош буюмларнинг топилиши мазкур ҳудудларда қадимги одамлар узоқ вақт фаолият юритишганларидан далолат беради.

Қизилолма 2 ёдгорлиги – Кўлбулоқ маконидан 1 км шимоли-ғарбда, шарқдан ғарбга қараб чўзилиб кетган охакли қояларнинг пастки қисмида ва денгиз сатҳидан 1200 м баландликда жойлашган (координатлари: кенглик – 41º00'45.65"С, узунлик – 69º59'48.85" В). Ёдгорлик 1962 йилда О.М. Ростовцев томонидан аниқланган, археологик тадқиқотлар эса археолог, олим М.Р.Қосимов томонидан олиб борилган (1,2). Ёдгорликнинг ер юзасидан (маданий қатлам топилмаган) ўрта ва сўнгги палеолит даврларига оид тош буюмлар йиғиб олинган. Шу сабабли, Қизилолма 2 тошларни чақмоқлаш ҳамда тош қуроллар ясашга мўлжалланган устахона эканлиги даврий нашрларда қайд этилган (1).

Истиқлолга эришганимиздан сўнг, Оҳангарон водийси палеолит даври ёдгорликларини қайтадан, янги замонавий услубда ўрганиш ишлари йўлга қўйилди. Хусусан, 1994 – 1995 йилларда Кўлбулоқ ва унинг атрофидаги тадқиқотлар Ўзбекистон – Россия халқаро археологик экспедицияси томонидан олиб борилган (3,4,5,6,7,8). Мазкур экспедицияга ЎзР ФА академиги Ў.И. Исломов ҳамда РФА ММТИ профессори Н.К. Анисюткинлар раҳбарлик қилишган, қазишмаларда тадқиқотчилардан Б.Қ. Сайфуллаев ва Н.О. Хушвақов иштирок этган. Ушбу

тадқиқотчиларнинг меҳнатлари, саъйи-ҳаракатлари натижасида Кўлбулоқнинг сўнгги палеолит даврига оид юқори қатламлари қайтадан, замонавий тадқиқот усуллари ёрдамида ўрганилди ҳамда мазкур ҳудуддан илк палеолит даврига оид янги ёдгорлик ва топилмалар аниқланди. Хусусан, тадқиқотлар натижасида Қизилолма 2 ёдгорлигидан илк палеолит даврига оид 25 см.лик ягона маданий қатлам аниқланди. Шу пайтга қадар ўрта ва сўнгги палеолит даврига мансуб, тошга ишлов бериш устахонаси сифатида ўрганилган Қизилолма 2 ёдгорлигидан илк палеолит даврига оид маданий қатламнинг аниқланиши Ўзбекистон-Россия археологик экспедицияси тадқиқотларининг муҳим натижаларидан бири бўлди.

Маданий қатламдан жами 300 донага яқин тош буюмлар йиғиб олинган (3,7,8). Шундан нуклеуслар 31 дона, йўнилғилар 140 дона ҳамда иккиламчи ишлов берилган тош буюмлар (қуроллар) 88 донани ташкил этади. Ёдгорлик тош буюмлари асосан сифати пастроқ чақмоқтошдан (92%), қолганлари эса яшма, халцедон ва қайроқтош каби хомашёлардан ишланган.

Тўпламнинг ўзаклари – гардишсимон, параллел чақмоқлаш усулидаги, кўп зарб майдончали ва атипик типдаги нуклеуслардан иборат (2-жадвал). Тош индустрияда леваллуа типидаги ўзаклар учрамайди.

Бирламчи ишлов бериш натижасида олинган йўнилғилар жами 140 дона бўлиб, учириндилар 138 дона, пластиналар эса бор йўғи 2 тани ташкил этади (3-жадвал). Жадвалдан кўриниб турибдики, тош индустриянинг 65% йўнилғилардан иборат. Йўнилғилар орасида кичик ҳажмдаги учириндилар фоиз жиҳатдан устун. Йирик ва ўрта ҳажмдаги учириндиларнинг сон жиҳатдан камлигини – хомашё манбалари билан боғлаймиз. Чунки палеолит даврида тош синдириш (чақмоқлаш) технологиясининг такомиллашиши, тараққий этиши – хомашё турига боғлиқ бўлган. Сифатли хомашёдан (кремний, обсидиан, халцедон ва б.) учиринди ва пластиналар чақмоқлаб олиш ибтидоий устадан катта маҳорат талаб этмаган. Бироқ сифати пастроқ бўлган хомашёдан (чақмоқлашган оҳактош, қайроқтош, қумтош, кварцит, кварц ва б.) йўнилғилар синдириб олиш ва унга иккиламчи ишлов бериб бирор типдаги қуролни ясаш ғоят мураккаб бўлган. Шу сабабли ҳам Қизилолма 2 йўнилғиларининг аксарияти кичик ҳажмдаги учириндилардан таркиб топган.

Қизилолма 2 ёдгорлигининг тош қуроллари хусусида тўхталадиган бўлсак, тош индустрияда илк палеолит даврига хос; бифаслар, унифаслар, чоппер ва чоппинглар, йирик қирғичлар ва комбинациялашган қуроллар мавжуд (1-жадвал). Тўпламнинг тош қуроллари турли ҳажмдаги учириндилардан ишланган. Иккиламчи ишланган тош буюмлар орасида илк палеолит даврининг турли маданиятларига хос (олдувой, ашел ва б.) бўлган 16 дона энг сара тош қуроллар мавжуд. Булар ўзаксимон (нуклеус) шаклдаги қуроллар, яъни бифаслар (тош пичоқлар), унифаслар, чоппер ва чоппинглар хамда йирик қирғичлар ҳисобланади (1-жадвал). Қуйида ушбу тош қуроллар тавсифига батафсил тўхталиб ўтамиз: иш қирраси тўғри бўлган 1 дона чоппер - вулқоник жинсдан қора-кулрамтир (эффузифдан) ишланган. Қолган тош қуроллар эса турли рангдаги, сифати пастроқ бўлган чақмоқтошлардан ишланган. Тўпламда кулрангли чақмоқтошдан ишланган бир дона чоппер мавжуд бўлиб, морфологик жиҳатдан тиғга ўхшаш (3). Чопперларнинг барчасини йирик тош қуроллар сифатида хисоблаймиз, чунки ҳажми йирик ва узун яъни, 73 мм дан (яъни, 7 см) - 103 мм (10 см) мм гача келади. Ушбу қуролларнинг ҳажми катта бўлса-да, ён томонларининг иш қиррасига юмшоқ жисм (эҳтимол органик ушатғич: суяк ва ёғоч) билан ишлов берилган (3). Тўпламда икки томонига ишлов берилган чоппинг ва чопперлар 7 дона (1-жадвал). Уларнинг орасида 2 дона чоппинг ва 5 дона чопперлар мавжуд. Чоппинглар ҳам йирик ҳажмда (10 см) бўлиб, ҳар бирининг икки томонига ишлов берилган (ретушланган) ва иш қирраси хосил қилинган. Аҳамиятлиси ушбу

чоппингларда ретуш излари сақланган. Беш дона чоппернинг ҳам икки томонига ишлов берилган, бироқ чоппинг сингари ёрқин эмас (3). Тўпламда бифассимон қуроллар 3 дона бўлиб, уларнинг орасида катта учириндидан тайёрланган бир дона баргсимон шаклдаги бифас мавжуд (3-жадвал). Қуролга яхши ишлов берилган, туткич қисмигача икки томонлама иш қирралари мавжуд. Қолган 2 дона бифас урта хажмдаги қурол хисобланиб, иш қиррасидан кичик йунилғи излари сақланган (3,8).

Архаик қуроллардан яна бири бу катта тош учириндидан ишланган-тиғ хисобланиб, унинг ён томонларига қўпол равишда бир қатор ишлов берилган. Ушбу тиғ ашел маданиятига хос бўлган “пик” қуроли сифатида қаралмоқда (3-жадвал). Ёдгорликни тадқиқ этган мутахассисларнинг фикрича, ушбу қуролга ўхшаш аналогиялар ашел маданиятига хос бўлган ёдгорлик Жанубий Францияда жойлашган Терра-Амата ёдгорлигидан ҳам топилган (3,4,6). Шу ўринда бир жиҳатни хисобга олишимиз керак, Ватанимиз худудидидаги илк палеолит даврига оид ёдгорликлардан топилган “пик”лар (чўқмор) катта тош учириндилардан ишланган бўлса, Франциядан топилган мазкур қурол қайроқтошдан ишланган, лекин уларнинг шакли (морфологияси) ва иккиламчи ишлов бериш усуллари бир-бирига жуда ўхшаш.

Ёдгорлик тош индустриясининг тип-варақидан кўриниб турибдики, тош қуроллар орасида қирғичлар талайгина (29 дона). Уларнинг ярми бир томонида иш қирраси мавжуд булган оддий қирғичлардир. Иш қиррасининг хусусиятларига кўра қирғичлар тўғри иш қиррали (3 дона), қаварик (7 дона) ва бўртиб чиққан (7 дона) қирғичларга бўлинади. Ушбу қирғичларнинг аналогиялари бошқа минтақадаги илк палеолит даврига оид ёдгорликлардан ҳам топилган. Масалан, Селунгур технокомплексида, Кўлбулоқнинг қуйи қатламларида ҳамда етук олим Н.К.Анисюткин тадқиқ этган Европадаги бир қатор манзилгоҳларда кўплаб учрайди, морфологик жиҳатдан ушбу қирғичлар Клектон-он-Си ҳамда Кавказорти ҳудудидаги Кударо 1 ғорининг 5-маданий қатламидан ҳам аниқланган (3). Қизилолма 2 ёдгорлигининг қадимийлигини аниқлашда Кўлбулоқнинг 31-26 қатлами материалларига таққослаш асосида амалга оширилган (3,5,7,8). Қизилолма 2 илк палеолит даври коплексининг мутлоқ санаси (даври) масаласида аниқ бир тўхтамга келинмаган. Бироқ шунга ўхшаш индустриялар профессор Н.К. Анисюткиннинг фикрича, Евроосиё қитъасининг барча минтақаларида бундан 250 минг йил аввал мавжуд бўлган.

Юқоридаги маълумотлардан келиб чиқсак, Қизилолма 2 ёдгорлиги материалларининг морфологик ва типологик тадқиқот таҳлили асосида илк палеолит даврининг иккинчи ярмига оид бўлган технокомплекслардан бири сифатида қайд этсак, мақсадга мувофиқ бўлади. Бироқ бундай даврлаштиримиз ҳам ҳозирча нисбий ҳисобланади. Энг аҳамиятлиси, Қизилолма 2 тош индустриясида илк палеолит даврининг бир неча маданиятларига хос тош буюмлар мужассамлашган. Ушбу хулосага келишимизга сабаб, ёдгорлик материаллари орасида ашел маданиятига хос бўлган бифаслар ва маҳаллий олдувой (қайроқтошли) маданиятининг асосий тош индустрияси бўлган чоппер ва чоппингларнинг учрашидир. Қизилолма 2 ёдгорлигининг илк палеолит даврига оид маданий қатламидан топилган тош қуроллар таҳлили бу жойда ашел ва қайроқтошли маданиятга оид тошга ишлов бериш анъаналарнинг аралашганлигини кўрсатади. Шунинг учун ҳам айтиш мумкинки, Оҳангарон водийсига биринчи тўлқин ашел маданияти жамоалари ташриф буюришган ва маҳаллий олдувой анъанали комплекслари билан синтезлашган.

**1-жадвал.** Қизилолма 2 ёдгорлиги тош қуролларининг тип-варақи.

| Тип | Жами | Кремний | Яшма | Халцедон | Эффузиф | Галька |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **Бифас** | **3** | | | | | |
| Баргсимон бифас | 1 | 1 | | | | |
| Типик бифас | 2 | 2 | | | | |
| **Бифас-лиманд** | **1** | | **1** | | | |
| **Чоппер ва чоппинглар** | **9** | | | | | |
| Иш қирраси тўғри йўналган чоппер | 1 | 1 | | | | |
| Тиғсимон чоппер | 1 | 1 | | | | |
| Типик чоппинглар | 2 | 2 | | | | |
| Типик чопперлар | 5 | 3 | | | 1 | 1 |
| **Нуклеуссимон (ўзаксимон) қурол** | **1** | | **1** | | | |
| **Йирик ҳажмдаги тиғ (пик)** | **1** | **1** | | | | |
| **Қирғичлар** | **29** | **25** | **2** | **1** | | **1** |
| **Уйиб-кертиб ишланган қуроллар** | **7** | | | | | |
| Клектон техникасига оид | 7 | 5 | 1 | 1 | | |
| **Тишсимон қуроллар** | **19** | | | | | |
| Ретушланган учириндилар | 19 | 14 | 3 | | 1 | 1 |
| **Комбинациялашган қуроллар** | **8** | | | | | |
| Қавариқ шаклдаги қирғич-тиғ | 4 | 4 | | | | |
| Қуш тумшуғисимон қуроллар | 2 | 1 | 1 | | | |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Қуш тумшуғисимон тиғ +атипик қирғичча | 2 | 2 | | | | |
| **Тейяк типидаги тиғлар** | **5** | **5** | | | | |
| **Қалин қирғич** | **1** | **1** | | | | |
| **Типик қирғиччалар** | **2** | **2** | | | | |
| **Атипик кесгич** | **1** | **1** | | | | |
| **Тешгич** | **1** | **1** | | | | |
| **Жами** | **88** | **72** | **9** | **2** | **2** | **3** |

**2-Жадвал.** Қизилолма 2 ўзаклари (нуклеус), жами 31 дона.

| **Тип** | **Жами** |
|---|---|
| **Марказга интилувчи (гардишсимон) ўзаклар** | **8** |
| **Леваллуа чақмоқлаш типидаги** | **0** |
| **Параллел чақмоқлаш усулидаги ўзаклар** | **6** |
| Бир зарб майдончали ўзаклар | 5 |
| Икки зарб майдончали ўзаклар | 1 |
| **Кўп зарб майдончали ўзаклар** | **7** |
| **Атипик** | **10** |
| **Ўзак бўлаклари** | **0** |
| **Жами** | **31** |

**3-Жадвал.** Қизилолма 2 йўнилғилари, жами 140 дона.

| **Йўнилғи типлари** | **Жами** |
|---|---|
| **Пластиналар** | **2** |
| **Учириндилар** | **138** |
| Йирик ҳажмдаги учириндилар | 7 |
| Ўрта ҳажмдаги учириндилар | 29 |

| | |
|---|---|
| Кичик ҳажмдаги учириндилар | 102 |
| **Жами** | **140** |

Мақолани ёзишда, ёдгорликни ўрганган тадқиқотчиларнинг дала ҳисоботлари ва илмий мақолаларидан фойдаланилган. Шу сабабли, мақола муаллифи Ватанимизда тош даври археологиясининг ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаётган археолог олимлар Сайфуллаев Бахтиёр Қурбонович ва Хушвақов Наби Олимовичга ўз миннатдорчилигини билдиради.

**Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати:**


1. Касымов М.Р. Памятники каменного века в долине Ангрена // ОНУ, – №2. Ташкент, 1967. – С. 57-58.
2. Касымов М.Р. Культуры и варианты палеолита Узбекистана // Каменный век Средней Азии и Казахстана. – Ташкент, 1972. – С. 16.
3. Анисюткин Н.К., Исламов У.И., Крахмаль К.А., Сайфуллаев Б.К., Хушваков Н.О. Новые исследования палеолита в Ахангаране (Узбекистан). – Санкт-Петергбург, 1995. – С. 40.
4. Анисюткин Н.К., Исламов У.И., Крахмаль К.А., Сайфуллаев Б.К., Хушваков Н.О. Предварительные исследования долины реки Ахангаран за 1994 г.». – Санкт-Петербург, 1995. – С. 16-18.
5. Анисюткин Н.К., Исламов У.И., Крахмаль К.А., Сайфуллаев Б., Хушваков Н.О. Раскопки стоянки Кульбулак в 1995 г. Новые археологические открытия и изучение культурной трансформации. – СПб, 1996. – С. 63-65.
6. Исламов У.И., Анисюткин Н.К., Крахмаль К.А. Древнепалеолитический памятник Кызылалма // ОНУ. Ташкент, 1994. – № 9-10. – С. 53-54.
7. Исламов У.И., Анисюткин Н.К., Крахмаль К.А., Сайфуллаев Б.К., Хушваков Н.О. Отчет о проделанной работе кульбулакским отрядом в 1994 г. «Палеоэкология и пути первоначального заселения и обживания северо-востока Узбекистана». – Самарканд, 1995. – С. 16.
8. Исламов У.И., Анисюткин Н.К., Крахмаль К.А., Сайфуллаев Б.Қ., Хушваков Н.О. «Оҳангарон палеолитчилар гуруҳи 1995 йилги ёзги ва кузги мавсумларда олиб борилган дала-тадқиқот ишларининг ҳисоботи». Самарқанд, 1996 йил. – Б.21.


## ИЛК ЎРТА АСРЛАРДА УСТРУШОНАДА ҚИШЛОҚ ТУРАР ЖОЙЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ОМИЛЛАРИ ХУСУСИДА


***Ж.И.Ғофуров – (PhD) доцент, ЖДПИ***

***Одилжонова Паризод Шухрат қизи – ЖДПИ магистранти***


Милодий эранинг II – III асрларидан бошлаб Сирдарё бўйи кўчманчи чорвадор халқларининг жанубга, Кушон салтанатининг шимолий сарҳадларига силжиши мамлакат барқарорлиги учун хавф сола бошлаган. Шунингдек, ёзма ва археология манбалари таҳлилига кўра, янги эранинг III–IV асрларда, “Буюк чўл” халқларининг оммавий кўчиши бошланган ва натижада, Ўрта Осиёнинг катта ҳудудий бирликларига янги аҳоли туркумларининг кириб келиши содир бўлади. Хитой манбаси Цзинь сулолавий йилномасининг (265 – 419 йил) хабарига кўра, бу даврда Қанғ ўз марказий қароргоҳини Сирдарё соҳилидан, жанубга Суғдга кўчирган[1. с.19]. “Буюк кўчиш”, Қанғ қароргоҳини жанубга ўзгартирилиши каби

воқеалар вақти тарих саҳнасида хиёнийлар (кейинчалик кидарийлар ва эфталийлар) пайдо бўлган вақт, яъни IV аср ўрталарида Ўрта Осиёга шимолий – шарқдан, Еттисув ва Шарқий Туркистон ҳудудларидан туркий қабилаларга мансуб халқларнинг кириб келиши билан деярли бир даврда содир бўлган. Мазкур тарихий воқеалар таъсирида Ўрта Сирдарё бўйи халқлари турмуш тарзи, хўжалиги ва маданиятининг қўшни регионларга таъсир доираси янада кучайган. Демак, Ўрта Осиёга кириб келган янги элат ва қабилаларнинг этник таркиби Қанғ давлатининг Сирдарё бўйи аҳолиси билан жуда яқин бўлиб, улар орасида ўзаро қон – қариндошлик, уруғдошлик алоқалари азалдан мавжуд бўлган. Эҳтимол, шундай муносабатлар сабабли, Қанғни давлат сифатида барҳам топишининг дастлабки даврида (хиёнийлар даврида) ўша давр жамиятининг ижтимоий, иқтисодий маданий ҳаётида ва давлат бошқарув тизимида кескин ўзгаришлар содир бўлмаган.

Кушон подшоҳлиги эса бу пайтда бир томондан Сосонийлар Эронининг тажовузи, иккинчи томондан кўчманчи чорвадорлар, хусусан хиёнийларнинг ҳужуми остида қолади ва оқибатда IV асрда қудратли салтанат тор – мор этилиб, унинг фаолияти барҳам топади.

Ушбу даврлардан бошлаб Ўрта Осиёнинг кўп асрлардан буён ўтроқ деҳқончилик маданияти устувор бўлган тарихий, маданий воҳалари янги келган аҳоли, кўчманчи чорвадорларнинг ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий, ҳам моддий – маданий таъсир доирасига тушиб қолади. Дархақиқат, тарихда илк ўрта асрлар Ўрта Осиё халқларининг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий – маърифий, этно-маданий ҳаётида кескин ва муҳим ўзгаришлар содир бўлган давр сифатида қайд этилади. А.Муҳаммаджоновнинг ёзишича, “бу даврларда шаҳарларда аҳолининг гавжумлашуви, ҳунармандчиликнинг ривож топиши, ички ва ташқи савдонинг кенгайиши билан, шубҳасиз, қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган эҳтиёж ҳам ортиб, шаҳарлар теварак – атрофидаги зироаткор мавзеларнинг ҳудудлари тобора кенгайиб боради. Натижада, мамлакатнинг иқтисодий ҳаётида мустаҳкам хом – ашё манбаи сифатида қишлоқларнинг нуфузи кўтарилиб, бир томондан, ерга, хусусан, зироаткор майдонларга бўлган муносабат, айниқса, уларга эгалик қилиш удумлари аста – секин ўзгара бошлайди” [2,8-9].

Ўрта Осиёда V –VIII асрларда асосан миграция натижасида, аҳолининг кескин ўсиши, шаҳарлар аҳолисининг гавжумлашуви ва ҳудудининг кенгайиши билан бир қаторда, янги – янги қишлоқ маконларининг бунёд этилишига ҳам сабаб бўлади. Бу жараёнлар кейинги давр ёзма манбаларида ҳам ўз ифодасини топган. Хусусан, ўрта аср тарихчи – географи ал–Истахрийнинг хабар беришича, бу даврда Бухоро воҳасини оқар сув билан таъминлаган 12 шоҳ ариқдан учтасининг ҳавзасида тўрт минг қишлоқ макони бунёд этилган. Ан – Наршоҳий маълумотига кўра эса, Бухоро шахри атрофида савдогарлар томонидан қурилган 700 та қалъа ва работлар мавжуд бўлган. Ал-Муқаддасийнинг ёзишича, Хоразмнинг унча катта бўлмаган шаҳарларидан бири Миздаҳқон атрофида 12 минг қишлоқ макони фаолият кўрсатган бўлса,[3, 150] бутун Чағониёнда 16 минг қалъа бунёд этилган[4, 180]. Ва ниҳоят, бу борада Яқубий Уструшона мамлакатидаги мавжуд 400 та қалъа – работ ҳақида маълумот беради[5, 225].

Албатта, юқорида қайд этилган рақамлар муаллифлар томонидан бир мунча муболаға билан келтирилган. Лекин археологик қидирув тадқиқотлари Миздаҳқон, Бухоро атрофида хақиқатдан ҳам кўп сонли қишлоқ маконларининг мавжудлигини, Уструшона эса ўрта асрлар муаллифлари таъкидлаганидек, “қалъа – работлар мамлакати” эканлигини кўрсатмоқда[6, 25].

Ёзма манбаларда қишлоқ маконларининг топографияси, яъни уларнинг қурилиш лойиҳаси, меъморий ечимлари, ўлчамлари, улардаги иморатлар (хоналар)

сони ва бошқа хусусиятлари ҳақида ҳеч қандай маълумотлар йўқ. Шу сабабли, ушбу масалаларга ойдинлик киритишда археологик қазув тадқиқотларининг ўрни алоҳида аҳамият касб этади Бу борада, Ўрта Осиё минтақасининг Хоразм воҳасида илк ўрта аср шаҳарлари ва қишлоқ маконлари ўрганилиши нисбатан муваффақиятли амалга оширилган.

Кейинчалик, ушбу илмий масалалар бўйича тадқиқотларни давом эттирган Н.Негматов, Ў.Пўлатов, А.Бердимуродов, М.Пардаев, Ж.Ғофуров каби соҳа мутахассисларининг эътирофига кўра, Уструшонанинг шарқий қисмида, Шаҳристон ботиғида ва шимолий-ғарбий Уструшонага тегишли Жиззах воҳасида ўрганилган бир қатор қалъа, қўрғонлар ўз меъморий-қурилиш лойиҳаси ва усулларига кўра беш тоифага бўлинади:

1-тоифани, хусусий шарт-шароитлардан келиб чиққан ҳолда, мураккаб қурилиш режаси асосида барпо этилган қалъалар ташкил қилиб, улар муҳташам заллар, ётоқхоналар, махсус ибодат уйлари, хўжалик хоналари (омбор) ва коридорлардан иборат. Бундай қалъалар одатда қудратли мудофаа деворлари билан ўраб олинган, марказий иморатлар деворий суратлар билан безатилган, қурилишда ўймакор нақшли ёғочлардан кенг фойдаланилган (Чилҳужра). Ушбу тоифадаги қишлоқ маконларида йирик ер эгаси заминдор ва қишлоқ саркорлари хонадони истиқомат қилган;

2-тоифага унча мураккаб бўлмаган қурилиш режаси, хусусан «тароқсимон – коридорлар тизими» асосида, ортиқча ҳашам ва безакларсиз бунёд этилган, тоғ унгури тепасида, микрорельефни барча хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бунёд этилган қалъалар киради (Тирмизактепа, Тоштемиртепа, Алмантепа I). Фикримизча, бундай илк ўрта аср қишлоқ маконлари катта ер эгаларига қарашли ҳарбий “дружина”лар аъзолари бўлмиш чокарларнинг диз-қалъалари сифатида фаолият кўрсатган;

3-тоифага мудофаа деворлари билан ўралган кенг ҳовли, унинг ўртасида бунёд этилган икки қаватли марказий иморатдан иборат бўлган қалъалар киради. Икки қаватли марказий бинонинг пастки қавати турар-жойлардан иборат. Аксарият ҳолларда мазкур қишлоқ маконларининг қурилиш режаси марказдан ўтувчи ва меъморий комплексни иккига бўлувчи ўқ коридор ва унинг ёнига туташ хоналар усулида амалга оширилган (Ўртақўрғон, Пардақултепа);

4-тоифага мудофаа деворлари билан ўралган, қурама қурилиш режаси (айлана коридор, ўқ коридор, тароқсимон коридор)дан кенг фойдаланилган ҳолда қишлоқ хўжалиги экинлари далаларида бунёд этилган, очиқ айвон қурилиш усулидан кенг фойдаланилган, маълум маънода мавсумий характерга эга қишлоқ маконлари киради (Алмантепа II). Унда қишлоқ хўжалиги ишлари билан мунтазам шуғулланувчи кадиварлар, мавсумий чорикорлар ва мардикорлар истиқомат қилган;

5-тоифага умумий майдони 0,5га атрофида ташқи куриниш жиҳатдан икки поғона (ярус)ли, марказий иморатлари ёдгорликнинг ўртасида жойлашган, аксарият ҳолларда текис ерда, муайян шаҳар яқинида, унинг мудофаа тизимлари таркибида бунёд этилган қишлоқ маконлари киради. Бу қишлоқ маконларининг ҳам қурилиш режаси қурама меъморий усуллардан иборат бўлсада асосий мақсад муқим яшаш учун турар-жойларни кўпайтиришдан иборат бўлган. Иморатлар бир қаватли бўлиб уларда яшаш хоналарининг сони устувордир. Бундай қишлоқ маконлари йирик заминдорга тегишли бўлсада, у асосан яқин атрофдаги шаҳарда истиқомат қилган (Комилбоботепа, Ёқуббоботепа) [7, 83-84].

Шундай қилиб хулоса қилиш мумкинки, Уструшонада, хусусан унинг марказий, шимолий ва шимолий – ғарбий вилоятларида қишлоқ қурилиши асосан илк ўрта асрларда кучайган. Бунга, мудофаа мақсадлари, аҳолининг сунъий

равишдаги демографик ўсиши, қишлоқ хўжалигининг тараққиёти каби ижтимоий – иқтисодий ҳодисалар сабаб бўлган. Уструшонада ҳам қўшни маданий воҳалардаги сингари илк ўрта асрларда ҳудуднинг тоғ олди, текислик ва чўл-дашт билан чегарадош ҳудудлари, оқар сув ҳавзаларининг барча мавзелари ўзлаштирилган. Бунёд этилган иншоотлар бир–биридан ўз функционал хусусиятларига кўра, ҳажм, шакл, қурилиш лойиҳаси ва меъморий хусусиятлар бўйича фарқ қилган.

**Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати**


1. Массон В.М. Кочевнические компоненты кушанского археологического комплекса // Проблемы античной культуры. – Москва, 1986, – С.19.
2. Муҳаммаджонов А.Р. Ўзбекистон тарихи (IV асрдан XVI аср бошларигача). – Тошкент, 2004, – Б.8-9.
3. Толстов С.П. По следам древнехорезмской цивилизации. – Москва, 1948. – С.150.
4. Беленицкий А.М., Бентович И.Б., Большаков О.Г. Средневековый город Средней Азии. – Ленинград, 1973. – С.180.
5. Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Соч. I. – Москва, 1963. – С.225.
6. Якубов.Ю. Раннесредневековые сельские поселения горного Согда. – Душанбе, 1988. – С.25.
7. Пардаев М.Ҳ., Ғофуров Ж.И. Уструшонанинг илк ўрта аср қишлоқ маконлари (ёзма ва археология манбалари асосида). – Т.; 2016. – С.83-84


## ИЛК ЎРТА АСРЛАРДА СУҒД ШАҲАРЛАРИ ШАҲАРСОЗЛИГИ

***С.Б.Сулайманова – Қарши давлат университети ўқитувчиси***

Ғарбий Турк хоқонлиги даврида Суғд воҳасининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида илк ўрта асрларга хос анъаналар устуворлик қилган бўлиб, бу ҳолат турли тиллардаги ёзма манба ва археологик материалларда ўз ифодасини топган. Бу даврга келиб жамиятда йирик мулк эгаларининг ўз ҳудудида нисбатан мустақил сиёсат юритиши натижасида бир қатор рустоқ (туман) ва қишлоқларни қамраб олувчи алоҳида-алоҳида сиёсий-маъмурий бирликлар вужудга келгани кўзга ташланади [1]. Илк ўрта асрларга келиб воҳада ўнлаб майда ҳукмдорликларнинг ташкил топиши ҳам ана шу йирик ер эгаларининг муайян бир ҳукмдор ёки ҳоким атрофида уюшиб, ҳамжиҳатликда сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий соҳаларда устуворлик қилишларининг натижасида эди. Бу ҳолат бир томондан ўрта асрларда Европада ҳукмронлик қилган тузум – феодализмга ўхшаб кетарди. Бу тузумда ҳар бир феодал ўзи мансуб бўлган жамиятда ҳукмрон табақа вакилига айланиб, мамлакат бошқарувида фаол иштирок этар ва давлат бошқарувчиси – ҳукмдор улар билан муайян даражада ҳисоблашган ҳолда ҳокимият юритар эди.

Деҳқонлар (қишлоқ ҳокими)нинг яна бир бошқа фойда келтирадиган манбайи шаҳарлардаги ер эгалиги эди, баъзида бутун бир даҳа (квартал), тигирмонлар, асосий фойда келтирувчи жойлардан бири устахоналар ҳам бўлган. Ер мулкларни икки хил йўл билан ишлатишган – бевосита ўзи ишлаши ва ижарага бериш. Суғдда илк ўрта асрларда ижарага бериладиган мулкни араб манбаларда мустағаллат деб аташган. Истахрий Эрондаги асосий мустағаллатларни келтириб ўтади, уларга бозорлар, тегирмонлар, ва устахоналар (пушти ранг сув тайёрлаган) кирган [2]. Наршахий бу терминни Ўрта Осиё илк ўрта аср деҳқонларнинг мулкига нисбатан ишлатган, фақат

зиа дан ташқари. Бу мулклар меросий ҳисобланиб, уни бўлиш, совға қилиш ҳатто сотиш юборишга ҳам рухсат берилган.

Нишапурий айтишича (Наршахий маълумотларидан) бош (биринчи) бухорхудод ер мулкларнинг катта қисмига эга бўлиб, воҳанинг кўпчилик ахолиси унга қарам бўлган кадивар ва хизматгорларни ташкил қилган [3].

Манбаларда келтирилган маълумотларга кура Суғдда ерга эгалик қилувчи қатлам шаҳарларда (шахр) ва қишлоқлардада (рустоқ) яшовчиларга бўлинган. Шаҳарликлар шаҳар атрофидаги ерлардан (зиа') ташқари, шаҳар ичида (шаҳристонда) саройлари (ках) ёки уйлари (ха) бўлган. Наршахийнинг ёзишича Хин исмли Бухоро деҳқонинг саройи бутун бир дахани эгалаган. Шаҳар дахалари ва кучаларининг (кўй) ҳар бирининг ўзи номи бўлган. Ким қайси кучада яшаши маълум бўлиб, шаҳарларда манзил (адрес)га ухшаган нарса бўлган. Қутайба билан имзоланган тинчлик шартномасига асосан, Бухорода яшайдиган мулк (ер) эгалари ўйларининг ярмини ва шаҳар ташқарисидаги ерларни (мулк) бериши, савдогарлар эса ўйлари билан товарларини бериши ёзилган [4].

Наршахийнинг "Бухоро тарихи" асарида келтирилган яъна бир даъво арзларига келтиришича Хин исмли деҳқон бўлиб, ислом динини қабул қилганда исмини Аҳмадга ўзгартирди. Шаҳардаги Кох номли кўча унга тегишли бўлган, унда сарой (ках) жойлашган бўлиб, Бухородаги амирлар доим шу саройда яшашган. Деҳқон Хин вафотидан кейин сарой бошқа хужайинни қўлига ўтади. Хижрий 150 (767) йилда Кадрайи Хина исмли меросҳурлари ўша вақтдаги халиф Абу Жаъфар Давонакий I олдига, у қасрни ўзлариники деб даъво (арз) билан мурожат қилиб кабулани (хужжат) тақдим этишди. Бу кабулада даханинг чегаралари келтирилган: бир тарафи — шаҳристоннинг деворлари, Жўбайи бакколонга ёпишган девор, иккинчи тарафи — шаҳристон деворлари, "Писта шиканон" — "Писта чакувчилар" бозорига пайваст девори, учинчи тарафи — Нуи дарвозасидан чиққанда шаҳристоннинг марказига олиб борувчи тўғри йўл эди. Дари Аттаран дарвозасидан Дари Нур дарвозасигача бўлган ҳудудда бирта маҳала жойлашган бўлиб, у шаҳристонни тўртдан бир қисмини ташкил қилган. Ундан ташқари Бухоро шаҳрининг бозорида 1000 та дукон ва 75 та қишлоқ қайд этилган, булар шахсий мулк (хасс) ҳисобланиб Бухоро канали бўйида ва юқори Фаразда жойлашган, бу маълумотлар ислом дини тарқалиши даврида келтирилган. Бу маълумотлар халифга даъво мурожати вақтида кабулада (хужжатда) келтирилган. Гувохлар гувохлик беогандан сўнг, халиф судда акт (сиджилл) тузишни бўюрди. Бу хужжат билан Бухорога келиб ҳамма мулкларни қайтариб олишди [5].

Араблар босқинига қадар (VII-VIII асрлар) Ўрта Осиё шаҳарларни ташкил қилувчи қисмлари а) цитадель-қалъа, б) шаҳристон-шаҳар маркази ҳисобланган. Аста секинлик билан шаҳарларнинг цитадель қалъа қисмидан шаҳритонга маъмурий бошқарув ва маданий бинолар кучиб ўтган, шаҳристон баланд девор билан уралган, девор ёнида эса бозорлар жойлашган [6]. Илк ўрта асрлар шаҳарларига Наршахий Бухорога таъриф берар экан бозор расталари ва ҳунармандлар устахоналарини шаҳристон деворининг ёнида, кейинчалик работлар пайдо бўлган ҳудудда бўлганлигини келтирган [7].

Илк ўрта асрлар шаҳарлар ҳаётида кўчалар муҳим ўрин тутган. Кўчалар тармоғи алҳоли пунктларининг умумий топографиясини белгилаган. Панжикент шаҳар қолдиқларида археологик қазишма ишлари олиб борганда кўчаларнинг жойлашквига катта этибор берилгани аниқ бўлди. Панжикент кўчаларининг жойлашуви мураккаблиги ва бир қанча функцияларни бажарганлигини кўришимиз мумкин. Кўчалар бўйлаб ҳунармадчилик устахоналари ва савдо дўконлари жойлашган [8].

Қадимий Панжикент шаҳри V асрнинг 70 йилларидан то VIII биринчи ярмигача Маймурғ Панчнинг марказий шаҳри вазифасини бажарган. V асрда шаҳар қўрғон девори билан ўралган бўлиб, унда иккита ибодатхона, цитадель қалъа шаҳристон ҳудудидан ташқари алоҳида шаҳар марказида қурилган. VI асрнинг бошларига келиб Панжикент шаҳри ташқи девор билан ўралган бўлиб, ҳудуд катта майдонни қамраб олади. Девор шимолдан жанубга қараб чўзилган. Ташқаридан унга хандак туташган. VII асрнинг охири VIII асрнинг бошларига келиб ички девор ўз таъсирини йўқотади ва баъзи жойларида вайрон қилиб олиб ташланган [9]. VII асрнинг биринчи чорагигача ички ва ташқи деворлар орасидаги бўшлиққа иншоатлар унча қўрилмай, хандак учун жой бўлиб ички деворга ўланиб кетган. Хандак ўрнига уйлар, савдо ва ишлаб чиқариш иншоатларнининг қўрилиши Деваштич бошқарув йилларига тўғри келади. Тахмин қилинишча бу шаҳар ҳудудидаги қўрилиш иншоатларини пайдо бўлиши, арабларнинг Кутайба бошчилигида Самарқанд шаҳристондаги аҳоли ўйларини тортиб олгандан сўнг, Самарқанддан келган аҳолига сотилган ёки ижарага берилганлиги натижасида вужудга келган. Айнан шу вақтга келиб Панжикент шаҳристони қўрилиши якунлаб, шаҳар топографияси ва кўчалар занжири функцияси вужудга келади.

Панжикент шаҳрида ҳар ҳил ўзунлик ва кенгликдаги еттита катта кўча ва ўн иккита кўча йўллакларидан иборат бўлиб, бўлардан ташқари яна бир кўча ва иккита кўча йўллаклари борлиги таҳмин қилинияпти. Кўчалар ва кўча йўлаклари бир биридан жойлашуви ва бажарадиган функциалари билан фарқланган. Кўчалар асосий алоқа тизими ва шаҳар иқтисодий ҳаётининг маркази бўлиб хизмат қилган, чунки кўчалар бўйлаб ҳунармандчилик устахоналари ва савдо расталари жойлашган эди. Кўчалар қўрилишида пиёдалар йўлаклари ва катта ўтиш йўллари чегалари аниқ белгалаб қўйилган. Пиёдалар йўлаги қўрилишида тошлардан кенг фойдаланишган.

Хитой рохиби Сюан Цзан айнан 630- йиллар Суғд воҳасида бўлиб Самарқанд шаҳрига тариф берар экан, қўйидаги маълумотлпрни келтирган. “Турли ўлкалардаги қийматли буюмлар бу ўлкада йиғилади... Ҳунармандчилиги бошқа ўлкаларникидан устун ... бутун Ху ҳукмдорликларининг маркази бўлиб, узоқ ва яқиндаги ўлкаларда яшовчи халқлар уларнинг яшаш тарзи ва феъл-атворидан намуна оладилар” тарзидаги маълумотлар учраши эса Самарқанд ўша даврда тижорат маркази бўлгани, атроф ўлкаларнинг қимматбаҳо моллари бу ерда йиғилганини кўрсатади. Роҳиб эсдаликларида бундай маълумотнинг ўрин олиши бежиз бўлмаган. Бу ерда “турли ўлкаларнинг қимматбаҳо буюмлари” деб эслатилар экан Самарқанднинг ўша даврларда ҳам нафақат қўшни ўлкалардан, балки Эрон, Ҳиндистон, Бадахшон ва ҳоказо ўлкаларнинг ўз даврида машҳур маҳаллий маҳсулотлари: гилам, қимматбаҳо минераллар (лаъл, ёқут, маржон, марварид ва б.) кўзда тутилган кўринади.

Хулоса қиладеган бўлсак илк ўрта асрларда Суғд воҳасида ҳунармандчилик яхши ривожланиши билан бирган, суғдлар ўзининг тижорат ишларига моҳирлиги билан юксак хурмат эътиборга сазовор бўлган. Шунинг учун илк ўрта аср Суғд шаҳарсозлигига катта эътибор берилган, шаҳарлар асосан икки қисмдан қалъа ва шахристондан иборат бўлган. Марказда жойлашган қалъада ҳукумдор истиқомат қилган, шаҳристонда савдогарларни уйлари ва ҳунармандларни устахонари жойлашган. Суғд шаҳарларида кучалар шаҳар ривожланишига катта хисса қўшган, чунки кучалар бўйлар савдо расталари ва ҳунармандчилик устахонари жойлашиб. Илк ўрта асрларда кучалар шаҳар савдо марказлари ҳисобланган бўлиб, уларнинг қўрилишига алоҳида эътибор берилиб, савдо қилишга қўлай шароитлар яратилган хатта пиёдалар учун алохида йўлаклар ҳам бўлган.

**Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати**


1. Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – М., 1970. – С. 22-23; Отахўжаев А. Илк ўрта асрларда Марказий Осиё цивилизациясида турк-суғд муносабатлари. Тошкент, ART-FLEX, 2010. – Б. 64-65; Ғойибов Б. Суғд тарихидан лавҳалар. – Самарқанд, 2020. – Б. 27-30.
2. al-Istakhri, Abu Ishak al-Farisi. Viae regnorum. Ed. M. J. de Goeje. BGA. Pars 1. – Lugduni-Batavorum: E. J. Brill, 1967. – 158 p.
3. Мандельштам А. М., Средняя Азия в VI – VII вв., – в кн.: «Очерки по истории СССР», т. II, М., 1958, стр. 359.
4. Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – М., 1970. – С. 90-91.
5. Наршахий, Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар. Бухоро тарихи // Форс тилидан А. Расулев таржимаси. – Т.: Фан, 1966. – 34-35 б.
6. Лавров В.А. Градостроительная культура Средней Азии. М.: – 1950. – С. 53
7. Лавров В.А. Градостроительная культура Средней Азии. М.: – 1950. – С.56
8. Беленицкий А. М. Из итогов последних лет раскопок древнего Пенджикента, – СА, 1965, № 3.; Город в VI – середине VIII вв. – В кн.: Средневековый город Средней Азии. – Л., 1973.
9. Беленицкий Л. М., Маршак Б. И., Распопова В. И. Социальная структура населения древнего Пенджиксnта. Тезисы докладов для Бартольдских чтений. – М., 1976
10. Ekrem E. Hsüan-Tsang Seyahetnamesi’ne göre Türkistan. Basılmamış doktora tezi. Hacettepe Üniversitesi, Sosyal Bilimler Enstitüsü. – Ankara, 2003. – 126-127 s.


## НАСАФ ШАҲРИНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИДАГИ ЎРНИ

*Хўжаёров Асилбек Отабек ўғли – магистрант, Қарши давлат университети*

**Калит сўзлар**: Нахшаб, Насаф, Қарши, ҳадисшунослик, калом илми, фиқҳ, фароиз (мерос) илми, тарих, мадина, ҳадис мактаби, Насафий.

**Аннотация**: Ушбу мақолада Насаф шаҳрининг IX – XII асрларда Марказий Осиё цивилизациядаги ўрни тарихий манба ва адабиётлар асосида ёритилган.

IX-XII асрларда Насаф шаҳри илм-фан ва маданият гуллаб яшнаган шаҳар ҳисобланади. Қашқадарё Ўзбекистон жанубий сарҳадларидаги қадимги ва йирик дарёлардан бири ҳисобланиб, унинг ҳавзаси атрофида одамлар қадимдан яшаб келишган. Уларнинг ҳаёт тарзи мазкур дарё билан чамбарчас боғлиқ бўлган. Бу ҳатто уларнинг урф-одатларига ҳам маълум даражада таъсир кўрсатган. Табиийки, даврлар ўтиши билан Қарши воҳасига қарашли ҳудудлардаги айрим жойларнинг номлари унутилган, баъзан эса ўзгаришлар билан ҳозиргача сақланиб келган. Қашқадарёнинг Навтак, Насаф ва Кеш, Косон, Фурдина, Ғузор, Субах, Кожар, Базда, Офрон каби шаҳар ва қишлоқлари ўтмишда ўзига хос илм-фан ва маданият марказлари бўлган. Булар орасида Насаф алоҳида ўринга эга.

Истахрий, Ибн Ҳавқал ва Муқаддасий каби олимларнинг асарларида Насаф номи тилга олинади.

Қадимги Нахшаб арабча “Насаф” шаклида талаффуз қилинган. Чунки маҳаллий аҳоли тилида бу жой қадимда Нахшаб деб номланган. Профессор Т.Нафасовнинг таъкидлашича, “нахшаб” сўғдча сўз бўлиб, шаҳарнинг ўртасидан оқиб ўтувчи дарёга нисбатан қўлланилган. Таниқли тарихчи олим П.Равшанов эса бу сўзни “сув бўйидаги жой” деб изоҳлаган [1]. Демак, юқоридаги таърифлардан аён бўладики, “нахшаб” атамаси “сув бўйидаги шаҳар” маъносида қўлланган. Бундан

Насаф дарё ёқасида пайдо бўлиб, шунга мувофиқ номланганлиги маълум бўлади. Араблар фатҳидан кейин “Нахшаб” ўрнида Насаф номи истеъмолга киритилиб, кейинги даврларда ҳам бу ном сақланиб қолган.

XIV асрнинг бошларидан Нахшаб ёки Насаф номи ўрнига Қарши атамаси ишлатила бошланган. Мўғулларнинг Чигатой улусидан бўлган Кепакхоннинг қурдирган саройи мўғулчада “Қарши” деб аталган. Мазкур сарой Насаф шаҳрининг ўрни Шуллуктепадан шарқда, ҳозирги эски шаҳар ҳудудида қурилган. Бу ҳақда баъзи тарихий ва археологик ёзма манбаларда ҳам маълумотлар учрайди.

Шуллуктепа ёдгорлиги Қарши шаҳридан шимоли-ғарбда жойлашган. У милоднинг биринчи асрларида қишлоқ манзилгоҳи сифатида пайдо бўлса, араблар фатҳига қадар қўрғон кўринишига келган. IX асрларда эса шаҳристон ва работ кенгайиб, йирик шаҳарга айланган [2]

Насаф шаҳрининг ўрта асрларда иқтисодий, сиёсий, айниқса, маданий соҳадаги тараққиёти бир неча омилларга боғлиқ эди. Уларнинг асосийлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин [3].

Бу даврга келиб, аввало, мамлакат ўз эркига эга бўлди. Шаҳарда ҳар томонлама марказлашган бошкарув такомиллашди, бу ҳолат минтақа устидан қатъий назоратни вужудга келтирди. Маҳаллий ҳукмдорларнинг идора усулида халқпарварлик хусусияти-нинг устуворлик қилиши ҳам муайян даражада шаҳар тараққиётига ижобий таъсир кўрсатди. Бу даврга келиб, солиқлар меъёрга келтирилди.

Насаф вилояти ҳудудидаги шаҳарлар ва қишлоқлар бардавом ривожининг асосий сабабларидан яна бири, шубҳасиз, тинчлик ва осойишталикнинг ҳукм суриши, таълимга қаратилган улкан аҳамият, масжид ва мадрасалар қурилиши. ҳунармандчилик, зироатчилик ҳамда тижорат эгаларининг хавфсиз, салмоғининг кўпайиши бўлди.

Насаф IX-XII асрларда Мовароуннаҳрдагина эмас, шарқнинг кўпгина мамлакатларига танилган, ҳадисшунослик, тарих, адабиёт, тилшунослик, энг мухими калом илми соҳасида шуҳрати юкори илмий-маданий марказ сифатида Бухоро, Самарканд, Ҳирот каби шахарлардан маълум даражада илгарилаб кетганлигини таъкидлаш учун асослар бор. Самарканд тарихининг насафлик аллома Нажмиддин Насафий томонидан яратилиши шу жиҳатдан диққатга лойиқдир. Шунингдек, Абу Мансур Мотуридий номи билан юритилувчи мотуридия калом мактабининг дунё аҳлига насафлик мутакаллим Абул Муъин Насафий асарлари воситасида танилипга ҳам инкор қилиб бўлмас ҳақиқатдир.

Насаф шаҳри Марказий Осиёдаги тўртта асосий ҳадисшунослик марказларидан бири ҳисобланган. Бу жойдан 100 та асар ёзган Нажмиддин Насафий каби олимлар етишиб чиққан. Булар сирасида Макҳул Насафий, Шаҳобиддин Насафий ва Мустағфирий Насафий ва шулар каби ҳам диний, ҳам дунёвий илмларда самарали фаолият олиб борган бошқа кўплаб алломаларни зикр этиш мумкин. Жумладан, олим Мустағфирий Кашқадарё воҳасида IX асрда яшаган 43 та шоир ва олим ҳақида маълумот беради.

Насаф воҳасида бошка илмлар қатори Исломий илмлар юқори даражага етиб, бу муҳитда қуръоншунослик, ҳадисшунослик, Ислом ҳукуқи (фикҳ), филология, тарихнавислик, калом, фароиз (мерос) илми каби йўналишларда мустақил мактаблар фаолият олиб борди. Бу даврда Насафда интеллектуал ҳаёт жўшқин тус олди.

VIII аср охири – IX аср бошларида Насафда йирик фиқҳшунослик мактаби шаклланиб, илм талабидаги толиби илмлар Ислом ҳукуқ-шунослигидан сабоқ олишган. Ўша даврда Насаф ва Кешда 43 олим, шоир ва дин уламолари самарали ижод қилганликлари манбаларда кайд этилган.

X асрда Насаф шаҳри йирик илмий-маданий марказлардан бири даражасига кўтарилиб, мусулмон оламидаги саккизта мадина (шаҳар) мақомини олган шаҳарлар – Бағдод, Балх, Исфаҳон, Нишопур, Марв, Бухоро, Самарканд қаторидан муносиб ўрин эгаллади. Марказий Осиёда тўртта ҳадисшунослик мактаби мавжуд эди: Марв, Бухоро, Самарканд ва Насаф. Ҳадисшуносликнинг йирик маркази Насафда Аҳмад ибн Муҳаммад Тадиёний, Ҳаммад ибн Шокир Насафий, Абдул Мўмин ибн Халаф Насафий, Лайс ибн Носир Кожарий, XI асрда Абдулазиз ибн Муҳаммад Нахшабий, Муҳаммад ибн Ахмад Баладий, Ҳасан ибн Али Хаммадий Нахшабий ва бошқалар мактаблари самарали фаолият кўрсатиб турган [4].

VIII – XI асрларга келиб Насаф Мовароуннаҳрдаги ҳадис илми марказларидан бири сифатида тан олинди. Насаф шаҳрида бутун вилоят илм толиблари учун марказий мактаблар мавжудлиги сабаб, бу шаҳарга Пазда (Базда), Касби, Косой, Варсин, Йағна, Новкат, Курайш, Офурон, Зодак, Қалосий, Муда, Санжан, Фижкат, Маймурғ каби шаҳар ва йирик қишлоқлардан олимлардан илм олиш учун ташриф буюришган. Шунингдек, Насаф воҳасида муҳаддис олимлар Касбавий, Косоний, Ғубдиний, Ибсоний, Паздавий, Маймурғитий нисбалари билан самарали илмий фаолият юритишган. Шундан бўлса керак, бу олимларнинг аксарияти нисбалари охирига “Насафий” сўзининг қўшиб айтилиши одатий ҳолга айланган эди [5]

Насаф шаҳри, айниқса, Абул Муъин Насафий яшаган даврда илм-маърифат жиҳатидан Мовароуннаҳрдаги энг йирик илмий-маданий марказлар – Самарканд ва Бухородан кейинги ўринда турар эди. X-XI асрларда Насафдан кўплаб олим ва муҳаддислар етишиб чиққанлар. Масалан, “Китобул қанд фи зикри уламои Самарканд” ва “Китоб ал-ансоб” каби манбалар берган маълумотларга кўра, VIII-XII асрлар мобайнида Мовароуннаҳрда 3000 дан ортиқ кўзга кўринган муҳаддислар яшаб, фаолият юритганлар. Улардан 1000 дан ортиғи Самарқандда, 600 дан ортиғи Бухорода яшаган бўлсалар, шундан 400 дан ортиғининг ҳаёт ва фаолиятлари Насаф шаҳри билан боғлиқ эди. Қолган 1000 муҳаддисдан 70 дан ортиғи Шошда, 60 дан ортиғи Фарғонада, яна шунчаси Кешда, 50 дан ортиғи Термизда, 40 дан ортиғи Хоразмда, шу билан бирга Уструшона, Дабусия, Кушония ва бошқа маҳаллий минтақаларда фаолият олиб борганлар [6]

Юқорида келтирилган маълумотлар Насаф шаҳрининг Мовароуннаҳр миқёсидаги илмий-маданий аҳамиятини тўла тасдиқлайди. Лекин шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, юқоридаги насафлик 400 дан ортиқ уламоларнинг аиримлари Насаф воҳасига яқин бўлган Пазда, Касби ва Кеш шаҳарларига мансуб бўлганлар. Шунингдек, насафлик кўплаб уламолар илмий фаолиятининг аксарият қисми асосан Самарканд ва Бухорода ўтган.

Насаф шаҳри ҳақида кўплаб тарихий манбаларда маълумотлар келтирилган. Масалан, XII асрда яшаган марвлик тарихчи Абу Саъд Самъоний Насаф ҳақида қуйидаги маълумотларни баён қилган [7]: «Насаф Мовароуннаҳр шаҳарларидан бири бўлиб, уни Нахшаб деб ҳам атайдилар. Мен у ерда икки ойча яшаб, уламоларидан ҳадис эшитдим. Насафдан ҳар бир илм соҳасида кўплаб олимлар етишиб чиққан бўлиб, уларнинг сон-саноғи йўқ. Абу Таммом Ҳубайб ибн Авс ўзининг халифа Муътасимга (218/833 – 227/842 й.) ёзган қасидасида Насаф ҳақида бундай дейди:

*Рум ҳам ўз тубида беркиниб тушар даҳшатга,*
*Турклар ҳам Насафнинг ортидан қолар ваҳшатга.*

Насаф Самарқанд билан чегарадош бўлиб, ўзаро алоқалари жуда мустаҳкам бўлган. Бу шаҳар XIII асрда мўғуллар томонидан вайрон этилиб, унинг яқинида XIV асрдан бошлаб Қарши шаҳри пайдо бўлади [8]

Насафда бошқа илмлар билан бир қаторда ҳадис илми эрта даврлардан бошлаб ривожланди. Буюк муҳаддис Имом Бухорий (810-870) ўзининг илмий сафарлари давомида Насаф шаҳрида ҳам бўлган ва у ердаги ҳадис илмининг ривожига ўзининг катта ҳиссасини қўшган. Насафда ҳадис илми тараққиёти-нинг илк даври Имом Бухорийныг ҳаёти йилларига тўғри келади. Имом Бухорий Насафдалиги чоғида ундан Абу Зайд Туфайл ибн Зайд (ваф. 892), Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Маъқил Насафий ас-Санжоний (IX аср) каби бир қанча кўзга кўринган муҳаддислар дарс олдилар, у кишининг ўзи ҳам Насаф уламоларидан анча таъсирланади. Буюк муҳаддис Насаф уламолари томонидан жуда эҳтиром билан кутиб олинади. Улар Имом Бухорийни ўз уйларида меҳмон бўлишини, ўзлари унинг хизматида туришларини шараф деб билар эдилар [9]

X-XI асрларга келиб Насаф Мовароуннахрда ўзига хос илмий-маданий марказлардан бири даражасига кўтарилади. Самъоний Ўрта Осиёдаги ҳадисшунослик мактаблари вужудга келган жойлар ҳакида сўзлар экан, Марв, Бухоро, Самарканд каби шаҳарлар қаторида Насафни хам кайд этади. “Китоб ал-ансоб” ҳақида тадқиқотлар олиб борган олим Ш.С.Камолиддинов бу ҳакида: “X асрда, Самъоний шаҳодатига кўра, ҳадисшуносликнинг яна бир йирик маркази Насафда Аҳмад ибн Муҳаммад Тадёний Ҳаммад ибн Шокир Насафий, Абул Муъмин ибн Халаф Насафий, Лайс ибн Наср Кожарий, XI асрда Абдулазиз ибн Муҳаммад Нахшабий, Муҳаммад ибн Аҳмад Баладий, Ҳасан ибн Али Ҳаммодий Нахшабий каби олимларнинг мактаблари фаолият кўрсатиб турган эди” [10], деб маълумот келтиради.

Хуллас, IX-XII асрларда Мовароуннаҳрнинг энг йирик илм-фан марказларидан бири – Суғдиёнанинг Самарқанддан кейинги иккинчи пой-тахти Насаф (Қарши) шахри ва воҳаси маданий ҳаётида кўплаб олиму фузалолар самарали ижод килишган. Чунки Буюк Ипак йўлининг чоррахасида жойлашган бу салохиятли шаҳар географик жиҳатидан ҳам қулай, ҳам кенг имкониятларга эга бўлиб, бу табаррук заминда исломий билимлар билан бирга ижтимоий, маданий соҳага оид нодир, хусусан, дунёвий билимлар ҳам уйғун тарзда ривожланган.

**Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати**

1. Равшанов П. Адабий саҳифалар. – Т., 1985. – Б.7.
2. Насафлик алломаларнинг жаҳон маданиятида тутган ўрни. – Қарши, 2008. – Б.160-162.
3. У.Уватов ва б. Мотуридия таълимоти ва Абу Муин Насафий илмий меъроси. – Т.: “Мовароуннаҳр”, 2018. – Б.41-42.
4. Камолиддинов Ш. "Китоб ал-ансаб" Абу Саъда Абулкарима ибн Мухаммед ас-Саманий как источник истории и истории культуры Средней Азии. – Т., 1993. – С.164.
5. У.Уватов ва б. Мотуридия таълимоти ва Абу Муин Насафий илмий меъроси. – Т.: “Мовароуннаҳр”, 2018. – Б.45-46.
6. Раҳимджанов Д. VIII-XII асрларда Самаркандда ҳадис илми тараққиёти (Абу Ҳафс Насафийнинг «Китоб ал-қанд фи ма'рифати’уламо'и Самарканд» асари асосида): Тар. фан. ном. дис... – Т.: ТИУ, 2003. – Б.14.
7. Самъоний Абу Саъд Абдулкарим ибн Муҳаммад ибн Мансур Тамимий. Ал-Ансоб. 5 жилдли // Абдуллоҳ Умар Борудий таҳрири остида. – Байрут: Дорул

фикр, 1419/1998. – Б.486-487; Абу Саъд Абдулкарим ибн Муҳаммад ибн Мансур ат-Тамимий ас-Самъоний. Насабнома. – Т., 2017. – Б.311-312.

**8.** Бартольд В.В. Работы по исторической географии: Сочинения. – М.: Издательство восточной литературы, 1965. – Т., III. – Б.450.

**9.** Раҳимжонов Д. Имом Бухорий ва Насаф ҳадис мактаби / Имом Бухорий сабоқлари. 2000. – № 2. – Б.92.

**10.** Камолиддинов Ш. Китаб ал-ансаб Абу Са'да Абдалкарима ибн Мухаммада ас-Сам'ани как источник по истории и истории культуры Средней Азии. – Т.: Фан, 1993. – Б.164

# II – ШЎЪБА: ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ ВА МАДАНИЯТИ МАВЗУСИНИНГ МАНБАШУНОСЛИГИ ВА ТАРИХШУНОСЛИГИ

## ИСТОРИЯ ТУРКЕСТАНСКОЙ ЕПАРХИИ РУССКОЙ ПРАВОСЛАВНОЙ ЦЕРКВИ (1871–1917) В СОВРЕМЕННОЙ ИСТОРИОГРАФИИ

***Козлов Константин Викторович – кандидат исторических наук, доцент кафедры российской истории и документоведения историко-филологического факультета педагогического института ФГАОУ ВО «Белгородский государственный национальный исследовательский университет» (Российская Федерация)***

Возрождение православной жизни на территории среднеазиатских республик с начала 1990-х годов предполагает обращение к историческому опыту деятельности православных институций, существовавших на территории региона со второй половины XIX века. С 1871 г. все православное население региона окормлялось духовенством Туркестанской епархии, которая охватывала всю территорию Туркестанского края.

В связи с тем, что в настоящее время на исторической территории Туркестанского края располагаются независимые республики Казахстан, Узбекистан, Кыргызстан, то предметное поле исследователей церковной истории локализуется в географических рамках современных государств.

Нельзя не согласиться с наблюдением ташкентского исследователя Р.В. Дорофеева сделанном в 2017 году о том, что «история Туркестанской епархии (1871-1923) до сих пор не исследована в полной и исчерпывающей мере. Не существует монографий, полностью посвященных именно этому хронологическому периоду. Как правило, ему уделяют место в исследованиях по истории религий, в частности – христианства, или собственно православия в Средней Азии, имеющих более широкие временные границы» [1].

На религиозной карте Туркестанского края как фронтирного региона, в котором происходили интенсивные миграционные процессы были представлены две мировые религии – христианство и ислам. Причем, христианство было представлено православными, католическими и протестантскими общинами. А в православном мире Средней Азии были представлены также и старообрядцы. Кроме этого, в регионе проживали адепты сектантских вероучений. В этой связи, исследование какой-либо одной конфессиональной группы невозможно без обращения к общему религиозному контексту региона [2].

Началом формирования корпуса современных исторических исследований, посвященных истории Туркестанской епархии, принято считать коллективную монографию «К истории христианства в Средней Азии (XIX-XX вв.» (сост. Л.И. Жукова, Ташкент, 1998). В этой работе был затронут широкий круг проблем, связанных с истории православия в Туркестане: история отдельных храмов как памятников архитектуры, социального служения православного духовенства, религиозных традиций казаков-старообрядцев, личности святителя Луки (Войно-Ясенецкого) [3]. А также диссертацию Е.А. Мазуренко «Эволюция русского православия в условиях Средней Азии» (Ташкент, 1990) [4]. Российский исследователь П.П. Литвинов в контексте рассмотрения неисламских религий Средней Азии осветил ключевые моменты истории православия в регионе [5].

Книги митрополита Владимира (Икима), архипастырское служение которого на протяжении 20 лет – с 1990 по 2011 г – было связано с возрождением православной жизни в Средней Азией, стали важной вехой в историческом осмыслении заявленной темы. В работах «Земля потомков патриарха Тюрка: Духовное наследие Киргизии и христианские аспекты этого наследия» (2002) и «По стопам апостола Фомы: христианство в Центральной Азии» (2011) он рассматривал религиозную истории Средней Азии и христианскую составляющую; большое место было уделено истории Туркестанской епархии в XIX-начале XX века [6].

Е.Е. Озмитель была предпринята первая попытка написания истории православия и церковных институций в Средней Азии в широком хронологическом периоде – с момента создания первых христианских епархий в средние века до начала 2000-х годов. Автор подробно остановилась на истории создания Туркестанской епархии, деятельности епархиальных архиереев, а также социальном служении и приходской жизни на территории современного Кыргызстана во второй половине XIX-начале XX века [7]. Предметом ее докторской диссертации стала социальная история Туркестанской епархии в географических рамки современной Кыргызской Республики, представленной носителями православной культуры – русскими переселенцами. Автор рассмотрела историю русского православного общества Туркестана второй половины XIX-начала XX века как самоорганизующийся феномен, указывая на его складывание в условиях культурной и институциональной изоляции [8].

Е.В. Носова, рассматривая широкий исторический и хронологический контекст истории православия в Туркестане, также остановилась на интересующем нас периоде, раскрывая в географических рамках современного Кыргызстана историю взаимодействия двух важнейших институт – государства в лице губернаторов и Русской Православной церкви в лице архиереев и духовенства Туркестанской епархии. Автор выявила особенности этого взаимодействия, которые стали специфическим проявлением государственно-церковных отношений в Средней Азии, а именно, незначительное количество православного населения и как следствие недостаточное внимание местной власти к нуждам единственной в регионе православной епархии [9].

История Туркестанской епархии в географических рамках современного Узбекистана была исследована С.А. Асановой. Автором были концептуализированы принципы реализации государственной религиозной политики в Средней Азии с момента образования Туркестанской епархии и до 1917 года, которая реализовывалась с одной стороны исходя из невмешательства в дела ислама – «игнорирования ислама» – а с другой, «сдерживания православия» – самоограничения православия в этноконфессиональных границах проживания русского населения в регионе, а также не включение в понятие «русское дело» («русификация») конфессионального компонента [10].

145-летие создания Туркестанской епархии актуализировало обращение исследователей к ее истории. В статье, приуроченной к юбилею Туркестанской епархии, митрополит Астанайский и Казахстанский Александр осветил историю епархии, начиная с христианской древности региона и заканчивая настоящим временем, особое внимание обращая на персоналии выдающихся церковных деятелей [11].

В 2017 г. вышли в свет сборники документов, подготовленные как российскими, так и ташкентскими историками. Особое место в историческом дискурсе осмысления православия в Средней Азии занимает сборник документов, подготовленный барнаульскими исследователями под руководством Ю.А. Лысенко.

Авторами сборника выявлены и введены в научный оборот документы, посвященные истории храмов и монастырей, церковных школ, православной миссии в регионе, персоналиям церковных деятелей [12]. Коллективом ташкентских исследователей был издан сборник документов «Туркестанская епархия в документах и комментариях. 1867-1918» [13]. В качестве предисловия археографическую часть сборник предваряет статья Р.В. Дорофеева, посвященная истории Туркестанской епархии. Причем, автор сопроводил ее «Краткой библиографией по истории христианства в Средней Азии и истории Туркестанской епархии Синодального периода» [14]. В 2021 году Е.Е. Озмитель была подготовлена историческая справка по истории Туркестанской епархии [15].

В обобщающей статье Ю.Н. Царяпкиной рассматривается история и современной состояние православных приходов в Ташкентской области Республики Узбекистан [16]. Истории Иверско-Серафимовского женского монастыря г. Верного и вкладу епископа Туркестанского Дмитрия (Абашидзе) в его создание и обеспечение деятельности посвящена работа архимандрита Иосифа (Еременко) [17]. История храма в честь иконы Божией Матери «Живоносный источник» в пригородном алматинском поселке Космос и связанная с ним история народного почитания святого источника стала предметом исследования Д. Скарборо [18]. История строительства православных храмов в Туркестане в XIX-начале XX вв. в контексте истории зодчества освещается в статье ферганской исследовательницы Г.К. Фармановой [19].

Результатам социологического проекта по исследованию приходской жизни стал тематический сборник статей, посвященных жизни православных приходов в Узбекистане и Казахстане, котором приводятся в том числе и исторические сведения об отдельных храмах и приходах [20].

В рамках исторической биографики выполнено исследование Е.В. Носовой и Е.Е. Озмитель, посвященное личности и архипастырской деятельности епископа Ташкентского Дмитрия (Абашидзе) [21].

Значительный пласт исторических исследований посвящен истории православной миссии в Средней Азии.

Казахская исследовательница З.Т. Садвокасова в рамках изучения проблемы российско-казахского межкультурного взаимодействия [22] установила, что вследствие длительного совместного проживания на одной территории православных и мусульман возникали случаи, когда происходило взаимопроникновение православной и исламской религиозных традиций. Русские жители принимали ислам, а мусульмане обращались к обрядовой практике православия в сложных жизненных ситуациях [23].

З.Т. Садвокасова в контексте истории осуществления православной миссии среди казахов осветила деятельность общероссийских общественно-церковных организаций (Православного миссионерского общества), региональных (Туркестанского (Семиреченского) епархиального Казанско-Богородичного братства, Омского епархиального братства), епархиальных миссионерских учреждений (Казахской духовной миссии), первых миссионеров, включая крещеную казашку Марию Карабанову, а также чиновников гражданской и военной администрации, занимавшихся миссионерской работой; организацию и формы миссионерской работы, подготовку миссионеров в Омской духовной семинарии [24].

Исследуя миссию среди крестьян-переселенцев, придерживавшихся устоев старой веры, отмечалось, что эту работу организовывала и координировала Оренбургская духовная консистория. Сложность в работе православных миссионеров, по мнению автора, заключалась в том, что они работали с одной

стороны в среде православных старообрядцев, а с другой – мусульман-казахов. И эффективность миссионерской работы зависела не только от личных и профессиональных качеств православного миссионера, но и от опыта взаимодействия казахов с раскольниками [25].

В работе Ю.А. Лысенко была предпринята попытка всестороннего исследования истории православного миссионерства на территории Казахстана. Автор рассмотрела миссию как среди казахов, так и среди русских старообрядцев и сектантов. Представляет интерес наблюдения автора о ментальности кочевых казахов, которая препятствовала интериоризации ими православных традиций и являлась одной из причин не достаточной эффективности православной миссии в регионе. Рассматривая историю православной миссии в Казахстане, автор пришла к вывод о своеобразном векторе ее эволюции: в связи с тем, что количество храмов не хватало даже для удовлетворения религиозных потребностей русских крестьян-переселенцев «миссионеры были вынуждены перейти к исполнению функций приходских священников» [26]. Вызывает интерес предложенная автором шкала количественных и качественных критериев, на основе которых была осуществлена оценка результативности православной миссии в Казахстане во второй половине XIX-начале XX века. В статье «Религиозная политика как механизм закрепления имперских позиций России в Туркестанском крае (вторая половина XIX-начало XX в.)» Ю.А. Лысенко рассмотрела исламский вектор православной миссии в Казахстане в контексте складывания национальных исламских организаций в последнее предреволюционное десятилетие [27].

И.В. Волков выделил причины, которые препятствовали работе православных миссионеров в Туркестане: недостаточное ресурсное (кадровое и материальное) обеспечение и отсутствие поддержки со стороны региональной власти [28], а также в качестве фактора, препятствовавшего успешному осуществлению православной миссии в Туркестане, указывал на осуществлявшуюся в XVIII-начале XIX государственную политику по исламизации кочевников [29].

Е.А. Малиновская, рассматривая историю Туркестанской епархии в контексте общей истории христианства на территории региона с древности до настоящего времени, привела наблюдения о специфических для региона институциональных формах организации православного культа, а именно, вагоны-церкви, походные церкви и кочевые священники [30].

И.Ю. Бартенева исследовала практику приобщения среднеазиатских языческих народов к христианству и к русской культуре, а также сохранения русскими переселенцами православной идентичности отмечала недостаток православных храмов в регионе. Автор установила связь между незначительным количеством православных храмов и духовенства и процессом межкультурной коммуникации русских крестьян-переселенцев и местных жителей-мусульман и выявила практику их «омусульманивания», которая заключалась не обязательно в принятии ислама, но в следовании народным традициям и постепенной утраты связи с православием. Причем среди русских женщин эта практика была развита шире, чем среди мужчин. Что, как указывает автор, было связано с вступлением русских женщин в брак с мужчинами-мусульманами. А также И.Ю. Бартенева выделила причины принятия ислама русскими мужчинами [31].

На примере православного религиозного образования И.Ю. Бартенева проиллюстрировала специфические для Туркестанского края проблемы во взаимоотношении епархиальных и административных структур, которые являлись причиной недостаточного количества церковных школ и трудностей внедрения

православного компонента в деятельность общеобразовательных школ для русского населения [32].

М.Е. Шушкова остановилась на рефлексиях руководства Туркестана относительно политики «игнорирования ислама» и проектах реформирования управления Туркестаном, авторы которых высказывали мысль о необходимости признания за русским народом и православием цементирующей роли в социальном развитии региона [33].

О.Л. Сумарокова в контексте изучения эволюции языковой политики в Туркестане в имперский период остановилась на исследовании вклада Переводческой комиссии Казанского православного миссионерского общества при Братстве Святителя Гурия в деле подготовки и издания книг на киргизском языке [34].

Статья Л.А. Клейменовой посвящена исследованию исторического опыта участия православной общественности Семиречья в миссионерской деятельности, а именно – Семиреченского православного братства. Автор раскрыла механизмы ресурсного обеспечения православной миссии, которую осуществляли члены братства [35].

Е.Н. Крупенкин остановился на истории создания Туркестанской епархии и в целом, разделяет общий тезис о том, что российская администрация в процессе интеграции местных жителей не затрагивала их религиозную идентичность стремясь избежать религиозной войны, которая могла носить черты национально-освободительного движения. При этом, российская администрация приветствовала переход коренных жителей в православие, предоставляя им землю и денежные средства [36].

Т.В. Котюкова рассмотрела историю православия в Туркестане сквозь призму «мусульманского вопроса» – государственной политики по отношению к оседлому и кочевому населению, и, соответственно, «православного ответа» – определение места православия как религиозной системы и институции в процессе включения населения Туркестана в имперский социальный и культурный контекст. Способ решение этой проблемы автор определила как политику «двойного игнорирования» – интегрирование населения региона в общероссийский культурный контекст без опоры на ислам или православие [37].

В статье Е.Е. Камардиной и Ю.Н. Цыряпкиной рассматривается религиозный сегмент переселенческой политики в Туркестан. Авторы пришли к выводу о том, что переселение преследовало не только задачу преодоления проблемы малоземелья русского крестьянства, но и увеличение его численности русского в регионе как фактора геополитики. В этой связи, как указывают авторы переселиться в Среднюю Азию могли только русские православные крестьяне и мещане. Представители других вероисповеданий могли получить земельный надел в Туркестане только если являлись военнослужащими, вышедшими в отставку. Причем, в первую очередь те из них кто проходили службу на территории региона [38].

И.В. Волков рассматривал историю институциализации православия на территории Туркестана в контексте переселения русских крестьян в регион, рассматривая этот процесс как канал межцивилизационного взаимодействия в Русском Туркестане. Автор диссертационного исследования пришел к выводу о том, что православная миссия не рассматривалась в качестве ведущего канала включения местного исламского населения в российский цивилизационный контекст и связывал это с осознанием руководством края опасности конфликтов на религиозной почве [39].

Исследователь истории православной миссии С.Э. Атаджанова предложила следующую типологию проблем в деятельности православных миссионерских организаций: «несогласованность действий между собой и правительственными учреждениями, возрастающий сепаратизм, недостаточное государственное финансирование и разобщенность благотворительных организаций» [40].

Миссионерская работа среди русских переселенцев в условиях демократизации общества и либерализации государственной религиозной политики в годы Первой русской революции стала предметов исторической рефлексии коллектива авторов в составе: Г.А. Алпыспаева, Ш.Н. Саяхимова, Г. Жуман. Исследователями были определены категории русского населения, которые являлись объектом приложения миссионерских усилий: сектанты, представленные рационалистами и мистиками, а также старообрядцы. Авторы пришли к выводу о том, что сектантство и старообрядчество рассматривалось государственной властью как «один из факторов, дестабилизирующих внутреннюю жизнь на окраинах Российской Империи» [41]. Статья казахских исследователей Г. Жумана и Г. Алпыспаевой посвящена осмыслению исторического опыта работы православных миссионеров среди мусульманского населения региона [42].

Митрополит Астанайский и Казахстанский Александр (Могилёв) осуществил биографическом исследование жизни и архипастырского служения создателя православной миссии в Средней Азии епископа Александра (Кульчицкого), который в годы своего руководства Туркестанской епархией (1878-1883 гг.) основал Киргизскую миссию [43].

Замечательный памятник визуальной истории был создан Б. Голендер, который издал альбом фотографий старинных православных храмов Туркестанского края [44]. Историк искусства В.Ю. Фалеева занимается исследованием и популяризацией православного иконографического наследия Казахстана [45].

Таким образом, история Туркестанской епархии находится в исследовательском поле современных историков, круг которых образуют специалисты из Казахстана, Кыргызстана, Узбекистана и России. Данный синергийный феномен связан с тем, что в рассматриваемый период – вторая половина XIX-начало XX века – Средняя Азия являлась регионом Российской Империи и ее выключение из проблемного поля историков невозможно без ущерба для создания целостной картины прошлого. Тематически современные исследования локализуются на двух основных проблемах: во-первых, история Туркестанской епархии в общем контексте истории православия в Средней Азии; во-вторых, история православной миссии в регионе как канала межкультурной коммуникации.

## Список использованных источников и ссылок


1. Дорофеев Р.В. «… С присвоением ей названия – Туркестанская и Ташкентская» // Туркестанская епархия в документах и комментариях. 1867-1918 // Сост.: Дорофеев Р.В., Илюшкина О.А., Стеклова Т.К. – Ташкент, 2017. – С. 16.
2. См., например: Tasmagambetov A. Features of the denominational development of religions in Kazakhstan in the late XVIII-early XX centuries // Вестник ЗКГУ. – 2021. – №1 (81). – С. 251-261; Тасмагамбетов А.С. Миссионерство Русской Православной церкви в казахских землях Туркестанского края во втор. пол. XIX-нач. XX вв. // Вестник ЗКГУ. – 2021. – №1 (81). – С. 318-330.
3. К истории христианства в Средней Азии (XIX-XX вв.) // Сост. Л.И. Жукова. – Ташкент, 1998.

4. Мазуренко Е.А. Эволюция русского православия в условиях Средней Азии: дис… к.ф.н. – Ташкент, 1990.
5. Литвинов П.П. Неисламские религии Средней Азии (вторая половина вторая половина XIX-начало XX в.) – Елец, 1996.
6. Владимир (Иким), митрополит. Земля потомков патриарха Тюрка: Духовное наследие Киргизии и христианские аспекты этого наследия. – М., 2002; Владимир (Иким), митрополит. По стопам апостола Фомы: христианство в Центральной Азии. – М., 2011; Владимир, митрополит Бишкекский и Среднеазиатский. Православие в Кыргызстане // Вестник Бишкекского гуманитарного университета. – 2004. – №1 (3). – С.39-41.
7. Озмитель Е.Е. История православия в Кыргызстане XIX-XX вв.: автореф. дис… к.и.н. – Бишкек, 2003. – С. 13-17.
8. Озмитель Е.Е. История православной культуры Киргизии (середина XIX-1917 год): автореферат дис. … д-ра.и.н. – Бишкек, 2011. – С. 38.
9. Носова Е.В. История взаимоотношений государства и Русской православной церкви в Кыргызстане (конец XIX-середина XX вв.): автореф. дис. …к.и.н. – Бишкек, 2006. – С. 11-13.
10. Асанова С.А. История Православной церкви в Средней Азии (вторая половина XIX-начало XX вв.): автореф. дис… к.и.н. – Ташкент, 2012. – С. 18.
11. Александр, митрополит. Антиминс под открытым небом: к 145-летию учреждения Туркестанской епархии // Журнал Московской Патриархии. – 2017. – №12. – С.38-49.
12. Русская православная церковь в центральноазиатских окраинах Российской империи (вторая половина XIX-начало XX века). Сборник документов и материалов/Под общ. ред. Ю.А. Лысенко. – Барнаул, 2017.
13. Туркестанская епархия в документах и комментариях. 1867-1918 // Сост.: Дорофеев Р.В., Илюшкина О.А., Стеклова Т.К. – Ташкент, 2017.
14. Дорофеев Р.В. «… С присвоением ей названия – Туркестанская и Ташкентская» // Туркестанская епархия в документах и комментариях. 1867-1918 / Сост.: Дорофеев Р.В., Илюшкина О.А., Стеклова Т.К. – Ташкент, 2017. – С. 16-50.
15. Озмитель Е.Е. Туркестанская епархия – URL: https: // turkestanskaya-golgofa.info/eparhy/ turkestanskaya-eparhy (дата обращения 20.04.2022).
16. Царяпкина Ю.Н. История становления православных приходов Ташкентской области // Этнография Алтая и сопредельных территорий: этническая история, этносоциальные процессы и этнокультурные ресурсы социоэкономического развития регионов»: Материалы международной научной конференции, посвященной 25-летию центра устной истории и этнографии лаборатории исторического краеведения Алтайского государственного педагогического университета (Барнаул, 28-30 октября 2015 г.). –Барнаул, 2015. – С.61-64.
17. Иосиф (Еременко), архимандрит. «Сделанное для обители Вашим преосвященством никогда не забудется» (к истории Иверско-Серафимовского женского монастыря г. Верного) // Труды Томской духовной семинарии. – 2019. – Т.4. – С.6-40.
18. Скарборо Д. Туркестанская епархия и народное православие: случай Живоносного источника // Вестник Евразийского национального университета имени Л.Н. Гумилева. Серия Исторические науки. Философия. Религиоведение. – 2020. – №2 (131). – С. 68-79.

**19.** Фарманова Г.К. История строительства православных храмов в Туркестане в XIX-начале XX вв. // Интернаука. – 2020. – №29 (158). – С.11-14.

**20.** Приход Русской Православной Церкви в России и за рубежом: материалы к изучению приходской жизни. Вып. 6.: Приходы Русской Православной Церкви в исламском контексте (Узбекистан, Казахстан, Кабардино-Балкарская Республика) /Отв. ред. И.П. Рязанцев. – М., 2018.

**21.** Носова Е.В., Озмитель Е.Е. К истории Туркестанской епархии. Епископ Димитрий (Абашидзе) // Государство, общество, церковь в истории России XX века: Материалы XIII Международной научной конференции: в 2-х частях (Иваново, 12-13 марта 2014) // Отв. ред. А.А. Корников. – Иваново, 2014. – С.329-339.

**22.** Садвокасова З.Т. Духовная экспансия царизма в области образования и религии (вторая половина XIX-начало XX века). – Алматы, 2005.

**23.** Садвокасова З.Т. Интеракции ислама и православия в Казахстане (вторая половина XIX-начало XX в) // Этнография Алтая и сопредельных территорий: материалы Международной научно-практической конференции (Барнаул, 29-30 сентября 2005) / Отв. ред. М.А. Демин, Т.К. Щеглова. – Барнаул, 2005. – С.51-54.

**24.** Садвокасова З.Т. Православные миссионерские учреждения в Казахстане (XIX-начале XX в.) // Вестник Ивановского государственного университета. – Серия «Гуманитарные науки. История». – 2021. – Вып. 3. – С.71-79; Садвокасова З.Т. Материалы ЦГА РК как источник по изучению миссионерской деятельности православных проповедников (XIX-начало XX веков) // Вестник Карагандинского университета. – 2021. – Серия «История. Философия». – №3 (103). – С. 97-108; Садвокасова З.Т. Документы Центрального Казахстанского архива о деятельности православных миссионеров (XIX-начало XXвека) // Государство, общество, церковь в истории России XX-XXI веков: Материалы XX Международной научной конференции (Иваново, 31 марта-1 апреля 2021). – Иваново, 2021. – С.10-15.

**25.** Садвокасова З.Т. Миссионерская деятельность среди раскольников в Казахстане (вторая половина XIX-начало XX в) // Вестник Ивановского государственного университета. – 2022. – Вып.1. – С. 113-122.

**26.** Лысенко Ю.А. Миссионерская деятельность Русской Православной церкви в Казахстане (вторая половина XIX –начало XX в.): автореф. дис… д-ра и.н. – Барнаул, 2011. – С. 39.

**27.** Лысенко Ю.А. Религиозная политика как механизм закрепления имперских позиций России в Туркестанском крае (вторая половина XIX-начало XX в.) // Вестник Томского государственного университета. – 2012. –№4 (20). – С. 194-198.

**28.** Волков И.В. Миссионерство и государственно-религиозные отношения в Туркестане // Вестник Саратовского государственного социально-экономического университета. – 2009. – №4(28). – С. 204

**29.** Волков И.В. Миссионерская деятельность Православной церкви на национальных окраинах Российской Империи (на примере Туркестана второй половины XIX-начала XX в.) // Вестник РУДН. – Серия История России. – 2010. – № 1. – С. 148.

**30.** Малиновская Е.А. Православие в Центральной Азии // ПОЛИС. ПОЛИТИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ. – 2008. – № 2. – С.40.

**31.** Бартенева И.Ю. Православие в Кыргызстане (вторая половина XIX-начало XX вв.) // Альманах современной науки и образования. – 2010. – №7 (38). – С.12-13.

**32.** Бартенева И.Ю. Православие в Кыргызстане (вторая половина XIX-начало XX вв.) // Альманах современной науки и образования. – 2010. – №7 (38). – С.14-16.

**33.** Шушкова М.Е. Организация управления Туркестаном в начале XX века: дис… к.и.н. – М., 2015. – С. 158-159, 186-187.

**34.** Сумарокова О.Л. Эволюция языковой политики Российской Империи в Туркестанском крае (по материалам Киргизстана): автореф. дис… д-ра и. н. – Бишкек, 2016. – С. 37-38.

**35.** Клейменова Л.А. Деятельность Семиреченского Православного Братства Туркестанской епархии (1868-1918 гг.) // Сретенские чтения: Материалы XXIII научно-богословской конференции студентов, аспирантов и молодых специалистов (Москва, 25 февраля 2017 г.) // Ред. О. Сидорова. – М., 2017. – С.88-91.

**36.** Крупенкин Е.Н. Туркестан в составе Российской Империи (1865-1917 гг.): от военно-административного управления к гражданско-административному: дис… к.и.н. – Томск, 2018. – С.76-77, 99-100, 105.

**37.** Котюкова Т.В. Политика «двойного игнорирования» в имперском дискурсе России в отношении кочевого населения Туркестана в конце XIX века (специфика «мусульманского вопроса» и «православного ответа») //Центральная Азия на перекрестке европейских и азиатских политических интересов: XVIII-XIX вв.: Сб. науч. трудов международного семинара (Алма-Ата, 19-23 августа 2019 г.) // Под науч. ред. Д.В. Васильева – М., 2019. –С.78-98.

**38.** Камардина Е.Е., Цыряпкина Ю.Н. Роль православия в переселенческой политике Российской Империи в Туркестане в конце XIX-начале XX в. // Педагогическое образование на Алтае. – 2020. –№1. – С.121-126. – С.125.

**39.** Волков И.В. Исторические аспекты цивилизационной политики царской России в Средней Азии: дис… д-ра и.н. – Бишкек, 2020. – С.348-378; Волков И. Конфессиональные особенности интеграционных процессов в Туркестане (1910-1916 гг.) // Власть. – 2009. – №4. – С. 148-151.

**40.** Атаджанова С.Э. Миссионерская деятельность Русской Православной церкви в конце XIX-начале XX веков в Средней Азии // Бюллетень науки и практики. – 2020. – Т.6. –№3. – С. 552-553.

**41.** Алпыспаева Г.А., Саяхимова Ш.Н., Жуман Г. Указ от 17 апреля 1905 г. «Об укреплении начал веротерпимости и деятельность противосектантской миссии Туркестанской епархии// Империи в мировой истории: актуальные проблемы современных исследований: Сборник научных трудов Международной научно-практической конференции (Стерлитамак, 14 мая 2021). – Уфа, 2021. – С.59-62. –С.62.

**42.** Zhuman G., Alpyspaeva G. Turkestan eparchy as a mediator in spiritual colonization of the Turkestan region muslim in the early 20th century// Eurasian Journal of Religious studes. – 2021. – Т.28. – №4. – С.37-45.

**43.** Александр (Могилёв), митрополит. Преосвященный Александр Кульчицкий, православный миссионер (1826-1888). Жизнеописание. – М., 2012.

**44.** Вечный свет куполов: старинные православные храмы Туркестанского края // авт. сост. Борис Голендер. – Ташкент, 2011.

45. Фалеева В.Ю. Православная иконопись Казахстана на рубеже XX-XXI веков: (проблемы, тенденции, круг мастеров): автореф. дис… к. искусств. – СПБ., 2017.; Православная иконопись в Казахстане. – URL: http://vk.com/club25692205 (дата обращения 20.04.2022).

## ЖАДИД ҒОЯЛАРИНИНГ БОЛЬШЕВИКЛАР МАФКУРАСИ ТАНҚИД НИШОНИГА АЙЛАНИШИ

***О.Р.Рашидов – т.ф.ф.д (PhD), доцент. Бухоро давлат университети.***

XX асрнинг 30-йилларида эълон қилинган қатор мақола ва китобларда биринчи галда жадидлар қораланар, кейинги ҳаракатлар Абдулла Қодирий номига боғланарди. Ж.Шарифий, Олим Шарафиддинов мақолаларида жадидлар “аксилинқилобчи”, “Советларга қарши”, “Реакцион кучларни бирлаштирган”, “босмачиларга раҳнамолик қилган” деган уйдирмалар тўқиб чиқарилди. Бундай фикрни биринчи бўлиб, Сотти Ҳусайн баён қилиб шундай деган эди: “жадидлар октябрдан кейин ўзларининг собиқ инқилобий фикрларини буриб пролетариатга қарши аксилинқилобий адабий куч билан чиқдилар”[1].

Жадидлар эски диний мактабларга дунёвий фанлар киритиш ва ўқитиш методикасини ўзгартириш йўли билан уларни ислоҳ қилдилар. Большевиклар ушбу ислоҳотни юзаки расмий ислоҳот деб, унинг мафкурачиларини дунёвий фанларни динга бўйсундиришда айбладилар. Шунингдек, янги усул жадид мактаблари ҳам буржуа миллатчилиги руҳи билан суғорилган деб топилди.

Жадид зиёлиларининг мафкурасида Туркистонни ўрта асрларга хос қолоқлик ва диний хурофотдан озод этиш, шариатни ислоҳ қилиш, халққа маърифат тарқатиш, миллий мухторият ҳукуматини барпо этиш учун кураш, Бухоро ва Хивада конституцион монархия ва парламент, кейинчалик демократик республика тузумини ўрнатиш орқали озод ва фаровон жамият қуриш, барқарор миллий валютани жорий қилиш ҳамда миллий қўшин тузиш бўлган. Уларнинг Туркистон мустақиллиги учун курашида асосан қуйидаги йўналишлар устувор бўлган: янги усул мактаблари тармоғини кенгайтириш, қобилиятли ёшларни чет элга ўқишга юбориш; турли маърифий жамиятлар ва театр труппалари тузиш; газета ва журналлар чоп қилиш, халқнинг ижтимоий-сиёсий онгини юксалтириш билан Туркистонда миллий демократик давлат қуриш. Жадид зиёлиларининг кучли партияси ташкил қилинган тақдирдагина бу ишларни амалга ошириш мумкин эди. Жадидлар сиёсий ишлар – ҳақ-ҳуқуқ, миллий давлат, ҳокимият масалалари билан мунтазам шуғулландилар. Айни пайтда, мактаб-маориф ислоҳ қилина бошланди. Миллий матбуот йўлга қўйилди. Театр пайдо бўлди. Янги адабиёт шаклланди, бир сўз билан айтганда, янги тафаккур майдонга келди. Бу – миллатнинг ўзлигини англаш ва мустақиллик мафкураси эди [2].

Большевиклар мафкурасига қарши кураш нафақат Ўзбекистон ва бошқа совет республикаларида, шунингдек, инқилоб маркази ҳисобланган Россиянинг ўзида ҳам мавжуд эди. Айниқса, мухолиф марралар большевизм мафкурасининг иқтисодий томонларига кескин қарши эдилар. Фуқаролар қўлидаги мол-мулк, ер ва бойликлар зўравонлик билан, янада аниқроқ айтганда пролетариатча ҳужум натижасида тортиб олинган эди. 1925 йил партия Марказий қўмитаси ўша вақтда Бухарин майдонга айтган ва “Комсомолская Правда” ёқлаб чиққан “бой бўлингиз” шиорини Сталин ташаббуси билан қоралаган эди. Сталин айтишича, бу нарса “аслида капитализмни тиклашга чақириш” эди [3].

Большевиклар ўзларининг мафкураларини матбуот орқали ўтказиш учун курашганлар. Улар миллий зиёлиларни кундалик газета, журнал ҳатто чиқарилган китобларини танқид қилганлар ва ҳар хил усул воситалар билан кучли босим ўтказганлар. Коммунистик партиянинг йиғилишдарида мафкура масаласида йўл қўйилган камчиликлар бир неча бор муҳокама қилинган. Ушбу муҳокамаларда зиёлиларга қарши қандай усул ва воситалар билан ғоявий кураш олиб бориш лозимлигини қайд этганлар. Шу ўринда мафкура масаласида йўл қўйилган камчиликлар таҳлил қилинган [4].

Большевиклар томонидан совет мафкурасига хизмат қилишни истамаган миллий зиёлилар фаолияти доимо назорат қилинган. Миллий зиёлилардан Мунаввар Қорининг фаолияти бир неча маротаба муҳокама қилиниб, шундай келтирилган: “Кейинги вақтларда Мунаввар Қорининг иккинчи босқич мактаблари учун ёзилган китобининг иккинчи бўлимида фирқамизнинг ҳозирги сиёсатига тўғри келмайдиган нарсалар ва майда болаларнинг миясини заҳарлайдиган жумлалар ёзилган эди. Бундан бизнинг хабаримиз бўлмаган. Чунки бу иш ҳукуматимизнинг бошқа ишлар билан овора бўлиб буларнинг шу ҳаракатларига яхши аҳамият бермаганлигидан бўлса, иккинчидан кўпроқ ўзимизнинг маориф ходимлари давлат нашриётида ўтирган кишиларнинг раҳбарлари бу ишга аҳамият бермаганлиги, китобнинг расмий томонини кўриб чиқиб, мафкуравий жиҳатига аҳамият бермаганлиги бўлиб чиқади. Улар ўзларининг бузуқ мафкуралари билан болаларни тарбияламоқдалар. Ҳозирда ҳам бундай ишларни тўхтатганлари йўқ” [5].

Зиёлиларнинг партия олдидаги хизматлари унумли бўлиши мамлакатда

ҳокимлик қилувчи ишчилар синфи мафкурасига қанчалик яқин туришига боғлиқ эканлиги кўрсатиб ўтилган. Большевиклар совет зиёлисини мафкура майдонида йўл қўяётган камчиликларини қуйидаги 3 асосий хусусиятини келтирадилар:

“Биринчи – шўро зиёлиларининг марксизм билан яхши таниш бўлмаганликлари;

иккинчи – булар сафида миллатчилик руҳи борлиги;

учинчи – зиёлиларимиз ичида сиёсатдан четда туришнинг маҳкам илдиз отганлиги” [6].

Совет давлати миллий масалага пролетарча руҳда ёндашиб, жамиятни эзувчи ва эзилувчига, бойлар ва камбағалларга ажратди, миллий манфаатларнинг ва миллий муносабатларнинг мураккаб ва хилма-хил эканлигини унитиб, унинг муттасил ривожланиб ҳамда чуқурлашиб боришини эътиборга олмади. Натижада тор миллий манфаатлар атрофида ўралашиб қолиш ҳолатлари юзага келди. Совет давлатининг “социализм қуришнинг шарти” бўлган миллий автономлаштириш сиёсатига қарши чиққанлар “халқ душманлари” деб, аталди. Шу тариқа “пролетар интернационализми” ғояси юзага келди. Совет давлатининг назарий асослари қурилаётган вақтда пролетариат диктатуранинг асосчиси В.Ленин чизиб берган йўлдан борилди. В.Ленин миллатга тегишли ҳар қандай жиддий масалани миллийлик жиҳатдан эмас, балки синфийлик жиҳатдан ҳал қилиб кераклигини уқтириб, социалистик тузумга хос бўлган якка партиянинг миллий имтиёзларга қарши сиёсатини ёқлаб чиққан эди. Ушбу ғоялар мажмуида қурилажак “соғлом коммунистик жамият” кишилари нафақат ўз фикри, туйғуси билан балки кийиниш маданияти билан ҳам ажралиб туриши лозим эди [7].

Хулоса қилиб айтганда, миллий зиёлилар ғоясига қарши большевиклар мафкуравий таҳдидни кучайтирадилар. Миллий зиёлиларининг ўлкани бошқаришга қаратилган ислоҳотчилик қарашлари большевиклар зўравонлик сиёсатининг қурбонига айланди. Жадид зиёлилари буржуазиянинг вакили бўлганликда, уларнинг

асарлари инқилобдан илгари ёзилганлиги, унда буржуазиянинг идеаллаштирилганлиги ҳамда миллатчилик кўринишлари тасвирланганлиги таъкидланди. Аксарият миллий кадрлар ва зиёлилар очиқдан-очиқ аксилинқилобчилар томонига ўтганлиги, советларга қарши курашиб, “босмачиликни” ташкил этишда ва ҳар қандай бўлсада ишчи-деҳқон ҳукуматини йиқитиш фикрида бўлганлигини билан большевикларга катта мафкуравий хавф солганлиги келтирилади. Жадидчилик гўёки “омма онгини миллатчилик ғоялари билан заҳарлаш ва уни инқилобий курашдан четга торитиш” мақсадида ташкил этилган реакцион буржуа-миллатчилик йўналиши деб эълон қилинди.

**Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати**


1. Қўшжонов М. Қодирий – эрксизлик қурбони. – Тошкент: “Фан”, 1992. – Б.56.
2. Қосимов Б. Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик. – Тошкент: Маънавият, 2002. – Б.4 – 5.
3. Ўнг муртадлар – капитализмни тиклаш тарафдори // “Қизил Ўзбекистон”, 1936 йил 17 декабрь, 289-сон.
4. Мафкура майдонида кураш масаласида маориф ишчиларининг вазифаси // “Қизил Ўзбекистон”, 1927 йил 16 январ, 13-сон.
5. Мафкура майдонида кураш масаласида маориф ишчиларининг вазифаси // “Қизил Ўзбекистон”, 1927 йил 16 январ, 13-сон.
6. Зиёлиларни қандай қилиб ишга соламиз // “Қизил Ўзбекистон”. 1928 йил 30 апрель, 97-сон.
7. Юнусова Х. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ва маънавий жараёнлар (XX аср 80-йиллар мисолида). – Т., ABU MATBUOT-KONSALT, 2009. – Б.25.


## САДРИДДИН АЙНИЙНИНГ САМАРҚАНДДАГИ МАОРИФ ВА МАДАНИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ

***Ф.У.Темиров– т.ф.ф.д.(PhD), доцент. Бухоро давлат университети***

Забардаст олим ва адиб Садриддин Айний (1878-1954) Ўзбекистон маданияти ва маънавияти хазинасига муносиб ҳисса қўшган машҳур маърифатпарвар адиб, тарихнавис ёзувчи, шарқшунос олим, шоир, публицист, журналист, моҳир педагог, билимдон адабиётшунос ва фидокор жамоат арбобидир. С.Айний ўзининг мингга яқин катта-кичик асарларини тожик ва ўзбек тилларида ёзди. Унинг бадиий-ижодий йўналишида публицистика, ҳажвия, фельетон, шеърият, адабиётшунослик, романнавислик ва бошқа кўплаб жанрлар асосий ўринни эгаллайди.

Айнийнинг илмий-ижодий фаолиятида унинг йирик тарихий-адабий тадқиқоти ҳисобланадиган “Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар”ва машҳур илмий-адабий анталогияси бўлган “Намунаи адабиёти тожик” (“Тожик адабиёти намуналари”) асари алоҳида ўрин эгаллайди.

1917 йил Бухородаги апрель воқеаларидан кейин С.Айний ижодида янги босқич бошланди, дейиш мумкин. Адиб Бухородан Самарқанд шаҳрига кўчиб ўтди. Бу ерда олим Туркистон жадидларининг йўлбошчиси Махмудхўжа Беҳбудий, Саидризо Ализода, Сиддиқий Ажзий, Саидаҳмад Васлий, Абдуқодир Шакурий каби ўз даврининг таниқли маърифатпарвар зиёлилари билан яқиндан танишиб, уларнинг ҳаммаслагига айланди. У Самарқанднинг машҳур ва биринчи педагогларидан

Абдуқодир Шакурий ва Рахматилла Исматуллаевларнинг хонадонида яшайди, кейинроқ дўстлари уни жадид Вадуд Махмуднинг синглисига уйлантиришади.

1923 йилга келиб самарқандлик бой Хушкомилбой Обидов ҳозирги (ҳовли ёдгорлик уй-музейга айлантирилган – Ф.Т.) ҳовлисини ижарага олади ва кейинчалик шу ҳовли 25000 сўмга сотиб олинади. Ҳовлининг олди-сотди ҳужжатлари ҳозирги кунда уй-музейида сақланмоқда. Бу ҳақида унинг ўзи шундай ёзади: “Бухоро Давлат нашриёти менинг асарларимни нашр қилмаган бўлса ҳам, уларга тўла ҳақ берди ва мен у пулларга 1923 йилда Самарқандда алоҳида бир ҳовли сотиб олдим” [1. Б.3].

С.Айний бу ҳовлида 1954 йилгача (яъни умрининг охиригача) яшайди. Уй музейда ёзувчининг биринчи иш кабинети, эски айвонлар йўлакчаси бўлган дам олиш хонаси, шимолий ва жанубий айвонлар жойлашган. 1935 йилда ёзувчининг илтимоси ва лойиҳасига асосан давлат томонидан пишиқ ғиштдан бир қатор хоналар солинади. Янги бинода ёзувчининг ҳаёти, адабий фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи катта кўргазма зали, ёзувчининг ётоқхонаси ва унинг 1937 йилгача ишлаган иш кабинети жойлашган.

1918 – 1920 йилларда Самарқандда у, асосан, таълим билан машғул бўлди. Шунингдек, у “инқилоб” (Бухоро инқилоби – Ф.Т)ни мадҳ этувчи ва эски тузумни танқид остига олувчи бадиий-тарихий публицистик мақолалар ва шеърлар ёзишга зўр беради. Уларнинг аксарияти Самарқандда чиқадиган “Шуълаи инқилоб” (“Инқилоб шуласи”), “Болалар йўлдоши”, “Таёқ” журналлари ва “Меҳнаткашлар товуши”, “Зарафшон”, “Хуррият” газеталарида[2] чоп этилади. Бу ҳақда С.Айнийнинг ўзи шундай ёзади: “Самарқандда тожик тилида “Шуълаи инқилоб” журнали ва “Меҳнаткашлар товуши” номидаги ўзбек тилида газета нашр бўларди. Мен буларнинг иккаласига ҳам хизмат қилардим. Ўша вақтларда маҳаллий кадрлар етишмас, озчиликни ташкил қилар эди, шунинг учун ҳам мен бу журнал ва газетанинг кўп қисмини турли имзолар билан мақолалар ёзиб тўлдирар эдим. Икки тилда шеър ёзардим, икки тилда мақолалар ёзардим” [3, 45].

1919 – 1920 ўқув йилида С.Айний ўқитувчи кадрларнинг етишмаслиги учун Самарқанд маориф бўлимида маориф ишларига масъул бўлди. Бу вақтда шаҳардаги учта мактабда инструктор бўлиб ишлайди [4, Б. 91]. “ Ҳар куни навбатма-навбат мен бу мактаблардан бирига бориб бир-икки соат консультант сифатида ишлар эдим” [5, Б. 65] – деб ёзади. У Самарқандда шаҳар маориф бўлимида ишлаш асносида янги ташкил этилган мактабларга мўлжаллаб алифбе китоби “Соли нахустин” (“Биринчи йил”) ни ёзган. “Мактаб нима”шеъри ҳам С.Айнийнинг 20-йиллардаги фаолияти маҳсулидир. Бу шеърда жамият ва шахс тараққиётида мактабнинг роли юқори эканлиги баён этилади.

Ўзбек миллий зиёлиларидан Ҳожи Муин Шукрулло (1883 – 1942 йй.) ўз даврида С.Айнийнинг Самарқандда миллий матбуотчиликни ривожлантириш йўлида кўрсатган хизматларини алоҳида қайд этиб, “Меҳнаткашлар товуши” газетасида шундай ёзади: 1918 йилда (11 июнда) шўро ҳукумати томонидан “Меҳнаткашлар ўқи” отлиқ газета чиқарилди. Бунинг масъул муҳаррирлигида Ҳожи Муин, таҳрир ҳайъатига Иффат хоним (Зоҳида Бурнашева) билан марҳум Шокир Мухторий тайин этилдилар. Бу газетанинг 5-чи сонида оти ўзгартирилиб “Меҳнаткашлар товуши” қўйилди. Газета 500 – 2000 нусха орасида босилиб тарқалар эди. Бу газетанинг таржима ва таҳрир ишларида бир муддат Саидризо Ализода, Муҳаммаджон Юсуфий, қори Муҳаммадраҳим Тожи, Садриддин Айний афандилар хизмат этдилар. Буларнинг ичида биринчи даражада узун муддат ишлаган киши шубҳасиз Айний афанди эди” [6, Б.76].

Ҳожи Муин ўз фикрларини давом эттириб: ”Ва газетанинг масъул муҳаррирлиги сўнгги йилларда турлук кишилар қўлиға ўтса ҳам, лекин ул маънавий

жиҳатдан юксала олмади. Охири, 22-нчи йил ўрталарида 304-нчи сонида тўхталди. Туркистонда шўро ҳукумати томонидан бошлаб чиқарилғон ва узун муддат яшағон газета (Меҳнаткашлар товуши газетаси – Ф.Т) шудир" [7, Б.21]. Демак, Садриддин Айний Самарқандда энг узоқ давр чоп бўлган ушбу газетада фаолият курсатган матбаачи сифатида танилади.

"Шуълаи инқилоб" ҳафталик мажмуа (журнал) нашри 1919 йил 10 апрелдан бошлаб, 1921 йилнинг декабрь ойига қадар давом этди. Ушбу мажмуанинг масъул муҳаррири Саидризо Ализода бўлиб, Самарқанд вилоят иштирокиюн Қўмитаси журналга муассис эди. Жами унинг 91 сони чоп этилиб, ҳар бир сони 8 саҳифадан иборат эди [8]. Бу ҳақда С.Айний шундай ёзади: "Шуълаи инқилоб" [9,Б. 337] ("Инқилоб шўъласи") журналида 23-сонидан (1919 йил, 7 декабрь) менинг мақолаларим бошланади. Олдин "Син Мим" (отамнинг номи "Саидмурод" эди, "Саидмуродзода" унвонидан икки харфи олинган эди) ва гоҳида "Қоф – Син" имзосида,гоҳида "Син – хо", "Син", "хо", "Син-коф", "Сод – Айн" ва "Сод – Айнӣ" имзосида ҳам то журналнинг тўхтаганигача – 91-сонигача (1921 йил, 8 декабрь-Ф.Т.) тўлиқ икки йил давом этди. "Қоф-Алиф" имзосида ҳам менинг баъзи мақолаларим чоп бўлган эди [10, Б. 7 ].

С.Айнийнинг қизи, адабиётшунос олима Холида Айнийнинг ёзишича, 1919 йил 13 июлдан бошлаб икки йил-й беш ой ичида "Шуълаи инқилоб" журналида С.Айнийнинг 67 та мақоласи эълон қилинган [11, Б.78]. Адабиётшунос олим А.Маниёзов С.Айнийнинг биргина "Шуълаи инқилоб" журналида турли тахаллуслар билан 90 га яқин шеър ва мақолалари босилганлигини кўрсатиб ўтади. Шунингдек, Айний "Сарсон", "Фуртакигўй", "Толесиз", "Азғич", "Таёқ", "Зимғойиб", "Бузина", "Баттол", "Рўзадор" [12, 43] каби турли имзо ва тахаллуслар билан ўша давр матбуот саҳифаларида кўплаб ҳажвий шеърлари ва мақолалари нашр этилган.

"1919 йилда Самарқандда татарлар мактабининг мудир ва муаллими ўртоқ Хабир Абдуллаевнинг ташаббуси билан маориф идораси томонидан "Болалар йўлдоши" [13. Б.4] исмида болаларға махсус бир журнал (тошбосмада) чиқарилиб, бу журналнинг бор-йўғи 3-нчи сони босилди. Бу мажмуанинг муҳаррири Хабир, масъул мудири Абдурашид Абдужаббор ўғли эдилар. Бунинг таҳрир ҳайъатида С.Айний афанди ҳам бор эди. Самарқадда биринчи маротаба болаларға таъсис этилиб, чиқарилғон мажмуа шу эди" [14, Б. 124].

1921 – 1923 йилларда С.Айний Бухоро Халқ Совет Республикасининг Самарқанддаги консулхонасига маслаҳатчи сифатида ишлади [15, Б.9]. Бу ерда у матбуотчилик ва адабий ижодиёт билан шуғулланишни давом эттирди. Бу йиллар мобайнида олим матбуот саҳифаларида собиқ амир ҳукуматини танқид остига олинган бир қатор мақолалари билан Самарқанд матбуотида қатнаша бошлайди. Шунингдек, у нашриёт ва таҳрир ишларида фаол иштирок этиб, ўзининг инқилобий руҳдаги шеърларини, алоҳида мустақил йирик асарлар ҳам яратади, китоб шаклида БХСР Маориф нозирлиги ҳисобидан нашр эттирди [16, Б. 89].

1923 йилда БХСРнинг Самарқанддаги консулхонси ёпилгач, С.Айний ўша йилнинг охирида Самарқанддаги Бухгосторг (Бухоро савдо уйи, ташкилоти)га мудир қилиб тайинлади. С.Айний бу вазифада ишлашни рад қилади. "Лекин Бухоронинг савдо ишлари бошлиғи одам топилишига қадар вақтинча ишлаб туришга кўндирди. Бироқ, бу "вақтинча" иш ва менинг мудирлик номим 1924 йилнинг бошидан 1925 йилнинг бошига қадар давом этди" [17, Б.100] деб ёзган эди олим. "Ўрта Осиё республикалари миллий чегараланишдан кейин Самарқанд Бухгосторги идораси Ўзбекистон ҳукумати ихтиёрига ўтди ва мени яна мудир қилиб тайинлдашди. Аммо мен Самарқанд Вилоят Комитетига ариза бериб, бу ишдан озод бўлдим ва тамомига адабий ишга берилиб кетдим" [18, Б.101].

С.Айний Самарқанддаги мактабларни янгича дарсликлар билан таъминлаш мақсадида қиз болалар мактаби учун мўлжалланган “Қиз бола ёки Холида” [19] (1924] дарслиги нашр этди. 1931 йилда адиб бошчилигида бир гуруҳ муаллифлар томонидан биринчи босқич мактаблар учун тожик тилида “5 дар 4” [20, Б. 4] (“5 ни 4 га”) номли ўқиш китоби тузилди. У Самарқанддаги мактабларда она тили ва адабиёти, тарих фанларидан дарс бериб, мураббийлик соҳасида самарали фаолият кўрсатди.

С.Айний 1926 йилнинг 15 июнида Самарқандда таъсис бўлган Тожикистон Давлат нашриётига муҳаррир, илмий ва адабий консультант бўлиб ишга киради ва 1933 йилнинг сентябригача шу лавозимда ишлайди. Бу вақтда миллий кадрлар етишмас, адабий ходимлар озчиликни ташкил этар эди. Олим бу ерда кўплаб асарларни таржима қилиш ва нашрга тайёрлаш ишлари билан шуғулланади.

Маълумки, С.Айний шарқ қўлёзма манбаларининг моҳир тадқиқотчиси ва таржимон сифатида ҳам танилган. Олим Самарқандда яшаган йилларида кўплаб асарлар ёзиш билан бирга Ўрта Осиёнинг қадимги, илк ва ўрта асрлар даври тарихига оид кўплаб тарихий манбаларни тадқиқ қилган, уларни нашрга тайёрлашга ҳам бошчилик қилган. Шунингдек, нодир қўлёзма асарлар асосида олим кўплаб тарихий, илмий, адабий асарлар ва мақолаларни эълон қилди. Жумладан, муаллифнинг юқорида кўрсатиб ўтилган “Тожик адабиётидан намуналар”, “Бухоро манғит амирлари тарихи”, “Муқанна исёни” каби асарлари араб, форс ва туркий тиллардаги Шарқ қўлёзма манбалари асосида яратилган.

Жумладан, Самарқанд тарихига оид муҳим манбалардан бири бўлган тарихчи олим Абу Тохирхожанинг “Самария” асари 1921 йили, Абдулмўмин Сатторий [21] томонидан форс тилидан ўзбек тилига таржима қилинган эди. Бу таржима 1925 йили С.Айний томонидан таҳрир қилиниб, нашрга тайёрланган. У Сатторий таржимасига айрим тузатишлар киритиш билан бирга, китобга сўзбоши ва зарур атамаларга изоҳлар ҳам ёзган. Лекин асар нашрга тайёрланганича қолиб кетган ва ЎзССР Фанлар Академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланади. С.Айнийнинг ёзишича, Сатторий “Самария” асарини қўлёзма нусха асосида таржима қилган, лекин бу қайси нусха эканлиги кўрсатилмаган. Таржима биринчи бор таҳрир қилинганида адиб бу асарнинг Н.И.Веселовский бостирган матнидан фойдаланган [22, Б.7-10].

1927 йилда Самарқандда Олий педагогика институти (ҳозирги СамДУ) таъсис этилиб, Садриддин Айний ва Абдурауф Фитрат ушбу олийгоҳда ўзбек мумтоз адабиёти кафедрасини ташкил этилишида ташаббускор бўлишган. 1935 йилдан бошлаб С.Айний номзодлик ва докторлик диссертацияларига илмий раҳбар, консультант ва бир қатор тадқиқотларга оппонентлик қилди ҳамда кўплаб илмий кадрлар ва шогирдлар етиштирди. 1943 йил ноябрь ойида Ўзбекистон ССР Фанлар Академияси тузилганда академия таркибига сайланган академиклар орасида С.Айний ҳам бор эди.

Маърифатпарвар адиб ва жамоат арбоби Садриддин Саидмуродхўжа ўғли Айнийнинг Ўзбекистонда илм-маърифат, маданият ва маънавиятни ривожлантиришга қўшган салмоқли хизматлари учун, 2001 йилда “Буюк хизматлари учун” мукофоти билан тақдирланди.

**Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати**

1. Айний С. Намунаи адабиёти точик. – Москва: Чопхонаи нашриёти маркази халқии Жамоҳири шўравии Сўсиёлистӣ, 1926.
2. Айний С. Қисқача таржимаи ҳолим // Асарлар. 8 жилдлик. 1-жилд. – Тошкент: Ўздавнашр, 1963.

3. Айний С. Мусулмон мактаблари ва программа // Меҳнаткашлар товуши, 1919 йил 24 декабрь; Тошкент хотиралари // Меҳнаткашлар товуши, 1919 йил 14-20 сентябрь; Зиёи илм // Меҳнаткашлар товуши, 1919 йил 28 декабрь. – № 127, Самарқанд хабарлари // Меҳнаткашлар товуши. 1919 йил 1 – 2 октябрь; Аҳмад Махдум //Меҳнаткашлар товуши, 1920 йил 10 ноябрь; Мусибати Маҳмудхўжа Беҳбудий ва рафиқонаш. 1920 йил 5 апрель. – №35; Махмудхўжа ҳазратларининг қикача таржимаи ҳоли // Меҳнаткашлар товуши, 1920 йил 8 апрель.
4. Айний С.Мухтасар таржимаи холи худам // Куллиёт. 16 жилдлик. 1-жилд. – Сталинобод, 1958.
5. 1920 – 1930 йиллар давомида Айнийнинг мактабларда ўқитувчилик фаолияти, мактаб ўқувчилари учун ёзган айрим мақолалари, фан дастурлари ва шеърлари ҳақида қаранг: Айнй С. Мактаб чист. Саидризо Ализода. Соли нахустин. Боройи мактабхойи ибтидой. – Самарқанд.
6. Айний С.Қисқача таржимаи ҳолим // Асарлар. 8 жилдлик. 1-жилд. – Т.: Ўздавнашр, 1963.
7. Ҳожи Муин. Танланган асарлар. (Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи Н.Намозова). – Тошкент: Маънавият, 2005.
8. Ҳожи Муин. Танланган асарлар.
9. Айний С. Намунаи адабиёти точик // Куллиёт. Чилди 16. – Душанбе, 2010.
10. Айний С. Намунаи адабиёти точик. – Москва: Чопхонаи нашриёти маркази халқии Жамоҳири шўравии Сўсиёлистй, 1926.
11. Холида Айний. Жизнь Садриддинй Айни. – Душанбе, 1982.
12. Ҳасанов М. Айний чамани.-Тошкент. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981.
13. Айний С. Амир Темур биноларидан Бибихоним харобаси ила мусоҳаба // Болалар йўлдоши, 1919 йил 23 май. – № 2 – 3.
14. Ҳожи Муин. Танланган асарлар.(Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи Н.Намозова). – Тошкент: Маънавият, 2005.
15. Айний С. Қисқача таржимаи холим // Асарлар. 8 жилдлик. 1-жилд.
16. Айний С. Мажмуаи ашъори инқилобий форсий (точикй). Бухоро халқ маориф назорати, 1923.
17. Айний С. Қисқача таржимаи холим // Асарлар, 8 жилдлик. 1-жилд.
18. Айний С. Қисқача таржимаи холим // Асарлар, 8 жилдлик. 1-жилд.
19. Айний С. Қизбола ёки Холида. Ибтидоий қиз мактаблари учун адабий, ахлоқий ўқув китоби. Ношир: Абдулвоҳид Мунзим. – Берлин, 1924
20. Айний С.Исмоилзода, Лубенцов, Пайоав Сулаймон, Раҳим Хошим. Китоби барои солхои 4 ва 5 мактабхои даражаи аввал ва техникумҳо. – Самарқанд, 1931.
21. Абдулмўмин Сатторий-истеъдодли маҳаллий ўлкашунос олим. 1925 йилнинг 23 июлида сил касали билан вафот этган.
22. Абу Тохирхожа. Самария. – Тошкент: Камалак, 1991.


## ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ ВА МАДАНИЯТИНИ ЎРГАНИШДА БУХОРО МАДРАСАЛАРИНИНГ МАНБАШУНОСЛИГИ ВА ТАРИХШУНОСЛИГИ

***Бобожонова Феруза Хаятовна – тарих фанлари номзоди, доцент. Бухоро давлат университети.***

***Элмуродова Нигора Жобир қизи – Бухоро давлат университети ўқитувчиси***

Бугунги тарихни нафақат ўрганиш балки уни илмий жиҳатдан асосланган ҳолда, тарихий жараёнларнинг моҳиятини очиб бериш тарихчилар олдида турган энг долзарб вазифадир. Бухоро мадрасалари тарихини ўрганиш бугунги кунгача тарихчилар эътиборини ўзига жалб қилиб келмоқда.

Мамлакатимиз мустақилликни қўлга киритганидан кейин юртимиз, халқимиз тарихини чуқур ўрганиш, уни илмий асосда ҳаққоний тадқиқ этиш, қадимий манбаларни холислик билан асл ҳолида тиклаш, мадрасалар тарихини ўрганиш бериш республикамиз маданий, маънавий ҳаётидаги асосий масалалардан бирига айланди. Мустақиллик шарофати ила тарихимизга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Ўтмишимизни илмий, холисона тарзда баён қилиш замон талабига айланди.

Бухоро мадрасалари таълим тизимининг энг юқори босқичи бўлиб, илм маскани сифатида нафақат Туркистон минтақасида, балки барча мусулмон мамлакатларида маданият ўчоқлари вазифасини ўтаб, маърифат маркази бўлганлигидан далолат беради. Бухоро мадрасалари ислом оламидаги энг машҳур ва нуфузли олий ўқув юрти бўлиб, уларда таълим олган уламоларнинг диний масалалардаги фикрлари Миср ва Ҳижозда ўқиганларнинг фикрларидан кўра мўътабарроқ ҳисобланган. Мадрасаларимизда диний ва дунёвий илмларни чуқур ўргатиш натижасида диний маърифатимиз янада юксак даражада шаклланди. Ислом дини жамият маърифати учун улкан аҳамиятга эгадир. Шубҳасиз ҳозирги замонда ислом маърифати инсонларни ҳалол-покиза, имон-эътиқодли, адолатли, инсоф-диёнатли, меҳнатсевар, меҳр-мурувватли, раҳм-шафқатли, маърифатли, ватанпарвар бўлишга, инсонга, ота-онага, аёлларга нисбатан ҳурмат-эътибор билан қарашга чорлайди. Мадрасалар тарихини ўрганиш ёш авлодни илмли, зиёли ватанига, эл-юртига фидойи руҳда тарбиялашда катта аҳамият касб этади.

XIX аср охири ва XX аср бошларида Бухоро амирлигидаги мавжуд мадрасалар, яъни ўқув юртлари сон жиҳатдан, ўқишни истаган барча ёшларнинг билим олиш эҳтиёжини қондириши учун етарли эди. Мадрасалар талабаларнинг маънавий қиёфасини шакллантиришда муҳим ахамият касб этиб, уларда халқимизнинг минг йиллар давомида шаклланган анъаналари, урф-одат, ахлоқ-одоб меъёрлари, тарихий-миллий қадриятларини сақлаб қолишга, уларни камтар, хушмуомалали, ростгўй, олийжаноб, сабр-тоқатли, ҳалол қилиб тарбиялашга ёрдам берган.

Маҳаллий муаллифларнинг асар ва мақолалари Бухорода таълим тизимини ислоҳ этиш, мадрасалардаги ўқитиш тизими муаммоларига бағишланган эди. Улар орасида Абдурауф Фитратнинг асарлари алоҳида ўрин тутади. Унда муаллиф таълим-тарбия масалаларига алоҳида урғу қаратиб, мавжуд муаммоларни кескин танқид остига олади. Ўша давр муаллифи Ражабзода Ниёзий ва М.З.Мирзозодаларнинг мақолаларида таълим тизими замон талабларидан анча орқада қолганлиги кескин танқид остига олинган. Таълим тизимини ислоҳ қилиш ҳамда бу соҳадаги муаммоларга Туркистон жадидларининг ўнлаб мақолалари бағишланган эди.

Бухоро амирлигида таълим тизимини ислоҳ қилиш масалаларини кўтарган маҳаллий маърифатпарварлар – Абдурауф Фитрат, Файзулла Хўжаев, Садриддин Айний, Садри Зиё қаламига мансуб тадқиқотларни алоҳида қайд этиш лозим. Хусусан, Абдурауф Фитрат асарида амирликдаги мадрасалар ҳамда уларда таълим ва тарбия масалалари ҳамда Файзулла Хўжаев мақола ва асарларида ўқитиш масканларининг асл моҳияти, ижтимоий аҳамияти, Садриддин Айний асарида таълим тизимидаги ўқув-услубий ва тарбиявий муаммолар таҳлил қилинган бўлиб, бу асарлар масалага холисона ёндашуви билан ажралиб туради. Бухоро қозикалони

Муҳаммад Шарифжон (Садри Зиё) ҳам ўз асарида Бухородаги илмий-адабий муҳит, таълим тизими ва мадрасалари тарихига оид муҳим маълумотлар берган.

Шарқшунос олим В.В.Бартольднинг асарларида эса Бухоро амирлигидаги маданий ҳаёт, айниқса, амир Абдулаҳадхон ва амир Олимхонларнинг ҳукмронлиги давридаги меъморчилик, европача услубидаги бинолар қурилиши, техник янгиликлар ва уларнинг маҳаллий аҳолининг илғор қатлами кайфиятига ижобий таъсири тўғрисидаги маълумотлар қайд этилади. БХСР раҳбарларидан бири М.Саиджоновнинг мақоласида ҳам мадрасаларга оид қизиқарли фактлар ўрин олган.

XX аср 60-йилларидан бошлаб миллий озодлик ва ислоҳотчилик ҳаракатларига нисбатан кескин муносабатнинг бир оз юмшаши, жадидларнинг мактабларни ислоҳ қилиш ҳаракатларининг тан олиниши мазкур давр адабиётларида ҳам намоён бўлди. К.Е.Бендриков, И.М.Мўминов, А.М.Богоутдинов, В.Б.Лунин, Й.Абдуллаев, Г.М.Билолов, А.И.Ишанов кабиларнинг асарларида бу ҳол яққол намоён бўлади.

Хусусан, К.Е.Бендриков ва Й.Абдуллаев тадқиқотларида Туркистон генерал-губернаторлигидаги мадрасалари тўғрисидаги маълумотлар қайд этилиши мазкур муаммо талқинига тазйиқлар нисбатан юмшаганлигини намоён этади.

1970 йиллардан бошлаб совет тарихшунослигида таълим тизими тарихига мансуб қатор асарлар юзага келди. Хусусан, И.Иргашев, А.Муҳаммаджонов, Ш.Исмоилов, А.И.Абдусамедов, Н.М.Раҳмонов, Б.Қосимов, Н.Йўлдошев ва бошқаларнинг тадқиқотларида мадрасалар тўғрисида кўплаб маълумотлар илмий истеъмолга киритилган. Аммо уларнинг хулосаларида коммунистик мафкуранинг таъсири яққол намоён бўлиб, масаланинг моҳияти чуқур очиб берилмаган.

Совет даври нашрлари орасида қайта қуриш йилларига мансуб тадқиқотлар алоҳида ўрин тутади, улар масалага нисбатан холисона ёндашуви билан ажралиб туради. Бу даврда жадид маърифатпарварлари фаолияти ҳақида илк холисона фикрлар илгари сурила бошланди. Мазкур даврда таълим масканлари масалалари Р.Раҳимов, Э.Каримов, Ҳ.Болтабоев, П.Мирза-Ахмедова, Д.Рашидова, Н.Каримов каби тадқиқотчилари асарларида нисбатан холисона ёритилганлиги билан ажралиб туради.

Мустақиллик давр тадқиқотчилари қаторига Д.А.Алимова, Г.Турсунметова, Р.Ҳ.Каримов кабиларни санаб ўтиш мумкин. Масалан, Д.А.Алимова ўз мақоласида маориф масалаларига тўхталиб, таълимнинг маданий ҳаётдаги мавқеини аниқ фактлар асосида очиб берган.

Бу даврда Б.Эргашев, Р.Абдуллаев, У.Долимов, Қ.Ражабов, Б.Исмоилов, Э.Орифжонов, Б.Расулов, Ш.Воҳидов, Н.М.Раҳмонов, Г.Ф.Солижонова, А.М.Худойқулов, Р.Шамсутдинов, Н.Наимов қаламига мансуб тадқиқотларда Туркистондаги маърифатпарварлик ҳаракатлари, уларнинг ғоялари, ижтимоий-сиёсий фаолияти ҳамда таълим тизимини ислоҳ қилиш ҳаракатлари ўзининг холисона баҳосини олди, кўплаб янги маълумотлар илмий муомалага киритилди.

Хусусан, Қ.Ражабовнинг тадқиқотларида тараққийпарвар жадидларнинг илм-маърифат ғояларини, таълим-тарбияни ислоҳ қилиш масалаларини очиб берувчи қимматли маълумотлар қайд этилади. Ш.Воҳидовнинг тадқиқотларида Бухоро амирлигидаги мадрасалар фаолияти, мударрис лавозими ва уларнинг маоши ҳақида қизиқарли маълумотлар берилади.

Юқорида қайд этилган асарларнинг катта қисмида таълимнинг замон талабларидан ортда қолганлиги алоҳида таъкидланди, бу қолоқлик асосан мадрасалардаги шарт-шароит, дунёвий билимлар етишмаслиги билан изоҳланди.

Мустақиллик даврида ҳам Бухоро амирлигидаги таълим тизими масалаларига турлича ёндашувлар шаклланди. Аммо айни пайтда таълимни фақатгина ижобий

баҳолаб, муаммоларни қайд этмаслик ёки атайин эътиборсиз қолдириш тенденциялари ҳам пайдо бўлди. Хусусан, Э.Орифжонов, Г.Солижонова ва Р.Шарипов тадқиқотларида таълим тизимидаги муаммолар, уларнинг сабаб ва оқибатлари чуқур таҳлил этилмай, уларнинг фаолияти бутунлай ижобий баҳоланди. У.Долимов мақоласида эса таълим тизими муаммолари тўғрисида бир қатор муҳим маълумотлар келтирилган ҳолда, улар бутунлай салбий баҳоланган.

Тарихчи Д.Зияеванинг мақолаларида таълим тизимининг муаммолари, ўқув жараёни ва предметлари, ўқитиш услубининг таҳлили орқали бу соҳадаги қолоқлик сабаблари таҳлил этилди.

Ўрта Осиёда жадидчилик ва ислоҳотчилик ҳаракатлари қўшни республика тадқиқотчилар томонидан ҳам ўрганилган. Хусусан, Тожикистон Республикасида Бухоро тарихи билан кўп йиллар давомида шуғулланган Н.Гафаров тадқиқотида Бухоро амирлигида жадидларнинг маданий-маърифий фаолияти ёритилиши муносабати билан мадрасаларига тегишли бўлган маълумотлар ҳам кўрсатиб ўтилган бўлса, Н.Ҳотамовнинг тадқиқотларида таълим масканлари фаолияти ўз аксини топган.

Хорижий тарихшуносликда Бухоро амирлигидаги таълим тизими масалаларига Боймирза Ҳайит, Меҳмет Сарай турк тилидаги асарларида, немис олимаси Анке Фон Кюгельген, француз тадқиқотчиси Элен Каррер д`Энкаус, итальян тарихчиси Паоло Сартори асарларида, америкалик олим Эдвард Олворт ва Адиб Халид, немис шарқшуноси У.Алворс асарларида эътибор қаратилган. Мазкур тадқиқотларда Бухоро амирлигидаги таълим тизими ислом дини ва ижтимоий-сиёсий жараёнлар билан боғлиқ тарзда, маълум бир даврий чегараларда, умумий тарзда, қисман таърифланган бўлиб, масаланинг моҳияти яхлит, атрофлича ва махсус ўрганилмаган.

Кейинги йилларда Бухоро амирлигидаги мадрасалар тўғрисида тадқиқотлар олиб борилди. Хусусан, Ж.Абдусатторнинг тадқиқотларида IX–XX аср бошлари оралиғи Бухоро шаҳри ва туманларида мавжуд бўлган олий ўқув юртлари тарихи масалаларини очиб берувчи қимматли маълумотлар қайд этилади. Л.Асророванинг тадқиқотларида Бухоро амирлиги даврида мадрасалар, уларнинг ўқув тизими, талабалар ҳамда мударрислар фаолияти ҳақида қизиқарли маълумотлар берилган.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон тарихи ва маданиятини ўрганишда Бухоро мадрасаларининг манбашунослиги ва тарихшунослигининг ўрни ва роли каттадир. Ўрта асрларда Бухоро мадрасалари илм маскани сифатида нафақат Мовароуннаҳрда, балки Марказий Осиё, мусулмон шарқида ҳам машҳур эди. Мадрасани муваффақиятли битирганлардан мамлакат бошқаруви, ҳуқуқ-тартибот ва таълим муассасалари учун кадрлар, уламолар етишиб чиққан. Демак, Бухоро мадрасалари ислом оламидаги энг машҳур ва нуфузли олий ўқув юрти бўлиб, мусулмон оламида ўз даври учун энг кучли ва иқтидорли мутахассисларни тайёрлаган.

**Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати**


1. Асророва Лобар Қобилжон қизи Бухоро мадрасалари тарихидан. – Тошкент: «Hilol-Nashr» 2017. – Б.224.
2. Бартольд В.В. Бухара. Её памятники и их судьба // Сочинения. – М.: Наука, 1966. в 9 томах. Т.IV. – С.72.
3. Бухоро ҳукуматининг ислоҳкорона қадамлари // Ойина, 1915. – № 8.
4. Жуманазар, Абдусаттор Бухоро таълим тизими тарихи 2017. – Тошкент: Akademnashr, 2017. – Б.592.
5. Зуҳириддин Фатхуддинзода. Илм ва тараққий // Ойина, 1914. – №17.

6. Йўлдошев Н. Маърифат фидойилари // Гулистон. – Тошкент, 1991. – № 4-6. – Б.20-21.
7. Каримов Р.Ҳ. XIX аср охири – XX аср бошлари Бухорода маънавий ҳаёт / Бухоро тарих саҳифалари.– Бухоро, 1999. – Б.182-190.
8. Мирзозода М.З. Илм ва маориф // Садои Туркистон, 1914. – 18 июль.
9. Ниёзий Ражабзода. Ибтидоий мактабларимизнинг тартибсизлиги ёхуд тараққийнинг йўли // Ойина, 1914. – № 38.
10. Саиджонов М. Бухоро шаҳри ва эски бинолари // Маориф ва ўқитувчи. – Тошкент, 1927. – № 3-4. – Б.8-11.
11. Фитрат А. Ўзбек адабиёти намуналари. Биринчи жилд. – Самарқанд – Тошкент, 1928. – Б. 26.
12. Шамсий П. Улум ва маориф // Ойина, 1915. – № 8.
13. Шамсутдинов Р., Расулов Б. Туркистон мактаб ва мадрасалари тарихи (XIX аср охири XX аср бошлари). – Андижон: Андижон давлат университети, 1995. – Б.152.
14. Ҳозирги Бухоронинг аҳволи //Садои Туркистон, 1914. – 12 июль.
15. Baymirza Hayit. Sovyetler Birliginde`ki Turklugun ve islamin bazi meseleleri / Turk dunyasi arastirmalari vakfi.– Istambul, 1987. – 260 s.
16. Мехмет Сарай. Турк дунёсида маориф ислоҳоти ва Ғаспирали Исмоил. Анқара, 1987. – Б.49.

## ЎЗБЕКИСТОНДА МУСИҚА МАДАНИЯТИ ВА ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ТАРИХИ МАСАЛАСИНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

***С.Б.Муртазова – ҚарМИИ “Ўзбекистон тарихи” кафедраси доценти, PhD***

«Тарих» ижтимоий-гуманитар фанлар тизимида муҳим ўринлардан бирини эгаллаб, кишилик жамияти ўтмишини, унинг турли-туман соҳаларидаги тараққиёти ва ўзгариб бориш жараёнини ўрганади. Шунингдек, тарих бу инсоният тўғрисидаги фан бўлиб, ўтмишни тадқиқот йўли билан аниқлайди ва инсоният томонидан яратилган янгиликлар ҳамда ўзгаришларни тадқиқ этиш ва бизгача ўтган даврни ўрганиб келажак авлодга етказадиган фандир.

Келажакни билишда ўтмиш сабоқлари ва хулосалари муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирги замон шароитида рўй бераётган турли хил воқеа ва ҳодиса, жараёнлар ҳамда уларни келтириб чиқарган омилларни билиш ва турли хил ижтимоий муаммоларни ҳал этиш эҳтиёжи тарихга мурожаат этиш учун асос бўлади. Қолаверса, тарих жамият учун ҳар доим ижтимоий тажриба вазифасини бажариб, ҳозирги фаолиятимиз учун пойдевор вазифасини бажаради. Тарихни билиш орқали инсон ўзлигини, замон ва макондаги ўрнини англайди.

Цицерон «тарих — ҳаёт мураббийсидир» деб атаган бўлса, Леонардо до Винчининг фикрича, «ўтган давр ва жаҳон мамлакатлари ўтмишини билмоқ — инсон кўрки ва унинг ақлий маҳсулидир». Рус тарихининг отаси Н. М. Карамзин бу борада фикр юритар экан, «Тарих халқларнинг муқаддас китоби бўлиб, уларнинг ҳаёти ва фаолиятларининг кўзгуси, ота-боболарининг авлодларга қолдирган кашфиётлари ва одоб-аҳлоқларидан лавҳалар бўлиб, ҳозирги даврни шарҳлаш ва келажакка намуна бўлиб хизмат қиладиган, тўлдирадиган заруратдир», деб ёзади [10, – С .11-12].

Совет даври илмий-тадқиқот мавзуси, масаланинг концептуал қўйилиши, назарий-услубий асослари ғоявий доктринага боғлиқ бўлиб, ишга сиёсий-

мафкуравий омиллар кучли таъсир қилди ҳамда уларда партия ва давлатнинг турли анжуманлари, қарорлари ва фармонлар ижросини таъминлаш учун хизмат қилишга йўналтирилди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда бу масалага жиддий ёндашилиб, тарихий воқеа-ҳодисалар баёнида объективликка катта аҳамият қаратилди.

Тарих фани тадқиқотларида тарихий воқелик ва тарихий манбалар муҳим ўрин эгаллаб, мана шу икки масалага том маънода илмий ёндашиш тарих фанининг назарияси ва методологиясини аниқ белгилашда ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Бу борада рус олими М. А. Барг шундай ёзади: «Тарихий аниқ воқеликлар чиндан ҳам мавжуд бўлган асослардан иборат бўлиб, маълум макон ва замон доирасида содир бўлади, уларнинг мазмуни, уларни изоҳлаш ёки шарҳлашга боғлиқ бўлмайди» [3].

Замонавий шахсни дунёни ҳис қилиши ва англаши жуда мураккаб, кўп қиррали жараён бўлиб, кўпгина тафовутлар, зиддиятлар, муаммолар инсоннинг мураккаб ички маънавий дунёси шаклланишига ўз салбий таъсирини кўрсатади. Шу сабабли ёш авлод ички маънавий дунёси тушунчасини сифатли янги поғонага кўтариш нафақат назарий моҳиятга, балки ёрқин ифодаланган долзарбликка эгадир.

Ҳозирги мураккаб давр талабларидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, демократик жамият қуриш йўлидан бораётган Ўзбекистон жамияти учун ўзлигини аниқлашда тарихий онгни шакллантириш муҳим маънавий вазифалардан бири ҳисобланади. “Таркибий муносабатда тарихий онг Ватанга муҳаббат, ўзи туғилиб яшайдиган мамлакат ва халққа мансублик ҳиссига асосланган эътиқод ва турли хил тарихий билимларнинг ўзига хос синтезини ифодалайди”[2, – Б.48].

Тарихий онгнинг шаклланишида халқларнинг урф-одати, анъана ва удумлари, адабиёти ва санъатининг ўрни беқиёсдир. Хусусан, санъат ўзида маълум бир тарихий ҳодисаларни ифодалайди. Санъатнинг энг муҳим йўналишларидан бири – мусиқа санъатида ҳам давр руҳияти, ижтимоий муносабатлар тизими, кишиларнинг қизиқиш ва интилишлари, идеаллари, борлиққа муносабати ўз ифодасини топади. Бироқ муайян тарихий давр ҳақида мусиқа санъати аниқ маълумот бермаса-да, унинг у ёки бу жиҳатини ўрганишга хизмат қиладиган далилларни тақдим эта олади.

Мусиқий маданият яхлит ҳолда инсон ички дунёсининг муҳим қисмидир. Мусиқани инсоният ҳаётидаги мазмунлилиги фақатгина ҳиссиётларни ифода этиш соҳаси билан чегараланмайди. У анча чуқуррoқ сингиб бориб, онг остига таъсир этади ва одамларнинг маданий-тарихий хотираси механизмини ҳаракатга келтиради, уларнинг ичида “ўралиб ётган маълумотлар” ҳолатида ётган нарсани актуаллаштиради. Асл мусиқа инсон маънавиятини ривожланишига ундайди, инсонни борлиқнинг олий қадриятларига мослаштиради. Универсум уйғунлиги кўринишида мусиқа инсон билан космос ўртасида мустаҳкам боғланиш ўрнатади.

Мусиқа табиати иккиёқламадир, бу унинг анализини алоҳида мураккаблигини белгилайди. Бир тарафдан, мусиқа маданият, тарих, урф-одатлар, жамоа донолиги маҳсули, ижтимоий ўзаро таъсирларнинг қудратли омили кўринишида намоён бўлади, яъни объектив мавжуд ва объектив ёндашувни талаб этувчи ҳодиса. Аммо, бошқа тарафдан, бу улкан объект шу билан мавжудки, у тажриба билан озиқланади, тажрибадан яралади, тажриба доим чуқур индивидуал, шахсий ва субъективдир.

Жамият ривожланишининг муҳим даврлари маданиятнинг турли соҳаларида содир бўлаётган жараёнлар ва фалсафий фикрлар ҳаракати орасида чуқур ички боғланиш мавжуд. Мусиқага оид турли тушунча, атамалар муайян меъёрда фалсафий ижодда қўлланиб, шу тариқа қатор чуқур ва аниқ метафораларни ифода этиши мумкин. Муайян тарихий даврларда фалсафий тушунчалар сезиларли даражада мусиқанинг мавжуд сифатлари, мусиқа маданиятининг ўзига хослигини ва йўналишини шарҳлаб беради. Шу аснода, мусиқа маданияти муайян тарихий

даврларда фалсафий мунозараларга алоҳида таъсир ўтказиб, фалсафий дунёқарашга ва ҳаттоки, дунё манзарасига айланиши мумкин. Мазкур интеграция, у ёки бу тарихий даврнинг фалсафий мунозарасига мусиқий ижодни айланма таъсир этиши мумкинлиги кераклича ўрганилмаган.

“Мусиқа фалсафа”си атамаси Ўзбекистонда ва хорижда илк маротаба XX асрнинг 30-йилларида ва айниқса, 70-йиллардан бошлаб, у билан боғлиқ муаммолар кенг назарий тушунчага эга бўлди.

“Мусиқа” (юнонча musike, musa) – турли-туман товушлар билан бадиий образ яратиб берувчи, ғоявий-эмоционал мазмунга эга бўлган санъатнинг бир тури [1, – Б.179].

Асосий эътиборини мусиқани ўрганишнинг умумметодологик масалаларида мужассамлаб, мусиқа фалсафаси бошқа мусиқани ўрганаётган фанлардан фарқли ўлароқ “метаназария” нинг мураккаб функциясини зиммасига олади, яъни мусиқа ҳақидаги кенгроқ фалсафий ва санъатшунослик билимларни назарий синтезини амалга оширади.

Фалсафий дунёқараш ва мусиқий ифодаларнинг ўзаро боғлиқлик масаласи ҳозирги вақтда ҳаққоний тарзда илмий қизиқиш уйғотмоқда. Мусиқа олам манзарасини яратиш жараёнининг таркибий қисми бўлиш хусусиятига эга.

Мусиқа маданияти мақсад сари йўналтирилган мусиқий тарбиянинг энг унумли натижаси сифатида, мусиқий ижоднинг ривожини олий савиядаги кўрсаткичи сифатида ва энг муҳими-муайян тарихий давр “мусиқа фалсафа”сининг мавжуд спецификаси сифатида, умуман фалсафий рефлексия ривожланишининг органик қисми сифатида намоён бўлиши мумкин. Қолаверса, мусиқа ривожланишнинг шундай юқори савиясини, дунёни, инсонни ва инсонни оламга бўлган муносабатини ифодалаш қобилиятига эриша оладики, инсоннинг дунёқарашлар тушунчасига, дунёни англаш мезонларига муайян таъсир ўтказа олади, демак, фалсафий рефлексиянинг компонентларидан бири бўла олади.

Мусиқа санъати инсонни олам билан ўзаро таъсир этишининг усулидир, мусиқа инсон учун у билан суҳбат қураётган қадрият каби, у инсоният борлиғида дунёқараш, этик, эстетик ва бошқа амалларни бажариб, яшайди. Бу ўз навбатида унинг фалсафий моҳиятига ҳам таъсир этади. Бежиз эмаски Г.В.Лейб мусиқа орқали фалсафанинг кўпгина жиҳатларини белгилай олган: онтологик, гносеологик, эстетик, этик, мантиқий ва ижтимоий.

XX аср файласуфлари томонидан мусиқанинг ижтимоий функциялари, мусиқанинг ўзгартира олиш кучи, унинг маънавий-тарбиявий ўрни кенг ўрганилмоқда. Масалан, Б.В.Лосев мусиқани мантиқ предмети, Б.В.Асафьев мусиқани дунёнинг умумий кўриниши сифатида, Ю.Н.Холопов мусиқани мусиқий билим тизимидаги эстетик қадрият сифатида, А.А.Фарбштейн фалсафада, А.Н.Сохор, В.Н.Холопова санъат тури сифатида, М.С.Каган, А.А.Шербакова инсонлар мулоқотининг воситаси сифатида ўрганишга ҳаракат қилди.

Фалсафий қарашлар тарихида мусиқани космос рақамлар, афсона, эпос, аффектлар, ижтимоий-тарихий ҳодисалар ва инсон психологияси билан боғлиқлиги кузатилади. Мусиқа ҳақидаги фалсафий концепциялар орасида А.Ф.Лосевнинг фундаментал илмий ишлари алоҳида ажралиб туради. Унда мусиқани фалсафий англашнинг феноменологик-диалектик ёндашуви қўлланилган.

Ю.Н.Холопов мусиқанинг турли йўналишлари ҳақида сўз юритди ва А.Ф.Лосевнинг мусиқа борлиғи “Рақамлар ҳаёти” ҳақидаги фикрини ривожлантириб, мусиқа тарихи дастурланган ягона генетик мусиқа кодини яхлит, бир бутунлиги сифатида тарқатиш эканлигини кўрсатган.

Муайян маънода мусиқа ва унинг тарихини янгича ёндашув, янгича савияда тадқиқ этиш зарур. Бу ҳолда мусиқанинг турли йўналишлари тарихи ва унга хос бўлган шундай хусусиятлар нуқтаи-назаридан кўриб чиқиладики, бу хусусиятлар тафаккурнинг барча бошқа қатлам ва фанлар соҳасига тегишли. Бу эса мазкур мақолада қўйилган муаммолар мажмуи фалсафий, мусиқашунослик, санъатшунослик, тарих, маданиятшунослик тадқиқотлар соҳасини қамраб олишини тақозо этди.

Ўрганилаётган муаммони назарий-услубий асосларни ишлаб чиқишда қатор тарихчи олимларнинг асарларидан фойдаланилган [4,5,6,7,8,9].

Тадқиқотни методологик базаси тарихий тамойилларига асосланиб, аниқ тарихий фактлар таҳлилга тортилади. Тарихий жараёнларни ўрганишда диалектик, гносеологик ва мантиқий ёндашув тадқиқ этилаётган муаммони ҳар томонлама тўғри ечишга имкон беради.

Танланган тадқиқот услубининг тўғри ва аниқ танланиши ишнинг мақсадига эришиш ва белгиланган вазифаларни муваффақиятли бажаришда муҳим аҳамиятга эга эканлиги ҳаётда ўз исботини топган. Шунинг учун илмий изланишлар жараёнида қуйидаги умумилмий: тахминий-дедуктив, таснифлаш, хулосалашнинг умуммантиқий услуби, индукция, тизимли таркибий услуб, шунингдек, маданият фалсафасининг маданий-тарихий тамойили. Изланишнинг назарий-методологик асоси сифатида анализ, синтез, таққослаш ва хулосалаш каби, ҳодисаларни ўрганиб чиқишнинг етарли меъёрдаги генерация ва детализациясини таъминлаб берувчи услублардан қўлланилган.

Мусиқа санъатининг турли йўналишлардан иборатлилиги, мусиқа таълими тарихини ўрганишга қўйиладиган давр талабидан келиб чиқиб, соҳанинг муайян тармоқларининг йўлга қўйилиши ва ривожлантирилиши омилларининг турли хиллиги, уларни ўрганишда турли тадқиқот услубларининг қўлланилишини тақозо этади.

Бугунги кунда фалсафа, тарих, маданиятшунослик, социология, психология, санъатшунослик каби гуманитар фанларнинг ўзаро яқинлашишининг универсал воситаси бўлмиш культурологик ёндашув мусиқа тарихи таҳлили учун катта имкониятларни намойиш этди. Культурологик ёндашув мусиқий таҳлил учун мазкур фанлар услубларини жалб этишга имкон яратади, бу билан, фанлараро боғланишларни тадқиқот жараёнида реализация этиш учун шароит яратиб беради.

Хуллас, тарихий нуқтаи назардан, тарих фани тамойиллари асосида турли илмий метдоологик услублардан фойдаланиб, мусиқа таълими тарихини ёритиш фанлараро боғлиқлик, ўзига хослик ва янгича, инновацион ёндашув асосларидан фойдаланиш имконини беради. Бу эса соҳалар тарихи, хусусан, мусиқа таълими тарихини илмий-назарий жиҳатдан ўрганишда алоҳида аҳамият касб этади.

**Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати**


1. Акбаров И. Мусиқа луғати. – Т.: “Ўқитувчи”, 1997. – Б. 179.
2. Алимова Д., Гулямова Д. Об изучении исторического сознания студенческой молодежи на современно этапе. – Ўзбекистон тарихи, 2001 йил 4-сон. – Б. 48.
3. Барг М. А. Эпоха и идеи: становление историзма. – М, 1987.
4. Зевелёв А. И. Историографическое исследование: методологические аспекты. – М.: Высш шк, 1987.
5. Ковальченко И.Д. Методы исторического исследования. – М.: Наука, 1987.
6. Ковальченко И.Д. Теоретико-методологические проблемы исторического исследования: Заметки и размышления о новых подходов // Новая и новейшая история, 1995. – № 1. – С.3-33.

7. Нечкин М. В. История истории: Некоторые методологические вопросы истории исторической науки // История и историки, – М., 1965. – С.6 – 26.
8. Сахаров А.М. Методология истории и историографии: Ст и выступления. – М.: МГУ, 1981.
9. Шмит С. О. О некоторых общих проблемах истории исторической науки // Методологические и теоретические проблемы истории исторической науки. Калинин, гос ун-т. – Калинин, 1980. – С.109-117.
10. Тойнби А. Постижение истории. – М.: 1994. – С.11-12.

## ЎЗБЕКИСТОНДА СОВЕТ ҲОКИМИЯТИ ҚАТАҒОН СИЁСАТИНИНГ ХОРИЖ ТАРИХШУНОСЛИГИДА ЁРИТИЛИШИ

***С.А.Хошимов – тарих фанлари номзоди. Андижон давлат университети Ўзбекистон тарихи кафедраси доценти***

Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг 1920 – 1930 йилларда аҳолининг турли қатламларига ҳамда сиёсий элитага қарши амалга оширган қатағон сиёсати ва унинг амалиётини турли аспектлари нафақат ўзбек тарихшунослигида, балки кўплаб ҳорижий давлатлар тарихшунослигида ҳам кенг тадқиқ этилмоқда.

Совет ҳокимиятининг собиқ Иттифоқ таркибидаги миллий республикаларда амалга оширган сиёсий қатағонларини советлар ҳукмронлиги давридаёқ хориж тадқиқотчилари томонидан яратилган илмий тадқиқотларда очиқ-ошкора ёритилган эди. Совет давлатида ҳокимиятнинг жазоловчи идоралари томонидан аҳолининг турли қатламларига нисбатан амалга оширилган репрессив сиёсат хорижда демократиянинг бўғилиши, куч ишлатиш, зўравонликнинг кучайиши, тоталитаризм шароитида халққа қўлланилган репрессив сиёсат мавзуларида кенг ёритиб борилган [1]. Аммо бу асарларнинг аксарияти собиқ Иттифоқ миқёсидаги қатағон масалаларига бағишлангани боис, Ўзбекистон бўйича маълумотлар камроқ учрайди. Бироқ ушбу маълумотлардан ҳам совет ҳокимиятининг юртимизда амалга оширган қатағон сиёсатини фожиали оқибатларини англаб олиш мумкин.

Туркистонда совет ҳокимиятининг ўрнатилиши ва ундан кейинги даврларда ерли халқ вакилларига нисбатан юритилган қатағон сиёсати мавзуси хорижда туркистонлик муҳожирларнинг тадқиқотларида мустабид тузумга қарши миллий мухолифат ҳаракати аспектида ўрганилган [2]. Бу ўринда Мустафо Чўқай, Аҳмад Заки Валидий Тўғон, Боймирза Ҳайитларнинг асарларини келтириб ўтиш жоиздир. Улар ўз асарларида совет органларининг Ўзбекистонда амалга оширган қатағон сиёсатини ўз кўрган- билганлари асосида ёритганларки, бу омиллар улар томонидан масаланинг холисона ёритилишига хизмат қилади.

Совет ҳокимияти куч ишлатиш органларининг фаолият механизмларини тадқиқ қилиб, репрессив сиёсатнинг асосий ижрочилари сифатида баҳо берган хорижлик тадқиқотчилардан бири А. Орлов (Л. Фельбина)дир. Унинг Ғарбда 1953 йил нашр этилган “Сталин жиноятларининг махфий тарихи” [3] асарида давлат хавфсизлик хизмати органлари устидан партиянинг назоратини шахсан И.В. Сталин қўлига ўтиши жараёни билан собиқ Иттифоқда қатағон сиёсатининг кучли бўронга айланишини аниқ фактик маълумотлар асосида очиб берган. Муаллиф ўз асарида Сталиннинг кўрсатмаси билан жиноий ишлар тўқиб чиқарилиб, ўз сиёсий мухолифларини йўқ қилиш механизмининг шаклланганлигини ёритган. Гарчанд, асар собиқ Иттифоқ бўйича амалга оширилган репрессив сиёсатга бағишланган бўлса-да, унда Ўрта Осиё республикаларида 1920-30-йиллардаги совет органлари амалга оширган репрессив сиёсатнинг айрим жиҳатлари ҳам ёритилган.

Роберт Конквестнинг 1968 йилда нашр этилган "Катта террор" номли китоби ҳам совет ҳокимияти амалга оширган қатағон сиёсати тарихини ўрганишда муҳим манбалардан саналади [4]. Гарчанд тадқиқот 1937-1938 йиллар "Катта террор" сиёсати даврига бағишланган бўлса-да, муаллиф томонидан қатағон механизмининг вужудга келиши, 1920-30-йилларда амалга оширилган қатағонлар масаласига тўхталиб ўтган. Р. Конквест совет давлатида 1930-1936 йилларда Сталин олиб борган сиёсатга баҳо бериб: "Сталин 1932-1936 йилларда ўзига мухолифатда бўлган кучларнинг барчаси устидан ғалаба қозониб бўлди. 139 та ВКП(б) МКга аъзо ва номзодлар орасидан XVII съездга делегат бўлганлардан 1937-1938 йилларга келиб 98 тасини ҳибсга олди ва отиб юборди" [4.78-92]. Китобнинг II бобида 1920-30-йилларда Ўзбекистонда амалга оширилган қатағон жараёнларига қисман тўхталиб ўтган.

Муаммонинг тадқиқ қилиниши ҳозирги замон хорижий тарихшунослигида ҳам изчил давом этмоқда. Инглиз-америка тарихшунослиги вакилларидан Шошана Келлер Туркистонда мустамлака совет давлатчилиги қарор топишида партия Марказий Қўмитаси Ўрта Осиё бюроси механизмининг ўрни ва роли [5.], Марказнинг ислом динига қарши тўлқинсимон кампанияси тадрижи [6.257-277] таҳлил қилинади. Ш. Келлер тадқиқотларининг муҳим жиҳати шундаки, муаммолар Марказий Осиё умумий ҳолати контекстида ўрганилган.

Хорижий тадқиқотларнинг айримларида [7.] Ўзбекистонда пахта яккаҳокимлиги собиқ Иттифоқ йилларида марказга қарам эканлиги ҳамда коллективлаштириш каби ислоҳотлар қайд этилади. Афсуски, бу тадқиқотларда Ўрта Осиё ва Ўзбекистонда амалга оширилган қатағонлар ҳақида жуда кам маълумотлар келтирилган.

Қатағон – қирғин сиёсати ва унинг фожиали оқибатлари тарихини янгича дунёқараш ва янгича ёндашув асосида тадқиқ этиш 1980 йилларнинг охирида Россия тарихшунослигида бошланди ҳамда мустақиллик шарт-шароитларида янада эътибор топди. Хусусан, мавзу тарихшунослигида сир сақланган архив ҳужжатлари ва материалларининг эълон қилиниши архив инқилоби бўлди, дейиш мумкин. Бундай қимматли материаллар фондидан Ўрта Осиё ва Ўзбекистонга оид маълумотларни мавзу йўналишлари бўйича асосли равишда ўрганиш ва атрофлича таҳлил этиш керак бўлади.

В.В.Коровиннинг 1998 йилда нашр этилган "История отечестенных органов безопасности" ўқув қўлланмасининг "Акты высших органов государственной власти и управления, регулировавшие деятельность органов государственной безопасности (1917-1996 гг.)" номланган иккинчи бобида совет ҳокимияти жазо органларининг вужудга келиши ва қонунлашувига оид муҳим директив ҳужжатлар, совет заминида террорнинг вужудга келиши ва 1917 йилдан то тузумнинг таназзулига қадар бўлган даврда амалга оширилган террор сиёсати, асосан, сталинизм даври қатағонлари масаласи атрофлича ёритилади. Китобда илгари сурилган ғоя ва қарашлар собиқ Иттифоқ миқёсидаги репрессив сиёсат моҳиятини очиб беришга қаратилган. Ўқув қўлланмада Ўрта Осиё республикаларида 1920 – 1930-йиллардаги сиёсий қатағонларнинг айрим жиҳатларига ҳам тўхталиб ўтилган. Жумладан, Ўзбекистондаги партия ходимлари тақдири, давлат аппаратидаги муқобил ҳаракатларнинг бадном қилиниши масалалари қисман бўлса-да, ёритилади [8.].

В.А.Куманев монографиясида [9.] эса репрессив сиёсатнинг туб илдизлари буйруқбозлик тизимининг кучайиши, давлат бошқарув аппаратлари, мафкуравий тарғибот идораларидаги мансабдорларнинг хатти-ҳаракатлари натижасида келиб чиққанлигига алоҳида урғу берилади. Гарчанд монографияда келтирилган фактик

маълумотлар собиқ Иттифоқ миқёсида бўлса-да, зиёлиларга нисбатан қўлланилган сиёсат миллий республикаларга ҳам хослигини муаллиф ўз асарида қайд этиб ўтган.

К.В.Скоркин “На страже завоевании Революции. Местные органы НКВД – ВЧК – ГПУ РСФСР 1917-1923” номли китобида совет ҳокимиятининг Ички Ишлар Халқ Комиссарлиги (НКВД), Бутунроссия Фавқулодда Комиссияси (ВЧК), Давлат сиёсий бошқармаси (ГПУ) каби куч ишлатиш органларининг ташкил топиши ва тарихига оид маълумотлар баён этилган. Асарда, шунингдек, миллий республикалар, жумладан, Туркистон АССР, Хоразм, Бухоро республикаларида ва уларнинг таркибидаги вилоят, шаҳар ва уездлардаги ЧК, ГПУларнинг ташкил этилиши, уларнинг сиёсий таркиби, ОГПУнинг Ўрта Осиё бўйича юзага келган мухтор вакиллиги фаолияти тарихига оид маълумотлар келтирилган[10.].

И.Пыхаловнинг “За что сажали при Сталине. Как врут о “Сталинских репрессиях” номли икки бобдан иборат китобининг биринчи бобида Сталин даври репрессияларининг кўламига, иккинчи боби эса репрессиянинг бегуноҳ қурбонларига бағишланган [11.]. Китобнинг биринчи бобида қизил террорнинг вужудга келишидан бошланган сиёсий репрессиялар жараёнининг 1934 йил 1 декабрда С.М. Кировнинг отиб ўлдирилиши билан янада кенг қулоч ёйиши, 1920-30-йиллардаги репрессияларнинг кўлами масалаларига архив манбалари асосида ойдинлик киритади. Китобнинг иккинчи бобида Сталин даври репрессив сиёсатининг бегуноҳ қурбонлари собиқ Иттифоқда ҳудудлар бўйича ёритиб берилган. Гарчи китобдаги маълумотлар собиқ Иттифоқ бўйича бўлса-да, унда, хусусан, Ўзбекистондаги сиёсий элитага нисбатан юритилган қатағон сиёсатига доир маълумотлар қайд этилган.

Хуллас, совет ҳокимиятининг 1920-1930 йилларда Ўзбекистонда амалга оширган қатағон сиёсати ва амалиёти тарихи хориж тарихшунослигида демократиянинг бўғилиши, куч ишлатиш, зўравонликнинг кучайиши, тоталитаризм шароитида халққа қўлланилган репрессив сиёсат мавзуларида маълум даражада ўрганилган. Бироқ хорижий тадқиқотларда кўпроқ бутун собиқ Иттифоқ миқёсидаги маълумотларга таянилгани боис миллий республикалар жумладан, Ўзбекистонга оид маълумотлар камроқ келтирилади. Юқоридаги қайд этилган хориж тарихшунослигидаги тадқиқотлар ҳам бундан мустасно эмас. Шундай бўлса-да, ушбу тадқиқотлардан муаммонинг у ёки бу аспектларини ёритишда фойдаланиш мумкин.

**Фойдаланилган манба ва адабиётлар рщйхати**


1. Sehariro l. The Party of Soviet Union. –London, 1962; Wege der Totalitarismus Forschung.-Koln, 1968; Hingley R. The Russion Secret Police – London, 1987; Dziah J. Chekisti: a history of the KGB.-London, 1988.
2. Cokay M. Turkistanda con teror mesulleri // Yash Turkistan, 1935. – 64 s.; A.Z.V. Togan “Bugunku Turk ili Turkistan ve yakin tarihi”. – Istanbul, 1981. – 134 s.; Oktay. Turkistanda yashirin milli uyushmalari // Yash Turkistan, 1936. – 75 s.; Yassavi S. Turkistan acciq haqiqatlari, 2-baski. – Istanbul, 1984. – 234 s. Dr. Baymirza Hayit. «BASMACILAR» Turkistan Milli Mucadele Tarihi (1917-1934) – Ankara, 1997. – 644 s.
3. Орлов А. Тайная история сталинских преступлений. – Москва: АВТОР, 1991.
4. Конквест Р. Большой террор. т. 1 – 2. – Рига: Ракстниекс, 1991
5. Shoshana Keller. Histories of Central Asia, with Adeeb Khalid and Robert McChesney. Sponsored by Social Science Research Council, 2009, http:// onlinehistories.ssrc.org/centralasia.; “Women in Central Asia: the Modem Period”, Oxford Encyclopedia of Women in World History. – Oxford, 2008.

6. Shoshana Keller. Story, Time, and Dependent Nationhood in the Uzbek History Curriculum // Published by Slavic Review, – Vol. 66. – No. 2. Summer, 2007.
7. Uzbekistan's Reform Program: Illusion or Reality // International Crisis Group, Asia Report No 46, 18 February, 2003. – P.38; Peter Kraumer. Rural and Agricultural Development in Uzbekistan // Former Soviet south Project, The Royal Institute of International Affairs, 1995. – P.47; Social assessment and agricultural reform in Central Asia and Turkey //edited by Ayse Kudat, Stan Peabody, Caglar Keyder. World Bank technical paper. – Washington D.C., 2000. – P.301; Martin Herman. Sustainable Agricultural Reform – the Case of Uzbekistan // Central Asia-2010. Prospects for human development, Regional Bureau for Europe and the CIS, UNDP, 2010. – P.84 – 96; Ellen Qiaolun Ye. The Second Stage of Agriculture Sector Reforms in the Central Asian Republics // Central Asia – 2010. Prospects for human development, Regional Bureau for Europe and the CIS, UNDP, 2010. – P.80 – 84.
8. Акты высших органов государственной власти и управления, регулировавшие деятельность органов государственной безопасности (1917-1996 гг.) // Коровин В.В. История отечественных органов безопасности. Учебное пособие. – Москва, Издательская группа НОРМА-ИНФРА, 1998.
9. Куманев В.А. 30-е годы в судьбах отечественной интеллигенции (Очерки). – Москва, Наука,1991.
10. Скоркин К.В. На страже завоеваний Революции. Местный органы НКВД – ВЧК – ГПУ РСФСР 1917-1923: Справочник. – Москва: ВивидАрт, 2010.
11. Пыхалов И. За что сажали при сталине. Как врут о "Сталинских репрессиях". – Москва: ЯУЗА, 2018.

## ЎЗБЕКИСТОН ПАХТАКОРЛАРИНИНГ ҒАЛАБАГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ ТАРИХИДАН (1941-1945 ЙИЛЛАР)

***Э. Эркаев – тарих фанлари номзоди, доцент. Андижон давлат универститети***
***Р. Абдурасулов – эркин тадқиқотчи, Андижон давлат университети***

***Аннотация:*** *Мақолада республика пахтакорларининг 1941 – 1945 йиллар давомида пахта етиштириш учун олиб борган машаққатли меҳнатлари ҳамда фашизмни тор – мор келтиришдаги беқиёс ҳиссалари очиб берилган.*

***Калит сўзлар:*** *пахта хом ашёси, пахта майдони, қишлоқ хўжалик экинлари,пахтачилик, мелиорация, ирригация, менирал ўғитлар, хосилдорлик, ғаллачилик, механизатор.*

1941 йил июнь ойида уруш бошланиши билан республика қишлоқ хўжалиги олдида фронт ва мамлакат ичкарисидаги аҳолини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари шунингдек, саноатни хом-ашё билан таъминлаш вазифаси қўйилган. Бунинг учун аграр ишлаб чиқаришни қисқа вақт ичида ҳарбий изга ўтказиш керак эди. Қишлоқ хўжалигида барча мавжуд моддий ресурсларни жалб этиш, техника экинларини, дон, картошка, сабзавот экишни шу билан бирга харбий саноат учун зарур экинлари етиштиришни кўпайтириш зарур эди. "Инсоният тақдири ва келажаги ҳал бўлаётган ўша суронли йилларда Ўзбекистон фронтнинг мустаҳкам таъминот базаси бўлиб хизмат қилди... Халқимиз туну кун тинимсиз меҳнат қилиб, улкан миқдорда озиқ-овқат, кийим-кечак, қурол-аслаҳа, дори-дармон заҳираларини жанг майдонларига узлуксиз етказиб берди" [1].

Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги бу вазифаларни ҳал этиш учун бир қатор зиддиятли омиллар пайдо бўла бошлади. Бунинг асосий сабабларидан бири пахта етиштиришга мослашган Ўзбекистонда ғалла, қанд лавлаги, кунжут ва бошқа техник экинлар етиштириш учун зарур мутахассислар, экиш ва ишлов бериш воситалари етишмас эди. Марказ республика олдига “озиқ-овқат билан ўз-ўзини таъминлаш” вазифасини қўяр экан, мудофаа саноати учун зарур бўлган пахта хом ашёси етиштиришни асло камайтирмасликни асосий вазифа қилиб қўйди.

Уруш қийинчиликларига қарамасдан, республика пахтакорларининг фидокорона меҳнати билан 1941 йилда ўртача 17,1 центнердан ҳосил йиғиб олиниб, давлатга 1646 минг тонна пахта хом ашёси топширилди ва режа 106% бажарилди. Тошкент вилояти 12.500 тонна,Самарқанд вилояти 10 700 тонна, Хоразм вилояти 6 500 тонна, Бухоро вилояти 21 500 тонна режадан ортиқ пахта топширдилар [2,96]. 1941 йилда пахта ҳосили кўпайди. Масалан, 1940 йилга нисбатан Қорақалпоғистонда пахта хосилдорлиги 3,53 центнерга, Хоразмда 3,1 центнерга, Жиззах, Косонсой, Нарпай, Шовот, Қарши каби туманларда бу кўрсаткич 1,5 – 2 центнер ортиққа бажарилди [3, 134].

1942 йилда республика пахтакорлари учун ғоят оғир ўзгаришлар йили бўлди. Биз юқорида уруш туфайли Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги тизимида жиддий ўзгаришлар бўлганлигини, пахта билан бирга дон экинларини кўпайтиришга эътибор берилганлигини таъкидлаб ўтган эдик. Агар 1941 йилда 5.5 млн. центнер дон етиштирилган бўлса, 1942 йилда 15 млн. центнерга етказиш, асосий экин хисобланган пахтани 14.5% га ошириш белгиланди. Урушдаги оғир вазиятга қарамасдан, экин майдонлари 346.6 минг гектарга кўпайтирилиб, ғалла ва бошқа экинлар, жумладан, қанд лавлаги экилди [4, 195].

Ҳукумат қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга ҳар қанча ҳаракат қилмасин, уруш ўзининг салбий таъсирини кўрсатмай қолмади. Пахта экин майдони 1941 йилдагидек сақланиб қолинган бўлса ҳам, ҳосилдорлик кескин камайиб, 1942 йилда ўртача гектаридан 9.3 центнерни ташкил этди (1941 йилда 17.1 центнер эди) ва 876 минг тонна пахта хом-ашёси териб олиниб, режа 68.3% бажарилди. 1941 йилга нисбатан давлатга 641 минг тонна кам ҳосил топширилди. Пахтанинг ялпи ҳосили Тошкент вилоятида 50.3% га, Андижон вилоятида 53.5% га бажарилди, холос.

1943 йил республика пахтакорлари учун энг қийин йил бўлди. Ўзбекистон бўйича пахта майдонлари қисқариб, 1943 йилда у 932 минг гектардан 732 минг гектарга камайди. 1943 йилда республика бўйича 520 минг тонна пахта топширилиб, йиллик режа 57.5%га бажарилди. Ҳосилдорлик эса гектаридан ўртача 7.1 центнерга тушиб кетди [5, 22 – 24].

1942-1943 йилларда пахта етиштиришнинг кескин орқага кетишининг ўзига хос объектив сабаблари бор эди:

биринчидан, юқорида таъкидланганидек, бошоқли экинларнинг кўпайганлиги, аҳолини ғалла билан таъминлаш масаласининг кескин қўйилиши бир қатор қийинчиликларни келтириб чиқарди. 1942 йилнинг ўзида 1941 йилга нисбатан 503.8 минг гектар кўп ғалла экилди ва давлатга режадан ташқари 152 минг тонна ғалла топширилди. Бундан ташқари 62 минг гектар ерга биринчи маротаба қанд лавлаги ҳам экилди [3, 137].

Иккинчидан, 1942-1943 йилларда тажрибали ходимлар, мутахассислар, жамоа раислари, бригадирлар, звено бошлиқлари ҳамда тажрибали деҳқонларнинг фронтга ва фронт ортидаги саноат корхоналари, мудофаа иншоотларини қуришга юборилиши вазиятни янада оғирлаштирди. Ўша йилларда меҳнатга лаёқатли

колхозчиларнинг сони 20% га, 1945 йилга келиб эса 40% га қисқарди, 155 минг киши меҳнат фронтига жалб этилди [6. 20].

Учинчидан, қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базаси ҳам заифлашиб қолди. Республикага янги техника етказиб бериш тўхтаб қолди, саноат корхоналарининг ҳарбий ишлаб чиқаришга ўтказилиши боис қишлоқ хўжалик техникаси учун зарур эҳтиёт қисмлари ишлаб чиқариш камайди. 1941-1943 йиларда Ўзбекистонда тракторлар сони 19038 тадан 17681 донага, меҳанизатор-комбайнчилар сони 27888 нафар бўлган бўлса, 1942 йилнинг охирига бориб 2775 кишига тушиб қолди. Уруш йилларида тракторлар сони 15% га, қуввати эса 18% га камайди [4. 198]. Қолган тракторлар ҳам жуда эскирган, эҳтиёт қисмлари етарли эмаслиги туфайли ишга яроқсиз ҳолда эди. Агар 1940 йилда республика бўйича техника билан бажарилган ишлар 7.3 млн. гектар бўлган бўлса, 1942 йилда 6 млн. гектар, 1943 йилда эса 4.9 млн. гектарга тушиб, ўзининг салбий таъсирини кўрсатди. Масалан, 1942 йилда Қорақалпоғистонда 19% ерга тракторлар билан ишлов берилди, холос. 1943 йилги баҳорги ҳайдов мавсумида 3497 та трактор ишга чиқмади [2.97].

Тўртинчидан, ҳосилдорликни кўпайтиришда муҳим ахамиятга эга бўлган минерал ўғитлар келтирилиши кескин камайди. Жумладан, 1941 йилда 484.8 минг тонна ўғит келтирилган бўлса, 1942 йилда 147 минг тонна, 1943 йилда эса 14.7 минг тоннани ташкил этди. Пахтакорлар 1941 йилда гектарига 110 кг. турли ўғитлар солган бўлсалар, 1943 йилда бу кўрсаткич 6 кг. тушиб қолди. 1942 йилда экин майдонларидан 52 минг гектар ер умуман ўғитланмади [3. 136].

Бешинчидан, пахта етиштиришнинг камайиб кетишидаги яна бир омиллардан бири фронт ва ҳарбий саноат учун сафарбарликдан ташқари 1942-1943 йилларда қишлоқ меҳнаткашларини каналлар, сув омборлари ва ирригация иншоотлари қурилишига жалб этиш ҳам таъсир кўрсатди. 1942 йилдаги халқ ирригация қурилишлари тадбирлари натижасида, маълумотларга қараганда, республикада 242 минг гектар янги ер ўзлаштирилди. 1941-1945 йиллар мобайнида янги ўзлаштирилган ерлар 547.8 минг гектарни ташкил этди [7.32].

Олтинчидан, мухим агротехник вазифалардан ҳисобланган кузги-қишқи шўр ювиш, яхоб бериш ишларининг ҳам яхши ташкил этилмаганлиги ҳам ўзининг салбий натижасини кўрсатди. 1942-1943 йилларда ерларни шўрини ювиш 48% бажарилди, ерларнинг тўлиқ ҳайдалмаганлиги сабабли баҳорги ишлар кечикиб бошланди. 1942 йилда халқнинг ёрдами билан барпо этилган Сўх-Шоҳимардон, Юқори Учқўрғон, Шимолий Тошкент, Косонсой-Чуст каби каналлар, шунингдек, Фарход ГЭСи ва Каттақўрғон сув омборлари қурилишларидаги ишларни бажариш учун кўп минглаб колхозчилар сафарбар этилган. Масалан: қурилиши 1942 йил 15 январда бошланган Юқори Учқўрғон канали ( узунлиги 16.5 км.) қурилишида 10 000 нафаргача ҳашарчи ёки қурилиши 1942 йил 25 февралда бошланган Сўх-Шоҳимардон каналида ҳар куни 24 000 дан 26 000 нафаргача ҳашарчи ишлаган [8. 35].

Еттинчидан, агар 1 гектар ердан олинадиган даромад 1940 йилда 2840 сўм, 1942 йилда 1050 сўм, 1943 йилда 760 сўмни ташкил этиб, колхозчиларнинг энг кам иш куни 60 – 100 кундан 150-200 кунга етказилди. 1942-1943 йилларда пахтачиликдан ташқари бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш режаси катта қийинчиликлар, оғир меҳнат эвазига бажарилди.

Мудофаа саноати учун зарур ҳисобланган пахта хом-ашёсининг камайиб кетиши Марказ раҳбариятини тез чоралар кўришга мажбур қилди. 1944 йил 6 мартда бўлиб ўтган ВКП(б) МК бюроси республикадаги хақиқий аҳволни тушунишни истамай, Ўзбекистон раҳбариятини пахта экин майдонларини асоссиз қисқартирганликда айблаб қаттиқ ҳайфсан эълон қилди ва махсус қарорда пахта

ҳосилини урушдан олдинги даражага етказиш вазифасини қўйди. Ўзбекистон КП(б)МК IX (1944 йил 4 январь), X (1944 йил 26 апрель) пленумлари ва республика пахтакорларининг 1 қурултойида (1944 йил январь) ҳам энг муҳим вазифа пахтачиликни тиклаш, пахта ҳосилдорлигини колхозлар бўйича 14 центнерга, совхозларда 18 центнерга ошириш, техника билан ерга ишлов беришни 6.2 млн. гектарга етказиш зарурлиги белгиланди [2. 98]. 1944 йил 13 сентиябрда ВКП(б) МК Ўзбекистон КП(б)ни “Андижон вилояти иши тўғрисида”ги масалани кўриб чиқиб, ВКП(б) МК ўз қарорида Андижон вилоят партия комитетини кейинги икки йил ичида пахта ҳосилдорлиги кескин камайиб кетишига йўл қўйган деб топди. Ана шу даврда пахта майдонлари 19% қисқарган, ялпи ҳосилдорлик 1941 йилдаги 297 минг тоннадан 1943 йилга келиб 80.7 минг тоннага тушиб қолган. ВКП(б) МК бундай аҳвол қониқарсиз раҳбарлик қилинганлиги, чигит экиш даврида техникадан фойдаланиш даражасининг пастлиги, ирригация тармоқларини тозалашни ўз вақтида амалга оширилмаганлиги, тракторларни таъмирлаш ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги натижаси деб ҳисоблади [9. 23]. Ҳақиқатан ҳам 1944 йилда чигит экиш муддати чўзиб юборилган эди. Чигит экиш Балиқчи туманида 36 кун, Пахтаобод туманида эса 40 кун давом этиб, вилоятда чигит экиш 1 майда ҳам тугалланмаган эди.

Пахтакорларнинг фидокорона меҳнати туфайли 1944 йили Ўзбекистон давлатга 839 минг тонна пахта хом-ашёси топшириб, режани 101.4% бажарди, гектаридан 11.3 центнердан ҳосил йиғиб олинди. Бу 1943 йилга нисбатан 335 минг тонна кўп эди. 18 та туман ҳосилдорликни 1943 йилга қараганда 2 баробар ошириб бажарди, 334 бригада, 1680 звено ҳосилдорликни 30 центнерга етказиб ҳосил олдилар, 20 туманда ҳосилдорлик 15-20 центнерга, 10 туман ва 930 та колхозда пахта хом-ашёсини етиштириш урушдан олдинги даражага етказилди. Бу машаққатли меҳнатлари учун 2550 қишлоқ хўжалиги ходимлари орден ва медаллар билан мукофотландилар [2. 99-100].

Шу йилларда колхоз ва совхозларнинг модий-техника базасини мустаҳкамлаш учун муҳим ишлар амалга оширилди. Тракторларда 1943 йилга нисбатан 564 минг гектар ерда иш бажарилди, 3 млн. сўмлик турли ҳил эхтиёт қисмлари етказиб берилди. Бу 1943 йилга қараганда 5 баробар кўп эди. 1944 йилда пахта майдонлари 25 минг гектарга кўпайиб, 12 млн. тоннадан ортиқ маҳаллий ўғитлар далага ташиб чиқарилди. Энг долзарб муаммо бўлган мутахассис кадрлар билан таъминлашда ҳам сезиларли ўзгаришлар рўй бериб, 1260 бригадир, 3370 нафар звено бошлиқлари фронтдан колхоз ва совхозларга қайтиб келдилар.

1945 йил 18-20 январда бўлиб ўтган республика пахтакорларининг II қурултойи ва ЎзКП (б) МК XI январь пленумида пахта ҳосилини 1945 йилда 1 млн. тоннага етказиш вазифаси юкланди. Ўзбекистон бўйича 1945 йилда ҳам пахта экин майдонлари ўтган йилгига нисбатан кўпайди, аммо қишлоқ хўжалиги ишларини механизациялаштиришга эътибор кам бўлди. 1945 йил сентябригача республикадаги мавжуд тракторларнинг фақат 46.9% и таъмирланган эди. 1945 йилги режага биноан 147 минг гектар қаровсиз, ташлаб қўйилган ерлар ўзлаштирилиши керак эди, аммо фақат 10 минг гектар ер ўзлаштирилди, холос [4. 201-204]. Хоразм ва Андижон вилоятларида ерларнинг мелиоратив ҳолати ёмонлашди, пахта-беда алмашлаб экиш режалари бажарилмай қолди.

Урушнинг охирги йилида Ўзбекистонда 850 минг тонна пахта хом ашёси териб олиниб, режа 100.1% бажарилди. Ҳосилдорлик ўртача гектарига 11.1 центнерни ташкил этди. Республикадаги 10 та вилоятдан 6 таси, 107 тумандан 67 таси юқори натижага эришдилар. Жумладан, Қашқадарё вилояти режани 133.2%, Самарқанд вилояти 113.5%, Фарғона вилояти 110.8%, Тошкент вилояти 109.2%га

бажардилар [3. 139]. Ҳосилдорликни Янгийўл тумани 24.4 ц.га, Пахтакор тумани 20.2 ц.га, Избоскан тумани 19.0 ц.га, Охунбобоев тумани 16.6 ц.га етказдилар [10. 189]. 1944-1945 йилларга келиб, Ғарбий районлардаги дон экиладиган ерлар душман қўлидан озод бўлганидан сўнг, Ўзбекистонда дон етиштирадиган майдонлар бирмунча кисқартирилиб, асосий эътибор пахта етиштиришга қаратилди. Республикада экиладиган пахта майдонлари ва олинган хосил миқдорини қуйидаги жадвалда ҳам кўриш мумкин [5. 24].

| Йиллар | Экиладиган майдон (минг га.) | Олинган ҳосил (центнер) | Ялпи ҳосил (тонна) | Режанинг бажарилиши %и | Режа бажарилган сана |
|---|---|---|---|---|---|
| 1940 | 920.3 | 15.4 | 1417 | 93 | - |
| 1941 | 927.8 | 17.7 | 1667 | 106 | 13.XII |
| 1942 | 932 | 9.4 | 876 | 68 | - |
| 1943 | 732 | 7.1 | 520 | 57 | - |
| 1944 | 742 | 11.3 | 839 | 101 | 10.XII |
| 1945 | 779 | 10.9 | 850 | 100.1 | 25.XII |

Умуман, уруш йилларида Ўзбекистон деҳқонлари жуда катта қийинчиликлар эвазига 4 млн. 800 минг тоннага яқин пахта, 82 млн. пуд ғалла, 482 000 тонна картошка ва сабзавот, 57 444 тонна мева ва узум, 36 000 тонна қуруқ мева, 159 000 тонна гўшт, 54 067 тонна пилла етказиб бердилар. Республика пахтакорлари уруш йилларида катта ва оғир синовдан ўтди ва фронтни озиқ-овқат, кийим-кечак, ўқ-дори билан таъминлашда ҳал қилувчи вазифани бажарди. Бу қишлоқ мехнаткашларининг душманни тор-мор қилиш учун умумхалқ курашига қўшган муносиб ҳиссаси эди. обом ҳақида онамнинг хотираларида фақатгина раҳматли бувим Фароғат момодан (онамнинг оналари) эшитган маълумотлари сақланиб қолган холос. Онам “менинг отам ҳисобчи бўлган. 3 та қишлоқни ҳисоб-китоби билан шуғулланган билимли, ўткир зеҳнли, чап қўлида равон, бехато ёзган, маълумотли инсон бўлган” - дея таъкидлайдилар. 1981 йилда мен биринчи синфга борганимда устозларим қанча уринишмасин мен ўнг қўлим билан эмас, фақат чап қўлда ёзган эканман. Онам эса устозларимга “мени отам чап қўлда ёзган эканлар. Бу унга бобосидан ўтган қизим чап қўлида ёзақолсин, рухсат беринглар” деб илтимос қилган эканлар. Урушдан кейинги йилларда ҳам онам бувим билан жуда қийинчиликда, сарсон-саргардонликда, машаққатли ҳаёт кечирганликларини, кун кўриш учун далада бошоқ терганликлари, бугунги дориломон кунларни қадрига етишимиз кераклигини бизга доимо уқтирадилар.

Хуллас, Иккинчи жаҳон урушида кўпчилик ватандошларимиз қатори бизнинг ҳам Қарши шаҳрининг шундоққина ёнида жойлашган Харамжўй қишлоғидан кўплаб ота-боболаримиз сафарбар этилдилар. Улардан саноқлигинаси урушдан ўз ватанига қайтишга муваффақ бўлди. Бобом Омонов Бекмамат ҳам урушнинг энг даҳшатли палласида сафарбар этилдилар. Биз ёшлар ота-боболаримизнинг нафақат ватанпарварлиги, фидойилигидан ўрнак олишимиз балки, уларнинг хотираларини абадийлаштиришимиз, уларнинг босиб ўтган машаққатли йўлларини, жасоратларини ёзишимиз, тарихга муҳрлашимиз шарт.

**Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси призиденти Ш.М. Мирзиёевнинг 2021 йил 9 май хотира ва қадрлаш кунига бағишланган маросимда сўзлаган нутқи // “Янги Ўзбекистон”, 2021 йил 10 май.

2. Узбекская ССР в годы Великой Отечественной войны. – Ташкент, 1966.
3. Абдуллаев А. Ўзбекистонда пахта якка хокимлмги ва унинг оқибатлари (1917-1991 йй). Тарих фанлари док. дисс... – Тошкент, 2009.
4. Раззақов А. Ўзбекистон пахтачилиги тарихи. – Тошкент, 1994.
5. Хлопководство Узбекистана за 50 лет. – Ташкент, 1967.
6. Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар) 2-китоб. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019.
7. Ўз МА, 2483-фонд, 9-рўйхат, 373-иш.
8. Қосимов И. Улуғ ватан уруши йилларида Ўзбекистон халқларининг сув учун кураши тарихидан. – Тошкент, 1974.
9. Пўлатов И. Буюк ғалабада Ўзбекистон ҳиссаси. – Тошкент, 1974.
10. Ризаев Г. Сельское хозяйство Узбекистана за 40 лет. – Ташкент, 1957.

## ФАРҒОНА ВОДИЙСИ УРБАНИЗАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ ТАРИХШУНОСЛИГИ (АНДИЖОН ШАҲРИДАГИ ЧОРДОНА ВА САРВОНТЕПАНИ АРХЕОЛОГИК ЎРГАНИЛИШИ)

***А.А. Ҳакимов – PhD., Андижон иқтисодиёт ва қурилиш институти Ижтимоий-иқтисодий фанлар кафедраси мудири***

Урбанизация жараёнлари – шаҳарларнинг пайдо бўлиш тарихи, уларнинг жамият ривожланишидаги ўрни ва аҳамиятини тадқиқ этиш тарих фанининг энг долзарб масалалари қаторига киради. Маълумки, шаҳарлар пайдо бўлгандан эътиборан жамият учун алоҳида ўрин эгаллай бошлайдилар. Шаҳарлар таърифисиз инсоният ривожланишининг муҳим босқичларини тасаввур қилиш қийин. Урбанизация деганда: бир тарафдан шаҳарларнинг вужудга келиши ва ривожланиши, иккинчи тарафдан уларнинг жамият ривожланиши таъсири тушунилади. Инсоният тарихи ривожида урбанизация жараёнлари барча жойларда бирдек кечмаган ва ушбу жараён бир неча босқичдан иборат. Шумер, Элам ва Ҳиндистоннинг илк шаҳарлари эрамиздан аввалги IV-III минг йилликларда, Хитойда эса - эрамиздан аввалги III-II минг йилликларда вужудга келган. Шимолий Европада ушбу жараёнлар бирмунча кейинроқ - эрамизнинг I минг йиллиги ўрталарида кечган [1.10.14-15]. Ўрта Осиё илк шаҳарларининг ўзига хос хусусиятларига оид турли нуқтаи назарлар А.А. Асқаров, Ю.Ф. Буряков, Э.В. Ртвеладзе, В.М. Массон, Ю.А. Заднепровский, Н.Н.Негматов, Т.Ш.Ширинов, А.С.Сагдуллаев, Б.Х. Матбобоев, Б.Ж.Эшов, Ў.Абдуллаев, А.А.Хакимов ва бошқа олимларнинг илмий изланишларида акс этган.

Андижон шаҳри тарихини ўрганиш шартли равишда XIX аср охирида бошланган. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, бу жараён 1890 йилда ер-ўлпон комиссияси аъзолари шаҳар ҳудудига оид дастлабки маълумотларни тўплашга киришганларидан бошланган. 1893 йилда мазкур комиссиянинг Фарғона бошқаруви томонидан Андижон шаҳри харитаси қайта тузилган. Ушбу ҳужжатда, Чордона (Чардана), Сарвонтепа (Сарвантепа), Култепа (Кюлтепа-Култепа), Қўштепа, Яланғоч Қўрғон, Қора Қўрғон ва Эски Қўрғон каби археологик ёдгорликлар илк бор шаҳар харитасига туширилган [2.34]. Қора Қўрғон ва Яланғоч Қўрғондан ташқари санаб ўтилган барча ёдгорликлардан кейинчалик турли даражада сақланиб қолган ва улардаги маданий қатламлар имкон даражасида аниқланиб ўрганилган.

1939 йилда Катта Фарғона канали қурилишида М.Е.Массон бошчилигида археологик назорат экспедицияси ташкил қилинади [3.52-54]. М.Е.Массон Андижонга келганида таниқли устазода сулоласининг вакили Юсуп Али Муҳаммад (Юсуф Али Мусаев) унга шаҳар ҳудудидан топилган ва XIII аср охири - XIV аср

бошларига оид қолипланган «терракота плитка»ларини тақдим этади [2.34]. Мазкур экспедиция иккинчи отрядининг раҳбари В.Д.Жуков ҳам Андижон шаҳар ёдгорликлари билан танишиб, X-XI аср археологик материалларини қайд этади [4.41-84].

Андижонни ўрганишга этнограф А.К.Писарчик ҳам катта ҳисса кўшган [5.216-298]. Дастлаб у 1938 йилда Узкомстарис (Ўзбекистон қадим ёдгорликлари ва санъат намуналарини қўриқлаш қўмитаси) топшириғига биноан, кейинчалик эса 1944-1947 йилларда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Тарих ва археология институти йўлланмаси билан Фарғона водийси халқ меъморчилигини тадқиқ этади. Хусусан, Марғилон, Андижон, Қўқон ва Наманган шаҳарларини кўздан кечириб, сўров ўтказиш ва меъморий ёдгорликларни қайд этиш йўли билан батафсил ўрганади. Ушбу олима изланишлари туфайли Андижоннинг сўнгги ўрта аср арки ва шаҳристони тўғрисидаги батафсил маълумотларга эгамиз [5.216-298]. Айниқса, шаҳар деворлари, қадимий биноларининг қолдиқлари ҳақидаги маълумотлар катта аҳамият касб этади. А.К.Писарчик томонидан арк ва шаҳристон кўрсатилган ҳолда чизилган Андижон шаҳри режаси асосида кейинчалик Ғ.Дадабоев, Б.Абдулғозиева, Б.Матбобоевлар археологик изланишлар олиб бордилар. С.Жалилов ва Б.Абдулғозиева арк ва шаҳристонни батафсил тадқиқ этиб, шаҳарнинг бутун қолган деворларини А.К.Писарчик маълумотлари билан таққослаш орқали ўрта аср арки ва шаҳристоннинг майдони ва чегараларини аниқлашга муваффақ бўлганлар. 1975 йилда Ўзбекистон ФА Археология институти ходими Ғ.Дадабоев (археологик экспедиция таркибида Боқижон Матбобоев талаба сифатида қатнашган эди) эски шаҳарнинг айрим жойларига назорат шурфларини солади. 1-шурф ҳозирги Арк ичи Ҳақиқат кўчасидаги 10-уй ҳовлисида мудофаа девори ўрнида солинди. Текширишлар натижасида деворнинг сақланиб қолган кисми шарқ-ғарб йўналишида 500 метр узунликка чўзилгани маълум бўлди. Ғ.Дадабоевнинг ёзишича [6], бу ерда деворлар туташган жой топилган. Деворнинг бир қисми Трактор кўчаси худудида сақланиб қолган бўлиб, ҳозирги баландлиги 2-4 метрга тенг. Деворнинг юқори қисми қаттиқ пахса блоклардан иборат, пастки қисми таркибига майда шағал қўшилган лой блокларидан ташкил топган. Ернинг ҳозирги сатҳидан 1,20 метр чуқурликда девор остки қисми 60-70 сантиметрга кенгаяди. 1,50 метр чуқурликда дарё шағали ва қумидан иборат материк қатлами қайд этилди. Қазишмалар муаллифи Ғ.Дадабоев моддий маданият ашёлари топилмаганини таъкидласада, С.Жалилов маълумотларига кўра очилган шурф ёнидаги ҳовлилардан XII-XIII асрларга тааллуқли кулолчилик буюмлари парчалари йиғиб олинган [7.36].

Шаҳарни ўрганиш борасида Андижон вилояти ўлкашунослик музейи ходими, кейинчалик Ўзбекистон Фанлар Академияси Археология институти илмий ходими Б.Абдулгазиева ҳам самарали фаолият олиб борди. XX асрнинг 60-70-йилларидан бошлаб у шаҳарда археологик кузатувлар ўтказди ва Андижон тарихига оид маълумотлар тўплади. Вилоят музейи ва Педагогика институти ҳамкорлигида Сарвонтепада шурф солинди, аммо шурф материк қатламига қадар етказилмаса-да, I-II асрларга оид материаллар олинади. 1981 йилдан эса Б.Абдулгазиева бошчилигида Андижон шаҳар ижроия қўмитасининг молиявий кўмагида шаҳар худудида махсус археология қазишмалари ташкил қилинди. Тадқиқотлар 1981-84, 1986-87 йилларда Арк ичи (Арк ичи маҳалласи)да, Чордона ва шаҳристонда ўтказилди. Чордона ва шаҳристонда режа асосида кўп йиллик қазишмалар олиб борилди. Чордонанинг XII-XIII асрларга тааллуқли бўлган юқори қатлами тўлиқ қазиб очилди, шимолий қисмида VII-VIII асрларга тўғри келадиган остки қатлам ҳамда улар оралиғида жойлашган ва XIII-XIV асрларга оид қабрлар ковлаб очилди. 1981-1983 йилларда эски шаҳар худудида - аркда шаҳар стратиграфиясини ўрганиш

мақсадида бир қанча шурфлар солинди, қазилмалар қилинади. Шунингдек, қалъа деворларини қурилиши, улардан фойдаланиш тарихи тўғрисидаги маълумотлар тўплаш режалаштирилади. Натижада аркнинг жанубий девори 40 метрга қазиб очилди ҳамда сўнгги ўрта аср даврига оид қурилиш қолдиқлари аниқланади: XV-XVI аср ўрталарига тааллуқли қуйи қисми ва XVI - XVIII асрларга тааллуқли бўлган юқори қисмининг қолдиқлари. Андижон мудофаа деворлари барпо этилиши санасининг аниқланиши Б.Абдулгазиева археологик экспедицияси ишларининг муҳим натижаларидан бири бўлди [8.4-12]. Ушбу девор XIV асрда, яъни Темурийлар ҳукмронлик қилган вақтда бунёд этилганлиги ўз исботини топди. Девор XVI-XVII асрларда ҳам ўз вазифасини бажариб келган. Қазишмалар муаллифининг фикрига кўра, қалъа қорахонийлар даврида ўзлаштирилган ҳудудда барпо этилган [9.]. Шундай қилиб, 1981-1983, 1987 йилларда олиб борилган археологик изланишлар ушбу ҳудудда антик асрдан сўнгги ўрта асрга қадар бўлган даврга оид маданий қатламлар мавжудлигини тасдиқлади. Шундай бўлса-да, шаҳар тарихининг илк босқичлари етарлича ўрганилмаганлигича қолаверарди.

Шу сабабли 2000 йилдан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси Археология институти ва З.М.Бобур номидаги Халқаро жамоат фонди томонидан махсус ташкил этилган профессор Матбобоев Боқижон Ҳошимович бошчилигида Андижон археология отряди археологик изланишларни яна йўлга қўйди. Отряднинг бош мақсади сифатида шаҳарга асос солинган санани ҳамда унинг ривожланиш босқичларини аниқлаш қилиб белгиланди. Тадқиқотлар 2000-2012 йиллар мобайнида ўтказилди ва ҳозирда ҳам давом эттирилмоқда. Дастлаб шаҳарнинг тарихий қисмида сақланиб қолган барча ёдгорликлар ҳисоби олинди ва батафсил археологик текширишлар ўтказиш учун объектлар танланди. Асосий эътибор, 1893 ва 1913 йиллардаги тарихий-топография хариталарида келтирилган маълумотларни жалб этган ҳолда ҳозирда қисман сақланиб қолган ёдгорликларнинг жойлашув топографиясига қаратилди ҳамда сақланиб қолган ёдгорликлар ёзма манбаларда келтирилган маълумотлар билан таққосланди. Тизимли ҳар томонлама таҳлил асосида XX аср бошидаги шаҳар хариталарида 8 та меъморий-археологик объектлар, 11 шаҳар қабристонлари, 39 та масжид қайд этилди. Мазкур ёдгорликлар шартли равишда қуйидаги гуруҳларга киритилди:

1. Археологик жиҳатдан қайд этилган маданий қатламга эга ёдгорликлар: Чордона, Сарвонтепа, Қўштепа I, Қўштепа II, Яккатепа, Ганчтепа-Уграёр (уйсозлик комбинати ҳудуди), Култепа, ўрта аср арки ва шаҳристони ҳудуди;

2. Гарчи археологик қазишмалар олиб борилмаган бўлса-да, турли даврлар кулолчилиги маҳсулотлари топилган ёдгорликлар: Қорақўрғон (вилоят халқ таълими бошқармаси базасининг ўрни), Афғон боғи, Оқгўр (Н.Ҳакимов кўчаси), Мушктепа, Ўразонтепа.

3. Маҳаллий аҳолидан олинган маълумотларга кўра маълум бўлган ёдгорликлар: Шодмонбува мозори, Бобо Саъдин, Шигоусун ота ўрта аср қабристонлари [2.37].

2000-2012 йилларда Андижонда қуйидаги археологик изланишлар олиб борилди:

1. Чордонадаги археологик қазишмалар (2000-2003).

2. Сарвонтепадаги тадқиқотлар (2001-2003, 2007).

3. Арк ичи, шаҳристондаги археологик изланишлар (2001-2002, 2006).

4. Шаҳристон деворининг (жанубий ва ғарбий) ташқарисида, яъни рабодда шурфлар ёрдамида олиб борилган қидирув ишлари (2007-2012) [2.38].

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, сўнгги икки йил давомида Сарвонтепадан олинган маълумотлар қадимий қатламлар тадқиқотчилар тахмин қилганларидек,

шаҳарнинг жанубий қисмида эмас, балки ғарбий ва жануби-ғарбий қисмларида мавжуд бўлганлигидан далолат беради. Сарвонтепадаги топилмалар яна бир муаммони, яъни қадимий тураржой мавзесининг сув таъминоти масаласига ойдинлик киритишни тақозо этади. Бу борада Андижонсой эрамиздан аввалги I минг йилликнинг ўрталарида сунъий канал сифатида қазилган деб тахмин қилувчи тадқиқотчилар ҳақиқатга яқин эканликларини эътироф этиш жоиз. Бу ерда архаик даврга оид анчагина йирик комплекснинг қайд этилиши Андижонсойнинг ёши анча улуғлиги тасдиқлайди [2.38]. Хуллас, Андижонда, олиб борилган археологик изланишлар жуда ажойиб археологик маълумотларни такдим этиб, айрим комплексларни янгича ўрганиш учун етарлича асос берди. Яқин-яқинларга қадар шаҳар ҳудудида илк ўрта асрларга оид айрим топилмаларгина энг қадимий ашёлар сифатида қайд этиб келинар эди. Сарвонтепада кулолчилик буюмлари комплексининг топилиши ҳақиқий шов-шувга айланди. Мазкур комплекснинг ёши эрамиздан аввалги IV-III асрларга бориб тақалади (икки даврий гуруҳга бўлинади: 1. Эрамиздан аввалги VI-V асрлар, 2. Эрамиздан аввалги IV- III асрлар). Ҳеч шак-шубҳа йўқки, Сарвонтепа Эйлатон маданиятига оид илк темир даври ёдгорликлари сирасига киради ва бу топилмалар водий ахеологияси учун янгилик эди.

Демак, Андижон шаҳри пайдо бўлишида асосий ўзаги (ядроси) Сарвонтепа бўлиб уни майдони 20 гектарга боради. Энг муҳими, илк темир даврининг мил авв VII-III асрларга оид соф тоза археологик комплекс аниқланди. Бу топилма водий археологиясида муҳим янгилик ҳисобланади. Яъни мазкур аҳоли водийнинг энг қадимги ўтроқ деҳқонлари (чуст маданияти) меросхўрлари давомчилари эди.

**Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати**


1. Аскаров А.А., Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. – Самарканд, 1993. – С.10.; Матбобоев Б.Х., Машрабов З.З. Андижон тарихи. – Тошкент. 2014. – Б. 14-15.
2. Матбобоев Б.Х., Машрабов З.З. Андижон тарихи. –Тошкент, 2014. – Б. 34.
3. Массон М.Е. Экспедиция археологического надзора на строительстве Большого Ферганского канала // КСИИМК, вып. IV. – Москва-Ленинград, 1940. – С. 52 – 54.
4. Жуков В.Д. Отчет о работе второго отряда археологической экспедиции на строительстве Большого Ферганского канала // ТИИА АН РУз, том IV. – Ташкент, 1951. – С.41 – 84.
5. Писарчик А.К., Строительные материалы и конструктивные приемы народных мастеров Ферганской долины в XIX – начале XX в. // Среднеазиатский этнографический сборник. Труды Института этнографии им. Н.Н. Миклухо-Маклая. Новая серия, том XXI. – Москва, 1954. – С.216 – 298.
6. Дадабаев Г. Отчет Андижанского археологического отряда по составлению Свода археологических памятников Андижанской области // Архив ИА АН РУз. Шифр хранения Ф8 01 Д 47. 1975.
7. Жалилов С. Андижон. Тарихий ўлкашунослик очерки. – Тошкент, 1989. – Б.80.
8. Абдулгазиева Б., Абдуллаев Б., Матбабаев Б.Х. Археологические раскопки в Андижане // Археологические исследования в Узбекистане – 2001 год. – Ташкент, 2002. – С.4 – 12.
9. Абдулгазиева Б. Отчет об археологических работах Андижанского отряда в 1987 г. в средневековом шахристане города Андижана // Архив ИА АН РУз. Ф8 О1 Д139, 1987.

# ФАРҒОНА ВОДИЙСИНИНГ ЁЗМА МАНБАЛАР ТАРИХШУНОСЛИГИ

***Ш.М.Норматов – т.ф.ф.д., Қарши давлат унивеситети***

Ўрта Осиё халқлари тарихи ҳақидаги энг қадимги ёзма манба бўлган “Авесто”да Фарғона водийси ҳақидаги маълумотлар сақланмаган. Ундан кейинги Аҳамонийлар миххатларида, Геродотда ҳамда Александр Македонский юришлари ҳақида ёзиб қолдирган тарихчиларнинг асарларида, антик давр грек-рим тарихчи ва географларининг асарларида ҳам водий тарихи ва маданияти ҳақидаги маълумотлар учрамайди. Арриан ва Птоломейнинг Сирдарё билан қўшни ҳудудлар ҳақидаги узун-юлуқ ва мавҳум маълумотлари [1:73-81] бундан мустасно.

Мил.авв. II – I асрлардан бошлаб Хитой манбаларида Фарғона ҳақидаги аниқ маълумотлар пайдо бўла бошлайди. Хитойнинг Хан сулоласидаги У Ди ҳукмронлиги даврида (мил.авв. 140 – 87 йй) “ғарбий ўлкалар” билан алоқалар ўрнатишга катта эътибор қаратилди. Мил.авв. 138 йилда машҳур Хитой дипломати Чян Сян (Чжань Цзянь) “ғарбий” ўлкалар томонга саёҳат қилиб, 13 йил давомида Марказий Осиё давлатларига, жумладан, Фарғона водийсига ҳам келади ва манбада бу ҳақда шундай дейилади: “ўтроқ аҳоли ер ҳайдайди, ғалла ва шоли экади, уларда мусаллас навли узум, жуда кўплаб яхши отлар бор...” [2:192].

Яна бир манба “Шижи” (“Тарихий хотиралар”) китоби мил.авв.104-91 йилларда Сима Чян (Сыма Цянь) томонидан ёзилган. Китобнинг “Буюк Фарғона тазкираси (Даюан лечжуан)” номли 63-бобида Фарғона водийси ҳақида шундай маълумотлар бор: “Буюк Фарғона Дай-юан ҳақидаги маълумотни [Хитойга] илк бор, Чжанг Чян олиб келган. [Чжанг] Чян шахсан ўзи Буюк Фарғона [Дай-юан], Улуғ Ғузер (Дай-рузие / Да-юечжи), Бактрия (Дайгиа / Дагия), Канкия (Кангжюй-Қанқия, Қангха) каби давлатларни зиёрат қилган... Унинг сўзига қараганда, Буюк Фарғона (Дай-юан) хунларнинг жануби-ғарбида ёки Хан [мамлакатнинг] роппа-роса ғарбида ундан 10 минг ли (5760 км) йироқликда жойлашган. Улар [фарғоналиклар] деҳқончилик билан шуғулланишади, шоли ва буғдой экишади, узумдан шароб тайёрлашади. [Уларда] баданидан қонсимон тер чиқадиган зотли отлар кўп экан...

[Фарғона мамлкакатларида] деворлар билан ўралган шаҳарлар ва ҳужралардан ташкил топган иморатлар мавжуд. Унинг (Буюк Фарғонанинг) ҳудудида 70 дан ортиқ катта-кичик шаҳар ва қишлоқлар жойлашган. Шаҳар аҳолиси бир неча юз мингдан ошади, лашкарлари ўқ-ёй , найза, қалқонлар билан қуролланган чавандозлардан иборат” [3:114-119].

“Шижи”дан кейин ёзилган сулола тарихи “Ханшу” (“Хан сулоласи тарихи”) ҳисобланади. Ушбу китоб сарой тарихчиларидан иборат катта гуруҳи томонидан ёзилиб, уни охирига етказган Бан Гу асар муаллифи ҳисобланади. Манбада қуйидаги маълумотлар келтирилади: “Фарғона давлатининг (Дай-юан-гуо) ҳукмдори Кивэйша (Гуйшан-чэнг, Косон) шаҳрида туради... Аҳолиси 60 минг оила, 300 минг кишидан иборат. [Шулардан] аскарликка яроқлиси 60 минг нафар. [Ҳукмдор қўл остида] бир вазир ва бир вазир ёрдамчиси бор... [Фарғона давлатининг] ери, иқлими, бойлиги, аҳолининг урф-одатлари Улуғ Ғузер (Да-юечжи) ва Парфия (Анши) билан бир хил, Фарғона (Дайюан) атрофида узумдан мусаллас (жю) қилинади. [Бу ердаги] бойлар 10 минг пуддан зиёд мусаллас сақлайди. [Бу] мусаллас бир неча ўн йил турса ҳам, бузилмас [маҳалий аҳоли] уни ичишни хуш кўрар экан. [Бу ердаги] отлар беда билан боқилар экан”. Шунингдек манбада, отларни кўпайтириш, сиёсий воқеалар, Фарғонанинг чегаралари, хунлар билан муносабатлар ҳақида маълумотлар ҳам мавжуд [4:70-74].

Яна бир манба “Жиншу” (“Жин – [сулоласи] тарихи”) бўлиб, 330-340 йилларда Ванг Ин томонидан ёзилган. Манбадаги Фарғонага оид маълумотлар асарнинг 97-бобидан ўрин олган ҳамда “Буюк Фарғона давлати” (“Дай-юан-гуо”) номли сарлавҳа билан берилган. Манбада Дай-юан давлатининг чегаралари, шаҳарлари, аҳолининг машғулоти, узум мусалласи, зотдор отлар, йигитларнинг уйланиш урф-одатлари, ҳуқуқий муносабатлар, ҳақида, жумладан “[маҳаллий халқ] савдо ишларига пухта, ўз ҳаққини қўлдан бой бермайди”. Хитой (Чжунггуо)нинг олтинларидан буюмлар ясайди, [уларни] пул сифатида ишлатишмайди” каби маълумотлар бор [5:128-132].

Юқоридаги асарлардан ташқари Фарғона водийсининг антик ва илк ўрта асрлар даврига оид яна кўплаб манбалар мавжуд. “Вейшу” (Вей [сулоласи] тарихи), “Суйшу” (Суй [сулоласи] тарихи), “Бэйши” (Шимолий [сулолалар] тарихи), “Шин Тангшу” (Танг [сулоласининг] янги тарихи) [6:24-31] кабилар шулар жумласидандир. Уларнинг кўпчилиги айрим маълумотларда (самовий отлар, чегаралар, аҳоли машғулотлари, узумчилик, беда экилиши ва ҳок.) бир-бирини такрорлайди. Шунингдек шаҳарлар, уларнинг номланиши, аҳоли манзилгоҳлари каби масалаларда баҳсли муаммолар ҳам бор.

Панжикент воҳасидаги Муғ тоғидан топилган суғд ҳужжатларида ҳам Фарғона ҳақида маълумотлар бор. унда Фарғона подшоси ва “тутуқ”лар (туркча маъноси “ҳарбий маъмурият бошлиғи”) ва подшо унвони “ихшид” эслатилади [7:56]. Араб босқини арафасида Фарғонада Туркий хоқонликнинг мавқеи юқорилигини ҳисобга олсак, туркларнинг ҳарбий йўлбошчилик лавозимларда бўлганлиги ойдинлашади.

Фарғона водийсининг антик ва илк ўрта асрларга оид ёзма манбалари ҳақида гап кетганда А.Хўжаевнинг сўнгги 15-20 йил ичидаги тадқиқотларини алоҳида таъкидлаш лозим бўлади. Олим узоқ йиллик тадқиқотларида Хитой йилномаларини ўрганиб, қиёсий таҳлил этиб, тарихий-географик атамалар, жой номлари, шаҳарларнинг локализацияси, давлатларнинг номланиши каби масалаларга илмий ёндошувлар асосида аниқлик киритиб, фанга жорий этди[8:63-73].

Умуман олганда, тарихшунослик таҳлилларидан хулоса чиқарадиган бўлсак, антик ва илк ўрта асрлар даври Фарғона водийсининг тарихи ва моддий маданиятини тадқиқ этиш борасида, айниқса, археологик ўрганиш нуқтаи назаридан самарали ишлар амалга оширилган. Қадимги Фарғонанинг пойтахт шаҳри, унинг жойлашуви, давлатнинг номланиши масалаларида эса ҳамон илмий баҳслар давом этмоқда. Хитой йилномаларининг илмий асарларда таржима қилиниб, фанга жорий этилиши бу масалаларга ойдинлик киритмоқда. Аммо, Фарғона водийсининг тарихий-маданий ва иқтисодий алоқаларини яхлит илмий иш даражасида ёритиб бериш, мавжуд тадқиқотлар натижалари ва маълумотларни умумлаштириш ҳамда қиёсий ўрганиш ҳамон долзарблигича қолмоқда.

**Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати**


1. Пьянков И.В. Александрия Крайняя в известиях античных авторов // Исследования по истории и культуре Ленинабада. – Душанбе. 1986. – С. 73-81.
2. Бичурин Н.Я. (Иакинф). Собрание сведений о народах обитавших в Средней Азии в древние времена. В трех частях. – Алмата: ТОО «Жалын Баспасы» 1998. – Ч. II. – С. 192.
3. Хўжаев А. Буюк ипак йўли: муносабатлар ва тақдирлар. – Тошкент “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси”. 2007. – Б.114-119.

4. Хўжаев А. Фарғона тарихига оид маълумотлар (Қадимий ва илк ўрта аср Хитой манбаларидан таржималар ва уларга шарҳлар). – Фарғона, 2013. – Б.70-74.
5. Кюнер Н.В. Китайские известия о народах Южной Сибири, Центральной Азии и Дальнего Востока. – М., 1961. – С.128-132.
6. Хўжаев А. Қадимги Паркона (Юан-ченг) шаҳри ҳақида Хитой манбалари // Фарғона водийси тарихи янги тадқиқотларда. – Фарғона, 2010. – Б.24-31.
7. Исҳоқов М. Унутилган пошоликдан хатлар. – Тошкент, 1991. – 56 б.
8. Хўжаев А. Буюк ипак йўли; Ўша муаллиф. К этимологии топонима Дайюань (Даван) в китайских источниках // Фарғона водийси тарихчи янги тадқиқотларда. – Фарғона, 2009. – 48 б; Ўша муаллиф. Эрши шаҳрини қадимги Фарғона давлатининг пойтахти деб ҳисоблаш мумкинми? // O’zbekiston tarixi, 2010. – №2. – Б.63-73; Ўша муаллиф. Қадимги Паркона...; Ўша муаллиф. Фарғона тарихига оид... ва бошқ.


## ЎЗБЕКИСТОНДА МОЛИЯ КАДРЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИ ҲОЛАТИ (XX АСРНИНГ 50-ЙИЛЛАРИ)

***Р.Тўхтаева – т.ф.ф.д., PhD. Қарши давлат университети***

XX асрнинг 50-йилларидан бошлаб совет давлати тарихида турли соҳаларда инқирозли ҳолатлар юзага кела бошлади. Совет давлатининг таркибий қисми бўлган, ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий мустақилликга эга бўлмаган Ўзбекистон Марказ томонидан ишлаб чиқилган йўл-йўриқларга амал қилиб яшашга ва ишлашга мажбур эди. Марказдан Ўзбекистон иқтисодиёт учун ҳаддан ташқари оширилган ривожлантириш ҳажмлари ва суръатларида белгиланди. Аммо ижтимоий муаммолар масаласи эътибордан четда қолдирилди.

Ўзбекистонда молия соҳаси фаолияти ва уларнинг таъминоти масаласида ҳам бир қанча муаммолар келиб чиқди. Айниқса, молия соҳаси кадрлари масаласига етарлича эътибор қаратилмади.

Ўзбекистонда 1954 йил молия органлари учун жами 5120 та штат бирлиги ажратилиб, уларнинг таъминоти учун 50778 минг рубль сарфлаш режалаштирди [1]. Шундан, 2852 минг рубли марказий бошқарув аппаратига, вилоят молия бўлимларига 6749 минг рубль, туман ва шаҳр молия бўлимларига 9133 минг рубли, қишлоқ туман молия бўлимларига 32044 минг рубль, Тошкент Молия-Кредит техникуми қурилишига 940 минг рубль сарфланиши кўзда тутилди [2].

Молия ходимлари соҳа бўйича етарли билим ва малакага эга бўлмаганликлари, ўз хизмат вазифасига совуққонлик билан ёндашганликлари ва бошқа сабаблар туфайли ишдан четлаштириш ҳолатлари тез-тез учраб турди.

Масалан, 1956 йил давомида Фарғона вилояти молия ходимларидан 18 нафар киши шу тариқа ишдан четлаштирилган. Вилоят молия бўлими ревизори Х.Йўлдошев, Тошлоқ туман ҳисобчиси М.Охунов, Қувасой тумани молия бўлими бош инспектори В.И.Маншев шулар жумласидандир. Бундан ташқари жорий йилда молия бўлимининг раҳбар ходимларидан 7 киши яъни 3 та тумани молия бўлими мудирлари Зуфаров (Сух), Саримсоқов (Қўқон), Алиев (Водил)лар вазифасидан қуйига пасайтирилган. Шунингдек, 1957 йил вилоятда 10 нафар солиқ инспектори тартибсизлиги, ижро интизомини бажармаслиги ва солиқ қонунчилиги бўйича етарли билимга эга эмасликлари туфайли ишдан бўшатилган [3].

Тошкент шаҳрининг 6 та тумани молия ходимларининг 1956 йил давомидаги фаолияти ўрганилганда, кўпгина камчиликлар аниқланди. Асосан ходимлар тартиб-

интизоми талабга муфоқир келмаган. Айниқса, Тошкент шаҳрининг Фрунзе, Октябрь туманларида бу борада аҳвол қониқарсиз ҳолатда бўлди. Тошкент шаҳар туманлари молия бўлимида 1952 йил 1 январь ҳолати бўйича 68 нафар олий маълумотли, 62 нафар ўрта маълумотли мутахассислар фаолият кўрсатди. Улардан В.И. Гросс, Г.И.Липина, М.Нурматов, Т.Муродхўжаев, Х.С.Ғуломова, М.Парпиева, М.Камоловалар, З. Алиевалар ўз соҳасининг устаси сифатида танилган эди. Молия ходимлари учун яратилаётган шарт-шароит етарли даражада бўлмаганлиги туфайли, кадрлар қўнимсизлиги юқори даражада бўлди. Масалан, Тошкент шаҳар молия бўлимидан 1955 йили 12 нафар ходим, 1956 йил 10 нафар ходим бошқа ишга ўтиб кетган [4].

1956 йил давомида Тошкент шаҳар молия бўлимида 34 та шикоят аризаси тушиб, шундан 18 таси ижобий ҳал этилган [5].

1956-1957 йиллар давомида Фарғона вилояти молия бўлимларидан 77 нафар ходим соҳа бўйича маълумотга эга бўлмаганлиги туфайли ишдан озод этилиб, 95 нафар киши яна шу хатолик билан, яъни молия бўйича мутахассисликка эга бўлмаган шаротда ишга қабул қилинган. Бу даврда вилоят молия бўлимлари раҳбарларининг 50% и ўз вазифасини уддалай олмаганликлари туфайли ишдан олинган [6].

Вилоят туман молия бўлимлари фаолияти ўрганилганилганда жиддий камчиликлар аниқланган. Туман бюджетлари бажарилмаган, солиқ қарздорлиги ўсиб борган, касса операциялари ташкил этилмаган. Оқибатда йиғилиши лозим бўлган солиқлар миқдори ноаниқлигича қолиб кетган.

Бу каби ҳолатларнинг барчаси молия бўлимлари фаолиятига жиддий таъсир кўрсатди. Масалан, 1956 йил Фарғона вилоятидаги 21 та туман молия бўлимларидан 10 таси бюджет режасини бажармаган бўлса, 1957 йил вилоятдаги 15 та туман молия бўлимларида шу ҳолат аниқланади.

1956-1957 йилларда биргина Фарғона вилояти молия бўлими солиқ инспекторлари устидан нотўғри солиқ йиғиш бўйича 7368 та шикоят аризаси келиб тушади [7].

Республика вилоятлари туманлари молия бўлимларида молия соҳасида махсус маълумотга эга кадрлар етишмади. Масалан, 1958 йили Бухоро вилоятининг 15 та туманидан фақат 5 тасида 2 тадан, Андижон вилояти 18 туманидан фақат 7 тасида 2 тадан мутахассис фаолият кўрсатди.

Республика молия ходимлари орасида кадрлар қўнимсизлиги юқори даражада бўлиб, 1956-1957 йилларда молия органларидан 736 нафар мутахассис бошқа жойга ўтиб кетди [8].

1958 йил 1 январь ҳолатига кўра, Ўзбекистон молия органларида 2006 нафар ходим ишлаб, шундан 1303 нафари ёки 63,6% и олий ва ўрта махсус маълумотли 1181 нафарини маҳаллий миллат вакиллари ташкил этди.

Республика молия органларида махсус маълумотли инспекторлар етишмади. Масалан, вилоятлардаги молиа инспекторларининг 37 % и соҳа бўйича маълумотга эга эмас эди. 137 та туман молия бўлими мудирларидан 103 таси ёки 60 % и махсус маълумотсиз эди [9].

1956-1957 йиллар давомида республика молия бўлимлари раҳбарларидан 24 нафари ўз вазифасини бажара олмаганликлари туфайли ишдан бўшатилган.

Кадрларни қобилияти, маълумотига қараб жойлаштиришда ҳам хатоликларга йўл қўйилган. Масалан, 1956 йили Наманган вилояти молия бўлимига иқтисодчи лавозимига Шчедрин тайинланади. У ўрта маълумотли бўлиб, шунга қадар вино заводи таъминоти бошлиғи лавозимида ишлаб келган. Шчедрин янги иш жойида

фақат 8 ой ишлаб, ўз вазифасини бажара оламаганлиги туфайли ишдан бўшатилган [10].

1957 йили Қашқадарё вилояти молия бўлими иқтисодчиси лавозимига оддий машинистка тайинланиб, олти ой ўтар-ўтмас вазифасини уддалай олмаганлиги туфайли ўз жойига қайтарилган [11].

Марказдан юборилган кадрларни жойига қўйишда ҳам тўғри йўл тутилмади. Масалан, 1957 йил Бухоро вилояти молия органларига 20 нафар ёш мутахассис юборилиб, шундан 8 нафари қабул қилинмай бошқа ташкилотларга ўтказиб юборилади. Бундай ҳолатлар Хоразм, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ҳам аниқланади [12].

Жорий йилда молия техникумини тамомлаган Аширов Қашқадарё вилояти молия бўлимига иш сўраб мурожаат қилади. Аммо бўш иш ўринлари бўлган шароитда унга рад жавоби берилади.У бир неча маротаба республика молия министрлигига мурожаат қилгандан сўнггина ишга жойлаштирилади. Бу каби ҳолатлар тез – тез такрорланиб турди.

Молия бўлимлари ходимлари малакасини ошириш курслари мазмуни асосан сиёсий мавзуларни ўқитишга қаратилди. Масалан 1957 йил республика молия соҳаси кадрлари малака ошириш курсларида қуйидагича йўналишларда ўқитилган: 1. Газета материаллари асосида ҳафталик сиёсий ахборот. 2. КПСС тарихи ва сиёсий иқтисодни ўрганиш тўгараклари. 3. Сиёсий халқаро ва иқтисодий мавзулардаги маърузалар. 4. Семинарлар. 5 Мустақил ўрганиш [13].

1957 йил давомида Тошкент вилояти молия ходимлари ўртасида қуйидаги тадбирлар амалга оширилди:

1. 25 марта халқаро мавзудаги сиёсий ахборот.

2. 8 марта сиёсий мавзудаги маърузалар. Шунингдек, “Сиёсий иқтисод”ни ўрганиш тўгарагига 21 нафар аъзо бўлиб, уларнинг машғулотлари узлуксиз ўтказиб турилган. Кун сиёсий воқеалари семинар машғулотлари ҳам бўлиб турди [14].

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, молия ходимларини малакасини ошириш масаласида асосий эътибор молия ихтисослигига эмас, сиёсий мавзуларга қаратилди.

1960 йил республика молия бўлимларига 227 нафар мутахассис ишчи келган бўлса, 246 нафар ходим ишдан кетган. Молия ходимлари қўнимсизлиги юқори даражада бўлган[15].

1960 йили республика молия органларида жами 2346 нафар ходим фаолият кўрсатиб, шундан 599 таси олий маълумотли эди. Республикадаги 9 та вилоят молия бўлими мудирларидан фақат 6 таси олий маълумотли эди [16].

Хуллас, молия ходимлари соҳа бўйича етарли билим ва малакага эга бўлмаганликлари, ўз хизмат вазифасига совуққонлик билан ёндашганликлари, молия кадрларининг малакасини ошириш курсларида асосий эътибор ўз ихтисослигига эмас, балки сиёсий мавзуларга қаратилиши каби ҳолатларнинг тез-тез учраб туриши соҳа ривожига албатта салбий таъсир этган.

**Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати**


1. Ўз МА, 93-фонд, 15-рўйхат, 1642-иш, 1-варақ.
2. Ўз МА, 93-фонд, 15-рўйхат, 1642-иш, 1-варақ.
3. Ўз МА, 93-фонд, 15-рўйхат, 1704-иш, 113-варақ.
4. Ўз МА, 93-фонд, 15-рўйхат, 1704-иш, 2 – 4-варақлар.
5. Ўз МА, 93-фонд, 15-рўйхат, 1704-иш, 7-варақ.
6. Ўз МА, 93-фонд, 15-рўйхат, 1767-иш, 42 – 44-варақлар.
7. Ўз МА, 93-фонд, 15-рўйхат, 1767-иш, 42 – 43-варақлар.
8. Ўз МА, 93-фонд, 15-рўйхат, 1767-иш, 34-варақ.

**9.** Ўз МА, 93-фонд, 15-рўйхат, 1767-иш, 32 – 33-варақлар.
**10.** Ўз МА, 93-фонд, 15-рўйхат, 1767-иш, 41-варақ.
**11.** Ўз МА, 93-фонд, 15-рўйхат, 1767-иш, 33-варақ.
**12.** Ўз МА, 93-фонд, 15-рўйхат, 1767-иш, 35-варақ.
13. Ўз МА, 93-фонд, 15-рўйхат, 1767-иш, 36-варақ.
14. Ўз МА, 93-фонд, 15-рўйхат, 1767-иш, 37-варақ.
15. Ўз МА, 93-фонд, 15-рўйхат, 1965-иш, 20-варақ.
16. Ўз МА, 93-фонд, 15-рўйхат, 1965-иш, 13-варақ.

## ТУРКИСТОНДА ИЛК ТИББИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАРИХИ

***Б.Ш.Тошпўлатов – т.ф.фд., PhD. Қарши давлат университети***

***Аннотация**: XX аср бошида Туркистонда совет ҳокимияти ўрнатилгач ўлкада бир қатор ўзгаришлар содир бўла бошлади. Ҳокимият тепасига янги тузилманинг келиши барча соҳаларда, шунингдек, ижтимоий ва маданий соҳаларда ҳам жиддий ўзгаришларга амалга оширилди. Совет ҳокимияти ўлкада ижтимоий соҳани, хусусан, соғлиқни сақлаш тизимини йўлга қўйиш асносида тиббий кадрлар тайёрлаш соҳасида ҳам баъзи ўзгаришларни амалга оширишга ҳаракат қилди. Кейинчалик бу ўзгаришлар Ўзбекистонда олий тиббиёт кадрлари тайёрлаш ишларига асос бўлди ҳамда соғлиқни сақлаш ишига ижобий таъсир қилди.*

***Калит сўзлар**: Туркистон, Совет ҳокимияти, тиббий кадрлар, табиблар, фельдшер, ҳамшира, доялар, доришунослар, В.Н.Робинзон, В.М.Дейч, П.А.Благовешенский, В.Э.Корчитс, Александра Михайловна Коллонтай, “Олий таълим дўстлари жамияти”, «Буфф» кафеси, Туркистон Халқ университети тиббиёт факультети, Зулфия Умидова, санитария инспекторлари курси.*

Туркистонда совет ҳокимиятининг ўрнатилиши ўта мураккаб тарихий жараёнлар билан ёнма-ён кечди. Россия империясининг чеккадаги қолоқ ўлкаси ҳисобланган Туркистонда ижтимоий муаммолар ниҳоятда кучли бўлиб, таълим тизими ҳам ночор бир аҳволда эди. Ҳокимият тепасига янги тузилманинг келиши барча соҳаларда, шунингдек, ижтимоий ва маданий соҳаларда ҳам жиддий ўзгаришларга амалга оширилди.

Совет ҳокимияти ўлкада ижтимоий соҳани, хусусан, соғлиқни сақлаш тизимини йўлга қўйиш асносида тиббий кадрлар тайёрлаш соҳасида ҳам баъзи ўзгаришларни амалга оширишга ҳаракат қилди. Тиббий кадрлар тайёрлаш соҳасининг йўлга қўйилиши аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ишининг муваффақияти билан узвий боғлиқ жараён саналади. Тиббиёт кадрлари зиммасига инсонлар саломатлигини сақлаш, касалланиб қолганларни даволашдек масъулиятли ва шарафли вазифа юкланади. Дунёнинг барча ҳудудларида тиббиёт кадрлари тайёрлаш жараёнига жиддий эътибор қаратиб келинган. Хусусан, Туркистонда маълумотли тиббиёт ходимлари тайёрлаш, даволаш муассасаларини кадрлар билан таъминлаш юзасидан қатор чора-тадбирлар олиб борилди.

Совет ҳокимияти соғлиқни сақлаш тизимини яхшилаш мақсадида аввало кадрлар тайёрлаш масаласига эътибор қаратди. Туркистон Республикаси Соғлиқни сақлаш халқ комиссарлиги даволаш муассасаларини тиббий кадрлар билан таъминлаш мақсадида тиббиёт бўйича турли курслар ва мактаблари ташкил этишга ҳаракат қилди.

Бу даврда таълимнинг бу тармоғи деярли мавжуд эмас эди. Шу вақтга қадар табиблар ўз авлодларига ёки шогирдларига якка тартибда сабоқ бериб келган.

Замонавий даволаш муассасаларида фаолият кўрсатган тиббиёт ходимлари эса асосан Россия тиббиёт таълим муассасалари битирувчилари эди. Аммо улар жуда озчиликни ташкил этди. Масалан, Туркистоннинг 8 млн. лик аҳолисига бор-йўғи 208 нафар врач, 82 нафар стоматолог, 102 нафар акушерка ва 120 нафар шафқат ҳамширалари хизмат кўрсатди [19]. Туркистоннинг Самарқанд уездларида 28.208 кишига, Фарғона уездларида 79. 011 кишига 1 нафар шифокор тўғри келди. РСФСРда эса1 нафар шифокорга 18. 813 киши тўғри келди [17]. Ушбу рақамлар таҳлили ўлкада тиббий кадрлар муаммоси нафақат соғлиқни сақлаш соҳасининг, балки балки ижтимоий тизимининг энг жиддий муаммоси бўлганлигини кўрсатади.

Тиббиётнинг турли йўналишлари бўйича ўқув курслари доимий ташкил этилди. 1920 йили йирик шаҳарларда тураржой санитарияси инспекторлари курси, эмлаш курси, доялар ва доришунослар тайёрланадиган курс, кичик тиббий хизматчилар, ҳарбий фельдшерлар, тиббий ҳамширалар, тиббиёт ходимлари малакасини ошириш курслари ташкил этилди. Ҳар бир тиббиёт курсида йўналиш хусусиятидан келиб чиқиб, тингловчиларга билим берилди. Тиббиёт курсларида В.М.Дейч, П.А.Благовешенский, В.Э.Корчитс, А.Б. Герценшейн, Д.И. Веняминов, В.И.Богданов-Березовский, В.Д. Вяткин каби ўқитувчилар фаолият кўрсатди. Тиббиёт курслари асосан даволаш муассасалари қошида очилди. Масалан, Тошкентда руҳий-асаб шифохонаси қошида кичик тиббий хизматчилар учун қисқа муддатли курс очилди. Самарқанд шаҳрида эмлаш курси ташкил этилди. 1920 йили Тошкент шаҳрида Полтарацкий шифохонаси қошида ҳамширалар малакасини ошириш курси йўлга қўйилди [16]. Ушбу тиббиёт курслари кейинчалик тиббиёт мактаблари учун замин вазифасини бажарди. Бу даврда даволаш муассасаларининг тиббий кадрларга бўлган эҳтиёжи асосан тиббиёт мактаблари ва қисқа муддатли ўқув курслари ҳисобига қондириб келинди.

Йирик шаҳарларда фельдшер, ҳамшира, доялар, доришунослар тайёрлаш билан шуғулланувчи тиббиёт мактаблари очилди [14]. Шундай тиббиёт мактабларидан бири 1918 йили П.Ф. Боровский раҳбарлигида Тошкент шаҳрида очилди. Бу тиббиёт мактабига жаҳоннинг биринчи элчи аёли Александра Михайловна Коллонтай номи берилди. Тиббиёт мактабида асосан ҳамширалар тайёрланиб, мактаб учун Тошкент шаҳридаги Қизил Яримой жамиятининг шифохонаси биноси ажратилди. Мактабда Измайлова, Свелинская, В. Н. Робинзон, Тополский, Ликошин, Яковлев каби ўқитувчилар талабаларга таълим-тарбия берди. Кейинги йилларда тиббиёт мактаблари тармоғи кенгайтириб борилди. 1919 йил 25 мартида Туркистонда саккиз ойлик доришунослар мактаби очилди[18]. Кейинги йили ўлка мусулмон фельдшерлик мактаби, мусулмон акушерлик мактаби, ҳамшира-тарбиячилар мактаби ва европалик аҳоли учун акушерлик мактаби очилди. Маҳаллий хотин-қизлар учун Ўлка тиббий ҳамширалар тайёрлаш мактабидан 15 та жой ажратилди [17].

Ушбу мактабларнинг очилиши ўша давр учун қанчалик ижобий воқеа бўлса-да, улар фаолиятида қатор камчиликлар кузатилади. Масалан, уларда ўқиш муддати турлича бўлиб, баъзиларида ўқиш 2 йил, баъзиларида 4 йил давом этди. Асосий муаммо ўқув дастурлари ва режалари аниқ эмас эди. Қолавеса, тиббиёт мактабларида маҳаллий аҳоли вакиллари ва европаликлар алоҳида-алоҳида ўқитилди. Уларда ўзбек тилидаги дарсликлар етишмади. Маҳаллий тилда дарс берувчи ўқитувчилар йўқ ҳисоби эди. Тиббиёт мактабларида таълим олган маҳаллий миллат вакилларининг кўпчилиги тил билан боғлиқ муаммолар сабабли ўқишни ташлашга мажбур бўлди. Ўқувчиларнинг моддий таъминоти ҳам ночор аҳволда эди. Талабалар учун ётоқхоналар ажратилмаган бўлиб, улар баъзан чойхона ва вокзалда тунаган. Масалан, Тошкент шаҳридаги маҳаллий хотин-қизлар акушерлик мактабига

қабул қилинган 15 нафар ўқувчидан 5 нафари ўқишни ташлаб кетди ва 1922 йили бу мактабни фақат 7 нафар битирувчи тугаллади[1].

Тиббиёт мактаблари фаолиятини йўлга қўйишда Россия тиббиёт таълим муассасалари битирувчилари яқиндан ёрдам берди. Шулардан бири Гулсум Асфандиёрова бўлиб, у Тошкент шаҳридаги аёллар акушерлик мактабининг очилишига ёрдам берди [7]. Бу каби мактабларнинг очилиши Туркистонда аёлларга тиббий хизмат кўрсатиш ишининг яхшиланишига хизмат қилди.

Самарқанд шаҳрида 1920 йили рус шифокорлари С.Х.Фихтнер, П.А.Благовешенский, В.Ф.Медведков ва Ф.Этингофлар ташаббуси билан “Акушерлик мактаби” ташкил этилди. Акушерлик мактаби шаҳардаги гўдаклар уйи қошида фаолият олиб борди. С.Х.Фихтнер билим юртининг биринчи директори этиб тайинланди. Шу йили акушерлик мактабига қабул қилинган 40 нафар ўқувчининг 16 нафари уни 1922 йили ўқишни муваффақиятли битирди. Билим юртини битириб, тиббий ходим сифатида мустақил ишлашга йўлланма олган илк қалдирғочлар орасида А.Г.Дорофеева, Е.Пянова, Г.М.Нефедова-Елкина, Е.Сидорова кабилар бор эди. Акушерлик мактабининг биринчи битирувларидан Г.М.Нефедова-Елкина, Е.Пянова, В.А. Сеплинкова ва бошқалар ЎзДУ (ҳозирги Алишер Навоий номидаги СамДУ)нинг тиббиёт факультетини ҳам муваффақиятли битириб, олий маълумотли шифокор бўлиб етишди ва соғлиқни сақлаш соҳасининг турли йўналишларида фаолият кўрсатди[10].

Туркистон шаҳарларидаги тиббиёт мактаблари сони 1922 йили 13 тага етди ва уларда 536 нафар ўқувчи таълим-тарбия олди. Мактаб ўқувчиларининг фақат 10 фоизи маҳаллий миллатга мансуб эди. Бундан ташқари Фарғона, Самарқанд ва Бухорода тиббиёт техникумлари ҳам очилди. Масалан, Туркистонда биринчи тиббиёт техникуми 1923 йили Тошкент шаҳрида ташкил этилиб, унда стоматология, фармацевтика, тиббий ҳамширалик бўлимлари фаолият кўрсатди [18]. Техникумда ўқув жараёни тиббиёт мактабларига нисбатан бир мунча мураккаб эди.

Тиббиёт мактаблари ва техникумларининг ташкил этилиши ўлка аҳолиси соғлиғини сақлаш ишини жонлантиришда катта хизмат қилди. Бу ўқув муассасаларида А.З. Зоҳидов, Й.К. Мўминов, И.К. Комилов, А. Юсупов, Х.Г. Ғафуров каби тиббиёт соҳасининг машҳур олимлари таълим олди [4].

Ўлка мусулмонлари фельдшерлик мактабига И. М. Шварцман, маҳаллий хотин-қизлар акушерлик мактабига Г.О. Асфандиёрова, европалик аҳоли акушерлик мактабига А. Ф. Попов раҳбарлик қилди. Шунингдек, тиббиёт мактабларида С. Э. Симмерман, Т.А. Сирота, М.И. Ёқубова, А.Б. Трегулова, З. И. Умидова, М. Беняминович, П.Ф. Самсонов, Р.С. Гершенович каби ўқитувчилар талабаларга таълим-тарбия берди [8].

Туркистонда олий таълим тизимини йўлга қўйиш борасида миллий зиёлилар ва илғор рус олимлари кўп йиллар ҳаракат олиб борди. 1918 йилнинг февралида Тошкентда “Олий таълим дўстлари жамияти” тузилиб, унинг таркибида ўқитувчилар, муҳандислар, шифокорлар, агрономлар ва зиёлиларнинг бошқа қатламлари киритилди [6]. Мазкур жамият аъзолари турли ихтисосликлар бўйича мутахассис тайёрловчи ўқув муассасасини ташкил этишни режалаштирди. 1918 йили Туркистон Республикаси ҳукумати Москвага Туркистон университетини ташкил этиш илтимоси билан делегация юборди. Доимий равишда марказ Тошкент билан радио алоқа қилиб турди [13].

Ниҳоят, 1918 йил 21 апрелда Тошкент шаҳрида зиёлилар ташаббуси ва большевиклар доҳийси В.И.Лениннинг шахсий кўрсатмаси билан Туркистон Халқ университети ташкил этилиб, унинг ректори А. В. Попов бўлди [20]. Университет таркибида тиббиёт факультетини очиш тадбирлари олиб борилди.

Туркистон ва РСФСР ҳукумати ўртасидаги ёзишмалардан сўнг 1919 йил 25 июнда Туркистон Халқ университети таркибида тиббиёт факультетини очиш зарурлиги тўғрисида қарорга келади ва бу ҳақида архив ҳужжатларида шундай дейилади: «Страна, занимаюшая плошад около 2 млн. кв. Верст […], с населением приблизително сем миллионов жителей, должна имет на своей территории, хот одну самостоятелную медитсинскую школу, которая могла би удовлетворит болшую медитсинскую нужду и потребност населения Туркестана, и в достаточной мере снабжат его санитарние учреждения медитсинскими силами и работниками» [21].

Туркистонда олий маълумотли тиббиёт кадрларини тайёрлаш иши 1919 йил 15 августда Тошкент шаҳридаги «Буфф» кафеси биносида Олий тиббиёт мактаби очилиши билан йўлга қўйилди. Олий тиббиёт мактабининг биринчи директори лавозимига Г. Н. Броверман тайинланди [2]. Олий тиббиёт мактаби I курсига 550 та тингловчи қабул қилиниб, шундан фақат 250 таси машғулотларда иштирок этди [3].

Туркистон Давлат университети Кенгаши Олий тиббиёт мактаби вакиллари билан биргаликда 1919 йил 4 декабрда ўтказилган йиғилишда бу мактабни университет таркибида тиббиёт факультетига айлантириш тўғрисида қарор қабул қилинади. 1920 йил 24 ноябрда Олий тиббиёт мактаби Туркистон Давлат университетининг тиббиёт факультетига айлантирилди [9]. Бу даврда факультет фаолиятини йўлга қўйиш бўйича ташкилиш ишлар олиб борилди. Тиббиёт факультетини ташкил этиш бўйича 12 кишидан иборат махсус комиссия ташкил этилди. Москвада тиббиёт факультети тузилиб, унинг биринчи декани проф. П.Н. Ситковский ва декан ўринбосари проф. К.Г. Хрущев бўлди. Ҳукумат ташкилий қўмитага катта миқдордаги пулни юборди ва жиҳозларни олиш учун барча имкониятларни яратишга ҳаракат қилди. Бир неча профессор-ўқитувчилар Тошкентда ишлашга рози бўлди. Кафедралар ва клиникалар учун ускуналар сотиб олинди ва Тошкентга жўнатиш учун тайёрланди, кутубхона қайта жойланди.

Москва ва Тошкентда факультет фаолиятини йўлга қўйиш бўйича тадбирлар олиб борилди. Тиббиёт факультетини яратиш бўйича мураккаб ва машаққатли ишлар жадал суръатлар билан олиб борилди. Проф. П.Н. Ситковский, у билан бирга келган профессор Э.М. Шляхтин, И.П. Рождественский, М.А. Захарченко, В.В. Василиевский, Н.Н. Маркелов, Г.А. Илйин, В.А. Смирнов, М.В. Мухина, Э.В. Василиевская, В.Г. Пебарт, С.Э. Зиммерман Тошкентдан П.Ф. Боровский, М.И. Слоним, С.Ф. Каплан ва А.А. Грековлар билан биргаликда ҳаракат олиб борди [13]. Ташкилий ишларга Петроград университети, Москва политехника институти, Петровско-Разумов қишлоқ хўжалиги академияси ҳам катта ёрдам берди [12]. Университет профессорлари ва ўқитувчиларини олиб борадиган биринчи поезд 1920 йил 19 февралда Москвадан жўнаб, 10 апрелда Тошкентга этиб келди.

Туркистон Республикаси соғлиқни сақлаш халқ комиссари И.И. Орлов тиббиёт факультети очиш бўйича кўп ҳаракат олиб борди. Тиббиёт факультетини ташкил этиш вазифаси муваффақиятли ҳал қилинди. Бунга биринчи навбатда Туркистон республикаси ҳукумати ва маҳаллий жамоат ташкилотларининг ҳар томонлама, фаол ёрдами, шунингдек, Тошкент ва Москва ишчилар гуруҳларининг ҳаракати туфайли эришилди.

Замонавий тиббиётни йўлга қўйиш ва жаҳоннинг илғор тажрибасидан фойдаланиш соҳа тарихини янги методологик ёндашувлар ва бирламчи манбаларга асосланиб ёритишни талаб этди. Бу нафақат тарих фани, балки жамият ижтимоий ҳаётини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган долзарб вазифадир. Мақола умумқабул қилинган методлар – тарихийлик, қиёсий-мантиқий таҳлил, кетма-кетлик, холислик тамойиллари асосида ёритилган.

Мақолада Туркистонда илк тиббиёт мактаблари ва курслари ҳамда уларда ўқув жараёнининг бориши, ўлкада тайёрланган илк олий маълумотли тиббиёт ходимларининг шахслари аниқланган. Хусусан, 1919 йили Тошкентда тиббиёт факультетининг 1 курс талабалари ўқишни бошлади. Факультетнинг ягона аудиторияси талабалар билан тўлди. Барча қийинчиликларга қарамай, ўқув йили якунланди. 1920 йил апрель ойида Москвадан келган профессор-ўқитувчилар дарсларини тугатдилар ва талабаларнинг асосий қисмини 2-курсга ўтказди. Олиб борилган ҳаракатлар натижасида 1920 йилнинг кузига келиб, ҳеч қандай қийинчиликсиз ва тўлиқ жиҳозланмаган хоналарда тиббий факультетнинг барча беш курсларини жойлаштириш имконияти пайдо бўлди [13]. Тиббиёт факультетининг бешта курсида ҳам ўқув машғулотлари олиб борилди. Факультетга биринчи курс талабалари янгидан қабул қилинган бўлса, иккинчи курс Олий тиббиёт мактаби битирувчилари, учинчи, тўртинчи ва бешинчи курсларда Петроград, Тбилиси, Саратов, Томск ва бошқа шаҳарлардан келган талабалар ҳисобига тўлдирилди. Жами 205 та талаба ўқиди ва улардан 5 таси маҳаллий миллатга мансуб эди.

Тиббиёт факультетининг биринчи битирувчилари ўқишни 1921 йили тугатдилар, улар 12 нафар эди. Шундан 1 нафари аёл киши бўлиб, бу маҳаллий миллатга мансуб Зулфия Умидова эди [17]. Тиббиёт факультетида бу даврда Т. Нажмиддинов, М. Исмоилов, А. Асқаров, Қ. Усмонов, Й. Аҳмаджонов, Ш. Раҳимов каби ўзбек талабалари таълим-тарбия олди. Кейинги йилларда факультетда талабалар сони ортиб борди. Масалан, Туркистон университети тиббиёт факультети 1921 йил 12 та, 1922 йил 47 та, 1923 йил 23 та, 1924 йил 131 нафар врач тайёрлади [11]. Аммо улар орасида маҳаллий миллат вакиллари жуда озчилик бўлиб, 1920-1930 йиллар давомида Ўрта Осиё университетининг тиббиёт факультетини фақат 63 нафар маҳаллий миллат вакиллари тамомлади.

1919-1921 йилларда факультетнинг ташкилий даври бўлиб, факультетнинг моддий-техника базаси яратилди. Кейинги йилларда факультетга проф. К.Г.Хрушев (1921-1924 йй.) ва М.И.Слоним (1924-1926 йй.) лар раҳбарлик қилди ва бу даврда факультетнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, клиник кафедраларда дарслар ўтилиши такомиллашди. Факультетдаги кафедраларидаги вакант жойларга Москва ва бошқа йирик шаҳарлардан профессор-ўқитувчилар ишга таклиф қилинди. Таълим сифати кўтариш ва самарадорлигини ошириш мақсадида илмий-педагоглар таркибига ички ва юқумли касалликлар бўйича проф.Н.И.Рагоза, кўз касалликлари бўйича А.Н.Мурзин, тери ва таносил касалликлари бўйича И.С.Милман, болалар касалликлари бўйича Н.И.Осиновский, рентгенология бўйича С.А.Молчанов, патологик анатомия бўйича Г.Н.Терехов, оператив жарроҳлик бўйича Г.И.Илин, нормал анатомия бўйича С.Э.Симмерман, факультет жарроҳлиги бўйича М.С.Астров, урология бўйича Д.А.Введенский каби тиббиёт мутахассислари таклиф этилди. Факультет профессор-ўқитувчилари ўқув, даволаш ҳамда илмий-тадқиқот ишларини биргаликда олиб бориб, Г.Н. Терехова, М.С. Астрова, Д.А. Введенский, С.А. Молчанов каби шифокорлар профессор унвонини олди. Кафедра аъзолари томонидан ўлка халқларининг турмуш тарзи ва унинг соғлиқни сақлаш ишига таъсири, турли юқумли касалликларнинг келиб чиқиш омиллари ўрганилди [8].

1922 йилда Туркистон Республикаси ҳукумати томонидан факультетнинг илмий ва педагогик муассасалар учун замонавий талаблар даражасида бўлишига имкон берадиган лаборатория ускуналари ва жиҳозлари ҳамда адабиётларини сотиб олиш учун 65000 олтин рубль ажратилди [13].

Тиббиёт факультетнинг ривожланишида факультет деканлари П.Ф.Боровский (1926-1928 йй.), Н.И.Рагоза (1928-1929 йй.) ҳамда Г.П.Федоров (1929-1931 йй.) лар катта рол ўйнади.

Тиббиёт факультети битирувчилари билан Туркистондаги даволаш муассасаларини кадрлар билан таъминлаш имкони йўқ эди. Шу боис, маҳаллий ёшларни марказий шаҳарлардаги тиббиёт таълим муассасаларига ҳам ўқишга юборилди. Қорақалпоғистондан маҳаллий аҳоли орасидан Россиянинг бир нечта шаҳарларида тиббиёт йўналишидаги ўқув юртларга ёшлар юборилади. Масалан, 1924 йили 2 нафар киши Оренбургнинг тиббиёт техникумига юборилди [5]. Бу каби ҳолатни ҳар бир вилоят мисолида учратиш мумкин.

Энг қийин вазифа - тиббиёт факультетининг лабораториялари ва клиникаларини жойлаштириш бўлди. Туркистон Республикаси Халқ комиссарлари Кенгашининг қарорига биноан собиқ кадетлар корпуси ва Полтарацский номидаги шифохона биноси барча мол-мулки билан Туркистон давлат университети тасарруфидаги клиникага берилди. Бу жуда катта ҳудуд бўлиб, клиникалар ва бўлимларнинг жойлаштирилиши учун қулай эди. Бу эса тиббиёт факультети ишини йўлга қўйиш ва ривожлантириш имконини берди. Собиқ кадетлар корпуси биносида қисман қурилиш ишлари ҳам олиб борилди. Баъзи кафедралар кичик ҳажимли биноларга жойлаштирилди. Госпиталнинг терапия, жарроҳлик, кўз касалликлари, асаб, тери-таносил каби клиникалари вақтинча ҳарбий госпиталга жойлаштирилди. Психиатрия клиникаси учун психиатрия шифохонасидан фойдаланилди. Марказий шаҳарлардан келтирилган жиҳозлар клиникалар ва бўлимларга ва лабораторияларга жойлаштирилди ва кутубхона очилди. Шунингдек, лаборатория жиҳозлари, асбоблар, реактивлар шаҳарнинг турли бурчакларидан, одам танаси скелетлари қабристонлардан қазиб олиб келинди [13].

Хуллас, Туркистонда совет ҳокимияти ўрнатилиши тиббий кадрлар тайёрлаш ишига қандайдир маънода ижобий таъсир кўрсатди. Ўлканинг йирик шаҳарларида бирин-кетин тиббиёт мактаблари, техникумлари ва тиббиётнинг ҳар хил ихтисосликлар бўйича қисқа муддатли курслар очилди. Қолаверса, илк марта ўлкада олий маълумотли тиббиёт мутахассисларини тайёрлаш иши йўлга қўйилди. Туркистон Халқ университети тиббиёт факультети, тиббиёт мактаблари ва ўқув курсларининг очилиши шифокорлар, ҳамширалар, фельдшерлар, доялар ва доришуносларга бўлган эҳтиёжни қисман қондирди.

Совет давлатида, хусусан, Туркистонда кечаётган сиёсий жараёнлар ва иқтисодий инқирозлар барча соҳалар қатори таълим тизими ишига ҳам жиддий салбий таъсир кўрсатди. Аввало, бу таълим муассасалари моддий-техника базасини мустаҳкамлашга боғлиқ эди.

**Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати**


1. Агзамов Б. С., Бакиев А. Б. Из истории подготовки медицинских кадров в Узбекистане // Советское здравоохранение. – 1965. – № 3. – С. 78-80.
2. Бакиев А. Б. История и современное состояние подготовки врачебных кадров в Узбекской ССР. Автореф. дисс. канд. мед. наук. – Т.: 1968. – С. 6.
3. Бакиев А. Б. У истоков современного врачебного образования в Средней Азии // Вопросы организации здравоохранения и истории медицины Узбекистана. – Т., 1968. – С. 85.
4. Вопросы организации здравоохранения и истории медицины Узбекистана. – Ташкент, 1968. – С. 83.
5. Исмаилов О. И., Ещанов Т. Б., Бабаджанов А. С. Развитие здравоохранения в республике Каракалпакстан (с 1870 -х годов до наших дней). – Нукус, Билим, 1997. – С. 26-29.
6. Лунин Б.В. Из истории создания системы высшего образования в Средней Азии // Общественные науки в Узбекистане, 1917. – №9. – С.27-38.

7. Медикер. – Алматы, 2002, июнь. – С.58-59.
8. Мўминова Г.Э. Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизими тарихи. – Тошкент, 2015. – Б.188-190.
9. Народный университет. Очерки Туркестанского народного университета. – Ташкент, 1918. – С.2-10.
10. Самарканд тиббиёт тарихи. Самарқанд Давлат тиббиёт институти. – Б. 360.
11. Советское здравоохранения. 1984, №3. – С.51.
12. Туркестанский медицинский журнал, 1922, №1. – С.84.
13. Ўз ИТТҲ МА, 1-фонд, 1-рўйхат, 202-иш, 193-варақ.
14. Ўз МА, Р-13-фонд, 1-рўйхат, 24-иш, 56-варақ.
15. Ўз МА, Р-17-фонд, 1-рўйхат, 470-иш, 88-варақ.
16. Ўз МА, Р-25-фонд, 1-рўйхат, 333-иш, 8-12-варақлар.
17. Ўз МА, Р-25-фонд, 1-рўйхат, 1820-йиғма жилд, 8-варақ.
18. Ўз МА, Р-34-фонд, 1-рўйхат, 2484-иш, 124-варақ.
19. Ўз МА, Р-40-фонд, 1-рўйхат, 137-иш, 25-30-варақлар.
20. Ўз МА, 2087-фонд, 3-рўйхат, 671-иш, 2-варақ.
21. Ўз МА, Р-368-фонд, 1-рўйхат, 1-иш, 6-варақ.

## РОССИЯ ИМПЕРИЯСИ ИСТИЛОСИ ДАВРИДА БУХОРО-АФҒОНИСТОН МУНОСАБАТЛАРИ ХУСУСИДА

***М.З.Орзиев – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). Бухоро давлат университеи***

Россия империясининг Бухоро амирлигини ярим мустамлакага айлантириш жараёнида, Бухоро ва Афғонистон давлатлари ўртасидаги муносбатлар зиддиятли ва мураккаб бўлиб, Самарқандни Россия истило қилгандан сўнг бу ердан қочган муллаларни Жанубий Туркистон (ҳозирда Шимолий Афғонистон)даги Қундуз беклиги беги Мир Муродбек сўроқ қилиб, 31/19 апрел куни Кобул ҳукумдори Азимхонга мактуб йўллааган. Мактубда, Самарқанд яқинида жангдан қочган бухоролик тўққиз мулла билан суҳбатлашгани, уларнинг айтишича, жангда амир Музаффархон қўшинга бош этиб, Ҳирот ҳокимининг ўғли, авғон шаҳзодаси Искандархонни бош этиб тайинлагани. Қўин сони 400 авғон ва 8 минг бухороликлардан иборат бўлгани, руслар қўшини 8 минг киши бўлиб 16 та тўплари мавжудлиги, енгилганликларидан сўнг Искандархон ва Абдумалик катта тўранинг Самарқанд қалъасига кириб қаршилик қилишга уринганликлари аммо, дарвоза очилмаганлигини маълум қилган [12, 2]. “Туркистон тўплами”нинг саккизинчи томида Муродбекнинг мактуби такрор келтирилган бўлиб, унда афсус билан Амир Темур пойтахти кофирлар қўлига ўтганлигига оид Муродбек Қундузнинг мулоҳазалари қўшимча қилинган[9, 352].

Тарихий адабиётлардаги маълумотларда, Самарқанд яқинидаги жанг бошланиш олдидан амир Музаффар Авғонистон чорвилоят ҳокими Абдураҳмонхондан ёрдам сўраганлиги аммо, у Маймана қамали билан банд бўлганлиги боис ёрдам кўрсатмаган [12, 2] лиги келтириб ўтилган бўлса, яна бир манбада Бухоро амири авғонлардан ёрдам сўраганда, авғонлар амирнинг авғон аскарларига Бухоро ерларидан ўтишига рухсат бериши ва авғонларнинг ўзлари мустақил равишда руслар билан уруш олиб боришларини талаб қилганликлари сабабли музокаралар тўхтаб қолганлигига оид маълумотлар сақланиб қолинган [10, 137]. “Туркистон тўплами”нинг саккизинчи томида ҳам амирнинг Самарқандга йўл олиши, Ғиждувонга келганда уни атиги бир неча киши кутиб олганлиги, аҳолининг

қочиб кетганлиги, авғонлардан ёрдам сўралгани ва улар Бухоро ҳудудидан эркин ўтиб мустақил равишда руслар билан урушишни талаб қилганларида, амир Музаффар бу ўзини тахтдан ағдариш учун қулай имкони бўлиши сабабли авғонлар таклифини рад этганлиги келтириб ўтилган [6, 117д].

Амир Самарқанд яқинидаги жангга тайёргарлик кўриш жараёнида Карманага яқинлашганда Гриппенберг отриядининг Нуротага яқинлашаётганлиги ҳақида хабар олган. Бундан тўрт йил олдин ҳарбий хизматга олган Искандархон ва унинг аскарларига Нуротага боришни буюрган. Аммо, авғонлар қўқисдан Нуротага ҳужум қилиб, иккита тўпни тортиб олганлар. 12 апрель куни Жиззахга етиб келиб, Янги қишлоқда жами 284 киши русларга таслим бўлганлар. Авғонлар етакчиси Искандархон онаси томондан Дўстмуҳаммадхонга набира ҳисобланган. Унинг 144 аскари Бухоро амирига қарши Зирабулоқ жангида иштирок этишга рози бўлган бўлса, 140 аскари диндошларига қарши курашишни истамай Тошкентга йўл олганх[14, 127]. Искандархон русларга таслим бўлишдан олдин Нуротани вайрон қилганлигига оид маълумотлар мавжуд[20, 89с]. Тахминан 35 ёшлар атрофида бўлган ва Самарқанд яқинидаги жангдан сўнг руслар подполковник унвонини олган авғон шаҳзодаси Искандархон[5, 159-161] кейинчалик Петербургга йўл олган[13, 24]. Кейинчалик Англия кетган Искандархон у ерда ҳам Авғонистон тахтини қўлга киритиш режаси амалга ошмаслигига кўзи етгандан кейин Эроннинг Сеистон вилоятида умрининг охригача яшаган [1, 404]. Искандархон руслар томонига ўтгандан сўнг уларга Бухоро ва Авғонистон ҳудудидаги вазиятни тўлиқ тасвирлаб берган. Жумладан, Шералихон Кобул тахтини Азимхонга (аслида Афзалхонга матнда эҳтимол хато кетгандир ёки Афзалхон вафот этиб Азимхон тахтга ўтирган бўлса керак) бўшатиб беришга мажбур бўлгани, Абдураҳмонхон эса Балхда мустаҳкамланганлиги хабарини етказган [7, 131]. Дўстмуҳаммадхоннинг катта ўғли ва инглиз-авғон урушлари қаҳрамони бўлган Муҳаммад Акбархон 1847 йилда вафот этган бўлиб, бевосита катта ўғил сифатида Муҳаммад Афзалхон тахт вориси ҳисобланган[3, 33]. Афзалхоннинг вафот этиши 1867 йил охирида содир бўлган ва Азимхон тахтга чиққанлиги “Туркистон тўплами”да келтириб ўтилган [16, 241].

“Новое время” газетасининг 1870 йил 241 сонида, Туркистон генерал-губернаторлиги элчилари 1870 йил 22 июнда Бухоро амирлиги 35 кунлик сафар ҳақида маълумот берилиб, руслар билан бир вақтда Бухорога авғон элчилари ҳам келганлиги, улар ўзларини рус элчилари билан бирга қабул қилинишларини истамаганликлари, амирга Амударё бўйида қалъа қуришга рухсат беришни, русларга қарши 12 минг аскарлари шай турганлиги, пул ва аскарлар билан ёрдам беришни ваъда қилганликларини аниқлаганликлари келтирилган [11, 153]. Бухорога келган рус элчилари (полковник Носович) Бухорога келган авғон элчилари сони 20-30 кишидан иборат эканлигини аниқлаган [15, 154-155]. Авғон элчилари эса, Бухорода русларни яхши кутиб олинганидан норози бўлганлар [4, 156-157]. Бухорода бўлган рус элчилари инглизларни Россия империяси ва Авғонистонни уриштиришга уринаётганликларини аниқлайди. Авғон элчилиги таркибидагилардан бири рус элчилари таркибида бўлган мулла Юнусовни бухоролик ҳисоблаб; “Бизнинг қўшинимиз русларни енгади, амир Музаффар қўрқоқ у ўзини Россия душмани деб эълон қилишдан қўрқади”-деганини аниқлаган [19, 96]. Бухорога келган Носовия элчилиги саккиз кишидан иборат бўлиб, уларни 50 казак кузатиб келган. Улардан олдинроқ Усмонийлар салтанати, Хива ва Авғонистон элчилари келганлиги улар Россия империяга қарши иттифоқ тузишга ундаганликлари. Амир Музаффархон ўзини олий ҳукумдор деб тан олинсагина иттифоққа қўшилишини таъкидлаган. Амир Россия элчиларига авғонлар билан уруш бошланиш хавфи сабабли 4 минг милтиқ ва тўп қуювчиларни Бухорога беришни сўраган [21, 45-46].

Россия империясига қарши кураш тарафдори бўлган Абдумалик катта Тўранинг Россия империяси қўшинлари томонидан тор-мор этилиши, Авғонистон молиявий ва ҳарбий ёрдам сўраб бориши Афғонистоннинг Бухоро билан муносабатларни кескинлаштириб юборган. Инглизларнинг маслаҳати билан Катта Тўра Қўқонга юборилган бўлсада, Бухорода шаҳзоданинг Шералихонни қизига уйланганлиги, авғонлардан қўшин ва моддий ёрдам олганлигига оид маълумотлар тарқалган. Россиянинг қўллаб-қувватлашига ишонган амир Музаффар Жанубий Туркистондаги даъволар билан Хўжа Эшон Ўроқни Авғонистоннинг Туркистондаги губернатори олдига иккита унча муҳим бўлмаган шаҳарни Бухорога бериш талаби билан юборган. Вужудга келган кескинлик Россия империяси талаби билан бартараф этилган [17, 203]. Тарихий адабиётларда амир Музаффар Чорвилоятни қўлга киритишга уринган деб хулоса чиқаришга асос бўлиб хизмат қиладиган маълумотлар мавжуд. Ўз ҳаракатларини Туркистон генерал-губернатори Кауфманга амир қуйидагича тушунтирган. Ўроқ Эшон Хўжа бошчилигида 6 минг сарбоз, 3 минг отлиқ 6 та тўп билан Чорвилоят тезда қўлга киритилиши, Кобул томондан кучли хавф туғилса, Россия империяси отрядларининг Карки яқинида намойиш ўтказиши (Демонстрация) етарли эканлиги, 30 йил олдин ажралиб кетган ҳудудларни қайтариб олишда ёрдам беришни илтимос қилган [2, 96-97].

Айрим тарихий адабиётларда Авғонистондаги Чорвилоят ҳокими Ғулом Ҳайдархон Вардак олдига Бухоро амир Музаффархон Қосим Хўжа Ўроқ ва Мирзо Абдулғаффорларни элчи сифатида Бухоро амирлигининг Амударё чап соҳилидаги ҳудудларга даъвосини етказиш мақсадида юборган. Шунингдек, худди шу даврда Шаҳрисабзга Чорвилоят ҳокимининг элчиси Саид Жаъфар 20 кишилик вакиллар билан Музаффархонга қарши курашиш мақсадида келганлигига оид маълумотлар мавжуд [2, 140]. Хулоса қилиш мумкинки, ҳар икки томондан ҳам айғоқчилик ва рақибларга зарар етказишнинг турли воситалари қўлланилган. Шуни алоҳида таъкилаш жоизки, Россия империяси томонидан Бухорони истило қилиш жараёни ва бунда Афғонистон иштироки масаласи Россия империясининг даврий матбуот органларида ҳам муносабат билдирилиб, Англия томонидан Авғонистонга субсидия берилаётганлиги, инглизлар бўлмаганда Авғонистон ва Бухоро давлатлари келишиш имконига эга эканлиги, Россияга қарши курашга чоғланишлари мумкинлигига оид фикрлар билдирилган [18].

Россия айғоқчилик идоралари томонидан келтирилган маълумотларда инглизлар Бухоро амирини 70-йиллар давомида Россия империясига қарши иттифоққа тортишга бир неча бора уринганликларига оид маълумотлар келтирилган. Бунинг учун мусулмон айғоқчи-тарғиботчиларидан кенг фойдаланилган. Авғонистоннинг Ғазна шаҳри, Даман қишлоғидан бўлган Шермуҳаммад савдогар ҳам инглизлар томонидан юборилган айғоқчилардан бири бўлганлигига оид маълумотларнинг ўзи ҳам юқоридаги фикр-мулоҳазаларимизни тасдиқлайди[2, 136].

Афғонларнинг Бухоро амирлигини фаол равишда Россия империясига қарши курашга чорлаганлиги хусусидаги сўнгги маълумотлар Россия империяси томонидан Хива хонлигини бўйнсундирилиши жараёнларида тилга олинган бўлиб, ҳарбий экспидицияси даврида авғонлар рус қўшинларини зарурий нарсалар билан таъминлашга масъул бўлган Бухоро амирига бу топшириқни бажармасликни, аксинча Россияга қарши Хива билан ҳамкорликда курашишни таклиф қилганлар. Аммо, Бухорода яшовчи татар савдогари Каратаев ва Бухоронинг Россия империясида савдо қилувчи йирик савдогарлари амирни бундай йўл тутмасликка кўндирганлар [19, 96]. Россия Хивани эгаллаш учун ҳарбий юриш ташкил қилганда, инглизлар Авғонистон амирини қўллаб-қувватлаши сабабли Шералихон Бадахшонга юриш қилган [21, 189]. Бу эса Бухоронинг Жанубий туркистондаги сўнгги вассал

бекликларидан бирининг Афғонистон қўл остига ўтиб кетишига олиб келган.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Россия империяси босқини масаласини ўрганиш баробарида инглиз-афғон истилоси тарихини ҳам қисман бўлсада ўрганиш, Жанубий Туркистондаги ўзбек, тожик ва туркманлардан иборат азалий Туркистон халқлари тарихи, маданияти ва бугунги кундаги ҳолатига тарихий баҳо бериш муҳим аҳамиятга эга мавзулардан бири бўлиб ҳисобланиди.

**Фойдаланилган адабиётлар.**


1. Бартольд В.В. Сочинения в 9-ти томах. Том II. Часть 1. Общие работы по истории Средней Азии. Работы по истории Кавказа и Восточной Европы. – М.: Издательство восточной литературы, 1963. – 1020 с.
2. Бухара и Афганистан в начале 80-х годов XIX в. (журналы командировки Г.А. Арендаренко). – М.: Главная редакция восточной литературы издательство Наука, 1974. – 140 с.
3. Военно-статистический сборник. Выпуск III.пер. Аф. Бел.Составлен под общего редакцией Г.Ш. генерал-майора Н.Н. Обручева. Управлящего делами военно-ученного комитета и профессора военной статистики. – СПб., Печатано в военной типографии в здании главного штаба 1868. // Туркестанский сборник. Том 33. – 167 с.
4. Дневник. // Туркестанский сборник. Том 41. – С. 156-157.
5. Из Оренбурга. // Туркестанский сборник. Том 7. – 145-171.
6. Известия о сражение под Самаркандом и о занятии этого города. // Туркестанский сборник. Том 8. – С. 111-117н.
7. Известия из Туркестанского генерал-губернаторства. // Туркестанский сборник. Том 8. – С. 129-131.
8. Индиский вопрос в Англии. // Туркестанский сборник. Том 8. – С. 293-295.
9. Корреспондент газеты Times пишет из Калькутты. // Туркестанский сборник. Том 8. – С. 352. – С. 351-352.
10. Наши дела в Бухаре от вступления в управление краем генерал Кауфмана. // Туркестанский сборник. Том 6. – С. 137. – С. 133-139.
11. Новая время // Туркестанский сборник. Том 41. – С. 152-153.
12. Новости из Центральной Азии. // Туркестанский сборник. Том 6. – С. 1-4.
13. Оренбурнг 10 сентябрь. // Туркестанский сборник. Том. 7. – С. 23-25.
14. Положение дель в Бухаре. // Туркестанский сборник. Том. 6. – С. 127-131.
15. Приём русскаго посольства в Бухаре. // Туркестанский сборник. Том 41. – С. 154-155.
16. Руско-индиский вопрос. // Туркестанский сборник. Том 33. – С. 189-256.
17. Сакт-Петербург. // Туркестанский сборник. Том 41. – С. 201-205.
18. Санкт-Петербург. // Биржевые ведемости. 1870. № 181. 25 апрел.
19. Стремоухов Н. Поездка в Бухару. // Туркестанский сборник. Том 78. – С. 83-149.
20. Терентьев М. Частная корреспонденция “Рускаго инвалида”. // Туркестанский сборник. Том. 7. – С. 89а-89д.
21. Терентьев М.А. Россия и Англия в Средней Азии. – С.-Петербург. Типография Меркулова, Графский пер., д. № 5. 1875. – 231 с.
22. Южаков Ю. Абдурахманхан Афганский. // Туркестанский сборник. Том. 373. – С. 159-174.

# БУХОРО РУҲОНИЙЛАРИНИНГ ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТГА ТАЪСИРИ

*Ж.Қ.Кўчаров – ўқитувчи. Қарши давлат университети*

Амир Темурнинг вафот этиши, салтанатда унинг фарзанд ва набиралари ўртасида бошланиб кетган тожу-тахт учун курашлар давридан бошлаб нақшбандийлик пирларининг фаолияти сиёсийлашуви, давлат ва жамиятда таъсири ошишини кузатиш мумкин. Амир Темур вафотидан сўнг темурийлар салтанати асосан икки йирик марказга Самарқанд ва Ҳиротга бўлинди. Аммо, Самарқандда ҳокимиятни қўлга олган Халил Султон ўз амакиси Шоҳрух Мирзодан фарқли равишда давлат бошқарувида анчагина тажрибасиз эди. Бу эса тахт учун курашларда яққол кўзга ташланади. Шоҳрух Мирзонинг руҳонийлар билан хусусан, нақшбандия пирлари билан яхши муносабатда бўлиши, кейинчалик Мовароуннаҳрни ҳам Шоҳрух Мирзо тасарруфига ўтишига сабаб бўлган омиллардан бири бўлди. Халил Султоннинг Мовароуннаҳрда ҳукумронлигини сусайишига у олиб борган нотўғри сиёсат ва давлат ишларини хотини Шодимулк оғо билан маслаҳатлашиб қилишидан ташқари, Шоҳрухнинг бухоролик нақшбандия тариқати етакчиси Муҳаммад Порсо билан яхши муносабатлари ҳам сабаб бўлганлигини В.В. Бартольд ҳам келтириб ўтади. Унинг маълумотларида, Халил Султон ва Муҳаммад Порсонинг ўзаро муносабатларда зиддиятларга бориши ва бунинг натижасида Халил Султон Муҳаммад Порсога даштга бориб кўчманчиларни исломга даъват этишни талаб қилиши ва шайх рози бўлиб, аввал Бухоронинг авлиёлари қабрини зиёрат қилгандан сўнг жўнашга ижозат сўраши келтирилади. Шу вақт Шоҳрухнинг Халил Султонга жанг майдонини танлаш тўғрисидаги мактуби Бухорога етиб келиб, Муҳаммад Порсо бу хатни Самарқандга юборишдан олдин Бухоро жоъме масжидида ўқишни талаб қилади ва Халил Султон шундан сўнг тезда мағлуб бўлади. [1.61]

Тарихий тадқиқотларда келтирилган маълумотларда, Нақшбандия тариқатининг айнан ҳукумдорларга таъсири ва сиёсий ҳаётга фаол аралашуви Муҳаммад Порсо номи билан боғлиқ. Бунинг бир қатор сабаблари бўлиб, XIV асрдаги ижтимоий-сиёсий қарама-қаршилик, сўфийлик оқимларига туҳматлар кўпайиб, сиёсий ғоявий жиҳатдан давлат ва жамият яхлитлигига путур етказаётганди. Бу ҳол Ўрта Осиёда ҳам содир бўлиб, нақшбандийлик пирларидан бўлган Муҳаммад Порсо олдида ушбу муаммони ечиш вазифаси турган ва бу сиёсий аҳамият касб эта бошлаганди[2.328].

Темурийлар даврида Муҳаммад Порсонинг сиёсий ҳаётга аралашуви ҳам юқоридаги омиллар асосида вужудга келиб, мамлакат ҳукумдорининг тажрибасизлиги оддий аҳоли олдида мавқеи юқори даражада бўлган Муҳаммад Порсонинг таҳқирланиши мамлакат ҳукумдорига нисбатан халқнинг ҳурмати йўқолишига сабаб бўлади. Шайх Муҳаммад Порсони таҳқирланиши ва нақшбандия тариқати, уларга эргашган оддий халқ вакилларининг Шоҳрух томонига ўтиб кетишини таъминлайди. Бунинг устига Муҳаммад Порсо Бухоро шаҳридаги жоме масжидида очиқдан-очиқ Шоҳрух Мирзони қўллаб-қувватлайди ва икки ўртадаги бўлиб ўтган урушда Халил Султон тезда мағлуб бўлади[3.29].

Бухорода таваллуд топган Муҳаммад Порсонинг фаолияти билан боғлиқ турли-туман маълумотлар мавжуд бўлиб, Ушбу шах фаолиятида дастлаб нақшбандийлик сиёсий курашларга фаол аралашиб, ўзига мойил бўлган ҳукумдорни тахтга ўтиришига хизмат қилганлигини кўришимиз мумкин. Шу вақтдан бошлаб, темурийлар салтанатида нақшбандия пирларининг таъсири ортиб бориб, улар учун мойил бўлган шаҳзода тахтга ўтириши ва узоқ вақт ҳокимиятда бехавотир туриши

мумкин бўлиб қолди. Тарихий адабиётларда ушбу йўналишдаги илк мувоффақиятли сиёсий тадбирни амалга ошира олган Муҳаммад Порсо 1348 йил Бухорода туғилган ва вафоти 1419 йил Мадина шаҳри деб келтирилади[4.88].

Ҳожа Муҳаммад Порсо хусусида кўплаб тарихий адабиётларда маълумотлар келтириб ўтилади. Шунингдек, Муҳаммад Порсонинг темурийлардан Шоҳрух Мирзо замонида Бухоронинг етук пирларидан бўлганлиги, йирик шайх эканлиги ва жамият ҳаётига таъсири масалалари, шунингдек, 1419 йилда Арабистоннинг Мадина шаҳрида вафот этишига оид маълумотлар Н.Норқуловнинг маълумотларида ҳам келтириб ўтилганлигини кўришимиз мумкин[5.32].

Ҳўжа Муҳаммад Порсо ўз даврида темурийзодалар орасида катта эътиборга сазовор бўлган ва бунга ҳақли равишда амалга оширган ишлари сабабли эришган. Кўплаб темурийзодалар унинг муршидлари бўлганликлари тарихий адабиётларда келтириб ўтилади. Муҳаммад Порсо ва Амир Темурнинг ўғли Шоҳрух Мирзо ўртасидаги ёзишмалари ўзаро муносабатларидаги илиқлик қайд этилади. Ҳатто, кейинчалик Муҳаммад Порсо ва Мирзо Улуғбек ўртасидаги муносабатларнинг ёмонлашиб қолганидан кейин Порсонинг Шоҳрух Мирзо олдига кетиб қолиши тарихий адабиётлардаги маълумотларда қайд этиб ўтилади[6.5].

Кези келганда шуни алоҳида таъкидлаш мумкинки, гарчи Шоҳрух Мирзо дин арбоблари, руҳонийлар билан яхши муносабатда бўлсада ва давлат ишларини жамият бошқарувини шариат асосида амалга оширган бўлсада, унинг фарзанди ва меросхўри Мирзо Улуғбек жамиятдаги масалалар ва давлат бошқарувини асосан Чингизхон қоидаларига, ясога асосан олиб борганлиги тарихий адабиётларда унинг кейинчалик руҳонийлар ва дастлабки даврлардаёқ Муҳаммад Порсо билан муносабатларини кескинлаштириб юборганлигини қайд этиб ўтилади[7.218].

Муҳаммад Порсонинг ўз даврида мусулмон оламида, хусусан Ўрта Осиё мусулмонлари орасида таъсири масаласи алоҳида бир мавзу бўлиб, аҳолининг кенг қатламлари қўллаб-қувватлаб, унинг муридларига айланиши, эндиликда Муҳаммад Порсо ва унинг сиймосида накшбандийлик муҳим масалаларда сиёсий аҳамият ҳам касб эта борганлигини кўриш мумкин. Темурийлар салтанатида эса, дастлабки даврларда руҳонийларнинг давлат ишларида ва сиёсий масалаларда накшбандийликнинг аралашувига қарши кайфият устивор бўлган деб хулоса қилишга барча асослар мавжуд. Жумладан, Шоҳрухдан сўнг, отасидан фарқли равишда Улуғбек Мирзо сарой тартиби ва қўшин бошқарувини мўғуллар даври анъаналари асосида олиб борди[8.71].

Э.Э. Каримов тадқиқотларида ҳам Шоҳрух Мирзонинг Халил Султонга қарши кураши ва бу борада уни руҳонийлар қўллаб-қувватлаши, Улуғбек Мирзонинг маҳаллий руҳонийлар билан ва шунингдек, накшбандийлик пирларидан Муҳаммад Порсо билан жанжаллари, бундан ташқари асли Тошкентлик ва Бухорода таълим олиб накшбандийлик тариқатининг етук шайхларидан бўлиб етишган шайх Хусомиддинни ўзи истамаса ҳам мажбуран Бухоро қозиси қилиб тайинлаши масалалари келтириб ўтирилиб, Улуғбек ва накшбандия тариқати руҳонийларининг ўзаро зиддиятлари таҳлил этилади[9.43].

Таниқли академик олим В.В. Бартольд асарларида ҳам бу борада фикр-мулоҳазалар келтириб ўтилади. Унинг маълумотларида, Хусомиддин Шошийнинг Бухорода накшбандия шайхларидан бири бўлганлиги, ўзи қозилик қилишни истамаса ҳам Мирзо Улуғбек уни маэжбуран Бухоро қозиси этиб тайинлагани, бу руҳонийлар орасида норозилик туғдиргани келтириб ўтилганлигига оид маълумотларни ўқишимиз мумкин[10.105].

Мирзо Улуғбекнинг ҳокимият тепасига келиши ва мамлакатда олиб борган ижтимоий-иқтисодий сиёсати руҳонийларни, жумладан накшбандий шайхларнинг

норозилигига сабаб бўлади. Бухоро руҳонийлари етакчиси Муҳаммад Порсонинг ҳам Улуғбек Мирзо билан муносабатлари бузилиб, бунинг оқибатида йирик диний уламоларнинг ўзаро баҳсли ҳолатлари ҳам вужудга келганлиги тарихий адабиётлардаги маълумотлардан маълум. Масалан, диний масалаларда Улуғбек Мирзо ва Муҳаммад Порсо ўртасида келишмовчиликлар бўлиб турган. Ҳатто, ўз даврининг йирик ҳадисшунос олими Муҳаммад ибн Муҳаммад Жазири ҳам бу муносабатларга аралашиб, унинг гувоҳлигида Муҳаммад Порсо Самарқандга чақиртирилган ва икки аллома ўртасида динйи масалаларда мунозара бўлиб ўтган[11.96]. Тарихий адабиётлардаги маълумотларда Муҳаммад Порсо Улуғбек Мирзо билан ижтимоий-сиёсий масалаларда чиқиша олмай Шоҳрух Мирзо ҳузурига Ҳиротга ва у ердан Мадина шаҳрига бориши ва вафоти 1419 йилда содир бўлишига оид маълумотларни билиб олишимиз мумкин. Муҳаммад Порсонинг темурийлар салтанати ҳудудида кўплаб ихлосмандлари бўлиб, уларнинг шарофати билан ҳамиша ҳурмат ва эътиборда бўлган. Абдураҳмон Жомий ўзининг болалик даврида Ҳиротда нақшбандийлик тариқатининг йирик шайхи Муҳаммад Порсо билан учрашганлигини Э.Р. Рустамов XV аср ўзбек поэзиясига бағишланган монографиясида келтириб ўтади[12.16].

Давлат бошқаруви ва жамият ҳаётида Амир Темур ва темурийларнинг турк-мўғул анъаналарини чуқур сақлаб қолганлигини ўз кўзи билан кўрган ва уларни маълум маънода танқидчисига айланган ибн Арабшоҳ Мовароуннаҳрдаги дин вакиллари, руҳонийларга бўлган ихлосини ҳам яшириб ўтирмайди. Муҳаммад Плорсо хусусида ҳам ўз асарида тўталиб ўтиб, Унинг исми Ҳожа Муҳаммад аз-Зоҳид Бухорий эканлигини, бу шахс Амир Темур салтанатидаги олимлар қаторида санаб ўтилади. Шунингдек, уни улуғ тафсирчи, ҳадисчи, ҳофиз деб келтиради. Қуръони Каримни ибн Арабшоҳ маълумотларига кўра Муҳаммад Порсо юз жилдда тафсир қилгани. Вафоти масаласига тўхталиб Макка шаҳрида (822/1419 й) оламдан ўтганлигини келтириб ўтади[13.85].

Кези келганда шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, дастлабки темурийлар даврида нақшбандийлик тариқати сиёсийлашуви кучайди ва кейинчалик амалда бутун ҳукумронлик, яъни халқни ўз хоҳиш-истаклари сари йўналтириш имкони вужудга келди деб айтишга тўла асослар мавжуд. Мирзо Улуғбек нақшбандия (Дарвишизм)нинг жамиятда чуқур илдиз отиб, кенг халқ оммасини бутунлай ушбу оқим таъсирида остига тушиб қолиб мутаассиблашиб қолмаслигига эришишга ҳаракат қилди. Бу борада, Улуғбекнинг тутган йўли илм-фанни ривожлантириш ва кенг халқ оммаси орасида саводли кишиларни кўпайтириш бўлиб, дастлаб қурдирган мадрасаси ҳам 1420 йил Бухорода айнан шу мақсадда очилганди. Яъни, мадрасани очишдан асл мақсад дарвишизм (нақшбандийлик)нинг нотўғри талқини ва оммага нотўғри таъсирига қарши кураш мақсадида эди. Улуғбек қурдирган уч мадрасанинг иккитаси Бухоро (Бухоро шаҳри ва Ғиждувон)да бўлиб, Ғиждувон мадрасаси нақшбандийлик тариқатининг илк вакили Абдулхолиқ Ғиждувоний қабри ёнида жойлашганди. Демак, мутаассиб дарвишизмнинг китобий фанларга қарши бўлган. Аммо, Улуғбек мадрасалари асосан китобий фанлар (илмий йўналиш) ва билимларни тарғиб қилган. Бу айрим мутаассиб нақшбандий уламоларига ёқмаган ва уларнинг низоларнинг бошланиши учун туртки бўлган[14.100].

Шундай бўлсада, Мирзо Улуғбекни динсизликда ва сўфийлик тариқатига душманликда айблаб бўлмайди. Биринчидан Улуғбек Мирзо ҳар қанча буюк олим ва хукумдор бўлмасин у ўз даврининг кишиси бўлган ва ўта эътиқодли шахс бўлган. Иккинчи томондан, Мирзо Улуғбекнинг диний илимлари ва ҳатто, тасаввуфга оид билимлари ҳам етарли даражада бўлиб, Улуғбек фақатгина жамият ҳаётида кўр-кўрона мутаассиб ҳолатда руҳонийларга эргашишни қоралаган. Диний илмлар билан

бирга дунёвий илмларни ҳам эгаллаш лозимлигини кенг аҳоли онгига сингдиришга ҳаракат қилган. Мирзо Улуғбекнинг ўзи ҳам сўфийлик тариқат вакили бўлиб, ўз даврининг етук шайхларидан бўлган Қосими Анварнинг муриди бўлганлиги адабиётларда қайд этиб ўтилган. Улуғбекнинг фаолиятига эътибор қаратилса, нақшбандия шайхлари билан муносабатлари қониқарли даражада бўлмасада, унинг ҳукумронилги даврида халқ тинч яшаган ва бирор марта қўзғолон кўтармаганлигини академик В.В. Бартольд таъкидлаб ўтганлигининг гувоҳи бўлиш мумкин[15.106].

Мирзо Улуғбекнинг диний билимларда ҳам беназир бўлганлигига оид маълумотлар ўша давр манбаларида ҳам тилга олинган. Ҳатто, айрим диний уламоларнинг ҳам Улуғбек диний билимидан ҳайратлангани хусусида фикр-мулоҳазалар мавжуд. Айрим диндорлар ўз асарларини Улуғбекка бағишлаганлигига оид маълумотлар ҳам сақланиб қолинган. Масалан, бухоролик Алоаддин ал-Бухорий 850/1447 йилда ёзилган Абу Ҳанифа ан-Нўъмон бин Сабит бин Зуга (вафоти 150/767 йил)нинг асарига ўзи томонидан ёзган шарҳ китоби “Шарҳ ала ал-фиқҳ, ал-Акбар”- “Буюк фиқҳга ёзган шарх” асарини Мирзо Улуғбекка бағишлаганлигига оид маълумотлар тадқиқотчиларнинг изланишларида учрайди[16.27].

Аммо, нақшбандийликнинг дастлабки давр пирлари, шайхлари ҳам бутунлай илм-маърифатдан йироқ ва ўта мутаассиб эдилар деб хулоса чиқармаслик керак. Биз юқорида Улуғбек билан келиша олмай Ҳиротга кетган бухоролик Муҳаммад Порсо хусусида тўхталиб ўтган эди. Бизнинг фикримизча Муҳаммад Порсо ва Улуғбек ўртасидаги қарама-қаршилик давлат ва жамият бошқарувида қадимий (мўғул) анъаналари ва салтанат Оллоҳга тегишли деган диний қарашлар сабаб бўлган. Аммо, жамият тараққиёти ва аҳолининг манфаатлари хусусида ҳар икки шахснинг қарашлари умумий бўлган деб хулоса қилиш мумкин. Чунки, Муҳаммад Порсо ҳам илмни ривожлантириш тарафдори бўлиб, ўзи яшаган Бухоро шаҳрида кутубхона барпо қилганлигини тарихий адабиётлардаги маълумотлар тасдиқлайди. Шу билан бир қаторда Муҳаммад Порсо кутубхонасига Бухородаги қатор ер мулклар вақф сифатида берилган. Жумладан, Миробод туманидаги Харун, Дункок, Кўли Жаъфар мавзелари; Шофиркон туманидаги Хоркаш қишлоғи, Хутфардаги ўрис қишлоқларига қарашли ер-мулклар вақф қилинган. Вақф ҳужжати Бухоро қозиси томонидан 810/1407-08 йили тасдиқланиб, муҳр босилган[17.119].

Сўфийлик тариқатлари темурийлар ҳукумронлигининг сўнгги босқичида сиёсий ҳаётда фаол иштирок эта бордилар. Кейинчалик айрим руҳонийларнинг у ёки бу тахт ворисини ўз ҳимоясига олганлигини кўришимиз мумкин. Бу эса, эндиликда жамият, давлат ва залқ манфаатлари иккинчи даражали аҳамият касб этиб, руҳонийларнинг феодаллашуви, дарвишизмнинг иерархиялашуви вужудга келганлигини кўрсатади. Масалан, темурийлардан бойсунғир Мирзо ва Султон Али Мирзолар ўртасидаги курашда руҳонийларнинг ўз манфаатлари юзасидан икки темурийзодани ўз ҳимояларига олганликлари юқоридаги фикр-мулоҳазаларимизга асос бўлиб хизмат қилади. Ўшанда Хожа Убайдулло (Аҳрор вали) ўғиллари Бойсунғур Мирзони ва Султон Али Мирзони ҳимоясига олади [18.192].

Дастлабки даврда сўфийлик таълимоти бу каби амаллардан юқори бўлиб, унинг шайхлари давлат бошқарувида ижтимоий адолатни таъминлаш биринчи галдаги вазифа деб ҳисоблаганлар. Шунингдек, сўфийлик Ўрта Осиё ва Шарқдаги Чингизхон анъаналари асосида тахтга ўтириш қонун-қоидаларини бутунлай рад этади. Уларнинг назарида бутун ҳокимият Оллоҳга тегишли бўлиб, ушбу шиор остида ҳаракат қиладилар. Ушбу сиёсий ҳаракатларнинг дастлабки натижалари турк-мўғул анъаналари анча емирилган Эронда содир бўлиб, айнан ҳокимият Оллоҳга тегишли шиор асосида маҳаллий дунёвий ҳукумдорларни ағдариб, дин вакиллари бўлган сафавийлар сулоласи ҳокимият тепасига келганди[19.187].

Амир Темур ва темурийлар давридаги Бухоро дин пешволари, нақшбандия шайхлари ва уларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётга таъсири масаласида Муҳаммад ал-Бухорийни алоҳида тилга олиб ўтиш лозим. Ушбу уламо хусусида тарихий адабиётларда маълумотлар етарли даражада эмас. Шундай бўлсада, Муҳаммад ал-Бухорий асли Эронда туғилган бўлиб, ёшлигида оиласи Бухорога келган ва унинг болалиги шу шаҳарда ўтган. Шу ердаги мадрасаларда таълим олган ва йирик дин уламоси бўлиб етишган. Ибн Арабшоҳ Муҳаммад ал-Бухорий хусусида маълумот бериб, "Менинг устозим" деган жумлани ишлатади. Муҳаммад ал-Бухорийга таъриф берар экан унга; "Билимдон ва серғайрат имом, комилу фозил, инсоният алломаси, дунёнинг устози, дину-диёнатнинг чўққиси, муҳаққиқ ва мудаққиқлар шайхи, ўз замонасининг қутби, даврларнинг муршиди[20.73]"-деган жумлалардан фойдаланиб таъриф беради.

Бухоро Амир Темур ва темурийлар даврида кўплаб диний уламоларни етиштириб чиқарган. Кўплаб хорижлик диний илм ихлосмандлари Бухорога келиб илм олиб кетганлар. Ҳатто, ўзга мамлакатларда турли мадрасаларда ўқиб бир қадар танилган шахслар ҳам Бухорога келиб таълим олгач, уларнинг ҳаётида янги саҳифа очилган. Ана шундай шахслардан бири Яқуб Чархий бўлиб ҳисобланади. Ғазна (ҳозирги Афғонистон) шаҳри яқинидаги Чарх қишлоғида туғилган ушбу шахс дастлаб Ҳирот, кейинроқ Миср мадрасаларида таҳсил олади. Шундан сўнг Бухорога келиб таълим олиб, нақшбандия тариқати билан танишади ва ушбу тариқатнинг фаол тарғиботчиси ва етук шайхларидан бирига айланади. 1360/61-1477 йилларда яшаган ушбу шахс Бухорода фаолият олиб борган вақтда ҳатто, Хўжа Аҳрор Валига ҳам устозлиқ илган[21.18].

Хўжа Аҳрор Вали ҳам темурийлар даврида Бухорода таълим олиб йирик нақшбандия пирларидан бўлиб етишган. Ушбу шахсни кўплаб темурийзодалар ўзларининг пирлари сифатида кўрганлар. Унинг уч темурийзодани муқаррар жанг ва кўп қон тўкилишлардан асраб қолганлиги нақшбандия тариқатининг дастлабки вакиллари фаолияти кенг халқ манфаатларини ўзида мужассам этганлигидан адлолат беради.

Темурийлар ҳукумронлигининг сўнгги даврида ўзаро курашларнинг авж олиши натижасида Бухоро уламоларининг ҳам сиёсий ҳаётга янада кўпроқ аралашиб бориши кузатилади. Шу билан бир қаторда нақшбандийлик пирлари мамлакатда осойишталик ўрнатишга қодир бўлган ҳар қандай сиёсий кучни қўллаб-қувватлашга тайёр бўлганлар. Муҳаммад Шайбонийхон нақшбандийлик пирларини қониқтирадиган шахслардан бири бўлиб, унинг Бухорога келиши тарихий адабиётларда турлича ёритилганлигини кўриш мумкин. Шайбонийхон бобаси Абулхайрихон тахти учун бўлган жангларда Сирдарё бўйидаги Саброн яқинида мағлубиятга учраб, Бухорога келади. Абулхайрихоннинг Абу Саид Мирзога кўрсатган ҳарбий ёрдами эвазига Султон Аҳмад Мирзо томонидан Бухорога Тархон этиб тайинланган Абдуали Тархон кутиб олади. Шайбонийхон маълум бир муддат Бухорода яшайди. Муҳаммадёр ибн Қатаған келтирган маълумотларда, Шайбонийхон Бухорода дунёвий илмларни Мавлоно Муҳаммад Хитойдан ўрганган. Каломулло (диний)ни Жалолиддин Маҳмуд, Ҳофиз Ҳасан Басир, Ҳофиз Ҳамидлардан икки йил давомида ўрганганлиги қайд этиб ўтилади[22.34-35]. Ушбу дин вакилларининг ворислари кейинчалик Шайбонийхонни қўллаб-қувватладилар ва шайбонийлар сулоласи ҳокимият тепасига келади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Амир Темур ва темурийлар даврида Бухорода дин ва диний билимлар, тасаввуф тариқати гуллаб-яшнади. Шунингдек, мўғуллар ҳукумронлиги даврида вужудга кела бошлаган нақшбандийлик тариқати Амир Темур даврида шаклланиб бўлди. Темурийлар даврида нақшбандийлик сиёсий

аҳамият касб эта бошлади ва кенг халқ оммаси манфаатларини ифода этувчи тинчлик, ўзаро урушларга барҳам бериш, ҳокимият тепасига турли анъаналар асосидаги шахслар эмас, ҳокимият Оллоҳга тегишли шиори остида ушбу тариқат вакиллари ғояларини қўллаб-қувватловчи вакиллар ўтиришини таъминлаш нақшбандийликнинг асосий йўналишларидан бири бўлди десак муболаға бўлмайди.

**Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати**


1. 1.Бартольд В.В. Улугбек и его время. – Петроград 1918. – 160 с.
2. Халмуминов Дж. Роль и мсето учения накшбандия в развитии национально-культурных отношений тюркоязичных и персоязычных народов Центральной Азии // Духовно исторические связи народов Ирана и Дашти Кипчака. Материалы международной научно-практической конференции “Духовно-исторические связи народов Ирана и Центральной Азии” (15-16 мая 2017 г., – Алматы). – Алматы, Издательский дом “Библиотека Олжаса”, 2018. – 360 с.
3. Аҳмедов А. Улуғбек (ҳаёти ва фаолияти). (1394-1449). – Т.: Фан, 1991. – 64 б.
4. Маҳкамов Д.И. Бухоро алломалари Ҳожи Халифа ижодида.//Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 1-2 сон, 2005. – 93 б.
5. Норқулов Н. Темурийлар даври маданияти тарихидан лавҳалар. – Урганч: “Хоразм” нашриёти, 1996. – 125 б.
6. Порсо, Ҳожа Муҳаммад. Рисолаи қудсия [матн]: Баҳоуддин Нақшбанднинг қудсий калималари/Ҳожа Муҳаммад Порсо; Таржимон ва изоҳлар муаллифи А.Болтаев сиёсий фанлар номзоди. – Т.: Movarounnahr, 2020. – 120 б.
7. Кляшторный С.Г., Султонов Т.И. Государства и народы Евразийских степей: От древности к новому времени. – СПб.: Петербургское востоковедение, 2009. – 432 с.
8. Бартольд В.В. Улугбек и его время. – Петроград 1918. – С. 71.
9. Каримов Э.Э. “Рашахот айн-Хайат” как источник по изучению истории Мавераннахра XV века // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 1-сон, – Б.40-43.
10. Бартольд В.В. Улугбек и его время. – Петроград 1918. – С. 105.
11. Бартольд В.В. Улугбек и его время. – Петроград 1918. – С. 96.
12. Рустамов Э.Р. Узбекская поэзия в первой половине XV века. – М.: Издательство восточной литературы, 1963. – 365 с.
13. Ибн Арабшоҳ. Темур тарихида тақдир ажойиботлари // Араб тилидан тарж. ва изоҳларни, сўзбошини У.Уватов тайёрлаган. Масъул муҳаррир А.Ўринбоев. К. 2. – Т.: Меҳнат, 1992. – Б. 85. – 192 б.
14. Бартольд В.В. Улугбек и его время. – Петроград 1918. – С. 100.
15. Бартольд В.В. Улугбек и его время. – Петроград 1918. – С. 106.
16. Юсупова Д. Улуғбек даврига оид баъзи тарихий манбалар.// Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 7-сон, 1994. – Б. 29. – Б. 27-33.
17. Жуманазар Абдусаттор. Бухоро таълим тизими тарихи. – Т.: Akademnashr, 2017. – 592 б.
18. Файзиев Т. Темурийлар шажараси. – Т.: Ёзувчи, 1994. – 352 б.
19. Восточный Дашт-и Кыпчак в XIII – начале XV века. Проблемы этнополитической истории Улуса Джучи. Ред. И.М. Миргалеев. – Казань: Изд-во Фан, АН РТ, 2013. – 288 с.
20. Ибн Арабшоҳ. Ажойиб ал-мақтур фи тарихи Таймур. (Темур тарихида тақдир ажойиботлари). К. I. – Т.: Меҳнат, 1992. – Б. 73. – 328 б.
21. Юсуфи Жалолиддин Мансур. Мазары Хорасана и Мавераннахра эпохи тимуридов (XIV-XV вв) Автореферат на соискание ученной степени кандидат исторических наук. – Душанбе, 2009. – С. 18. – 26 с.

# АМИР ШОҲМУРОД ДАВРИДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ҚЎЛЛАНИЛГАН МУҲИМ ДАРСЛИК ВА АДАБИЁТЛАР

***М.Умарова – Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти “Ижтимоий фанлар, касбий таълим ва педагогика” кафедраси ўқитувчиси, ЎзР ФА Тарих институти изланувчиси***

Бухоро амирлигининг маънавий ҳамда илмий муҳитида мактаб ва мадрасалар алоҳида ўрин тутган. Бухоро ҳукмдори Амир Шоҳмурод даври ҳам бундан мустасно эмас. Дониёлбий оталиқ вафот этгач, унинг васияти ва сарой аъёнларининг хоҳиш иродаси билан 1785 йил 10 июнда Бухоро давлати ҳукмдори бўлади. Амир Шоҳмурод (1785-1800) ўз хукмронлигида илм-фан, дин ва таълим соҳасига алоҳида эътибор қаратган. Илм олишга эътибор кучайган ва диний билимлар ривожланган.

Амир Шоҳмурод томонидан вақф мулкларининг тикланиши, диний таълим тизимига катта имкониятлар эшигини очган. Шунинг учун ҳам жойларда вақф мулклари асосидаги мадраса ва мактабхоналар кўпайган.

Бухоро амирлигининг барча шаҳар, қишлоқ ва овулларида мактабхоналар мавжуд бўлган. Мактаблар кўпинча бир синф хонасидан иборат бўлганлиги учун ҳам уларни мактабхона деб аташган. Ўғил болалар мактабхоналарининг аксарияти масжидлар, мадрасалар, қорихоналар қошида ёки хусусий мактабдорлар хонадонларида, қиз болалар мактабхонлари отин аёллар уйларида ёки бадавлат кишиларнинг мактаб ёшидаги қизлари учун уларнинг уйларида ташкил этилган.

Мактабга қабул қилинган ўқувчи дастлаб имом масаласига доир “Калимаи-шаҳодат” ва “тойиба”ни ёд олгач, араб алифбосини ўрганишга киришган. Ҳарфларни ўқитувчи алоҳида ёғоч ёки қаттиқ лавҳаларга ёзиб қўйган [17]. Ҳарфлар аввал ёд олинган, кейин эса бўғинлаб ўқишга ўтилган. Ундан сўнг “ҳафтияк” ўқилган [4].

“Алифбо” дарслигида ҳарфларнинг ёзилиши, қўшилишидаги кўринишлари, ҳарфларнинг турли ўринларидаги шакллари ўрганиб бўлингандан кейин “зеру забар”, яъни ҳарф ости ва устига қўйиладиган диакритик белгилар ва уларнинг қўлланиши, улар ёрдамида бўғинлар тузилиши каби қоидалар ўргатилган [10].

Араб алифбосини ёд олгач, ўқувчи дастлабки “Ҳафтияк”ни ўрганишга киришган. “Ҳафтияк” – бошланғич мактабда ҳарфлар танилгач, ўргатиладиган ўзига хос китоби бўлиб, асл маъноси форсчада “ҳафт” – ети, “як” – бир, яъни Қуръони Каримнинг еттидан бир қисми деган маънони англатади . Мактабхонада ўқиш жараёнида “Ҳафтияк” тугатилгач, “Тажвид” китобига ўтилган. “Тажвид” – Қуръонни қироат билан ўқиш тўғрисидаги китоб.

“Тажвид” ўзлаштирилгач, Қуръони Каримнинг ўзи ўқитилган. Уни ёдлаган ўқувчи “саводхон” деб ҳисобланган ва саводи чиққан бола диактрик белгилар (“зеру зар”) сиз насталиқ ёзувида битилган бошқа китобларни ўқий бошлаган. Кейинги босқичда “Фарзи айн” китобига ўтилган. “Фарзи айн” – шариатга кўра барча мусулмонларга буюрилган, бажарилиши шарт бўлган амаллар ҳақида маълумот берган.

Ундан кейинги китоб “Чоркитоб” (Чоҳар китоб) бўлиб, унда ислом динининг асосий қоидалари баён этилган [5]. Бу адабиётда диний урф-одатлар ўз ифодасини топган. Кейинги босқич “Сўфи Оллоёр” деб юритилган, бу босқичда шу муаллиф қаламига мансуб “Сабот ул-ожизин” китоби ўқитилган. Унда ислом динининг асосий қоидалари баёнидан ташқари, инсоний фазилатлар, ахлоқий тарбияга қаратилган ҳикматлар, ибратли ҳикоялар, шеърлар, достонлар ўрин олган [10].

“Сабот ул-ожизин” тугатилгач, ислом ақидалари баён этилган “Маслак ул-муттақин” номли назмда битилган диний китоб ҳам ўқитилган. Бу форс тилида

ёзилган шеърлар тўплами бўлиб панд-насиҳат, одоб-аҳлоқ ва шариат қонун-қоидалари баён этилган [15].

Барча мактабларда шарқ ва мусулмон педагогикасининг ёрқин манбаи бўлган Саъдийнинг "Гулистон" ва "Бўстон" асари кенг ўқитилган ҳам маълум. Кейинги босқичда мактабхоналарда Хожа Ҳофиз Шерозийнинг "Девон"ига ўтилган. Мадрасаларда дарслик сифатида ўқитилган "Девон"да лирик шеърлар ўрин олган бўлиб, илоҳийлик ва дунёвийлик уйғунлашган ёш болаларни аҳлоқий тарбиялашда муҳим аҳамият касб этган [1]. Мактабхоналардаги асосий ўқув курси шу билан якунланган.

Садриддин Айнийнинг ёзишича, Бухоро мактабларида булардан ташқари, араб грамматикаси катта эътибор қаратилиб, "Бидон", "Занжоний", "Муиззий" каби китоблар ҳам ўқитилган [1]. "Бидон" – форс-тожик тилида ёзилган араб тили грамматикаси бўлса, "Занжоний" – араб тили синтаксисига доир китоб бўлган. "Муъиззий" – араб тили морфологиясига доир китоб бўлиб, ҳар учала китоб ҳам мадраса таҳсилига қадар мактабхонада ўрганилган [10].

Мактабларда ўқиш жараёнида Алишер Навоийнинг ижодига мансуб "Девони Навоий", "Куллиёти девони Амир Навоий" каби номлар билан шуҳрат қозонган шеърий тўпламларидан ҳам таълим берилган.

Бошланғич мактабларда ёзув машғулотларида Саид Салоҳиддинхўжа ибн Оловиддинхўжанинг форс тилида ёзилган "Муфрадот" (ҳарфларни намуна-нусхага алфавит тартибида катта қилиб ёзиш муфрадот (сархат), ҳусниҳатни англатган, баъзан муфрадот ёзиш бир-икки йилга чўзилган.

Муфрадот машқидан тугаганидан кейин мураккабот – ҳарфларни бир-бирига қўшиб ёзиш машқи ўтилган. Ҳарфларни бир-бирига қўшиб ёзиш машқи бир неча босқичга бўлиниб, ҳарф бирикмаларининг маъно англатиши ёки англатмаслиги мутлақо эътиборга олинмаган; асосан ҳарфлар бир-бирига қандай қўшилишини машқ қилишга урғу берилган. Кўпгина бошланғич мактабларда ҳарфларни бир – бирига қўшиб ёзиш машқи "абжад ёзиш" билан тугалланган. Ёзувни ўрганишда абжад ҳисоби ҳам ўргатилган. Ўқувчи дуойи саломни ёзишни билса, уни "хати чиққан"деб ҳисоблашган.

Айрим мактабларда қобилиятли ўқувчиларга арифметиканинг тўрт амали ўргатилган. Бухоро вилояти музейи қўлёзмалар фондида сақланган "Хулосат ул-ҳисоб" [10], "Усули ҳисоб" [10] рисолаларида ҳисоб-китоблар баён этилган.

Амирликдаги анъанавий таълим тизимининг юқори босқичи бўлган мадрасалар тарихи IX – X асрларга бориб тақалади. Мадрасалар олий таълим вазифасини бажариб, мамлакатнинг бошқарув тизими, ҳуқуқ- тартибот ва таълим тизими учун кадрлар тайёрлашда муҳим роль ўйнаган.

Бухоро мадрасаларида давлат бошқаруви, иш ва ҳужжат юритиш учун ҳам малакали кадрларни тайёрлашда муҳим ўрин эгаллагани маълум. Бундан ташқари саводли ва мадрасада таълим олганлар амирликнинг илмий ва маданий ҳаётида ҳам катта ҳисса қўшганлар. Мадрасани битирганлар амирликнинг юқори диний уламолар табақаси сафига киришган. Шу билан бирга, амирликдаги мадрасаларни тугатиб бир қатор илмларни эгаллаган машҳур кишиларнинг яшаб ўтганлиги мадраса таълимининг ютуқларини ҳам кўрсатиб турибди.

Мадрасалардаги битирув имтиҳонларига (хатмонага) шахсан амир Шоҳмуроднинг ўзи ташриф буюриб, имтиҳон жараёнига эътибор билан қараганлари манбаларда зикр қилинган.

Бухоро мадрасаларида ўқитилган айрим фан ва китоблар хусусий, шу таълим даргоҳигагина хос бўлмай, мусулмон дунёсидаги бошқа мадрасаларда ҳам ўргатилган. Аммо бунда ҳар бир мадраса ва мударрис маълум маънода мустақил йўл

тутган, ўз билим ва тажрибасига таяниб иш кўрган. Иккинчидан мадраса дастуридан жой олган китоблар (дарслик, қўлланма)га шарҳ ёзиш ҳам анъана тусини олган. Муайян билим ва мударрислик тажрибасига эга олимларгина шарҳ ёзиш учун ўз иқтидорини синовдан ўтказган.

Фаридуддин Аттор асарлари асосида Мавлоно Шарафуддин Бухорий томонидан тартиб берилган “Чаҳор китоб” – “Номи ҳақ”, “Қолан наби”, “Ҳамди беҳад”, “Бидон” каби таркибий қисмлардан иборат эди [1]. Араб тили грамматикасига доир “Бидон” (Билгил) арабча мисолларнинг тожикча шарҳидан иборат бўлган. Ундан сўнг “Аввали илм” (Илм ибтидоси) китобчаси тавсия қилинган. Бу китоб ҳам тожик тилида бўлиб, шариат аҳкомларига доир зарурий масалалар савол-жавоб тарзида баён қилинган. Бундай ифода услубининг қулайлиги шундаки, аввало, у толиб эътиборини ўзига жалб қилади, сўнгра унда ёритилган масалаланинг хотирада узоқ сақланиишига кўмак беради. Тожик тилидаги қўлланмалар ўзлаштирилгач, “Муиззий”, “Занжоний”, “Авомил” сарлавҳали араб тилида иншо қилинган китоблар мутолааси тавсия қилинган. Ушбу рўйхатдан кўриниб турибдики, оддийликдан мураккабликка бориш тамойилига амал қилинади. Юқорида зикр этилган асарлардан кейин мадраса дастури талабига кўра “Қофия” китобига ўтилган.

Мумтоз ижодкорларимиз аксарияти таржимаи ҳолида қофия илмидан сабоқ олганлиги қайд этилади. Жумладан, Алишер Навоий “Хамсатул-мутаҳаййирин” асарида “Қофия”ни Абдураҳмон Жомий ҳузурида ўрганганлиги ҳақида хабар беради. Илмларни қуйидаги тартибда ўрганишади: дастлаб Сарф илми (морфология) ўқитилади, сўнгра илми Наҳв (синтаксис) ўқитилган. Талабалар “Қофия” китобига қадар ўқишгач, Фиқҳ йўналиши бўйича “Мухтасар” асарини ўрганишган. Араб тилига доир Илми Аруз ўқитилган, Ҳикмиё йўналиши бўйича эса Илми Мунозара ўтилган.

Юқоридаги асарларнинг моҳияти, мазмуни ўзлаштирилгач, Мантиқ илмининг икки китоби ўқитилган ва у ўзлаштирилгач, Илми Каломнинг дастлабки иккита китоби ўқитилган. Шундан сўнг, Мантиқ илмининг қолган икки китоби ўқитилган, шу билан бир вақтда Фиқҳнинг дастлабки китоби “Тахзиб” билан бирга ўқитилган. Сўнгра Амир Шоҳмурод томонидан ёзилган “Ҳикмат ул-айн” асари баён этилган, ундан кейин Илми-Каломнинг учинчи китоби билан бир вақтда Фанни Манъон, Фанни баён ва Илми Бадеъ, Фиқҳнинг учинчи китоби ҳам ўтилган. Сўнгра Усули Фиқҳ ўтилган бўлиб, унда фиқҳга оид учинчи китобнинг давоми ўқитилган. Юқоридаги илмлар ўзлаштирилгач, Ҳадис китоби билан бирга Илми Фароиз ва Илми Қироат, Илми Ҳисоб ўқитилган. “Қози ал-Байзовий тафсири” ўзлаштирилгач, курс ўз ниҳоясига етган. Шу тариқа, Бухоро мадрасаларида ўтиладиган таълим йўналишлари кўп бўлиб, 137 асар илми толиблар томонидан ўзлаштирилган.

Илми толиблар мунозара ва муноқашалар воситаси билан Қуръондаги сура ва оятларни талқин қилиш ва шарҳлашда маҳорат орттирардилар. Шунинг учун мадрасани битириб чиқаётган толиби илмга, унинг Қуръондаги сура ва оятларни асосли равишда талқин қила билишига қараб баҳо бериларган.

Мадрасалардаги таълим 18-19 йилдан кўпроқ давом этиб, толиби илмлар йиллар бўйича алоҳида фанларни ўрганишган.

Биринчи йили Абд ул-Карим ибн Ҳусайн ал-Андижонийнинг “Аввал илм”, ”Бидон”, Ҳафтияк, иккинчи йили эса Изз уд-дин Занжонийнинг “Мўъзий – Занжоний” асари, учинчи йили Абу Амир Усмон ибн Умарнинг “Кофия”асари, тўртинчи йили “Шарҳи Жомий” ва “Ал-Марфуъот”, Бешинчи йили “Ал-Мажрурот”, олтинчи йили “Ал-Мансубот”, еттинчи йили “Ал- Мабниёт”, саккизинчи йили “Ҳамд” ва “Баҳси исм” фанлари, тўққизинчи йили Қутб ид-дин “Қутбиёт” китоби,

ўнинчи йили Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ан-Насафийнинг “Ҳамди ақойид” Ақойиди Насафий дарслиги, ўн биринчи йили эса “Баъд”, ўн иккинчи йили “Самоа” ўқитилган, ўн учинчи йили “Ҳақойиқ ул-ашйа”, ўн тўртинчи йили “Ҳамди таҳзиб”, ўн бешинчи йили “Таърифи илм”, ўн олтинчи йилида “Ал-ҳикмат”, ўн еттинчи йилда эса “Ал-вужуд” ўқитилган, ўн саккизинчи йили Мулло Жалолдан “Йаман ваффаққана...”, ўн тўққизинчи йили Мулло Жалолдан “Сатафтариқ”, “Саҳиҳий Бухорий”, ”Тафсири Байзавий”лардан таҳсил кўришган [3].

Дунёвий фанлар, табиий ва аниқ фанлар ўрнига кўпроқ тажрибага асосланган билимларни бериш расм бўлган. Схоластика, иймон, ибодат ва шариат нормаларининг жузъий масалаларига бағишланган асарлар ҳам шу даврда кўпайганини, илмий баҳс ва мунозаралар жуда содда ва жўн бўлиб кетганини Фитрат ўзининг «Мунозара» ва «Баёноти сайёҳи ҳиндий» асарида таъкидлаб ўтган. Лекин бу даврда мадрасаларда диний-ахлоқий таълим беришга асосий эътибор қаратилиб, дунёвий таълим бериш бир қадар орқада қолган эди.

Бухоро амирлиги Амир Шоҳмурод даврида таълим тизими ўрганиш натижасида XVIII аср охирида Мовароуннахр тарихида ўта муҳим, эсда қоларли сиёсий воқеаларга бой бўлганлиги ва XVIII аср иккинчи ярми- XIX аср бошларида Бухоро амирлиги сарҳадларида илм-маданият ва шариат фанлари тараққий этганлигини кузатамиз. Амир Шоҳмурод даврида тафсир, ҳадис, фиқҳ, калом, усул, сарфу наҳв илмларидан иборат бўлган шариат илмлари Бухорода ривожлан-ганлигини кузатамиз. Мактаб ва мадрасалар Бухоро амирлиги илмий ва маданий муҳитида жуда муҳим ўрин эгаллаган.

Амир Шоҳмурод Бухоро шаҳрида ва амирликнинг турли вилоятларига бориб, улардаги масжид ва мадрасаларда шариат ҳуқуқи нормалари ва уларни татбиқ этишга оид масалалар юзасидан машғулотлар олиб борди. Амир Шоҳмурод нафақат таълим жараёнида, балки амирлик фуқароларининг ҳам ислом ҳуқуқи нормаларини билишликка даъват этиш билан бирга, уларга кенг имтиёз ва имкониятлар яратиб берган.

Таълим жараёни эса махсус таълим дастурлари асосида олиб борилганлигига гувоҳ бўламиз. Лекин бу даврда таълим тизими ҳам тарихимизни ёритишга хизмат қиладиган маданий мерос сифатида излаб топиш, тадқиқ қилиш масалаларини ҳам имкон қадар ҳал этиш зарурияти долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

### Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати


1. Айний С. Асарлар. 1-том. – Тошкент: Бадиий адабиёт, 1963. – Б.352.
2. Абдурауф Фитрат. Баёноти сайёҳи ҳинди. – Садои Шарқ. 1988. – №6. – Б.23.
3. Ёвкочиев Ш.А. Традиции религиозного образования в Узбекистане. Исламские ценности Центральной Азии: толерантность и гуманизм. Историко-философские и культурные аспекты // Материлаы Международной научной конференции. – Т., 2008. – С.140-145.
4. Наливкин В. Что даёт средне-азиатская мусульманская школа в образовательном и вопитательном отношениях // Турк. Лит. Сборник в пользу прокажены. – СПб, 1900. – С.323.
5. Маев Н. Туземная школы // Туркестанские ведомости, 1884 годь 30 октябрь.
6. Муҳаммаджонова Л. XX асрнинг бошларида Бухорода ижтимоий – сиёсий вазият ва демократик ҳаракатлар ривожланиши (1908-1920). Тарих фан. ном. дисс... – Тошкент, 2000.
7. Муҳаммад Саййид Балжувани. Тарихи Нофеи. Таржима, сўзбоши ва изоҳлар муаллифлари Ш.Воҳидов ва З.Чориевлар. – Тошкент: Академия, 2000. – Б.112.

8. Муҳаммад Шариф ибни Абдушукур Садри Зиё. Мадрасаҳо-йи шаҳри Бухоро. // Қўлёзма, Ўз ФА ШИ, – № 2493.
9. Utanova U., Umarova M., Abdullahodjaev G. Organization And Features Of The Education System Of The Bukhara Emirate During The Reign Of Emir Shakhmurad (1785-1800) // NVEO – NATURAL VOLATILES & ESSENTIAL OILS Journal // NVEO. – 2021. – C.15326-15334.
10. Бухоро вилоят музейи қўлёзма фонди, 25 (241) // 11 инвентар.
11. Бухоро вилоят музейи қўлёзма фонди, 1078 // 11 инвентар.
12. Ўз МА, 47-фонд, 1-рўйхат, 333-иш. 7-варақ.
13. Ўз МА, 47-фонд, 1-рўйхат, 323-иш. 9-варақ.
14. Ўз МА, 47-фонд, 1-рўйхат, 333-иш. 10-варақ.
15. Ўз МА, 47-фонд, 1-рўйхат, 333-иш.55-варақ.
16. Ўз МА, 323-фонд, 1-рўйхат, 38-иш. 4-варақ.
17. Ўз МА, 323-фонд, 1-рўйхат, 51-иш. 21-варақ.

## ЎЗБЕК АНЪАНАВИЙ ЎЙИНЛАРИ ТАРИХИ МАНБАШУНОСЛИГИГА БАЪЗИ ЧИЗГИЛАР (ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИ МИСОЛИДА)

***И.Ғ.Жалилов – мустақил тадқиқотчи, Қарши давлат университети***

Ўзбек халқ ўйинлари тарихи бир неча минг йиллик тарихга эга бўлиб, унинг тарихий илдизлари энг қадимги даврларга бориб тақалади. Тарихий ва ёзма манбаларда халқ ўйинлари тарихи ҳақида анчагина маълумотлар бор. Масалан, кураш, човгон, кўпкари, чиллик каби оммавий халқ ўйинлари ҳақидаги қизиқарли маълумотлар айниқса, IX-XII асрлар биринчи ренессанс даври тарихий-адабий асарларида акс этган. Бироқ ўзбек миллий кураши ҳақидаги ёзма манба маълумотлари минг йилдан нарига ўтмайди. Қадимги ва илк ўрта асрлар даври халқ ўйинларига доир оид ёзма манбалар эса, турли сабабларга кўра, бизгача етиб келмаган. Аммо халқ ўйинлари, айниқса, кураш ҳамда от билан боғлиқ ўйинлар ҳақида археологик манбаларда анчагина маълумотлар акс этган.

Айниқса, кўпроқ Шарқ яккакураши ҳақида кўплаб маълумотларни учратиш мумкин. Қадимги ва ўрта асрларда халқ ўйинлари ҳақида аввало археологик материаллар, ёзма ва тарихий манбаларда муҳим маълумотлар берилган. Машҳур шарқшунос ва археолог С.П.Толстовнинг Хоразмдаги Жонбосқалъада олиб борган археологик тадқиқотларида милоддан аввалги IV асрларда турли уруғ жамоалари ўртасида анъанавий кураш кенг тарқалганлиги аниқланган. Қазиш вақтида курашчиларнинг олишув пайтини тасвир этувчи фигуралари ҳам топилган.

Шунингдек, Қўйқирилганқалъадан ҳам (мил.ав. IV – III асрлар) олишаётган жангчи тасвирланган мусаллас ичиладиган идиш топилган. Олимнинг таъкидлашича, аждодларимиз ўтмишда турли тантана, сайилларда, айниқса, Наврўз кунларида кураш мусобақалари уюштиришган [1.234-236.].

Маҳмуд Қошғарийнинг “Девон-у луғатит турк” асарида бундан 1000 йил бурун Туркистондан Термизгача, Хазар ва Орол соҳилларидан Тангритоғ этакларигача бўлган ҳудудда яшаган туркий халқлар (чиғил, яғмо, туркман, ўғиз, қирғиз)га тегишли 150 га яқин халқ ўйинлари ҳақида қизиқарли маълумотлар берган.

Маълумки, чавгон Ўрта Осиё халқларининг жуда қадимги ҳамда севимли миллий от спорти ўйинларидан бири ҳисобланади. “Девон-у луғотит турк”да бу ўйинга тааллуқли бўлган қуйидаги атамалар келтирилади: “Тангуқ”- чавгон ўйинида коптокни тортилган ўтовдан ўтказганга бериладиган ипак кийимлик, “тасал”- чавгон

ўйини майдонида чегарани белгилаб чизилган чизиқ, “тобиқ”- чавгон билан уриладиган копток, тўп [2.360-445.].

Алишер Навоий (1441-1501) ўзининг “Хамса”, “Лисон ут-тайр”, “Маҳбуб ул-қулуб” ва бошқа қатор асарларида халқ ўйинларига меҳр билан қараб, уларга бирма-бир таъриф-тавсиф берган. Қадимдан пиёда юриш, югуриш, тийрандозлик, чавандозлик, қиличбозлик, кураш каби миллий ўйинлар кўпчилик подшоҳларни, хусусан, лашкарбошилар эътиборини жалб этган. Навоий куч синашиш билан боғлиқ бўлган ўйин турларига “зори” атамасини қўллаган. Масалан, Фарҳод болалигидан кўпгина ҳарбий машқлар билан қизиққан ва шуғулланган.

Амир Темурнинг “Темур тузуклари”да кураш, чавандозлик, найзабозлик, қалқонбозлик, тийрандозлик, қиличбозлик ва ов қилиш илмини эгаллаш ҳақида кўрсатмалар берилган.

XIV – XV асрлардан бошлаб барча ҳукмдорлар миллий байрамларда кураш мусобақалари уюштиришган. Машҳур саркарда, шоир ва давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асарида миллий курашни аскарлар ичида кенг ривожлантирганлиги ва жисмоний машқларга катта эътибор берилганлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд [3.141-266.].

Ўзбек халқ ўйинларининг тарихи, этнографиясига доир кўплаб қимматли маълумотлар, илмий асосдаги фикр-мулоҳазалар тарихий асарларда, турли даврларда яратилган илмий, илмий-оммабоп мақолалар, асарларда ўз аксини топган бўлса-да, бугунги кунда халқимизнинг маданий меросини сақлаш ҳамда уни янада ривожлантириш, ёш авлоднинг тарихий тафаккурини шакллантиришда бу мавзуни илмий жиҳатдан янада чуқуррок ўрганиш давр талабидир.

Мавзунинг тарихшунослигининг таҳлили шуни кўрсатадики, Қашқадарё воҳаси аҳолиси ўзининг қадимий тарихи, маданияти, ранг-баранг этник таркиби, бой этнографияси билан тадқиқотчиларнинг эътиборини доимо ўзига тортган. XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Бухоро амирлиги ҳудудларига Россия империяси ва хорижий давлатлардан кўплаб географ-сайёҳлар, ҳарбий хизматчилар, савдогар ва айғоқчилар келиб, бу ҳудуддаги аҳолининг этномаданий ва хўжалик ҳаёти билан боғлиқ жиҳатларга қизиққанлар. Маҳаллий халқнинг урф-одат, удум, маросимлари, кундалик турмуши ҳақида хотира, эсдаликларни ёзиб қолдирганлар ёки асар ва мақолаларида қизиқарли маълумотларни келтирганлар.

XIX аср охири – XX аср бошларида Шарқий Бухорога келган ҳарбий-миссионерлар, саёҳатчиларнинг асарларида жуда қимматли этнографик материаллар берилган. Бу даврда ушбу йўналишда махсус тадқиқотлар ўтказилмаган бўлса-да, уларда учрайдиган этнографик характердаги маълумотлар катта илмий қимматга эгадир. Шу каби Бухоро амирлиги аҳолиси ҳақида Н.В. Хаников, А. Борнс, А. Вамбери [4.] каби ҳарбийлар ва саёҳатчиларнинг асарларида муҳим этнографик материаллар, турмуш тарзи ва маданияти, байрам ва халқ томошаларига доир қимматли маълумотлар учрайди.

Жумладан, XIX асрнинг ўрталарида Бухоро амирлиги аҳолисининг этник таркибини ўрганган дастлабки тадқиқотчилардан бири Н.А. Ханиковдир. Унинг “Описание Бухарского ханства” [5.] номли асарида ўзбеклар таркибидаги кўплаб уруғлар, уларнинг турмуш тарзи, машғулотлари, байрамлари ҳақида муҳим маълумотлар келтириб ўтилади. Шунингдек, бу даврда Н. Хаников билан деярли бир даврда А.Борнс ҳам Бухоро амирлиги аҳолиси, унинг маданияти ҳақида муҳим маълумотларни бериб ўтган. 1863 йилда Самарқанд, Бухоро, Хива ҳамда бошқа йирик шаҳарларни ўрганган можар сайёҳи ва шарқшунос А. Вамбери ўзининг саёҳатномаларида бу ердаги туркий халқларнинг кўплаб урф-одат ва маросимлари

қатори баъзи болалар ўйинлари, кўпкари ва кураш ҳақида ҳам қизиқарли этнографик маълумотларни ёзиб қолдирган [6.].

Хулосада шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ўзбек халқ ўйинлари масалалари турли давр тарихий манбаларида атрофлича ёритилган бўлиб, ушбу мавзуни Қашқадарё воҳаси мисолида этнологик йўналишда ўрганиш учун энг муҳим илмий асос бўлиб ҳизмат қилади.

**Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати**


1. Толстов С.П. По следам древне Хоразмской цивилизации. – М. – Л, 1948.
2. Маҳмуд Кошғарий. Девону луғати-т-турк. т.1. – Тошкент: Фан, 1963.
3. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Т.: “Ўқитувчи” НМИУ, 2008.
4. Ханыков Н.В. Описание Бухарского ханства. – СПб., 1843. Борнс А. Путешествие в Бухару. – М., 1849; Вамбери А. Путешествие в Среднюю Азию из Тегерана через Туркменскую пустыню по восточному берегу Каспийского моря в Хиву, Бухару и Самарканд, предпринятое в 1863 г. Изд. 1-е. – М., 1867; Изд. 2-е. – М., 1874; Его же. Очерки Средней Азии. – М., 1868.
5. Ханыков Н.В. Описание Бухарского ханства. – СПб, 1843.
6. Вамбери Г. Путешествие по Средней Азии.– СПб. 1865.


## БУХОРО АМИРЛИГИДАГИ ҚОРАКЎЛ ТЕРИ ТАНАЗЗУЛИ ҲАҚИДАГИ АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

***Ш.Ё.Қудратов– катта ўқитувчи, Бухоро давлат университети***

Ўтган асрнинг охирида ўзининг 2500 йиллик ёшини дунё миқёсида кенг нишонлаган кўҳна ва боқий Бухоро жаҳон тамаддунини тебратган улуғ маскан сифатида мағрибу-машриққа машҳурдир. Мозий гавҳари бўлган Бухоро ҳудудида яшаган аҳолининг қадимий ва ҳайратомуз тарихи, дунёни лол қолдирган илм-фани, ноёб маданияти, бетакрор осори-атиқалари, кўп тармоқли ҳунармандчилиги ва дунё халқлари билан олиб борган савдо алоқалари ҳақида ёш авлодга кенг қамровли маълумотлар бериш, уларнинг тафаккурини юксак маънавий жасорат руҳида тарбиялаш бугунги кунда таълим-тарбия соҳасидаги долзарб вазифалардан бирига айланиб бормоқда. Бошқа хонликлар сингари, Бухоро амирлиги тарихини ўрганиш ва таҳлил қилиш борасида кўп олим ва тадқиқотчилар томонидан илмий изланишлар олиб борилган. Бугунги кунда энг асосий вазифа амирлик тарихини ёритиб берувчи ўрганилмаган манба ва ҳужжатларни илмий истеъмолга киритиб, баркамол авлодни мустақиллик руҳида тарбиялайдиган янги тадқиқотлар яратиш керак.

Мустақил Ўзбекистон давлатининг асосчиси И.А.Каримовнинг қуйидаги сўзлари тарихчилар учун муҳим методологик кўрсатма бўлиши лозим: “Замонлар ўтар, йиллар, асрлар ўтади. Ҳеч шубҳа йўқки, фарзандларимиз, невараларимиз, келажак насллар, Бухорога, унинг қадим тарихига қайта-қайта мурожаат этадилар” [1].

XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистонда нашр қилинган “Туркистанская туземная газета’’ (Туркистон вилояти газетаси), “Туркестанская ведомости’’) газеталари, “Туркистанский сборник’’ тўпламида Бухоро амирлигининг сўнгги даври (XIX аср охири – XX аср бошлари) иқтисодиёти тарихи масалалари хусусида бир қатор қимматли маълумотлар берилган.

Бухоро жуда қадимдан Ўрта Осиёда ва бутун жаҳонда қоракўл тери савдоси маркази саналган. Қоракўл тери Бухоро орқали Россия бозорларига ва ундан сўнг

Ғарбий Европа ва Америкага ҳамда қоракўл тери қадрли бўлган Кавказга ва Эронга ўтиб турган.

Бухороликларда қоракўл турли номлар билан номланган. Қоракўл қўйи қўзичоғи териси “қоракўл” деб номланади. Табиий туғилган қўзининг паст навли териси “курпея” деб номланса, “тақир” деб номланган қўзичоқ териси юқори навда баҳоланган. Муддатдан олдин сўйилган қўй қўзисинининг териси ,,ҳарами’’деб номланган ва бу энг юқори нав бўлиб ҳисобланган [2].

Қоракўл тери савдоси бутунлай бухоролик савдогарлар қўлида бўлган. Асосий корчалонлар Бухоро шаҳридан бўлиб,йирик савдогарлар сифатида Латифхўжа, Убайдуллахўжа, Насриддинбой, Яҳёбой, Абдурауф карвонбошилар тан олинган. Катта қоракўлчи Ҳожи Жўрабек Россия ва чет элларда Арабов фамилияси билан машҳур бўлган. Бухоро амирларининг ўзлари ҳам қоракўл савдоси билан шуғулланувчи савдогар бўлишган. Жумладан, амир Аҳадхон ҳам коракўл тери савдоси билан бевосита шуғулланган бўлиб, амир учун сотиб олинган тери жойида ошланиб, навларга ажратилиб, Бухорога олиб келинмасдан, Москвага сотиш учун бозорга юборилган. Амир Аҳадхон савдогарлар Арабов, Латифхўжаларга маблағ берар эди ва фойда тенг иккига бўлинарди. Савдогарларда амирнинг 200-300 минг тангаси бўлиб, Бухоро амирларининг савдогарлар билан тенг шерикчилик қилиб ишлаши оддий ҳолга айланган эди [3].

Амир Абдулаҳадхон давлат бошқарувида карвонбошилар маслаҳатига таянган. Савдо-иқтисодий ва сиёсий-дипломатик режаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда улардан фойдаланган. 1892 йилда Абдулаҳадхоннинг Петербург саёҳатида Абдурауф Карвонбоши, Мансурбой, Яхёбой, Муқимбой, Латифхўжа ва Жўрабеклар ҳамроҳлик қилгани амирнинг йирик савдогарлар билан яқин алоқа бўлганини кўрсатади.

Амир Абдулаҳадхон ички бозор, шунингдек, амирлик билан савдо алоқаларда бўлган мамлакатлар бозорларидаги нарх-навони доимий кузатиб борган. Ички ва ташқи бозорлардаги маҳсулотларга нисбатан бўлган талаб-таклифлар савдо агентлари томонидан ўрганилиб, амир бу жараёнлардан хабардор қилиб турилган. Шунингдек, Амир Абдулаҳадхон савдогарларни қўллаб-қувватлаган. Тижорат ишларида бирор савдогар касодга учрагудек бўлса, амир савдогарни хонавайрон бўлишдан сақлаб қолган. Жумладан, Латифхўжа ўз мижозларидан 140 минг сўм қарздор бўлиб синиш хавфи остида қолганида амир томонидан тўлаб берилган

Бухоро ўзининг қоракўл териси савдоси билан қадимдан машҳур бўлса-да, тери бозори савдоси ҳолати ўзгариб турганки, бунга маълум бир омиллар сабаб бўлган. Узоқ Европа халқларининг маданий ҳолатини ўзгартирган жараён бу мода ҳисобланганки, бундан Бухоро савдогарлари жуда катта зарар кўришган. Ҳақиқатдан ҳам шундай, Бухоро савдогарлари мода туфайли тери савдосидан хонавайрон бўлишган [4].

Дастлаб, Бухоро бозорларида қоракўлча 2 рубль, биринчи нав “тақир” ва “ҳарами’’ 3 – 4 рублга сотиларди. Четга олиб чиқилган товарлар жуда кўп фойда беришини англаган айрим савдогарлар бунга баҳони оширдилар. 1896 йилда бухоролик савдогар Насриддинбой Ёкуббоев транспортда қоракўл терини Нижегород ярмаркасига олиб бориб сотганидан 60 минг сўм фойда олади. Бошқа савдогарлар томонидан қоракўл териларининг бариси сотиб олинди. Бухоролик савдогарлар томонидан Нижнийга барча терилар етказилди ва нархи йилдан йилга ошиб борди.

Манбаларда қайд қилинишича, қоракўл тери етиштириш бир йилда 1 млн 200 минг донани ташкил этиб, шу товарнинг қарийб ҳаммаси Нижний ярмаркаси орқали сотилган [5].

1898 йилда пахта иши (пахтачиликни ривожлантириш) бошланиши муносабати билан кўплаб савдогарлар пахта савдосига киришдилар.Чорвага кам эътибор берилди. Натижада қоракўл тери баҳоси янада ошди. Бу билан Европа аёлларининг иши йўқ эди. Улар урфда бўлган қоракўл терисидан тайёрланган кийимларни сотиб ола бошладилар.

“Харами”дан тикилган жакетга 200-300 рубль, “тақир” дан тикилган ратонда 1000 рубль эди. Шу пайтда Европада қоракўлга ўхшаган чиройли плюшь ишлаб чиқарилди ва у ўн баравар арзон эди. Натижада қоракўл тери нархи анча арзонлашди. Бухоро савдогарлари аввалига ҳар ўн терига 75 – 120 рубль тўлаб сотиб олишар эди. Улар Европада мода ўзгарганини билишмас эдилар.

1903 йил бошларида немис савдогарлари Бухорога келиб жуда кам тери сотиб олишди. Улар мода туфайли қоракўл тери нархлари янада тушишини айтишганда, Бухоро савдогарлари ярмаркада яхши навдаги терига 120 рубль сўрашар эди. Лекин бу нархда товарни ҳеч ким сотиб олмас эди. Шундай килиб, қоракўл тери нархи тушиб кетди. Кўп савдогарлар товарларни сотолмай хонавайрон бўлишди.

Катта савдогар Убайдулла Хўжаев Нижнийга 350 000 дона қоракўл терини 8 рублдан сотиб олиб келди. Лекин бу ерга сотиб олган пулига хам сота олмади. Ўз капиталига қоракўл сотиб олган кишилар нарх кўтарилишини кутиб туришарди. Лекин банкдан ссуда (қарз) йиллик 12% га олганлар бир ярим йилдан бери товарни сотолмай овора эдилар.

Бу пайтда Нижнийда олиб сотарлар тери қимматлашади, – деб қоракўлни сотиб олишарди ва товарнинг нархи янада тушиб, уни сотолмай ҳам фойдасиз қолишар эди.

Бухоро савдогарларининг қоракўл тери масаласида бошларига тушган хонавайронлик, улар йўқотган миллионлаб маблағлар банк идораларини, Бухоро давлатини қизиқтириши лозим эди. Асосий сабаблар сифатида моданинг ўзгарувчанлиги, қоракўл терилари навининг пастлиги кўрсатилди. Шароитни яхшилаш мақсадида қоракўл қўйларини сўймаслик, банк қарзларини номаълум муддатда узайтириш, банк қарзларини фоизини енгиллаштириш, Бухоро давлати савдогарларига пул ёрдами бериш кўрсатилди [6].

Хуллас, рус матбуотида бухоролик қоракўл тери савдоси билан шуғулланувчи савдогарларнинг аянчли тақдири тўғрисидаги айрим маълумотлар ана шу тарзда баён килинган.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Каримов И.А. Бухоро шаҳрининг 2500 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи. // Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд. – Т.: Ўзбекистон. 1997. – Б.373.
2. “Туркестанский ведемости”, 16 октября 1903 года.
3. Сухарева О.А. Бухара XIX – начало XX в. – М.: 1966. – С.243.
4. “Туркестанский ведемости”, 24 февраля 1915 года.
5. “Туркестанский ведемости”, 8 февраля 1913 года.
6. “Туркестанский ведемости”, 24 февраля 1915 года.

## “ЩИТ НАРОДА” ГАЗЕТАСИ САҲИФАЛАРИДА МАРҒИЛОН ШАҲАР ДУМАСИ ФАОЛИЯТИНИНГ ЁРИТИЛИШИ

***Ё.Т.Болтабоев – катта ўқитувчи, Наманган давлат университети***

Фарғона водийсининг йирик шаҳарларидан бири бўлган Марғилон шаҳри,

нафақат Марказий Осиёда, балки узоқ ғарб ва шарқ мамлакатларида ҳам ўз маҳсулотлари билан машҳур бўлган. Айниқса Марғилон шаҳрида тайёрланган атлас, шойи ва ипак газламалари жаҳон бозорларида харидоргир бўлган. 1875 йилда шаҳар рус қўшинлари томонидан босиб олингач, бир қатор маъмурий, ижтимоий – иқтисодий ўзгаришлар амалга оширилиб, Фарғона вилоятининг уезд шаҳри мақомини олган. XIX аср охири – XX аср бошларида Марғилон вилоятнинг муҳим савдо, ҳунармандчилик, транспорт ва маданият марказларидан бирига айланган.

XIX аср охири – XX аср бошларига келиб Европа мамлакатлари, шу жумладан Россия империясида саноат тараққиёти сезиларли тарзда жадаллашди. Оқибатда империя шаҳарларида, шу жумладан, империянинг чекка ўлкаларидаги шаҳарларда ҳам урбанизация жараёнлари янада кучайиб, мамлакатнинг иқтисодий – ижтимоий, маданий ҳаётида шаҳарларнинг мавқеи янада ортди. Буни яхши англаган Муваққат Ҳукумат шаҳарларнинг бошқарув тизимида бир қатор ислоҳотларни амалга оширган. Муваққат Ҳукуматнинг Туркистон Комитети ўлканинг йирик шаҳарларида Шаҳар Думалари ва шаҳар бошқармаларини ташкил этиш тўғрисида 1917 йилнинг 15 апрелида махсус низом қабул қилган. Ана шу низом асосида 1917 йилнинг май ойидан бошлаб, Фарғона вилояти шаҳарларида ҳам Шаҳар Думаларига сайловлар ўтказиш ва ташкил этиш учун тайёргарлик ишлари бошлаб юборилган.

Эски Марғилон шаҳрида ҳам 1917 йилнинг декабр ойида Фарғона вилояти комиссари раҳбарлигида Шаҳар Думасига сайловлар ўтказиш учун тайёргарлик ишлари бошлаб юборилган. Шаҳарда Шаҳар Думаси аъзолигига сайловларни ташкил этиш ва ўтказилиши учун, махсус комиссия ташкил этилган. Махсус комиссия шаҳар аҳолисини сайловларда фаол иштирокини таъминлаш учун, тарғибот ва тушунтириш ишларини олиб борган. Ўтказиладиган сайловлар тўғрисида махсус комиссия шаҳар фуқароларига қуйидаги маълумотларни тақдим этган:

1. Шу йилнинг 22 декабридан бошлаб дастлабки сайловчилар рўйхатини рўйхатга олиш ишлари бошланиб 22, 23, 24, 25, 26 декабр кунларига қадар давом эттирилади;

2. 27 декабрдан бошлаб 5 кун давомида: 27, 28, 29, 30 ва 31 – декабр кунлари сайловчилар рўйхатини тузилиши билан боғлиқ шикоят ва эътирозлар кўриб чиқилади;

3. 1918 йилнинг 1 январ кунидан бошлаб, маъмурий суд бўлимларига махсус комиссия фаолияти, шикоятларни кўриб чиқмаганлиги ва фаолияти юзасидан, 3 кун давомида: 1, 2, 3 январ кунлари шикоят ва эътирозлар билдиришлари мумкин;

4. 1918 йилнинг 4 январидан бошлаб, 5 кун муддат ичида: 4, 5, 6, 7 ва 8 январ кунлари маъмурий суд бўлимларида шикоят ва эътирозлар кўриб чиқилади;

5. 9 январ кунидан бошлаб, 4 кун давомида: 9, 10, 11, 12 январ кунлари сайловчилар рўйхати қайта кўриб чиқилиб хатолар тўғриланади ва тўлдирилади;

6. Сайловчилар рўйхатини сўнгги тақдим этиш куни 13 январ этиб белгиланади;

7. 16 январ куни Шаҳар Думасига сайловлар ўтказилади [1].

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, махсус комиссия сайловларга катта масъулият билан ёндашган. Сайловчилар рўйхатини тузилишини аниқ муддатларининг белгилаб қўйилганлиги, рўйхат тузиш учун бир неча кундан иборат муддатни белгиланганлиги, сайловчилар рўйхатини тузишни икки босқичда амалга оширилиши кўрсатилганлиги, шикоят ва эътирозларни тақдим этиш муддати ва кўриб чиқилиши кунларини аниқ белгилаб қўйилганлиги махсус комиссия сайловларга тайёргрлик ишларига катта эътибор қаратганлигини исботлаб беради.

1918 йилнинг январ ва феврал ойларида махсус комиссия сайловларга

тайёргарлик жараёнларини янада фаол олиб боришга ҳаракат қилган. Эски Марғилон шаҳрида Шаҳар Думасига сайловлар ўтказилиши вақти, жойи ва тартиб қоидалари тўғрисда батафсил маълумот берадиган 1000 нусхада варақалар чоп этилиб, шаҳар аҳолига тарқатилган [2].

Эски Марғилон шаҳрида Шаҳар Думасига сайловлар 1918 йилнинг 18 февраль куни бўлиб ўтган. Шаҳар Думасига сайловлар Муваққат Ҳукуматнинг 1917 йил 15 апрелдаги қарори асосида амалга оширилган. Сайловларга тайёргарлик ишлари ва сайловларни ўтказилиши жараёнларини Фарғона вилояти Комиссарлиги томонидан қатъий назорат қилинган. Эски Марғилон шаҳрида Шаҳар Думасига сайловлар ўтказиш бўйича махсус комитет 18 феврал куни шаҳарда сайловлар ўтказилганлиги тўғрисида эълон қилган. Сайловда номзодларнинг №1 рўйхати аъзолари 12471 овоз билан ғалаба қозониб, Шаҳар Думаси аъзолигига сайланганликлари тўғрисида маъ-лумот берилган. Шаҳар Думасининг очилиш маросими, 1918 – йил 26 – феврал куни соат 12:00 да ўтказилиши маълум қилинган [3].

Фарғона вилояти комиссари Эски Марғилон шаҳри комиссарига қуйидаги мазмунда телеграмма юборган: “Ҳаммага ва ҳамма раҳбарларга шуни маълум қиламанки, Эски Марғилон Шаҳар Думаси ва шаҳар бошқармаси ташкил этилгач, Эски Марғилон шаҳар комиссари шаҳар хўжалигининг бошлиғи сифатида, шаҳар хўжалигининг барча мол мулки, инвентари, маблағи ва барча иш ҳужжатларини шаҳар бошлиғи билан келишган холда топширишни таклиф қиламан. Буларни топшириш ва қабул қилиш тўғрисида менга ахборот беринг” [4].

Эски Марғилон шаҳрида Шаҳар Думасининг очилиш маросими тантанали ва қизғин ўтган. Очилиш маросимига Скобелев ва вилоятнинг бошқа шаҳарларидан бир қатор меҳмонлар ташриф буюришган. Фарғона вилояти раҳбарлари шундай таҳликали вазиятда, турли партиялар ўртасидаги ўзаро курашлар кучайган бир вақтда, комиссар Сугробовга, котиб Насибянсга Марғилон Шаҳар Думасига сайловларни ташкил этганликлари, фидокорона меҳнатлари учун миннатдорчилик билдирилган. Шаҳар Думаси аъзолари тантанали қасамёд қабул қилганларидан сўнг, котиб Насибянс бемор бўлгани учун, Шаҳар бошқармаси аъзолари сайлови бошқа кунга қолдирилган.

1918 йилнинг 14 март куни Эски Марғилон Шаҳар Думасида шаҳар бошқармаси аъзоларини сайлаш учун сайловлар бўлиб ўтган. Шаҳар бошлиғи лавозимига Саид Аҳмад Ходжаев, шаҳар бошлиғининг ўринбосари лавозимига Магомед Ибрагимов Қори Саримсақов сайланган. Бошқарма аъзолари этиб: Абдулла Суфи Ходжаев, Райимжон Аҳмат Карванов ва Раҳмат Али Абдураҳманов, шаҳар бошқармаси котиби этиб, Павел Насибянс, шаҳар бошлиғининг ўринбосари этиб Абдулазиз Ходжанов, унинг ёрдамчиси этиб Адлияхан Музаффар Ходжаев сайландилар [5].

17 март куни Шаҳар бошқармаси шаҳар марказида жойлашган 6 хонадан иборат рус – тузем мактабининг биносини бошқарма канцелярия биносига айлантириш тўғрисида қарор қабул қилган. Шаҳар Думаси томонидан шаҳарнинг хўжалик, молиявий ва бошқа мол-мулкини қабул қилиб олиш учун алоҳида комиссиялар ташкил этилган. Шаҳар бошқармасида умумий, молиявий, хўжалик ва озиқ – овқат бўлимлари ташкил этилган. Шаҳар Думаси аъзолари бир қатор комиссиялар: врач – санитария, савдо – сотиқ, саноат, халқ маорифи, назорат – тафтиш ва бошқа комиссиялар ташкил этилган. Барча комиссиялар дарҳол ўз вазифаларини бажаришга киришдилар. Бошқарма девонхонаси зудлик билан янги хизматчиларни ишга олиш, зарур буюмларни сотиб олишга киришганлар. Янги ташкил этилган барча комиссиялар фаолиятига раҳбарлик қилишни Саид Аҳмад

Хожа Ғиёсхўжаев ва шаҳар бошқармаси аъзоси Мулла Райимжон Карванов ўз зиммаларига олишган.

Марғилон шаҳрида асосан маҳаллий аҳоли вакилларидан ташкил топган шаҳар бошқармаси ҳам мавжуд иқтисодий – ижтимоий муаммоларни бартараф қилиш астойдил ҳаракат қилганлар. Марғилон Шаҳар Думаси раҳбарлари ва аъзолари ўз зиммаларидаги шаҳар хўжалигини бошқариш каби машаққатли ва маъсулиятли вазифаларни сидқидилдан бажаришга ҳаракат қилганлар. Шаҳар бошқармаси очиқ фаолият олиб боришини, ҳар бир фаолияти ҳақида шаҳар аҳолисига маълумот бериб боришларини эълон қилганлар. Шаҳар бошқармаси девонхонаси ҳар куни эрталаб соат 9:00 дан, кундузи соат 15:00 гача фаолият олиб бориши шаҳар аҳолисига эълон қилинган [6].

Ҳар куни Марғилон Шаҳар Думаси биноси олдидаги майдон турли муаммолар билан келган фуқаролар билан гавжум бўлган. Шаҳар аҳолиси вакиллари “Думахон” лардан турмушнинг барча соҳаларига оид муаммоларни ҳал этишда ёрдам беришни сўраганлар [7]. Эски Марғилон шаҳри аҳолиси баъзан Шаҳар Думаси аъзоларини “Думахон” деб атаганликлари, шаҳар аҳолисининг Дума аъзоларига ҳурмат билан муносабатда бўлганликларини кўрсатиб беради. Аммо Шаҳар Бошқармаси аъзолари айрим муаммоларни ҳал эта олмасликларини билдирсалар ёки бирор бир масалага аралашиш учун ҳуқуқлари йўқлигини айтсалар, шаҳар аҳолиси вакиллари бошқарма аъзоларидан қаттиқ ранжиганлар.

Россия империясининг Биринчи жаҳон урушидаги иштироки туфайли Туркистон ўлкасидаги иқтисодий – ижтимоий аҳвол янада оғирлашган. Туркистон ўлкаси ҳудудларида, шу жумладан Фарғона водийсида очарчилик даҳшатли тус олган. Очарчилик ва тўйиб овқатланмаслик айниқса, вилоят шаҳарлари аҳолиси орасида жуда ҳам аянчли тус олган. Маҳаллий аҳоли вакиллари Шаҳар Думасига катта умид билан қараганлар. Шаҳар Думаси айниқса озиқ – овқат муаммосини ҳал этади деб қаттиқ ишонган.

Шаҳар Думаси аъзолари шаҳар аҳолисининг оч ва қашшоқ тоифаларини қўллаб-қувватлаш ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун жуда кўплаб хайрли ишларни амалга оширганлар. Дума аъзоларининг ташаббуси билан шаҳарнинг ўзига тўқ ва бой хонадонлари фуқароларига мурожаат қилиниб, шаҳарнинг оч ва қашшоқ қатламлари учун бепул ошхоналар ташкил этиш учун ихтиёрий маблағ тўплаш ишлари олиб борилган. Ана шу саъй – ҳаракатлар натижасида катта миқдорда маблағ жамғарилиб, Марғилон шаҳрида бир нечта бепул ошхоналар ташкил этилган.

Шаҳар аҳолисини озиқ – овқат билан таъминлаш муаммосини ҳал этиш учун Шаҳар Думаси турли губерняларга нон ва дон маҳсулотларини сотиб олиш учун ўз вакилларини ишонч гувоҳномалари ва пул маблағлари билан таъминлаб юборган. Дон ва нон маҳсулотлари шаҳарга етказиб келингунига қадар, шаҳарда очлар учун 200 та ошхоналар очишга қарор қилинган. Озиқ – овқат тафтиш комиссияси томонидан Шаҳар Думаси ихтиёрига берилган оз миқдордаги ғалла маҳсулотлари ҳам очлар учун ташкил этилган бепул ошхоналар ихтиёрига берилган [8].

Шаҳар хўжалик фаолиятини яхшилаш, иқтисодий ислоҳотларни моддий жиҳатдан таъминлаш учун Марғилон Шаҳар Думаси шаҳар бозорларида солиқларни оширишга қарор қилган. Шаҳар Думаси аъзолари ўша даврда Туркистон ўлкаси бозорларида маҳсулотлар нархини ошиб кетганлиги сабабли ва замон талабларига жавоб бериш учун ушбу қарор қабул қилинди деб таъкидлаганлар. Масалан: бир қути ипак учун 2 рубль, битта от ва арава (экипаж) учун 10 рубль, 2 та от ва иккита арава учун 25 рубль, 30 та от ва 3 та арава учун 50 рубль миқдорида солиқ тўлаш Шаҳар Думаси томонидан қатъий белгилаб қўйилган [9].

Шунингдек, Марғилон шаҳри бозорларига олиб келинадиган ва шаҳар бозор-

ларидан бошқа ҳудудларга олиб кетиладиган маҳсулотлар учун ҳам тўланадиган солиқлар миқдори оширилган. Шаҳар Думаси томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари савдосидан олинадиган солиқлар миқдори ҳам оширилган. Ана шу ислоҳотлар натижасида Шаҳар бошқармаси ислоҳотлар учун зарур бўлган моддий маблағларга эга бўлган.

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, Эски Марғилон Шаҳар Думаси шаҳарни иқтисодий – ижтимоий, маъмурий, маданий бошқарувида фаол ва самарали фаолият олиб борган, шаҳар аҳолисининг манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилишга ҳаракат қилган, кўплаб ислоҳотларни амалга оширган. Эски Марғилон шаҳрининг турли аҳоли вакиллари Шаҳар Думасига катта ишонч ва хайрихоҳлик билан муносабатда бўлганлар..

**Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати**


1. Щит Народа, 1918 годь 4 январь. – № 3.
2. Щит Народа, 1918 годь 1 февраль. – № 16.
3. Щит Народа, 1918 годь 14 март. – № 26.
4. Щит Народа, 1918 годь 13 апрель. – № 69.
5. Щит Народа, 1918 годь 20 март. – № 49.
6. Щит Народа, 1918 годь 4 январь. – № 3.
7. Щит Народа, 1918 годь 13 апрель. – № 69.
8. Щит Народа, 1918 годь 10 апрель. – № 66.
9. Щит Народа, 1918 годь 13 апрель. – № 69.


## ҚОРАЎЗАК ТУМАНИДА ЖОЙЛАШГАН МУРАТ ШАЙХ БОБО ҲАҚИДА ТАРИХИЙ ВА ОҒЗАКИ-АФСОНА МАЪЛУМОТЛАР

***Р.А.Исметов – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ Гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институти таянч докторанти***

Давлатимиз ҳудудида жойлашган тарихий ва муқаддас жойларни ўрганиш ва бу жойларда тадқиқот ишларини олиб бориш долзарб масалалардан бири бўлиб ҳисобланади. Сабаби, эрта даврлардан ҳозирги кунга қадар ота-боболаримизни ҳурмат қилиш, уларнинг руҳларини шод этиш ва уларнинг номларига дуолар ўқиш, уларни тез-тез ёд олиб, уларнинг яхши ҳислатларини эслаш эрта замонлардан шу кунга қадар ота-боболаримиздан сақланиб келаётган қадриятларимиздан ҳисобланади. Шу билан бирга ҳозирги кунда мамлакатимиз томонидан зиёрат ўринларини ободонлаштириш, бу жойга келувчилар учун шарт-шароитлар яратиш, шу билан бирга республикамиз ҳудудида жойлашган бошқа тарихий ва муқаддас жойларни тадқиқот қилиш ва бундай муқаддас жойларни аниқлаш ишлари кенг кўламда олиб борилмоқда.

Мана шундай муқаддас ва тарихий қадамжолардан бири, Қораўзак туманида жойлашган Мурат Шайх бобо зиёрат ўрнини алоҳида айтиб ўтсак бўлади.

Мурат шайх бобо қабристони Қораўзак тумани «Маданият» ОФЙ марказидан чап томонга қараб борар йўл билан бирга бир томонида уйлар, иккинчи томонида эса кенг экинзор майдонлар билан ўралган шу йўл бўйлаб борар экансан, йўл бўйи юртимизнинг табиатини, ҳавосини, кенг майдонларини кўриб тинчлигимизга шукроналар айтгинг келади. Шу билан бирга, элимизнинг табиатининг такрорланмас гўзаллигини кўриб кўзларинг қувонади. Шундай этиб кенг экин майдонларига келдик ва бу ерда деҳқончилик қилиб меҳнат этиб юрган деҳқонлардан «Йўл

сўрамоқ азалдан келаётган одатимиз» деб, улардан йўл сўрадик. Икки томони деҳқончилик ерлар билан ўралган ўрта йўл бўйлаб юриб катта тепаликка келдик. Бу «Мурат шайх бобо» қабристони жойлашган ўрин эканлиги маълум бўлди. Бу ҳозирда Қораўзак тумани “Маданият” ОФЙ ҳудудига қарашли “Хўжа овул” элати ҳудудида жойлашган [2].

Бу ҳақида археолог олим Ғ.Хожаниязов ва тарихчи О.Юсуповнинг «Қарақалпақстандағы муқаддес орынлар» китобида ҳам бу зиёратгоҳ жойлашган ўрин бўйича ҳам маълумотлар келтириб ўтилади.

Мурат шайх бобо қабристонида Мурат шайх бобо мақбараси жойлашган (Мурат шайх бобонинг иккинчи номи Мурат шайх, Азийз баба, Хожа ибн ишим Султан, Мухҳаммед Бахадурхан (1675-1748). У XVIII асрнинг биринчи ярмидан бошлаб қорақалпоқларнинг руҳий етакчиларидан бири ҳисобланади. Шайх умрининг охирларида Сирдарё бўйидаги Серен қаъла атрофларига келиб жойлашди. Лекин бу ерларни сув босиб кетиш хавфи борлигидан улар ўз жойини ўзгартиришга мажбур бўлади. Шу пайтлари Ҳазрати Шайх оламдан ўтади. Шайхнинг тобутини юклаган оқ туянинг биринчи тўхтаган ери ҳозирги Қораўзак тумани «Маданият» хўжалигидаги баланд қумнинг тепаси экан. Мурат Шайхни дафн этиб эл шу ернинг атрофига жойлашиб ҳаёт кечиради.

Шу билан бирга, унинг қабри устида тикланган мақбара ҳақида қуйидагича афсонани ҳам айтиб ўтади. Йўл-йўлакай ушбу ерда тўхтаб ўтган Хива хонларининг бири бобонинг қабрини зиёратлаб юрган одамларни кўриб «халқ оддий чўпонни ҳам авлиё деб сиғинишар экан» - деб кулган экан. Кўб вақт ўтмай халқнинг устидан кулган хоннинг ичи буриб, қаттиқ оғрибди. Шунда у бобонинг илоҳий кучидан қўрқиб ва халқдан уялиб шайх ётган жойга гумбаз солдирган экан. Ҳақиқатдан ҳам 1810 йил декабрда, якшанба куни “Ақжағыс”дан чиқиб, “Көкөзек” бўйига ҳазрати Мурат шайх қабрига яқин ерда Хива хонининг (Қутлимурот иноқ) тўхтаб ўтганлиги сарой тарихчиси Муниснинг ёзма манбаларидан маълум [4].

Бундан ташқари «Тахтакөпир тәрийпи» китобида ҳам Мурат шайх бобо бўйича қимматли маълумотлар келтириб ўтилади. Яъни Мурат шайхнинг келиб чиқиши тарихига, ўзи бошчилик этиб олиб борган меҳнатларига, давлат ишларидаги меҳнатлари бўйича кенг тўхталиб ўтади. Бундан ташқари Қораўзак туманида жойлашган “Қабақлы ата”, “Дийўанайы Бурых ата” зиёрат ўринлари бўйича ҳамда Тахтакўпир туманида жойлашган бошқа қабристонлар, зиёрат ўринлари бўйича бир қанча қимматли маълумотлар келтириб ўтилади [6].

Шундай қилиб ёзма манбаларда ва халқ оғзаки ижодида юрган ривоятларга асосланиб XVIII аср ўрталарига келиб Мурат шайх бобо мақбараси пайдо бўлганлигини билишимиз мумкин. Қабристонда бўлган вақтимизда бу ерда эрта даврларда солинган иморат ўринларини ва эски қабрларни кўрдик. Бу ҳақда Ғ.Хожаниязов ва тарихчи олим О.Юсуповнинг «Қарақалпақстандағы муқаддес орынлар» китобида айтиб ўтилган. Шу билан бирга бу ерда янги қабрларни ўринларини ҳам кўрдик, сабаби халқ ҳанузгача бу ердан қабристон сифатида фойдаланиб келаётганлигидан дарак беради.

Бобонинг мақбараси XVIII асрларнинг ўрталарида қора уй кўринишида мақбара тикланади. 1936 йил унинг олдига зиёратхона солинган, 1992 йил маҳаллий халқ бирдамлиги билан янги мақбара тикланади [4] 2020 йил қайта таъмирлаш ишлари олиб борилган. Мақбара сирти оқ ранг билан бўялиб, атрофлари ободонлаштирилган ҳамда зиёратга келувчилар учун қулай шароитлар яратилган. Бобонинг қабрига зиёратга келиб қуръон тиловат этувчилар учун махсус соябонлар ишланган, зиёратга келганлар таҳорат олишлари учун имкониятлар яратилган [3].

Биз юқорида келтириб ўтган адабиётлардан ташқари Мурат шайх бобонинг ким бўлганлиги, унинг қилган амаллари ва унинг халқ орасида қандай обрўга эга бўлганлиги ҳақидаги маълумотларни Ғ.Хожаниязов ва О.Юсуповларнинг «Амударьё» журналида чоп этилган мақоласи орқали ҳам кенг маълумотга эга бўлишимиз мумкин [5].

И.Алламбергенованинг «Қарақалпақ фольклорында диний аңызлар» китоби орқали халқ оғзаки ижодида кенг тарқаган афсона ва асотирлар бўйича маълумотларга эга бўламиз. Албатта ушбу китобни ўрганиб шундай хулосага келиш мумкинки, яъни халқ оғзаки ижодида ҳанузгача тўлиқ ўрганилмаган афсона ва асотирлар учраши мумкин [1].

Тадқиқотимиз якунида Мурат шайх бобо ҳақидаги келтирилган маълумотларга таяниб у инсоннинг қандай кароматли ва авлиё инсон бўлганлигини ҳамда ҳозирги кунда юртимизда яратилган имкониятлардан келиб чиқиб бундай зиёратгоҳларни кейинги авлодга асл ҳолида сақлаш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилганлигини кўришимиз мумкин. Бундан ташқари давлатимиз томонидан яратилган имкониятлардан фойдаланган ҳолда ана шундай муқаддас қадамжоларни ўрганиш, у ерларнинг тарихи бўйича маълумотлар йиғиш, келиб чиқиш сабабларини ўрганиш, йиғилган маълумотларни кенг жамоатчиликка етказиш бош мақсадимиз ҳисобланади. Яъни бундай тарихимизни ўрганиш, ўсиб келаётган ёш авлодга маънавий озуқа бўлиши мумкин деб ҳисоблаймиз.

**Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати**


1. Алламбергенова И. Қарақалпақ фольклорында диний аңызлар. Нөкис. 2016. – 28 б.
2. Исметов Р. Дала ёзувлари. 2021 йил. – №3. Қораўзак районы. А.Досназаров ОФЙ, Маданият ОФЙ.
3. Исметов Р. Дала ёзувлари. 2021 йил. – №12. Имформатор: Турсин мўлла., Қораўзак тумани. А.Досназаров ОФЙ.
4. Хожаниязов Ғ., Юсупов О. Қарақалпақастандағы муқаддес орынлар. Нөкис: 1994. – 68 б.
5. Хожаниязов Ғ., Юсупов О. Мурат шайх ҳәм оның мақбарасы // «Әмиўдарья» 1990. – №5 103-108
6. Абдиев А., Реймов А. Тахтакөпир тарийхы. Ташкент. Туран-Иқбол. 2019. – 804 б.


## СОВЕТ ҲОКИМИЯТИ ЙИЛЛАРИДА ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА ОЛИБ БОРИЛГАН ДИНИЙ СИЁСАТ МАСАЛАСИНИНГ ТАДҚИҚ ҚИЛИНИШИ

***М.А.Раматуллаев – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ Гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институти таянч докторанти***

Совет ҳокимияти тарафидан ҳокимчилик-буйруқбозлик тизимини ўрнатиш йўлида амалга оширилган кескин ўзгаришлар дин соҳаси вакилларига ҳам катта зарба бўлди. Диндорлар ва диний соха вакилларига қилинган очикдан-очиқ зўравонлик улар учун узоқ вақт ўзларига кела олмайдиган даражада ёмон таъсир этди. Совет ҳокимияти ўтказган ислоҳотлар жамиятда инсонларнинг кўп даврлардан буён келаётган сезимларини оёқ-ости қилди. Амалга оширилган ҳар бир чора-тадбир жамият аъзоларининг кўпчилигига қарши қатағонлар билан ўтказилди. Қатағонлардан диний уламолар ҳам кўп жабр кўрди.

Лекин совет ҳокимияти даврида, аниқроғи, 1980 йилларнинг ўрталаригача тарихимизнинг бу аянчли саҳифалари ҳақида сўз айтилмади ва ўрганилмади. «Қайта қуриш» сиёсатининг бошланиши билан жамиятда демократлашув ва сталин қатағони қурбонларини реабилитациялаш ишлари бошланди. Фуқароларни реабилитация қилиш СССР Олий Совети Президиумининг 1989 йил 16 январдаги фармони [1]га мувофиқ амалда якунланди.

Архив маълумотларидан эркин фойдаланиш имконияти бўлмаган 1980 йилларнинг охири 1990 йилларда, қатағонлар даври ҳақида сўз айтилганида ўша йилларда яшаган одамларнинг хотиралари тарихий ҳақиқатлик ҳақида бирдан-бир манба бўлиб ҳисобланган.

Ислом дини ва диний соҳага мустақиллик йилларида қаратилаётган эътибор, адолатли муносабатнинг тикланганлиги дин ва диндорларга, мусулмон идора ва ташкилотлар бўйича давлатимиз томонидан олиб борилаётган сиёсатнинг ижобий тарафларини чуқур англашда ўтмишимиздаги аянчли тарих сабоқларидан тегишли хулосалар қилиш имконини беради. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда виждон эркинлиги, дин, диний ташкилотлар ва диндорларга оид давлат сиёсатида катта ўзгаришлар амалга оширилди. Биринчидан, виждон эркинлиги масаласининг, давлат билан диний ташкилотлар ўртасида муносабат масаласининг мустаҳкам ҳуқуқий асоси яратилди. Бу ҳуқуқий асосни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси [2] ҳамда «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида» [3]ги Қонун ташкил қилади. Иккинчидан қонунларда фуқаролар ва диний ташкилотлар учун кафолатланган ҳуқуқий имкониятлар тўлиқ юзага чиқарилмоқда. Диннинг обрўси тикланди, барча диний ташкилотларга, конфессияларга қонун доирасида очиқ ва дахлсиз фаолият олиб бориш имконияти яратилмоқда. Учинчидан, янги масжидлар очилди, эскилари таъмирланди. Масжидлар давлат рўйхатидан ўтказилди. Тўртинчидан, диндорлар ва уламолар учун оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш имконияти яратилди. Диний ташкилотларга ўзларининг газета-журналларини нашр қилишдаги тўсиқлар олиб ташланди. Диний адабиётларнинг нашр қилиниши сезиларли кўпайди. Масалан Қуръони Карим ўзбек [4] ва қорақалпоқ тилларига [5] таржима қилиниб нашр қилинди. Бешинчидан, ватандошларимиз Ҳажга ва Умрага – Макка ва Мадина зиёратига, диний фарзларини бажаришга эркин бориб келмоқда. Олтинчидан, Республикамизда муқаддас Рамазон ва Қурбон ҳайит байрам кунлари деб эълон қилинди [6]. Еттинчидан, Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида дин ишлари бўйича қўмита ташкиллаштирилди [7]. Тошкент Ислом институти, Ислом цивилизацияси маркази фаолият юритмоқда. Қорақалпоғистон Республикаси мисолида айтадиган бўлсак, 1992 йилда Нукус шаҳридаги Муҳаммад ибн Ахмад ал-Беруний ўрта махсус ислом билим юртининг очилиши, Қорақалпоғистон мусулмонлари қозиятининг фаолияти, 60 дан ортиқ масжидларнинг фаолият олиб бораётганлигини таъкидлаб ўтиш мумкин.

Совет ҳокимияти давридаги юртимизда олиб борилган диний сиёсат, бу соҳадаги қатағонлар ҳақида сўз юритганимизда тарихчилардан ташқари журналистлар, ёзувчилар, шоирлар ва ота-боболари катағон қилинган инсонлар фаол қатнашди. Хусусан, 1990 йилларда республика газета ва журналларида бир қатор мақолалар чиқди. Т.Абдимуратов, Е.Усенов, Ў.Ўтеулиев, сўнгра А.Даулетмуратовлар томонидан қатағонлик, айниқса уламоларнинг қатағон қилиниши ҳақида ёзилган кўпчиликка бағишланган ишлар чиқди [8].

Диний уламоларга бўлган тазйиқ ва қатағонлар, мусулмонларнинг диний турмуш тарзи масаласида советлар даврида ҳам кўплаб маълумотлар берувчи ишлар ёзилган. Булар китоб ҳолида, монографиялар, илмий тўпламлар, илмий ва диний

журналлардаги мақолалар, халқнинг динга муносабати ва атеистик тарбия усуллари ҳақида диссертация ишлари шаклида бизга маълум.

XX асрнинг иккинчи ярмида сиёсий тузум ўзгариб, атеистик тарғиботдаги босим янги кўринишда намоён бўлгач, айрим адабиётлар вужудга келди. Улар коммунистик партия мафкураси таъсири остида яратилган. Ислом дини тарихига оид адабиётларнинг аксарияти «Лекторга ёрдам» рукни остида рисола сифатида нашр этилган.

Уларни давлат томонидан дин борасида атеистик тарғибот ишларини кучайтириш, динга қарши курашни авж олдириш мақсадида юзага келган тадқиқотлар деб баҳолаш мумкин. Бунда муаллифлар ўз илмий ишларида ислом дини тарихини атеистик нуқтаи назардан, совет мафкуравий қолипи асосида таҳлил қиладилар [9].

Совет ҳокимиятининг дин ва диний ташкилотларга нисбатан юритган сиёсати масаласи XX асрнинг 60-80 йилларида чиққан адабиётларда ҳам кенг жой олган. Бу даврда чиқарилган адабиётлар ислом дини ва диний ташкилотларга муносабатда коммунистик мафкура тўлалигича ҳукм сурганлигини аниқ кўрсатган.

Бизнингча, совет даври ва ҳозирги кундаги олимлар, тарихчиларнинг кенг қамровли ва диққатга сазовор тадқиқотлари совет ҳокимиятининг диний сиёсати мавзусини ўрганишда ва таҳлил қилишда асос бўлади. Бундай муаллифларга Ю.Репка, Т.Изимбетов, А.Виноградов, И.Аширов, Т.Саидбаев, Ж.Базарбаев, А.Лещинский, С.Ғаниев, О.Умаржонов, В.Алексеев, С.Абаев, В.Мухаммеджонова, Т.Рахмонов, Д.Алимова, М.Қарлыбаев, Ш.Бабашев, Н.Мустафаева, Ҳ.Йўлдошхўжаев, И.Қаюмова, А.Салмонов ва бошқаларни келтириб ўтсак бўлади.

Ўрта Осиё давлатлари тарихчилари тарафидан ҳам совет ҳокимиятининг диний сиёсати мавзуси бўйича бир қанча тадқиқот ишлари олиб борилган[10].

Совет ҳокимияти даврида олиб борилган диний сиёсат масаласи бўйича илмий тадқиқот ишларни ҳали ҳам кенг миқёсда олиб бориш, қатағонга учраган уламоларнинг авлодларининг тақдири, ўша даврни кўрган, ўша давр ҳақида эшитган одамлардан замонавий техник воситалардан аудио, видео ёзувларини ёзиб олиш, архив манбаларини тадқиқ қилиш, уларни жамоатчиликка таништириш бугунги куннинг асосий вазифаларидан бири деб биламиз.

**Фойдаланилган адабиёт ва манбалар рўйхати**


1. http://docs.historyrussia.org/ru/nodes/75290-ukaz-prezidiuma-verhovnogo-soveta-sssr-o-dopolnitelnyh-merah-po-vosstanovleniyu-spravedlivosti-v-otnoshenii-zhertv-repressiy-imevshih-mesto-v-period-30-40-h-godov-i-nachala-50-h-godov-16-yanvarya-1989-g#mode/inspect/page/1/zoom/4
2. 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган// https://lex.uz/docs/-20596
3. 2021 йил 5 июлдаги ЎРҚ-699-сонли Ўзбекистон Республикаси Қонуни// https://lex.uz/docs/-5491534
4. Шайх Алоуддин Мансур. “Қуръони карим ва ўзбек тилидаги маънолар таржимаси”. – Т.: “Шарқ юлдузи”, 1991.
5. Қураны Кәрийм (мәнилериниң қарақалпақ тилиндеги аўдармасы ҳәм тәфсири). – Т., 2019.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 27 мартдаги ПФ-368-сонли Фармони// https://lex.uz/docs/-239369?otherlang=1
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 7-мартдаги ПФ-359-сонли Фармони// https://lex.uz/docs/165464
8. http://istkurier.ru/data/2020/ISTKURIER-2020-5-11.pdf

**9.** Халилова З.Э. Ўзбекистонда 1945-1991 йилларда ислом таълими: муаммонинг тарихшунослик таҳлили//Ўзбекистонда тарих фани: муаммолар ва ривожланиш истиқболлари. Тарихшунослик ўқишлари – 2017 Конференция материаллари. – Тошкент, «Akademnashr», 2018.

**10.** Бозоров А. Некоторые особенности и пути формирования атеистического мировоззрения таджикского дехканства. – Душанбе: Ирфон, 1991., Назаров А.Х. История религиозной жизни мусульман Таджикистана в 1941-1991 гг. автореф. к.и.н. – Душанбе. 2004., Ауанасаова Б.М. История эволюции религиозных отношений в Казахстане (на примере ислама 1941-1991 гг.): дис… канд. ист. наук. – Уральск, 2007., Мухтарова Г.Д. Ислам в советском Казахстане (1917-199 годы): дис… д-ра ист. наук. – Уральск, 2007., Юсупов Р.М. Узбекистонда XX асрнинг 40-80 йилларида мусулмон диний ташкилотлари ва уламолар фаолияти (МДА маълумотлари асосида): Тарих фан. ном. ... дисс. автореф. – Тошкент: Мирзо Улугбек номидаги Узбекистон миллий ун-ти, 2008. – 33 б., Абдурасулова Х.И. Ислам и религиозная политика в Узбекистане в 1940-1980-е годы: анализ англо-американской историографии. – Ташкент: Янги нашр, 2011. – 108 с.

## XIX АСРДАГИ ЖАНУБИЙ ОРОЛ БЎЙИДА ЯШАГАН ҚОРАҚАЛПОҚ ХАЛҚИНИНГ ТАНИҚЛИ СИЙМОЛАРИ ҲАҚИДА МАНБАЛАР

***З.С.Сапаров – стажёр-тадқиқотчиси, Қорақалпоқ давлат университети***

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин ҳақиқий тарихимизни қайта тиклашга алоҳида эътибор берилди. Тарихий шахсларга бўлган эътибор ва уларнинг тарихини тадқиқ этиш кучайди. Мустақиллик йилларида ушбу буюк, бебаҳо меросларимизнинг кўпчилиги қайта тикланиб, халқимизнинг эркинлиги ва мустақиллиги учун ўз ҳаётини бағишлаган инсонларнинг исмларини ёд этиш яхши одатга айланди. Шунинг учун ҳам XIX асрда яшаган қорақалпоқ халқининг тарихий шахсларини, таниқли сиймоларини ва халқ ботирларини бугунги кунда илмий тадқиқ этиш долзарб ҳисобланади.

Тарихан маълум бўлишича, қорақалпоқлар Жануби-Шарқий ва Жануби-Ғарбий Орол бўйи ҳудудида қадимги даврлардан ўрта асрларгача яшаган бир неча этносларнинг аралашуви асосида ўтроқ халқ бўлиб шаклланган [8.11]. XIX асрда яшаган қорақалпоқлар ҳақида илмий манбалар кўп. XIX асрдаги Жанубий Орол бўйи қорақалпоқлар тарихи бўйича П.П.Иванов, С.П.Толстов, Т.А.Жданко, Й.Ғ.Ғуломов, С.К.Камалов, Р.Қосбергенов, О.Жалилов, М.Тилешмуратов, М.А.Қарлибаев, О.Ж.Юсупов, А.Р.Қудияров, С.С.Сайманов ва бошқа тарихчилар қимматли илмий асарлар ва илмий диссертациялар ёзган. Бу давр қорақалпоқлар тарихи бўйича рус ва Европалик саёҳатчилар асарларида ҳам келтирилган. Қорақалпоқ халқ шоири Бердақ асарлари ва ушбу давр Хива тарихчилари маълумотлари қимматли манба ҳисобланади. XIX асрдаги қорақалпоқларнинг таниқли сиймолари ва халқ ботирлари ҳақида маълум даражада тадқиқот ишлари олиб борилган ва уларнинг асосида илмий асарлар, мақолалар эълон қилинган. Бироқ, бу мавзуда тизимли тадқиқ этилган илмий асарлар йўқ. Уларни тизимли шаклда тадқиқ этиш ва янгича дунёқарашда илмий асарлар яратиш бугунги кунда долзарб масалалардан ҳисобланади. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси биринчи президенти И.А.Каримов ўзининг 1997 йил 17 июлида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқарғи Кенгесининг 12-сессиясида сўзлаган

нутқида Эрназар Олакўзга қорақалпоқ халқининг мустақиллиги, эркинлиги учун жонини аямай курашган қаҳрамон, халқ фарзанди – деб йўқори баҳо берган [7.28].

XIX асрда Эрназар Олакўз сингари қорақалпоқ халқининг эл бошқарган бийлари, жабр-зулмга қарши курашган халқ ботирлари, Орол бўйи халқларининг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ечишда қатнашган тарихий шахслар кўп бўлган. Қорақалпоқлар асрлар давомида Хива хонлиги билан узлуксиз муносабатда бўлган. Манбаларда XVIII асрда тарихий шахслардан қўнғирот қабиласидан Эсангелди бийнинг исми учрайди. Унга Хива хонлигидан маҳрам унвони берилган.

XVIII асрнинг 70 йиллари Хива фуқоролигига Қўнғирот қабиласининг бийи қўлдовли уруғига бош бўлган Ойдўстбий ўтган. Ойдўст Муҳаммед Амин иноқнинг ёрдами билан барча қўнғирот уруғининг ҳокими даражасига эришган [8.20]. Бу даврда қорақалпоқлар учун босқинчилик кўп бўлган. Шунинг учун Эсангелди маҳрам ва Ойдўстбий Хива хонлиги билан сиёсий алоқалар ўрнатган. Уларнинг бу ҳаракатлари қорақалпоқларнинг бир ҳудудга бирлашуви учун қилинган эди.

Эсангелди маҳрам Мойли чангал – қорақалпоқларнинг “чегара ери”га ҳам алоқадор тарихий маълумотларда учрайди. Мойли чангал қишлов учун макон, қўрғон қалъа, ўтроқ қишлоқ ўрни (Амударё тумани билан Хоразм ва Туркманистон Республикаси Ташҳовуз вилоятларининг туманлари чегаралашган жойда) ҳақида тарихий адабиётларда ёзилган. Қорақалпоқларнинг бош бийи – Эсангелди махрам Хива хони билан дўстлик қориндошликда яшаган. Хон Эсангелди маҳрамга Мойли чангалдан бир ерни ёрлиқнома ёзиб, мўр босиб унинг ўзига ва авлодларига меърос қилиб берган. Яна бир бошқа манбада Хива тахтига тортишувда Эсангелди бий қўнғиротли Чингис хон авлодларидан чиққан оқ суякларни хон тахтига ўтирғизишда, исчанлик, ботирлик, чаққонлик қилгани, шунинг учун Мойли чангалдан берги томонини совғага олиб эмас, ўзининг бошқарувига, боболарининиг ери бўлганнан кейин эгаллаган деб тарифлаган [7.83]. Бу маълумотлар Эсангелди бийнинг халқ манфаати учун сиёсий фаоллик кўрсатганлигини далиллайди.

1810 йили Муҳаммад Раҳим хоннинг (1806-1825) даврида Хива хонлиги томонидан қорақалпоқларни бўйсиндириш тўлиқ якунланган. Элтузар хон ва Муҳаммад Раҳим хоннинг қорақалпоқларга қарши юришларида Хива фуқоролигини аввал қабул қилган Ойдўстбий, Қидирберганбий, Қўшберган, Шағалбийлар фаол қатнашган. Қорақалпоқлар тарихида Ойдўст Хива хонларининг томонида бўлиб, Янгидарё қорақалпоқларини кўчириб, уларнинг устига қилган юришларига фаол қатнашиб, Хива хонларига холис хизмат қилган одам экани тарихий асарлардан маълум [6.37]. Бунда Ойдўстнинг мақсади қорақалпоқларни бирлаштириш бўлган – деган фикрга келсак бўлади. Бироқ, Хива хонининг қорақалпоқларга қилган юришларида Ойдўстнинг фаол қатнашганлигини ҳам кўрсак бўлади. XXIII асрнинг охири – XIX асрнинг бошларидаги Хива хонларининг босқинчилик ҳаракатларига Қўнғирот халқи, шулар қатори қорақалпоқлар ҳам жуда катта қаршилик кўрсатган. Уларни бошқариб турган Тўрамурод сўфи, Бегис, Миржиқ (Мирза Муҳаммад) ва Нуртайлар 1809-1811 йиллар оралиғида Хива хонига қарши бўлган урушларда қаҳрамонларча ҳалок бўлган. Уларни қорақалпоқ халқи мустақиллик курашчиси, халқ ботири сифатида ёдида сақлаб келган. Улар ҳақида ривоятлар яратган [8.21].

Қорақалпоқ Нуртай ботир Қувондарё ва Янгидарё оралиғида кўп минг қўллик, кучли мерганларига эга бўлган. Ботир Россия ва Бухоро карвонини ҳам тўқтатган, божи талаб қилган. Нуртай ботир бу ерга “Борган ва келган да” божи олиб қолган. Нуртай ботирнинг сўнги урушлари чарво ботирлари Жилқайдар ботир ўртасида бўлган. Ушбу урушда Нуртай ботир уруш бўлган ердан от билан қочиб чиққан, уйига келиб ўлган. Бердақнинг “Чажара”сида Нуртай ботирнинг синглисига

Нурмуҳаммад ботир уйланган. Иккаласидан Жонхўжа ботир туғилган. У Россияга ҳам, Хива ва Бухорога ҳам бўйсинмаган эрксевар ботир бўлган [7.88].

Қорақалпоқ халқи ўзининг кўп асрлик тарихида элим деб жон куйдирган, ўз ҳаётини халқ манфаати учун бағишлаган кўплаб ботирларни билади. Нуртай ботир ҳам шулардан бири. У қорақалпоқларнинг қўштамғали уруғидан бўлган. Халқ шажараларида қорақалпоқларнинг Янгидарё бўйида бўлганлиги, шаҳар қурганлиги, қозоқ бийлари билан урушганлиги ва бу маълумотларда Нуртай ботирнинг исми аталган. XVIII асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиё хонликлари ўз-ора урушиб, бир-бирининг ерига бостириб кирган. Ушбу даврдаги сиёсий ҳаёт ҳақида уруш манбаларида кўплаб маълумотлар бор. Унда қорақалпоқларнинг Нуртай бошчилигида халқ шаҳар қуриб, аскар тўплаб яшаганлиги ҳақида айтилган. Бу маълумотлар бўйича Нуртай ботир XVIII асрнинг иккинчи ярмида яшаб ўтган, эл озодлиги учун курашган қорақалпоқларнинг етакчиси, деб кўрсатилган [4.4]. Бу манбалар Нуртай ботирнинг қорақалпоқларнинг ижтимоий муаммоларини ҳал қилишда фаол қатнашганлигини ва унинг XVIII асрнинг иккинчи ярми ва XIX асрнинг бошида яшаган халқ ботири бўлганлигини далиллайди.

Эрназар Олакўз, унинг эрксеварлиги, бир сўзлиги ҳақида халқ орасида кўп ривоятлар таралган. Унинг ботирлигини куйлаб отақли шойир Бердақ ўзининг “Эрназар бий” поэмасини ёзган. XIX асрдаги қорақалпоқ шойирлари Оташ, Ажиниёзлар ҳам унинг ботирлигини куйлаган. С.Мажитов бўлса Эрназар Олакўзни қароқалпақ йигитларига халқ ботири сифатида наъмуна этиб кўрсатган. Ушбу йўналишда М.Дарибаэвнинг “Армон” пьесаси ёзилди. Қорақалпоқ халқ ёзувчиси Т.Қайипбергеновнинг “Қорақалпоқ достони” трилогиясининг 3-китоби Эрназар Олакўз даврини сўз этади [2.5]. П.П.Иванов, С.П.Толстов, Т.А.Жданко ва Й.Ғ.Ғуломов, С.К.Камалов сингари машҳур тарихши олимлар ўзларининг илмий асарларида Эрназар Олакўз ва унинг бошчилигида бўлган халқ қўзғолони ҳақида қимматли фикрлар ёзган.

Эрназар Олакўз қорақалпоқларнинг қўнғирот арисининг қўлдовли уруғидан бўлган Миржиқнинг ўғли. Миржиқтан 4 яшар Эрназар деган ўғил бола қолган. Эрназарнинг онаси Қумар ботир, шерюрак аёл бўлган. Эри ўлганнан кейин ўзининг қариндошларига борган ва ўғлини тарбиялаган. Эрназар кучли ва ботир йигит бўлиб ўсган. Ёш Эрназар жуда кучли бўлган. Хива хонлиги кураш мусобақаларининг бирида, бош Хива палвонини қулатган ва хон оёғи ёнига улоқтирган [1.197].

XIX асрнинг ўртасида Хива хонлигида сиёсий ҳаёт кескинлашиб, унда яшовчи халқларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи пасайган. Хонларнинг халқдан олинадиган солиқлари йилдан-йилга кўпайган. Ушбу ҳолатда Эрназар Хиванинг солиқ йиғувчиларидан йиғилган солиғини босиб олиб, халққа тарқатиб берган. Хива хонининг солиқ йиғувига юборилган одамларини қувиб юборганлигидан хон Эрназарни Хивага чақириб олиб 5 йил қамаган. Турмадан чиққаннан кейин, хон алдаб ўзига хизматга олиш учун уни бир неча йил саройда сақлаган ва Хивалик қизга уйлантирган. Бироқ, барибир Эрназар хон томонига ўтмаган. Шунинг учун хон охирида уни бийлик унвонидан айирган. Бироқ Эрназар ўзини қорақалпоқларнинг бошқа бийларидан кам санамаган. Хон бийликдан айирса ҳам бошқа бийлар билан бирга Хивага борган. Бий бўлмаса ҳам халқ ичида нуфузи баланд бўлган.

Узоқ давом этган урушлар натижасида XIX асрнинг биринчи чорагида Хива хони Муҳаммад Раҳим Жанубий Орол бўйи халқларини ўзига бўйсиндирган, Орол мамлакати тугатилди. XIX асрнинг ўртасида Хива хонлигида сиёсій аҳвол кескинлашган, уруш-жанжаллар ўзининг энг йўқори чўққисига етган. Халқларнинг аҳволи жуда аянчли даражага келган. Шунинг учун Амударёнинг қуйи оқими ерларида жойлашган қорақалпоқлар ўзбеклар, қозоқлар, туркманлар билан бирга

1855-1856 йиллари Хива хонлигининг ҳукмронлигига қарши қўзғолон чиқарган [2.5]. Қўзғолончилар олдига Хива хонлигидан ажралиб чиқиб, алоҳида хонлик бўлишни мақсад қилиб қўйган. Қўзғолонга Эрназар Олакўз бошчилик қилган.

1855 йилнинг кузида қорақалпоқлар Хива хонининг қаттиқ жабр-зульмига қарши катта қўзғолон чиқарган. Бу қўзғолон – деб ёзади П.П.Иванов – Хива хонлигида сиёсій воқеалар чигаллашган, ҳокимият бир қўлдан иккинчи қўлга ўтиб, мухолифатларга қулай ҳолат келиб турган вақтда келиб чиққан [2.14].

Қўзғолон бошчиси Эрназар бий ҳақида Хива тарихчилари салбий маълумотлар келтирган. Хива тарихчиси Муҳаммад Риза Огаҳий “Гулшани Давлат” асарида бундай ёзган: “Абдуллахан ўлдирилганнан кейин Кутлимурод хоннинг салтанати замонида қорақалпоқ қўнғиротлининг қўлдовли уруғидан, бузғунчиларнинг бошчиси Эрназарбий нодонлик кайфияти билан мас бўлган кимса эди, бир неча бошсизларга йўлдош бўлиб мамлакатка қарши бузғунчилик камарини белига маҳкам буғиб, кўп ҳийла ва маккорлик билан бошқа қорақалпоқ қатламларининг кўпчилик бий ва ёши катта кишиларини хонга бўйсиниш йўлидан чиқариб, унга қарши туриш учун ўзига ҳамфикр қилиб оғиз бириктириб, қозоқ тўраларидан Зарлиқ тўрани хон кўтариб, ҳар томондан ғавғо чиқариб эди” [6.120].

Хива хонининг сарой тарихчилари Эрназарбий ўзининг аҳмоқ ва ғаразли ниятлигидан қўзғолоннинг бошида турган. Қўзғолончилар душманлик йўлидаги бузиқ қароқчилар ва газзоблар деб ёзган. Халқдан йиғилган ривоятлар ва ушбу вақтдан кейинги даврларда яратилган илмий асарлар бул сарой тарихчиларининг фикрига бутунлай қарама-қарши. Эрназар Олакўзга Ўзбекистон энциклопедиясининг 4-томида халқ ботири сифатида аниқлама берилган [2.6].

Эрназар Олакўз қўзғолонни бошидан охиригача бошқариб борган. У Хива хони томонидан кўпроқ зарар ва жабр кўрган мухолифат фикрдаги уруғ бошчиларининг гуруҳига кирар эди. Қорақалпоқларнинг бошқа бошчиларининг гуруҳига қараганда Эрназар Олакўзнинг гурухи ўзининг сиёсій манфаатлари бўйича халққа бир қанча яқинроқ бўлган. Эрназар Олакўз қўзғолонга бош бўлгандан кейин халққа таянишга қўрқмаган, бироқ шунинг билан бирга, у қорақалпоқ халқи билан уруғ бошлиқларининг манфаатларининг бир-бирига қарама-қарши эканлигини тушуниш даражасига ета олмаган. Бутун халқни Хива хонига қарши қилиб, у халқни заминдор уруғ бошлиқларига қарши курашка чақирмаган. Сабаби, бирдан-бир мақсад қорақалпоқларни ўзларининг эркин хонлигига бирлаштиришдан иборат бўлган [3.37].

Хулоса қилиб айтганда, XIX аср бошида қорақалпоқларда Амударёнинг қуйи оқимида бирлашув жараёни бўлган. Бу даврда Сирдарё, Янгидарё ва Орол бўйларида яшаган қорақалпоқлар учун босқинчилик кўп бўлган. Шунинг учун Ойдўстбий Хива хонлиги билан сиёсий алоқалар ўрнатган. Унинг ҳаракатлари қорақалпоқларнинг бир ҳудудга бирлашуви учун қилинган эди.

1810-1811 йиллари Хива хонлиги ҳарбий юришларида халқ манфаатини ўйлаб қорақалпоқ Бегис, Миржиқ ва Нуртай ботирлар урушларда қаҳрамонларча ҳалок бўлган. Уларнинг халқнинг жабр-зулмга қарши курашлари, ижтимоий ва сиёсий дунёқарашлари халқ ботирлари бўлганлигини далиллайди. Бутун қорақалпоқлар Хива хонлиги таркибига кирган. Муҳаммад Раҳимхон, Аллақулихон ва кейинги хонлар даврида қорақалпоқларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи оғир бўлган. Урушлар натижасида солиқлар миқдори оширилган. Натижада 1855 йили Хива хонлигида туркманлар ва қорақалпоқлар орасида қўзғолон келиб чиққан. Қорақалпоқлар билан бирга Хива хонлиги жабр-зульмига қарши ўзбеклар, қозоқлар ва туркманлар қатнашган. Қўзғолон давомида бу Орол бўйи халқлари ўртасидаги дўстлик, эркинлик ва озодлик ғояларининг прогрессивлик сифатлари намоён бўлади.

Эрназар Олакўз ўз манфаатидан халқ манфаатини устун қўйган. Халқнинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий муаммоларини ечишда янгича дунёқарашларни илгари сурган. Масалан, қўзғолон давомида Россия, Бухоро, Қўқон хонликлари билан, туркманлар билан дипломатик муносабатлар ўрнатган. Эрназар Олакўз сиёсий арбоб, курашчи палвон, ақллилик ва ботирлик сингари йўқори инсонийлик фазийлатларини ўзида акс эттирувчи тарихий шахс бўлган.

**Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати**


1. Камалов С.К. Каракалпаки в XVIII-XIX веках. – Ташкент. Фан, 1968. – 328 с.
2. Камалов С. Халқы ушын шейит өлген батырым: Тарыйхый эссе – Нөкис: Қарақалпақстан, 1997. – 37 б.
3. Камалов С. Қарақалпақлардың халық болып қәлиплесиўи ҳәм онық мәмлекетлигиниң тарийхынан. – Нөкис, 2001. – 77 б.
4. Нуртай батыр ҳаққында гейпара дереклер // “Еркин Қарақалпақстан” газетасы, 11 ноябрь 2011 ж. – №135 (19129)
5. П.П.Иванов. Қарақалпақлар тарийхының очерки.– Нөкис: Билим, 2021. – 320 б.
6. Тилеўмуратов М. Бердақтың шығармаларындағы тарийхый дереклер. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1968. – 65 б.
7. Юсупов О.Ж. Жәнибек батыр, Маман батыр, Мурад шайых, әзийз баба, Қоразбек бий аталық, Хожамурат бий, Төремурат бий-суфылар ямаса «Майлы шеңгел» өтмишинен дереклер. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1993. – 104 б.
8. Қарақалпақстан XIX әсирдиң екинши ярымынан XX әсирге шекем – Нөкис, Қарақалпақстан, 2003. – 556 б.


## XX АСР 80-ЙИЛЛАРИ БУХОРО АДАБИЙ МУҲИТИ ТАРИХИНИ ЎРГАНИШДА АРХИВ ВА МАТБУОТ МАТЕРИАЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

***А.Ахматов – Бухоро давлат университети таянч докторанти***

Маълумки, Марказий Осиё цивилизация тизимида Ўзбекистон тарихи ва маданиятини ўрганишда архив материаллари, матбуот материалларидан манба сифатида фойдаланиш илмий ишнинг қийматини оширади. Ўзбекистон тарихининг бир бўлаги бўлмиш Бухоро адабий муҳитини ўрганишда ҳам манбашунослик тарихшунослик масалалари долзарблик касб этади. XX аср 80 йиллари Бухоро адабий муҳити тарихида ниҳоятда салмоқли, самарали йиллардан бўлди. Ушбу давр Бухоро адабий муҳити тарихи Ўзбекистон тарихининг ҳамон ўрганилмаган қирраларидан саналади. Сиёсий зуғумлардан бироз бўлса-да, қутулган адабий муҳит қанотини кенг ёйиб кўплаб ижодкорларни ўз бағрига олди. Жамият ҳаётидаги бир қадар янгиланишлар адабий жараёнларга ҳам таъсирини ўтказмай қолмади. Вилоят ижодкорларини уюштиришда ёзувчилар уюшмаси, айниқса, 80-йилларда катта ташкилотчилик тадбирларини амалга оширди. Натижада 1984 йилда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Бухорода сайёр Пленум ўтказиб, 8 нафар маҳаллий ижодкорни уюшма аъзолигига қабул килди [1,7]. Салкам ўттиз йил, ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимини бошқарган истеъдодли шоир Тошпўлат Аҳмад адабий жараённи жонлантириш, уюшма нуфузини кўтариш, ижодкорлар сафини кенгайтириш ва улар ёзаётган бадиий асарларнинг савиясини юксалтириш мақсадида устозлар бошлаган анъанани давом эттирди [4,298].

1984 йил Бухоро шаҳар ижроия комитетининг маданият бўлими ва Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон компартиясининг 60 йиллиги шарафига ҳаваскор шоирлар ва композиторлар асарларининг конкурсини эълон қиладилар. Конкурсга хор, солист, ансамбл ва оркестрлар учун асарлар қабул қилинади. Конкурс шартларига кўра ҳаваскор шоир ва композиторлар учта асарни тақдим этишлари керак.

1. Улуғ октябрь социалистик революцияси, коммунистик партия, совет иттифоқи, ишчилар синфи, тинчлик ҳақидаги қўшиқлар.

2. Совет Ўзбекистони, вилоятимиз шаҳар ва қишлоқлари меҳнаткашларининг ишлаб чиқаришдаги шижоати, улкан бунёдкорлик ва зафарлар ҳақидаги асарлар.

3. Муаллифларнинг истаган мавзудаги қўшиқлари.

Конкурс ғолиблари 3 та даражадаги ўринларга муносиб совғалар билан мукофотланади [7,1405].

Вилоятда ҳар йили шонли саналарга бағишлаб ёш ижодкорлар ҳамда бастакорларнинг кўрик – конкурсларини, навоийхонлик, ҳамзахонлик, пушкинхонлик кунлари ўтказиш байрам тусини олган. 1980 йил шоир Ҳамид Олимжоннинг 70 йиллик юбилейи муносабати билан катта тантанали тадбирлар ташкиллаштирилади. Бухоро вилоят Шофиркон туманидаги Ибн Сино номли ўрта мактабда Ҳамид Олимжонга атаб адабий кеча бўлади [2,32]. Бухоро вилояти Ғиждувон туманидаги Ҳамид Олимжон номли ўрта мактабда ўзбек шоири Ҳамид Олимжон туғилганлигининг 70 йиллигига бағишланган тантана ташкиллаштирилади. Махсус ташкил қилинган кўргазмада адиб ҳаёти ва ижоди акс эттирилган деворий расмлар, китоблар, асар қаҳрамонларининг суратлари жой олган. “Зайнаб ва Омон” поэмаси, “Жангчи Турсун” балладаси асосида драматик парчалар саҳналаштирилади [3,105]. “Бухоро ҳақиқати” газетасининг 1980 йил 25 апрел 81 сонида Тожи Қораевнинг Ҳамид Олимжон 70 йиллигига аталган “Қаламини найза қилиб” номли мақоласи босилади. Мақолада шоирнинг урушга аталган даъваткор шеърлари таҳлил қилинган [2,81].

Вилоятнинг барча туман ва қишлоқларидан уюшмага, шунингдек редакцияга турли хатлар келар, уларда ҳаваскор ижодкорларнинг асарлари ҳам бўлиб бу хатлар билан консультация бўлими шуғулланган. Масалан, Содиқ Жумаев (Олот), Усмон Бўронов (Когон), Бухоро шаҳридан Тўйчи Ёрқулов, Маърифат Бердиева, Қоракўлдан Муқаддас Искандарова, Фахриддин Бозоров (Бухоро кооператив техникум ўқувчиси), Меҳриддин Равшанов (Ғиждувон) машқларида кўзга ташланади [6,660]. Айрим қаламкашлар шеър ёзиш техникасини, фикрни ифодалаш маҳоратини бирмунча яхши эгаллаганлар. Бундай ҳаваскорлар мавзуни осонгина мисраларга кўчирадилар. Бироқ уларнг камчилиги шундаки, ўзлари танлаган мавзуни баён қилишда такрорланган фикрларни, такрорланган сифатларни қаламга оладилар. Равшан Толибов, Нуриддин Нутфуллаев (Ғиждувон), Дилшод Ҳотамов (Бухоро шаҳар), Барака Муродов (Пешку), Диловар Ғайбуллаева (Шофиркон), Темур Қурбонов (Олот), Саидакбар Қодиров (Бухоро педагогика институти талабаси) ва бошқаларнинг шеърларида ҳам худди шундай камчилик учрайди [2,65].

Баъзи бир ҳаваскорлар эса бунинг бутунлай тескариси. Улар ўзларича қандайдир образли ифодалар излайдилар, мисралар устида мушоҳада юритадилар. Тажриба ва сўз бойлигининг етарли эмаслиги оқибатида кўзланган натижага эриша олмайдилар. Ҳаваскорлар орасида Пешкулик Зайнаб Тожиеванинг “Янги йил келмоқда” шеъри сингари яхши ёзилганлари ҳам учрайди [6,660].

Ш.Ортиқов “Қора юрак”, О.Жўраев “Отангга бор, онангга бор”, Халил Қодировнинг “Бирники мингга” (ичкиликбозлик иллати, раҳбарнинг беўхшов одатлари ҳақида ҳикоя қилади), Зариф Садиев “Маошхўр директорнинг

найранглари" сингари фельетонларда жамиятдаги иллат, айрим камчиликлар, баъзи шахсларнинг хатти-ҳаракатлари танқид остига олинади. Яҳё Ваҳобов (Пешку) "Тақдир", Аминжон Шукуров "Жарроҳ бахти" каби очеркларда ишчилар ҳаёти, меҳнаткашлар турмуши, даладаги ғолибона ҳаракатлар ҳақида ҳикоя қилинади [5,1522].

Пахта яккаҳокимлиги ўз ҳукмини сураётган ушбу йилларда ҳамон, адабий жараёнлар унга хизмат қилар эди. Вилоятнинг таниқли шоирлари Т.Аҳмедов, С.Воҳидов, С.Шодиев "Даъватнома" (вилоят пахтакорларига шеърий хат), М.Жумаев "Ушалаётган орзу" кишиларнинг пахта ҳаёти, ҳалол меҳнати билан эл назарига тушиши ҳақидаги жумлалар билан бойитилган эди. Т.Ҳамидов, Т.Аҳмедов, Самандар Воҳидов, Розиқ Рўзиев, Ғулом Шомуродов, Сулаймон Шодиевлар ҳамкорликда "Ташаккурнома" шеъри 6 млн пахта терилганлиги муносабати билан ёзилган [3,70].

Мавзу доираси кенгайиб Ражаббой Раупов "Вардонзе афсонаси" да тарихий мавзуга мурожат қилган бўлса, Мурод Халил "Сенинг баҳорингни кўрганлар ҳайрон", "Дунё бўлур" (болаларимизга), Дилмурод Жабборовнинг "Орзу", Сулаймон Шодиевнинг "Ҳавас", "Болаликнинг чегараси" шеърлари болаларга бағишланган [1,7].

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Бухоро бўлимининг ташаббуси билан кўплаб ижодкорлар уюшма аъзолигига олинди. Шундай кўшишлар туфайли 80-йилларда уюшма аъзолари сафи бирмунча кўпайди, адабий жараён нафақат поэтик, балки наср ва драматик асарлар эвазига ранг-баранглик касб эта борди. Бундай жонланишни, айниқса, насрдаги изланишларда кузатиш мумкин. Бу даврда, хусусан, қиссанависликда салмоқли кўтарилиш бўлди. Аҳад Ҳасаннинг "Муҳаббатнинг сомон йўли", "Қизилқум қизи", "Юзма-юз", "Олтин камарли қочоқлар", "Сочи оқарган бола", Саид Равшаннинг "Жонибек мерган", "Чордоқдан отилган ўқ", Абдулла Мўминнинг "Бахт соҳили", Музаффар Турсуновнинг "Зилола", "Осмон ортидаги осмон остида", Муҳаммад Пирриевнинг "Аёзли баҳор", Аминжон Шукуровнинг "Ишқи ноком", "Бетавфиқ", "Тубсиз жар" ("Сўнган муҳаббат"), Абдураззоқ Қўшшаевнинг "Умр", "Она юрт", Абдунаби Ҳамронинг "Хиёнат", "Йиртқич"; Нортўхта Қиличевнинг "Чиғириқ" (1987) ва Жўра Фозилнинг "Бухоро элчиси", "Бухорийнинг қайтиши", "Баркут мавсум", Ж.Исмоиловнинг "Кўргазмали кенгаш", "Қаловини топсанг", "Сўнгги манзил", Ш.Сулаймоннинг "Учинчи палата", Тошпўлат Ҳусеннинг "Ўн беш тун ҳикояси" ва "Баҳор ҳавоси" сингари ўнлаб қиссалари дунёга келди [4,301].

Бухоро бўлимининг моддий ҳолати қисман яхшиланади, ҳатто уюшма жамғармадан Бухоро бўлими учун енгил автомобил ҳам сўрайди.

"Нилуфар" адабий тўгараги машғулотларида ёшлар ижод сирларини ўрганадилар, машқларини бошқалар билан ўртоқлашадилар. Бу эса уларга ўзларининнинг ютуқ ва камчиликларини ўз вақтида англашларида янада самарали бўлади. Ўзларича ижод қилиб шеърларини хат орқали юборган ёшлар ижодида эса бу жараён жуда секин ўтганлиги сезилади. Улар ижод масъулиятини ўзларича ҳис қиладилар. Натижада аксарият машқларида бадиийлик етишмаслиги ва тематик чекланганлик яққол сезилади.

Ҳар йили уюштирилган баҳор мушоиралари, ижодкорларнинг вилоят партия комитети, вилоят комсомол қўмитаси бригадалари таркибида меҳнат аҳли давраларида чиқишлари. Бухорога ташриф буюрган республика ёзувчилари ҳамда кўплаб иқтидор эгаларининг маҳаллий ижодкорлар билан ўтказаётган ижодий мулоқотлари ҳам адабий ҳаракатчиликнинг кенг қанот ёзишига сабаб бўлган. Вилоятга ташриф буюрган адиблардан Уйғун Шофиркон туман Жданов

колхозининг, Саид Аҳмад Ғиждувон шаҳрининг, Асқад Мухтор Пешку туманининг фахрий фуқаролигига сайлангандилар.

Хулоса қилиб айтганда, Бухоро адабий муҳити тарихини ўрганиш жараёнида гувоҳ бўлдикки, кўп минг йиллик тарихга эга бу юртда ҳеч қачон адабиётга бўлган ҳавас сусаймаган. Айнан ўрганилган XX аср 80-йилларида эса, айниқса, бир қадар юксалди. Тўғри, адабий муҳит коммунистик мафкура талабларидан келиб чиқиб фаолият олиб борган бўлиши мумкин. Бироқ ҳукмрон доира таъсири адабий муҳит тарихида ҳар доим кузатилган жараёндир. Ушбу йилларда Бухоро адабий муҳитидан энг кўп аъзолар Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасига қўшилгани ҳам диққатга сазовор ютуқ эди.

**Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати**


1. Бухоро ВДА, 1198-фонд, 1-рўйхат, 7-иш.
2. Бухоро ҳақиқати, 1980 йил 32, 65, 81-сонлар.
3. Бухоро ҳақиқати, 1984 йил 70, 105-сонлар.
4. Сафаров О. Бухоро адабий ҳаракатчилиги тарихидан лавҳалар. – Бухоро Дурдона, 2015. – 584 б.
5. Ўз МА, Р-2356-фонд, 1-рўйхат, 1522-иш.
6. Ўз МА, Р-2356-фонд, 2- рўйхат, 660-иш.
7. Ўз МА, Р-2356-фонд, 1-рўйхат, 1405-иш.


## XX АСРНИНГ 20-30 ЙИЛЛАРИДА СУРХОН ВОҲАСИДА МАДАНИЙ МУАССАСАЛАРНИНГ ЗИДДИЯТЛИ ФАОЛИЯТИ

***О.А.Исаев – PhD. Термиз давлат университетининг Педагогика институти тарих фанлар кафедраси мудири***

XX асрнинг 20-йиллари иккинчи ярми – 30-йилларда совет ҳокимияти давлат ўзининг сиёсий ва иқтисодий мавқейини мустаҳкамлашга ҳаракт қилиб, маҳаллий аҳоли орасида сиёсий мавқейини тиклаб олди. Мамлакатда истиқлолчилар кураши, барча ихтилофдаги сиёсий партиялар тугатилиши натижасида большевиклар мутлақ яккаҳоким партияга айланди. У жамият ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларида ўз мафкуравий таъсирини ўтказиб борди. Мана шу олиб борилган ижтимоий сиёсат кишилар онгини ўзгартиришда муҳим омил бўлиб ҳизмат қилди. Мамлакатимизнинг барча вилоят ва округларида ҳукумат тамонидан янгича дунёқарашни шакллантириш ғояси илгари сурилди. Дастлабки йилларда маданият ва уни бошқариш жабҳаларида совет ҳукумати маҳаллий аҳолининг урф-одатларини ҳисобга олишга мажбур бўлди. Сурхон воҳаси маданий ҳаётидаги ижобий ўзгаришлар хусусан маҳаллий аҳолининг орасида саводхонликнинг ортиши рўй берди. Бироқ маъмурий буйруқбозлик тизимига асосланган совет ҳукумати маданий соҳаларда ҳам зиддиятли ҳолатларни юзага келтирди.

Совет ҳокимияти тамонидан эълон қилинган шиорлар фақат қоғозда қолиб кетди, унинг ўрнига маҳаллий аҳолини камситиш ва унинг бой маданий меросини иккинчи даражали деб баҳолаб, совет сиёсати асосий мезонига айлантирди. Кишилар онгини ленинча ғоялар билан заҳарлаш ва миллий менталитетга хос бўлмаган ишларни қилишга мажбур қилди. Маҳаллий аҳолига саводсизлар деб қаралиб, фақатгина рус тилини биладиган ва янги совет мактабини тугатган кишиларни саводли маърифатли деб билди. Ўз ғояларини тарғиб қилиш мақсадида воҳанинг турли туманларида маданий муассасалар клублар, қизил чойхоналар, театрлар, музейлар, агитпунктлар ва бошқа маърифий масканлар ташкил қилина бошланди.

Лекин совет ҳукумати тамонидан олиб борилган ушбу маданий-маърифий ишлар маҳаллий аҳолининг ижтимоий ҳаётида ўзгаришлар рўй беришига олиб келди. Дастлаб аҳолининг ёши чегараланмасдан саводсизликни тугатиш мактаблари ташкил қилишдан бошлади.

Совет ҳокимияти таълим тизимини бошқариш учун ўз органларини тарғиб қилди. Хусусан, ўша даврда маданий-маърифий ишларини бошқариш округ халқ таълими бўлимига тегишли эди. 20-йилларнинг иккинчи ярмидан кейин воҳада совет мактаблари пайдо бўла бошлади. Чунончи, 1924-1925 йилларда 10 та совет мактаблари фаолият юритиб, уларга 32 ўқитувчи таълим берди[1]. Янги ташкил қилинган мактабларнинг бош мақсади совет ҳокимиятига зарур бўлган содиқ кадрларни етказиб беришдан иборат эди. Янги ташкил қилинаётган мактаблар асосида савод чиқариш билан бир қаторда совет мафкурасини сингдириш ётарди. Анъанавий мактабларга эса эскилик сарқити сифатида қаралиб, бундай фикрлар аҳолининг онгига ҳам сингдирила бошланди. Бу халқнинг бой маънавий меросини аста-секинлик билан йўқ қилишга уринишнинг бир кўриниши эди.

Совет ҳукумати халқнинг маданий савиясини кўтаришда клубларнинг ўрнини ниҳоятда баланд ҳисоблаб, воҳада клублар ташкил қилишни йўлга қўйди. Чунки, сиёсий-маърифий ишлар асосан қизил чойхоналар ва клублар зиммасига юклатилган эди[2]. 1927 йилга келиб воҳада 7 та клуб очилди ва ўзининг иш фаолиятини бошлади. Ҳар бир клублар ва қизил чойхоналарда “Ленбурчак” ташкил этилган. Мазкур ташкил қилинган клубларнинг 3 таси хотин-қизлар учун мўлжалланган. Клубда кутубхона иши, “кўчма” кутубхона, “Деҳқонлар уйи” очилиши кўзда тутилган бўлса-да, уларни ташкиллаштириш учун маблағ етишмас эди. Клубларда фақатгина “Ленбурчак” ва ташвиқотчилар гуруҳи иш олиб борди.

1936 йилга келиб совет банклари колхозларнинг маданий-маърифий ишлари учун қўшимча 7.050 рубл маблағ ажратишган[3]. Ажратилган ушбу маблағни колхозларнинг қизил чойхона ва қизил клублар фаолиятини ривожлантириш ҳамда газеталар олиб келишга сарфланган. Таъкидлаш жозки, қизил чойхона ва клублар иши орқали кишилар онгидан динни буткул йўқотишга ҳаракат қилинган ва бу борада кенг ташвиқот ишлари олиб борилган.

1928-1929 йилларда Сурхондарё округи хотин-қизлар маиший шароитини яхшилаш учун махсус комиссия ташкил қилинди[4]. Совет ҳукумати маданий ҳаётда хотин-қизлар ролини ошириш мақсадида эътиборини кучайтирди. Аёлларнинг газеталарга обуна бўлишини таъминлаш учун маблағ ажратилди ва мазкур газеталарни уйларига олиб боришни режалаштирди. Бу билан воҳа хотин-қизларининг жамиятда фаоллигини таъминлашга ҳаракат қилинди. Воҳа хотин-қизлари ичидан ҳунармандлари танланиб, ташкил қилинаётган артелларга жалб этиш ишлари ҳам амалга оширилди. 1928 йилга келиб хотин-қизларни жамиятнинг турли соҳаларига жалб қилиш ишлари олиб борилди[5]. Масалан, тиббий муассасаларда ишлаш учун қишлоқлардан хотин-қизлар чақириб олинди. Шунингдек, хотин-қизлар халқ судида халқ маслаҳатчилари вазифасида ишлай бошлади.

Бу даврда Термиз-Паттакесар ва Шеробод шаҳарларида хотин-қизлар турмуш шароитини яхшилаш учун пардозчилик артели ташкил этилди[6]. Мазкур артел Сурхон воҳасидаги дастлабки муассаса эди. Аёллар ўзларига оро бериш ва сочларини янги замонавий қилиб турмаклайдиган бўлиши кўзда тутилган. Лекин, дастлабки вақтда раҳбар хотин-қизлар боришган бўлса, кейинчалик барча хотин-қизлар ҳам борадиган бўлишди.

Бундан ташқари, воҳада бир қанча маданий муассасалар ташкил қилина бошланди. 1933 йилнинг июн ойида Тошкент шаҳрида ўтказилган республика

музейлари конференциясида Қарши, Хива, Термиз шаҳарларида музейлар ташкил этиш ҳақида таклифлар билдирилди. Ўша йилнинг 17 сентябрида музей ташкил этилиши билан боғлиқ бўлган барча муаммолар ҳал этилди. 1933 йилнинг октябр ойида музейнинг қишлоқ хўжалиги бўлими ташкил этилиб, барча туманларда ишлаб чиқарилаётган махсулотларнинг намуналари музейга келтирилиши ҳақида қарор қилинди. 1935 йил 20 июлда вилоят округ комитетининг қарори билан Сурхондарё давлат туманлараро музейи округ музейига айлантирилди[7]. Музейнинг таркибида зоология бўлими фаолият юрита бошлади. Ўша вақтда музей директори Г.В.Парфёнов Тошкент ҳайвонот боғидан 2 та айиқ, 3 та бўри, 3 та сиртлон ва бошқа ҳайвонларни олиб келди. 1936 йилга келиб зоология бўлимини Жданов номли колхоз ҳудудига кўчирди ва ҳайвонот боғи шу ерда ўз фаолиятини давом эттирди[8]. 1939 йилнинг 16 февралига келиб музейнинг зоология бўлими мустақил ташкилот сифатида музейдан ажралиб чиқди ва Сурхондарё округ зооботаника боғи деб номланди.

Сурхондарё округида 1935 йилнинг 5 ноябрда Термиз шаҳрида мусиқали драма театри иш бошлади. Ўша йилнинг 25 мартида режисёр Афандихон Исмоиловнинг Ҳ.Ҳ.Ниёзийнинг "Ғолибият" асари премьерасининг дастлабки намойиши бўлиб ўтди. Г.Зафарийнинг "Ҳалима" асари, К.Яшиннинг "Икки коммунист", К.Яшиннинг "Тор-мор", У.Исмоиловнинг "Рустам" каби премьералар саҳналаштирилиб, воҳа аҳолисига намойиш қилинди. Саҳна асарларининг номланишидан ҳам кўриниб турибдики, намойиш этилган премьералар совет идеологияси асосида амалга оширилган.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, 1925-1941 йилларда Сурхон воҳасида совет ҳукумати ижтимоий-маданий ҳаётда зиддиятли ўзгаришларни амалга оширди. Ваҳоланки, маҳаллий аҳоли бой маданиятини поймол қилиб, ленинча-сталинча дунёқарашни шакллантиришни йўлга қўйишга ҳаракат қилинди. Воҳа аҳолисини маълумотли қилиш билан бирга унинг минг йиллардан буён сақланиб келаётган маданиятини йўқ қилди. Шу билан бирга бу даврдаги ижтимоий-маданий муассасалар аҳолини дунёвий замонавий билимларини оширишга хизмат қилди.

**Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати**


1. Ўз МА, 86-жамғарма, 1-рўйхат, 3088-иш, 153-варақ.
2. Ўз МА, 86-жамғарма,1-рўйхат, 3983-иш, 138-варақ.
3. Сурхондарё вилояти давлат архиви, Жарқўрғон туман бўлими, 20-жамғарма 1-рўйхат, 102-иш, 164-варақ.
4. Ўз МА, 86-жамғарма, 1-рўйхат, 3625-иш, 22-варақ.
5. Ўз МА, 86-жамғарма, 1-рўйхат, 3625-иш, 35-варақ.
6. Ўз МА, 86-жағарма, 1-рўйхат, 3625-иш, 52-варақ.
7. Ботиров И.Т. Сурхондарё ўлкашунослик музейи тарихи. – Тошкент: Фан, 2011. – 67 б.
8. Сурхон тонги. – 2011. – 26 май


## ЯҲЁ ҒУЛОМОВНИНГ ШАХСИЙ АРХИВ ФОНДИ ҲУЖЖАТЛАРИ ҲАҚИДА

***О.Ш.Канимкулов – Ўзбекистон Миллий университети докторанти***
***Р.М.Шойматов – Гулистон давлат университети 1-курс магистранти***

***Аннотация**: Ушбу мақола республикамиз архив ва кутубхона фондларида сақланаётган атоқли ўзбек олими Яҳё Ғуломов фаолияти билан боғлиқ асар ва*

*мақолаларнинг қисқача таҳлилига бағишланган. Бу борада Ўзбекистон Миллий архиви, Фанлар Академияси Асосий кутубхонаси ҳамда ФА Тарих ва археология институти архив фондларида сақланаётган Яҳё Ғуломовнинг шахсий фонд ҳужжатлари асосий ўрин эгаллаган.*

***Калит сўзлар**: Яҳё Ғуломов, "Критика и библиография", "Гулистон", "Фан ва турмуш", "Ўзбекистон моддий маданият тарихи", "Саодат" журналлари , "Тарихий ёдномалар", "Қадимги замон ишларини ўрганиш", "Хоразмнинг суғорилиши тарихи, қадим замонлардан ҳозиргача", Афросиёб, Варахша, Сополлитепа..*

Мазкур мақоламиз юртимиз архив ва кутубхона фондларида сақланаётган Яҳё Ғуломов шахсий фондлари ҳақидадир. Маълумки, Яҳё Ғуломов юртимиз тарихи ҳақидаги чиққан китоб ва мақолаларга тақриз бериш билан бирга, уларда билдирилган ҳар қандай янглиш ва хато фикрларга қарши матбуотда ўзининг дадил фикрларини билдириб келган. "Ўзбекистонда ижтимоий фанлар" журналининг "Критика и библиография" бўлимида айнан мана шундай ҳолатлар бўйича мақолалар чоп этиб турган [1, 32-34 бб; 2, 43-б; 3, 59-65 бб; 4, 3-10 бб]. Яҳё Ғуломовнинг яна бир катта хизмати қадимги тарих, археология, этнография фанлари кашфиётлари, илмий янгиликларини кенг жамоатчиликка кундалик матбуотда илмий оммабоп усулда ёритиб борганлигидир. Бунда жуда катта мазмун ва мантиқ бор. Сабаби, ўша даврда мамлакатимизда тарих ва археология фани ютуқларини оддий ўқувчилар, халққа қисқа ва лўнда етказиб беришда Яҳё Ғуломовнинг тарғиботчи сифатларини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтмоқ керак. Чунки нафақат 1930 йиллар, балки 1950-1970 йилларда ҳам аҳолида археология объекти ва уни илмий қадр-қиймати ҳақида маълумот ва тушунчалар жуда кам эди. Шунинг учун ҳам Яҳё Ғуломов 1930 йилларда "Гулистон", "Социалистик фан ва турмуш" журналлари ва "Қизил Ўзбекистон" газеталарида, 1950-1970 йиллар оралиғида эса "Ўзбекистонда ижтимоий фанлар", "Фан ва турмуш", "Ўзбекистон моддий маданият тарихи", "Саодат" журналлари ва "Совет Ўзбекистони", "Ўзбекистон маданияти", "Правда Востоеа" газеталарида моддий-маданий ёдгорликларни аниқлаш, ҳимоя қилиш бўйича мунтазам равишда мақолаларини чоп этиб борган [5, 24-27 бб].

Яҳё Ғуломовнинг 1933-1977 йилларда Ўзбекистонда археология фанини ривожлантириш, моддий-маданий ёдгорликларни муҳофаза қилишга бағишланган илмий мақолаларининг қўлёзма ва машинкада ёзилган нусхалари бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Миллий архиви [6], Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Асосий кутубхонаси [7], Ўзбекистон Республикаси Тарих ва Археология институти архиви [8], А.Навоий кутубхоналаридаги олимнинг шахсий фондларида сақланиб келинмоқда. Бу архив фондларида сақланаётган мақола ва асарларга эьтибор қаратсак, 1930 йилларда асосан моддий-маданий ёдгорликларни муҳофаза қилишга бағишланган мақола ва асарларга кўзимиз тушади. Булар сирасига

"Тегажоғлик", "Қадимги маданиятимиз изларидан", "Миноранинг тикланиши", "Тарихий ёдномалар", "Қадимги замон ишларини ўрганиш", "Қизилқум ичида қадимги маданият излари", "Ўзбекистонда моддий маданият асарларини сақлаш ва ўрганиш йўлида" каби илмий асар ва мақолаларни киритишимиз мумкин [6, 11-13 бб]. Яҳё Ғуломовнинг моддий маданият асарларини сақлаш ва ўрганиш йўлида олиб борган тадқиқотлари умрининг охирига қадар давом этган.

1950 йиллар Я.Ғуломов ижодий фаолиятининг энг сермаҳсул даврларидан бири бўлиб, унда олим қуйидаги илмий унвонларга эга бўлган: 1955 йилда Олий

аттестация комиссияси унга профессорлик илмий унвонини тасдиқлаган; 1956 йилда Ўзбекистон ФА мухбир аъзоси этиб сайланган; 1958 йилда эса Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби фахрий унвонига сазовор бўлган; 1966 йилда Ўзбекистон Фанлар Академиясининг академиги этиб сайланган [8, 15-17 бб].

Айтишимиз мумкинки, олимнинг шоҳ асари бўлмиш "Хоразмнинг суғорилиши тарихи, қадим замонлардан ҳозиргача" монографияси ҳам (1957 йилда дастлаб рус тилида, сўнгра 1959 йилда ўзбек тилида чоп этилган;) 1950 йилларда ёзилди. Мазкур асар олимнинг 1939-1977 йилларда Ўзбекистонда археология фанини ривожлантиришга бағишланган илмий мақолалари шахсий фонди ҳужжатлари биринчи бўлимида сақланиб келинмоқда [6, 11-13 бб]

Я.Ғуломовнинг Ўзбекистон тарихига бағишланган йирик тарихий, археологик асарлар яратишда ва тайёрлашда ҳам хизматлари бениҳоят катта бўлган. Хусусан, "Ўзбекистон халқлари тарихи"нинг икки жилдлик китоби, "Зарафшоннинг қуйи оқимида маданият ва суғориш деҳқончилигининг пайдо бўлиши", "Самарқанд тарихи", "Бухоронинг қадимги замонлардан ҳозирги кунгача тарихи", "Хоразм суғорилиш тарихига" бағишланган монографиялар, 100 га яқин мақола ва брошюралар шулар жумласидандир [12, 4-10 бб; 13, 48-53 бб].

Хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, Ўзбекистон ҳукуматининг 1988 йил 10 май қарори билан Я.Ғуломов хотирасини абадийлаштириш мақсадида ЎзР ФА археология институтига, Тошкент шаҳри кўчаларидан бирига унинг номи берилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 июлдаги "Ўзбекистон Республикаси ФА Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида" ги № 315-сонли қарорининг 4-бандида ҳам институт раҳбариятига ҳар йили академик Яҳё Ғуломов номидаги «Ўзбек халқи давлатчилиги тарихи» мавзусида Республика илмий семинарини ташкил этиш вазифаси юклатилганлиги қайд этиб ўтилган. Ўша пайтдан бошлаб, ҳар йили Тарих институти раҳбарияти томонидан Республикамизнинг турли вилоятларида мазкур илмий семинар мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда. Ўз илмий фаолияти мобайнида Яҳё Ғуломов республика бўйлаб кўплаб экспедицияларни ташкил этди, уларда фаол қатнашди ва аксариятига раҳбарлик қилди. Ўзбекистонда малакали археолог кадрлар етиштириш, шунингдек, илмий билимларни омма орасида кенг тарғиб этишда Яҳё Ғуломовнинг хизмати беқиёсдир.

**Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати**


1. Гулямов Я., Исхаков Ю.И., Турсунов Х.Т. Коллективный труд по экономической истории Узбекистана // "Общественные науки в Узбекистане", 1967. – № 12. – С.32 – 34.
2. Гулямов Я. Ценное исследование по древней истории Средней Азии. // "Общественные науки в Узбекистане", 1974. – № 4. – С.54-57.
3. Ғуломов Я. Ўзбекистонда археология. – Т., "Ўзбекистон" нашриёти, 1956. – 43 б.
4. Гулямов Я. Эпоха Абу Райхана Беруни // «Общественные науки в Узбекистане", 1972. – № 2. – С.3-10. (К 1000 летию Абу Райхана Беруни).
5. Канимкулов О. Академик Яҳё Ғуломов ва Ўзбекистонда тарих ҳамда археология фанлари тараққиёти // "ЎзМУ хабарлари" журнали, – Тошкент, 2021 йил 1-сон. – Б.24-27.
6. Ўзбекистон Республикаси Миллий архиви. Яҳё Ғуломовнинг шахсий хужжатлари фонди, 2883-фонд, 1-рўйхат, 83-иш.
7. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси асосий кутубхонаси. Яҳё Ғуломовнинг шахсий хужжатлари фонди, 1-фонд, 2-рўйхат, 62-иш.

8. Ўзбекистон Республикаси Тарих ва археология институти архиви, Яҳё Ғуломовнинг шахсий хужжатлари фонди, 54-фонд, 2-рўйхат, 33-иш.
9. Асқаров А. Устозлар минбари. Академик Яҳё Ғуломовнинг илмий мактаби. Ёш олимлар ахборотномаси илмий журнали, 2018 йил 1-сон. – Б.4-10.
10. Канимкулов О.Ш. Ўзбекистондаги тарихий ва маданий ёдгорликларни ўрганишда Яҳё Ғуломовнинг ўрни // “Ўтмишга назар” электрон журнали, 2021 йил 4 (6)-сон. – Б.48-53.

## СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ 1945-1985 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОНДА АМАЛГА ОШИРГАН АГРАР СИЁСАТИ ТАРИХШУНОСЛИГИ

***Ф.Тожибоев – Андижон давлат университети магистранти***

Совет ҳокимияти йилларидаги аграр ислоҳотлар ёки ҳокимият ва деҳқонлар ўртасидаги муносабатлар муаммоси бугунги кунда тарихий адабиётлардаги энг мунозарали масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Совет даври тарихчилари социалистик қурилишнинг бутун даври мобайнида совет ҳокимияти ва қишлоқ ўртасидаги муносабатлар мавзусига катта эътибор қаратганлар ва бу муаммо бўйича бир қатор тарихшунослик масалалари таҳлил этилган асарлар яратилган [1,2,3,4,5]. Совет давлатидаги аграр ислоҳотлар муаммосини ўрганиш Иккинчи жаҳон уруши ғалаба билан тугаганидан бир неча йил ўтгач бошланди. Бу даврда яратилган қатор тадқиқотларда қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишда совет ҳукумати ва коммунистик партиянинг етакчилик ролига асосий эътибор берилган, бундай ёндашув совет тузуми ютуқларини улуғлашда кучли мафкуравий қурол вазифасини бажарган [6,7,8]. Бу каби ишларда қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларининг эришган ютуқларини ёритишда фақат баландпарвоз шиорларга зўр бериш, урушдан кейинги йилларда қишлоқни тиклаш бўйича амалга оширилиган тадбирларда партия ва совет органлари томонидан кўрилган чора-тадбирлар ва унинг ривожланиш истиқболларини фақат ижобий нуқтаи назардан таҳлил этишга эътибор қаратилган. Амалга оширилган ислоҳотларнинг салбий ҳолатлари, мавжуд муаммолар ва зиддиятли жиҳатлар бу асарларда баён этилмаган. Аграр тарихчилар А. Болгов ва А. Викентиев ишларида эса урушдан кейинги дастлабки йиллардаги колхоз ва совхозлар ўртасидаги муносабатлар таҳлил қилинган [9,10].

1940 йилларнинг охири ва 1950 йилларнинг бошларида совет давлати раҳбари И.В. Сталин томонидан ёзилган “Социализмнинг иқтисодий муаммолари” номли асарда [11] совет давлатидаги иқтисодий ўзгаришларнинг умумлаштирилган жиҳатлари баён этилган. Бу асар ўша даврдаги тарихчи-тадқиқотчилар учун мафкуравий мезон вазифасини бажарган.

1950-йилларнинг иккинчи ярмида, яъни Сталин вафотидан кейин давлат ҳокимиятига Н.С. Хрушчевнинг келиши муносабати билан СССРдаги сиёсий вазият ҳам ўзгарди. Шу сабабли, мамлакатдаги қишлоқ хўжалигининг умумий аҳволи, шунингдек, деҳқонлар ҳаёти муаммосини ёритишга ёндашувларда ҳам маълум ўзгаришлар юз берди. ХХ аср 50-йиллари иккинчи ярмида эълон қилинган асарларда қишлоқ хўжалигини тиклаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича олий ҳокимият органларининг фаолияти 1940 йиллардаги тарихшунослик намуналарига қараганда анча объектив талқинларни ўз ичига олган. Бу ҳолат бежизга бўлмай, И.В. Сталин шахсига сиғиниш ва унинг оқибатларини танқид қилиш янги таркибдаги Совет раҳбарияти фаолиятининг ажралмас қисмига айланган эди. Совет давлатининг янги раҳбари Н.С. Хрушчевнинг қишлоққа нисбатан сиёсатда янгича муносабати ва у илгари сура бошлаган аграр ислоҳотлар ғояси қуйи раҳбарият вакиллари ва

миллий республикаларда ҳам катта шуҳрат қозонди. Шу боис, давлатнинг қишлоқларга ва деҳқон хўжаликларига нисбатан муносабат масаласи асосан, КПСС Марказий Комитетининг 1953 йил сентябрь Пленумида кенг муҳокама қилиниб, бу масала бўйича бир қатор қарорлар қабул қилинди [12,13,14]. Бу вақтда қишлоқ хўжалиги ҳаётининг алоҳида масалаларини, умуман қишлоқ хўжалигининг ривожланиш тарихини ҳам қамраб олувчи катта ҳажмдаги илмий адабиётлар нашр этилди [15,16,17,18,19].

Бу йилларда фақат иттифоқ миқёсидагина эмас, балки Ўзбекистон тарихчилари томонидан ҳам республикадаги умумий аграр ўзгаришлар тарихига бағишланган монографик тадқиқотлар ҳамда коллектив асарлар яратилди [20,21,22,23,24,25]. Уларда 1950 йиллар иккинчи ярми ва 1960 йиллар бошида Ўзбекистондаги аграр сиёсатининг умумий жиҳатлари ўз аксини топган. Республика ижтимоий-маданий ҳаётининг эътиборга молик жиҳатлари икки жилдли “Ўзбекистон ССР тарихи”да маълум маънода ўз аксини топди [26].

Бу давр асарлари таҳлили шуни кўрсатадики, тарихчилар умумий эътиборни қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг, хусусан, колхоз ва совхоз қурилишининг ижобий томонларига қаратган. Совхозлар, яъни давлат хўжаликлари уларнинг фикрича, деҳқонларга ёрдам бериш учун мўлжалланган илғор хўжаликлар сифатида яратилган. Колхозлар ташкил этилган биринчи йилларданоқ совхозлар уларга машина, уруғлик, кадрлар тайёрлаш бўйича ҳар томонлама ёрдам кўрсатган. Улар асосида қишлоқ хўжалиги экинларининг янги навлари етиштирилди, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг янги технологиялари ишлаб чиқилди. Муаллифлар совхозларда деҳқонларга йирик жамоа хўжаликларида меҳнатни ташкил этиш, деҳқончилик ва чорвачилик соҳасидаги илғор тажрибалар ўргатилганлигини таъкидлаганлар.

Ижтимоий фанларнинг мафкуравий муносабатларга боғлиқлиги 1960-йилларнинг иккинчи ярми ва 80-йилларнинг биринчи ярмида ҳам давом этди. Партия ва халқ бирлиги шиори бузилмас бўлиб қолди, бу эса бу муаммони мунозарали масала сифатида қўйишни рад этарди. Шу билан бирга, 1960 йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб, Брежнев бошчилигидаги совет раҳбариятининг қишлоқ хўжалиги бўйича олиб борган сиёсатига тарихчиларнинг қизиқиши кучайди. Қишлоқларнинг тинч қурилиш даврига ўтиш давридаги ҳолати, урушнинг иқтисодий ва демографик оқибатлари таҳлил қилинган асарлар нафақат бутуниттифоқ, балки минтақавий миқёсда ҳам пайдо бўлди [27,28].

1945-1984 йилларда Совет қишлоғи ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий муаммолари асосан 1970-1980 йиллардаги нашрларда тилга олинади. Бу вақтда совхоз ва колхоз тарихининг алоҳида саҳифалари ажратилган жамоавий ишлар ҳам пайдо бўлди [29,30,31,32,33].

Тарихшунослик таҳлили кўрсатадики, XX асрнинг 70 – 80-йилларида ўзбек қишлоғининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига оид қатор жиддий асарлар нашр этилди. Улар орасида А.А. Раззоқов, К.А. Ахмедов, К. Юсупов ва бошқалар асарларини кўрсатиб ўтиш мумкин [34,35,36,37]. Ўзбекистондаги қишлоқлар ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг айрим жиҳатлари катта ҳажмдаги коллектив монографияда батафсил ёритилган [38].

Умуман, совет давлатидаги аграр тарихчилар 1991 йилгача ҳукмрон коммунистик партия ҳужжатлари таъсиридан чиқиб кета олмадилар, улар совет давлати аграр сиёсатининг холис тадқиқотчилари мақомини эгаллай олмадилар. Совет сиёсий тузумининг қулаши ҳокимият ва қишлоқ фуқаролари – деҳқонлари ўртасидаги муносабатлар тарихига оид объектив асарлар яратиш учун зарур шарт-шароитларни яратди. Мафкуравий муносабатларга барҳам бериш, илгари “мутлоқо

махфий" тамғаси билан сақланган архивларнинг тадқиқотчилар учун очиб қўйилиши урушдан кейинги йилларда совет ҳокимияти томонидан қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг мураккаб муаммоларини турли нуқтаи назарлардан талқин этиш, бу борада янги назарий қарашларни шакллантиришга хизмат қила бошлади.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон тарихчи олимлари томонидан 1945-1985 йилларда совет давлатининг аграр сиёсати ва унинг оқибатлари масаласига доир бир қанча илмий изланиш натижаалри яратилди. Хусусан, сўнгги йилларда нашр этилган Ўзбекистон тарихи бўйича фундаментал асарларда, хусусан, 2000 йилда нашр қилинган "Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида" номли асарда [39] ҳамда 2019 йилда нашр этилган "Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар)" номли икки китобдан иборат асарнинг иккинчи китобида [40] ҳам кўриб ўтилаётган йилларда Ўзбекистонда юз берган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар масаласига янгича қарашлар асосида баҳо берилган.

**Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати**


1. История советского крестьянства: в 5 т. том 4. – Москва: Наука, 1988.
2. Очерки истории исторической науки в СССР: в 5 т. том 5. – Москва, 1985
3. Развитие сельского хозяйства СССР в послевоенные годы. 1946-1970. Сборник статьей. – Москва, 1972.
4. Чинчиков А.М. Историография трудового подвига советского крестьянства. 1941-1976. – Саратов, 1977.
5. Волков И.М. Деревня СССР в 1945-1953 годах в новейших исследованиях историков (конец 1980-х – 1990-е годы) // Отечественная история, 2000. – № 6. – С. 115-124.
6. Абросенко К. О социалистическом перевоспитании крестьянства. – Москва, 1949.
7. Анисимов Н. Советское крестьянство. – Москва, 1947.
8. Степанов Б. Воспитание руководящих кадров. – Москва, 1948.
9. Болгов А. Трудодень и его роль в колхозном производстве. – Москва, 1954.
10. Викентьев А. Очерки развития советской экономики в четвертой пятилетке. – Москва, 1952.
11. Сталин И.В. Экономические проблемы социализма. – Москва: Политиздат, 1952.
12. Анисимов Н.И. На новом этапе. – Москва, 1959.
13. Глотов И.О. О материальной заинетересованности колхозов, колхозников и работников МТС. – Москва, 1954.
14. Заславская Т.И. Принцип материальной заинтересованности и оплата труда в колхозах. – Москва, 1958.
15. Арутюнян Ю.В. Советское крестьянство в годы Великой Отечественной войны. – Москва, 1963.
16. Вылцан М.А. Материальное положение колхозного крестьянства в довоенные годы // Вопросы истории, 1963. – № 9.
17. Зеленин И.Е. Зерновые совхозы СССР (1933_1941 гг.). – Москва, 1966.
18. Фуров В.Г. Забота КПСС о повышении благосостояния и культурного уровня колхозного крестьянства. – Москва, 1960.
19. Шмелев Г.И. Распределение и использование труда в колхозах. – Москва, 1964.
20. Ризаев Г. Сельское хозяйство Узбекистана за 40 лет. – Ташкент: Госиздат УзССР, 1957.

21. Ризаев Г.Р. Аграрная политика Советской власти в Узбекистане (1917-1965 гг.) – Ташкент: Узбекистан, 1967.
22. Саидалиев С.С. Борьба за осуществление ленинского кооперативного плана в Узбекистане. – Ташкент: Госиздат УзССР, 1958.
23. История народного хозяйства Узбекистана. Том 1. – Ташкент: Изд. АН УзССР, 1962.
24. Тулепбаев Б.А. Осуществление ленинской аграрной политики партии в республиках Средней Азии. – Москва: Мысль, 1967.
25. Торжество ленинского кооперативного плана в Узбекистане. – Ташкент: Узбекистан, 1970.
26. История Узбекской ССР. Том I, II . – Ташкент, 1956, 1957.
27. Арутюнян Ю.В. Советское крестьянство в годы Великой Отечественной войны. – Москва, 1963.
28. Аминова Р.Х. Колхозное крестьянство Узбекистана на пути к развитому социализму. – Ташкент: Узбекистан, 1983.
29. Развитие сельского хозяйства СССР в послевоенные годы (1946-1970 гг.) – Москва, 1972.
30. Советская деревня на современном этапе. – Воронеж, 1974.
31. Деятельность КПСС по повышению культурно-технического уровня тружеников села. – Саратов, 1979.
32. Историография и источниковедение истории советского крестьянства. – Москва, 1980.
33. Проблемы аграрной политики КПСС на современном этапе. – Москва, 1984.
34. Раззаков А.А., Игамбердыев Р.С. История мелиорации в Узбекистане. – Ташкент, 1974.
35. Раззаков А.А. История орошения и ирригационно-мелиоративного освоения целинных земель Узбекистана. – Ташкент, 1984.
36. Ахметов К.А. Аграрная политика Советской власти в Каракалпакии. – Нукус, 1972.
37. Юсупов К. Аграрные отношения в Узбекистане в период строительства социализма. – Ташкент, 1977.
38. Изменение классовой структуры общества в Узбекистане за годы Советской власти. – Ташкент: Фан, 1984.
39. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – Тошкент: Шарқ, 2000.
40. Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар.) Иккинчи китоб. 1939-1991 йиллар. Масъул муҳаррирлар Р. Абдуллаев, М. Раҳимов, Қ. Ражабов. – Тошкент: O'zbekiston, 2017.
41. Ўзбекистон тарихи ва маданияти манбашунослиги ва тарихшунослиги йўналишига.

## БИРИНЧИ ЎЗБЕК ҲУҚУҚШУНОС ОЛИМАСИ ҲАҚИДА

***Н.М.Ҳасанова– докторант. Андижон давлат университети***

Ўзбекистон ўзининг чуқур давлатчилик, ғоявий ва маънавий негизлари билан жуда қадим замонларга бориб тақалувчи ўзига хос қайтарилмас сиёсий-ҳуқуқий, маданий бойлик соҳибидир. Эрамиздан бир неча юз йиллар олдин ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида давлат ва ҳуқуқ тўғрисидаги институтлар ва сиёсий-ҳуқуқий

қарашлар пайдо бўлган ва тараққий этган. Бу соҳанинг бугунга қадар ривожланишида тарихий шахсларнинг шу жумладан аёлларнинг ҳам ҳиссаси катта.

Бироқ 70 йилдан ортиқ ҳукмронлик қилган совет ҳукумати даврида ҳақ-ҳуқуқлар чекланган, мавжуд ҳукуматнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий тазйиқлари ўзбек хотин-қизларини чеклаб ўтмаган эди. Шунга қарамасдан улар орасида ўзининг ақлий фикр мулоҳазасига, демократик қарашларига эга илм дарғалари етишиб чиқди.

Улардан бири жонкуяр фидоий инсон, биринчи ўзбек ҳуқуқшунос олимаси, илк бор Олий судни бошқарган судя, моҳир дипломат, тараққийпарвар жадидлардан бири андижонлик Хадича Сулаймонова (1913-1965 йй) эди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1954), юридик фанлари доктори (1951), профессор (1952), Ўзбекистон Фанлар академиги (1956) бўлган Хадича Сулаймонова илмий фаолиятидаги асосий тадқиқотлари жиноят ҳуқуқи, хусусан, Ўзбекистонда ҳуқуқшунослик фанининг вужудга келиши ва ривожланиши, хотин-қизлар ҳуқуқи масалаларига бағишланган. Ўзбекистон Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институтини (1958), Республика Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд экспертизаси илмий тадқиқот институтини (1959) ташкил этиш ташаббускорларидан бўлган. 1959 йил Ўзбекистон ССР депутатлигига сайланди. 1964 йил Ўзбекистон Олий Судининг раиси этиб сайланди [13].

Хадича Сулаймонаванинг 1956 йили социологларнинг III халқаро Амстердам конгрессида, 1960 йил Лондонда бўлиб ўтган БМТ ўтказган иккинчи халқаро конгресида, 1961 йили Бирлашган Араб Республикасида ўтказилган Осиё ва Африка аёлларининг биринчи конференциясида иштирок этиб нутқ сўзлаши серқирра билимдон ўзбек аёлини дунёга танитди. У Япония, Ҳиндистон, Хитой, Прага (Чехословакия), Цейлон (Шри-Ланка) каби кўплаб хорижий мамлакатларда ўтказилган илмий анжуманларда катнашиб, ўзбек фани, ўзбек қонуншунослиги, давлатчилиги ва унинг тарихини катта фахр билан тарғиб ва ташвиқ қилди, кўплаб чет давлатлар билан дипломатик алоқалар ўрнатишда фаол қатнашди [12,109].

Тарих-ҳуқуқ тадқиқотларида инқилобгача бўлган даврда Ўрта Осиё чоризм жиноят ҳуқуқи ва жазолаш сиёсати илмий асосда ёритилиши Х.С. Сулаймонова номи билан боғлиқ. 1950 йили “Ўзбекистонда жиноят ҳуқуқининг вужудга келиши ва ривожланиши” мавзусида докторлик дессертасиясини ёқлаган.

Академик Хадича Сулаймонова педагогика соҳасида ҳам фанга ўз ҳиссасини қўшди. Ҳуқуқшунос соҳасида кўплаб тадқиқотчи олимларга устозлик қилди. Унинг ҳомийлигида Т.Саъдуллаев, Ф.Аҳмедов, Т.Айюпов каби олимлар талабчан олимадан кўплаб сабоқ олганлар [11,20].

Ҳадича Сулаймонова ўзбек аёли сифатида ўз вақтида нафақат ўз оиласига ғамхурлик қилди, балки кўплаб мамлакат аёлларига турли масалаларда ёрдам берди. Масалан, ўзининг илмий ишларида, хотин-қизлар мавзусига кўп марта мурожаат қилди. Унинг саъй-ҳаракатлари туфайли мавжуд қонунларга аёллар масалаларида кўп марта ўзгартиришлар киритилди. Ҳусусан унинг фаолияти давомида мамлакат аёлларининг илм-маърифатли бўлиши ёки уларнинг давлат ташкилотларидаги иштироки сезиларли даражада ошган. Масалан 1957 йил 1 майдаги маълумотларга кўра министрликдаги 41 ходимнинг 15 нафарини, вилоят суди 87 судьясининг 25 нафарини, 230 халқ судьясининг 48 нафарини, 70 нотариуснинг 53 нафарини аёл-қизлар ташкил қилган.

Бир сўз билан айтганда Ҳадича Сулаймонова ўзининг катта ташкилотчилик маҳорати, амалий тажрибаси ва оқилона иш услуби билан мустамлака ҳуқуқий тизим ичида ўзига хос юридик истиқлол сўқмоқларини топиб олға боришга интилган илк ўзбек аёли сифатида ажралиб чиқди.

Аслида ҳар бир миллатнинг яхши фазилатларини ўзида мужассамлаштирган инсонлар, шу миллат вакиллари орасидан чиққан етук кишилар – атоқли арбоблар ҳисобланадилар. Камтарин ва самимий, элпарвар Хадича Сулаймонова ана шундай юртимизнинг кўзга кўринган давлат ва жамият арбоби, Ўзбекистон ҳуқуқшунослик фани фахри, ўзбек халқининг қобилиятли қизи сифатида юртимиз довруғини дунёга танитди. Ўзининг шижоатли меҳнатлари билан мустақиллик ва ҳуқуқий демократик давлат пойдеворига муносиб ғишт қўя олганлар орасида алоҳида ўрин эгаллади.

Хулоса қилиб айтганда мамлакат мустақиллиги, инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига тўлиқ эришишлари учун курашган илк ўзбек олимасининг тарихий босиб ўтган йўли авлодлар учун ўрнак бўла олади. Олима энг қийин шароитларда ўзининг мақсад ва вазифаларидан воз кечмади, аксинча ҳар бир кўзлаган ишининг уддасидан чиқа олди. Мухтасар айтганда унинг шижоатли ҳаёт йўли юртимиз тарих саҳифаларидан муносиб жой эгаллади.

**Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент, 2019.
2. 2019 йил 2 сентябрьдаги “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида” ЎРҚ-562-сонли Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.09.2019 й., 03/19/562/3681-сон.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январьдаги “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ПФ-60-сонли фармони. (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон).
4. Каримов И. А. Хотин-қизлар фаоллигини ошириш-давр талаби // Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-кудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. 12-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2004. – Б.350.
5. Эргашходжаева Г.Э. Французская историография о проблемах эмансипации женщин Средней Азии в 20-годы (Литература 50-80-х годов). Автореф. дисс… к.и.н. – Т., 1996.
6. Нишонбоева Қ.В. Ўзбекистонда хотин-қизлар масаласини ҳал этишнинг маданий жиҳатлари. т.ф.н. дисс... автореф. – Т., 1998.
7. Маткаримова Г.А. Гендерные и репродуктивные права женщин в международном и национальном праве. Автореф. дисс... д-ра юрид. наук. – Т., 2002
8. Ражабова Д.Н. Проблемы молодёжи и женщин в воззрениях джадидов Туркестана (конец Х1Х – начало ХХ вв.). Автореф. дис... к.и.н. – Т., 2003
9. Муравьёва Н.М. Социально-философский анализ повышения социального статуса женщин. Автореф. дисс... к.ф.н. – Т., 2003
10. Насруллаева Х. Ўзбекистонда хотин-қизлар ижтимоийлашуви жараёнининг фалсафий таҳлили. ф.ф.н. дисс... автореферати. – Т., 2000
11. Ҳакимов М. Аҳмедов Ф. Саидов А. Хадича Сулаймонова ҳуқуқшунос олима давлат арбоби. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 1993.
12. Кўҳна ва навқирон Андижон. – Тошкент: “Шарқ”, 2010.
13. Ўзбек зиёлилари. ziyouz.uz

# ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА КОГОН ШАҲАР МАКТАБЛАРИ ФАОЛИЯТИ

*Д.Ш.Муродова – Бухоро давлат университети “Бухоро тарихи” кафедраси ўқитувчиси*
*Н.Ю.Азимова – Бухоро давлат университети талабаси*

Иккинчи жаҳон уруши давридаги тарихини ўрганишда янги маълумот ва далиллар, ноёб ҳужжатлар жалб этилган ҳолда янги-янги илмий тадқиқотлар яратилаётганлиги барчага маълум. Уруш тўғрисидаги бор ҳақиқатни аниқлаш ва халқимизга етқазиш борасида миллий тарихимизни катта қизиқиш билан ўрганаётган ёш тадқиқотчилардан янги ташаббуслар ва ҳаракатлар рағбатлантирилмоқда.

Бугунги кунда Когон шаҳар давлат архиви фондларида ҳам иккинчи жаҳон уруши йилларида халқимиз босиб ўтган оғир, машаққатли кунлар тарихидан хабар берувчи тарихий маълумотлар сақланмоқда. Тадқиқотларимиз доирасида 1941-1945 йилларда Когон туман ва шаҳрида мавжуд бўлган таълим муассасаларининг фаолиятига доир айрим масалаларни тадқиқ этдик.

Иккинчи жаҳон урушида Бухоро вилоятидан 73 минг 688 нафар киши иштирок этиб, шундан 6702 нафари Когон тумани ва шаҳри аҳолиси ҳисобланади. Улардан 2693 нафари жанг майдонидан қайтмайди.

Бухоро вилоят ижроия комитетининг 1941 йил 29 сентябрдаги қарорига кўра, 30 нафар хотин-қиз Когон шаҳрида ташкил этилган ҳамширалик курсида ўқитилади ҳамда улар фронтга жўнатилади. 1942 йил 1 январидан жанг майдонларидан дастлабки эвакуация бошланиб, 237199 нафар киши Бухоро вилоятида жойлаштирилади. Шундан 36147 нафари ишчи, 30373 нафари хизматчи, қолганлари болалар ва қариялардан иборат бўлган. Уруш йилларида Когон шаҳридаги корхоналарда 1150 нафар ишчи ишлагани маълум. 1942-1943 йилларда Когон шаҳрига эвакуация қилинган 1252 нафар кишидан иборат 411 та оила жойлаштирилади. Уруш даврида Когон шаҳар ва туман аҳолиси 100 минг рублдан ортиқ маблағ тўплаб, танк ва самолёт қуриш учун топширган. Шунингдек, жангчиларга иссиқ кийим-бош, қуруқ мева ва бошқа нарсалар жўнатиб туришган. Бу даврда Когон шаҳридаги Горкий номли мактаб биносида 3299-сонли, Чернишевский номли мактаб биносида 1529-сонли ҳарбий госпиталлар фаолият кўрсатган [1]. 1943 йил 4 мартдаги Когон шаҳар ижроия қўмитасининг 4-сонли қарорида Жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг иш фаолиятига оид масалалар кўриб чиқилган бўлиб, худуддаги барча умумтаълим ва фабрика, завод таълими мактабларида ўқувчиларни спорт билан мунтазам шуғуллантириш ҳамда шахмат-шашка тўгаракларини очиш зарурлиги кўрсатилган [2]. Қарор ижросига шахсан қўмита раҳбари Липкин маъсул қилиб белгиланган.

Барча мактабларда қизларнинг таълими масаласига жиддий эътибор бериш кераклиги, 5-6 синфдан бошлаб ҳарбий тайёргарлик дарсларини бошлаш зарурлиги, бундан ташқари ўқувчилар учун иссиқ нонушта ташкил этиш кераклиги белгилаб берилган. Бу топшириқлар шаҳар ижроия қўмитасининг 1943 йил 7 майдаги қарорида қайд этилган [3]. 1943 йил 8 июлда шаҳар халқ маорифи бўлими мудири Корябкина ва болалар қабулхонаси раҳбари Найдисларга шаҳар раҳбариятининг янги ўқув йилига тайёргарлик кўриш бўйича йўриқномаси асосида ишларни зудлик билан ташкил этиш вазифаси юкланган. Биринчи навбатда шаҳар қурилиш идораси раҳбари Исаевга мактаб биноларидаги таъмирлаш ишларини 15 июлгача тугатиш кераклиги, мактаб директорлари ва шаҳар маориф бўлими ходимларидан иборат

гуруҳ тузиб, аҳолидан таълим жараёни учун керак бўлган дарсликларни йиғиш, катта ёшли ўқувчилар ёрдамида синф хоналаридаги ўқув жиҳозларини таъмирлаб янги ўқув йилига тайёрлаб қўйиш топшириқлари берилган [4].

Қишки мавсумга тайёргарлик кўриш мақсадида шаҳар маорифи бўлими томонидан тезда ўтин йиғувчи гуруҳлар ташкил этиш масаласи бўйича ҳам қатъий топшириқлар берилган. 1943 йил 6 августдаги шаҳар ижроия қўмитасининг №15 қарорида ҳар бир мактабда болаларнинг оёқ кийимларини таъмирлаб бериш мақсадида 1 нафар уста ва унга 2 нафар ўқувчини бириктириб қўйиб, уруш шароитида ўқувчиларни фойдали меҳнат билан банд қилиш чоралари кўрилиши ҳужжатларда акс эттирилган [5]. 1943 йил 13 декабрдаги ўқув йилининг биринчи чорак якунларига бағишланган ҳисоботларда мактабларнинг ўқув йилига тайёр эмаслиги, иссиқлик манбалари билан боғлиқ муаммолар, ўқувчиларнинг дарсликлар билан тўлиқ таъминланмаганлиги, туман ва шаҳар худудидаги болаларнинг ҳаммаси ҳам мактаб таълими билан қамралмагани энг асосий муаммолар сифатида кўрсатилган.

Таълим муассасалари директорлари мактаб ёшидаги болаларни ўқишга қайтариш, ташкилотларда ишлаётган болаларни кечки мактабларга жалб этиш, ота-оналар билан мактаб ўртасида алоқаларни ўрнатиб таълим сифатини яхшилаш ишларини амалга оширишлари зарурлиги ҳужжатларда қайд этилган [6]. Белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун ҳар бир мактабда календарь режа асосида жараённи ташкил этиб, услубиёт хоналари томонидан мактаблар ишини назорат қилиш йўлга қўйилган. 1943 йил ёзги дам олиш мавсумига 27.500 рубл, иш ҳақи фондига 2000 рубл ажратиб тайёргарлик ишларини бошлаш, лагерларда ишлаш учун 6 бирлик штат жорий қилинган [7]. 1945 йил 15 сентябрь ҳолатида Когон шаҳрида 1595 нафар мактаб ёшидаги болалар борлиги аниқланган бўлиб, шундан 1534 нафари таълим билан қамраб олинган. 57 нафар бола мактабсиз қолиб, 24 таси моддий аҳволи ёмонлиги учун умуман мактабга келмаган, 19 нафар касаллиги сабабли, 8 нафар бола эса ўқишни хоҳламаганлиги туфайли мактабга келмаганлиги ҳисоботларда қайд этилган [8].

Ўқув йилинининг бошида мактабларга қатнаётган 1534 боладан 1-4 синфда – 1230, 5-7 синфда – 252, 8-10 синфларда – 52 нафар ўқувчи таълим олган. 1945-1946 ўқув йилида ҳам мактаблардаги энг катта муаммолардан бири бу давоматнинг пастлиги бўлиб, кўпгина ўқувчилар мактабларни ташлаб кетишган. Бунга сабаб ота-оналарнинг кўчиб кетиши, айниқса, ҳарбий қисмларнинг бошқа ҳудудларга кўчирилиши ва полякларнинг ўз ватанига қайтиши билан изоҳланган. 1945 йил 29 декабрдаги шаҳар советининг XIV сессиясида кун тартибига қўйилган асосий масала мактабларнинг ҳолати ва муаммоларнинг олдини олиш масалалари кўриб чиқилади. Крупская номидаги мактабнинг директори Макрованинг чиқишида ўзи раҳбарлик қилаётган мактабда 22 та синф хонасининг мавжудлиги, дарслар бир бировидан узоқ бўлган 2 та бинода олиб борилиши сабабли ҳамма вақт ҳам ўқувчиларни назорат қилиб туриш имкони йўқлигини таъкидлайди. Ҳаттоки муассасада директор муовинларининг йўқлиги ҳам таълим жараёнидаги муаммолар қаторида қайд этилган.

1945-1946 ўқув йилида ушбу мактабда 8 та биринчи синф мавжуд бўлиб, уларда 47-48 нафардан болалар таълим олаётганлиги кўрсатилган. Ҳамма биринчи синфлар учун мактаб бўйича 98 та алифбе китоби мавжуд бўлиб, ҳар бир синфга 10-12 тадан тўғри келиши маърузада таъкидлаб ўтилган. Дарсликлар етишмаслиги, айниқса, бу муаммо биринчи синфларда оғир аҳволда эканлигини мактаб раҳбари айтиб ўтади. Мактаб 1200 рубллик захира фондига эга бўлиб, асосан, моддий жиҳатдан кам таъминлаган болаларга таълим олиши учун ёрдам беришни ўз олдига

мақсад қилиб қўйганлиги, бироқ, бундай шароитдаги болаларнинг кўплиги боис молиявий жиҳатдан мустаҳкамроқ фондга асос солинишини директор шаҳар маъмуриятидан илтимос қилиб сўрайди [9]. Янги ўқув йилига тайёргарлик кўришда шаҳардаги қатор ишлаб чиқариш корхоналари, жумладан, Пахта заводи директори Агапов, Ёғ-мой корхонаси раҳбари Киселев, Суперфосфат заводи директори Недорезов, Нон заводи директори Сарчевлар томонидан ҳомийлик ёрдамлари кўрсатилган [10]. 1945 йилда шаҳар ўқитувчилари учун йигирма минг рублдан ортиқроқ маблағга саноат маҳсулотлари ажратилган. Ўқувчилар учун эса ўттиз минг рубл атрофида моддий ёрдам кўрсатилган бўлиб, шундан йигирма тўрт минг рубл маблағ фақатгина оёқ кийимига ажратилган. Мактаблар хўжалик буюмлари, дарсликлар, дафтар ва ёзув қуроллари билан тўлиқ таъминланмаган. Айниқса, иссиқлик манбаи билан мутлақо таъминланмаганлиги энг асосий муаммолардан бири эканлиги ҳақида ҳужжатлар гувоҳлик беради [11].

Ички ишлар халқ комиссариатига қарашли аҳолини қабул қилиш пунктидан вилоят ижроия қўмитасига болалар учун озиқ-овқат, кийим-кечак, пойафзал билан таъминлаб бериши мақсадида мурожаат қилинган. Шаҳар маъмуриятининг 1943 йил 16 июлдаги 21-ижро варақаси олтинчи бандида болалар қабулхонасининг ҳолати тўғрисида маълумот берилган бўлиб, муассаса раҳбари Богамоловга бир нечта топшириқлар берилган. Жумладан, болалар билан тарбиявий ишларни яхшилаш, иссиқлик билан таъминлаш, сифатли озиқ-овқат таъминоти учун ҳар куни 15 литр сут ва сут маҳсулотлари олишни ташкил этиш зарурлиги қайд этилган [12]. Шаҳар савдо бўлими раҳбари Сафроновга ижроия қўмита томонидан 100 та иссиқ кийим-бош билан таъминлаш вазифаси қўйилганлиги ҳам архив манбаларида қайд этилган. Болалар уйи мутлақо қишга тайёр эмаслиги, узоғи билан бинодаги таъмирлаш ишларини 1 декабргача, муассасадаги жиҳозларни таъмирлаш ишларини эса 15 декабргача тугатиш кераклиги айтилган [13]. Болалар қабулхонасига қишки мавсумга тайёргарлик кўриш мақсадида Когон тумани ҳудудидаги бошқа ташкилотларга берилмаган ерлардан ўтин йиғиш учун маълум бир ҳудудларни ажратиб бериш қатъий таъкидланган.

Муассасада турли юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш мақсадида бир кунлик карантин жорий этилган бўлиб, санитар станция раҳбари Черноморецдан карантин тадбирларини кучайтириш чораларини кўриш вазифаси берилган. Бундан ташқари ҳудуддаги барча ташкилот раҳбарларидан бошқа бир биноларда ҳам болалар учун турар жойларни ташкил этиб, уларни ётоқхонага айлантириш, кўча безорилигининг олдини олиш учун ўсмирларни иш билан таъминлаш, кийим-кечак ва пойафзал тикишга ўргатиш зарурлиги белгиланган [14]. Шаҳардаги 3-сонли болалар уйида ҳам иситиш ишлари йўлга қўйилмаганлиги ва муассасанинг совуқлиги натижасида касалланиш ҳолатларининг кўплиги қайд этилган. Вазиятни инобатга олган ҳолда 1943 йилнинг биринчи чорагида шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими томонидан мазкур муассаса учун 500 рубл миқдорида маблағ ажратилган [15]. Когон шаҳар ижроия қўмитасининг 10-сонли қарори бўйича болалар уйидан асраб олинган болалар учун моддий ёрдам кўрсатилиши белгиланган.

1943 йил 6 апрелда Бухоро вилоят халқ депутатлари совети ижроия қўмитасининг “Заифлашган болалар учун ҳудудий болалар соғломлаштириш оромгоҳини ёзги мавсумда ташкил этиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинади. Унга кўра боғча ва мактаб ёшидаги соғлигида муаммо бўлган болалар учун 1 июндан 1 сентябргача бўлган муддатда “Моҳихоса” болалар дам олиш маркази қошида ўз-ўзини таъминлаш тамойили бўйича 100 нафар бола учун болалар санаторияси ташкил этилиб, ойига 400 рубл миқдордаги йўлланма асосида қабул қилиниши

белгиланган. Муассасага болалар саломатлигини тиклаш мақсадида малакали тиббиёт ходимларини жалб этиш ва ўз навбатида зарур тиббий воситалар билан таъминлаш масалаларига ҳам ойдинлик киритилган [16]. Бухоро вилоят халқ депутатлари совети ижроия қўмитасининг 1943 йил 13 апрелдаги “Эвакуация қилинган эҳтиёжманд фуқароларга 2700 дона шарф тарқатиш тўғрисида” ги қарорида вилоят туманларига қуйидагича тақсимот қилинади [17].

| | Туман ва шаҳарлар | Сони | Туман ва шаҳар | Сони |
|---|---|---|---|---|
| | Бухоро тумани | 100 | Қизил тепа | 150 |
| | Вобкент | 150 | Конимех | 100 |
| | Гиждувон | 100 | Когон ш. | 100 |
| | Свердлов | 100 | Кармана | 100 |
| | Рометан | 100 | Когон | 250 |
| | Шофиркон | 100 | Бухоро ш. | 500 |
| | Қорккўл | 150 | Гиждувон т. | 200 |
| Жами | | 800 | | 1400 |
| Когон эвопунктига | | 200 | Вилоят ижроия қўмитаси эвопунктига | 300 |
| Жами | | 1000 | | 1700 |

Хулоса қилиб айтганда, Когон шаҳар давлат архиви фондларида иккинчи жаҳон уруши йилларида фаолият юритган таълим муассасалари тарихига оид қимматли маълумотлар мавжуд. Когон шаҳри темир йўл ёқасида жойлашганлиги учун ҳам уруш йилларида Бухоро вилоятининг дарвозаси вазифасини ўтади. Ҳududнинг энг қайноқ нуқтаси сифатида ҳам биринчи навбатда жанг майдонларидан олиб келинаётган бошпанасиз болаларга мезбонлик қилди. Вилоятга келтирилаётган болаларни қабул қилиб олувчи асосий қабулхона шу шаҳарда жойлашган бўлиб, туманларга тақсимот мазкур ҳудуд орқали амалга оширилган..

**Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати**


1. Ражабов Қ., Жамолова Д. Когон шахри тарихи (Кискача маълумотнома). – Тошкент: «Tafakkur» нашриёти, 2015. 26 б.
2. Когон шаҳар давлат архиви, 1-фонд, 1-рўйхат, 70-иш, 28-варақ.
3. Когон шаҳар давлат архиви, 1-фонд, 1-рўйхат, 70-иш, 58-варақ.
4. Когон шаҳар давлат архиви, 1-фонд, 1-рўйхат, 70-иш, 76-варақ.
5. Когон шаҳар давлат архиви, 1-фонд, 1-рўйхат, 70-иш, 91-варақ.
6. Когон шаҳар давлат архиви, 1-фонд, 1-рўйхат, 70-иш, 125-варақ.
7. Когон шаҳар давлат архиви, 1-фонд, 1-рўйхат, 70-иш, 99-варақ.
8. Когон шаҳар давлат архиви.1-фонд, 1-рўйхат, 91-иш, 54-варақ.
9. Когон шаҳар давлат архиви.1-фонд, 1-рўйхат, 91-иш, 5-варақ.
10. Когон шаҳар давлат архиви, 1-фонд, 1-рўйхат, 91-иш, 15-варақ.
11. Когон шаҳар давлат архиви, 1-фонд, 1-рўйхат, 91-иш, 16-варақ.

**12.** Когон шаҳар давлат архиви, 1-фонд, 1-рўйхат, 70-иш, 114-варақ.
**13.** Когон шаҳар давлат архиви, 1-фонд, 1-рўйхат, 70-иш, 116-варақ.
**14.** Когон шаҳар давлат архиви.1-фонд, 1-рўйхат, 70-иш, 78-варақ.
**15.** Когон шаҳар давлат архиви, 1-фонд, 1-рўйхат, 70-иш, 41-варақ.
**16.** Когон шаҳар давлат архиви, 1-фонд, 1-рўйхат, 74-иш, 119-варақ.
**17.** Когон шаҳар давлат архиви, 1-фонд, 1-рўйхат, 74-иш, 118-варақ.

## ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН РАҲБАРИЯТИ СИЁСИЙ ФАОЛИЯТИНИНГ МАТБУОТДА ЁРИТИЛИШИ

***А.Ў.Панжиев – Қарши давлат университети “Жаҳон тарихи” кафедраси ўқитувчиси***

Иккинчи жаҳон уруши жаҳон тарихида мисли кўрилмаган даражада катта ва дахшатли, бутун инсоният бошига оғир кулфатларни солган уруш бўлди. Совет ҳукумати 1941 йил 22 июль куни урушнинг бошланиши муносабати билан мамлакат халқига мурожаатнома ишлаб чиқди ва ўша куни радио орқали эълон қилинди. Бу мурожаатнома халқни ғалабага эришиш учун мустаҳкам жипслашишга, уюшқоқлик ва фидокорлик кўрсатишга чақирди. “Бизнинг ишимиз ҳақ иш! Душман тор-мор келтирилажак! Биз ғалаба қиламиз!” дейилган эди мурожаатномада [1]. СССР таркибига кирган барча республикалар, мухтор вилоятлар, округлар, шу жумладан, Ўзбекистон халқлари ҳам уруш гирдобига тортилди. Ўзбекистон халқларининг бошига оғир синовлар тушди.

Уруш йилларида Республика оммавий ахборот воситалари фронт учун, ғалаба учун сафарбар этишда, халқни ғоявий-сиёсий жиҳатдан тарбиялашда муҳим омил бўлиб хизмат қилди. Ўша йилларда Ўзбекистонда 200 га яқин газета, шундан 124 таси ўзбек тилида, 52 та журнал, шундан 19 таси ўзбек тилида нашр этилар эди. Газеталарнинг бир галлик адади 900 минг, шундан 600 минг нусхаси ўзбек тилида нашр эттирди. Газета ва журналлар саҳифаларида фронтдаги вазият, Республика меҳнат жамоаларининг фидокорона меҳнати, қийинчиликлар ёритилар эди. Уруш йилларида ўзбек тилида 14 та фронт ва 12 та дивизия газетаси нашр этилди. “Фронт ҳақиқати”, “Қизил аскар ҳақиқати”, “Қизил армия”, “Ватан саҳрафи учун”, “Душманга қарши олға” каби газеталар уруш фронтларида бўлаётган жанг воқеаларини ёритса [4. 118], “Правда Вастока” ва “Қизил Ўзбекистон ” каби газеталар мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий-ижтимоий ва маданий ҳаётида содир бўлаётган муҳим воқеа ва ҳодисаларни ёритиб боришган эди. Уруш йилларида Ўзбекистон раҳбариятининг мухим янгиликлари фақат газета ва журналларда эмас, балки радио орқали ҳам халққа етказиб турилган.

Уруш йилларида Ўзбекистон сиёсий раҳбариятида жуда кўплаб ходимлар фаолият юритишган. Улардан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари лавозимида Усмон Юсупов фаолият юритган бўлса, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми раиси Йўлдош Охунбобоев, Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлар Совети раиси сифатида Абдужаббор Абдураҳмонов фаолият юритишган [5. 245]. Уруш йилларида Ўзбекистон раҳбарияти марказдан келган қарорларни бажаришда жонбозлик билан ҳаракат қилишди. Урушнинг дастлабки кунлариданоқ масъулиятни ўз қўлларига олиб Совет давлатининг ғалаба қозонишида ўзларининг муносиб ҳиссасини қўшишди. Давлат раҳбарларининг сиёсий фаолиятида олиб борилаётган ишларни 6,5 млн лик халқимизга тушунтиришда вақтли матбуотнинг саъй- ҳаракатлари катта бўлди.

Ватан озодлиги ва мустақиллиги учун жангларда кўрсатилган мислсиз жасорат ва фидокорона меҳнат бўлмаганда, ғалаба ҳам бўлмас эди. Фашизмга қарши урушнинг сўз билан тарифлаб бўлмайдиган даражадаги даҳшатли йилларни ўйлаганимизда, Ватанни ҳимоя қилишдек муқаддас иш учун жонларини фидо қилган инсонлар кўрсатган фидокорлик, етим қолган минглаб болаларнинг тақдири учун қайғурган юрт оталарининг ғам ташвишлари кўз олдимиздан ўтади.

1937 – 1938 йилларда бўлиб ўтган қатағонлик тўлқини Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтмади. Кўплаб партия ва давлат раҳбарлари қатағон қурбонига айланишди. Шундан сўнг, давлат аппаратидаги тушкунлик кайфияти давом этди. Европада бошланган иккинчи жаҳон уруши овозалари янграётган бир пайтда, меҳнаткаш халқимиз томонидан 1939 йил 1 августдан 15 сентябр оралиғида Катта Фарғона канали бунёд этилди. Канал қурилишида давлат раҳбари сифатида Усмон Юсуповнинг ўзи бош қош бўлди. Бу ҳақида “Қизил Ўзбекистон” газетаси 1939 йил август сонида Ўзбекистон КП (б) Марказий Қўмитаси ва Республика ҳукумати ҳашар йўли билан Катта Фарғона каналини қуриш тўғрисидаги қарор матнини эълон қилди. 1 вгустдан 160 минг колхозчи канал қурилишини бошлаб юборди. Уларнинг 70 мингдан зиёдроғини ёшлар ташкил этарди. Узунлиги 270 км бўлган бу канал қўл меҳнати билан бунёд этилди [2]. Бу ўзбек халқига хос бўлган ҳашар усулидаги фидокорлигининг самараси эди. Ҳатто, Марказ матбуотининг бош органи “Правда”нинг 1939 йил 13 декабрдаги бош мақоласида шундай сатрлар битилган эди. “шу йилнинг ёз фаслида узоқ Фарғонада қилинган иши, ўн минглаб ўзбек ва тожик колхозчиларининг 1,5 ой мобайнида канал қазиганлиги бутун халқни жуда қувонтирди. Ижодкор халқ фарғоналиклар меҳнатидаги шундай ютуқлар келажак сари жадаллаштиради” [1].

1941 йил бошида нашр қилинган “Қизил Ўзбекистон” газетасида Ўзбекистон раҳабриятининг қишлоқ хўжалигини самарали фаолияти, баҳорги экинларни экиш учун тайёргарлик кўриш масаласи, халқнинг моддий ва маънавий ҳаётидаги содир бўлаётган ўзгаришлар, Совет раҳбариятида томонидан чиқарилган қарорлар эълон қилинган. “Қизил Ўзбекистон” газетаси 1941 йил 2 апрель сонида пилла мавсумига сифатли тайёргарлик кўриш ва уни сифатли йиғиштириб олиш бўйича ҳукумат қарорлари эълон қилинган. Июнь ойининг охирларидан бошлаб фашист аскарларининг Совет давлатига бостириб кирганлиги акс этади. Газеталарнинг бош саҳифасида “Бизнинг ишимиз ҳақ иш, Биз ғалаба қиламиз”, “мамлакатимиздан фашист газандаларини ҳайдаймиз” номли шиорлар билан чиқилган. Урушнинг дастлабки кунларидан бошлаб Ўзбекистон раҳбарияти жонбозлик кўрсатиб мудофаа чораларини кўришга киришдилар. Давлат раҳбари Усмон Юсупов Марказ томонидан келган буйруқларнинг ижросини оғишмасдан Ўзбекистоннинг барча соҳаларини ҳарбий изга туширди, мамлакатни ягона ҳарбий лагерга айлантирди. Раҳбарият буйруғи билан Ўзбекистоннинг йирик шаҳарларида фашистларга қарши кураш учун оммавий митинглар ташкил этилди ва бу воқеалар газета ва радиода ёритиб борилди. 1941 йил 5-7 декабрь кунлари бўлиб ўтган Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг В пленумида Республика саноатини кўчирилиб келтирилган. Усмон Юсупов Ўз КП(б) МҚнинг 1941 йил декабрида ўткан В пленимуда Ўзбекистонда ғалла масаласини ҳал қилиш , ўзимизни ўзимиз ун-нон билан таъминлашимиз керак, деган вазифани илгари сурди [4. 121].

“Қизил Ўзбекистон”нинг 1942 йил январь пайшанба куни чиққан сонида “Ленин – Сталиннинг шонли байроғи остида ғалаба сари, фашизмни мавҳ этиш сари олға” шиори остида бутун халқимизни янги йил билан табриклади. Шундан сўнг, 1941 йил декабрда Ўзбекистон ССР Олий Президиуми раиси Йўлдош Охунбобоев бошчилигидаги ўзбек делегацияси Москвага борди. Делегация аъзолари Москва

остоналарида жанг қилаётган Ғарбий фронт жангчилари-аскарлар, зобитлар, ва қўмондонлари билан учрашди, суҳбатлашди, 1942 йил 1 январь янги йил кунини бирга кутиб олишди.

Ўзбекистон Халқ Комиссарлар Совети 1942 йил 17 июнда Бекобод металлургия заводини қуришга қарор қабул қилди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистонга кўчиртирилиб келтирилган 100 дан ошиқ заводларнинг тез фурсатларда ишга туширилишида давлат раҳбарларининг шахсий ташаббуслари ва сидқидилдан қилинган меҳнати эвазига эришилди. Уруш йиллари давлат раҳбарлари қилинган меҳнати матбуотда кам ёритилса-да, аслида уларнинг фаолияти жуда катта бўлган. Уруш бўлаётган ўлкалардан 1,5 млн одам бизнинг юртимизга эвакуация қилинди, шундан катта қисми болалар эди. Халқимизнинг яшаш тарзи оғир бир вазиятда халқимиз қучоқ очиб уларни кутиб олди. Давлат раҳбарлари Усмон Юсупов ва Йўлдош Охунбобоев ҳам бир нечта болаларни ўз қарамоғига олди. Бағрикенг ўзбек халқи ҳақида бутун Совет давлати газеталарида ўтли мақолалар эълон қилинди. 1943 йил 28 февралда Ўзбекистон ССР Олий Совет Президиуми раиси Йўлдош Охунбобоев вафот этди [2]. “Қизил Ўзбекистон” газетасининг март сонида халқимизнинг қалбидан чуқур жой олган Йўлдош Охунбобоев вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдирилди.

Уруш йилларидаги Ўзбекистон раҳбари Усмон Юсупов “Комсомолец Узбекистана” газетаси муҳаррири Алексей Петроченко унинг уйига ташриф буюрганда қўлида кетмон олиб ишлаётган эди, уларни кўриб “мана ёрдам келди ”, деб уларга кетмон беради. Улар ҳам ерни чопишади, кейин суҳбатлашиб Усмон Юсупов Петроченкога:„ Нима деб уйлайсан кетмон оғирми ёки ручками?-деди. Петроченко: “Кимнинг қўлида эканлигига боғлиқ”, - деб жавоб берди. Шунда У. Юсупов “Тўғри айтинг кетмон билан битта одамга қабр қазиш мумкин, лекин ручка билан минглаб инсонларга қабр қазиш мумкин”, – дейди.

Уруш йилларидаги ўзбек матбуоти ҳақида бир қатор асарлар мавжуд. Холбек Ёдгоровнинг «Нурли йўл» китобида «Суворовчи» фронт газетаси мухбири Лутфулла Ҳамроевнинг газеталарда босилган «Ҳаёт ҳимоячиси», «Қуролдошлар», «Шарқдан келган йигит», «Жасорат қиссаси» ва бошқа очерклари, публицистик мақолалари эслатиб ўтилган. Шунингдек, 1942 йилнинг ноябридан Воронеж фронтида ўзбек тилида чиқа бошлаган «Ватан шарафи учун» газетасида Рустам Абдураҳмонов 1946 йилгача муҳаррирлик қилгани, майо даражасигача кўтарилгани айтилган. Шу газеталардан бирида фаол иштирок этган, урушдан сўнг фан доктори илмий даражасига, профессор унвонига сазовор бўлган Тўғон Эрназаровнинг таниқли журналист Адҳам Акбаров билан ҳаммуаллифликда ёзган ўқув қўлланмасида мазкур масала бўйича ҳам айрим маълумотлар, хулосалар келтирилган. Асарнинг кириш қисми «Шонли йўл»да шундай ёзилган: «Қизил армия», «Совет жангчиси», «Ватан шарафи учун», «Қизил аскар ҳақиқати», «Суворовчи» газеталари фронтчилар орасида машҳур бўлиб кетди [3. 5]. Бу газеталарнинг саҳифаларида юзлаб очерклар, эсдаликлар босилди. Улар ўз ўқувчиларига фронтдаги муҳим воқеалар ҳақида оператив ахборот бериб турдилар. Жангчиларни ғалаба томон йўлладилар. Газеталарда ёритилган материаллар совет халқининг икки жанговар лагерини, яъни фронт билан уруш орқасининг метиндай бирлигини мустаҳкамловчи восита бўлиб хизмат қилди. Фронтдаги ўзбек газеталари саҳифаларида босилиб чиққан, ҳозиргача тўпланмаган минглаб очерклар ва мақолалар ўзбек ёзувчилари ва журналистларининг ўз жанговар саргузаштлари ҳамдир. Улар бу тарихий эпизодларни жанг майдонида, тутунлар ичида, самолётларнинг қанотларида ёздилар. Чунки уларнинг бири командир, бири комиссар, бири сержант, бири оддий солдат эди.

Фронтларда ўзбек тилида чиққан газеталар фронт ва фронт ортидаги Ўзбекистон халқининг ғалабага қўшган улкан ҳиссасини тўлақонли ёритишда ниҳоятда қимматли, ноёб манба бўлиб хизмат қилишига шак-шубҳа бўлиши мумкин эмас. Умуман, бу ҳарбий газеталардаги мақолалар, очерклар, хабарлар, суҳбатлар, ахборотлар, фронтларга йўлланган хатлар, жангчиларнинг ота-оналари, турмуш ўртоқлари, фарзандлари, қавм-қариндошларига ёзган хатлари, ҳарбий қўмондонлик ва бўлимлар томонидан ўзбекистонлик жангчиларга берилган турли фахрий, мақтов ёрлиқлари, суратлар Ўзбекистоннинг Иккинчи жаҳон уруши давридаги тарихини янада кенгроқ ёритишда қўл келади.

**Фойдаланилган манба ва дабиётлар рўйхати**


1. Правда Вастока газетаси.
2. Қизил Ўзбекистон газетаси 1939 – 1945 йиллар
3. Шамсутдинов Р. Иккинчи жаҳон уруши ва фронт газеталари. I китоб – Т., 2017
4. Усмонов Қ. Ўзбекистон тарихи 2-қисм. Совет мустамлакачилиги даврида (1917-1991 йй) – Т., 2015
5. Ражабов. Қ. Ўзбекистон ССР раҳбариятининг ижтимоий ва сиёсий фаолияти – Т., 2020


## ЎЗБЕКИСТОНДА САВОДСИЗЛИКНИ ТУГАТИШ СИЁСАТИНИНГ СОВЕТ ДАВРИ ТАРИХШУНОСЛИГИ

***Р.Р.Аҳмедов – Қўқон Давлат педагогика институти ўқитувчиси***

Совет даври тарихшунослигида саводсизликни тугатиш муаммосини тадқиқ этишни бир қанча йўналишларга ажратиш мумкин. Улардан бири совет давлат арбоблари, партия ва ҳукумат раҳбарларининг нутқлари бўлиб, уларда халқ таълими соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари ва хусусан, мамлакатда саводсизликни тугатишнинг асосий қоидалари белгилаб берилган. Бу масалада шакллантирилган қоидалар бутун халқ таълими органлари томонидан қатъий бажарилиши керак бўлган кўрсатмаларга айланган. Бундай асарлар орасида биринчи навбатда В.И. Лениннинг асарлари бор [1,2,3,4]. Бу ишларда, айниқса, унинг РКП(б) VIII съездидаги маърузасида халқ таълими соҳасидаги давлат сиёсатининг асослари ва айниқса, саводсизликни тугатиш масалалари қўйилган. Бу маърузада саводсизликка қарши кураш Ленин томонидан бутун совет мамлакатида социализм қуришнинг муҳим шарти деб эълон қилинган эди. Лениннинг кейинги асарларида саводсизликни тугатиш бўйича кураш янги йўналиш олди ва “маданий инқилоб” нинг ажралмас қисми деб эълон қилинди.

Бу умумий ленинча ёндашув бошқа партия ва давлат арбоблари асарларида янада ривожлантирилди. Бунда аввало Н.К. Крупскаяни таъкидлаб ўтиш керак. Унинг энг муҳим мақолалари ва саводсизликни тугатиш муаммосига бағишланган нутқлари алоҳида тўплам ҳолида чоп этилган [5]. Бу асарларда Н.К. Крупская СССРда саводсизликка қарши курашнинг моҳиятини конкретлаштирди ҳамда биринчи ва иккинчи беш йиллик режалар муносабати билан мамлакатда саводсизликни тугатиш тадбирларининг мустаҳкамланишини асослаб берди.

Большевик раҳбарларининг фикрича, саводсизликни тугатиш жараёни ҳукмрон партиянинг бевосита раҳбарлиги остида амалга оширилиши, яъни у давлат сиёсатига айланиши керак эди. Юқоридаги ғоявий муаллифлар аҳолининг оммавий саводсизлигини тугатиш жараёни айни пайтда меҳнаткаш халқ оммасини

"социализм руҳида" тарбиялаш вазифасини ҳам бажариши лозим эди. Меҳнаткаш халқни ўзи томонига оғдириш, янги социалистик жамият қурилишини онгли равишда қўллаб-қувватланиши учун аввало, уларга бошланғич саводхонликни ўргатиш керак эди.

Саводсизликни тугатиш бўйича давлат сиёсатини ишлаб чиқишда М.И. Калининнинг мақолалари ва нутқлари ҳам муҳим аҳамиятга эга [6]. Маълумки, у иттифоқ миқёсидаги "Йўқолсин саводсизлик" жамияти ташкил этилишидан то тугатилишига қадар жамиятнинг марказий кенгаши раиси бўлган. Шу сабабли ҳам саводсизликни тугатишда ушбу жамиятнинг ўрни ва аҳамиятини ўрганиш учун унинг асарларини кўриб чиқмасдан туриб тўлиқ тасаввурга эга бўлиш мумкин эмас.

1917 йилдан 1937 йилгача бўлган даврда РСФСР ва СССР Маориф Халқ комиссарлигига раҳбарлик қилган А.В. Луначарский ва А.С. Бубновларнинг асарлари [7,8,9] ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу асарларда мамлакат аҳолисининг саводхонлик даражасини таҳлил қилиш, саводсизликка қарши курашдаги зарур йўналишларни аниқлаш ва бу ишда давлат сиёсати билан кенг халқ оммаси ташаббусини бирлаштиришнинг асосий стратегияси ва тактикаси белгилаб берилган. Уларнинг асарларида саводсизликни тугатиш бўйича давлат сиёсати ва бу сиёсатнинг "маданий инқилоб"нинг ажралмас қисми экани нисбатан аниқроқ акс этган.

Саводсизликни тугатиш компанияси муаммосини ўрганишда саводсизликка қарши кураш жараёнларига бевосита раҳбарлик қилган ва иштирок этган А.С. Курская, Л.Н. Сталь, М.С. Эпштейн, Д.И. Эрдэ, А.Г. Кравченко, Г.И. Бройдо, Л.С. Фрид ва бошқаларнинг асарлари [10,11,12,13,14] алоҳида қизиқиш уйғотади. Бу асарлар мазкур мавзудаги энг машҳур рисолалар бўлиб, уларнинг муҳим томони шундаки, уларда саводсизликни тугатиш компаниясининг бевосита иштирокчилари ва гувоҳларининг шахсий кузатишлари ва тажрибалари умумлаштирилган. Шу билан бирга, бу рисолаларда совет даври тарихшунослигининг саводсизликни тугатишдаги асосий тенденциялари кўрсатиб берилган. Ушбу муаллифлар саводсизликка қарши курашда юз берган хатолар ва камчиликлар ҳақида тўхталиш билан бирга, бу борада эришилган барча ютуқлар партия ва совет давлатининг роли сифатида баҳоланган.

Совет тарихшунослигида маданий қурилиш масаласини тизимли равишда илмий таҳлил этиш, жумладан, умумий таълим ва саводсизликни тугатишни бир-бирига боғлиқ муаммо сифатида тадқиқ этувчи асарлар 1940 йилларнинг иккинчи ярмидан эътиборан пайдо бўла бошлади. Дастлабки шундай асарлар қаторида И.С. Смирнов монографиясини кўрсатиш мумкин [15]. Муалиф ўз асарида давлат ҳужжатларига асосланган ҳолда, саводсизликни тугатиш бўйича давлат сиёсатининг келиб чиқиши, хусусан, саводсизликка қарши курашнинг илк даврларини тадқиқ этган.

XX асрнинг 50-йиллари бошида бу мавзуга доир бир қатор умумлаштирувчи асарлар юзага келди. Улар орасида энг аҳамиятлиси М.П. Кимнинг монографияси [16] ҳисобланадики, унда СССРдаги маданий қурилиш ва саводсизликни тугатиш муаммосининг янги жиҳатлари тадқиқ этилган. Муаллиф СССРда XX асрнинг 30-йилларигача аҳолининг салмоқли қисми қишлоқларда яшагани ва бу аҳолининг кўпчилиги саводсиз бўлгани боис, маданий қурилиш ва саводсизликни тугатиш кампанияси деҳқонлар учун катта аҳамиятга эга бўлганини асослаган. Айни пайтда М.П. Ким совет тарихшунослик фанида биринчи марта аёллар саводсизлигини тугатишнинг ўта муҳим аҳамиятга эга бўлгани ҳақида чуқур асосли хулосаларни илгари сурди. Унинг монографияси муҳим ҳужжат ва архив материалларини

ўрганишга асосланган бўлиб, асарда бу ҳужжатлар биринчи бор илмий муомалага киритилган.

XX асрнинг 40–50-йилларида А.М. Иванова, М. Зиновьев, А. Плешакова ва Д.Ю. Элькиналарнинг бир қатор йирик асарлари нашр этилди [17,18,19]. Бу асарлар алоҳида жараёнларнинг якуний натижаларини умумлаштирувчи характердаги тадқиқотлар бўлиб, уларда СССРдаги саводсизликни тугатиш ва социалистик руҳдаги халқ таълим тизимини ташкил этишнинг якуний натижалари баҳоланган.

Саводсизликни тугатиш муаммосининг яна бир йирик тадқиқотчиси В.А. Куманев бўлиб, у ўз асарларида [20] СССРда саводсизликни тугатиш масаласини ўрганиш бўйича М.П. Ким томонидан асосланган ёндашувларни тадқиқ этишни давом эттирган.

XX асрнинг 50–60-йиллари охирида СССРдаги маданий қурилиш масаласида М.П. Ким томонидан илгари сурилган концепция бўйича илмий изланишлар давом эттирилди. Бу пайтга келиб совет тарихшунослигида саводсизликка қарши кураш маданий қурилишнинг ажралмас қисми, деган фикр мустаҳкам қарор топган эди. Бир қатор тадқиқотчилар ўз ишларида асосан юқоридаги тезисни чуқурлаштирдилар ва янада аниқлаштирдилар. Шу билан бирга, улар архив материалларини янада кенгроқ ўрганиш орқали тарих фанини янги фактик материаллар билан бойитдилар.

XX асрнинг 70–80-йилларида саводсизликка қарши курашиш муаммосини ўрганишда саводсизликни тугатиш жараёнларида бевосита иштирок этган жамоат ташкилотлари фаолиятига қизиқиш кучайганлиги билан намоён бўлган баъзи янги тенденциялар аниқланди. Бу турғунлик йилларида умумий “давлатлаштириш”га қарши қандайдир норозилик сифатида юзага келди. Бунинг яққол намунаси сифатида А.А. Ямпольскаянинг монографиясини [21] келтириш мумкин. Унда саводсизликни тугатиш ишларида қатнашган бошқа жамоат ташкилотлари билан бир қаторда “Йўқолсин саводсизлик” ташкилоти фаолияти анча кенг ёритиб ўтилган. Муаллиф ўз хулосаларида саводсизликни тугатиш жараёнларида жамоат ташкилотларининг роли жуда катта бўлганини кўрсатиб ўтган.

1950 йиллар охиридан то 1980 йилларнинг ўрталарига қадар совет жамиятида амалга оширилган саводсизликни тугатиш муаммолари тарихчилар томонидан умумий характердаги тадқиқотларда ёритилди. Жумладан, Ўзбекистонда амалга оширилган саводсизликни тугатиш тадбирларига доир айрим маълумотлар Ўзбекистон ССР тарихига бағишланган фундаментал асарларда ва айрим муаллифларнинг республикадаги маданий қурилиш муаммоларига бағишланган асарларида акс этган [22,23,24,25,26,27,28,29,30].

СССР Фанлар академияси СССР тарихи институти ходимлари томонидан тайёрланган ва 1985 йили нашр этилган “Буюк Октябрь социалистик революцияси ва Совет маданиятининг шаклланиши 1917-1927” номли фундаментал монографиясини [31] алоҳида таъкидлаш лозим. Монографияда совет давлатидаги “маданий инқилоб”нинг турли жиҳатларини тадқиқ этишда бой фактик материалларни жалб қилиш ва янги йўналишларини очиш билан бир қаторда, саводсизликни тугатиш учун курашнинг дастлабки босқичига алоҳида бўлим ажратилган. Муаллифлар ушбу муаммони ёритишда муҳим ҳужжатли материалларга асосланганлар. Унда албатта, биринчи навбатда расмий ҳужжатлар – ҳукумат қарорлари, совет съездлари қарорлари ва бошқалар таҳлил этилган, бундан ташқари, жуда кўплаб статистик материаллардан фойдаланилганки, улар саводсизликни тугатиш муаммосининг ўта чуқур мазмунга эга эканини тасдиқлайди.

“Қайта қуриш” йилларида яратилган асарларда совет жамиятидаги саводсизликни тугатиш кампаниясида жамоат ташкилотларининг ўрни муаммоси, жамоат ташкилотларининг давлат билан ўзаро муносабатлари муаммоси танқидий

нуқтаи назаридан кўриб чиқила бошлади. Бу каби асарлар қаторида А.П. Купайгородская, Н.Б. Лебина, Г.Р. Коржихина асарларини [32,33] келтириб ўтиш мумкин.

Умуман, совет ҳокимиятининг XX аср 20–30-йилларида бутун мамлакатда амалга оширган оммавий саводсизликни тугатиш ҳаракати большевиклар илгари сурган "маданий инқилоб" концепциянинг таркибий қисми сифатида катта сиёсий-ижтимоий аҳамиятга эга бўлди. Саводсизликни тугатиш сиёсатининг тарихи, бу оммавий ҳаракат билан боғлиқ муаммоларни тадқиқ этиш бу ҳаракат бошланган 1918 йилдан бошланган, 1960-1980 йилларда эса бу муаммо том маънода илмий-тарихшунослик нуқтаи назаридан таҳлил этилиб, бу бўйича қатор фундаментал асарлар яратилди.

**Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати**


1. Ленин В.И. I Всероссийский съезд по внешкольному образованию. 6-19 мая 1919 г. // Полн. собр. соч. Том 38. – С. 327-372.
2. Ленин В.И. Основные задачи диктатуры пролетариата в России. // Полн. собр. соч. Том 38. – С. 89-102.
3. Ленин В.И. К вопросу о политике министерства народного просвещения. // Полн. собр. соч. Том 23. – С. 125-135;
4. Ленин В.И. Речь на I Всероссийском съезде по просвещению 28 августа 1918 г. // Полн. собр. соч. Том 37. – С. 74-78.
5. Крупская Н.К. Ликвидация неграмотности. Сборник статей, докладов и разных материалов за 1920-1936 гг. Под. ред. А.Г.Кравченко. – Москва, 1938.
6. Калинин М.И. О воспитании и обучении. – Москва, 1957.
7. Луначарский А.В. Просвещение и революция. – Москва, 1924.
8. Лунчарский А.В. О народном образовании. Сборник статей. – Москва, 1958.
9. Бубнов А.С. О культурном подъеме СССР за годы первой пятилетки. – Москва, 1930.
10. Курская А.С. С массами и через массы // Народное образование, 1960. – №4.
11. Кравченко А.Г. Деревенские ячейки партии и культурная работа в деревне. – Москва, 1925.
12. Бройдо Г.И. В атаку против неграмотности и бескультурья. – Москва-Ленинград, 1929.
13. Бондарев Д.А. Ликвидация неграмотности (цифры, факты, перспективы). – Москва-Ленинград, 1929.
14. Фрид Л.С. Очерки по истории развития политико-просветительной работы в РСФСР (1917-1922 гг.) – Ленинград, 1941.
15. Смирнов И.С. Из истории строительства социалистической культуры в первый период Советской власти (октябрь 1917 – лето 1918). – Москва, 1949.
16. Ким М.П. Коммунистическая партия - организатор культурной революции в СССР. – Москва, 1955.
17. Иванова А.М. Что сделала Советская власть по ликвидации неграмотности среди взрослых. – Москва, 1949.
18. Зиновьев М., Плешакова А. Как был выполнен ленинский декрет. – Москва, 1961.
19. Элькина Д.Ю. На культурном фронте. – Москва, 1959.
20. Куманев В.А. Социализм и всенародная грамотность. – Москва, 1967.
21. Ямпольская Ц.А. Общественные организации СССР. Некоторые политические и юридические аспекты. – Москва, 1972.
22. Народное образование в Узбекистане. – Ташкент, 1947.

**23.** Непомнин В.Я. Очерки истории социалистического строительства в Узбекистане. (1917-1937 гг.) – Ташкент, 1957.
**24.** Непомнин В. Я. Исторический опыт строительства социализма в Узбекистане (1917-1937 гг.) – Ташкент: Госиздат УзССР, 1960.
**25.** Ким М.П. 40 лет советской культуре. – Москва, 1959.
**26.** История народного хозяйства Узбекистана. Том 1-2. –Ташкент: Изд. АН УзССР, 1962.
**27.** Очерки истории Коммунистической партии Узбекистана. – Ташкент, 1964.
**28.** Ўзбекистон ССР тарихи. 3-том. – Тошкент: Фан, 1971.
**29.** Изменение классовой структуры общества в Узбекистане за годы Советской власти. – Ташкент: Фан, 1984.
**30.** Исаев Х.И. Рост общественно-политической активности крестьянства Узбекистана (1925-1940 гг.) – Ташкент: Узбекистан, 1986.
**31.** Великая Октябрьская социалистическая революция и становление советской культуры 1917-1927. – Москва: Наука, 1985.
**32.** Купайгородская А.П., Лебина Н.Б. Добровольные общества Петрограда-Ленинграда. 1917-1937. Тенденции развития. – Ленинград, 1989.
**33.** Коржихина Т.П. Отзыв на книгу «Добровольные общества Петрограда - Ленинграда. 1917-1937» // История СССР, 1990. – №3.


## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИНИНГ ФАШИЗМ УСТИДАН ҚОЗОНИЛГАН ҒАЛАБАГА ҚЎШГАН ХИССАСИНИ ТАРИХШУНОСЛИГИМИЗДА ЁРИТИЛИШИ

***Бекмирзаев Достонбек Хайрулло ўғли – Андижон давлат университети магистранти.***

Ўзбекистон халқи миллий истиқлолга эришганидан сўнг, Ватанимиз ҳаётининг барча жабҳаларида янгиланиш ва покланиш жараёни юз берди. Тарихий, миллий қадриятларимизни тиклаш борасида улкан ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда. Хусусан, кўп минг йиллик тарихимиз, маданий қадриятларимиз ҳамда маънавий меросимиз ҳаққоний тарзда ўрганилиб, ўз ўрнини топиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” асарида таъкидлаганидек, “Биз юртимизни янги босқичга, янги юксак маррага олиб чиқмоқчи эканмиз, бунда бизга ёруғ ғоя керак. Бу ғоянинг замирида халқимизнинг ўзлигини англаши ётади. Ҳаққоний тарихни билмасдан туриб эса ўзликни англаш мумкин эмас” [1, 153].

Ўзбекистон мустақил давлат мақомига эга бўлгандан кейин тарихимизни, айниқса, ўта сохталаштириб талқин этилган совет даври тарихини, хусусан, иккинчи жаҳон уруши йиллари тарихини мафкуравий қарашлардан холи тарзда ўрганиш зарурияти туғилди. Фашистлар Германиясини маҳф этилиши, милитаристик Япониянинг таслим этилиши, иккинчи жаҳон урушида шонли ғалабанинг қўлга киритилишида Ўзбекистон халқи, ҳарбийларининг салмоқли ҳиссасини, ўзбек жангчиларининг фронтда кўрсатган жасоратларини, ғалаба йўлида тўкилган қон ва йўқотишларни, уруш йилларида фронт ва фронт ортида халқимиз кўрсатган мислсиз қахрамонликлари тарихшунослигимизда бугунга қадар қандай тадқиқ қилингани хусусида ушбу мақоламизда тўхталиб ўтмоқчимиз.

Урушни ғалаба билан тугаллангандан буён ўтган йиллар давомида Ўзбекистоннинг иккинчи жаҳон уруши йиллари тарихи мавзусига оид кўплаб

монография, рисола, мақола, ҳужжатлар тўплами ва хотира китоблари чоп этилган. Биз ўз магистрлик диссертациямизда ушбу даврга оид нашр этилган тадқиқотларни уч гуруҳга бўлиб тадқиқ этдик. Биринчи гуруҳга иккинчи жаҳон уруши йилларида чоп этилган мақола ва рисолалар, иккинчи гуруҳга урушдан кейинги йиллардан то собиқ совет давлатининг инқирозигача бўлган (1945-1991) даврда яратилган асарлар ва хужжатлар тўпламлари. Учинчи гуруҳга оид тадқиқотлар эса Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида тарихчи ҳамда адабиётчи олимлар томонидан яратилган илмий тадқиотлардир.

Биринчи гуруҳга иккинчи жаҳон уруши йилларида яратилган тадқиқотларга партия ва давлат арбобларининг иккинчи жаҳон урушига бағишланган нутқ, мақола ва асарлари, ўзбек адибларининг асарларини киритиш мумкин [2]. Ушбу нутқ, мақола ва асарлардаги маълумотлар фашизмга қарши нафрат руҳи билан суғорилган бўлиб, уларда фашизмнинг инсоният тараққиётига хавф солувчи босқинчилик моҳияти ёритилган. Шунингдек, ушбу тадқиқотларда Ўзбекистон халқининг фашизмга қарши курашга сафарбар этилиши, фронтни қурол-аслаҳа, озиқ-овқат, кийим-кечак, дори-дармон билан таъминлашда фронт ортидаги аҳолининг шонли меҳнати масалалари ёритилган.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида маҳаллий ҳамда юртимизга эвакуация қилинган тарихчиларнинг уруш йилларида яратилган асарлари [3.] асосан, Ўзбекистон халқининг фашизмга қарши нафратини уйғотишга ва ғалабага бўлган ишонч руҳини мустаҳкамлашга қаратилган эди.

Урушдан кейинги даврда яратилган тадқиқотларда [4]. Ўзбекистоннинг иккинчи жахон урушидаги иштироки, ўзбекистонликларнинг фронт орқасидаги фидокорона меҳнати, душманларга қарши жанглардаги жасоратларининг турли жиҳатлари ёритилган.

Мустақиллик йилларида Ватан тарихининг турли даврлари қатори иккинчи жахон уруши йиллари тарихини ҳам ўрганишга эътибор кучайди. Айниқса, сўнгги уч йилда мухтарам Президентимиз Ш.М. Мирзиёев ташаббуси билан иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон халқининг фронтларда ва фронт ортида кўрсатган матонатларини абадийлаштириш борасида кўплаб ҳайрли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, мустақиллик йилларида яратилган кўплаб тадқиқотларда [5.] иккинчи жахон урушида ўзбекистонликларнинг жангларда кўрсатган қахрамонликлари, фронт ортидаги машаққатли меҳнатлари, ўзбек халқининг бағрикенглиги, Ўзбекистоннинг фронт арсеналига айлантирилиши, Ўзбекистон ҳудудларида миллий ҳарбий қисмларнинг шаклланиши, ўзбек дивизияларининг фронтдаги фаолиятлари, уруш йилларида миллий сиёсатнинг амалга оширилиши ва зўрлик билан кўчирилиши, Ўзбекистоннинг СССР ғарбий минтақаларини тиклаш ва кўчириб келинган аҳолининг эвакуация қилишдаги ўрни каби масалалар атрофлича ёритилган.

Ўзбекистон халқининг иккинчи жаҳон уруши фронтларида кўрсатган жасоратлари, халқимизнинг фронт ортидаги оғир меҳнат шароити, юртимизга уруш йиллари кўчириб келтирилган халқларнинг тақдири, Туркистон легиони ва унинг ташкил топиши масалалари, Белорусь учун жангларда ҳалок бўлган ўзбекистонлик жангчилари тарихи, иккинчи жаҳон урушида андижонликларнинг иштироки масалалари, ўзбекистонлик меҳнат армиячилари (“қуролсиз аскарлар”)нинг ҳаёти ва фаолиятига доир янгича қарашлар, хаққоний илмий нуқтаи назардан ёндошувлар “Водийнома” Ижтимоий-тарихий илмий ва оммабоп журнали сахифаларида чоп этилаётган қатор илмий мақолаларда [6] ўз аксини топмоқда.

Мустақиллик йилларида шунингдек, 1941-1945 йилларда урушда ҳалок бўлган ва бедарак йўқолган ўзбекистонлик жангчиларнинг хотирасини

абадийлаштириш мақсадида хар бир вилоят ва туманларга бағишланган 33жилддан иборат “Хотира” китоблари ҳамда яна қўшимча икки жилдлик хотира китобларининг чоп этилиши республикамизнинг ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётида катта воқеа бўлди. Бироқ ушбу хотира китоби ва яратилган тадқиқотларга кирмай қолган кўплаб ватандошларимизнинг шонли тарихини ёритиш, уларнинг номини абадийлаштириш биз тарихчилар олдида турган мухим масалардан биридир.

Шу ўринда устозимиз профессор Рустамбек Шамсутдинов томонидан 2017 йил Akademnashr нашриётида чоп этилган “Иккинчи жаҳон уруши ва фронт газеталари” китобида [7.] хотира китобларидан номи тушиб қолган, фронт газеталари сахифаларида номи мухрланган минглаб ватандошларимизнинг шонли кураш тарихи ўрин олган.

Бундан ташқари мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг буюк ғалабага қўшган хиссасини Ўзбекистоннинг советлар даври тарихини ёритувчи яна бир қатор илмий асарлар [8.], фундамента тадқиқотлар [9] да ҳам кенг масаланинг айрим жиҳатлари ёритиб ўтилган.

Хуллас, бугунги кунда Ўзбекистонда буюк ғалабага Ўзбекистон халқларининг қўшган хиссасини кенг жаҳон афкор оммасига, халқимиз ёшларига, кенг жамоатчиликка етказиш борасида катта ишлар қилинмоқда. Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг 2018 йил 31 майда «Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабага Ўзбекистон халқининг қўшган муносиб ҳиссасига бағишланган китоб албомни нашр этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ф-5294 сонли фармонлари асосида китоб албомнинг яратилиши, Республикамиз пойтаҳти Тошкент шаҳрида “Ғалаба боғи”нинг барпо этилиши бу ҳайрли ишларнинг самарасидир. Бироқ шунга қарамай Ўзбекистон халқининг иккинчи жаҳон урушидаги иштироки ва ғалабага қўшган ҳиссасини, жангоҳларда бедарак кетган Ватандошларимизнинг номларини аниқлаш, уларнинг шонли қаҳрамонликларини оммага етказиш борасида хали тарихшунослигимизда кўплаб тадқиқотлар амалга оширилиши лозим.

**Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати**


1. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. – Т., 1999; Охунбобоев Й. Ғалаба биз томонда // Қизил Ўзбекистон, 1941 йил 24 октабр; Охунбобев Й. Танланган асарлар. – Тошкент: Ўзбекистон, 1985. Юсупов У. Главное обшей борьбе за миллион тони хлопка. – Ташкент: УзССР, 1945.
2. Йўлдошев М. Гитлер – озодликни севувчи халқларнинг ашаддий душмани. Тошкент: Ўздавнашр, 1941. Рубинштейн М. Герман фашистлари – фан ва маданиятнинг энг ёвуз душманларидир. – Тошкент: Ўздавнашр, 1941.
3. Джураев Т.Д. Коммунистическая партииузбекистана в годы Великой отечественной войны. – Ташкент, 1964; Улмасбаев Ш.Н. Промышленное развитие советского Узбекистана. – Ташкент, 1958; Узбекистан в годы Великой отечественной войны. – Ташкент: Фан, 1966; Вклад трудящихся Узбекистана в победу в Великой Отечественной войне. – Ташкент, 1975; Ўзбекистон ССР тарихи. Тўрт томлик. Т.IV (1938-1965). Бош мухаррир И.М. Мўминов. – Тошкент: Фан, 1971; Ўзбекистон тарихи. Қадимги даврдан хозирги кунгача. И.М. Мўминов тахрири остида. –Тошкент: Фан, 1974; ва б.
4. Ибрагимов Х. Социально-экономическая жизнь. Узбекистана в годқ Великой отечественной войны (1941-1945 гг.).: Автореф. дис… канд. ист. наук. – Андижан, 1993; Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Тошкент: Шарқ, 2000; Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар). – Тошкент: Ўқтувчи, 2009; Шамсутдинов Р., Каримов Ш. Ватан тарихи (Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида). Учинчи китоб.

– Тошкент: Шарқ, 2016; Шамсутдинов Р., Мўминов Х. Ўзбекистон тарихи. Тошкент: Akademnashr, 2019; Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар). Иккинчи китоб. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019 ва б.

5. Каримов Н. Иккинчи жаҳон урушининг бошланиши. Уруш қурбонлари // Водийнома, 2019 йил 2-сон. – Б.67-74; Шамсутдинов Р., Сиддиқ Т., Хомидов Д. Андижон вилояти иккинчи жаҳон уруши йилларида // Водийнома, 2019 йил 2-сон. – Б.76-88; Шамсутдинов Р., Сиддиқ Т., Хомидов Д. Андижондан фронтга, фронтдан Андижонга // Водийнома, 2019 йил 2-сон. – Б.89-108; Шамсутдинов Р. Беларусь учун жангларда қахрамонларча ҳалок бўлган ва ўша заминда дафн қилинган ўзбекистонликлар // Водийнома, 2019 йил 4-сон. – Б.2-44; Каримов Н. Туркистон легиони: қачон ва қандай ташкил топган? // Водийнома, 2019 йил 4-сон. – Б.57-66; Шамсутдинов Р. Ўзбек жангчилари рус адиблари нигохида. // Водийнома, 2019 йил 4-сон. – Б.50-57; Саидхонов М. Ўзбек адиблари фронт газеталарида // Водийнома, 2019 йил 4-сон. – Б.44-50; Ҳожиев Ш. Ўзбекистонлик меҳнат армиячилари (“Қуролсиз аскарлар”)нинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганишга доир мулоҳазалар // Водийнома, 2019 йил 4-сон. – Б.66-73; Шамсутдинов Р., Ҳамидов Д. Ўзбекистоннинг буюк ғалабага қўшган ҳиссаси ҳужжат ва материалларда // Водийнома, 2020 йил 1-сон. – Б.6-15; Миркарим Мирсаовуров Жанг майдонидаги ўзбек йигитлари қахрамонлиги // Водийнома, 2020 йил 1-сон. – Б.46-52;
6. Шамсутдинов Рустамбек. Иккинчи жаҳон уруши ва фронт газеталари. Биринчи китоб. – Тошкент: Akademnashr, 2017; Ўша муаллиф. Иккинчи жаҳон уруши ва фронт газеталари. Иккинчи китоб. – Тошкент: Akademnashr, 2017; Ўша муаллиф. Иккинчи жаҳон уруши ва фронт газеталари. Учинчи китоб. – Тошкент: Akademnashr, 2017; Ўша муаллиф. Иккинчи жаҳон уруши ва фронт газеталари. Тўртинчи китоб. – Тошкент: Akademnashr, 2020; Ўша муаллиф. Иккинчи жаҳон уруши ва фронт газеталари. Бешинчи китоб. – Тошкент: Akademnashr, 2020.
7. Голованов А.А., Саидов И.М. Вклад Узбекистана в победу над фашизмом. – Самарканд: Изд. СамГУ, 2006. Часть II.; Нуруллин Р. Узбекистан – арсенал фронта в годы войны // Фашизм устидан қозонилган ғалабада Ўзбекистоннинг тарихий ҳиссаси (Илмий-назарий конференция материаллари). – Тошкент, 1996.;
8. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2 китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – Тошкент: Шарқ, 2000; Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар). Иккинчи китоб 1939-1991 йиллар. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019.

## ҚАРЛУҚЛАР ТАРИХШУНОСЛИГИГА ОИД ЧИЗГИЛАР

***М.Ё.Акмаматова – Муборак тумани 9-мактаб ўқитувчиси***
***О.Ё.Акмаматов – Қарши давлат университети докторанти***

Ватанимиз мустақилликка эришгандан сўнг тарихимизни, ўтмишимизни билишга катта эътибор берила бошланди. Ўзбекистоннинг биринчи президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек “Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади”- деб бежизга айтмаганлар [1]. Тарихдан бизга маълумки, ҳар битта уруғ, қабиланинг ёки элатнинг ўз келиб чиқиш тарихи бор. Жумладан, тарихимизда муҳим ўрин тутувчи қарлуқларнинг этник тарихшунослиги тарихимиздаги долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Чунки ўзбек элатининг тўлиқ шаклланиш жараёни даврида (IX – XII асрларда) чигил ва яғмолар каби қарлуқлар ҳам катта роль ўйнаганлар ва муҳим

ўрин тутганлар [2]. Ушбу кичик ишимиздан мақсад қарлуқлар тарихига оид тадқиқотлар ва ишларни қиёсий таҳлил қилиб, уларга тарихшунослик нуқтаи-назаридан баҳо беришдир.

Ўтган асрнинг 60 йилларига қадар Ўзбекистонда қарлуқлар ҳақида махсус тадқиқот иши бўлмаган. Аммо улар ҳақидаги алоҳида эсдаликлар рус ва хориж олимлари ишларида мавжуд эди. Жумладан, инглиз сайёҳи А.Бёрнс [3], Ўрта Осиёдаги рус тадқиқотчилари Н.Хаников, Д.Н.Логофет[4], В.И.Массальский, В.Л.Вяткин ва Н.Г.Маллицкий асраларида қарлуқлар ҳақида маълумотлар бор. Хитойшунос Н.Я.Бичурин Хитой сулолари йилномалари асосида Ўрта Осиёда яшаган халқлар ҳақида катта фактик материал тўплашга муваффақ бўлган. Ушбу тадқиқотининг “Турклар ҳақида”ги бўлимида, у қарлуқларнинг келиб чиқиши, жойлашиши ва кўчишлари ҳақида муҳим маълумотларни келтиради.

XIX асрнинг II ярмида Ғарбий Европалик хитойшунос олимлардан И.Маркварт, Ф.Хирт, Э.Шаванн ишларида ҳам қарлуқлар ҳақида анчагина маълумотлар бор. И.Маркварт Ўрхун-Энасой хатларини ўқиган, шунингдек, хитой ва араб манбаларидан фойдаланиб, шарқий ва ғарбий Турк ҳоқонлиги таркибидаги қарлуқларнинг кўчишлари билан боғлиқ хронологик воқеаларни аниқлаган. Қарлуқлар билан боғлиқ айрим жойларнинг топографик номларини қайд этган ва уларни ўша даврдаги (XIX асрнинг II ярми) топонимика билан солиштирган. Ф.Хирт “Тан-Шу” йилномаси ва бошқа хитой манбаларига таяниб “қарлуқлар уч қисмга бўлинади”, – дейди. Бу уч уруғ бирлашмаси (Меуло, Чжиси, Ташила) Ўрхун-Энасой битикларида “уч ўғуз” номи билан учрайди, – деб маълумот бериб ўтади.

Э.Шаванн ҳам Ф.Хирт каби Хитой йилномалари, VIII аср будда зиёратчилари асарлари, Че-Фу Юан Гуй энциклопедиясидан фойдаланиб асосан ғарбий турклар ҳақида кўплаб маълумотлар тўплайди. Бироқ Шаванн ўз асарида Ўрхун ёдгорликлари маълумотларини хитой манбалари билан солиштирмаган. Шунинг учун қарлуқларга оид қабила ва топографик номларни тушунишда қийинчиликлар юзага келади.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, юқоридаги ғарб олимлари турк қабилалари, жумладан қарлуқлардаги жамоа муносабатлари ривожини яхши англамаган. Улар учун халқларни маданий (ўтроқ) ва маданиятсиз(кўчманчи) тоифаларга ажратиш одатий ҳол ҳисобланган.

В.В.Григорьев [5], В.В.Радлов [6] ва Н.А.Аристов [7] ишларида қарлуқлар ҳақида маълумотлар бор. В.В.Григорьев фикрича, қарлуқлар Қорахонийлар давлати негизини ташкил қилган. В.В.Радлов ўзининг уйғурлар ҳақидаги китобида VIII-IX асрларда қарлуқларнинг Фарғона ҳудудига жойлашиши тўғрисида маълумот бериб ўтади. Н.А.Аристовнинг ёзишича, X-XII асрларда Туркистон ва Мовароуннаҳрда ҳукмронлик қилган туркларнинг хонлари илоқ деб аталиб, улар қарлуқлардан бўлган. Муаллиф шунингдек, қарлуқлар кўп сонли бўлгани, ўтроқ ҳаётга ўтганда фақатгина номларини сақлаб қолишганини ҳам қайд этиб ўтган.

Қарлуқлар ҳақидаги кўпроқ қимматли маълумотларни В.В.Бартольд [8], А.Ю.Якубовский [9], А.Н.Бернштам [10] ишларида кўриш мумкин. В.В.Бартольд асарлари кўп сонли форс манбалари ҳамда рус ва ғарбий Европа олимлари асарларига асосланиб ёзилган. Аммо унинг маълумотлари тизимлаштирилмаган. Қарлуқларнинг Ўрта Осиё тарихида тутган роли тўғрисида аниқроқ баҳони А.Ю.Якубовский асарларида берилган. У Қорахонийлар давлати ташкил топишида қарлуқларнинг ролини тан олган ҳолда, улар Еттисувда яшаган VIII – X аср қабилалари билан солиштирилганда маданий жиҳатдан анча олдинда бўлганлигини айтади. А.Н.Бернштам асосан археологик тадқиқотлар асосида Еттисувдаги қарлуқлар даврини аниқлаган.

Б.Х.Кармишева [11] Ўзбекистоннинг жануби ва жануби-шарқидаги қарлуқлар ҳақида маълумот бериб ўтган. У шунингдек, қарлуқларнинг уй-жойларига бағишланган алоҳида мақола ёзган.

Ўзбекистонда эса бу мавзу К.Шониёзов томонидан ўтган асрнинг 50-60 йилларида алоҳида тадқиқот сифатида мукаммал ўрганилган. Ўзбек этнографияси фанида К.Шониёзовдек Ўрта Осиё халқларининг этногенези ва этник тарихи бўйича ҳар томонлама кенг кўламли теран билимга эга бош тадқиқотчини учратиш қийин. Олимнинг Хитой солномалари, Ўрхун-Энасой ёдгорликлари, араб, форс-тожик қўлёзмалари ҳамда этнографик малумотларга асосланиб ёзилган “Ўзбек-қарлуқлари” китобида қадимги туркий – қарлуқлар қабиласининг келиб чиқиши, жойлашиши, хўжалиги ва ижтимоий турмуши, моддий ва маънавий маданиятини қамраб олган узоқ тарихий давр (VII – XXасрлар) мукаммал ёритилган.

Олимнинг “Қарлуқлар давлати ва қарлуқлар” китоби ўзбек халқининг сиёсий, маданий, этник жараёнида муҳим роль ўйнаган компонентлардан бири - қарлуқлар этник тарихи ва Қарлуқ давлати тарихига бағишланган. Мазкур китоб ёзма, тарихий, этнографик, археологик, антропологик, нумизматик ва бошқа муҳим манбалар асосида ёзилган бўлиб, унда Ўрта Осиёда ўрта асрларда ташкил топган йирик давлатлардан бири Қарлуқ давлати, унинг ривожланиши, ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, аҳолининг этник таркиби, бу давлат таркибида ўзбек аждодларининг алоҳида этник жамоа (элат) бўлиб шаклланиши, қўшни давлатлар ва халқлар билан ўзаро алоқалари ёритилган. Шунингдек, асарда қарлуқларнинг илк аждодлари, уларнинг мустақиллик учун олиб борган курашлари, йирик давлат барпо қилганликлари ва мазкур қавм ҳозиргача сақланиб қолган авлодлари тўғрисида атрофлича фикр юритилган. К.Шониёзов ишларининг ютуқ томони шундаки, у тарихий ва этнографик маълумотларни археология, антропология, нумизматика, фольклор-шунослик каби ёндош фанлар ютуқлари билан қиёсий ўрганиб, шу орқали у ёки бу долзарб муаммони ёритишда муайян бир тўхтамларга келган. Яъни, ўзбек этнологиясини тадқиқ этиш ва ёритишда турли фан ютуқларидан фойдаланган ва бу унинг ишларини илмийлигини оширган.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, қарлуқлар ўзбек халқини келиб чиқиши ва шаклланишида муҳим роль ўйнаганлар. Бугунги кунда тарих фани олдидаги вазифалардан бири қарлуқлар ва уларнинг келиб чиқишига оид бўлган ишларни кўриб чиқиш ва уларни қиёсий жиҳатдан таҳлил қилишдан иборатдир. Яъни, мавзу тарихшунослигига оид махсус тадқиқот яратилиши лозим.

## Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати


1. Каримов. И.А.Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т., 1998.
2. Бўриев О., Усмонов М. Ўзбеклар: этник тарихи ва этномаданий жараёнлар. – Самарқанд, 2008.
3. Бёрнс А. Путешествие в Бухару. – М., 1849.
4. Логофет Д.Н. Бухарское ханства под русским протекторатом. Т.I-II. – СПб., 1911.
5. Григорьев В.В. Караханиды в Маверауннахре по тарихи Мунеджим баши, с переводом и примечаниями В.В.Григорьева, ТВОАО, Т. XVII. – СПб., 1871.
6. Радлов В.В. К вопросу об уйгурах // ЗИАН, ТХКИ (приложение) – №2. – СПб., 1893.
7. Аристов Н.А. Опыт выяснения этнического состава киргиз-казахов Большой Орды и Каракиргизов. – Живая старина. Вып. III-IV. 1894.
8. Бартольд В.В. Соч., т. I. – М., 1963. Соч., т.VII. – М., 1971.
9. Якубовский А.Ю. К вопросу об этногенези узбекского народов. – Т., 1941.

10. Бернштам А.Н. Древние тюркские племена в этногенезе Средней Азии. – СЭ, 1948. – № 4.
11. Кармышева Б.Х. Жилища узбеков племени карлук южных районов Таджикистана и Узбекистана. Известия отделения общественных наук АН Тадж. ССР. 1956. – № 10-11.

## БУТУНРОССИЯ ТАЪСИС МАЖЛИСИ ТАРИХШУНОСЛИГИ

***Р.Х.АКБАРОВ – Фарғона давлат университети, Ўзбекистон тарихи кафедраси катта ўқитувчиси***

1917 йил февраль инқилобидан кейин ҳокимият тепасига келган Муваққат ҳукумат Таъсис Мажлисини чақиришни ўзининг биринчи галдаги вазифаси сифатида белгилади. Чунки Таъсис Мажлиси ташкил этишдан мақсад – “таъсис” этиш бўлиб, Буюк Россия учун махсус Давлат бошқарув тизимини танлаш, мамлакат учун янги, халқ ҳоҳишини акс эттирувчи қонунлар ишлаб чиқиши керак эди. Қисқа қилиб айтганда, Россиянинг кейинги тараққиёт йўлини белгилаб берувчи орган ҳисобланган. Лекин Таъсис Мажлиси шунчалик муҳим бўлишига қарамасдан большевик совет ҳукумати талабларини рад этганлиги учун тарқатиб юборилди.

Таъсис Мажлиси қисқа вақт фаолият кўрсатган бўлишига қарамасдан, демократик тизим намунаси бўлганлиги учун у ҳақида кўплаб асарлар яратилган. Биз Таъсис Мажлиси ҳақида яратилган асарларни шартли равишда уч гуруҳга бўлишимиз мумкин. 1. Муваққат ҳукумат даврида яратилган асарлар; 2. Совет ҳукумати даврида яратилган асарлар. 3. Совет Иттифоқи тарқалгандан кейинги даврда яратилган асарлар. Ушбу асарларнинг барчаси рус тарихчилари томонидан яратилган бўлса-да, улар моҳият жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади.

**Муваққат ҳукумат даврида яратилган асарлар**.

Ушбу даврад яратилган асарлар асосан тарғибот характерига эга. Чунки, Таъсис Мажлиси Россия империяси даврида фаолият кўрсатган Давлат думасидан буткул фарқ қилган. Биринчидан, Давлат думасига сайловлар табақавий бўлган бўлса, Таъсис Мажлисига сайловлар умумий, тенг, тўғри ва яширин тамойилларга асосланган эди. Шу билан биргаликда, Мажлисга сайлов ҳудудга қараб, прорпорционал ва можоритар асосда ўтказилиши керак эди. Иккинчидан, Мажлиснинг ўзи тамомила демократик асосда иш олиб бориши мўлжалланган. Мамлакат аҳолиси учун бутунлай янги бўлган бундай тизим аҳоли орасида тарғиб қилиниши табиий эди. Шу мақсадда 1917 йили Устинов томонидан “Жамият таъсисия (Учредительный Собрания)” номли кичик бир рисола тайёрланади. Усмонжон бин Эшонхўжа томонидан ўзбек тилига таржима қилиниб, Андижондаги Иванов босмахонасида чоп этилган ушбу асар 15 саҳифадан иборат бўлиб, унда асосан Таъсис Мажлисини бундай деб номланиш сабаблари [7. 5], сайлов тамойилларининг умумий ва яширинлиги [7. 6], Мажлисда давлат бошқарув усули танланиши [7. 8], муносиб номзодлар сайлаш зарурати [7. 9], унинг барча учун мажбурий бўлган Конституция ва қонунлар ишлаб чиқиши, маҳаллий бошқарув идораларини жорий этиши [7. 12-13] каби масалалар тушунтирилган. Асар жуда содда тилда ёзилган бўлиб, оддий аҳоли орасида тарғибот учун мўлжалланган.

Худди шундай мақсад учун мўлжалланган китоблардан бири Ю.Глинский томонидан тайёрланган. Ушбу нашр “Общедоступный очерк о гражданской свободе, демократической республике и об Учредительном Собрании” деб номланиб, асосан Туркистонда яшовчи рус тилида сўзлашувчи аҳоли орасида тарғибот учун мўлжалланган. Ушбу асарда фуқаролар ҳуқуқлари, давлат бошқарув усуллари, бу

борадаги Европа ва Америка тажрибаси, Таъсис Мажлиси: унга сайлов ҳуқуқи ва тамойиллари ҳақида маълумотлар берилган [2. 11-12]. Маълумки, бу даврда мамлакатнинг барча аҳолиси ҳам саводли бўлмасада, қонунга кўра 20 ёшга етган ҳар бир фуқаро ўз номзодини яширин танлаши мумкин эди. Асарда саводи бўлмаганлар учун қуйидагича усул ташкил этилиши таклиф этилади: сайлов округида ҳар бир номзодга бирор нишон ёки ранг танланиши, бундай усул орқали юзлаб, минглаб одамлар ўзларига карточкада маълум бир белги ёки нишонни танлаб олишлари мумкин (масалан, Иванов – тамғасиз, Карпов – қизил рангда, Трифонов – уч йўлли белги, Круглов – битта айлана, Марков – икки юлдузчали ва ҳоказо). Бунинг учун олдиндан ҳар бир сайланувчи учун шартли белгили карточкалар тайёрланиши керак бўлади. Шундан сўнг ўқиш ва ёзишни билмайдиганлар номзодлар орасидан маълум белгига қараб фамилияларни танлаб олишлари мумкин [2. 14]. Шундай қилиб, Муваққат ҳукумат даврида Таъсис Мажлиси борасида чоп этилган маълумотлар ассоан тарғибот характерига эга бўлган.

**Совет ҳукумати даврида яратилган адабиётлар**

Таъсис Мажлиси ҳақида асарлар яратиш совет ҳукумати даврида ҳам давом этган. Лекин совет ҳукумати дастлабки даврида яратилган асарларда фикрлар ошкора ва демократик руҳда баён этилган. Масалан, “Всеобщий Русский календарь” журналининг 1918 йилги 4-сонида бу ҳақида катта бир мақол чоп этилган бўлиб, унда Таъсис Мажлиси бундан кейинги Россия давлат бошқаруви усулини танлаши зарурлиги (монархия ёки республика), сайловнинг демократик усули (умумий, тенг, тўғри ва яширин), депутатлар сони аҳоли сонига мутаносиб бўлиши, сайловчилар учун қулай йўл танланиши, депутатлар ўз фикрини эркин ифода қилиши таъминланиши, саводи бўлмаган шахсларнинг ҳам сайловда қатнашиш имконияти таъминланиши, қонун турлари (асосий ва одатий, умумий ва маҳаллий), қонунлар қабул қилиниши жараёнининг 4 босқичга бўлиниши (1. Лойиҳа тайёрланиши; 2. Муҳокамаси; 3. Қонун лойиҳасининг тасдиқланиши; 4. Халққа эълон қилиниши), референдум ҳақида маълумотлар берилган [1. 60]. Шунинг билан бирга, мамлакатда ўрнатилган демократик республика, унинг моҳияти, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланиши, кўп партиявийлик тизими, Россияда фаолият юритаётган баъзи партиялар дастурлари (социал-инқилобчилар, социал-демократлар, халқ социалист, халқ эркинлиги) ҳақида маълумотлар берилган [1. 61].

Россияда чақирилиши керак бўлган Таъсис Мажлиси ҳақидаги тадқиқотлар кейинги вақтларда ҳам давом этган. Жумладан, рус тарихчиси Н.Шавеко томонидан яратилган асарда Таъсис Мажлиси сайловларига тайёргарлик, сиёсий партияларнинг сайловларга муносабати, большевик ҳукуматининг Таъсис Мажлисига нисбатан тутган мавқеи, эсерлар партиясининг қуролли қаршилик учун тайёргарлиги, Таъсис Мажлисининг чақирилиши ва тақдири масалаларига тўхталган. Гарчи, ушбу тадқиқот илмий нуқтаи назардан ёзилган бўлса-да, унда социалистик ғояни тарғиб қилиш руҳи яққол сезилиб туради. Айниқса, асарнинг партия мактаблари ва коммунистик университетлар учун мўлжалланилганлиги сабабли большевиклардан бошқа партияларнинг парламент ташкил этилишига бўлган муносабати рад этилади [9. 3, 19-20, 123]. Қисқача қилиб айтганда, тарихий воқеликларга нисбатан холислик кўзга ташланмайди.

Совет ҳукумати даврида Бутунроссия Таъсис Мажлисига турли сиёсий партияларнинг муносабати масаласи бўйича ҳам тадқиқотлар олиб борилган. Жумладан, мамлакатдаги социал-инқилобчи партиясининг Таъсис Мажлисига муносабати ва унда иштирок этиш учун курашига бағишланган Н.Рубинштейннинг “Таъсис Мажлиси тарихига доир” номли тадқиқотида Таъсис Мажлиси масаласига кадетлар, социал-инқилобчилар, меньшевиклар ва бошльшевиклар партияларининг

нуқтаи назарлари, сайловларга тайёргарлик кўришни ташкил этадиган Махсус Кенгаш фаолияти, Таъсис Мажлисида кўриладиган масалалар, унда Россиянинг ягона ва бўлинмаслиги тўғрисидаги қарор қабул қилинганлиги, Мажлис чақирилиши кечиктирилиши ва сайлов натижалари ҳақида маълумотлари берилади [6. 30, 34, 79]. Асар совет ҳукуматининг Таъсис Мажлиси масаласида большевиклар сиёсатини маъқуллаш мақсадида ёзилганлиги учун ундан фойдаланишда танқидий нуқтаи назарни талаб этади.

Совет ҳукмронлигининг сўнгги даврларида О.Н.Знаменский томонидан яратилган “Учредительное Собрание. История созыва и политического крушения” номли асари большевикларнинг тарихга нисбатан қандай муносабатда бўлганликларини янада яққол кўрсатади. Асарда Февраль инқилобидан кейинги Таъсис Мажлисини чақириш учун ҳақидаги ғояларнинг кучайиши [3. 11-20], Мажлисни чақириш муддатини аниқланиши [3. 61-65, 103-110], сайловолди сиёсий партиялар ўртасидаги кураш [3. 200-210], сайловларнинг ташкил этилиши, мамлакатнинг 12 округида, жумладан,Туркистон ўлкасининг Фарғона, Еттисув, Самарқанд вилоятлари ҳамда Амударё бўлимида кечиктирилиш сабаблари очиб берилган [3. 257-265]. Асар бутунлай социалистик руҳда ёзилганлиги сабабли Таъсис Мажлисига нисбатан большевиклар сиёсатининг “иккиюзлилик” сиёсатини оқлашга қаратилганлиги яққол сезилиб туради. Чунки, ушбу масалага бағишланган барча чет эл тарихчилари асарларидаги тўғри факт ва таҳлилларнинг барчаси рад этилади [3. 5]. Бундан асарнинг асл мақсади ўқувчиларни мамлакатда мажбурий равишда ўрнатилган социалистик тизимни ишонтиришга қаратилганлигини кўриш мумкин.

**Совет Иттифоқи тарқалгандан кейинги даврда яратилган асарлар**

Совет давлати қулаганидан кейинги йилларда муаммо юзасидан олиб борилган тадқиқотлар партиявий ва синфийликдан холислиги, асл воқелик билан бир хил ва кенг кўламлилиги билан ажралиб туради. Тадқиқотлар турли партиявий тазйииқлар ва бўёқларсиз яратила бошланган. Бу борада Л.Г.Протасов томонидан яратилган “Всероссийское Учредительное собрание: история рождения и гибели” асарини кўрсатишимиз мумкин. Муаллиф Таъсис Мажлиси тарихини ёритишга янгича руҳда ёндошиб, у ҳақида қуйидаги хулосаларга келган: большевиклар дастлабки даврда Таъсис Мажлиси масаласи тарафдори бўлсалар-да, ўзига хос Россия парламентига айланиб, ҳокимиятни советларга беришга қарши чиқиши мумкин, деган фикрда эдилар [4. 35]; Кадетлар партиясини Таъсис Мажлиси чақирилишини уруш охиригача чўзиб туриш таклифи мамлакат сиёсий ҳаётида нуфузини пасайишига сабаб бўлган [4. 42-43]; Октябрь давлат тўнтаришидан кейин миллий ўлкаларда мухторият учун кураш ва миллий парламент ташкил этиш учун курашнинг бошланишига олиб келган [4. 44] ; Большевиклар ҳукумати томонидан Таъсис Мажлисига қарши “советлар” формасини таклиф этиши, совет матбуоти томонидан сайлов якунларини сохталаштиришга ҳаракат қилганликлари, мағлубиятнинг сабаби сайловнинг Керенский ва буржуазия томонидан ишлаб чиқилган Низом асосида бўлганлиги эди [4. 265].

Шундай қилиб, собиқ советлар ҳудудидаги мамлакатлардан илк марта Таъсис Мажлисига нисбатан холис фикр ёритилган тадқиқот яратилди. Муваққат ҳукумат миллий ва диний чеклашларни бекор қилишни ваъда берган бўлса-да, бу масалани ҳал қилишни орқага сураётган эди. Бундан ташқари, ҳукуматнинг асосини ташкил этган кадетларнинг улуғдавлатчилик анъаналаридан воз кечолмаганлиги, собиқ империяни бутунлигича сақлаб қолишга интилиши руслардан бошқа миллатларни Таъсис Мажлисини кутиб турмасдан миллий мустақиллик учун ҳаракатнинг кучайишига сабаб бўлган. Миллий ҳаракатнинг ривожланишига ҳокимиятда турган

партиянинг етилган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий муаммоларни еча олмаслиги ҳам сабаб бўлди.

Л.Г.Протасовнинг кейинги “Люди Учредительного собрания: портрет в интерьере эпохи” номли асари эса бу борадаги муҳим тадқиқотлардан бири ҳисобланади. Чунки муаллиф ўз тадқиқотида масалага бутунлай янгича нуқтаи назар билан қараган. У Таъсис Мажлиси ҳақида анъанавий қарашдан қочиб, кўпроқ таҳлилга эътибор қаратган. Унинг муҳим хулосаларидан бири, Россияда Таъсис Мажлиси мағлубияти асосий сабаби бу мамлакатда сиёсий элитанинг йўқлигидир [5. 11]. Бундан ташқари, у илк марта сайловларнинг қандай борганлиги, асосан сайловнинг пропорционал усули танланганлиги сабаблари [5. 24-30], депутатлар демографик таркиби [5. 53-65], халқнинг Таъсис Мажлисига муносабати [5. 423-435], энг асосийси эса депутатлар қисқача биографик маълумотларини [5. 245-428] келтирганлигидир. Муаллиф асарининг энг қимматли томони мамлакатда сиёсий элитанинг мавжуд бўлиши шартлиги ҳақидаги хулосасидир. Чунки, мамлакат ички сиёсатида сиёсий элита плюрализмнинг кўринишидир. Бусиз мамлакат ҳар томонлама тараққиёти мумкин эмас. Айниқса, бугунги кунгача диктатура тизимида қолаётган мамлакатлар келажаги хавф остида эканлиги ҳақидаги хулосаси жуда қимматлидир. Муаллиф бунга мисол сифатида XIX аср охири – XX аср бошидаги Россия империясининг сиёсий инқирозини келтиради. Қисқача айтганда, Л.Г.Протасовнинг ушбу асари анъанавий тарихшунослик асарларидан фарқ қилиб, XX аср бошидаги Россия сиёсий тарихига бошқача кўз билан қарашимизга сабаб бўлади.

Бизга маълумки, Таъсис Мажлисига Туркистон ўлкасидан 32 депутат сайланиши белгиланган эди. Лекин ўша даврдаги ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг мураккаблиги сабабли ўлканинг Фарғона, Еттисув ва Самарқанд вилоятларидагина сайлов тўлақонли ўтказилди, холос. Бунинг устига, сайланган депутатларнинг аксарияти Туркистон Мухторияти ҳукумати ва Муваққат парламенти аъзолари эканлиги сабабли Таъсис Мажлиси ишига қатнаша олмаганлар. Туркистондан 18 депутат рўйхатга олиниб, улар Таъсис Мажлисида 1918 йил 13 августга қадар Таъсис Мажлиси рўйхатида қолдирилган [10]. Туркистондан сайланган депутатлар Бутунроссия мусулмонлари бирлашган “Мусулмонлар социалистлар” фракциясига бирлашганлар.

Барча парламентларда бўлгани каби, Таъсис Мажлисида ҳам фракциялар бўлиши кўзда тутилган. Мусулмон депутатлар асосан татар демократлари томонидан ташкил этилган “Мусулмон социалият фракцияси”га бирлашганлар. Бу ҳақида татар тарихчиси А.Хабутдинов ўзининг “Органы национальной автономии тюрко-татар мусульман внутренней России и Сибири в 1917 – 1918 гг.” номли асарида қисқа бўлса-да, маълумот бериб ўтган. Унга кўра, фракция раҳбари Аҳмад Цаликов 1917 йил 5 январь куни ўз фракцияси плафтормасини эълон қилади. Унга кўра, Бутунроссия ХКС миллий ўлкаларга озодликни таъминлай олмайди. Шунинг учун мусулмон фракцияси Россия Федератив Республикаси ва Таъсис Мажлиси санкцияларига бўйсуниш талаб қилинади. Шу билан бирга, чуқур ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар ўтказиш, иқтисодий, этнографик ва диний эркинликларни таъминлаш, аграр соҳада ерни национализация қилиш масаласини қайта кўриб чиқиш, миллий ҳудудларда қўшин ўрнига маҳаллий милиция қисмларини тузиш, жойлардаги ҳарбий қисмларни миллийлаштиришга қарши тўсиқларни бартараф этиш, ҳарбий мажбуриятни жорий қилиш каби талаблар бўлган [9. 32-33].

Бутунроссия Таъсис Мажлиси ҳақидаги юқорида кўриб ўтилган асарлар ҳақида қуйидагича хулосаларни беришимиз мумкин. Дастлабки даврда яратилган

асарлар асосан тарғибот мақсадида яратилган бўлиб, уларда бирор-бир партия ёки ҳукумат тарафига ён босиш ҳолатлари учрамайди.

XX асрнинг 20-йиллари охири – 80-йилларнинг иккинчи ярмига қадар тарихшунослик тадқиқотларида мазкур мавзуга совет давлатчилигининг ягона шакли ва ривожланиши асосида бир ёқламалик билан, “буржуа миллатчи”, “антимарксист”ларнинг хатоларини фош қилиш нуқтаи назаридан ёндашилган. Мазкур тадқиқотларда муаммо давр тақозосига кўра синфий нуқтаи назардан ва қисқа тарзда ёритилиб, муаммонинг асосий моҳияти очиб берилмаган.

Совет давлати қулаганидан кейинги даврда яратилган асарларда эса холислик руҳи сезилиб туради. Уларда бирор-бир партия ёки ҳукумат позициясини мустаҳкамлаш учун ҳаракат сезилмайди. Шу билан биргаликда, ушбу даврга оид тадқиқотларда фактларга эмас, балки таҳлилларга урғу берилганлиги ушбу асарларнинг илмий қимматини янада оширади.

**Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати**


1. Всеобщий Русский календарь, 1918. №4. – С. 60-61
2. Глинский Ю. Общедоступный очерк о гражданской свободе, демократической республике и об Учредительном Собрании. – Ташкент: Типография Штаба Округа, 1917. – 14 с.
3. Знаменский О. Н. Всероссийское Учредительное Собрание: история созыва и политического крушения. – Москва: Наука, 1976. – С. 8-9. 364 с.
4. Протасов Л.Г. Всероссийское Учредительное собрание: история рождения и гибели. – Москва. РОССПЭН, 1997. – С. 368.
5. Протасов Л.Г. Люди Учредительного собрания: портрет в интерьере эпохи. – Москва: РОССПЭН, 2008. – 483
6. Рубинштейн Н. К истории учредительного собрания. – Ленинград: Москва, 1931. – С. 30, 34, 79. (128)
7. Устинов. Жамияти таъсисия (Учредительный Собрания) // Таржимон Усмонжон бин Эшонхўжа. – Андижон, 1917. – 15 б.
8. Хабутдинов А. Органы национальной автономии тюрко-татар мусульман внутренней России и Сибири в 1917 – 1918 гг. – Вологда, 2001. – С. 32-33 (61)
9. Шавеко Н. Октябрьская революция и Учредительное Собрание. – Москва, 1928. – С. 3, 19-20, 123. (256)
10. www.hrono.ru// Указатель. Члены Учредительного собрания – Хронос.

## III – ШЎЪБА. МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ ТИЗИМИДА ЎЗБЕКИСТОН АРХЕОЛОГИЯСИ ВА ЭТНОЛОГИЯСИ МУАММОЛАРИ

# БУХОРО СУҒДИ ВАКИЛЛАРИ БУЮК ИПАК ЙЎЛИДА

***А.Отахўжаев – тарих фанлари доктори, профессор. Ўзбекистон ФА Тарих институти бош илмий ходими***

Қадимдан йўллар турли халқлар ва минтақалараро иқтисодий ва маданий муносабатларни ўрнатишда муҳим ўрин тутган. Бир ҳудуд маҳсулот ишлаб чиқарувчисига, бошқаси унинг истеъмолчисига айланган. Иқтисодий манфаатлар натижасида миграцион жараёнлар юз берган. Миграция эса ўз навбатида янги ҳудудларнинг ўзлаштирилиши, янги йўлларнинг очилиши ва қўшни халқларнинг этно-маданий муносабатларга киришишига имкон берган. Дастлаб маҳаллий аҳамиятдаги савдо йўллари узайиб, ҳудудий ва минтақавий йўлларга туташган.

Ўрта Осиё халқлари азалдан ўз тақдирини, сиёсий барқарорлигини, иқтисодий ривожлаишини ва маданий ҳаётини шимол ва шимолий-шарқий ҳудудлардаги халқлар билан чамбарчас боғлаган. Олимларнинг фикрича, хатто тош асриданоқ, Ўрта Осиё, Сибир ва Олтой ҳудудларида урф-одати, хўжалик юритиши, дини ва маданияти ўхшаш бўлган қардош қабилалар яшашган [1]. Бу қабилаларнинг ўзаро алоқалари ва қўшничилик муносабатлари натижасида тарихда маълум бўлган Лаъл йўли, Нефрит йўли, Дашт йўли, Ипак йўли каби карвон йўлларига асос солинган. Қадимда Олтой ва Ўрта Осиё ҳудудларини боғловчи иккита йўл тармоғи вужудга келган: 1) Олтой-Шарқий Туркистон-Еттисув-Суғд-Бақтрия; 2) Олтой-Гоби чўли-Тибет-Помир довонининг Вахан дараси-Бақтрия. Мазкур йўллар тармоғи Буюк ипак йўлининг асос қисми сифатида қадимий, антик ва ўрта асрлар даври учун хизмат қилган [2].

Марказий Осиё бўйлаб тармоқ ёйган савдо йўлларида карвонлар Хитойдан шойи, Ҳиндистондан зиравор ва зебу-зийнат, Эрондан кумуш буюмлар, Византиядан матолар, Суғддан хўл ва қуруқ мева, чорва, металл буюмлар, сопол каби маҳсулотлари юклаб Мурғоб, Амударё ва Сирдарёдан кечиб, Қорақум ва Қизилқумни босиб, Марв, Бухоро, Самарқанд, Бунжикат, Банокат, Ўтрор, Ясси, Тороз, Исфижоб, Жул, Сиёб, Навкат, Балосағун ва Барскан шаҳарларига, Хоразмнинг Кат, Кудар, Урганч ва Хазарасп шаҳарларига, Помир, Тяншан, Олтой этакларига, Гоби ва Такламакондан ўтиб, Гансу, Турфон, Хўтон ва Тошработ томонларга етиб борган.

Бу давр учун савдо иши муҳим сиёсий ва иқтисодий аҳамият касб этган. Ҳар бир ўлка бу соҳада етакчи бўлишга интилган. Шу жумладан, Суғд ўз геогрфик жойлашувига кўра, минтақа савдо йўлларининг чорраҳасидалиги ва кучли ишлаб чиқариш асосларига эга бўлгани боис бу соҳада анча юксак мавқега эга эди. Марказий Суғдда деҳқончилик ва ҳунармандчилик, Ғарбий Суғдда бу икки тармоқдан ташқари чорвачилик ҳам ривожланган эди. Бу ҳудуд чорвадор дашт билан чегарадош бўлиб, фаол савдо учун қулай эди. Суғднинг бундай жойлашуви Ўрта Осиёда юз бераётган сиёсий, иқтисодий ва этно-маданий жараёнларга ўз таъсирини кўрсатди.

Азалдан деҳқон, ҳунарманд ва чорвадорлараро маҳсулот айрбошлаш учун қулай саналган Бухоро даштликларни тайёр маҳсулот (дон, мева, қурол-аслаҳа, кийим-бош, чорва ва от анжомлари, маиший буюмлар, зебу зийнатлар) билан таъминлаб, улардан чорва маҳсулотлари, ҳунармандчилик учун зарур хом ашё (тери,

жун, шох) оларди. Юртдаги тинчлик ва барқарорлик савдо-тижорат ишини янада фаоллаштирар эди. Бу пайтларда савдо жадаллашиб, бухоролик тужжорлар умумсуғд савдо аҳли сафида узоқ шимоли-шарқдаги шерикларига маҳсулот етиш сари йўл олардилар. Шу аснода савдо йўлларининг аҳамияти ортиб, йўлларда соҳа вакиллари учун зарурий инфратузилмалар шаклланди. Уерларда айрим гуруҳ ҳунарманд ва деҳқонлар муқим яшай бошладилар. Бу суғдий манзилгоҳлар тизимига асос бўлиб хизмат қилди.

Илк ўрта асрларда бухороликлар томонида барпо этилган Ҳамукат шаҳри тарихда маълум [3]. Бу шаҳар 585 йилги Абруй исёнидан аввал ҳам мавжуд бўлган. Исёндан қочиб борган бухороликлар бу шаҳардан паноҳ топганлар. Исён бостирилгач, бизнингча, бир гуруҳ бухороликлар бу шаҳарда муқим қолиб, уни савдо-тижорат ва маданий марказга айланишига муносиб ҳиссақўшганлар.

Бу каби шаҳар тизимини яратишда савдо воситачилари ва дипломатлари бўлмиш тужжорлар, рақобат бардош маҳсулот ишлаб чиқарувчи ҳунармандлар ва миришкор деҳқонларнинг ўрни беқиёс эди. Улар минтақа шаҳарсозлиги маданиятига, кўчманчиларнинг ўтроқлашуви жараёнига таъсир кўрсатдилар. Бу ҳақда хитойшунос Э.Г. Пулейбланк берган таъриф диққатга сазовардир. У “улар (суғдийлар) нафақат моҳир савдогар, балки мусаввир, ҳунарманд ва янги дин тарғиботчиси эдилар. Суғдийлар Марказий Осиёга Ипак йўли бўйлаб ўрнашдилар, кўчманчилр орасига кириб бордилар. Шулардан бири суғдийларнинг туркларга цивилизацион таъсиридир” [4] деб, ёзган эди. Маълум бўлишича, суғдийларнинг Марказий Осиё бўйлаб манзилгоҳлар қуриш жараёни милоддан аввалги IV асрдан то милодий X асрларгача давом этган. Тахминан бир ярим минг йиллик давр давомида ипак йўлида олиб борилган алоқалар ривожига улар беқиёс хисса қўшганлар деб, эътироф этади хитойлик тарихчилар Ванг Чэнгья ва Гуан Лянжилар [5].

Бу жараёнда барча Ўрта Осиёдаги тарихий-маданий вилоятларнинг вакиллари иштироки кузатилади. Жумладан, Ғарбий Суғд – Бухоро воҳаси аҳли ҳам фаол бўлган. Буни туркшунос аллома Маҳмуд Кошғарийнинг ушбу фикрлари ҳам тасдиқ этади. У “Болсоғунликлар суғдча ва туркча сўзлайдилар. Тароз ва Мадинат ул-Байза (Сайрам) шаҳарларининг халқлари ҳам суғдча ва туркча сўзлайдилар... Улар (суғдийлар) Самарқанд ва Бухоро ўртасидаги Суғддан бўлиб, турклашиб кетганлар” деб [6], маълумот беради.

Асрлар давомида суғдийлар иштирокида ўнлаб манзилгоҳлар вужудга келтирилди. Вэй Шоу (506-572) томонидан битилган “Вэй сулоласи тарихи” (“Вэй шу”) асари Шимолий Вэй (385-535) ва Шарқий Вэй (504-55) сулолалари тарихларига бағишланган бўлиб, асарнинг 102-бобида кўрсатилишича, милоддан бир неч аср муқаддам Хэши йўлагида Рузие давлати мавжуд бўлган. Шу боис бу ердаги савдо ишлари улар назоратида бўлган. Мавжуд ўлкада суғдийларнинг эркин ҳаракат қилишларига шароит яратиб берилган. Айрим маълумотларга кўра, рузие (юэчжи)лар, суғдийлар ва сакларнинг турклар билан этник бирлиги бўлган. Қадим замонларда суғдийлар Каспий ва Орол денгизларининг шимолий соҳилларида яшаган бўлиб, кейинчалик улар жанубга кўчган ва у ерда давлат ташкил қилган. Ушбу давлат Суғд (хитойча Суте, Суйи) деб номланган. Қадимий турклар таркибидаги турк қабиласининг аждодлари ҳам Каспий ва Орол денгизларининг шимолий соҳилларида яшаган, кенийчалик улар шарққа кўчган [7]. Бу эса этник ва генетик яқин элатлар учун муҳим омил эди. Шу боис Марказий ва Ғарбий Осиё мамлакатларидан олиб келинган товарлар Хитойга олиб кирилиши учун Хитой билан қулай савдо манзиллари Лояндан Чаъангача ва ундан Цзюцюангача бўлган ҳудудларда кенг тармоқ ёйди [8]. Бундн ташқари, асосини самарқандлик, бухоролик ва чочликлар ташкил этувчи манзилгоҳлар Бойкўл орти, Амур дарёси бўйи ва хатто

Приморье ўлкаси қадар бунёд этилди [9]. Тан сулоласи даврига қадар, 618 йилгача Шимолий Хитой ҳудудида олтида йирик асосан суғдийлардан иборат округлар вужудга келди. Хитойлар томонидан Лю-ху-чжоу, туркий битиклардан – Култегин ва Билга хоқон тошларида "Алты чуб суғдақ" деб номланди [10]. Хусусан, хитой манбаларида келтирилишича, Цзюцюанда мил. авв. 104 йилдаёқ суғдийлар округи ташкил этилган. Бу округ аҳолиси асосан Ан (Бухоро)ликлардан иборат бўлган [11]. Мана шундай округлардаги мазилгоҳларда туғилиб ўсган суғдийлар турклар билан яқин муносабатда бўлиб, ўрни келганда моҳир дипломат сифатида турк давлатчилигини яралишида ўз ҳиссалари қўшганлар.

Хитой манбалари ўртаосиёликларни ҳудудий жиҳатдан 9 оила (фамилия)га ажратади. Канг – самарқандликлар, Шы – шаҳрисабзликлар, Ши ёки Ши-Ло – Чоч ва илоқликлар, Ми – маймурғликлар, Тсао – Уструшона ва фарғоналиклар, Хуошюн – хоразмликлар ва албатта Ан – бухороликлар каби. Хусусан, Дунгхуандаги Сингхуа қишлоғида яшаган суғдийлар орасида Ан (Бухоро)дан келиб ўрншиб қолган Ан Хаоди, Ан Жяша исмли шахслар яшаган. Эҳтимолки, Дунгхуандаги Анчэнг шаҳри [12] бухороликлар томонидан ташкил этилган ва асосан бухорийлар бориб ўрнашган шаҳар бўлиши мумкин. Чунки Вэй хонадони сулоласи даври (220-265)да хитойликлар тадбиркор суғдийлардан фойдаланиш мақсадида уларга катта имтиёзлар яратиб берган. Шу боисдан Суғддан Хитойга кўчиб борган аҳолининг сони ортиб борган. Суғдийлар туркийлар ва хитойлар ўртасиаги Ганьсу (Кенгсув) ўлкасидаги Хэси йўлагида фаол бўлганлар. Бу карвон йўлларининг ўтиш ҳудуди пойтахт Чангъанга олиб чиққан. Хитой ўзаро урушлар билан бўлган кезларда Хэсидаги назорат суғдийлар қўлига ўтган ва улар мустақил иш юритиб, савдо ишларини давом этганлар. Бу ҳақда хитой тарихчиси Ли Минвэй: "Хэши йўлаги маълум даражада ўзига хос мустақил ва ярим мустақил мавқега эга бўлиб, бу ерада тинчлик-хотиржамлик нисбатан барқарор эди. Шунинг учун Туркистон савдогарлари, йниқса суғдийлар бу ерда узоқ яшаб қолганлар. Бу ернинг бозорлари ҳам уларнинг манфаатларига мос келган. Хэши йўлагида жойлашган Гуочжоу (Анси), Сучжоу (Жючюан), Шачжоу (Дуньхуан), Ганчжоу (Чжангье), Лянчжоу (Увэй) ва Ланчжоу (Гансу маркази) каби вилоятларда суғдийлар кўп учраб турган. Айниқса, Шанчжоу (Дуньхуан) ва Гусанг (Лянчжоу,Увэй) каби жойлар суғдийларнинг нисбатан кўпроқ тўпланган вилоятлари ҳисобланган" [13] деб, ёзган эди. Танг сулоласи даври (618-907)да эса бир миллионлик пойтахт Чангъан аҳолисининг 50 мингга яқини хорижликлар, аксарияти суғдийлар бўлган. IV-IX асрлар давомида марказий Хитойнинг бир қанча шаҳарларида суғдийларнинг савдо-тижорат ва ҳунармандчилик маҳаллалари ташкил топган [14]. Бу қисм аҳоли нафақат турклар ва хитойлар ўртасида воситаси, балки уларни муросага келтиришда ҳам муҳим ўрин тутганлар.

Айтиш мумкинки, Турк хоқонлиги давлатчилиги туркий давлат қурими анъанларидан ташқари, ўтроқ маданият вакиллари таъсирида шаклланиб ўз такомилига етган. Айниқса, азалдан Олтой, Мўғулистон ва Шарқий Туркистонда мавжуд бўлган суғдий савдо манзилгоҳлари тизимидаги бошқарув услубининг кўп жиҳатлари турклар томонидан ўзлаштирилган. Бу эса хоқонлик маъмурий-бошқарувига кўплаб суғдийларнинг жалб этилиши орқали ҳам ўз тасдиғини топади. Манзилгоҳлардан қўним топган суғдийлардан бири Гансуда яшовчи бухоролик Ан-Напаньто (Нахбанд) Бумин хоқон (551-553) ўрдасидаги эътиборли шахслардан бўлиб, 545 моҳир дипломат сифатида хитойликларни асосий рақиб жужан (авар)ларни турклар томонидан бартараф этилишида ҳайрихоҳ бўлишга кўндира олган. Туркларнинг келгуси режа ва мақсадларидан воқиф этган. Дулон (Тўнга Турон) хоқоннинг (588-599) энг яқин маслаҳатчиси келиб чиқиши бухоролик бўлган

Ан Суй Цзе Хитойнинг турк сиёсатига таъсири ўтказишига қаттиқ қаршилик қилиб, хоқонни мустақил сиёсат юритишга ундаган [15]. У каби суғдийлар Турк хоқонлигининг оёққа туришига, Хитойнинг туркларга нисбатан таъзиқ ўтказувчи сиёсатига муносиб қаршилик кўрсатганлар. Шу боис ҳам Суй сулоласи бир пайтлар Шарқий Туркистондаги ноиби бўлиб ишлаган Пэй Цзюй суғдийларни ўз тарафига оғдириш мақсадида суғдий савдогарларни қўллаб қувватлаган эди. Бироқ суғдийлар айнан уни Турк хлқони Сивар (Шиби) хоқонининг асосий рақиби деб билганлар ва Пэй Цзюйга сиёсий мухолифга айланганлар. Шу сабабли Пэй Цзюй ўз императорига 607 йилда битилган махфий мактубда: “Турклар ниҳоятда соддадил ва узоқни ўйламайдилар. Улар орасига нифоқ солиш осон. Афсуски, улар ичида кўплаб муғамбир ва тадбирли сухдийлар яшайди. Ана ўшалар туркларга ўргатади ва йўл-йўриқ кўрсатиб туради” [16] деб, ёзгани бежиз эмас. Турк хоқонларига бўлган садоқати ва беминнат хизмати учун суғдий оқсоқоллар хоқонлик тасарруфидаги йирик қабила сардорларига бериладиган элтабар (Тавар (Таспар) хоқон эли – А.О.) унвонига мушарраф бўлганлар. Суғдий ва туркийлараро аралаш никоҳлар натижасида юқори давлат лавозимига эга суғдийлр хоқон аслзодаларига хос Ашина насаби билан ҳам атала бошлаганлар. Ўнлаб самарқандлик ва бухоролик эса хоқоннинг ўғли ёки укасига мансуб “тегин” унвонига лойиқ топилганлар. Ҳарбий салоҳияти боис суғдийлар “шад” унвони остида ўн минглаб турк қўшинларини бошқарганлар. Шулардан бири Туруғшод эди. Унинг ўғли эса гарчи отаси каби шад унвонига эга бўлмасада элхоқоннинг эъзозига ва турк халқининг ҳурматига сазовар бўлди. Иқтидори ва топқирлиги билан шуҳрат қозонди. Шу боис уни Эльби Незук элтабар унвони остида хоқон Гоби чўли жанубидаги ҳудудлар устидан ҳукмрон этиб тайинлади. Бу ерда у “туркийлар ва суғдийлар хоқони”га айланди [17].

Хоқонликни ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий жиҳатдан қудратга тўлишидан манфаатдор бўлган суғдийлар, хоқонлик ташкил топган ҳудудларга жойлашганлар. 630 йил арафасида “буюк сардорлар” самарқандлик Кан Су-ми ва бухоролик Ан-Тухан ўзлари билан 5000 юртдошини олиб келади. Ан-Туханнинг отаси Ан-Ухуан турк хоқони хизматида бўлиб “элтабар” унвонига эга эди. Бу унвон хоқонларнинг энг ишончли ва яқин кишиларига, йирик қабила бошчиларига бериларди.

Хитой манбалари суғдийларни турклар орасидаги йирик қабила сифатида тилга олади[18]. Суғдийлар нафақат сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳаларда, балки ҳарбий жабҳада ҳам ўрнак эдилар. VIII аср бошларида Қапоҳон хоқон ҳукмронлиги даврида Ан Ян-Ян исмли бухоролик саркарда турк қўшинларига бош бўлиб, 50 йил аввал асир олиб кетилган турклар ва суғдийларнинг авлодларини хитойлар асоратидан қутқаришда иштирок этган. У аслзода ашина уруғига мансуб турк зодагонининг қизига уйланган[19]. Бундай ҳолат тез-тез учраб турарди. Турклар ва суғдийлар ўртасида қариндошлик риштлари азалий эди.

Бухоролик сухдийлар орасида Хитой тарихи Ан Лушан номини эсдан чиқармайди. У бошлаган исён 755-762 йилларда тан империясига жиддий талофат етказди. Ан Лушан Тан императори Сюан-Цзун саройида генерал лавозимида ишлаб, чегара ҳудудларини назорат қилган. Бироқ саройдаги фитналар ва ички зиддиятларга барҳам бериш мақсадида Ан Лушан киданларга қарши ташланган қўшинини Тан армиясига қарши ташлади [20]. Бизнингча, унинг қўшини турклар, суғдийлар ва хитой бўлмаган қабилалардан тузилган ёлланма қўшин бўлган кўринади. Тан амалдорлари шарқий пойтахт Лоянни эгалаб мустақил сиёсат бошлаган Ан Лушанни бартараф этиш йўлини изладилар. Улар Ан Лушаннинг тўнғич ўғли Ан Цин-сюйни қатл этдилар. Ан Лушан самарқанд (кан)лик хотинидан туғилган иккинчи ўғли Ан Цин-сюяни ўз давлати тахт ворисi деб эълон қилди. Бироқ Ан Лушан 55 ёшида финта қурбони бўлди. Унинг ўрнини ворис ўғли давом

эттира олмади. Гарчи у моҳир жангчи бўлсада, раҳбарлик қобилиятига эга эмас эди. Ан Лушан ишини яна бир келиб чиқиши бухоролик бўлган генерал Ан Тай-цзин давом эттирди. Тахт эса Ан Цин-сюя қўлида қолаверди. Тан императорлари бу исённи бостириш учун шаҳзода Ябғу бошчилигидаги уйғур хоқонлиги отлиқ қўшинларидан фойдаланди [21]. Бу “туркни турк енгади” қабилидаги сиёсат эди. Исёнчилар маркази Сянчжоу беш ой қамал қилинди. 759 йил апрелида Ан Лушанинг собиқ сафдоши чоч (тошкентлик) зобит Ши Си-мин исёнчиларга ёрдамга етиб келди. Тан ва уйғур қўшинлари чекинишга мажбур бўлди. Ши Си-мин вазиятни қўлга олди. Ан Лушанга фитна қилиб уни ўлимига сабаб бўлган тўрт ўғил ва генералларни қатл эттирди. Ан Лушаннинг жами 11 та ўғли бор эди. Ши Си-мин ўз укаси Ши Чао-цзинни тахт вориси этиб тайинлади. Бироқ катта укаси Ши Чао-и (асирадан туғилган) фитна уюштириб ҳокимиятни қўлга олди. Акаси ва укасини ўлдиртирди. Ши Чао-и уйғурларни ҳам ўз тарафига оғдирди. 762 йилда уйғур хоқони Бёгю хоқон катта қўшин билан тан империяси чегарасида пайдо бўлди. Хитой генерали Пугу Хуай-эня уйғурларнинг бу кучини Ши Чао-ига қарши йўналтиришга эришди. Исён бостирилиб, Ши Чао-и қатл этилди [22]. Ўртаосиёлик муҳожирларнинг бу исёни Тан салтанатини таназзулини тезлштирди.

VII-VIII асрларда суғдийлар томонидан Бойкўлга қуядиган Селенга дарёси ирмоғида Бойбалиқ шаҳри бунёд этилди. Хитой тарихчилари Бойбалиқ атамасини Бухородаги Пойкент – Бойкент шаҳри номидан олинган деб ҳисоблайдилар [23].

Хулоса қилиб айтганда, Суғднинг Самарқанд, Бухоро, Кеш қисмидан, Чоч ва Фарғонадан Шарққа хижрат қилган ўртаосиёликлар Марказий Осиё тарихида муносиб ўрин тутиб, ўз салоҳиятлари ва саъйи-ҳарактлари билан минтақа сиёсати, иқтисоди в маданиятига ҳамда этномаданий жараёнларга салмоқли ҳисса қўшганлар. Улар орасида Ан –Бухоро вакиллари алоҳида ўрин тутди.

**Фойдаланилган манба ва адабиётлар**

1. Окладников А.П. Центрально-Азиатский очаг первобытного искусства. – Новосибирск, 1972. – С. 54.
2. Мавлянов У. Древние пути Центральной Азии: к проблеме древних взаимосвязей Средней Азии и Алтая // Великий шелковый путь . Культура и традиции. Прошлое и настоящее. Материалы научно-теоритического конференции. – Т., 2006. – С.122-123.
3. Наршахий. Бухоро тарихи. –Т.: Камалак, 1991. – Б.91.
4. Pulleyblank E.G. A Sogdian colon in Inner Mongolia // Tang Po, 1952, vol. 41, – p. 317-356.
5. ХўжаевА. СуғдийларнингХитойгаборибқолиши // Мозийдан садо, 2002. – № 2. – Б.42.
6. Маҳмуд Кошғарий. Девонилуғот-ит-турк (Туркий сўзлар девони). 1 жилд. – Т., 1963. –Б.65-66.
7. Хўжаев А. Қадимги хитой манбаларида туркий халқларга оид айрим этнонимлар // O’zbekiston tarixi, 2003. – №1. – Б.3-11; Ходжаев А. Сведения китоайских источников о тюрках в II и I тыс. до нашей эры // Ваимодействе Казахстана с сопредельными странами в XVII – нач. XX вв. Современный взгляд на проблемы. – Актюбе, 2004. – С.16-22; Хўжаев А. Хитой манбаларида суғдийларга оид айрим маълумотлар // O’zbekiston tarixi, 2004. – № 1. – Б.52-61.

**8.** Harmatta J. Irano-Turcica // Acta orientaia Hungarical. – T. 25. – London, 1972. – p.152-165; Буюк ипак йўли6 муносабатлар тақдирлар. Т. 6 ЎзМЭ. 2007. – Б.215.

**9.** Зуеев Ю .А. Ранние тюрки: Очерки истории и идеалогии. – Алматы, 2002. – С.158.

**10.** Кляшторный С.Г. Древнетюркские рунические памятники как источник по истории Средней Азии. – М.: Наука, 1964. – С.78-80, 93-94.

**11.** Малявкин А.Г. Историческая география Центральной Азии. – Новосибирск, 1981. – С.155; Зуев Ю.А. ранние тюрки… – С.158.

**12.** Хўжаев А. Хитой манбаларида суғдлрга оид айрим маълумотлар // Ўзбекистон тарихи, 2004. – №1. – Б.58.

**13.** Хўжаев А. Суғдийларнинг Хитойга бориб қолиши. – Б.40; Хўжаев А. Буюк ипак йўли: муносбатлар ва тақдирлар. – Т.: ЎзМЭ, 2007. – Б.212-214.

**14.** Хўжаев А. Хитой манбаларида суғдлрга оид айрим маълумотлар. – Б.58.

**15.** Кляшторный С.Г., Лившиц В.А. Согдийская надпись из Бугута // СНВ. Вып. X. – М.: Наука, 1971. – С.143-144.

**16.** Кляшторный С.Г. Древнетюркская письменность и культура Центральной Азии // Тюркологическаий сборник. 1972. – М.: Наука, 1973. – С.258; Кляшторный С.Г., Лившиц В.А. Согдийская надпись из Бугута. – С.144.

**17.** Зуеев Ю .А. Ранние тюрки: Очерки истории и идеалогии. – С.159.

**18.** Кляшторный С.Г., Лившиц В.А. Согдийская надпись из Бугута // СНВ, 1971. Вып. X. – С.144.

**19.** Кляшторный С.Г. Древнетюркские рунические памятники как источник по истории Средней Азии. – М.: Наука, 1964. – С.121.

**20.** Камалов А.К. Положение иноземцев в Танской империи: восстание Ань Лушаня –Ши Чао-и (755-762) // Shygya, – Алматы, 2005. – №2. – С.10-13

**21.** Камалов А.К. Положение иноземцев в Танской империи: восстание Ань Лушаня –Ши Чао-и (755-762) // Shygya, – Алматы, 2005. – №2. – С.13-18.

**22.** Камалов А.К. Положение иноземцев в Танской империи: восстание Ань Лушаня – Ши Чао-и (755-762) // Shygya, – Алматы, 2005. – №2. – С.13-18.

**23.** Кляшторный С.Г. Терханская надпись // – СТ, 1980. – №3. – С.91


## ЭФТАЛИТЛАРНИНГ УРУҒ-ҚАБИЛАВИЙ ТУЗИЛИШИ

***Ғ.Бобоёров – т.ф.д., ЎзР ФА Миллий археология маркази***

Ўрта Осиё тарихида V – VI асрларда яшаб ўтган Эфталитлар давлатининг айрича ўрни бор. Турли тиллардаги маълумотлар бошқа туркий элатлар каби эфталитларнинг ҳам бир неча уруғ ва қабилаларга бўлинганини кўрсатади. Хитой йилномаларида эфталитлар ёки “оқ хун”лар “етти уруғли” деб тилга олинган бўлса-да[1], бироқ улар қайси уруғлар экани айтилмайди. Бугунги кунгача изланувчилар эфталитларнинг бир неча уруғни ўз ичига қамраб олганлигини айтиб, улардан айримларини келтириб ўтсалар-да, барча уруғлари бир орада келтирилган билгиларга деярли дуч келмаймиз.

Хитой йилномаларида йеда (эфталит)ларнинг келиб чиқиши юечжи, сюнну (хун), гао-че / гао-гюй [2] каби марказий осиёлик кўчманчи элатлар билан боғланса [3], мусулмон (араб, форс) манбаларида эфталитлар «ҳайатила» (ҳайталлар) ўлароқ келтирилиб, халаж, кумижи [4] ва канжина турклари уларнинг авлоди, деб кўрсатилади [5]. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг “Мафотиҳ ал-улум” асарида (X аср) қуйидагича маълумотлар ўрин олган:

"Ҳайатила – Тўхористонни бошқарган қудратли кишилар гуруҳи, Халаж ва Канжина турклари уларнинг авлодидир" [6].

Арман манбаларида эса Шимолий Кавказда яшайдиган қабилалар орасида "Камичик Хепталк" номи учраб [7], у араб манбаларидаги "Кумижи турклар"га тўғри келади. Яшаш ҳудуди Тўхористондаги Вашгирд ва Бадахшон оралиғига тўғри келувчи кумижилар бу ернинг қадимги аҳолиси бўлиши билан бирга, кейинчалик эфталитлар, сўнгра эса турклар орасига сингиб кетгани ёки қадимданоқ туркий тилли бўлгани эҳтимолдан йироқ эмас.

Хитой йилномаларида Ко-ло-и-та этноними учраб, Ж. Клосон уни туркий асосда "Қора-Ҳебдал" шаклида тикласа [8], тибет манбаларида ҳебдал туркларнинг 11-чи қабиласи сифатида келтирилади [9]. Сурёний муаррих Захар Ретор (VI аср) Шимолий Кавказдаги Дарбанднинг шимолида чодирларда яшайдиган 13 та хун қабиласини қуйидагича келтиради (тахм. 555 й.): оногур (ўн-ўғур), огур (ўғур), сабар (савир/сувар), булғор, қутригур (тўққиз-ўғур), авар, ағачери (оғоч-эри), дирмар (итимари), сарагур (сари-ўғур), бағирсиқ / барселт [10], кулс [1], абдел ва эфталит [1]. Улар бўйича изланишлар олиб борилган бўлиб, кўпчилик тадқиқотчилар уларнинг туркий бўлганини уқтириб ўтишган.

Хитой, юнон, арман, ҳинд, араб ва форс тилларидаги маълумотлар ўзаро солиштирилганда уларнинг қуйидагича 10 та уруғи бўлгани англашилади:

1) Эфтал (Абдал), 2) Авар, 3) Зобул (?) [1], 4) Канжина, 5) Кумижи, 6), Халаж, 7) Хун (Ол-хун - *Қизил-хун, *Оқ-хун,), 8) Қарлуқ (?), 9) Кадис/Кадисаер [1] /Кадис-хун, 10. Чўл [1].

Ушбу элатлар орасида эфтал, *оқ-хун, *қизил-хун ва авар кабилар хунларнинг бир тармоғи сифатида ҳам билинган бўлса, канжина, қарлуқ, чўл каби элатлар эса ё эфталитларнинг, ё бўлмаса "турклар"нинг бирор уруғи ўлароқ тилга олинади. Айтиб ўтиш керак, ушбу билгиларнинг бир бўлаги бирмунча кейинги даврга тегишли бўлиб, улардаги "турк" атамаси қуруқ Ашина турклари ёки Турк хоқонлиги давридаги туркийларни эмас, хоқонликдан анча олдинги юзйилликларда бошқарувда бўлган Хун, Эфталит каби сулолалар бошқарувчиларини ҳам англатган. Кези келганда айтиб ўтиш керак, VIII – XII асрларда ёзилган юнон, араб, форс, тибет ёзма манбаларида "турк" атамаси остида келтирилган хун, эфталит ва бошқа элатлар билан боғлиқ билгиларни шунчаки анахронизм деб қараш ўзини қанчалик оқлаши масаласини ҳам қайта кўриб чиқиш керак бўлади. Яъни хронологик янглишув ёки анча олдин юз берган воқеликларни кейинги даврлардагилар билан аралаштириб юбориш бу ерда ўзини қанчалик оқлайди?

Шу ўринда эфталитларнинг илк яшаган жойлари ва этногенезига ойдинлик киритадиган тарихий бир далилга тўхталиб ўтсак. Эфталитлар ва қарлуқ турклари орасида қандайдир бир даражада этник боғлиқлик борлигини кўрсатувчи далиллар ҳар иккала элатнинг қўшни яшашлари, ўзаро иттифоқдош экани ёки бири иккинчисининг таркибидаги уруғ сифатида тилга олинишидан ташқари, ҳар иккала этнонимнинг келиб чиқишида яқинлик кўзга ташланиши каби омилларда ўз тасдиғига эга. 630- йилларда Шарқий Турк хоқонлиги Тан империяси томонидан бўйсундирилгач, хоқонликка қарашли уруғ-қабилалар яшайдиган ерларда айри-айри ўлка (округ)лар тузилиб гелолу (қарлуқ), яда (эфталит) каби уруғ ва элатларни ўз ичига олувчи Гэло (Қарлуқ) округи ташкил этилади. Бу округ Хитойнинг Суйюань ўлкаси ўрнида жойлашган бўлиб, ҳозирда бу ер Ички Монголия автоном районидаги Ордос ўлкасининг шимоли ва Хуанхэнинг шимолий қирғоқларига тўғри келади [16]. Бу ер эфталитларнинг илк макони – Олтой тоғларининг жануби-ғарби ва Тяншаннинг шимоли-шарқий қисмларига яқин бўлиши билан бирга, Ғарбий Олтой ва Мўғулистонда азалдан яшаб келган қарлуқларга ҳам унчалик узоқ эмас эди. Бу,

Эфталитлар давлатидан анча кейин, деярли икки аср ўтгач ҳам ушбу элатларнинг бир қисми Тўхористон ва Бадахшонга кўчмасдан ўз асл маконларида яшаб қолганликларидан дарак бериши билан бирга, уларнинг этник томондан яқин бўлганини кўрсатади. Бу яқинлик нафақат Олтой тоғлари теграсида, балки Помир / Бадахшон ва Ҳиндикуш тоғлари этакларида ҳам давом этади. Гардизий "Зайн ал-ахбор" асарида (XI аср) Тўхористон ҳайталлари ва халлух (қарлуқ)лар орасида яқин алоқалар бўлгани тўғрисида «Турк хоқони қарлуқларнинг кўпайгани, устунликка эга бўлгани ва Тўхористон ҳайталлари билан иттифоқ тузиб, улардан қиз олиб, қиз бергани ва Туркистоннинг заифлашганини кўргач, ўлкасининг оқибатидан қўрқди" деб ёзади [17].

Қисқаси, V асрнинг ўрталарида Сосонийлар ҳукмдори Баҳром Гўр (420-438) ўз ўлкасини 427 йилдаги Хионит (Эфталит) босқинидан сақлаб қолиши натижасими ёки минтақага уюштирилган Жуан-жуанлар босқиниданми етарлича аниқланмаган сабабларга кўра Сосонийлар чегарасидаги хун ва эроний кўчманчилар Эфталит сулоласининг қўл остига ўтади. Византия манбаларида Εφθαλῖται, Αβδέλαι, форсча Heftal, Heptal, арманча Hep't'ał, T'etal, арабча Haytal (кўпликда Hayâtila), хитойча Yeh-ta, Yeh-tai-i-li-t'o, Hua) кўринишларида тилга олинган бу этник гуруҳ хитойча Hua (*Авар), грекча Вар-Хун кўринишларида ҳам тилга олиниб, чамаси Авар-Хунларга бориб тақалар эди [18]. Тўғрироғи, улар Хунларнинг Авар деб аталадиган бир тармоғидан эдилар.

Уларнинг келиб чиқиши хунлардан бўлгани эфталит тангаларида ўрин олган αλχον атамасидан кўриниб турибди. Эфталитларнинг сўзлашув тили эса қайси тил оиласи ёки туркумига кириши бўйича турлича қарашлар бор. Уларнинг тили тўғрисида "Лянг-шу" йилномасидагина учрайдиган "тили Туюхунлар орқали тушунилгани" эса эфталитча протомўғул, турк-мўғул ёки прототурк тилларидан бири бўлган, деган қарашга туртки беради. Айрим хитой йилномаларида эса уларнинг тили протомўғулча деб саналадиган Жуан-жуан тилига ўхшамаслиги айтиб ўтилади. Шунингдек, йилномаларда уларнинг тили энг эски турк элатларидан бири – гаочэ (ди, динлин, телэ) тиллари ва турли Ху (Шарқий эроний) тилларига ҳам ўхшамайдиган бир тил эканига урғу берилади. Чамаси, эфталитлар турк тилларининг анча фарқли бир тармоқ тилида, ё бўлмаса турк – мўғул тиллари орасидаги оралиқ бир тилда сўзлашган кўринади.

Демак, эфталитларга айри бир уруғ эмас, "Эфталит" деб аталган бирор-бир бошқарувчи сулола – негизи Вар-хун (Авар-Хун) уруғларининг бошқарувида қурилган, олтой, эроний ва чамаси яна бошқа бир қанча эл-улусларни ҳам ўзи ичига олган, кўчманчи ва ярим кўчманчи элатларнинг сиёсий уюшмаси ўлароқ қараш керак бўлади. Бунга ўхшаш этник томондан аралаш сулолалар (олтой (кўпроқ турк) ва эроний) ўрта осиёликлар учун ёт эмас эди. Бунга Шимолий Ҳиндистон, Афғонистон ва Хуросонда ўз бошқарувини ўрнатган Ғазнавийлар сулоласини ўрнак кўрсатишнинг ўзи етарли. Келиб чиқиши туркий бўлса-да, Ғазнавийлар иш юритишда форсий тилга кўпроқ ўрин берган, бошқарувда кўпинча араб, форс унвонларини ишлатган эдилар.

Эфталитлар давлати ўзининг энг чўққисига чиққан кезлари – VI асрнинг бошларида Тўхористон (Шимолий Афғонистон, Жанубий Ўзбекистон, Жанубий Тожикистон) ва Хуросон (Шимоли-Шарқий Эрон, Жанубий Туркманистон) ўлкалари таянч ҳудуд ўлароқ Ўрта Осиёнинг сезиларли бир қисмида қўл остида бирлаштирган эди. Шимолий Ҳиндистон ва Шарқий Туркистонгача ўз ҳокимиятини ёйган Эфталитлар давлати 565 йилда Турк хоқонлиги ва Сосонийлар Эронининг бирлашган кучларидан енгилгач, тарих саҳнасидан тушиб кетади.

**Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати**


1. Зуев Ю. А. Ранние тюрки: очерки истории и идеологии. Алматы, Дайк-пресс, 2002. – С. 71.
2. Гао-че – бир қисм туркий қабилалар уюшмасининг умумий номи ўлароқ хитой йилномаларида ўрин олган ушбу атаманинг луғавий маъноси “баланд аравалилар” бўлиб, унинг туркий муқобили “тегрек / телега”, яъни “арава” бўлиши мумкин. Хитойлик муаллифлар тегрек / телега (минувчи) деб аталган туркий этнонимни баъзан ўз тилларига ўгирмасдан аслига яқин “те-ле”, баъзан эса ўгириб, “гао-че” тарзида беришган.
3. Ходжаев А. Из истории древних тюрков. – Т.: Тафаккур, 2010. – С. 189-190.
4. Кумижи – Вахш ва Кофирниҳон дарёларининг юқори ҳавзасида жойлашган Кумед вилоятининг қадимий аҳолиси (Гардизи Абу Са'ид. Зайн ал-ахбар. Украшение известий. Раздел об истории Хорасана. Пер. с персидского А.К. Арендса. – Т.: Фан, 1991. – С. 73, 150).
5. Doerfer G. Lexik und Sprachgeographie des Chaladsch. Wiesbaden, 1987. – S. 411-417; Баходиров Р. История Востока в “Ключах наук” // Шарқшунослик, – Т., 2009. – № 14. – С. 114.
6. Баходиров Р. История Востока в «Ключах наук» // Шарқшунослик. Т., 2009. – № 14. – С. 114.
7. Markwart J. Wehrot und Arang. Untersuchungen zur mythischen und geschichtlichen Landeskunde von Ostiran. – Leiden, 1938. – S. 9, 28.
8. Clauson G. Á propos du manuscrit Pelliot tibétain 1283 // Journal Asiatique, 1957. Tome CCXLV. – P. 18.
9. Bacot J. Reconnaissance en haute asie septentrionale par cinq envoyes ouigours au VIIIe siècle // JA. – Paris, 1956. T. CCXLIV. – P. 147.
10. Барселт – юнон манбаларида барсил шаклида ҳам қайд этилган Шимолий Кавказда яшаган туркий қабила номининг кўплик шакли, “барсиллар” маъносида.
11. Кулс – юнон манбаларида холиат шаклида ҳам қайд этилган мазкур этнонимни айримлар хоразмликлар билан, айримлар эса халач турклари билан тенглаштирадилар (Dani A.H., Litvinsky B.A., Zamir Safi M. Eastern Kushans, Kidarıtesin Gandhara and Kashmır,and Later Hephthalıtes // HCCA. Vol. 3. Paris 1996. – P. 181).
12. Alemany A. Batı Avrasya Steplerınde Türk ve Alan Halkları Arasındaki Tarihi Bağlantılar // TÜRKLER. – Ankara, 2002. Cilt 2. – S. 531.
13. Konukçu E. Hind Kaynaklarında Hunlara Dair Bazı Kayıtlar // AÜEF Araştırma Dergisi, S. 5 (Ekim 1972). S. 165; Togan A. Z. V. İbn Fadlans Reiseberich Wellar. Leipzig 1954. S. 194; Göhce S. Hindistan'da İlk Türk Hakimiyeti: Kuşanlar ve Akhunlar / TÜRKLER, 1. – Ankara, 2002. – S. 815-820.
14. Marquart J. Eranshahr nach der Geographic des Ps. Moses Xorenaci. – Berlin, 1901. – S. 77.
15. Akbulut D.A. Akhunlar (Kionit / Hyon) ve Eftalitler Çağında Maveraünnehir veHorasan'da Türkler // TÜRKLER 1. – S. 831-844.
16. Малявкин А.Г. Танские хроники о государствах Центральной Азии. Новосибирск, 1989. – С. 18–19, 161.
17. Şeşen R. İslam Coğrafyacılarına göre Türkler ve Türk ülkeleri. Ankara 1985. – S. 71-72.
18. Golden P.B. An İntroduction to the History of the Turkic Peoples. Wiesbaden: Otto Harrassowitz, 1992. P. 81; Golden P. B. Türk Halkları tarihine Giriş. Çev. O. Karatay. – Ankara: KaraM, 2002. S. 64.

# МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДЕҲҚОНЧИЛИК МАДАНИЯТИДА ЖАНУБИЙ ЎЗБЕКИСТОН АҲОЛИСИНИНГ ЗИРОАТЧИЛИККА ОИД УРФ-ОДАТ ВА МАРОСИМЛАРИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

***Ф.Ш. Раҳмонов – тарих фанлари номзоди., доцент. Қарши давлат университети “Жаҳон тарихи” кафедраси***

Ҳозирги даврда Янги Ўзбекистонни қуриш ва унинг ғоясини халқимиз онгига сингдирилаётган бир пайтда аждодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратилган ғоят улкан, бебаҳо маънавий, маданий меросимизни, ўтмиш тарихимизни, қолаверса, миллий урф-одат, анъана ва маросимларимизни тиклаш, ўзликни англаш каби масалалар давлат сиёсати даражасида ечилиши лозим бўлган ғоят муҳим вазифа қилиб белгиланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек: “Ҳамма ўз тарихини улуғлайди. Лекин бизнинг мамлакатимиздагидек бой тарих, боболаримиздек буюк алломалар ҳеч қаерда йўқ. Бу меросни чуқур ўрганишимиз, халқимизга, дунёга етказа билишимиз керак” [7].

Бугунги кунда ўзбек халқининг деҳқончилик маданиятини тарихий-этнографик жиҳатдан ёритиш деҳқончилик ривожининг ўзига хос қирраларини аниқлашга, халқнинг маънавий қиёфаси, дунёқараши ва диний эътиқодларини тўлароқ тасаввур қилишга имкон беради.

Ўрта Осиёнинг қомусий олими Абу Райҳон Беруний ўзининг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” номли асарида аждодларимизнинг йил фасллари билан боғлиқ равишда ўтказиладиган деҳқончилик маросимлари ва байрамлари тўғрисида қизиқарли маълумотлар беради. Айниқса, алломанинг Наврўз байрами удумлари ва унинг тарихи, шунингдек, “Меҳржон”, “чири”, “умри”, “Ховардминик”, яъни “қовоқ байрами” тўғрисидаги фикрлари муҳимдир [2:280-282].

Ўрта Осиёга ислом дини кириб келгач, ҳар бир касб-ҳунарнинг махсус рисолалари тузилиб, уларда ҳар бир касбнинг қонун-қоидалари ва улар сиғинадиган пирлар ҳақидаги маълумотлар диний руҳда баён этилган [1].

Халқимизнинг кўп асрлар мобайнида шаклланган деҳқончиликка оид урф-одат, маросим ва эътиқодлари бошқа халқлардан ажраган ҳолда пайдо бўлмаган ёки ривожланмаган. Бундай маросимлар тизими ўзбек халқи билан азалдан ёнма-ён яшаб келаётган тожик, қозоқ қирғиз, туркман, қорақалпоқ, уйғур ва бошқа халкларнинг бевосита иштирокида шаклланиб тараққий этган.

Ўзбекларда сув ниҳоятда қадрланган. Суғориш ишлари, деҳқончилик ҳомийси - Бободеҳқон, осмон ёритқичлари ва сайёралар ҳаракати билан боғлиқ эътиқодий инончлар, урф-одатлар, анъаналар, байрам ва маросимлар деҳқонлар ҳаётининг таркибий қисми бўлиши билан бирга, муҳим ижтимоий аҳамиятга ҳам эга бўлиб, оила аъзолари, қўни-қўшнилар, қишлоқ жамоаси аъзоларининг иштирокида уюштирилган.

Қурғоқчилик, ҳосилдорликнинг камайиши, экинларга ҳашаротлар тушиши, бахтсизлик, омадсизлик каби ҳодисаларнинг айбдори ёвуз кучлар, ёмон кўзлар, нопоклик, эгри қўллик, ёлғизлик, илмсизлик ва тарбиясизлик ҳисобланиб, одамлар уларга карши биргаликда курашганлар. Табиий офатларни бартараф этиш ва ёвуз кучларга қарши курашнинг кўплаб урф-одат ва маросимлардан иборат изчил тизими шаклланган. Шунинг учун ҳам улар ўзаро ҳамжиҳатликда ҳаракат қилишган ва ўзларини ўраб турган кўринмас ёвуз кучларни биргаликда енгишга интилганлар.

Дехқончилик ҳомийси - Бободехқон образи билан боғлиқ маросимларни ўтказишдан мақсад ҳам ҳар бир мавсум олдидан Бободеҳқон, Хўжаи Хидир (Хизр) боболардан кўмак сўраб илтижо қилиш бўлган [3]. Ерни шудгорлаш, молалаш,

сараланган уруғни кечиктирмай сепиш, майсалар парваришига эътибор қилиш, ғаллани ўриб-йиғиб олиш ҳамда янчиш ўзаро ҳамкорлик асосида бажарилган.

Деҳқончилик ҳомийси – Бободеҳқонга бағишланган маросим ҳосилдорлик, қут-барака ва эзгулик ғояси билан боғлиқ ҳолда келиб чиққан. Агар шу маросимга эътибор қилинса, оила аъзолари ёки жамоа аъзолари бир жойга тўпланишиб, Бободеҳқонга атаб пиширилган таомни ўртага қўйиб тановул қилишган ҳамда шу аснода жамоа доирасида қилинадиган ишларни режалаштириб олишган [4]. Маросим охирида Бободеҳқон ҳақига дуо ўқиб фотиҳа қилиш ва ундан кўмак сўралиши ҳам бежиз эмас, албатта. Бу эса ушбу маросимнинг генезиси ота-боболар руҳини шод қилиш ва эслаш билан алоқадор қадимий ишончлар мажмуини ўзида мужассамлаштирган аждодларга-ҳомийларга бориб тақалишини кўрсатади.

Ўзбеклар аждодлар руҳини шод этиш ва уларни рози қилиш деҳқончилик йилининг баракали бўлишига таъсир кўрсатади, деб ҳисоблашган. Демак, дастлаб сеҳрли-магик восита ҳисобланган “ис” чиқариш удуми кейинчалик “Қуръон”дан суралар ўқиш одати билан тўлдирилган. Илоҳий кучларнинг қудрати, марҳаматига ишониш деҳқонларга руҳий мадад берган.

Осмон жисмлари ва сайёралар ҳаракати билан боғлиқ мифологик эътиқодларнинг анчагина қисми халқнинг бой эмпирик (тажрибага асосланиш) кузатишлари ва амалиётига асосланган. Зеро, сайёралар ҳаракатини ўрганиш, табиат ҳодисалари ва қушлар ҳаракатларни кузатиш об-ҳавони олдиндан аниклашга имкон берган. Бу эса деҳқонларнинг мавсумий ишларида жуда кўп қўл келган. Тўгал юлдузлари билан боғлиқ ёмон, омадсиз, хосиятсиз кунларни аниқлаш улар билан боғлиқ ҳолда юзага келади, деб тахмин қилинган бахтсиз ҳодисаларга тайёр туриш ва уларга қарши амалий чоралар кўриш ижобий амалий аҳамиятга эга бўлган.

Шунингдек, осмон жисмларини (юлдузларни) фарқлай билиш, уларни муттасил кузатиш асосида муайян самовий маълумотларга эга бўлиш, айниқса, болаларни юлдузлар ҳақида маълумотлар билан таништириш аждодларимизнинг ажойиб ютуғи, деб қараш мумкин.

Аждодларимиз ўзларининг ижтимоий-иқтисодий тараққиёт даражасига мувофиқ диний ва сеҳрли (магик) эътиқодлар билан юлдузлар оламини кузатишган. Заминда юзага келадиган барча воқеа-ҳодисаларни улар юлдуз билан боғлашган. Қашқадарёлик ва сурхондарёлик деҳқону чорвадорлар ҳам ўз аждодлари каби осмон ёритқичлари – Қуёш, Ой, юлдузларнинг само кенгликлардаги ҳаракатларини, довул, қор, ёмғир, ўт-олов, зилзила каби табиат ҳодисаларининг пайдо бўлиш сабабларини тўлиқ тушуниб етмаганлар. Шу боисдан ҳам уларнинг табиатда юз бераётан мўъжизаларга қизиқишлари тобора ортган. Табиат олдидаги ожизликларни ташқи оламга сеҳр-жоду йўли билан ғайри табиий равишда таъсир этиш орқали ҳал этиш мумкин, деб ўйлашган. Шу боисдан ҳам деҳқонлар турмушида учрайдиган кўпгина ирим-сирим, урф-одат ва маросимларда магик тасаввурларнинг қолдиқларини кўриш мумкин.

Ёшларнинг меҳнат тарбиясида деҳқончиликка катта эътибор берилган. Қўш чиқариш ва экин экиш билан боғлиқ удум ва маросимларда катталар билан бирга болалар ҳам фаол иштирок этишган. Жамоадаги энг яхши анъаналар, хусусан, иш бошлашдан олдин маслаҳатлашиш, кексалар ва оқсоқолларнинг сўзига қулоқ тутиш, уларнинг ҳаётий тажрибасидаи самарали фойдаланиш, эҳтиёжмандларга кўмаклашиш ёшлар онгига доимо сингдириб борилган. Ёшлар дала ишлари билан боғлиқ муаммоларни отаси, бобоси ёнида туриб ҳал қилишга ўрганган. Чўл билан чегарадош қишлоқларда ёшлар тарбиясида чорвачилик ва деҳқончилик асосий ўринда турган. Ёшларнинг меҳнат тарбиясига оилада бажариладиган ишлар ҳам ўз

таъсирини кўрсатган. Қизлар гилам тўқиш, кашта тикиш ишлари билан шуғулланган бўлишса, ўғил болалар рўзғордаги хўжалик ишлари билан машғул бўлишган.

Деҳқонлар қўш чиқариш ва экин экиш билан боғлиқ урф-одат ва маросимларни ўтказишга қатъий риоя қилганлар. Бу маросимларда қишлоқнинг каттаю кичиги фаол иштирок этишган. Маросим марказида Бободеҳқон тимсолидаги қариялар ва оқсоқоллар туришган. Албатта, бу иштирокчилар аждодлар таомилларига тўлиқ амал қилган ҳолда иш юритишган. Ҳосилдорлик ҳомийси билан боғлиқ сеҳрли (магик) расм-русумлар ҳам амалга оширилган. Ўрта Осиёнинг бошқа минтақаларида бўлганидек, бу минтақада ҳам Бободеҳқонга атаб “ис” чиқариш, “ис” ёғи билан қўшга қўшиладиган ҳўкиз шохини, омон, бўйинтуриқни мойлаш имон-эътиқодли, серфарзанд ва ували-жували қария томонидан амалга оширилиши ҳамда ҳар йили эрта баҳорда “она буғдой”ни сепиш маросими ўтказилиши анъана тусини олган.

XX асрнинг ўрталарида фан ва техниканинг ривожланиши, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришлар натижасида бу урф-одат ва маросимларнинг анчагина қисми унутилди. Фақатгина Бободеҳқонга атаб “ис” чиқариш билан боғлиқ таомиллар сақланиб қолган, халос.

Бу даврда доимо сув танқислиги сезилиб турган. Дехконлар ҳар бир томчи сувнинг қадрига етишга ҳаракат қилишган. Чунки сув мироблар томонидан “бир қулоқ сув” (бир қулоқ сув - суткада 10 дан 15 танобгача ерни суғорадиган сув микдори [9:181] ҳисоби асосида ўлчаб берилганлиги ҳам фикримизнинг далилидир. Албатта, ўша даврда лалмикор майдонлардаги “оқ экин” ларнинг асосий қисми қор ёмғир суви билан тўйинган. Демак, ҳосилнинг баракали бўлиши ёки бўлмаслиги ҳам ёғингарчиликка боғлиқ бўлган.

Ёз фаслида ўтказиладиган урф-одат ва маросимларда пишиқчилик, хирмон кўтариш, қишки мавсумга тайёргарлик кўриш каби ҳаётий кундалик муаммолар ифодаланган. Ҳосилни ўриш деҳқонлар учун энг қувончли ва масъулиятли давр ҳисобланган. Бу меҳнат жараёнида ҳам кишиларнинг ўзаро бирдамлиги, саховати ва ишчанлиги яққол намоён бўлган. Қишлоқ аҳлининг ҳамжиҳат бўлиб ҳашарда қатнашиши, ўрим давомида халқ достон ва термаларининг ёзигўйлар томонидан куйланиши, илк марта ўримга чиққанларнинг тажрибали ўроқчиларга бириктирилиши, яъни шогирдликка қўйилиши, ҳалолликка чорловчи “барака кесаги” қўйиш одатининг бажарилиши ижобий урф-одатлардан ҳисобланган [5]. Ўрим даврида амалга ошириладиган “обло барака” маросимида “энг сўнгги қийинчиликни” енгиш, буғдой бошоқларининг эъзозланиши, шу билан бирга ҳосилдорлик ҳомийсига бўлган эътиқод ўз ифодасини топган [8:72].

Бошоқли экинларни ўриш ва янчиш билан боғлиқ урф-одат ва маросимлар уюшқоқлик билан ўтказилган. Ўрим билан боғлиқ расм-русумларда деҳқоннинг минг машаққатлар билан етиштирган хосилини нес-нобуд қилмай йиғиб-териб олиш ғояси ифодаланган. Ўрим давомида дон, нон азиз, уни исроф қилиш “гуноҳ” эканлиги тарғиб қилинади. Пайкалдаги ерга тушган сўнгги бошоқ (“мошоқ”) ларни ҳам нес-нобуд қилинмасдан териб олиш элда айб саналмаган [6].

Ўрим давомида ижтимоий аҳамиятга эга бўлган энг муҳим анъанавий удумлардан бири устознинг шогирдига фотиҳа беришидир. Барча касб-ҳунарларда бўлганидек, уста ўроқчи ҳам бу маросимни тантанали ўтказган. Маросимда ўзга бир киши, яъни уста ўроқчидаги ижобий фазилатларии иккинчи кишига (ёш шогирдига) ўтказишнинг сеҳрли, магик воситалари ҳақидаги халқ қарашлари акс этган. Демак, Жанубий Ўзбекистон минтақасидаги деҳқонлар ўз бахтини омадли (хосиятли) кунлардан, ҳалол меҳнат ва сеҳрли кучлардан излашган.

Буғдойни янчиш билан боғлиқ урф-одатларда ҳам қишлоқ деҳқонларининг ҳаёти акс этиб туради. Иш қуролларининг ўта оддийлиги эса иш суръатини анча пасайтирган. Умуман, ҳосилни янчиш билан боғлиқ урф-одатларда ҳам эзгулик ғояси мужассамлаштирилган.

Хирмон кўтариш даврида ҳам бир қанча урф-одатларга амал қилинган. Аввало, хирмондаги кишиларнинг якдиллиги, бамаслаҳат иш тутиши, бир-бирига меҳр-оқибатли янчиш жараёнида амалга ошириладиган одатлар, айниқса ҳамманинг бир қозон ва дастурхондан биргаликда таом тановул қилиш удумида яққол кўзга ташланади.

Чошнинг белини боғлашга ҳам халқ донишмандлиги гоялари сингдирилиб, чош бошида ўтказиладиган “ҳақулло”, “хирмон таги”, “қўш ҳақи” каби расм-русумларда эзгулик, саховатпешалик, халқимизга хос бўлган ҳотамтойлик ва имон-эътиқодлилик фазилатлари мужассамдир.

Деҳқонлар хирмонни совуришда шамол бўлмай қолса, шамол ҳомийси - Ҳайдарга мурожаат қилишган. Деҳқонлар Ҳайдар тимсолини афсонавий шамол ҳомийси сифатида тасаввур қилишган. Кексаларнинг фикрича, Ҳайдар хирмонга барака қўшган. Демак, Ҳайдар ҳам ҳосилдорлик, қут-барака билан боғлиқ мифологик образдир.

Жанубий Ўзбекистон аҳолисининг деҳқончилигига оид жуда кўп анъана, удум, одат, байрам ва маросимлари Марказий Осиёдаги бошқа туркий тилли халқларда ҳам учрайди. Айрим фарклар атамалардагина мавжуд бўлиб, асосан, номларнинг шевага хослиги билан ажралиб турган. Шунингдек, баъзи бир ўзига хосликлар воҳа деҳқонларининг хўжалик юритиш анъанаси ва маданий қадриятлари билан боғлиқ ҳолда юзага келган.

Масалан, Марказий Осиёнинг баъзи ҳудудларида “Лой тутиш” маросимида ариқ қазувчилар ёнидан ўтаётган кишига кетмон ёки белкуракда лой тутиб, бирор ҳунар кўрсатиш талаб қилинган бўлса, ариқ қазувчилар қишлоқдаги ўзига тўқ хонадонга қарашли ҳовлига лой ташлашган ва тушликда ўша хонадонга овқатлангани боришган.

Хулоса қилиб айтганда, деҳқончилик удум ва маросимларида халқимизнинг менталитети, миллий ўзлиги мужассамлашгандир. Энг сара удум ва анъаналар одамларнинг яшашга бўлган завқ-шавқини оширади, халқимизнинг генофондини пок саклашга, соғлом авлодни шакллантиришга ёрдам беради. Шу боисдан ҳам деҳқончиликка оид удум ва анъаналарнинг тарихий илдизларини янада чуқуррок ўрганиш лозим. Бизнингча, ҳар бир маросим ўзининг мақсад моҳиятига кўра маълум шакл ва мазмунга эга бўлмоғи зарур. Бунинг учун шарқона қадимий урф-одат, анъана ва удумларнинг пайдо бўлиши (генезиси), шаклланиши ва ривожланишини акс эттирувчи илмий-оммабоп рисолалар, мақолалар, илмий-услубий қўлланмалар яратиш лозим.

**Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати**


1. Андреев М.С. По поводу процесса образования примитивных Среднеазиатских древних цехов и цеховых сказаний (рисаля)// Этнография. 1927. – No 2. Кн. IV. – С. 123-126; Гаврилов М.Ф. Рисаля сартовских ремесленников (исследования преданий мусульманских цехов). – Ташкент, 1912.
2. Беруний Абу Райҳон. Қадимги ҳалқлардан қолган ёдгорликлар. – Танланган асарлар. 1-том. – Тошкент, 1968.
3. Дала ёзувлари. Ғузор тумани Апарди қишлоғи, 2020 йил.
4. Дала ёзувлари. Яккабоғ тумани Ўрта қишлоғи, 2020 йил.
5. Дала ёзувлари. Шеробод тумани Хитой қишлоғи, 2020 йил.

6. Дала ёзувлари. Музробот тумани, Қўшмон қишлоғи, 2020 йил.
7. Мирзиёев Ш.М. Ислом цивилизацияси маркази қурилиши билан танишувда билдирилган фикрлар. 2018 йил 21 декабрь.
8. Кармышева Б. Х. Об узбекских трудовых крестьянских песнях. Материалы – ТАН Тадж ССР, т.СХХ. – Сталинабад, 1960.
9. Шаниязов К.Ш. К этнической истории узбекского народа. – Ташкент, 1974.

## ҚОРАҚАЛПОҚЛАРДА ҚАЛИН ДАСТУРИ ҲАҚИДА

***А.Пахратдинов – Ўз ФА Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлари илмий-тадқиқот институти***

Қорақалпоқларда никоҳланиш учун келиннинг ота-онасига қалин тўлаш одати сақланиб қолган. Қалин тўлаш никоҳ тузилишининг асосий шарти сифатида патриархал муносабатлар шароитида ривожланган. У тараққий этган мулкчилик муносабатлари замирида мавжуд бўлиб, аёллар пул ва мулкка тенглаштирилади ва алмаштирилади. Қалиннинг таркиби этнос хўжалигининг шакли, яъни унинг қандай маҳсулот ишлаб чиқараётганлигига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлган. Чорвадор халқлар томонидан қалин учун тўлов чорва билан, деҳқончилик ва ҳунармандчилик билан шуғулланаётган аҳолида эса асосан пул ва бошқа деҳқончилик маҳсулотлари билан тўланган.

Қалин бериш дастурининг пайдо бўлиши узоқ даврларда шаклланган оила институтининг пайдо бўлишига бориб тақалади. Шу каби дастурлар кичик жамиятнинг қавм ва уруғ жамоаларининг тарқоқлигининг олдини олган. Қалин тўлови моногамия, яъни бир никоҳликнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ.

XIX асрнинг охири XX аср бошларида қорақалпоқларнинг қалин тўлови никоҳ қуришнинг асосий шарти ҳисобланиб, келиннинг тўй харажатлари ва келиннинг сепи учун товон сифатида қаралган.

М.О.Косвеннинг фикрича, қалин-бу келинга тўлайдиган компенсация пули бўлиб, сабаби у уй юмушларини ишлайдиган ишчи кучи сифатида қаралган. [4,119]. Бизнинг фикримизча, қалиннинг келиб чиқиши махсус комплекс тарзда тақдиқотларни талаб қилса керак, сабаби уни компенсация деб қараш ижтимоий қатлам назариясига тўғри келади.

Айрим информаторларнинг фикрича, қалин янги оиланинг тарқаб кетишига, яъни ажрашишнинг олдини олган [1, №4]. Қалин тўлаган куёв келинни, яъни ёш оиласини сақлаб қолишга ҳаракат қилган. Бунинг асосий сабаби янги никоҳ қуриб, қайта-қайта қалин тўлашга имконияти йўқ бўлган.

Этнографларнинг фикри бўйича, қозоқ, қирғиз ва туркман халқлари қатори қорақалпоқларда ҳам қалин мажбурий ҳисобланган.

Фарғона, Самарқанд, Бухоро қорақалпоқларида келин учун тўлов тўлаш никоҳ қуришнинг асосий шарти ҳисобланган. Қорақалпоқларда қалиннинг асосий қисми қорамол ҳисобланган [3; 92-93]. Бунинг сабабини асосан чорвадор халқ бўлганлиги билан боғлаш мумкин.

Баъзи ўзбек ва тожик гуруҳларида келин-совчиларига қорамолдан кўра кўпроқ пул тўланади. Бу ўтроқ ва товар-пул муносабатларининг жорий этилиши билан боғлиқлиги фикримизнинг тасдиғи ҳисобланади.

Қалиннинг миқдори ҳам шарт-шароитларга боғлиқ бўлган. Хусусан, XIX-XX аср бошларида чорвадор халқлардан унинг ҳажми ўтроқ аҳолига нисбатан кўп бўлган. Ҳар бир этник жамоада қалиннинг ҳажми қудалашаётган оилаларнинг иқтисодий-ижтимоий мавқеига қараб дифференциялашган. Бадавлат, аслзодалар

хонадонида қалин миқдори юқори бўлса, қудалашаётган камбағал оилаларда камроқ ҳажмдаги қалин асосида ҳам никоҳлар тузилган.

Қалиннинг миқдори қуда бўлишни истаган икки томоннинг аҳволи ва имкониятига боғлиқ бўлган. Куёв томон қалыңмалы, сүт ҳақысы, ел қәдеси, өткен әрўақларға атағаны, қыздың ағаларына ат, әке-шешеси, туўысқанларына кийим, той малы, қыз жеңгелерине көйлек, босағадан атлаў, күйеў асар каби расм-удумларда қалин тўлаган. Қиз томон олган қалиннинг миқдорига, ўзининг имкониятига қараб тўй бериб, бир уйга нима зарур бўлса ҳаммасини бериб қизини узатган [7; 62].

Авваллари қорақалпоқларда қалиннинг муғдори 100, 80, 60, 40 «туўар» деб қорамолнинг бош сонини санаган. Жуда бадавлат бўлса, бериладиган қорамолнинг сони ҳам шунча кўп бўлган. Қалиннинг таркибига ҳар хил уй-рўзғор учун зарур бўлган нарсалар кирган. Уларнинг баҳоси келиннинг ота-онасига куёв томондан тўланадиган қалин «туўар» қорамолнинг баҳоси билан ўлчанган. Қалиннинг ўртача баҳоси 8 та қорамол, 8 та қўй-эчки, пахтадан ишланган 8-15 мато, 15 қон буғдой, 10 халта ун, қанд, тамаки, жийда ва ҳакоза. 40 туўар деганимиз 14 та қорамол, унинг ичида битта ҳўкиз, 8 та соғин сиғир ва бошқа нарсалар кирган [6, №48]. Дастур бузилса, икки ўртада келишмовчиликлар келиб чиқиши мумкин.

Умуман, аҳоли орасида натурал хўжаликнинг инқирози, пул-товар муносабатларининг ривожланиб бориши патриархал муносабатларнинг емирилишига, патриархал катта оилаларнинг бўлиниб кетишига ва қолаверса, оила-никоҳ муносабатларида бир қатор жиддий ўзгаришларни юз беришига олиб келди. Бундай шароитда қалин ҳам моҳият жиҳатидан ўзгарди.

Никоҳнинг барча турларини қачон йигит томон қизнинг уйига бориб, фотиҳа ўқиб, қалин тўлаб, қуда бўлдик деб икки томон нон синдиришгандан кейин халқ томонидан маъқулланган. Қалинни беришнинг мақсади – куёв ва келин ўз меҳнатлари билан ҳаражат топиб, ўзларини тиклаб олгунича уй-жой, уй буюмлари, кўрпа-тушак, кийим-кечак билан таъминлаш учун бериш [5,127].

Ҳозирги кунда қалин масаласини келишув санаси ҳар кимда ҳар хил бўлиб, айрим кишилар совчиликнинг ўзида ота-оналарнинг олдиндан келишуви асосида бир неча кундан кейин бўлган. Авваллари совчиликнинг вақтида қалин масаласини келишиб, бу жойда келин томон қишлоқнинг оқсоқоллари, бий ва эшон-муллалари қатнашган. Қишлоқ оқсоқоллари қалин миқдорини имкони борича оширишга ҳаракат қилган. Шу куннинг ўзида келинни олиб кетадиган санани ҳам келишиб олган [2, 64].

Бунинг асосини халқ: «қиз ўз баҳосига эга бўлмаса, бировнинг уйига борганидан кейин ўз қадрини йўатади» - деб тушунган. Уларнинг фикри бўйича «арзон баҳоланган қизлар тез ажрашишади» - деб ҳисоблайди. Шунга қараб қалин миқдорини ҳам ошириб оғирлаштириб юборган. Бироқ ҳамма бир хил эмас. «Тенгин топсанг текин бер» - деб, текинга бериб юборадиганлар ҳам бор [8; 152-153].

Авваллари қорақалпоқларда кўпинча келинни унаштириш дастури кенг тарқалган бўлиб, қалин тўлиқ тўланмай туриб, келинни куёв томон олиб кетаолмаган. Тўлиқ тўлангандан кейин қизнинг ота-онаси олиб кетишга рози бўлиб «ел қәде» тўй берган. Маросимдан кейин қиз томон йигит томонни чақириб тўй беради. Буни халқ орасида ел қәде той деб номланади. Ҳозирги кунда кўпчилик кишилар ушбу тўйда қалинни бермоқда. Олиб келинган қалинни совғаларни одатга кўра дастурни ва қиз томонни яхши биладиган аёл қариндоши қизнинг қариндошларига топширган. Авваллари қиммат совға қизнинг тоғасига топширилган [2, 69].

Ушбу совғалар, албатта, қалиннинг таркибидаги буюмлар ҳисобланади. Уша вақтнинг ўзида қиз томон йигит томонга ўз совғаларини топширган. Қиз томоннинг

йигит томонга совғаси йигит томондан олиб келинган қалинга жавоб совға ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда келин томондан бериладиган нарсалар кундан кунга қиммат баҳоли нарсалар билан кўпайиб бормоқда. Бизнинг фикримизча, бу жараён қўшни халқларнинг таъсири натижасида бўлиши мумкин. Сабаби, авваллари қорақалпоқларда келин томондан кўп нарса берилмаган.

Аввалги даврда қалинни бериб бўлгач, йигитнинг ота-онаси қизнинг ота-онасини меҳмон қилган. Ҳозирги кунда мазкур дастурни қуда шақырыспақ деб атайди. Ушбу маросимга йигит билан қизнинг ота-оналари ва яқин қариндошлари келган. Бунда эркак кишиларни алоҳида хонада, аёлларни эса алоҳида хонада меҳмон қилиб кутилган.

Бугунги кунга келиб, куёв томондан келин томонга бериладиган, тўланадиган қалина, пул кўринишига айланиб бормоқда. Кўпчилик совғалар пулга алмаштирилмоқда. Ушбу дастур кенгайиб, даврнинг таъсири билан трансформацион процесс натижасида пайдо бўлмоқда.

Қалин тўлови қуда-андачиликнинг ўрнини эгаллаб икки томондан сунъий қариндошлик орқали мустаҳкам институтга айланишни таъминловчи ижтимоий норма деб баҳолашса бўлади. Сабаби қалиннинг кўлами, миқдори, сони дастурга мувофиқ бўлиши ва у келгуси ўзаро муносабатларга ўз таъсирини ўтказади.

### Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати


1. Муаллифнинг дала ёзувлари, 2022.
2. Бекмуратова А. Семья и брак каракалпаков в прошлом и настоящем. Нукус. «Каракалпакстан», 1970. – С. 64.
3. Кисляков Н.А. Некоторые брачные церемонии у народов Средней Азии и проблема материнского рода. – М., 1964. – С. 92-93.
4. Косвен М.О. Очерки истории первобытной культуры. – М., 1957. – С. 119.
5. Қарақалпақстан XIX әсирдиң екинши ярымынан XXI әсирге шекем. Нөкис, «Қарақалпақстан» 2003. – С.127
6. Шалекенов У.Х. дала ёзувлари, 1956.
7. Муратбаев Ж. Қарақалпақ шежиреси. Нөкис, «Қарақалпақстан», 1994. – Б.62.
8. Мәмбетов К. Қарақалпақлардың этногафиялық тарийхы. Нөкис. «Қарақалпақстан», 1995. – Б.152 – 153.


## ЖИЗЗАХ ВОҲАСИДА ҚИРҒИЗ ЭТНОСИ ВАКИЛЛАРИНИНГ ЖОЙЛАШУВИ ВА ЭТНОМАДАНИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

***Қ.О.Алманов – PhD, Гулистон давлат университети Тарих кафедраси катта ўқитувчиси***

Жиззах воҳасининг тоғ ва тоғолди ҳудудлари аҳолисининг жойлашуви ва этник гуруҳларининг ранг-баранглиги билан ҳам нисбатан бир биридан фарқ қилганлигини олиб борилган тадқиқотларимиз натижасида амин бўлдик. Жумладан, Бахмал, Зомин, Ғаллаорол, Янгиобод, Фориш каби воҳанинг тоғли туманларида турли ўзбек уруғ вакиллари билан бир қаторда бошқа миллат ва элатлар ҳам истиқомат қилиши минтақанинг этник маназарасида ўзига хос муҳит яратиб келган. Жиззах воҳаси аҳолиси ва этник таркибига оид тадқиқотларга назар ташлаганимизда 92 бовли ўзбек уруғлари ва бир қанча этнослар, субэтнослар бўйича турли муаллифлар, хусусан, К.Шониёзов, Кармишева, Х.Дониёров, У. Абдуллаев ва

бошқалар ўз тадқиқотларида салмоқли маълумотлар келтириб ўтишган. Аммо, воҳада ўзбек этносидан кейинги ўринларда турувчи қирғиз этноси ва уларнинг турли уруғ ва шохларга бўлинувчи вакиллари тўғрисида тадқиқотлар етарли даражада амалга оширилмаган, бирмунча турли ракурсларда маҳаллий муаллифлар этибор қаратиб ўтган, холос.

Хусусан, этнограф олим У.Абдуллаевнинг тадқиқотларига таяниб Мирзачўл воҳаси ҳалқлари этник тарихини ўрганган тадқиқотчи У.Алибековнинг ёзишича [1], мазкур ҳудуддаги қирғизлар ва уларнинг асосий кўпчилик қисми XVIII асрнинг охири XIX асрнинг бошларида Фарғона водийсида юз берган ички низолар ва ташқи ҳавф яни (жунғорлар) ҳужуми туфайли Фарғонадан келган" дея ўз фикрларини билдириб ўтган. Бизнингча бу ҳудудларга яъни, Туркистон ва Моргузар тоғларининг ён бағирларига, бундан чамаси 200 йиллар аввал қирғизларнинг келиб ўрнашиши дастлаб доимий бўлмаган, улар келиб кетиб ўз чорвасини боқиш учун янги жойлар ахтариб ҳаёт кечирган. XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларига келиб эса, бу этнос вакилларининг турли уруғ қабилалари доимий яшаш учун ўзларининг манзилгоҳларини барпо эта бошлаган бўлса керак.

Агарда XVIII асрнинг иккинчи ярмида воҳага келиб ўтроқлашган бўлса, бу ҳақда турли тадқиқотчилар ва статистик манбаларда маълумотлар келтириб ўтилган бўлар эди. Воҳа қирғизлари ўзларини асосан беш урувдан яни, байтейитдан тараганлар, ёки тўғузуруқдан (байсейит)дан тараганлар деб ҳисоблашади [2]. Шунингдек яна бир ахборотчимиз берган маълумотларига кўра воҳа қирғиз этносининг асосини (ўзагини) жетти урувдан тараган қуйидаги маноқ, орик, кутка (кутике), қутоли, овой, толли, қашқа, чопон, ва шу каби уруғ ва тўплар ташкил этган. Бу уруғлар ҳам айнан бу ҳудудларга биз айтган вақтда қўшни Тожикистон ҳудудидан яъни Шаҳристондан кириб келиб жойлашган дея таъкидлайди ёш тадқиқотчилардан бири А.Файзуллаев ўз бобосидан эшитган маълумотларга таяниб [3], бу уруғ ва қавмларнинг асосий машғулоти чорвачилик ва косибчилик бўлган. Улар дастлаб ўтроқ бўлмаган ҳолда кўчманчи тарзда ҳаёт кечирган бўлган уларнинг бугунги кун турмушида ҳам бу каби ҳолатлар сақланиб қолган. Фикримизча, бу уруғ ва тўпларга бўлиниши, яни, беш уруқ, жетти урук, тўғуз урук асосий катта ўринда турган, шу уруғлар ичига эса турли номлар билан аталадиган этнотопонимга айланган бир қанча тўплар кирган бўлган. 1891 йилдаги архив ва статистик маълумотларга қараганда Жиззах воҳаси ҳудудида қирғиз уруғларининг асосий яшаётган аҳоли манзиллари асосан тоғ олди, дашт ва чўл ҳудудларига тўғри келади. Улар ўзларининг чорваси учун қулай жой ахтариб Мирзачўл (яни Жиззах чўли) ҳудудларига асосан қиш фаслида келган ва ўз вақтинча овулларини барпо қилишган. Кейинчалик мана шу жойларда маълум бирлари қолиб ўзларининг уруғлари номлари билан аталадиган қишлоқ ва овулларни ташкил қилишган.

Жиззах уездининг 21 та волостларнинг асосан тоғлар билан ўралган чўл ҳудудларидаги ташкил этилган манзилгоҳларида турли овул ва қишлоқларда ўзларининг этник бўлиниши асосида турли тўпларга бўлиниб яшашган[4,122]. Бу ҳақда воҳага ташриф буюрган рус генераллари ва туркшунос олимлари ўз эсдаликларида бир қанча маълумотларни келтириб ўтишади [5]. Ҳусусан, И.И Зарубин қирғиз этноси асосан Қоратош волостида истиқомат қилишганлигини ўз тадқиқотларида таъкидлаб ўтади [6,34-35]. Аммо аҳолини рўйхатга олиш жараёнида қирғиз этноси тўғрисида маълумотлар келтириб ўтилмаган XX асрнинг бошларидан бошлаб бу этнос ва уларнинг жойлашуви ҳусусида бир қанча маълумотлар кўзга ташлана бошлайди. 1897 йили ўтказилган бутун Россия бўйлаб биринчи аҳолини рўйхатга олиш жараёнида воҳадаги қирғиз аҳолисининг сони таркиби тўғрисида маълумотлар жадвалларда учрамайди бизнингча бу қабилалар сарт деб аталган (яни

бу жадвалда шундай аталган аслида сарт ўтроқ савдо билан шуғулланадиган аҳоли бўлган) кўчманчи қабилалар ичига киритиб юборилган бўлиши мумкин [7].

XX асрнинг бошларидаги архив ва статистик маълумотларда қирғизларнинг катта қисми Жиззах уездининг Бағдон участкасига қарашли Отақўрғон, Чардор, Қизилқум, Фисталитау, Кўктюбин волостларида (жаъми 50 914 киши шундан 26 711 таси эркак, 24 203 таси аёл), Янгиқўрғон участкасига қарашли Чашмаоб волостида эса ( жаъми 202 киши шундан 149 нафари эркак, 53 нафари аёл), шунингдек, уезд маркази Жиззах шаҳрида (жаъми 11 нафар шундан 7 нафар эркак, 4 нафар аёл ) яшаб истиқомат қилганлиги тўғрисида маълумотлар келтириб ўтилган. Афсуски Зомин, Бахмал участкасидаги қирғизлар тўғрисида маълумотлар қайд этилмаган [8]. Бизнингча бугунги Зомин тумани ҳудудидаги қирғиз этноси вакиллари бу жойларда доимий истиқомат қилиши учун яшашмаган улар ўзларининг чорвасини боқиш учун келиб кетиб юрган. XX аср бошларидаги 1903-1905 йиллардаги архив ва статистик маълумотларига эътибор қаратадиган бўлсак, тадқиқ этилаётган ҳудудда, асосан, ўзбеклардан ташқари кейинги ўринларда сон жихатдан қирғиз ва тожиклар турганлигини кўришимиз мумкин. Демак кейинги йилларда қирғиз этноси вакиллари ўзларининг аҳоли манзилгоҳларини доимий асосда қуриб шу жойларда доимий яшай бошлашган. Натижада, бу этноснинг энг катта Бахмал ва Зомин туманида яшаётган кутка уруғи бешта катта шохга бўлиниб яни, танти, бутик, порчо, чўчқа ва увру бутун Жиззах воҳаси бўйлаб бир қисми шарқ тамонига, қайсидир гурухи ғарбга, бошқаси шимолга, ёки жанубга тарқала бошлашган ва ўзларининг тўплари билан аталадиган қишлоқ ва овулларга асос солишган.

Қадимги даврларда Олтой ва Жанубий Сибирда яшаган туркий қабилалар дунёнинг тўрт томонини ранглар билан атаганлар. Масалан қора ранг шимолни, қизил ранг жанубни, кўк ранг шарқни, оқ ранг ғарбни, сариқ ранг марказни ифодалаган [9.93-94]. Ҳудди шунга ўхшаш турли ранглар билан боғлиқ этнонимни ифодаловчи сариқ ранг шарқда маълум бир қабиланинг юқори табақа вакилларига нисбатан ишлатилган бўлса бошқа қабилаларда буни акси бўлган. Академик олим К. Шониёзовнинг ҳам қанғ уруғи бўйича олиб борган тадқиқотларида ранг бўйича бир қанча фикрларни билдириб ўтганлигини кузатамиз. Шунга ўхшаш маълумотларни тадқиқотчи Ю.А. Зуев ҳам ўзининг тадқиқотларида такидлаб ўтади[10,119-120]. Қирғиз этноси ва суб этнослари ичида ранг билан боғлиқ номлар анчагина учрайди. Бу ҳудудларда яшаётган энг катта қирғиз уруғларидан бири маноқ нинг иккита катта тўпга ажралганини улардан бири ранг билан боғлиқ ҳолда қора маноқ ва маноқ қа бўлинганини кекса ахборотчиларимиз ҳам такидлаб ўтди [11]. Шунингдек Бахмал туманидаги ранг билан боғлиқ қирғиз этносининг вакиллари истиқомат қиладиган, Қорасув қишлоғида, Суринчак ва Чехтамға тўплари, Музбулоқ (музбел) қишлоғида эса қорашақшақ тўпи вакиллари истиқомат қилишини ҳам айтиб ўтмоқчимиз.

Бахмал туманида қирғизларнинг маноқ, кутка, чопон, суринчак, чехтамға, қорашақшақ каби тўплари вакиллари яшайдиган қишлоқлар (масалан Дувлот, Шайбек, Жадик, Музбулоқ, Сарикамар, Совуқбулоқ, Юқори ва Пастки Шайбек, Тентак, Қорамўйин, Кайиш, Қорасув, Абай ) Чопон уруғи вакиллари Зоминдаги Қорамозор қишлоғида, шунингдек юқоридаги Бахмал туманидаги этнотопонимга айланган қишлоқларда яшайди. Чопон урғи, Тўқим, Қорадўнг, Бирқулоқ, Тентак, Кар каби лақаблар билан аталадиган тўпларга ажралиб яшашган бундай номларга бўлинишида ҳам шу сўзлар билан боғлиқ воқеалар сабаб бўлганини кекса ахборотчиларимиз такидлаб ўтишди. Масалан тўқим тўпининг номи нега бундай аталиши тўғрисида кекса ахборотчимиз шундай дейди, янги туғилган болага кийим бош бўлмагани учун уни эшакнинг тўқими (яни эшакнинг устига қўйиладиган

махсус ёпинчиқ муаллиф) га ўраб олиб парваришланган боладан тарқалганлар деб такидлади.

Зомин туманида яшаётган қирғизларнинг бешуруқдан байтейит ва тўғузуруқ дан байсейит дан тарқалганмиз ва бутун Марказий Осиё бўйлаб тарқалиб, ўз чорвамизни боқиш учун янги жойларга кўчиб юриб асосан, кўчманчи тарзда кун кечирганмиз деб такидлайди этноснинг кўпгина вакиллари. Бу каби фикрларни билдирган ахборотчиларимиз, яна бир ахолининг машғулоти косибчилик бўлганлигини аҳоли ўзига керакли бўлган оёқ буюмларни ўзлари таёрлаганлигини асосан бу ишлар билан кўпинча аёллар ва ёши улуғлар шуғулланганини ҳам айтиб ўтишди. Бундай ўзига ҳос тарзда ҳаёт кечирган воҳа қирғизлари ўз уруғи тўплари ва касб корлари билан боғлиқ номлар билан аталадиган манзилгоҳларда кун кечириб келаяпти. Бугунги кунда бу каби уруғ ва аймоқлар номи билан аталадиган жой номлари ҳақидаги фикрлар унутилиш арафасида эканлигини деярли кўпчилик бу нарсаларга бефарқ (билганлари ҳам юзаки ёндашиш) эканлигини дала сухбатларимиз жараёнида кузатдик.

Ҳозирги кунда деярли кўпгина одатлар ва урфлар, 7 отасини (пуштини) билиш деган гаплар унутилди деб такидлайди кекса ахбаротчимиз М.Маманазаров [12]. Бу ахбаротчимизнинг фикрича энг катта уруғлардан яна бири ориқ лардир, бу уруғ чўка, белек, сутэмгэн каби тўпларга бўлинади, асосан Зомин туманидаги Усмонисой қишлоғида яшайди деган маълумотларни бериб улар яшаётган қишлоқнинг қайсидир тамонида чўкаликлар кўп бўлган бўлса, қайсидир тамонида эса белекликлар кўп бўлган шунинг учун шу ном билан ҳам ўз яшаётган жойларини номлашади деб такидлади. Бу қишлоқнинг номланишидаги ўзига хослик ҳақида шундай дейди бу ном усмонийлар империяси номидан келиб чиққан деган фикрни ҳам билдириб ўтди. Бизнингча бу қишлоқнинг номланишида Усмони сой, Осмонсой яни сойда оқаётган зилол сувда Осмон кўриниб тургани учун шунда номланган бўлса керак. Яна бир уруғ овойлардир улар ҳам Зомин туманидаги Толди қишлоғида асосан истиқомат қилган бу ном ҳам тўпнинг номи аллақачон этнотопонимга айланиб бўлган. Маноқлар ва қашқалар эса Зомин туманида (Ўрикли, Еттикечув, Дуоба, Сарикамар, Сувлисой, Қоронғисой) қишлоқларда яшаб келмоқда уларнинг турли тўпларга бўлинган вакиллари юқорида келтириб ўтилган чўл ҳудудларидаги янги манзилгоҳларига аввал яшаган жойларининг номларини ёки тўпларининг номларини асосан қўйишган. Бу қишлоқларнинг номларининг этимологиясига топономист олим С.Қораев ўзининг тадқиқотларида тўхталиб ўтган [13,129-131]. Шунингдек Қашқа уруғи вакиллари бастўпи қашқа, қормончи қашқа, човурчи қашқа каби тўпларга бўлиниб асосан Сувлисой қишлоғида яшайди. Қутолилар эса асосан Бахмал даги Сўпи қишлоқда яшашган ва бу қишлоқда яшаётган уруғ вакилларининг кўпчилиги диний билимларга эга бўлганлиги учун ҳам бу қишлоқда яшаётганларни сўпилар ёки Сўпи қишлоғидан келганлар деб тарифлашган.(изох сўпи Бахмал тумани қирқ уруғи вакилларида тўйда сипиртли ичимликлар қўйилмаса сўпи тўй қилди, ёки спиртли ичимлик истемол қилмаса бу одам сўпи дея такидлашган.муаллиф)

Қирғиз аҳоли вакиллари асосан Молгузар ва Туркистон тоғ тизмаси этакларида яшаб ажиб ўзига ҳос тарих яратганлигини тадқиқотимиз давомида кузатишга муяссар бўлдик. Улар бу ҳудудларда ўз аҳоли масканларини вужудга келтирганлиги даври тўғрисида статистик ва архив материалларида маълумотлар сақланиб қолмаган, турли тахминлар бор. Фикримизча, XX асрнинг бошларига келиб улар Туркистон ва Моргузар тоғ ва унинг атрофига жойлашиб бу ҳудудда яшаётган бошқа уруғ вакилларидан маълум бир жойларни сотиб олган бўлиши мумкин. Ер олди соттиси ҳақида маълумотлар архив материалларида сақланиб

қолган. Натижада, аввалроқ келиб кетиб юрган қирғизлар ва янги келган қирғиз этноси вакиллари бир бирларини биз битта уруғмасмиз деган фикрларга келишига мана шу каби омиллар сабаб бўлган бўлиши керак. Воҳа қирғизлари асосан чорвачилик билан шуғулланган уларнинг диний ва миллий урф одатлари ўзларига қўшни бўлган бошқа кўчманчи ҳалқлар билан ўзаро ўхшаш бўлган. Бу воҳада ўзбек, тожик, қирғиз, қозоқ ва бошқа турли миллат ва элат вакиллари ўзаро ҳамжиҳатликда истиқомат қилишганлигини кўрсатади.

XIX асрнинг сўнгги чорагида Жиззах воҳасини руслар тамонидан эгаллагандан сўнг аҳолисининг ижтимоий-сиёсий ҳаётида этник ва ижтимоий таркибида жиддий ўзгаришлар содир бўла бошлаган. Воҳага кириб келган қирғизлар ҳам ўзларининг манзилгоҳларини барпо эта бошлашган. Жиззах рус қўшинлари томонидан эгалланиши ва рус ҳокимиятини ўрнатилиши билан маҳаллий аҳоли ва майда аҳоли гуруҳлари ҳам империя учун бир хил – қарам аҳоли мақомига эга бўлдилар ва уларга нисбатан бир хил муносабат ўрнатилди.Қирғизларнинг Жиззах воҳасига жойлашиши бўйича турли тадқиқотчиларнинг фикрларига диққат қилиб шуни хулоса қилишимиз мумкинки, бу халқлар қадимдан ягона этномаданий муҳитда яшаганликлари, мустаҳкам қон-қардошлик алоқалари, ҳудудий яқинлик, дин ва маданият яқинлиги, савдо-иқтисодий алоқаларнинг мустаҳкамлиги, қадимдан ҳаракатдаги савдо ва карвон йўлларининг мавжудлиги, ҳамда қирғизларнинг воҳага кўчишларидан маҳаллий ҳукмдорлар ҳам манфаатдор бўлган. Миграция жараёни 100 йиллар давомида тўхтовсиз давом этиб, албатта икки ўлканинг ҳам сиёсий, иқтисодий аҳволига таъсир кўрсатмасдан қолмаган.

Тарихдан маълумки, Фарғона водийси ва Жиззах воҳаси аҳолиси қадимдаёқ ўзаро иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқада бўлганлар. Мазкур алоқалар тарихида Жиззах муҳим аҳамият касб этган. Жиззах воҳаси ва атрофларида қирғизларнинг қатор қишлоқ ва овуллари барпо этилиб, уларнинг аксарияти ўзларининг уруғи ва тўплари номи билан билан аталган. Жиззах воҳасида «Қирғиз» этнотопонимлари одатда бу ерларда қирғизлар жойлашганини билдиради. Умуман мазкур этнотопонимларни этноиндикатор (лотинча indikator-аниқлагич, кўрсаткич маъносини ифодалайди) сифатида қўллаш одатий ҳолдир.

Жиззах воҳасига қирғизларнинг кўчиб келиб жойлашиши натижасида аҳоли сонининг ўсиши, қирғизлар шу воҳа риовжида фаол иштирок этганлар, янги ерларни ўзлаштирилиши умуман ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига ҳам таъсири сезиларли бўлганлигини бугунги Жиззах воҳасининг кейинчалик ўзлаштирилган чўл ҳудудларидаги қирғиз қишлоқларининг мавжудлигидан ҳам пайқашимиз мумкин. Жиззах воҳаси аҳолисининг этник, тил, урф-одат ва эътиқод яқинлиги улар ўртасидаги ассимиляция ва консолидация жараёнларини янада жадал кечишига юқоридаги омиллар асос бўлди. Маҳаллий аҳоли билан қирғизларнинг ижтимоий-маданий ҳаётга дахлдор ютуқларни ўзаро айирбошлаш жараёни кучайди. Моддий маданият борасидаги ютуқлар ҳам хусусан, «қирғизча» деб номланган кийиниш услуби, таом ва емаклар оммалашди. Мазкур минтақа халқларининг ўзаро яқинлашуви маънавий маданиятнинг ажралмас қисми бўлган урф-одат ва маросимлари, санъатида ҳам кузатилади.

Хуллас, қирғизларнинг кўчиб келиши ва ўтроқлашуви, Жиззах воҳасининг йирик тоғли туманларида қирғизларнинг муқим яшаб қолишига, аҳоли сонининг ўсишига баъзи ҳудудларида жой номларининг ўзгаришига, ҳамда янги атамаларнинг пайдо бўлишига, умуман воҳа этнотопономикасига янги номлар киритилишига сабаб бўлганлигини кузатдик. Шунигндек воҳанинг ижтимоий –иқтисодий этномаданий жараёнларига ўз тасирини ўтказди. Қирғизларга хос маданият намуналари маҳаллий

аҳоли маданияти билан уйғунлашуви учун қулай фурсат бўлди. Шу аснода воҳада кўпсонли қирғиз қишлоқ ва овуллари шаклланди.

**Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати**

1. Алибеков У. Сирдарёнинг этник тарихи рисола. – Гулистон, 2013. – Б.64
2. Дала тадқиқоти Зомин тумани Сувлисой қишлоғи 1955 йил туғилган М.Маманазаров. 2022 й
3. Дала тадқиқоти Бахмал ва Зомин туманидаги қирғиз қишлоқлари Сувлисой, Шайбек А.Файзуллаев 2022 йил.
4. Аристов А. Труды по истории и этническому составу тюркских племен. 2003. – Б.127
5. Аристов А. Труды по истории и этническому составу тюркских племен. 2003. – Б.127
6. Зарубин И.И. Население Самаркандской области. Его численность, этнографический состав и территориальное распределение (по материалам сельско-хозяйственной переписи 1917 г., пополненной другими источниками). – Л., 1926
7. https://dic.academic.ru/dic.nsf/ruwiki/41116#cite_note-2
8. Ўз МА, 21-фонд, 1-рўйхат, 616-иш, 266, 275, 280-варақлар
9. Шаниязов К.Ш К этническо истории узбекского народа. – Т., 1974. – С.3-131. Ўша муаллиф: Қанғ давлати ва қанғлилар. – Т., 1990. – 146 б; Баскаков. Н.А. К вопросу о происхождении этнонима «киргиз» // СЭ 1964. – № 2. – С.93-94
10. Зуев Ю.А. Тамги лощадей из вассальных княжеств. Тр ИИАЭАН. Каз. ССР. Т. VIII, 1960. – С. 119-120
11. Дала тадқиқоти Бахмал ва Зомин туманидаги қирғиз қишлоқлари Сувлисой, Шайбек А.Файзуллаев 2022 йил.
12. Дала тадқиқоти Зомин тумани Сувлисой қишлоғи 1955 йил туғилган М.Маманазаров.2022 й
13. Қораев С. Топономика. – Т., 2003. – Б.169-171.

## БУХОРО ВОҲАСИ НИКОҲ ТЎЙИ МАРОСИМЛАРИ АНЪАНАВИЙ ТИЗИМИ ХУСУСИДА

***З.А.Шамсиева – Бухоро давлат университети “Бухоро тарихи” кафедраси ўқитувчиси***

Никоҳ тўйи маросимлари халқ турмушининг, маънавий маданиятимизнинг кўпгина жиҳатларини ўзида мужассам этади ва унда миллатнинг ўтмиши, ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, маданий ва маънавий қиёфаси намоён бўлади. Ўзбекистонда миллий қадриятларни тиклаш, ривожлантириш, халқ маънавияти ва маданиятини юксалтириш давлат сиёсатининг устувор йўналишлари сифатида белгилаб берилди. Бу эса, никоҳ тўйи маросимларининг ўтказилиш шакллари, улар таркибида сақланиб қолган умуминсоний, миллий ва маҳаллий ўзига хосликларни аниқлаш, айрим унутилиб кетган ижобий удумларни қайта тиклашга илмий замин яратади.

Никоҳ тўйи – келин ва куёвнинг никоҳини жамоатчиликка маълум қилиш тантанаси бўлиб, бу маросим даврлар ўтиши билан қисман ўзгариб борган ва ҳар бир этник гуруҳда ўзига хос хусусиятлари билан ўзаро фарқ қилган.Ўзбек халқининг қадимий никоҳ тўйи тизимида бир қанча маросимлар мавжуд: совчилик,

унаштириш, уй кўрар (қиз кўрар), фотиҳа тўйи, тўй юбориш, қиз оши (қизлар мажлиси), никоҳ ўқитиш, келин тушди, келин салом, чарлар, қуда чақириқ каби маросимлар ва улар билан боғлиқ урф-одатлар шулар жумласидандир [1].

Ўзбекистоннинг этнографик ҳудудларидан бири бўлган Бухоро воҳаси никоҳ тўйи маросимлари ўзининг ранг-баранглиги ва этнолокал удум ва анъаналарга бойлиги билан ажралиб туради. Мазкур жиҳат, воҳадаги никоҳ тўйи маросимларини тарихий-этнографик материаллар асосида тадқиқ этиш имконини беради.

Бухоро воҳаси аҳолисининг оилавий маросимлари узоқ даврлар мобайнида тараққий этган қадимги маданияти негизида халқ донишмандлиги ва анъаналаридан бири сифатида шаклланган. Бухоро никоҳ тўйи маросимларининг анъанавий тизими хусусида кўплаб тадқиқотчилар ўзларининг тарихий-этнографик мақолаларида, рисолаларида маълумот бериб ўтганлар. Хусусан, ХХ асрда Зарафшон воҳасида ўтказилган тўй маросимлари ҳақида О.А.Сухарева [2], Н.А.Кисляков [3], Т.Г. Емеляненко [4], Н.П.Лобачева [5] нинг бир қатор илмий мақолалари этнографик таҳлил бериб ўтилади.

Ушбу манбаларни ўрганиб чиқиш ва дала тадқиқотлари орқали никоҳ тўйларини этнографик таҳлил қилиш натижасида маълум бўладики, Бухоро воҳаси ўзбек ва маҳаллий тожик аҳолиси ўтказадиган никоҳ тўйи маросимларининг анъанавий тизими(структураси) қуйидагича кўринишга эга:

Биринчи босқич: тўйгача ўтказиладиган маросимлар, урф-одатлар ва удумлар;

Иккинчи босқич: тўй куни билан боғлиқ маросимлар ;

Учинчи босқич:тўйдан сўнг ўтказиладиган маросимлар;

Бухоро воҳасида никоҳ тўйигача ўтказиладиган маросимлар қаторига келин танлаш (тож. духтар бини), совчилик (тож. хўскори), ширинихури, нон синдириш (тож. ноншиканон), оқлиқ кесиш (тож. парчабурон), жавоб берди рўмолберди, ҳайитлик этиш (тож. ийди), (харид) бозорлик, хатми Қуръон ўтказиш (келин ва куёвнинг уйида алоҳида) каби маросим ва урф-одатларни киритишимиз мумкин [6].

Тўй куни билан боғлиқ маросимлар қаторига тўй-томоша тадбирлари билан боғлиқ турли хил расм-русумлар, шу жумладан, фотиҳа, рахтурди, (тож. рахтзанон), чимилдиқ, куёвкелди (тож. доммотбари), падароши, тўй кабилар киради [7].

Никоҳ тўйидан сўнг ўтадиган тадбирлар ва улар билан боғлиқ удумлар деганда эса воҳа аҳолиси келинни куёвнинг уйига олиб келиш (тож.келинбиёри), келинсалом, жоййиғди (тож. жойғундорон ёки рўйбинон), куёвнинг қизнинг оиласи томонидан тўйдан кейин илк маротаба меҳмон сифатида чақирилиши (тож. доммотсалом), келиннинг қариндошлар томонидан меҳмонга илк маротаба чақирилиши (тож. келинталбон) каби удумлар тушунилади.

Албатта, вақт ўтиши билан никоҳ тўйи маросимлари ҳам трансформацион жараёнларга дуч келди. Юқорида кўрсатилган айрим маросимларимиз, удумларимизнинг барчаси ҳам бугунги кунда барча аҳоли вакиллари томонидан ўтказилмаса-да, тўйда айримлар томонидан қилинаётган исрофгарчиликлар, ортиқча дабдабабозликларни эътибордан четда қолдирмаслигимиз лозим. ХХ аср тўйлари тўғрисида ўтган асрдаги рус этнографи И.С. Ликошин ҳам қадимдан одат тусига кирган барча оилавий тантаналарни маҳаллий аҳоли “тўй” билан нишонлашини, тўйда таниш-билишларга катта зиёфат ва совға (чопон)лар инъом қилинишини , тўй қилмаслик – ҳаттоки уят саналишини,тўйга маҳалла аъзолари, қўшни маҳаллалардан бутун шаҳар билсин учун бир неча кишидан иборат вакиллар таклиф этилишини қайд этиб ўтган [8].

Бугунги кунда ҳам ҳукуматимиз раҳбари томонидан никоҳ тўйи маросимларини ихчам, ортиқча сарф-харажатларсиз ўтказишни оммалаштириш мақсадида турли қонун ва қарорлар қабул қилинмоқда. Жумладан, Ўзбекистон

Республикаси Олий Мажлис Сенатининг 2018 йил 29 июндаги №09-15/255-сонли “Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маъракалар ва маросимлар, марҳумларнинг хотирасига бағишланадиган тадбирлар ўтказилишини тартибга солиш тўғрисида” ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2019 йил 14 сентябрдаги № 2736-III/ҚҚ-592–III-сонли қўшма мажлисида қабул қилинган “Тўй-ҳашамларни, оилавий тантаналар, маъърака ва маросимлар, марҳумлар хотирасига бағишланган тадбирлар ўтказишни тартибга солишни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори шундай амалий ҳаракатларнинг яққол исботи бўла олади [9]. Зеро, Асрлар оша шаклланган урф-одатлар, қадриятлар маънавиятнинг даражасини белгилаб беради. Аслида маънавий объективлашган қадриятлар ва урф-одатлар тизим бўлиб, маънавий маданият сифатида эса миллатнинг ўз-ўзини англаш, руҳиятини, иродасини, онгини, ижтимоий амалиётини такомиллаштириш имкониятлари ва воситаларининг эришилган даражаси, жамиятнинг маданий савиясидир.

**Фойдаланилган манба адабиётлар рўйхати**


1. https://uz.wikipedia.org/wiki/Nikoh_to%CA%BByi
2. Сухарева О.А.Свадебные обряды таджиков город Самарканда и некоторых других районов СреднейАзии. – Советская этнография (далее – СЭ). Сб. статей, III. – М., 1940. – С.172-176
3. Кисляков Н.А. Очерки по истории семьи и брака у народов Средней Азии и Казахстан. Ленинград., Наука. 1969. – С.98
4. Емеляненко.Т.Г.Современная свадьба в Каракуле: традиции и инновации. Этническое традиции в культуре. Санкт-Петербург, 2019. – С.27-28.
5. Лобачева Н.П. О формировании нового свадебного обряда у народов Узбекистана // СЭ. 1967. № 2. С. 15—25. Тот же текст на англ. аз. в: Central Asian review. 1968. V. 15. – № 4.
6. Дала маълумоти. Бухоро шаҳар, Шербудин маҳалласи, Сувчилар кўчаси. 2019 йил.
7. Дала маълумоти. Бухоро шаҳри, Хўжа Исмат кўчаси. 2019 йил.
8. Исо Жабборов. Ўзбек халқи этнографияси. – Т.: Ўқитувчи. 1994. – Б.148.
9. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатининг 2018 йил 29 июндаги №09-15/255-сонли “Тўй ҳашамлар, оилавий тантаналар, маъракалар ва маросимлар, марҳумларнинг хотирасига бағишланадиган тадбирлар ўтказилишини тартибга солиш тўғрисида”ги қарори.


## ИЛК ЎРТА АСРЛАР ДАВРИ ЖАНУБИЙ СУҒД ҚИШЛОҚ МАКОНЛАРИ ҚУРИЛИШ УСЛУБИ

***Ф.П.Эгамбердиев – “Жаҳон тарихи” кафедраси катта ўқитувчиси***

Марказий Осиё, хусусан Ўзбекистоннинг илк ўрта асрлар даври маданиятини ўрганишда бу давр жамиятининг асосий ҳаракатлантирувчи кучи бўлган қишлоқ маконлари меъморчилиги, моддий ва маънавий маданиятини тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади. Илк ўрта асрлар даври шаҳарлари билан бир қаторда бу давр аҳолисининг асосий қисми яшаган қишлоқларда ўша давр маданиятини тўлалигича акс эттира оладиган ўзига хос маданият яратилди. Шунинг учун илк ўрта асрлар даври қишлоқлари маданиятини тадқиқ этмасдан туриб Ўрта Осиёнинг илк ўрта асрлар даври жамияти тарихи ва маданиятини тўлақонли ўрганиб бўлмайди ва

шунинг учун бу йўналишдаги тадқиқотлар Ўрта Осиё археологиясининг кейинги ривожи учун ҳам доимо долзарб бўлиб қолаверади.

Бу борада Жанубий Сўғднинг иккита воҳаси Нахшаб ва Кеш воҳаларининг антик ва илк ўрта асрлар даври шаҳарлари ва қишлоқ маконлари қолдиқлари бўлган археологик ёдгорликларнинг типологияси масалалари етарлича ўрганиш ишлари давом этмоқда. Ушбу мақолада уларнинг ўрганилиш тарихи, қурилиш услублари ва жойлашуви ҳақида тўхталиб ўтамиз.

Тўғри тўртбурчакли ёки квадрат тархли тепаликлар.

Бу турга оид ёдгорликлар Кеш воҳаси таркибига кирувчи Яккабоғ, Китоб, Чироқчи, Шаҳрисабз ва Қамаши туманлари ҳудудида 86 та атрофида белгиланди. Р.Ҳ.Сулаймоновнинг маълумотига кўра, Қарши ва Ғузор воҳаларида бу турдаги ёдгорликларнинг 55 таси рўйхатга олинган (Сулейманов Р Ҳ. Древний Нахшаб. 2000, с. 35).

Бу турдаги ёдгорликларнинг сонидан ҳам маълумки, тўртбурчакли тархга эга бўлган тепаликлар Кеш воҳасининг барча ҳудудларида, жумладан, тоғли, тоғолди ва текисликдаги сунъий суғориладиган ҳудудларда жуда кенг тарқалган. Уларнинг топографик хусусиятидан маълумки, бу тепаликларнинг аксарияти ташқи қалин мудофа деворларига эга бўлган қалъалар ва қишлоқ маконларининг қолдиқларидир ва улар ўзларида илк ўрта асрлар даври жамияти аҳоли манзилларининг яна бир хусусиятини намоён этадилар. Аксарият ҳолларда бу турдаги ёдгорликлар бир поғонали бўлиб, уларнинг устки рельефи текис. Шунинг учун бу ёдгорликларнинг топографик кўринишига қараб, уларнинг морфологик хусусиятлари тўғрисиди бирон-бир тахминий фикр айтиш мушкул.

Бундай тепаликлар жумласига Чимқўрғон сув омбори ҳавзасида, Кеш ва Нахшаб воҳаларининг чегара ҳудудларида С.К.Кабанов томонидан очиб ўрганилган Овултепа ёдгорлиги мисол бўла олади. Овултепа айлана шаклига яқин бўлган мўъжаз тепалик бўлиб, унинг жануби-шарқий бурчаги туртиб чиққанлиги унга квадрат шаклини ҳам беради. Қазишма ишлари натижасида бу тепаликда томонлари ўртача 34х30 м бўлган, аввалдан тайёрланган мукаммал тарх асосида бунёд этилган икки қаватли маҳобатли қаср қолдиқлари топилган (Кабанов С. К. Согдийское здание V....1958, с.146). Овултепанинг айлана шаклига яқинлигига қарамасдан, бу ерда топилган тўртбурчакли бино, тепаликларнинг ташқи топографик тархи унинг ичида жойлашган бинолар қолдиқларини қандай хусусиятга эга эканлигини тахмин қилиш мушкуллигини кўрсатади.

Тўртбурчак шаклга эга бўлган ва археологик қазишмала воситасида ўрганилган тепаликлардан бири Қарши воҳасида, Еркўрғон ёдгорлиги яқинидаги Кунжутлитепадир (57х54 м). А.А.Раимқулов томонидан очилган бу тепаликда томонлари 39х35 м бўлган, ташқи қалин мудофа деворлари билан ўралган кичикроқ қишлоқ маконининг қолдиқлари очиб ўрганилган. Кунжутлитепа бир–бирлари билан туташиб кетган бир нечта хонадонлар жамланмасидан иборат бўлиб, уларда патриархал оила бошлиғи ўзининг ўғилларининг (балки хизматкорлари ҳам – Эгамбердиев Ф.) оилалари билан бирга истиқомат қилган. Хонадон бошлиғининг уйи икки қаватли бўлган (Раимкулов А.А. Культура сельских поселений Нахшаба... 1992, с.4–5).

Олиб борилган археологик тадқиқотлар натижаларига кўра, тепаликларнинг тўртбурчакли ёки квадрат тархлари бу ёдгорликларнинг аксарияти қадимий антик ва илк ўрта асрлар даврига оид катта-кичик қишлоқ маконлари, қалъалар, диний иншоотлар бўлганлигини тахмин қилишга асос бўла олади.

Узунчоқ (овальной) – кўп ҳолларда тўртбурчак тархга эга бўлган қалъача ёки қишлоқ маконларининг ювилиб кетиши оқибатида шу кўринишга келиб қолган ёдгорликлар.

Бу турга оид ёдгорликлар ҳам Кеш, ҳам Нахшаб воҳаларида жуда кенг тарқалган. Р.Ҳ.Сулаймоновнинг маълумотига кўра Нахшаб ва Ғузор воҳаларда бу турдаги ёдгорликлар 80 тадант ортиқ (Сулейманов Р.Ҳ. Древний Нахшаб. 2000, с.37). Кеш воҳасида эса ҳудудида эса 71 таси ҳисобга олинади.

Айрим ёдгорлиларни ҳисобга олмаганда, бу турдаги ёдгорликларнинг деярли барчасида илк ўрта асрларга оид кулолчилик буюмларининг парчалари учрайди. Шу билан бирга айрим тепаликлар юзалари ва атрофларидан антик даврларга, ҳатто XVI-XVIII асрларга оид сополлар ҳам учраб туради. Бу турга оид ёдгорликларни ҳажми жуда ранг- баранг, улар орасида ўлчамлари ўртача 20х15 м бўлган майда тепаликлар билан ўлчамлари 100х80 м атрофида бўлган йирик намуналари ҳам учрайди. Уларнинг баландлиги 1,5 метрдан то 10-11 м. Бу турга мансуб тепаликларнинг кўпчилиги бир томони баланд бўлиб, учта томонининг ёнбағирлари анча тик ва бир томонига қараб секин пасайиб боради. Айримларининг энг баланд жойлари марказий қисмида бўлиб, ҳамма томонга бир хилда пасайиб боради.

Узунчоқ шаклга эга бўлган бу турга оид тепаликлардан бири Зарафшон археология гуруҳи томонидан Бухоро воҳасидаги Қизилқир I ёдгорлиги мисолида ўрганилган. Олиб борилган археологик қазишмалар натижасида бир неча қурилиш даврида шаклланган, томонлари 45,5х40-48 м бўлган тўртбурчак тархга эга бўлган яшаш манзили тўлалигича очилган (Мухамеджанов А.Р. Раскопки Кызилкыр-I....1983, с.26-27). Қизилқир I меъморий жиҳатдан А.А.Раимқулов томонидан Қарши воҳасида очиб ўрганилган Кунжутлитепадаги қишлоқ маконига ўхшаш. Лекин Кунжутлитепанинг тепалик сифатидаги ташқи топографик кўриниши деяли квадрат шаклда бўлиб, ювилиши оқибатида айлана шаклига яқинлашган.

Бизнинг фикримизча, тепаликларнинг айнан квадрат ёки тўғри тўртбурчак шаклдаги топографик кўринишини сақлаб қолишларига уларнинг ҳар тўрт бурчакларида мудофа буржларининг мавжудлиги сабаб бўлган. Бурчакларида мудофа буржи бўлмаган квадрат шаклидаги иншоотларнинг қолдиқлари бўлган тепаликлар ювилиши натижасида аксарият ҳолларда айлана шаклидаги тепаликларга, тўғри тўртбурчак шаклидаги иншоотларнинг қолдиқлари бўлган тепаликлар эса узунчоқ шаклидаги тепаликларга айланганлар. Лекин айрим ҳолларда айлана ёки узунчоқ шаклдаги тепаликлар ҳам бурчакларида мудофа буржига эга бўлган иншоотлар қолдиқлари бўлиб чиқадилар. Бунга С.К.Кабанов томонидан Чимқўрғон сув омбори ҳудудида очиб ўрганилган Овултепани мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Овултепа айлана шаклидаги тепалик бўлсада, унда очилган қаср квадрат шаклида бўлиб, ҳар тўрт бурчагида тўртта маҳобатли мудофа буржлари бўлган. Бу каби мисолларни яна келтириш мумкин.

Бу турга оид узунчоқ шаклдаги тепаликлардан бири Ниёзтепа Қашқадарё вилояти Китоб тумани Ҳазрати Башир қишлоғи атрофидаги жойлашган бўлиб, бу ёдгорликда олиб борилган қазишмалар натижасида кичикроқ қаср қолдиқлари очиб ўрганилган (Кабанов С.К., Шахурин К. А. Археологическая разведка... 1966, с.115).

Тўғри тўртбурчакли, арки ёдгорликнинг бир чеккасида жойлашган икки поғонали тепаликлар.

Бу турдаги тепаликлар Яккабоғ туманида 20 та, Китоб туманида 32 та, Чироқчи туманида 3 та, Шаҳрисабз туманида 18 та рўйхатга олинди. Бу тур ёдгорликлар Қарши воҳасида ҳам жуда кенг тарқалган бўлсада, уларни тўла ҳисоблаб чиқишнинг имкони бўлмади.

Бу каби ёдгорликларнинг аксарияти қадимий қалъалар қолдиқлари бўлиб, уларнинг кўпчилиги илк ўрта асрларда шаклланган бўлсалар, баъзилари антик даврда пайдо бўлган бўлишлари ҳам ҳақиқатга яқин.

Бу тепаликлар жумласига Чироқчи туманидаги Сариқтепа, Маҳматқултепа, Ҳасантепани, Яккабоғ тумани Қатағон қишлоғида жойлашган Чорданги тепани, Яккабоғ шаҳри яқинидаги Овозбергантепани киритиш мумкин.

Бу тур ёдгорликларининг энг йирикларидан бири Ғузор тумани ҳудудида жойлашган Ялпоқтепадир. Ялпоқтепа арки қалъанинг бир чеккасида жойлашган бўлиб, бошқа ёдгорликлардан фарқи, арк алоҳида мудофаа хандаки билан қалъадан ажралиб туради.

Айлана шаклидаги катта ва кичик тепаликлар.

Бу турга оид ёдгорликлар Жанубий Сўғдда энг кўп тарқалган бўлиб, Қарши ва Ғузор воҳаларида 92 та, Кеш воҳасида эса 117 та қайд этилди. Айлана шаклидаги тепаликларнинг энг кичиклари диаметри 8-10 м, баландлиги 2,5-3 метрдан бошлаб, йириклари диметри 40-50 м, баланлиги 5-12 м бўлган намуналари мавжуд бўлиб, улар Кеш воҳасининг тоғли, тоғолди ва текисликдаги ҳудудларида, қисқаси воҳанинг деярли барча қисмида учрайди. Бу турга оид ёдгорликларнинг энг кичиклари орасида қадимги мозоркўрғонлар ҳам бўлиши мумкин. Аксарият ҳолларда бундай тепаликлар конуссимон тарзда марказга қараб баландлаша борадилар, кўп ҳолларда уларнинг баъзи ёнбағирлари бошқа томонларига қараганда анча тик намуналари ҳам учрайди. Бу турга оид тепаликлар намуналари Ўрта Осиёнинг деярли барча тарихий-географик воҳаларида археологик қазишмалар воситасида очиб ўрганилган.

Қарши шаҳри яқинида, Пишактепа ёдгорлиги атрофида очиб ўрганилган илк ўрта асрларга оид айлана шаклидаги Кичиктепа ёдгорлигида эса мудофаа деворлари топилмаган ва оддий аҳоли турар-жойларининг бир қисми очиб ўрганилган. Қазишмалар муаллифи Л.Л.Букинич Кичиктепада мудофаа деворларининг йўқлиги ва бошқа хусусиятларга асосланган ҳолда, бу ёдгорликни ўртаҳол аҳоли яшаган қишлоқ макони сифатида талқин этади (Букинич Л Л. Руины двух раннесредневековых...1969, с. 104).

Қарши шаҳри яқинидаги Мирмирон қишлоғи яқинида жойлашган айлана шаклига эга бўлган Қўштепа 1 ёдгорлигида С.К.Кабанов қазишмалар олиб борган ва бир уйнинг айрим қисмлари топилган. С.К.Кабановнинг фикрига кўра, бу уй квадрат шаклига яқин бўлиб, томонлари ўртача 20 х18 м бўлган (Кабанов С.К. Согдийское здание V в... 1974, с.76–82).

Бу ёдгорликларнинг аксарияти илк ўрта асрлар (III-VII асрлар) даври билан саналанган бўлиб, улар оддий, майда қишлоқлар маконлари қолдиқларидир. Бизнинг фикримизча, бу турдаги қишлоқ маконлари асосан Жетиасар ва қовунчи маданиятлари ташувчилари бўлган аҳолининг илк ўрта асрларнинг бошларида Сўғдга кўчиб келишлари даврида оммавий равишда пайдо бўлганлар.

Майда тепаликлар мажмуалари.

Бу турга оид ёдгорликлар Кеш воҳасида илк ўрта асрларда жуда кам тарқалган бўлиб, Яккабоғ тумани ҳудудида 8 та, Китоб тумани ҳудудида 2 та, Шаҳрисабз туманида, Қамашида туманида 2 та ҳисобга олинди. Чироқчи туманида эса учрамади. Ғузор воҳасида эса 2 та мавжуд.

Бу турдаги ёдгорликларнинг хусусияти – улар 3 ёки 4 та тепаликнинг бир жойга жамланган мажмуасидан иборат бўладилар. Бундай ёдгорликлар жумласига Яккабоғ туманидаги Тўрткўлтепа тепаликлар мажмуасини, Ғузор туманидаги Қумчиота тепаликлар мажмуаларини мисол келтириш мумкин. Уларнинг айримларида тепаликлардан бири марказий тепалик ролини ўйнаган бўлсалар,

бошқа бир неча намуналарида барча тепаликлар бир хил катталикда бўлиб, уларнинг марказий тепалиги кўзга ташланмайди. Бунга Яккабоғ туманидаги Тўрткўлота тепаликлар мажмуаси мисол бўла олади. Бу каби ёдгорликлар жумласига Яккабоғ тумани ҳудудида ҳисобга олинган Илонтепани, Чўчқахона 1-4, Ўпкадўл 1-3 ни мисол келтириш мумкин. Ўпкадўл тепаликлари жойлашган ҳудуддан шу йил Сосонийлар даври тангаси топилган ва бу танга ҳозирда Шаҳрисабз шаҳридаги Амир Темур номли моддий маданият тарихи музейида сақланади.

Бу хусусиятга эга бўлган ёдгорликларнинг йирик намуналари ҳам мавжуд бўлиб, улар шаҳарлар мақомига эга бўлганлар. Бу каби хусусиятга эга бўлган йирик ёдгорликлар, яъни шаҳарлар жумласига Қарши воҳасида Б.Д.Кочнев томонидан ўрганилган Кофиртепа ёдгорлигини ҳам киритиш мумкин (Б.Д.Кочнев. Работы в Каршинском оазисе... 1979. с 553-554). Кофиртепа 5 та тепаликдан иборат шаҳар харобаси бўлиб, улардан бири марказий арк вазифасини бажарган. Яккабоғ тумани ҳудудида жойлашган ўрта асрлар даври шаҳри харобалари бўлган йирик ёдгорлик Ғишатепа ҳам бир нечта ясси тепаликлар мажмуасидан ташкил топган. Улардан бири марказий арк вазифасини бажарган. Бу турга Ғузор туманида ёнма-ён жойлашган учта тепаликдан иборат бўлган йирик ёдгорлик Лиҳлитепани ҳам қўшиш мумкин. Худди шундай бир нечта тепаликлар мажмуасидан ташкил топган шаҳарлар жумласига Бухоро воҳасидаги Ромитан шаҳар ёдгорлигини киритиш мумкин. Аксарият ҳолларда бу тепаликлар мажмуаларида барча тепаликлар бир пайтда фаолият кўрсатганлар. Бу тур тепаликларнинг аксарияти илк ўрта асрлар даврида шаклланганлар.

Бу турдаги тепаликларнинг яна бир хусусияти, улар майда бўлганликлари сабабли, бу тепаликларнинг анчагина қисми бузилиб кетган.

Асоси яхлит бўлган, лекин усти қисми “саккиз”симон кўринишга эга бўлган ёдгорликлар.

Бу турга оид ёдгорликлар Кеш воҳасида илк ўрта асрларда анчагина кенг тарқалган бўлиб, Яккабоғ тумани ҳудудида 4 та, Китоб тумани ҳудудида 9 та, Чироқчи туманида 1 та, Шаҳрисабз туманида 8 та, Қамаши туманида 2 та ҳисобга олинди. Бу турдаги тепаликлар Ғузор ва Қарши воҳаларида 19 та ҳисобга олинди. Бу тепаликларнинг хусусияти шундаки, уларнинг бир томонида кўшки, яъни арки мавжуд бўлиб, тепаликнинг нариги томони ҳам хиёл кўтарилган, яъни тархи саккизсимон кўриниш ҳосил қилади. Бу ёдгорликлар ҳам оддий илк ўрта асрларга оид бир томонда кўшки бўлган икки поғонали тепаликларнинг бир туридир.

Учбурчак шаклидаги икки поғонали тепаликлар.

Бу турга оид ёдгорликлар Кеш воҳасида илк ўрта асрларда жуда кам тарқалган бўлиб, Яккабоғ тумани ҳудудида 4 та, Китоб тумани ҳудудида 3 та, Чироқчи туманида 1 та, Шаҳрисабз туманида 10 та, Қамашида туманида эса 3 та ҳисобга олинди.

Бу тепаликлар ҳам Кеш ва Қарши воҳаларида жуда кенг тарқалган икки поғонали тепаликлар жумласига яқин турсаларда, уларнинг фарқи учбурчак кўринишдаги тархларидир. Бу тепаликлар ҳам ёдгорликнинг бир чеккасида жойлашган кўшки ва унга тақалган пастки тепаликдан иборат бўлган оддий қишлоқ маконларидир. Бу ёдгорликлар ҳам оддий илк ўрта асрларга оид бир томонда кўшки бўлган икки поғонали тепаликларнинг бир туридир, холос. Улар ичида ўрта асрларга оид бўлган намуналари ҳам учрайди.

**Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати**

1. Кабанов С.К. Согдийское здание V в.н.э. в долине Кашкадарьи – СА, 1958, №3. – С.46-56.
2. Сулейманов Р.Х. Древний Нахшаб. – Ташкент, 2000. – 336 с.

3. Раимкулов А.А. Культура сельских поселений Нахшаба в эпоху раннего феодализма. Автореф. канд. дисс... – Самарканд, 1992. – 136 с.
4. Мухамеджанов А.Р. Раскопки Кызилкыр-I. Культура древнебухарского оазиса III-VI вв. н.э. – Ташкент, 1983. – 119 с.
5. Кабанов С.К., Шахурин К.А.Археологическая разведка в верховьях р. Кашкадарьи. ИМКУ, вып. 7. – Ташкент, 1966. – С.35-42
6. Букинич Л.Л. Руины двух раннесредневековых поселений близ Карши. ИМКУ, вып.8, Ташкент, 1969. – С.91-104.
7. Кочнев Б.Д. Работы в Каршинском оазисе// Археологические открытия 1978 года. Москва, 1979. – С.553-554.

## СУРХОН ВОҲАСИ ГИЛАМ ВА ГИЛАМЧИЛИК ТАРИХИДАН

***С.А.Эргашева – Термиз давлат университети Жаҳон тарихи кафедраси катта ўқитувчиси***

Сурхон воҳаси ўзининг қадимий ва такрорланмас, ўзига хос этнографик ўлка эканлиги билан ажралиб туради. Буни биргина тўқимачилик саноати: уй жиҳозлари, намат, кигиз, гилам ва гилам маҳсулотлари ҳамда уларнинг тарихи мисолида кўриш мумкин. Хусусан, гилам бир неча минг йиллик тарихга эга бўлиб миллий ҳунармандчилик санъатининг ноёб намунаси сифатида шаклланиб келмоқда [6].

Худди каштачиликда бўлгани каби гиламдўзликда ҳам бу диёрда ўзига хос анъаналар, усул ва услублар жуда қадим замонлардан буён шаклланиб келган. Қувонарлиси эса бугунги кунга келиб гилам турлари кўпайибгина қолмасдан уни турли нақшлар билан безатиш ишлари ҳам анча такомиллашиб, янги-янги мазмунлар билан бойитилган.

Асрлар давомида гиламдўзлик анъаналарини давом эттириб келган Сурхон воҳаси маҳаллий чорвадор аҳолиси, хусусан, Шеробод, Шўрчи, Ангор, Термиз туманларида яшовчи гиламдўз ҳунармандлар тўқишган гиламлар нафақат воҳада, балки хориж мамлакатлари бозорида ўз харидорига эга бўлганлар. Термиз ва Шеробод ҳудудида тўқилган гиламлар Ўрта Осиёда, Россия ва Европа мамлакатларида машҳур бўлиб, юқори нархларда сотилган. Ҳаттоки бир канча гилам турлари Париж шаҳридаги кўргазмаларда юқори баҳоларга эришган [14]. Улар тўқиган гиламдўзлик буюмлари сирасига қиз гилам, жулхирс гилам, арава гилам, қоқма гилам, ғажари гилам, диғдиға гилам, ой гилам, чумчуқли гилам, бибишак, тўрт терма, оқин каби гилам турлари, жун-патсиз паласлар, холи гилам [12], турли буюмлар солиб қўйиладиган гилам халта-тўрвалар (туз халта, ойна халта, дастурхон), хуржун [15] ва бошқаларни киритиш мумкин.

Шеробод тумани Пошхурд қишлоғи аёллари ҳам қадимдан гилам, қоп, хуржин, қошиқ халта, туз халта, ойна халта тўқишган ва тикишган. Қишлоқ ҳунармандлари гиламнинг саккиз хилини тўқишган. Гиламлар жундан ёки пахтадан тайёрланган [7].

Пошхурдда XX аср ўрталарида Қувват момо Тўра қизи, Қиммат момо Тўра қизи, Ойтўра момо Давлат қизи, Турсуной ва Робия Ниёз қизлари, Ашурой момо, Бўри Узман қизи, Қурбоной момо Хўжал қизи, Пардахол Жовли қизи, Ўзбакой Ризвон қизи кабилар, XX асрнинг 50-60 йиллардан сўнг, Ҳайитой ва Набот Ашур қизлари, Ашурой Бўри қизи, Моҳитоб Мамарасул қизи ва бошқа ўнлаб аёллар гилам ва бошқа ашёлар тўқишган [5]. Одатда гилам ният қилиб, ўрмакка қўйилган. Кўпроқ вояга етган ёшлар номига аталган. Гилам тўқиш учун маҳалла ёки гузар ҳунарманд аёллари таклиф қилинган. Жонлиқ сўйишиб, ҳашар оши тайёрланган ва кекса

ҳунарманд аёллардан бири ишни бошлашга фотиҳа берган. Ҳунарманд аёллар эни 45-50 см, узунаси 12-14, ҳатгоки 16 қулоч гиламни ҳашар йўли билан тўқишган. Тўқилган гилам қулочлаб кесилган. Ҳар бир қулочлаб кесилган гилам парчалари (парчалар тахта дейилади) сардўз билан, чеккалари сариқ, оқ ва қора жун иплар билан тикилган [11]. Гилам тайёр бўлгач, икки чеккасига ола ип тикилиб, гилам ўтов ёки уйни безашга ишлатилган. Гиламдан қолган ортиқча парчаларидан хўжалик учун зарур бўлган қатиқ халта, хуржин, тузхалта тикишган. Газлама қийқимларидан ойнахалта тайёрланган. Оқ сурп ва қора рангли сатин ёки читдан тикиш машинасида қуроқ тайёрлашган. Қуроқлардан икки кишилик қуроқ ёстиқ, қуроқ кўрпача, қуроқ кўрпалар, ойна халталар тикишган. Ойнахалта тўртбурчак (квадрат) шаклида бўлиб, 50 см ёки 60 см ҳажмида тикилган, атрофига рангли ипаклардан попуклар қилинган. Эркаклар учун белқарс ёки дастрўмоллар, қизил ёки ҳаворанг бўлган бир хил рангли матоларга ўсимлик барглари чизилиб, табиий ипаклардан кашталар тикилган, белқарснинг атрофи рангли ипак билан безатилган.

Хўжаликдаги кўрпа-тўшак ва ёстиқларни номаҳрам кишиларнинг кўзидан пана қилиш ҳамда овулларга кўчиш учун кўрпа – ёстиқларни ўраш мақсадида пахта ёки жунни йигириб, тўқиб, учларини бир қарич узунликда сачоқ чиқариб, бўғжама тикишган. У уйнинг чап томонига маҳаллий усталар тол ёғочидан қилган тумбочкасимон чорпоя устига тўшалиб, хона ичидаги кўрпа – ёстиқлар йиғилиб, бўғжама билан ўраб қўйилган. ХХ аср бошларида ва ўрталарида Қувват момо, Қиммат момо, Зубайда момо, Ашурой момо, Бодом момо, Гавҳар момонинг маҳорат билан тикишган ишлари ҳозиргача намуна сифатида эсланади.

Қадим Бақтриянинг машҳур гиламлари ва кашталарининг сирли жилвалари бугунги кунда ҳам Сурхон воҳаси чеварлари яратаётган санъат намуналарида ўз аксини топмоқда.

Мамлакатимизда миллий ҳунармандчиликни янада ривожлантиришга қаратилаётган эътибор уста ҳунармандлар сафини кенгайтириб, аждодларимиз яратган миллий маҳсулотларимизни қайта тиклаш ва дунёга кенг тараннум этишда янги имкониятлар эшигини очмоқда. Термиз шаҳрида 2009 йилда “Surxon silk” корхонаси ташкил этилиб, дастлаб бу ерда ипакдан Эрон технологияси асосида гилам тўқиш йўлга қўйилган бўлса [13], 2021 йил апрелда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил10 декабридаги 705-сон “Ўзбекистон Республикаси пиллачилик ва қоракўлчиликни ривожлантириш қўмитасининг фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига биноан “Afghan bazar carpets” корхонасида Афғонистон тажрибаси асосида қўй жунидан гилам тўқиш йўлга қўйилди ва шу кунгача ушбу корхонада 1000 дан ортиқ иш ўринлари ташкил этилди[9].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 декабрдаги ПҚ-77-сонли “Ҳунармандчилик фаолиятини қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳам ана шундай улкан мақсадларга йўналтирилгани билан соҳа вакилларини янги-янги марралар сари интилишга, маҳсулотлар турини янада кўпайтиришга ундайди. Жумладан, мазкур қарор маҳаллабай ишлаш орқали фойдаланилмаётган имкониятларни тўла ишга солиш, ҳунармандлар ўртасида ўзаро тажриба алмашиш тизимини кенгайтириш, ҳунармандчилик маҳсулотлари учун янги бозорларни топиш, аҳолини ҳунармандчиликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш, “уста-шогирд” анъаналари асосида маҳаллаларда ёшларга ҳунар ўргатиш ва бандлигини таъминлаш, пировардида камбағалликни қисқартиришга йўналтирилгани билан ҳам аҳамиятлидир [1].

Сурхондарё вилоятида ҳам миллий ҳунармандчиликни янги босқичда ривожлантириш орқали аҳолини доимий иш билан таъминлаш, халқимизнинг бой маданий мероси ва тарихий анъаналарини келгуси авлодга безавол етказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Масалан, қадимдан миллий ҳунармандчилик кенг ривожланган вилоятда 1+1 дастури асосида темир дафтар, ёшлар дафтари, аёллар дафтарига киритилган, шунингдек, доимий иш билан банд бўлмаган фуқаролар устоз-шогирд анъанасига мувофиқ соҳага жалб этилмоқда. Натижада усталар ҳисобига 1 минг 366 та, шогирдлар ҳисобига 5 минг 651 та иш ўрни яратилди. Ёки ҳунармандчиликни ривожлантириш ҳисобидан 7 минг 17 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланди. Биргина ўтган йилда соҳа ривожига хизмат қиладиган 1 минг 667 та лойиҳага 47 миллиард 632 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилди [8].

Ушбу қарор "устоз-шогирд" анъаналарини давом эттириб ҳунармандчиликнинг гилам тўқиш турининг ҳозирги кунда янада ривожланишига туртки бўлди.

Термиз тумани "Орол" маҳалласида ушбу ҳунармандчилик турини ўз неварасига сир-асрорини ўргатиб келаётган Морал момо Ғаффорова ўзи учинчи авлод вакили ҳисобланиб, момоси Абдувалиева Ободон (1887 йилда туғилган) биринчи, онаси Ёздурдиева Аннабека (1927 йилда туғилган) иккинчи авлод вакиллари бўлишса, невараси Ўдамуродова Ойжамол эса тўртинчи авлод ҳисобланади [4]. Морал момо Ғаффарова фахрий ҳунармандлардан бўлиб, 14 ёшидан гилам тўқиш сир-асрорларини ўрганиш билан бир қаторда Термиз туманида жойлашган гиламчилик цехида ҳам меҳнат фаолиятини олиб борган [10]. Ҳозирги кунда невараси Ўдамуродова Ойжамол гиламчилик сир-асрорларини ўз шогирдларига ўргатмоқда. Шунингдек, ушбу маҳаллада "Остона гиламчи" МЧЖ корхонаси ташкил этилган бўлиб, корхона раҳбари Дилафрўз Валлаева туманда 185 кишини иш билан таъминлаган ҳолда касаначиликни ҳам йўлга қўйган. Ушбу корхона ҳунармандлари томонидан тўқилган гиламлар шартнома асосида Туркия ва Буюк Британия давлатларига экспорт қилинмоқда [3].

Бойсун тумани ҳам ўзининг қўли гул ҳунармандлари билан машҳур. Ҳозирги кунда Бойсун туманида "Малика", "Афрўзбек", "Феруза Ҳунар" ҳунармандчилик марказлари 100 дан ортиқ ҳунармандчилик маҳсулотларини (шу жумладан гилам ҳам) ишлаб чиқармоқда. Устоз-шогирд анъаналари асосида ёшларга ҳунар турлари ўргатилмоқда.

Бойсунлик ҳунарманд Мафтуна Азизова бошчилигидаги тўқувчи қизлар ҳар йили ЮНЕСКО томонидан ўтказилиб келинаётган "Бойсун баҳори-2022" Халқаро фестивалига тўёна сифатида 6 ой давомида 25 метр узунликдаги гиламни тўқиб битказди [2]. Мутахассисларнинг айтишича, туя жунидан тўқилган ушбу гилам иссиқлик сақлайди, электр токини ўтказмайди, гард юқтирмайди, узоқ вақт тоза сақланади. Шунингдек, инсон танаси чиқарадиган хавфли моддаларни ҳам зарарсизлантириш хусусиятига эга. 25 метрлик гилам бугунги кунда йўқолиб кетган нақшлар билан безатилган. Унинг хом-ашёси, бўёқлари табиий маҳсулотлардан иборат бўлгани учун ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон ҳунармандчилик кенгаши (WCC)нинг сифат белгиси сертификати билан тақдирланди.

Президентимизнинг 2021 йил 30 декабрдаги "Ҳунармандчилик фаолиятини қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида миллий ҳунармандчилик ва халқ амалий санъати маҳсулотларини ташқи бозорга олиб чиқиш юзасидан ҳам бир қатор вазифалар белгиланган. Мамлакатимизда сўнгги йилларда соҳани қўллаб-қувватлашга қаратилаётган эътибор миллий ҳунармандчилигимизни янада ривожлантириб, янги иш ўринлари

барпо этиш ва ноёб қадриятларимизни дунёга кенг тараннум этишда муҳим омил бўлмоқда.

Хуллас, буларнинг барчаси мамлакатимизда азалий қадрият ва анъаналаримизни юксалтириб, жаҳонга кенг намоён этиш ҳамда Янги Ўзбекистонда инсон қадрини улуғлашга буюк неъмат сифатида қаралаётганининг амалдаги ифодасидир.

**Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати**

1. Sayyora Abdusoatovna Ergasheva, History of Baisun silk knitting Factory, Academicia aninternational multidisciplinary research journal, Vol. 11, Issue 5, May 2021.
2. Дала ёзувлари, Бойсун тумани, “Газа” маҳалласи, 2022 йил 11 март.
3. Дала ёзувлари, Термиз тумани “Орол” маҳалласи, 2022 йил 12 март.
4. Дала ёзувлари, Термиз тумани “Орол” маҳалласи, 2022 йил 3 март.
5. Дала ёзувлари, Шерobod тумани Пошхурд қишлоғи, 2021 йил 19 ноябрь.
6. Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси.–Т: Ўқитувчи.1994.–Б.309.
7. Норматов Н., Бойқулов М., Пошхурднинг олтин деворлари, Т;. “Санъат” журнали нашриёти, 2013.-Б.87.
8. Республика “Ҳунарманд” уюшмаси Ахборот хизмати,2022 йил 10 апрель.
9. Сурхон ипаги Ахборот хизмати, 2021 йид 23 сентябрь
10. Сурхондарё вилояти давлат архиви, 653-фонд, 2-рўйхат, 2-йиғма жилд, 23-варақ.
11. Томина Т.Н. Тканы и одежды кочевых и полукочевых народов Средней Азии. – М.: Наука,1989.–С.231.
12.Турсунов С., Пардаев Т., Ўзбекистон тарихи ва маданияти – Сурхондарё этнографияси. – Т.; Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2006. – Б.94.
13. Холтўраев А. Сурхон ипаги хорижга // Сурхон тонги, 2010 йил 26 август.
14. Ўз МА, 2-фонд, 1-рўйхат. 37-иш, 78-варақ.
15. Қобулов Э. Сурхон воҳаси хўжалиги. – Т.: Академнашр, 2012. – Б.221.

# ЎРТА ОСИЁДА ХАЛҚ ТАБОБАТИНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ

***О.Р.Очилова – Қарши давлат университети докторанти***

Табобат – инсоният билан бир даврда пайдо бўла бошлаган. Инсонлар ўз-ўзига, бир-бирига ёрдам бериши натижасида тиббий билимлар вужудга келган. Бир неча минг йиллар давомида ривожланиш йўлини босиб ўтган.

Шарқ инсоният тараққиётининг бешиги ҳисобланади. Илм – фаннинг барча соҳалари, жумладан, тиббиёт илми ҳам дастлаб Шарқ мамлакатларида пайдо бўлган. Археологик қазилмалар натижасида топилган ашёвий далиллар ва тарихий маълумотлар шундан далолат беради. Масалан, Африка ва Осиё қитъаларида олиб борилган археологик қазилмаларда аждодларимизнинг қайси касалликлар билан оғригани ва қандай даволангани ҳақида жуда кўп ашёвий далиллар топилган. Шулар асосида биз узоқ ўтмишда баъзи мамлакатларда тиббиётнинг қандай даражада ривожлангани ҳақида маълум тушунчаларга эга бўлишимиз мумкин [9].

Тиббиёт инсон фаолиятининг муҳим бир соҳаси сифатида бошқа кўп сохалардан илгарироқ пайдо бўлган. Масалан, ибтидоий одамлар ўзлари учун ҳали турар-жой қуриш, кийим тикиш ва овқат пиширишни билмай туриб, баъзи касаллик ҳолатларида муолажа қилишни билиб олганлар. Буни ўша ибтидоий одамларнинг яшаш шароитлари тақозо этган. Уларнинг яшаш шароитлари эса жуда оғир ва

машаққатли бўлган. Ибтидоий одамлар уй- жойсиз, ўрмонларда ярим яланғоч ва кўпинча оч яшаб, кўп қийинчиликларни бошларидан кечирганлар. Бунинг натижасида кўп касалликларга дучор бўлганлар, йиртқич ҳайвонлар билан тўқнашиб, тан жароҳати олганлар [1].

Табиийки бундай ҳолатларда кишилар касалликдан қутулиш ва тан жароҳатларини даволашга интилганлар. Натижада дастлабки оддий муолажа усуллари ишлаб чиқилган.Бу ҳақда улуғ Гиппократ бундай деб ёзгати эди: "Ҳаётнинг ўзи кишиларни табиблик санъатини излаб топишга мажбур этган". Тиббиётнинг келиб чиқиши жараёнини ҳар тарафлам а ўрганиш шуни кўрсатадики, "биринчи табиб" организмнинг ўзи экан, яъни организмнинг ўзи биринчи бўлиб касалликга қарши курашаркан [1].

Инсон танаси шундайин яралганки, танамизнинг бирор қисми лат еса ёки кесилса, тўқималар зарарланган этни организмдан чиқариб ташлаб, ўрнига янги тери пайдо қилади. Бу жараён тез ва зарарсиз кечиши учун эса бизга табобат ёрдам беради. Илк цивилизациялар Қадим Шарқда вужудга келганидек, табобат ривожи ҳам худди шу ўлкаларда гуркираб ривожланган.

Шарқ халқ табобатининг пайдо бўлганига 5 минг йилдан ошди. Игна ёки олов билан куйдириб даволаш усуллари жуда қадим замонларда маълум бўлган. Дастлаб ингичка тош ва суяклардан игналар тайёрлаб, беморларни даволашган бўлишса, кейинчалик метал, кумуш, олтин игналар тиббиётга кириб келди. Қадимда, куйдириб даволашда шувоқдан пилик ўрнида фойдаланилган, ҳозирги кунда эса шувоқнинг махсус қаламчалари ишлатилади. Бу иккала усул ҳозирги кунда ҳам амалиётга кенг тадбиқ этилмоқда.

Гиппократ: “Ҳакимнинг учта қуроли бор, бу – ширин сўз, тиғ ва шифобахш гиёҳдир”, деган. Қадим замонларда табиблар беморларни асосан ўсимликлар билан даволашган. Фармакопея тарзидаги қўлланма милоддан 4000 йил аввал мисрликлар томонидан яратилган [4].

Қадим даврлардан то ҳозирги кунга қадар табобатнинг вужудга келиши ва ривожида қатор олимларнинг хиссаси бор. Буқрот (Гиппократ), Жолинус (Гален), Ибн Сино, Собур ибн Сахл, Али ибн Раббан ат-Табарий, Абу Бакр Муҳаммад ибн Закариё ар-Розий, Раби ибн Аҳмад ал-Ахаваний ал-Бухорий, Абул Мансур ал-Қамарий, Абу Мансур ал-Ҳасан ибн Нуҳ ал-Қумрий, Абул Қосим ал-Захравий, Абу Саҳл Масиҳий ва бошқа кўплаб табобат илми алломаларининг қолдирган бой тажрибалари бугунги куннинг ривожланган замонавий медицинаси учун тамал тоши бўлиб хизмат қилмоқда.

Осиёда ўсадиган яқин етти минг турли ҳилдаги ўсимликлар орасидан қадимги ҳакимлар ишлатиб келган, замонавий табобатда ҳам қўлланилаётган айрим ўсимликларнинг шифобахш таъсири, қандай касалликларда қай тарзда ишлатилиши тўғрисида шу ўсимликларнинг номи билан керакли маълумотларни ёзиб қолдирганлар.

Бугунги кунда кимдир анъанавий, кимдир ноананавий деб атаётган, бошқаси камситиб, яна бировлар қадр-қимматини осмон қадар қадрлаётган бу амалиёт аслида илоҳий неъматдир. Ўзининг ўлмас анъаналарини замонавий тиббиётга сингдиришга уринаётган инсон саломатлигини ўйлаб, ўзини шу йўлга бағишлаган ҳозиқ табиблар меросидан оқилона фойдаланишни таклиф қилаётган халқ табобати асл маънода тугамас хазина, адабий сарчашмага ўхшайди [6].

Қадим замондан халқ табобатчилигида табиат маҳсули бўлган шифобахш ўсимликлардан турли – туман хасталикларни даволашда муваффақиятли фойдаланиб келинмоқда. Инсоннинг бу йўналишдаги изланишлари, сермахсул

тажрибаси аждодлардан авлодларга турли хил манбалар замирида мерос бўлиб қолмоқда [11].

Халқ табобатининг этиборли жихати шундаки, у маълум бир инсон томонидан ўйлаб топилган ёки ташкил этилган эмас. Халқ табобати бир неча минг йиллар давомида тўпланган ва синалган бой тажриба натижасидир.

Шарқ халқлари табобатининг тарихи ва илк манбалари ҳақида гап очилганда буюк ватандошимиз Абу Али Ибн Сино ва ундан юз йилча олдин яшаган Абу Бакр ар-Розийларнинг номлари ва табобатга доир бебахо мерослари тилга олинади, албатта. Ўтмишда Мовороуннаҳр, Туркистон деб аталган бугунги Ўзбекистон ҳудудида ҳам халқ табобати қадимдан ривожланган, бой тажрибага асосланган сода ва мураккаб даволаш усуллари қўлланган [6].

Ибн Сино жаҳон фани тараққиётига улкан ҳисса қўшган буюк сиймолардан бўлиб, унинг илмий ишлари хоразмлик буюк қомусий олим Абу Райхон Беруний (973-1048) асарлари билан биргаликда ўша давр фани тараққиётининг энг юқори чўққисини ташкил этади. Унинг тўла исми Абу Али ал-Ҳусайн ибн Абдуллоҳ ал-Ҳасан ибн Али ибн Сино бўлиб, кўпинча қисқартирилиб Абу Али ибн Сино деб юритилади. Бу исм қадимги яҳудий тилида Авен Сино деб ёзилган ва олимнинг европада кенг тарқалган Авиценна шаклидаги номи шу сўзни бироз бузиб талаффуз этишдан келиб чиққан [2].

Шарқ табобатининг йирик қомусий олими Абу Али Ибн Синонинг маданий меросини ўрганиш борасида жаҳоннинг энг йирик шаҳарларида илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Олимнинг бизгача етиб келган турли соҳаларга оид қўлёзма асарлари дунёнинг йирик кутубхоналарида сақланиб келмоқда [2].

Жаҳон фани, хусусан табобат илми тараққиётига улкан ҳисса қўшган Абу Али Ибн Сино Ўрта Осиё тупроғидан етишиб чиққан ватандош алломаларимиздан бири хисобланади. Ибн Сино табиий фанларни, хусусан табобатни севиб ўрганади. У ўзининг туғма истедоди ва фавқулотда мехнатсеварлиги туфайли дарсларни осонлик билан ўзлаштирар, хатто муаллимларига номалум бўлган нарсаларни ҳам китобдан мустақил ўқиб ўрганарди. Айниқса тиб илмида у жуда тез камол топа бошлайди. Ибн Сино ўн етти ёшидаёқ Бухоро халқи орасида моҳир табиб сифатида донг таратди [2].

Ибн Сино ҳақиқий қомусий олим сифатида ўз давридаги фанларниг деярли ҳаммаси билан муваффақиятли шуғулланган ва уларга оид асарлар яратган. Турли манбаларда унинг 450 дан ортиқ асарлари қайд этилган бўлса ҳам, замонлар ўтиши билан уларнинг кўпи йўқолиб кетган ва бизгача фақат 242 таси етиб келган. Шу 242 тадан 80 таси фалсафа, илоҳиёт ва тасаввуфга тегишли, 43 таси табобатга оид, 19 таси мантиққа, 26 таси руҳшуносликка, 23 таси тиббиёт илмига, 7 таси фалаккиётга, 1 таси риёзиётга, 1 таси мусиқага, 2 таси кимёга, 9 таси одоб илмига, 4 таси адабиётга ва 8 таси бошқа олимлар билан бўлган илмий ёзишмаларга бағишланган.

Олимнинг бизгача етиб келган энг йирик ва муҳим асарлари “Китоб уш-шифо”, “Китоб ан-нажот”, “Ал-ишорат ват-танбиҳот”, “Донишнома”, “Тиб қонунлари”, “Табобат гулшани” каби асарлари мавжуд.

Ибн Синонинг тиб илмига оид йирик асарларидан бири бу – “Тиб qонунлари” китобидир. Бу китобни турли тилларда таржима қилиниши кўпчилик китобхонларнинг бу асарга бўлган қизиқишларини кучайтирди, уларнинг шарқ табобати илми бўйича тушунчаларини бойитди. Халқимиз учун соғлиқни сақлаш соҳасида улкан бир дастур бўлиб хизмат қила бошлади.

Мазкур китобда Ибн Синонинг инсон соғлигини сақлаш учун туғилган кунидан токи умрининг охиригача амал қилиши лозим бўлган тадбирлар хусусида ўгитлари, ташқи муҳитнинг инсон организмига тасири ҳамда бази касалликлар ва

уларни даволаш учун ишлатиладиган дорилар ҳақидаги фикрлари қисқача баён этилган.

Ибн Сино тавсия этган шифобахш моддалар ичидан биз асосан Ўзбекистон ҳудудида ўсадиган доривор ўсимликларни ёки улар четдан келтирилган бўлса ҳам бизда, халқ табобатида қўлланиб келганларни рўйҳатлари берилган.

Ўзбекистон Фанлар Академияси Абу Райхон Беруний номли Шарқшунослик институтида Ибн Сино асарларининг қатор қўлёзмалари сақланиб келинади.

Ибн Синодан сўнг тиббиёт илмининг қанчалик улкан ютуқларга эришгани, теҳник ва теҳнологик жиҳозларга, даволаш усулларига беқиёс бойиб кетганлиги, дори-дармонларнинг ниҳоят ранг-баранг ва кўпайганлигига қарамай буюк олимнинг тиббиёт соҳасидаги мероси ҳозирда ҳам ўзинингаҳамиятини йўқотмаган. Қадимги дунё ва ўрта асрнинг тиббиёт соҳасидаги ютуқларини ўзида умумлаштирган бу мерос ҳам ўзининг кўп жиҳатдан амалий қийматини сақлаб келмоқда. Шунинг учун ҳам унга бўлган қизиқиш бугунгача давом этиб келмоқда ва яна кўп йиллар давомида инсониятни ўзига жалб этади [2].

Буюк аллома, файласуф Абу Али Ибн Синонинг ижодий мероси ва унинг мия тўғрисидаги таълимотни алоҳида ўрганиш тиббиёт фанининг долзарб масалаларидан хисобланади. Зеро, мия барча органларнинг бошқарувчисидир. Ибн Сино фикрларининг изчиллигини, ўзига хослиги ва мустақиллигини кўрсатиб бериш учун ундан олдин яшаб ўтган Миср, Хитой, Юнонистон, Рим, Ўрта ва Яқин Шарқ давлатлари олимларининг фикрлари ўрганилиб, бир-бири билан таққосланди [3].

Шарқнинг буюк қомусий олими бўлмиш Ибн Сино доривор ўсимликларга алохида эътибор берган. У ўзнинг “Тиб қонунлари” асарида 400дан ортиқ ўсимликларнинг шифобахш ҳусусиятлари ва уларни ишлатиш усуллари ҳақида ёзиб қолдирган.

Бугунги кунда улуғ аллома фойдаланган доривор ўсимликларнинг 100 дан ортиғи замонавий медицина амалиётида самарали қўлланилмоқда. Ҳозирги вақтда медицинамизда ишлатилаётган барча дориларнинг 40 фоизи, юрак қон-томир касалликларини даволашда қўлланиладиган дориларнинг эса 80 фоизини шифобахш гиёҳлар ва улардан олинадиган малҳамлар ташкил этади. Ўзбекистонда ёввойи ҳолда ўсадиган ўсимликларнинг 4 минг турдан ортиғи маълум. Шулардан 500 дан кўпи шифобахш ўсимликлар ҳисобланади [2].

Буюк алломани Шаркда Луқмони Ҳакимга менгзар эдилар. Ғарб эса уни Авиценна деб таниди [10]. Бу буюк зотнинг қолдирган асарлари биз учун бебахо бойлик, улкан меросдир. Бу мерос биздан аввал ҳам бизнинг давримизда ҳам, бизнинг авлодларга ҳам табобат соҳасида дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Авиценна номи билан дунёга машҳур буюк олимга Франция, Австрия, Туркия, Эрон, Туркманистон, Тожикистон ва бошқа давлатларда ҳайкал ўрнатилган. Эндиликда Франция пойтахти Париж яқинидаги Рюэй-Малмезон шаҳрида тиббиёт илми асосчисининг яна бир улуғвор ҳайкали қад ростлади [14].

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда ҳам аҳамиятли бўлган халқ табобати Марказий Осиёда қадимдан ривожланган ва аҳоли саломатлигини сақлашда муҳим ўрин тутган соҳа хисобланган. Қадимда буюк аждодларимизнинг табобат илми равнақи учун қўшган илмий мероси замонавий тиббиёт учун асос, пойдевор бўлиб хизмат қилади. Қадимий ва навқирон меросимиздан фойдаланиб, бугунги кунда кўплаб ютуқларга эришилмоқда.

**Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхат**

1. Қодиров А.А. Тиббиёт тарихи. – Тошкент, 2005. – Б.6-7.
2. Абу Али Ибн Сино. Тиббий ўгитлар. – Т.: Меҳнат, 1991. – Б.3-5.

3. Абу Али Ибн Сино неврологияси. Н.Мажидов, Ҳ.Ҳалимова, Н.Мажидова. – Т., 2002. – Б.3-4.
4. Жўраев Азимжон. Халқ табобати. – Тошкент, 2008. – Б.78.
5. Маҳмуд Хасаний. Табобат дурдоналари. – Т., 1993. – Б.8.
6. Ўлжабоева Нортош. Халқ табобати хазинасидан жавоҳирлар. – Тошкент: 2009. Бет – 13-14.
7. Павлов И.П. Полное собрание сочинений. 1951. Т. П. КН. 1. – С. 246.
8. Мадиев Жуманазар, Ҳакимов Исмоил. Табобат ва маънавият Навоий талқинида. – Тошкент, 2018. – Б.8.
9. Жўраева М.А., Шадманов А.Қ., Абдуллаев Р., Абдуллаева М.А., Ашуралиева М., “Халқ табобати” – Андижон, 2014. – Б.8.
10. Шарқ табобати журнали, 2000 йил январь.
11. Анвар Собиржон ўғли. Шарқона даволар. – Тошкент, Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 1999. – Б.3.
12. Аҳроров Ш. Табобат мўъжизаси. – Т., 2005. – Б.3-4.
13. Қорабоев Усмон, Соатов Ғайрат. Ўзбекистон маданияти. – Тошкент, 2011. – Б.104.
14. http://xs.uz/uz/post/frantsiyada-abu-ali-ibn-sino-hajkali-ochildi

## БУХОРО АМИРЛИГИ ДОИРАСИДА КЕЧГАН ЭТНИК ЖАРАЁНЛАРДА ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИ АҲОЛИСИНИНГ ИШТИРОКИ

***Бахрамов Темурбек Бахтиёр ўгли – Қарши давлат университети докторанти***

***Аннотация:*** *Ушбу маколада Бухоро амирлиги доирасида кечган этник жараёнларда Қашқадарё воҳаси аҳолисининг иштироки атрофлича турли манбалар асосида урганиб чикилган. Воха ахолисининг этник ранг баранглиги ёритилган.*

***Калит сўзлар:*** *этник жараёнлар, козоклар, араблар, лулилар, туркманлар, воха ахолиси, каршиликлар, миришкорлар, чорвачилик.*

Бухоро амирлиги (1753-1920) доирасида Ўрта Осиёда, хусусан, бугунги Ўзбекистон ва Тожикистон ҳудудларида, қисман эса Жануби-Шарқий Туркманистон ва Шимолий Афғонистон ҳудудларида кечган этник жараёнлар жадал ривожланиб, минтақадаги бир неча халқларнинг этник шаклланишида муҳим роль ўйнади. Ушбу жараёнларда Бухоро хонлигининг марказий қисмида жойлашган Зарафшон ва Қашқадарё воҳасининг ўрни айниқса муҳим аҳамият касб этди.

Бухоро амирлиги маъмурий-ҳудудий жиҳатдан 27 беклик ёки вилоятга бўлинган бўлиб, айрим истисноларни ҳисобга олмаганда, қуйидагича бўлиниш давом этган [1; 4-10-б]: 1. Кармана, 2. Хатирчи, 3. Зиёвуддин, 4. Нурота, 5. Қарши, 6. Китоб, 7. Шаҳрисабз, 8. Чироқчи, 9. Яккабоғ, 10. Ғузор, 11. Бойсун, 12. Шеробод, 13. Денов, 14. Карки, 15. Чоржўй, 16. Ҳисор, 17. Кўлоб, 18. Қоратегин, 19. Дарвоз, 20. Балжувон, 21. Шуғнон-Рушон, 22. Қўрғонтепа, 23. Қабодиён, 24. Калиф, 25. Бўрдалиқ, 26. Қобоғли ва 27. Хоразм.

Бухоро амирлигидаги ҳар бир беклик амир томонидан тайинланган ҳоким “бек” деб аталувчи амалдорлар томонидан бошқарилган. Ўз навбатида бекликлар амлокдорликлар (мулкликлар)га бўлиниб, уларни “амлокдор”лар ёки “шоҳ” деб номланувчи амалдорлар бошқарган [2; 4-б]. Амирликдаги амлокдорлар беклар томонидан тайинланган, шоҳлар эса аҳоли томонидан сайланиб, сўнгра беклар томонидан уларнинг ваколати тасдиқланган. Бухоро амирлигидаги амлокдорликлар аминликларга бўлиниб, бу маъмурий бўлинманинг энг қуйи бўғинини ташкил

этарди. Аминликларни ўзбекларда “мингбоши”, тожикларда “арбоб” деб аталувчи, аҳоли томонидан сайлаб қўйилган оқсоқоллар бошқарганлар.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Бухоро амирликнинг энг йирик шаҳарлари Самарқандда 50 минг, Қаршида 15-20 минг, Шаҳрисабз ва Китобда 18 минг, пойтахт шаҳар Бухорода эса 85-90 минг атрофида аҳоли яшаган [3; 73-б]. Қўшни хонликларга нисбатан Бухоро амирлигининг этник таркиби ранг-баранг бўлиб, унда кўплаб элатлар истиқомат қилганлар [4; 67-75-б]. Амирликдаги аҳолининг ярмидан кўпроғини ўзбеклар ташкил этиб, улар асосан Зарафшон водийсида, Қашқадарё ва Сурхондарё воҳасида истиқомат қилганлар. Жами аҳолининг 30% ини ташкил этган тожиклар қисман Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида, асосан амирликнинг тоғли ҳудуди бўлган Шарқий Бухорода маҳаллий аҳолининг катта қисмини ташкил этган. Амирликнинг жанубий чегаралари бўлмиш Амударёнинг ўнг қирғоғида, Чоржўй ва Каркида яшовчи туркманлар эса мамлакат аҳолисининг 10% ини ташкил этган. Шунингдек, Кармана ва Нуротада ўзбек қабилалари билан бир қаторда қозоқлар, Бухоро ва Самарқанд шаҳрида кўплаб ўзбек ва тожиклар билан бирга яҳудийлар, араблар, лўлилар ва афғонлар яшаган [5; 89-б].

Бухоро амирлиги аҳолисининг катта қисмини Зарафшон ва Қашқадарё воҳалари аҳолиси ташкил этиб, уларнинг сезиларли бир қисми ушбу воҳалардаги Бухоро, Самарқанд, Каттақўрғон, Қарши, Шаҳрисабз каби йирик шаҳарларда истиқомат қилганлар. Шу билан бирга, ҳар иккала воҳа аҳолисининг кўпчилиги қишлоқ ва овулларда яшаб, хўжалик турмуш тарзида деҳқончилик, боғдорчилик ва чорвачилик катта ўрин тутган. Шу билан бирга, амирликка қарашли воҳаларнинг тоғолди, дашт ва чўл қисмларида кўчманчи ва ярми кўчманчи ҳаёт кечирувчи чорвадор аҳоли – кўчманчи ўзбеклар, қозоқ, туркман ва араблар истиқомат қилганлар. Бухоро амирлиги даврида уларнинг кўпчилиги яппасига ўтроқ ҳаётга ўта бошлаганлар. Шу ўринда айтиб ўтиш керак, XVII – XIX асрлар оралиғида кўплаб кўчманчи ўзбек уруғларининг Зарафшон воҳаси ва Қашқадарё воҳаларида фаоллашуви ҳамда ўтроқ ҳаётга кўчишлари кенг кўлам касб этди. Бу жараёнлар нафақат ўз даври ёзма манбаларида ўз аксини топган, балки мамлакатимиздаги юзлаб ўхшаш этнотопонимлар мисолида ҳам ўз тасдиғига эга. Бир томондан Нурота ва Жиззах воҳасидан ушбу воҳаларга йирик кўчишлар юз берган бўлса, иккинчи томондан Шимолий Афғонистондан бир қатор ўзбек уруғлари шимолга – Сурхондарё – Зарафшон воҳаси орасидаги дашт ва тоғ этакларига кўчиб бориб жойлашганлар [6; 105-108-б]. Бошқа томондан эса минг, сарой, барлос, кенагас ва яна бир қатор кўчманчи ўзбек уруғларининг Сурхондарё – Қашқадарё воҳаларидан чиқиб, Самарқанд ва Жиззах орқали Фарғона водийсига бориб ўрнашишлари кузатилди. Бу ҳолат нафақат ўз даври ёзма манбаларида, балки бугунгача сақланиб қолган турли маълумотлар (этнографик, топономик ва ҳ.к.) орқали ўз тасдиғига эга [7; 10-б].

Бухоро амирлигининг марказий ва чекка ҳудудларидан амирлик ҳамда унга қўшни хонликлар ҳудудига кўчиб ўтиш – миграция жараёнлари кучайишининг негизида бир неча омиллар ётади. Биринчидан, амирликнинг асосчи уруғи бўлмиш манғитлар ҳокимиятни мустаҳкамлаш мақсадида стратегик аҳамиятга эга жойларга ўзларига иттифоқдош уруғларни кўчириб жойлаштирган бўлса (мас. Қарши шаҳри атрофига Нурота воҳасидан манғитларга яқин уруғларнинг кўчирилиши), иккинчидан, амирлик билан келиша олмай қолган айрим уруғларнинг Қўқон хонлиги ҳудудларига кўчиб кетиши (мас. минг, кенагас, барлос уруғлари) каби ҳолатлар юз берди. Шу ўринда, туркий уруғларнинг муайян бир ҳудуддан бошқа бир ҳудудга кўчиб бориб жойлашуви фақатгина Бухоро амирлиги учун хос бўлмай, бу ҳолат анча олдинги даврларда ҳам тез-тез содир бўлганлиги кузатилади. Айниқса,

Темурийлар (1365-1505), Шайбонийлар (1501-1601) ва Аштархонийлар (1601-1751) даврида ҳам барлос, қовчин, арғун, арлот ва яна бир қатор уруғларнинг Фарғона водийси, Тошкент ва Ясси (Туркистон), Хужанд, Самарқанд, Бухоро, Қарши, Термиз, Балх, Бадахшон вилоятларида кўчиб юришгани ёки жой алмаштиргани кўзга ташланади [8,75]. Демак, Бухоро амирлиги даврида Сурхондарё, Қашқадарё ва Зарафшон воҳаларидан ўзбек уруғларининг Фарғона водийсига бўлган кўчишларни ушбу миграция жараёнларининг навбатдаги такрори дейиш мумкин.

Бухоро амирлиги давридаги этник жараёнларда Қашқадарё воҳаси аҳолиси иштирокини шартли равишда қуйидагича гуруҳларга ажратиш мумкин:

1-гуруҳ. Ўз уруғ-қабилавий бўлиниш тизимига эга кўчманчи ўзбек уруғларининг турли ҳудудларга кўчиб бориб жойлашуви ёки кўчиб келишлари;

2-гуруҳ. Воҳа аҳолиси этник жараёнларида иштирок этган туркий (қозоқ, туркманлар) ва туркий бўлмаган (араб, тожик ва ҳ.к.) гуруҳлар;

3-гуруҳ. “Қаршиликлар”, “миришкор” деб аталувчи аҳоли гуруҳлари.

Улар орасида биринчи гуруҳ вакиллари кўпчиликни ташкил қилганлиги ўз даври ёзма манбаларида – Бухоро амирлиги тарихнавислиги асарларида, рус сайёҳ ва элчиларининг қайдларида ва ҳоказоларда ўз исботига эга [9,109]. Улардан маълум бўлишича, айнан амирлик даврида манғитлар Қашқадарё воҳасининг Қарши беклиги ва унинг атрофи (Косон, Касби)да сезиларли даражада, Шаҳрисабз, Яккабоғ, Чироқчи бекликларида эса қисман ўз қишлоқларига эга бўлишган. Манғитларга қариндош кенагас уруғи вакиллари эса Шаҳрисабз ва Китоб бекликларида анча кўпчиликни, саройлар Чироқчи беклиги ва атрофларида, қўнғиротлар эса Ғузор беклиги ва атрофида (бугунги Деҳқонобод туманида) аҳолининг сезиларли бир қисмини ташкил эта бошлаган [10,129]. Чироқчи беклигида, бекликнинг маркази бўлмиш Чироқчи шаҳрида чуют уруғи, Чияли номли аҳоли масканларида қушчи ёки қушчи-қипчоқ уруғи, Қораянтоқ (бугунги Кўкдала) ва атрофларида уз уруғи вакиллари ўзларининг ўнлаб қишлоқларига эга бўлган.

**Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати**


1. Населенные пункты Бухарского эмирата (конец XIX - начало XXв.) / Материалы к исторической географии Средней Азии. Под. Ред. А.Р. Мухаммеджанова. – Т.: Университет, 2001. – С. 4, 10.
2. Материалы по районированию Средней Азии. Кн.1: Территория и населения Бухары и Хорезма. Часть 1: Бухара. – Т.: Туркпечать, 1926. – Б. 63-64; Населенные пункты Бухарского эмирата (конец XIX - начало XXв.) ..., с. 4, 10
3. Костенко Л.О. Путешествие по Средней Азии. – СПб., 1870. – С. 389-390; Сухарева О.А. К истории городов Бухарского ханства. – Ташкент: Академии наук УзССР, 1958. – С. 73.
4. Кармышева Б.Х. Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана. – М.: Наука, 1976; Маликов А.М. Тюркские этнонимы и этнотопонимы долины Зерафшана (XVIII – начало XX в.). – Ташкент: Muharrir nashriyoti, 2018. – С. 67-75
5. Сухарева О.А. К истории городов ..., с. 89.
6. Абдуллаев У.С. Фарғона водийсида этнослараро жараёнлар (XIX–XX аср бошлари). – Тошкент: Янги аср авлоди, 2005; Ражабов Р. Ўзбекистондаги араблар тарихи ва этноргафияси ... – Б.105-108.
7. Қораев С. Географик номлар маъноси. – Т.: «Ўзбекистон», 1978. – Б. 33; Миндон ва миндонликлар. – Тошкент: Yangi nashr, 2015. – Б. 10-11.
8. Нафасов Т. Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати. – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1988; Бўриев О., Усмонов М. Ўзбеклар: этник тарихи ва

этномаданий жараёнлар. – Самарқанд, 2008; Маликов А.М. Тюркские этнонимы и этнотопонимы долины Зерафшана (XVIII – начало XX в.) ... – С. 75-76;

9. Ханыков Н.В. Описание Бухарского ханства. – СПб., 1843; Вамбери А. Путешествие по Средней Азии. – СПб., 1865; Кун А. Очерки Шахрисябзского бекства. – СПб., 1880; Сухарева О.А. К истории городов Бухарского ханства. – Т.: АН УзССР, 1958. – С. 109-139.
10. Маликов А. Узбеки группы «сарай» долины Зерафшана в XIX – начале XX вв. // Научный вестник Бухарского Государственного университета. 2007, №3. – С. 5-10; Маликов А.М. Тюркские этнонимы и этнотопонимы долины Зерафшана (XVIII – начало XX в.) ... – С. 129-121.

## ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА ҚИРҒИЗЛАРНИНГ ЎТРОҚЛАШУВ ЖАРАЁНИ

***О.А.Абдураупов – Андижон давлат университети Ўзбекистон тарихи кафедраси катта ўқитувчиси***

Фарғонанинг шарқий ва шимоли-шарқий худудларида жойлашган баланд тоғли яйловларига XVI – XVIII асрларда қирғизларнинг келиши бошланган. Фарғона ҳудудида сақланган оғзаки маълумотларга кўра қирғизлар томонидан биринчи навбатда, Олой (Фарғона ва Қашғар оралиғида) худудларга жойлашганлар ва уч юз йил давомида Фарғонанинг шимолий-ғарбий қисмларига, қисман Қоратегинга ва Фарғона яқинидаги бошқа тоғли ҳудудларга ҳам кўчиб ўтганлар [5.178-179].

Бироқ XVIII асрда ўтроқ яшовчилар сафига кўчманчиларнинг келиб қўшилиши натижасида аҳоли сонининг сезиларли даражада ошиши туфайли Фарғона водийсида ер ва сув тақсимоти масаласи айниқса кескинлашди. Энг қатъий кураш тоғ этакларининг ўрта қисмида, кўчманчи чорвачилик ва деҳқончиликни ўтказиш учун тенг даражада мос эди. Қишлоқ хўжалиги, албатта, бу ерда оқаётган тоғ дарёларининг сувидан тўғри фойдаланиш орқали амалга оширилар эди. Шу сабабли янги деҳқончилик ерларига бўлган талаб ўтроқ яшайдиган аҳоли учун зарур бўлса, чорвачилик билан шуғулланувчи кўчманчи аҳолига яйловлар етишмаслигини келиб чиқди [5.181].

Водий қирғизлари, асосан, ярим кўчманчи чорвачилик фаолияти билан шуғулланиб келган, яъни эрта баҳордан кеч кузгача тоғ ва тоғ олди ҳудудларида мол-қўйларини боқиб, қор тушиши билан водий қишлоқларига қишлагани тушар эдилар. Ярим кўчманчилик ҳаёт тарзида оиланинг муқим яшаш жойи бўлиб, эркаклар мавсумда чорва ҳайвонларини яйловларда ҳайдаб боқсалар, аёллар ва болалар деҳқончилик ва бошқа ишлар билан машғул бўлганлар (Ҳозирги кунда ҳам ҳаёт тарзининг бу хили водий қирғизларининг айримларида сақланиб қолган). Бу ҳаёт тарзи рус босқинидан кейин бузила бошлади. Ўзларига тегишли унумдор худудларга рус мужикларининг кўчириб келтирила бошлаши билан қирғизлар ерларини сақлаб қолиш учун ўтроқлаша бошлайдилар, деҳқончилик, хизматкорлик ва бошқа машғулотлар билан ҳам шуғуллана бошлайдилар. Шу даврдан эътиборан водий қирғизлари ярим кўчманчилик ҳаёт тарзидан ўтроқ ҳаётга ўта бошладилар.

Фарғона қирғизларида рус босқинига қадар бошқа элат вакиллари билан этник алоқа, яъни оила-никоҳ муносабатлари суст кечган. Фарғонада Россия империяси ҳукмронлиги бошланганидан сўнг қирғизларнинг бошқа халқ вакиллари билан консолидация жараёнлари фаоллашади, айниқса, маҳаллий сартлар* билан ассимиляция жараёни кузатила бошлади. Бу жараённинг жадаллашувида

қирғизларнинг чорвачилик, сартларнинг эса деҳқончилик билан шуғулланиб келишгани муҳим аҳамият касб этади.

Ўтроқлашиш жараёнининг кучайиши, атрофдан турли халқларнинг кўплаб келиши натижасида Фарғона водийсининг туб аҳолиси билан ўтроқлашаётган бошқа халқлар орасида ер учун кураш бошланади. Исфайрам, Аравон, Оқбўра дарёларининг суви деярли тўласича суғоришга олинади. Бу атрофдаги, шунингдек, Андижон билан Қорасув ўртасидаги қирғиз яйловлари деҳқончилик ерлари ва қишлоқларнинг қуршовида қолади. Қирғизларнинг ҳам бир қисми ўтроқлашиб, деҳқончиликка ўтадилар. Масалан, XVIII аср охири – XIX аср бошларида Мингтепа (ҳозирги Марҳамат), Жалақудуқ, Қўрғонтепа, Ойим туманларида қирғизларнинг деҳқончилик ерлари ва ариқлари пайдо бўлади. Лекин уларнинг кўпчилиги суғорма деҳқончилик районлари ўртасида қолган кичик яйловларини арзон бўлса ҳам маҳаллий аҳолига сотиб, кенгроқ яйловларга эга бўлиш учун тоққа кетадилар. Қирғизлар билан ўзбеклар ўртасида ер олди-сottиси авж олади. Жумладан, Андижоннинг жанубий томонидаги машҳур Завроқ қишлоғи атрофидаги ерлар қирғиз бойи Бойбичезаур томонидан маҳаллий аҳолига ва қашқарликларга сотилган. Шунингдек, Андижон адирининг шимол томонидаги Дархон, Сариқўй қишлоқлари ҳам қирғизлардан сотиб олинган; кичик-кичик ер участкалари қирғизлар томонидан жуда арзонга сотилгани, битта отга, ҳатто бузоққа ҳам алмаштирилгани қайд этилган[6.10].

Қўқон хонларнинг забт этиш сиёсати қирғизлар томонидан ишғол этилган тоғли ҳудудларда ҳам муҳим рол ўйнади. Қирғизлар иккита қанотга - ўнг ва чапга бўлинади – бир-биридан мустақил бўлган катта қабилалар – адйгин, тагай, бағиш, саяк, солто ва бошқа кўплаб қабилалар Тян-Шаннинг шимолий ва жанубий ҳудудлари бўйлаб, шимолдан Чу ва Талас дарёларининг ҳавзасидан жанубдаги Помир тоғ олди ҳудудларига қадар кенг майдонларини эгаллашган эди. Шарқда қирғиз кўчманчилари Қашқар текислигининг бир қисмини эгалланганди. Хар бир қабила уюшмаларининг ўз йўлбошчилари бўлиб, улар "Манап" деб номланган [5.201].

XVIII аср кўчманчи чорвадорлардан – Фарғона қипчоқлар - ўзбеклар ва тожик аҳолисига нисбатан кундалик ва иқтисодий-сиёсий муносабатларга қараганда қирғизларга яқинроқ эди. Қипчоқларнинг этник ва уй хўжалиги жиҳатидан аҳамиятли бўлган даражасини Фарғона шаҳрида 1920 йилги аҳолини рўйхатга олишда 40 мингдан зиёд қипчоқлар қайд этилгани, улар атрофидаги ўзбеклардан, умуман олганда, туркий тилда сўзлашувчи аҳолидан ажралиб туришидан далолат беради [5.181].

Маълумки, ўтмишда қирғизларда кўплаб қабилалар бўлиниши характерли бўлган. Улар ўнг ("он") ва чап ("сол") қанотларга ва "ичклик" деб номланган қабилаларнинг алоҳида гуруҳига бўлинган [2.124]. Айнан, қабила тамойилига кўра, қирғизлар Фарғона водийси ҳудудида жойлашдилар.

Фарғона водийсининг шимолий қисмида ўнг қанотда қирғизларнинг қуйидаги қабилавий гуруҳлари яшаган: Саяк, Жадигер, Багиш, Монголдор, шунингдек чап қанотнинг бир қатор қабила гуруҳлари - Сару, Басиз, кулучу, Чонбоғиш, хитой, мундуз ва бошқалар.

Жанубда Ичклик таркибига кирган қипчоқ, наймон, тайит, кесек, қонди, бостон, нойгут, ават, тёёлёс ва бошқалар гуруҳлари яшаган. Бу биз ўрганаётган Фарғона водийсининг ўзбек қисмида яшаган "Ичкликлар" нинг муҳим гуруҳларидир.

Экин майдонлари майда дарё ва сойлардан чиқарилган ариқлар билан қанча суғорилмасин, барибир, ер ва сувга бўлган талаб ортади, шу боис сойлардан

суғориш учун тўла фойдаланилади. Қувасойнинг юқори қисмида ҳам қирғизлар ўтроқлашиб, Суфан, Арсип, Мўян каби янги ариқлар чиқаришади. Натижада Қувасойнинг суви XIX аср бошларидаёқ Куванинг шимолий қисмидаги ерларга баъзан етмай ҳам қолади.

Шаҳрихонсой ва Андижонсой каналлари чиқарилиб, ер суғорма деҳқончилик учун ўзлаштирила бошлангач, Фарғона водийсининг шарқий районларидаги кўчманчи қирғизларнинг яйловлари камайди. XIX асрнинг 20-30-йилларида иккала канал атрофида жойлашган Қўрғонтепа, Жалақудуқ районларидаги ерлар ҳам аста-секин ўзлаштирилади. Бу ерларнинг бир қисми деҳқон хўжаликлари томонидан сотиб олинади, бир қисми ўтроқлашган қирғизлар томонидан ўзлаштирилади. Сўфиқишлоқ, Холмирза, Капа каби бир неча қишлоқлар ташкил қилиниб, ўша йиллари Шаҳрихонсойдан олтита янги ариқ чиқарилади. Ҳозирги Ойим қишлоғи қирғизлардан сотиб олиниб, янги деҳқончилик феодал мулки ташкил қилинади. 20-30-йилларда Шаҳрихонсой ўзанининг Қўрғонтепа, Жалақудуқ атрофларида 1450 хўжаликдан иборат янги қишлоқлар пайдо бўлган эди [4.36].

Қўқон хонлигини Россия империяси босиб олганидан сўнг содир бўлган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар қирғизларнинг ўтроқлашув жараёнини кучайтирди. Натижада, XIX асрнинг 90-йилларига келиб Фарғона водийсида ўтроқ аҳоли жойлашган қирғиз қишлоқлари пайдо бўлди. Пахта етиштиришнинг кўпайиши, чорва ҳайвонларининг камайиши, тоғолди ҳудудларига Россиядан аҳоли кўчириб келиб жойлаштирилиши қирғизларнинг ўтроқлашувини янада тезлаштиради. Масалан, биргина Ўш уездида ҳар йили тахминан 480 та ярим кўчманчи қирғиз оиласи ўтроқлашган. Бу уезд бўйича 1880 йилдан 1892 йилга қадар 2791 оила ўтроқлашган эди [3.76].

Фарғона ҳудудида яшовчи ўтроқ ва кўчманчи аҳолилар асосан бир-бирига яқин масофада яшаганлиги туфайли иқтисодий жиҳатдан яхши боғланганлар, аммо улар ўрта тоғ этагидаги ерларни эгаллаш мақсадида доимий тўқнашувларга дуч келишларини [5.184] айтиб ўтиш жоиз.

Кўчманчи аҳолининг ижтимоий тузумда, хусусан, аграр муносабатларида, асосан, қипчоқлар ва қирғизлар, кейинчалик эса қозоқлар орасида сезиларли хусусиятлар кузатилади.

Қирғиз ва қозоқлардан фарқли ўлароқ, қипчоқлар ўзларининг клан ташкилотининг бирлигини сақлаб қолган ва қирғизлар сингари бўлинмаган, кўплаб кичик бўлинмалари ҳудуднинг турли бурчакларига тарқалган ва уларнинг асосий бирлашмаси – уруғ ва қабила эди [5.109].

XX аср бошида Фарғона вилоятида 486 та ўтроқ қирғиз қишлоқлари бўлиб, уларнинг аксариятида 500 дан ортиқ аҳоли яшарди. Булар Бужум, Боткен, Сулукта, Қорабағиш, Қўнғуржаз, Янгиариқ, Жапалоқ, Тлайкан, Исфана, Қорабулоқ, Қорағулжа, Карвон, Мосси, Дарғаз, Моди, Аччи, Олабуқа, Кетмонтепа ва бошқалар [7.302]. Бу қишлоқлар аҳолиси, асосан, деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланарди. Айрим қишлоқларда ун тортиш ва ёғ ишлаб чиқариш ривожланди. Аҳолининг бошқа машғулотлари сирасида бозор учун гилам, намат, қоп, арқон, ширдамол, бош кийимлар ва кийим-кечак ишлаб чиқаришни айтиб ўтиш мумкин.

XIX аср охири – XX аср бошларида Россия империяси таркибидаги Туркистонининг Фарғона вилоятида 423639 қирғизлар бўлган [1.92]. 1926 йилдаги аҳоли рўйхатига кўра ҳозирги Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятлари ҳудудида қирғизлардан 58.960 кишини қайд қилинади. Қирғизларнинг асосий қисми (58,768 киши) қишлоқ жойларда яшаган.

Хуллас, юқоридаги маълумотларга кўра, қирғизлар Ўрта Осиё ҳудудларига мўғуллар босқинидан сўнг, асосан XV – XVIII асрлар давомида кириб келган. Россия

империясининг босқинидан сўнг қирғизларда ўтроқлашув жараёни тезлашади ва улар билан ўтроқ яшовчи аҳоли ўртасидаги яқинлашув жараёнини кучайтириб, ўзаро алоқаларнинг кенгайиб боришига сезиларли таъсир кўрсатади.

**Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати**


1. Абрамзон С.М Киргизии их этногнетические и историко-культурные связи. – М., 1971.
2. Антипина К.И Особенности материальной культуры и прикладного искусства южных киргизов. – Фрунзе, 1962.
3. Губаева С.С. Население Ферганской долины в конце XIX начале XX вв. – Т.: Фан, 1991.
4. Жалилов С. Фарғона водийсининг суғорилиш тарихидан (XIX – XX аср бошлари). – Т., Фан. 1977.
5. Иванов П.П. Очерки по истории Средней Азии (XVI - середина XIX в).изд. Восточной литературы. – М., 1958.
6. Наливкин В. Караткая история Кокандского ханства. – Казань, 1886.
7. Қирғизистон тарихи. – Бишкек, 1997.


## ЖИЗЗАХ ВОҲА АҲОЛИСИ ТАОМНОМАСИДА СУТЛИ МАҲСУЛОТЛАРНИНГ ЎРНИ

***А.Ш.Эшмуҳаматов – таянч докторант, Тошкент давлат шарқшунослик университети***

Халқнинг яшаш тарзи ва маданиятининг муҳим компонентларидан бири бўлган анъанавий таомлар, уларнинг тайёрланиш усуллари ва улар билан боғлиқ маросимлар инсониятнинг илк яшаш тарзи билан боғланади. Ҳар бир ҳудуднинг таомлари ўзига хослиги билан ажралиб турган. Жиззах воҳаси аҳолисининг таомлари ҳам ўзига хос этник ва маҳаллий хусусиятлари билан фарқланган. Воҳада миллий таомларни тайёрлаш ҳамда таомлар учун зарур бўлган маҳсулотларни етиштириш бўйича катта амалий тажриба тўпланиб, таомлар билан боғлиқ қарашлар ва маросимлар ҳам асрлар оша ўзбек халқининг моддий ва маданий маданияти такомиллашишига муносиб ҳисса қўшиб келган. Ўз навбатида илмий адабиётларда ўзбек халқи анъанавий таомлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда таомлардаги этник ва иноэтник компонентлар масаласи маълум даражада ёритилган [1.106; 2.1960]. Бироқ айнан Жиззах воҳаси анъанавий таомларининг тавсифи ва таснифи ҳамда уларнинг маҳаллий локал хусусиятлари махсус тадқиқ этилмаган.

Чорвачилик билан шуғулланувчи аҳолининг кундалик озиқ – овқатларини табиийки, биринчи навбатда чорвадан олинадиган сут ва сут маҳсулотлари ҳамда гўштли таомлар ташкил этган. Чорвадорларнинг кундалик турмушидаги биронта таомни чорва маҳсулотларисиз тасаввур қилиб бўлмаган. Бундай қаторига гўшт, сут, қатиқ, айрон, сарёғ, сузма (чакки) ва қурт каби маҳсулотлар кирган. Аҳоли кундалик ҳаёт тарзида доимо сигир, қўй, эчки, туя ва бия сутлари, гўштлари ҳамда улардан тайёрланган озиқ-овқатлар етакчи аҳамият касб этган.

Сутнинг инсон ҳаёти учун зарур бўлган маҳсулот эканлигини яхши билишган. Катта ва кичик шохдор молларнинг аралашган сути энг мўътадил ҳисобланиб, сутли маҳсулотлар “тез бузиладиган” ва “узоқ сақланадиган” турларга бўлинган. Тез бузиладиган сутли маҳсулотларга – хом ва пишган қаймоқ, қатиқ, сузма, айрон кирса, иккинчи турга эса – сариёғ ва қурутлар кирган [2.80].

Чорвадор халқ ҳамиша мол боқиб, қатиқ – сутга сероб бўлган. Шу сабабли ҳам уларнинг ҳаётида оқлик, яъни сут – қатиқнинг ўрни юксак баҳоланади [4.71]. Чорвадор аҳоли ҳаётида сигир, қўй ва эчкилардан соғиб олинган сутдан қаймоқ олиб эрталабки таом сифатида дастурхонга тортилган. Буни воҳа аҳолиси қаймоқ деб аташган [5]. Сигир сутининг аҳамияти ҳар бир инсонни кундалик ҳаётида муҳим ўрин тутган. Сут ҳеч қачон меъдага тегмайдиган қимматли озиқ ҳисобланади. Айниқса, ёш болалар, қариялар ва касалликларга чалинган кишилар учун сутнинг ўрнини бошқа озиқ билан алмаштириб бўлмайди [6.87]. Сут маҳсулотлари юрак, қон томирлари ва қон босимини яхшилаши ҳамда инсонни тўқ тутиб кун бўйи тетик юришган. Сут пишири вақтида идишнинг тагида сутнинг қозонга ёпишиб, қуюуқ қисм қолган ва хуштаам ширин таом – қирмич қириб олинган. У ҳам асосан болаларга берилган. Шунинг учун халқ орасида тўйи бўлаётган ўғил ёки қизнинг тўйида ёғингарчилик бўлса, “Қирмични кўп еган экан”, деган нақл ҳам кенг тарқалган [7].

Маҳаллий аҳоли сут ва қатиқ маҳсулотларининг идишига алоҳида аҳамият бериб, қатиқ кади ва ёғочдан тайёрланган идишга уютилган. Пиширилган сутлар идишларга солиниб қўл куймайдиган ҳолатга келгандан сўнг уютқи солинган ва шу тарзда қатиқ ҳосил қилинган [8.77]. Фориш тумани аҳолиси уютқи сифатида “мандир” [9]дан фойдаланишган. Бу уютқи қатиқни яхши ва мазали чиқишини таъминлаган. Мандирдан бир бўлагини кесиб уютиладиган сутга солишган, бошқа уютқиларга қараганда сутнинг қатиқ бўлишини тезлаштирган. Мандирнинг яна бир хусусияти, ёш болалар шамоллаганда, ичи оғриган вақтларида даволашда дори сифатида фойдаланилган [10].

Уютилган қатиқ сут маҳсулотлари олишда асосий вазифани бажариб берган. Чунки қатиққа ишлов бериш натижасида ундан кўплаб – сариёғ, айрон, чакки, қурт ва шунга ўхшаш бошқа маҳсулотлар ҳам олинган.

Воҳа чорвадорларида қатиқ мўл бўлиб, маҳаллий тилда янги уютилгани чуччи (чучук) қатиқ дейилган. Қатиқнинг инсон саломатлиги учун аҳамияти катта ҳисобланган. Қатиқ овқатни ҳазм қилишида ёрдам берганлиги учун ҳам қадимдан билишган ва фойдаланиб келишган [11]. Сузма қилиш учун махсус халта – иркитга (чакки турадиган латта идиш) қатиқ сузиб қўйилган. Шунингдек, пишиб сарёғи ажратиб олинган айрон ҳам иркитга солиб қўйилган. Иркитдан оқиб тушган сув зардоб дейилган. Зардоб шўр, ўткир суюқлик бўлиб, дарахтларни тагига тўкилса, уларни қуритган. Бироқ ундан кўпгина касалликларни даволашда фойдалилган. Яна зардоб, ёзнинг иссиқ кунларида офтоб ўтиб касал бўлганда қўёш заҳрини олиш билан биргаликда ошқозон-ичаклардаги яраларни даволашда ҳам кенг ишлатилган [12]. Суви оқиб бўлган айрон чакки дейилган. Уни қуюқ ҳолида ёки суюлтириб ичиш мумкин бўлган. Ёзнинг иссиқ кунларида чанқоқни босадиган чалоб, айрон деярли ҳамма хонадонларда ичилган. Ортганидан қурут тайёрлаш мумкин бўлган.

Воҳанинг деярли барча қишлоқларида қатиқни кувида пишиб сариёғ олишган. Кувини асосан ёғочдан тайёрлашган ва қўлда пишишган. Ажралиб чиққан ёғ тол товоққа солиниб, қўл билан яна ишлов берилиб қолган суви ҳам ажратилган. Зомин тумани тоғли ҳудудларида ёғни махсус арчадан ясалган товоққа солишганда, тоғ арчасининг ҳиди ёғнинг хуштаъмлигини оширган ва еган одамга ҳам мазали ва фойдали бўлган [13]. Ёғлар воҳанинг кўпгина ҳудудларида махсус идиш кадига солинган [11].

Кундалик истеъмолдан ортган сариёғ йиғилиб, тузланган ва олдиндан тайёрлаб қўйилган қўй ёки эчки қорнига солинган ва у қоринмой деб аталган.

Жиззах воҳаси аҳолиси орасида қоринмой тайёрлаш анъанаси сақланиб қолган бўлиб, этнологик дала тадқиқотимизда барча ҳудудда тайёрланишига гувоҳ

бўлдик. Шунингдек, Ғаллаорол тумани Аламли қоринмой тайёрлаш бўйича 40 йиллик тажрибага эга кишилар борлиги маълум бўлди. Қоринмой қилиш учун қорин тайёрланган, бу эса қўй ёки эчки қорни тозаланиб, шишириб қуёшда қуритиган. Қорингa сариёғни солишдан олдин сариёғнинг сариқ суви қолмагунча, 5–6 марта сувда ювилиб тузланган. Қоринга сариёғни мушлаб зичлаб қаттиқ қилиб тиқилган. Сариёғ қоринга жойлангандан сўнг оғзи тикилиб, ташқи томонига тузли айрон сузмаси чапланган ва сўнгра ишлов берилган (ошланган) териларга ўраб қўйилган. Ёғ яхшилаб тузланса, мазаси янада ошган, сифати ва сақланиш муддати ҳам узоқ бўлган [14]. Қоринмойни кўп вақт сақлаш мумкин бўлган. Ёз кечалари қоринмойлар ёйиб салқинлатилган. Ҳар бир оила соғин сигир ёки эчкилар сонига қараб бир нечта ҳатто, ўндан ортиқ қоринмой қилишган. Чорвадорларнинг кўпчилиги ёзги яйловларда сутдан қишга қурт ва сариёғларни ғамлаб келишган. Қишлоқ аҳли чегана ёки навбат билан боқилган чорвага аёллар навбат билан яйловга боришган [11]. Ушбу қоринмойларни сақлаш учун махсус ертўлалар қурилган. Сутли маҳсулотларни сақлаш учун табиий ёки инсонлар томонидан қилинган ғор ва ертўлаларда сақлашган. Ғорларга қишлоқ аҳолиси томонидан сариёғлар қўйилган ва бир – бириникига тегиниш ёки адаштириш ҳолатлари бўлмаган. Ғорлари бўлмаган қишлоқларда ердан махсус тўлалар қилиниб иссиқ кунларда, у ерларга сув сепиб салқинлатиб мойларни сақлашган [11].

Жиззах воҳаси чорвадор аҳолиси орасида чаккидан қурут тайёрлаш учун қатиқдан сариёғи пишиб, ажратиб олинган айрон бир неча кун иркит (чакки сақланадиган латтадан тайёрланган идиш “чакки халта”)да оқизиб сувидан ажратилгач қозонга ҳар хил райхону зироварлар ва туз солиб қуюқлашгунча қайнатилган. Кейин махсус қопга солиб илинган ёки кўпинча устига оғирроқ нарса бостириб қўйилган. Сузманинг ортиқча сувлари чиқиб кетгач юмалоқланиб, қурт қилишган ва тўқилган саватларда қуритилган. У ҳамиша тайёр таом ҳисобланиб, уни яйловда ёки узоқ сафарда қуруқ ҳолатда истеъмол қилишган. Бугунги кунда Зомин худудида сигир, қўй қурти билан биргаликда эчки сутидан тайёрланган қатиқ ва қуртларнинг донғи кетган[15]. Бироқ ундан асосан қуртова тайёрлаш кенг ёйилган бўлиб, қуротовони воҳадаги барча уруғлар бирдек тайёрлаб истеъмол қилиб келишган. Бу таом кўчманчи чорвадор халқларида кенг тарқалган бўлиб, Жиззах воҳа ўтроқ аҳолисининг таомларидан фарқ қилмаган [16.658]. Қуртоба ҳақида зомин тил қомуси китобида “Қуртоба – қайнок сувда эзиб, таталанган қурт устига куйдирилган сариқмой қуйиб тайёрланадиган емак тури” [4.211] деб таъриф берилган. Қайнаб чиққан қуртова косага сузиб, устига куйдирилган сариёғ қуйилган ва дастурхонга тортилган. Қуртобага туз солинмаган чунки қурутнинг тузи етарли бўлган. Эрталаб бир коса ичилган қуртоба билан чўпонлар кечгача очиқмаган ва қувватсизлик сезмаган [13]. Қуртоба тўйимли бўлиб, у ичган одам совуқ кунларда ҳам ўзида совқотиш сезмаган. Қуртоба чорвадор аҳолида жуда оммабоп таом бўлганлигини учун воҳа аҳолиси орасида “... совуқ кунда юз отли чавондознинг ичида, буви бурқираб турган (оғзидан буғ чиқиб турган) одам қурут ичган бўлади” деган нақл сақланиб қолган.

Воҳада қимиз ва қимрон тайёрлаш қирғизлар, қозоқлар ва бошқа туркий уруғлар орасида кенг тарқалган. Хусусан, Қимиз бугунги кунда Жиззах воҳасининг тоғли ҳудудлари аҳолисининг замонавий маҳсулотларидан бири сифатида баҳоланиб келади. Қимиз шифобахш ва тўйимли мазали сутдан тайёрланадиган ичимликдир. Қимизни Жиззах ҳудуди аҳолиси севимли ичимлиги сифатида истемол қилган ва бугунги кунда уни жуда мазали қилиб тайёрлашади. Қимиз бир қатор (сил, ичак, ошқозон, камқувват ва бошқа) касалликларни даволашда салмоқли ўрин эгаллайди [18.45]. Қимиз – ўпка шамоллаш ва қон айланиш тизимига шифолиги билан машҳур.

Шунинг учун ҳам қимизнинг энг сараси ... "Еттикечувда бўлади. Унга икки унсур – шифобахш ўт ва мусаффо ҳаво бўлса бас. Бошни чирсиллатадиган, бурунни ачитадиган, иштаҳани карнай қиладиган қимиз ичаверасан" [18.47] деб таъриф билдиришган.

Жиззах воҳасида қимиз тайёрлаш қадимдан шаклланган бўлиб бугунги кунда ҳам давом этмоқда. Қимизни бия сутидан тайёрлашган, бия қариган сари биядан кўп сут олинган. Шунинг учун воҳа аҳолисида бия қариган сайин сути кўпайиб борганлиги учун ҳам "Сигир қариса чўл бўлар, бия қариса кўл бўлар" [19] деган нақл пайдо бўлган.

Қимиз тайёрлашда бия ҳар икки соатда соғилиб идишга солинган ва уни қўзғаб туришган. Ҳар икки соатда соғилган бия сути идишга солиниб уни куви пишганда пишган ва шопириб тез – тез қўзғаб туришган. Шунингдек, қимизга қўйнинг катр думбасидан солишмоқда. Бунда қимизнинг мазасини ва куввати ошириб ичган одамга дармон берган. Қимизга яна зира ва арчадан ҳам солишган бу қимизнинг хуштаъмлигини оширган. Тайёр бўлган қимиз 2 йилгача сақласа ҳам, тами ўзгармаган [20].

Воҳанинг тоғлик ҳудудларида яшайдиган халқлар орасида қимиз билан биргаликда "қозон патир" тайёрлаш ҳам кенг тарқалган. Патирни тайёрлаш ва уни истеъмол қилиш бугунги кунда туризм ривожи натижасида анча ортган. Патир нонни тайёрлаш ва пишириш ўтроқ халқнинг тандир нонидан фарқ қилган. Патир ҳамиртуришли ва ҳамиртуришсиз патирларга бўлинган. Қозон патирнинг маҳсулотларининг кўпчилиги чорвадан олингани учун ҳам чорвадорлар орасида машҳур ва кенг миқёсда истеъмол қилинган. Қозонда пиширилган патирни ичига сариёғ солинган. Патирнинг ҳамирини тайёрлашда сутдан, ейишда сариёғдан фойдаланилган учун ҳам ширин ва мазали ва ҳаммага бирдек ёқадиган бўлган. Бугунги кунда воҳада "патирнинг ўндан ортиқ тури" мавжуд ва тайёрланиб келинмоқда. Шунга кўра патирларнинг "қўй ёғи, жизза, сариқ ёғ, кунжит" [18.43] ли патирлардан ташқари пиёзли ва гўштли патирлар ҳам тайёрланган. Зомин туманида маҳаллий халқ томонидан қоринмой солинган патирни думба жигарга қиёс қилишган ва бу патирни "... йигитларнинг белига қувват, қизларимизнинг билагига ғайрат берган таомлардан бири" [18.44] деб истеъмол қилиб келишган. Қозон патир бугунги кунда Жиззах воҳаси ҳамма ҳудудларида қилинса-да, Зомин ҳудудида қилинган патирлар мазаси бўйича бошқа жойларникидан фарқ қилади.

Воҳада қозон патирлардан ташқари тандирдан узилган нонни тўғрамларга бўлиб куйдирилган сариёғга аралаштириб тайёрланган таом "янчмич (жанчмич, жажмиш)" [19] тайёрлашган. Бу таом ҳақида "Зоминнинг тил қомуси" китобида "... янги ёпилган иссиқ нонни тўғраб, сариқмой билан аралаштириб, яъни янчиб ва мижиглаб тайёрлайдиган емаги" [4.208] деган маълумотлар келтириб ўтилган.

Жиззах воҳасида барча ҳудудларда аниқланган овқатлардан яна бири Сутли ўпка асосан бугунги кунда Бахмал ва Зомин туманларида қилинмоқда. Бу таомни тайёрлашда, қўй – эчки, сигирнинг ўпкаси олинган. Ўпка бир неча бор пуфланиб сув қуйиб яхшилаб юувилгандан сўнг, ўпкага кетгунча сут қуйилган. Ўртача ёшли қўйнинг ўпкасига 5 литргача сут кетган [21]. Ўпкага сут ва зираворлар солиниб, кекирдак қисми арча шохи билан беркитилган. Ўпка икки хил усулда пиширилган. Биринчиси калла-пойча билан бирга, иккинчи усулда фақат ўпканинг ўзини пиширилган [22]. Ўпка тўйимли овқат ҳисобланган ва сут солиб пиширилган ўпка қўйнинг думмасига тенг қувват берган.

Зомин тумани аҳолиси орасида сутли човати деб номланган овқат ҳам тайёрланган. Бу овқат қозонда баъзи ҳудудларда тандирда ҳам пиширилган. Сут билан унни аралаштирилиб хамир тайёрланган бу ҳамир юпқа қилиб ёйилгандан

сўнг қозонга озгинадан ёғ солиб тобланиб икки томони ҳам тоблаб пиширилган. Еттикечувликлар ҳар бир човотининг ўртасига қаймоқ суртиб уни ярмидан буклаб еса ҳам бўлган, баъзида қават – қават қилиб орасига қаймоқ суркалиши натижасида қалин қилиб уни тортга ўхшаб кесиб еса ҳам бўлган [23]. Зомин ўтроқ аҳолиси қозонга пиширилган човотини сут ва шўрваларга тўғраб еган. Бу чаватининг яхши томони кекса тиши йўқ кишиларга маъқул бўлган [5].

Хуллас, ўрганилаётган даврда воҳа аҳолисининг кундалик турмушида сут ва сутли таомларнинг ўрни беқиёс бўлган. Маҳаллий аҳоли сутдан хом ва пишган қаймоқ олишни, қатиқ уютишни, қурут қилишни яхши билган. Айниқса, сариёғ олиш ва сақлаш усулларини яхши ўзлаштирган. Бундан ташқари, бугунги кунда унутилиб кетаётган гилагай, қатрон, қағаноқ, қуртоба, ширкади каби таомлар аҳоли орасида азиз саналиб, севиб истеъмол қилинган миллий таомлар йўқолиш арафасида.

**Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати**


1. Шаниязов К. О традиционной пище узбеков // Этнографическое изучение быта и культуры узбеков. − Ташкент, 1972. − С. 106.
2. Маҳмудов К. Ўзбек таомлари. − Тошкент, 1960.
3. Файзуллаева М.Ҳ. Сурхон воҳаси аҳолисининг таомлар билан боғлиқ анъана ва маросимлари (XX аср биринчи ярми). Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. – Т., 2018. − Б. 80.
4. Туйчибоев Б., Қозоқбой Қ. Зоминнинг тил қомуси. – Тошкент, “Akademnashr”, 2012. − Б. 71-208.
5. Дала ёзувлари: Эрназарова Мавлуда, 1960 йилда туғилган. Зомин тумани, Лайлак уя қишлоғи.
6. Икромов Т.Х. Чорвачилик асослари. – Тошкент, 1996. – Б. 87.
7. Дала ёзувлари: Алимов Зойид, 1959 йилда туғилган. Зомин тумани, Лайлак уя қишлоғи.
8. Бўриев О. ва бошқ. Ўзбек халқи боқий қадриятлари. − Қарши: “Насаф”, 2005. − Б. 77.
9. Мандир бу 10 кунлик қўзичоқнинг сут билан қотирилган ошқозони.
10. Дала ёзувлари. Кистаубоев Қолдибек 1947 йилда туғилган. Фориш тумани, Оқтом қишлоғи.
11. Дала ёзувлари. Деҳқонова Норбуви, 1969 йилда туғилган. Пахтакор тумани, Самарқанд МФЙ.
12. Дала ёзувлари. Таштанова Осиё 1958 йилда туғилган. Фориш тумани, Йўлисой қишлоғи.
13. Дала ёзувлари. Яхшиева Хурматой 1968 йилда туғилган. Зомин тумани, Бешкуви ҚФЙ.
14. Дала ёзувлари. Исоқов Хайитбой 1960 йилда туғилган. Ғаллаорол тумани, Аламли маҳалласи.
15. Дала ёзувлари. Хасанова Қизлархон, 1967 йилда туғилган. Ш.Рашидов тумани, А. Темур махалласи.
16. Народы Восточной Азии // Народы мира. Этнографические очерки. − М. − Л., 1965. − С. 658.
17. Мирҳайдаров Ҳ. Чинор. – Тошкент, “Mumtoz so’z”, 2021. − Б. 43-44-45-47.
18. Дала ёзувлари. Абдиев Эгамберди 1957 йилда туғилган. Зомин тумани, Усмонсой қишлоғи.
19. Дала ёзувлари. Холиқов Жумон 1957 йилда туғилган. Зомин тумани, Тоғтерак қишлоғи.

**20.** Дала ёзувлари. Бегимов Абдувохид 1969 йилда туғилган. Фориш тумани, Йўлисой қишлоғи.
**21.** Дала ёзувлари. Абдуқаюмова Хабиба 1954 йилда туғилган. Зомин тумани, Оқтош қишлоғи.
**22.** Дала ёзувлари. Абдуллаева Улбозор 1951 йилда туғилган. Зомин тумани, Еттикечув қишлоғи.

## ҚУЙИ ЗАРАФШОН ВОҲАСИДА ДЕҲҚОНЧИЛИК МАДАНИЯТИНИНГ ЎЗИГА ХОС АНЪАНАЛАРИ (XIX АСР ОХИРИ-XX АСР БОШЛАРИ)

***Н.А.Жумаева –Бухоро давлат университети "Бухоро тарихи" кафедраси катта ўқитувчиси***

XIX асрнинг охири – XX аср бошларида Бухоро, Кармана ва Қоракўл воҳаларини ўз ичига олган Қуйи Зарафшон воҳасида деҳқончилик маданиятининг ўзига хос анъаналари юзага келган. Бу анъаналар аввалամбор деҳқончилик техникаси ва меҳнат қуроллари билан боғлиқ бўлган. Бухоро воҳаси аҳолиси ер – сувдан жамоа бўлиб фойдаланишган. Шу билан бирга барча суғориш ариқларини ҳам ҳар йили куз фасли ва эрта баҳорда биргаликда тозалашган. Катта ариқларни қазиш ва тўғон ва дамбалар қуриш ишлари эса оммавий равишда, ҳашар йўли орқали жамоа бўлиб бажарилган. Албатта, бу ишларни амалга оширишда юзлаб – минглаб жамоа аъзолари қўл кучидан фойдаланилган.

Воҳада XX асрнинг бошларига келиб, синфий жамият талаблари асосида ерлар тобора якка шахсларнинг, яъни йирик ер эгаларининг қўлига ўтиб, уларнинг хусусий мулкига айлана бошлаши билан жамоавий муносабатлар ҳам аста-секин емирила бошланган. Шунга қарамасдан, Бухоро амирлигининг бекликларида ҳамда тоғ ва тоғ олди ҳудудларда жамоавий муносабатлар сақланиб қолиши геоҳудудий омил билан боғлиқ. Шу сабабли анҳор ва ариқларни тозалашга жамоа аъзолари ва бойлардан, яъни катта ер эгаларидан алоҳида-алоҳида ҳашарчилар олинган. Ғузор беклигига қарашли Қоракўл қишлоғилик Мулла Давлат, Қодиркўл оқсоқол, Йўлдош амин, Тўрабой, Сувонбойларнинг анча ери бўлган. Улар сув йўлларини тозалаш учун кўпроқ мардикор ёллашган. Воҳага яқин ёки ундан суғориладиган қишлоқлар аҳолиси алоҳида бир жамоани ташкил этган. Табиийки, бу қишлоқ жамоалари яна кичик экин майдонлари ҳам тузган. Уларни воҳанинг бир қанча туманларида "пайкал" деб атаганлар [6].

Анъанага кўра, эрта кўкламда дала ишлари бошланишидан олдин ҳар йили воҳа қишлоқ аҳолиси ўзларининг жамоа ерларига тўпланиб, ораларидан ёши улуғ, обрўли ва тажрибали бир кишини оқсоқол қилиб сайлашган. Ушбу йиғинда мироб, доруға, ҳатто сартарош ҳам сайланган. Фақат оилали кишилар ҳисобга олиниб, пайкалларга бўлинган. Ҳар бир Пайкалга 8 киши ("тан") кирган [9]. Демак, шу 8 киши пайкалга тааллуқли барча енгил ва машаққатли ишларни амалга оширган. Ариқ ва анҳорнинг узун-қисқалигига қараб пайкаллардан ҳашарчилар олинган. Пайкал аъзолари қатъий тартиб интизом асосида навбати билан сув йўлларини тозалашда қатнашишган.

Пайкалга кирмаган, сув чиқиши қийин бўлган партов ерлар, яъни бўш ерлар «посира», унда ишловчилар "посиракорлар" деб аталган. Посира ерларда ҳосил етиштириш жуда мушкул бўлган. Дастлаб бу ерларга лалмикор экинлар экилиб, қор ва ёмғир суви билан суғорилган. Камдан-кам ҳолларда деҳқонлар ўзларига тегишли ерларни оқар сув билан бир - икки бор суғоришган, яъни бундай ерларга экилган

экинлар заҳмат чекиш билан суғорилган. Шу сабабдан бўлса керак сув иншоотларини тартибга келтиришда посирачилар камдан – кам ҳоллардагина иштирок этишган.

Воҳадаги барча бекликларга қарашли қишлоқ аҳолисинииг жамоа ери ва посира ерларидан ташқари ўз томорқаси ҳам бўлган. Бу ерлар қишлоқларда 5 пахса девор ёки чимдевор билан ўраб олинган. Қаракўл, Олот ва бошқа туманларнинг дашт ҳудудларида девор билан ўрашга эҳтиёж сезилмаганлиги боис, маълум бир белгилар қўйилган ва бундай ерлар одатда “ҳаят” деб аталган [2].

Ўрта Осиёнинг бошқа худудларида бўлгани сингари Бухоро воҳасида ҳам сув танқислислиги юз бериб турган. Шу боис маҳаллий халқ суғориш шоҳобчаларидан фойдаланишнинг тартиб – қоидалари ва усулларини яхши билишган [2]. Деҳқонлар сув танқис бўлган ҳудудларда сувдан навбат билан фойдаланишга қатъий риоя этишган. Сув миқдори муайян тартибда ўлчанган. Масалан, “бир сув-ариқдан бир кеча-кундузда оқиб ўтган сув: “бир тегирмон” ёки “тош” - бир пуд донни тегирмонда тортгунча кетадиган сув “бир қўш” - бир қўш ҳўкиз билан ҳайдалган ерни суғориш учун етадиган сув” каби сув ўлчовлари кенг қўлланилган. Бухоронинг сувга танқис туманларида жамоа фойдаланадиган пайкалларда бир қўш ерга бериладиган сув “мўнди” билан ўлчанган. Мўнди – туби тешилган, тахминан ўн литр сув сиғадиган оддий сопол кўзача бўлиб, ундаги сув оқиб бўлишига қараб сув миқдорини ўлчаганлар. Шуни таъкидлаш керакки, пайкал ва ҳаят ерларини суғоришнинг у ёки бу усуллари сувнинг оз – кўплигига қараб танланган. Воҳанинг ўрта қисмида деҳқонлар суғоришнинг “бир кулоқ” усулидан кўпроқ фойдаланишган. Бунда вақт ҳисоби қуёш ҳаракатига караб белгиланган. Мироблар пайкал аъзоларининг ери қанчалигини жуда яхши билишган ва шунга қараб вақт ажратишган. XX асрнинг бошларига келиб бой-бадавлат кишилар ўз мавқеларидан фойдаланиб, айрим ҳолларда белгиланган тартибларни ҳам бузишган [2].

Ромитан туманидага Кўрғон қишлоғида 50 та пайкал бўлиб, бир кеча - кундузда учтадан пайкал суғорилиши керак бўлган. Иккита пайкал кундузи, биттаси эса кечаси суғорилган. Ҳар пайкалга 16-17 кунда бир бор навбат келган. Қўшни қишлоқ Ромишда эса 37 тага яқин пайкал бўлган. Қишлоқ оқсоқоли бошчилигида чокбошлар (бу қишлоқда пайкалбоши йиғилишиб, сув навбатини белгилашган. Ўрта катталикдаги бир челак сув келадиган сопол кўзанинг тагини тешиб сув оқизишган. Айнан шу ҳолни бошқа қишлоқларда ҳам кўриш мумкин эди.

Пайкаллардаги экинларни сувнинг миқдорига қараб суғоришган. Агар сув кам бўлса, похол қилиб, бостириб суғорилган. Мабодо, сув узоқ вақт оқадиган бўлса, экинларга эгатлар ёхуд жўяклар орқали сув оқизишган. Экинлар қониб сув ичишига, айниқса, катта эътибор қаратилган. Пайкалларни жўяклардан оқизиб суғориш усули кўпинча тунда амалга оширилган.

Бухоро воҳаси шароитида деҳқончилик хўжалиги сунъий суғоришга асосланади. Ерларнинг унумдорлиги, экинларнинг ҳосилдорлиги сунъий суғориш, ариқларнинг узайиши ва кенгайиши ҳисобига йилдан йилга ортиб борган. XIX асрнинг охири - XX аср бошларига келиб суғориш тармоқларига эътибор пасайганлиги кузатилади. Дарё суви кам бўлганлиги туфайли ариқлар ва шохлар (ариқдан кичик, айрим пайкалларни, қишлоқдаги ерларни суғорадиган сув йўли)ни қум, лойқа ва сув ўтлари босиб кетган. Натижада йилдан-йилга суғориладиган майдонлар миқдори қисқариб борган. Бу эса бир қатор сабаб ва омиллар билан боғлиқ бўлган. Ерларнинг каттагина қисми йирик ер эгаларининг қўлига ўтиб кетгач, суғориш ишларига эътиборсизлик билан қараш кучайган. Ерга бир мавсумда буғдой ёки арпа экиб олингач, пайкаллар ўтлоққа айлантирилган. Вақт ўтиши билан бир қанча ариқ - зовурлар кўмилиб ўз аҳамиятини йўқотган [3].

Инсоният ҳаёти, хўжалик фаолияти кўп жиҳатдан деҳқончилик ишлаб чиқаришига боғлиқ бўлиб, меҳнат қуроллари узоқ ўтмишдан қолган шаклларда эди. Ерни ҳайдаб шудгор қилиш ёки экинларга ишлов бериш қўш-ҳўкизлар ёрдамида амалга оширилар, шунинг учун ишчи ҳайвонларнинг бухороликлар ҳаётидаги аҳамияти ниҳоятда баланд бўлган. Ишчи ҳайвонларни яхши озиқлантириш, уларни асраб-авайлаш ҳаётий заруриятга айланган эди. Кузги шудгор пайтида ҳам асосий ишчи кучи қўш-ҳўкизлар бўлиб, улар қўшилган омочларда ер ҳайдалар, шудгор қилинар эди. Эрта баҳорда эса ерни экишга тайёрлаш, сих мола қилишда ҳам асосий ишчи ҳайвон ҳўкизлар, баъзан отлардан фойдаланилар эди. Баҳорги юмушлар қизиган март – апрель ойларида кунлар узайиб, ҳаво ҳарорати ҳам кўтарилиб борар, бундай шароитда айниқса қишдан “эти юпун бўлиб, ёки йўғон чўзилди – ингичка узилди” [3] бўлиб чиққан жониворларнинг хизматидан фойдаланиш баробарида уларни асраб – авайлаш ҳам зарур бўлган.

Қадимги бухороликлар ишчи ҳайвонларни яхши озиқлантириш билан бирга уларни салқин вақтда, кўпроқ тунда ва эрта саҳарда ишга солганлар. Баҳорги юмушлар қизиган паллада ишга солинган ҳўкизларга нисбатан “гава пушташ офтоба набинад” - Ҳўкизнинг танаси қуёш кўрмасин ибораси шундан шундан келиб чиққан бўлиб, ҳўкизларни, умуман ишчи жониворларни қуёш тиғида ишлатмасдан, уларни асраб – авайлаш, ишни салқин вақтда амалга ошириш лозимлиги назарда тутилган [4].

Эрта баҳорда ерларни экишга тайёрлаш, экишни ўз вақтида ўтказиш ҳам алоҳида тайёргарлик ва тажрибаларни талаб қилган. Бухоролик бободеҳқонлар баҳорнинг ҳар бир лаҳзасидан унумли фойдаланиб экиш – тикиш ишларини ўз вақтида амалга оширишга ҳаракат қилганлар. Баҳорнинг ҳар дақиқасини ғанимат билиб, экишни эртароқ амалга оширишга интилганлар. Халқда “сепилган уруғ ҳўкизнинг танасига тегмасин” [5] иборасига баҳорги экиш пайтида ерга сепилган уруғ ишчи жониворларнинг танасига тегилиб ерга тушгунча вақт бой берилади, деган маъно англатган.

Ерга ишлов бериш, экинларни парваришлаш борасида ҳам анъанавий усуллар асосида катта тажриба тўпланган. Ота-боболаримиз бир қатор агротехник усулларни кашф қилганлар. Шулардан бири оқ жўхори остини тўпчалаш усулидир.

Маълумки, халқимиз ошхонасида гўжа таоми қадимдан мавжуд бўлиб, уни асосан оқ жўхоридан тайёрлашган ва қатиқ қўшиб истеъмол қилинган. Оқ жўхорини етиштириш эса бошқа экин турларига қараганда алоҳида агротехника талаб қилган. Бунинг учун маҳаллий ўғитдан яхшилаб тўйинтирилган, сувга қулай жой танланиб экин экилган. Экин қатор ораси, буталар оралиғи 40 -50 см дан кам бўлмаслиги керак бўлган. Экин униб чиққандан сўнг уни ягоналаб, бегона ўтлардан тозалаб турилган.

Бухоронинг иссиқ ва қуруқ ҳаво шароити, сув танқислиги даврида баландлиги бир метрча келадиган оқ жўхорининг ҳар бир тубига алоҳида – алоҳида ишлов берилиб, ости юмшатилиб, юмшоқ тупроқдан кунда остига тортилиб, тўпча қилинган. Бунинг натижасида нам узоқ сақланган ва бутанинг мустаҳкамлиги, шамол ва табиий офатларга бардошлиги ошган. Оқ жўхори 2 – 2,5 метр баландликкача ўсиб, ҳар бир туби 3 – 4 тагача бош боғлаган ёки ҳар бир тубдан камида бир килограммгача ҳосил олинган. Қишлоқ жойларида яшовчи бухороликларнинг айвонида узун қатор қилиб осиб қўйилган оқ жўхори бошларини кеч кузгача учратиш мумкин эди. Ёзнинг иссиғида обдон қуриган оқ жўхори бошлари янчилиб, дони совурилиб олинган, яхшилаб тозаланиб, алоҳида қуруқ жойда сақланган. Куз ва қиш мавсумларида унинг донидан гўжа таоми пиширилиб истеъмол қилинган.

Бухоро анъанавий деҳқончилигининг яна бир усули полиз маҳсулотларидан қовун ва тарвуз етиштиришда қўлланган “Варқони” усулидир. Бу усул ҳақидаги маълумотларни тарихий ёзма манбаларда учратмадик. Ахборотчиларнинг хотираларига суяниб фикр юритдик [7].

Бухоро воҳасининг ўзига хос иқлими ва тупроқ шароитида полиз маҳсулотлари етиштириш алоҳида қунт ва тажриба талаб қилган. Зарафшон дарёсининг серунум тупроқли адоғлари, катта каналларнинг тўғон атрофлари сувга сероб, сернам ва юмшоқ бўлиб, дарё ва каналлар оқизиб келган лойқадан тўйиниб, унумдорлиги ошган жойлар эди. Бундай жойларда полиз экинларидан қовун ва тарвуз экилса юқори ҳосил берар эди. Экилган қовун униб чиқиб, палак отиб гулга киргач, сувга бостириб суғорилган ёки тошқин бўлса сув остига қолган. Бу ҳолда ер тобга келгач ағдарма чопиқ қилиниб, ҳар бир туп остига тупроқ тўпча қилинган. Бу усулни сув иншоотининг бош қисми тўғон номи билан ёки қадимги сўғдий тилида “варқ” - “тўғон номи билан “Варқони” дейилган. Варқони – тўғон боши деҳқончилиги бўлиб, етиштирилган полиз маҳсулотлари сероб ва ниҳоятда мазали бўлган.

Анъанавий Бухоро деҳқончилигида полиз экинларини ягоналашда алоҳида эътибор қаратилган. Халқда “бир палакдан икки қовун, икки палакдан бир қовун” [4] иборасида қовун, тарвуз, қовоқ ва бошқа экинларни ўз вақтида ягоналашнинг ниҳоятда зарурлиги кўрсатилган.

Ҳайдалган ердаги кесакларни эзиш, ерни текислаш ҳамда уруғ сепилгандан сўнг устидан тупроқ тортиш учун мола ишлатилган. Моланинг икки хил тури мавжуд бўлган: бири катта, узунлиги 3-3,5 м. кўп йиллик тут ёки ўрик ёғочидан ясалган (йўғон танали тут ёки унинг танаси пойтеша билан йўнилган). Моланинг эни 40-60 см бўлган. Молани ҳўкизлар тортган. Ҳўкизларни бир киши етаклаган, мола устида ҳам бир одам ўтирган. Мола аксарият лалмикор ерларда, қатқалоқ ва хашакли ерларда ишлатилган. Баҳорги экинлар экиладиган ерларда мола ўрнида шох-шаббали кичик дарахт танаси ишлатилган. Мола ясашга имкони бўлмаган камбағал хўжаликлар омочнинг шотисидан мола сифатида фойдаланишган. Моланинг кичиги 2-2,5 см чамаси бўлган. Буни қўш ҳўкиз, от ёки туя тортган [6].

Бухоро воҳасида қадимдан ишлатилиб келаётган ер юмшатгич воситаси белкуракдир. Бу асбоб темирдан ясалган бўлиб, ишлатувчининг хоҳишига қараб, махсус қулоқ ясатилган. Қулоқ белкуракнинг ўнг ёки чап томонида бўлган. Баъзи хонадонларда икки тепки қулоқ ишланган белкурак бўлган. Белкурак ерни ковлаш, аравага гўнг ёки тупроқ ортиш, ариқ қазиш ва пахса девор қуришда қўлланилган. Белкуракнинг узунлиги 25-27 см, эни 20-23 см атрофида бўлган. Дастасининг узунлиги 1,3-1,5 метрни ташкил этган. Лой ишларида белкуракдан фарқлироқ, лойни кесишга қулай ва енгил бўлган капча ишлатилган.

Қадимда деҳқончиликда кенг ишлатиладиган меҳнат қуроли кетмон бўлиб, Бухоро воҳаси зироатчилари учун ҳам бу қуролнинг хизмати катта бўлган. Боғдорчилик, полизчилик, сабзавотчилик ва ғаллачиликда, умуман, ер ишларида кетмон ишлатилган. Кетмонлар ҳам шакли ва ҳажмига қараб бир-биридан фарқланган. Эни 30-32 см, узунлиги 25-27 см бўлган кетмонлар тупроқ юкларида, айниқса, жўяк олиш, уват кўтариш, эгат олиш ва ер текислашда кўпроқ ишлатилган. Ҳажми кичик кетмонлар эса ўсимликларнинг тагини юмшатиш ва чопиқ қилишда қўлланилган. Кетмон дастаси асосан тол дарахтидан тайёрланган. Воҳа деҳқонлари ердан кўпроқ ҳосил олиш учун унга сифатли ишлов беришган. Тадбиркор бойлар кузда ерни бир-икки марта қўш билан ҳайдашган. Мола босиш, далаларга сув тарқатиш ва маҳаллий ўғитларни бериш ишлари ҳам тажрибали деҳқонлар маслаҳати билан амалга оширилган. Алмашлаб экиш ҳам деҳқончиликда асосий

ўринда турган. Ўсимликларнинг мавсумий хусусиятларидан келиб чиқиб, бирининг ўрнига иккинчисини экишган. Албатта, бу жараёнда об – ҳавонинг қандай келиши ва тупроқнинг ўзига хос хусусиятлари ҳам ҳисобга олинган.

Ўрта Осиёдаги барча халқлар сингари Бухоро воҳаси деҳқонлари ҳам XX асрнинг бошларида донли экинларни кўпроқ экишган. Кузда ҳайдалган ерларга буғдой, арпа экилган. Уруғ қўл билан сепилган ва устидан мола тортилган. Дон экилган тўқай ерлар асосан майса униб чиққач, бошоқ олиш олдидан ва дон хамирга айланганидан сўнг 2-3 марта суғорилган [6].

Ахборотчиларимизнинг таъкидлашларича, обикор ерларга оқ буғдой лалмикор ерларга «қизил буғдой», «қора қилтиқ буғдой» экилган. Ҳосил йиғиб олингандан кейин бўшаган ерларга мош, кунжут, уч ойлик оқ жўхори. тариқ экилиб. яхши ҳосил олинган. Баъзи деҳқонлар қайта экишга сабзавот ва полиз экинларини, хусусан, сабзи, шолғом, тарвуз кабиларни экишни маъқул кўришган [9]. XX асрнинг бошида асосий майдонларга буғдой, арпа билан бирга нўхат, зиғир, кунжут, макка, кунгабоқар каби донли ва бошоқли экинлар ҳам экилган. Ҳосилдан бўшаган пайкалларнинг барчасида қайта экиш тўлиқ амалга оширилмаган. Чунки қайта экиш учун деҳқонларнинг ҳамма вақт ҳам имконияти бўлмаган. Пайкалларнинг асосий қисми ўримдан сўнг суғорилган, қўш билан 2-3 марта ҳайдалган. Ноябрь ойининг охири, декабрь ойи ичида ерга «яхоб» суви берилган [10]. Албатта, суғориган ерлар баҳорги экиш мавсуми бошлангунга қадар дам олиб ётган.

XIX асрнинг охирларида Туркистон ўлкасида суғориладиган барча майдоннинг 70 фоизига ғўза экилган, холос. Пахта майдонлари Бухоро амирлигида 62 фоиз, биргина Қашқадарё воҳасида эса 2 минг гектарни ташкил этган [8]. XX асрнинг бошларида Бухоро амирлиги Англияга ва бошқа чет мамлакатларга турли хил қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотган. Маҳсулотлар ичида пахта кўп бўлган. Бу эса ўз навбатида Бухоро воҳасининг Қоракўл, Олот, Ромитан каби туманларида пахтанинг кўп экилишига сабаб бўлган. Воҳада «Маври ғўза», «Малла пахта» навлари экилган. Чорикорлар етиштирган пахта ҳосили катта ер эгалари томонидан сотилган. Бойлар корхоналар (пахтани қайта ишлайдиган кичик корхона) қуриб, пахтани чигитдан ажратишган ва олинган толадан ип йигиришган. Иплардан шойи матолар тўқишган. Ўрта Осиё хонликлари билан савдо-сотиқни ривожлантириш масаласини ўрганиш учун юборилган полковник Струковнинг ёзишича, «Осиёликлар келтираётган турли хил тўқима матоларни оддий халқ жуда хуш кўриб ишлатади, чунки улар юмшоқ ва чидамли бўлгани учун давлатдаги армия учун жуда зарур бўлган каноп мато ўрнини боса олади» [10]. Рус зобитининг бу фикрларини ахборотларимиздан олинган маълумотлар ҳам тасдиқлайди.

Яшаш шароити қанчалик оғир бўлмасин, воҳа зироатчилари ҳамиша бир-бирига ёрдам қўлини чўзиб келган. Ариқ очиш, тозалаш ишлари кузнинг охири ва қиш даври ҳамда эрта баҳорда ҳашар йўли билан амалга оширилган бўлса, хирмондаги донни ажратиш, ғўзани чопиқ қилиш, кўсак чувиш, ток, анор, анжирларни кўмиш ва очиш, дарахтларга ишлов ва шакл бериш каби ишларни ҳам деҳқонлар ҳамжиҳат бўлиб бажаришган.

Биринчи жаҳон уруши арафасида Россиянинг Туркистонда олиб борган мустамлакачилик сиёсати бошқа соҳа вакиллари каби деҳқонларнинг ҳам аҳволини оғирлаштирган. Солиқларнинг ҳаддан ортиқ кўпайганлиги экин майдонларининг қисқаришига олиб келади. Халқ бир амаллаб тирикчилик ўтказиш учун ишчи ҳўкиз ўрнида ҳаттоки ўзларини омочга қўшиб ер ҳайдаганликлари, кетмон билан эртаю – кеч ер чопганликлари ҳақидаги маълумотлар ахборотчиларимиз хотираларида сақланган.

Алмашлаб экиш анъанасига риоя этилмаганлиги натижасида ғўзанинг ёмон парвариш қилиниши далаларнинг кувватсизланишига, пахта ҳосилининг пасайиши ва мавжуд навларнинг бузилишига, шунингдек, бошқа сифат кўрсаткичларининг ёмонлашувига олиб келди. 1916 йилдаги об-ҳаво шароити (кўкламнинг кеч ва совуқ келиши, ёздаги қурғоқчилик, чигиртка босиши) иқтисодиётнинг ва пахтачилик агротехникасининг аҳволини янада оғирлаштирди.

Бутун Туркистон ўлкаси учун берилган бу тавсиф Бухоро воҳасидаги аҳволни ҳам ифодалаган, десак хато бўлмайди.

XIX аср охири – XX асрнинг бошларида Бухоро воҳасида ғалла, пахта ёки бошқа полиз экинларини экиб парваришлаш деҳқонлар учун қўл меҳнати билан бажариладиган машғулотлар анча оғир бўлган. Суғориш шохобчаларининг талабга жавоб бермаганлиги, унумдор ерларнинг бой – бадавлат кишилар томонидан бўлиб олингани, Бухоро амири томонидан ундирилган солиқларнинг ҳаддан ортиқ кўплиги, қишлоқ хўжалиги техникаси ва иш қуролларининг оддийлиги маданий экинлар ҳосилдорлигини оширишга имкон бермаган.

Доно халқимиз, тадбиркор бобо деҳқонларимиз минг йиллар давомида ерга ишлов бериш, экин экиб мўл ҳосил олишнинг ўзига хос усуллари ва тадбирларини яратиб, Қуйи Зарафшоннинг мураккаб табиий шароитида ҳам жаҳон зироатчилик маданиятига ўзига хос муносиб ҳисса қўшганлар, оғир шароитларга қарамай ўзларининг асрий тажрибалари асосида анъанавий деҳқончилик усуллари ёрдамида мўл-кўл ҳосил етиштиришга муваффақ бўлганлар.

**Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати**


1. XX асрнинг бошларида Ўзбекистоннинг суғорилиш тарихи хақида қуйидаги тадқиқотчилар атрофлича фикр билдиришган: Дингельштедт Н. Опыт изучения ирригации Туркестанского края // Сирдарьинская область. ч. 1-2. – СПб. 1898; Пален К.К. Орошение в Туркестан (Отчет по ревизии Туркестанского края. – СПб., 1910: Маллицкий Н.Г. Обычное право водопользования в Ташкентском районе и отношение его к шариат //Вестник ирригации, – 1925. – № 4. – С.14; И.Дембо. Земельний строй Востока. – Л., 1927; Ғуломов Я. Хоразмнинг суторилиш тарихи. – 1959; Муҳаммаджонов А. Қуйи Зарафшон водийсининг суғорилиш тарихи. – Т., 1972. Ўша муаллиф. Ўзбекистоннинг кадимги гидротехника иншоотлари. – Т., 1997;
2. Жабборов И. Жиловланган дарёлар ўлкаси. – Т., 1964.
3. Дала этнографик маълумотлари, ахборотчи Шоди Рўзиев (Аҳмад Жумаевниг шахсий архивидан).
4. Дала этнографик маълумотлари, ахборотчи Аҳмад Жумаевниг 2012 йил.
5. Дала этнографик маълумотлари, ахборотчи Раҳмон Жўраев, 2003 йил
6. Дала этнографик маълумотлари, 1997 йил Коракул тумани.
7. Дала этнографик маълумотлари, 1998 йил Ромитан тумани Ромиш қишлоғи
8. Жабборов И. Ўзбек халк этнографияси. – Т., 1994. – Б. 102.
9. Шаниязов К.Ш. Узбеки – карлуки. – Т., 1964. – Б. 169.
10. Рожкова М.К. Экономическая политика царского правителства на Среднем Востоке во второй четверти XIX века и русская буржуазия. – М., – Л, 1949. – С.41.

# ҚАРШИ ВОҲАСИДА БОЛА ТАРБИЯСИНИНГ ЭТНОЛОКАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ

*Х.Очилова – мустақил тадқиқотчи*

Ўзбек халқи ижтимоий ҳаётида бола тарбиясини жамоанинг ўрнисиз асло тасаввур қилиб бўлмайди. Жамоавий анъаналар ўзбеклар миллий менталитетига хос бўлиб, жамиятда одамлар ўртасидаги ўзаро ижтимоий ва маънавий муносабатларни белгиловчи муҳим омил ҳисобланган.

Кўп йиллар давомидаги этнографик тадқиқотларимиз асосида Қарши воҳасида бола тарбиясининг баъзи этноҳудудий хусусиятларини айрим жиҳатлари устувор эканлиги аниқланди. Тарихан шаклланган анъаналар, жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий шароит ҳамда табиий-географик омилларга кўра ўзбек оилаларида ўғил болага эҳтиёж юқори бўлиб, буни қуйидаги жиҳатлар билан изоҳлаш мумкин:

Биринчидан, минтақада қадимдан кўп болаликдан ҳар бир оила ҳамда жамият манфаатдор бўлган. Оилада ўғил бола мавқеининг юқори тутилганлигининг боиси шуки, хўжалик юмушларида ўғил болалар меҳнатидан кўпроқ фойдаланилган, бу оиладаги, умуман, жамоадаги иқтисодий даромаднинг каттагина улушини ташкил этганлиги учун ҳам уларга эҳтиёж катта эди. Минтақанинг баъзи ҳудудларида ер майдони ҳам ўғил болалар сонига қараб тақсимланган;

Иккинчидан, ўзбек халқига хос анъаналар ва миллий урф-одатлар ҳам муҳим омиллардан бири бўлиб, серфарзанд оилалар, айниқса ўғил боласи кўпчиликни ташкил этган оилалар қадрланган, ҳурмат-эътиборга сазовор бўлган, бу ўз навбатида ўғил боланинг жамиятдаги мавқеининг бир мунча баланд эканлиги билан изоҳланган;

Учинчидан, ўзбек оилаларида қизларни эрта турмушга бериш одати ҳам мавжуд бўлиб, табиийки, бу оилада ўғил болага бўлган эҳтиёжни талаб этган. Чунки турмушга чиққан қизларнинг ўрнини жамоада албатта ўғил болалар эгаллаган, ўғил болаларга нисбатан авлод давомчилари ва меросхўрлари сифатида қаралган.

Тўртинчидан, аёлларнинг жамиятдаги ўрни яна шу билан характерланганки, ўзбек аёллари асосан уй ишлари ва бола тарбияси билан банд бўлганлар, бу рўзғор ва дала юмушларида эркаклар меҳнатини кўпроқ талаб этган.

Шунингдек, минтақа қишлоқ жамоаларида қиз бола тарбиясининг этноҳудудий хусусиятлари ҳақида тўхталсак, қиз бола ҳаётида жамоадаги аёлларнинг ўрни катта бўлиб, ёшлик пайтидан бошлаб улар онгига одоб-ахлоқли, ҳаёли, иболи бўлиш ва масъулият кўникмалари вужудга келтирилган. Қуръонда ҳам қиз болалар ўғил болалар сингари “илоҳий эҳсон” эканлиги асослаб берилган, улар тарбиясига оид мулоҳазалар шариат ҳукми даражасида амр этилган. Энг аввало қизларга ёшлигидан оилада алла айтиб бешик тебратиш ўргатилган. Доя момо чақалоқни бешикка белаб бўлгач, қизлар навбат билан алла айтиб бешик тебратишган.

Чақалоқни бешикка белаш маросими асосан аёллар ва болалар иштирокида ўтказилиб, бу тантанада кўпинча ёши улуҳ серфарзанд аёллар, қўни-қўшнилар, яқин қариндошлар фаол иштирок этишган. Тантанада болаларнинг ҳам иштирок этиши уларда жамоага уюшиш ҳиссини шакллантирган, чақалоққа узоқ умр, сиҳат-саломатлик, униб ўсиши тиланиб, тез орада даврадаги болалар қаторига қўшилиши ният қилинган. Кайвони аёл онага гўдакни боқиш, чўмилтириш, ҳар хил гигиеник муолажалар қилиш, алла айтишини канда қилмаслик ҳақида ўз билганича маслаҳат берган. Бешик устидан турли ширинликлар сочилиб (“сочалоқ”), жамоадаги болалар

уни териб олишган. Болаларни жамоага яқинлаштириш билан бирга, чақалоққа келажакда эзгу ният, қут барака, онага эса серфарзанд бўлиши тиланган.

Вохадаги қўнғирот, сарой, қавмлари овул жамоаларида қизлар, аёллар қатори кигиз, гилам тўқишган ҳамда пўстак тайёрлашда иштирок этишган.

Қиш фаслида дала юмушлари бироз тингач, қўни-қўшни болалар янада яхширок уюшганлар. Кекса аёллар болаларга эртак, афсона, ривоят, ҳикоялар айтиб беришган. Шарқ халқларига ҳос бу одатни болаларни, айниқса қизларни маънавий-ахлоқий тарбиялашдаги ўрни муҳим бўлиб, қишда бошланган эртак айтишлар ўз навбатида баҳорнинг илиқ тунларида давом эттирилган. Қизларни 9-10 ёшдан ўғил болалардан алоҳида бўлишга кўниктириб борилиб, уларнинг асосий юмушлари дастурхон, болиш, ёстиқча тикиш ёки оддийрок бирор нарса тўқиш билан боғлиқ юмушлардан иборат бўлган. Бу давр қизлар ҳаётидаги илк кўникмалар даври бўлиб, барча хатти-ҳаракатлар катталар, айниқса аёллар назоратига олинган.

Ўрганилаётган даврда минтақада ижтимоий муносабатларнинг ўзгариши натижасида ёшларни жамоада турли вазифаларни бажаришга, тўпланган тажрибаларга суянган ҳолда иш тутишга асосий эътибор қаратилган. Бунда оиладаги маънавий-ахлоқий муҳит катта аҳамият касб этган, албатта.

Аждодлардан авлодларга мерос тарзда маънавий-аҳлоқий ва жисмоний мазмунга йўналтирилган гўдакларни овутиш ўйинлари уларда жамоага уюшиш туйғусини шакллантирган. Бу алоқадорликда қизларнинг ўзаро мулоқотлари, атрофдагиларга нисбатан муносабатлари пайдо бўлган. Қизлар ўртасида жамоада “читтигул”, “яшинмачоқ”, “бештош”, “меҳмон- меҳмон”, “оқ мунчоқдан кўк мунчоқ”, ўғил болалар орасида “жуфти-тоқ”, “кўз боғлар”, “варрақ”, “ғиз-ғизак”, “ғир-ғирак”, “мушт кетди”, “ов”, “уруш-уруш”, “ошиқ”, “ишти”, “хуржун-хуржун” каби ўйинларда жамоага уюшиш шаклланган. Қизларнинг гуруҳ-гуруҳ бўлиб уй ва ёввойи ҳайвонларга. қушларга тақлид қилишлари “ола ҳакка”, “лайлак келди - ёз бўлди”, “ола товуқ” ўйинларида ўз аксини топган ва уларга мос байт ва ашулалар айтилган.

Воҳада ўғил ва қизларнинг биргаликдаги “меҳмон- меҳмон”, “келин-куёв”, “она-ота”, “тош отар”, “урди-қочди”, “чур кести”, “оқ сўнак (суяк)”, “аққол”, “букурма таёқ” каби ўйинлари уюштирилган.

Ўрганилаётган воҳада бола тарбиясида жамоанинг ўрни ўзига хос этноҳудудий хусусиятларга ҳам эга бўлганлигини кўрсатади. Булар болалар тарбиясида ота-онанинг, қариндош эркак ва аёлларнинг ўрни, улар хулқ-атворининг шаклланиши ва ривожланишида қишлоқ жамоасининг ўрни яққол кўринган. Болалар ёшлигидан катталар сафига қўшилишга интилишган. Айниқса, ўғил болаларнинг эркакларнинг сафига қўшилишида ёш хусусиятлари муҳим бўлиб, 5 ёшдан сўнг болалар жамоанинг ёш аъзоси сифатида оилавий турмушда, турли маросимларда мустақил қатнаша олишган. Тадқиқотларга кўра XIX аср охири - XX аср биринчи ярмида минтақада болалариинг ёш ва жинс хусусиятларига кўра меҳнат тақсимоти шаклланган.

Айниқса, қизлар тарбиясида жамоа кўникмаларидан ташқари индивидуал жиҳатлар ҳам таркиб топган, улар маълум ёшдан сўнг хўжалик ва рўзғор фаолиятида мустақил қатнаша ола бошласалар-да жамоада улар шарқона одоб, ахлоқ меъёрлари асосида иш олиб боришган. Балоғат ёшида қизлар жамоа ҳаётида аёлларга яқинлашиб дастлабки ахлоқий кўникмалар шакллана бошлаган.

Ўзбек анъанавий жамоасидаги оила хўжалигида болалар зиммасига ҳам ўзига ҳос вазифалар юклатилган бўлиб, оилавий тарбияга катта эътибор берилган. Ёш авлодга жамоанинг тенг хуқуқли аъзоси сифатида қаралган. Жамоа аъзолари қариндошлар ўртасидаги ҳудудий – хўжалик ва маънавий яқинлик ришталари бола

тарбиясида ютуқ ва камчиликларини теран англашга, уларнинг турмушида бир - бирларига кўмак ва ёрдам берган.

Юқорида таъкидланганидек, Қарши воҳасида ўғил ва қиз болалар тарбиясининг ўзига ҳос этноҳудудий жиҳатлари анчагина сақланган эди. Оилавий турмушда жамоа анъаналари ўғил болаларни эркаклар сафига қўшилишга уларга кўмакдош бўлишга ундаган. Ўғил болалар эркаклар сафига қўшилганда ёш хусусиятлари муҳим роль ўйнаб, улар маълум ёшдан сўнг хўжалик ишлари, оилавий маросимларда мустақил қатнашишган. Оилада меҳнат тарбияси болаларни аҳлоқий ва жисмоний етук бўлишига яқиндан ёрдам берган.

Воҳада қиз бола тарбиясига ҳам жиддий эътибор берилган. Аёлларнинг оила турмушига дахлдор маросимларда ўзига хос бошқарув тизимида ўрни бўлиши билан бирга улар қиз болада меҳнат кўникмаларини шакллантиришган. Жамоага уюшган қизларнинг дастлабки ахлоқий ва меҳнат кўникмалари ҳам таркиб топган.

Демак қўни-қўшничиликка ҳос ижтимоий муносабатлар, оилавий маросимлар, байрамлар, сайиллар, ҳашарлар каби жамоавий тадбирларда ўзаро аҳиллик, биродарлик туйғулари таркиб топган. Булар бола тарбияси билан боғлиқ урф-одат ва анъаналарда ўз мужассамини топиб, ёш авлодни меҳр – оқибатли ва ўзаро ҳурмат руҳида тарбиялашда ўзига хос тарбия маскани вазифасини бажарган.

Хуллас, Қарши воҳада ёш авлод тарбиясида асосан ахлоқий ва меҳнат тарбиясига катта эътибор берилиб, бирор ёш жамоа назаридан четда қолмаган. Ёш авлод тарбияси учун ҳалқимизнинг жамоа урф-одат ва анъаналари ўзига хос мактаб ролини ўйнаган.

## БУХОРО ЗИЁРАТГОҲЛАРИ АКАДЕМИК В.В.БАРТОЛЬД НИГОҲИДА

***Ш.У.Бобожонов – Ўзбекистон ФА Тарих институти таянч докторанти***

Шарқшунос олим Василий Владимирович Бартольд Шарқ тарихи, айниқса, Ўрта Осиё халқлари тарихига оид асарлари билан кенг шуҳрат топди ва эришган ютуқларини дунёга намойиш қилди. Ёшлигидан Бартольднинг диққатини саккиз миллион нафар (XIX аср охирларидаги ҳисоб бўйича) аҳолиси бўлган бепоён Ўрта Осиё халқлари маданияти тортган [1].

1893 йилда В.В.Бартольд Ўрта Осиёга биринчи илмий сафар қилади. Маҳаллий ўлкашунослар Бартольдни ўзларининг содиқ ва севимли устози ҳамда раҳбари деб қабул қилдилар. Мустаҳкам илмий алоқалар ўрнатилди. Йирик олим кўмагида 1895 йилда Тошкентда Туркистон археология ҳаваскорлари тўгараги ташкил этилади. Илмий-ўлкашунослик тўгараги 1917 йилгача, яъни йигирма йилдан кўпроқ вақт давомида Ўрта Осиё ёдгорликларини ҳисобга олиш, тавсифлаш ва уларни ўрганиш ишига кўп ҳисса қўшди. Бартольд раҳбарлигидаги тўгаракнинг ҳаваскор шарқшуноси Н.С.Ликошин [2] ўрта аср тарихчиси Абу Бакр Муҳаммад бин Жаъфар ан-Наршахийнинг Ўрта Осиё тарихи бўйича энг муҳим манбалардан бири ҳисобланган “Бухоро тарихи” номли китобини форсчадан рус тилига таржима қилади [3].

Бартольд шахсий қўлёзмаларининг бирида шундай ёзган эди: “Шарқшуносликнинг илмий аҳамияти бошқа кўп соҳалардан шу билан фарқ қиладики, у ҳамма зарур қўлланма ва манбалар мавжуд этиб қуйидаги йирик илмий марказларда истиқомат қилиб, зарурат тақозоси билангина унча-мунча сафарга чиқиб турувчи мутахассислар иши билан қониқмайди. Бунинг учун жойларни яхши биладиган маҳаллий кишиларнинг ёрдамига таянган ҳолда Шарқ турмушини йиллар мобайнида чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш талаб этилади” [4].

Шарқшунос олим Петербург университети Шарқ тиллари факультетида “Шарқ халифалиги тарихи”, “Туркистон тарихи”, “Шарқ тарихини ўрганишда тарихий методологияни татбиқ этиш масалалари”, “Ўрта Осиё географияси ва этнографияси” каби махсус курслардан маърузалар ўқиб, қадим Туркистон тарихи, хусусан, Бухоро мусулмон маданиятидан талабаларни хабардор этган.

1902 йилда Бартольд Ўрта Осиёга иккинчи марта сафар қилади. Учинчи саёҳати эса 1904 йилда бошланади. Сафарлари давомида минтақа халқлари тарихидан сўзловчи кўплаб қўлёзма манбаларни ўрганади, тадқиқ этади. Тарихий шаҳарлар, ундаги ислом архитектураси обидалари тарихига қизиқади. 1912 йилда Петербургда император шарқшунослик жамияти “Ислом дунёси” номли журнални нашр қилишга киришади. Журнал дастурининг муаллифи ва муҳаррири ҳам В.В.Бартольд эди [5].

1916 йил В.В.Бартольднинг Ўрта Осиёга навбатдаги сафари эди. Бу пайтда Бухорода бўлганида олим бир қанча қўлёзма ва тош босма асарлар тўплайди [6]. Бу асарлар ва умуман, Бартольд Туркистон сафари вақтида қўлга киритган бошқа асарлар марказий китоб хазиналарига ва аввало, Петрограддаги Осиё музейига топширилади [7]. Шунингдек, олим Бухорода қадимий маданият ёдгорликлари, қолаверса, шахсий коллекционерлар билан ҳам яқиндан танишади [8].

1920 йил сентябр ойида бошланган Бухоро экспедициясида қатнашди. Экспедиция вақтида Бартольд қадимги маҳаллий ёдгорликларни ва санъат обидаларини кўздан кечирди ва уларни муҳофаза қилиш чораларини белгилади. Мазкур сафар ҳақида профессор Ҳ.Ҳ.Тўраев “Академик В.В.Бартольд ижодида Бухоро тарихи” номли мақоласида қуйидагиларни баён этади: “1925 йил В.В.Бартольд Бухорога келганида уни шаҳар обидаларининг ғарибона аҳволи, шаҳар дарвозалари тарихий номларининг ўзгартирилганлиги жуда ажаблантиради”.

Бартольд Ўрта Осиёга сўнгги бор 1928 йилда келади. Бу даврда қадимги ёдгорликларни ўрганиш ҳамда уларни тиклаш ишларига доир масалаларни ҳал этишда фаол қатнашади. Бартольд Ўрта Осиё тарихига доир бир қатор илмий мақолалар ҳам ёзди. Улар орасида 1921 йилда чоп этилган “Бухоро ва унинг атрофидаги қадамжолар” номли мақоласи ҳам мавжуд [9]. В.В.Бартольднинг ислом ва Араб халифалиги тарихи бўйича бир талай асарлари нашр этилади. Улар орасида “Ислом”, “Мусулмон маданияти” ва “Мусулмон олами” сингари оммабоп илмий асарлари диққатга сазовор. Бартольд асарлари 9 жилдда ўнта китоб бўлиб босилган. Улардан I жилд “Мўғуллар босқини даврида Туркистон”, IV жилд “Ўрта Осиё ва унга чегарадош бўлган мамлакатларнинг археологияси, нумизматикаси, эпиграфикаси ва этнографияси бўйича ишлар”, VI жилд “Ислом ва араб халифалиги тарихи бўйича ишлар” деб номланган. Умумий олганда, Бартольд тадкиқотларининг қарийб 50% и Марказий Осиё минтақаси тарихи тадқиқига бағишланди [10].

В.В.Бартольднинг асарлари жаҳон илм-фанининг олтин фондига киритилган ва бугунги кунгача ўз аҳамиятини йўқотмаган. В.В.Бартольд томонидан жами 400 дан ортиқ илмий асарлар: монографиялар, мақолалар, тақризлар, хабарлар чоп этилган, “Ислом энциклопедияси”даги бир қатор мақолалар ёзилган. Унинг асарлари жаҳон олимлари томонидан тан олинган ва бир қатор хорижий тилларга таржима қилиниб, чоп эттирилган [11]. В.В.Бартольднинг илмий қизиқишлари доираси кенг бўлиб, нафақат Ўрта Осиё халқларининг ижтимоий-иқтисодий тарихи, балки шу билан бирга археология, этнография, тарихий географияси масалаларини ҳам ўз ичига олган [12].

Академик В.В. Бартолд Бухоро борасида қуйдагича фикрларни илгари суради: “Бухоро-Туркистоннинг Зарафшон дарёси қуйи оқимидаги катта шаҳар. Шаҳарнинг исломгача бўлган даври тарихи ҳақида кам маълумотга эгамиз. Шубҳага

ўрин йўққи, форслар анча қадимдан Зарафшон (дарёси бўйлари)да қишлоқ ва ҳаттоки шаҳарларга эга бўлишган. Македониялик Александр даврида Суғдиёнада (Марғиёна (Самарқанд) дан ташқари) дарёнинг қуйи оқимида яна бир шаҳар бўлган. Лекин бу ҳозирги Бухороми ёки йўқми деган савол муҳокамали" [13]. Бухороликларнинг ривоятларига қараганда, Афросиёб замонида Бухоро вилоятининг пойтахти Ромитан қишлоғи [14] да бўлган. Баъзан бу ерни Қадимги Бухоро деб ҳам аташади. Афросиёб бу ерни икки йил давомида Кайхусрав (Сиёвушнинг ўғли)га қарши ҳимоя қилган. Қамал пайтида Кайхусрав Ромитан қалъасининг рўпарасида Ромуш қалъаси ҳам барпо этилган. Ромушда Кайхусрав олов ибодатхонасини ҳам қурдирган. Мажусийларнинг айтишича, бу қадим бухороликларнинг ибодатхонасидир. Берунийнинг таъкидлашича, Бухоро мажусийлари Ромуш Ота байрами учун қишлоқдаги олов ибодатхонаси атрофида тўпланишган [15].

Шарқшунос олим Бухородаги дастлабки масжид ҳақида тўхталар экан, "Бухорода исломгача олов ибодатхонаси – оташхоналар жуда кўп бўлган. Арк ичидаги исломгача бўлган даврда бутпарастлар ибодатхонаси мавжуд эди. Унинг ўрнида кейинчалик, 713 йилда масжид барпо этилган. Хаников планида кўрсатилишича, масжид Арк шимолий деворидан унча узоқ бўлмаган. Бу масжид ҳақида епропаликлар ҳеч нарса ёзишмаган. Умьняковнинг сўзларига қараганда Аркдаги масжид Субҳонқулихон (XVII аср охири) томонидан барпо этилган ва охирги марта 1919 йилда таъмир этилган. Шу билан бирга Аркда Чилдухтарон (Қирққиз) масжиди ҳам бўлган [16].

В.В.Бартольд Бухорода мўъжиза юз бериб, зарар кўрмай қолган бинолардан бири бўлмиш Исмоил Сомоний мақбарасини кўздан кечиради. Исмоил Сомоний дафн қилинган мақбара Бухоронинг X аср – Сомонийлар даври меъморчилиги ва санъатининг нодир намунасидир [17]. Бу иншоот Бухородаги барча ёдгорликлар, жумладан, Минораи калондан ҳам олдинроқ бино қилинган. Олим шу кунга қадар ушбу обида устида бирор тадқиқот олиб борилмаганлигини эътироф этиб, комиссия раиси сифатида ЦУАРДЕЛ (Центральное управление архивными делами) – Архив ишлари Марказий Бошқармаси олдига Исмоил Сомоний мақбарасини илмий жиҳатдан хар томонлама ўрганиш масалаларини қўяди. Бу масала ҳам ижобий ҳал этилади. 1926 йилда Мусо Саиджонов Вақф ҳужжатлари асосида Исмоил Сомоний мақбарасининг ёшини аниқлаб беради. Кейинчалик ушбу мақбарага оид 30 га яқин тадқиқотлар эълон қилинган [18].

Академик В.В.Бартольд ва В.Л.Вяткин биргаликда шаҳарнинг қадимий қисми ҳисобланмиш шаҳристонни диққат билан ўрганиб чиқиб, минг йиллар мобайнида ўз ўрнини ўзгартирмаган Бухоро шаҳрининг топографиясини ўрганишади.

Олим Бухоро шаҳристонидан ташқарида, Фатҳобод мавзесидаги Шайх ул-олам (Олам шайхи) зиёратгоҳи (XIII аср) ҳақида маълумотлар келтиради: Сайфиддин Бохарзийнинг буюк хизматлари билан бир томчи ҳам қон тўкилмай, миллионлаб инсонлар ҳақ йўлига етиши ва исломнинг давлат фуқароларининг расмий динига айланишига эришилади. Шайх мўғул ноиблари билан доимий олишиб, уларнинг Ислом руҳонийларини камситиш йўлидаги ҳаракатларига очиқдан очиқ курашган. Айниқса, Бохарзийнинг мўғуллар ноиби Қутбиддин Хабаш Амидага ёзган норозилик мактуби бунга далил бўла олади. (Бу мактуб Оксфорд кутубхонасининг Шарқ қўлёзмалари фондида сақланмоқда) [19].

Ўрта Осиё халқлари тарихини холисона ёритган, академик олим, муаррих ва шарқшунос, манбашунос олим Василий Владимирович Бартольднинг фан олдидаги мислсиз хизматлари келгуси авлод тадқиқотчилар учун феномен, қолаверса, эталон вазифасини ўтамоқда. Олим қадимий манбаларни ўрганиш асносида тарих қатларида қолган моддий ва маънавий маданиятимиз саҳифаларини очди, омма ва илмий

жамоатчиликка маълум қилди. Айниқса, ислом дини маданияти, унинг қатор қирраларини манбавий таҳлил этгани диққатга сазовордир.

Олим ёшлигидан буйраги хасталиги сабаб касалманд бўлган. Шунга қарамай, у илм-фан жабҳасида баракали меҳнат қилди ва ўзидан улкан илмий мерос қолдирди. Олим кўп умр кўрмади, бор-йўғи 61 йил (1869-1930) [20] яшади. 1930 йил 19 августда ўзи даволанаётган Эрисман касалхонасида вафот этади [21]. Лекин фактик материалга бой, илмий жиҳатдан пухта асарлар яратдики, ҳар бир шарқшунос, тарихчи, жўғроф, филолог ва этнограф ундан баҳраманд бўлиб келмоқда [22].

**Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати**

**1.** Лунин Б.В. В.В.Бартольд (Ўрта Осиё халқлари тарихининг билимдони, академик В.В.Бартольднинг ҳаёти ва илмий фаолияти). – Т.: Фан. 1970. – С.10.

**2.** Нил Сергеевич Лыкошин (1860-1922).

**3.** 1897 йилда рус тилига изоҳли таржима қилинади.

**4.** Лунин Б.В. В.В.Бартольд (Ўрта Осиё халқлари тарихининг билимдони, академик В.В.Бартольднинг ҳаёти ва илмий фаолияти). – Т.: Фан. 1970. – С.17.

**5.** Акрамов Н.М. Выдающийся русский востоковед В.В.Бартольд. Научно-биографический очерк (Под редакцией кандидата исторических наук Б.А.Литвинского). – Душ.: Изд. АН Таджикской ССР. 1963. – С.58.

**6.** Аминов Ф. М. Бухара и русское востоковедение // Молодой ученый. 2015. №2 2. – С.650-652.

**7.** Лунин Б.В. В.В.Бартольд (Ўрта Осиё халқлари тарихининг билимдони, академик В.В.Бартольднинг ҳаёти ва илмий фаолияти). –Т.: Фан. 1970. – С.50.

**8.** Ахмедов Б. Тарихдан сабоқлар. – Т.: Ўқитувчи. 1994. – Б.9.

**9.** Лунин Б.В. В.В.Бартольд (Ўрта Осиё халқлари тарихининг билимдони, академик В.В.Бартольднинг ҳаёти ва илмий фаолияти). – Т.: Фан. 1970. – С.62.

**10.** Шарофуддинов С.С. Вклад академика В.В.Бартольда в изучении истории и культуры таджикского народа IX-XV вв.: диссертация ... кандидата исторических наук.. – Душанбе, 2014. – С.3.

**11.** Ахмедов Б. Тарихдан сабоқлар. – Т.: Ўқитувчи. 1994. – Б.34.

**12.** Абдусаматова Н.С. Академик В.В.Бартольд – рус шарқшунослиги ва Ўрта Осиё тарихига катта ҳисса ҳисса қўшган олим. // Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси. 2019 йил, №2-сон. – Б.72.

**13.** Худойкулов Т. Академик В.В.Бартолд тадқиқотларида Бухоро топографияси хусусида. // Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси. 2019 йил, №2-сон. – Б.70.

**14.** Ромитан қишлоғи Бухородан 18 верст шимолда жойлашган.

**15.** Бартольд В.В. Мистицизм в исламе // Сочинения том VI. Работы ро истории ислама и Арабского халифата (подготовил к изданию А.Б.Халидов). – М.: Наука. 1966. – С.117-118.

**16.** Бартольд В.В. Места домуслманского культа В Бухаре и ее оркестностях // Сочинения. т.II.часть 2. Работы по отдельным проблемам истории Средней Азии (подготовил к изданию Ю.Э.Брегель). – М.: Наука. 1964. – С.472-473.

**17.** Шарофуддинов С.С. Вклад академика В.В.Бартольда в изучении истории и культуры таджикского народа IX-XV вв.: диссертация ... кандидата исторических наук.. – Душанбе, 2014. – 161 с.

**18.** Ҳамроев А.Ҳ. Академик В.В.Бартольд Бухорода. // Бухоро давлат университети Илмий ахбороти. 2012 йил 1-сон. – Б.44.

**19.** Бартольд В.В. Сочинения. т.II. часть 1. – М.: Изд.: Восточной литературы. 1963. – С.148.

**20.** Акрамов Н.М. Выдающийся русский востоковед В.В.Бартольд. Научно-биографический очерк (Под редакцией кандидата исторических наук Б.А.Литвинского). – Душ.: Изд. АН Таджикской ССР. 1963. – С.2.

**21.** Лунин Б.В. В.В.Бартольд (Ўрта Осиё халқлари тарихининг билимдони, академик В.В.Бартольднинг ҳаёти ва илмий фаолияти). –Т.: Фан. 1970. – С.71.

**22.** Ахмедов Б. Тарихдан сабоқлар. – Т.: Ўқитувчи. 1994. – Б.11.

## ЎЗБЕК ХАЛҚИ ЭТНОГЕНЕЗИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ЖАРАЁНИ ҲАҚИДА ТУҒИЛГАН ПАНТУРКИЗМ, ПАНЭРОНИЗМ, ПАНИСЛОМИЗМ ҚАРАШЛАРИ

***Н.А.Сатторов – таянч докторант, Низомий номидаги ТДПУ***

***Аннотация:*** *Мақолада Ўрта Осиё халқлари этногенезига доир пантуркизм, панэронизм, панисломизм назарияларининг тарихига доир фикр ва қарашларнинг қиёсий таҳлили акс эттирилган. Бу назарияларнинг вужудга келиш тарихи, сабаблари ва Ўрта Осиё халқлари тарихидаги оқибатлари изчил ва яхлит тарзда ўрганилган. Мақолада тарихчи олимлар А.Асқаров, Р.Обидов, Ў.Носиров, В.В. Бартольд, Н.А.Смирнов, Ф.Д.Ашнин, Аҳмад Ашраф ва бошқа олимларнинг мавзу бўйича олиб борган илмий тадқиқотлари ва қарашлари таҳлил қилинган. Мустақиллигимиз шарофати билан маънавий ҳаётимизда бошланган янгиланиш Ўзбекистон тарихида бўлганидек, ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи соҳасида ҳам анча юксак даражада тараққий этди. Ушбу мақола орқали ўзбек халқи этногенези масаласини ёритишда объектив ёндашув қай шаклда ривож топганлигини яққол кўриш мумкин ҳамда уларнинг таҳлилини англашга ёрдам беради.*

***Калит сўзлар:*** *Пантуркизм, панэронизм, панисломизм, примордиализм, элат, халқ, конструктивизм, Инструментализм, жадид, этногенез, этнос, этник тарих..*

Россияда 1917 йил Октябр тўнтаришидан сўнг ҳокимият большевиклар қўлига ўтгач, большевиклар йўлбошчиси В.И.Ленин Шарқнинг мусулмон халқларига қарата қилган мурожаатида: “...подшо Россияси ағдарилди, унинг ўрнига келган буржуазия давлати ҳам ҳокимиятдан кетди. Жойларда ҳокимият камбағалпарвар большевиклар қўлига ўтди”, – дея таъкидлади. Шунингдек, мурожаатда, “энди ҳар бир халқ ўзлари яшаб турган юрт ва элни бошқариш ҳуқуқига эга” [1] эканлиги алоҳида кўрсатиб ўтилди.

Йўқсиллар ҳокимияти доҳийсининг Шарқ мусулмонларига қаратилган бу мурожаати туркиялик туркшунос файласуф Зиё Гўкқалп (1879-1924)нинг “Турк дунёсида умумтурк давлатини тузиш” ғоясини келтириб чиқарди. Унинг издоши шарқшунос - тарихчи олим Заки Валидий Тўғон эса, “большевиклар Россияси таркибидаги туркий халқларни бирлаштирувчи ягона турк давлатини тузиш” [2] ғоясини кўтариб чиқди. У ўз асарлари билан шўролар давлатининг тоталитар-диктатура режими остида қолган туркий халқлар тарихини аниқ далиллар билан ёритган сиёсатчи олим бўлиб, унинг ғоялари Туркистон миллий жадидлари орасида жуда кенг ёйилган эди. Айниқса, Заки Валидий Тўғон ғояси таъсирида тарихий Туркистонда сиёсий ҳокимият учун диний ва дунёвий курашлар бошланиб кетади. Бу ҳаракатнинг тепасида бир томонда реакцион ислом уламолари турса, иккинчи томонда маҳаллий диний ва дунёвий анъаналар муштараклигида таркиб топган демократик давлат тузиш тарафдорлари турар эди. Натижада, бу таълимотлар

минтақа, зиёлилари орасида сиёсий вазиятни тобора мураккаблашишига хизмат қилади.

Большевистик марказ юқорида келтирилган ҳар икки томоннинг сиёсий ва ғоявий мафкурасини ўрганиб, тарихий Туркистонга мавжуд халқаро ва мамлакатнинг ички вазиятни ҳисобга олган ҳолда вақтинча баъзи бир енгиллик, яъни жадидчилик ғоялари билан суғорилган дунёвий давлат автономиясини тузишга изн беради. Бундан руҳланган жадидлар “Ўрта Осиёда ягона Туркистон автономиясини тузиш” ғоясини олға сурадилар. Бу ғоявий ҳаракат таъсирида 1918 йил 30 апрелда Туркистон автоном совет социалистик Республикаси ташкил топади. Аммо Туркистон жадидлари Туркистон Автоном Совет Социалистик Республикасининг раҳбарияти фаолиятидан норози бўлиб, (чунки унинг аксарият раҳбарлари Марказ вакилларидан иборат бўлган) 1920 йилдан “Ўрта Осиёда ягона Турк совет автономиясини тузиш” шиори остида сиёсий ва мафкуравий курашни бошлаб юборадилар. Бу ҳаракат большевикларни чўчитиб қўйди.

Большевистик мафкура нима қилиб бўлса ҳам туркий бирликни парчалаб ташлаш йўлини қидира бошладилар. Бу аснода подшо Россияси даврида Шарқ мусулмонлари тарихи ва этнографияси билан шуғулланган рус олимларининг кузатувлари ас қотди. Дарҳақиқат, В.И.Ленининнинг миллийлик концепциясига монанд Шайбонийлардан бошлаб, айниқса XIX асрнинг охири ва XX аср бошларида Тарихий Туркистон аҳолиси орасида ҳудудий ва этномаданий жиҳатдан бир-бирларидан фарқланувчи этник бирликлар ва уларга хос этнографик хусусиятлар шакллана бошлаганлиги кузатилади. Бу ҳолат биринчи навбатда тожик ва ўзбек, туркман ва қирғиз, қозоқ ва қорақалпоқ қавмлари мисолида яққол кўзга ташланади.

Энди Марказ ҳушёр тортиб, туркий бирликни парчалаб ташлашнинг қон тўкишларсиз осон йўлини топди, яъни Туркистон автоном совет социалистик республикаси базасида миллий республикалар тузиш ғоясини кўтарди. Бу масалада Марказ вакили Я.Э.Рудзутак бошлиқ 1920 йилда Марказ томонидан Турккомиссияси тузилди. Турккомиссия билан Туркистон автоном совет социалистик Республикаси ўртасида Ўрта Осиёда ягона Турк Республикасини тузиш ва мамлакат ички муаммоларини мустақил ҳал этиш масаласида кескин курашлар кетади. Ўрта Осиёда ягона Турк Республикасини тузиш тарафдорлари пешонасига салбий маънода “пантуркист” тамғаси босилди.

Туркистон автоном совет социалистик Республикаси Марказий Ижроия Қўмитаси раиси Турор Рисқулов миллий мухолифат тепасида туради. Уни ТАССРнинг аъзолари А.Раҳимбоев, С.Хўжанов ва бошқа жадидлар ҳам қўллаб-қувватлаб чиқадилар. Афсуски, уларнинг барчаси кейинчалик ҳар хил баҳоналар билан сиёсий қатағонликнинг қурбонига айланадилар.

Ўрта Осиё сиёсий ва маънавий ҳаётида “турк ватанпарварлиги” авж олиб турган кезларда, унинг акс-садоси сифатида Марказ мафкурачилари “панэронистик” ғоясини авж олдириб, гўё уларни Ўрта Осиё туркий халқлар кўз ўнгида “панэронистлар” сифатида қоралайди. Большевизм мафкурачиларининг бу ўйини жаҳон тарихшунослигида, айниқса СССР парчалангач, тарихшуносликнинг устувор ғоясига айланди. Панэронизм тарихий Туркистонда таркиб топган миллий республика сиёсий ва мафкуравий зиёлилари орасида ҳудудий ва маданий мерос талашиш асносида қўпол сиёсий кураш қуролига айланади.

Ўша кезларда тарихий Туркистон халқларининг келиб чиқиши масаласига ислом ақидапарастлари ҳам аралашиб, элат ва халқларнинг келиб чиқиши масаласида большевистик мафкурачилар айтганидек, уларнинг “тили ва этномаданий ўзига хослигига қараб эмас, балки диний-руҳий дунёсига қараб миллатини белгиламоқ керак” деган панисломизм концепцияси пайдо бўлди.

Афсуски, ўша кезларда фанга зид бундай концепцияларнинг (пантуркизм, панэронизм, панисломизм) пайдо бўлиши, давр тақозосига кўра, муаммо ечими билан боғлиқ фан тармоқларининг ривожланиш даражасини заифлигидан далолат берарди. Дарҳақиқат, Ўрта Осиё халқлари этногенез ва этник тарихи билан бевосита боғлиқ фанлар-этнология, археология, этнография, антропология, топонимика, тарихий лингвистика каби фан тармоқлари ўша кезларда ҳали ривожланмаган эди. Шунинг учун Ўрта Осиё халқларининг келиб чиқиши масаласида тушунмовчиликлар кўп эди. У ёки бу халқнинг келиб чиқиши масаласида олға сурилган ғоялар фақат тарихий ва афсонавий ривоятлар омухталашган ўрта асрлар даври қўлёзма асарларига асосланган эди.

Бу ғояларнинг қачон, қаерда ва нима учун вужудга келди деган саволлар кишини таажжублантиради. Пантуркизм ёки туркизм туркий халқлар яшайдиган давлатларда кенг тарқалган дунёвий миллатчилик таълимоти [3] бўлиб, уларнинг этник, маданий ва лингвистик ҳамжамият асосида сиёсий бирлашуви зарурлиги ғоясига асосланади. XIX асрнинг 2-ярмида шаклланган ҳаракат дастлаб Усмонли империяси турклари билан бирлашишга интилган Қримдаги турклар орасида бошланди. Бу ғояларнинг тарихига янада атрофлича назар ташлайдиган бўлсак, пантуркизм ғоясининг вужудга келиш тарихи ва илдизлари 1883 йилда Бахчисаройда (Қрим) умумтуркий рус жамоат арбоби, педагог ва публицист Исмоилбек Гаспринский (Исмоил Гаспралий) томонидан нашр этила бошлаган “Тержиман” (Таржимон) газетасига бориб тақалади [4]. 1923 йилда турк журналисти Зиё Гўкқалпнинг “Туркизмнинг асосий тамойиллари” китоби нашр этилган бўлиб, у пантуркизм мафкураси ривожига жуда катта ҳисса бўлди. Ўрта Осиёдаги пантуркизм ғоясининг ёйилишида асосий тарғиботчи ҳам айнан юқорида таъкидлаганимиздек туркиялик файласуф Зиё Гўкқалп (1879 – 1924) бўлиб, у большевиклар Россияси таркибидаги туркий халқларнинг ягона турк давлатини тузиш ғоясини кўтариб чиқади. Зиё Гўкқалпнинг большевиклар Россияси туркий тилли халқлари орасидаги таниқли издоши йирик шарқшунос-тарихчи олим Заки Валидий Тўғон бўлган. XX асрнинг биринчи чорагида Зиё Гўкқалп ва Заки Валидий Тўғонларнинг туркий халқларнинг ягона турк давлатини тузиш концепцияси Туркистон миллий жадидлари орасида жуда кенг ёйилди. Бу ҳаракатнинг Туркистондаги етакчи илғор отряди тепасида турган Беҳбудий, Фитрат, Чўлпон, Мунаввар қори Абдурашидов каби жадидлар Туркия пантуркистларидан фарқли ўлароқ, Ўрта Осиёда ягона Совет давлати таркибида Туркистон автономиясини тузиш ғоясини олға сурадилар. Бу ғоя тарафдорлари ўша кезларда “турк миллий ватанпарварлари“ номи остида сиёсий ва мафкуравий курашни бошлаб юборадилар. Жадидларнинг ғоялари тарафдори бўлган, 1920 йил январида Туристон АССР МИК раиси, Ўлка мусулмонлар бюроси раиси Т.Рисқулов Туркистон Автоном Совет Республикаси номи ўзгартириб, уни Турк Республикаси деб аташ, ягона коммунистик партия – Турк партия тузиш таклифи билан чиқади. Уни Туркистон совет автоном республикасининг аъзолари А.Раҳимбоев, С.Хўжанов ва бошқалар қўллаб-қувватлаб чиқадилар. XX асрнинг 20-йилларида ленинчи марказнинг вакили Я.Э.Рудзутак бошлиқ Турккомиссия билан Туркистон совет автономияси раҳбарияти ўртасида Турк Республикасини тузиш ва мамлакат ички муаммоларини мустақил ҳал этиш масаласида кескин кураш кетади.Т.Рисқуловнинг Туркистонни мустақиллик томон олиб борувчи ушбу фикрларига Туркистон фронти қўмондони М.В.Фрунзе ва совет ҳукумати раҳбари В.И.Ленин ҳам кескин қарши чиқишгач, Рисқулов таклифлари амалга ошмади. Натижада бу ҳаракат Совет ҳокимияти мафкура марказини чўчитиб қўйди. Оқибат натижада, бу ғоя тарафдорлари пешонасига салбий маънода “пантуркист” тамғаси босилди. Т.Рисқулов эса ўша йилнинг ёзида

вазифасидан озод қилиниб, Москвага чақириб олинди. Кейинчалик турли баҳона-сабаблар билан бу ғояни кўтариб чиққан миллат етакчилари афсуски, сиёсий қатағонликнинг қурбони бўлдилар. Айнан шу даврда Ўрта Осиё маънавий ва сиёсий ҳаётида миллий истиқлолчилик ҳаракатлари авж олиб турган кезларда, Ўрта Осиёнинг мавжуд халқлари орасида “панэронизм” ва “панисломизм” таълимотлари ҳам пайдо бўлди. Панэронизм асосан форсийда сўзлашувчи аҳоли орасида кенг тарқалган мафкура бўлиб, унинг тарафдорлари Эрон тоғликларида ва Эрон маданий таъсирининг муҳим хусусиятларига эга бўлган бошқа минтақаларда яшовчи эроний халқларини, жумладан курдлар, форслар, тожиклар, талишлар, осетинлар, пуштунлар, балужлар, татларни бирлаштириш тарафдори. Панэронизм XIX аср охирида Оғахон Кермоний томонидан асос солинган ғоя бўлиб, 1925 йилда ўзи афшор, яъни асли озарбайжонлик турк [5] бўлган эрон файласуфи доктор Маҳмуд Афшар томонидан Эроннинг ҳудудий яхлитлигига таҳдид соладиган панарабизм ва пантуркизмга [6] қарши курашиш мақсадида янада ривожлантирилган. 1918 йил апрель ойи ўрталарида Усмонли давлати қўшинлари Озарбайжонга бостириб киришни мақсад қилиб, бу ҳудудни ўз давлати таркибига қўшиб олишга интилди. Лекин Усмонли давлатининг босқини муваффақиятсиз тугайди. Биринчи жаҳон уруши арафасида пантуркистик тарғибот Усмонли турклари томонидан асосан жанубий Кавказдаги, Эрон Озарбайжони ва Ўрта Осиёдаги туркийзабон халқларга қаратилган бўлиб, асосий мақсад уларнинг барчасини йирик сиёсий тузилмалардан ажралиб чиқишга ва улар тегишли бўлган янги пантуркистик ватанга қўшилиш учун кўндириш керак эди. Бундан ташқари иккинчи жаҳон уруши пайтида 1941 йилда Британия-Совет қўшинларининг Эронга бостириб кириши эронликлар орасида кенг норозиликларга сабаб бўлади. Натижада 1941 йилда Эрон ҳудудида мамлакат ҳудудига бостириб келган босқинчиларга ва пантуркизмга қарши панэронистик мафкурага асосланган “Қаршилик гуруҳи” партизанлик ташкилоти тузилди [7]. Бу ташкилот 1946 йил сентябрь ойида сиёсий партия сифатида қайтадан ташкил этилиб, Тожикистондан то Ироқ ва Туркия Курдистонигача бўлган Эрон халқларини бирлаштиришга чақирган биринчи ташкилот бўлди. Бир сўз билан айтадиган бўлсак, бу ғоя дастлаб Эрон ҳудудининг яхлитлигини сақлаш мақсадидаги мудофаа ғояси бўлган бўлса, вақт ўтиб дунё форсийзабонларини бирлаштиришга қаратилган ғояга айланди.

Бундан ташқари Ўрта Осиё ерли аҳоли орасида азалдан мавжуд бўлган ўзбек халқининг келиб чиқишини Ваҳб ибн Мунаббаҳнинг ривоятича, Нуҳ (а.с.)нинг ўғиллари: Сом ибн Нуҳ – арабларнинг, форсларнинг ва румликларнинг отасидир; Ҳом ибн Нуҳ – суданлик ва бошқа африкалик қора танлиларнинг отасидир; Ёфас ибн Нуҳ эса турклар, яъжуж – маъжужлар ва бошқа осиёлик қавмларнинг отасидир [8] деб Нуҳ пайғамбарнинг ўғли Ёфасдан, Ёфаснинг ўғли Тур ёки Туркдан бошланади [9] деган ғояни қўллаб-қувватловчи тарафдорлар ҳам мавжуд эди. Айнан мана шу тарафдорлар панисломизм ғоясини кўтариб чиқадилар. Панисломизм сўзининг этимологиясига назар ташлайдиган бўлсак, “пан” сўзи “бирлик”, “бирлашиш” бўлиб, “ислом” сўзининг қўшилиши билан “ислом бирлиги” деган маънони келтириб чиқаради. XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида “панисломизм” ғояси остида ислом бирлигига эришишни мақсад қилган сиёсий ҳаракатлар авж олди. “Ислом бирлиги ғоясига асосланган панисломизм мусулмон оммаси томонидан ҳам чет эл ҳукмронлигини рад этиш шакли сифатида, шунингдек, бу ҳукмронлик шароитида мусулмон буржуазиясининг “омон қолиши”га хизмат қилишга мўлжалланган ва унинг алоҳида гуруҳлари манфаатларини ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган сиёсий таълимот сифатида ҳам пайдо бўлди” [10]. Чунки айнан мусулмон халқларининг бирлашиши, бир тарафдан мустамлакадан озод бўлиш йўли

бўлса, иккинчи тарафдан Ғарбга қарши куч сифатида сиёсий позиция эди. Шу боис, панисломизм концепцияси мусулмонлар учун нажотга элтувчи мафкура бўлиб кўринди. Панисломизм ўзи нима, қачон ва қаерда вужудга келган деган савол туғилади кишида.

“Панисломизм – XIX асрнинг охирларида Ўрта Шарқда вужудга келган, ислом мамлакатларини ягона байроқ остида бирлаштириш ғоясини кўтариб чиққан сиёсий оқим” [11] бўлиб, бу ғоянинг асосчиси Афғонистон диний ва сиёсий арбоби, маърифатпарвари Жамол ад-Дин ал-Афғоний ҳисобланади. У Ғарбнинг таҳдидига қарши ислом бирлиги ғоясини илгари сурган ва барча мусулмонларни мустамлакачиликка қарши курашда, бирлашишга, яъни ҳудудий бирлашишга чақирган [12]. 1884 йилда Парижда ал-Афғоний шогирди Муҳаммад Абдо билан биргаликда “ал-Урва ал-вусқа” ҳафталик нашрини эълон қилиб, унда панисломизм ғоясини ривожлантирган [13]. Панисломизм (пан ва ислом) – XIX аср охирида бутун мусулмон оламини мустамлакачиларга қарши курашда бирлаштириш тўғрисидаги ҳаракатга Россия ва Британия империялари, шунингдек, СССР томонидан берилган сунъий ном [14] бўлиб, бу ғоя империяларни ташвишга солган таҳдид сифатида баҳоланган. Чунки “Германия ва Усмонийлар империяси ҳамда уларнинг Британия ва Россияга қарши курашдаги иттифоқчилари панисломизмни тарғиб қилишга алоҳида эътибор бердилар. XIX аср охирида Усмоний империясининг сўнгги султони Абдул Ҳамид II (1876-1906) даврида панисломизм мафкурасининг ҳаракати авж олди. У панисломизм мафкураси орқали бутун мусулмонларнинг бирлиги ва ҳамжиҳатлигига, шунингдек, маданий, диний, ижтимоий ва моддий тараққиётга эришиш мумкин деб ҳисоблади. Бу эса, ўз навбатида панисломизм негизи ижобий мақсадларга қурилганлигини кўрсатади. Абдул Ҳамид II панисломизм таълимотидан ўз сиёсатида Усмоний империясини сақлаб қолишда фойдаланган бўлса-да, бироқ унинг сиёсати ислом негизи асосига қурилганлиги боис, урғуни исломга қаратди. Айнан, исломни сақлаш орқали панисломизм мафкурасидан сиёсий чора ва усул сифатида фойдаланди. “Ислом Ренессанси” ёки “Ислом модернизми”нинг Туркиядан ташқарида ривожланган замонавий тенденциялари панисломизм мафкурасини янада ривожланишига имконият яратди. Панисломизм – мусулмон халқларининг мустамлакачиликка қарши курашда Туркия империяси томонидан кенг фойдаланилган тарғибот ва ташвиқот усули бўлди. Аввалига ушбу таълимот ижобий аҳамият касб этган бўлса, кейинчалик Россия ва Буюк Британия империяларида сепаратизм ғоясини шакллантиришга уриниш сифатида қаралди ва улар томонидан ушбу таълимот салбий таълимот сифатида баҳоланди. Сабаби, панисломизм мафкураси Абдул Ҳамид II нинг сиёсий мақсадлари билан мувофиқлашиб, Буюк Британия ва Россия империяларини ваҳимага солди. Чунки Россия ва Буюк Британия империяларининг мустамлакаси бўлган давлатларда анъанавий мусулмон давлатлари ҳам мавжуд эди.

Панисломизм каби ислом шиорлари “ҳар доим ҳам бир таълимот шаклида эмас, балки жуда кўп диний, сиёсий мақсад сифатида, асосан фақат сиёсий мақсадларга эришиш учун бир восита” [15] – дейди, рус шарқшуноси В.В.Бартольд. Бу билан Бартольд панисломизм ғоясининг негизида диний восита орқали сиёсий ҳокимиятга эришиш мақсади ётганлигини таъкидлашга уринади. Шунингдек, у исломнинг ҳам диний, ҳам сиёсий характерга эга эканлигига урғу беради. Россиялик тарихчи олим Н.А.Смирнов ҳам “Замонавий ислом” номли асарида миллий озодлик ҳаракатида Яқин Шарқ ва СССРдаги исломнинг ҳолати ҳақида тўхталиб ўтади. У панисломизм идеологик таълимотининг қандай мақсадга йўналтирилганлиги, бу таълимотнинг Туркистон, Бухоро ва Хивада ёйилиши ҳақида фикр юритиб: “Панисломизм барча мусулмон халқларини ислом байроғи остида бирлаштиришга

қаратилган ҳаракат. Панисломизм сиёсий куч ва тўлиқ мустақиллик учун мусулмон давлатлари эришиши мумкин бўлган восита” [16] – деб билади.

Панисломизм таълимоти пантуркизм ва панэронизм ғоялари каби аввало, мусулмон дунёсини бирлаштириш ғоясини илгари сурса, иккинчи томондан мусулмонлар яшайдиган ўлкадаги миллатчилик ҳаракати вакилларига империалистик кучлар томонидан ўтказилаётган таъқибларга қарши позиция сифатида намоён бўлади. Туркистонда панисломизм Россия империясига қарши “жадид” (Шўрои Уламо) ва “қадим” (Шўрои Ислом) чиларнинг миллий озодлик учун курашидир. “Империя даврида ҳам, совет даврида ҳам “ислом”ни Марказий Осиё халқларининг Россия империясининг мустамлакачилигига қарши ҳаракатларида, иқтисодий эксплуатация, сиёсий камситишлар ва русларга қарши курашда айбладилар. “Панисломизм”нинг пайдо бўлиши тўғрисидаги турли хил фикрларни таҳлил қилган ҳолда шуни айтиш мумкинки, бу ғоядан Шарқ ҳам Ғарб ҳам ўз мақсадлари йўлида фойдаланишган. Ушбу фикрнинг исботи сифатида “Иттифоқи Исломия” лигасининг асосчиси христиан эканлигига назар ташласак, христианлар ҳам ислом бирлигига қарши айнан “панисломизм” ғояси ниқоби остида ҳаракат қилганликларининг гувоҳи бўламиз. Шу нарса аниққи, бу каби назарий таълимотлар ҳам давр тақозосидан келиб чиқиб, нафақат, Туркистонда Ҳиндистон, Яқин Шарқ, Эрон, Африка халқларининг мустамлакачилик тизимига қарши кўтарилган ҳаракат сифатида вужудга келди. Аммо бу назариялар вақт ўтиб айрим тоифалар томонидан сиёсийлаштирилиб, кенг халқ оммасига қарши мустамлакачилар томонидан сохта айбловлар билан ўзларига қарши кураш тўлқинини бостиришга баҳона бўлди. Совет ҳукумати томонидан юқоридаги назарияларга қарши курашда нафақат қуролли ҳаракатни қўллади, шу билан бирга ғоявий қарши курашиш мақсадида рус олимлари томонидан ўз сиёсатларига монанад бўлган “миллий автохтанизм” назариясини ишлаб чиқишди. “Миллий автохтанизм” назарияси маъно жиҳатидан советлар манфаати учун ишлаган бўлса-да, Туркистон халқлар тарихига бағишланган фан тармоқларининг ривожланишига ҳам хизмат қилди.

Мустақилликдан сўнг ўзбек халқи этногенизи ва этник тарихи муаммосига қизиқиш кучайди. Ўзбек халқи тарихининг совет даврида камситилиб, келгинди, кўчманчи халқ сифатида талқинига қарши ҳаққоний тарихини тиклаш бошланди. Совет даврида танқид қилинган панисломизм ва пантуркизм концепциялари илмий доирада қайтадан ўрганила бошланди. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи шаклланишини тадқиқ этишда ҳам примордиализмни, ҳам конструктивизмни , инструментализмни чуқур ўрганган ҳолда холис, турли ўзига хосликларга (ҳудудий, лингвистик, диний, синфий) эътибор қаратмасдан янада чуқурроқ ва кенг қамровли тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Хуллас, Ўзбекистон деб аталмиш она заминимиз халқининг икки тилда сўзлашувчи ҳар икки этник қатлами ҳам турк-суғдий этномайдонда жуда қадим-қадим замонлардан бирга яшаб келган туб жойли аҳоли ҳисобланади. Унинг этник таркибини ерли суғдий, хоразмий, боҳтарий, Чоч ва қадимги фарғоналик аждодларимиз ва туркий бобокалонларимиз ташкил этган, ана шу икки тилли этник қатламларнинг узоқ асрлар давомида бир-бирлари билан аралашиб-қоришиб кетиши натижасида, ўтроқ туркий ўзбек халқи таркиб топиши жуда кенг этномайдонда юз берган иқтисодий ва сиёсий ҳамда маданий жараёнлар маҳсули эканлиги ҳақиқатга яқиндир.

**Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати:**

1. Асқаров А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. – Тошкент, 2015. – Б.7;

2. Асқаров А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. – Тошкент, 2015. – Б.8;
3. Ашнин Ф.Д., Алпатов В.М., Насилов Д.М. Репрессированная тюркология. – Москва: “Восточная литература” РАН, 2002. – С. 21 – 50.
4. Большая российкая энциклопедия. – М.,2004.
5. Iran Between Two Revolutions – Google Books Дата обращения: 2 октября 2017. Архивировано 7 июля 2014 года.
6. Ahmad Ashraf, «Iranian identity in the 19th and 20th centuries», Encyclopedia Iranica. Excerpt: "Afšār, a political scientist, pioneered systematic scholarly treatment of various aspects of Iranian national identity, territorial integrity, and national unity. An influential nationalist, he also displayed a strong belief in the nationalist character of Iranian people throughout the country’s long history. He was the first to propose the idea of Pan-Iranism to safeguard the unity and territorial integrity of the nation against the onslaught of Pan-Turkism and Pan-Arabism (Afšār, p. 187)
7. Engheta, Naser (2001). 50 years history with the Pan-Iranists. Los Angeles, CA: Ketab Corp.
8. Обидов Р. Пайғамбарлар тарихи исломият тарихидир. –Т., 2005. – Б.27.
9. Носиров Ў. Ўзбеклар шажараси. –Т., 2011. – Б. 125-126.
10. Ислам в современной политике стран Востока (конец 70-х – начало 80-х годов XX в.). – М.: Наука, 1986.
11. Экстремизм ва терроризм – тараққиёт душмани. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015.
12. Ислам в странах Ближнего и Среднего Востока. Сборник статей. – М.: Наука, 1982.
13. Ислам: Энциклопедический словарь. – М.: Наука, 1991.
14. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 6-жилд. Мирий-пархиш. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2003.
15. Бартольд В.В. Панисламизм.— Сочинения. Т. VI. – М., 1966.
16. Смирнов Н.А. Современный ислам. – Москва.: Безбожник, 1930.

## АВРАНГЗЕБ ОЛАМГИР – БУЮК БОБУРИЙ ҲУКМДОР

***Ҳ.Тоштемирова –Қарши давлат университети***

Аврангзеб Оламгир (асл исми Муҳйиддин Муҳаммад) (1618-1707 й. март, Аҳмадобод) – 1618 йилнинг 4 ноябрь Ҳиндистоннинг Гужарат вилоятидаги Доҳад шаҳрида туғилган. Ҳиндистон подшоси (1658-1707), У Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг авлодларидан Шоҳжаҳон ва унинг рафиқаси Мумтоз Маҳалбегимнинг ўғли эди. Форсча “Аврангзеб“ сўзи

“тож-у тахт безаги“ маъносини билдирса, “Оламгир“ эса “оламни забт этувчи“ маъносидадир. У жуда эрта Қуръони Каримни тўлиқ ёд олди, болалигидаёқ ҳадис ва фиқҳ илмини ҳамда араб, турк, форс, ҳинд тилларини чуқур ўрганди.

Аврангзеб ўсмирлик чоғиданоқ, ҳали тахтга чиқмай туриб, Бобурийлар салтанатга ўз ўрнини топишга уринган шаҳзода эди. 1636 йили у энди 18 га кирганида отаси Шоҳжаҳон томонидан маркази Аврангобод шаҳри бўлган Деккон вилоятига ҳоким этиб тайинланади. 1644 йили бироз муддат ота-бола ўртасидаги муносабатлар ёмонлашиб, Шоҳжаҳон ўғлини ўз вазифасидан бўшатди. Бунинг сабабини тарихчилар турлича изоҳлашса-да, масаланинг асл моҳиятини англаш учун Амир Темур вафотидан кейинг ота ва ўғил, ака ва укалар ўртасидаги тахт учун курашда юзага келган қаттиқ зиддият-муросасизликлар ва буларнинг оқибатида

улкан салтанатларни кучсизлантириб, парчаланиб кетганини эслаш кифоя ҳисобланади.

1645 йили Аврангзеб яна отасининг ишончини қозонди ва Шоҳжаҳон ўғлини аввал Гужаротга, сўнгра Балх ва Бадахшонга ҳоким қилиб жўнатди. У ўзининг саркардалик ва ҳукмдорлик иқтидори билан бу шаҳарларда муносиб тартиб ва ҳокимлик ўрнатган бўлса-да, Балх ва Бадахшонда бўйсунмас ўзбеклар билан самарасиз уруш олиб боришга тўғри келди. Улар Амударёдан кечиб ўтиб, Аврангзеб қалъаларига тўсатдан ҳужум қилар, қўшиннинг тинкасини қуритар эди. 1647 йили бобурийлар охири Балхни ташлаб чиқишга мажбур бўлишди. Орадан икки йил ўтгач, оғир қуролларга эга форслар улардан Қандаҳорни ҳам тортиб олишди. Ўша йилнинг баҳорида Аврангзеб эллик минг кишилик қўшин билан бу шаҳарни қамал қилди ,аммо курол жиҳатидан оқсагани сабабли қамал чўзилиб кетди, Қандаҳор таслим бўлмади. 1652 йили отаси Шоҳжаҳон Аврангзебни яна Декконга қайтарди. Шу даврда у яна Деккон вилояти ҳокими этиб тайинланади ва бу вазифада 1657 йилгача қолади. Аврангзеб подшолик ерларини қўшни хонликлар—Бижапур ва Голконда ҳисобига кенгайтирди (1686—1687). Лекин солиқларнинг кўпайиши, ҳиндларнинг давлат ишларидан узоқлаштирилиши, бутхоналар мол-мулкининг мусодара қилиниши, ҳиндлар орасида исломни жорий эттириш жараёни натижасида мамлакатда ғалаёнлар кўтарилиб турди (Махараштра, Панжоб, Деҳли — Агра вилоятларида). Шиважи (1630—1680) бошчилигидаги кураш натижасида Махараштра алоҳида хонлик бўлиб ажралди (1674). Аврангзебнинг ҳукмдорлик даврида Жан. Ҳиндистон бир неча хонликларга бўлиниб кетди. Бу эса Ҳиндистонда бобурийлар салтанатининг емирилишини бошлаб берди. Аврангзеб 1707 йилнинг 3 мартида тўқсон ёшида вафот этган. [1]

1675 йили Аврангзеб сикхларнинг йўлбошчиси гуру Тег Бахадурни Деҳлида қатл қилдирди. Шундан сўнг сикхлар ҳаракатига гурунинг ўғли, қобилиятли сиёсатчи, саркарда ва шоир, кенг билимли ва жасур шахс гуру Гобинд Сингх (1666—1708) раҳбарлик қилади. XVII аср ҳинд маданиятининг ёркин намояндаларидан бири Гобинд 1708 йили ёлланма қотил томонидан ўлдирилди[2].

Аврангзеб масжид ва мадрасалар, хонақоҳларни таъмирлаш, янгиларини қуриш ҳақида фармон берган ҳолда ғайридинларнинг бутхоналари ва мактабларини таъмирлаш, янгиларини қуришни тўхтатиб қўйди. 1679 йилдан бошлаб мусулмон бўлмаган ҳиндлардан жизя (мусулмон мамлакат ҳимоясида яшаётган номусулмонлардан олинадиган жон солиғи) ундириш, уларнинг муқаддас қадамжоларини зиёрат қилганлари учун қўшимча солиқ тўлашлари тартиби жорий этилди.

Аврангзеб даврида бир юз эллик ёшли салтанат ўзининг энг гуллаб яшнаган даврини бошдан кечираётган эди. У Ҳиндистон ярим оролининг каттагина қисмини эгаллаган, муболағасиз айтиш мумкинки, дунёдаги бой мамлакатлардан эди. Аврангзебнинг бош мақсадларидан бири Бобурийлар салтанатида ҳақиқий исломий бошқарувни жорий қилиш бўлган. Олдинги ҳукмдорларнинг барчалари мусулмон бўлсаларда, ҳаммалари ҳам мамлакатни Ислом шариати асосида бошқаришдан йироқ эди. Масалан, унинг бобокалони Акбар биринчи шахсий ҳаётда ҳам, давлат ишларида ҳам Исломга алоқаси бўлмаган диний анъаналар ва урф-одатларга риоя қилар, бу билан мунтазам равишда Исломга зид йўл тутар эди. Аммо болалигидан диний тарбия, таълим олган, эътиқоди мустаҳкам Аврангзеб исломий бошқарув тарафдори эди.

Буюк саркарда Аврангзеб ҳукмронлиги Ҳиндистонда бобурийлар салтанати тарихида энг юқори чўққи ҳисобланади. Аниқроқ қилиб айтганда, Аврангзебдан

олдин ҳам, ундан кейин ҳам ҳеч бир бобурий ҳукмдор Ҳиндистонда у каби муваффақият ва ютуқларга эриша олмаган.

Аврангзебнинг бобурийлар бобокалони Амир Темур мақбарасини таъмирлаш мақсадида хазинадан маблағ ажратиб, бир неча бор Бухоро хонлигига элчиларни жўнатгани алоҳида аҳамиятга моликдир. Унинг бу ҳаракатларидан бобоси Бобуршоҳ сингари тарихий ватани Туркистонни ардоқлаганини кўриш мумкин. Булардан ташқари Аврангзеб ҳарбий ва давлат бошқаруви билимларини ҳам ёшлигидан яхши ўрганиб, ака-укаларига нисбатан анча уддабурон ва қобилиятли бўлиб вояга етган эди.

Тарихчиларнинг якдил фикрига кўра, унинг ҳукмронлиги “салтанат тарихидаги олтин давр, олий чўққи“ бўлди. Ислом оламида ҳанафий фиқҳининг қомуси ҳисобланган “Фатовойи Оламгирия“ асари бевосита унинг ташаббуси ва раҳбарлигида тасниф қилинган. Россияда нашр этилган “100 буюк қўмондон” китобидан Амир Темур ва Аврангзебгина жой олган[3].

Олимлардан бири шундай ёзади: “Ҳиндистондаги бобурийлар сулоласидан бўлмиш ҳукмдор Аврангзеб Оламгир ўзининг Аҳли суннат ва жамоа этиқодига ҳамда ханафийлик мазҳабига мустаҳкам амал қилиши билан танилган эди. У ўз қизи Зебуннисо бегимни ҳам худди шундай тарбия қилгани аниқ. Ана шу Зебуннисо “Зеб ат-тафосир” Қуръони Каримнинг форс тилидаги бир неча жилдли тафсирини ёзган.

Ғарб тарихчиларидан Персивал Спиарнинг “Ҳиндистоннинг қисқача тарихи“ китобида Аврангзеб ҳукмронлигининг диний, ижтимоий-сиёсий масалаларда бобурийлар сулоласининг дастлабки вакиллардан фарқланиши бошқа тадқиқотчиларга нисбатан анча холис баҳоланади: У ўзидан кейин салтанат чегараларини тахт эгалланган вақтдагидан анча кенгайтириб юборди. Унинг тахтни эгаллашдаги йўл қўйган фожиалари бошқаларникидан кам бўлса бўлганки, асло кўп бўлмаган. У бошқарувда қаттиққўллик билан эмас, балки давлатни юритишда тажриба ишнинг фойдаси билан муваффақият қозонган. Аврангзеб ҳеч қачон кераксиз жойда қон тўкмаган, отасини ҳам тутқунликда ушлаш учун эмас, тахтга кўз олайтирганларнинг кўзидан панада сақлаган. Тахт эгаси ўзининг забардаст подшо эканини амалда исботлаш учун дунёдан кетгунча қудратини, заковатини, иродасини йўқотмаган. Унга фақатгина ота-боболарида бўлган жозибадорлик етишмасди. Кундалик шахсий ҳаётида у буюк аждодларига нисбатан камтарона ва дарвешона ҳаёт тарзи билан ажралиб турарди. Унинг ҳиндларга бўлган муомала-муносабати, албатта, Акбарнинг муросасозлигидан фарқ қиларди”.

Ҳинд тарихчиси Жадунатҳ Саркорнинг маълумотига кўра, Аврангзеб араб ва форс тилларида дурустгина ёза олган. У ҳинд тилида гапирганда, ўша кезлари кенг тарқалган ҳикматли сўзлардан эркин фойдаланган. Балх ва Қандаҳордаги аксар ўрта осиёликлардан ташкил топган қўшинда хизмат қилганидан бўлса керак, айниқса, чиғатой туркийсини пухта билган.

Таниқли ўзбек олими, филология фанлари доктори Нажмиддин Низомиддинов шундай ёзади: “Аврангзеб иқтисодий жиҳатдан заифлаша бошлаган салтанат қудратини тиклаш учун мусулмонпарвар хоқон сифатида маҳаллий ҳинд феодаллари қўлидаги ерларни қисқартирди. У янги ҳарбий юришлар ҳисобига хазинани бойитиш ниятида 1686-1687 йиллари Бижояпур ва Голкондани ўз тасарруфига олиб, марказий ҳокимият таъсирини бутун Ҳиндистонга ўтказишга эришди. Аммо Аврангзеб ташқи ва ички сиёсатнинг дастлабки муваффақиятлари салтанат пойдеворини мустаҳкамлаш учун етарли эмасди. Хусусан, муқаддам бобурийлар қўллаб келган ички сиёсатдан оғиш, айниқса, мусулмон бўлмаган ер-мулк эгаларининг манфаатларига зид келиб, мавжуд қарма-қаршиликларни янада кескинлаштирди. Бинобарин, ҳинд феодалларининг аввалига ҳуқуқи, кейин эса мол-

мулкига дахл қилиниши, уларнинг давлат вазифаларидан четлатилиши одатий ҳолга айланиб қолган эди.

Француз тарихчиси Энтони Тауро ўз кундаликларида ушбу сатрларни битиб қўйган: “Аврангзеб кучли ҳукмдорлардан эди, у узоқ йиллар Ҳиндистон ярим оролининг каттагина қисмини бошқарди. Бу борада унга камдан-кам ҳукмдорларгина тенглаша оларди. Унинг вафотидан сўнг бобурийларнинг улкан салтанати кучсизланиб, парчаланиб кетди. Аврангзебнинг 49 йиллик ҳукмронлиги даврида салтанат тинчлик-хотиржамликда яшади, унинг ерлари кенгайиб, даромадлар кўпая борди. Оламгир даврида Ҳиндистонда ишлаб чиқариш ва ҳарбий қурол-аслаҳалар тайёрлаш мисли кўрилмаган равнаққа эришди. Унунг қўшинлари Бидарда жангда биринчи бўлиб ракеталардан фойдаланишди. Ўша пайтда йиғилган солиқлар ҳисобланганда, унинг қўл остидаги ҳиндлар ўз вақтида дунёнинг энг бадавлат халқи саналган. Галкондада топилган олмос конлари мамлакат хазинаси бойликка тўлдириб ташлаганди. Айрим муваффақиятсизликларга қарама, Аврангзебнинг ўрдуси (армияси) дунёдаги энг кучли қўшинлардан ҳисобланган. Унинг вафотидан эллик йил ўтиб, бобурийларга қарши ҳарбий фитна уюштирилган Британия қўшинлари бунга ўз тажрибаларида шоҳид бўлишди”.

Банорас губернатори Абул Ҳасаннинг шундай сўзлари бор: “Ҳукмдор Аврангзеб ҳиндларга яхши муносабатда бўларди. У: “бизларнинг бутун саъйи-ҳаракатларимиз аҳолининг барча қатламлари–бойларга ҳам, камбағалларга ҳам бирдай муносабатда бўлишга халқнинг фаровонлигини оширишга қаратилиши лозим”, деб ҳисобларди. Шунинг учун у Ислом талимотига кўра, қадимий ибодатхоналарни буздирмаган, аммо янгисини қуришга ҳам йўл қўймас эди. Унинг кўрсатмасига биноан бирор кишининг брахманларнинг ибодатларини ўтказишга қаршилик қилишга йўл қўймасди”.

“Ровайъу Иқбол” китобида келтирилишича, “Султон Аврангзебга олиб борган ислоҳотлари эътибори билан уламолар "Муҳйиддин” (динни тирилтирувчи) номини берганлар. Ҳинд фалсафаси, низоларини чуқур ўрганиb ҳиндлар ва шариат ўртасида чиққан тортишув ҳамда жангларни чуқур мағзининг чаққан олим, доктор Мухам мад Иқбол ҳам Султон Аврангзебни ҳинд диёридаги турли хил динлар орасида Ислом динини сақлаш ва мусулмонлар ҳимояси йўлида фидокорона ишлар олиб борган шахс эканини таъкидлаб ўтган. Камина доктор Муҳаммад Иқбол билан 1937 йил 22 ноябрда Лоҳурда кўришганман. Биргаликда бир неча соат суҳбатлашганмиз. Бу ҳақда “Ҳинд олими билан бир неча соат” номли мақолам ҳам бор. Унда қуйидагиларни баён этганман: “Гап ҳинд диёридаги жадидчилик ислоҳотларига қараб бурилди. Шунда Доктор иккинчи минг йиллик мужаддиди Имом Сарҳиндий ва Имом Валиюллоҳ Деҳлавий ҳамда Султон Муҳйиддин Оламгир раҳматуллоҳи алайҳимга кўплаб мақтовлар айтди. Яна айтди: “Мен доим айтаман, агар бу каби одамлар ва уларнинг Аллоҳ муваффақ қилган саъй-ҳаракатлари бўлмаганида Ислом дини Ҳиндистон динлари ва маданияти олдида кўринмай кетарди".

Надавий яна шундай ёзади: “Доктор Султоннинг ҳинд диёри тарихидаги ўрни, Ислом ривожига қўшган ҳиссасини гапириб, бу ҳақда бир шеърни айтиб берди. Унинг таржимасини қуйида келтиришга ҳаракат қилдим: “Бу он Аврангзеб, улуғвоrlik ва фидокорлик рамзи. Iсlом у билан азизлик ва улуғлик чўққисига чиқди. Ислом куфр ўртасида мусулмонларнинг ҳимоячиси бўлди. uммат Акбар сепиб кетган зиндиқлик ва куфр уруғлари сабабидан оғир ва машаққатли меҳнатга дуч келганди. Султон уларнинг фасод ва ҳалокат сабабли қоронғу зулмат қаърида қолиб кетган қалбларини аста-секинлик ила Ислом нури билан суғорди, ўстирди.

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло мана шундай тақводор, парҳезкор, ғаюр, жасур ва фаросатли инсон Султон Аврангзебни пешонасига динни тирилтириш, имон ва

ишончни уйғотиш ҳамда янгилаш масъулиятини битган экан. У қиличини кофир ва зиндиқларга қарши ўлароқ қинидан чиқарди. Мусулмонлар орасида Ислом динининг учқунларини алангалатди. У ҳақда калтабин ёлғончилар заиф нафсларига эргашиб, бир қанча ёлғонлар ўйлаб топишган, уни золим деб, турли хил уйдирмалар чиқаришган. Аслида, улар Султоннинг идроки, фикрини англашдан анча йироқда эдилар. У Тавҳид нури атрофида айланаётган парвона мисол, ширк ва бутпарастлик авж олган диёрда Намруд оловига тушган Иброҳим алайҳиссалом сингари эди. Зуҳд-тақвода подшоҳ ва султонлар ичра ягона, бемисл шахс эди” (“Румузи Беҳвадий", форсча девон).

Персивал Спиар қаламига мансуб “Ҳиндистоннинг мухтасар тарихи асарида Аврангзеб шахсияти ва давлатчилик фаолияти нисбатан ижобий баҳоланган: “Аврангзеб давлат сарҳадларини хийла кенгайтирди. У қаттиққўл бўлганидан эмас, балки йўлбошчилик тажрибаси ва бошқарувнинг самарадорлиги туфайли муваффақият қозонди. Унинг маҳаллий аҳолига муносабати Акбарнинг муросасозлигидан фарқ қилса-да, унинг “муросасизлиги” ҳақидаги тасаввурлар Банорас ибодатхонаси ўрнида барпо этилган масжид воқеасига асосланган эди, холос”. “Маъосири Оламгирий” асарида эса, Аврангзебнинг ҳиндлар ибодатхоналарини буздириши фақат Банорас ибодатхонаси билангина чекланмагани қайд этилган. Аммо бу ҳукмдорнинг ҳиндлар ва уларнинг эътиқодига бўлган муносабатини англатмайди. Зеро, воқеанавис Муҳаммад Мустаидхон Соқий фикрича, фуқаролик масъулиятига бефарқ ёхуд норози ҳиндларга қўлланган жазолар муайян даражада чекланган, кези келганда, gуноҳкорлар афв этилган.

Аврангзеб тахтга ўтирган кундан бошлаб мамлакатни одилона бошқариш билан бирга Ислом динини, айниқса, унинг сунний мазҳаби ақидаларини қаттиқ ҳимоя қилди. Дин таъсирини бошқа ўлкаларга ҳам ёйишни ўзига асосий мақсад қилиб олди. Унинг ҳукмдорликдаги асосий мақсади – "дорул ҳарб” ўлкаси бўлмиш Ҳиндистонни дорул-Исломга айлантириш бўлган (Ислом таълимоти ва тамойиллари амал қиладиган, мусулмонлар ўз динлари арконларини эмин-эркин бажара оладиган ҳар қандай ҳудуд "Дорул-ислом” ҳисобланади. “Дорул-ҳарб” деганда мусулмон ўлкаси билан тинчлик битими тузмаган номусулмон юрт тушунилади. "Дунё уламолари иттиҳоди" раисининг ноиби шайх Абдуллоҳ ибн Байя бу ҳақда шундай дейди: “Дорул ислом – мусулмонлар ҳукмрон бўлган юртдир. Баъзи уламолар “Ислом қонун-қоидалари билан сифатланган юртдир” ҳам дейишади. Умуман олганда, аксар аҳолиси мусулмон бўлган юрт, иншааллоҳ, дорул исломдир"). Аврангзеб ўзининг салкам эллик йиллик ҳукмдорлиги даврида ана шу ниятига содиқ қолди ва бу эътиқодидан асло чекинмади.

Бобурий подшоҳлар чекланмаган ҳуқуқ ва катта имтиёзларга эга бўлиб, бу ҳуқуқ ва имтиёзга ҳеч ким даъво қилмаган. Ана шундай имтиёзлардан бири Жароҳаи-даршон» деб аталмиш маросим бўлиб, бу удум Аврангзеб даврига келиб тақиқлаб қўйилган эди. Бу одатга кўра подшоҳ ҳар куни эрталаб Агра ёки Дехли саройининг шарқий болохонаси айвонидан туриб халққа кўриниш берар ва фуқаро унинг ёрқин юзини кўриб олиш имкониятига эга бўларди. Бу маросим давомида фуқаро подшоҳга Аллоҳнинг ердаги вакили (сояси) сифатида сажда қилар, унинг сиймосида ўз ғамхўри ва халоскорини кўрарди. Бутун вужуди билан подшоҳ сиймосига берилиб, бу дунё ташвишларини унутиб қўярди[4].

Аврангзеб Оламгир “Фатавои Оламгирия” номи билан машҳур бўлган “Фатавои Ҳиндия” асарини тузиш учун лажна туздиради. Бу лажнага ҳинд диёрида ҳанафий мазҳаби бўйича кўзга кўринган таниқли олим, мударрис, етук фақиҳларни тўплайди. Унга раис ва мудир этиб Шайх Низомиддин Бурҳонпурий тайинланади. Аврангзеб Оламгир бу ишларга икки юз минг рупия сарфлайди.” Ҳинд диёрида

исломий маданият "асарининг муаллифи узоқ изланиш ва тадқиқотлардан сўнг бу лажнада иштирок этган олимларнинг сони ва номини топади. "Фатавойи Ҳиндия" асарини ёзишда иштирок этган олимлар 22 нафар бўлган.

**Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати**

1. Ўз МЭ, 1-жилд. – Тошкент, 2000. – Б. 101.
2. Эргашев Шухрат. Жаҳон тарихи. – Т., 2013. – Б. 370-371.
3. Аҳмад Муҳаммад Турсун. Дунёни тебратган 7 буюк. – Т., 2021 – Б.196-504.
4. Сатимов Ғ. Бобурийлар салтанатида давлат бошқаруви. – Т.: "Ўзбекистон", 2018. – Б.17-18

# IV – ШЎЪБА. ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАРИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШДА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВЛАР

## СОТРУДНИЧЕСТВО УЗБЕКИСТАНА И РЕСПУБЛИК ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ В НАУЧНОЙ СФЕРЕ И ПОДГОТОВКЕ НАУЧНО-ПЕДАГОГИЧЕСКИХ КАДРОВ: ИСТОРИЯ И СОВРЕМЕННОСТЬ

***Ю.А. Эргашева – д.и.н., проф., зав. кафедрой Истории Узбекистана КИЭИ***

В современный период глобализации продолжается развитие мировых интеграционных структур и взаимных международных связей. Важное значение приобретают научные и культурные связи между многими странами мира в процессах взаимного сотрудничества. Последнее десятилетие XX в. ознаменовалось крутым поворотом в истории центральноазиатских народов. Обретение и укрепление государственной независимости стало для них новым этапом осуществления политико-экономических и социальных преобразований. Естественно, эти преобразования привели к качественным изменениям в углублении и усилении интеграционных процессов и сотрудничества между государствами и народами.

Углубление центральноазиатской интеграции в нынешних условиях определяется не только объективными факторами, основанными на территориальной, историко-культурной и духовной общности наших народов, схожестью условий хозяйственной деятельности и экономического уклада, но также экономической целесообразностью и необходимостью тесного сотрудничества для решения схожих экономических, социальных и экологических проблем, существующих в каждом из этих республик. Развитие принципиально новых форм межгосударственного сотрудничества способствует образованию различных структур, призванных решать проблемы не только одного государства, но и региона в целом. Без развития интеграционного процесса невозможно обеспечить прогресс и достойную жизнь народам Центральной Азии. Интеграция - это универсальная закономерность, апробированная историческими эпохами и современностью, проявляющаяся как внутри страны, как в межгосударственной сфере, прежде всего между родственными народами. Интеграция охватывает не только экономику и производственную сферу, но и духовную, научную сферы. Повышение значения научного прогнозирования, широкое внедрение научной продукции, контроль в ходе реализации крупных технологических проектов, взаимный обмен опытом, информацией, координация научной деятельности для широкого распространения достижений и решения важнейших проблем региона – всё это и многое другое требует тесного сотрудничества ученых центральноазиатских государств.

В последние годы обновляющийся Узбекистан определил приоритетным направлением своей внешней политики развитие добрососедских отношений с государствами Центральной Азии. В связи с этим Президент Республики Узбекистан Шавкат Мирзиёев отмечает: «… особое внимание мы уделим дальнейшему укреплению многовековой дружбы, отношений добрососедства, стратегического партнерства и взаимного доверия с государствами Центральной Азии. Это является приоритетом нашей внешней политики» [1]. В истории культурных и научных связей с государствами Центральной Азии Узбекистан выполнял функцию центра мира, дружбы и культуры, где соприкаются различные цивилизации, и с первых же лет независимости, исходя из национальных интересов нашей страны, предпринято налаживание культурных связей с субъектами международного сообщества, в том

числе с государствами региона. Важное значение в дальнейшем развитии сотрудничества Узбекистана со странами мира в культурно-гуманитарной и научной сфере имеют принятые нормативные документы [2].

Не касаясь других сторон концепции сотрудничества стран Центральной Азии, остановимся на совместной научной деятельности, подготовке научно-педагогических кадров и ведущей роли Узбекистана в этих процессах.

Историческое развитие региона, особенно в период с XVI по первую половину XX вв. свидетельствует, что именно Узбекистан оставался не только экономическим и культурным, но и научным и образовательным центром всей Центральной Азии. Стоит отметить, что подобное сотрудничество имеет глубокие исторические истоки: Центральная Азия известна своими учеными с мировым именем, которые внесли ценный вклад в развитие мировой науки. Первые в Центральной Азии научные общества и образовательные учреждения нового времени были созданы именно в Ташкенте. Так, в Ташкенте в 1918 году был открыт первый в Центральной Азии университет – Туркестанский народный университет, с 1920 года переименованный в Туркестанский государственный университет, с 1923 года – в Среднеазиатский государственный университет, а с 1960 года – в Ташкентский государственный университет (ныне Национальный университет Узбекистана). Наименование Среднеазиатский государственный университет наиболее точно отражало его действительное положение и роль в культурной жизни центральноазиатских народов. Согласно «Положению о Среднеазиатском государственном университете», утвержденном 13 августа 1926 г. САГУ «обслуживал преимущественно» Узбекскую и Туркменскую республики, Казахскую и Таджикскую автономные республики, Каракалпакскую и Кыргызскую автономные области. Перед САГУ были поставлены следующие задачи: подготовка специалистов; «постановка научной и научно-прикладной работы по обслуживанию указанных республик и областей», помощь этим республикам и областям «при разрешении их экономических и культурных задач», научно-техническая помощь населению путем организации курсов, устройства экскурсий, выставок, чтения лекций, создания популярной литературы, подготовка научных кадров[3]. Создание государственного университета в Ташкенте сыграло важную роль не только в подготовке кадров и специалистов, но и положило начало развитию научных центров и высших учебных заведений во всех центральноазиатских республиках. В 1929-1931 начался процесс выделения отдельных факультетов САГУ и превращение их в самостоятельные специализированные высшие учебные заведения и научные институты, которые были размещены в Узбекистане, Туркмении и Таджикистане. В Ташкенте были созданы институты: политехнический, сельскохозяйственный, медицинский, инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства, финансово-экономический, педагогический, в Ашхабаде – зооветеринарный институт, в Душанбе – сельскохозяйственный и педагогические институты, а также ряд научно-исследовательских учреждений: Институт почвоведения и геоботаники, Среднеазиатский институт шелководства, Ботанический сад и др [4]. Причем многие из них, расположенные в Ташкенте – единственные по своему профилю, имели статус Среднеазиатского и были призваны готовить специалистов, в том числе и научных, для всех республик Центральной Азии. Кроме того, открытые в Ташкенте национальные институты просвещения (Инпросы) – узбекский, казахский, татарский, таджикский и др., сыграли важную роль в подготовке государственных служащих, научных и педагогических работников, специалистов народного хозяйства для всех республик региона. К примеру, в 1924 году в Ташкенте открылся Таджикинпрос, в котором обучалось более 60 таджикистанцев, а в 1930 году - 90.

Ряд выпускников Таджикинпроса впоследствии стали видными учеными, государственными и политическими деятелями, известными поэтами и писателями Таджикистана. В 1924 году для оказания помощи в деле просвещения из Ташкента в Душанбе была отправлена группа из 36 работников во главе с Аббасом Алиевым, впоследствии профессором истории. В Ташкенте в январе 1925 года было учреждено Общество для изучения Таджикистана и ираноязычных народностей за его пределами. В деятельности этого общества, явившегося первым научным учреждением Таджикистана, принимали участие видные ученые Ташкента и их исследования в области истории, экономики, географии, этнографии, филологии заложили основы науки республики [5]. В послевоенные годы были открыты университеты, институты и научные учреждения в Казахстане, Таджикистане, Туркмении и Кыргызстане. Тем не менее на Узбекистан приходилось более половины всех вузов региона и единственные по профилю научно-исследовательские институты и это сохранялось вплоть до начала 90-х годов.

Вторая половина XX века плодотворно повлияла на сотрудничество учёных региона. Это связано с рядом факторов. Во-первых, в послевоенные годы потребности социально-экономического развития региона предопределили и рост научного потенциала республик. К примеру, в 1980 г. по сравнению с 1940 г. численность научных работников увеличилась в Кыргызстане в 27,3 раза, Казахстане – в 22, Таджикистане – в 19, Туркмении – в 10, Узбекистане – в 11,7 раза. Следует отметить и тот факт, что более половины научного потенциала центральноазиатского региона было сосредоточено в Узбекистане. Наличие такого количества научных работников и тенденция к увеличению их численности в Узбекистане были обусловлены, с одной стороны, потребностями развития народного хозяйства и, в определенной степени, статусом республики как научного и культурного центра в центральноазиатском регионе, с другой – возраставщей численностью населения. В эти годы отмечается и рост высоко-квалифицированных научных кадров из среды коренных национальностей региона. Так, за 1950-1975 гг. численность научных работников среди узбеков выросла с 0,5 до 16,1 тыс. человек; казахов – с 0,3 до 11,5; таджиков – с 0,1 до 3,2; киргизов – с 0,04 до 2,7; туркмен –с 0,07 до 2,5 тыс, человек[6].

В республиках выросли талантливые ученые, пользующиеся мировой известностью, сложились собственные научные школы, которые вносят достойный вклад в развитие мировой науки. Одним из видных ученых, представителем ташкентской физико-математической школы являлся Султан Умарович Умаров, который после защиты диссертаций в АН Узбекистана в годы войны и послевоенные годы работал ректором САГУ, директором Физико-технического института АН Узбекистана, а в 1957 г. после смерти первого президента АН Таджикистана С.Айни был избран её президентом[7]. Отметим, что одной из важных форм научного сотрудничества стала совместная подготовка научных кадров. К примеру, только за 1965-1968 гг. в ТашГУ защитили восемь докторских и 37 кандидатских диссертаций представители Таджикистана, Туркмении, Кыргызстана, Казахстана; а в Институте экономики АН РУз за 1967-1977 гг. - свыше 28 кандидатских диссертаций[8]. Во-вторых, схожесть экономических, социальных и экономических проблем региона предопределила более тесное сотрудничество для их решения. Так, в послевоенные годы в разработке научных основ развития энергетики и создания единой энергетической системы республик Средней Азии и Южного Казахстана приняли участие сотрудники всех академий наук центральноазиатских республик. Руководил этой работой академик АН Узбекистана Х.Ф.Фазылов. В творческом содружестве академии решали проблемы комплексного использования земельно-водных

ресурсов, гидрогеологии и инженерной геологии Центральной Азии, использования угля для энергетических целей и химической переработки и т.д.

Сотрудничество Узбекистана со странами Центральной Азии с 1991 по 2021 год можно разделить на три периода: в первый период, охватывающий 1991-2000 гг. характеризуется подписанием ряда межправительственных соглашений и договоров, проведением встреч на высшем уровне, продвижением идеи «Туркестан – наш общий дом». Последующие 2001-2016 гг. были периодом относительного спада активных связей, где основными факторами стали межгосударственные проблемы водо- и электроснабжения, вопросы границы, отсутствие политической воли и неспособности передать часть своего суверенитета вновь созданному политическому органу, личных амбиций глав государств, попытки вмешательства внешних сил, старающихся взять регион под свое влияние. Последний третий этап определяется 2017-2021 гг. и может быть назван новым этапом роста активности. Сегодня Узбекистан проводит активную и прагматичную внешнюю политику, основанную на принципах добрососедства и дружбы со странами Центральной Азии. Особенно за последние три года произошли существенные изменения исторического значения в развитии сотрудничества в регионе.

Важным шагом по пути координации взаимодействия и сотрудничества ученых центральноазиатских республик для решения вопросов управления процессом преодоления Аральского кризиса явилось создание межгосударственного Совета по проблемам бассейна Аральского моря. Научный потенциал Узбекистана способствует поддержанию тесных контактов и взаимосотрудничеству с учеными и научными центрами систем Академий наук и вузов центральноазиатских республик. Так, например, согласно Договору о научно-техническом сотрудничестве между Институтом ядерной физики АН РУз и Институтом ядерной физики Национального ядерного центра Казахстана проводятся совместные исследования по ряду проектов, среди которых можно выделить проект по проведению экспериментальных и теоретических исследований по теоретической, экспериментальной и прикладной ядерной физике. На основе взаимных договоренностей развиваются и углубляются многогранные формы научного сотрудничества и между другими научно-исследовательскими институтами Академий наук региона. За годы независимости между вузами Ташкента и центральноазиатских республик стало широко практиковаться интегрирование и сотрудничество в деле подготовки научно-педагогических кадров и проведении научных исследований. Так, например, в Ташкентском государственном экономическом университете кафедра «Управление экономикой» с 1993 года стала сотрудничать с кафедрами Кыргызского государственного университета, кафедра «Статистики» с 1998 года с Казахско-Турецким университетом им.А.Яссави, кафедра «Экономики и социологии труда и менеджмента» с Казахским институтом менеджмента, экономики и прогнозирования при Президенте Республики Казахстан[9]. В апреле 2018 года было подписано соглашение о сотрудничестве между Самаркандским государственным университетом и Ходжандским политехническим институтом Таджикистана. Согласно договору с Туркменистаном в 1999 году 19 туркменских студентов обучались в 5 университетах Узбекистана[10], а в 2018 году в учебных заведениях Узбекистана обучались 720 студентов из Туркменистана[11]. В 2016 году было подписано соглашение о сотрудничестве между Национальным университетом Узбекистана и Южно-Казахстанским педагогическим университетом Казахстана[12]. В связи с объявлением 2018 года Годом Узбекистана в Казахстане, Евразийский национальный университет Казахстана предложил создать в городе Астане центр узбекской литературы и культуры имени Алишера Навои[12]. 10-21 мая 2019 года в

Ташкенте прошли Дни образования Казахстана, в которых приняли участие около 40 вузов Казахстана[13].

Тем не менее, учитывая, что многие проблемы региона экономического, социального и экологического плана возможно решить только совместными усилиями ученых и практиков, а также правительств государств региона, представляется необходимым создание в Ташкенте научного центра по проблемам устойчивого развития Центральной Азии. Этот центр мог бы объединить усилия экономистов, экологов, социологов и специалистов других областей науки по исследованию региональных процессов и разработке научных и практических рекомендаций по управлению экономическим и социальным развитием региона, преодоления экологического кризиса. В рамках этого центра возможно и возрождение ранее существовавших научных советов по тем или иным научным отраслям. Это, безусловно, способствовало бы общему научно обоснованному социально-экономическому развитию региона в целом. Решение научно-технических, технологических, организационно-правовых, информационных, экологических, экономических и других важных задач, нацеленных на стимулирование интеграционных процессов Центральной Азии во многом зависит от эффективности научного сотрудничеств и общих усилий ученых региона.

Таким образом, Узбекистан, в историческом и геополитическом отношении являясь центром науки и культуры региона, играл и играет важную роль как в подготовке научно-педагогических кадров, так и в установлении тесного сотрудничества в научной, научно-технической областях между учеными, научными центрами и высшими учебными заведениями центральноазиатских республик и вносит большой вклад в решении многих региональных проблем.

**Список использованных источников и ссылок**


1. Послание Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева Олий Мажлису 29 декабря 2020 г. // Народное слово, 30 декабря 1920 г.
2. За короткий период государственной независимости Узбекистан заключил более 600 многосторонних и двусторонних договоров и соглашений, присоединился к важнейшим международным конвенциям, договорам и соглашениям о культурном и гуманитарном сотрудничестве
3. ГА г. Ташкента, ф. 38, ф. 1, д. 28, л. 2
4. Ташкентский государственный университет. – Т.: «Узбекистан», 1970.
5. ААП РУз, ф. 58, ф. 1, д. 178, л. 3
6. См.: Народное хозяйство СССР за 70 лет. Статистический ежегодник. – М., 1987. – С. 64
7. ЦА АН РУз, ф. 19, оп. 50, д. 31, л. 43.
8. НА Уз, ф. 2653, оп. 1, д.162, л.3; д. 1941, л. 17, д. 1938, л. 18; ф. 1619, оп. 11, д. 4668, л. 1
9. Текущий архив Министерства высшего и среднего специального образования РУз., ф.2653, д.74, л.188-202
10. Зиямов Н. Роль Узбекистана в межгосударственном экономическом и культурном сотрудничестве стран Центральной Азии (1991 – 2001г.г.): Автореф. дисс...канд. ист. наук. –Ташкент, 2002. – С. 143 144.
11. Халқ сўзи, 2018 йил 24 апрель.
12. НАУз, ф.М-7, оп.1, д. 608, л. 5.
13. https://uza.uz/oz/politics/zbekistonda-ozo-iston-yili-ardoshlik-rishtalari-musta-kamlan-25-12-2019

## ЯЗЫКОВАЯ ПОЛИТИКА В УЗБЕКИСТАНЕ НА СОВРЕМЕННОМ ЭТАПЕ

***Р.Х.Муртазаева – д.и.н., проф. кафедры Новейшей истории Узбекистана исторического факультета Национального университета Узбекистана им. Мирзо Улугбека***

На протяжении тысячелетий Центральная Азия была центром встречи, сосуществования самых различных религии, культур и укладов. Этническая терпимость и открытость стали естественными нормами, необходимыми для выживания и развития. Общественно-философская мысль прошлого наших народов, воплощая в себе лучшие национальные и общечеловеческие духовно-интеллектуальные ценности, облекает их в отработанные и апробированные веками формы и средства, отвечающие особенностям менталитета наших народов, благодаря чему эти ценности оказываются наиболее доступными и воспринимаемыми для современного массового сознания.

Сегодня в общественном сознании прочно утвердилось понимание культурного, религиозного и языкового многообразия как естественного состояния и общечеловеческого достояния. Независимо от национальной принадлежности все граждане Узбекистана пользуются равными правами и активно участвуют в социальной, экономической. политической и культурной жизни общества. Естественно, такое качественное состояние достигнуто ценой немалых усилий. Надо отметить, что закрепление в Конституции положения о том, что «все граждане Республики Узбекистан имеют одинаковые права и свободы и равны перед законом без различия пола, расы, национальности, языка, религии, социального происхождения, убеждений, личного и общественного положения» [1], создало политико-правовую основу для таких достижений. Большое значение имело и то, что Узбекистан проявил твердую волю в приверженности обеспечения уважения к языку, традициям, обычаям и культуре различных наций и народностей, создания необходимых условии для их развития, запрещения деятельности. направленной на ущемление конституционных прав и свобод граждан, пропагандирующей социальную, национальную, расовую и религиозную вражду.

А признание равенства, отказ от доминирования и насилия, признание многомерности и многообразия человеческой культуры, норм, верований и отказ от сведения этого многообразия к единообразию рассматривается научным термином толерантность. Толерантность как политический и социальный фактор общественных отношении является важнейшей предпосылкой формирования институтов гражданского общества. Толерантность, являясь феноменом общественного сознания, взаимосвязана с такими его составляющими, как мир, дружба, согласие в обществе.

На новом этапе развития Узбекистана стабильность в межнациональных

отношениях, толерантные отношения между представителями 130 национальностей ставятся основой выполнения экономических, политических, духовно-культурных реформ в узбекистанском обществе.

Республика Узбекистан даёт убедительный пример мирной жизни и сосуществования различных религий, культур и традиций народов, её населяющих, межнационального согласия и духовного единения граждан в условиях многонациональности. Узбекистан как страна исторической толерантности и культурного плюрализма характеризуется такими ключевыми свойствами:

- все этнические и религиозные группы, населяющие Узбекистан, чётко осознают его как свою Родину;

- полное согласие, понимание и взаимное уважение представителей различных национальных и конфессиональных групп;

- вне зависимости от своей национальной принадлежности граждане Узбекистана убеждены, что толерантность и межэтническое согласие - один из факторов стабильности и гражданского мира в Узбекистане;

- продвижение Узбекистана к демократическому правовому государству и социально ориентированной рыночной экономике непосредственно связаны с дальнейшим развитием и гармонизацией межэтнических и межконфессиональных отношений, взаимовыгодным партнерством титульной нации как лидера и национальных общин и общностей, их социальной солидарностью;

- условия для правового равенства, экономической и общественной свободы всех граждан вне зависимости от их национальной принадлежности;

В современных условиях визиткой Узбекистана является межнациональная, межконфессиональная, межязыковая, межкультурная толерантность.

В Узбекистане накоплен положительный опыт толерантности, межэтнического мира и межконфессионального согласия.

В чем заключаются отличительные особенности узбекистанской модели толерантности?

Во-первых, в основу этой модели положены столь характерные для трёх тысячелетней истории узбекского народа, толерантность, гостеприимство, уважение к другим народам, культурам и религиям.

Во-вторых, в условиях независимости толерантность стала не только нормой политической культуры, но и важным принципом государственной политики. Однако, современные вызовы заставляют систематически держать в центре внимания вопросы толерантности.

В условиях межнациональной стабильности и толерантности в Узбекистане особое место занимает языковая политика. В годы независимости во исполнение Закона «О государственном языке» (21 октября 1989 г.) и в его развитие был осуществлен переход на латиницу с 1993 года. В 1993 г. был принят Закон «О внедрении узбекского алфавита на основе латиницы», который должен был вступить в силу в 2005 году, далее срок был продлен до 2010 года. В настоящее время население Узбекистана в возрасте до 31 года обучалось на узбекском алфавите на основе латиницы. Следует отметить, что в Узбекистане вместе с укреплением статуса государственного языка, являющегося приоритетным направлением государственной политики, поддерживаются языки других национальностей.

Так, обучение в средних школах ведется на 7 языках (узбекском, русском, каракалпакском, казахском, таджикском, киргизском, туркменском). Сегодня в Узбекистане действуют более 10 тыс. средних школ, из которых в 900 преподают на русском языке, 133 – на каракалпакском, 218 – на казахском, 38 – на киргизском, 165 – на таджикском и 23 – на туркменском [2].

Важным событием в выполнении Закона «О государственном языке» стало выступление Президента Ш.Мирзиёева на торжественном собрании, посвященном 30-летию придания узбекскому языку статуса государственного 21 октября 2019 года.

Подчеркивая значение узбекского языка в качестве «символа национального самосознания и государственной независимости, огромной духовной ценностью», глава государства справедливо отметил, что «вопрос государственного языка должен стать одним из основных принципов национальной идеи» [3]. Примечательно, что в этот же день президентом был подписан Указ «О мерах по кардинальному повышению роли и авторитета узбекского языка как государственного языка» [4],

который в качестве политико-правового документа определил ряд значимых мер по развитию государственного языка, тем самым анонсировал начало формирования в Узбекистане новой модели языковой политики.

Согласно данному указу 21 октября определен «Днем праздника узбекского языка». Это мера, по мнению главы государства, должна послужить «...не только росту национального самосознания, но и еще более активному применению государственного языка во всех сферах». Кроме того, в структуре Кабинета Министров Республики Узбекистан образован специальный «Департамент по развитию государственного языка», которому поручено заняться развитием государственного языка, осуществлением мониторинга за соблюдением законодательства о государственном языке, внедрением эффективных форм общественного контроля в данной сфере; ускорением деятельности по разработке норм и правил письменной речи узбекского языка, а также полному внедрению узбекского алфавита, основанного на латинской графике; мониторингом й координацией деятельности по введению в оборот научно обоснованных новых слов и терминов, созданию узбекских альтернатив современных терминов и обеспечению их единообразного применения, а также реализацией ряда других задач в данной сфере [5].

Указом были даны поручения правительству разработать проект Закона Республики Узбекистан «О государственном языке» в новой редакции, который должен быть подготовлен «с учетом требований сегодняшнего дня»[6]. Предусмотрено принятие правительством постановления о создании и регулировании деятельности Комиссии по терминам с целью официального введения в оборот научно обоснованных новых слов и терминов [7]. Кроме того, предусмотрена подготовка до 1 июня 2020 года проектов Концепции и Государственной программы по развитию узбекского языка и совершенствованию языковой политики на 2020 – 2030 годы. При этом в самом указе определены основные направления дальнейшего развития государственного языка, среди которых особо выделяются такие задачи, как: «достижение полноценного и правильного использования возможностей государственного языка во всех сферах социальной жизни страны» (в том числе в государственном управлении, юриспруденции, дипломатии, военном деле, медицине), «сохранение чистоты» узбекского языка, «повышение авторитета государственного языка в качестве языка науки», а также «постоянное и всестороннее изучение фактов, связанных с нарушениями правил государственного языка».

Следует подчеркнуть, что до настоящего времени в области науки чаще используется русский язык, тем самым нарушается Закон «О государственном языке». Однако, молодое поколение со знанием государственного и английского языков, активно внедряются в научную деятельность. На наш взгляд, активное изучение английского языка должно было происходить параллельно с русским языком.

Развернувшаяся в средствах массовой информации и интернета дискуссия касается более проблем нормативно-правового обеспечения государственной языковой политики, о чем четко и ясно разъясняется в статье юриста А.Эгамбердиева «К вопросу о современном языковой политике в Узбекистане» [8].

Таки образом, в Узбекистане – стране межнационального согласия и толерантности, в языковой политике равные права и возможности предоставлены представителям более 130 национальностей, проживающих в республике. Вместе с тем, создаются условия для изучения государственного и других языков всеми

народами Узбекистана и корректируется нормативно-правовая база в соответствии с проблемами и требованиями сегодняшнего дня.

**Использованная литература**


1. Азимов И. К дискуссии о языковой политике Узбекистана. http://www.uzdaily.com/ru/post/56915
2. Выступление Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева на торжественном собрании, посещенном 30-летию придания узбекскому языку статуса государственного языка. г. Ташкент. 21.10.2019 г. https://tergov.uz/ru/news/vystuplenie-prezidenta-respubliki-uzbekistan-shavkata-mirzieeva-na-torzhestvennom-sobranii-posvjaschennom-30-letiju-pridanija-uzbekskomu-jazyku-statusa-gosudarstvennogo-jazyka (дата обращения 18 05.2020 г.)
3. Указ Президента Республики Узбекистан от 21.10.2019 г. № УП - 5850 «О мерах по кардинальному повышению роли и торита узбекского языка как государственного языка». https://lex.uz/ru/docs/4561747
4. Указ, а также Выступление Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева на торжественном собрании, посещенном 30-летию придания узбекскому языку статуса государственного языка.
5. Там же. 2.3 Указа
6. Там же. 4 Указа
7. Там же.
8. Эгамбердиев А.«К вопросу о современном языковой политике в Узбекистане». / https://www.kas.de/documents


## КУЛЬТУРА УЗБЕКИСТАНА И ПОЛИТИКА СОВЕТСКОЙ ВЛАСТИ В 1920-1930 ГГ.


***Замира ИШАНХОДЖАЕВА***
***Профессор, д. и. н. кафедры история Узбекистана***
***Национального Университета Узбекистана***


Введение. За годы суверенного национального развития историками республики проведена уже огромная работа по возвращению исторической памяти народу, оздоровлению исторической науки. Но, несмотря на очевидные достижения, остался еще обширный пласт проблем, требующий современного изучения и переоценки. Сохранилось немало страниц отечественной летописи, вырванных жесткой рукой советского тоталитаризма. Среди них приоритетное место занимают сюжеты, связанные с репрессивной политикой тоталитарно-имперского режима, его негативного воздействия на все стороны жизни национального общества, особенно его духовную сферу.

Период 30-х–начало 50-х гг. отличался предельной политизацией духовной жизни общества, массовым террором, обрушившимся на деятелей литературы, науки и искусства, упрочением механизма командно-приказной системы управления культурой, абсолютизацией классового подхода, физическим истреблением обширных групп населения.

Анализ литературы по теме (Literature review). Весь объем исследовательской литературы, созданной на протяжении сравнительно длительного исторического этапа, при господстве различных идеологических систем, с помощью различных методологических подходов и различающейся по характеру источниковой базы

требует детального изучения и анализа. В процессе изучения и анализа научной литературы автор счел необходимым подразделить ее на четыре основных периода и одну группу: 1) Работы, написанные в 20-50_е годы XX века. 2) Исследования со второй половины 50-х годов до середины 80–х. годов XX века; 3) Работы, написанные со второй половины 80-х и до 90-х годов XX века; 4) Работы, написанные после обретения Узбекистаном независимости; 5) Зарубежная историография.

В условиях изменившихся исторических и политических реалий стали появляться написанные в качественно новом методологическом ключе исторические труды. Касаясь темы настоящего исследования, в первую очередь, следует назвать работы Ахмада Закий Валидий Тугана, С. Абдухаликова, Д.А.Алимовой, Д.Рашидовой, Б. Алиева, В.А. Германова, Г.Гулямова, А.А. Голованова, Мунаввар кори Абдурашидхонова, В.

Мирзаева, Н. Мухитдинова, М. Нишанова, Т. Рахманова, И. Турсунова, Н. Хакимова, Б.В.Хасанова, С. Шермухамедова, Шукрулло, А. Чориева, Ю.А. Эргашевой и др. [1]

Методология исследования (Research Methodology). Сразу же после установления советской власти в Узбекистане большевики планировали шаг за шагом проводить преобразования во всех сферах жизни. Было объявлено о проведении мероприятий по индустриализации страны, коллективизации сельского хозяйства, культурной революции, и наконец, по самому сложному для многонациональной страны, национальному вопросу [1]. В провозглашенных большевиками лозунгах было много привлекательного для простого народа решений. Но на деле это оказалось не совсем так. Не затрагивая вопросов индустриализации, коллективизации и национального, в данной статье мы хотели бы рассмотреть политику большевиков в культурной сфере в Узбекистане. Политика, проводимая советской властью в сфере культуры, была весьма противоречивой и неоднозначной. С одной стороны она провозгласила проведение реформ и политики «культурной революции», с другой - она была нацелена на утверждение коммунистической идеологии, а также на отрыв от исторических корней, национальных обычаев и традиций узбекского народа [2]. Под культурной революцией подразумевали коренной переворот в духовной жизни общества, произошедший после Октября 1917 г. При этом обращалось внимание почти исключительно на положительные последствия перемен в идеологической жизни, образовании, науке, художественном творчестве [3]. Актуальность обращения к данной теме определяется тем, что несмотря на огромный интерес историков к проблеме культурной политики в советский период истории и её разработанность, влияние на культурную жизнь, в целом культуру и людей, внесших большой вклад в её развитие, остается практически не освещенной. Судьбы представителей национальной интеллигенции, отчасти подвергаются изучению, но не в контексте общих культурных процессов, протекавших на тяжелом фоне репрессивного режима советской власти [4]. В последние годы историки Узбекистана много сделали для критического пересмотра этих вопросов, а именно проанализированы как достижения, так и проблемы, и, связанные с ними большие потери в культурной жизни Узбекистана в годы советской власти. Также исследованиями этого периода занимались зарубежные ученые, которые изучали общие и некоторые отдельные вопросы, касающиеся рассматриваемого периода [5]. Несмотря на проведенные исследования, целый ряд вопросов, связанных с исследованием вопросов власти и культурной жизни в 1920-1940-е годы, остаётся еще малоизученным. Настоящая

статья раскрывает некоторые особенности политики советской власти в сфере культуры в Узбекистане в указанный период.

Анализ и результаты (Analysis and results). Как указывалось выше, большевистские преобразования в области культуры были задуманы ими как революционные, они качественно отличались от культурной практики как царской России, так и других государств. Под «культурной революцией» следует понимать исторически конкретный тип политики, который предопределил условия и содержание духовного развития общества в Узбекистане после 1917 г. [6]. В данном случае, основной задачей «культурной революции» было утверждение идеологии большевиков, как единственной верной и необходимой, при этом не учитывался менталитет узбекского народа, его самобытная культура, формировавшаяся на протяжении тысячелетий. Предполагаемая широкая демократизация культурной жизни представлялась и как просвещение народа, и как его вовлечение в создание культурных ценностей. Этот путь отмечен не только несомненными достижениями, но и значительными потерями [7]. Следует добавить – и разгулом репрессий среди наиболее талантливых представителей этой сферы.

К моменту установления советской власти большевики еще не имели четкой программы проведения культурной политики в национальных республиках. Но по мере её самоутверждения, ориентиры постепенно вырисовывались, выливаясь, по существу, в ущемление интересов наций и народностей. Остановимся на некоторых фактах, подтверждающих недоброжелательного отношения власти к национальным культурам. Одним из ярких примеров негативного отношения властей к культурной сфере, в том числе к деятельности культурно – просветительских учреждений, может служить предпринятая в декабре 1937 г. акция по ликвидации в Узбекистане обширного числа клубов национальных меньшинств и клубов других национальностей, проживавших в то время в Узбекистане. Показательна при этом мотивировка данного решения, отражавшая атмосферу насилия и логику репрессивного мышления тех лет. В частности, в постановлении СНК ЦК КП(б) Узбекской ССР по указанному вопросу недвусмысленно подчеркивалось, что одной из главных причин закрытия опальных клубов явилось «… превращение их в сборища антисоветских, контрреволюционных и шпионских элементов, которые использовали клубы в своих вредительских целях» [8]. В составе таковых назывались польский, еврейский, местно-еврейский и уйгурский клубы в гор. Ташкенте, клуб им. Озет в Коканде, местно-еврейский и армянский клубы в Самарканде. В соответствии с таким подходом к 1 января 1938 г. оказались ликвидированы в Ташкенте: польский, татаро-башкирский, азербайджанский, местно-еврейский, уйгурский, венгерский клубы, в Самарканде: местно-еврейский и армянский клубы; в Коканде: армянский и местно-еврейский; в Бухаре – местно-еврейский; в Андижане – уйгурский; в Кермине – татаро-башкирский клубы; в Намангане – клуб национальных меньшинств [9]. Аналогичная практика поиска «врагов народа», стремление властей списать на них все недостатки в организации практической работы, а также в материально-техническом обеспечении культурно-просветительских учреждений наблюда-лась и по другим структурным подразделениям этих «очагов культуры».

К примеру, еще в 1932 г. коллектив городской библиотеки им. Махмудходжи Бехбуди [10] в г. Самарканде обратился в Совнарком УзССР с просьбой оказать посильную помощь в укреплении ее материального положения, ожидая помощи от властных структур [11].

Просьбу схожего характера высказывали и работники других библиотек республики. Однако, несмотря на письма-обращения такого рода, из года в год,

библиотеки продолжали содержаться на голодном финансовом пайке. В частности, в 1935 г. ассигнование на текущее содержание библиотечной сети Узбекистана выражалось в сумме 2 211,5 тыс. руб. В 1936 г. оно возросло до 2,5 млн. руб., в то время как реальная потребность выражалась в сумме 3 млн. 658,4 тыс. руб. Причем в 1936 г., согласно постановлению Совнаркома УзССР, Наркомпрос, городские советы, окружные и районные исполкомы должны были обеспечить организацию во всех районных центрах республики районными (центральными) библиотеками и увеличить сеть рядовых библиотек с таким расчетом, «чтобы к концу 1936 г. иметь в республике не менее 855 политпросветских библиотек» [12]. Но средства, выделяемые для решения этой задачи, были мизерные и никак не могли покрыть требуемые для решения вопроса расходы.

Весьма очевидно, что подобная практика не могла обеспечить должного повышения качества библиотечного дела, сдерживала возможности библиотек в налаживании эффективной культурно-просветительской работы. Но чиновнично-бюрократический аппарат, особенно после 1934 г., когда по всей стране, в том числе и в Узбекистане, прокатилась волна политических репрессий, оправдывал сложившуюся ситуацию «вредительской» деятельностью «врагов народа». Так, в докладной записке начальника Библиотечного управления Наркомпроса, направленной в июне 1937 г. замнаркому просвещения Узбекской ССР Кичанову, указывалось: «Сеть библиотек системы Наркомпроса… засорена вредителями, врагами народа, троцкистами… Враги народа подобрались к руководству многих библиотек вредили на этом участке культурного фронта. Самаркандская государственная библиотека до последних дней не оставалась очищенной от контрреволюционного хлама. Это тоже дело рук врагов» [13] - сообщалось в докладной записке.

Подобные письма писались неоднократно, излагая, по сути, мелкие конфликты и наводя клевету на невиновных людей, которая тут же подхватывалась соответствующими органами, по непроверенной информации принимались меры, со всеми вытекающими отсюда последствиями.

Что касается музейного дела – то здесь мы также можем видеть картину поисков «врагов народа». Так в опубликованной 28 сентября 1937 г. в газете «Кизил Узбекистон» (Красный Узбекистан) статье «Еще один факт, показывающий политическую слепоту» [14] в этой связи говорилось: «Узбекистанский Наркомпрос в своем ведении имеет около десятка музеев, но руководства над ними никогда не было… Долгое время музеи Узбекистана не имели постоянного своего хозяина, переходили из рук в руки. Наркомпрос тоже не обеспечил хорошего руководства музеями. Этим воспользовались враги народа и аферисты, которые в течение более двух лет безнаказанно творили свои дела в Узбекистанском музее народного хозяйства» - заключалось в статье.

Более подробная картина «вредительства» в музее народного хозяйства содержится в докладной [15] Е.М. Никифоровой, назначенной временно исполняющей обязанности директора музея, 14 января 1937 г. Показательно при этом, что данная докладная была направлена 3 октября 1937 г. не только в Наркомпрос, но и в органы НКВД.

Обращает на себя внимание и тот факт, что развязанная властями кампания классового террора негативно воздействовала на умы немалого числа людей, которые, руководствуясь логикой конфронтационного мышления, из карьеристских или иных корыстных интересов стали посылать политические доносы в карательные и другие властные органы на сотрудничавших рядом с ними членов

производственных коллективов, а также неугодных им лиц. Такого рода деятельность тем самым постепенно приводила к деморализации общества в целом.

Собственно, в 1920-1930-е годы проводилась откровенная политизации музейного дела, выражавшая официальные взгляды руководства, это нашло практическое выражение во всей последующей деятельности музеев как страны в целом, так и Узбекистана в частности. Построенная на примате руководящей роли партии, восхваления советского культового режима, она по-прежнему нацеливала на поиск «вредителей», на раздувание истории «классовых боев» с «внутренними врагами».

В конечном итоге продолжились гонения на представителей культурной сферы. 28 апреля 1935 г. был приговорен к 6-ти годам лишения свободы известный узбекский кинорежиссер Сулейман Ходжаев. В вину ему было поставлено то, что он «в ноябре 1937 г. у себя на квартире в группе из 3-х человек вспоминая свою недавнюю поездку во Францию, говорил о наличии большей и реальной демократии, а также и свободы печати во Франции, чем в Советском Союзе. Подтверждал это тем, что во Франции различные политические партии имеют свои печатные органы, свободно критикующие действия отдельных представителей, попробуй это сделать в нашем Союзе и что с Вами будет завтра» - сокрушался С. Ходжаев.

Впоследствии Сулеймана Ходжаева обвинили в том, что в кругу своих знакомых он критиковал мероприятия руководства Союза, направленные на выполнение хлопкоуборочной кампании 1934 г., доказывая, что «за неурожай судят колхозников, применяют жесткие меры к невыполняющим хлопковые поставки», несмотря на то они не виноваты в этом [16].

Непроверенные доносы, а также идеологическое оформление деятельности неугодных советской власти людей в средствах массовой информации, давала повод для преследования невинных людей, специалистов своего дела. В русле этих мер можно привести пример и случаи с библиотеками, издательствами и др. Фактически полному разгрому со стороны властей подвергся коллектив Фундаментальной библиотеки Среднеазиатского государственного университета - САГУ (ныне Национальный университет Узбекистана им. Мирзо Улугбека). В 1936 г. ее директор профессор-историк П.П. Смирнов чудом избежал ареста. До этого его, сосланного из Киевского университета в Ташкент, лишили права читать лекции в САГУ и использовали в качестве технического работника. Вовремя предупрежденный о предстоящем аресте, он поспешно покинул Ташкент и уехал в Москву, где впоследствии являлся профессором Московского историко-архивного института [17].

Ареста не избежала ближайшая помощница П.П. Смирнова по фундаментальной библиотеке САГУ - этнограф Н.В. Брюллова-Шаскольская. Обвиненная в «контрреволюционной деятельности», она была расстреляна 9 октября 1937 г. Реабилитирована Н.В. Брюллова-Шаскольская была 6 августа 1957 г. [18]. Как мы понимаем - посмертно.

В том же 1937 г. был арестован редактор Андижанской газеты Алимбай-Ходжа Бабаходжаев, обвиненный в том, что «…распространял антисоветскую клевету, говорил, что советская власть не принадлежит рабочему классу, а потому колхозы не обеспечиваются хлебом и промтоварами, колхозники голодные и голые от голода умирают». Был осужден на 8 лет. Но через год скончался при невыясненных обстоятельствах.

5 августа 1937 г. в Москве был арестован старший библиограф и переводчик по тюркским языкам Всесоюзной книжной палаты Комитета наук при ЦИК СССР Кудратулла Юнусов. Он был обвинен в том, что в 1915 г. вступил в «буржуазно-

националистическое культурно-просветительное общество «Туран», которое возглавляли, по версии работников НКВД, «известные националисты» Низаметдин Ходжаев, Абдулла Авлони, Салахутдин Муфти, Шакирджан Рахими, Мир Азимов и др.». В 1920 г. его, якобы, «завербовал» в «националистическую организацию «Миллий-Иттиход» Башрулла Хан Ассадула Ходжаев». По этому делу проходили также С. Турсунходжаев, Абдукахар Кушбегиев, Али Расулов, Салимхан Тилляханов, Ташпулат Нарбутабеков, Юсуп Алиев, Тангрикул Ходжиев, Мунаввар Кары, Темир Кулходжиев, Гулам Икрамов, Абдувахид Бурханов, Рыскулов и многие другие видные представители национальной интеллигенции. Кудратулла Юнусов был расстрелян как «враг народа» 5 октября 1938 г., реабилитирован 26 апреля 1989 г. тоже посмертно.

В целом же, в результате развернувшихся во второй половине 30-х годов массовых арестов, к весне 1938 г. оказалось репрессировано более 60 % всего состава руководящих и хозяйственных работников, представителей национальной интеллигенции [19].

Выводы и предложения (Conclusion/Recommendations). По истечении времени видно, что предпринимаемые меры, как и прежде, в принципе осуществлялись в рамках устоявшихся марксистских установок. Культурно-идеологическая работа носила политизированный характер, но ее заслугой явилось то, что всем своим содержанием идейно-политическая деятельность властных органов была нацелена на превращение страны в единый боевой лагерь для отпора врагу.

Таким образом, из приведенных материалов, мы видим, что в условиях советской власти, для пропаганды коммунистической идеологии востребованность культурно-просветительских учреждений, их важной роли в жизни общества в различные периоды истории, была высока. Но несмотря на это, проводимая большевиками политика преследований представителей этой сферы привела к большим и невосполнимым потерям, что конечно же сказалось негативно на сохранении, изучении и пропаганде культурных ценностей узбекского народа.

Сегодня историками проводится большая работа по исследованию жертв репрессивной политики советской власти в области культуры. Изданы и готовятся к изданию труды на эту тематику, проводится реабилитация незаконно осужденных представителей культурной сферы. Но для более широкого изучения культурного наследия исследуемого периода, необходима на наш взгляд, пропаганда проделанной работы, с учетом цифровизации материалов и электронных СМИ. К этой теме автор статьи планирует вернуться в своих последующих работах.

## Список использованной литературы


1. Узбекская советская социалистическая республика. Абраров З.С., Аванесов Р.Х., Гаибов Н. и др. Ташкент; Узбекистан- 1977 г; С. 11.
2. Культурная жизнь в Туркестане в период 1920-1930-е гг.- http://testhistory.ru/history. Дата обращения 12.01.2019.
3. Вдовин А. И. Культурная политика советской власти. - https://www.portal-slovo.ru/history. Дата обращения 12.01.2019.
4. Ишанходжаева З.Р. Репрессивная политика советской власти и её воздействие на культурную жизнь Узбекистана (1925-1950 гг.). 07.00.01. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора исторических наук. Ташкент 2012. https://docplayer.ru/47044603-.html. Дата обращения 30.11.2019.
5. Conquest R. «The Harvest of Sorrow. Soviet collectiozation and the Terror. – fa mine. – New York, 1986; - 416 p.

Bennigsen A. Co – authorship with Chantal Lamercier Quelquejay. Islam in the Soviet Union. – New York: Praeger, 1967 – 272 p. и др. См. Ишанходжаева З.Р. Репрессивная политика советской власти и её воздействие на культурную жизнь Узбекистана (1925-1950 гг.). 07.00.01. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора исторических наук. Ташкент 2012. https://docplayer.ru/47044603-.html. Дата обращения 30.11.2019.

6. Культурная жизнь в Туркестане в период 1920-1930-е гг.- http://testhistory.ru/history. Дата обращения 12.01.2019.

7. Вдовин А. И. Культурная политика советской власти. - https://www.portal-slovo.ru/history. Дата обращения 12.01.2019.

8. НА Уз, ф. Р–837, оп. 32, д. 759 Проекты Постановлений СНК УзССР, л. 132.

9. Там же.

10. Бехбуди Махмудходжа — просветитель, которого справедливого называют основоположником узбекской драматургии. Лидер джадидов – сторонников светского и новометодного обучения. https://arboblar.uz/ru. Дата обращения 13.01.2019.

11. НА Уз, ф. Р–837, оп. 10 д. 882 Постановления НКФ УзССР, л. 32–32 об.

12. Ишанходжаева З.Р. Репрессивная политика советской власти и культура Узбекистана: трагедия выживания (1925-1953). «Tafakkur». Ташкент – 2011. С. 109.

13. НА Уз, ф. Р–94, оп. 5, д. 1472 Материалы Наркомпроса, л. 24.

14. Еще один факт, показывающий политическую слепоту // Кизил Узбекистон. 1937, 28 сентября

15. НА Уз, ф. Р–94, оп. 5, д. 2251 Материалы Наркомпроса, л. 5–7.

16. Ишанходжаева З.Р. Репрессивная политика советской власти и культура Узбекистана: трагедия выживания (1925-1953). «Tafakkur». Ташкент – 2011. С. 115.

17. Ишанходжаева З.Р. Красный террор и расстрелянные библиотеки Ташкента // Вестник НУУз. – Ташкент, 2000. – № 4. – С. 28.

18. Там же.

19. Ишанходжаева З.Р. Репрессивная политика советской власти и культура Узбекистана: трагедия выживания (1925-1953). «Tafakkur». Ташкент – 2011. С. 116.

## ИСТОРИЯ РАЗВИТИЯ ОСНОВНЫХ НАПРАВЛЕНИЙ СИСТЕМЫ ЗДРАВООХРАНЕНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ

***Г.Э.Муминова – д.и.н., профессор.***
***Каршинский государственный университет***

Глобальные изменения в сфере охраны окружающей среды требуют усиления мер по защите здоровья населения. В этом направлении работают несколько международных организаций и государств на основе многолетних программ. В частности, принимаются последовательные меры по улучшению экологической обстановки, сохранению окружающей среды, обеспечению продовольственной безопасности, борьбе с различными инфекционными и социальными заболеваниями, профилактике СПИДа и онкологических заболеваний. Всемирная организация здравоохранения (ВОЗ) сыграла в этом важную роль. В последние годы Узбекистан тесно сотрудничает с ВОЗ и добился положительных результатов в области охраны здоровья материнства и детства и борьбы с туберкулезом.

В высших учебных заведениях развитых стран мира проводятся исследования по изучении истории медицины. В частности, уделяется внимание на проблемы охраны материнства и детства, диагностику заболеваний, репродуктивное здоровье,

диагностические технологии, специализированные медицинские услуги, социальную политику государства в сфере здравоохранения, народную медицину и ее роль в современной системе здравоохранения, медицинское образование и ее развитие, различные модели реформирования медицинской системы и задачи связанные с их эволюцией. В то же время, важную роль играет использование новых технологий в лечении различных заболеваний, борьбе с заболеваниями сердечно-сосудистой системы и сахарного диабета, скорой медицинской помощи, развитии современной фармацевтики.

Несмотря на то, что реформа здравоохранения в Узбекистане претерпела ряд изменений вследствие реформ и привела к снижению заболеваемости и увеличению средней продолжительности жизни, ее показатели все еще сильно отстают от развитых стран. В Узбекистане, например, в 2005 году число абсолютно здоровых детей составляло 52,7 процента, в то время как в развитых странах этот показатель составлял 70–72 процента [1]. В настоящее время в отрасли существует множество проблем, требующих своего решения. Условия в лечебных учреждениях в сельской местности, нехватка квалифицированного медицинского персонала, нехватка диагностического оборудования, неразвитость частного сектора в сфере медицинских услуг препятствуют дальнейшему улучшению общественного здравоохранения. Как подчеркивал Президент Республики Узбекистан: «Улучшение здоровья нашего народа, привитие здорового образа жизни является для нас жизненно важной задачей» [2]. Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы [3] также направлена на повышение качества медицинских услуг, финансовую поддержку сектора и укрепление здоровья матерей и детей. Эти процессы, в свою очередь, поставили на повестку дня задачи по налаживанию медицинского обслуживания в соответствии с требованиями времени и изучению истории медицины в соответствии с новыми методологическими подходами.

Законы Республики Узбекистан № 265-I от 29 августа 1996 года «О защите здоровья граждан», № 415-I от 25 апреля 1997 года «О лекарственных препаратах и фармацевтической деятельности» [4], № 353 от 23 сентября 2013 года «О противодействии распространению заболевания вируса иммунодефицита человека (ВИЧ инфекции)» [5], Указы Президента Республики Узбекистан УП-2107 от 10 ноября 1998 года «О государственной программе реформирования системы здравоохранения Республики Узбекистан» [6], УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Узбекистана на 2017-2021 годы», УП-4985 от 16 марта 2017 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию экстренной медицинской помощи» [7], УП-2773 от 14 февраля 2017 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию продажи лекарственных препаратов и медицинских принадлежностей и лицензировании медицинской деятельности» [8], УП-2863 от 1 апреля 2017 года «О мерах по дальнейшему развитию частного сектора в сфере здравоохранения» [9], УП-3494 от 25 января 2018 года «О мерах по ускоренному совершенствованию системы экстренной медицинской помощи» [10] будут играть важную роль в проведении данного исследования.

Проблемы в системе здравоохранения Узбекистана и потребность системы в реформах изложены проблемы, возникшие в системе здравоохранения накануне независимости, в частности, экологическая напряженность, монокультура хлопка, распространения инфекционных заболеваний в результате использования различных химических средств. В настоящее время в большинстве учебников по истории указано, что в этот период увеличилось число различных болезней по

вышеприведенным обстоятельствам. Здесь необходимо отметить, что на основе архивных материалов и сведений периодических изданий бывшего советского периода доказано превращение инфекционных больниц в очаги заразных болезней из-за низкого уровня их материально-технической базы. Особенно, по сведениям 1989 года о хранении опасных для жизни химических средств лишь 40 процентов складов для их хранения были построены по типовым стандартам и нормам, а в других не было условий для хранения лекарственных веществ [11].

Разработка стратегии реформ системы здравоохранения и её основные направления, в котором речь идет о работах, проведенных в данной сфере в годы независимости. В частности, в нем освещаются такие моменты, как разработка стратегии реформ в сфере, принятие отдельной концепции, закона "О здравоохранении граждан", объявление Постановлений Президента и поэтапное осуществление реформ. Вместе с тем, здесь изложено, что проведено очень много работ по совершенствованию правовых основ сферы к 2017 году. Так, в указанный период принято более 30 нормативно-правовых актов. Кроме того, в данном разделе освещен процесс обновления правовых основ сферы на сонове требований времени, новые нормативно-правовые акты сравнены с предыдущими, раскрыты разницы и несоответствии между ними. В частности, если в Постановлении Президента Республики Узбекистан "О мерах по упорядочению выдачи лицензии фармацевтической и медицинской деятельности" от 7 апреля 2010 года в качестве органа выдачи лицензии было указано Министерство здравоохранения, то на основании Постановления Президента "О мерах по дальнейшему совершенствованию порядка лицензирования продажи лекарственных средств и медицинских принадлежностей, фармацевтической деятельности" от 14 февраля 2017 года определено, что выдачей лицензий на розничную торговлю с 1 апреля 2017 года будет заниматься Кенгаш Министров Республики Каракалпакстан, хокимияты областей и города Ташкента. Кроме того, виды медицинских услуг в настоящее время составляет 170. 1 апреля 2017 года Постановлением Президента Республики Узбекистан "О мерах по дальнейшему развитию частного сектора в сфере здравоохранения" количество медицинские специальности, которыми могут заниматься частные медицинские учреждения были увеличены с 50 до 126 [12].

Первоначальные меры, осуществленные по укреплению материально-технической базы системы здравоохранения включает в себя сведения о мерах по укреплению материально-технической базы медицинских учреждений и их результатах. На основе архивных материалов раскрывается сущность и содержание проведенных работ по обеспечению медицинских учреждений медицинскими техническими средствами несмотря на тяжелое экономическое состояние государства, в частности, поиски зарубежных партнеров, бартер медицинских инструментов на сельскохозяйственную продукцию.

В годы независимости объем субсидий, выделяемых из государственного бюджета в систему здравоохранения увеличивался из года в год. К 2011 году доля расходов гос.бюджета на сферу здравоохранения составил 15,7 процентов, по отношению к валовому продукту он составил 4,1 процента [13], а в течение 9 месяцев 2015 года 24 процента средств, направленных на гуманитарную сферу, выделено на развитие системы здравоохранения. Это превысило показатель 2014 года на 17,1 процентов [14]. В 2018 году в систему здравоохранения выделено на 1,4 раз больше средств чем в 2017 году (в 2017 году 7,1 млрд. сумов, в 2018 году 9.6 млрд. сумов).

Развитие основных направлений системы здравоохранения Узбекистана в процессах модернизации, в ней особое внимание уделено развитию основных

направлений сферы. Первый раздел этой главы “Меры по подготовке медицинских кадров” посвящен изучению на основе архивных материалов увеличения количества и уровня квалификации медицинских работников в результате подготовки кадров. В частности, выявлено, что несмотря на большое количество врачей по штатам, эффективность их деятельности абсолютно не соответствует этим цифрам. Так, недостатки в системе повышения квалификации медицинских работников привело к снижению качества медицинских услуг, в целом. Только 13,8 процентов преподавателей медицинских вузов прошли курсы повышения квалификации в течение 1987-1992 гг.

Развитие медицинской науки, в нем на основе архивных источников и материалов периодических изданий проанализирован процесс осуществления реформ в медицинской сфере. В 1991-1999 годах узбекские ученые впервые в мире разработали метод трансплантации печени у больных с болезью печени. Однако внедрение этого метода в практику произошло позже – в 2018 году. Также трансплантация почек была осущетсвлена нашими учеными в истории отчественной медицины, позже данная практика была осуществлена и у больного диабетом пациента [15]. Кроме того, медицина Узбекистана достигла значительных успехов в методе переливания крови, пластической хирургии, травматологии и других направлениях.

Учеными республики было освоено и передовая в мире – трансплантация корневой клетки. До этого времени больные ездили в зарубежные страны и тратили на эту процедуру от 40 до 150-200 тысяч долларов США. Также определенные достижения были получены отечественными учеными в лечение лейкоза, онкологических заболеваний, болезней желудочно-кишечного тракта [16]. Внедрена методика эндоскопической хирургии.

Препарат “Пустан”, разработанный нашими учеными, рекомендуется при нарушении микрофлоры желудка и кишечника, диарее [17]. Вместе с тем, необходимо отметить разработку новой технологии лечения указанных заболеваний с помощью пробиотиков. Среди препаратов нового поколения, разработанных отечествеными учеными, можно также выделить «Лактопрополис» и «Рутан» [18].

В частности, открытие скрининговых центров для раннего выявления и профилактики рождения детей с отклонениями значительно сократило рождаемость детей-инвалидов и способствовало улучшению жизни населения. Также были внедрены перинатальные центры по регионам и услуги неонотолога. Как результат расширения патронажа и системы вакцинации детей до 1 года смертность детей в 2005 году сократилось на 7,4 процента по отношению к 2004 году, а смертность матерей на 6,8 процентов. По данным международной организации “Save the children”, к 2006 году Узбекистан занял 19-ое место среди 125 стран по уровню создания благоприятных условий матерям и 27-ое место по охране материнства.

В частности, к 2013 году было создано около 3200 сельских врачебных пунктов, оснащенных современной аппаратурой. Несмотря на то, что сельские жители были обеспечены современно оснащенными медицинскими учреждениями, выездные проверки Министерства здравоохранения по СВП показали, что в Каракалпакстане, Сурхандарьинской и Джизаской областях лечебные работы, профилактические мероприятия проводились на очень низком уровне, аппараты физиотерапии были использованы не правильно, некоторые врачи даже не умели расшифровать кардиограммы. Все это свидетельствовало о том, что уровень подготовленности медперсонала СВП был на низком уровне. В результате, количество онкологических, кожно-венерологических и туберкулезных заболеваний возросло.

Указанные проблемы и недостатки послужили причиной для определения в 2017 году нового плана мероприятий, направленных на развитие данной отрасли. Согласно этого плана в 2017-2018 годах сельские врачебные пункты были оптимизированы, их количество сокращено от 2895 до 819. Кроме того, создано более 793 сельких семейных поликлиник, имеющих социальную аптеку, дневной стационар и круглосуточную пункты экстренной медицинской помощи [19].

Вместе с тем, определенные успехи были достигнуты и в совершенствовании системы оказания скорой медицинской помощи. Так, была создана совершенно новая система по оказанию бесплатных гарантированных услуг скорой медицинской помощи. Однако, несмотря на широкомасштабные реформы до 2017 года в данной сфере сохранялся ряд проблем и недостатков. Для решения накопившихся проблем 16 марта 2017 года вышел Указ Президента Республики Узбекистан "О мерах по дальнейшему совершенствованию скорой медицинской помощи", где определены самые важные направления по развитию данной отрасли.

В частности, в годы независимости мероприятиями по прививке детей от 12 видов болезенй, внесенных в национальный календарь прививок, было охвачено 99,8 % детей. В результате, с 1997 года не было зарегистровано случаев заболевания полиомелитом, с 2000 года – столбняком новорожденных, с 2001 года – дифтерией, с 2012 года – корью и краснухой [20]. Комплексные меры по борьбе с инфекционными заболеваниями сыграли важную роль в положительное изменение общих показателей в данной сфере. В частности, за прошедший период уровень смертности матерей и детей сократился в более чем три раза [21].

До независимости в Узбекистане не было возможности производства лекарственных препаратов. Лишь в годы независимости эта проблема решилась в положительную сторону. Так, местными производителями в 2000 годах выпускалось лекартсвенных средств 300 видов [22], к 2017 году этот показатель возрос до 2300 [23]. В настоящее время в стране осуществляет деятельность 150 предприятий по производству лекарственных средств и медицинских принадлежностей, 84 из которых специализируются на производстве лекарств и 66 – на изготовлении медицинских принадлежностей.

Сотрудничество с зарубежными странами в реализации проектов по здоровью содержит научные сведения о проекте по здоровью, реализованном правительством Республики Узбекистан и Всемирным банком. В рамках проектов 1,2 и 3 была укреплена материально-техническая база сельских врачебных пунктов и медицинских объединений. В частности, в 1998-2011 гг. были запущены проекты „Саломатлик-1" и „Саломатлик-2", а в 2011 году проект "Саломатлик – 3". Стоимость проекта „Саломатлик-1" составлял 77,3 млн. долларов США, проект „Саломатлик-2" предусматривал расходы на 118,1 млн. долларов США, они были нацелены на развитие материльно-технической базы СВП, а проект "Саломатлик – 3" был направлен на развитие оказания стационарных услуг населению.

В годы независимости на 740 тыс. гектарах земли, засохшей в результате высыхания Аральского моря, и на 310 тыс. гектарах высыхаюшего моря были посажены леса. В 1997-2012 годы в Республике Каракалпакстан, Хорезме, Бухаре и Навои созданы современные амбулатории, построены и реконструированы медицинские учреждения на 5,8 тыс. рабочих мест. В 2004-2014 годах Узбекистан выделил более 200 млн. долларов США на проекты Приаралья [24]. Кроме того были организованы поезда "Здоровья", через которые было оказано помощь населению в 2000-2013 годах на общую сумму 4 млн. 682 тыс. долларов США и 562 млн. сумов [25] . Как результат, к 2014 году количество детей с инвалидностью сократилось в 3,1 раза по отношению к 1997 году, смертноть матерей в 2 раза, а смертность детей –

в 2,4 раза [26]. В частности, в указанные годы деятельность медсестер патронажа в СВП не было поставлено на достаточном уровне, они не были обеспечены специалистами медицинского профиля, соотвествующих требованиям, работа по подготовке специалистов, умеющих работать с современным медицинским оборудованием, так же проведена не на должном уровне. В результате, возросло количество некторых заболеваний среди населения. В частности, если в 1995 году количество больных активным туберкулёзом составляло 36,8 из каждой 100 тыс., то к 2010 году этот показатель возрос до 50,6.

Также, в этот период слабыми темпами проводились работы по установлению новых рыночных механизмов, привлечению частного сектора, который имеет важное значение в достижениях качественных показателей медицины. Кроме того, в сфере сохранились случаи коррупции и злоупотребления должностными обязанностями. В частности, Инспекцией контроля Министерства здравоохранения Республики Узбекистан по итогам 9 месяцев 2017 года было применено дисциплинарное наказание в отношении 3823 медицинских работников. Всего, было возвращено в бюджет 801,134 млн. сумов штрафов и восстановленного материального ущерба [27]. Вместе с тем, не проведены на достаточном уровне работы по переходу в медицинское страхование.

Эти и другие факторы оказали сове отрицательное влияние на достижение качественных показателей развития, определенных в Концепции развития системы здравоохранения Республики Узбекистан. Это, в свою очередь, послужило основой для проведения реформ, осуществляемых с 2016 года в целях развития системы здравоохранения наряду с другими сферами на основе требований времени.

В годы независимости двухуровневая система первичной медицинской помощи (сельские медицинские пункты и районные (городские) медицинские объединения, оснащенные современным оборудованием) заменила затратную и неэффективную пятиступенчатую систему (районная центральная больница, районная больница, сельская участковая больница, сельская амбулатория, сельский фельдшерско-акушерский пункт);

в результате принятых мер, в 2001 году Узбекистан получил сертификат Всемирной Организации Здравоохранения “Страна, свободная от вируса дикого полиомиелита”. По данным международной организации “Save the children”, к 2006 году Узбекистан занял 19-ое место среди 125 стран по уровню создания благоприятных условий матерям и 27-ое место по охране материнства. Кроме этого, если в первые годы независимости дети с недостатком веса составляли 4 процента, то к 2015 году этот показатель сократился до 1,8 процентов. Если в 90-ых годах XX века 70-80 процентов беременных женщин страдали анемией, то к 2014 году их количество сократилось в 2,2 раза;

в годы независимости в сферу вошли рыночные отношения, которые подняли медицинскую сферу на качественно новый уровень. В частности, свою деятельность начали такие частные клиники, как “Bionur”, “Innova”, “Zarmed”;

были претворены в жизнь новые методы защиты материнства и детства. В том числе, в целях ранней диагностики рождения детей-инвалидов открылись центры “Скрининга матери и ребенка” и перинатальные центры, оснащенные современным медицинским инвентарем. В результате этих инноваций рождаемость детей с инвалидностью сократилась в 2014 году в 1,8 раза относительно 2000 года [28];

налажено оказание качественной медицинской помощи в сельских врачебных пунктах, построенных для оказания населению первичной медико-санитарной помощи и в поэтапно строящихся медицинских учреждениях по всей стране, оснащенных современным оборудованием;

несмотря на ряд важных достижений в результате осуществленных реформ, сохранились некоторые проблемы по обеспечению квалифицированными специалистами лечебно-профилактических учреждений в областях. В частности, распределение медицинских работников со средним образованием составило противоположность распределению врачей: 51,1 процент врачей осуществляют свою деятельность в городах, а 64,6 процентов медицинских работников среднего звена предпочитают работать в сельской местности. Кроме того, анализы состояния прохождения медработниками курсов повышения квалификации показывают, что средний срок между курсами повышения квалификации составляет 7-8 лет, хотя медицинский работник должен проходит курсы повышения квалификации не реже одного раза в пять лет;

в целях обеспечения населения лекарственными средствами начато производство различных медицинских препаратов отечественными производителями для лечения сердечно-сосудистых, инфекционных и гастро-энетерологических заболеваний;

в годы независимости регулярно выделялись средства для нужд системы здравоохранения несмотря на допущенные ошибки ответственных лиц на местах: если в 1994 году в этих целях было выделено средств в размере 4,1 процента от национального дохода, то к 2000 году этот показатель составил 6,5-7 процентов;

как результат проведенных реформ в годы незвисимости средняя продолжительность жизни у женщин достигла 75 лет. Средняя продолжительность жизни мужчин в 1990 году была 66 лет, а к 2015 году составила 73 года;

за годы независимости ряд проблем сохранился и в этой сфере. В частности, деятельность патронатных медсестер в СВП недостаточна, не обеспечена должным образом медицинскими специалистами, а подготовка специалистов, которые могут использовать современное медицинское оборудование, не проводится должным образом. В результате наблюдается рост некоторых заболеваний среди населения. В частности, активный туберкулез среди женщин в 1995 году составлял 36,8 на 100 000, а к 2010 году - 50,6.

с 2016 года реформа здравоохранения вышла на качественный уровень. В 2017 году было принято около 30 указов и постановлений, направленных на дальнейшее развитие отрасли, улучшение объема и качества медицинских услуг;

была проделана большая работа по выполнению недавно принятых указов и распоряжений. В частности, были оптимизированы сельские врачебные пункты и разработан порядок обеспечения жильем их медицинского персонала, начался постепенный переход к системе «электронной поликлиники», врачам разрешено работать на ставку 2,0 и получать пенсию в полном объеме;

спектр услуг, доступных частным медицинским учреждениям, был увеличен с 50 до 126, срок регистрации лекарственных средств и изделий медицинского назначения был сокращен, а также была обеспечена деятельность социальных аптек и станций скорой помощи.

## Список использованных источников и ссылок


1. Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш. Здравоохранение Узбекистана, 2012 г. 9 ноябрь.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2018 г. 29 декабрь.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сонли Фармонининг 1-иловасида келтирилган «2017-2021 йилларда Ўзбекистон

Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» // http://strategy.regulation.gov.uz.
4. Ўзбекистон Республикасининг«Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Қонуни // Халқ сўзи, 1997 йил 30 апрел.
5. Ўзбекистон Республикасининг «Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й. – № 39. – Б.3–14.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисида"ги Фармони // Халқ сўзи, 1998 йил 11 ноябрь.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида // Халқ сўзи, 2017 йил 8-февраль.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Дори воситаларини ва тиббиёт буюмларини сотиш, фармацевтика фаолиятини лицензиялаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й. - № 7 (767). – Б.13–15.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори // Халқ сўзи. 2017 йил 4 апрель.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Шошилинч тиббий ёрдам тизимини жадал такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори // http://www.lex.uz
11. Бахромов С. Тиббиёт: ютуқ ва муаммолар // Совет Ўзбекистони. 1989 йил 26 март.
12. Санаев Ф. Халқ баҳоси – бош мезон // Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш Здравоохранение Узбекистана. 08.12. 2017.
13. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг «Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: «Соғлом она-соғлом бола» мавзуидаги халқаро симпозиум очилишидаги нутқи. Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш, Здравоохранение Узбекистана, 2011 йил 2 декабрь.
14. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот хизмати., Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2015 йил 9 ойидаги ижроси кўриб чиқилди // Халқ сўзи, 2015 йил 28 ноябрь.
15. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Ахборот хизмати. Ўзбекистонда биринчи марта қандли диабет билан хасталанган беморга буйрак кўчириб ўтказиш амалиёти ўтказилди // http://www.minzdrav.uz/uz/news/detail.php?ID=54463
16. Наврўзов С., Юсупбеков А., Бобоқулов Ш. Онкологияда инновацион технологиялар // http://www.minzdrav.uz/uz/news/detail.php?ID=46934
17. Абдуғаниев Ҳ. Истиқболли ғоялар, замонавий илм-фан ютуқлари намойиши // Ўзбекистонда Соғлиқни сақлаш, Здравоохранение Узбекистана, 2017 йил 19 май
18. http://www.minzdrav.uz/uz/news/detail.php?ID=47979
19. Толипов.Н Тиббиёт ислоҳотларидан одамлар розими? Ўзбекистонда Соғлиқни сақлаш, Здравоохранение Узбекистана, 2018 йил 13 июль.
20. Ўзбекистон Республика Президенти И.А. Каримовнинг «Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: соғлом она-соғлом

бола» мавзуидаги халқаро симпозиум очилишидаги нутқи., Ўзбекистонда Соғлиқни сақлаш, Здравоохранение Узбекистана, 2011 йил 2 декабрь.
21. Ўша манба
22. Толипов Н. Тиббиёт ислоҳотларидан одамлар розими? Ўзбекистонда Соғлиқни сақлаш, Здравоохранение Узбекистана, 2018 йил 13 июль.
23. ЎзА. Тиббиёт соҳасидаги ислоҳотлар аҳолининг ҳаётдан розилиги, эл-юртимиз тараққиётига хизмат қилсин // Халқ сўзи, 2017 йил 19 октябр.
24. Махсумов С., Раҳимов О. // Мусаффор табиат, аҳоли саломатлиги ва фаровонлиги – пировард мақсад // Халқ сўзи, 2014 йил 30 октябр.
25. Толипов Ф. Беғараз кўмакка ҳамиша шай // «Sog`lom avlod», 2013 йил 6 март.
26. Маметова М. // Саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш йўлида // “Ўзбекистон овози” газетаси, 2014 йил 30 октябр.
27. http://www.minzdrav.uz/uz/services/detailed.php?ID=54268
28. Халқ сўзи, 2014 йил 1 сентябрь.

## XALQARO MAYDONDA O‘ZBEKISTON NUFUZINING ORTIB BORISHI

**K.Somrlikova - doc. Ing. Ph.D., Mendelu universiteti, Brno, Chexiya,**
**Abdukahhorova D. - Mgr, Mendelu universiteti, Brno, Chexiya.**
**Maynonov U.A.-“TIQXMMI”MTUning Qarshi irrigatsiya va agrotexnologiyalar instituti, talaba.**

**Annotatsiya:** Mazkur maqolada“O‘zbekiston Respublikasining xalqaro reyting va indekslardagi o‘rnini yaxshilash hamda davlat organlari va tashkilotlarida ular bilan tizimli ishlashning yangi mexanizmini joriy etish” borasidagi davlat siyosati, huquqiy-normativ hujjatlarning qabul qilinishi, bu borada olib borilayotgan chora-tadbirlar haqida so‘z boradi.

**Kalit so‘zlar:** mustaqillik, tashqi siyosat, hamkorlik, jahon hamjamiyati, reyting, indeks, taraqqiyot, islohot, dastur.

**Аннотация:** В данной статье речь идет о государственной политике по улучшению позиций Республики Узбекистан в международных рейтингах и индексах и внедрению нового механизма системной работы с ними в государственных органах и организациях, принятии нормативно-правовых актов, мерах, принимаемых в этом направлении.

**Ключевые слова:** независимость, внешняя политика, сотрудничество, мировое сообщество, рейтинг, Индекс, прогресс, реформа, программа.

**Abstract:** This article deals with the state policy to improve the position of the Republic of Uzbekistan in international rankings and indices and the introduction of a new mechanism for systematic work with them in government agencies and organizations, the adoption of regulatory legal acts, measures taken in this direction.

**Keywords**: independence, foreign policy, cooperation, world community, rating, index, progress, reform, program.

Insoniyat taraqqiyoti, barcha sohalarda kechayotgan globallashuv jarayonlar, sifat va tarkibiy o‘zgarishlar xalqaro hamkorlik va aloqalarni yangi bosqichga ko‘tarish barobarida har bir mustaqil mamlakatning ushbu holatlarga yangicha qarashga, ular bilan birga odim tashlash vazifasini ko‘ndalang qo‘ymoqda. Bu esa, eng avvalo, o‘sha mamlakatning jahon miqyosidagi o‘rni, xalqaro reyting va ko‘rsatkichlarda tutgan mavqei bilan belgilanadi. O‘zbekiston Respublikasi keyingi yillarda chuqur o‘ylangan, o‘zaro

manfaatli va amaliy ruhdagi tashqi siyosat yuritish, xorijiy davlatlar bilan do‘stona hamda o‘zaro manfaatli munosabatlarni rivojlantirish borasida muhim natijalarga erishmoqda. 2017-2021 yillarda O‘zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nalishi bo‘yicha Harakatlar strategiyasi[1]ni amalga oshirish doirasida mamlakatda xalqaro maydondagi ijobiy obro‘sini shakllantirish, O‘zbekiston Respublikasining xalqaro reytinglardagi o‘rnini xolis va haqqoniy baholashni ta’minlash bo‘yicha aniq maqsadga yo‘naltirilgan ishlar amalga oshirildi.Shu bilan birga, ko‘rilayotgan choralarga qaramasdan, mamlakatda tegishli yo‘nalishlar bo‘yicha milliy reytinglarni yuritishga yordam beradigan, amalga oshirilayotgan islohotlarning xalqaro mezonlar va standartlarga muvofiqligini baholashning yaxlit tizimi mavjud emas. Mazkur holat xalqaro tashkilotlar va ilmiy muassasalar bilan tizimli hamkorlik aloqalarini o‘rnatish, mas’ul vazirlik va idoralarda baholanayotgan yo‘nalishlar bo‘yicha tavsiyalar va boshqa davlatlarning ijobiy tajribasini o‘z ichiga olgan tegishli ma’lumotlar bazasini, xodimlarda esa xalqaro reytinglar metodologiyasini qo‘llash bo‘yicha dunyoqarashni shakllantirish imkonini bermayapti.

O‘zbekistonda amalga oshirilayotgan islohotlarni baholashning yaxlit va mustaqil tizimini shakllantirish, shuningdek, respublikaning xalqaro reytinglardagi o‘rnini yaxshilashni ta’minlash maqsadida O‘zbekiston Respublikasi Innovatsion rivojlanish vazirligi va Adliya vazirligining O‘zbekiston Respublikasining xalqaro reytinglardagi o‘rnini monitoring qilish va baholash milliy tizimini yaratish to‘g‘risidagi taklifiga rozilik berildi. Boshqaruv sifati va siyosatning samaradorligini o‘lchash, mamlakatda yuz berayotgan o‘zgarishlar jarayonini baholash, tadqiqotlar natijalaridan kelib chiqqan holda islohotlarning ustuvor yo‘nalishlarini ishlab chiqishga yordam beruvchi ustuvor xalqaro reytinglarning mezonlari va indikatorlari Milliy monitoring tizimining tarkibiy qismi etib belgilandi. Milliy monitoring tizimi faoliyatini tashkil etishning dastlabki bosqichi sifatida respublikadagi tadqiqot institutlariga alohida xalqaro reytinglar ilovaga muvofiq biriktirildi va ularga xalqaro reytinglarning metodologik va boshqa tarkibiy qismlarini aniqlash, ularni amaldagi qonunchilikka implementatsiya qilish, O‘zbekiston Respublikasining xalqaro reytinglardagi past ko‘rsatkichlariga sabab bo‘layotgan asosiy omillarni aniqlash; o‘zini o‘zi baholash uchun ustuvor xalqaro reytinglarning mezonlari va indikatorlari asosida milliy indekslarni ishlab chiqish; loyihalar va amaldagi normativ-huquqiy hujjatlarni mamlakatimizning xalqaro reytinglardagi o‘rnini yuksaltirishga to‘sqinlik qilayotgan normalarni aniqlash nuqtai nazaridan ekspert tahlil qilish hamda tahlil natijalariga ko‘ra tegishli tavsiyalar ishlab chiqish; O‘zbekiston Respublikasining tegishli reytinglardagi rivojlanish jarayoni to‘g‘risidagi axborotlarni, shuningdek, baholanayotgan yo‘nalishlar bo‘yicha tavsiyalar va xorijiy davlatlarning ilg‘or tajribasini o‘z ichiga olgan axborot-ma’lumotlar bazasini yaratish; O‘zbekiston Respublikasining ustuvor xalqaro reytinglardagi o‘rnini yaxshilashga to‘sqinlik qilayotgan mavjud haqiqiy muammolarning tizimli tahlilini olib borish, ularni hal etish bo‘yicha takliflar ishlab chiqish; xalqaro tashkilotlar, reyting agentliklari va ilmiy muassasalarning ekspertlari bilan hamkorlik o‘rnatish va konstruktiv muloqotni yo‘lga qo‘yish; tegishli tarmoqlardagi muammolarni aniqlash va ahvolni o‘rganish uchun ijtimoiy so‘rovlar o‘tkazish, shuningdek, mamlakatda keng ko‘lamli islohotlarni amalga oshirish doirasida turli sohalarda yuz berayotgan tub o‘zgarishlar to‘g‘risida jamoatchilik va xalqaro reyting agentliklarini xabardor qilish kabi vazifalar yuklatilgan.

Ko‘rsatilayotgan davlat xizmatlari sifatini yaxshilash, aholining davlat organlari faoliyatidan qoniqishi darajasini hamda ularning xodimlari kasbiy mahoratini oshirish maqsadida O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi va Savdo-sanoat palatasining “davlat xizmatlarining sirli mijozi” institutini joriy etish to‘g‘risidagi taklifiga rozilik berildi.

2020 yilning iyun oyida «O‘zbekiston Respublikasining xalqaro reyting va indekslardagi o‘rnini yaxshilash hamda davlat organlari va tashkilotlarida ular bilan tizimli

ishlashning yangi mexanizmini joriy qilish toʻgʻrisida» Prezident Farmoni (PF-6003-son, 02.06.2020 y.) qabul qilindi. Farmon bilan Xalqaro reyting va indekslar bilan ishlash boʻyicha respublika kengashi tashkil etildi va uning asosiy vazifalari belgilandi. Mamlakatning ijtimoiy-iqtisodiy va siyosiy-huquqiy taraqqiyot darajasini tizimli tahlil qilib borish, amalga oshirilayotgan tub oʻzgarishlarning xalqaro reyting va indekslarda mamlakatning oʻrnini yaxshilash maqsadlariga xizmat qilishini ta’minlash Kengash vazifalaridan biridir.

Moliya vazirligi va Adliya vazirligi Kengashning ishchi organlari etib belgilandi. Shunga koʻra, ijtimoiy-iqtisodiy va siyosiy-huquqiy reyting va indekslarning Kengash ishchi organlari boʻyicha taqsimoti tasdiqlandi. Farmon bilan shuningdek, Oʻzbekiston uchun ustuvor boʻlgan xalqaro reyting va indekslar boʻyicha samaradorlikning eng muhim koʻrsatkichlari (KPI) tasdiqlandi. Farmon bilan Adliya vazirligi markaziy apparati tuzilmasida Xalqaro reyting va indekslar bilan ishlash boshqarmasi tashkil etildi.

2020 yil 1 oktabrga qadar Internet tarmogʻida «Oʻzbekiston Respublikasi xalqaro reytinglarda» yagona portali ishga tushiriladi. Uning tarkibiy qismi boshqaruv sifati va siyosatning samaradorligini oʻlchash, mamlakatda yuz berayotgan oʻzgarishlar jarayonini baholash, tadqiqotlar natijalaridan kelib chiqqan holda islohotlarning ustuvor yoʻnalishlarini ishlab chiqishga yordam beruvchi ustuvor xalqaro reytinglarning mezonlari va indikatorlari hisoblanadi. Tizimni tashkil etishning dastlabki bosqichida milliy tadqiqot institutlariga alohida xalqaro reytinglar biriktiriladi. Muassasalar ushbu reytinglarning metodologik va boshqa tarkibiy qismlarini aniqlashlari, ularni amaldagi qonunchilikka implementatsiya qilishlari, oʻzini oʻzi baholash uchun milliy indekslarni ishlab chiqishlari, katta ekspert tahlil qilish ishlarini amalga oshirishlari kerak.

«Oʻzbekiston Respublikasi xalqaro reytinglarda» portali ishga tushirilib, xalqaro reytinglar boʻyicha yillik hisobotlar, shuningdek, hisobotlarni oʻrganish va e’lon qilish muddatlarini koʻrsatgan holda tegishli yoʻnalishlar boʻyicha ishlar ahvolini yaxshilashga qaratilgan xalqaro tashkilotlar va ekspertlarning tavsiyalari va xalqaro reytinglar indikatorlari boʻyicha xorijiy mamlakatlarning ilgʻor tajribasiga oid axborotlar oʻz ichiga oladi.

Alohida reytinglar uchun mas’ul boʻlgan tadqiqot institutlariga, mamlakatimizning xalqaro reytinglardagi va alohida tarkibiy indikatorlardagi Oʻrnini yaxshilash uchun mas’ul vazirlik va idoralarga (17.01.2019 yildagi PF–5635-son Farmoni) [2]tashkiliy tusdagi topshiriqlar berildi.

Inson huquqlari himoyasini kafolatlash, aholi turmush darajasini oshirish, iqtisodiy faoliyatda erkinlikni ta’minlash, sud-huquq sohasidagi moddiy va protsessual normalarni takomillashtirishga qaratilgan islohotlar mamlakatimizning xalqaro reyting va indekslardagi koʻrsatkichlari oshishiga sabab boʻlmoqda.

Jumladan, soʻngi yillarda mamlakatimiz Meros jamgʻarmasining “Iqtisodiy erkinlik” indeksida 52 pogʻonaga, Jahon bankining “Logistika samaradorligi” indeksida 19 pogʻonaga, “Biznes yuritish” indeksida 18 pogʻonaga koʻtarildi.

Oʻzbekiston Iqtisodiy hamkorlik va taraqqiyot tashkilotining “Mamlakatlarga xos xatarlarni tasniflash” tizimidagi 6-guruh mamlakatlari qatoridan 5-guruh mamlakatlari qatoriga koʻtarildi. Shu bilan birga, ayrim rahbarlar reytinglar bilan ishlashga yetarlicha e’tibor qaratmayotganligi va xalqaro tashkilotlar tomonidan oʻtkazilayotgan soʻrovlarda aksariyat islohotlar oʻz aksini topmayotganligi oqibatida ustuvor xalqaro reyting va indekslarda Oʻzbekiston Respublikasi quyi pogʻonalarda qolmoqda.

Mamlakatning investitsiyaviy jozibadorligi va xalqaro maydondagi imidjini mustahkamlash, davlat organlari va tashkilotlarida xalqaro reyting va indekslar bilan ishlashning yangi mexanizmlarini joriy qilish, shuningdek, 2017-2021 yillarda Oʻzbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yoʻnalishi boʻyicha Harakatlar

strategiyasida belgilangan vazifalarni amalga oshirish maqsadida xalqaro reyting va indekslar bilan ishlash boʻyicha respublika kengashi tashkil etildi. Kengash ishchi organlari boʻyicha taqsimlangan Oʻzbekiston Respublikasi uchun ustuvor boʻlgan xalqaro reyting va indekslarda mamlakatning oʻrnini yaxshilashga qaratilgan taʼsirchan choralar ishlab chiqilishi va amalga oshirilishi hamda ushbu yoʻnalishda tizimli xalqaro hamkorlik olib borilishi ustidan Kengash tomonidan nazorat oʻrnatiladi.

Oʻzbekiston Respublikasi Prezidentining 2019 yil 7-martdagi PF-5687-son Farmoni bilan tashkil etilgan Ustuvor xalqaro reyting va indekslar bilan ishlashni muvofiqlashtirish boʻyicha komissiya zimmasiga Kengash faoliyatini tashkil etishga koʻmaklashish va Kengash yigʻilishlari oraligʻida tegishli yoʻnalishda masʼul davlat organlari ishini muvofiqlashtirib borish vazifasi yuklatildi. Masʼul davlat organlari hamda tadqiqot institutlari tegishli xalqaro reyting va indekslar boʻyicha amalga oshirilgan ishlar haqidagi maʼlumotlarni Kengash ishchi organlariga muntazam ravishda taqdim etib boradi.

Jahon iqtisodiy forumining Global raqobatbardoshlik indeksida Oʻzbekiston Respublikasining oʻrnini aks ettirish boʻyicha chora-tadbirlar rejasi tasdiqlandi.

Oʻzbekiston Respublikasi Adliya vazirligi markaziy apparati tuzilmasida adliya organlari va muassasalari boshqaruv xodimlarining cheklangan soni va mehnatga haq toʻlash fondi doirasida 6 ta shtat birligidan iborat Xalqaro reyting va indekslar bilan ishlash boshqarmasi tashkil etildi.

Oʻzbekiston Respublikasi Adliya vazirligi bir oy muddatda ushbu boshqarmaning yuqori malakali kadrlar bilan toʻldirilishini taʼminladi.

Oʻzbekiston Respublikasi Moliya vazirligi manfaatdor vazirlik va idoralar bilan birgalikda 2020 yil 1-oktabrga qadar Internet tarmogʻida “Oʻzbekiston Respublikasi xalqaro reytinglarda” yagona portalining (keyingi oʻrinlarda — portal) ishga tushirilishini taʼminlanishi belgilandi. Kengash ishchi organlari Oʻzbekiston Respublikasi Axborot texnologiyalari va kommunikatsiyalarini rivojlantirish vazirligi bilan birgalikda portal faoliyatining uzluksiz ishlashini taʼminlash va uni yangilab borish uchun masʼul etib belgilandi.

Oʻzbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi masʼul davlat organlari bilan birgalikda muntazam ravishda davlat va jamiyat hayotining xalqaro reyting va indekslar, ularning tarkibiy indikatorlarida baholanadigan sohalariga oid davlat siyosatidagi oʻzgarishlar va islohotlarning mohiyatini yoritish hamda sohada jamoatchilik nazoratini oʻrnatish maqsadida keng qamrovli targʻibot ishlarini amalga oshirishi belgilandi.

Aytish kerakki, xalqaro reyting va indekslar har bir mamlakatning rivojlanish jarayonini oʻzida namoyon etib, davlat boshqaruvi sifati, aholining turmush darajasi, inson huquqlari muhofazasi, tadbirkorlik faoliyati va xorijiy investorlar uchun qulay muhit, barqaror iqtisodiy oʻsish va raqobatbardoshlik kabi muhim jihatlarning koʻzgusidir.[3] Bu jihatlar mamlakatimizdagi islohotlar mohiyatida ham mujassam. Bularning barchasi inson qadrini ulugʻlashga, odamlarning hayotdan rozi va mamnun boʻlib yashashini ta'minlashga xizmat qilishi bilan yanada teran mazmun kasb etadi.

**Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. https://lex.uz/docs/3107036
2. nrm.uz/contentf?doc=575871_&products=1_vse_zakonodatelstvo_uzbekistana
3. https://yuz.uz/uz/news/xalqaro-reyting-va-indekslar

## НУРОНИЙЛАР САЛОМАТЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

***Ф.Ж.Ёрматов – т.ф.н., доцент, Термиз давлат университетининг Педагогика институти тиллар факультети декани***

Мамлакатимизда яшаётган ҳар бир инсон қалбида инсонийлик, меҳр-мурувват, бағрикенглик каби ижобий хислатлар жой олган. Халқимизнинг улуғ қадриятларидан бири – ёши улуғ инсонларга, кексаларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, уларнинг кўп йиллик ҳаётий ва меҳнат тажрибалари асосидаги қадрли маслаҳатларидан баҳраманд бўлиш ва дуоларини олиб юришдир. Зеро, халқимизнинг “Кексаси бор уйнинг фариштаси бор”, “Қариси бор уйнинг – париси бор”, “Қариликни донолик безар” деган ҳикматли нақллари бор. Бу бежиз эмас, албатта. Ана шу олижаноб қадрият, фазилат бугун давлатимиз сиёсатида ҳам ўз ифодасини топганлиги барчамизни қувонтиради.

Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки даврларидан ёши улуғ, қарияларни, айниқса, нафақахўрларнинг ижтимоий муҳофазасини таъминловчи мустаҳкам меъёрий-ҳуқуқий асос ва механизмлар ишлаб чиқилди. Уруш қатнашчилари, ногиронлар учун қатор қонун ва қарорларда талай имтиёзлар берилди. Уларни моддий-маънавий қўллаб-қувватлаш тизими яратилди. Қарияларга, ёлғиз, кам таъминланган нафақахўрларни ижтимоий таъминлашда Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ҳам анчагина ишлар амалга оширилди.

1991 йилнинг охирида республика бўйича 30573 нафар ёлғиз қариялар бўлган бўлса, уларнинг 1861 нафари Сурхондарё, 1717 нафари Қашқадарё вилоятларида истиқомат қилдилар [1].

2004 йилда Қашқадарё вилоятида 223669 киши пенция ва нафақа олди. Шулардан 3000 нафари уруш қатнашчилари ва ногиронлари бўлиб, 1043 нафари 1-гуруҳ, 1079 нафари 2-гуруҳ уруш ногиронлари эди. 16064 нафар уруш орти фахрийлари, 145276 нафари ёши тўлиб пенцияга чиққан кексалар эди. Биргина 2002 йилдан 2004 йилгача Қашқадарё вилоятида 12475 нафар фуқарога Янги пенциялар тайинланди.

Шунингдек, 281 нафар афғон уруши ногиронлари, 366 нафар ЧАЭС ногиронлари ва 1780 нафар яккаю ёлғиз қариялар истиқомат қилишди. Вилоят бўйича тасдиқланган тартибга биноан 2614 нафар ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронлар ҳисобга олинган. Улардан 1110 киши уйларида, 594 киши шифохоналарда даволандилар. Дори-дармонларга эҳтиёжи бўлганларнинг ҳар бирига ўртача 5,5 минг сўмлик дори-дармон етказилди. Ҳар бир рўйхатга олинган якка-ёлғизга 55 минг сўмлик қўшимча моддий ёрдам кўрсатилди. Шу билан бирга муҳтож ногиронларга 153 та ногиронлар аравачаси, 282 та ҳасса, 164 та қўлтиқтаёқ, 83 та кўзойнак, 151 та эшитиш мосламалари тарқатилди. 259 нафар ёлғиз пенсионер турли сиҳатгоҳларга бориб соғликларини тикладилар [2].

Вилоятда ногиронларнинг соғликларини тиклаш, мустаҳкамлаш йўлида ҳам муайян ишлар бажарилди. Яккабоғ туманида жойлашган “Саховат” уйида 157 нафар қария мунтазам равишда ўз соғликларини тикладилар, уларга 48 нафар тиббиёт ходимлари малакали хизмат қилдилар. Қарши шаҳридаги “ Мурувват” уйида 150 ўринли янги ётоқхона қурилиб, 2003 йилда фойдаланишга топширилди.

Айни пайтда Қарши шаҳрида ногиронларни реабилитация қилиш Маркази фаолият кўрсатиб келди. Унда ногиронларга физиотерапия, чўмилиш ҳавзалари, жисмоний соғломлаштириш, игна билан даволаш, уқалаш ҳамда доривор гиёҳлар ёрдамида муолажалар кўрсатилди. Марказда 2003 йилда 400 бемор даволанди [3].

Ўзбекистон Республикасида пенсионерларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш баробарида улар соғлигини мустаҳкамлашга кўмаклашиш ҳаракати ҳам кучайиб борди. Бу борада фахрийларни имтиёзли равишда дори-дармонлар билан таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Шу ўринда Сурхондарё вилоятида онкология, сил, эндокринологик, руҳий, юрак касалликлари учун дори-дармонларни

имтиёзли равишда етказиб берилаётганлиги беморларга катта ёрдам бўлди. Жумладан, онкология билан касалланган 153 нафар, 31 сил, 381 эндокринологик, 219 руҳий, бир неча юрак касаллигига дучор бўлганлар учун 2005 йилнинг ўзида 10,2 млн. сўм миқдорида дори-дармонлар тарқатилди.

Вилоятда бундай касалликка дучор бўлганлар бир томондан, маҳаллий ва ихтисослашган поликлиникаларга ва ҳомийларга бириктириб қўйилди. Масалан, биргина 2005 йилнинг ўзида бундай беморлардан 607 нафари оталиқ ташкилотларга бириктирилди, улар доимий ғамхўрликда бўлдилар. Биргина Денов ва Термиз шаҳрининг ўзида 524 нафар беморга 6,4 млн. сўмлик дори-дармонлар тарқатилди [4].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 7 сентябрдаги “2007-2010 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни аниқ ижтимоий муҳофаза қилиш ва уларга ижтимоий хизмат кўрсатишни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” [5] ги Қарори ва 2007 йил 17 октябрдаги “Пенсионерларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида” [6] ги Фармонининг бажарилиши ҳам таҳлил этилган. Жумладан, “Жарқўрғоннефть” очиқ акциядорлик жамиятида узоқ йиллар ишлаб нафақага чиққан 165 нафар фахрийга 6,5 млн. сўм қўшимча нафақа берилди. [7].

2015 йилнинг «Кексаларни эъзозлаш йили» деб эълон қилингани ва мазкур йўналишда Давлат дастури қабул қилингани мамлакатимизда кекса авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга эҳтиром кўрсатиш борасидаги ишларни янада юксак босқичга олиб чиқди. Жумладан, “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастурида мамлакатимизда ёши улуғ инсонларга эътибор ва ғамхўрликни кучайтириш ҳамда улар ҳаёти мазмуни ва сифатини ошириш, пенсия таъминоти ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш ишларини мантиқий ва изчил давом эттириш, сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш бўйича тизимли ишларни амалга ошириш белгиланди. Кекса авлод вакилларининг саломатликларини асраш, хусусан, ижтимоий ҳимояга муҳтож, якка-ёлғиз яшовчи нуронийларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳам қатор амалий ишлар олиб борилмоқда. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Давлат дастурига мувофиқ жорий йилда 21 минг 98 нафар уруш ва меҳнат фронти фахрийлари соғломлаштириладиган 37 та санаторий рўйхати тасдиқланган бўлиб, уларнинг 15 тасини касаба уюшмалари тизимидаги санаторийлар ташкил этади. Касаба уюшмалари тизимидаги барча санаторийларда 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини давлат бюджети ҳисобидан сифатли ва самарали соғломлаштириш учун барча зарур шарт-шароитлар, қўшимча қулайликлар яратилган. Хусусан, касаба уюшмалари тизимидаги 15 та санаторийда қарийб 11 миллиард сўмлик қурилиш, реконструкция ва капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, имкон қадар пастки қаватларда ва муолажа ўтказиладиган бўлимларга яқин жойларда “Уруш ва меҳнат фронти фахрийлари бўлимлари” ташкил этилди. Мазкур бўлимлар энг замонавий юмшоқ ва қаттиқ жиҳозлар, тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланди. 2014 йилдан бошлаб Меҳнат вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги БМТ Тараққиёт дастури билан ҳамкорликда мамлакатда ёлғиз кексаларга ва ногиронларга профессионал ижтимоий хизмат кўрсатиш” лойиҳасини амалга ошириб келмоқда. Ушбу лойиҳа кўмагида “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастури доирасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 августдаги 237-сонли “Кексалар ва ногиронларни манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” [8] ги қарори қабул қилинди.

Мазкур ҳужжатга мувофиқ, ўзгалар ёрдамига муҳтож ёлғиз кексалар ва ногиронларни излаш ва уларнинг ҳаёт даражасини баҳолаш тизими ишга туширилди. Тадбирлар маҳаллий бошқарув органлари, соғлиқни сақлаш ва

ижтимоий ҳимоя тизими ходималри томонидан мунтазам (ҳар чоракда 1 марта) уйма-уй айланиб юриш орқали амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 5 февралдаги 31-сонли “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимининг турғун даволаш-профилактика муассасаларида овқатланишни ташкил этиш ва унинг учун ҳақ тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида” [9]ги қарорига кўра I ва II гуруҳ ногиронлари, болаликдан ногиронлар, 1941-1945 йиллардаги уруш ногиронлари ва қатнашчилари, шунингдек уларга тенглаштирилган шахслар ҳамда Чернобил АЭСидаги ҳалокат оқибатларини тугатишда қатнашган ногирон шахслар Тиббиёт муассасаларида овқатланиш тўловидан озод қилинди.

Жумладан, жорий йилнинг шу вақтига қадар 228 минг 564 нафар нуроний бепул чуқур тиббий кўрикдан ўтказилиб, 8 678 нафар нуронийнинг санаторийларда соғлиқларини тиклаш ташкил этилди. Шунингдек, 179 минг 240 нафар нуронийнинг юртимиздаги диққатга сазавор турли масканларига саёҳат қилишларига шароит яратилди.

Давлатимизнинг ижтимоий ҳимоялаш дастурлари асосида кекса авлод вакилларининг 1620 нафарига ногиронлар аравачаси, 1 532 нафарига эшитиш мосламаси, 1 600 нафарига ҳасса (қўлтиқ таёқ), 400 нафарига кўзойнак, 3 005 нафарига эса бошқа реабилитация воситалари берилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 апрелдаги “Аҳоли муаммолари билан ишлашда маҳалла институтининг мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5700-сон Фармони билан “Кексалар маслаҳати” гуруҳлари ташкил этилган. Шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг тегишли резолюсияси билан эълон қилинган “1 октябрь – Халқаро кексалар куни” муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси жорий йилнинг 27 сентябрида “Кекса авлод вакилларининг жамиятдаги ўрни ва ижтимоий фаоллигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорини қабул қилди. Мазкур қарорга мувофиқ, мамлакатимизда “1 октябрь – Халқаро кексалар куни”ни ҳар йили муносиб нишонлаш мақсадида, октябрь ойининг биринчи ҳафтаси “Кексалар ҳафталиги” этиб белгиланди.

Шароити оғир ва кам таъминланган кексаларнинг дори воситалари, тиббий ва махсус протез-ортопедия мосламалари олиб берилади ҳамда жарроҳлик амалиётларининг харажатлари қопланади. Шунингдек, оғир касалликка чалинган ёки ногиронлиги бор кексаларнинг дори-дармонларининг 50 фоизгача бўлган суммаси коплаб берилади.

1 апрелдан бошлаб шароити оғир ва кам таъминланган кексаларга шифокорларнинг рецептларига асосан 3 ойлик эҳтиёждан келиб чиқиб дори воситалари, тиббий ва махсус протез-ортопедия мосламалари олиб берилади ҳамда жарроҳлик амалиётларининг харажатлари қопланади. Бу Президентнинг 15 мартдаги қарорида [10] кўзда тутилган.

Қарорда, шунингдек, Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси маблағлари ҳисобидан ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кексалар ва ёлғиз яшайдиган кексаларни ҳар йили бир маротаба санаторийларда бепул соғломлаштириш белгиланган.

Жамғарма маблағлари ҳисобидан оғир ташхисли касалликлари ҳамда ногиронлиги бўлган кексаларга шифокорларнинг рецептларига мувофиқ, 3 ойлик эҳтиёждан келиб чиқиб дори воситаларининг 50 фоизигача бўлган суммаси компенсация қилинади. Бунда дори воситаларининг рўйхати Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилади ҳамда Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш

вазирлигининг қарори қабул қилинган кундаги дори воситаларининг тегишли суммаси компенсация қилинади.

2022 йилда жамғарма маблағларининг амалда ўзлаштирилишига қараб Давлат бюджетидан 50 млрд сўм ажратилади.

Аввалроқ президентнинг худди шу қарорига таянган ҳолда ходимнинг пенция ёшига тўлганлиги муносабати билан у билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш тартиби тақиқлангани, шунингдек, мамлакатда фаол қариш индекси жорий этилиши ҳақида хабар қилган эдик.

2017 йил 7 февралда қабул қилинган “2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”нинг тўртинчи йўналиши “Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари” деб номланган бўлиб, унда пенсионерлар, ногирон, ёлғиз кексалар, аҳолининг бошқа эҳтиёжманд тоифаларининг тўлақонли ҳаёт фаолиятини таъминлаш учун уларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш масалалари ҳам ўрин олган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 йил 28 январдаги 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”[11]ги ПФ-60-сон фармонида ҳам бу масалалар изчил давом эттирилиши қаътий белгилаб қўйилган.

Муҳтарам Президентимиз Ш.Мирзиёев Ўзбекистон халқига янги йил табригида “Мен Янги - 2022 йилни мамлакатимизда “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили” деб эълон қилишни таклиф этаман.

Инсон қадрини улуғлаш – юртимизда яшаётган ҳар бир одамнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш демакдир.

Муҳтарам уруш ва меҳнат фахрийларини, азиз аёлларимиз ҳамда ёшларимизни қўллаб-қувватлаш, кўмакка муҳтож инсонларга ғамхўрлик кўрсатишга алоҳида эътибор берамиз” [12] дея алоҳида таъкидладилар.

“Инсон қадрини улуғлаш ва шифокор меҳнатини қадрлаш” тамойили асосида” [13] ҳар йили минг нафар бемор шифокорлар, айниқса, соҳада бир умр меҳнат қилган фахрийларга юқори технологик операциялар давлат ҳисобидан бепул ўтказилади.

Хулоса сифатида шуни такидлаш жоизки, ўтган йиллар мобайнида нуронийларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида эришилган ютуқлар бисёрдир ва бу каби эзгу ишлар бундан кейин ҳам юксалиши муқаррардир.

**Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати**


1. Ўз МА, М-15-фонд, 1-рўйхат, 91-иш, 120-варақ.
2. Саҳоват, 2004 йил 2-сон. – Б.8.
3. Қашқадарё вилояти “Нуроний” жамғармаси бўлимининг 2002-2004 йиллар ҳисоботи. – Б.21.
4. Сурхондарё вилояти ҳокимиятининг жорий архиви, “Нуроний” жамғармаси вилоят бўлимининг 2005 йилги ҳисобот маълумотлари. – Б.31
5. Саҳоват, 2006 йил 5-6-сон. – Б. 5.
6. Саҳоват, 2007 йил 4-5-сон. – Б. 4.
7. Ўзбекистон овози, 2009 йил 14 апрель
8. https://lex.uz/docs/2718856
9. https://lex.uz/uz/docs/-3083192
10. https://uza./uz/uz/posts/
11. https://lex.uz/docs/5841063
12. Янги Ўзбекистон газетаси, 2022 йил 1 январь.
13. Янги Ўзбекистон газетаси. 2022 йил 19 март.

# ОЛИЙ ТАЪЛИМНИНГ ТИЗИМИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ – ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ

*Д.И. Васиева – т.ф.н., доц – ҚарМИИ,*
*Д.С. Шойқулова, А. Ш. Аҳмедова– ҚарМИИ магистрантлари*

Шиддат билан ривожланаётган бугунги замонамизда ҳар бир мамлакат келажаги, хусусан, барча соҳа ва лойиҳалар муваффақияти билимли ёшларга боғлиқ. Шу боис, давлатимиз раҳбари президентлик фаолиятининг илк кунларидан бошлаб инсон капиталини ривожлантириш, узлуксиз таълим тизимининг ҳар бир босқичида сифат кўрсаткичини янада яхшилаш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Бундай саъй-ҳаракатлар эса педагоглар зиммасига ҳам залворли масъулият юклаяпти. Таълимнинг қайси босқичида бўлмасин, унинг мазмунини ошириш ва сифатини таъминлаш замонавий педагогнинг асосий вазифасига айланмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида амалга оширилаётган ислоҳотлар, биринчи навбатда, демографик жараёнлар ва урбанизацияни, башарият тафаккури ҳамда халқимизнинг ўсаётган сиёсий дунёқараши, онги ва маданияти, умумхалқ манфаати чуқур ўйланган ҳолда амалга оширилмоқда.

Таълим бу ҳар қандай мамлакатнинг энг асосий бўғини ҳисобланади. Айниқса, олий таълим тизими бу мамлакатга кадрлар тайёрлашнинг илдизи ҳисобланади. Ҳозирги кунда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш энг биринчи навбатда чуқур билимли, етук мутахассис кадрлар тайёрлашга боғлиқ ҳисобланади. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда бугунги кунда таълим тизимига катта эътибор қаратилмоқда. Бозор иқтисодига ўтиш ҳамда демократик ва ҳуқуқий давлат тузиш сари амалга оширилаётган ҳаракатлар инсондан ўзининг умуммаданий дунёқарашини кенгайтиришни, умумий ва профессионал омилкорликни доимий равишда ошириб боришни талаб этади. Бугунги кунда мустақил фаолият юритиб, муаммоли шароитлардан чиқиб кета оладиган ва ўзида билимга доимий чанқоқликни сезадиган ҳар томонлама етук кадрларга ижтимоий буюртма сезиларли даражада ривожланмоқда. Бозор иқтисодига ўтиш ҳамда демократик ва ҳуқуқий давлат тузиш сари амалга оширилаётган ҳаракатлар инсондан ўзининг умуммаданий дунёқарашини кенгайтиришни, умумий ва профессионал омилкорликни доимий равишда ошириб боришни талаб этади. Зеро, Авлоний бобомиз таъкидлаганидек: «Таълим-тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир». Бу ёндашув ҳар қандай замон ва маконда ҳам тарбия масаласига долзарб вазифалардан бири сифатида қаралганини кўрсатади.

Таълим тизимида, жумладан, олий таълимда амалга оширилган ислоҳотлар натижасида юз берган ўзгаришлар ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий ва маънавий жиҳатдан катта тарихий аҳамиятга эга. Амалга оширилган ислоҳотлар нафақат мамлакатимизда катта ижобий ўзгаришларга олиб келди, ҳатто халқаро майдонда ҳам мамлакатимиз обрў-эътиборини янги босқичга олиб чиқди. Бу борада қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди.

Маълумки, “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли фармони ҳамда 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини

таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-2752-сонли ҳамда 2019 йил 11 июлдаги “Олий ва ўрта махсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4391-сонли қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 3 декабрдаги “Олий таълим муассасаларини босқичма-босқич ўзини ўзи молиялаштиришга ўтказиш тўғрисида”ги 967-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 25 февралдаги 133-ф-сонли фармойиши бугунги олий таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишга асос бўлиб хизмат қилади.

Олий таълим ислоҳотларининг маҳсули сифатида мамлакатимизда олий маълумот олмоқчи бўлган ҳар қандай фуқаро учун имкониятлар эшиги очилди. Аниқроқ айтганда, ёшидан қатъи назар, олий маълумотни кундузги, кечки ва сиртқи таълим шаклида олишга шароит яратилди. Яъни мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси ёши, миллати ва элатидан қатъи назар, ўзининг конституцион ҳуқуқларидан тўлиқ фойдаланиш имкониятига эга бўлди.

Ўзбекистонда бугунги кунда олий таълим муассасалари сони 159 тага етди. Шундан университетлар 28 та, хорижий мамлакатлар таълим муассасаларининг 30 та филиалида мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйилди. Ундан ташқари нодавлат олий таълим муассасаларининг сони ҳам кенгайиб 24 тани ташкил этмоқда. Олий таълимнинг қамров даражасини босқичма-босқич ошириш, тизимда соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, ўқув юкламаларини мақбуллаштириш, таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш, олий таълим муассасаларининг молиявий мустақиллигини таъминлаш, профессор-ўқитувчиларнинг маоши ўртача 3,5 баробарга оширилиши - олий таълим ислоҳотларининг дастлабки натижаларидир.

Мамлакатимизда олий таълим тизимини янги босқичга кўтариш, таълим сифатини илғор халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш ва олий таълим билан қамров даражасини ошириш борасида изчил чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Бу, шубҳасиз, таълим тизимини ислоҳ қилиш, миллий ва халқаро меҳнат бозори талаблари даражасида рақобатбардош мутахассислар тайёрлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда муносиб ҳисса қўшувчи, замонавий билим ва педагогик технологияларни қўллаш кўникмаларига эга, юқори малакали мутахассислар тайёрлаш ҳамда соҳага илғор таълим технологияларини жорий қилиш орқали таълим соҳасини янада такомиллаштириш борасида тизимли тадбирлар белгилаб берилган. Шундан келиб чиқиб, ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқлари учун юқори малакали кадрлар етказиб бериш борасида ўтказилган таҳлил натижалари, аввало, таълим соҳаси учун кадрлар тайёрлаш сифатига эътиборни кучайтириш, соҳада илғор хорижий тажрибани кенг жорий этиш, педагогик таълим инфратузилмасини яхшилаш зарурлигини кўрсатмоқда. Ўтган давр мобайнида иқтисодиётнинг реал сектори ва ижтимоий соҳа эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, янги, шу жумладан, етакчи хорижий олий таълим муассасалари ташкил этилди, замонавий ўқув босқичлари жорий этилиб, талаб юқори бўлган бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Кадрлар буюртмачилари таклифлари асосида Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторидаги таълим йўналиши 329 тага, магистратура мутахассисликлари 582 тага етказилди, 2019/2020 ўқув йилида 59 та олий таълим муассасасида сиртқи таълим, 10 та олий таълим муассасасида кечки таълим шакли жорий этилди, олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган талабалар сони

бакалавриат таълим йўналиши бўйича 410 минг, магистратура мутахассислиги бўйича эса 13 минг нафарни ташкил қилиб, сўнгги уч йилда 1,7 бараварга ошди.

Мамлакатни модернизация қилиш, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан барқарор ривожлантириш учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, халқаро стандартлар асосида юқори малакали, креатив ва тизимли фикрлайдиган, мустақил қарор қабул қила оладиган кадрлар тайёрлаш, уларнинг интеллектуал қобилиятларини намоён этиши ва маънавий баркамол шахс сифатида шаклланиши учун зарур шарт-шароит яратиш, соҳада соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, жаҳон миқёсидаги рақобатбардошлигини таъминлаш бугунги кун олий таълим тизимининг долзарб вазифаларидан ҳисобланади. Айни шу вазифаларни амалга ошириш ва бу борада вужудга келадиган муаммо ва камчиликлар юзасидан фикр алмашилади, олий таълим тизими фаолиятини такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилади.

Олий таълим ислоҳотларининг муҳим қирраларидан яна бири ёшларимизнинг бир вақтда бир нечта олий ўқув юртига ҳужжат топшириш масаласи эди. Мамлакатимизда анча йиллардан буён фаолият юритаётган хорижий олий таълим масканларининг қабул жараёнига ҳавас билан қараб келар эдик. Зеро, бир вақтнинг ўзида мамлакатимиздаги ҳамма хорижий олий ўқув юртларига ҳужжат топшириш мумкин эди. Бу ҳолат бизни ҳам ҳайратга солар, ҳам ҳавасимизни келтирган. Президентимиз айнан ана шу масалада “Ёшларимизга бир вақтнинг ўзида бир нечта олий ўқув юртига ҳужжат топшириш имкониятини беришимиз, ўйлайманки, уларнинг таълим олиш ҳуқуқларини кенгайтиришга хизмат қилади”, - деб таъкидлаган эди. Ҳеч қанча вақт ўтмай ёшларимиз шундай имкониятга эга бўлди.

Дунё тажрибасида таълим сифатини оширишга хизмат қиладиган энг асосий омиллардан бири таълим муассасалари ўртасида соғлом рақобат муҳити ҳисобланади. Соғлом рақобат таълим сифати, маданиятини шакллантирувчи, ўзини-ўзи ривожлантиришга муҳит яратувчи салмоқли кучдир. Шунинг учун ҳам кейинги йилларда олий таълим тизимига нодавлат ва хусусий секторнинг, шунингдек, кўплаб хорижий олий ўқув юртлари ва филиалларининг кириб келиши ижобий ҳолат бўлди. Бир жиҳатдан олий таълимнинг қамрови кенгайса, иккинчидан, давлат ва нодавлат таълим муассасалари ўртасида ижобий маънодаги ўзаро рақобатни таъминлайди, тизимда бозор қонунлари ишлай бошлайди. Зеро, унинг натижаси муҳим ҳисобланади, чунки ҳар бир олий ўқув муассасаси сифатли кадрлар тайёрлаш учун курашади. Шиддат билан ривожланаётган бугунги мамлакатимизда рақобат ва бозор сифатсиз маҳсулотларни қабул қилмайди. Натижада рақобатбардош маҳсулот яратиш ҳар бир олий таълим муассасасининг асосий мақсадига айланади, натижа кутилганидек юқори бўлади. Шуларнинг ўзиёқ таълимдаги ислоҳотлар чуқур ўйланган ҳолда олиб борилаётганини англатади.

Тизимдаги ислоҳотларнинг энг муҳим жиҳатларидан бири шундаки, олий таълим билан ишлаб чиқариш ўртасидаги алоқадорлик интеграциясини вужудга келтириш бўлди. Зеро, ҳамкорликсиз юқори малакали, замон талабидаги кадрлар тайёрлаш мумкин эмас.

Хуллас, жадал ривожланиб бораётган таълим тизими, илм-фан ва технологиялар мутлақо бошқача мутахассисни тайёрлашни давлат ва жамият олдига вазифа қилиб қўймоқда. Бу эса дунё меҳнат бозорида рақобатбардош, интеллектуал салоҳияти ва профессионаллик даражаси юқори мутахассис-кадрни тайёрлашни, ва бу мутахассис касбий маҳоратидан ташқари хорижий тилларни ва замонавий компьютер технологияларини яхши ўзлаштирган бўлишини талаб қилади. Давлатимиз раҳбари томонидан мактабгача ва бошланғич таълимга ва умуман таълим тизимига эътиборнинг кучайтирилиши жамиятимизнинг ҳар бир

фуқаросидан, айниқса, таълим ва илм-фанга масъуллардан, боғча мураббийсидан тортиб, мактабдаги муаллимлар, олий мактабдаги профессор-ўқитувчилардан ижтимоий онги, тафаккури юқори, ватанга содиқ ёшларни тарбиялаш масаласига ўта жиддий ёндашишни тақозо этади.

**Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати**


1. Ўқитувчи ва мураббийлар – янги Ўзбекистонни барпо этишда катта куч, таянч ва суянчимиздир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўқитувчи ва мурабийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи // Халқ сўзи, 2020 йил 1 октябрь.
2. Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.09.2020., 1313-сон
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 01.08.2018., 1269-сон
5. Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.10.2019., 3887-сон
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2018 йил 28 декабрь. – www.uza.uz.
7. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак, www.press-service.uz


## РАЗВИТИЕ ТРАДИЦИОННОГО НАРОДНОГО ТВОРЧЕСТВА НА СЕЛЕ В УСЛОВИЯХ НЕЗАВИСИМОСТИ

***Ч.Х.Темирова – к.и.н., доц. Каршинский институт ирригации и агротехнологии***

Южные регионы Узбекистана издавна были основным регионом, где хорошо сохранился фольклёр, национальная музыка и национальные традиции. Не одно культурное мероприятие невозможно представить без творческих коллективов самодеятельности. За годы независимости были созданы широкие возможности для развития такого вида коллективов. Год за годом коллективы художественной самодеятельности совершенствовали свое мастерство, обогащали свой репертуар новыми, разнообразными и красочными песнями, внесли свой огромный вклад в развитие узбекского народного искусства. В связи с этим уместно вспомнить следующие слова первого Президента Республики Узбекистан И.А.Каримова: «Развитие высоких духовных качеств в обществе, формирование национальной идеологии, воспитание молодёжи в духе нашего богатого культурного наследия, уважение к нашим историческим традициям, общечеловеческим ценностям, любовь к Отечеству и патриотизм, преданность идеям независимости - это важная задача, решающий фактор всех реформ в нашей стране»[1].

В годы независимости особое внимание уделялось изучению, популяризации и развитию народного искусства. Например, Каххор Бахши Кадыров рассказывает: “В советское время мы потеряли возможность безопаски играть на своих домбра (народный инструмент), со страхом приспосабливались к времени, были лишены петь свободно. Благодаря независимости нам посчастливилось воспевать богатое наследие наших предков. В качестве доказательства могу сказать, в 1997 году

благодаря независимости я побывал в Соединенных Штатах, где продемонстрировал наше национальное искусство. В сборниках и эпосах наряду с великим наследием наших предков, имеют своё место и современные темы. Сегодня в моем репертуаре более 40 сборников и дастанов, 15 из которых сочинил я сам". Интерес к этому вопросу усилился в государственном масштабе. В целях совершенствования данной сферы правительством Республики Узбекистан были разработаны и реализованы в жизнь ряд мероприятий.

Первый фестиваль традиционной культуры «Асрлар Садоси» состоялся в 2008 году в селе Кайнар Китабского района недалеко от города Шахрисабз, культурного и исторического центра и места рождения Амира Тимура, и в нём приняли участие 30000 человек. «Небольшой городок, состоящий из красочных шатров, возник на шести холмах под открытым небом, где мастера прикладного искусства, художники, дизайнеры, повара и другие деятели культуры и искусства со всех уголков Узбекистана представили свои шедевры. В рамках фестиваля была проведена выставка-ярмарка керамики, чеканки монет, искусства золотошвейного шитья, миниатюры, текстиля, гравировки по дереву и национальных кукол. Фестиваль «Асрлар садоси» - это ежегодный фестиваль народных традиций и обычаев, прикладного искусства, национальной кухни и музыки, который проходит каждый раз в разных городах Узбекистана. Обычно фестиваль проводится весной, в мае, и длится 2 выходных дня, на протяжении которых происходят массовые костюмированные народные гуляния с песнями, танцами, народными играми и состязаниями, которые устраиваются под открытым небом. Ежегодно фестиваль собирает более тысячи участников: фольклорных коллективов, ремесленников, спортсменов, музыкантов, поваров и других, также десятки тысяч зрителей - туристов и жителей Узбекистана. На два дня улицы города превращаются в огромный восточный базар, на котором можно приобрести шелковые ткани, роскошные ковры, ароматные специи, узорчатую керамику, а также отведать национальные узбекские блюда: золотистый плов, сочные шашлыки, тающую во рту самсу и, конечно же, узбекский хлеб - румяные и хрустящие лепешки. Главным организатором этого фестиваля является Фонд Форум культуры и искусства Узбекистана. С 2009 года фестиваль «Асрлар садоси» стал проводиться в сотрудничестве с ЮНЕСКО: два фестивальных дня было организовано в Ташкентской области. В 2010 году фестиваль проходил в Хиве, на территории исторического памятника Ичан-Кала, в 2011 - в Бухаре, в 2012 году местом проведения фестиваля стал город-крепость Топрак-Кала в Каракалпакстане. В 2013 году «Асрлар садоси-2013» прошел в Навоийской области близ ущелья Сармыш-сай. По традиции, сложившейся в течение этих в дни фестиваля организаторы проводят круглые столы, семинары и мастер-классы по культуре, проблемам экологии, развитию национального искусства, на которые приглашаются специалисты, ученые и международные гости[2]. В завершение второго дня фестиваля всех его участников и зрителей ожидает заключительный гала-концерт фольклорной музыки, на котором выступают творческие коллективы со всех регионов республики.

В развитии традиционного народного искусства особое место занимают самодеятельные кружки. Более 60 процентов самодеятельных организаций состоят из школьников, более 70 процентов участников культурно-просветительских мероприятий - составляет молодёжь. За последние годы увеличилось количество детских и подростковых самодеятельных организаций. Например, если в 1989 году было зарегистрировано 3716 организаций, объединяющих 55684 детей, то в 1992 году количество самодеятельных организаций увеличилось до 4666, число членов достигло - до 76107. В Сурхандарьинской и Кашкадарьинской областях наблюдался

рост количества художественных коллективов самодеятельности. Например, в Сурхандарьинской области в 2004 году было зарегистрировано 595 художественных коллективов, а в 2008 году их количество увеличилось до 608. В Кашкадарьинской области их количество увеличилось с 328 до 352[3].

В результате принятых мер в 1995 году количество художественных творческих коллективов в Сурхандарьинской области достигло 610, а число их участников - 7966 человек. Одним из самых активных коллективов области являлся ансамбль народной песни и танца «Кумуш тола» Шурчинского района, занявший почётные места на республиканских конкурсах - “Наврўз - 95”, “Оилавий ансамбль”, “Пианиночилар танлови”, “Ёш мусиқачи - 95”, “Истеъдод - 95”. Сельские деятели культуры стали главными участниками крупных праздничных церемоний в Узбекистане. Стали принимать активное участие в праздничных мероприятия, посвященных ко Дню Независимости и в праздновании Навруза. Творческие коллективы участвующие на мероприятиях крупных праздников определялись с помощью различных конкурсов. Например, право принять участие в праздновании 4-й годовщины независимости завоевали танцовщицы песенно-танцевального ансамбля «Сурхон Гуллари» из Джаркурганского района и самодеятельный фолклорный ансамбль состоящий из 70 человек «Навнихол» из Деновского района. В связи с опубликованием Постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан от 5 декабря 1995 года “О проведении песенных конкурсов на тему “Узбекистан - моя Родина””, посвященных 5-летию независимости Республики Узбекистан» во всех библиотеках и клубных заведениях среди населения были проведены работы по распростронению Устава высшеуказанного конкурса. Также были организованы встречи, с целью успешного проведения конкурса, в свою очередь были созданы все условия для сольных певцов и командных коллективов участвующих в конкурсе.

Произведения народных музыкантов - исполнителей на различных народных инструментах, певцов, сказителей-бахши, танцоров из поколения в поколение передавались в устной форме. И только в XX веке благодаря нотной и особенно звуковой записи появилась возможность услышать и изучить их опыт. Однако не только жизнь и творческий путь видных музыкантов из народа, их вклад в развитие национальной музыкальной культуры, но зачастую имена многих из них до самого последнего времени были мало кому известны. Интерес к ним в настоящее время объясняется тем, что они были исполнителями народного песнетворчества - самой разнообразной и богатой по содержанию, совершенно зрелой по художественной мысли и законченной по своему строению формы народного музыкального искусства.

Сейчас ни у кого уже не вызывает удивления широкое проникновение фольклора (а точнее, фольклорного репертуара) на концертную эстраду, радио и телевидение, тот размах, который принимает его тиражирование на грампластинках, дисках, аудиокассетах, теле- и кинолентах. С обретением независимости в Узбекистане стали создаваться новые фольклорно-этнографические ансамбли, основной целью которых было, во-первых, «вдохнуть в фольклор» - особенно традиционный - «новую жизнь», новые силы, помочь ему избежать забвения, обратив памятники народного музыкального творчества в живой, функционирующий (пусть на иной основе) организм. Во-вторых, путем живого общения проводить широкую пропаганду произведений фольклора, зафиксировать его с помощью тех средств, которыми располагает в данный момент общество. Способ исполнения является одним из компонентов народной песни как синкретического искусства. Все три компонента песни - слово, напев и способ

исполнения - неразделимы и взаимно влияют друг на друга. Ранние сборники узбекских народных песен содержат в основном тексты. Интерес к этнофольклорной зоне Байсуна начался в последнее десятилетие XX столетия что, отчасти, связано с деятельностью фольклорно-этнографического ансамбля «Бойсун». Следует отметить, что своеобразие, опосредованность звучания и восприятия выступают особенно заметно, если произведение включается в контекст какого-либо традиционного действа, обычая, обряда. Оно словно обретает дополнительное обрамление, определяющее, или, во всяком случае, регламентирующее его смысл. Разумеется, в каждом жанре данный процесс протекает по-разному. Песни ансамбля «Бойсун» во многом связаны с сельским бытом. Определенное воздействие обряда улавливается в песнях «Суст хотин», «Шохмойлар», «Муборакбод», «Якку, якку-як» и другие.

Народно-эпические сказания дастаны с речитативно-гортанной манерой пения в сопровождении домбры представлено шерабадско-байсунской исполнительской школой бахши-шоиров, носителем традиций которой был Шерна бахши, ныне его ученики - Шоберди Болтаев (кишлак Мунчок) и Абдуназар Поёнов (кишлак Хонком), Народные бахши Узбекистана (они выступают во многих зарубежных странах). Носители народного эпоса подразделяются на бахши-шоиры (сказители дастанов) и бахши-термачи (исполнители терма - песен).

В целях охраны, сохранения и популяризации были проведены целевые научные экспедиции (2002-2005) при поддержке ЮНЕСКО и Трастового фонда правительства Японии по изучению феномена Байсуна. Главное внимание уделено историко-этнографическим особенностям Байсуна, его аутентичным обрядовым традициям, искусству народного ремесла, устному народному творчеству и музыкальной культуре, народным играм и эпическим сказаниям. Изданы - две монографии «Байсун» (Атлас художественных ремесел и Традиционная музыкальная культура. 2006 год, на английском и русском языках). Сборник "История и традиционная культура Байсуна" (2005), сборники материалов научных конференций, альбом первого фестиваля «Бойсун бахори», аудио диски «Традиционная музыка Байсуна», видео фильм по материалам экспедиций и мультимедиа «Байсун», при фольклорном ансамбле «Бойсун» функционировала Академия фольклора для детей. Самые значительные - это проведение Открытого фольклорного фестиваля «Бойсун бахори» и в его рамках Международная научная конференция (2002-2006). При поддержке ЮНЕСКО открыт и функционирует Центр народного творчества с музеем «Прикладное искусство Байсуна» с мастерскими народных ремесленников, функционирует школа «Устоз-шогирд» (мастер-ученик) по вышивке и ковроделию. В рамках фестиваля проведены ярмарки народных промыслов, показ традиционной и современной моды, демонстрация фольклорных спектаклей Академического национального театра и Сурхандарьинского областного театра, проведена реконструкция мастерской мастера - керамиста Иззатулла Эшонкулова с целью возрождения байсунской керамики. Весь собранный материал лёг в основу государственного инвентаря «Культурное пространство Байсуна», включающая описание более 20 объектов НКН Байсуна. Строительство железной дороги «Кумкурган-Байсун-Гузар» оживил приезд иностранных туристов в этот уникальный историко-этнокультурный край.

Успехи любительского музыкального движения демонстрируются на многочисленных конкурсах и фестивалях республиканского и международного масштабов, на общенациональных праздниках Навруз и Мустакиллик. Достижения бесспорны, а исполнительский уровень многих фольклорных ансамблей удивляет и радует. Почти во всех районах Кашкадарьинской области функционируют

фольклорные ансамбли, ряд из них удостоен звания «Народный фольклорный ансамбль». Ансамбли вносят свой вклад в сохранение обрядов и обычаев и в целом - в развитие традиционного фольклорного искусства. Именно фольклорно-этнографические ансамбли способствуют приобщению к большому искусству, насыщению повседневного музыкального быта, возрождая естественное музыкальное общение на материале и в духе местных песенных традиций. Характерной тенденцией в таких коллективах является стремление создавать собственный репертуар с учетом традиционной культуры, прежде всего местных фольклорных традиций, в частности, кашкадарьинских.

Деятельность многих фольклорно - этнографических ансамблей на местах - неиссякаемый источник музыкальной активности. Среди его участников - носители подлинного музыкального наследия Узбекистана. А участие в этих ансамблях дает возможность молодежи не только сохранять народные традиции, но и осваивать принципы устного музицирования, в частности, локальные особенности фольклорного исполнительства. Деятельность фольклорных ансамблей на местах всячески поддерживают местные локальные музыкальные традиции, которые складывались на основе многолетних устойчивых личных контактов участников творческих народных коллективов.

С каждым годом стал расти интерес к фольклорно-этнографическим коллективам. Например, только в 2005 году в Кашкадарьинской области были созданы фольклорно-этнографические ансамбли «Алпомиш» в Дехканабадском районе, «Нурафшон» в Нишанском районе, «Махаллада дув-дув гап» в Камашинском районе, «Обиравон» в селе Оброн Касанского района. В Узбекистане часто проводятся выставки национальных музыкальных инструментов. Традиционные музыкальные инструменты Узбекистана - неотъемлемая часть многовековой музыкальной культуры узбекского народа. Ни одно торжество, будь то свадьба или государственный праздник, не проходят без их сопровождения. История традиционных народных музыкальных инструментов Узбекистана невероятно богата и разнообразна, и самыми древними из них можно назвать ударные инструменты, дошедшие до наших дней почти без изменений. Самым любимым ударным инструментом является дойра, а также такие инструменты как - рубаб, сато (по другому «танбур»), сурнай, най, дутар, гиджак. Отметим, что многие из перечисленных инструментов можно услышать вживую. В ходе мероприятия известные исполнители и танцевальные коллективы порадовали поклонников прекрасного своим мастерством игры на народных музыкальных инструментах. Все эти инструменты, имеющие тысячелетнюю историю, и сегодня звучат также чарующе, как и тысячу лет назад.

25-27 января 2008 года в Ташкенте прошла «Выставка национальных музыкальных инструментов», в которой активное участие приняли мастера фольклорно-этнографического народного коллектива Байсун Н.Хурсандов, М.Ахмедова и Б.Худойкулов, которые продемонстрировали музыкальные инструменты сделанные своими руками.

В последние годы проводятся семинары по совершенствованию работы художественной самодеятельности южных областей Узбекистана. 9 февраля 2008 года в сельском доме культуры Занг Ангорского района был проведен учебный семинар на тему «Новый метод работы клуба». 21 апреля 2008 года в Доме культуры Шурчинского района был проведен семинар творческих коллективов района на тему «Развитие, опыт и проблемы коллективов творческой самодеятельности». За годы независимости было проведено множество конкурсов по развитию искусства бахши - одного из уникальных шедевров фольклора, основной целью которого было то

чтобы наша молодежь не забыла древние народные песни, традиции и обычаи. Также были организованы кружки бахши, чтобы на досуге молодёжь занималась творчеством. За пределами Узбекистана Абдуназар Поёнов давал выступления во Франции, Бельгии, Швейцарии, Тайване, Турции, Азербайджане, Казахстане и Киргизии. Журналист и фотохудожник Хусниддин Ато отозвался об Абдуназаре Поёнове как об очень общительном человеке, который продолжает постоянные творческие поиски, несмотря на значительный возраст. Он отметил, что готовясь к концерту в Ташкенте в 2016 году, Абдуназар бахши специально выучил дастан «Келиной». В 2006 году Абдуназар бахши Поёнов был награждён памятным знаком «15 лет независимости Республики Узбекистан». Панджи Бахши Таджиев из Кызырикского района в 1999 году занял почётное место в международном конкурсе бахши-поэтов и акынов, посвященном 1000-летию эпоса “Алпамыш”. В годы независимости самыми известными бахши-поэтами южных областей Узбекистана были признаны Махманов Шомурод Тогаевич, Раджабов Махматмурад Исмоилович, Шомурод бахши Болтаев, Чоршанбиев Ачил бахши. За годы независимости возрос интерес к традиционному народному творчеству. Особое место в этом занимают культурно-образовательные учреждения. В культурно-образовательных учреждениях работы пропаганы народного творчества осуществлялись в разном масштабе и по разным методам. В сельской местности использование и популяризация традиционных форм народного искусства было намного проще, чем в городах.

Народный фольклор, в особенности народный эпос – это культурное достояние узбекского народа. Значение его непреходяще. Эпические традиции берут начало в далеком прошлом, но и у народов Узбекистана они живут и развиваются и поныне. Феномен живого эпоса в конце XX века сам по себе представляет факт огромного значения для истории культуры. Между тем эпос живет постольку, поскольку живет и музыкально, и поэтически. И это связано с искусством бахши-шаиров (достончи, жырау, баксы, юзбоши, санновчи) - народных сказителей, создателей и хранителей эпических традицией, популяризаторов исполнительства дастанов, сочетающих в себе рассказчика, поэта, музыканта, певца и актера, которые передают своим искусством величайщие творения народа - дастаны. Он является мастером и импровизатором слова-рассказа, искусным музыкантом (мастерски владеет определенным музыкальным инструментом), певцом (владеет навыками традиционного пения), мимикой и пластикой сопровождает действие.

Содержания дастанов проникнуты идеями патриотизма и гуманизма, преданности и любви, дружбы и братства. При этом свобода фантазии диктует ту мощь эстетического обобщения, которая свойственна лучшим дастанам, народному эпосу вообще, то есть всё направлено художественному воплощению народного идеала. Ведь дастан рассчитан не просто на устное исполнение. Он в равной мере произведение и прозаическое, и поэтическое, и музыкальное. Бахши его не читает, а поёт. Поет в сопровождении домбры или инструментального ансамбля, вся художественная композиция, все образные средства выражения и изображения рассчитаны на это утроенное восприятие слушателей. И все это создает разнообразные и эстетические комбинации, рождает неизмеримо более сложный и обильный спектр слушательских настроений. В дастанах слово, стих, текст несут все-таки основной смысловой и художественный груз того громадного каравана поэтических картин, каким является эпическое повествование. И они намного естественнее, эмоциональнее звучат в музыкальном исполнении

**Литературы:**

1. Темирова Ч.Социально-культурные развития сёл Узбекистана. США. 2022.- стр 114.
2. Темирова Ч.Социально-культурные развития сёл Узбекистана. США. 2022.- стр 144.
3. Тот же. стр -178.

## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ЖАРАЁНЛАРИДА АЁЛЛАРНИНГ ИШТИРОКИ (АНДИЖОН ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)

***Д.Т.Собирова – т.ф.н., доцент. Андижон давлат университети Ўзбекистон тарихи кафедраси***

Мамлакат ижтимоий – иқтисодиётини модернизациялаш ва интеграциялаш жараёнларида кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолияти истиқболли меҳнат фаолият тури бўлиб, унинг ривожи асосида инновацион ўзгаришлар юз бериши жаҳон ҳамжамияти томонидан исботланган, хусусан, турли қулайликларга эга бўлган сўнгги замонавий технологияларнинг пайдо бўлиши, жаҳон стандартлари талабларига жавоб бера оладиган янгидан-янги харидоргир маҳсулотнинг яратилиши ҳамда аҳоли, жумладан, аёл-қизларнинг бандлигини таъминлашнинг самарали ва синалган усулларидан бири эканлиги тан олинган.

Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиёти негизини хилма хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлаган [1, 18-б].

Сўнгги йилларда аёллар тадбиркорлигини замон талаблари асосида ривожлантириш устувор масалага айланди, бу эса бевосита шу соҳадаги қонунчилик асосларини такомиллаштириб боришни талаб этди. Мазкур фаолиятга доир янгидан фармон ва қарорларнинг қабул қилиниши эса соҳа ривожини бир неча баробарга оширди. Хотин-қизларнинг ҳақ-ҳуқуқларини кафолатловчи норматив-ҳуқуқий базанинг янгиланиши ўз бизнесини бошлаётган тадбиркор аёлларга жуда қўл келди. Масалан, 2018 йил 2 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5325-сон ва 2018 йил 7 июндаги “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастурини амалга ошириш тўғрисида”ги ПҚ–3777-сон, 2019 йил 7 мартдаги “Ҳудудларда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4231-сон, 2019 йил 7 мартдаги “Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4235-сон, 2021 йил 5 мартдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5020 сон, 2021 йил 27 мартдаги “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида амалга ошириладиган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5041 сонли қарорлари қабул қилинди. 2021 йилнинг 22 февраль куни давлатимиз раҳбари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши сессиясида нутқ сўзлаб, ижтимоий-сиёсий ҳаётда ва тадбиркорлик соҳасида аёлларнинг ролини тубдан оширишга қаратилган ишлар қатъий давом эттирилиши ҳақида таъкидлаб ўтди [4]. 2022-2026 йилларга мўлжалланган “Янги Ўзбекистон Тараққиёт

стратегиси”да хотин-қизларнинг муносиб иш топишларига ҳар томонлама кўмаклашиш, аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш алоҳида белгиланди [3]. Хотин-қизларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш, улар билан манзилли ишлаш мақсадида “Аёллар дафтари” тизими жорий этилиб, Давлат бюджетидан ҳар йили 300 млрд сўм маблағ ажратиб бориш йўлга қўйилди. Аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш мақсадида 224 мингдан ортиқ хотин-қизга жами 6,9 трлн сўм миқдорида имтиёзли кредит ажратилди [2].

Соҳада олиб борилаётганислоҳотлар халқаро рейтинглардаги мамлакатимиз ўрнига ижобий таъсир кўрсатиб, Жаҳон банкининг Аёллар, бизнес ва қонун индексида Ўзбекистон 2020 йилда хотин-қизлар ҳуқуқлари ва гендер тенглик бўйича аҳамиятга молик ислоҳотларни амалга оширган 27 та давлат қаторига киритилди ва 5 поғонага юқорилаб, 190 та давлат орасида 134-ўринни эгаллади. Яратилган имкониятлар натижасида ҳозирда Ўзбекистонда тадбиркор аёлларнинг бизнесдаги улуши 39 фоизни ташкил этмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда аёллар роли ва ўрни ҳамда аёллар меҳнатидан фойдаланиш масалаларига оид фундаментал-назарий ва амалий муаммолар республикамизнинг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг бир қатор асарларида ўрганилган.

Мамлакатнинг шарқий ҳудудида жойлашган Андижоннинг бугунги иқтисодиёти истиқболини белгилаб берадиган асосий омиллардан ва ички имкониятларидан бири ҳам бу – кичик бизнес ва тадбиркорликдир. Бугунги кунга келиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кенг қўллаб-қувватланаётганлиги самараси ўлароқ уларнинг сони ва вилоят иктисодиётидаги салмоғи тобора ортиб бормоқда.

Мамлакат мустақиллиги йилларида Андижонда хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллиги ўзига хос тарзда ўсиб борди. Шу жумладан, аёллар тадбиркорлиги ва хотин-қизлар бандлиги масаласи долзарблиги билан алоҳида аҳамият касб этди. Масалан, Марказий Осиё давлатлари орасида биринчи бўлиб 1993 йил тикув машинаси айнан Андижонда яратилди [23]. 1994 йилнинг кўплаб фидойи инсонлар қатори Андижон бадиий буюмлар фабрикасида фаолият олиб борган каштачи Оминахон Маллабоева, попопчилар Матлубахон Усмоналиева ва Шоҳидахон Алқосимовалар – Бобур сиймоси туширилган “Мато” каштачилик асарлари учун Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 510 йиллиги муносабати билан таъсис этилган “Бобур” мукофоти совриндори бўлишган [24]. 1998 йил сентябр ойида Андижон вилоят товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар Палатаси таркибида Республика Халқаро Бизнес Мактаби Андижон филиали сифатида ташкил этилди. Мазкур мактабда талабалар тадбиркорлик, молия, менежмент, ҳуқуқшунослик, ҳисобчи-аудитор мутахассисликлари бўйича илм олишган. Уларга 3 нафар фан доктори, 15 нафар фан номзоди, 20 нафардан ортиқ малакали ўқитувчилар таълим беришган [19]. 2002 йилда Андижон вилояти Андижон шаҳридаги Бизнес мактабининг 3-курс талабаси Дадахўжаева Нилуфар Рафуқжановна Зулфия номидаги давлат мукофотига сазовор бўлган [35].

Андижонлик Манзурахон Юсупова ясаган миллий қўғирчоқ ўйинчоқлар нафақат юртимизда, балки чет элларда ҳам ўз харидорига эга. Унинг тадбиркорлиги шундаки, қадрлаган касбининг ортидан кўплаб шогирдлар орттирди. Уларни иш билан банд қилди. “Ҳунарманд” уюшмасининг Андижон вилояти бўлими раиси сифатида кўплаб ҳунарманд аёл-қизларга йўл-йўриқ кўрсатиб устозлик қилди [22].

Марҳаматлик тадбиркор аёл Мавлуда Шодмонова ўзининг кўп йиллик меҳнатлари асносида туманда кўплаб ижтимоий иншоотлар қурилишига (“Барҳаёт Нозимжон файзи” фирмаси, “Жасмина” номли болалар боғчаси, “Шаҳноза” номли

трикотаж фабрикаси, “Мадина” номли нон ва нон маҳсулотлари корхонасини бошқаришда) бош-қош бўлиб, кўплаб аёл-қизларнинг иш билан таъминланишига сабабчи бўлди [31].

Андижонда хотин-қизлар бандлигини таъминлаш тадбиркорликни, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш “Устоз – шогирд” анъаналари асосида ҳунармандчилик билан шуғулланишни тарғиб этиш, аҳоли томарқаларидан самарали фойдаланиш, пиллачилик соҳасида касаначиликни кенгайтириш орқали бандлини таъминлаш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 21 августдаги “Андижон вилоятида хотин-қизларни иш билан таъминлаш, улар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 703-сонли қарори минглаб тадбиркор аёл-қизларимизни мустақил равишда ўзининг шахсий корхонасини бошқаришига янада кенг имкониятлар эшигини очиб берди [5].

Ҳозирда 1995 йил Андижон шаҳар тадбиркор аёллар уюшмаси номи билан ташкил этилган, 2015 йил 3 июлда Андижон вилояти Адлия бошқармасидан томонидан қайта ташкил этилган “Тадбиркор аёл” Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси вилоят ҳудудий бўлинмаси фаолият олиб бориб унга Наргиза Мирзалимова раҳбарлик қилмоқда. 2021 йилда Ассоциация вилоят ҳудудий бўлими сафига 1 минг 700 нафарга яқин фаол ва илғор тадбиркор аёл бирлашган. Уларнинг 401 нафарини ёш тадбиркор, 367 нафарини якка тартибдаги, 112 нафарини оилавий тадбиркорлик билан шуғулланувчи, 218 нафарини фермер, 554 нафар ишлаб чиқариш йўналишида иш олиб бораётган хотин-қизлар ташкил этади. Ташкилот 2020 йил Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди томонидан “Аёл ва ёшларни тадбиркорликка йўналтиришда жамоат ташкилотларининг тижорат банклари билан ҳамкорликни кучайтириш” номли грант лойиҳаси ғолиби бўлди. Ҳозирги кунга қадар ташкилот 240 нафар хотин-қизларга имтиёзли кредитлар олишида кўмаклашди. Ушбу ташкилот бугунги кунда нафақат республикада, шунингдек, хорижий давлатлар (жумладан Туркия, Германия) билан биргаликда ижтимоий ҳамкорликни йўлга қўйган. Ассоциация қошида 4 та (2017 йил “Дизайнерлар маркази”, 2019 йил Андижон Маҳаллий Ривожланиш маркази, 2020 йил Бўстон Маҳаллий Ривожланиш маркази, 2021 йил Избоскан Маҳаллий Ривожланиш маркази) тадбиркор аёл-қизлар марказлари ташкил этилган [34].

Умуман олганда, бугунги кунда аёллар тадбиркорлигини ривожлантирилиши хотин-қизларни ижтимоий-иқтисодий демократик ўзгаришларга жалб этишнинг самарали усулларидан бири сифатида ўзини оқламоқда. Яъни тадбиркорлик жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий асосини ташкил этадиган шахсларнинг эркин ихтиёрий меҳнат тури сифатида хотин-қизларимизда иқтисодий-ижтимоий, демократик қадриятларни шакллантирмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, жамиятда ижтимоий-иқтисодиёт ривожи ортидан кўплаб соҳалар тараққий этади. Жамият аҳолисининг ярмини эса аёллар (2022 йил 1 январь ҳолатига кўра 17,5 миллион нафарни) ташкил қилмоқда. Аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигининг оширилиши – мамлакат иқтисодиёти трансформацияси шароитида жамиятда инновацион ғоя ва замонавий қарашларга эга шахслар сафи кенгаяди, ўз навбатида аҳоли бандлигининг таъминланиши – меҳнат салоҳиятининг ошишига, иқтисодий ўсиш ва ривожланишнинг тезлашиши эса – аҳоли турмуш даражасининг янада яхшиланишига хизмат қилади.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент, 2019.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2021 йил 28 майдаги “2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясини тасдиқлаш ҳақидаги” СҚ-297-IV-сонли Қарори. https://lex.uz/docs/5466673 Мурожаат этилган сана 11.02.2022
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ПФ-60-сонли фармони. (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон)
4. Президент Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясидаги нутқи. https://president.uz/uz/lists/view/4179 мурожаат этилган сана 21.02.2022
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 21 августдаги “Андижон вилоятида хотин-қизларни иш билан таъминлаш, улар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 703-сонли қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 22.08.2019й., 09/19/703/3604-сон.
6. Бандликнинг самарали сиёсати: аёлларнинг меҳнат қилиш имкониятларини амалга ошириш. UNDP (O’zbekistan)//. Таҳлилий маъруза. (ўзбекча таҳрири). Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги. Тошкент.,-2010.,43-Б.
7. АНДИЖОН. Заҳириддин Муҳаммад Бобур Энциклопедияси. – Тошкент: Sharq, 2014. 744 б.
8. Шамсутдинов Р. Жасоратларга тўла ҳаёт соҳиби., 1991, 55-56 бетлар. http://www.andstat.uz/uz/142-chorak-natijalari/2323-o-zbekiston-respublikasining-makroiqtisodiy-ko-rsatkichlari-3
9. Сафаева С. Аёллар масаласи: умумижтимоий ва миллий жиҳатлари. Фалсафа фан номз. дисс... – Тошкент, 2002. – 186 б.

## 1920-1924 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН АҲОЛИСИ ИЖТИМОИЙ ҲАЁТИ ВА УНИНГ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ИШИГА ТАЪСИРИ (XX АСР МИСОЛИДА)

***Ғ.Ҳ. Каромов – т.ф.ф.д, Қарши давлат университети***

Хоразм Халқ Совет Республикаси (ХХСР) 1920-1924 йилларда ўта мураккаб, яъни уруш, иқтисодий инқироз, қарама-қарши кучларнинг ўзаро кураши авж олган бир шароитда яшаб ўтди. 1920 йил апрелда I Бутунхоразм қурултойида Хоразм Халқ Совет Республикаси тузилганлиги эълон қилиниб, янги ҳукумат Халқ Нозирлар Кенгаши тузилди ва унинг таркибига 5 та аъзо киритилди [1,7]. Республикада янги ҳукумат совет тартибларини жорий этиш жараёнида хон ва унинг амалдорлари, йирик ер эгаларига қарашли ер-мулклар, тўқай ва кўллар, меҳнат қуролларини национализация (давлат ихтиёрига ўтказиш) қилиб, ерсиз ва кам ерли деҳқонлар, батракларга тақсимлаб берди. Зироат нозирлиги 1920 апрель -1921 йил март ойларида давлат хазинасига 2 млн. сўм даромад туширди [10,51].

Хоразмдаги ноқулай ижтимоий-сиёсий вазият, иқтисодий ночорлик соғлиқни сақлаш ишларини кенг кўламда ташкил этишга тўсқинлик қилди. Шаҳарларнинг санитария ҳолатининг ёмон аҳволдалиги, шаҳар кўчалари тор ва ифлослиги, ахлатлар ҳар жойга ташланганлиги, ичимлик суви танқислиги, аҳоли турли очиқ сув ҳавзаларидан фойдаланиши каби омиллар туфайли турли касалликлар тарқалди. Аҳоли асосан очиқ ҳовузлардан сув истеъмол қилди. Ҳовузлардаги сув бир неча кунлаб алмаштирилмади, уларга қўл-оёқлар, идишлар ботириб олинади. Шаҳардаги оқар ариқлар яқинига ҳожатхоналар жойлаштирилди. Чиқиндилар ташланадиган ахлатхоналар мавжуд эмас эди.

Хива шаҳрида аҳоли асосан қалъа ичкарисида яшаб, уларни тоза ичимлик суви билан таъминлашда муаммолар мавжуд эди. Қалъа атрофидаги хандақлар сув билан тўлдирилганлиги туфайли кўплаб ҳашаротлар учун маконга айланган. Бундан ташқари Хоразмнинг барча ҳудудларида шоли экиладиган дала майдонларининг кўплиги йиғилган, ифлосланган сув ҳавзаларининг кўпайишига асос бўлди. Аммо Хоразмда безгакка қарши кураш учун қулай шарт-шароит мавжуд эди: биринчидан, шаҳар қалъалари ичида сув ҳавзаларининг йўқлиги; иккинчидан, қишда қалъа атрофи ариқларига сув келишининг тўхташи; учинчидан, қалъа атрофида аҳоли зичлиги туфайли ботқоқликларнинг камлиги; тўртинчидан, безгак тарқатувчи чивинларнинг қишда ҳалок бўлиши кабилар шулар жумласидандир.

Соҳа фаолияти қатъий режаларсиз, тартибсиз равишда йўлга қўйилди. Белгиланган чора-тадбирларнинг узлуксизлиги таъминланмаганлиги натижасида шаҳарларнинг санитария ҳолати ёмонлашиб, қишлоқларда турли эпидемияларнинг тарқалиши жараёни тез-тез юз берди. Ушбу ҳолат республика соғлиқни сақлаш тизими бошқарувини кучайтириш, соҳага ажратилган маблағларни кўпайтириш, қўшимча тиббий ёрдам экспедицияларини жалб этишни талаб қилди.

Хоразмда ижтимоий касалликлардан тери-таносил касалликлари кенг тарқалди. Аҳоли орасида санитария маорифи иши сустлиги, ижтимоий ҳаётнинг ночорлиги бу турдаги касалликларнинг кўпайишида асосий омиллардан бири бўлди. Бозор ва бошқа жойларда идиш-товоқлар ва чилимдан умумий фойдаланиш касалликнинг тарқалишига асосий омил бўлиб хизмат қилди. Битта чилимдан бир вақтда 10 киши фойдаланган. Бозор кунлари бозорда минглаб кишилар умумий чилимлардан фойдаланганлар. Хоразм соғлиқни сақлаш бўлими тадқиқот учун 200 кишини назоратдан ўтказганда, уларнинг 80 фоизида захм касаллиги аниқланади [5,182].

Хоразмда кенг тарқалган юқумли касалликлар – сил, чечак, трахома, безгак, терлама, қизамиқ ва бошқалар ҳар йили минглаб кишиларнингёрматов бевақт ўлимига сабаб бўлди. Фуқаролар уруши муносабати билан бу ерда аҳвол янада оғирлашиб қолди.

Хоразм Халқ Совет Республикаси ҳукумати аҳволни яхшилаш ва аҳоли саломатлиги муҳофаза қилиш тадбирларини олиб боришга мажбур бўлди. Соғлиқни сақлаш бўлимлари зиммасига жойларда тиббий хизмат тармоқларини йўлга қўйиш, профилактика ва санитария маорифи ишларини олиб бориш, эпидемияларнинг олдини олиш ва уларга қарши кураш чора-тадбирларини уюштириш, оналар ва болалар саломатлигини сақлаш юзасидан тадбирлар ташкил этиш ва бошқа шу каби вазифалар юклатилди. 1920 йилдан Хоразм Халқ Совет Республикасига РСФСР ва Туркистон Республикасидан тиббий дори-дармонлар, асбоб-ускуналар ва тиббий ходимлар юборилиб турилди. Шу йил июлда Тошкентдан Хоразмга 3 та врач, 8 та фельдшер ва 1 та акушерка юборилиб, улар ўзлари билан бирга касалхона, тиш кабинетини жиҳозлаш учун асбоб-ускуналар олиб келди. Хива шаҳар касалхонаси таъмирланиб, беморларни қабул қила бошлади. Шунингдек, 1920 йил Урганч

шаҳрида ҳам 25 ўринли кичик касалхона ишга туширилди. Хазорасп, Илонли, Ғазавот, Шуманой каби туманларда тиббий пунктлар очилди [1,36]. Хива касалхонасига 73150 рубль маблағ ажратилиб, шифохонада врачлар кунига 250 тагача беморни қабул қила бошлади. Шу йили Хоразм Республикаси соғлиқни сақлаш муассасалари учун 126071 рубль сарфланди [10,50].

1922 йил Тўрткўл ва Шаббозда профилактика тадбирлари олиб бориш, юқумли касалликларга қарши кураш бўйича санитария комиссияси ташкил этилди. Комиссия таркибида Н.Бобецкий ва А.Игнатьев каби тажрибали шифокорлар фаолият кўрсатди. Комиссия шаҳар кўчалари ва бозорларни санитария жиҳатдан тозалаш ишларига жиддий эътибор қаратди [3,116].

1923 йилда ҳам марказдан Хоразмга яна 7 нафар юқори малакали врачлар юборилди. Улар ёрдамида жойларда юқумли касалликларга қарши профилактика тадбирлар ўтказилди ҳамда даволаш пунктлари ташкил этилди. Хивадаги юз ўринли касалхона қурилиб ниҳоясига етказилди. Касалхонада уч нафар юқори маълумотли врачлар ва бир неча фельдшерлар аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсата бошлади [8,180].

Касалхона қошидаги поликлиникада ҳар куни 150 га яқин беморлар шифо топди. Соғлиқни сақлаш нозирлиги республиканинг Янги-Урганч, Кўнғирот, Хўжайли, Ҳозарасп каби шаҳарларда ҳам фельдшерлик даволаш пунктларини ишга туширди. Хивада эса марказий дорихона очилди. Хивадаги ҳарбий қисмда хизмат қилаётган тиббиёт ходимлари ҳам халқ соғлигини яхшилашда ўзларининг муносиб ҳиссаларини қушди.

Кўпгина жойларда болалар орасида чечак касаллигига қарши эмлаш чоралари кўрилди. Бундай тадбирларни амалга оширишда 1923 йилда Тошкентдан юборилган И.Минкевич бошчилигидаги бир гуруҳ тиббиёт ходимларининг хизмати эътиборга лойиқдир. И.Минкевич воҳа соғлиқни сақлаш иши билан яқиндан танишди ва ўз тассуротларини мақола кўринишида тайёрлаб, матбуот саҳифаларида нашр эттирди [5,74]. И. Минкевич мақолаларининг қимматли томони шундаки, уларда Хоразмда санитария ишининг ҳақиқий аҳволи очилиб, аҳоли турмуш даражасининг пастлиги, аввало, озиқ-овқат истеъмолининг ниҳоятда ночорлиги, хусусан, оддий деҳқон ва унинг оила аъзоларининг ҳафталик озиқланиш тартиби, аҳоли орасида турли эпидемияларнинг тарқалиш омиллари ёритилади. Муаллиф аҳолининг касалланиши ва ўлими бўйича рўйхатга олиш ишлари юритилмаганлиги боис йўқотишларнинг ҳақиқий миқдорини аниқлаб бўлмаслигини таъкидлайди.

Хоразмда қизил армия аскарлари учун ташкил этилган ҳарбий госпиталда шароит бироз яхши эди. Госпиталнинг инвентарлар билан таъминланиши қониқарсиз ҳолатда бўлса-да, аммо тиббиёт кадрлари тажрибали ва малакали эди[11,245]. Урганч шаҳридаги шифохонада врач бўлмаганлиги сабабли беморларга доришунос томонидан хизмат кўрсатилди. Бундан ташқари Хоразм Республикасининг баъзи аҳоли пунктларида фельдшерлик пунктлари номига ишлаб турди [6,167] . Қўнғирот каби йирик аҳоли пунктларида тиббий хизмат умуман йўлга қўйилмаган эди. Маҳаллий аҳолига хизмат кўрсатаётган врачлар ҳарбий госпиталда ишлаш учун олинган.

1924 йилда Ўрта Осиё иқтисодий Кенгаши (ЭКОСО) топшириғи билан Хоразмга келган махсус комиссия бу ерда тиббиёт хизматини ачинарли аҳволда эканлигини, аҳолинининг кўпчилиги зарур тиббий ёрдам ололмаганлиги, айниқса туркманлар яшаётган жойларда аҳвол янада ташвишли эканлиги ҳақида маълумот беради [9,108].

1924 йил бошларига келиб Хоразмда 3 та стационар касалхона, тиш даволаш кабинети, безгакка қарши эмлаш станцияси 4 та дорихона ҳамда 11 та амбулатория-

фельдшерлик пунктлари беморларга тиббий хизмат кўрсатди. Шу йил охирига келиб ХХСР тиббиёт муассасаларида 74 нафар тиббиёт ходимлари аҳоли соғлиғини яхшилаш йўлида фидойилик кўрсатди.

1924 йили Ҳозараси туманида Мадраҳимбой исмли бойнинг саройидан тиббий пункт очилди. Пунктда фельдшер-доя Даря Юсиновна Миклашевская ва врач И.А. Ушаковлар фаолият олиб борди. Аммо тиббиёт ходимларининг ўзбек тилини билмаслиги даволаш ишига салбий таъсир кўрсатди. Мазкур пунктда Қодир Полвонов исмли йигит таржимонлик қилди. Қ.Полвонов (1906-1990 й) кейинчалик Тошкент шаҳрига бир йиллик тиббий ходимлар тайёрлаш курсига юборилди [7,216].

Хуллас, Хоразм Халқ Совет Республикаси қисқа фурсат фаолият кўрсатиб, оғир сиёсий ва иқтисодий вазият туфайли аҳоли турмуш шароити ёмон аҳволга келиб қолган эди. Бу эса ўз ўрнида соғлиқни сақлаш соҳаси ишига салбий таъсирини кўрсатди. Аҳоли орасида турли юқумли касалликлар ва эпидемиялар тарқалди.

**Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати**


1. Абдуллаев А. Развитие здравоохранения в Хорезмской области // Медицинский журнал Узбекистана. – 1967. № 11. – С. 35 – 36.
2. Известия ТуркЦИК, 23 июля 1920 г.
3. Исмаилов О. И., Ещанов Т. Б., Бабаджанов А. С. Развитие здравоохранения в республике Каракалпакстан (с 1870 -х годов до наших дней). Нукус, Билим, 1997. – С.116.
4. История Хорезмской Народной Советской Республики (1920 –1924 гг. ). Сборник документов. – Ташкент: Фан, 1976. – С. 347.
5. Минкевич И. Народное здравие в Хорезме // Народное хозяйство Средней Азии. –1924. – № 4. – С.182.
6. Минкевич М. Санитарное состояние Южного Хорезма // Гигиена и санитария. – 1924. – № 2;
7. Рўзим Отожонов ўғли Жайҳуний. Ҳазораси тўмани соғлиқни сақлаш тарихидан. – Урганч, 1999. – 217 б.
8. Хоразм тарихи. II-жилд. Урганч, 1997. – 388 б.
9. Ўзбекистон Марказий архиви (Ўз МА), 71-фонд, 1-рўйхат, 4-иш, 105-108 варақ.
10. Ўз МА, Р-73-фонд, 1-рўйхат, 8-иш, 51-варақ.
11. Ўз МА, Р-40-фонд, 1-руйхат, 137-иш, 369-варақ.


# ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚИРҒИЗИСТОН РЕСПУБЛИКАЛАРИ ЎРТАСИДАГИ АЛОҚАЛАРДА МИЛЛИЙ МАДАНИЙ МАРКАЗЛАРНИНГ ЎРНИ

*А.Ҳ. Чориев – т.ф.д., проф., Қарши давлат университети*
*М.Э.Раҳмонов – ҚарДУ магистри*

Бугунги кунда мамлакатимизда 147 та миллий маданий марказ ва 38 та дўстлик жамияти ҳамда хориждаги ватандошларнинг 38 та жамияти фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистонда яратилган қулай миллатлараро муҳит туфайли тожик, турк ва қозоқ миллатига мансуб аҳоли вакиллари томонидан 2020 йилда 7 та янги миллий маданий марказ ва 2 та дўстлик жамияти ташкил этилди.

Қўмитанинг давлат ижтимоий буюртмасига асосан 2020 йилда Олий Мажлис ҳузуридаги Жамоат фонди томонидан миллий маданий марказлар ва дўстлик жамиятларини қўллаб-қувватлаш учун 600 млн сўм маблағ, шунингдек 1,45 млрд сўмлик грант ажратилди [1]

Ўзбекистон Республикасида 271 мингдан ортиқ қирғизлар яшайди. Биринчи вилоятлараро қирғиз маданий маркази 1991 йили Жиззах вилоятида ташкил этилган эди. Бугунги кунга келиб Андижон, Жиззах, Сирдарё, Наманган, Фарғона вилоятларида ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштирувчи Ўзбекистон қирғиз миллий маданий маркази — жами олтита марказ фаолият кўрсатмоқда.

Бу марказларда миллий маданият, анъаналар, урф-одатлар ва тилни ривожлантириш билан бирга халқ оғзаки ижодиёти, миллий ва жаҳон маданиятининг гавҳари бўлмиш “Манас” достонига катта эътибор қаратилади: мунтазам равишда оқинлар ўртасида мусобақалар, Ўзбекистон ва Қирғизистоннинг таниқли фан ва санъат арбоблари билан учрашувлар, китоблар тақдимотлари ўтказилади. Марказ жамоатчилиги жаҳон адабиётининг буюк намояндаси, халқаро жамоат арбоби, Ўзбекистоннинг юксак мукофоти — “Буюк хизматлари учун” ордени билан тақдирланган Чингиз Айтматов билан бир неча бор учрашувлар ташкил этган. Тошкент шаҳар қирғиз миллий маркази иштирокида “Чингиз Айтматов: ўзбекистонликлар хотирасида мангу” деб номланган хотиралар тўплами нашр қилинган.

Марказда ўзбек миллий байрамларига ўхшаш Навруз, Орозоайт, Курбанайт каби миллий ва диний байрамлар жуда қизиқарли ва ранг-баранг қилиб ўтказилади. Марказ саъй-ҳаракатлари билан қадимги урф-одатлар: бешиктой — чақалоқни бешикка ётқизиш, тушокесу — боланинг қўйган биринчи қадамига бағишланган ва бошқа халқ маросимлари қайта тикланди. Ўзбекистон ва Қирғизистон мустақиллик кунлари эса ҳақли равишда ўзбек-қирғиз дўстлигининг ёрқин намойиши сифатида нишонланади.

Оммавий халқ сайиллари ва байрамларда марказлар қошида ташкил этилган миллий фольклор ансамбллари ижросидаги қадимги ва замонавий қўшиқу рақслар ижро этилиб, улар томошабинлар томонидан илиқ кутиб олинади. Бундай жамоалар қаторига “Дўстлик” ва “Жаш киял” (Андижон), “Манас” (Жиззах), “Манас” (Наманган) ва“Жан-Жанай” (Сирдарё) каби жамоаларни киритиш мумкин.

Қирғиз маданий марказлари ўз фаолиятида вояга етаётган авлод тарбиясига алоҳида эътибор қаратадилар. Бугунги кунда Ўзбекистонда ўқитиш қирғиз тилида олиб бориладиган 60 та мактаб мавжуд. Қирғиз тилидаги дарсликларни тайёрлаш ва нашр қилиш ишлари билан “Ўзбекистон” нашриётининг махсус таҳририяти шуғулланади. Қирғиз мактабларининг ўқитувчилари, жумладан, марказ фаоллари “Йил ўқитувчиси” республика кўрик-танловида ҳар йили иштирок этиб, совринли ўринлар билан тақдирланадилар.

Қирғизларнинг Ўзбекистондаги ҳаёти тўғрисида Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг қирғиз, ўзбек ва бошқа тилларда узатиладиган “Айчурек” ва “Ягона оилада” телекўрсатувларида, шунингдек, “Элеман”, “Мин киял” радиоэшиттиришларида ҳикоя қилинади.

“Ўзбекистон-Қирғизистон” дўстлик жамияти (ДЖ) 1996 йил 24 июль куни тузилган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтказилган. ДЖ устави 1997 йил 6 июнда № 262 рақами асосида рўйхатдан ўтган.

2017 йил 7 мартдаги жамият аъзоларининг умумий мажлисида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али Аҳмедов ДЖ раиси лавозимига сайланган.

Бош вазифалар. Жамиятнинг Уставида ДЖ фаолиятининг асосий вазифаси сифатида маданий-маърифий, илмий-таълимий соҳаларда Ўзбекистон ҳамда Қирғиз халқлари ўртасида алоқаларни янада ривожлантириш деб белгиланган.

Мазкур мақсадларга эришиш учун “Ўзбекистон-Қирғизистон” ДЖ Ўзбекистон ва Қирғизистон халқлари ўртасида ришталар ўрнатиш ва мустаҳкамлаш;

мамлакатимиз ҳақида қирғиз халқи кўз ўнгида ижобий, ҳаққоний фикр шакллантириш, нодавлат ва бошқа халқаро ташкилотлар билан алоқалар ўрнатиш борасида ишлар олиб бормоқда.

Жамият фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 26 майдаги № ПФ-1785 Фармонига, 1991 йил 15.02даги Жамоатчилик ташкилотлари ҳақидаги қонун ва 1999 йилдаги ННТ ҳақидаги қонунларга, шунингдек, Жамиятнинг Низомига асосан олиб боради.

Ўзбекистон Республикасининг охирги пайтлардаги Марказий Осиё республикалари билан олиб бораётган ижобий алоқалар, ушбу давлатларнинг Ўзбекистоннинг тарихий-маданий диққатга сазовор жойларига қизиқиш билдиришлари, шунингдек, икки халқнинг маънавий ҳаёт, маданий алоқаларни ўрнатиш, маълумотлар алмашиш, икки давлат ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш ва ривожлантириш борасидаги ишлари эътиборга молик. Буларнинг барчаси ишонч, бир-бирини тушуниш ва тинчлик муҳитини яратади. “Ўзбекистон-Қирғизистон” дўстлик жамияти ушбу йўналишларда тадбирлар ташкиллаштириб келмоқда.

Асосий вазифалари. Охирги йилларда дўстлик жамияти Ўзбекистон ва Қирғизистон халқлари ўртасидаги дўстлик алоқаларини ривожлантириш мақсадида ўзининг йўналишларини белгилаб олган. Жумладан,

• икки мамлакатнинг давлат тадбирларини нишонлаш;

• ўзбек ва қирғиз халқининг адабиёт намояндалари билан учрашувлар ташкиллаштириш;

• йил номларига бағишлаб тадбирлар ташкиллаштириш.

“Ўзбекистон-Қирғизистон” дўстлик жамияти маданият, санъат, адабиёт, шунингдек, ишлаб чиқаришдаги янги ҳамкорларни излашни давом этмоқда.

2017 йил март ва сентябрь “Дўрмон” маданият уйида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда Наврўз ва Мустақиллик байрами иншонланди.

2017 йил 25 майда дўстлик жамияти аъзолари “Милатлараро тотувлик ва бағрикенглик – барқарорлик омили” мавзусидаги тадбирда иштирок этишди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Президент Садир Жапаровнинг 2021 йил 11-12 март кунлари Ўзбекистонга давлат ташрифи билан келаётгани ўзбек ва қирғиз халқлари ўртасидаги дўстлик ва биродарлик алоқалари тарихида катта воқеа бўлди.

Ўзбекистон қирғиз миллий маданий маркази раиси Раҳматулла Жабборов «Дунё» АА мухбирига берган интервьюсида шу ҳақда ўз фикрларини билдирди.

“Тарихга назар соладиган бўлсак, Ўзбекистон ва Қирғизистон халқлари асли илдизи бир халқлардир, - деди Р.Жабборов. - Улар азалдан ён қўшни бўлиб яшаб, бир дарёдан сув ичган, бир-бир билан қуда-анда, дўст-биродар бўлган, тўй-томошаси ҳам, бозори ҳам, мозори ҳам бир бўлган. Кўз тегмасин, бугунги кунда Ўзбекистон билан Қирғизистон ўртасида дўстлик алоқалари барча соҳаларда янада ривож топмоқда. Икки давлат ўртасидаги чегара ўтиш постлари яна фаолият юрита бошлаб, одамларнинг бир-бирига борди-келдиси қайта тикланди. Қисқача қилиб айтадиган бўлсак, турли сабабларга кўра қотиб қолган музлар эриди. Бундан, албатта, икки халқ вакиллари мамнундир”.

Ўзбекистонда қарийб 300 минг нафар қирғиз миллатига мансуб аҳоли истиқомат қилади. Улар, асосан, Тошкент шаҳри, Фарғона водийси, Жиззах, Сирдарё ва Тошкент вилоятларида яшайди.

Бугун Ўзбекистон қирғиз миллий маданий маркази Андижон, Фарғона, Наманган, Жиззах, Сирдарё вилоятларидаги бўлинмалар фаолиятини мувофиқлаштирмоқда. Бу марказларда қирғиз маданияти, анъаналари, урф-одатлари

ва тилини ривожлантириш мақсадида халқ оғзаки ижодиёти, миллий ва жаҳон маданиятининг гавҳари бўлмиш “Манас” достонига катта эътибор қаратилмоқда. Марказ мунтазам равишда маданий тадбирлар, Ўзбекистон ва Қирғизистоннинг таниқли фан ва санъат арбоблари билан учрашувлар, китоб тақдимотларини уюштириб келмоқда.

Марказимиз ташаббуси ва фаол иштироки билан мамлакатимизда ҳар йили қирғиз тили ўқитувчиларининг қирғиз тили фани бўйича танлови ташкил этилади. Шунингдек ўзбек-қирғиз дўстлик кечалари, оқинлар айтишувлари ўтказилади. Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясида “Айчурек” ва “Ягона оилада” телелойиҳалари, “Эламан” ва “Минқиял” радиодастурлари, мамлакатимизда яшовчи қирғизларнинг ҳаёти, улар эришаётган ютуқлар ва давлатимиз ривожига қўшаётган ҳиссаси ҳақида бошқа махсус кўрсатув ва эшиттирилишлар мунтазам тарзда эфирга узатиб борилади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан 2018 йилда “Обод қишлоқ” дастури доирасида республикада биринчи бўлиб Жиззах вилояти Дўстлик туманидаги қирғиз миллатига мансуб аҳоли истиқомат қиладиган “Манас” қишлоғи атиги 45 кун ичида қайта таъмирланиб, барча инфратузилмага эга гўзал масканга айлантирилди. Бу ерда маданият саройи қад ростлаб, унинг қошида Ўзбекистон Республикаси маданият вазирининг буйруғига биноан “Маржон” қирғиз миллий халқ ҳаваскорлик ансамбли фаолияти йўлга қўйилди.

Давлатимиз раҳбарининг фармонига кўра, 2017 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси ташкил этилди. Ушбу қўмита ҳам миллий маданий марказлар фаолиятини янада ривожланишида катта аҳамият касб этмоқда.

Вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда ўтказиладиган ҳар бир байрам тадбирида марказларимиз фаоллари иштирокида қирғиз миллий ўтовлари ўрнатилиб, куй-қўшиқлар янграши халқимизга байрамона кайфият бахш этиб келади. “Оқ-сўйилмак”, “арқон тортди”, “кўкбари” ва бошқа халқ ўйинлари миллий анъана ва қадриятларни сақлаб келишда алоҳида ўрин тутади. Шунингдек, миллий ҳунармандчилик буюмлари ва таомлари кўргазмалари ҳам ҳар бир байрамнинг бетакрор безаги бўлиб келади.

Қирғиз маданий маркази биринчилардан бўлиб 1992 йилда Жиззах вилоятида вилоятлараро қирғиз маданий маркази мақомида тузилган. 1995 йилда Тошкент шаҳрида ташкил этилган Ўзбекистон қирғиз маданий маркази 2019 йилга келиб Ўзбекистон қирғиз миллий маданий маркази, деб қайта номланган. Марказнинг асосий мақсади юртимизда яшаётган қирғиз миллати вакилларининг тили, маданияти, анъаналари ва урф-одатларини сақлаш ва ривожлантиришдан иборат. Юртимизда истиқомат қилаётган бошқа миллат вакиллари билан биргаликда ҳамжиҳатлик, тинчлик-осойишталик ва барқарорликни таъминлашга муносиб ҳисса қўшиш ҳам бизнинг асосий мақсадларимиздан биридир [3].

Бу йил олдимизга қўйган режаларимиз катта. Хусусан, Жиззах вилояти Бахмал тумани мактабларида “Ўзбекистон – умумий уйимиз” шиори остида турли миллат вакиллари, фахрийлар ва ёшлар иштирокида дўстлик фестиваллари ва байрамларини ўтказишни ният қилганмиз. Шунингдек, Дўстлик туманидаги “Манас” қишлоғида Мирзачўлда хизмат кўрсатган фахрийларнинг хотира кечаларини ўтказиш, кам таъминланган оилаларга, уруш қатнашчиларига мурувват ёрдами кўрсатишни режалаштирганмиз. “Маржон” халқ ҳаваскорлик ансамбли жамоасининг 2021-2022 йилларда қўшни Қирғизистонга гастролини уюштириш кўзда тутилган.

Ўзбекистонда турли миллат ва элат вакиллари эмин-эркин ҳаёт кечириб келмоқда. Улар учун миллатидан, динидан, ирқидан ва эгаллаб турган мавқеидан қатъи назар тенг шароит яратилган.

Сўнгги йилларда Марказий Осиё давлатлари билан ўзаро алоқалар юқори даражага кўтарилди. Жумладан, Ўзбекистон билан Қирғизистон ўртасидаги савдо-иқтисодий, сармоявий, маданий-гуманитар соҳалардаги муносабатларнинг ривож топганини юқори баҳолайман. Бундан, албатта, икки мамлакат халқлари манфаатдор бўлмоқда. Икки қўшни биродар халқ ўртасидаги борди-келдилар янада фаоллашмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 апрелдаги “Буюк адиб ва жамоат арбоби Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент вилояти Паркент туманида адибнинг хотирасига бағишлаб катта ижодий кеча ўтказилди. Пойтахимиз марказида Чингиз Айтматовга мемориал ёдгорлиги ўрнатилди. Буларнинг ҳаммаси қардош халқ вакилига кўрсатилган эҳтиром, юртимизда миллатлараро муносабатлар соҳасида олиб борилаётган сиёсатнинг ёрқин намунасидир. Чингиз Айтматов ўзининг чиқишларидан бирида шундай деган экан: “Мен Қирғизистонимга борсам меҳнат қиламан, Москвага борсам ҳурмат қозонаман, Ўзбекистонга келсам яйраб яшнайман”. Чунки унинг Ўзбекистонда қадрдон дўстлари ва яқинлари кўп бўлган [4].

Бугунги кунда Ўзбекистонда таълим етти тил, яъни ўзбек, қирғиз, рус, қозоқ, қорақалпоқ, туркман ва тожик тилларида олиб борилмоқда. Қирғиз тилида 56 та мактаб фаолият юритмоқда. Мактаб ўқувчилари учун дарсликлар “Ўзбекистон” нашриётида чоп этилиб, таъминланиб келинмоқда. Мамлакат олий билим юртларида ҳам қирғиз тили ва адабиёти йўналиши кафедралари мавжуд. Андижон давлат педагогика университетида кўп йиллардан буён қирғиз тили филологияси бўлими ишлаб турибди [2].

Шуни мамнуният билан таъкидлашни истардимки, қирғиз миллатига мансуб ватандошларимизнинг камтарона меҳнати мамлакатимиз раҳбарияти томонидан муносиб баҳоланиб, юксак давлат мукофотларига муносиб кўрилмоқда.

Ўзбекистон Президентининг фармонларига биноан, Андижон вилояти миллий маданий маркази собиқ раиси Қодиржон Маматов, Тошкент вилоятидан журналист Маъмур Бозоралиев, Сирдарё вилояти қирғиз миллий маданий марказининг собиқ раиси ва марказ фахрийси Абдусалом Жонибеков, Андижон вилояти Жалақудуқ тумани мактаб директори Умудахон Маматалиева “Дўстлик” ордени, Наманган вилояти қирғиз миллий маданий маркази раиси Маъфиратхон Истамқулова “Меҳнат шухрати” ордени, Жиззах вилоятидан меҳнат фахрийси Хидир Шукуров “Эл-юрт ҳурмати” ордени ва Фарғона вилоятидан мактаб ўқитувчиси Нортожи Халибаева “Шуҳрат” медали билан тақдирланган.

Давлат идораларида узоқ йиллар давомида самарали меҳнат қилган Хидир Шукуров, Раҳматулла Жабборов, фан доктори Маҳбуба Темирова, Рустам Нуриддинов, Абдусалом Жонибеков, Карим Алматов, Баҳром Избосаров, ёш мутахассислар Нормуҳаммад Қўшназаров, Шаҳриддин Жабборов, Миркомил Қулматов ва бошқалар ҳам турли давлат мукофотларига сазовор бўлганини таъкидлашни истайман.

2019 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қуйи палатаси депутатлигига бўлиб ўтган сайлов натижаларига кўра Сирдарё вилояти қирғиз миллий маданий маркази раиси Нодира Жонибекова илк маротаба Қонунчилик палатасига депутат бўлиб сайланди [4].

Республикада истиқомат қилаётган қирғиз миллатига мансуб фуқаролар бундан кейин ҳам юртимизнинг гуллаб-яшнаши, икки давлат ўртасида турли соҳаларда алоқаларнинг ривожланишига ўзларининг муносиб ҳиссасини қўшишда давом этади.

**Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати**


1. Кўчаров Ч. Ш. Марказий Осиёнинг минтақавий интеграцион жараёни муаммолари. – Т.: Фан, 2005.
2. Қирғизбоев А. Ўзбекистон Республикасининг Осиё мамлакатлари билан халқаро ҳамкорлиги. – Т.: Фан, 2004.
3. Усмонов Қ. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви. – Т.: Молия. 2003.
4. Файзиев О. Марказий Осиё: муштарак мақсадлар, изчил ҳамкорлик ва барқарорлик // Халқ сўзи, 2019 йил 20 февраль. – № 35.


## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЗАМОНАВИЙ МУЗЕЙЛАРНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ: ТАРИХИЙ ВА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВЛАР

***Б.Б. Болтаев – БухДУ Бухоро тарихи кафедраси катта ўқитувчиси***

Ҳар бир давлат тараққиёт сари одимлар экан, доимо тарихига назар ташлаб, мавжуд урф-одатлар, анъаналар ҳамда қадимий ёдгорликларни ўрганишга ва сақлашга интилиши табиий ҳол. Бу борада эса музейларнинг ўрни беқиёс. Чунки улар ўтмишдан келган маданият, маърифат, табиат ёдгорликларининг яхлит тизимга солинган йиғиндиси бўлиб, амалдаги тартибларга мувофиқ сақланади ва намойиш қилинади. 1977 йилдан буён дунёда ананавий тарзда 18 май Халқаро музейлар куни сифатида нишонланиб келмоқда. Мустақиллик йилларида тарихий меросимизни ўзида сақловчи муассаса ҳисобланган музейлар ривожига алоҳида эътибор қаратилди. Музей ижтимоий вазифасига кўра илмий тадқиқот-маърифат (музейларнинг кўпчилиги асосан шу вазифани ўз олдига мақсад қилиб қўяди, уларни оммавий музейлар деб ҳам юритишади); тадқиқот (илмий-тадқиқот институтлари қошида ўзига хос лаборатория вазифасини ўтайди) ва ўқув музейларига, йўналиши ва коллекцияларига қараб тармоқ, ўлкашунослик (комплекс) ва мемориал музейларга бўлинади. Тармоқ музей ишлаб-чиқариш, фан, санъатнинг бирор тармоғига тегишли бўлади (масалан, тарих музейлари, зоология музейлари). Ўлкашунослик музейлари муайян маъмурий ҳудуднинг тарихи, табиати, хўжалиги, санъати, этнографияси ва бошқа соҳаларини комплекс акс эттиради. Мемориал музейлар муҳим тарихий воқеалар, атоқли арбобларга бағишланади[1].

Мустақилликнинг илк кунлариданоқ, юртимиз тарихини, кўп йиллик меросини ўзида мужассам этган музейларни ташкил этиш бўйича бир қатор амалий ишлар амалга оширилди. Музейлар тузилиши жиҳатидан икки хил бўлади: очиқ турдаги музейлар ва ёпиқ музейлар. Очиқ турдаги музейлар сирасига мамлакатимиздаги буюк тарихий шаҳарлар – очиқ осмон остидаги ёдгорлик-архитектура, меъморий иншоотлар киради. Бунга кўҳна Бухоро, Самарқанд, Хива, Шаҳрисабз, Қўқон, Тошкент ва бошқа шаҳарлардаги тарихий меъморий ёдгорликларни мисол қилиб кўрсатишимиз мумкин. Ундан ташқари Имом Бухорий, Аҳмад ал-Фарғоний, Аҳмад Яссавий ва бошқа улуғ алломалар хотираси шарафига бунёд этилган кошоналар, ҳайкал ва майдонлар ҳам очиқ турдаги музейлар

ҳисобланади. Бу музейларда халқнинг кўп йиллик меъморий тажрибаси, билими, малакаси, маданияти ва маънавияти яққол намоён бўлади. Уларнинг қурилиш услубидан тортиб ишлатилган нақш ва бўёқларигача томошабинда ҳайрат ва завқ ҳиссини уйғотади. Аждодларимиз ва уларнинг давомчилари – шу замоннинг моҳир уста ва меъморлари санъати бутун дунё аҳлини ўзига ром этган ҳолда ўзбек халқининг юксак маънавияти ва маданий ҳаётидан дарак бериб туради.

Мамлакатимизда янги-янги музейларнинг ташкил этилиши, пойтахтдаги энг йирик ва нуфузли Темурийлар даври тарихи, Қатағон қурбонлари хотираси, мамлакатимиз жанубида жойлашган Термиз шаҳридаги Археология музейининг очилиши ҳукуматимиз томонидан музей ва музейшунослик соҳасида ниҳоятда катта ишларнинг амалга оширилишининг намунасига, айланди, десак муболаға қилмаймиз. Чунки янги музейларнинг ташкил этилиши билан бир, қаторда шу вақтгача ҳам фаолият кўрсатиб турган барча катта-кичик музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш, миллий истиқлол руҳида қайта ташкил этиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Мамлакатимизнинг узоқ уч минг йиллик буюк давлатчилик тарихи шундан далолат берадики, ҳар доим ҳам ўзбек юрти ўзининг бетакрор иқтисодий салоҳияти билан табиий равишда кўпларни ўзига ром этиб келган. Кейинги бир ярим аср мобайнида халқимиз ўзининг беҳисоб иқтисодий-моддий, маданий-маърифий бойликларидан жудо бўлди. Бироқ мазкур тазйиқларга, йўқотишларга қарамасдан, ўзбек халқи асл ўзлигини сақлаб қола билганлигига ҳам тарих гувоҳлик беради[2].

1998 йил 12 январда қабул қилинган “Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида”ги қонун жуда катта аҳамиятга эга бўлди, шундан кейин музейлар давлат муҳофазасига олинди ҳамда музейларни янада ривожлантириш ҳақида дастур ишлаб чиқилди ва улар давлат бюджети томонидан қўллаб-қувватланди. 1999 йил музейлар ҳаётидан хабар берувчи “Мозийдан садо” журнали ташкил этилди. Бу журнал уч тилда ўзбек, рус, инглиз тилида чоп этилди[3].

Музейлар фаолиятини такомиллаштириш ички ва ташқи туризмнинг ривожланишига олиб келади. Мамлакатимиз Президенти Ш.М. Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида туризмни ривожлантириш борасидаги қуйидаги фикрларни билдириб ўтдилар: “Ҳозирги кунда миллий иқтисодиётга юқори даромад келтирадиган истиқболли тармоқлардан бири-бу туризмдир. Ўзбекистон туризм соҳасида улкан салоҳиятга эга бўлган давлат ҳисобланади. Юртимизда 7 минг 300 дан ортиқ маданий мерос объектлари мавжуд ва уларнинг аксарияти Юнеско рўйхатига киритилган. Самарқанд, Бухоро, Тошкент шаҳарларидаги муқаддас қадамжолар ва ёдгорликларни зиёрат қилишдан иборат бўлган “кичик ҳаж” дастурини ривожлантириш, жадаллаштириш зарурлиги ва ички туризм соҳасидаги катта имкониятларни ҳам тўлиқ ишга солиш лозимлиги”[4] қайд этиб ўтилди.

Айниқса, буюк ва навқирон ўтмишимиз тарихимизни намоён этувчи очиқ осмон остидаги музей шаҳар деб ном қозонган тарихий шаҳарларга саёҳатлар уюштириш оммавий ҳаракатга айлантирмоқ лозимлиги, бу борада “Очиқ осмон остидаги музей” дея эътироф этилган қадимий шаҳарларимиз Самарқанд, Бухоро ва Хивада ҳам қатор ишлар амалга ошириш режалаштириб ўтилган эди. 2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг беш устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси, жумладан, “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”[5] Давлат дастурида ҳам туризмни ривожлантириш бўйича асосий вазифалар белгилаб олинди ҳамда амалга ошириш чоралари илгари сурилди.

Мамлакатимиздаги моддий маданий мерос объекларида ва улар атрофидаги объектларда тегишли инфратузилмани шакллантириш, амалга оширадиган диний маросимлар учун тегишли шароитларни яратиш орқали зиёрат туризмини соҳанинг истиқболли йўналиши сифатида ривожлантириш[6]. Мамлакатимизда “Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2017 йил 31 майдаги ПҚ-3022-сон қарорини ижро этиш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси қарори қабул қилинди. Қарорга кўра «2017 - 2027 йилларда давлат музейлари фаолиятини такомиллаштириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тасдиқланди. Давлат музейларининг ишлаб чиқиладиган янги концепциялари, музей ашёларини ишончли сақлаш, ташриф буюрувчилар, хусусан, имконияти чекланган шахслар учун қулай шарт-шароитлар яратиш, туристларга хизмат кўрсатишни ривожлантириш, архитектура-режалаштириш, интерьер, дизайн ва ландшафт ечимларига эътибор қаратган ҳолда ҳар бир музей биносининг эскиз лойиҳасини музейнинг йўналиши ва мазмун-моҳиятидан келиб чиққан ҳолда ишлар олиб бориш тўғрисида қонун қабул қилинди [7].

Таъкидлаб айтадиган бўлсак музейшуносликка берилган юксак эътиборнинг самараси ўлароқ мазкур соҳада қуйидаги мисли кўрилмаган ишлар амалга оширилмоқда:

-музейшунослик соҳасини ривожлантириш, такомиллаштиришга доир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди ҳамда музейлар фаолиятининг ташкилий ҳуқуқий асослари яратилди.

-музей ишини самарали йўлга қўйиш ҳамда музейлар фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида жамғарма ташкил этилди.

-мустақиллик йилларида Ўзбекистон музейларида сақланаётган моддий ва маданий меросимизни кенг жаҳон оммасига намойиш этиш бўйича қатор кўргазмалар жаҳон музейларида ташкил этилди[8].

Юқорида санаб ўтилган соҳа ривожидаги муваффаққиятлар Ўзбекистонда музейшунослик соҳасини тараққий этишга мустаҳкам замин яратган омиллардир. Ташкил этилган ва этилаётган кўплаб музейлар ёш авлодни тарихимиз, моддий ва маданий меросимизни нақадар чуқур илдизга эгалигини сингдирган ҳолда, уларни ватанга муҳаббат ва садоқат туйғулари билан тарбиялашга хизмат қилади.

Юртимиз ўз мустақиллигини қўлга олгач ундаги музейлар ҳам илмий-амалий жиҳатдан такомиллашиб борди, яъни тобора янгиланиб, кўпайиб борди. Бундай ўзгаришлар эса мамлакатимиз тараққиёти учун катта аҳамиятга эга бўлиб, музейлар ва тарихий ёдгорликлар келажагимиз пойдевори сифатида хизмат қилади. Музейлар ёш авлод тарбияси ва мамлакатимиз келажаги учун катта аҳамиятга эга, зеро у ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялайди. Дарҳақиқат, музейлар мозийнинг сирли хилқатларини ўзида мужассам этган ҳолда халқаро маданиятни, қадриятларни тараннум этувчи маскан ва давлатларни бир-бирига яқинлаштирувчи кўприкдир [9]. Бундан кўриниб турибдики, биз учун ўтмиш тарихимизни сақлаб келаётган музейларнинг фаолияти жуда муҳим ва биз – ёшлар уларни асраб келажак авлодга етказишимиз лозим, зеро музейлар ўтмишдан садо берувчи кўзгу ва халқнинг юксалиши учун катта аҳамиятга эга. Бухоро ҳам шундай неча минг йиллик тарихга эга музей шаҳар ҳисобланиб, ўзининг бетакрор ёдгорликлари билан бутун дунё аҳлини ўзига жалб этиб жаҳон музейшунослигида ўз ўрнини эгаллаб келмоқда. Бизнинг қадимий Бухоро шаҳри ҳам ўзининг бетакрор обидаларию ажойиб музейлари билан бутун дунёни ўзига жалб этиб, жаҳон музейшунослиги ва туризм соҳасида катта ҳисса қўшмоқда.

Жумладан, Бухоро эски шахар мавзесида жойлашган қадимий ёдгорликлари ҳамда музейлари бутун дунёни ўзига қаратиб, жаҳон музейшунослигида ўз ўрнини эгаллаб келмоқда. Бухоро ўзининг бетакрор тарихий обидалари, осори-атиқалари, асрлар оша давом этиб келаётган миллий ҳунармандлик анъаналари билан юртимиз туристик жозибадорлигини оширишда улкан салоҳиятга эга ҳисобланади. Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2018 йил 16 февралдаги Бухоро шаҳрига қилган ташрифида эски шаҳар қисмининг туризм инфратузилмасини ривожлантириш дастурлари билан танишар экан, ушбу ҳудуд том маънода Бухоронинг юраги бўлиши кераклигини таъкидлади. Бу, албатта, очиқ осмон остидаги шаҳарнинг тараққиётини белгилашда катта аҳамият касб этди. Мустақиллик йилларида музейлар фаолияти ва туризм юқори даражада илгарилаб ўсди, албатта, буларнинг барчасига кўплаб машаққатлар билан эришилди. Бу машаққатлар ортида Прездентимизнинг олиб борган ишлари катта аҳамиятга эга, чунки улар ватанимизнинг равнақи ва тинчлиги йўлида турли мамлакатлар билан ўзаро ҳамдўстлик ҳамда манфаатли шартномаларни имзолаб, халқимиз учун кўплаб имкониятлар йўлини очиб бермоқдалар, шунинг учун бизлар бу имкониятлардан оқилона фойдаланган ҳолда иш юритиб ватанимиз равнақи йўлида хизмат қилмоғимиз лозим [10].

**Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати**


1. Болтаев Б.Б. Музейшунослик. – Бухоро: Дурдона, 2016 йил
2. Бекмуродова М.Б.Рашидова М.Х. Музейшунослик. – Тошкент, 2005 йил
3. Музейлар тўғрисида қабул қилинган қарорлар.//www.Lex.uz
4. https://kun.uz/uz/news/2018/12/28/prezident-murojaatnomasi-toliq-matn
5. 2017-2021йиллар Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони 1 илова // http:// www/lex/uz
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. – Тошкент ПФ-5611. 2019 йил 5 январь
7. “Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора тадбирлар тўғрисида” 2017 йил 31 майдаги ПҚ-3022-сон қарорини ижро этиш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси қарори. //www.lex.uz
8. Музей ва туризм ривожининг янги босқичлари //www.muzey.uz
9. “Музейлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Республикаси Қонуни. 2008 йил 12 сентябр // Ўзбекистон Қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил- № 37-38, Бетлар 12-20
10. Ш.М.Мирзиёевнинг Бухорога ташрифи // www.google.com.


## 1991-2020 ЙИЛЛАРДАГИ ТОШКЕНТ ШАҲРИ БОЗОРЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

***Ш.Ю. Охунжонова – ФарДУ Тарих факултети Ўзбекистон тарихи кафедраси ўқитувчиси***

Бозорлар аҳолининг турмуш даражасини, маданий савияси ва салоҳиятини ўзида акс эттирувчи масканлар ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, бозорлар фаолиятини ёритиш ҳамда таҳлил натижаларидан ягона хулосага келиш тадқиқотчиларнинг вазифасига киради. 1991 йилдан бошлаб ҳозирги кунга қадар

мамлакатимизда бозорлар ободлиги ва савдо маданиятини оширишга катта эътибор қаратилиб, қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Тошкент шаҳрида янги замонавий бозорлар барпо этилди, эски бозорлар тартибга келтирилиб, уларда аҳолининг харид қилиши учун қулай шарт-шароитлар яратишда кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архивининг М-15 Молия Вазирлигининг фонди, Тошкент шаҳар архивида сақланаётган 582-фонд Тошкент шаҳар ҳокимининг қарор ва фармонлари фонди, 660-фонд Тошкент шаҳар ҳокимияти Савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш департаментининг асосий фаолияти, савдо департаменти ҳузуридаги йиғилиш баённомалари фондларидан Тошкент шаҳри бозорлари фаолияти билан боғлиқ маълумотлар мавжуд.

Тошбозорсавдонинг жорий архивида сақланаётган бозорларнинг ҳисоботлар ва бозорлар паспорт ҳужжатлари ҳам мустақиллик йилларида бозорлар фаолиятини ёритишда муҳим ҳисобланиб, уларда бозорларнинг фаолият юритиш ҳуқуқий шакллари, устав фондлари, хизмат кўрсатувчи банклари, ходимлар вазифалари, бозорлар ҳудудида мавжуд бўлган капитал қурилмалар ҳақида, бозорда ташкил килинган пуллик хизмат турлари ҳақида, бозорлар даромадининг таркиби ҳақидаги маълумотларни кўришимиз мумкин.

Тошкент шаҳри бозорлари ҳам республиканинг бошқа бозорлари каби ҳозирги кўркам, қулай кўринишга келгунича кўплаб ишлар амалга оширилган бўлса-да, ҳозир ҳам айрим муаммолар сақланиб қолган. 1991 йилдан то ҳозирги кунга қадар бўлган муддатда даврий матбуот ва архив ҳужжатларига суянган ҳолда Тошкент шаҳри бозорлари фаолиятини тадқиқ қиладиган бўлсак, бу маълумотларда кўпроқ бир-бирини тасдиқлаш характерига эга.

1991-2018 йилларда нашр этилган матбуот материалларида ижобий ўзгаришларни кўрсатиш билан бирга танқидий мақолалар ҳам чоп этилган. Жумладан, “Тошкент оқшоми” саҳифаларида Тошкент шаҳрида жойлашган бозорларнинг назорати ҳақида мақолалар чоп этилиб борилган. 1991 йиллардаги сонларида чоп этилган мақолаларда Тошкент шаҳри бозорлари қандай ҳолатда бўлганлигини билиб олиш мумкин. Тошкент шаҳар ҳокими маҳкамасида пойтахт деҳқон бозорларида етарли тартиб ўрнатишга бағишланган кенгайтирилган мажлислар ўтказилиб турилган. Тадбирлар режасига кўра санитария эпидемиология станцияси ходимлари Тошкент шаҳрининг деҳқон бозорларида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш пайтида сотувчилар томонидан санитария қоидаларига қандай риоя қилаётганлигига қаратилган текширувлар ўтказилиб турилган. Шаҳар санитария бош шифокори ахборот бериб, пойтахтимиздаги кўпгина деҳқон бозорлари миллий усулда қайтадан қиёфа касб этганлиги, турли туманларда бозор маҳсулотларини сотадиган қўшимча ўринлар бунёд этилганлиги, хусусий мол эгаларининг сотадиган маҳсулотлари сифати юзасидан назорат амалга оширилганлиги эътироф этилиб, шу билан бирга ушбу текширув қатнашчилари бир қатор нуқсонларга йўл қўйилаётганлигини аниқланганлигини ҳам таькидлаган. Жумладан, Қўйлиқ даҳасидаги марказий бозорда маиший чиқиндилар тўпланадиган идишлар тўлиб-тошиб кетганлиги, бозор ҳудудида тозалик масалаларининг ёмонлиги, айрим сут маҳсулотлари сотувчилари ва новвойларда ўз маҳсулотларини сотиш учун тиббий рухсатномаларнинг йўқлиги, гўшт дўконларида ҳам айрим нуқсонлар борлиги таькидлаб ўтилган. Афсуски, бундай ҳол биргина Қўйлиқ бозоригагина хос бўлмай, балки бошқа бозорларда ҳам шундай нуқсонларга йўл қўйилган. Жумладан, Авиасозлар, Миробод, Қўйлиқ бозорининг Рисовая бўлими, Олой, Бешёғоч ва бошқа бозорларда ҳам ана шундай аҳвол кузатилган. Шаҳар

бозорларида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва бошқа хусусий маҳсулотларни сотишда санитария қоидаларига риоя қилмаганликлари учун бир қатор бозорларнинг директорларига катта ҳажмдаги пул жарималари солинган[1].

“Халқ сўзи” санитария ҳолатларини, “Ишонч” газетасида коррупция ҳолатлари , “Ўзбекистон овози”, савдо маданияти, деҳқон бозорларидаги олибсотарлар танқиди, “Маърифат” газетасида эса бозор ва бозор одоби, бозордаги болаларнинг таълим тарбияси муаммолари, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, “Савдогар”, “Biznes daily”, “Истеъмолчи”, “Постда”, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт қўмитасининг ойлик ижтимоий-иқтисодий нашри “Ҳаёт ва иқтисод”, “Иқтисодий ҳисобот” саҳифаларида бозор муносабатларига ўтиш жараёнида аҳоли турмушидаги ўзгаришлар ёритилган, “Шарқ престиж” ҳафтаномаси, “Солиқ тўловчининг журнали”, “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги”, “Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси”, “Фан ва турмуш”, “Солиқлар ва божхона хабарлари”, “Uzbekistan contact”, “Иқтисодиёт ва таьлим”, “Менежмент ва маркетинг” саҳифаларида турмушимиз кўзгуси бўлган бозорларнинг қайноқ ҳаёти ёритилиб борилганлиги, шу каби маълумотлар мавзуни ёритишда муҳим аҳамият касб этади.

Архив хужжатларида эса аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш, суистеъмоллик, олиб сотарлик, маҳаллий корхоналарда ишлаб чиқилган халқ истемоли товарларини (озиқ-овқат ва саноат маҳсулотлари) давлат секторидан тижорат ва таркибга кўчиб ўтишининг олдини олиш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокими қарорида – 1993 йил 15 январдан бошлаб Республикада ишлаб чиқарилган товарлар тижорат-воситачи дўконларда тобелилигидан қатий назар ишлаб чиқарувчилар томонидан белгиланган амалдаги эркин нархларга савдо қўшимча қиймати қўлланиб савдо қилиниши ҳақида, илгариги савдода мавжуд бўлган товарлар 1993 йил 15 январгача сотилиши ёки топширувчиларга қайтарилиши белгиланган [6].

Тошкент шаҳар бозорларида сотувчи ва харидорларга қулайлик яратиш мақсадида бозорларнинг тозалиги, сифатли махсулотлар билан тўлдирилишига Тошкент шаҳри ҳокимияти ва Тошбозорсавдоуюшмаси ҳам катта эьтибор қаратиб келган. Масалан, Тошбозорсавдо уюшмаси бошқаруви Тошкент шаҳар ҳокимининг 1996 йил 30 апрелдаги “Шаҳар ҳудудида озиқ-овқат ва буюм савдосини тартибга солиш тўғрисида” ги 121-сонли қарорининг 2-бандига мувофиқ уюшма таркибидаги бозор акционерлик жамиятлари шаҳобчаларида қўшимча шароитлар яратилганлигини ҳисобга олиб буюм ва озиқ-овқат маҳсулотлари савдо жойини Бектемир бозорида – 300 ўринга, Аския бозорида – 150 ўринга, Сергели -3 мавзесида 150 ўринга кенгайтиришни сўраган. Ушбу савдо ўринларидан тушган тушум бозорларда олиб борилаётган қурилиш кенгайтириш ишлари учун сарфланиши кўрсатилган ва Тошкент шаҳар ҳокимининг тегишли қарори билан тасдиқланган[4].

Ҳокимият ва солиқ органлари томонидан бозорларда патта ва бошқа манбалардан тушум пулларини режалаштириш ва ундирилиши юзасидан назоратнинг сусайтириб юборилганлиги оқибатида уларнинг ўзлаштирилишига йўл қўйилганлиги қайд қилинган.

Жумладан, “Фарҳод деҳқон бозори” акциядорлик жамияти мансабдор шахслари ва назоратчилари бозорга қарашли автомобиллар тўхташ жойидан фойдаланганлик ва патта тўловлари учун 2006 йил ва 2007 йилнингг ўтган 5 ойида келиб тушган 76,5 млн. сўм пул маблағларини банк муассасасига топширмасдан ўзлаштирганлар. Бу каби ҳолат Тошкент шаҳридаги “Қўйлиқ деҳқон бозори” ва “Эски жува деҳкон бозори”да аниқланган. Мазкур ҳолатлар юзасидан жиноят ишлари қўзғатилган.

Айрим бозор раҳбарлари ўз мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиб, бозорда баъзи шахсларнинг ноқонуний фаолият кўрсатишларига, солиқ

тўловларидан бўйин товлашига имконият яратиб берганликлари аниқланган. Таҳлиллар Республика бозорлари фаолиятида тўлов интизомига риоя этмаслик, иш ҳаки ва дивиденд тўловларининг ўз вақтида тўланмаслиги, низом жамғармаларининг тўлиқ шакллантирилмаганлиги ҳолатлари мавжудлигини кўрсатган. 2006 йилнииг 1 май ҳолатига республикадаги бозорларида муддати ўтган 362 млн. сўм дебитор ва 2,7 млрд. сўм кредитор қарздордик вужудга келган. Ушбу қарздорликнинг асосий қисми Андижон, Наманган, Фарғона ва Самарқанд вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳридаги бозорлар ҳиссасига тўғри келади. Иш ҳақидан карздорлик 299.8 млн. сўмни ташкил қилгани ҳолда унинг асосий қисмини Тошкент шаҳри, Фарғона, Самарканд, Андижон, Жиззах ва Тошкент вилоятлари, ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси бозорлари ташкил қилади. Возорларнинг дивиденд тўловларидан 302,8 млн. сўмлик қарздорлиги мавжуд бўлиб, унинг асосий қисми Тошкент шаҳри, Қорақолпоғистон Республикаси, Андижон ва Жиззах вилоятларида йўл қўйилган [8].

Йирик бозорларда ҳафтанинг душанба кунидан ташқари ҳар куни бозор бўлиши ва тижоратчиларининг савдо жараёнида бандлигини ҳисобга олиб 2003 йил 6 февральда Тошкент шаҳар ҳудудида йирик буюм бозорлари, савдо марказлари ва мажмуаларида савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш департаментининг таянч пунктлари ташкил этилган бўлиб, бундан мақсад, тадбиркорларга қулай шароит яратиш, буюм бозорларида ҳужжатларни қабул қилиш ва савдо қилиш ҳуқуқини берувчи рухсат гувоҳномаларини расмийлаштириш ишларини жойида амалга ошириш белгиланган [7].

Ўзбекистоннинг ҳамма бозорларига хос бўлган муаммо автотураргоҳлар масаласи бўлиб, ҳозир ҳам буткул бартараф этилмаган, лекин бозорлар фаолияти билан масъул бўлган ташкилотлар ҳаракатлари билан маълум тартибга солиб келинган. Айнан Тошкент шаҳри бозорларига, айниқса, улгуржи савдода аҳамиятли бўлиб келган Отчопар, Абу Сахий, Қўйлиқ бозорларига республиканинг ҳамма ҳудудидан харидорларнинг келиши боис бозорлар атрофида тирбандлик пайдо бўлиб келган.

“Бозор. Нега харидорга беряпти озор?” [10] номли танқидий мақолада транспорт хизмати ҳақида ҳам норозилик билдирилиб, “Отчопар ёнидаги йўлда ҳам транспорт ҳаракати издан чиқиб туриши, бозордан метро бекатигача бўлган автобус хизматида ҳам мутлақо тартиб йўқлиги” ҳақида маълумот берилган.

«Тошбозортайёрловсавдо» уюшмаси томонидан «Чорсу буюм бозори» очиқ акциядорлик жамиятига ёндош ҳудудда жойлашган автотураргоҳни бозор жамияти тасарруфига ўтказиш таклифи ишлаб чиқилиб, ушбу таклифга асосан собиқ «Чорсу» автошоҳбекатида жойлашган «3 - автобуслар саройи» ОАЖга қарашли 8957 $м^2$ ер майдонидан қисман олиниши ҳисобига 4129 $м^2$ ер майдонини «Чорсу буюм бозори» очиқ акциядорлик жамиятига автомобилларни вақтинча сақлаш бўйича пуллик хизмат кўрсатишни ташкил этиш учун фойдаланишга ажратиб бериш бўйича Тошкент шаҳар хокимининг тегишли қарор қабул қилинган [4].

Шунингдек, “Чилонзор буюм бозори” очиқ акциядорлик жамияти, Зангиота тумани хўжалик моллари бозори ва «ABU SAXIY» МЧЖ савдо маркази каби йирик савдо мажмуаларининг Тошкент ҳалқа автомобил йўлининг биринчи километрида жойлашганлиги, транспортларнинг ва харидорларнинг фақат шу йўл орқали савдо мажмуаларига кириб келиши йўлда доимий тирбандликни вужудга келтириб, йўл ҳаракати хавфсизлигида муаммолар пайдо бўлиб, харидорларга ноқулайликлар туғдирган. Автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш бўйича пуллик хизматни ташкил қилиш билан йўлдаги автотранспортларнинг эркин ҳаракатини таъминлаш, харидорларга янада қулайликлар яратиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 5 апрелдаги “Автотранспорт воситаларини

вақтинча сақлаш бўйича пуллик хизматлар кўрсатувчи юридик шахслар фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори талабларидан келиб чиқиб, «ABU SAXIY» МЧЖ савдо маркази эгаллаб турган ер майдонининг 2,0 гектарли кисмида енгил автомобилларни вақтинча сақлаш автотураргоҳи ташкил этилган[3].

“Маъмурий бинолар ва автотранспорт тўхташ жойлари бошқармаси” 1998 йилнинг 1 декабридан бошлаб “Отчопар буюм бозори” акционерлик жамияти ҳудудида жойлашган автомобиль тўхташ жойларини, “Отчопар буюм бозори” акционерлик жамиятига ўрнатилган тартибда, “Отчопар буюм бозори” акционерлик жамияти ва ҳудуд чегараларида жойлашган автотўхташ жойлари фаолиятини ҳамда улардан пул тушумини мунтазам назорат қилиш, тўхташ жойларига кириб-чиқувчи автомашиналар сони, тўхташ вақти ҳисобини олиб бориш учун Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси “Академасбоб” илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси билан шартнома тузиб, “автомат турникетлар” ўрнатиш ва тўхташ жойидан фойдаланувчилар учун зарур шароит яратиш чора-тадбирлари кўрилган[6].

Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармаси йўл ҳаракати ҳавфсизлиги бошқармаси ҳам бозорлар яқинидаги йўлларда ҳаракат ҳавфсизлигини таъминлашга ҳаракат қилган. Масалан, «Карвон бозори» тизимидаги бозорлар ва савдо марказлари атрофида автотураргоҳларнинг етишмаслиги, мавжудларининг тартибга келтирилмаганлиги сабабли ҳаракатни тартибга солишда бир қатор муаммолар юзага келганлиги, шунингдек, бозорлар атрофидаги автотураргоҳларнинг ҳолатига ва ҳаракат ташкил этилганлигига жавобгар бўлган ягона тизимнинг йўқлиги, мавжуд ҳолатни янада қийинлаштирганлигини баён қилиб, кўрсатилган ҳолатларни инобатга олган ҳолда «Карвон бозори» савдо марказлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи ягона жамият ташкил этиш таклифи билан Тошкент шаҳар ҳокимлигига мурожаат қилган [2].

Юқоридаги маьлумотлардан шундай хулосага келишимиз мумкинки, Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архивининг фондларида, Тошкент шаҳар архив фондлари, шунингдек, Тошбозорсавдонинг жорий архив фондларида сақланаётган ҳужжатларни Тошкент шаҳри бозорлар фаолиятини ёритишдаги муҳим манба турига киритишимиз мумкин. Бу маълумотлардан бозорларнинг бошқарув фаолияти, улардаги муаммо ва камчиликлар, шунингдек, ички ва ташқи савдонинг қандай тартибда солиб турилиши, бозорлар фаолияти, бозорлар моддий техника базаси, патта тўлови, ижара ҳақи ва турлари, автотураргоҳлар масаласи, расталар бошқаруви, санитария назорати, транспорт воситалари ҳақида маьлумот олишимиз мумкин. Мавзуни тадқиқ этиш жараёнида архив материаллари қиёсий таҳлил этилди, умумлаштирилди ҳамда шу асосида назарий ва амалий хулосаларга келинди. Жумладан, Тошкент шаҳри бозорларининг умумий муаммоси сифатида автотураргоҳларни кенгайтириш ва қулай кириб чиқишни осонлаштириш мақсадида бошқа давлатлар тажрибаларини ҳам ўрганиш. Ҳаридорларга қулайлик яратиш мақсадида ёйма бозорларни раста кўринишига ўтказиш каби таклифларни киритишимиз мумкин.

**Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати**


1. Охунжонов Усмонжон. Мунча соддасиз отаси // Тошкент оқшоми, 1991 йил 20 сентябрь.
2. Тошкент шаҳар давлат архиви, 582-фонд, 1-рўйҳат, 1311-иш, 169-варақ
3. Тошкент шаҳар давлат архиви, 582-фонд, 1-рўйҳат, 1345-иш, 150- варақ.
4. Тошкент шаҳар давлат архиви, 582-фонд, 1-рўйҳат, 1340-иш, 167-172-варақ.
5. Тошкент шаҳар давлат архиви, 582-фонд, 1-рўйҳат, 263-иш, 24-25-варақ.
6. Тошкент шаҳар давлат архиви, 582-фонд, 1-рўйҳат, 337-иш, 572- варақ

**7.** Тошкент шаҳар давлат архиви, 582-фонд, 1-рўйҳат, 67-иш, 60-варақ.
**8.** Тошкент шаҳар давлат архиви, 660-фонд, 1-рўйҳат, 43-иш, 29-варақ.
**9.** Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратурасининг бозорлар фаолиятини тартибга солишга қаратилган қонунчилик ижросининг аҳволи тўғрисида ахборотномаси. 22 июнь 2007 йил.
**10.** Халқ сўзи // 1996 йил 28 декабрь.

## МУСТАҚИЛЛИК ШАРОИТИДА ЎЗБЕКИСТОН ИЖОДКОР ЗИЁЛИЛАРИГА ЯРАТИЛГАН ИЖОД ЭРКИНЛИГИ

***Б.Ў. Боқиев – ҚМИИ “Ўзбекистон тарихи” кафедраси катта ўқитувчиси***

Жамият ҳаётининг барча соҳаларида олиб борилаётган ислоҳотларнинг самарали амалга оширилиши, биринчи навбатда, давлат ҳокимиятининг барча бўғинларида ижро интизомининг зарур даражада ташкил этилишига боғлиқдир. 1991 йил 31 августда Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритар экан, ўзбек халқининг олдига қўйилган кейинги устувор вазифалардан бири мамлакат тараққиётида илм-фан ва уни ривожлантирувчи зиёлилар фаолиятини йўлга қўйиш эди. Ана шу мақсадда мустақилликнинг дастлабки кунларидан республика ҳукумати бу масалага жиддий эътибор қаратди. Давлат томонидан зиёлилар ижодий фаолиятига тўсқинлик қилувчи партиявий тўсқинлик ва чекловларга барҳам берилди. Хусусан, “Республикада давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларини ҳамда халқ таълими системасини партиядан ҳоли этиш тўғрисида”ги Фармон [1] зиёлилар ижодидаги чекловларга барҳам бериш учун ҳуқуқий асос бўлди.

Давлат томонидан зиёлиларга ижод эркинлигини берилиши натижасида бир қатор илмий, бадиий, санъат асарлари яратилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 42-моддасида кўрсатилганидек, “Ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади. Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий риволанишига ғамхўрлик қилади” [2] дейилган.

Тарихчи олимлар томонидан Ўрта Осиё ва Ўзбекистон тарихига оид холис, маълумотларга объектив ёндашилган тадқиқотлар амалга оширилди. Айниқса, бадиий адабиётда миллий руҳ билан бойитилган, тарихий, дедиктив, қисса, роман ва достонлар ёзилди. Ижодий меҳнат эвазига давлат томонидан қатор олимлар давлат мукофотлари билан тақдирланди. “Ўзбек адабиёти тарихи” дарслиги учун А.Хайитметов, А.Абдуғофуров, С.Ғаниева, Я.Исоқов каби муаллифлар жамоаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан (1992 йил 4 май) Абу Райҳон Беруний номидаги Давлат мукофоти билан тақдирландилар [3].

Мустақиллик йилларида бадиий адабиётда миллийлик, минг йиллик тарихий анъаналар, умуминсоний қадриятлар, эркин фикр юритиш тамойиллари тикланди. Бадиий адабиёт синфийлик, партиявийлик, коммунистик мафкуравийлик каби ақидалар ҳукмронлиги иллатларидан озод бўлди. Абдулла Орипов, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Хуршид Даврон каби ижодкорларнинг тарихий роман, пьеса ва қиссаларида улуғ бобокалонларимиз Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва бошқаларнинг сиймолари умуминсоний ва миллий қадриятларга мос тарзда янгича талқинда ёритилди. Халқаро Шолохов мукофоти лауреати Тўлепберген Қайипбергеновнинг “У дунёга, бобомга хат” асарида, Шукруллонинг “Кафансиз кўмилганлар” романида, Назар Эшонқуловнинг “Қора китоб” повестида, Ўткир Ҳошимовнинг “Тушда кечган умрлар”, Тоғай Муроднинг “Отамдан қолган

далалар” сингари асарларда мустабид совет даврида халқ бошига солинган беҳад кулфатлар, ғам-аламлар ҳаққоний тасвирланган.

Тоҳир Маликнинг “Шайтанат” (4 китоб), Ҳожиакбар Шайховнинг “Тутқин одамлар” асарларида инсонни иймон ва виждондан оздиришга, разолат ва қабоҳат уммонига ўтқизишга уринувчи ёмонлик дунёси, мафия олами шайтонлари фош қилинади, уларга нисбатан нафрат туйғулари тараннум этилади. Омон Мухторнинг “Тўрт томон қибла” номли трилогияси, Барот Бойқобуловнинг “Ўзбекнома” тарихий-фалсафий достони, Абдуқаҳҳор Иброҳимовнинг “Биз ким, ўзбеклар” бадиий-тарихий асари, Азим Суюннинг “Оқ ва қора”, А.Қутбиддиннинг “Изоҳсиз луғат” шеърий асарлари замонавий ўзбек адабиётининг ёрқин ифодасидир [4].

Ҳукумат томонидан зиёлиларнинг ижоди муносиб тақдирланди. Хусусан, ўзбек адабиёти ва шеъриятининг ривожлантиришдаги муносиб ҳиссаларини ҳисобга олиб, Абдулла Ориповга “Муножот” сайланма шеърий китоби, Шукруллонинг “Кафансиз кўмилганлар” хотира романи, Барот Бойқобиловнинг “Навоийнома”, чор китоби учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 4 февралдаги фармонига мувофиқ Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикасининг Давлат мукофоти билан тақдирландилар [5].

Давлат томонидан миллий санъатни ривожлантиришга ҳисса қўшаётган зиёлилар фаолиятини такомиллаштириш ва меҳнатини тақдирлашга алоҳида эътибор қаратилди. Санъатнинг ашула, рақс, тасвирий санъат, мусиқа ва меъморчилик соҳасидаги асарлари учун қатор ижодкорлар давлат мукофотлари билан тақдирланди. Жумладан, Ш.Жўраев, Б.Жалолов, С.Мўминов, М.Фозиловлар 1991 йилда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикасининг Давлат мукофоти [6], ҳайкалтарош И.Жабборов ва К.Жабборовлар томонидан Тошкентда Амир Темурнинг отлиқ ҳайкали, Самарқанд ва Шаҳрисабзда Амир Темур ҳайкаллари, Фарғона ва Кувада ал-Фарғоний (1998), Хоразмда Жалолиддин Мангуберди ҳайкаллари (1999) яратилди. Ҳайкалтарош Р.Мирбошиев ижодига мансуб “Захириддин Муҳаммад Бобур” (1993, Андижон), “Абдулла Қодирий” (1994, Тошкент), “Чўлпон” (1997, Андижон), “Она” (1999, Жиззах шаҳри) каби бир қатор ҳайкал ва ёдгорликлар яратилди. 1999 йилда Термизда “Алпомиш” ҳайкали ва мажмуа-композицияси (А.Раҳматуллаев ва бошқалар) бунёд этилди. Мустақиллик йилларида ҳайкалтарошлик санъати жадал ўсди.

Мустақиллик йилларида миллий мусиқа ва қўшиқчилик санъати ҳам ривожланиб борди. Республика Маданият ишлари вазирлиги, 1992 йилда ташкил этилган “Халқ ижоди ва маданий-маърифий ишлар республика Маркази”, унинг вилоятлардаги бўлимлари мусиқа ва қўшиқчилик санъатини, ҳаваскорлик ва фольклор жамоалари фаолиятини ривожлантириш, унутилган халқ оҳангларини тиклаш мақсадида турли хил кўрик-танловлар, фестиваллар ташкил этдилар. 1992 йилда Тошкентда “Асрларга тенгдош наволар” ва “Боқий овозлар”, Хоразм вилоятида фольклор жамоалари, аския, қизиқчи ва масхарабозларнинг, Қўқонда катта ашула, лапар ва ялла ижрочиларининг кўрик-танловлари ўтказилди. 1994 йил Парижда бўлиб ўтган “Шарқ мусиқаси” фестивалида Муножот Йўлчиева иштирок этиб, ўзбек миллий қўшиқчилик санъатини жаҳонга намойиш этди.

1995 йил декабрда Президент Фармони билан “Ўзбекистон - Ватаним маним” мавзусидаги қўшиқлар кўрик-танлови эълон қилингандан сўнг, юзлаб янги, мустақиллик даври қўшиқлари яратилди. Бу кўрик-танлов мамлакатимизнинг ҳамма жойларида кўтаринкилик билан ўтказилди. 1996 йил 27 августдаги “Ўзбекистон – Ватаним маним” қўшиқлар байрами тўғрисида”ги фармон қўшиқчилик санъатини ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатди. 1996 йилда ўтказилган барча вилоят, шаҳар ва туманларда “Ўзбекистон – Ватаним маним” қўшиқ танловида 54 мингдан

зиёд қўшиқчилар қатнашди. Бундай кўрик-танлов ҳар йили август ойида ўтказиладиган бўлди ва август ойининг учинчи якшанба куни “Ўзбекистон – Ватаним маним” қўшиқ байрами куни деб белгиланди. 1996 йил 24 август куни Тошкентдаги “Туркистон” саройида кўрик-танловнинг якуний босқичи бўлди. Озод Ватанимиз ва мустақиллигимизни тараннум этувчи энг сара қўшиқлар мамлакат бош ҳайъати ҳукмига ҳавола этилди. Танловда Ўзбекистонда истиқомат қилаётган кўпгина миллат вакиллари фаол қатнашди.

Ўзбекистонда мусиқа ва рақс санъатини ривожлантиришда 1996 йил 5 апрелда Президент Фармони асосида “Ўзбекнаво” гастроль-концерт бирлашмаси ташкил этилди [7]. Унда мусиқа-рақс санъатини ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш масалалари кўзда тутилди.

Кўп асрлик бой ва бетакрор маданиятимизнинг ажралмас қисми бўлган миллий рақс санъатининг халқимиз маънавияти, бадиий-эстетик қарашларини юксалтириш, ёш авлодни миллий қадрият ва анъаналаримизга ҳурмат, Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш борасидаги ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Бу эса ушбу санъатни бугунги кунда жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларида рўй бераётган туб ўзгаришларга мос ҳолда ривожлантириш, миллий рақснинг турли йўналиш ва намуналарини, мамлакатимизнинг турли минтақаларида шаклланган мумтоз рақс мактабларини қайта тиклаш ва келажак авлодга етказиш ҳамда бу борадаги таълим-тарбия, тарғибот ишларини кучайтиришни тақозо этмоқда.

Таъкидлаш мумкинки, нафақат мамлакатимизда, балки дунё миқёсида ҳам машҳур бўлган Мукаррама Турғунбоева номидаги “Баҳор” ансамбли ўзининг қарийб 30 йиллик фаолияти давомида ўзбек миллий рақс санъати ривожида ўчмас из қолдирди. Бироқ мустақилликнинг дастлабки йилларида “Баҳор” ансамблининг ижодий фаолияти тўхтаб қолган эди. Шуларнинг барчасини ҳисобга олган ҳолда миллий рақс санъатида профессионал бадиий жамоалар фаолиятини кенгайтириш, иқтидорли ёшларни излаб топиш ва уларни тарбиялаш, балетмейстерлар ва балет артистларининг янги авлодини шакллантирадиган ижодий лабораторияларни ташкил этиш, уларнинг малака ва тажрибасини ошириш, шунингдек, ўзбек рақс санъатининг “олтин фонди”ни яратиш ва бойитиш, халқаро нуфузини янада ошириш ва кенг тарғиб этиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси, Республика маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгашининг Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузурида давлат муассасаси шаклида “Мукаррама Турғунбоева номидаги “Баҳор” давлат рақс ансамбли” фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқулланди [8].

Хулоса қилиб айтганда, истиқлол йилларида Республикада миллий маданиятни янада ривожлантириш, илм-фан, маориф, Ўзбекистоннинг янги тарихини яратиш, моддий ва номоддий маданий мерос дурдоналарини сақлаш ва тарғиб этиш, халқ оғзаки ижодиёти ва ҳаваскорлик санъатини янада оммалаштириш, юртимизнинг жаҳон маданий маконига фаол интеграциялашувини таъминлаш, маданият ва санъат соҳасини инновацион ривожлантиришга қаратилган тизимли чора-тадбирлар амалга оширилди. Ҳукумат томонидан маданият ва санъатни янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқилар экан, унда Маданият вазирлиги тизимидаги театрлар, музейлар, маданият марказлари, концерт-томоша, таълим муассасалари ва бошқа муассасаларининг бошқарув, бадиий-ижодий, ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи ходимларининг намунавий штатларини такомиллаштирди. Ҳудудлардаги давлат музейлари экспозицияларини замон талабларига асосан янгилаш, реэкспозиция қилиш ишларини ташкил этиш ишлари

ташкиллаштирилди. Маданий мерос масалалари бўйича ЮНЕСКО билан ҳамкорликда Халқаро маслаҳат қўмитасини ташкил этиш ва унинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш амалга оширилди.

**Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати**


1. Ўзбекистон Республикаси Олий кенгашининг Ахборотномаси. 1991. – № 11. – Б. 10.
2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2003. – Б. 10.
3. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1992. – № 7. – Б. 4.
4. Эшов Б. Ўзбекистонда давлат ва маҳаллий бошқарув тарихи. – Тошкент, 2014. – Б. 249.
5. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1994. – № 2. – Б.54.
6. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1991. – № 11. – Б.10.
7. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1996 йил 5 март, ПФ-1419-сон.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 4 февралдаги ПҚ-4584-сон қарори. Маълумот Lex. uz дан олинди. https://lex.uz/docs/4724383.


## ЎЗБЕКИСТОНДА МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ИСЛОҲОТЛАРИДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ РОЛИ

***Ш.А.Убайдуллаева – Ўзбекистон Республикаси Олий ҳарбий авиация билим юрти Ижтимоий-иқтисодий ва гуманитар фанлар кафедраси катта ўқитувчиси***

Жаҳонда XXI асрга келиб хотин-қизлар масаласи жамият ҳаётидаги долзарб масалалардан бирига айланди. Аёлларнинг жамият ҳаётининг турли соҳаларида, жумладан соғлиқни сақлаш тизимида тутган ўрнини яхшилаш, тиббиёт соҳасини янада ривожлантириш аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишга бўлган эътиборни янада оширишни тақозо этди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) бу борада асосий эътиборини хотин-қизларнинг соғлиқни сақлаш соҳасидаги ҳуқуқларини таъминлаш, уларнинг тиббий саводхонлигини ошириш масалаларига қаратди. Чунки соғлиқни сақлаш соҳаси ривожида хотин-қизлар муҳим роль ўйнаб келган.

Бугунги кунда жаҳоннинг турли етакчи давлатларининг тиббиёт йўналишидаги илмий-тадқиқот марказлари ва олий таълим муассасаларида тиббиёт соҳасининг турли мавзуларини ўрганишга қаратилган бир қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу тадқиқот ишларида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, хотин-қизларнинг тиббиёт соҳасидаги ўрнини кўтариш, тиббиётда гендер тенглик, тиббий кадрларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш каби мавзуларда илмий изланишлар олиб бориш долзарб масалага айланди.

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритгач асосий эътиборни соҳалар ислоҳотига қаратди. Сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий соҳаларда туб ўзгаришлар билан бирга ижтимоий соҳанинг энг муҳим таркибий қисми ҳисобланган соғлиқни сақлаш соҳаси ислоҳотлари давлат сиёсатининг марказий ўринларидан бирини эгаллади. Соғлиқни сақлаш ва тиббиёт соҳаси ислоҳотларида хотин-қиз тиббиёт ходимлари ҳам фаол иштирок этди.

Хотин-қизлар соғлиқни сақлаш ва тиббиёт соҳасидаги бошқарув тизимида, соҳанинг турли йўналишларида хусусан, педиатрия, акушер-гинекология, терапия, лор, неврология каби соҳаларида фаол иштирок этди. Қолаверса, хотин-қизлар тиббиёт бўйича Ўзбекистоннинг халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлар билан бўлган ҳамкорлигида ҳам асосий ўринда турди.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида соғлиқни сақлаш соҳаси тарихига доир илмий ишлар кўлами кенгайиб борди. Хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги ўрни масаласи ижтимоий соҳа вакиллари томонидан тадқиқ этилди. Бунда аёлларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, гендер тенглик муаммоси, соғлом авлод тарбиясида ҳотин-қизларнинг ўрни масалалари ўрганилди [1. 8-бет]. Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш ислоҳотларида хотин-қизларнинг ўрнини ёритишда ҳуқуқий меъёрий ҳужжатлардан манба сифатида фойдаланилди. Соғлиқни сақлаш ва тиббиёт соҳасида бир нечта қонун ва меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, амалиётга қўлланилди. Ушбу соҳа тарихини тадқиқ этиш натижасида қўлга киритилган хулосалардан тизимдаги ислоҳотларда фойдаланиш муҳим аҳамиятга эгалиги ҳам танланган мавзунинг долзарблигини белгилайди. Соҳани ҳуқуқий тартибга солиш мақсадида 1996 йил 29 августда “Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги Қонуннинг Олий мажлис томонидан қабул қилиниши тизимда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самараси учун хизмат қилди. Қонунда тизимда инсон ҳуқуқларига риоя қилиш, аҳоли орасида профилактикани кучайтириш, фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиниши, тиббиёт фанини ривожлантириш омиллари хусусида ҳам фикрлар илгари сурилди [2. 23-бет].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2018 йил 2 февралдаги ПФ-5325-сонли “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари, 2019 йил 7 мартдаги ПҚ-4235-сонли “Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сонли “Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2021 йил 5 майдаги ПФ-6221-сонли “Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислоҳотларни изчил давом эттириш ва тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш тўғрисида”ги, 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли “Янги Ўзбекистоннинг 2022 - 2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармонлари ва соҳа фаолиятини такомиллаштиришга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда илмий мақоладаги мавзуни ёритишда муайян даражада хизмат қилади.

Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш ва тиббиёт соҳасидаги ислоҳотлар жараёнида хотин-қизлар энг фаол иштирокчи бўлди. Республикада умумий шифокорлар сонида аёллар улуши катта фоизни ташкил этиши ҳам уларнинг соҳа ривожидаги ўрнининг юқорилигидан далолат беради [3. 2-бет]. Ўрта тиббиёт ходимлари эса асосан хотин-қизлардан ташкил топди. Қолаверса, соҳа бошқарув тизимида, тиббиётнинг турли йўналишлари ривожида хотин-қизлар муҳим роль уйнади. Тиббиёт бўйича давлат степендияндатлари ҳамда ЖССТнинг Марказий Осиё бўйича эксперти ҳам айнан ўзбекистонлик аёл бўлди. Хотин-қизлар тиббиёт ходимлари пандемия шароитида коронавирусга қарши курашда ҳақиқий жасорат намунасини кўрсатди [4. 345-иш, 44-варақ]. Баъзилар касалликни юқтириб, вафот этди. Қолаверса, Ўзбекистонда коронавирусга чалинган биринчи беморни даволаган шифокор ҳам аёл киши бўлди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш ва тиббиёт соҳасини бошқариш соҳасида ҳам муайян ўзгаришлар амалга оширилди. Соҳани ҳуқуқий тартибга солиш мақсадида 1996 йил 29 августда "Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг соғлиғини сақлаш тўғрисида"ги Қонуннинг Олий мажлис томонидан қабул қилиниши тизимда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самараси учун хизмат қилди. Қонунда тизимда инсон ҳуқуқларига риоя қилиш, аҳоли орасида профилактикани кучайтириш, фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиниши, тиббиёт фанини ривожлантириш омиллари хусусида ҳам фикрлар илгари сурилди.

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритган дастлабки кунлардан бошлаб замонавий билимларни пухта эгаллаган тиббиёт кадрларини тайёрлаш вазифасини кун тартибидаги асосий масалалар қаторига киритди. Ўзбекистон ҳукумати томонидан кейинги йилларда ҳам ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш чоралари кўрилди. Жумладан, 1996 йил 22 февралда Ўз Р ВМ тиббий патронаж тизимини ташкил қилиш тўғрисида"ги қарори [5. 2569-иш, 22-варақ], 1998 йил 10 ноябрда "Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш тўғрисида" Президент Фармони эълон қилинди. Мазкур Фармонда тиббиёт соҳаси кадрлар масаласига ҳам катта этибор берилди. Хусусан, юқумли касалликларга қарши кураш жараёнида эркаклар билан бирга аёл тиббиёт ходимлари ҳам ёнма-ён туриб фаол иштирок этди.

Ўзбекистонда мустақилликнинг илк даврида тиббиёт ходимларининг катта қисмини, шифокорларнинг 65 фоизини хотин-қизлар ташкил этди. Соҳада амалга оширилган ислоҳотлар натижасида замонавий билим ва кўникмаларга эга бўлган, тиббиётнинг сўнгги янгиликларини эгаллаган ҳамда уларни амалиётда қўллай оладиган хотин-қизлардан иборат тиббиёт кадрлари салмоғи ошиб борди. 1999 йил 14 январда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимидаги бошқарувни такомиллаштириши ҳақида" ги қарори эълон қилинди. Қарор ижросини таъминлаш мақсадида амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида тизимни бошқариш ишида ижобий ўзгаришлар амалга оширилди.

Даволаш муассасаларида тиббий хизматни йўлга қўйиш ва бошқаришда янги усуллари ишлаб чиқилиб, амалиётга тадбиқ этилди. Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш ва тиббиёт соҳасининг қатор масъулиятли лавозимларида хотин-қизлар фаолият кўрсатди. Жумладан, Малика Абдуллахўжаева (ЖССТнинг илмий маслаҳатчиси, Халқаро Патология академиясининг Марказий Осиё бўлими Президенти), Элмира Боситхонова (Бош вазир ўринбосари – Хотин-қизлар қўмитаси раиси), Умида Газиева (ССВининг Даволаш-профилактика ёрдамини ташкиллаштириш Бош бошқармаси бош мутахассиси), Дилором Тошмухаммедова (Оила илмий-амалий маркази директори), Флора Иноятова (Республика Гепатология илмий бўлими раҳбари), Орал Атаниязова (Қорақалпоғистон тиббиёт институти ректори), Тамарахон Арипова (Ўз.Респ. Иммунология ва геномика институти директори), Мақсуда Ворисова (Олий Мажлис қонунчилик палатаси депутати), Ёқутхон Мажидова (Ўз.Респ. ССВ бош неврологи), Наргиза Парпиева (Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази директори).

Биоэтика беморларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, бу соҳага Ўзбекистонда Малика Абдуллахўжаева рационализатор сифатида шу соҳага асос солди. Тиббиётнинг серқирра йўналишлари ичида энг мураккаб ва масъулиятли йўлни танлади. Малика Абдуллахўжаева соғлиқни сақлаш соҳасига кўрсатган хизмати учун Ўзбекистон Қаҳрамони унвонини қўлга киритди. У Ўз ФАси академиги, Халқаро Патология академиясининг Марказий Осиё бўлими Президенти ҳам эди. Малика Абдуллахўжаева кўп йиллар республика Патологик анатомия

маркази директори сифатида фаолият кўрсатиб, Америкадаги Халқаро Биография институти томонидан эълон қилинган XX асрнинг энг кўзга кўринган 500 нафар олимларидан бири бўлди. М.Абдуллахўжаеванинг инсониятга хизмат қилаётган умрбоқий илми муносиб баҳоланиб, “Меҳнат шуҳрати” ордени соҳибаси бўлди. МДҲ давлатларида биринчи марта макро ва микроскопия телемедицинасининг Телепатология йўналишини ташкил этди. Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти эксперти жаҳонга танилди. Халқаро конференцияларда тиббиётнинг долзарб мавзуларида чиқиш қилди. Ўзбек олимасига АҚШнинг Калифорния штатида Фресно шаҳри фахрий фуқароси мақоми берилди [6. 42-бет]. Одам патологиясини ўрганиш мақсадида Тошкентда патологик маркази ташкил этилди. Малика Абдуллахўжаеванинг шогирдларидан бири профессор Хасан Турсунов устози ҳақида шундай дейди6 “Ёшим олтмишдан ошди... ҳаётда кўп инсонларни кўрдим. Илмнинг машаққатли йўлларида неча бор йиқилиб, неча бор қайта турдим... мен билган инсонлар орасида онамдай меҳрим тушган устозим Малика Абдуллахўжаеванинг ўрни бўлакча эди. Мен бу инсон билан учрашувимизни тақдирнинг менга ато этган мукофоти деб биламан... 40 йил унинг илмидан сабоқ олдим, 40 йил у кўрсатган йўлдан юрдим, 40 йил унинг одамларга қилган яхшиликларидан сабоқ чиқардим”.

Малика Абдуллахўжаева Ўзбекистонда хотин-қиз талабалар орасида биринчилардан бўлиб Давлат стипендияси соҳиби, Патологик анатомия фани бўйича биринчи фан доктори, профессор, МДҲ мамлакатларидан чиққан энг биринчи ва яккаю ягона Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти (ЖССТ) илмий маслаҳатчиси, эксперти ва муваққат маслаҳатчиси бўлди. У 1997 ва 2012 йилларда тиббиёт институтларининг 3-курс талабалари учун 2 жилдлик “Одам патологиясининг асослари” дарслигини ўзбек ва рус тилларида чоп эттирди.

Тиббиёт соҳасида ислоҳотлар аҳолини тиббий маданиятини юксалтиришга ҳам хизмат қилди. Пандемия шароитида имкониятлар янада ошиб борди. Жумладан, Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази томонидан ҳудудлардаги беморларга телемедицина орқали маслаҳатлар бериш ишлари ташкил этилди. Бундай ишларга марказнинг хотин-қизлари фаол иштирок этди. Онлайн тизимидаги маслаҳатлар Соғлиқни сақлаш вазирлигининг терапия бўйича бош мутахассиси профессор У. Камилова, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг гастроэнтерология бўйича бош консультанти профессор М. Алиахунова, профессор Г. Содиқова, тиббиёт фанлари докторлари Д. Раҳимова, Г. Собирова ва тиббиёт фанлари номзодлари Э. Дўстмуҳамедова, Д. Тўлаганова, Н. Дусанова, С. Нуриддиновалар томонидан амалга оширилди. Консультация қилинаётган беморлар ҳудудлардаги кўп тармоқли тиббиёт марказларининг гастроэнтерология, кардиология, ревматология, пульмонология бўлимларида даволанаётган бўлиб, уларга ташхислаш ва даволаш муолажалари бўйича маслаҳатлар берди. Бу каби телемедицина орқали онлайн тизимида берилган маслаҳатлар беморлар даволаниши самарадорлигини ошишига ва асоратлар олдини олишга имкониятларни кенгайтирди [7. 7-бет].

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида тиббиётни ривожлантиришда хотин-қизларнинг ўрни билан боғлиқ тарихий жараёнларнинг таҳлили ва тадқиқи қуйидаги хулосаларга асос бўлди. Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш ва тиббиёт соҳасида ислоҳотлар доимий равишда амалга оширилиб, унда хотин-қизлар энг олдинги сафларда турди. Айниқса, тиббиёт соҳасини бошқарув тизимида, тиббиётнинг турли ихтисосликларида, яъни санитария-эпедимология, неврология, кардиология, онкология, тиббий таълим ва бошқа йўналишлари фаолиятини йўлга қўйишда хотин-қизлар фаол иштирок этди. Тиббиёт йўналиши бўйича давлат стипендиантлари ҳам, ЖССТнинг Марказий Осиё бўйича экспертлари ҳам айнан аёллар орасидан етишиб

чиқди. Хотин-қизлар пандемия шароитида коронавирусга қарши кураш энг фаол иштирокчи бўлди. Уларнинг баъзилар касалликка қарши кураш жараёнида ўзлари ҳам касалланиб, вафот этди. Ҳатто Ўзбекистонда коронавирусга чалинган илк беморни даволаган шифокор ҳам аёл киши бўлди.

Жаҳонда атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришлари ҳамда миграция жараёнларнинг кучайиши вирусли юқумли касалликларнинг дунё бўйлаб кенг тарқалишида муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилди. Хусусан, Ўзбекистон тиббиёти тарихида юқумли касалликларга қарши кураш иши давлат сиёсатининг марказий ўринлардан бири бўлди. Ўзбекистонда юқумли касалликларга қарши кураш жараёнида эркаклар билан бирга хотин-қизлар ҳам ёнма-ён туриб фаол қатнашди. Бу соҳада ҳам замонавий билим ва тажрибага эга бўлган, даволашда жаҳон тиббиётининг сўнгги янгиликларини амалиётда қўллай оладиган аёл тиббиёт кадрлари салмоғи ортиб борди.

Юқумли касалликлар бўйича ихтисослашган тиббиёт муассасаларининг баъзиларининг ходимлар бўйича классфикацияси ўрганилганда, аёлларнинг улуши юқорилиги аниқланди. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Вирусология илмий-текшириш институтида бир қатор таниқли ва фидоий олималар фаолият кўрсатди. Институт қошида Миллий грипп маркази фаолият кўрсатиб, ходимларининг кўпчиллиги хотин-қизлардан иборат бўлди. Муҳайё Асилова, Насиба Муҳаммедова, Вазира Каримжонова, Ҳушнура Саидгазиева, Зилола Алимова кабилан Ўзбекистон тиббиёти тарихига ўзларининг фидокорана меҳнатлари билан кирди. Юқумли касалликлар мавзуси бўйича бир қатор олима аёлларимиз ўзларининг илмий мактабларини яратишга ҳам муваффақ бўлди. Уларнинг шогирдлари нафақат Ўзбекистонда, балки хорижий давлатларнинг тиббиёт муассасаларида ҳам фаолият кўрсатди. Ўзбекистонда болалар юқумли касалликларини ўрганиш ва даволашда Тошкент давлат педиатрия институтининг алоҳида ўрни бўлиб, ушбу йўналишда бир нечта кафедралардаги хотин-қиз олималар долзарб мавзуларда тадқиқотлар олиб борди.Бу каби тадбирларнинг барчасида хотин-қизлар фаол иштирок этиб, улар Ўзбекистонда юқумли касалликлар кўрсаткичининг пасайишига, дифтерия, қоқшол касалликларининг бутунлай тугатилишига катта ҳисса қўшди.

Ўзбекистонда тиббий йўналишдаги таълим муассасаларида ҳам хотин-қизлар етакчи ўринлардан бирида турди. Айниқса, тиббиёт коллежлари ўқитувчилари ва ўқувчиларининг ҳам катта фоизини хотин-қизлар ташкил этди. Таълим самарадорлиги аввало, ўқув жараёни билан чамбарчас боғлиқлиги инобатга олиниб, тиббий таълим муассасаларида ўқитиладиган фанлар бўйича хотин-қиз педагоглар томонидан ўқув дастурлари ва адабиётлар тайёрлаш ишига яқиндан ёрдам берилди. Олий таълим муассасаларида фаолият кўрсатган хотин-қизлар ўқув тарбия, фан ва амалиётни биргаликда олиб боришга ҳаракат қилдилар. Натижада улар томонидан тайёрланган иқтидорли талабалар Республикада турли кўрик танловлар иштирок этиш, Зулфия номидаги давлат мукофотни қўлга киритиш, номдор давлат стипендияларини қўлга киритишга муваффақ бўлди.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.**


1. Шомуратов Ш., Шукурова Э., Ирсалиева Ф. Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш устувор вазифа // Тиббиётнома, 2018 йил 4-сон.
2. Акбаров А., Турсунов Д., Ашурова Ш., Қодиров Ш. Қашқадарё тиббиёти фидойилари. – Қарши: “Қашқадарё кўзгуси ОАВ”, 2019.
3. Миразимов Д.Б. Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш: асосий йўналишлар ва босқичлар // Соғлиқни сақлашни ташкил этиш ва бошқариш, 2010 йил 3-4 сон.

4. Ўз ИТТҲ МА, М-372-фонд, 1-рўйхат, 345-иш, 44-варақ.
5. Ўзбекистон Миллий архиви (Ўз МА), 37-фонд, 1-рўйхат, 2569-иш, 22-варақ.
6. Каримова М. Аёл яратган дунё. I китоб. – Тошкент: «Шарқ», 2005.
7. Аҳмедова К. Улкан шижоат билан тобора илгарилаб борамиз // Сиҳат-саломатлик, 2019 11-сон.

## ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТИББИЁТ СОҲАСИ БЎЙИЧА ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИГИ

***Ғ.Ж.Холиқов – Жаҳон тарихи кафедраси докторанти. Қарши давлат университети***

Мамлакатимиз ривожини турли соҳалардагина эмас, балки миллатимизнинг ҳар бир қиёфаси кўринишида кўришимиз мумкин. Миллат борки, ўз ўтмишини ардоқламасдан келажагини ярата олмайди. Бизнинг ўтмишимиз нима ёки ким билан белгиланади деган саволга шундай жавоб бериш мумкин: Ўтмиш – бу келажак учун ёғду бўлиб нур таратаётган кекса отахону онажонларимиз. Уларнинг ёрдамисиз келажагимизни том маънода гўзал қилиб яратиш жуда мушкулдир. Шу мақсадда Ўзбекистон мустақилликдан кейин қатор хорижий давлатлар билан ҳамкорликни амалга ошира бошлади. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги ва Япония Халқаро Ҳамкорлик Агентлиги (JICA) билан амалга оширилаётган “Ўзбекистон Республикасида Ҳамширалик таълимини такомиллаштириш лойиҳаси” доирасидаги “Қарияларда ҳамширалик парвариши” дастури асосида 2007 йил 22-24 март кунлари навбатдаги 4-семинар 2 тиббиёт коллежида ўтказилди [1].

Ҳамшираларни бу дастурлар асосида ўқитиш учун Япониядаги тиббиёт университетларидан келган ҳамширалик таълими соҳаси мутахассисларининг ёрдами катта бўлди. Япония профессор-ўқитувчилари билан “Ҳамширалик таълимини такомиллаштириш маркази” ўқитувчиларининг дўстона ҳамкорликлари асосида Ўзбекистондаги катталар ва қариялар ҳолатини, яшаш тарзи ва руҳий аҳволини ҳисобга олган ҳолда “Катталарда ва қарияларда ҳамширалик парвариши” дастурлари тузилиб, бу такомиллаштирилган дастурлар асосида ҳамшираларимиз ўқитилди. Бу ишларни амалга оширишда Япониядан келган мутахассисларнинг хизматлари катта бўлди.

Улар профессор Сато Рейко хоним – Хосо университетида “Катталарда ва қарияларда ҳамширалик парвариши” бўйича ўқитувчиси, доцент Матсуда Ёшими хоним – Гифу университетида хирургия соҳасида “Шошилинч ҳамширалик парвариши” бўйича ўқитувчиси, профессор Окамитсу Кёко хоним – Хиросима университетининг Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот факультетининг ҳамширалик иши кафедрасида ўқитувчи, Немото Кейко хоним – Чибо университетида “Қарияларда ҳамширалик парвариши” бўйича ўқитувчи бўлиб, клиник ҳамшираларга дарс беради, доцент Ямадо Ритсуко хоним – Хоккайдо университетида “Қарияларда ҳамширалик парвариши” бўйича ўқитувчи ва Ишида Ёшика хоним – Хиросима университетида “Қарияларда ҳамширалик парвариши” бўйича ўқитувчи вазифаларида фаолият кўрсатиб келмоқда [1].

Семинар давомида Япониядан келган мутахассислар “Қарияларда ҳамширалик парвариши” дастурида асосий эътибор нималарга қаратилиши ҳақида фикр-мулоҳазаларни билдиришди. Хусусан, профессор Сато Рейко хоним шундай дейди: Умуман ҳамширалик парваришида биринчи ўринда инсон яхлит олиниб, бунда унинг бутун кундалик ҳаёти ва руҳий аҳволи алоҳида эътиборга олиниши лозим. Шу ҳолатларни эътиборга олган ҳолда ҳамширалик парвариши олиб борилса,

мақсадга мувофиқ бўлади. "Қарияларда ҳамширалик парвариши" нинг асосий мақсади кексаларнинг соғлом , фаол ва қолган умрининг мазмунли ўтишига қаратилган [1].

Ҳамширалик парвариши юзасидан Ямада Ритсудо хоним ўз фикрларини билдирди.

Парваришда касаллигидан қатъи назар, инсоннинг нормал ҳаёт олиб бориши асосий принцип қилиб олиниши лозим. Дарсларда қарияларнинг бугунги аҳволи ўрганиб чиқилиб, уларга мос равишда парвариш методларини танлаб олиб бориш ва биринчи ўринда маданият ҳамда урф-одатларни ҳисобга олиш зарур [1].

Япония тажрибасидан фойдаланган ҳолда, уларнинг мутахассислари билан биргаликда "Қарияларда ҳамширалик парвариши" дастурини ишлаб чиқдик ва бу дастур бўйича Ўзбекистоннинг турли ҳудудларидан 200 дан ортиқ ҳамшира ва ўқитувчиларимиз ўқитилди. Бу ҳамшираларимиз ҳам ўз тажрибаларини амалиётда қўллаши ва таълимга жорий этиши биз учун катта ютуқ ҳисобланади [1].

Тошкентда БМТнинг Марказий Осиё, Озорбайжон ва Қозоғистондаги аҳолининг кўпайиши фонди (UNFPA) ваколатхонаси очилди. Мазкур фонд ривожланаётган мамлакатларга, шунингдек иқтисодиёти янги изга тушаётган мамлакатларга аҳоли кўпайиши масаласини ҳал этишда ёрдам кўрсатишга даъват қилинган. Ривожланаётган мамлакатларга берилаётган ёрдамнинг тўртдан бир қисмига яқини UNFPA алоқа йўллари орқали олишади. Фонд захираси 1995 йили 300 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий-техник базасини ривожлантириш мақсадида 2013 йил инвестеция дастури доирасида 143 та тиббиёт муассасаларида қурилиш-реконструкция ишларига 198,7 млрд. сўм маблағ сарфланди, бу йиллик режага нисбатан 64,8 % ни ташкил этди [2].

Инвестеция дастурига асосан, 13 та вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказларини, Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникасини, Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий марказини, Республика ихтисослаштирилган кардиология марказини замонавий ташхис ва даволаш ускуналари билан жиҳозлаш учун асбоб-ускуналарини харид қилиш ва келтириш ишлари амалга оширилмоқда. Ушбу мақсадларда жами 9,9 млн АҚШ доллар маблағ сарф-харажат қилинди.Тез тиббий ёрдам хизмати учун режалаштирилган 100 дона "ДАМАС АМВ" автомашиналарининг 55 таси жойларга етказилди [2].

Ихтисослашган марказлар, клиникалар ва шифохоналарда фаолият кўрсатаётган тиббиёт ходимларини замонавий билим ва кўникмаларга, энг илғор тиббий технологияларга эга бўлишини таъминлаш мақсадида хорижий давлатларнинг етук марказ ва клиникаларида 240 нафар тиббиёт ходимлари малакасини оширди.Туркиянинг ТИКА ташкилоти билан музокаралар натижасида 2013-2015 йилларда Туркиянинг етакчи тиббиёт муассасаларида йилига 30-40 нафар мутахассисларнинг малака оширишлари кўзда тутилди [2].

Қозоғистоннинг "DISTRILAB" ТОО ташкилоти томонидан Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2012 йил 6 мартдаги 283-сонли фармойиши асосида Фарғона вилояти наркология диспансерига мурувват ёрдам тариқасида ажратилган қиймати 3641,00 еврога тенг "ЭБА-21" русумли гематокритли сентрифугани Фарғона вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази балансига ўтказилсин [3].

Соғлиқни сақлаш вазирлиги номига "UNFPA" халқаро ташкилотининг топшириғи асосида Италиянинг "Fazzini S.R.L." компаниясининг кўрсатмасига кўра, Латвиянинг "Компасс" МЧЖ томонидан (00939172-сони юк хати; 2013 йил 10 сентябрдаги 1511-сонли инвойс) умумий қиймати 52194,94 АҚШ доллорига тенг

тиббий маҳсулотлар тақсимоти иловага мувофиқ тасдиқлансин (тақсимот 1 варақдан иборат) [4].

Соғлиқни сақлаш вазирлиги номига Канаданинг “Vantage tional Canada INC” компаниясининг топшириғи асосида Покистоннинг “Qarshi Industries PVT LTD” ташкилоти томонидан 2013 йилл 25 апрелдаги (QIPL12-13/036-сонли инвойс) 8742 АКШ долларига тенг мурувват ёрдам тариқасида келган дори воситалар тақсимот асосида тарқатилсин (тақсимот 1 варақдан иборат) [5].

Соғлиқни сақлаш вазирлиги номига “UNFPA” халқаро ташкилотларининг топшириғи асосида Хитойнинг “Peak International Trade (TIANJIN) Co.,LTD.” компанияси томонидан (235-47613812-сонли юк хати; 2014 йил 5 майдаги PE3654. и инвойс) умумий қиймати 10830,00 АҚШ долларига тенг тиббий буюмлар тақсимоти 1-ва 2-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин (тақсимот 2 варақдан иборат) [6].

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Туркия республикаси Ҳукумати миллий даражада COVID-19 вирусига қарши курашиш борасида, шу жумладан, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда амалга ошираётган кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни баҳолаган ҳолда,томонлар давлатларининг ҳудудини COVID-19 вирусининг кириб келиши ва тарқалишидан юқори даражада ҳимоя қилиш юзасидан кўрилаётган қатъий ва кенг кўламдаги чора-тадбирлар муҳимлигини таъкидлаб қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар [7]:

– томонлар давлатларининг қонунчилилгига мувофиқ, ваколатли органлар томонидан берилган COVID-19 вирусига қарши эмланганликни тасдиқловчи расмий сертификатларни ўзаро тан оладилар.

– томонлар эмланганлик тўғрисидаги сертификат эгасига, томонлар давлатларининг ҳудудига COVID-19 вируси тарқалишини олдини олишга қаратилган чекловларсиз киришни кафолатлайдилар.

– миллий даражада ёки ЖССТ томонидан тасдиқланган вакциналар билан тўлиқ эмланган икки мамлакатдан келган саёҳатчилар, агар эмлаш тегишли ваколатли органлар томонидан тасдиқланган бўлса, ўз мамлакатларига киришда ушбу қоидалардан фойдаланадилар.

Ўзбекистонда илк бор “биллур болалар”ни операция йўли билан даволаш йўлга қўйилди. Номукаммал остеогенез хасталигига чалинган ўғил-қизларни “биллур болалар” деб ҳам аташади. Бу суякларнинг тез-тез синиши билан намоён бўладиган камёб туғма генетик касаллик бўлиб, одатда фарзанд туғилишидан ёки унинг кичик ёшлигидан кузатила бошлайди.

Республика болалар ортопедия марказида ушбу хасталикни жарроҳлик йўли билан даволаш йўлга қўйилган. 2021 йилда бошланган халқаро ҳамкорлик натижасида Ўзбекистонда илк бор ўтказилган бундай операцияларни эндиликда ўзбек шифокорлари мустақил равишда амалга оширмоқда.

Номукаммал остеогенезга чалинган болаларга телескопик стержень ўрнатиш операциясини илк бор 2021 йил 15 октябрда, Россиянинг Болалар саломатлиги миллий тиббий тадқиқот маркази мутахассислари билан биргаликда бажарган эдик, дейди Республика болалар ортопедия маркази директори Акбар Тиляков. – Кейинчалик Санкт-Петербургда жойлашган Г.И.Турнер номидаги болалар травматология ва ортопедия миллий тиббий тадқиқот маркази мутахассислари иштирокида ҳам худди шу амалиётни ўтказдик. Шундан сўнг бу мураккаб операцияни тўлиқ ўзлаштириб, мустақил равишда амалга оширишга киришдик. Ҳозирга қадар жами 5 нафар болада бу амалиёт муваффақиятли ўтказилди. Маълумот учун, Ўзбекистонда номукаммал остеогенез ташхиси қўйилган юз нафардан ортиқ болалар рўйхатга олинган. Афсуски, яқин вақтгача юртимизда уларга юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатиш мушкул эди.

Шу боис ота-оналар бемор фарзандларини оператив даволатиш учун Россия, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Туркия каби давлатларга олиб боришлари зарур бўлган.

Номукаммал остеогенез нуқсони бўлган ўғил-қизларга телескопик стержень ўрнатиш операцияларида бутун дунё бўйлаб "олтин стандарт" ҳисобланган "Fassier Duval" телескопик тузилмаларидан фойдаланилмоқда. Бу конструкция кейинги суяк синишлари хавфини камайтириш ва тез юришни бошлаш имконини беради. Келишув 2022 йил 15 мартдан эътиборан Ўзбекистон ва Туркия учун амал қилади.

Хуллас, Ўзбекистонда мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб соғлиқни сақлаш соҳасида хорижий давлатлар ва ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилди. Соғлиқни сақлаш соҳасида ҳамширалар тайёрлаш, тиббий амалиётларни амалга оширишда яқиндан ҳамкорлик ишлари амалга оширилмоқда.

**Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати**


1. "Ҳамшира" журнали, 2007 йил 2-сон.
2. Ўз ИТТҲ МА, 1-фонд, 1-рўйхат, 933-иш, 103-варақ.
3. Ўз ИТТҲ МА, 1-фонд, 1-рўйхат, 933-иш, 92-варақ.
4. Ўз ИТТҲ МА, 1-фонд, 1-рўйхат, 933-иш, 170-варақ.
5. Ўз ИТТҲ МА, 1-фонд, 1-рўйхат, 933-иш, 176-варақ.
6. Ўз ИТТҲ МА, 1-фонд, 1-рўйхат, 933-иш, 178-варақ.
7. Янги Ўзбекистон, 2022 йил 12 март..


## МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИНИНГ ГИЁҲВАНДЛИККА ҚАРШИ КУРАШ ТАДБИРЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЎРНИ


***Ж.И. Махматқулов – Қашқадарё вилояти ИИБ Жиноят қидирув бошқармаси Гиёхвандлик воситалари ноқонуний муомаласига Қарши курашиш бўлими катта тезкор вакили.***


Бугунги кунда гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний ишлаб чиқарилиши, уларни тарқатиш ва истеъмол қилишга қарши кураш инсоният олдида турган долзарб муаммолардан биридир. Ўзбекистонда бу масалага жиддий эътибор қаратиш билан бир қаторда минтақавий ва халқаро миқёсда катта ишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш бўйича халқаро ҳамжамият олдидаги ўз мажбуриятларини тўлақонли бажаришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Ўз ортидан бошқа қора иллатларни ҳам етаклаб юрадиган гиёҳвандлик балосига қарши курашишда юртимизда мустаҳкам ҳуқуқий асослар ишлаб чиқилган. Ўзбекистон 1995 йил февраль ойида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 1961 йилдаги "Наркотик моддалар тўғрисида"ги Ягона Конвенцияси, 1971 йилдаги "Психотроп моддалар тўғрисида"ги ҳамда 1988 йилдаги "Гиёҳвандлик воситалар ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш тўғрисида"ги Конвенцияларига аъзо бўлган [10]. Шунингдек, дунёнинг 20 дан ортиқ давлатлари билан гиёҳванд моддаларни тарқатишга қарши кураш масалаларида ҳамкорлик қилиш бўйича идоралар ва ҳукуматлараро битимлар имзоланган. Жумладан, Россия Федерацияси, Украина, Белоруссия, Молдава, Грузия, Озарбайжон, Қозоғистон, Туркманистон, Тожикистон давлатлари билан икки томонлама ҳамда АҚШ, Туркия, Покистон давлатлари билан ҳукуматилараро битимлар тузилган [2].

Гиёхвандликка карши курашда халкаро-ҳуқуқий ва миллий-ҳукукий меъёрларни тадқиқ қилиш, турли давлатларнинг бу борадаги тажрибасини ўрганиш,

миллий қонунчиликка асосан халқаро ҳуқуқий меъёрларни тадқиқ қилиш ҳозирги кунинг енг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг Биринч Президенти И.Каримов БМТ Бош Ассамблеясининг 1993 йил 28 сентябрда 48-сессиясида қилган маърузасида наркомания ва наркобизнесга қарши курашишэнг мухим муаммоларнинг бирига айлангани боис бутун дунёни унга карши курашга курашишга чақирди. Ўзбекистоннинг бу борадаги позициясини баён этиб, Марказий Осиёда БМТнинг минтақавий комиссиясини тузишни таклиф этди. Натижада Тошкентда БМТнинг минтақавий ваколатхонаси иш бошлади.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан 1994 йилда 30 апрелда БМТнинг наркотик моддаларни назорат қилиш ва уларга қарши курашни мувофиқлаштириш мақсадида Халкаро дастури доирасида Ўзбекистон Республикасида наркотикларни азорат қилиш давлат комиссияси ташкил этилди. Ушбу комиссия таркибига ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, бошқа давлат ташкилотларининг раҳбарлари киритилди [3;3 ]. Юқоридаги амалий ишлар натижасида 1992−1994 йилларда Афғонистондан кириб келган 15 тонна 447 кгдан кўпроқ гиёҳвандлик моддалари, шу жумладан, 1167 кг «гашиш»наркотик моддалар Ўзбекистонда ўшлаб қолинди [9 ].

Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 7 ноябрдаги “Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил марказини ташкил этиш ҳамда наркотик моддаларнинг ноқонуний ишлатилишига карши курашувчи ҳуқуқни мухрфаза қилиш органлари бўлинмаларини мустаҳкамлаш тўғрисида”ги 382 қарорига асосан Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида наркотик моддаларни назорат қилиш Миллий ахборот-таҳлил маркази тузилди. Миллий марказ томонидан бир қанча тадбирлар амалга оширилди. Масалан, "Ешлар орасида гиёҳвандликка қарши кураш" ойлиги доирасида маҳалла фуқаролар йиғинлари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вакиллари иштирокида мактабларда, ўқув юртларида "Гиёҳвандлик - аср вабоси", "Оғусиз дунё сари” мавзуларида учрашувлар, суҳбатлар ўтказилиб келинади. Ўқувчилар, талабалар учун турли викториналар ташкил этилиб, гиёҳвандликнинг оқибатлари тўғрисида саҳна чиқишлари уюштирилмоқда. Янгийўл маиший хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи, вилоят давлат педагогика институти, Ангрен кимё саноати ҳамда Компьютер технологиялари, Олмалиқ саноат, тиббиёт Коллежларида бундай тадбирлар, айниқса, самарали бўлди. Тегишли вазирлик ва идоралар, нодавлат ташкилотлар ва Хорижий элчихонаходимлари иштирокида “Ўз келажагингни – ўзинг ўйла" деб номланган бир қатор тадбирлар амалга оширилди [6;4].

Бундан ташқари Миллий марказ ходимлари ҳуқуқ-тартибот органлари билан ҳамкорликда гиёхвандлик муаммоларига бағишланган Қирғизистон, Қозоғистон, Россия, Ҳиндистон, Буюк Британия, Туркия каби бир қатор мамлакатларда ўтказилган семинарлар ва учрашувларда қатнади. Хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш мақсадида Хитой, Литва, Полша ва Исроил давлатларида “Гиёҳванд моддаларни тарқалишига қарши кураш”га бағишланган анжуманларда иштирок этишди [4;3].

1996 йил 24 октябрда Вазирлар Маҳкамасининг “Миллий кинология марказини ташкил қилиш тўғрисида"ги 364-сонли қарорига асосан Давлат божхона қўмитаси қошида Миллий кинология маркази ташкил этилди. Марказий Осиёда ягона бўлган ушбу марказ фаолияти билан АҚШ, Франция, Россия, Ҳиндистон, Туркия, Эрон, Қирнзистон давлатлари ҳамда Бутунжаҳон божхона ва Евробожхона ташкилотлари делегация вакиллари яқиндан танишиб, уни юқори баҳоладилар [5;4].

1998-йил июнь ойида БМТ вакиллари ва бошқа чет давлавтларни ходимлари иштирокида Республикамизда жиноятчилардан тортиб олинганн 7 тоннадан ортиқроқ гиёҳвандлик воситалари йўқ қилинди[1].

1998 йил 15 июлда халқаро ТАСИС Дастури доирасида МДҲ мамлакатларида гиёҳвандлик воситалари билан қонунга хилоф муомала қилишга қарши қаратилган ишлар юзасидан Европа иттифоқи экспертлари М.Джуриш ва Ф.Доналд жаноблари билан учрашув ўтказилиб, ўзаро ҳамкорлик қилиш ҳақида келишиб олинди[1].

1999 йил 19 августда “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида”ги ҳамда БМТ конвенцияларини ратификация қилиш ҳақидаги қонунлар қабул қилинди. Бунинг натижасида Ўзбекистонда Наркотик моддаларни назорат қилиш давлат комиссияси тузилди. Унинг 2011 йил 8 июндаги қарори билан Наркотик моддаларнинг суистеъмоли ва ноқонуний айланишига қарши кураш бўйича 2011-2015 йилларга мўлжалланган комплекс чора-тадбирлар дастури тасдиқланди [9 ].

Дунёга тарқаладиган жами қора дорининг 75 фоизи Афғонистондан чиқади. 2000 йилда Афғонистонда 4600 тонна ана шундай ажал уруғи ишлаб чиқарилди. Бу жами оғунинг 65 фоизи демакдир. Гиёҳванд моддани тайёрловчилар биринчи галда Афғонистоннинг яқин қўшнилари бўлган Тожикистон ва Ўзбекистон ҳудудидан фойдаланишга интилади. БМТнинг гувоҳлик беришича, Афғонистон қора дориларининг 60 фоиздан кўпроғи Тожикистон чегараларини босиб ўтади. 2000 йилда Тожикистонда 7 тонна турли хил гиёҳвандлик моддалари ва 1,8 тонна героин, Ўзбекистонда эса 3 тоннага яқин қора дорилар тортиб олинди. Ноқонуний наркобизнес билан шуғулланишга, ҳатто, аёллар ҳам жалб этилмоқда. Чунончи, Ўзбекистон ҳудудида қўлга олинган тарқатувчиларнинг 25 фоизи аёллардир. ЮНИСЕФ (БМТ болалар фонди) экспертлари томонидан 35 та мамлакатда болалар ва ўсмирлар ўртасида ўтказилган сўров шуни кўрсатдики, уларнинг 60 фоизи мактаб, коллеж ва олий ўқув юртларида гиёҳванд моддаларни истеъмол қилиб кўрганлар [10;3].

2007 йил 26 июнъ куни Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати томонидан гиёҳванд моддаларни йўқ қилиш бўйича ҳар йили ўтказиладиган тадбир “Халқаро наркотик моддаларни суиистеъмол қилиш ва уларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш кунига” бағишланди. Тадбирда ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва суд органлари, жамоатчилик, оммавий ахборот воситалари, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган халқаро ташкилотлар ва дипломатик корпус вакиллари иштирокида Тошкентдаги саноат корхоналарининг бирида бунинг учун махсус ажратилган печларда 1435 килограмм гиёҳванд модда - героин, қорадори, марихуана, наша, шунингдек, катта миқдордаги кўкнори похоли, таркибида наша бўлган ўсимликлар, ҳапдори ҳамда эритма кўринишидаги психотроп моддалар ёқиб юборилди. Бундай тадбир илк марта 1994 йилда ўтказилган эди. Ўтган вақт ичида Ўзбекистонда ёқиб юбориш йўли билан 40,5 тонна гиёҳванд моддалар йўқ қилинди [1].

2007 йилда БМТнинг мамлакатимиздаги Гиёхванд моддалар ва жиноятчилик бўйича бошкармасининг ваколатхонасида Ўзбекистон Республикасининг Наркотик моддаларни назорат қилиш давлат комиссияси вакиллари иштирокида Халқаро наркотик моддаларни суиистеъмол қилиш ва уларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш кунига бағишланган матбуот анжуманида Афғонистон мавзусига алоҳида тўхталиб ўтилди. Афғонистонда халқаро ҳамжамият томонидан кўрилаётган чора-тадбирларга қарамай, гиёҳванд моддалар ишлаб чиқаришнинг ўсиши давом этаётгани таъкидланди. Халқаро экспертларнинг маълумотларига кўра, 2007 йилда бу мамлакатда ишлаб чиқарилган қорадори микдори 2006 йилги кўрсаткичга

нисбатан 34,4 фоизга кўпайган. Ўзбекистонда 2007-2010 йилларга мўлжалланган комплекс чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди [2;3].

2011 йил 8 июндаги қарори билан наркотик моддаларнинг суистеъмоли ва ноқонуний айланишига қарши кураш бўйича 2011-2015 йилларга мўлжалланган комплекс чора-тадбирлар дастури тасдиқланди [9 ]. Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 12 ноябрдаги "Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, ундан олиб чиқиш ва транзит тарзида ўтказиш тартибини, шунингдек, уларнинг муомалада бўлиши юзасидан назоратни такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори билан ҳозирга қадар мамлакатимизда таъқиқланган гиёҳвандлик воситалари рўйхатига қўшимча 80 турдаги янги гиёҳвандлик воситалари киритилди.[5]

Хулоса қилиб айтганда, гиёҳвандлик ва у билан боғлиқ жиноятчиликка қарши кураш бўйича аниқ мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада тегишли қонунчилик базаси яратилган бўлиб, профилактика ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ишларини кенгайтиришга қаратилган давлат дастурлари ҳамда кенг кўламли лойиҳалар, жумладан, наркотик моддаларни суиистеъмол қилиш ва уларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури амалга оширилмоқда.

**Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати**


1. Ўз МА, М-76-фонд, 1-рўйхат, 1072-иш, 13-варақ
2. Иванова А. "Гиёҳвандлик йўлидаги мустаҳкам ғов" // Халқ сўзи, 27 июнъ 2008 йил.
3. Тохиров Ф. "Гиёҳвандлик –хавфли иллат" // Инсон ва қонун, 5феврал 2002 йил
4. Иброҳимов Ҳ. "Гиёҳвандликка қарши кураш: ҳамкорлик – ҳаракат мезони" // Инсон ва қонун, 19 феврал 2002 йил
5. Юлдошов Ҳ. "Ўзбекистонда 1,6 тоннадан ортиқ гиёҳвандлик воситалари ёқиб юборилди" // Халқ сўзи, 2018 йил 26 июнъ
6. Анваров Ш. "Оғули ҳаёт азоб" // Тошкент ҳақиқати, 2008 йил 20 февралъ
7. Фролова С. Инсоният бошига ёғилаётган яна бир хавф \\ Тошкент ҳақиқати. 2001 йил 15 сентябръ
8. https://www.gazeta.uz/uz/2022/01/26/narcotic/
9. https://www.lex.uz/acts/86044
10. https://customs.uz/uz/news/view/4100


## ЎЗБЕКИСТОННИНГ АФҒОНИСТОНДА ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ ФАОЛИЯТИ

***Н.А.Ахмадова – докторант, Қарши давлат университети***

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг дастлабки кунлариданоқ қўшни Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштиришга ташқи сиёсатининг энг муҳим масалаларидан бири сифатида эътибор қарата бошлади. Мазкур муаммо нафақат Ўзбекистон миллий хавфсизлигига, балки Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик ва барқарорликка бевосита дахл солувчи халқаро муносабатлар тизимидаги энг долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Мамлакатимизнинг афғон муаммосини ҳал қилишдаги иштироки минтақавий ва глобал даражада унинг ечимини топиш бўйича бир қанча таклиф ва тавсияларни илгари суришда намоён бўлмоқда. Хусусан, давр нуқтаи назардан 3 та босқичга ажратиш мумкин [1].

Биринчи босқич (1991-1996 йиллар) – Афғонистондаги вазиятни тартибга солиш бўйича Ўзбекистоннинг асосий ёндашувлари бўлиб, мазкур даврда мамлакатимиз раҳбари Афғонистон ва Тожикистонда содир бўлаётган конфликтларга асосий эътиборни қаратди. Бундан ташқари, ушбу босқичда давлатимиз раҳбари БМТ, ЕХҲТ ва бошқа халқаро ташкилотлар трибуналларида сўзлаган нутқларида ҳамда НАТО ва Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар раҳбарлари билан расмий учрашувларда [2] афғон муаммосини тартибга солиш бўйича бир неча бор жаҳон ҳамжамиятининг эътиборини қаратишини таъкидлади.

Иккинчи босқич (1997 – 2001 йиллар) – афғон инқирозининг ечимини топиш бўйича Ўзбекистон раҳбариятининг кўп томонлама ташаббусларининг амалга ошиши бўлиб, мазкур даврда Ўзбекистон ташабуслари жаҳон ҳамжамияти томонидан маъқулланиб, уларни амалга ошириш бўйича бир қатор тадбирлар олиб борилди. Хусусан, 1997 йил Ўзбекистон раҳбарияти ташаббуси билан Афғонистон билан чегарадош бўлган 6 та давлат – Эрон, Хитой, Покистон, Тожикистон, Туркманистон, Ўзбекистон, шунингдек, АҚШ ва Россия давлатлари иштирокида «6+2» мулоқот гуруҳи ташкил этилди [3].

Учинчи босқич (2001 йил 11 сентябр воқеаларидан ҳозирги кунга қадар) – 2001 йил 11 сентябрда АҚШда содир этилган террорчилик актларидан сўнг, Ўзбекистоннинг Афғонистон ҳудудидаги терроризм ва бошқа трансчегаравий таҳдидларга қарши кураш бўйича жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш босқичи бўлиб, ушбу даврда Ўзбекистон ва жаҳон ҳамжамиятининг Афғонистондаги вазиятни тартибга солиш бўйича сиёсатида жиддий ўзгаришлар содир бўлди. Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон АҚШ билан терроризмга қарши курашишда фаол ҳамкорлик қилишини таъкидлаб, Афғонистон ҳудудида фаолият олиб бораётган «Толибон» ҳаракати ва «Ал-Қоида» террористик ташкилотининг лагерларини йўқ қилиш учун кенг миқёсда ҳарбий операция ўтказиш ва терроризмга қарши курашиш бўйича халқаро коалицияни шакллантириш тўғрисидаги ташаббусини қўллаб-қувватлашини маълум қилди. Шу билан бир қаторда, 2001 йил 5 октябрда Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.Каримов юртимизга ташриф буюрган АҚШ Мудофаа вазири Д.Рамсфельд билан бўлган учрашувда Қашқадарё вилоятидаги «Хонобод» ва Термиз шаҳри яқинидаги «Кокайди» аэродромлари инсонпарварлик юкларини афғон халқига етказиб бериш ва қидирув-қутқарув ишларини олиб бориш мақсадида АҚШ ҳарбийларининг фойдаланишига келишиб олинди [4].

Марказий Осиё мамлакатлари, хусусан, Ўзбекистон учун Афғонистондан келиб чиқаётган таҳдидларни номлайлик:

– Ислом радикализмининг тарқалиши ва фундаментализм;

– Афғонистон ҳудудида террористик ташкилотларнинг фаолияти;

– гиёҳванд моддалар савдоси ва унинг ҳалокатли оқибатлари [5].

Ўзбекистон Афғонистон иқтисодиётини қўллаб-қувватлашга катта ҳисса қўшмоқда. Масалан, 2001 йил декабрь ойида Ўзбекистон ҳукумати ва БМТ ўртасида Ўзбекистондан Афғонистонга гуманитар ёрдам етказиб беришни осонлаштириш тўғрисида ҳужжат имзоланди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Афғонистоннинг урушдан қолган иқтисодиётини тиклашга ўз ҳиссасини қўшмоқда. Узунлиги 75 км бўлган Ҳайратон-Мозори-Шариф темир йўлининг қурилиши 2011 йилнинг бошида якунланди. Афғонистоннинг ғарбий қисмидан Ҳиротгача темир йўл қурилишини якунлаш режалаштирилмоқда. Темир йўл Ўзбекистонга ўз маҳсулотларини денгиз орқали дунёнинг турли мамлакатларига экспорт қилиш мақсадида Эроннинг йирик портларига киришга имкон беради.

Ўзбек ва афғон халқларини яқин қўшничилик ва азалий дўстлик ришталари ўзаро боғлаб туради. Афғонистонда тинчлик ва осойишталикни ўрнатиш, ўзаро манфаатли шерикликни мустаҳкамлаш, савдо, иқтисодий, транспорт, маданий ва бошқа соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириш бўйича Ўзбекистон томонидан кенг кўламли саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йилнинг 19 сентябрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқида ҳам Афғонистондаги муаммоларга алоҳида тўхталиб ўтди. “Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш нафақат минтақавий, балки глобал хавфсизликни таъминлашнинг муҳим шарти бўлиб қолади. Ўзбекистон Афғонистоннинг иқтисодий тикланишига, унинг транспорт ва энергетика инфратузилмасини ривожлантиришга, миллий кадрларни тайёрлашга катта ҳисса қўшмоқда ва бундан кейин ҳам ҳисса қўшади. Афғонистон масаласи глобал миқёсдаги масалалар марказида бўлиши лозим. Халқаро ҳамжамиятнинг саъй-ҳаракатлари, биринчи навбатда, Афғонистондаги ўткир ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишга қаратилиши керак” – деб таъкидлади Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев [6].

Президентимиз Ш.Мирзиёев ташаббуси билан 2018 йилнинг 27 март куни Тошкентда “Ўзбекистон” халқаро анжуманлар саройида Афғонистон Ислом Республикаси билан биргаликда ташкил этилган “Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик” мавзуидаги Афғонистон бўйича юқори даражадаги Тошкент халқаро конференцияси бўлиб ўтди. Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев, Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Муҳаммад Ашраф Ғани, Европа иттифоқининг ташқи ишлар ва хавфсизлик сиёсати бўйича Олий вакили Федерика Могерини, БМТ нинг Афғонистондаги махсус вакили Тадамити Ямамото, шунингдек, Хитой Халқ Республикаси, Россия Федерацияси, Америка Қўшма Штатлари, Япония, Германия, Буюк Британия , Франция, Италия,Туркия, Ҳиндистон, Эрон, Покистон, Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликлари, Қатар, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ҳамда Туркманистон ташқи сиёсат маҳкамалари, шунингдек, халқаро ва минтақавий ташкилотларнинг раҳбарлари ҳамда вакиллари иштирок этди.

Президентимиз ўз нутқларида “Биринчидан, бизнинг ташаббусимиз Ўзбекистоннинг ташқи сиёсат концепциясига тўла мос келади. Бу концепцияда, аввало, қўшни мамлакатлар билан яхши қўшничилик, дўстлик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлаш устувор вазифа этиб белгиланган.

Иккинчидан, Ўзбекистон ва Афғонистон халқлари асрлар давомида ягона маданий – цивилизацион маконда яшаб келган.

Бугунги кунда Ўзбекистон ва Афғонистон ўртасида яқин сиёсий, савдо иқтисодий ва маданий гуманитар алоқалар йўлга қўйилган. Афғонистонда миллионлаб ўзбеклар яшайди. Афғонистон конституциясига мувофиқ ўзбек тили мамлакатнинг расмий тилларидан бири ҳисобланади.

Учинчидан, барчамиз қатъий ишонамизки, хавфсизлик ягона ва бўлинмасдир ва уни фақат биргаликдаги саъй-ҳаракатлар билан таъминлаш мумкин.

Афғонистон хавфсизлиги – бу Ўзбекистон хавфсизлиги, бутун бепоён Марказий ва Жанубий Осиё минтақаси барқарорлиги ҳамда тараққиётнинг гаровидир.

Тўртинчидан, Ўзбекистон Афғонистонда тинчлик ўрнатишга кўмаклашиш бўйича тажрибага эга.

Ўзбекистоннинг ташаббуси билан 1999 йилда Тошкентда Афғонистонга қўшни давлатлар, Россия ва АҚШ ташқи сиёсат маҳкамалари раҳбарлари

даражасида “6+2” гуруҳининг учрашуви бўлиб ўтган эди. Бу учрашувда Шимолий Иттифоқ ва “Толибон” ҳаракати вакиллари ҳам иштирок этган эди.

Музокаралар якуни бўйича Афғонистондаги низоларни тинч йўл билан бартараф этишнинг асосий принцплари ҳақидаги Тошкент декларацияси қабул қилинди ва у Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси 54-сессияси ва БМТ Хавфсизлик Кенгашининг расмий ҳужжатига айланди” [7].

Ушбу анжуманда Президентимиз Ш. Мирзиёев Афғонистондаги кенг қамровли тинчлик жараёнини учта ўзаро боғлиқ даражада амалга оширишни таъминлаш ҳақида фикр билдирдилар.

1. Афғонистон мамлакати даражасида- марказий ҳукумат ва қуролли мухолифатнинг асосий кучлари, биринчи навбатда, “Толибон” ҳаракати ўртасида олдиндан ҳеч қандай шарт қўймасдан, тўғридан-тўғри мулоқотни бошлашни таъминлаш зарур. Тинчлик жараёнининг муваффақиятли бўлишини таъминлаш учун афғонистонликларнинг ўзларига ташаббус кўрсатиш, музокаралар қандай форматда , қачон ва қаерда олиб борилиши бўйича танлаш имконини бериш кераклиги ҳақида.

2. Минтақавий даражада- аввало Покистон, Ҳиндистон, Эрон, Туркия, Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликлари, Қатар ва Марказий Осиё давлатларининг қўллаб-қувватлаши билан томонлар ўртасида мустаҳкам келишувни таъминлашга эришиш зарур. Афғонистонда иқтисодий ривожланиш, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш билан боғлиқ бир қатор жиддий муаммоларни ҳал этиш кўп жиҳатдан унга қўшни бўлган давлатларга боғлиқлиги ҳақида.

3. Глобал даражада- дунёнинг етакчи буюк давлатлари ва донор ташкилотлар томонидан Афғонистондаги тинчлик жараёнлари принципиал жиҳатдан сиёсий қўллаб- қувватланиши ва мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тикланиши учун молиявий ёрдам кўрсатишини таъминлашни зарурлиги ҳақида таъкидладилар.[8]

2020 йилнинг 11 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатимизда амалий ташриф билан бўлиб турган Афғонистон Ислом Республикаси Миллий ярашув олий кенгаши Раиси Абдулла Абдуллани қабул қилди.[9]

Учрашувда икки томонлама ҳамкорлик ҳамда Афғонистондаги можарони тинч йўл билан ҳал этишнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

2020 йилнинг 18 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида МДҲ Давлат раҳбарлари кенгашининг видеоанжуман шаклидаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Афғонистон муаммосига ҳам тўхталиб ўтилди.

МДҲ маконидаги хавфсизликка таҳдид солаётган хатарлар тўғрисида сўз юритилар экан, Афғонистонда йўлга қўйилаётган тинчлик жараёнини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш муҳим экани қайд этилди. “Ушбу мамлакатнинг тинчлиги бутун Ҳамдўстлик маконида хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашнинг муҳим омилидир. Бу, шунингдек, давлатларимизнинг Жанубий Осиё билан савдо-иқтисодий ҳамкорлигини ривожлантириш учун янги имкониятлар дегани” – дея таъкидлади Президентимиз [10].

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2021 йилнинг 15 июль куни “Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий боғлиқлик. Тахдидлар ва имкониятлар” мавзусидаги халқаро конференцияда иштирок этиш учун мамлакатимизга келган Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Ашраф Ғани билан учрашув ўтказди [11].

Музокараларда минтақавий хавфсизлик ва барқарор тараққиётни таъминлаш соҳасидаги ҳамкорлик истиқболлари кўриб чиқилди.

Томонлар икки томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётганини мамнуният билан қайд этдилар. Пандемияга қарамай, жорий йилнинг беш ойи якунлари бўйича ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 50 фоизга ортди. Ўзбекистонда Афғонистон сармояси иштирокида 160 та янги корхона ташкил этилди.

Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги боғлиқликни мустаҳкамлаш баробарида, Афғонистоннинг транзит салоҳиятини кенгайтиришга қаратилган қўшма транспорт ва энергетика инфратузилмаси лойиҳаларини, хусусан, Термиз-Мозори-Шариф-Кобул-Пешовар темир йўли ва янги Сурхон-Пули-Хумри электр узатиш линиясини барпо этиш лойиҳаларини янада илгари суриш муҳим экани таъкидланди.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон ва Афғонистон алоқалари бугунги кунга келиб янада ривожланмоқда. Ўзбекистон Афғонистон муаммосини жаҳон аҳамиятига молик масала деб билмоқда ва ушбу муаммолар ечими юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини жаҳон ҳамжамиятига эълон қилмоқда. Ўзбекистон ва Афғонистон ўртасида савдо-иқтисодий, маданий соҳалардаги алоқалар ривожланиб бормоқда.

**Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати**


1. Акмалов Ш. Национальная стратегия Республики Узбекистан в вопросах мирного урегулирования афганского конфликта. - Т.: «Тошкент ислом университети», 2009. – С.12.
2. ЕИга аъзо мамлакатларнинг давлат ва ҳукумат бошлиқлари билан бўлиб ўтган ва 1996 йил 14 ноябрь – Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов ЕИ Комиссияси ва НАТО раҳбарлари билан учрашувларда. 1996 йил 23 июнь – Флоренцияда
3. Ташкентская встреча группы «6+2» по Афганистану под эгидой ООН. Пресс-релиз. Ташкент, 1999. – С.7
4. Акмалов Ш. Национальная стратегия Республики Узбекистан в вопросах мирного урегулирования афганского конфликта. – Т.: «Тошкент ислом университети», 2009. – С.19.
5. Фармонов Р., Жўраев К., Рахимов М., Мўминова Ф., Турсунова Р. и др “История международных отношений Республики Узбекистан”: коллективная монография. – Т.: УМЭД, 2017. – С 31.
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи // “Халқ сўзи” газетаси, 2017 йил 20 сентябрь.
7. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. – Т. “Ўзбекистон”, 2018. – Б.362-364.
8. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Афғонистон бўйича “Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик” мавзусида ўтказилган халқаро конференциядаги нутқи // “Халқ сўзи”газетаси, 2018 йил 28 март.
9. “Халқ сўзи” газетаси, 2020 йил 12 ноябрь.
10. “Халқ сўзи”газетаси, 2020 йил 19 декабрь.
11. “Халқ сўзи”газетаси, 2021 йил 16 июль.


## МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИ

***Т.Ёқубов – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш Агентлиги***

*Қашқадарё вилояти филиали раҳбари ўринбосари*

Буюк давлат арбоби соҳибқирон Амир Темурнинг “Куч – адолатдадир” деган мазмундор ғояси нафақат кеча ва бугуннинг, балки яқин ва узоқ келажакнинг ҳам устувор мақсади бўлиб қолаверади.

Давлат бошқарувида амалга оширилган кечаги ислоҳотларнинг нечоғлик тўғрилиги, халқчиллигини бугун кўриш мумкин бўлганидек, айни вақтда Янги Ўзбекистонда сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда олиб борилаётган туб ислоҳотлар натижаси халқнинг турмуш даражасида, одамларнинг кайфиятида, таъбир жоиз бўлса, оилаларнинг дастурхонида акс этмоқда.

Қонунлар, концепциялар, стратегиялар, дастурлар, чора-тадбирлар қанчалик пухта ва пишиқ ишлаб чиқилган бўлмасин, ҳаётга татбиқ этишга қодир бўлган халол, пок, “виждонли ислоҳотчи”лар, ҳақиқий ватанпарварлар, билимли ва малакали кадрларсиз кутилган натижага эришиб бўлмайди.

Юқоридаги сифатларга эга, узоқни кўзлайдиган, ҳар бир ишида адолат, фикру-ҳаёлида, сўзида эл-юрт дарди уфуриб турадиган том манодаги “халқ раҳбарлари”ни топиш, тарбиялаш, ўқитиш, малакасини ошириш, керак бўлса қайта тайёрлаш, шахсий ва касбий фазилатларини, маънавий-ахлоқий қадриятларини инобатга олган ҳолда жой-жойига қўйиш, фаолиятини мониторинг қилиб бориш, лозим бўлганда эса уларни ҳимоя қилиш, асраб-авайлаш учун масъул бўлган органга бугун ҳар қачонгиданда, кўпроқ эҳтиёж сезилмоқда.

Мустақилликнинг илк йилларидан бугунга қадар юқори, ўрта ва қуйи буғиндаги раҳбарлик лавозимларида қанчадан-қанча кадрлар ишлади, ва ишламоқда. Ҳар бири ўз имконияти, билими, савияси, дунёқараши қолаверса, мавжуд сиёсий жараёнлардан келиб чиқиб, зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришга ҳаракат қилган. Аммо, уларнинг орасида у ёки бу сабабларга кўра зиммасидаги вазифаларни уддалай олмаган ёки лозим даражада уддалай олмаган, баъзан эса раҳбарнинг шаъни ва қадр-қимматини обрўсизлантирадиган, одоб-ахлоқ нормаларига мос келмайдиган ҳатти-ҳаракатлар содир этган, ўз манфаатини халқ манфаатидан устун қўйганлари ҳам бўлганлигини афсуски, кузатдик.

Босиб ўтилган йўл, қўйилган қадамлар, йўл қўйилган хатолар, танқид, эътирозлар ҳисобга олинди, ўз кўзимиз билан кўрдик, билдик, англаб етдик, сабоқ олдик, катта ҳаётий мактаб вазифасини ўтади бизга, керакли хулосалар чиқаридик ўзимизга.

Мамлакатимизда давлат хизматига энг муносиб, малакали кадрларни қабул қилишни таъминлаш мақсадида орттирилган тажрибага таянган ҳолда соҳага илғор хориж амалиётини, илм-фан ютуқларини, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш орқали кадрлар билан ишлаш борасидаги ишларни янги босқичга кўтаришга киришилди.

Дунёда давлат фуқаролик хизматига муносиблар орасидан энг муносибларини саралаб олишнинг идеал шакли мавжуд эмас, аммо нисбатан самарали ишлайдиган механизмлар мавжуд.

Коррупция, таъмагирлик, таниш-билишчилик, қариндош-уруғчилик каби иллатлар самарали ва сифатли давлат хизматини ташкил этишга салбий таъсир кўрсатувчи омиллар ҳисобланади.

Давлат фуқаролик хизматига киришда барчага бирдек, тенг имконият яратилиши, адолат ва шаффофлик таъминланиши жуда муҳим омилдир.

Хориж тажрибасига назар ташласак, Сингапур, АҚШ, Буюк Британия, Жанубий Корея, Туркия каби давлатларда давлат хизматига қабул қилишда лавозимнинг ўзига хос жиҳатларидан келиб чиқиб, номзоднинг билим даражасидан

ташқари унинг шахс сифатидаги устувор қадриятлари, етакчилик фазилатлари, тизимли фикрлаши, ўзгаришларга мослашувчанлиги, стрессга бардошлилиги каби бир қатор компетенцияларини ҳам баҳолаш тизими жорий этилганлигини кузатиш мумкин.

Яъни ходим у ёки бу билимларни ўзлаштиргани билан уни давлат хизматчиси сифатида муваффақиятли ва самарали фаолият кўрсатади, деб айта олмаймиз, сабаби, билим ва кўникмаларни амалда қўллай олиш, тизимли таҳлил қилиш, катта ҳажмдаги ахборот билан ишлаш, муҳим вазифалар орасидан биринчи галдаги энг муҳимларини ажрата олиш, давлат сиёсати, ташкилот сиёсатини англаган ҳолда унга мувофиқ иш кўриш, бир сўз билан айтганда ташкилотга, давлатга фойда келтириши учун ходимда юқоридаги сифатлар ҳам мужассам бўлиши кераклигини ўтказилган изланишлар, тадиқоқотлар, таҳлиллар исботлаб турибди.

Биз юқорида давлат фуқаролик хизмати соҳасида инсон ресурслари билан ишлашга масъул бўлган органга бугун ҳар қачонгиданда, кўпроқ эҳтиёж сезилмоқда, деб айтдик.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 октябрдаги "Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5843-сонли Фармони ҳамда шу санадаги "Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш Агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4472-сонли қарори қабул қилинди.

Юқоридаги ҳужжатлар билан янги тузилма Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш Агентлиги ташкил этилди, давлат органлари ва ташкилотларида инсон ресурсларини ривожлантириш ҳамда ходимларни бошқариш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш учун масъул бўлган ваколатли орган этиб белгиланди.

Агентликка давлат фуқаролик хизмати трансформациясининг ғоявий платформасини ишлаб чиқиш, давлат органлари ва ташкилотларининг давлат кадрлар сиёсати соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш, давлат фуқаролик хизматини ривожлантириш жараёнлари ва истиқболларини мониторинг ва таҳлил қилиш, энг истиқболли кадрларни давлат фуқаролик хизматига очиқ мустақил танлов асосида қабул қилишни ташкиллаштириш орқали давлат фуқаролик хизмати соҳасида ягона сиёсатнинг амалга оширилишини таъминлаш каби бир қатор вазифалар юклатилди.

Агентлик томонидан "Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатасида қабул қилинди ва бугунги кунда Олий Мажлис Сенатида кўриб чиқилиши кутилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш Агентлиги томонидан Давлат фуқаролик хизматчилари лавозимлари реестри ишлаб чиқилмоқда. Давлат фуқаролик хизмати лавозимлари давлат реестрига киритилган лавозимларга кадрларни очиқ, мустақил танлов асосида қабул қилиш тартибига босқичма-босқич ўтилмоқда. Бугунги кунга қадар қирқдан ортиқ давлат органлари ва ташкилотларида мазкур амалиёт жорий этилган.

Демак, биринчи навбатда тегишли тартибда давлат фуқаролик хизмати лавозимлари реестри тасдиқланади ва мазкур реестрга киритилган лавозимларга маълум малака талабларига жавоб берадиган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари очиқ, мустақил танлов асосида қабул қилинади. Тегишли тартибда танловдан ўтган, давлат фуқаролик хизмати лавозимлари реестрига киритилган лавозимларга расман тайинланган фуқаро давлат фуқаролик хизматчиси ҳисобланади ва шу ондан

эътиборан унинг давлат фуқаролик хизматчиси сифатида ҳуқуқий мақоми вужудга келади ҳамда давлат фуқаролик хизматидан озод этилгунга қадар амал қилади.

Танловни ўтказиш меритократия, очиқлик ва ошкоралик принциплари асосида қуйидаги тартибда амалга оширилади.

Энг аввало "Ягона миллий меҳнат тизими" идоралараро дастурий-аппарат комплексидан фойдаланган ҳолда бўш (вакант) давлат лавозимлари тўғрисида ахборот Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш Агентлигининг https://vacancy.argos.uz/ расмий веб-сайтида эълон қилинади, шунингдек, давлат органи ва ташкилотларининг расмий веб-сайтларида, ижтимоий тармоқлар, мессенджерларда ва даврий босма нашрларда ҳам жойлаштирилиши мумкин.

Кейинги босқичда вакант лавозимларга танловда иштирок этиш истагини билдирган талабгорларнинг аризалари сайтдаги электрон сўровномани тўлдириш орқали амалга оширилади (қабул қилинади).

Танловни ташкил этиш ва ўтказиш учун давлат органи ва ташкилотлари томонидан уларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобига аутсорсинг шартлари билан ташқи ташкилотлар жалб этилиши мумкин.

Танловларни ўтказиш учун давлат органи ёки ташкилотларида давлат фуқаролик хизмати лавозимлари реестрига киритилган вакант лавозимларни эгаллаш бўйича танловларни ташкиллаштириш ва ўтказиш бўйича комиссияси тузилади.

Танлов комиссияси томонидан малака талабига мос, деб топилган номзодлар тест синовларида қатнашади ва тест натижаларига кўра, белгиланган балл тўплаган номзодлар танловнинг сўнгги, суҳбат босқичига таклиф этилади.

Суҳбат интервью шаклида ўтказилади. Давлат органи ёки ташкилоти қўшимча тарзда Давлат хизматини ривожлантириш Агентлиги ёки унинг ҳудудий филиаллари билан келишилган ҳолда ёзма имтиҳон ўтказилишини кўзда тутиши мумкин.

Танлов комиссияси танлов натижалари бўйича номзодни лавозимга тайинлаш ёки рад этиш ҳақида якуний хулоса қабул қилади. Танлов комиссиясининг хулосаси номзодни танлов эълон қилинган лавозимга тайинлаш учун асос бўлади. Танлов комиссия танловни видео ва аудио ёзувини олиб боради. Суҳбат реал вақт режимида ижтимоий тармоқлар орқали тўғридан-тўғри эфирга узатилади.

Суҳбат давомида танлов комиссияси номзодларни вакант лавозимни эгаллаш учун қўйилган малака талаблари, билим даражаси билан бир қаторда шахсий, ишбилармонлик, етакчилик фазилатлари, мотивацияси ва бошқа жиҳаларига ҳам эътибор қаратади.

Танловларни ташкиллаштириш ва ўтказишда белгиланган тартибга риоя этмаслик ҳолатлари, шунингдек, танлов комиссиясининг холис қарор қабул қилишига таъсир ўтказадиган ноқонуний хатти-ҳаракатлар аниқланган тақдирда, давлат фуқаролик хизмати масалалари бўйича ваколатли орган танлов натижасини тўлиқ ёки қисман бекор қилиш ҳуқуқига эга.

Танлов асосида давлат фуқаролик хизматига қабул қилинган шахслар давлат фуқаролик хизмати масалалари бўйича ваколатли орган билан келишмасдан лавозимидан озод этилиши мумкин эмас.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, хусусан вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликлари бошқарув аппаратига кадрлар айнан очиқ, мустақил танлов йўли билан ишга қабул қилинмоқда. Бу эса Ўзбекистон Республикаси фуқароларига у қаерда бўлишидан қатъий назар давлат фуқаролик хизматига ишга кириш учун эшиклар очилганлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 1-моддасида – “Вилоят, туман, шаҳар ҳокими вилоят, туман ва шаҳарнинг олий мансабдор шахси бўлиб, айни бир вақтда тегишли ҳудуддаги вакиллик ва ижроия ҳокимиятини бошқаради. Вилоят ҳокими, Тошкент шаҳар ҳокими Ўзбекистон Республикаси Президенти ва тегишли халқ депутатлари Кенгаши олдида ҳисобдордирлар. Туман, шаҳар ҳокими юқори турувчи ҳоким ва тегишли халқ депутатлари Кенгаши олдида ҳисобдордир.” Дея белгилаб қўйилган.

Олий мансабдор шахс – ҳоким маълум бир ҳудуд раҳбаридир, ташкилот раҳбари эмас. Маҳаллий ҳокимлик эса ташкилотдир. Ташкилот бошқаруви тизимли бўлиши учун бошқарувчи-раҳбар керак. Бежизга хорижий тажрибада “аппарат раҳбари” деган лавозим жорий этилмаган.

Ҳокимлик тизими ходимларини ўқитиш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш ишлари талаб даражасида эмаслиги ҳеч кимга сир эмас. Буни нормалаштирилмаган иш тартиби, ҳаддан ортиқ вазифлр ҳажми, вақт етишмаслиги ва бошқа бир қатор омиллр билан изоҳлашга ҳаракатлар бўлади.

Энг ачинарлиси, ишнинг бундай шаклда ташкил этилиши маҳаллий ҳокимият идораларига, айниқса ҳокимлик тизимида ишлашга бўлган қизиқиш, жозибадорлик йўқолишига, бунинг оқибатида эса тизимга муносиб кадрларни жалб этиш мураккаблашиб боришига, иқтидорли кадрларнинг тизимдан кетиб қолишига сабаб бўлмоқда. Бу ҳақда жиддий ўйлаш вақти келди, деб ҳисоблаймиз. Бир йилда икки-уч марталаб ҳокимлик ташкилий тузулмасини ўзгартириш масалага ечим бўлмаслиги йиллар давомида ўз тасдиғини топди.

Ҳокимнинг айни бир вақтда тегишли ҳудуддаги вакиллик ҳокимиятини ҳам бошқариши эса алоҳида бир мавзудир.

Юқорида биз муносиб кадрлар бўлмаса, давлат дастурларию, назарияларни амалиётга жорий этиш мураккаб кечиши ҳақида гапирдик, мунисиб кадрлар эса очиқ мустақил танлов йўли билан сараланади.

Давлат хизматига танлов асосида қабул қилишнинг афзаллиги шундаки, биринчидан, танлов мустақил, очиқ, меритократия принциплари асосида ташкил этилиши бўлса, иккинчидан, танлов эълон қилинган лавозим малака талабларига жавоб берадиган миллати, тили, дини, жинси, ижтимоий келиб чиқиши ва бошқа сифатларидан қатъий назар Ўзбекистон Республика фуқаролари номзод сифатида иштирок этиши мумкинлигидадир. Қолаверса, вакант лавозимни эгаллаш учун номзодлар сони қанча кўп бўлса, давлат фуқаролик хизматига муносиблар орасидан энг муносибини саралаб олишга имкон яратилади.

Бугун олий таълим муассасаси битирувчиларининг аксарияти ёки иш излаб юрган қанчадан-қанча фуқароларимиз ишга кириш илинжида ташкилотма-ташкилот юриб, ўнлаб, ҳатто ундан ҳам кўпроқ давлат идоралари ва ташкилотларига шахсий маълумотномаларини топшириб қўйиб, кадрлар бўлими томонидан қўнғироқ қилиб, чақириб қолишар, деган умидда юришибди. Мутасаддиларнинг “кутинг, бўш (вакант) жой бўлса ўзимиз ҳабар берамиз” - деган гаплари эса оддий одамлар учун “бошқа жойга бориб учрашинг, бизда Сизга мос иш йўқ” - деган сўз билан синонимдек бўлиб қолганлиги ҳам айни ҳақиқат. Бу каби ҳолатга тушган ёшларнинг ички кечинмаларини, келажакка бўлган ишончини, ўй-ҳаёллари, давлатнинг кадрлар сиёсатига бўлган муносабатини тасаввур қилиш қийин эмас.

Жойларда давлат органи ёки ташкилот раҳбари вакант лавозимларга ўзи таниган, билган, ёки кадрлар бўлинмаси томонидан тавсия этилган ёҳуд ҳеч кимга сир эмас, баъзан кимлардир илтимос қилган кадрларни ишга олишга ҳаракат қилган бўлса, очиқ, мустақил танловда эса раҳбар фақат танловда ғолиб бўлган, танлов

комиссияси тавсия этган энг муносиб кадр билангина меҳнат шартномаси тузишига тўғри келади.

Барча давлат органлари ва ташкилотларида давлат фуқаролик хизмати лавозимларига танлов асосида ишга қабул қилиш амалиётининг жорий этилиши ишга қабул қилишда шаффофликни, ошкораликни ва энг муҳими адолатни таъминлашга хизмат қилади.

Сўзимни ҳурматли Президентимиз Ш.М.Мирзиёев 2020 йил

24 январдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига мурожаатномасида келтириб ўтган немис файласуфи Иммануил Кантнинг, “Адолат йўқолган пайтда ҳаётнинг қадрини белгилайдиган бошқа ҳеч нарса қолмайди”, деган сўзи билан якунламоқчиман.

**Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати**


1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент, 2019.
2. “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонуни Тошкент ш., 1993 йил 2 сентябрь, 913-XII-сон
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони “Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 й, ПФ-5843.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” Тошкент ш., 2019 й., ПҚ-4472.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори “Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Тошкент ш., 2021 й., ПҚ-5177.
6. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 15-сон,
7. Темур тузуклари. – Тошкент, 2019.
8. Мирзиёев Ш.М. “Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз” – Тошкент ш, 2017.
9. Абу Наср Форобий “Фозил одамлар шаҳри” - Абдулла Қодирий номидаги халқ меъроси нашриёти, 1993 й.
10. Азизхужаев А.А. “Давлатчилик ва маънавият” Тошкент., “Шарқ” 1997 й.
11. Егоршин А.П. “Управление персоналом” - Нижний Новгород, 2001.
12. lex.uz сайти


## КОНЦЕПЦИЮ ВОЕННО-ПОЛИТИЧЕСКОГО ПЕРЕВОДА И ЕЕ ЗНАЧЕНИЕ В СФЕРЕ ВОЕННОГО ПЕРЕВОДА

***С.Шодихонов – преподаватель, кафедра лингвистики,***
***Каршинский государственный университет***

Государственная политика в области безопасности, обороны и военной организации является важнейшим условием развития Узбекистана как независимого и полноправного члена международного сообщества. В современных условиях Национальная военная политика затрагивает все сферы жизни государства. Военные реалии далеко перешагнули интересы военных специалистов и получили широкое распространение в других сферах общественной жизни. Ускоренными темпами идет поиск новых форм военно-политического международного сотрудничества, например, создание при Министерстве обороны и Комитете по реформированию

Вооруженных Сил Узбекистана Консультативного совета по оборонным реформам с участием ведущих стран Центральной Азии. Разрабатываются новые концепции, доктрины и стратегии с учетом международного опыта и реалий сегодняшнего дня.

Это ведет к укреплению военного перевода и переводческой практики, требует обобщения и теоретического осмысления накопленного эмпирического материала, дальнейшего научного обоснования теории военного перевода (ВП), а также повышения роли военно-политического перевода (ВПП) в опосредованной межкультурной коммуникацией деятельности.

Обоснование исследования военного перевода связано с необходимостью пересмотра эмпирического материала, накопленного в результате активной практики военного перевода в области военной политики, динамичного развития теории военного перевода, необходимостью разработки и систематизации ее понятийного аппарата.

Цель статьи - определить место военного перевода в системе военного перевода, выявить функциональные и жанрово-методологические отличительные особенности военно-политических текстов, сформировать понятие "военно-политический перевод" в рамках понятийного аппарата военного перевода.

В настоящее время вопросы, связанные с изучением специфики военной терминологии в сопоставительном аспекте (на материале разных языков), становятся все более актуальными. Это обусловлено рядом факторов: Во-первых, необходимостью углубленного изучения деривационных, семасиологических и структурных особенностей военной терминологии; во-вторых, важностью изучения терминологии в рамках сопоставительного анализа, который позволяет рассматривать терминологию как упорядоченную систему, соответствующую современному уровню развития науки, отвечающую тенденциям современных исследований, направленных на анализ языковых явлений, возможно, не изолированно, а в тесном взаимодействии со многими другими областями знания (военной, военно-политической). Военный в изучении терминологии английский язык представляет особый научный интерес, поскольку является важнейшим средством расширения внешних связей стран, обновления международных профессиональных контактов, ускорения развития профессионального общения на английском языке.

Без анализа видов перевода и учета присущих им особенностей и взаимосвязей развитие общего переводоведения невозможно. В.Н. Комиссаров выделил три фактора, которые необходимо учитывать при описании отдельных видов перевода. Во-первых, отнесение исходного текста к определенному функциональному стилю может повлиять на характер процесса перевода и потребовать от переводчика применения специальных приемов и методов. Во-вторых, акцент на таком исходном тексте может подразумевать стилистические особенности текста перевода и, следовательно, необходимость выбора таких языковых средств, которые характеризуют аналогичный функциональный стиль в языке перевода. В конечном итоге, в результате взаимодействия этих двух факторов могут возникнуть особенности перевода, а также общности и различия между языковыми средствами, характеризующими сходные функциональные стили в исходном и переводящем языках, и тип перевода может быть связан с их конкретными контекстами и задачами.

По мнению В.В. Балабина, теория военного перевода является особой жанрово-стилистической теорией, поскольку в Вооруженных Силах посредничество перевод/переводчика заключается прежде всего в языковом и речевом варьировании текстов общевоенной, военно-политической, военно-технической и военно-

специальной тематики. Автор утверждает, что концепция военно-политического перевода относится к числу основных концепций военного перевода, успешно апробирована в экспертной среде ученых, преподавателей и практиков военного перевода и последовательно представлена академическому сообществу в течение последних четырнадцати лет. Исходя из этой точки зрения, можно сказать, что понятия "военно-политический перевод" и "военно-политические тексты" относятся к основным понятиям военного перевода и поэтому требуют всестороннего исследования, анализа и обоснованного определения.

Рассмотрим особенности общественно-политического перевода, чтобы соотнести их с ВПП. По функционально-коммуникативной направленности В.В. Алимов выделяет литературный, специальный и общественно-политический (общий) перевод как отдельный вид, включающий общественно-политические и публицистические тексты. С точки зрения достижения адекватности данный вид перевода имеет черты, характерные как для литературного, так и для специального перевода. ВПП наследует только специальные переводческие свойства.

Общественно-политический перевод обычно выдержан в публицистическом стиле и представлен текстами: заявлениями, речами и обращениями популярных лидеров, политических и общественных деятелей, публикациями международных, государственных и неправительственных организаций, различными общественно-политическими статьями; к особенностям этих текстов относятся пропагандистские концепции, яркая эмоциональная окраска, богатство разнообразной терминологии и широкий диапазон содержания. Военно-политические тексты, в отличие от общественно-политических, ориентированы на более узкую, профессиональную аудиторию и характеризуются функциональными параметрами, которые, как правило, не предполагают эмоционально-экспрессивного воздействия на адресата. В качестве отдельного подвида, согласно нашей классификации, исключаются жанры военно-публицистических текстов, отсылающие к военным текстам (например, выступления и заявления высших военных органов, интервью, новости из пресс-центра контртеррористической операции, брифинги пресс-секретаря Министерства обороны, статьи в военной периодике, новости на официальных сайтах военных структур), поскольку собрана достаточная эмпирическая база и проводятся отдельные исследования. В дальнейшем Г.М. Стрелковский считает, что эмоциональность и выразительность в этих текстах достигается опосредованно, через частое повторение одной и той же мысли, но постепенно привлекая дополнительные факты, используя различную лексику, что придает повествованию экспрессивный тон, эмоциональную сферу восприятия, способствует формированию определенных убеждений, изменяет понимание содержания. На наш взгляд, более целесообразно изучать ВПП в военной сфере, чем общественно-политический перевод. В переводоведении общепринята жанрово-стилистическая классификация, которая позволяет выделить художественный и информационный перевод. В соответствии с функциональным стилем исходного текста информационный перевод подразделяется на подтипы. Дальнейшая типология основывается на определенных стилистических особенностях (таких как лексика, структурные общности), функциональном назначении, информационной цели и ориентации на конкретного адресата. Военно-политический перевод - это тип военного перевода, который выделяется среди других типов по тематическим критериям и особенностям жанра и стиля.

Рассмотрим функциональные и жанрово-стилистические особенности и специфику ВПП.

О.И.Чередниченко считает, что функциональный стиль - это разновидность языка, используемая в типичной социальной ситуации, которая отличается от других разновидностей своими языковыми, грамматическими и фонетическими особенностями. Формальный стиль - это функциональный стиль военно-политических текстов, поскольку они функционируют именно в сфере формальных отношений в коммуникативной макросреде. Данная среда представляет собой информационную систему функционально-стилистических отношений, неизменной основой которых являются социальная (прагматическая) функция принуждения и формальная (стилистическая) функция официальности. Однако не следует ограничиваться только военным делом, поскольку в этой обширной сфере существует множество отраслей, которые следует рассматривать как самостоятельные области знания или деятельности. В связи с этим целесообразно выделить следующие группы военной терминологии:

-военная сравнительная терминология (стратегическая, тактическая);

-военно-дипломатическая терминология (организационная);

-военно-техническая терминология (подразумевающая различные типы и виды вооруженных сил и боевого оружия).

Из терминов этих групп широко используются (так или иначе) специалисты, связанные с военной сферой, т.е. военнослужащие, политики, политические и военные обозреватели, работники СМИ, организаторы мероприятий и представители организаций. Следует отметить, что наряду с официальной, методологически нейтральной терминологией важную роль играют языковые единицы, используемые военными в разговорной речи. Они образуют отдельную группу наименований-профессионализмов (их часто относят к группе разговорных терминов); такие понятия очень распространены в СМИ. К военной терминологии могут быть отнесены и языковые единицы, хотя они не обозначают военных понятий, а используются только в военной среде и редко употребляются в общем обиходе.

К военной терминологии относится и эмоциональная лексика, состоящая, как правило, из стилистических синонимов, соответствующих военной терминологии. Например, в английском языке слова dougboy и infantryman означают "пехотинец". Следует отметить, что изменение содержания военной терминологии, в частности ее постоянное пополнение, исчезновение из нее ряда языковых единиц, изменение смыслов и общих условий функционирования Вооруженных Сил может быть. В современном русском и английском языках можно выделить основные направления военной терминологии:

- термины, включающие создание новых видов оружия. Например: wire-guarded missile - управляемая ракета, laser range finder - лазерный дальномер, rocket-assisted projectile - активно-реактивный снаряд и т.д.;

- термины, связанные с изменением некоторых принципиально важных положений (доктрин), связанных с тактикой и военно-оперативным искусством. Например, в русском языке: воздушная поддержка войск, ядерная оборона, воздушно-космическая оборона; в английском языке: electronic countermeasures - электронные контрмеры, embargo - блокада, запрет, guerilla war - партизанская война и др.

- условия, связанные с реорганизацией состава сухопутных войск и высших командных инстанций. Например, в русском языке: акустическая база, военная инфраструктура, журнал учета рабочего времени; в английском языке: logistics operations centre - логистический центр, besiege - осада, осаждение, bivouak - ночевка, привал и др.

Неизменная прагматическая функция принуждения и императива в военно-политических текстах проявляется через следующие функции:

- директивная (императивная или апеллятивная функция побуждения к действию), поскольку содержание документов является обязательным для лиц, которым они адресованы (закон, инструкция, постановление, приказ, акт);
- нормативно-регулятивная функция установления норм и правил поведения в конкретных условиях (инструкция, наставление), которая также включает функцию регулирования отношений между договаривающимися сторонами (договор, соглашение, меморандум, соглашение;
- информационно-аналитическая функция, которая сообщает о современном состоянии Вооруженных Сил и основных направлениях военного строительства с целью информирования общественности о деятельности Вооруженных Сил и оборонной политике государства;
- концептуально-доктринальная функция (стратегия национальной безопасности Украины является обязательным документом для разработки других документов стратегического планирования в сфере национальной безопасности, в том числе концепции развития сектора безопасности и обороны, стратегии военной безопасности, стратегии кибербезопасности, других отраслевых стратегий, государственных программ развития органов безопасности и обороны, является основой для разработки военных доктрин.

Стилистическая функция формальности характеризуется следующими признаками:

- формальность определяется сферами применения военно-политических текстов, которые будут рассмотрены ниже;
- безличность (обезличенность) текста проявляется в высказываниях от имени определенных институтов (государства, закона, вооруженных сил, Министерства обороны, Генерального штаба и т.д.); некоторые тексты содержат высказывания президента как главнокомандующего вооруженными силами или другого военного органа государства, но в этом случае индивидуальность автора заслоняется стилем документа и отсутствует субъективность в подаче информации;
- объективность достигается отсутствием персонификации, так как военно-политические тексты обычно разрабатываются группой авторов и зависят от политических целей государства, а не от мнения конкретного человека;
- эмоциональность оправдана характером и задачами военно-политических текстов и сферой применения этих текстов (например, военно-политические тексты не содержат восклицательных знаков, что свидетельствует об экспрессивном эмоциональном тоне, не характерном для военно-политических текстов);
- стереотипность проявляется в общности языковой структуры текстов, в создании устоявшихся языковых формул и клише, обеспечивающих точность и неточность восприятия и передачи информации.

Таким образом, функциональный стиль ВПП определяется ведущей функцией передачи формальной доктринальной/концептуальной информации наряду с постоянными стереотипными схемами, реализующими эту функцию.

Основные области военно-политических текстов включают национальную безопасность, политику обороны и военной организации, государственное прогнозирование и стратегическое планирование, политику планирования обороны и анализ обороны, военно-политическую ситуацию, военную политику, включая актуальные и потенциальные угрозы национальной безопасности, развитие обороноспособности и развитие вооруженных сил в условиях военно-политического кризиса.

Другим важным направлением является международное военно-политическое сотрудничество, стратегический диалог с государствами-партнерами и международными организациями по вопросам оборонной политики, международные операции по поддержанию мира и безопасности, военная помощь иностранным государствам, развертывание вооруженных сил в других государствах, международные договоры.

Перечисленные направления определяют тематическое или сюжетное содержание военно-политических текстов, а также выбор языковых средств, влияющих на формирование жанров в этих текстах. С учетом проведенного анализа, исходя из функциональной специфики военно-политических текстов, можно определить ВПП как разновидность экстралингвистических стиле и жанрообразующих факторов военного перевода, обеспечивающих выполнение межкультурной коммуникативной посреднической функции в сфере военной политики, национальной безопасности и обороны. Составленное определение может послужить основой для дальнейшего совершенствования вербальной модели ВПП в контексте теории военного перевода.

**List of used literature**


1. Balabin, V. V. (2018). Theoretical foundation of military translation in Ukraine. Science and Education a New Dimension. Philology, 6 (51), 22-25.
2. Odiljonovich, R. M., & Kurganov, A. M. (2021). Structural semantic and stylistic features of military terms in Uzbek and English languages. Eurasian Journal of Learning and Academic Teaching, 23-25.
3. Batirovna, S. H. (2021). Comparative Analysis of Military Terms in English and Uzbek Languages. Pindus Journal of Culture, Literature, and ELT, 1(12), 130-133.
4. Tymoczko, M. (2009). Translation, ethics and ideology in a violent globalizing world. In Globalization, political violence and translation (pp. 171-194). Palgrave Macmillan, London.
5. Viktor, B. (2018). Redefining military translation. European journal of literature and linguistics.


## ЎЗБЕКИСТОН ВА МДҲ ДАВЛАТЛАРИНИНГ ОЛИЙ ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАРИ

***Д.Д.Тоштемиров – Ўзбекистон Миллий университети 2-курс магистранти***

Сўнгги йилларда таълим соҳасидаги Ўзбекистоннинг мамлакатлараро алоқалари тез суръатларда кенгайиб глобал аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Айниқса, юртимизда олий таълим тизимини янги ривожланиш босқичига кўтариш, халқаро олий таълим ютуқларини ўзлаштириш ва таълим сифатини дунё стандартлари даражасига олиб чиқишга эришиш йўлида дадил қадамлар қўйилди.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар миллий давлатчилик ва суверенитетни мустаҳкамлаш, халқимизнинг муносиб ҳаёт кечириши, инсон капиталининг салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратди. Айни вақтда мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлининг чуқур таҳлили, Ўзбекистонда ҳаётнинг барча жабҳаларига янгича ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришни тақозо этди.

Ўзбекистонда 1997 йил қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг амалга оширилиши натижасида олий таълимнинг моддий техника базаси мустаҳкамланди, тизимга ўқитишнинг замонавий шакл ва технологиялари

жорий этилди. Шунингдек, юқори малакали мутахассислар тайёрлаш бўйича ихтисослик йўналишларини такомиллаштириш ва бу соҳада дунёни ривожланган давлатлари билан халқаро ҳамкорлик борасида маълум натижаларга эришилди.

Маълумки, 2016 йилнинг охирги чорагида Ўзбекистон тарихида янги давр бошланди. Мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг фармонига асосан “Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси” қабул қилинди [1]. Ҳаракатлар стратегиясининг “Ижтимоий соҳани ривожлантириш” деб номланган тўртинчи йўналишида Ўзбекистон узлуксиз таълим тизимининг барча бўғинларини замон талаблари асосида янада такомиллаштириш ва таълим сифатини юқори даражага кўтариш вазифаси қўйилди. 2016-2017 ўқув йилига келиб республикада 21 та университет, 37 та институт, 2 та академия, 11 та маҳаллий ва 7 та хорижий давлатларнинг олий ўқув юртлари филиаллари – жами 78 та олий ўқув юрти фаолият кўрсатди [2].

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “истиқлол йилларида мамлакатимизда олий ўқув юртлари сони 2,5 баравар кўпайди. Бугунги кунда олий ўқув юртларимизда 230 мингдан зиёд талаба билим олмоқда. ... Истеъдодли ёшларимизнинг минглаб вакиллари дунёнинг нуфузли университетларида таҳсил олмоқда. Мамлакатимизда давлат бюджетининг ялпи ички маҳсулотга нисбатан 7 фоизи таълим тарбия соҳасига йўналтирилмоқда” [3].

Лекин таълим тарбия ва кадрлар тайёрлаш соҳасида эришилган ютуқларни объектив баҳолаган ҳолда шуни таъкидлаш керакки, ўтган давр мобайнида Ўзбекистонда замонавий яхлит узлуксиз таълим тизими шакллантирилганлигига қарамасдан олий таълим тизими мустақиллик йилларида мамлакат иқтисодиётида бўлган туб ўзгаришларга тўлиқ мослаша олмади. Айниқса, унинг моддий-техника базаси ҳамда кадрлар сифати замон талабларидан орқада қолди. Олий ўқув юртларига киришни квоталар билан чекланганлиги меҳнат бозорини юқори малакали кадрларга бўлган эҳтиёж билан таклиф ўртасида узилишни вужудга келтирди.

Юқорида кўрсатилган олий таълим тизимидаги камчиликларни бартараф этишни кўзлаб 2017 йил 20 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарори қабул қилинди [5].

Қабул қилинган қарорга биноан хорижий давлатлар олий таълим муассасалари билан барча соҳаларда ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш ва тажриба алмашиш, халқаро таълим стандартларига асосланган энг замонавий педагогик технологияларни кенг жорий этиш устувор вазифалардан бири этиб белгиланди.

Қарорда белгиланган вазифаларнинг самарали ечимини тўлиқ таъминлаш, олий таълим сифатини ошириш ва тубдан такомиллаштириш, уларни моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва модернизация қилиш, замонавий ўқув-илмий лабораториялари, ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозлаш мақсадида Олий таълим тизимини 2017-2021 йилларга мўлжалланган комплекс ривожлантириш дастури тасдиқланди. Шунингдек, олий таълимни янада ривожлантиришда уни халқаролашувига ва Ўзбекистоннинг бу соҳадаги ўзаро манфаатли халқаро алоқаларини фаоллаштиришга алоҳида эътибор берилди. Чунончи ўтган даврда мобайнида олий таълим ва юқори малакали кадрлар тайёрлаш соҳасида МДҲ ҳамда дунёни ривожланган давлатлари билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш ва янада кенгайтиришга алоҳида устувор йўналиш деб қаралди.

Шу ўринда, Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасидаги маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорлигини мустаҳкамлашга йуналтирилган ишлар алоҳида эътибор лойиқ. Чунончи, ўзбекистонлик ёшларни ҳозирги кунда Россия олий ўқув юртларида таълим олишга бўлган қизиқиши жуда юқори. Мазкур мамлакатда Ўзбекистондан бориб таҳсил олаётган талабалар сони 2018 йилда 20 мингдан зиёд (Россиядаги хорижлик талабаларнинг 8,6 фоизи)ни ташкил қилди. Шуни таъкидлаш керакки, ўзбекистонлик абитуриентлар орасида Россиянинг Тошкентдаги олий ўқув юртлари, жумладан, М. Ломоносов номидаги Москва давлат университети, И. Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университети ҳамда Г. Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети филиалларида ўқишга бўлган қизиқиш йилдан йилга ортиб бормоқда. Мазкур олий таълим муассасаларида таҳсил олаётганлар сони 2018 йилда икки мингдан ошди. 2018 йилда Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги олий таълим соҳасидаги ҳамкорлик янги поғонага кўтарилди. Мамлакат эҳтиёжидан келиб чиқиб янгиланаётган Ўзбекистонда иқисодиётни ва ижтимоий соҳани юқори малакали кадрлар билан таъминлаш ҳамда олий таълим соҳасидаги илғор хорижий тажрибани жорий қилиш мақсадида дастлаб Москва пўлат ва қотишмалар институтининг Миллий технологик тадқиқотлар университети фаолияти йўлга қўйди. Шунингдек, И. Сеченов номидаги 1-Москва давлат тиббиёт университети, Москва архитектура университети, Россия технологик университети филиалларини очиш бўйича келишувга эришилди [4].

Ўзбекистон олий таълим тизимида илғор хорижий тажрибани жорий қилишда 2017 – 2019 йилларда таълим жараёнига МДҲ мамлакатларидан 316 нафар педагог жалб қилинди. Бу ўз навбатида олий ўқув юртларига илғор педагогик ва ахборот технологияларини кириб келишига ҳамда таълим сифатини ўсишига ижобий таъсир кўрсатди.

2020-2021 ўқув йилида Россия университетларида 35500 нафар ўзбекистонлик талаба таҳсил олди. Россия Федерацияси федерал бюджетидан грантлар асосида ўзбекистонлик талабаларга 2019 йил 228 ўрин берилган бўлса, 2020-2021 ўқув йилида 405 ўрин ажратилди. Улар мамлакат тараққиёти учун аҳамиятли бўлган машинасозлик, энергетика, жумладан, атом энергетикаси, ахборот технологиялари, қурилиш, тиббиёт, геология, кимё ва биотехнологиялар каби йўналишларда таҳсил олишмоқда [4].

Умуман, мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси билан МДҲ давлатлари ўртасидаги маданий-гуманитар соҳадаги алоқалар жадал ривожланиб борди. Айниқса Россия Федерацияси билан олий таълим соҳасидаги ҳамкорлик тез суратларда ривожланиб дастлабки олий ўқув юртларни филиаллари ўз фаолиятини бошлади. Рус тилининг Марказий Осиё мамлакатларида кенг қўлланилиши, юқори сифатли олий таълим, ўқув дастурлари ва талабларнинг ўхшашлиги, мослашишни қулайлиги йилдан йилга Россия Федерациясида ўзбекистонлик талабалар улушининг ошиб боришига олиб келди.

**Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати**


1. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.
2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги расмий сайти. http://edu.uz/uz/opendata/view?id=3
3. Тинчлик, маърифат ва бунёдкорлик йўлида ҳамкорлик. Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёевнинг

Ислом ҳамкорлик ташкилоти ташқи ишлар вазирлари кенгаши 43-сессиясининг очилиш маросимидаги нутқи. Ma'rifat, 2016 йил 19 октябрь.
4. Ўзбекистон ва Россия: Стратегик ҳамкорлик амалда. 19.10.2018 https://isrs.uz/uz/maqolalar/uzbekiston-va-rossia-strategik-amkorlik-amalda.
5. Халқ сўзи, 2017 йил 21 апрель.

## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИДА ТУРИЗМНИНГ РИВОЖЛАНИШИ (2016-2021 ЙИЛЛАР)

***Б.У. Жумаев – Ўзбекистон ФА ҳузуридаги Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича Мувофиқлаштирувчи-методик маркази таянч докторанти***

Бугунги кунда туризм соҳаси хизмат кўрсатиш соҳасининг энг истиқболли ва жадал ривожланаётган тармоқларидан бири бўлиб қолмоқда. Туризм соҳаси XX асрнинг охиридан бошлаб дунёнинг кўплаб ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларида аҳоли даромаднинг асосий таркибий қисмларидан бирига айланди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳам 2018 йил 28-декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида туристик имкониятлар ҳақида қуйидагиларни келтириб ўтган эдилар: “Ҳозирги кунда миллий иқтисодиётга юқори даромад келтирадиган истиқболли тармоқлардан бири бу туризмдир. Ўзбекистон туризм соҳасида улкан салоҳиятга эга бўлган давлат ҳисобланади” [1].

Ҳозирда туризмнинг бир қанча турлари бўлиб, ҳар қандай туризм тури алоҳида ўзига хос хусусиятларга эга, шунингдек, туризмнинг бир тури борки, барча туризим турлари билан доимо чамбарчас боғланиб, барча сайёҳатларда муҳим аҳамият касб этади. Бу ҳам бўлса Гастрономик туризмдир. Қолаверса унинг асосий афзаллиги шундаки, ҳар қандай мамлакатда гастрономик туризмни ривожлантириш учун ўзига хос бўлган шароитлар мавжуд. Хусусан бизнинг юртимиз ҳам гастрономик туризм энг ривожланган етакчи давлатлардан бирига айланиши учун барча имкониятларга эга давлат десак ўйлайманки хато бўлмайди. Гастроном сўзининг келиб чиқиши қуйдагича талқин этилади (юнончадан "Гастрос" - ошқозон, "номос" - қонун, таълимот,)деган маънони англатиб, бугунги кунда бу атама маъноси фақат унинг этимологик келиб чиқиши билан боғланади. Шундан келиб чиқиб Гастрономик туризмни фан сифатида оладиган бўлсак, "Озиқ–овқат дўкони", овқатланиш ва маданият ўртасидаги боғлиқликни ўрганадиган фан [2] деб тариф беришимиз мумкин. Гастрономик туризм атамаси ҳам соҳа мутахассислари томонидан бир қанча тарифлар билан келтирилган:

– бу ишлаб чиқариш, пишириш технологияси билан танишиш ва миллий таомлар ва ичимликларни татиб кўриш дунё халқларининг пазандалик анъаналари билан боғлиқ туризм тури[3]/

– бу мамлакатнинг миллий ошхонаси, ошпазлик хусусиятлари анъаналари, ишлаб чиқариш ва тайёрлаш хусусиятлари овқатлар ва идишлар, шунингдек касбий билимларни ўқитиш ва такомиллаштириш учун саёҳат қилиш [4].

Демак гастрономик туризм – бу бирор бир шахс ёки жамоанинг миллий таомлар ва ичимликларни татиб кўриб, ундан лаззатланиш ёки шифо топиш учун ҳамда ушбу маҳсулотни ишлаб чиқариш усуллари, ошпазлик сирлари, пишириш технологияларини ўзлаштириш, таомларнинг ўзига хос хусусиятлари ва келиб чиқиш тарихи билан танишиш мақсадида бир ҳудуддан иккинчи ҳудудга ёки бир давлатдан иккинчи давлатга ташриф буюриш дегани.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2020-йил 29-декабрдаги Олий Мажлисга йўллаган мурожаатномасида кўплаб соҳалар қатори маҳалла тизими фаолиятини янада ривожлантириш масаласи юзасидан ўзининг таклиф ва тавсияларини берган эди. Ана шу вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида 2021-йилнинг 27-март куни “Маҳалла ва оила” илмий-тадқиқот институти ҳамда Ўзбекистон Гастрономик туризми ассотсиатсияси билан ҳамкорликда маҳаллаларда туристик муҳитни яратиш, аёллар дафтарига киритилган ишсиз аёлларнинг оилавий тадбиркорликни йўлга қўйишлари ва ўз-ўзини банд этишларига амалий кўмак бериш, шунингдек, сайёҳларни миллий таомларимизни тайёрлаш анъаналари билан яқиндан таништириш, миллий доналик таом савдоси билан шуғулланадиган фуқароларни сайёҳларга хизмат кўрсатиш соҳасига жалб этиш мақсадида йўлга қўйилган “Гастромаҳалла” лойиҳаси доирасида инфо-тур ташкил қилинди. Унда дастлаб Тошкент шаҳри Юнусобод тумани, Отчопар 1 МФЙ Фаоллар залида лойиҳанинг тақдимоти бўлиб ўтди [5]. Тақдимотда лойҳани ривожлантириш бўйича фикр мулоҳазалар билдирилди. Бу борада бугунги кунда кўплаб амалий ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Хусусан жорий йил "Гастромаҳалла" мобил иловасининг тақдимоти ўтказилди. www.гастромаҳалла.уз веб-сайти ва гастромаҳалла мобил иловаси тақдимоти бўйича маълумотлар тақдим этилди [5].

«Маҳалла ва оила» илмий-тадқиқот институти Ўзбекистон Гастрономик туризми ассотсиатсияси билан ҳамкорликда маҳаллаларда туристик муҳитни яратиш, “Аёллар дафтари”га киритилган ишсиз аёлларнинг оилавий тадбиркорликни йўлга қўйиши ва ўз-ўзини банд этишига амалий кўмак бериш, шунингдек, сайёҳларни миллий таомларимизни тайёрлаш анъаналари билан яқиндан таништириш, миллий таом савдоси билан шуғулланадиган фуқароларни сайёҳларга хизмат кўрсатиш соҳасига жалб этиш мақсадида йўлга қўйилган «Гастромаҳалла» лойиҳаси доирасида медиа-тур ташкил қилинди. Лойиҳа кам таъминланган, вақтинча ишсиз аёлларнинг қўшимча даромад топиши, уларнинг бўш вақтини унумли ва самарали сарфлашига кўмаклашиш мақсадида ташкил этилган, – дейди Ўзбекистон Гастрономик туризми ассотсиатсияси раиси Гулноза Одилова. – Бунда уй бекалари ўз хонадонларида ўзбек миллий таомларини тайёрлаб, хорижлик меҳмонларни меҳмон қилиши мумкин. Бунда миллий урф-одатларимиз дунёга янада кенг ёйилади, туристик салоҳиятимиз юксалаверади.

Тақдимот давомида лойиҳанинг асл мақсади, қулайлик ва афзалликлари ҳақида маълумотлар берилди. Шундан сўнг, “Аёллар дафтари”га киритилган тошкентлик аёллар хонадонларига борилиб, у ерда яратилган шароитлар билан таништирилди. Ушбу лойҳанинг мақул томони шундаки, биринчидан маҳаллаларимиздаги кўплаб хотин қизларимиз учун иш ўринлари яратилади, иккинчидан туристларга хизмат кўрсатиш сифати яхшиланади бу эса ташқи ва ички сайёҳларимизни жалб қилиш учун яхши самара беради.

Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги кўмагида 2021 йил 26-28-август кунлари юртимизнинг Фарғона, Наманган ва Андижон вилоятларида Ўзбекистон Гастрономик туризми ассотсиатсияси ва «Маҳалла ва оила» илмий-тадқиқот институти ҳамкорлигида “Гастромаҳалла.уз” ва “Рестосервисе.уз” лойҳаларининг тақдимот маросимлари бўлиб ўтган эди. Шу ўринда эслатиб ўтамиз “Рестосервисе.уз”сайти ресторан ҳодимлари малакаларини ошириш ва қайта тайёрланишлари учун ташкил этилган онлайн платформа бўлиб, масофадан туриб ўқиш имконини берувчи қулай сайт ҳисобланади. 2021 йилнинг 17-18-сентябрь кунлари Ўзбекистон Гастрономик туризми ассотсиатсияси томонидан Туризм ва спорт вазирлиги билан ҳамкорликда Бухоро ва Навоий шаҳарларида "Гастромаҳалла" лойиҳаси тақдимоти юзасидан семинар-тренинги ташкил этилди.

Унда меҳмонхона, ресторан ва меҳмон уйлари эгалари иштирок этди. Уларга лойиҳа ҳақида батафсил маълумот берилди. Шунингдек, Навоий, Бухоро шаҳарлари ва Ғиждувон, Нурота туманларида 3 кунлик гастротур дастури тузилди. Шу йилнинг 12-октябрь куни Шаҳрисабз шаҳрида "Гастромаҳалла" лойиҳасининг тақдимоти юзасидан семинар-тренинг ташкил этилди. Унда меҳмонхона, ресторан ва меҳмон уйлари эгаларига лойиҳанинг мазмун-моҳияти, мақсад ва вазифалари тушунтирилди. Тадбир давомида Шаҳрисабз шаҳрига гастрономик тур маршрути ташкил этилди. Туризм фидойиси кўкрак нишони соҳибининг хонадонида ташриф буюриб, меҳмонлар учун яратилган шарт-шароитлар билан танишилди, keракли тавсиялар берилди. Меҳмон уйида гастрономик маҳорат дарси ўтказиш тартиби кўриб чиқилди[6]. Келгусида "Гастромаҳалла" лойиҳаси тадбирлари бошқа вилоятларда ҳам ўтказиш режалаштирилган. Бу борада Ўзбекистон Гастрономик туризми ассотсиатсияси фаол ташаббус олиб бормоқда, қолаверса Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлигининг ҳам хизматлари катта. Жорий йил 17-май куни Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлигининг Лола Закирлаева бошчилигидаги ишчи гуруҳ Фарғона вилоятининг туристик салоҳияти юқори бўлган бир неча аҳоли яшаш масканларида учрашувлар ўтказди. Хусусан, Фарғона туманидаги Садкак МФЙ ҳудудидаги дам олиш масканларида суҳбат ўтказилиб, оилавий меҳмон уйлари ташкил этишнинг афзалликлари, унинг истиқболлари, берилаётган имтиёз ва ҳуқуқлари тўғрисида тушунтиришлар берилди. Учрашув жараёнида ишчи гуруҳ вакиллари аҳоли хонадонларида ҳам бўлиб, уларда яратилган шарт-шароит ва қулайликлар кўздан кечирилди. Фуқаролар билан суҳбатлашиб, уларнинг олдида турган муаммолар ўрганилди[7].

Демак, "Гастромаҳалла" лойҳаси доирасида олиб борилаётган бугунги ишлар нафақат Гастрономик туризим ривожи учун балки, Ўзбекистон маҳаллаларидаги туризм муҳитини яхшилашда ҳам ўз самарасини беради деб билишимиз мумкин. Қолаверса ушбу тадбирлар нафақат ички балки халқаро миқёсда ҳам кенг кўламда олиб борилаётганини кузатишимиз мумкин бўлади. Биргина мисол қилиб Тошкент шаҳрининг қоқ маркази - “Сайлгоҳ” кўчасида 2019 йил 9 август куни старт олган биринчи халқаро "Гастро базаар – 2019" фестивали доирасида барча вилоятларнинг гастрономик салоҳияти яна бир бор маҳорат синовидан ўтказилганлигини кўрсатишимиз мумкин.

Таъкидлаш жоизки, ҳозирда туризм қишлоғи ва туризм овули каби лойҳаларнинг кенг жорий қилиниши ҳам Ўзбекистон маҳаллаларидаги муҳитни тубдан янгилаб келмоқда, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги «2019-2021 йилларда Тошкент вилоятида туризм соҳасини жадал ривожлантириш тўғрисида»ги қарори билан мазкур вилоятнинг туризм салоҳияти «Олтин ҳалқа» консепсияси асосида ривожлантирилади. Вилоятнинг Бўстонлиқ, Оҳангарон, Паркент, Бўка, Чиноз, Зангиота туманлари ва Ангрен шаҳрини ўз ичига олган «Олтин ҳалқа» консепсияси сайёҳлар оқимини кўпайтириш, уларга қулай шарт-шароитлар яратиш ҳамда маҳаллий аҳоли даромадини ошириш каби қатор мақсадларни назарда тутади.

Яна бир янгилик шуки, ҳукуматнинг юқоридаги қарори билан «Кумушкон» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида туризм қишлоғини ташкил этишга оид чора-тадбирлар режаси ҳам тасдиқланди[8].

«Кумушкон»да тўпланган тажриба бошқа туристик қишлоқ ҳамда маҳаллалар яратишда намуна бўлиб хизмат қилади. Зотан, келгусида бундай туристик қишлоқларни кўпайтириш режалаштирилган. 2019-йилда Китоб туманининг Варганза қишлоғида биринчи халқаро анор агрофестивали бўлиб ўтди. Тадбир «Қашқадарё вилоятининг туризм салоҳиятидан самарали фойдаланиш чора-

тадбирлари тўғрисида»ги ҳукумат қарори ижросини таъминлаш, бу орқали бой маданий мерос ва тарихий анъаналарни сақлаш, боғдорчилик фаолияти билан шуғулланувчи намунавий маҳаллий аҳоли вакилларини қўллаб-кувватлаш, ҳудудда агротуризмни ривожлантириш мақсадида ташкил этилди.

Фестивал аввалида Қарши шаҳридан 120 километр узоқликда жойлашган Варганза қишлоғига Ўзбекистондаги илк агротуризм қишлоғи мақоми берилди ва «Варганза» МФЙ раисига агротуризм қишлоғининг рамзий калити топширилди. 28-сентябрь куни бошланган халқаро агрофестивал уч кун давом этди.

2020 йил 30 май Самарқанд туманидаги Конигил маҳалласи ҳудудида намунавий типдаги “Туризм қишлоғи” ташкил этиш ишлари бошланди.

Ҳозирда Самарқандга аксар тарихий обидалар, маданий меросимизни томоша қилиш учун келишаётган бўлса, яқин келажакда Конигил қишлоғи янги бир туристик йўналиш ёки маконга айланади. Бу эса Самарқандга келган туристлар вақтининг шаҳарда кўпроқ ва мазмунли ўтишига ҳам хизмат қилади дегани.

**Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати**


1. Мирзиёев Ш.М. Олий Мажлисга Мурожаатнома. http:// www.gov.uzo
2. Ткачук П.Ю. Новая русская кухня как фактор развития национального наследия / П.Ю. Ткачук // Вестник Луганского национального университета имени Тараса Шевченко: сб. науч. тр. / гл. ред. Е.Н. Трегубенко; вып. ред. Н.В. Вострякова; ред. сер. А.Е. Пожидаев. – Луганск: Книга, 2018. – № 1(10): Серия 5. География. Экономика. Туризм. – 148 с.
3. Вишневская Г. Потенциал кулинарных туров в контексте специализированного туризма / Г.Г. Вишневская // Актуальные проблемы истории, теории и практики художественной культуры. – 2013. – С.31.
4. Нехаева Н.Е., Терехова Ю.С. Гастрономический туризм как перспективное направление развития регионов России // Естественные и математические науки в современном мире: сб. ст. по матер. XXXIV междунар. науч.-практ. конф. № 9(33). – Новосибирск: СибАК, 2015.
5. https://gastrotourism.uz/uz/post/article/gastro-mahalla-loyihasi-taqdimoti
6. http://gastrotourism.uz/uz/post/article/gastromahalla-loyihasi-shahrisabzda
7. https://telegra.ph/Fargonada-oilaviy-mehmon-uylari-tashkil-etish-boyicha-targibot-davom-etmoqda-05-18
8. http://mahalladosh.uz/post?id=7496


## ЎЗБЕКИСТОННИНГ ХАЛҚАРО МАДАНИЙ АЛОҚАЛАР ТИЗИМИДА МУСИҚА ВА ҚЎШИҚЧИЛИК САНЪАТИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ (XX АСНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ)

***С.Т.Ахмедов – Қарши давлат университети магистранти***

***Аннотация:*** *Ушбу мақолада совет даврида маданий ҳаётнинг таркибий қисми бўлган мусиқа ва қўшиқчилик санъати соҳасида Ўзбекистоннинг Осиё давлатлар билан алоқалари, тараққиёти йўлида мусиқа ва қўшиқчилик санъати жаҳон тажрибасини ўзлаштириб борганлиги ёритиб берилган.*

***Калит сўзлар:*** *Ўзбекистон, мусиқа ва қўшиқчилик санъати, маданий алоқалар, маданиятлар алмашинуви, чолғу асбоблари, халқ оркестри, фестивал, халқаро мусиқа куни.*

Маълумки, маданиятнинг маънавий омили сифатида нафис санъатлар — мусиқа, қўшиқчилик қадимдан эътироф этиб келинган. Миллат маданиятининг ўзига хослиги шундаки, унинг ривожланиши доимо халқ ижтимоий ҳаёти ва сиёсий жараёнларнинг таъсирига боғлиқ бўлади. Бу эса миллий маданиятнинг жаҳон маданияти ва цивилизациясининг таркибий қисми, айни чоғда, маънавий қадрият эканлиги тўғрисидаги ижтимоий ҳақиқатнинг мазмун-моҳиятига мосдир. Мана шу ҳолат муайян миллий маданиятнинг бир мамлакат доирасидан чиқиб халқаро ҳамкорлик тизимидан ўрин олишини тақозо этади.

Шу нуқтаи назардан қаралганда, Ўзбекистоннинг Осиёдаги мамлакатлар билан халқаро маданий алоқалари ривожланишида мусиқа ва қўшиқчилик санъати ҳам алоҳида аҳамиятга эга бўлган.

Жумладан, урушдан кейинги йилларда Ўзбекистонда мусиқа ва қўшиқчилик санъатида жиддий ўзгаришлар ва халқаро маданий алоқаларда янги шакл ва мазмун касб этган жараёнлари кечган. Аммо бу даврда маданий-мафкуравий жабҳада амалга оширилган тадбирлар бир-бирини жуда кескин, жиддий суръатда инкор этувчи қатор зиддиятли ҳолатларни юзага келтирди. Ижтимоий-сиёсий соҳада буюк давлатчилик шовинизми ва агрессив миллатчиликнинг авж олиши, ўзга миллатларни ижтимоий-сиёсий фаоллигини пасайтириш, миллий ўзликни англаш жараёнларида бўғиб қўйиш ҳолатлари давом этди.

Жумладан, 1951 йил 3 апрелда Ўзбекистон ССРда қабул қилинган “Ўзбекистондаги мусиқа санъатининг аҳволи ва уни янада ривожлантириш тўғрисидаги қарори” да ўзбек қўшиқчилик ва мусиқа санъатида рус классик ҳамда совет мусиқасини устувор суръатда ривожлантириш масаласи қўйилди. Бу ҳолат ўзбек қўшиқчилик ва мусиқа санъатида миллийликдан узоқлашиб, совет санъатининг миллий санъат намуналари билан қоришувига сабаб бўлди. Шунингдек, янги кўринишдаги ғарб мусиқа асбоблари ва қўшиқлари ижроси давлат томонидан қўллаб-қувватланди [9].

XX асрнинг 50-йилларида ўзбек қўшиқчилик ва мусиқа санъати усталарининг Осиё мамлакатлари санъаткорлари билан алоқалари янги поғонада ривожланди. Унда «ўзбек-совет мусиқасида янги муваффақиятларга эришаётган санъат намуналари» шиори остида миллий анъанавий санъат намойиш этилди. Жумладан, 1951 йилнинг ноябрь ойида ўзбек қўшиқчилик санъати устаси Ҳ.Носирова бошчилигидаги ўзбек санъаткорлари делегацияси Хитой Халқ Республикаси ҳукуматининг таклифига биноан Хитойнинг ғарбий-шимолий вилояти - Синцзянга гастролда бўлди. Шу давр матбуот хабарларида таъкидланишича, ўзбек санъаткорлари концертларидан 350.000 нафар киши иштирок этиб, Ҳ. Носирова эса ана шу катта маданий дўстликка ўзининг муносиб ҳиссасини қўша олди [11].

1953 йил январда эса атоқли санъаткорнинг Марказий Хитойга гастроль сафари Ўзбекистоннинг Хитой Халқ Республикаси билан қўшиқчилик соҳасидаги маданий алоқалари жараёнида сезиларли бурилиш ясади. Фактларга мурожаат этилганида,’Қизил Ўзбекистон” газетасида қайд этилишича, “Ўзбек санъаткорлари Хитой-Совет дўстлиги ойлиги давомида 82 марта концерт бериб, 60 дан ортиқ маъруза ва суҳбатлар ўтказдилар. Санъаткорларнинг ижод намуналари аҳоли томонидан қизиқиш билан кутиб олинди.” [11].

Шунингдек, 1953 йилнинг январида ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестрининг Хитой Халқ Республикасидаги ижодий гастроли бўлиб ўтди. Ушбу маданий тадбир ҳам коммунистик мафкура ғояларидан четга чиқмаган ҳолда ўтказилган бўлиб, унда: “дунё халқларининг дўстлиги”, мазкур маданий алмашинувнинг асосий мақсади ўз ифодасини топган.

Қўшиқчилик санъати ҳар бир тарихий даврда биринчи даражали мафкуравий қуроллардан бири бўлиб келган. Бинобарин, совет турмуш тарзини жаҳон мамлакатларига тарғиб қилишда коммунистик партия ва совет ҳукумати қўшиқчилик санъатидан унумли фойдалана билган эди. Бунинг натижаси ўларок, гастроль қатнашчилари бўлган ўзбек қўшиқчилик ва мусиқа санъати усталари репертуарларидан социалистик ҳаёт мавзусидаги қўшиқлар кенг ўрин олган эди. Шу билан бирга, ўзбек миллий мусиқаси ва қўшиқчилигининг мумтоз намуналари билан бир қаторда, халқ қўшиқлари ҳам ансамбль репертуарида мавжудлиги боис, хитойлик томошабинлар Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист К.Исмоилова, хонандалар А.Мирзаева, Э.Йўлдошев, Р.Ҳамдамов, В.Опрятнова кабиларнинг маҳорат қирралари билан танишишга муваффақ бўлганлар.

Эътироф этиш зарурки, Ўзбекистонда яшаётган уйғур халқининг санъати, адабиёти, маданияти ўзига хос тарзда йўлга қўйилган бўлиб, 1967 йилда Ўзбекистон радиоэшиттириш ва телевидения Давлат қўмитаси ҳузурида уйғур ашула ва мусиқа ансамбли ташкил этилди. Машҳур санъаткор Б.Тошматов раҳбарлигидаги ушбу ансамблда М.Тўхтаева, Х. Қодирова, С. Шарифжонова каби хонандалар, раққоса Қамбарнисо Умарова, моҳир камончи А. Мехроев, танбурчи Н. Мехроевлар фаолият юритиб халқларни ўзаро алоқаларининг ривожига тегишли ҳисса қўшганлар.

1968 йил октябрь-ноябрь ойларида (23 кун) ўзбек санъати ва маданияти вакилларининг Ҳиндистоннинг Деҳли, Калькутта, Бомбей, Жайпур, Жамна, Агра шаҳарларида, Панжоб, Орисса ва Ассам штатидаги кўплаб шаҳар ва қишлоқларида жумладан, Ўзбекистон ССР халқ артисти Ҳ.Носирова ва бошқа санъат усталарининг чиқишлари, уларнинг маҳорати ҳақида Ҳиндистон газеталарида ижобий фикрлар келтирилган [12].

Шунингдек, Ҳиндистонда ўтказилган дўстлик фестивалида ўзбек мусиқа санъати усталари ва ижрочи ёшларининг чиқишлари катта қизиқиш билан кутиб олинган. Ҳиндистоннинг Ассом штати марказидаги катта стадионда машҳур най созандаси Раббим Ҳамдамов “Уфори оромижон”, “Субондам”, “Чўли ироқ”, “Чоргоҳ”, “Фарғонача” каби ўзбек мумтоз мусиқалари билан бир қаторда араб, ҳинд, покистон, озарбайжон, венгер, молдаван, рус халқ куйларини ижро этиб, ўзбек мусика санъати маҳоратининг энг гўзал намуналарини намойиш этган. Матбуот саҳифаларида берилган хабарга кўра ҳиндистонлик томошабинлар стадион ўртасига қурилган саҳнада ўз санъатини намойиш қилаётган созандани гулдурос қарсаклар ва “аччо, бхоб ассо!” (яхши, ғоятда яхши) деган таҳсин сўзлари билан қизғин олқишлаганлар.

Ҳиндистон билан амалга оширилган маданий ҳамкорликда ҳинд адабиёти ва санъати, маданиятининг ёрқин намояндаси Робиндранат Тагор асарларига мурожаат қилиш 60-йилларда, айниқса, анъанавий тус олган эди. Жумладан, ўзбек композитори И.Акбаров Р.Тагор қаламига мансуб “Почта” драмаси асосида симфоник асар яратди. Қолаверса, буюк ҳинд ёзувчисининг кўплаб асарлари ўзбек театри ва киноси учун ҳам алоҳида мавзу бўлган. Композитор И.Акбаровнинг мазкур симфоник асари ўзбек санъатида Тагор мавзусининг бевосита давоми сифатида эътироф этилади. Ушбу мусиқий асар парчалари Ҳамза номидаги Ўзбекистон академик драма театрида Тагор асарлари постановкаси жараёнида самарали қўлланган эди. Бу симфоник картиналар Ўзбекистон композиторлари жамиятида намойиш қилиниб, “оригинал, бадиий жиҳатдан юқори, образлилиги ўта пишиқ асар” сифатида баҳоланган.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, Ўзбекистоннинг Осиё мамлакатлари билан маданий алоқалари тизимида Мўғулистон Халқ Республикаси билан маданий алмашинувда қўшиқчилик ва мусиқа мўғул ва ўзбек санъати солномасида алоҳида

воқеа сифатида қайд этилган.. Ўзбек санъат усталарининг Мўғулистондаги педагогик фаолияти натижаси ўлароқ, 1969 йил июнь ойида Тошкентда Мўғулистон санъати ва маданияти кунлари ўтказилди. Мўғулистон қўшиқчилик ва мусиқа санъати ходимлари ўзбек санъатининг ёрқин намояндалари Тамарахоним, Ҳ.Носирова ва М.Тоировларнинг номларини ҳурмат билан эътироф этганлар. Тошкентда ўтказилган Мўғулистон маданияти кунлари ҳақида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Мирза Тоировнинг қайд этишича, “Улан-Батордаги ташриф чоғида мўғул халқининг санъатни севишига ишонч ҳосил қилдим. Ўзим найчи — созанда бўлганим туфайли мўғул созандалари орасида ишлаб, мўғул чолғу асбоблари халқ оркестрининг ташкил этилишида ҳисса қўшдим- Мўғулистонда қўшиқчилик ва мусиқа ижрочиларини тарбиялашда совет педагогларининг хизматлари ҳам бениҳоядир.

Осиё мамлакатлари билан амалга оширилган маданий алоқаларда қўшиқчилик ва мусиқанинг кенг имкониятларидан яна бири шундан иборат эдики, маданий алоқаларнинг бошқа соҳаларида бўлгани сингари, улар фаолиятидаги бир хилликни ифода этувчи мавзу, мафкура ва ғоявийлик жиҳатларининг, соҳани амалга оширишдаги йўл-йўриқдир, ижодий йўналишларнинг юзага келишига сабаб бўлди.

Архив маълумотларига кўра, 1973 йилда Олмаота шаҳрида ўтказилган “Осиё минбари” (“Трибуна Азии”) деб номланган халқаро мусиқа форумида қатнашган чет эл санъат усталарининг 1973 йил 22 октябрда Ўзбекистонга таклиф қилиниши ва бу борадаги ижодий алмашинув жараёни юқорида баён этилган талаблар асосида амалга оширилган. Хорижий мамлакатлардан Тошкентга ташриф буюрган маданият намояндаларининг умумий сони 23 нафар бўлгани ҳолда, шундан 12 нафар композитор ва бастакорлар Осиёнинг турли мамлакатларидан эди. Улар Ўзбекистонда 7 кун давом этган ижодий ташрифида ўзбек мусиқасининг ёрқин намояндаси Мухтор Ашрафий ижоди билан яқиндан танишдилар. М.Ашрафий ижодига мансуб “Бўрон”, “Бахт қўшиғи”, “Дилором”, “Севги тумори”, “Темур Малик” опера ва балетлари учун ёзилган мусиқий асарлар меҳмонларда катта таассурот қолдиради. Айниқса, учрашув давомида атоқли композиторнинг “Севги тумори” балетининг намойиши меҳмонларда катта таассурот қолдирди. Бундан ташқари, 23 нафар чет эл делегацияси аъзолари Бухоро ва Самарқандга ташриф давомида Самарқанд опера ва балет театрида С.Бобоевнинг “Жоним фидо” операси намойиш этилди [8].

XX асрнинг 70-йилларидан ўзбек қўшиқчилик санъатининг Осиё минтақасидаги мамлакатларга ёйилиши жараёни бирмунча тезлашганини кузатиш мумкин. 1970 йил 1-июнда Ўзбек Давлат филармониясига Муҳиддин Қори Ёқубов номи берилди. Шу билан бирга мазкур филармония қошида “Лазги”, “Гўзал” ашула ва рақс ансамбли, Тўхтасин Жалилов номидаги халқ чолғу асбоблари оркестри ҳам фаолият кўрсатди [6].

Осиёнинг қатор мамлакатларида ўзбек санъати усталарининг гастроллари амалга оширилди. 1974 йилда ташкил этилган “Гўзал” ансамбли дастлабки йилларданоқ Мўғулистон, Ҳиндистон, Покистон, Бангладеш каби қатор мамлакатларда гастролларда бўлдилар. Бу ашула ва рақс ансамблида халқ лапарларининг моҳир ижрочиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист ва Қорақалпоғистон халқ артисти Г. Отабоева, ўзбек рақс усталаридан Қ. Дўстмухамедова, талантли композитор М. Тожиев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Б. Мавлонов, моҳир ғижжак устаси Ш. Йўлдошев, хонандалар М. Ойнақулова, Г. Аъзамова ҳамда ёшлар ва талабалар VI жаҳон фестивали лауреати Р. Акбарбековлар томошабинларда яхши тасаввур уйғотдилар. Шунингдек, 1977 йилда “Гўзал” ашула ва рақс ансамблининг даставвал Москвадаги Ўзбекистон маданияти

кунларидаги иштироки, сўнгра эса Афғонистон, Ямандаги ижодий гастроли муваффақият козонди. Айниқса, Афғонистон сафари ансамблда фаолият олиб бораётган ёш ижрочилар учун жуда самарали бўлди [6].

Худди шундай тартиб ва чекловларнинг амалий натижаси мусиқа ва мусиқашунослик соҳасидаги халқаро маданий алоқаларда ҳам кузатиш мумкин. Маълумки, 1975 йилдан эътиборан 1 октябрь – халқаро мусиқа куни деб белгиланди. Шу муносабат билан Ўзбекистоннинг Осиё мамлакатлари билан қўшиқчилик ва мусиқа санъати соҳасидаги ўтказилган маданий тадбирларида ҳам фаоллик юз берди. 1978 йилнинг 3-7 октябрь кунлари Самарқанд шаҳрида ўтказилган “Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари оғзаки анъанавий ва профессионал мусиқаси ҳамда замонавийлик” мавзусида халқаро мусиқашунослик симпозиумида ўтказилган.

1986 йил октябрь ойида мусиқачиларнинг III халқаро симпозиуми ўзбек мусиқа санъати усталарининг халқаро маданий алоқалар тизимидаги яна бир ижобий бурилишини намоён этиб берди. 3-7 октябрь кунлари Самарқандда “Ҳозирги мусиқа маданиятида Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари анъаналарининг ҳаёти” мавзуида мусиқашуносларнинг халқаро симпозиуми бўлиб ўтди. Симпозиумда ЮНЕСКО халқаро мусиқа кенгашининг раҳбарлари, 25 та мамлакатдан меҳмонлар қатнашдилар [6].

1990 йил декабрида Бухоро шаҳрида ЮНЕСКО халқаро мусиқа кенгаши томонидан ташкил этилган “Марказий Осиё тасвирий санъатида мусиқа” халқаро анжуман бўлиб унда Осиёнинг кўплаб мамлакатларида мусиқа санъати намояндалари иштирок этдилар. Жумладан, туркиялик мусиқашунос Этем Рухий Унгёри республикамиз мусиқа санъати, адабиёти, иқтисодий-сиёсий ҳаётига баҳо бериб, сўнгги йилларда Туркия билан маданий алоқаларнинг мустаҳкамланишига ишонч билдириши ва шу билан бирга, Мулла Тўйчи Тошмуҳаммедов, Д.Ҳ. Ибодов, Ҳ.А. Абдурасулов, Ж. Султонов, М. Узоқов, Ю. Ражабий, Тамарахоним, Ҳ.Носирова каби жаҳон тан олган санъаткорлар ижоди ватани бўлган Ўзбекистонга ўз ҳурматини билдирди ҳамда буюк олим Мирзо Улуғбекнинг шогирди ва сафдоши Али Қушчининг Туркияда яшаб ижод этганини фахрланиб эсга олган.

Чунончи, 1990 йилда Ўзбекистонда ташкил этилган “Ханда” ижодий марказининг Ҳиндистонга ижодий гастролида ҳам ана шу мафкуравий руҳни кузатиш мумкин. “Ханда” ижодий маркази 1990 йил 17 сентябрдаги шартномага мувофиқ 1991 йил январда Ҳиндистоннинг “Индомеджик групп” ва “Бомбей арт групп” ансамбллари билан тузилган шартномага биноан Ҳиндистонга сафари давомида Деҳлида концерт намойиш қилади. Гастроль борасида ижодий марказ директори Ш. Ғозиев саҳнада ўзбек халқ лапарлари билан бирга ҳинд қўшиқлари ижро этилганини, 40 дан ортиқ ҳинд фильмларига мусиқа ёзган машҳур бастакор Рави Шарнинг ўзи ҳам ўзбек санъаткорлари билан қўшиқ куйлаганини фахр билан сўзлайди [3].

1990 йилнинг 22 февралидан 8 март кунига қадар Ҳиндистоннинг “Индо меджик групп” ва “Бомбей арт групп” ансамбллари Ўзбекистонда ижодий сафарда бўлиб, Тошкентдаги Халқлар дўстлиги саройида ҳинд-ўзбек санъатининг қўшма концерти намойиш этилди [1]. Ушбу тадбир совет мафкураси таъсир доирасининг янада кенгайиб бораётганини, социализм тарғиботида маданий алоқаларнинг энг кучли ғоявий қурол сифатида намоён бўлганини кўрсатиб берди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, маъмурий буйруқбозлик давридаги сиёсий-мафкуравий тазйиқларга қарамасдан, халқаро маданий алоқаларда ўзбек қўшиқчилик ва мусиқа санъати Осиё минтақаси мамлакатларида ўзининг муносиб нуфузига эга бўлди. 1950-1991 йилларда жаҳонда турли қадриятларнинг умуминсоний негизда уйғунлашувига, миллатлараро мулоқотнинг янгича сифат

кашф этилишига салмоқли таъсир этди. Мусиқа ва қўшиқчилик санъати турли халқларнинг ўзаро маданий алоқаларида ишончли, мустаҳкам восита сифатида хизмат қила олди.

**Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати**


1. Дўстлик кўприги. Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1991 йил 8 февраль. – Б.3.
2. Маматхонов Ҳ. СССРнинг хорижий мамлакатлар билан маданий алоқасида Ўзбекистоннинг ҳиссаси – Тошкент: Ўзбекистон, 1982. – Б. 31.
3. Норбеков Б. “Ханда” Ҳиндистонда // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1991 йил 8 февраль. – Б. 3.
4. Романовский С.К.Международные культурные и научн э связи СССР. –М 1966. – С. 89-90.
5. Тамарахоним. Ўзбекистон санъатшунослик илмий-текшириш институти. – Тошкент: Ўздавлат адабий нашр, 1957
6. Эрназаров Ф.Ҳ. Ўзбекистоннинг Осиё давлатлари билан маданий алоқалари. – Т.: Иқтисодиёт, 2018. – Б.220-225.
7. Ўзбек-совет мусиқасида янги муваффақиятларга эришайлик // Қизил Ўзбекистон. 1951 йил 24 апрель.
8. Ўз МА, П-2744-иш, 1-рўйхат, 364-иш, 14-варақ.
9. Қизил Ўзбекистон. 1951 йил 9 апрель.
10. Ғафурбеков Т. Учинчи анжуман. // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1987 йил 12 октябрь. – Б.6.
11. Ғулом Ҳ. Буюк дўстлик ашулалари // Қизил Ўзбекистон, 1953 йил 10-февраль.
12. Ҳиндистонлик дўстлар ҳузурида 23 кун // Ўзбекистон маданияти, 1968 йил 28 ноябрь.


## ТАРИХНИ ЎРГАНИШ МЕТОДОЛОГИЯСИ БЎЙИЧА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

***Ш.Каромов – мустақил тадқиқотчи***

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон тарихини ҳар томонлама холис ва илмий жиҳатдан мукаммал ҳамда тарихий далилларга асосланган ҳолда ёритишга катта эътибор берилмоқда. Жаҳон тарихининг ажралмас таркибий қисми ҳисобланган Ватанимиз тарихи ўзининг нафақат қадимийлиги, балки узоқ давом этган тарихий жараёнларнинг жуда катта таьсир этганлиги билан ҳам жаҳон илми аҳли эътиборини ўзига тортиб келмоқда. Айтиш мумкинки, Ўзбекистон сўзи тилга олинганда жаҳоннинг турли иқлимларида яшовчи ҳар қандай инсоннинг кўз ўнгида қадимий тарих гавдаланади.

Тарих, тарихий ҳақиқат ва уни илмий жиҳатдан холислик асосида ўрганиш, айниқса, уни ёш авлодга етказиб бериш бугунги тарих фани олдида турган энг долзарб масалалардан биридир “Миллатимиз тарихи ҳақидаги ҳақиқат юртимимизнинг фидойи, ўз ғоясидан, маслагидан, сўзидан қайтмайдиган фарзандларига очилиши лозим. Билишимиз шарт бўлган саҳифаларни қунт билан варақлаш ҳаммамиз учун ҳам қарз ҳам фарздир” Бу эса албатта тарих фани ва унинг тадқиқотлари борасида, қолаверса, “Тарих фани методологияси” фани ва ўқув адабиётларининг янада ривожланиши ва янада мукаммаликка эришишига хизмат қилади.

Методологиянинг умумий мазмуни, моҳияти, вазифаси ва аҳамияти энциклопедияларнинг ҳаммасида қарийб бир хил маъно ва тушунчада талқин этилади, таърифланади. Уларда кўрсатилишича “методология” юнонча атама бўлиб

икки сўз бирикмасидан иборат бўлган илмий-амалий тушунча. “Метод” - “усул” (йўл-йўриқ), “логия” эса, “фан”, “назария”, “ғоя”, “билим” ва “таьлимот” деган маъноларни англатади. Демак, методология кенг маънода инсоний фаолият, жамият ва фанлар тараққиётига йўл-йўриқ кўрсатувчи таълимотлар, назария ҳамда ғоялар,усул ва тамойиллар, мезон ва концепциялар, дин ва динлар мажмуидир.

Методология – инсоний онгли маиший ҳаёт ва илмий фаолиятини аниқ бир мақсад сари йўналтирувчи ва уларнинг самара билан якун топишини таъминлай олувчи зарурий илмий назария, ғоя, мафкура, таълимот қонуният, анъана, мезон, концепция, усул ва тамойилларнинг олий даражада ўзаро уйғунлашган бир бутун мажмуи – тизимидан иборат фан. Методология методларга ва умуман воқеликка қандай ёндашиш йўлини ўргатади. Методологияга илмий билишнинг воқеликни англаш ва ўзгартиришнинг алгоритми сифатида ҳам қараш мумкин .

Методология – илмий-ақлий фаолият, ижтимоий маиший ҳаёт, жамиятнинг оқилона бошқарилишига, ишлаб чиқаришда самарадорлик оширилишига тараққиёт ваислоҳотлар тўғри йўлдан боришига ва унинг тезлашишига бевосита ёрдам беради. Файласуф олим О.Файзуллаев фан методологияси ҳақидаги фикрини шундай тушунтиради: “Ҳар бир фаннинг ўз методологияси “ бўлиб барча фанларнинг битта умумий методологияси ҳам бор”.

Мустақиллик туфайли “ноилмий коммунистик” методология барҳам топди. Бу эса ўз ўрнида унга асосланган совет тарих фани ва бошқа ижтимоий-гуманитар фанларнинг барҳам топишига олиб келди. Бу фанлар янги фан сифатида қайта оёққа туриши учун янги методологияга эҳтиёж кучайди. Шунга қарамай, ҳозирча бу фанларнинг янги ва ҳаққоний илмий методологияси ишлаб чиқилгани йўқ. Аммо бу бизда методология соҳасида ҳеч нарса ўзгармади дегани эмас. Мустақиллик йилларида мутлақо янги методологик дунёқарашга оид кўпгина фикрлар олға сурилди. Бунда энг аввало Биринчи Президентимиз И.Каримовнинг ҳиссаси беҳад катта бўлди. Биринчи президентимизнинг бевосита тарих фани ва бошқа ижтимоий гуманитар фанлар ҳамда жамият бошқарувига оид ўта муҳим умумметодологик аҳамиятга эга бўлган илмий-амалий фикр-мулоҳазаларига биргина мисол: ”Ижтимоий соҳага оид дарсларда ёшларга дин билан дунёвий ҳаёт масалаларини бу икки тушунчанинг бир-бирига таъсирини, улар ўртасида мўътадил муносабат зарурлигини очиб бериш керак”.

Маълумки, тарихчи-тадқиқотчи методлар йиғиндисидан илмий муаммоларни ҳал этиш ва ечимини топишда фойдаланади.

Тарихий тадқиқотлар методларининг тўртта даражаси ва ёндашувлари мавжуд.

1. Фалсафий (ҳар бир фалсафий ёндашув тарихига нисбатан ўз қадриятларига эга).
2. Умумфан (табиий ва гуманитар фанларда қўлланилади).
3. Махсус-тарихий (фақатгина тарих фани тадқиқотларида қўлланилади).
4. Аниқ муаммовий (тор доирадаги тадқиқотлар учун).

Тадқиқот методларининг юқоридаги ҳар тўртталаси ўзаро бир-бири билан боғланган бўлиб аниқ-муаммовий ва махсус тарихий услублар умумфан ва фалсафий услубларга асосланади. Ҳозирда тарихчилар фанлараро ёндашув бошқа фанлар методларини ҳам тарихий тадқиқотларда қўлламоқдалар. Мазкур фанни ўқитиш давомида тарих фани ва унинг назарий асослари, предмети ва тадқиқот услублари ҳамда тамойилларига бағишланган маърузалар орқали тарих фанининг асосий хусусиятлари очиб берилади, тарихий билишнинг метадологик категориялари кўрсатиб берилади, тарихий манба, тарихий далил тарихий давр, қонуниятлар таҳлил этилади.

Тарих фанининг методлари ва тамойилларида фанлараро ёндашув тамойилларига алоҳида эътибор қаратилган. Назарий билимлар сўнгида тарихий тадқиқотлар босқичлари, тушунтириш муаммолари ва тарихий тавсифлаш масалаларига ҳам тўхталиб ўтилади.

Методология билишнинг фалсафий назарияси, социология ва тарихшунослик асосида шакилланади. Табиийки, билиш назарияси масалалари бу фанда асосий ўрин тутади, бироқ бу билан асосий эътиборни шунга қаратиш мумкин эмас, балки назарий билимлар тарихий тадқиқотлар амалиёти билан мукаммаллаштирилиши лозим. Бундай тарихий тадқиқотлар файласуфлар томонидан амалга оширилмайди, шунинг учун уларнинг тарих фани методологияси борасида билдирган фикрлари кўп ҳолларда баҳс ва мунозараларга сабаб бўлади, аксарият ҳолларда эса тарихчи-амалиётчилар ўзларининг фикрларини тўғридан-тўғри билдирадилар. Тарих фани методологияси тарихий жараённинг моҳиятини билиш мақсадида тўпланган маълумотларни тизимлаштириш, талқин қилиш, ўтмиш тўғрисидаги билимларни ўзлаштириш воситалари ва мезонларини ишлаб чиқиш лозим эканлигини англатади.

Тарих фани методологиясида ягона қараш мавжуд эмас. Чунки, тарихий тараққиёт жараёнига, жамият ва табиатга қарашларнинг турличалиги тарих фани методологиясининг ҳам турлича талқин қилинишига олиб келди.

Тарих фани методологиясини ўрганиш жараёнида XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб йирик файласуф олимларнинг тарих фанининг назарий асослари тўғрисидаги билдирган фикр-мулоҳазалари ва бугунги кунгача турли даражада амалда бўлган қарашлар позитивизм, неокантчилик, структурализм, постмодернизм каби бир қатор йўналишларнинг тарих фани тадқиқотларига таьсири масалаларига алоҳида тўхталиб ўтилади.

Тарих фани методологияси шаклланиш жараёнида бир қанча босқичларни босиб ўтган. Хусусан, қуйидаги босқичлар:

”Классик” методология. Бунда тарихий воқеалик объектларини ўрганиш, ўтмиш ҳақидаги далилларни тиклаш, тарихий тадқиқот жараёнида тадқиқотчининг ўрнини йўқ қилиш ёки сездирмаган ҳолда тарихий ҳақиқатни излашга асосий эътибор қаратилади.

“Классик бўлмаган“ (ноклассик) методология аввалги тарихий тадқиқот назарияси ёндашувлари изчиллигидан воз кечган ҳолда тарихий билимларнинг қиёсийлигига асосланади, тарихни эса ”тарихчи онгининг инъикоси” (тарихчи томонидан воқеаликлар ва ва тарихий жараёнларнинг кетма-кетликда тузиб чиқилган ҳолати) сифатида ҳаракат қилади. Структурализм (тизимлилик, ўзаро боғлиқлик системалилик)да тарих ижтимоий-маданий майдонда инсонлар тарихини сиқиб қўйди ва биринчи ўринга турли тизимлар (структуралар) қўйилди.

“Постноклассик” методология билиш субъектининг қарашларидан келиб чиққан ҳолдаги қадриятларга, интеллектуал ижод жараёнларини (тил шакллари, матнлар) ўрганишга асосий эътибор қаратади. Шу тариқа постмодернистлар тадқиқот объектини субъектдан, далилларни уйдурмадан алоҳида ажратмайдилар ва объектив ҳақиқатга эришишни шубҳа остига қўядилар.

Юқоридаги қарашларнинг алоҳида хусусияти шундаки, улар бугунги кун тарих тадқиқотларида ҳам амалда мавжуд бўлиб, турли даражада қўлланилади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, мустақиллик йилларида тарих фанини ўрганишда ҳар томонлама холис ва илмий жиҳатдан мукаммал ва тарихий далилларга асосланган ҳолда ёритишга катта этибор берилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан 2017 йилда имзоланган “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори олий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий

ривожлантириш борасидаги устувор вазифаларига қаратилган, кадрлар тайёрлашнинг маъно-мазмунини тубдан қайта кўриб чиқиш ва халқаро стандартлар даражасида олий малакали мутахассислар тайёрлаш учун зарур шароитлар яратилганлиги бугунги кунда тарихни нафақат ўрганиш, балки уни илмий жиҳатдан асосланган далилларга таянган холда тарихий жараёнларни очиб беришда ҳаққонийлик тамойилларига асосланган ҳолда чуқур ва атрофлича тадқиқ этиш ҳамда ҳамда энг тўғри илмий хулосаларни тақдим этиш биз тадқиқотчиларнинг олдида турган энг муҳим вазифалардан биридир.

**Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати**


1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: Шарқ, 1998. – Б.6.
2. Холбоев С. Миллий мустақиллик ва тараққиётнинг Ўзбек Модели. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2015. – Б.15-19.
3. Файзуллаев О. Фалсафа ва фанлар метадалогияси. – Т.: “Фалсафа ва ҳуқуқ”, 2006. – Б.20.
4. И.Каримовнинг “Фидокор”газетасига берган интервюси. 2000 йил 8 июнь
5. Алимова Д.А. Тарих фани методалогияси. Ўқув қўлланма. – Тошкент, 2018.


## ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ТАРИХИЙ МАВЗУДАГИ САНЪАТ АСАРЛАРИНИНГ ЎРНИ

***О.Н.Мирзаев – Қарши Давлат университети мустақил изланувчиси***

Тарих замонавий санъатда долзарб муаммолардан бири хисобланади, тарих рассомлар томонидан бадиий нуқтаи назардан ёритиб берилиши лозим, бунда ижодкорлар учун муҳим бўлган “олтин оралиқ”ни топиш муҳимдир, яъни на афсоналарга, на тарихий архив манбаларга таянмасликари лозим, афсуски, “Аксар холларда рассомлар ўтмишнинг ўзгармаган ва бадиий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга молик образларини яратган холда эмас, балки воқеа-ҳодисаларни сиёсий ёки мафкуравий талабларга мувофиқ акс эттириб тарихчиларга айланадилар.” Файласуф олимлардан бири айтганидек тарихчи бўлиб ўтган воқеаларни, рассом эса нима бўлиши мумкинлиги тўғрисида сўзлайди. Тасвирий санъатда тарих асосий мавзуси бўлган рассомлардан Т.Курязов, С.Абдуллаэв ижодида кузатишимиз мумкин, лекин уларнинг асарларида тарихни ҳаққоний ифода этадиган денамика, экспрессия, ҳаракатларга бир мунча кам эътибор берилган. Шу билан бир каторда

Миллийлик тасвирий санъатда долзарб муаммоладан ҳисобланиб, ўзбек рангтасвирида миллийликнинг ўзига хос талқини ўтган асрнинг 60-70-йилларда муаттар шарқнинг лирик эстетикасини ўз асарларида акс эттирган Чингиз Ахмаровнинг ижодий ғояларидан илҳомланган ҳолда бир гуруҳ рассомлар: Алишер Мирзаэв, Шуҳрат Абдурашидов ва Раҳмон Шодиэв каби истедодли рассомлар билан боғлиқдир. Ушбу рассомлар миллийликнинг ўзига хос услубини халқ маданиятининг этник хусусиятларидан ва анъанавий санъатнинг ёркин палитрасидан излайдилар.

Ўтган асрнинг 80-йилларнинг бошларидан рассом Сергей Алибеков ижодида миллийликнинг янги бир талқини, яни унинг картиналарида ўзбек халқининг анъанавий атрибутлари: дуппи, бешик, арава, кўза ва майда кулолчилик буюмлари янгича маъно касб этган картиналар ярата бошлади. Мисол учун унинг “Қирғоқнинг бошланиши” 1982-йил. “Сирдарё” 1985-йил. “Қизил қоялар ёнидаги суҳбат ”,

“Дуппили автопортрет” 1987-йил. “Қизил чизиқлар” 1992-йил. Ва бошқа асарларида С.Алибековнинг миллийликни ўзига хос аллигория ва фалсафий рамзлар воситасида жонлантиради. Умуман олганда С.Алибековнинг асарларида миллийлик пессимистик кайфият орқали ифода этилсада, шу билан биргаликда ўкинчи дунёда анъанавий қадриятлар ва миллий ўзига хосликни сақлаб қолиш истаги сезилиб туради.

1980-йилларнинг охири “Қайта қуриш ” сиёсатининг тугалланиш палласи ва Собиқ совет иттифоқидан республикалар ажралиб, ўз мустақилликларини эришгандан сўнг барча респуликаларда, шу билан бир қаторда юртимиз Ўзбекистонда ҳам минг йиллик қадриятлар ва миллий ўзига хосликни қайта тиклаш жараёнлари санъатнинг барча турларида: Адабиёт, Театр, мусиқа, ва шу билан бир қаторда тасвирий санъатда ҳам акс эта бошлади,

Шундай рассомлардан бири Мухтархон Исанов ўзининг дастлабки асари “Саҳро” (1989) картинаси, ва икки йилдан сўнг “Оқшомги капалаклар” картинаси рассомнинг бадиий дунёқараши миллийлик билан уйғунлашган ҳолда тантанавийлик ва космагоник олам билан бирлашиб кетади, “Оқшомги капалаклар” асарида эса анъанавий шарқ маданияти акс эттирган Архитеплар ( машҳур руҳиятшунос олим К.Юнг Фалсафа фанига киритган) учрайди; Арава ғилдираги ва унда учаётган учта қизнинг ҳолати рассом томонидан композицион бадиий эчим мукаммал тасвирланган, унинг кийинги асарлари “Олтин нонлар”, “Тандир” асарларида эса рассом нонннинг туғилиши афсонага асосланиб, бу жараёнлар ўзбек халқи анъанавий маданиятининг ажралмас қисми сифатида тасвирлайди. Ижодкорнинг “Бувимнинг сандиғи” (1998), “Анорли сок” (1991), “Пирамида”(1993), “Тилаклар сандиғи” (2000) ва бошқа асарларида анъанавий шарқ маданияти архитеплари: бешик, тандир, кўп маъноли анорлар, майда кулолчилик ва бошқалар учраши билан биргаликда Рассом ҳар бир асаридаги образни мажозлаштиради ва асосий ғояси ҳар бир мажознинг ташқи кўринишидан тортиб, унинг лирик-поэтик оҳанги ва жамиятдаги тарбиявий аҳамиятини таъкидлаб ўтади. Аммо М.Исановнинг умумий ижодий йўлига йўқоридан назар ташласак; рассом асарлари орқали анъанавий шарқ маданиятини мажозлаштирган ҳолда акс эттирган, лекин умумий ижодий ишларида эстетизм эстетикисига берилиб кетганлиги унинг салбий жиҳатларидан биридир.

Миллийликни анъанавий атрибутлар билан ифода этувчи яна бир рассомлардан бири академик Жавлон Умарбековдир, рассомнинг дастлабки асарлари 1992-йилда Тошкентда “Караван” рассомлар гуруҳи билан биргаликда намойиш қилган кўргазмада рассом анъанавий атрибутлар: тумор, кўза, қумғон, арава, пичоқлар ва бошқа, илк маротаба намойиш қилган эди. Лекин миллийликни ифода этувчи асарлари йўқорида келтирилган номлар С.Алибеков ва М.Исановдан фарқ қилган ҳолда кўп маъноликк ва мажозий маъноларни акс эттирмайди, аксинча рассом ҳар бир буюмга ўзнинг ранглар гаммаси ва пластис эчими билан тасвирлайди, унинг бу мавзуда яратган дастлабки триптихи “Учаётган арава. Хива, Бухоро, Самарқанд” (1994) асарида кубизм услубида ишланган, шундан сўнг “Бухоро. Қовун бозори”(1997), “Анор”(1993), “Чойхона” (1994), “Лаган билан рақс”(2001) ва бошқа асарларида анъанавий ўзбек маданиятини ифодаловчи буюмларга рангтасвир услубларидан фойдаланиб ҳар бирига ўзига хос бўлган образларни тавсирлайди,

Тасвирий санъатнинг Кубизм услубида ўз ижодини олиб борадиган рассомлардан бири Хуршид Зиёхонов ижодида миллийик талқини бошқа рассомлардан фарқ қилади, унинг “Кўза ушлаган қиз” (2007), “Чиғир”(2005) ва

бошқа картиналарида асосан образларнинг шаклига эътибор берилади, буюмларнинг сематик ва метофарасига асосий ўрин тутмайди.

Замонавий рангтасвирда ўзининг ўрнига эга бўлган рассом Бобур Исмоиловдир, унинг картиналарида тарихий архитеплар картинада декоративлик касб этиб, асар композициясининг бир қисми сифатида ифода этилади. Унинг “Дуппилар” (2008), “Анор ушлаган қиз” (2003) асарларида миллийлик ёлғизлик фалсафаси орқали ифода этилади.

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз керакки, тасвирий санъатда миллийликка бўлган муносабат узоқ тарихий-ижтимоий даврлар давомида ривожланади, ижтимоий жамият ҳаётига ижобий тасир ўтказиши ҳам мумкин, лекин бу мавзуга берилиб кетиш асл санъат эстетикасига салбий тасир этиши ҳам мумкин, шундан келиб чиқиб санъатда миллийликни талқин этиш ижодкорлардан юқори бадиий дид ва кенг қамровли дунёқараш талаб этади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Левитан И.И. Письма. Документы. Воспоминание. – Москва: Искусство, 1956.
2. Леонардо да Винчи. Книга о живописи. – Москва: Изогиз, 1934.
3. Лук А.Н. Мышление и творчество. – Москва: Политиздат, 1976.
4. Луконин.В.Г. Искусство Древного Ирана, Кавказа и Средней Азии. – Ленинград, 1971.
5. Махмудов.Т. Эстетика живописи Узбекистана. – Ташкент: Издательство литературы и искусства имени Гафура Гуляма, 1983.
6. Махмудов.Т. Художественный мир Акмаля Икрамджанова. Санъат. – Ташкент, 2002. – № 3.
7. Мирзарахимов М. Проблемы композиции в живописи Узбекистана. - Ташкент: Шарқ, 2005.
8. Мюнц. М. Рахим Ахмедов. – Москва: Сов. художник, 1976.
9. Мюнц М. В. Джавлон Умарбеков. -Москва: Сов. художник, 1979.
10. Набиев М. Рангшунослик. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996.
11. Никифоров Б. М. Павел Петрович Беньков. – Москва: Сов. художник, 1967.
12. Ойдинов Н. Рассом ўқитувчилар тайёрлаш муаммолари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1997.
13. Ойдинов Н. Ўзбекистон тасвирий санъати тарихидан лавҳалар. - Тошкент: Ўқитувчи, 1997.
14. Паустовский К. Исаак Левитан. – Тошкент: Ёш гвардия, 1985.

## THE LEXEME OF “FIDOIY” AND “XIYONATKOR” IN ENGLISH AND UZBEK PROVERBS AS A INDICATION OF MENTALITY OF ENGLISH AND UZBEK

***Sh.Makhmatkulova***

The concepts of the proverbial field "devoted and unfaithful " are philosophical categories of human consciousness. These universal concepts, which in itself the idea of virtue and vice, inherent in representatives of any people. The concept of devoted and unfaithful, along with other philosophical concepts reflect itself in the language of the proverbs of the English and Uzbek peoples, which testifies to the difference and peculiarities of their mentality.

The ethics dictionary reveals the essence of devoted and unfaithful: “devoted is one of the most general concepts of moral consciousness and one of the most important

category of ethics. Together with its opposite - evil D. is the most generalized form of differentiation and opposition of moral and immoral, having positive and negative moral significance which is contrary to them. In the concept of D., people express their most common interests, thoughts and aspirations, wishes and hopes for the future...”. And further the dictionary defines unfaithful as “... the concept of moral consciousness, which serves as the most generalized expression of the idea of immoral, contrary to the requirements of morality, deserving of condemnation...”. It should be noted that the proverbs associated with the concept of "devoted and unfaithful " can be divided into two large groups. These are proverbs related, on the one hand, with a generalized philosophical idea, and on the other hand, with a more clear content of these concepts. Namely, the good and bad qualities of human beings. Good qualities: kindness, honesty, conscience, justice; bad qualities: anger, envy, self-interest, bad reputation, etc.

Before proceeding to the structural-semantic comparative analysis, it is necessary to consider the origin and social base of some English and Uzbek proverbs, which determines their structural-semantic, emotive and figurative similarity. For example, it should be noted that the the proverbial fund of both English and Russian had an impact borrowings from other languages, and above all from Latin and Greek, which could enter both English and Russian, often through other languages.

Here is the English proverb “Loyalty is more valuable than diamond". and its equivalent “Sadoqat olmosdan qimmatroq”. Common source of origin leads to the creation of full equivalents, even though English and Uzbek languages are not closely related. In the above proverbs, we observe the similarity syntactic structure (incentive sentences), lack of emotionally colored vocabulary.

With the similarity of the syntactic structure both proverbs (passive syntactic construction) these proverbs are differ from only in word order, since in English word order is strictly fixed.

Quoted proverbs belong to the universal linguistic mentality, which indicates that “the mentality of the people, like its culture, is extremely inconsistent alien phenomenon: along with national-specific features, it includes interethnic and universal, universal features”. But for we are more interested in the proverbs of the English and Russian languages, in their inner form and meaning, which through their own comprehension of devoted and unfaithfulness uniquely reflect the mentality of the two peoples.

It should be noted that, by their origin, English and Uzbek proverbs are associated with different social groups, in English proverbs one can trace the worldview of a person who occupies a certain position social life and values its reputation. Uzbek proverbs are born in the people's environment, reflect the mind, ingenuity and national-specific features the lives of people of different classes.

In this regard, English proverbs are more often abstract in social characteristics, contain more abstract vocabulary, although they often have elements of figurativeness, appraisal and expression. Uzbek proverbs reflect to a greater extent folklore and go back to folk colloquial speech, which in the language level is manifested in the use of vernacular, emotionally colored vocabulary, expressive and figurative means, rhythmic organization of proverbs, sound

Orlova T.G., Nikulina E.F. The expression of devoted and unfaithfulness in English and Russian proverbs are often ethical miniatures expressing a deep philosophical meaning.

Among the proverbs associated with the understanding of devoted and unfaithfulness one can single out some how many groups by their value.

Uzbek proverbs expressing the meaning "kindness in people is valued above all":

This is good, do not repent, A good deed lives for two centuries, Whoever does good, God bless, evil death, and good resurrection. Most of them contain there is an opposition based on the use of expressively significant lexical components.

Proverbs expressing the meaning of "good reputation is everything." Compare: A good name is better than riches (Good name is more important than wealth), A good name is sooner lost than won (Good reputation easier to lose than to gain), A good name is sooner keeps its luster in the dark (A good name will retain its brilliance even in the dirt).

As you can see, English proverbs say a lot about adding a swarm of reputation, and a good reputation is identified with good deeds, with notions of goodness. These proverbs clearly reflect the national and cultural originality of the thinking of the English people.

In Russian proverbs there is no mention of reputation, but they sound cheat, on the one hand, the hope for God's providence, for God's protection, and on the other hand, to the manifestation of one's own activity and will. This idea was confirmed waiting for the Russian proverb Trust in God, but do not make a mistake yourself. However, in English we also met a proverb with a similar meaning: God helps those who help themselves (God helps those who help themselves).

Another group includes proverbs that realize the meaning of "good deeds need no reward": Virtue is its own reward (Virtue in itself reward) and A good deed is never lost (A good deed is never forgotten) and their Russian counterpart: Do not expect good for good. However, Russian proverbs contain there is another meaning “a good deed is followed by gratitude”:

a swarm wait for praise boldly, a good deed does not remain without a reward, do good and you will be well, Good is remembered with good.

Such a large number of with this meaning indicates that in the mentality of a Uzbek person a good deed is sure to be rewarded. At the same time in Russian there is a proverb with the same meaning, but with the continuation “they are responsible for evil ": For good - good, for evil - bad. Unique in its meaning English proverb A forced kindness deserves no thanks (Forced kindness does not serves gratitude), which has no Russian counterpart.

Consider the proverbs expressing the meaning "you cannot return evil for evil": Two blacks do not make a white (Black on black does not give white (color)), Two wrongs do not make a right (Two bad deeds do not make one good deed). It should be noted that the first English proverb is more figurative due tometaphorization techniques (black - evil, white - good), as well as through the reception oppositions. Similar in its syntactic structure is the second

English proverb, the expressiveness of which is created due to lexical antonyms. Consider a group of proverbs expressing the meaning’good is never can grow out of evil’: Good can never grow out of evil (Good can never grow out of evil grow out of evil), Harm watch, harm catch (Watching the bad, you get bad), and their Russian equivalents: Good will not be born from evil, You will follow the bad, you will find the bad, you will follow the unkind, you will come across trouble, You won’t grow truth out of a lie, Where is the sus-lo well, beer is not bad there.

On the other hand, both in English and in Uzbek there are proverbs expressing an opposite attitude towards the same phenomenon, which inherent in the inconsistency of human thinking. For example, a number of English proverbs expresses the opposite meaning “evil can lead to run”: No great loss without some small gain (No big losses without small gains) acquisitions), No joy without alloy (There is no joy without grief), Nothing so bad, as not to be good for some thing (nothing is so bad that it does not have something good). All these English proverbs correspond to one Uzbek proverb There is no silver lining. It also testifies to the uniqueness the mentality of the two peoples.

This group also includes English and Uzbek proverbs expressing the meaning of "bad company has a bad effect on a person", for example: Who keeps company with a wolf, will learn to howl (Whoever keeps company with a wolf will learn howl), And man is known by the company he keeps (A person is known by the company that Ruyu he drives), He that lives with cripples learn to limp (He who lives with cripples, learn to limp), Evil communications corrupt manners (Bad communities rotate morals) and their Russian counterparts: With whom you bring salt-bread, on that and you look like, With whom you lead, from that you will gain.

More English proverbs with this meaning indicates that the British are more least attach importance to notoriety, bad reputation. This manifest itself national and cultural originality of the mentality of the Englishman.

Consider a group of proverbs that also have a more specific meaning "a good beginning leads to a good end": A good beginning makes a good ending and its Russian counterparts: A good beginning is crowned with a good end, Good the beginning of half the battle pumped out. We see both English and Uzbek proverbs with this meaning have a transparent internal form and the same syntactic construction.

They also include a number of proverbs that express the relationship between people based on faithfulness. They are given in the form of parting words, wishes, advice and have the meaning "do as you want them to do to you", in connection with this most of them are used in the form of incentive sentences.

Thus, the structural-semantic comparative analysis of the of the English and Uzbek languages, associated with the comprehension of such philosophical categories of thinking and ethics, like good and evil, which underlie moral principles and values, showed a significant similarity of national thinking both peoples. The similarity of English and Russian proverbs of this semantic group prevails over their difference.

It is necessary to note the similarity of English and Russian proverbs also at the linguistic level. For example, their edifying nature leads to pre-property use of verbs, incentive constructions. Should note that the opposition of good and evil is realized in the use of contrastive constructions. There is a similarity in the electoral vocabulary: it is more abstract, more neutral and even in the Uzbek language, the realities of peasant life are almost never used, less often use archaisms and vernacular.

Expressive-evaluative connotation and figurativeness both in English and and in Russian proverbs is created due to the contrast, parallelism of syntactic constructions, often due to the inclusion of unusual lexical components.

The difference between English and Uzbek proverbs is due to their social exodus. So, English proverbs convey the world view of a person, who values his reputation, position in society, for whom businesslike, pragmatic approach to life. Uzbek proverbs are edifying, instructive in nature they came from the people's environment and rely more on colloquial vocabulary, on folklore, are more figurative and expressive, are short and expressiveness.

Thus, the analysis of the similarities and differences of this proverbial field is concept of "devoted and unfaithfulness" made it possible to show the peculiarities of the mentality of the English and Uzbek peoples.

The materials and conclusions of the article can be used in the practice of educational and translation activities, as well as in the practice of intercultural communication.

## References

1. Dal V.I. (1994). Explanatory Dictionary of the Living Great Russian Language [Dahl V.I. Explanatory Dictionary of the Live Great Russian language]. Moscow.

2. Zhukov V.P. (1990). Dictionary of Russian proverbs and sayings [Zhukov V.P. English Dictionary proverbs and sayings]. Moscow.
3. Ivanova E.V. (2006). Peace in English and Russian Proverbs: Study Guide [Ivanova E.V. Peace in Russian and English proverbs: Textbook]. St. Petersburg: ed. St. Petersburg State University Dictionary of Ethics / ed. I.S. Kona (1981) [Dictionary on Ethics / Ed. I.S. Kon]. Moscow: publishing house Political Literature.
4. Dictionary of common proverbs / Comp. M.V. Bukovskaya et al. [Dictionary of widely used proverbs] / Lexicographers M.V. Bukovskaya et alt.] (1990) Moscow: Russian language.
5. Smith W.G. (1970). The Oxford dictionary of English proverbs. UK: Oxford. ON DEVOTED

## ЎЗБЕКИСТОНДА АЁЛЛАР ФУТБОЛИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТАДБИРЛАРИ

***С.О.Омонова – Жаҳон тарихи кафедраси ўқитувчиси.***
***Раҳматова Дилбар – Қарши давлат университети талабаси***

Ўзбекистонда аёллар футболи бўйича илк мусобақалар ўтган асрнинг 80-йилларидан бошланди. 1994 йил Ўзбекистонда аёллар футболига асос солинган йил бўлди. Футболчи қизлар 1995 йил халқаро турнирда ва илк бор Осиё чемпионатида иштирок этди. Футболчи қизлар қитъа чемпионатида биринчи марта қатнашди. Бухорода 1996 йили “Ёшлик” номли хотин-қизлар футбол жамоаси ташкил этилди. Бу жамоага дастлаб Сулаймон Раҳматов 1997 йилдан бошлаб эса Раджабов Обид Қодирович бош мураббийлик вазифасига тайинланди. Жамоа таркибида иқтидорли футболчилардан Багдасарян Альбина, Шашкова Кристина, Набиева Гулноза, Асадова Динара, Гулямова Азиза, Хасанова Илмира, Асадова Ирина номларини тилга олиш мумкин [1].

1997 йилдан Ўзбекистонда аёллар ўртасида миллий чемпионат ўйинлари ўтказила бошланди. Миллий чемпионат ўйинларида Тошкент, Андижон, Наманган, Навоий, Қарши, Бухоро шаҳарлари жамоалари фаол иштирок этди.

Қарши шаҳрининг “Севинч” аёллар футбол клуби ҳам мамлакат ва халқаро мусобақаларда доимо муваффақиятли иштирок этиб келди. Қашқадарёлик қизлар 1997 – 2003 йилларда Ўзбекистон чемпионатида иштирок этиб, тажриба тўплади. Бу даврда Қашқадарё аёллар футбол жамоаси турли номлар билан фаолият кўрсатди. Масалан, 1997 – 1998 йилларда “Қалдирғоч”, 1999 – 2003 йилларда “Талаба”, 2004 йилдан буён “Севинч” номи билан иштирок этиб келди [2].

Мамлакатимизда 1997 йилда биринчи марта хотин-қизлар футболи бўйича республика чемпионатига старт берилди. “Севинч”га Қарши шаҳридаги олий ва ўрта махсус ўқув юртлари талабалари орасидан футбол бўйича иқтидорли қизлар сарлаб олинган бўлиб, жамоага Қарши педагогика коллежининг жисмоний маданият бўлими ўқитувчиси Ўктам Жабборов бош мураббий этиб тайинланди. Аёллар футболи жамоаси ташкил этилган вақтда 10 дан ортиқ қизларни жамоага тўпланди. Бу даврда қаршилик қизлар Ўзбекистондаги 8 та жамоа ичида 5-ўринда эди. Кейинчалик молиявий қийинчиликлар туфайли жамоа тарқалиб кетди. 2003 йилга келиб яна “Талаба” хотин-қизлар жамоаси шакллантирилди. Жамоа аъзолари шу йили республика чемпионатида 3-ўринни эгаллади. Шу йилида жамоа номи “Севинч”га ўзарди. 2005 йили жамоа Тайландда бўлиб ўтган Осиё чемпионатида ғалаба қозонди [3].

Қаршининг “Севинч” футбол клуби 2004 йили футбол бўйича IX Ўзбекистон чемпионатида ғолибликни қўлга киритди. Абдураҳмон Юмангулов ва Владислав Хан мураббийлигидаги футболчи қизлар ўйинлар мобайнида Тошкентнинг “Олимпик”

жамоасини 6:1 ҳисобида, Бухоронинг “Ёшлик” жамоасини 4:0 ҳисобида, Самарқанднинг “Шердор” жамоасини 6:0 ҳисобида, Жиззахнинг “Ҳумо” жамоасини 6:0 ҳисобида мағлуб этди. Чемпионат медаллари учун асосий давогарлар Наманганнинг “Гулбаҳор” ва Андижоннинг “Андижанка” жамоаларини бир хил – 2:0 ҳисобида мағлуб этиб, ғолиб бўлди [4].

2005 йил 23 – 27 февраль кунлари Тошкент шаҳрида мини футбол бўйича аёллар ўртасида Республика биринчи чемпионати бўлиб ўтди. Мусобақада Қаршининг “Севинч” жамоаси 36 очко тўплаб чемпионат ғолиби бўлди. 24 февраль куни ўйинларни бошлаган “Севинч” футболчилари Зарафшоннинг “Строитель” жамоасини 3:0 ҳисобида, шу куни Самарқанданинг “Шердор” жамоаси қизларини 8:1 ҳисобида мағлуб этди. 25 февраль куни “Севинч” футболчи қизлари Наманганнинг “Гулбаҳор” жамоси аъзолари билан майдонга тушиб, уларни 7:5 ҳисобида, 26 февраль куни Жиззахнинг “Ҳумо” жамоасини 11:0 ҳисобида ва Бухоронинг “Ёшлик” жамоасини 7:1 ҳисобида мағлубиятга учратди. Мусобақанинг сўнгги кунида “Севинч” жамоаси қизлари Сирдарёнинг “Оқ олтин” жамоаси футболчиларини 6:1 ҳисобида енгиб, чемпионатнинг ғолиб жамоасига айланди. “Севинч”нинг бу катта ғалабасида чемпионат тўпўрари Гулнора Аъзамова, турнирнинг энг яхши футболчиси сифатида танилган Маҳфуза Туропова ва жамоа бошқа ўйинчиларининг ҳиссаси салмоқли бўлди [5].

Тошкент вилоятининг “Қибрай” оромгоҳида 1987 – 1990 йилларда туғилган спортчи қизлар ўртасида футбол бўйича мамлакат чемпионати бўлиб ўтди. Мусобақада “Севинч” жамоаси қизлари муваффақиятли қатнашиб, бош совринни қўлга киритди. Жамоа аъзолари 1-турда Наманганнинг “Навбаҳор” жамоаси устидан 11:0, сўнгра эса Тошкентнинг “Олимпиачи” жамоасини 3:0, Андижоннинг “Андижанка” жамоаси қизларини 1:0, Бухоронинг “Ёшлик” жамоасини 11:0 ҳисобида доғда қолдириб, фақатгина Самарқанднинг “Шердор” жамоаси билан бўлган учрашувда тенг ўйин намойиш қилди. Иккинчи ўринни эгаллаган самарқандлик қизлар улардан 2 очко, учинчи ўринни банд этган “Андижанка” эса 3 очкога ортда қолди [6].

2006 йил март ойида Чирчиқ шаҳридаги Олимпия захиралари спорт коллежида аёллар ўртасида футзал бўйича мамлакат иккинчи чемпионатининг сўнгги учинчи тури якунланди. Унда Қаршининг “Севинч” аёллар футбол клуби негизида тузилган мини футбол жамоаси муваффақиятли қатнашиб, иккинчи бор мамлакат чемпиони бўлди. 23 март куни бошланган турнирда “Севинч” дастлаб Тошкентнинг “Олимпия” жамоасини 14:0 ҳисобида доғда қолдиргандан кейин, иккинчи учрашувда ўзининг асосий таъқибчиси “Андижанка” устидан 7:6 ҳисобида ғалаба қозонди.“Андижанка” турнирда иккинчи ўринни эгаллади [7].

2007 йил 26 октябрда Макаода футзал бўйича ёпиқ иншоотларда ўтказиладиган иккинчи Осиё ўйинлари старт олди. Ушбу ўйинларда иштирок этаётган Ўзбекистон аёллар терма жамоасининг асосини “Севинч” жамоаси ўйинчилари ташкил этди. Жумладан, дарвозабонлар Елена Белова (“Севинч”), Зебо Жўраева (“Севинч”), ўйинчилар Олия Аҳмедова (“Севинч”), Мария Моисеева (“Севинч”), Маҳфуза Туропова (“Севинч”), Ольга Ким (“Севинч”), Камола Усмонова (“Севинч”), Азиза Эрматова (“Севинч”), Маҳлиё Сарикова (“Севинч”), Насиба Турсунова (“Строитель”), Шахноза Шукурова (“Севинч”), Садоқат Рўзиева (“Севинч”) каби футболчи қизлар иштирок этди. Шунингдек, ушбу мусобақаларда Малайзия, Япония, Эрон, Тайланд, Вьетнам, Филиппин терма жамоалари ҳам қанташди [8].

Қаршининг “Севинч” клуби мамлакатимизда аёллар футболи бўйича чинакам профессионал клуб даражасига етди. Вилоят ҳокимиятининг эътибори, “Шўртангазкимё” мажмуасининг беғараз ҳомийлиги, мураббийлар штабининг тажрибали ва намунали мутахассислар билан таъминланганлиги, таркибга маҳоратли футболчиларнинг жалб этилганлиги бунинг асосий сабаби эди.

2007 йилда футбол бўйича ўтказилаган Ўзбекистон чемпионатида “Севинч” жамоаси ғолибликни қўлга киритди. Ўзбекистон футбол федерацияси мусобақаларни ўтказиш бошқармаси етакчи мутахассиси Алишер Файзиев “Севинч” жамоасига кубок ва биринчи даражали дипломни топширди. Мусобақалар давомида “Строитель”, “Жиззах”, “Андижанка” жамоалари мағлубиятга учратилди [9].

**Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати**

1. Баймурадов Р. Вилоятда хотин-қизлар футболининг ривожланиши: муаммо ва ечимлар // Хотин-қизлар спорти: имкониятлар ва истиқболлар. Республика илмий-амалий анжумани материаллари, 4-5 май 2018 йил. – Бухоро: “Durdona”, 2018. – Б.149 – 152.
2. Ўзбекистон футболи. Қашқадарё. – Т.: Маънавият, 2009. – Б.32. (114 бет)
3. “Севинч”нинг юксак ғалабаси // Қашқадарё ёшлар спорти, 2004 йил 29 сентябрь.
4. “Севинч”нинг юксак ғалабаси // Қашқадарё ёшлар спорти, 2004 йил 29 сентябрь.
5. Бахтиев А. Ғалабанг муборат, “Севинч”! // Қашқадарё ёшлар спорти, 2005 йил 4 март.
6. Қашқадарё ёшлар спорти, 2005 йил 19 июль.
7. “Севинч” – яна чемпион // Қашқадарё ёшлар спорти, 2006 йил 31март.
8. Айёллар терма жамоаси Макаода // Қашқадарё ёшлар спорти, 2007 йил 2 ноябрь.
9. Суннатов Б. “Севинч”нинг севингани рост // Қашқадарё ёшлар спорти, 2007 йил 30 ноябрь.

## ҚИШЛОҚ АҲОЛИСИ САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШДА ТЕЗ ТИББИЙ ЁРДАМИНИНГ ЎРНИ

***О.М.Бўронов – Қарши давлат университети докторанти***

Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, ҳар томонлама соғлом авлодни вояга етказиш, халқимизнинг узоқ умр кечиришини таъминлаш, соғлом ва фаровон турмуш учун қулай шароит яратишга қаратилаётган доимий эътибор ҳамда ғамхўрлик юртдошларимизнинг ҳаётга иштиёқини кучайтириб, уларда эртанги кунга ишончни янада мустаҳкамламоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти 2018 йил 16 октябрда “Ўзбекистон Республикасида тез тиббий ёрдам хизматини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилингани тез тиббий ёрдам хизматининг устувор йўналиши ҳисобланган шошилинч ёрдамга муҳтож ҳар бир кишига юқори сифатли тиббий хизматларни ўз вақтида кўрсатишда юқорида кўрсатиб ўтилган мавжуд муаммоларни бартараф этишга қаратилгани билан жуда муҳим воқеа бўлди[9].

Аҳолига шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш, моддий-техник базани мустаҳкамлаш, илмий ишланмаларни ривожлантириш, малакали кадрлар, дори воситалари, тиббий ускуналар, ихтисослаштирилган автотранспорт ва алоқа воситалари билан таъминланиш даражасини яхшилаш долзарб масалалардан бир бўлиб келаётган эди.

Ҳозирги кунда қишлоқ аҳолиси учун 157 та туман тиббиёт бирлашмалари, 30 та туман шифохоналари, 23 та қишлоқ участка шифохоналари ҳамда 3218 та қишлоқ врачлик пунктлари ва 315 та унинг филиаллари ҳамда бошқа муассасалар тиббий ёрдам кўрсатиб келмоқда[1].

1991 йилдан 1998 йилгача ахолисига тез ва шошилинч тиббий ёрдам хизмати фелдшер акушерлик пунктлари, қишлоқ врачлик амбулаториялари, қишлок участка шифохоналари, туман марказий шифохоналари ва тез тиббий ёрдам кўрсатиш хизмати томонидан кўрсатилган. Аммо улар етарли кадрлар хамда тиббий анжомлар билан таъминланмаган. Марказий шифохоналарда режали касаллар билан бир қаторда шошилинч тиббий ёрдамга мухтож бўлган беморларга тиббий хизмат кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги «Республикада Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисида»ги ПФ-2107-сонли фармонининг ижросини таъминлаш мақсадида республикада ягона тизим - Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази ва

унинг вилоятлардаги филиаллари ҳамда барча шахар, туман тиббий бирлашмалари қошида шошилинч тиббий ёрдам бўлимлари барпо этилиб, ушбу тизимга тез тиббий ёрдам ва санитария авиацияси хизмати киритилди.

Фармонига асосан мамлакатимизда тез ва шошилинч тиббий ёрдамнинг мукаммал, янги, жаҳонда ягона бўлган соғлиқни сақлаш тизими яратилди. У Тошкент шаҳридаги Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази, унинг Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлар филиаллари (13 та) ҳамда шаҳар ва туман тиббий бирлашмалари қошидаги 183 та шошилинч тиббий ёрдам бўлинмаларини ўз ичига олган[2].

Аҳолига кўрсатилаётган тез тиббий ёрдам тизнминн такомиллаштириш мақсадида республикадаги 196 та тез тиббий ёрдам бўлим ва шахобчаларида таъмирлаш ишлари ниҳоясига етказилиб, ушбу мақсадлар учун 3,1 млрд. сўм маблағ сарфланди[1].

Автотранспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш ва ёқилғи материаллар билан таъминлаш мақсадида 3,3 млрд. сўм қўшимча бюджет маблағлари, тез тиббий ёрдам бригадаларинн штат жадвалига асосан тўлиқ таъминлаш мақсадида қўшимча 1693 та штат бирлиги (6,7 млрд. сўм) ажратилди[3].

2010 йил Инвестиция лойиҳаларига мувофиқ Соғлиқни сақлаш вазирлиги бўйича 20,73 млн. АКШ долл. миқдорида 5 та инвестицион лойиҳа амалга оширилиб, 2010 йил якунига ҳақиқий ўзлаштиришлар 20,93 млн. АҚШ долл. (режага нисбатан 101,0%) ташкил этди[4]. «Шаҳар ва туман марказий касалхоналаридаги 171 та шошилинч тиббий ёрдам бўлимларини тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш» (КФАЭР) инвестиция Дастурига мувофиқ 4,31 млн. АҚШ долл. Ўзлаштирилиши кўзда тутилган бўлиб, йил якунига ҳақиқий ўзлаштиришлар 4,31 млн. АҚШ долл. (режага нисбатан 100%) ташкип этди. Лойиҳа доирасида белгиланган барча тадбирлар амалга оширилди[4].

2012 йил бошида республикада 3196 та қишлоқ врачлик пунктлари фаолият юритаётган бўлиб, уларда чекка қишлоқларда истиқомат қилувчи аҳолига тез ва шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш пунктлари очилган. Сўнгги йилларда тез ва шошилинч тиббий ёрдам хизматини такомиллаштириш мақсадида бир қатор меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилди: Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.Каримов 21.05.2009 йил ПФ-1114-сонли «Тез тиббий ёрдам кўрсатиш тизими фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги[6]фармони ва 2011 йил 28 ноябрдаги ПҚ-1652-сонли “Соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилишни янада чуқурлаштириш чора тадбирлари тўғрисида” қарорига асосан соғлиқни сақлашни 2012-2015 йиллар давомида ривожлантиришдаги асосий вазифалар белгилаб олинди[7]. Режага биноан яна 102 та қишлок врачлик пунктларини барпо қилиш режалаштирилган. Ушбу ҳужжатларда шошилинч ва тез тиббий ёрдам кўрсатиш хизмати самарадорлигини, хизматлар тезкорлиги ва сифатини ошириш вазифаси алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Тез ва шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш ва уни ташкил қилиш билан 4 боғлиқ кўпчилик муаммолар мамлакатимиздаги туманлар ва вилоятларнинг географик хилма-хиллиги, улардаги аҳоли зичлиги, аҳоли яшаш пунктларининг бир-биридан олисда жойлашганлиги ва нотекислиги, алоҳида минтақаларда аҳоли ҳаракатланиш хусусиятлари, инфратузилма ва транспорт тизимлари ривожининг турли-туманлиги билан боғлиқдир. Ушбу хусусиятлар бугунги кунда амал қилаётган тез ва шошилинч тиббий ёрдам кўрсатишни ташкил қилишга ўз таъсирини ўтказмоқда. Бундай ҳудудий хусусиятларга эга бўлган минтақаларга Жиззах вилояти ҳам кириб, у тоғли, текислик ва яримчўл зоналардан иборат ер майдонлари бўлган худудларда жойлашган. Жумладан, вилоят туманларида аҳоли сони (24 мингдан 170 минггача) ва зичлиги 1 кв кмга 7,8 дан 161,8гачани ташкил этади. Туманлардаги бу

каби фарқлар вилоят аҳолисига тез ва шошилинч тиббий ёрдам кўрсатишнинг ўзига хос шаклларини ташкил этишни тақозо этмоқда. Шунинг учун ҳам Жиззах вилоятида вилоят ва туман ТТЁ фаолиятининг ўзига хос ташкилий хусусиятларини, унинг ҳажми ва характерини ўрганиш, тез тиббий ёрдам хизмати фаолиятини мувофиклаштириш долзарб вазифалардан ҳисобланади[7].

Кейинги вақтларда тез тиббий ёрдам хизматига мурожаатлар (чақириқлар) тобора кўпайиб бормоқда. Чақириқлар сони 7-9 фоиз ортаётгани ҳам ушбу фикримизни тасдиқлайди. Тез тиббий ёрдам хизматига талаб бу тарзда ошиб боришига қарамасдан, республика бўйича талаб этилган 2538 та тез тиббий ёрдам бригадалари ўрнига 2305 таси фаолият кўрсатмоқда, холос.

Мавжуд муаммоларнинг олдини олиш мақсадида 2018 йил 16 октябрда "Ўзбекистон Республикасида тез тиббий ёрдам хизматини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилингани тез тиббий ёрдам хизматининг устувор йўналиши ҳисобланган шошилинч ёрдамга муҳтож ҳар бир кишига юқори сифатли тиббий хизматларни ўз вақтида кўрсатишда юқорида кўрсатиб ўтилган мавжуд муаммоларни бартараф этишга қаратилгани билан жуда муҳим воқеа бўлди. Шошилинч тез тиббий ёрдам Марказлашган ҳолда сотиб олинган дори воситалари, тиббий асбоб-ускуналар вв буюмдарнн вилоятларга ташиш учун 10 дона «ISUZU» юк автомашинаси, эпидемиологик хизмат учун 18 дона ДАМАС, скрининг марказлари учун 7 дона ДАМАС, тез тиббий ёрдам хизмати учун 50 дона ДАМАС AMB, тиббий хўжалик хизмати учун 14 дона ДАМАС VAN автомашиналари сотиб олинди ва жойларга етказилди. Республика қон қуйнш марказлари учун 4 дона «ISUZU» автобуси базасида махсус қон қуйиш автобуслари сотиб олиш учун шартнома имзоланди. Ҳозирги кунда 1 дона автобус сотиб олинди[8].

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, юртимизда аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш, кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифати ва самарадорлигини ошириш борасида том маънода янгиланиш ва ривожланиш жараёнлари кечмоқда. Бу, албатта, соғлиқни сақлаш тизимининг шошилинч ва тез тиббий ёрдам хизмати фаолиятига ҳам тааллуқлидир.

**Фойдаланилган манба ва адабиётлар руйхати**


1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги идоравий архиви, М-372-фонд, 1 (давоми)-рўйхат, 916-иш, 38-варақ
2. И.Соатова "Тизимдаги самарадорликнинг муҳим босқичлари" // Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш, 2010 йил 22 июнь.
3. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги идоравий архиви, М-372-фонд, 1 (давоми)-рўйхат, 865-иш, 37-варақ
4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги идоравий архиви, М-372-фонд,1 (давоми)-рўйхат, 865-иш, 40-варақ
5. Ўзбекистон Республикасининг « Тез тиббий ёрдам кўрсатиш тизими фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида »ги Қонуни // Халқ сўзи, 2009 йил 22 май.
6. И.Соатова «Якуний натижалар ва келгуси режалар» //Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш, 2013 йил 8 февраль.
7. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги идоравий архиви, М-372-фонд, 1(давоми)-рўйхат, 879-иш, 38-варақ
8. https://parliament.gov.uz/uz/events/opinion/24351/


## ГЕНДЕР ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ТАРИХИЙ АҲАМИЯТИ

*Л.З.Орипова – Карши давлат университети магистранти*

Гендер тенглиги масаласи жамият, ижтимоий муносабатлар, миллатлар, давлатлар, маданият ва цивилизациялар билан узвий алоқада. Бу масаланинг юзага келиши, ривожланиши ижтимоий-тарихий жараёнларнинг бир босқичдан иккинчи босқичга ўтиши билан ҳам боғлиқдир.

Гендер (gender) – ижтимоий жинс деган маънони англатади. Инглиз тилида гендер (gender) – ижтимоий жинс ва биологик жинс тушунчалари бир-биридан фарқланади. Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, гендер тушунчаси феминизмнинг назарий ривожланиши жараёнида, кейинчалик эса бевосита гендер тадқиқотлари доирасида шаклланган.

Бугунги шиддат билан ривожланиб бораётган жамият ҳаётида “гендер” тушунчаси ва унинг кириб келиши жуда катта давр ва кўплаб сиёсий жараёнларни қамраб олган. Жаҳон мамалакатлари тарихини ўрганиш жараёнида аёлларнинг мамалакат сиёсий ҳаётидаги ўрни ва ролини белгилаб берувчи гендер тенглиги ва унинг амалиёти жуда муҳим ижтимой ҳодиса булиб келганини кўришимиз мумкин.

Президент Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек: “Кейинги йилларда мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини, гендер тенгликни таъминлаш, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, аёллар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш, улар учун янги иш ўринлари яратиш, меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди”

Агар инсоният тарихига назар ташласак, аёллар эркакларга нисбатан камситилган, жамиятни бошқариш ишларидан четлатилган даврларни ифодаловчи илмий манбаларга дуч келамиз. Минг йиллар давомида аёллар фарзанд кўриб, уларни парваришлаб-тарбиялаш, оила хўжалигини юритиш билан чекланганлиги маълум.

XX асрда аёлларни мана шундай қарашлардан озод қилувчи, оиладаги оналик, рафиқалик масъулиятидан воз кечмаган ҳолда жамиятда эркаклар билан тенг меҳнат қилиш, меҳнатига яраша ҳақ олиш, дам олиш, соғлиқни сақлаш, таълим олиш, сайлаш ва сайланиш каби ҳуқуқларга эга бўлиш имкониятини яратди. Аёлларнинг бундай ҳуқуқларга эга бўлишини БМТда ишлаб чиқилган халқаро ҳуқуқ – “Инсон ҳуқуқларининг умумжаҳон декларацияси” (1948) ҳамда “Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида”ги Конвенция (1979) кафолатлади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин БМТнинг тенг ҳуқуқли аъзоси қаторида МДҲ давлатлари орасида биринчилардан бўлиб, бу халқаро ҳужжатларни эътироф этди ва ўз зиммасига хотин-қизларга нисбатан камситиш сиёсатини ўтказмаслик мажбуриятини олди ҳамда шу мақсадда хотин-қизлар манфаатларининг ҳуқуқий ҳимоясини белгиловчи тегишли қонунларини қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг – 46, 63, 65 моддаларида хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилиги, жамиятнинг асосий бўғини ҳисобланган оилани мустаҳкамлаш, никоҳнинг барқарор бўлиши, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалалари, фарзанд тарбиясида ота-онанинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонун билан белгилаб қўйилиши, давлат томонидан уларнинг нафақат ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий манфаатлари ҳимоя қилиниши, балки мураккаб бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида уларни қўллаб-қувватлашга қаратилган махсус қарорлар, қонунлар, фармонлар ва давлат дастурларининг қабул қилиниши, муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Республикада аҳолининг 51 % дан кўпроғини хотин-қизлар ташкил этади. Демак, жамиятнинг ривожини хотин-қизлар иштирокисиз тасаввур қилиб бўлмайди, чунки улар жамиятда ҳаётнинг узлуксизлигини таъминлаш, оила ва оналикни асраш,

соғлом авлодни тарбиялаш учун масъул бўлиб, айни вақтда жамиятнинг турли соҳаларида меҳнат қиладилар.

Таъкидлаш жоизки, мустақиллик йилларида республикада оила, хотинҚизлар, ёшлар, болалар масаласига оид муаммоларни ҳал қилиш борасида кўплаб тадбирларнинг амалга оширилаётгани, илмий-амалий лойиҳаларнинг ишлаб чиқилаётгани аёллар масаласининг давлат сиёсати даражасига кўтарилганидан далолат беради.

Аёлларнинг гендер тенгликка эришиш каби масалаларни тадқиқ этишда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги тадқиқотчилари томонидан аёллар фаоллиги, сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий тараққиётда тутган ўрни хусусида бир қатор монографик тадқиқотлар эълон қилинган. Бу борада Н.Иванова, М.Мартин, И.Грошев, С.Пригожина, Л.Попова каби файласуфларнинг илмий изланишларини намуна қилиш мумкин.

Мустақиллик йилларидаги хотин-қизлар масаласига тарихийлик нуқтаи назаридан ёндошган тадқиқотлар саноқли бўлиб, муаммонинг айрим жиҳатларига бағишланган мақолалар билан чекланади. Бу йўналишда илк изланишлар мустақилликнинг дастлабки йилларида тарихшунослик фанига катта ҳисса қўшган Д.А. Алимованинг ҳужжатли манбалар ва архив материалларини таҳлил қилиш асосида ёзилган Ўрта Осиё хотин-қизлари масаласига оид илмий монографияси ва бир қатор илмий мақолалари, докторлик диссертацияси бу борадаги ютуқлари билан ажралиб туришини алоҳида қайд этиш жоиз, ундан ташқари оила ва жамиятда аёл мавқеи билан боғлиқ анъанавий қарашлар ҳамда тарихий ҳақиқат талқинига оид мақоласи алоҳида эътиборга лойиқ.

Я. Абдуллаеванинг Қорақалпоғистон хотин-қизларининг ҳаётига оид «XIX аср охири — XX асрда Қорақалпоғистонда хотин-қизлар масаласи (ижтимоий-сиёсий жиҳат)» мавзусидаги докторлик диссертацияси мустақиллик давридаги хотин-қизлар масаласини тарихий аспектда ўрганишга муносиб хисса бўлди.

Хусусан, ижтимоий фалсафа йўналишида М.Холматованинг докторлик диссертацияси, С.Х.Сафаева, Н.М.Муравьёваларнинг номзодлик диссертацияларида оилавий муносабатлар маданиятини такомиллаштириш ва соғлом авлодни тарбиялаш муаммолари, аёллар масаласининг умумижтимоий ва миллий жиҳатлари масалалари фалсафий жиҳатдан тадқиқ этилди.

Ҳуқуқшунослик соҳасида эса Г.А.Маткаримованинг докторлик диссертациясида, томонидан халқаро ва миллий ҳуқуқда аёлларнинг гендер ва репродуктив ҳуқуқлари масалалари уларнинг илмий ишларида биринчи бор комплекс ўрганилган, С.А.Ходжаеванинг диссертациясини алохида таъкидлаш мумкин унда аёлларнинг ҳуқуқий маданияти масалалари илгари сурилган, Ш.Ҳ. Ҳамраеванинг илмий ишида аёллар «трафиги»ни (инсонларни пуллаш) бартараф этишнинг халқаро ҳуқуқий муаммолари биринчи бор комплекс ўрганилган бўлиб ўзининг янгилиги билан ажралиб туради, унда биринчи бор аёллар «трафиги» муаммоларининг келиб чиқиш сабаблари ва уларни хал қилишнинг ҳуқуқий жиҳатлари очиб берилган тадқиқотлардан хисобланади. Ушбу тадқиқотлар мавзумиз доирасидаги аёллар масъуллиги, жамият тараққиётида тутган ўрни каби муаммони қисман тадқиқ этишда маълум даражада назарий асос бўлди. Аёллар ижтимоий-сиёсий фаоллиги масалалари ҳамда аёл ҳуқуқлари ва ижтимоий мавқеи масалаларини С.А.Ахроров, Н.Д.Жўраева, Н.М.Муравьёва, Г.Б.Ўразалиева каби олимлар илмий-методологик жиҳатдан тадқиқ этишган.

Шунингдек, халқаро ҳуқуқ нормаларига оид ҳужжатлар, хотин-қизлар таҳқирланишининг олдини олиш борасидаги қонун ҳужжатлари, ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлар соҳасида хотин-қизларга нисбатан ҳуқуқий кафолатлар, оналик

ва болаликни ҳимоя қилиш борасидаги қонуний кафолатларга оид тўпламлар чоп этилган.

Ўзбекистонда хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш мақсадида 2019 йил сентябрь ойида "Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида"ги ҳамда "Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунлар қабул қилинди.

Шунингдек, 2021 йил 28 майда "2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегияси" қабул қилинди. Қабул қилинган қонун ҳужжатлари доирасида Ўзбекистон Ҳукумати, вазирликлари ва идоралари, нодавлат ташкилотлари томонидан аёллар ҳуқуқларини қўллаб-қувватлаш, ҳимоя қилиш ва уларнинг мамлакатнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётида тўлақонли иштирок этишларини таъминлаш учун тизимли ва изчил иш олиб борилмоқда.

XX аср бошларида Шимолий Америка, Янги Зеландия, Австралия, Финляндия, Норвегия, Швеция, Англия, Германия ва Австрияда либерал қонунлар қабул қилинди, аёллар сайловларда, мактаб, лицей ва шифохоналар ҳаётида ихтиёрий қатнашиш ҳуқуқига эга бўлдилар. XX асрнинг ўрталарида эса аёллар сиёсий ҳуқуққа тўла эга бўлдилар, уларнинг сиёсий манфаатлари халқаро битимлар ва БМТнинг махсус бўлимлари орқали ҳимоя қилинадиган бўлди.

Жаҳонда парламентларга сайланганларнинг 14 фоизи хотин-қизлар ҳисобланади. Вазирлар маҳкамаларида эса улар 1995 йилги маълумотга кўра 6,8 фоизини ташкил этади.

Бугунги кунда мамлакатимизда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган 150 нафар депутатнинг 48 нафари ёки 32 фоизини хотин-қизлар ташкил этди. Сенатда эса бу кўрсаткич қарийб 25 фоизга етди. Маҳаллий Кенгашлар депутатларининг 31 фоизини ҳам аёллар ташкил этмоқда. Ўзбекистон парламенти аёл депутатлар сони бўйича дунёдаги 190 та миллий парламент ўртасида 37-поғонага кўтарилди.

БМТ Бош Ассамблеясининг 1986 йил 4 декабрдаги 41/128 резолюцияси билан қабул қилинган Ривожланиш ҳуқуқи декларациясида "бойликка эришишда ва уни адолатли тақсимлашда фаол, эркин ва амалий иштирок этиш асосида бутун аҳолини ва барча шахсларнинг фаровонлигини оширишга қаратилган ҳар томонлама ижтимоий, маданий ва сиёсий жараён тараққиёт ҳисобланади" деб таъкидланади.

Ўзбекистон Декларацияга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 30 августдаги 504-I сонли қарори билан қўшилган. Декларациянинг 8-моддасида "давлатлар ривожланиш ҳуқуқини таъминлаш учун миллий даражада барча зарур чора-тадбирларни кўриши ва асосий ресурслардан фойдаланиш, таълим, соғлиқни сақлаш, овқатланиш, уй-жой, ишга жойлашиш борасида ва даромадларнинг адолатли тақсимланишида барча учун тенг имкониятлар яратиб бериши керак. Тараққиёт жараёнида аёлларнинг фаол ролини таъминлашга доир самарали чора-тадбирлар кўрилиши керак", дейилади.

Ўзбекистон бугунга қадар хотин-қизларга эркаклар билан тенг ҳуқуқлар берилиши борасида қатор тадбирларни амалга оширди. 1979 йилдаги Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенция (Ўзбекистон Конвенцияни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 6 майдаги 87-I-сонли қарорибилан ратификация қилган.) таълим, ишга жойлашиш, соғлиқни сақлаш ва иқтисодий-ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларида аёлларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида аёлларга нисбатан таҳқирлашга барҳам бериш учун барча тегишли чора-тадбирларни кўришни

иштирокчи-давлатлар зиммасига юклайди. Аёлларга нисбатан камситилишнинг барча шаклларини йўқ қилиш тўғрисидаги Конвенция (СЕДАW) 1995 йилда Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган ва СЕДАW Миллий ҳаракат режалари мунтазам равишда янгиланиб, амалга оширилмоқда . Унинг қатор моддалари миллий қонунчиликка киритилди. 1951 йилда қабул қилинган тенг қадриятли меҳнат учун эркаклар ва аёларни тенг мукофотлаш тўғрисидаги 100-сонли Конвенция барча аъзолар тенг қадриятли меҳнат учун эркаклар ва аёларни тенг мукофотлаш принципи барча меҳнат қилувчиларга нисбатан қўлланилишини таъминлаши керак, деб таъкидлайди. 2000 йилдаги ХМТнинг Оналикни асраш тўғрисидаги 183 Конвенцияси меҳнат, шунингдек она ва бола саломатлиги ва хавфсизлиги соҳасида барча аёлларнинг тенглигини таъминлашга қаратилган . Шундай бўлса-да, тегишли қонунчиликнинг қабул қилиниши унинг ҳаётга жорий этилишига ҳар доим ҳам мос келавермайди.

Дунёнинг барча мамлакатларида, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам ушбу соҳада жамиятда хотин-қизлар мақомининг пастлиги ва уларнинг ҳақ-ҳуқуқларига риоя қилмаслик билан боғлиқ жиддий муаммолар мавжуд.

2010 йилда тасдиқланган Аёлларга нисбатан камситилишнинг барча турларини йўқ қилиш тўғрисидаги конвенция (СЕДАW) қўмитасининг тавсияларини амалга ошириш бўйича Миллий ҳаракатлар режасида ўзбек оиласида анъанавий гендер роллар билан боғлиқ стереотипларни йўқ қилиш зарурлигига эътибор қаратилган.Ўзбекистондаги аёллар ва эркаклар тенглиги даражасини ҳар йили баҳолаш шуни кўрсатадики, гарчи Ўзбекистоннинг таълим олиш (аёлларнинг анъанавий тадқиқот йўналишларида) ва аёлларнинг соғлиғи бўйича тенглиги кўрсаткичлар юқорилигича қолса-да, бу кўрсаткичлар аёлларнинг иқтисодий ва сиёсий сохаларда имкониятлари ўртача даражада чекланган.

2019 йили Жаҳон банкининг “Аёллар, бизнес ва қонун” номли йиллик ҳисоботида Ўзбекистон 70,63 балл билан Гендер тенглиги индексида 127-ўринни эгаллади. Ушбу кўрсаткич дунё бўйича ўртача 74,71 пунктдан паст ва МДҲ давлатлари орасида энг паст кўрсаткичдир. 2017 йил кўрсаткичларига кўра Ўзбекистонда қарорлар қабул қилиш даражасида аёлларнинг вакиллари жуда оз бўлиб, уларнинг бошқарув таркибидаги улуши 2 фоиздан кам бўлган. Корхона ва ташкилотларни бошқаришда аёлларнинг улуши 11,7%. Анъанага кўра кўпроқ аёллар ишлайдиган таълим соҳасида умумий таълим мактаблари раҳбарларининг деярли учдан икки қисмини, яъни 65% эркаклар ташкил қилган. Аҳолини иш билан таъминланишида иш билан банд бўлган аёллар улуши (38,5%) эркакларникига қараганда деярли икки баравар кам эди.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Мирзиёев Ш. Мунис оналаримиз, меҳрибон опа-сингилларимиз – ҳаётимиз гултожи // Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. – Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – Б. 406.
2. Алимова Д.А. Современное состояние женского вопроса в Узбекистане и задачи обществоведов и Социально-экономические проблемы Узбекистана в условиях перестройки. – Т.: Фан, 1990. – С. 99–104;
3. Женский вопрос в Средней Азии: история изучения и современные проблемы. – Т.: Фан, 1991. – 132 с.
4. Миллий тафаккур ва аёллар масаласи: ўтмиш тимсоллари Ўзбекистон хотин-қизлари кеча ва бугун. – Т., 2005. – Б. 5-9.

5. Абдуллаева Я.А. Женский вопрос в Каракалпакстнае в конце XIX-XX в.в. (социально-политический апект).: Автореф. дис. ... докт. истор. наук. – Т., 2005. – 46 с.
6. Абдуллаева Я.А. Қорақалпоғистон хотин-қизлари: кеча ва бугун (XIX асрнинг охири ва XX аср). – Т.: Ijod dunyosi, 2004. – 223 б.
7. Холматова М. Оилавий муносабатлар маданиятини такомиллаштириш ва соғлом авлодни тарбиялаш муаммолари.: Фалсафа фан. докт. ... дис. автореф. – Т., 1998. – 53 б.
8. Сафаева С. Х. Аёллар масаласи: умумижтимоий ва миллий жиҳатлари.: Фалсафа фан. номз. ... дис. автореф. – Т., 2002. – 20 б.
9. Муравьёва Н. М. Социально-философский анализ повышения социального статуса женщин.: Автореф. дис. ... канд. филос. наук. – Т., 2003. – 26 с.
10. Маткаримова Г.А. Гендерные и репродуктивные права женщин в международном и национальном праве.: Автореф. дис. ... докт-ра юрид. наук. – Т., 2002. – 41 с.


## XX АСРНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДА ҚОРАКЎЛЧИЛИК СОҲАСИДАГИ ИЛМИЙ ИЗЛАНИШЛАР

***Б.Аҳмедов – т.ф.ф.д., доцент. Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 февралдаги ПҚ-120-сонли “Ўзбекистон Республикасида чорвачилик соҳаси ва унинг тармоқларини ривожлантириш бўйича 2022-2026 йилларга мўлжалланган дастурни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори чорвачилик соҳасини ривожлантиришда алоҳида аҳамият касб этади. Бу қарорнинг қабул қилиниши пировардида чорвачилик ва унинг тармоқларида илмий-тадқиқот, таълим ва маслаҳат хизматларини кенгайтириш билан интеграциялашган билим ва маълумотларни тарқатишнинг самарадор шаклларини жорий этиш ҳисобидан илм-фан, таълим, ахборот ва маслаҳат хизматлари тизимини такомиллаштириш, ушбу соҳага замонавий ахборот технологияларини жорий этиш орқали соҳани ривожлантириш белгилаб берилди. Бу ўринда айтиш мумкин-ки, қоракўл қўйларини илмий жиҳатдан тадқиқ қилиш ишлари XIX асрнинг охирларидан бошланган. Полтава қишлоқ хўжалиги жамияти 1882 йилдаёқ Бухорога қатор экспедициялар уюштириб, қоракўл қўйларини сотиб олиб Россияда кўпайтиришга уринган. Мазкур жамият деҳқончилик департаментидан зотдор қоракўл қўйлари учун махсус жой ташкил этиш ва уларни кўпайтириш учун рухсат сўрайди. Зоотехник-олимлардан М.С.Карпов, М.Ф.Иванов, Р.Р.Правохенский, И.Ильчевский кабилар қоракўл қўйлари устида дастлабки тажрибаларни олиб борди. 1914 йил Каттақўрғон яқинидаги Зирабулоқ чўлида зотдор қоракўл қўйлар учун қўтон қурилиб, унга Бухоро амирлиги Қарши беклигидан сотиб олиб келинган қўйлар жойлаштирилди ва улар устида Пеховский, Журавлев ва Лебединский каби олимлар тажриба олиб борди. Аммо Каттақўрғон қоракўл зотдор қўйларини кўпайтириш учун қулай ҳудуд эмас эди .

1927 йили ЎзССР Ер ишлари Халқ комиссарлигининг қарори билан Каттақўрғондаги қоракўлчилик қўтони қишлоқ хўжалиги тажриба станцияси таркибига бўлим сифатида киритилди. Қоракўлчилик бўлимининг дастлабки илмий ходимлари Н.Ф.Никольский, В.Н.Оголена, Е.В.Одинцова кабилар эди. Бўлимни В.Л.Лебединский бошқарди .

Ўзбекистонда ҳам қоракўлчилик соҳасида илмий тадқиқот ишлари йўлга қўйилди. Бу соҳадаги илк тадқиқот М.С.Карповга тегишли бўлиб, бу 1925 йили терини намлантиришни амалга оширган .

Қоракўл қўйларини ўрганиш бўйича иккинчи тажриба ўтказиш маркази сифатида Бухоронинг Қоракўл туманида жойлашган темир йўл станцияси яқинидаги собиқ француз вино компаниясининг заводи танланди. Бу ерда зотдор қоракўл қўйларининг Бухоро давлат тажриба қўтони ташкил этилди. 1928 йили ташкилот Когон шаҳрига кўчирилди. Унда В.А.Петров, П.В.Аранов, Э.П.Кранухини, Е.П.Панфилов, Р.И.Кукминский, П.С.Кочетов, З.В.Долженко, Н.И.Плеханов, К.В.Арасимович каби олимлар фаолият кўрсатди. Қўтоннинг селекция бўлимини В.А.Петров, жун тайёрлаш лабораторияси ва ем-хашак бўлимини Б.В.Муромцов, иқтисод бўлимини К.В.Арасимович бошқарди .

Москва зоотехника институти қўйчилик кафедраси ходимлари В.М.Юдин, О.И.Бригис, А.Г.Барановлар томонидан 1929 йил 23 мартда Бухоро шаҳрида қоракўлчилик соҳаси тадқиқотлари масаласига бағишланган йиғилиш ўтказилди. Йиғилишда соҳадаги тадқиқотлар ҳақида умумий маълумотлар берилди. Асосан тадқиқотларда қоракўл қўйлари терисининг сифати, қоракўл қўзилари терисининг тозалигини яхшилашга кучли аҳамият қаратилди .

Каттақўрғон қишлоқ хўжалиги станцияси 1930 йили Бухоро қўйхонаси асосида ҳудудий тажриба станцияси сифатида қайтадан ташкил этилди. В.А.Петров мазкур станциянинг директори этиб тайинланди. 1934 йили станция Самарқанд шаҳрига кўчирилди . Бу эса соҳага фан ютуқларини қўллаш имконини бериб, тадқиқотчи олимларнинг чўпонларга амалий ёрдамини таъминлади. Қоракўлчилик соҳаси олдида турган мураккаб масалалар ечими ягона илмий-методик марказ, яъни ихтисослаштирилган илмий муассасани тузишни тақозо этди. 1935 йили Иттифоқ ХКС қарори билан тажриба станцияси Қоракўлчилик илмий тадқиқот институти сифатида қайта ташкил этди. 1939 йилдан институт Бутуниттифоқ қоракўлчилик илмий тадқиқот институтига айлантирилди . Институт қоракўлчилик наслчилик ишлари маркази, чўл ва ярим чўл ҳудудларида ўсимликлардан янги ем-хашакларни аниқлаш бўйича селекция ишлари маркази, соҳани ривожлантиришнинг долзарб муаммолари бўйича илмий ишланмаларни ишлаб чиқариш бўйича фаолият кўрсатди. Шунингдек, институт республикада қоракўлчилик соҳасида олиб борилган тадқиқот ишларни мувофиқлаштириб борди. Институт базасида қоракўлчилик соҳасида конференциялар, кўргазмалар ва бошқа анжуманлар ўтказилди.

Давлатнинг қоракўлчиликни ривожлантириш борасидаги тадбирларида Бутуниттифоқ қоракўлчилик илмий тадқиқот институти узлуксиз равишда иштирок этди. Шунингдек, институт қоракўлшуносларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ишларида ҳам фаол иштирок этди. Институт ходимларининг ташаббуси билан Тошкент, Чимкент, Самарқанд, Бухоро шаҳарларида қоракўлчилик бўйича 40 дан зиёд кўргазмалар ташкил этилди .

Бутуниттифоқ қоракўлчилик илмий-тадқиқот институти тизимида 2 та селекция маркази, “Қарноб” эксперименталь хўжалиги, Туркманистонда филиал, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё бўлимлари, Гулшан, Қорақалпоғистон, Сурхондарё ва Томдида пунктлари, Тожик, Молдова, Қалмиқ бўлимлари фаолият кўрсатди.

Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидан қоракўл қўйларининг эгизак туғилишини кўпайтириш юзасидан тадқиқот олиб борилди. Тадқиқотлар натижасида Ўзбекистонда қоракўлчилик совхозларида қўйлардан эгизак қўзичоқлар олиш 0,0 фоиз бўлса, 1932 йил 1,60 фоиз, 1933 йилда 3,70 фоиз, 1934 йил 5,6 фоиз, 1935 йил 9,66 фоиз ни ташкил этди. Бу борада Нишон (16,3 фоиз), Ғузор (17 фоиз), Қоровулбозор (13 фоиз), Нурота (12,5 фоиз) етакчилик қилди .

Амирлик ҳудудида урчитиб келинган қоракўл қўйлар XX асрнинг 30-йилларига қадар кўп ўзгармай, бир хил бўлган. Колхоз ва совхозлар қурилиши даврида қоракўлчилик кенг ёйилиб, чўл, чўл-дашт зонаси ва қуруқ даштларга кенг тарқалди. Чегаралари ғарбда Бухородан Каспий соҳилларигача – Красноводск-Гурьев-Аралсккача, шаркда Балхаш кўлигача, шимолда 450 билан 500 орасидаги кенгликкача, жанубда Афғонистон ва Эрон давлат чегарасигача бориб тақаладиган йирик қоракўлчилик райони ташкил топди .

Чорвачиликнинг энг сердаромад йўналиши бўлган қоракўлчиликни кенгайтириш – асосий ғояга айлантирилди. Ушбу ғоя кенг ҳудудларнинг хилма-хил яйлов-табиий шароитида бу ерга урчитиш учун олиб келинган қоракўл қўйларга, бир томондан, ташқи муҳит омиллари ва иккинчи томондан, юксак тери маҳсулдорлиги белгиларини сақлаб қолган энг кўп мослашган ҳайвонларни танлаб олишда селекциянинг ўзлаштирувчи роли таъсир кўрсата бошлади. Узоқ давом этган табиий ва сунъий танланиш ҳар бир зонанинг ўз экологик типи шаклланишига олиб келди. Ҳар бир табиий зонада вужудга келган экологик типларнинг белгилари тобора аниқ намоён бўла бошлади. Уларнинг ҳар бири доираси ичида завод типлари, линиялар ва оилаларни вужудга келтиради. Қоракўл қўйлар зоти мураккаб структура кашф эта бошлади.

Қоракўл қўйлар зотининг структураси деган тушунча унинг экологик (зонал) типларга бўлинишини ифодалади, бундай типлар ичида эса завод типлари, линиялар ва оилалар яратилди. Зот – бу келиб чиқиши умумий бўлган, муайян хўжалик шароитида инсоннинг ижодий фаолияти таъсирида ташкил топган, “ўз ичида” урчитиш учун етарли сонда бўлган, танлаш ва хиллаш, парвариш қилиш йўли билан, шунингдек, уни муайян турга мансуб бўлган бошқа ҳайвонзотларидан ажратиб турадиган ҳайвонларнинг яхлит бир гуруҳидир. Зот гуруҳи муайян хўжалик ва табиий шароитда бир зотнинг насл типини соф зотни урчитиш ёки хўжалик ва наслдорлик қийматига эга бўлган бошқа зотлар (турлар) билан чатиштириш йўли билан вужудга келтирилди.

Иттифоқда қоракўлчилик соҳаси фанини ривожлантиришда академик М.Ф.Иванов, В.М.Юдин, С.Н.Богомобский, И.Н.Дьячков кабиларнинг хизмати катта бўлди . Улар қоракўлчилик фанини янги илмий кашфиётлар билан бойитишда жонбозлик кўрсатди.

Қоракўл териларнинг жингалаклик хусусияти илк марта 1916 йил Н.П.Чирвинский томонидан ўрганилган бўлса, 1932 йил Н.Ф.Никольский ва Т.Д.Положенцовлар томонидан тадқиқ этилди. Шунингдек, бу масала В.И.Стояновский, А.Мухамедов, Г.М.Толмаков тадқиқотларида ҳам ўрганилди. Тажрибалар 1938-1939 йиллари “Улус” совхози отарларида олиб борилди.

XX асрнинг 40 йилларида Бутуниттифоқ қоракўлчилик илмий тад-қиқот институти илмий ходимлари яйлов ва озуқанинг тери сифатига таъсирини ўрганиш бўйича изланишлар олиб борди. И.Н.Дьячинков раҳбарлигида Р.П.Письминной, С.М.Бугадова, Т.Б.Чехиринадзе, Ф.Шарафутдинов, Т.Ахмаджанова, Н.С.Бадалбоев, Р.Раҳимов, Э.М.Ҳасанов, Б.И.Исаянц, Р.Г.Валиев каби тадқиқотчилар “Муборак” ва “Қарноб” давлат наслчилик заводида изланиш олиб борди .

Академик В.Юдин 1943 йили “Қоракўл” наслчилик заводида тадқиқот олиб бориб, қоракўл териларнинг сифатини яхшилашда аввало она қўйларни танловига кучли эътибор қаратди. “Муборак” ва “Помуқ” совхозларидан қўйлар олиб келиб, урчитилди .

Бутуниттифоқ қоракўлчилик институти асосан учта йўналишда тадқиқотларни давом эттирилди. Октябрь тўнтаришлари бўлган даврдаги қоракўлчилик тажрибасини ўрганиш, қоракўл қўйлари зотларини ўрганиш асосида

наслчилик иши назарияси, усулларини ишлаб чиқиш, йирик совхоз ва колхоз тузиш ишларида иштирок этиш шулар жумласидандир.

Институтда илмий-техник ахборот хизмати йўлга қўйилди. 1945 йили институтда илмий коллекция ташкил этилиб, унда Ўзбекистон ва horижнинг жуда кўплаб қоракўл терилари навлари киритилди.

Мазкур институт жамоаси урушдан кейинги йилларда асосан қоракўл қўйлари озуқаси масаласига бағишланган тадқиқотларни кўпайтирди. 1958 йили институтда ем-хашак ишлаб чиқариш бўлими ташкил этилди. Бўлим ходимлари яйловларда озуқа ўсимликларини ва уларнинг мўйна сифатига таъсирини тадқиқ қилди. Чўлларда қора саксовулларни кўпайтиришга аҳамият қаратилди. Саксовул шамол тизимини пасайтиради ва қўйнинг ривожланиши ва қўзи терилари учун қулай экологик шароит яратади.

Қоракўл териларининг сифати турли омиллар таъсирида ўзгарди. Бу муаммо М.Д.Зокиров ва М.Аскандаров тадқиқотларида ўрганилди. Бунда тери сифатига ем-хашак, она қўйларнинг ёши, технологик ишлов берилишининг таъсири тадқиқ этилди.

Институт илмий ходимлари М.Д.Зокиров, И.Н.Дьячков, Ф.Э.Букинларнинг қоракўл териларини қайта ишлаш технологиясини яхшилаш бўйича олиб борган изланишлари натижасида 1960-1962 йилларда мўйна сифатида жиддий ўзгаришларга эришилди.

1964 йил Бутуниттифоқ қоракўлчилик институтида “Селекция ва наслчилик иши” бўлими ташкил этилди . Илмий ходимлар селекция ишларини доимий равишда қоракўлчилик хўжаликлари ходимлари билан ҳамкорликда олиб борди. Масалан, “Ғузор” совхозида қоракўлчиликни ривожлантириш ва янги завод типини яратиш устида институтнинг С.М.Маматов, Я.Нуриллаев каби илмий ходимлари Ғузор наслчилик заводи мутахассиси Р.Бозоров билан ҳамкорликда изланиш олиб борди. Тадқиқотлар 1965 йилда бошланиб, 1969 йили тери ранги 22 фоиздан 48 фоизга чиқди, териларнинг 88,4 фоизи биринчи навга топширилди. Бу тадқиқот Самарқанд қишлоқ хўжалик институти, Бутуниттифоқ қоракўлчилик илмий тадқиқот институти ҳамда Ғузор наслчилик заводи мутахассислари билан ҳамкорликда олиб борилди .

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг “Бухоро қоракўл заводини текшириш натижалари ва экспорт учун қоракўл етказиб бериш ва уларни қабул қилиш, қайта ишлашни яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 156-сонли қарори 1962 йил 1 мартда қабул қилинди. Қарорда таъкидланишича, “Ўзбекбирлашув”нинг назорат гуруҳи томонидан завод фаолияти етарли назорат қилинмаганлиги туфайли қоракўлнинг баъзи ноёб турларини етиштириш камайган. Завод томонидан қоракўл терилари навининг сунъий равишда пасайтирилиши туфайли колхоз ва совхозлар моддий зарар кўрган.

“Колхоз ва совхозлар қоракўлни Бухоро қоракўл заводига топшириши ҳақида” Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва тайёрлаш министрлигининг буйруғи 1964 йили 4 апрелда чиқарилиб, унда имкон қадар сифатли териларни топшириш, агар терилар партиясини қабул қилиш жараёнида топширувчилар ва завод вакиллари ўртасида келишмовчилик келиб чиқса, териларни давлат инспекциясига топшириб, сифатини аниқлаш хусусида кўрсатма берилган .

1968 йил 31 июлда ЎзССР Қишлоқ хўжалиги минстрлигининг 15-18 августда Бухоро шаҳрида қоракўлчилик иши ходимларининг семинар-йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги буйруғига мувофиқ “Узглавкаракуль” бошлиғи А.К.Қораев, Бухоро ижроия комитети раиси С.Г.Ғаниев, Бутуниттифоқ қоракўлчилик илмий тадқиқот институти директори К.Н.Ниёзов, “Узплемживобъединения” раиси

М.Х.Ахмадбобоев, ветеринария бошқармаси бошлиғи Д.С.Сайфуддинов, наслчилик бошқармаси бошлиғи К.Н.Бондаренколарга мазкур семинарни ташкил этиш вазифаси топширилди. Семинар кун тартиби режасига қоракўлнинг сур навини ишлаб чиқаришни кўпайтириш, наслдор қўйлар кўргазмасини ва сотувини ташкиллаштириш киритилди .

Қоракўл терилар сифатини яхшилаш мақсадида Бухоро қоракўл заводи қошида “Главкаракуль” ва вилоят совхозлари тресги мутахассисларидан иборат гуруҳ ташкил этилди. Масалан, 1968 йил мартда ва 1975 йил майда шундай гуруҳлар ЎзССР Қишлоқ хўжалиги министрлигининг буйруғи билан тузилди. 1968 йилги гуруҳ таркибига “Узглавкаракуль” чорвачилик бошқармаси бош зоотехниги Б.К.Туктаров, Қашқадарё вилояти совхозлар тресги катта зоотехниги Т.С.Жуков, Бухоро вилояти қишлоқ хўжалиги бошқармаси бошлиғи А.Б.Бердиев, Сирдарё вилояти совхозлар тресги қўйчилик бўлими бошлиғи И.И.Ниёзов, Самарқанд вилояти совхозлар тресги қўйчилик бўлими раҳбари И.А.Ашраповлар киритилган бўлса, 1975 йили бу гуруҳ таркибига “Узглавкаракуль” қоракўлнинг дастлабки технологияси ва экспорт бўлимининг бошлиғи К.Б.Туктаров, “Главкаракуль”нинг бош зоотехниги В.П.Козиряцкий, Бухоро совхозлар тресги қўйчилик бўлими бошлиғи З.М.Сулаймонов, Бухоро совхозлар тресги қўйчилик бўлими бош мутахассиси С.Ашурова, Жиззах совхозлар тресги чорвачилик бўлими қоракўл бўйича бош зоотехниги И.И.Ниёзов, Қашқадарё совхозлар тресги қўйчилик бўлими бошлиғи С.Н.Назаров ва бошқалар киритилди.

Бутуниттифоқ қоракўлчилик илмий тадқиқот институтида доимий равишда назарий ва амалий масалаларда мамлакат ва республика миқёсида симпозиумлар, семинарлар ўтказиб турилди. БМТ ва Чорвачилик бўйича Европа ассоциацияси (ЕАЖ) ҳамкорлигида ҳам илмий анжуманлар ташкил этилиб, Польша, Ҳиндистон, Руминия, Монголия, Югославия, Афғонистон, Эрон, Кения, Эфиопия давлатларига қоракўлчилик бўйича ўзаро фикр алмашилди. Институт вакиллари 1967 йил Австриянинг Вена шаҳрида, 1971 йил Руминиянинг Петре-Аямце шаҳрида, 1975 йил Ўзбекистоннинг Самарқанд шаҳрида қоракўлчилик бўйича ташкил этилган халқаро Симпозиумда иштирок этди.

1980 йили институтда 350 нафар илмий ходим, жумладан, 5 нафар фан доктори, 56 нафар фан номзоди, 4 нафар Беруний номидаги давлат мукофоти совриндори, 3 нафар хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими фаолият юритди .

Институт бутун мамлакатга юқори малакали илмий ходимлар тайёрловчи муассаса бўлди. 1985 йили Институт қошида аспирантура очилиб, зоотехник, яйлов ўсимликшунослиги, мўйна технологияси, чорва физиологияси, қўйларнинг озиқланиши бўйича мутахассислар тайёрлади. 1958-1980 йиллар давомида 11 нафар фан доктори тайёрланди. Институт илмий ходимлари томонидан 64 та илмий тавсияномалар ишлаб чиқилди.

Ўзбекистонда яратилган ва жаҳон бозорида юқори баҳоланган зармалла рангли қоракўлнинг селекция ишларининг биринчи босқичи 1978 йилдан 1985 йилгача бўлган даврни ўз ичига олиб, бу даврда селекция мақсадларига жавоб берадиган қўзиларни танлаш ва жуфтлаш масалалари ишлаб чиқилди. Зармалла рангли қоракўл қўзилар дастлаб рангининг тўқлиги бўйича уч гуруҳга ажратилиб, уларга белгиланганидек, гуруҳига кўра алоҳида-алоҳида, чунончи, оч зармалла қўзиларга чап қулоғининг олдинги томонидан, ўрта зармаллага шу қулоғининг учидан, тўқ зармалла гуруҳидагиларга эса қулоғининг орқасидан биттадан эн солинди. Шунингдек, ҳар бир тўқлиқдаги зармалла қўзиларни танлаш учун тавсифлар, айни пайтда бу турдаги қўйлар сурувини яратиш учун тадбирлар ишлаб

чиқилди ва шу тадбирлар асосида зармалла рангли эркак ва урғочи қўзилар танлаб олинди .

Қоракўлчилик фанини ривожлантиришда Самарқанд қишлоқ хў-жалиги институти "Теришунослик ва товаршунослик" кафедрасининг ҳам ўрни катта бўлди. 1955-1956 йиллари Е.В.Одинцова қоракўл терисига иқлимнинг таъсири муаммоси устида изланиш олиб борди. Шунингдек, қоракўл қўйлари йил давомида яйловда боқилиши туфайли теридаги ўзгаришлар масаласи ўрганилди. Шу боис бошқа жойларда боқилган қўйларни муайян касаллик заводларга келтирилиб урчитилиши тери сифатига ижобий таъсир кўрсатиши аниқланди. Бу муаммо устида И.Я.Аверьянов ва Р.В.Валиевлар ҳам изланиш олиб борди .

"Теришунослик ва товаршунослик" кафедрасида 1968 йили Ш.М.Ризаев тоғолди ҳудудларда қоракўл қўйлари кўпайтириш мавзусида изланиш олиб борди. Тадқиқот натижасида сур териларнинг юқори навлиги 64,6 фоиздан 90,3 фоизи ортди. Етиштирилган сур териларнинг нархи 22 рубль 22 тийиндан 29 рубль 16 тийинга кўтарилди .

1968-1969 ўқув йилида кафедрани доцент Ш.М.Ризаев бошқариб, кафедрада қишлоқ хўжалик фанлари номзоди Т.М.Ахмеджанов, Н.Ф.Белоборов, Б.Т.Таганов, В.Н.Салиев, Р.Рўзимуродов, О.Ражабов кабилар фаолият кўрсатди . Факультет битирувчи курс талабаларига қоракўлчилик соҳасига доир турли мавзулар диплом иши сифатида берилди. 1968-1969 ўқув йилида кафедрада жами 13 нафар талаба диплом ишларини муваффақиятли ҳимоя қилди. Бу ишлар асосан, қўзиларни кўпайтириш ва тери сифатини яхшилаш, тажрибаларни оммалаштириш, қоракўл қўйларидан олинадиган жунлар сифати масалаларига бағишланди. Диплом иши муаллифлари ўз мавзулари бўйича илмий анжуманларида чиқиш қилди.

Кафедра ходимлари соҳага бағишланган турли мавзудаги авторефератларга шу ўқув йилида 10 дан зиёд тақризлар берди . Бундан ташқари кафедра аъзолари хўжаликлар билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келди. Кафедра аъзоларидан Ш.М.Ризаев ва Н.Ф.Белоборва Сирдарё вилояти қоракўлчилик совхози директори Х.В.Исанқулов ва бош зоотехник У.У.Уркенов билан биргаликда "Сирдарё вилояти қоракўл қўйлари маҳсулдорлигини кўпайтириш" мавзусида биргаликда изланиш олиб борди. Тадқиқотчилар вилоятдаги иккита фермада изланиш олиб борди. Натижада 1969 йил 1964 йилга нисбатан рангли терилар ишлаб чиқариш 211 тадан 2314 донага кўпайди. Териларни юқори навларга топшириш шу йилларда 64,6 фоиздан 90,3 фоизга ортди .

Кафедра профессор-ўқитувчилари узлуксиз равишда илмий-назарий конференцияларда маъруза қилиб борди. Масалан, кафедра доценти Ш.М.Ризаевнинг 12 та мақоласи "Сирдарё ҳақиқати", "Чорвадор", "Коммунистик меҳнат", "Овцеводство" каби даврий нашрларда чоп этилди .

1967-1969 йиллар давомида "Теришунослик ва товаршунослик" кафедраси ходимлари томонидан 22 та илмий ва умумий ишлар нашр этилди. Илмий-назарий конференцияларда кафедра профессор-ўқитувчилари бу даврда 18 та маъруза билан иштирок этди. Шунингдек, кафедра профессор-ўқитувчиларининг илмий раҳбарлигида талабаларнинг маърузаси тайёрланди .

Самарқанд қишлоқ хўжалик институти қоракўлчилик факультети 1970 йили 20 нафар ходим "Ўзбекистон қоракўл қўйлари етиштиришни кўпайтириш" мавзуси доирасида тадқиқотлар олиб борди. Профессор А.Раҳимов ва ассистент Х.З.Зоҳидов 1962 йилдан 1970 йилга қадар "Жайдари" қўйлар маҳсулдорлигини ошириш бўйича изланиш олиб борди. Самарқанд вилоятининг Булунғир, Ғаллаорол, Ургут туманларида тажрибалар олиб борди . Кафедранинг катта ўқитувчиси А.К.Лебедев Сирдарё вилоятида "Сурхондарё қоракўл қўйларининг сур турини кўпайтириш"

бўйича тадқиқотлар ўтказди. Кафедранинг бошқа аъзолари ҳам бу каби тадқиқотларни олиб борди. Тадқиқотлар ўз ўрнида қоракўлчилик бўйича даромадларнинг кўпайишига туртки бўлди. Масалан, Сирдарё вилояти Киров совхози 1965 йил қоракўлчилик бўйича умумий даромад 370000 рублни ташкил этган бўлса, 1968 йили бу 487 000 рубль бўлди .

Аммо кафедрада илмий лаборатория йўқлиги туфайли қоракўл қўйлари териси таҳлилида қийинчиликлар бўлди. Илмий тадқиқотларда олинган илмий натижаларни қайта ишлаш учун қўшимча хоналар етишмади .

Қоракўлчилик кафедраси ўқитувчилари Иттифоқнинг бошқа институт олимлари билан бу соҳада ҳамкорлик қилди. 1972-1973 ўқув йилида профессор А.А.Раҳимов Қозоғистон Республикаси Целиноград қишлоқ хўжалик институтига зоотехника факультети давлат имтиҳонида раис сифатида иштирок этди. Бундан ташқари институтнинг қоракўлчилик кафедраси қошидаги аспирантурада бошқа республикалардан ҳам тадқиқотчилар келиб изланиш олиб борди. Масалан, 1972-1973 ўқув йилида кафедрада Қалмиқ АССРдан Колоджиев Василий Сангаржиевич “Қора ва кул ранг қоракўл қўйлари терисининг сифатини яхшилаш” мавзусида иш олиб борди. Шунингдек, қоракўлчилик хўжаликларидан мутахассислар келиб кафедрада тадқиқотлар олиб борди. Ғаллакор қишлоқ хўжалик бошқармаси бошлиғи У.Т.Тожиев кафедранинг сиртқи йўналишида таълим олди. Шу ўқув йилида кафедра ўқитувчиси С.Юсупов Душанбе қишлоқ хўжалик институтида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. 1972 йил факультетда 55 та илмий ходим фаолият кўрсатиб, улардан 3 нафари профессор, 16 нафари доцент эди .

Аммо қоракўлчилик кафедраси ўқитувчиларини илмий тадқиқот ишларига жалб этиш иши бир оз суст борди. 1976 йил кафедрада 6 нафар кичи илмий изланиш олиб борган бўлса, 1979 йили улар 5 нафар, 1980 йили 6 нафар эди. 1980 йили улар томонидан 9 та илмий мақола нашр этилди.

**Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати**


1. Ахмедов Б.А. Ўзбекистонда коракўлчилик соҳаси тарихи. – “Қарду хабарлари” журнали – №4, – Б. 59-62.
2. Ахмедов Б.А. Ўзбекистонда коракулчилик сохасида мутахассислар тайёрлашнинг йўлга кўйилиши борасида амалга оширилган ишлар. – “ЎзМУ хабарлари” журнали. – Тошкент, 2019. – №1/3, – Б. 6-8.
3. 50-лет Всесоюзному научно-исследовательскому институту каракулеводства (Исторический очерк) – Ташкент: Фан, 1980. – С.7.
4. Ўзбекистон қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти жорий архиви.
5. Всесоюзный научно-исследовательский институт каракулеводства. –Ташкент: Узбекистан, 1974. – С. 8.
6. Всесоюзный научно-исследовательский институт каракулеводства. – Ташкент: Узбекистан, 1975. – С. 3-4.
7. Всесоюзный научно-исследовательский институт каракулеводства. –Ташкент: Ўзбекистан, 1974. – С. 8.
8. Лысов А.М. Краткий обзор достижений Всесоюзного научно-исследовательского института каракулеводства // Каракулеводство и звероводство. – Москва, 1951. – №1. – С. 69-72.
9. Самарқанд ВДА, 848-Ф, 1-Р, 57-иш, 6-7 варақлар.
10. Зокиров М. ва бошқалар. Қоракўлчилик. – Тошкент: – Ўқитувчи, 1983. – Б.21.
11. Жилякова В.С., Чепилова А.К. Основы каракулеводства. – Алма-Ата: Қайнар, 1976. – С. 1-10.

12. Всесоюзный научно-исследовательский институт каракулеводства. – Москва, 1975. – С. 22.
13. Самарқанд ВДА, 848-фонд, 1-рўйхат, 2749-иш, 270-271 варақлар.
14. Всесоюзный научно-исследовательский институт каракулеводства. – Москва, 1975. – С. 26-39.
15. Самарқанд ВДА, 848-фонд, 1-рўйхат, 2749-иш, 238-230 -варақлар.
16. Ўз МА, Р-2676-фонд, 1-рўйхат, 1- иш, 32-варақ.
17. Ўз МА, Р-2676-фонд (Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва тайёрлаш министрлиги), 1-рўйхат,531-иш, 280-варақлар.
18. Ўз МА, Р-90-фонд (Ўз ССР қишлоқ хўжалиги министрлиги), 10-рўйхат, 2678-иш, 101-102-варақлар.
19. Ўз МА, Р-90-фонд, 10-рўйхат, 2675- иш, 255-варақ.
20. Ўз МА, Р-90-фонд (ЎзССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги), 10-рўйхат, 6217- иш, 94-варақ.
21. Всесоюзный научно-исследовательский институт каракулеводства. – Ташкент: Узбекистан, 1980. – С. 4-6.
22. Самарқанд ВДА, 848-фонд, 1-рўйхат, 2571-иш, 1-6 варақлар.
23. Самарқанд ВДА, 848-фонд, 1-рўйхат, 2749-иш, 238-230 варақлар.
24. Самарқанд ВДА, 848-фонд, 1-рўйхат, 2571-иш, 6-20 варақлар.
25. Самарқанд ВДА, 848-фонд, 1-рўйхат, 2749-иш, 225-231 варақлар.
26. Самарқанд ВДА, 848-фонд, 1-рўйхат, 2749-иш, 217-218 варақлар.

## ЎЗБЕКИСТОНДА КЎПМИЛЛАТЛИКНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

***Х.Н.Махманова – ф.ф.н.,доцент.***
***Ўзбекистон Республикаси Олий ҳарбий билим юрти***

Ҳар бир мамлакат аҳолисининг миллий таркиби муайян тарихий тараққиётнинг қонуний натижасидир. Жаҳондаги кўп миллатли мамлакатларнинг шаклланиши ижтимоий-иқтисодий, тарихий ва айниқса, ҳудудий ва минтақавий шароитларга боғлиқ.

Табиийки, халқлар муайян бир ҳудудда шаклланади ва ривожланади. Бу тарихий жараёнда улар бир ҳудуддан иккинчисига кўчиши, улар жойлашган ҳудуд кенгайиши ёки қисқариши, айрим миллат ва элат вакиллари ундан ажралиб кетишлари мумкин. Масалан, венгерлар кейинги минг йил ичида яшаш ҳудудларини уч-тўрт бора ўзгартирганлар. Турклар ўз давлатларнинг ташкил қилганларидан кейин (VI аср) бир неча асрлар давомида катта-кичик гуруҳларга ажралиб, ўзга юртларга тарқалиб кетганлар. Араблар эса аввалига кичкина Араб ярим оролининг бир бурчагида яшаб, қисқа муддат ичида кенг ҳудудларга тарқалдилар ва ислом маданий дунёсининг шаклланишига хизмат қилдилар.

Ҳозирги Ўзбекистон аҳолиси ўз таркибига кўра тарихан кўпмиллатли бўлиб шаклланган. Ўзбекистон аҳолиси миллий таркибининг илк кўриниши хусусида фикр юритиш мақсадга мувофиқдир.

Маълумки, Ўзбекистон халқи аждодларининг дастлабки этник бирлашмалари ва уларнинг кўринишлари кўп асрлар давомида ташкил топган.

Ёзма манбаларнинг гувоҳлик беришича, милоддан аввалги VII-VI асрларда Марказий Осиё, шу жумладан Ўзбекистон ҳудудида авлод-аждодлари саклар, массагетлар, сўғдийлар, бақтрияликлар, хоразмликлар, чочликлар, парканаликлар, марғиёналиклар каби яшаганлар. Қадимдан қондош ва жондош бўлган, дини, тили,

урф-одатлари, қадриятлари ўхшаш бўлган бу халқларнинг Марказий Осиё, унинг таркибий қисми Ўзбекистон ҳудудида ҳаёт кечиришлари узоқ тарихга бориб тақалади.

Мамлакатимиз ҳудудида туб этнослар орасида бошқа элат ва миллат вакиллари пайдо бўлиши омиллари, жумладан саёҳатлар, халқларнинг кўчиб юриши, савдо-сотиқ ва маданий алоқалар, айниқса босқинчилик урушлари ва мустамлакачилик сиёсатининг оқибатлари замин яратди. Қ.Хоназаров кўрсатганидек, муштарак тарих ва тақдир, олис минг йилликларнинг тажрибаси, Македонский ва Доро, араблар ва мўғулларнинг босқинчиликлари, айниқса, ўтган асрнинг ўрталаридан бошланган чоризм истилосининг оқибатлари мамлакатимиз миллий таркибини ўзгартириб ва шунинг билан миллатлараро муносабатларни мураккаблаштириб юборди. Собиқ Иттифоқ даврида яккаҳоким бўлган марказнинг Марказий Осиё республикалари халқларига нисбатан олиб борган бирёқлама миллатлараро муносабатларни янада чигаллаштириб юборди [1].

Бу ерда турли вақтларда ахмонийлар, кушонлар, грек-бақтрийлар, селевкидлар, парфияликлар, тохирийлар, эфталитлар, сосонийлар, аббосийлар, сомонийлар, қорахонийлар, қоракидонлар, турк хоқонлари, хоразмийлар, темурийлар ва бошқа давлатчилик тузумлари ҳукм сурди. Натижада турли миллат ва элат маданиятлари ўзаро бирлаша борди. Маҳаллий маданият ҳамма вақт ўзидан устун маданият элементларини қабул қилди, пастроқ маданиятни эса ўзига сингдириб борди [2].

Александр Македонский истилоси мамлакатимизда кўп миллатли жамиятнинг шаклланишига катта таъсир ўтказган қудратли тенденциялардан бири бўлди. Александр ўз ҳарбий юришлари давомида касалланган, яраланган, кексайган ва умуман юришларда иштирок эта олмайдиган жангчиларни жойларда қолдирарди. Айниқса, жанглар кескин тус олган Бақтрия ва Сўғдиёнада грек-македонлар кўплаб қолдирилган. Антик адибларнинг ёзишича, уларнинг сони 23 минг атрофида бўлган. Албатта, бу «аралашув» тарихда, маҳаллий миллий таркибга ўз таъсирини ўтказмай қолмади [3].

Марказий Осиёни Хитой, Япония ва Осиё мамлакатлари билан боғлаган Буюк Ипак йўли нафақат савдо алоқалари соҳасида балки ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётда ҳам катта аҳамиятга эга бўлди. У турли - туман халқларнинг дўстлашуви, уларнинг урф-одати, анъаналари, маданиятларининг яқинлашуви, миллий таркибнинг мураккаблашувида аҳамият касб этди.

Мовароуннаҳрнинг араблар томонидан босиб олиниши туфайли мамлакатимиз аҳолисининг миллий таркиби Марказий Осиё араблари деган этник гуруҳ билан бойиди. Саккизинчи-ўн тўртинчи асрлар давомида юртимизга келиб ўрнашиб қолган араблар бугунги кунда Бухоро вилоятининг Ғиждувон туманидаги Жогори, Вобкент туманидаги Арабхона, Қоракўл тумани хўжаликлари, Қашқадарё вилоятининг Касби туманидаги Жейнов қишлоқларида ва бошқа жойларда истиқомат қилмоқдалар.

XIII асрнинг бошлари – XIV асрнинг 60-йиллари ўрталаридаги Мовароуннаҳрда мўғулларнинг босқинчилик юришлари ҳам мамлакатимиз аҳолисининг миллий таркибига ўзига хос таъсир ўтказди. Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудига жойлашган туркий ва туркийлашган мўғул қабилаларидан жалоир барлос, қовчин, ўрлат ва бошқалар чиғатойлар деб номланган. Ўша даврдан бошлаб Моваурнаҳрнинг туркий аҳолиси ҳам чиғатойлар деб юритила бошланган. Ўзларининг айрим этник хусусиятларини сақлаб қолган қарлуқлар, барлослар, қовчин ва жалоирлар, калтататлар, мусобозори мўғуллар ҳозир ҳам учрайди [4]

Ўлкамиз кўп миллатлилигининг янада кучайиши Амир Темур ҳукмронлиги даврига тўғри келади. Маълумки, Темур қайси мамлакатни ўз салтанати таркибига киритган бўлса, ўша ердан керакли одамларни олиб келиб, Самарқанд ва унинг атрофига жойлаштирарди. Хусусан, Дамашқдан турли соҳа бўйича қўли гул ҳунармандлар олиб келинди. Бунинг натижасида Самарқанд аҳолиси бир юз эллик мингдан ошиб кетди. Самарқанд шаҳри аҳолиси таркибида турклар, араблар, маврлар, арманлар, греклар ва ўнлаб бошқа миллат ва элат вакиллари кўпайиб кетдилар [5]

Амир Темур салтанати даврида ўзбеклар турклар, тожиклар билан бир қаторда жалойир, барлос, сулдуз, тулнича, дуздай, қипчоқ, татар, тархон каби турк-мўғул қабилалари, шунингдек араблар, маврлар, арманлар, греклар, хуллас 40 дан ортиқ қавм, уруғ, элат ва миллат вакиллари ҳаёт кечирганлар. Ўн тўртинчи асрда яшаган буюк араб сайёҳи Ибн Баттута ҳам Марказий Осиё, айниқса Мовароуннаҳрнинг машҳур шаҳарларида турли халқ вакиллари яшаганлиги ва улар билан учрашганлиги ҳақида маълумотлар келтирган [6]

Минтақамизнинг, шу жумладан ҳозирги Ўзбекистон аҳолиси миллий таркибининг бойишига ўша вақтда мавжуд қул бозори ҳам катта роль ўйнади. Йирик қул бозори Хивада бўлиб, ушбу бозорда тутқунликка тушган руслар, ўтроқ бухороликлар ва форсий асир ва асиралар сотилган. Қул бозорини жонли товар билан таъминловчи жаллоблар, асосан нўғайлар, бошқирдлар, қалмиқлар ва Волга бўйи татарлари бўлган. Улар ўзларига чегарадош рус вилоятларида яшовчи балиқ овловчи казаклар ва деҳқонларни олиб келиб сотганлар.

Мовароуннаҳрда аҳоли кўп миллатлилигининг шаклланишига илм-фан тараққиёти ҳам ўз ҳиссасини қўшди. Чунончи, Мирзо Улуғбекнинг Самарқанд астрономия мактабида Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон, Туркия, Миср каби кўплаб мамлакатлардан келган олимлар ижод қилганликлари маълум [7]. Бу олимларнинг кўпчилиги кейинчалик Самарқандда қолиб кетганлар.

Мамлакатимизда кўп миллатлиликнинг шаклланишида ХУШ аср охири ва Х1Х аср бошларида Тошкент, Қўқон, Самарқанд, Бухоро, Хива ва бошқа шаҳарларда янги мадрасаларнинг қад кўтариб, уларда талабаларга диний ва дунёвий билимлар беришнинг йўлга қўйилиши ҳам таъсир кўрсатди. Хусусан, Татаристон мадраса ва қозихоналарда хизмат қиладиган 565 татар уламоси Бухорода таҳсил олган экан [8]. Чунончи, Хивадаги Шерғози мадрасасида машҳур туркман шоири Махтумқули Сендий, Зелимий, қорақалпоқ халқининг севимли шоирлари Кунхўжа, Ажиниёз, Бердақ ва бошқалар таълим олиб, юксак даражага эришган [9]. Биргина Хивада 64 мадраса бўлиб, уларда турли миллатларга мансуб кўплаб толиблар таҳсил олган [10] Талабаларнинг ҳам катта қисми ўзлари таҳсил олган юртларда қолиб кетардилар.

Темурийлар империяси парчаланганидан сўнг тарих саҳнасига чиққан Бухоро амирлиги, Хива ва Қўқон хонликлари орасидаги турли можаролардан моҳирона фойдаланган Чор Россияси қадимий Туркистон ерларини аста-секинлик билан босиб ола бошлади.

Ўлканинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаёти Россия манфаатлари асосида шакллантирила бошланди. Айни вақтда мустамлакачилар манфаатларини маҳаллий аҳолига сингдириш, минтақадаги рус ҳукмронлигини мустахкамлаш мақсадида Туркистонда рус шаҳар ва посёлкалари қурилди, Россиянинг турли жойларидан ишчи ва деҳқонлар кўчириб келтирилди. Бунинг оқибати ўлароқ ўлкада истиқомат қилаётган руслар сони орта борди. Чунончи, Х1Х асрнинг охирида русларнинг миқдори Туркистонда 197 минг кишидан ортди, уларнинг 96 мингга яқини шаҳарларда, 101 мингдан кўпроғи посёлкаларда истиқомат қилишарди. Йигирманчи асрнинг иккинчи ўн йиллиги арафасига келиб

эса ўлкамиздаги руслар сони бир миллионга (400 минг шаҳарлик, 350 минг посёлкалик, бир неча ўн минг ҳарбийлар эвазига) етди [11]

Биринчи жаҳон уруши давомида эса ўлкага ҳарбий асирлар ва қочоқлар ҳам кўчириб келтирила бошланди. Масалан, 1915 йилда бу ерга 148 минг ҳарбий асир олиб келинди. Улардан 41 мингдан кўпроғи (3575 немис ва 37770 венгерлар) Туркистонда қолиб кетди [12] Ҳарбий асирлар саноат ва қишлоқ хўжалик ишларига жалб этиларди.

Ўша даврда Туркистон ўлкасига қарийб 70 минг поляк, литва, латиш ва эстон қочоқлари жойлаштирилди. Уларнинг ҳам 7-8 мингги кейинчалик Туркистонда қолиб кетдилар. [13]

Юқоридаги мулоҳазаларимиздан куйидаги хулосалар келиб чиқади:

Ўзбекистонда кўпмиллатлиликнинг шаклланиши жараёни бир неча асрлар давомида содир бўлган бўлиб, бу жараён уч босқични босиб ўтди: а) милоддан аввалги VII асрдан эрамизнинг XVII асрига қадар бўлган давр; б) Россия мустамлакачилиги даври; в) Совет ҳокимияти йиллари.

Ҳар бир босқичда мамлакатимизда кўпмиллатли жамиятнинг шаклланиши ўзига хос тенденцияларга эга бўлди. Қадимги дунёда ва ўрта асрлар даврида бундай тенденциялар вазифасини савдо алоқалари, босқинчилик урушлари, асирларнинг қолдирилиб кетилиши, қул бозорининг ривожланиши, ўзга юртлардан олиму-фузалолар, санъаткорлар ва ҳунармандларнинг кўчириб келтирилиши ва шу кабилар ўтади. Чор Россиясининг мамлакат бойликларини ташиб кетишга қаратилган мустамлакачилик сиёсати ҳам Ўзбекистонда кўпмиллатли жамиятнинг шаклланишига катта таъсир кўрсатди.

**Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати**


1. Хоназаров К. Ижтимоий барқарорликнинг муҳим омили. //Маънавият, мафкура ва миллий қадриятларнинг кишилар истиқлол онги ва дунёқарашини шакллантиришдаги роли. Аёллар йилига бағишланган республика илмий-амалий анжуман материаллари. Самарқанд: 1999. – Б.16-17.
2. Тўхлиев Н. Осиё ва бозор. – Т., 1992. – Б.13.
3. Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – 162-б.
4. Жабборов И. Ўзбек халқ этнографияси. – Т.: Ўқитувчи, 1994. – Б.76-77.
5. Мўминов И. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. – Т., 1993. – Б.30.
6. Азимов Э. Соҳибқироннинг демократик қарашлари // Ишонч, 1996 йил 19 март.
7. Иброхимов Х. Ибн Батута ва унинг Ўрта Осиёдаги саёҳати – Т.: Шарқ баёзи, 1993. – Б.21-22, 58-62, 75.
8. Тўхлиев Н. Осиё ва бозор. – Т., 1992. – Б.21.
9. Аҳмедов Б. Улуғбек. Эссе. – Т., 1989. – Б.230.
10. Йўлдошев Ж. Таълимимиз истиқлоли йўлида. – Т., 1996. – Б.275.
11. Йўлдошев Ж. Таълимимиз истиқлоли йўлида. – Т., 1996. – Б.27-28.
12. Орипов М. Ҳақгўй шоир // Совет Ўзбекистони, 1988 йил 14 апрель.
13. иёев Ҳ. Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш. – Т., 1993. – Б.363.
14. Ата-Мирзаев О., Гентшке В., Муртазаева Р. Узбекистан – многонациональное государство: исто-рико-демографический аспект. – Т., 1998. – С.50.
15. Ата-Мирзаев О., Гентшке В., Муртазаева Р. Узбекистан – многонациональное государство: исто-рико-демографический аспект. – Т., 1998. – С.51.

# ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДАН ХОРИЖГА МАЛАКА ОШИРИШ ВА СТАЖИРОВКА ЎТАШ УЧУН ЮБОРИЛГАН ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАР ФАОЛИЯТИ

*М.М.Каримов – ўқитувчи. Қарши давлат университети*

1997 йил сентябрда "Умид" жамғармаси томонидан Тошкент давлат техника университетида Малайзиянинг "Ренонг Берхан" компанияси билан ҳамкорликда ташкил этилган Бизнес бошкаруви факультети талабаси Жаҳонгир Мамажонов Американинг Алабама университети иқтисодиёт менежментлиги факультетига ўқишни давом эттириш учун юборилди[1]

АҚШнинг таълим ва тил ўрганиш ҳамкорлиги ташкилоти (АКСЕЛС) Ўзбекстон билан тузган "Озодликни қўллаб-қувватлаш" дастури доирасида ўзбекистонлик 434 нафар ўқувчилар АҚШда таҳсил олиб қайтишди. Бу дастур асосан, икки давлат ўртасидаги таълим сифатини яхшилашга қаратилган бўлиб шу кунгача ижобий натижаларини бериб келмоқда. Ўқувчилар АҚШнинг, Вашингтонг, Оклахома, Калифорния Алабама каби штатларида таҳсил олишган. Бу ўқувчиларнинг аксаряти ҳозирда, Ўзбекистон Миллий университети, Жаҳон иқтисодиёт ва дипламатия университети, Тошкент давлат техника универстетлари ва бошқа йирик фан ва билим масканларида ўқишларини давом эттиришмоқда. У ерда таълим олиб қайтган ёшларимизнинг аксаряти, мустақил фикрли, интилувчан ёшлар бўлиб шакилланмоқда[2]

2006 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Истеъдод" жамғармаси ва мамлакатимизнинг олий ўқув юртлари вакиллари ҳамда Франциянинг Гренобл шаҳридаги Пер Мендес Франс университетида бўлишди. Бу олийгоҳа Франциядаги энг нуфузли олийгоҳлардан бири бўлиб, 2005 йилда "ТЕМПУС" дастури доирасида "Университет бошқарувида замоновий ахборотларни жорий этиш" лойиҳасини амалга оширишни бошлаган эди. ТАТУ шу йили 12 та замоновий компьютерлар сотиб олган эди[3].

Япония ҳукумати 2006 йилда Ўзбекистон вакилларининг кунчиқар мамлакатда ўқишлари учун 127 миллион япон ени миқдорида беғараз ёрдам пули ажратди. Бундан кўзланган мақсад, 20 нафар инглиз тилини яхши биладиган, оилй маълумотли, 35 ёшдан ошмаган ёшларни иқтисодиёт, молия, бошқарув, соғлиқни сақлаш соҳалрида етук мутахассис қилиб етиштириш эди. Шунингдек, "Умид" жамғармаси билан ҳамкорликда ҳар йили 400 нафаргача бўлган мутахассисларни ўқишга юбориш кўзда тутилди[4].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2909-сон қарорининг 1-бандида кўзда тутилган олий таълим муассасалари педагог кадрларининг хорижий мамлакатларнинг нуфузли университетларида малака ошириш, стажировка ўташ, магистратура ва Ph.D. дастурлари бўйича ўқишларини ташкил қилиш белгилаб қўйилган[5]

2018 йилда хорижий олий таълим муассасаларини муҳандислик дастури бўйича махсус темир йўл соҳаларидан жами 52 нафар бакалавр, 105 нафар муҳандис, 49 нафар магистр битирди, 42 нафар аспирант номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилиб институт ўқитувчилари ва "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ корхоналари ходимлари сафига қўшилди[6]

2018 йилда Россия Федерацияси олий таълим муассасаларида муҳандислик дастури бўйича жами 233 нафар, жумладан:

– Н.Э. Бауман номидаги Москва давлат технологиялар университетида – 56 нафар бакалавр;

– Петербург давлат темир йўл университетида – 25 нафар магистр, 27 нафар аспирант ва 2 нафар докторант;

– Россия транспорт университетида – 25 нафар бакалавр ва 4 нафар муҳандис;

– Москва пўлат ва қотишмалар институтида – 52 нафар бакалавр, 7 нафар муҳандис ва 8 нафар магистр;

– Москва архитектура институтида – 15 нафар бакалавр ва 9 нафар тайёрлов бўлимида;

– Омск давлат темир йўл университетида – 3 нафар магистр таълим олишди.

2018-2019 ўқув йилида Тошкент темир йўл муҳандислари нститути қуйидаги хорижий университетлар билан илмий-услубий ҳамкорликни амалга оширади:

– Беларус давлат транспорт университети (Беларус Республикаси);

– Сеул илм ва технологиялар университети (Жанубий Корея);

– Силезск техника университети (Польша)

– Омск давлат темир йўл университети (Россия Федерацияси);

– Петербург давлат темир йўл университети.

2018-2019 ўқув йилида 3 нафар профессор-ўқитувчи Петербург давлат темир йўл университетига, 3 нафар профессор-ўқитувчи Н.Э. Бауман номидаги Москва давлат технологиялар университетига ва 1 нафар профессор-ўқитувчи Россия транспорт университетига малака оширишга юборилди. ТТЙМИ қардош давлатлар билан ҳам ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган. Булардан Қозоғистон Республикасининг Қозоғистон транспорт ва коммуникациялари академияси, М. Авезов номидаги Жанубий Қозоқистон давлат университети ва Караганда давлат техника университетлари магистратура талабалари институтимизда хорижий стажировкаларини ўташди[7]

2018 йил августда Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиалидан Франция Сорбонна университетида 4 нафар; 2018 йилнинг сентябрда Италия Саннио Университетида 1 нафар профессор-ўқитувчилар семинар тренингларда иштирок этиб ўз тажрибаларини ошириб келди[8]

2019 йилда ТАТУ Қарши филиалининг 29 нафар профессор-ўқитувчиларининг малака ошириш режаси ишлаб чиқилган. 2019 йилда январь Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги “Эл-юрт умиди” жамғармаси орқали хорижда малака ошириш, стажировка ўташ, магистратура ва докторонтурада ўқиш учун 19 нафар профессор-ўқитувчилар синовларида иштирок этди[9]

2019 йил 7 январь куни Белоруссия давлат информатика ва радиоэлектроника университети қошидаги АТ институтининг директори А.А.Охрименко Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиалига ташриф буюрди. Ташрифдан кўзланган мақсад Белоруссия давлат информатика ва радиоэлектроника университети қошидаги Ахборот технологиялар институти Тошкент ахборот технологиялар университети Қарши филиали ўртасида имзоланган ҳамкорлик тўғрисидаги меморандуми асосида кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш базасида ТАТУ Қарши филиали профессор-ўқитувчиларининг тажриба алмашишлари, малака ошириш, қайта тайёрлов курслари ва стажировкаларни йўлга қўйилди[10].

2021 йил ҳолатида Ўзбекистонда 4,9 мингга яқин чет эллик талаба таҳсил олмоқда. Улардан 2,9 мингга яқини Марказий Осиё давлатларидан келган фуқаролардир. Ўзбекистон ва АҚШ университетлари ўртасидаги ҳамкорлик изчил

ривожланмоқда. 2019 йилдан бошлаб Тошкентда 1,2 мингдан ортиқ талаба таҳсил оладиган биринчи Америка Вебстер университети иш бошлади.

2020-2021 ўқув йилига қадар ҳар йили 220 дан ортиқ Ўзбекистон фуқаролари Россия Федерациясининг федерал бюджетидан ажратиладиган грантлар ҳисобидан Россия олий ўқув юртларига юборилган. 2021/2022 ўқув йили учун квота 460 ўринга кўтарилди. Абитуриентлар Тошкентдаги Россия фан ва маданият марказида имтиҳон топширгандан сўнг Россия олий ўқув юртларига қабул қилинади. Бундан ташқари, ҳар йили Ўзбекистондан 1,5 мингга яқин одам ташриф буюриш комиссиялари орқали Россия олий ўқув юртларига ўқишга киради. Россия олийгоҳларида таҳсил олаётган Ўзбекистон фуқаролари сони 30 мингдан ошди. Ўзбекистон ёшлари Москва, Санкт -Петербург, Қозон, Воронеж, Уфа ва ҳоказо университетларда ўқишади[6].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909 сонли “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети томонидан Россия Федерациясининг “Россия давлат жисмоний маданият, спорт, ёшлар ва туризм университети” 4 та мутахассис малака оширишга юборилди. 9 нафар профессор-ўқитувчи илмий-амалий анжуманлар, спорт мусобақалари ҳамда ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида сафарда бўлганлар. Жумладан, Россиянинг Поволжия давлат жисмоний маданият, спорт ва туризм университетида, П.Ф.Лесгафт номидаги Санкт-Петербург давлат жисмоний маданият, спорт ва саломатлик университетидан илмий-тадқиқот лабораториясини ташкил этиш бўйича маълумотлар олиб келинган, ўзаро тажриба алмашинилган. Хусусан, Россиянинг Поволжия давлат жисмоний маданият, спорт ва туризм университети профессор-ўқитувчилари ва талабаларига институт профессор-ўқитувчиларидан Г.Асатова «Вопросы учебного процесса в УзГУФКС: современное состояние и перспективы, “Узбекскому государственному институту – 60 лет: история и новые реалии”, Д.Сафарова “Сравнительная эффективность занятий различными видами аэробики на морфо – функциональные показатели девушек с избыточным весом тела”, Ф.Керимов “Влияние аскаридоза на иммунный статус и восприимчивость к острым респираторным инфекциям у спортсменов” мавзуларда маъруза қилишган[12].

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Хитой Халқ Республикасининг Таълим Вазирлиги ўртасида 1999 йил 8 ноябрдан белгиланган “Таълим соҳасида ҳамкорлик” тўғрисидаги шартнома доирасида Хитой олий таълим муассасаларида Ўзбекистоннинг қатор олий таълим муассасаларидан 40 та талаба, фан номзодлари, ва ёш мутахассислар амалиёт ўтамоқда[13].

2018-2019 ўқув йилида 3 нафар профессор-ўқитувчи Петербург давлат темир йўл университетига, 3 нафар профессор-ўқитувчи Н.Э. Бауман номидаги Москва давлат технологиялар университетига ва 1 нафар профессор-ўқитувчи Россия транспорт университетига малака оширишга юборилди[14].

**Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати**

1. Абдураҳмонов Абдумалик. Умидларни ушалтирган “Умид”... // Тошкент оқшоми, 1997 йил 5 сентябрь.
2. Саъдуллаева.Н. АКСЕЛС- изланиш манбаи // Туркистон, 2002 йил 1 август
3. Шукуров Ғ. Греноблдаги самарали мулоқат // Ўзбекистон овози, 2006 йил 17 июнь
4. Рустамов М.Фан ва тараққиёт ҳамкорликлари // Халқ сўзи, 2006 йил 29 август.

5. “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сон Қарори. 20.04.2017
6. http://tashiit.uz/xalqaro-loyihalar-va-grantlar/
7. http://tashiit.uz/xalqaro-loyihalar-va-grantlar/
8. Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиали 2018 йилги ҳисоботидан
9. Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиали 2020 йилги ҳисоботидан
10. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети 2018 йилги ҳисобот маълумотларидан.
11. https://student.uzbekistan.org.ua/news/oliy-ta-lim-sohasida-xalqaro-hamkorlik.html
12. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги жорий архиви. 2022 йил.

## ЎЗБЕКИСТОНДА АЁЛЛАР ТАДБИРКОРЛИГИ ВА КАСАНАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БОРАСИДАГИ ДАВЛАТ СИЁСАТИ

**Н.М.Рахматова – Навоий давлат педагогика институти тадқиқотчиси**

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг хотин-қизлар масаласи, хусусан, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, иш билан таъминлаш, бозор иқтисодиёти жараёнида тадбиркорлик, бизнес соҳасига жалб этиш масаласига катта эътибор берила бошланди. Шу йиллар мобайнида республикада хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини кўтариш, манфаатини ҳимоялаш, меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Бу эса қабул қилинаётган қонунлар, Президент фармони, қарорлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёевнинг қатор фармон ва қарорлари, айниқса, 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида хотин-қизлар борасидаги қатор мулоҳаза, таклиф ва тавсиялари юқоридаги фикр-мулоҳазаларга мантиқий жавоб бўлиб хизмат қилди.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, аёллар тадбиркорлиги республикада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни шакллантириш жараёнлари билан бевосита боғлиқ ҳолда ривожланди. Жумладан, 1990 йилларнинг бошларида тадбиркорликнинг жадаллик билан ривожланиши натижасида шаҳар ва қишлоқ жойларда кўплаб хотин-қизлар кичик бизнес билан шуғулланиб, кейинчалик уларнинг аксарияти кичик дўконлар ва корхоналар очишга муваффақ бўлишди. Бироқ шундай бўлса-да, ўтиш давридаги иқтисодий қийинчиликлар, иқтисодиётни таркибий қайта қуриш давлат секторида аёлларнинг иш билан бандлигининг пасайишига, ўзини ўзи ва касаначилик билан шуғулланувчи аёллар сонининг кўпайишига, уй хўжалигида ҳақ тўланмайдиган аёллар меҳнатининг кўпайишига ва аёллар ишсизлигининг ортишига сабаб бўлди. Шу билан бирга, бозор муносабатларига ўтиш жараёнида хотин-қизлар ўртасида ишсизлик даражасининг ўсиши, олий ва касбий таълим олиш салоҳиятининг пасайиши, айрим оилаларда патриархал муносабатлар тизимини қайта тиклашга уринишлар демократия ғояларига ёт турли сохта диний оқимларнинг пайдо бўлиши каби муаммолар ва бошқа иқтисодий-ижтимоий омиллар аёлларнинг иқтисодиётга тўлиқ киришига ўз таъсирини кўрсатди [4].

Айни пайтда бугунги глобаллашув даврида аёллар ва эркаклар ҳуқуқ ҳамда имкониятларининг тенглиги БМТ томонидан асосий қадриятлардан бири сифатида

тан олиниши билан биргаликда Ўзбекистонда ҳам бу сиёсатга давлат аҳамияти даражасида қаралди. Аёллар ҳуқуқларини кенгайтириш 2000 йилда 191 давлатнинг, шу жумладан, Ўзбекистоннинг, 147 нафар давлат раҳбарлари ва вакиллари қабул қилган ҳужжат – БМТнинг Минг йиллик Декларациясига мувофиқ шакллантирилган минг йилликнинг ривожланиш мақсадларидан бири бўлди [6]. Хориж тадқиқотчиларининг берган маълумотларига кўра, хотин-қизлар билимининг ошиши аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши билан боғлиқ бўлган [3].

Ўзбекистон мустақиллигини қўлга киритгандан кейин ўтган йиллар мобайнида меҳнат бозорида иштирок этиш кўрсаткичларида гендер тавофутлари сезиларли даражада мўътадиллашди. Расмий статистика маълумотларига кўра, аёллар меҳнат лаёқатига эга бўлган аҳолининг тахминан 48,8 фоизини ташкил қилди. Бу рақам ишчи кучи таркибида аёллар улуши 46 фоизга мос келди. 2000 йилларда унинг пасайиши кузатилди. XX асрнинг биринчи йиллиги охирига келиб Ўзбекистонда меҳнатга лаёқатли эркакларнинг 76,5 фоизи банд ёки ишсиз бўлган. Айни пайтда аёлларнинг иқтисодий фаоллиги даражасининг пасайиши унчалик кўламли бўлмади. 1991 йилдаги 73,2 фоиз кўрсаткич 2010 йилда 68,2 фоизга пасайди [6]. Экспертларнинг маълумотларига кўра, аёллар уй хўжалигидаги турли ишларни бажаришда эркакларга нисбатан беш маротаба кўпроқ вақт сарфлар экан [7].

2006 йилда давлат статистика органлари томонидан ўтказилган уй хўжаликларини танлов асосида тадқиқ қилиш маълумотларига кўра, аёллар маош тўланадиган фаолиятдан ташқари ўртача 8,87 соат вақтга эга бўлишар экан. Бу эркаклардан ана шу кўрсаткичдан 3,10 соат кўп бўлиб, амалда мазкур “қўшимча” вақтнинг барчаси уйдаги ишларни бажаришга ва оила аъзоларига қарашга кетади, бунинг учун аёллар деярли тўрт соат сарфлар экан, эркаклар эса бир соатгина вақтни бу ишга сарфлашади [8].

Қайд этиш лозимки, кейинги йилларда Ўзбекистон ишбилармон аёлларининг “Тадбиркор аёл” уюшмаси мамлакат иқтисодиётида бозор муносабатларини жорий этишда хотин-қизларнинг фаол иштирок этиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш, уларнинг тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, бизнесда ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш каби кўплаб аҳамиятга молик ишларни амалга оширди. “Тадбиркор аёл” уюшмаси аввал бошида аёллар тадбиркорлиги истиқболларини намоён этиш мақсадида 1991 йилда ўн икки нафар тадбиркор аёл томонидан ташкил этилган бўлиб, хотин-қизлар тадбиркорлигининг ижобий салоҳиятини очиб беришни ўз олдига мақсад қилиб олди. Уюшма иқтисодий ривожланиш ва тадбиркор аёлларни ҳимоя қилиш учун шароит яратди, хотин-қизларнинг ижтимоий ҳуқуқлари, уларнинг тадбиркорлигини ва ижтимоий ташаббускорлигини қўллаб-қувватлаш, инновацияларни жорий этиш орқали молиявий ва ахборот ресурсларидан фойдаланишни таъминлашга ёрдам бериш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш орқали иқтисодий билимларни ошириш, касбий қайта тайёрлаш ва хотин-қизларни фойдали иш билан таъминлаш учун турли таълим дастурларини амалга оширди [9]. Уюшмага 70000 га яқин тадбиркор аёл аъзо бўлиб, улар ўз фаолиятлари давомида жами 70000 дан зиёдроқ иш ўринларини ташкил қилишди.

Айни пайтда Ўзбекистонда аёллар ўртасида тадбиркорликни ривожлантиришга кредитлар ҳам ажратилди. Марказий банк маълумотларига кўра 2010 йилда тадбиркор аёлларга 264 млрд. сўм ажратилди, бу 2009 йилга нисбатан 30 фоизга кўп бўлди [11]. Бу вазифаларни амалга ошириш “Оила йили” давлат дастурини амалга ошириш доирасида ҳам кўзда тутилган бўлиб, у аҳолининг муносиб турмуш шароитларини яратиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, мазкур соҳага аёллар ва касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини

жалб қилишга йўналтирилди [1]. Умуман, мамлакатимизда аҳолини иш билан таъминлаш муаммоларини ҳал қилишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш билан бирга, хизмат кўрсатиш соҳаси ва касаначиликнинг турли шаклларини кенг жорий этиш, қишлоқ жойларда чорвачиликни ривожлантиришни рағбатлантиришга алоҳида аҳамият берилди [2].

Мамлакатимизда қўл меҳнатидан фойдаланиш, ишсизликнинг олдини олиш ва аҳолининг бандлигини таъминлаш, оила бюджети даромадларини таъминлаш, оила бюджетини кўпайтириш ва йирик корхоналар самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2006 йил 5 январда "Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосида ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-3707-сон Фармони қабул қилинди. Мазкур Фармонни амалга оширишни таъминлаш чораларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 11 январдаги 4-сон Қарори ва шу қарор юзасидан "Касаначилик тўғрисидаги Низом", 2008 йил 1 июлдаги "Касаначиликни ташкил этишни такомиллаштириш ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг уни ривожлантириш параметрлари бажарилиши юзасидан жавобгарлигини ошириш чора – тадбирлари тўғрисида"ги 146-сонли қарори амалиётга тадтиқ этилди.

Юртимизда касаначилик фаолиятининг юзага келиши ва ривожланиши тарихига эътибор берадиган бўлсак, унинг турли шакллари қадимдан мавжуд бўлган. Йирик ер эгалари, чорвачилик ва боғдорчилик маҳсулотларини уй хўжаликларига хом ашё сифатида етказиб бериш орқали калава иплар йигириш, гилам тўқиш, чорва моллари терисига ишлов бериш, қўй жунини қайта ишлаш, кийим – кечакларни бичиш ва тикиш, ипакчилик, мева қуритиш, темирчилик, заргарлик, ўймакорлик ва бошқа шу каби ишларни ўзаро келишув асосида бажаришган. Бунда масъулият асосан касаначи бўлган ва иш берувчига ортиқча талаб қўя олмаган. Совет даврида касаначилик асосида меҳнатни ташкил қилиш жуда суст ривожланди.

Мустақил Ўзбекистонда корхона ва касаначилик ўртасидаги муносабатлар "Касаначилик тўғрисидаги Низом" асосида тартибга солиш белгиланди. Бу Низомда меҳнат шартномаларини тузиш тартиби, кафолатлар ва мажбуриятлар ўз аксини топди. Шу жумладан, касаначининг меҳнатига ҳақ тўлаш тизими, таътил муддати, ижтимоий муҳофаза қилиш масалалари ҳамда иш берувчининг буюртмаси бўйича касаначи томонидан ишларни бажариш учун намуна меҳнат шартномасида белгилаб қўйилди.

Бундан ташқари республикада касаначилик фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантириш масалалари бўйича ҳуқуқий муносабатлар Фуқаролик Кодекси, Меҳнат Кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги, "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги "Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги, "оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги Қонунлар ва қонуности ҳужжатлар орқали амалга ошириш белгилаб олинди. Бу ҳужжатларда фуқароларга оила меҳнатидан фойдаланган ҳолда уй шароитида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишда касаначиликнинг турли шаклларини кенг ривожлантиришга реал имкониятлар яратиб берилди ва уларнинг ҳуқуқий ҳимояси таъминланди [10].

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан "Касаначиликни янада ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2017 йил 24 май Қарори, "Ҳар бир оила – тадбиркор" дастурини амалга ошириш тўғрисида"ги 2018 йил 7 июнь ПҚ-3777-сон Қарори кабилар ҳам қабул қилинди. Уларда касаначиликни янада ривожлантириш ҳамда замонавий асбоб-ускуна,

хомашё ва материаллар харид қилиш учун молиявий ресурслардан фойдаланишни кенгайтириш орқали оила даромадини оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу қарорлар корхона буюртмасига кўра меҳнат фаолияти юритувчи фуқаро ва корхона орасидаги кооперация шакли жорий қилинди. Чунки улар уй шароитидан узоқлашмаган ҳолда ўзларининг имкониятларига мос турли меҳнат турлари билан банд бўлишлари – ўз оилаларида яқин кишилари, меҳнатга лаёқатли фарзандларининг бўш вақтида ҳам улар билан биргаликда ибратли фаолият билан шуғулланишлари, бунинг орқасидан эса, ўзи ва оиласини иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлашини амалга ошириш имкони туғилди ҳамда бевосита касаначилик ҳаракатининг янада кенг ривожланишига туртки бўлиши билан бирга касаначиларга бир қанча янги имкониятларни очиб берди.

Бироқ таҳлиллар шуни кўрсатадики, аёллар касаначилик асосида иш билан номигагина таъминланмоқда. Яъни, “Устоз-шогирд” тизими асосида хотин-қизларни ҳунармандчиликка жалб этиш, касаначилик асосида ишга жойлаштириш борасидаги ишлар талаб даражасида эмас. Касаначилик асосида хотин-қизларнинг иш билан таъминланиши уларга қандай манфаат беряпти, ўз вақтида иш ҳақлари тўланяптими, деган саволларга жавоб йўқ. Иш берувчи ташкилотлар томонидан касаначи аёлларга етарли буюртмалар берилмаяпти, натижада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар харидорсиз қолиб кетмоқда, бу эса корхонанинг иқтисодий аҳволи ёмонлашишига олиб келиб, ойлик маошларга салбий таъсирини кўрсатиш ҳолатлари сезилмоқда. Шундай бўлса-да, жойларда жойларда тикув-трикотаж корхоналарида яратилаётган иш ўринлари ҳисобига хотин-қизларнинг бандлиги таъминланяпти.

**Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати**


1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 27 февралдаги “Оила йили” Давлат дастури тўғрисидаги қарори.
2. Бозоров А.Р., Мадихонов Ш.О. Аҳоли бандилигини таъминлаш иқтисодий муносабатларинг етуклик жаражасини белигиловчи муҳим омил // “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнал. 2017 йил. – №3. – Б.6.
3. Chen D.C. (2004). Gender Equality and Economic Development. The Role for information and Communication Technologies. Work Bank Policy Reserch Working paper 3285. – P.28.
4. Ўз МА, М-37-фонд, 1-рўйхат, 2565-иш, 17-варақ.
5. Ўзбекистондаги БМТТД ваколатхонаси. Таҳлилий маъруза. Бандликнинг самарали сиёсати: аёлларнинг меҳнат қилиш имкониятларини ошириш. – Б.6.
6. Ўзбекистондаги БМТТД ваколатхонаси. Таҳлилий маъруза. Бандликнинг самарали сиёсати: аёлларнинг меҳнат қилиш имкониятларини ошириш. – Б.6.
7. ЮНИСЕФ БМТТДнинг “Ўрта Осиёда аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш” мавзусидаги семинар материаллари. Женева. 2011. Сентябрь. – Б.25.
8. Ўзбекистондаги БМТТД ваколатхонаси. Таҳлилий маъруза. Бандликнинг самарали сиёсати: аёлларнинг меҳнат қилиш имкониятларини ошириш. – Б.13.
9. Махмудова Г. Роль неправительветвеных организаций в становлении и развити женского предпринимательства в Узбекистае // http://www.fpa.su
10. Ражабов Ў.Д. Касаначилик – бандлик ва оила бюджети даромадларини оширишнинг қўшимча манбаи // Иқтисод ва молия, 2017. – №6. – Б.10-14.
11. Ўзбекистондаги БМТТД ваколатхонаси. Таҳлилий маъруза. Бандликнинг самарали сиёсати: аёлларнинг меҳнат қилиш имкониятларини ошириш. – Б.17.

# V – ШЎЪБА. ҚАШҚАДАРЁ ТАРИХИ: ЎТМИШ ВА БУГУН

## ИБРОҲИМБЕК ҚЎРБОШИ ВА САФДОШЛАРИНИНГ ҚАШҚАДАРЁ ВА СУРХОНДАРЁ ВОҲАЛАРИДА ҚИЗИЛ АРМИЯГА ҚАРШИ КУРАШИ

***Қ.К.Ражабов – тарих фанлари доктори, профессор.***
***Ўзбекистон ФА Тарих институти бош илмий ходими***

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўттиз йиллигини нишонлаш арафасида мамлакатимиз сиёсий ва ижтимоий ҳаётида жуда катта воқеа юз берди. Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси ўринбосари Икром Муслимов раислигида 2021 йил 25 августда бўлган очиқ суд мажлисида совет даврида қатағон қилинган жами 6 та жиноят иши бўйича 115 нафар шахс ЖПКнинг 83-моддасига асосан оқланди. Бу оқлов ўттиз йил кечикиб бўлса ҳам амалга ошди. Реабилитация қилинганларнинг асосий қисмини Туркистоннинг йирик уламоси ва жадид тараққийпарвари Носирхон Тўра Саид Камолхон Тўраев ва бошқалар (92 нафар шахс), машҳур қўрбоши Иброҳимбек Чақабоев ва унинг сафдошлари (16 нафар шахс) ташкил қилади.

Бу муҳим воқеа мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 октябрдаги “Қатағон қурбонларининг меросини янада чуқур ўрганиш ва улар хотирасини абадийлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармойиши ижросини таъминлаш мақсадида қатағон қурбонларининг меросини янада чуқур ўрганиш, уларнинг хотирасини абадийлаштириш ишларини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш Республика ишчи гуруҳи ҳамда тарихчи олимлар олиб борган катта ва машаққатли меҳнат ҳамда илмий изланишлар натижасида амалга оширилди.

***

Иброҳимбек, Иброҳимбек Лақай, Мулла Муҳаммад Иброҳимбек Чақабой тўқсабо ўғли,Иброҳимбек Чақабоев (1889 – 1932) – Бухородаги энг машҳур қўрбоши. Шарқий Бухорода қизил армияга қарши курашган истиқлолчилик ҳаракатининг таниқли намояндаси. Шарқий Бухоро ва Ўрта Бухородаги истиқлолчилар қўшинининг Олий бош қўмондони (1921 – 1926).

Иброҳимбек Бухоро амирлиги ҳудудидаги Ҳисор беклигида (ҳозирги Душанбе яқинидаги Кўктош қишлоғида) ўзбек лақайлари уруғининг тўрт бўғинидан бири эсонхўжа шахобчасига мансуб амир амалдори Чақабой тўқсабо хонадонида 1889 йили туғилди [1]. Архив ҳужжатларида келтирилишича, Иброҳимбекнинг отаси Чақабой тўқсабо амир амалдори бўлган. Кўктошда тўқсабонинг катта ер-мулки бўлган. Асосан ўзбекларнинг лақай уруғи яшаган бу ҳудуд тарихий манбаларда Лоқай ёки Лақай деб келтирилади. Шунинг учун Иброҳимбек Чақабой ўғли кейинчалик Иброҳимбек Лақай сифатида машҳур бўлган [2].

Чақабой тўқсабонинг 4 нафар хотини бўлиб, улардан 6 нафар ўғил ва 6 нафар қиз кўрган. Лекин фарзандларнинг барчаси ёшлигида вафот этиб, фақатгина кенжа ўғил Иброҳимбек омон қолган. Иброҳимбекнинг отаси Чақабой қишлоқ оқсоқоли, Кўктош лақайларининг уруғ бошлиғи эди. Унга Бухоро амири томонидан 1870 йили мирохўр ва 1894 йили тўқсабо унвонлари берилган [3]. У 1912 йилда вафот этади.

Иброҳимбек ўз қишлоғидаги масжидга қарашли маҳаллий мактабда ва Ҳисордаги мадрасада сабоқ олади. Кейин амирликнинг Ҳисор беклигида хизмат қилган. Ёшлигидан жасур ва қўрқмас жангчи, қўл остидаги сарбозларга ғамхўрлик қилувчи моҳир қўмондон бўлиб етишган.

Иброҳимбек 1919 йилда Ҳисор беги ҳузурида қилган хизматлари эвазига қоровулбеги даражасига, кейинчалик Бухоро амири Саид Олимхон томонидан девонбеги, тўпчибоши, лашкарбоши лавозимига кўтарилган [4]. Иброҳимбекнинг уруғ оқсоқолларидан бири Абдуқаюм Парвоначининг қизига уйланганлиги кейинчалик унинг ҳаёти ва жамиятдаги мавқеига катта таъсир кўрсатди. Бу қизнинг исми Бибихадича бўлиб, Иброҳимбек ундан Ғуломҳайдар исмли ўғил кўрган.

Иброҳимбек отаси вафотидан сўнг 10 йилга яқин ўз қишлоғи ва ўз уруғидан алоҳида яшаган. Амир Саид Олимхон 1920 йил 2 сентябрда тожу тахтдан маҳрум бўлиб [5], Душанбега келган пайтда Иброҳимбек ҳам Кўктошга яна қайтиб келиб, унча катта бўлмаган хўжалик ишлари билан банд бўлган. Амир ўзининг кўпгина яқинлари билан 1921 йил баҳорида Афғонистонга ўтиб кетаётган пайтда ушбу ҳудудларда ҳам қизил армия қисмлари ва Усмон Хўжа бошчилигида инқилобий ғоя тарафдорлари бўлган Бухоро жадидларининг сўл қаноти вакиллари яқинлашгани сари вазият мураккаблаша бошлайди, жумладан, Иброҳимбекнинг ватани − Кўктош ҳам нотинч бўлиб, аҳоли нисбатан тинчроқ − тоғли қишлоқларга кета бошлайди. Иброҳимбек ҳам аҳолининг муайян қисми билан Балжувон беклиги ҳудудидаги лақайлар яшайдиган қишлоқлардан бирига кетади. У ерда бирор ойлар давомида тинчроқ яшагач[6], қизил армиянинг ҳужуми натижасида уруш бошланиб, юртни бошбошдоқлик, бетартиблик ва ваҳималар қамраб олади.

Бу орада Бухоро амирининг ишончли кишиси Эшон Султон ва Балжувон беги Давлатмандбийдан Балжувон беклиги ҳудудидаги лақайларга қизил армия қўшинлари ва жадидларга қарши курашиш учун бирлашишга чақирувчи чопарлар, хат ва чақириқлар кела бошлайди. Юборилган мактуб ва мурожаатномаларда Эшон Султон Дарвозда ўз одамлари билан истеҳком олгани, Англия, Афғонистон ва бошқа давлатлар совет ҳокимиятига қарши курашда Саид Олимхонга ёрдам бериши ҳамда лақайлар ҳам ушбу курашда фаол иштирок этиши лозимлиги айтилар эди. Бундай чақириқ, илтимос ва мурожаатларга қўшилган ҳолда лақайлардан дастлаб Абдуқаюм Парвоначи, Баротбек ва Тоғай Сари (Тоғай Бобо) бошчилигида бир қанча қуролли гуруҳлар тузила бошланди. Иброҳимбек ҳам ўз қайнотаси бўлган Абдуқаюм Парвоначи бошчилигидаги ҳарбий гуруҳга дастлаб йигит – яъни аскар бўлиб киради. Шу тариқа Иброҳимбекнинг ҳарбий фаолияти бошланади[7].

Асосан лақайлардан иборат бўлган уч ҳарбий гуруҳ: Абдуқаюм Парвоначи, Баротбек ва Тоғай Сарилар икки ойлар давомида Балжувон беклиги ҳудудидаги Кангурт ва Оқсув атрофларида қизил армия ҳамда жадидларнинг сўл қаноти вакилларига қарши фаолият олиб бориб [8], Кўлоб ҳудудларида қатор муваффақиятларни қўлга киритади. Бу даврда Иброҳимбек сиёсий саҳнада ҳарбий фигура сифатида ҳали намоён бўлмаган эди.

1921 йилнинг баҳорида Абдуқаюм Парвоначи Данғара атрофида Қоратовдаги ҳарбий амалиётлар жараёнида от босиши натижасида жиддий шикастланган[9], натижада ҳарбий гуруҳга бошчилик қилиш мураккаблашади ҳамда ўзининг куёви ва бошқа йигитларга нисбатан журъатлироқ, характерида ташкилий қобилияти устун бўлган Иброҳимбекни 1921 йил ёзида ўзига ўринбосар этиб тайинлайди[10].

Абдуқаюм Парвоначининг бетоблиги сабаб, ҳарбий амалиётларда бутун фаолият ва масъулият Иброҳимбекнинг зиммасига тушади. Худди шундай шароитда Эшон Султон ва бошқа қўрбошиларнинг талаби билан ҳарбий фаолиятни давом эттириш ҳамда Шарқий Бухородаги бошқа қўрбошиларни қўллаб-қувватлаш учун Иброҳимбек бошчилигидаги лақай қуролли гуруҳлари Балжувон беклиги ҳудудидан Ҳисор беклиги ҳудудига ўтади. Бу даврда Иброҳимбек бир неча зафарли ҳарбий амалиётларни бошқариб, ҳарбий ва сиёсий жабҳада етарли обрў-эътибор орттириб

улгурган эди. Иброҳимбек Ҳисорда аҳоли томонидан бек қилиб сайланади ва у ерда 2 – 3 ой мобайнида яшаб, қизил армияга қарши кескин жанглар олиб борган [11].

Иброҳимбек амирлик тузуми ағдариб ташлангач, 1921 йил бошларидан бошлаб Шарқий Бухородаги қўрбоши гуруҳларига умумий раҳбарлик қилиб (туркиялик ҳарбий саркардалар Анвар Пошо ва Салим Пошо Шарқий Бухорога келган давр бундан мустасно), босқинчи қизил армия ва совет режимига қарши мустақиллик ва озодлик курашини бошлади.

Иброҳимбек 31 ёшида совет давлатига қарши кураш майдонига кирар экан, ўз олдига Бухоро тупроғини қизил аскарлардан тозалаб, ағдариб ташланган амирлик тузумини қайта тиклаш ва салтанатни Саид Олимхон қўлига олиб беришни асосий мақсад қилиб қўйди. Шунинг учун ҳам у курашга кирган дастлабки кунларданоқ собиқ амир Олимхон томонидан моддий ва маънавий жиҳатдан ҳар томонлама қўллаб-қувватланди ва рағбатлантирилди.

Иброҳимбек қўрбошининг номи ҳам машҳурликда бу даврда Анвар Пошоникидан сира қолишмас эди. Лекин уларнинг фикрлаш тарзи, жанг қилиш усуллари ва ҳаракатларида катта фарқлар бўлган.

Бироқ Анвар Пошонинг ҳалокати ва Салим Пошонинг Афғонистонга чиқиб кетиши оқибатида бутун Бухородаги қизил армияга қарши қуролли ҳаракат Иброҳимбек тимсолида яна аввалгидек ўзининг ягона қўмондонига эга бўлган. Иброҳимбек Ғарбий Бухоро (Бухоро, Кармана ва Нурота вилоятлари)даги қўрбошилар гуруҳларига умумий раҳбарликни ҳам ўз қўлига олади [12].

Иброҳимбек қўл остига фақат Шарқий Бухорода 47 та қўрбоши дасталари ҳаракат қилар, аскарларининг сони Ҳисорнинг ўзида 20000 киши эди. 1923 йил ёзида у Ҳисор водийси ва Панж дарёси атрофида қатор муваффақиятли ҳарбий ҳаракатларни ўтказди. 1925 йил январда Иброҳимбек Сурхон воҳасида, Шеробод – Бойсун атрофларида қизил аскарларга қарши муваффақиятли кураш олиб борган [13].

Бу даврда Иброҳимбек бошчилигида Бухоро қўрбошиларининг кўплаб қурултойлари ўтказилди. Масалан, Ҳисорда 1924 йил 31 декабрда бўлган Бухоро қўрбошиларининг навбатдаги қурултойида Иброҳимбек Шарқий Бухорода ҳаракат қилаётган бутун ҳарбий гуруҳларни ягона қўмондонлик остига бирлаштириш ва уларнинг фаолиятини ошириш тўғрисида, янги қўрбоши дасталари тузиш ва уларни жанг қилиш усуллари, аҳоли билан муносабатлари хусусида махсус кўрсатмалар берди. Қурултойда Ғарбий Бухородаги йирик бойлар томонидан ёрдам сўраб юборилган мактубни Иброҳимбек ўқиб эшиттиради. Мурожаатдан сўнг, Иброҳимбек Шеробод-Бойсун атрофида қизил армия қисмларига қарши ўзининг зафарли юришларини ўтказган эди. Қурултой тугагач, унинг иштирокчиларидан бири Асадуллабек томонидан кўргазмали ҳарбий машқлар ўтказилади. Иброҳимбек қўрбоши эса ўзининг мингга яқин йигити билан Вахш дарёсининг ўнг соҳилидан ғарбга – Сурхон воҳаси, Шеробод ва Бойсун томонларга қараб, 1925 йил январ ойининг бошларида намойишкорона назорат кўриги ўтказди [14].

Иброҳимбекни Сурхон воҳаси истиқлолчиларининг етакчиси Хуррамбек қўрбоши билан ҳам муносабатлари анча кескин бўлган. Хуррамбек ўзбек қўнғиротларининг хуштамғали уруғидан бўлган. У қизил армияга қарши курашаётган барча қўнғиротларга ўзи раҳбарлик қилмоқчи бўлади. Хуррамбекнинг бундай ўзбошимчалиги Иброҳимбекнинг жаҳлини чиқарган. Сурхондарёдаги бутун қўрбошилар дасталари Иброҳимбек қўл остида бирлашиб қизил армияга қарши қатъий хужумга ўтганларида Хуррамбек унга бўйсунишдан бош тортиб ўз ҳолича иш юритган. Бу ҳақда совет чекистларининг маълумотларида сўз боради [15].

Бу низолардан хабар топган Бухоро амири Саид Олимхон бош қўмондон Иброҳимбек ҳузурига Бекбой Қоровулбеги деган вакилини жўнатади. Бекбой ёрдамида Саид Олимхон қўрбошилар ўртасидаги айрим ихтилофларни бартараф қилишга ва энг аввало Иброҳимбек билан Хуррамбек орасидаги келишмовчиликларни йўқотишга муваффақ бўлади [16].

«Иброҳимбек – бутун Шарқий Бухородаги марказий сиймо» [17], деб ҳатто совет расмий ҳужжатларида ҳам тан олинади. Ўрта Осиёда миллий-ҳудудий чегараланиш ўтказилгач, у 1925 – 1926 йилларда ҳозирги Тожикистон ва Ўзбекистоннинг тоғлик вилоятларида кураш олиб боради. Иброҳимбек қўрбоши 1926 йил 21 июнда кескин жанглардан сўнг Афғонистон ҳудудига ўтиб кетишга мажбур бўлади.

ВКП (б) МК Ўрта Осиё бюроси биринчи котиби И.А. Зеленский томонидан 1926 йил 6 сентябрда ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси “босмачилик”ка қарши кураш Марказий комиссиясининг фаолияти ҳақида бюро пленумида қилинган ҳисобот маърузада айтилишича, Иброҳимбек хорижга ўтиб кетгач, унинг оиласи: онаси ва икки хотини асирга олинган [18]. Расмий ҳужжатларда уларнинг кейинги тақдири ҳақида айтилмайди. Бироқ совет ҳокимияти томонидан улар отиб ташланганлигини тахмин қилиш мумкин. Бу пайтда Сурхондарё истиқлолчиларининг энг йирик йўлбошловчиси Хуррамбек қўрбоши ҳам Афғонистонга жўнаб кетган эди.

1931 йил бошларига келганда Иброҳимбек ўз ҳаракатини фаоллаштириб, муҳожирларнинг тарқоқ кучларини яна бирлаштирди. Бунинг устига Нодиршоҳ режими билан туркистонлик муҳожирлар ўртасидаги зиддиятлар анча кучайди. 1930 йил ёзидаёқ афғон ҳукумати қуролли куч билан муҳожирларни тугатишга киришган ва Иброҳимбекка қарши кураш бошлаган эди. 1931 йил 30 мартда Иброҳимбек 1500 кишилик сараланган қўшини ва 8 нафар қўрбошиси билан Ватан тупроғига қадам қўйди. Унинг қўшини сафида Нодира қиз дастаси ҳам бўлган. Нодира қиз аёллар ва қизлардан тузилган махсус ҳарбий гуруҳга бошчилик қилган. Ўша даврга оид Ўрта Осиё чегара қўшинлари ОГПУ бошқармаси маълумотларида айтилишича, «Иброҳимбек СССР ҳудудига кирар экан, унинг аниқ сиёсий режаси бор эди...» [19]. Дарҳақиқат, Иброҳимбек ўз олдига асосий мақсад қилиб мустабид совет режими ва коммунистик мафкурага қарши курашни қўйган эди.

Иброҳимбек билан Афғонистондан совет ҳудудига 1931 йил 30 мартда Абдуқаюм Парвоначи, Полвон додхоҳ, Бой Назар, Хонжон, Мулла Ниёз Парвоначи, Абдуқодир Иноқ, Алимардон додхоҳ, Исохон Эшон, Эрназар, Кўганбек ва Тошмат додхоҳ каби машҳур қўрбошилар ҳам ўтишган [20]. Расмий маълумотларда келтирилишича, Иброҳимбек қўрбоши билан ҳаммаси бўлиб 400 нафар йигит Амударёдаги Чубек кечувидан ўтиб, мамлакат ичкарига киришган [21].

Айнан ўша куни Багарик кечуви орқали бурдюк мешларда совет ҳудудига Эгамберди ботир ўзининг 200 нафар йигити билан ўтади. Орадан бир неча кун ўтгач, Чубек орқали Ортиқ додхоҳ ҳам ўзининг 200 нафар йигити билан ўтади. У билан биргаликда Ғулом Ҳусайнхон, Ғулом Қодирхон ва Мамед Ҳошимхон ҳам 50 – 60 йигитдан иборат ўз гуруҳлари билан кечувдан ўтишган. Кейинчалик совет ҳудудига Мулла Холдор ва Мулла Жўра Даҳан ҳам ўз йигитлари билан чегарадан ўтган. Улар билан Иброҳимбек Боботоғда учрашган. Учрашувдан кейин Мулла Холдор ва Мулла Жўра Даҳан гуруҳи номаълум тарафга жўнаб кетган [22].

Иброҳимбек қўшинлари сафига ўз юртида кўплаб ватанпарварлар келиб қўшилди. САВО қўмондони ўринбосари И.К.Грязнов бошчилигидаги катта ҳарбий кучлар Иброҳимбек йигитларига қарши 10 апрелда ҳужумга ўтишди. Совет аскарларига ОГПУ отрядлари ҳам ёрдамга келди. Апрел-май ойларида Иброҳимбек қизил аскарларга қарши қақшатқич жангларни ўтказди. У омонсиз олишувлар билан

Вахш дарёсининг ўнг қирғоғига чекинди, май ойида ҳаракатни Боботоғга кўчирди. 1931 йил 12 июнда Оқбоштоғда сўнгги ва шиддатли муҳораба бўлди. Иброҳимбек яраланди ва жангни бой берди.

1931 йил 23 июнда ОГПУ қўшинлари 10-отлиқлар полки 2-дивизиони жангчилари ва чекистлар томонидан Иброҳимбек ярадор ҳолатда қўлга олинди. У зудлик билан аввал Сталинобод (ҳозирги Душанбе), сўнгра Тошкентга олиб келинди. Чекистлар томонидан ўтказилган тергов ва даҳшатли қийноқлар ҳам Иброҳимбекнинг маънавий иродасини бука олмади. Бу пайтда Иброҳимбек билан бирга Ватан тупроғига қадам қўйган бошқа қўрбошилар ҳам қўлга олинган эди.

1931 йил 25 июндан то 1932 йилнинг 12 апрелигача Иброҳимбек ҳамда Шарқий Бухорода 1920 – 1931 йилларда қизил армияга қарши ҳаракат қилган яна 15 нафар қўрбоши ҳам чекистлар томонидан Тошкентда сўроқ қилинди. Иброҳимбек бошчилигидаги бу қўрбошилар-нинг ҳаммаси СССР ХКС ҳузуридаги ОГПУ коллегияси мажлисининг 1932 йил 13 апрелдаги қарорига биноан ўлим жазосига ҳукм қилинди. Шу ўринда сиёсий идоранинг махфий ҳужжатига мурожаат этамиз: “1. Иброҳимбек Чақабоев. 2. Сулаймон Салоҳиддинов (Эшони Судур). 3. Абдуқаюм Парвоначи Улаев. 4. Эшон Исохон Мансурхонов. 5. Алимардон Додхоҳ Муҳаммедов. 6. Ортиқ Додхоҳ Аширов. 7. Кўганбек Кенжаев. 8. Тошмат Хўжабердиев. 9. Мулла Ниёз Парвоначи Ҳакимов. 10. Алет [Арлот] Полвон Элмирзаев. 11. Шоҳасан Имонқулов. 12. Кўганбек Шералиев. 13. Мулла Аҳмад Бий Саидов. 14. Мирзақаюм Шеров. 15. Азим Марқа Остонақулов. 16. Эшон Полвон Баҳодирзода отишга ҳукм қилинди” [24].

ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги фавқулодда вакиллиги томонидан 1932 йил 10 сентябрда Москвага йўлланган телеграммада кўрсатилишича, бу ҳукм 13 нафар қўрбошига нисбатан 1932 йил 10 августда, Иброҳимбекка нисбатан 31 августда Тошкент шаҳрида ижро этилган [25]. Иброҳимбек қўрбоши 43 ёшида ҳалок бўлган. Мулла Ниёз Парвоначи Ҳакимов қамоқхона касалхонасида вафот этганлиги учун унга нисбатан ўлим ҳукми ижро этишнинг иложи бўлмаган.

Иброҳимбек ўз юртида қамоққа олингач, унинг Афғонистондаги оила аъзолари ҳам таъқиб этилади. Афғон маъмурияти унинг завжасини Қалъаи Хумдон номли қамоқхонага ташлайди. Иброҳимбекнинг Афғонистонда қолган оила аъзоларидан ҳам кўпчилиги ҳалок бўлган.

**Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон ФА Тарих институти архиви, 2-дафтар, 45-варақ.
2. Қаранг: Ражабов Қ. Истиқлол шаҳидлари. Бухоро қўрбошилари // “Шарқ юлдузи” (Тошкент). 2002. Тўртинчи фасл. – Б. 107; Назаров Н. Муҳаммад Иброҳимбек лақай. Серия «Рабочие документы ИФЕАК». Выпуск 20. − Тошкент, 2006. – Б. 14-15.
3. Ўзбекистон ФА Тарих институти архиви, 2-дафтар, 45-варақ.
4. Ражабов Қ. Иброҳимбек // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Том 4. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёт, 2002. – Б. 64-65.
5. Ражабов Қ. Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш. – Тошкент: “Маънавият”, 2002. – Б. 28.
6. Ўзбекистон ФА Тарих институти архиви, 2-дафтар, 45 – 46-варақлар.
7. Ўзбекистон ФА Тарих институти архиви, 2-дафтар, 46-варақ.
8. Ўзбекистон ФА Тарих институти архиви, 2-дафтар, 46-варақ.
9. Назаров Н. Муҳаммад Иброҳимбек лақай. Серия «Рабочие документы ИФЕАК». Выпуск 20. − Тошкент, 2006. – Б. 17.

10. Ўзбекистон ФА Тарих институти архиви, 2-дафтар, 46-варақ.
11. Ўзбекистон ФА Тарих институти архиви, 2-дафтар, 46-варақ.
12. Ражабов Қ. Истиқлол шаҳидлари. Бухоро қўрбошилари // “Шарқ юлдузи” (Тошкент). 2002. Тўртинчи фасл. – Б. 109.
13. Ражабов Қ. Иброҳимбек // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Том 4. – Б. 64.
14. Пограничные войска СССР. 1918-1928. Сборник документов и материалов. – Москва: «Наука», 1973. – С. 610, 613-614.
15. Пограничные войска СССР. 1918-1928. Сборник документов и материалов. - С. 615-616.
16. Ражабов Қ. Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш. – Б. 35.
17. Пограничные войска СССР. 1918-1928. Сборник документов и материалов. – С. 620.
18. Пограничные войска СССР. 1918-1928. Сборник документов и материалов. – С. 700.
19. Бу ҳақда қаранг: Пограничные войска в СССР. 1929 - 1938. Сборник документов. – Москва: “Наука”, 1972. – С. 182.
20. РГАСПИ (Россия давлат ижтимоий-сиёсий тарихи архиви), 2-фонд, 1-рўйхат, 23181-иш, 6-варақ.
21. РГВА (Россия давлат ҳарбий архиви), 25895-фонд, 1-рўйхат, 870-иш, 141-171-варақлар; 875-иш, 53-57-варақлар.
22. Густерин П. История Ибрагим-бека. Басмачество одного курбаши с его слов. Saarbrucken: LAP LAMBERT, 2014. – С. 7.
23. Бу ҳақда қаранг: Ўзбекистон давлат хавфсизлик хизмати архиви, 577051-иш, 3-жилд (уч жилдлик); Назаров Н. Муҳаммад Иброҳимбек Лақай. Тўлдирилган 2-нашри. – Тошкент, 2007. – Б. 133 – 134; “Шарқ юлдузи”, 2004. № 1. – Б. 50.
24. Ўзбекистон ФА Тарих институти архиви, 2-дафтар, 5-варақ.

## XX АСР 50-80 ЙИЛЛАРИ ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ҚАЗИЛМА КОНЛАРИ ВА УНИНГ МАМЛАКАТ ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИДАГИ ЎРНИ

***Х.Э.Юнусова – т.ф.д., профессор. Ўзбекистон Миллий университети***

Ўзбекистон нефть-газ саноати мамлакат энергетика хавфсизлигини таъминлаш нуқтаи-назаридан иқтисодиётнинг стратегик соҳаларидан бири ҳисобланган. Ўзбекистонда нефть ва газ заҳиралари, уларни қидириш ва ўзлаштириш мамлакатнинг энергетика хавфсизлигини таъминлаш имконини берган. Ўзбекистонда Менделеев даврий жадвалининг деярли барча элементлари топилган. Ҳозирда ҳам, республикада 2900 дан ортиқ фойдали қазилма конлари ва улар намоён бўлган истиқболли жойлар, 100 хилга яқин минерал хом ашё қидириб топилган, шулардан тахминан 65 туридан саноат ва хўжалик ҳаётида фойдаланиб келинади. 1000 га яқин кон, шу жумладан, 168 та нефть, газ ва конденсат кони, 51 та қимматбаҳо металлар кони, 41 та рангли, нодир ва радиоактив металлар кони, 3 та кўмир кони, 22 та кон-маъдан, 14 та кимёвий ва 24 та ярқирама тош хом ашёси кони, 522 та турли мақсадда фойдаланиладиган қурилиш материаллари ва 151 та қурук ва минерал ер ости сувлари конлари қидириб топилган. Ҳозирда уларнинг 45 фоизи ишлатишга жалб қилинган. Республиканинг умумий минерал ашё салоҳияти тахминан 3.5 триллион долларни ташкил қилади. Ишлатиш учун тайёрлаб қўйилган фойдали қазилмалар заҳиралари 1025 млрд. АҚШ долларига баҳоланмоқда. Шуни

қайд қилиш керакки, республикада нисбатан қисқа муддат ичида 200 млрд доллар миқдорида хом ашё қазиб олинди.[2]

Совет давлати ҳукмронлиги йилларида республика рангли ва қора металлургия саноатини барпо этиш учун хом ашё ресурсларини қидириб топиш ва улардан фойдаланиш, натижасида Ўзбекистонда саноат ишлаб чиқаришнинг бу металларга бўлган талабини қондирибгина қолмай, балки совет иттифоқининг саноати учун ҳам рангли металл етказиб бериш, кимё саноатини кенгайтириш, қишлоқ хўжалигининг, айниқса, пахтачиликнинг қишлоқ хўжалик машиналарига, тракторларнинг заҳира қисмлари ва деталларига бўлган талабини қондириш, кўчириб келтирилган корхоналар, шунингдек, аввал мавжуд бўлган қатор тармоқлар малакали ишчиларга ниҳоятда муҳтожлигини назарда тутиб, ишчи кадрлар тайёрлашни кучайтириш[4], хом ашё заҳираларини аниқлаш[15] кабиларни амалга ошириш белгилаб берилди.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон ер бағрида жуда кўп катта нефть ва табиий газ конлари бўлиб, бу борада фан соҳасида ютуқлар ҳам қўлга киритилди. Ўзбекистонда учта институт – нефть ва газ заҳиралари геология ва разведка институти (ИГИРНИГМ), Газ саноати Ўрта Осиё илмий –тадқиқот инситути (СредазНИИГАЗ), Нефть саноати Ўрта Осиё илмий –тадқиқот институти (СредазНИПИнефть) фаолият кўрсатди[14]. СредазНИПИнефть Ўрта Осиёда нефть қидириш ишларини олиб боришда бир қатор лойиҳалар устида иш ҳам олиб борди. Масалан, 1976 йилда ташкилот 24 мавзуда илмий - тадқиқот ишлари олиб борган бўлса, “Узбекнефть”га оид 508,0 минг рубллик 13 та лойиҳа, “Тожикнефть”га оид 155,0 минг рубллик 6 та лойиҳа, “Қирғизнефть”га оид 127,0 минг рубллик 5 та лойиҳа устида иш олиб борди[16]. Бу лойиҳаларда алоҳида минтақа ва майдонлар ўрганилди, Фарғона, Сурхондарё, Бухоро-Қарши ерларидаги нефть заҳиралари чуқур таҳлил қилинди.

Ўзбекистонда мамлакатнинг бошқа минтақаларига нисбатан геология қидирув ишларининг таннархи 1,5-3 баравар кам бўлган. Масалан, геология – қидирув ишлари иттифоқ бўйича ўртача ҳисобда олтин бўйича 3,5, мис бўйича 2 баравар, қўрғошин бўйича 15-20 фоиз самарадор бўлган бўлса, 1965-1970 йилларда нефть қазиб чиқариш бўйича қидирув самарадорлиги бир метрга 64 тоннани, газ бўйича бир метрга 444 минг куб метрни, нефть бўйича 1971-1975 йилларда бир метрга 58 тоннани, газ бўйича 629 куб метрни ташкил этган[3].

Совет ҳукуматининг топшириғи билан олимлар йиллар давомида бу ерда конларни қидириб топиш ишлари билан шуғулландилар. Дастлаб академик И.М.Губкин ва кейинчалик унинг шогирдлари Ўзбекистонда газ конларини қидириш ишларини олиб бордилар. Геологик қидирувлар натижасида Фарғона водийсида ва ғарбий Ўзбекистонда газнинг катта заҳиралари борлиги аниқланди. Ғарбий Ўзбекистонда Газли кони мамлакатдаги энг йирик конлардан бири бўлиб қолди. 1950-1960 йиллардан бошлаб, Ўзбекистон геологлари янги районлардан фойдали қазилмалар, шу жумладан, нефть ва газ конлари топдилар. 1953 йилдаги қидирув ишларида Сеталан тепада газ конлари топилди. Ундан сўнг Саритош, Қоровул бозор, Жарқон конлари топилиб, бу конлар кейинчалик Когон гуруҳи деб аталди[10]. Шунингдек, Газли, Шимолий Муборак ва Жанубий Муборак, Учқир, Ўртабулоқ, Кўлитак, Палук, Янгиқозон, Адамтош, Шахпахти, Оққум, Қандим, Дояхотин сингари газ конлари топилди [1]. Умуман, 1966-1970 йиллар ичида Ўзбекистон ССР Геология вазирлигига қарашли геология-қидирув ташкилотлари томонидан 16 та нефть ва газ кони топилган бўлса, шу давр мобайнида газ - 274,8 млрд. м3 га ва газнинг тўпланиши 7.8 млн. тоннага кўпайди. Умуман, биргина 1970 йилдаги амалга

оширилган геологик-қидирув ишларининг ўзига республикада 139 млн. рубль ажратилди [5].

Шуниндек, республикада табиий газ заҳиралари миқдор жиҳатдан хилма-хил бўлиб, бу Бухоро вилоятида 75 фоиз, Қашқадарё вилоятида 15 фоизга яқинни ташкил қилди. Айни пайтда бутун мамлакатдаги энг узун газ қувурларидан бири Ўзбекистонда бўлди. Узунлиги 767 км.дан иборат газ қувури [11] Ўрта Осиё иқтисодий районига кирувчи республикалар ва Уралдаги саноат корхоналарини газ билан таъминлади.

Самарқанд-Қарши иқтисодий районидаги қазилма бойликлар ҳам нафақат республика, балки мамлакат манфаатларига хизмат қилди. Республиканинг жанубий-ғарбий қисмидан айниқса, Қашқадарё вилоятида қатор табиий газ конлари топилиб, улардан фойдаланиш тизими йўлга қўйилди. Натижада Ўзбекистон мамлакатнинг асосий ёқилғи базасига айланиб борди. Ўз навбатида геология – қидирув ишлари ҳам жадаллик билан давом эттирилиб, 1950 - йиллар охири 1960 йиллар бошида Қарши – Муборак даштларидаги бир неча майдонларда янги нефть-газ қидирув вишкалари ўрнатилди. “Шўртепа”, “Шўрчи”, “Карим”, “Хўжахайрон”, “Қорахитой”, “Жанубий Муборак”, “Шимолий Муборак” сингари бир неча нефть - газ конлари аниқланди. Жумладан, газ заҳираси 65 млрд. куб.га тенг бўлган Жанубий Муборак ва Шимолий Муборак конлари энг катта конлардан бўлиб. У 1958 йилда топилди. “Қаршинефтегазразведка” трестининг Ҳисоролди Экспедицияси 1962 йилда Одамтош конини топиб, Ҳисор тоғининг жанубий-ғарбий тизмаларида нефть ва газнинг кўплиги ҳақидаги қарашларни тасдиқлади. 1968 йилда шу тумандан Гумбулоқ кони ҳам топилди.

1969 йилда “Қаршинефтегазразведка” трестида ишлаб чиқаришга рационализаторлик ва ихтирочилик таклифларини жорий этиш билан 1.2 млн. рублда иқтисодий фойда олинди[6]. 1970 йилда “Қаршинефтегазразведка” тректи бўйича табиий газ запасларини қидириб топиш беш йиллик режаси 102 фоизга, нефть заҳираларини кўпайтириш 109,7 фоизга бажарилди. Шунингдек, 7 та конда нефть ва газ борлиги аниқланди, 3 та кон фойдаланишга топширилди, 1 та кон пармалашга ҳозирлаб қўйилди[7].

1972 йил август ойида Ўзбекистон КП Қашқадарё область партия комитети “Қаршинефтегазразведка” тресги жамоасининг тўққизинчи беш йилликдаги ижтимоий – иқтисодий ва техника тараққиёти бўйича комплекс режани кўриб чиқиб, уни маъқуллади. Унга кўра кундалик ва келажакдаги иш режаларини, социалистик мажбуриятлар ва ижтимоий тараққиётнинг режасини бир-бирига боғлиқ ҳолда амалга ошириб борилиши тавсия этилди. 1974 йилда “Қаршинефтегазразведка”, “Бухоронефтегазразведка”, “Ўзбекнефтегеофизика” трестлари ва Қорақалпоғистон чуқур пармалаш экспедицияси базасида Қарши шаҳрида “Ўзбекнефтегазразведка” бирлашмаси ташкил этилди. Бирлашма таркибига пармалаш ташкилотларидан ташқари геофизиклар коллективлари, Бухоро ремонт – механика заводи ҳамда нефть ва газ конларини қидириб топиш институти коллективлари ҳам киритилди. Натижада Ўзбекистонда қидирув ва разведка ишларини янада тезлашди.

1964 йилнинг 1 январида “Шўртепа” кони негизида, Муборак темир йўл вокзали яқинида, 1957-1959 йилларда очилган “Шарқий нефть-газ разведка” корхонасига қарашли биноларнинг бир қисмида “Когоннефтгаз” бошқармаси ҳисобида “Муборак” нефть газ қазиб чиқариш кони ташкил этилди. Ўша йилнинг ўзида “Шўртепа”да дастлабки бешта нефть-газ қудуқлари ишга туширилди. Кейинги йили 10-12 та қудуқ фойдаланишга топширилди.

1966 йили “Жанубий Муборак” конидан илк бор газ қазиб олиниб, “Шимолий Муборак”да бир неча қудуқлар бурғаланди ҳамда маҳсулот қазиб чиқаришга тайёр

ҳолатга келтирилди. 1966 йилда йирик заҳирага эга бўлган бу конлар негизида “Қашқадарёгаз” газ конлари бошқармаси ташкил этилди. Ишлаб чиқаришга тайёр ҳолатга келтирилган мазкур конлардан мамлакат Халқ хўжалиги эҳтиёжларида фойдаланиш мақсадида Россиянинг Саратов шаҳридан газ саноатига қарашли лойиҳалаш ва илмий тадқиқот институти ходимлари қурилиши режалаштирилган “Муборак - Зирабулоқ - Тошкент - Чимкент - Фрунзе (Бишкек) - Олма-ота” магистрал газопроводи лойиҳасини ишлаб чиқдилар [9]. Узунлиги 1300 км.дан ортиқ бўлган бу газ қувури қурилиши 1964 йилда бошланиб, 1966 йилнинг октябрь ойида унинг Тошкентгача бўлган қисми қуриб битказилди. Кейинчалик Қирғизистон СССР ва Қозоғистон ССРнинг жанубий вилоятлари ҳам бу газ қувуридан фойдаланишга ўтдилар.

Жанубий Муборак ва Шимолий Муборак конлари гази таркибидаги газ конларидан олинган хом ашёда кам миқдорда бўлсада олтингугурт водороди борлиги сабабли уни қайта ишлаш эҳтиёжи бор эди. Айниқса, Ўртабулоқ кони газидан олинган намуналар илмий - тадқиқот институтларида таҳлил этилганида, мазкур газ кони таркибида 4-5 фоизгача олтингугурт водороди илмий асослангач, даштда газни қайта ишлайдиган иншоот қуришни тақазо этди .

СССР Газ саноати вазирлиги Қарши чўлидаги “Муборак” наслчилик хўжалик марказига яқин жойда газни олтингугуртдан тозаловчи йирик корхона қуриш лойиҳасини тайёрлаб, уни ҳукуматга тасдиқлашга тақдим этди. Катта маблағ талаб қилганлиги сабабли бу масала анча вақтга ҳал этилмади. Мутахассислар томонидан корхона қурилишига кетадиган ҳаражат тезда қопланиши ҳамда олтингугуртнинг ўзи кимё ва мудофаа саноати учун зарур хом ашё эканлигини асослаб берилганидан сўнг завод қурилишига руҳсат берилди. Мамлакатда бундай заводлар кам бўлганлиги боис, заводни қуриш лойиҳаси Саратов шаҳридаги “Востокгипрогаз”, Москва “Гипрогазочистка” институтлари олимлари ва инженер-техник ходимлари томонидан тайёрланди. О.Жўрақуловнинг ёзишича, завод қурилишига 88 млн. рублдан ортиқ маблағ сарфланиши белгиланиб, завод ишга тушгач бу маблағ 2.5 йилда тўла қопланиши ҳисоблаб чиқилди [8].

1966 йил октябрда СССР Газ саноати вазирлиги “ВНИПИ газдобыча” илмий - тадқиқот ва лойиҳалаш институти завод қурилиши бўйича тайёрланган лойиҳани тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилди. 1967 йил август ойида Ўзбекистон ҳукуматига Қашқадарё вилояти ҳамда республика қишлоқ хўжалиги вазирлигига Муборак газ-олтингугурт заводи мажмуаси учун ер ажратиб бериш ҳақида фармон чиқди. Фармон қабул қилингач, заводни қуриш учун дастлабки қурувчилар кела бошлади. Газ саноати иншоотларини қуриш, уй-жойлар бунёд этишда катта тажрибага эга бўлган В.М. Кондручук бошчилигидаги “Бухарагаз промстрой” тресты ҳамда Қарши, Самарқанд ва бошқа жойлардан кўплаб қурувчилар Мубораккa келди.

Завод тўртта йирик қурилиш ташкилотлари – “Бухарагазпрострой”, “Средазнефтегазстрой”, “Самаркандтрансстрой” трестлар ҳамда “Қарши-строй” бошқармаси қурувчилари иштирок этдилар. “Завод учун Югославия, Руминия, ГДР ва Чехословакиядан мураккаб асбоб-ускуналар келтирилди. Олтингугурт сақлайдиган майдончалар, омборлар қурилиб, олтингугуртдан тозаланган газни саноат марказларига жўнатиш учун қувурлар ётқизилди. Газдан олтингугуртни ажратиб олиш жараёни сув билан бажарилганлиги сабабли Яккабоғдан Муборакkагача 158 км. масофада катта қувурлар ётқизилди. Кетма – кет белгиланаётган режалар газни қазиб олиш ишларини янада жадаллаштиришни талаб қилганлиги боис тозаланган газни 15 млрд. куб.га етказиш мақсадида 1977-1978 йилларда иккинчи газни қайта ишлайдиган корхона қуриш белгиланди. Беш йилликнинг охирида яна битта ана шундай корхона қуриш режалаштирилди. 1976

йилда газни етказишни яна қўшимча 1.6 млрд. куб.га етказиш мақсадида “Средазнефтегаз-монтаж”нинг 9-сонли трести июль ойида корхонани таъмирлаш ишларини бошлади. Технологик калонналарни алмаштириш, аппаратларни, қувурларни таъмирлаш ишларини 7 августда тугатиши беллгиланди [12].

1972-1985 йиллар оралиғида Қашқадарёдан топилган газ ва нефть конлари 52 тадан кўпроқ бўлиб, мавжуд конлар йирик газ конденсат заҳирасига эга бўлди. Вилоятдаги Ҳисоролди нефть газ ҳудудидан топилган Гумбулоқ, Пачкамар, Қорайли, Шўртан, Шимолий Шўртан, Омонота, Кўкдумалоқ, Жарқудуқ, Жанубий Тандирчи ва бошқа майдонлардан топилган газ ҳисобига ташкил топган Шўртан газ комплекси ва Кўкдумалоқ конлари республикада эмас, балки бутун Катта Ўрта Осиё иқтисодий районида улкан конлардан бири бўлди[13]. Бироқ, топилган бу бойликларни ишлатишда муаммолар ҳар доимгидек чиқиб турди. Масалан, биргина “Қаршинефт” бошқармасида ўрнатилмаган ускуналар 1976 йилда 47338 тани, 1977 йилда 96355 тани ташкил этган[17]. Айни пайтда, совет давлатининг ер ости бойликларидан унумли фойдаланиш сиёсати, охирига етиб бўлмайдиган оқибатларни келтириб чиқарди. 1982 йилдан бошлаб Шўртан газэнергокимё комплексини қуриш учун турли қарор ва лойиҳалар қабул қилинишига қарамай, белгиланган вазифалар тўлиқ амалга оширилмади, газ конлари очилиб, мамлакат манфатларига хизмат қилсада, экологияга таъсир қилмай қолмади. Масалан, Муборак газни қайта ишлаш заводи ҳар йили 136 минг тоннадан зиёд заҳарли газларни чиқарилиши ёки ёқиб юборилиши оқибатида вилоятнинг қўшни Ульянов, Усмон Юсупов ва Баҳористон районларидаги аҳоли жабр кўрган. Бу ерларда мевали дарахтларни қуришига, узумларни пишар-пишмас қуриб қолишига олиб келган бўлса, заводдан чиқарилган оқава сувлар атроф-муҳитга салбий таъсир ўтказиб келган эди.

**Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати**


1. Абдуқодиров А. Бухоро гази. – Тошкент: Ўзбекистон КП МҚнинг бирлашган нашриёти, 1964. – 13 б.
2. Абдураҳимов Д.А. Минтақалар минерал хом ашё ва табиий заҳираларидан самарали фойдаланиш // Иқтисод ва молия. 2016, №3.
3. Алиев Т. Ўзбекистон экономикасида фойдали қазилмаларнинг роли. – Б.9.
4. Бедринцев К.Н. Десятчиков Б.А. Промышленность Узбекистана за 40 лет. – Ташкент: Изд. АН УзССР, 1957. – С.26.
5. Берикбаев Р.Б. Совершенствование размешения и развития производительных сил Узбекистана. – Ташкент: Изд. ЦК КП Узбекистана, 1971. – С.12.
6. Жўрақулов О. Қудратли энергия манбаи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1982. – Б.150.
7. Жўрақулов О. Қудратли энергия манбаи. ... – Б.135.
8. Жўрақулов О. Қудратли энергия манбаи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1982. – Б.175.
9. Омонов О. Муборак газни қайта ишлаш заводи – 35 ёшда. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2006. – Б.15-16.
10. Паньковский В. Ўзбекистон зангори олтини. – Тошкент: Ўздавнашр, 1961. – Б.11.
11. Паньковский В. Ўзбекистон зангори олтини. – Тошкент: Ўздавнашр, 1961. – Б.18.
12. Петров В. Рекострукция идет по графику, но ее можно и нужно ускорить // Правда Востока. 1976 год 14 июль.
13. Қашқадарё гази: бугун ва эртага // Ҳаёт ва қонун, 1992. № 5. – Б.57.
14. Ходжаев А. Настойчиво и целеустремленно вести поиски нефти и газа // Экономика и жизнь. 1973 год 1 январь. – С.43.

**15.** Ўз МА, Р-2303-фонд, 1-рўйхат, 5-иш, 14-варақ.
**16.** Ўз МА, Р-2762-фонд, 1-рўйхат, 1340-иш, 45-варақ.
**17.** Ўз МА, Р-2762-фонд, 1-рўйхат, 1340-иш, 33- варақ.

## ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИДА РАЦИОНАЛИЗАТОРЛИК ВА ИХТИРОЧИЛИК ҲАРАКАТИ ВА УНИНГ ИҚТИСОДИЁТДАГИ ЎРНИ

***Э.Қобулов – т.ф.д., профессор. ТерДУ ПИ директори***

Саноат ишлаб чиқаришини такомиллаштиришда рационализаторлик ва ихтирочилик ҳаракати катта аҳамият касб этади. Ривожланган саноат корхоналарининг унумдорлиги шу билан янада мустаҳкамланади. Саноат ишлаб чиқариш илғорлари саноатни ривожлантиришга ўз ҳиссаларини қўшишга, уни янги техника билан қуроллантириш, тайёрланаётган маҳсулот сифатини яхшилаш, унинг таннархини камайтиришга ҳаракат қиладилар.

Урушдан кейинги йиллар давомида ишлаб чиқаришдаги рационализаторлик ҳаракатида сифат ва сон жиҳатидан чуқур ўзгаришлар рўй берди. У алоҳида ташаббускорлик ва техникани яхшилашга доир айрим вазифаларнигина ҳал этган кичик бир ҳаракатдан, рационализаторлик ижодий, илмий меҳнат элементлари кириб келганлиги билан ҳам ажралиб турадиган қудратли ҳаракатга айланди.

Ўзбекистонда ихтирочилар ва рационализаторлар ҳаракати йил сайин ўсди. 1946-1950 йиллар давомида рационализаторлик ҳаракатида бир неча юз кишидан бошлаб 4,5 минг кишигача қатнашиб, ҳар йили улар 2 мингдан 10 минггача таклиф киритганлар [2].

Урушдан кейинги йилларда Қашқадарё вилояти саноат корхоналарида ҳам ўз касбининг усталари, малакали ишчилар меҳнат қилдилар, аммо уларнинг ижодкорлик, новаторлик даражаси Тошкент, Самарқанд, Андижон шаҳарлари саноат корхоналарида меҳнат қилаётган касбдошлари даражасида эмас эди. Лекин шундай бўлишига қарамасдан Қашқадарё саноат корхоналари ишчилари ҳам ўзларининг рационализаторлик таклифлари билан чиқа бошладилар.

Тадқиқ қилинган йилларда Қашқадарё вилоятида ҳам муҳим тадбирлар амалга оширилди. Жумладан корхоналар қошида рационализаторлик ҳаракатини янада ривожлантириш учун рационализация бюролари ташкил этилди. Бу даврдаги таклифлар ўзининг маҳсулдорлиги билан ҳам қимматлидир. Масалан, Қарши тикувчилик фабрикасида тушган битта рационализаторлик таклифи ишлаб чиқаришга жорий қилиниб, унинг иқтисодий самараси 20 минг сўмни ташкил қилган [6] бўлса, Қарши пахта тозалаш заводида 8 рационализаторлик ва ихтирочилик таклифи ишлаб чиқаришга жорий этилиб, 995 минг сўмни ташкил этган [9].

1956-1958 йилларда рационализаторлар ва ихтирочилар ҳаракати янги муваффақиятларга эришди. Раҳбар органларнинг фан ва техникани янада тараққий эттириш учун ишчилар синфи ижодий фикрини ҳамма чоралар билан ривожлантиришга қаратилган бир қанча тадбирлари амалга оширилганлиги бунга кўп жиҳатдан ёрдам берди. 1958 йил “Бутуниттифоқ рационализаторлар жамияти” тузилди. Шундан сўнг шаҳарларда ва саноат марказларида жамият советлари ташкил этилди. 1958 йил охирларида улар 18 мингдан кўпроқ аъзога эга бўлган 470 дан зиёд бошланғич ташкилотни бирлаштирган [3].

Ихтирочилик ва рационализаторликни ривожлантириш учун 1957-1958 йилларда 12,2 миллион сўм ажратилган. Бундан 8,3 миллион сўми рационализаторлик таклифлари ва ихтирочиларнинг авторларига берилган [1].

Бу ва бошқа кўпгина тадбирларнинг амалга оширилганлиги натижасида рационализаторлар ва ихтирочилар ҳаракати анча кенгайди, бу таклифларнинг халқ хўжалигига жорий этилиши тезлаштирилган. Рационализатор ва ихтирочилар техникани қунт билан такомиллаштириб, меҳнат унумдорлигини оширишда янги-янги имкониятларни очиб берганлар.

Қарши ёғ заводининг илғор ишчиси С.Яковлев томонидан киритилган, қора мойни тозаловчи машина йилига 7,560 сўм, А.Семененко ихтироси эса 11,9 минг сўм иқтисодий фойда келтирган [4].

50-йиллар охирига келиб Бухоро, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятларининг саноат корхоналари Бухоро Халқ Хўжалиги Советига бирлаштирилди. Шу йили Халқ Хўжалиги Советига қарашли озиқ-овқат саноати корхоналаринг жамоаларидан 120 та рационализаторлик таклифлари тушган, шулардан 94 таси маъқулланди ва 85 таси ишлаб чиқаришга жорий этилган. Бунинг натижасида йиллик иқтисодий самара бир миллион сўмдан ошган.

Енгил саноат корхоналарида 111 ихтиро ва рационализаторлик таклифи тушиб, 78 таси ишлаб чиқаришга жорий қилинган. Шунингдек, пахта тозалаш корхоналари ишчилари ва муҳандис-техник ходимлари томонидан 178 та таклиф киритилган, 140 таси ишлаб чиқаришга тадбиқ қилинган [5].

1946-1960 йилларда рационализаторлик ва ихтирочилик ҳаракати Қашқадарё вилоятининг саноат корхоналарида ҳам сезиларли якунларнинг омили бўлди. Бу даврда пахта тозалаш тресті ишчилари ва инженер-техник ходимлари бошқаларга ўрнак бўладиган даражада ижодий меҳнат қилдилар. Шу трест бўйича фақатгина 1946-1950 йилларда 32 та рационализаторлик таклифлари тушди. Шундан 6 таси Шаҳрисабз пахта тозалаш заводи ишчилари томонидан киритилиб, 50 минг сўмни иқтисод қилишга имкон берди [7].

50-йилларнинг иккинчи ярмида Шаҳрисабз пахта тозалаш заводи ишчилари техникалар умрини узайтирадиган, меҳнат унумдорлигини оширадиган, ишчилар меҳнатини енгиллаштиришга хизмат қиладиган ўнлаб ижодий таклифлар билан майдонга чиқдилар. 1959 йилнинг ўзида улар томонидан 29 та рационализаторлик таклифи тушди ва 24 таси ишлаб чиқаришга жорий қилинди. Ихтирочиларнинг таклифлари туфайли корхона 400 минг сўм иқтисодий фойда кўрди [10].

Юқорида таъкидлаганимиздек, 1955 йилда Қарши тикувчилик фабрикасида рационализация бюроси ташкил этилган эди. Бу бюро ташкилий ишларни амалга фаол оширди ва илғор ижодкор ишчиларни корхонадаги техника ва технология муаммоларини ҳал этишга муваффақ бўлди. Фабрикада 50-йиллар мобайнида ўртача ҳисобда ҳар йили 22 та рационализаторлик таклифи тушиб, шундан 20 таси ишлаб чиқаришга тадбиқ этилиб, бир йилда ўртача ҳисобда 33,8 минг сўм иқтисод қилинди. Рационализатор К Исмоилов томонидан газмолли тасма юритилиши механизациялаштирилди. Ю.Дерий, Т.Юрина, Н, Бўриевалар кўйлакларни тикишни яхшилашга хизмат қиладиган таклифлар киритдилар. Бу рационализаторлик таклифини амалга ошириш 17,4 минг сўм фойда келтирди ҳамда йилига 51 минг метр газлама иқтисод қилиш имконини берди [8].

Тадқиқ қилинган даврда Қашқадарё вилояти саноат корхоналарини техника ва технологик жиҳатдан янгиланиши объектив ва субъектив сабаблар оқибатида жуда паст суръатлар билан олиб борилгани учун меҳнат жамоаларида, айниқса изланувчан мутахассис ва ишчилар орасида, ихтирочилик ва рационализаторлик фаолиятини фаоллаштиришга катта эътибор берилган эди. Бу ишда эришилган муваффақиятлар кўп корхоналарда мавжуд техника ва технологияни такомиллаштиришга, меҳнат унумдорлигини оширишга омил бўлди. Лекин

Ўзбекистон енгил ва озиқ-овқат саноатидаги бу кўрсатгичлар жанубий вилоятлардагидан анча баланд.

**Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати**


1. Ўзбекистон ССР халқ хўжалиги 1958 йилда. – Тошкент, 1959. – Б. 55.
2. Ўз МА, 737-фонд, 5-рўйхат, 741-иш, 5-варақ.
3. Ўз МА, 737-фонд, 3-рўйхат, 1732-иш, 131-варақ.
4. Ўз МА, 2446-фонд, 1-рўйхат, 9-иш, 61-варақ.
5. Бухоро вилоят давлат архиви, 1168-фонд, 1-рўйхат, 124-иш, 12-варақ.
6. Қашқадарё вилоят давлат архиви, 237-фонд, 1-рўйхат, 49-иш, 123-варақ.
7. Қашқадарё вилоят давлат архиви, 504-фонд, 1-рўйхат, 33-иш, 7-варақ.
8. Қашқадарё вилоят давлат архиви, 277-фонд, 1-рўйхат, 149-иш, 6-варақ.
9. Қашқадарё ҳақиқати, 1956 йил 5 декабрь.
10. Қашқадарё ҳақиқати, 1959 йил 23 декабрь.


## ҚАШҚАДАРЁДА ЯНГИ ЕРЛАРНИНГ ЎЗЛАШТИРИЛИШ ТАРИХИ


***Т.Р.Пардаев – тарих фанлари доктори, профессор в.б.***
***Термиз давлат университети***


Совет ҳукумати минтақада пахта яккаҳокимлигини шакллантириш ва пахта майдонларини кенгайтириш борасидаги тадбирлар ичида аграр соҳада фойдаланилаётган ерларни ўзлаштириш билан боғлиқ тадбирлар ҳам муҳим ўрин тутади. Бу даврда Қашқадарё областида ҳам сувнинг танқислигини ҳисобга олиб, 1948 йили Зарафшон дараёсидан Қашқадарёга сув бериш масаласи кўриб чиқилди. Шу даврда областнинг ер фонди 2850,9 минг гектардан иборат бўлиб, у икки минтақага яъни суғориш шахобчалари бўлган ҳудудлар ва баҳорикор лалми экин майдонларига бўлинарди. Суғориш шахобчалари бўлган ерлар 429,1 минг гектарни ёки умумий майдоннинг 15,1 фоизини ташкил этарди. 1947 йилда Қашқадарёда 22 минг гектар ерда пахта етиштирилди. 1948 йилда эса областда пахта майдонларининг миқдори 25 минг гектарга етказилди. Шу йили биринчи марта Чироқчи ва Қамаши районларидаги суғориш тармоқларига яқин жойлашган колхозларда ҳам чигит экилди.

Шунингдек, бу даврда областда суғориладиган ерларни тўлиқ ҳисобга олган ҳолда колхозлараро 86,3 километр узунликда каналлар барпо этилди ва областдаги ирригация тармоқларида 188 та гидроиншоотни қуриш таъминланди. Бундан ташқари Косон районидаги Рудасой сув омбори ҳам қайта таъмирланиб, анчагина кенгайтирилди. 1953-1955 йилларда 185 километр узунликдаги Эски Анҳор канали ҳашар йўли билан бунёд этилди. Натижада Зарафшон дарёсининг сувлари Қашқадарё воҳасининг экин майдонларига йўналтирилди. Бунинг натижасида ўрта ва қуйи Қашқадарё ўзанидаги колхоз ва совхозларнинг қишлоқ хўжалик экин майдонлари кенгайди. Ушбу ишларнинг давоми сифатида Қашқадарё дараёси ўзанида Чим қўрғон сув омборини қуриш ишлари ҳам режага киритилди. Бу улкан вазифани амалга ошириш учун Чимқўрғон қурилиш монтаж бошқармаси тузилди.

Бошқарма Қашқадарё дарёси ўзанида Чимқўрғон сув омборини қуриш билан бир қаторда Қизилсув ирмоғи ва Лангар дарёси этагида Қамаши сув омборини ҳам қуриши лозим эди. 1956 йилнинг иккинчи ярмида Чимқўрғон сув омборида қурилиш монтаж ишлари бошлаб юборилди. Чимқўрғон сув омборининг қурилиши натижасида 77 минг гектар бўз ерни ўзлаштириш имкони юзага келди. Бундан ташқари Яккабоғ дарёсининг Қизилсув ирмоғидан ва Лангар дарёсидан келадиган

сувлар ҳисобига тўлғазиладиган Қамаши сув омбори ҳам айнан шу йилларда бунёд этилди. Қамаши сув омборининг умумий ҳажми 18 миллион куб метр бўлиб, унда тўпланган сув билан 10 минг гектарга яқин ерларни сув билан таъминлаш яхшиланди.

Қашқадарё областининг Ғузор райони ҳам сувга муҳтож бироқ унумдор ерлари кўп бўлган районлар сарасига киради. Ғузор дарёсининг сувини тўплаш мақсадида район марказидан 15 км узоқликда Пачкамар сув омборини бунёд этиш ишлари 1962 йилда бошлаб юборилди. Пачкамар сув омборида 260 млн куб метр сув тўплаш ва ушбу сув орқали 20 минг гектарга яқин ерни суғориш имконияти вужудга келарди.

Пачкамар сув омбори 1963-1967 йилларда қуриб битказилди Қашқадарё воҳасининг энг йирик чўл ҳудуди Қарши чўли саналади. Қарши чўли Қашқадарё областининг тўртдан уч қисмини ташкил этади.

Ўзбекистон Компартияси ва Министрлар Совети 1963 йил 7 февралда Қарши чўлини ўзлаштириш мақсадида 160-сонли қарорини қабул қилди. 1963 йил 15 апрелдан бошлаб "Қаршиқурилиш" бошқармаси тузилди. Лекин Қарши чўлини ўзлаштиришнинг бош режаси бўйича ўзлаштириладиган ерлар учун маблағ ҳал этилмаган эди. 1963-1969 йиллар оралиғида "Қаршиқурилиши", "Средазсовхозстрой" бош бошқармаси Республика маблағи ва Қашқадарё области хўжаликлари маблағлари асосида ишлаб турди. Ҳақиқатда эса ҳукуматнинг Қарши чўлини суғориш ва ўзлаштириш тўғрисидаги бош режаси катта муҳокамалардан ўтиб қаттиқ тортушувлардан кейин амалиётга тадбиқ этилди.

Ниҳоят 1969 йилнинг 8 августида Қарши чўлини ўзлаштириш ва суғоришнинг биринчи навбатини амалга ошириш учун 1 млрд 113 млн рубль маблағ ажратилди. Ушбу қарор асосида Қарши даштининг юқори қисмида 200 минг гектар ерни ўзлаштириш ишлари бошлаб юборилди.

Қарши чўлини ўзлаштириш ҳаракатлари йилдан йилга муҳим аҳамият касб этиб борди. Тўғироғи, республика раҳбарияти Қарши чўлини ўзлаштиришнинг эркин истиқболларини Москва олдида исбот қила олди. "Қаршиқурилиш" бошқармасининг 50 минг кишилик жамоаси ҳар йили тахминан 20 минг гектар ерни ўзлаштириб, экинзор ва боғ-бўстонга айлантиришга тайёрлаб борди. Қарши чўлини ўзлаштиришнинг биринчи босқичида 200 минг гектар ерда 34 та янги совхоз тузилди. Шундан 29 таси пахтачилик, 3 таси боғдорчилик ҳамда 2 таси чорвачиликка ихтисослашган эди.

1970 йилда КПСС МҚ ва СССР Министрлар совети Қарши чўлини ўзлаштиришни жадаллаштириш 1971-1980 йиллар мобайнида 300 минг гектар янги ерни қишлоқ хўжалик оборотига киритиш, 1980 йилга келиб бу ердан 400 минг тонна пахта етиштиришни кўзда тутувчи қарорни қабул қилди. Қарши чўлини ўзлаштириш мақсадида Амударё қирғоқларида 6 та насос станцияси барпо этилди, улар орқали Амударёнинг суви 132 метр баландликка кўтарилиб Қарши чўлига сув чиқарилди. Ушбу чўлни ўзлаштириш натижасида бу ерда 46 та совхоз, 6 та янги район жумладан: Касби, Усмон, Юсупов, Нишон, Муборак, Баҳористон, Таллимаржон районлари ташкил этилди. 1978 йилда Қарши чўлида 137 минг кв метрга уй-жой, 1696 ўқувчига мўлжалланган ўрта мактаблар, 690 ўринли мактабгача таълим муассасалари , 750 ўринли клуб, 600 ўқувчига мўлжалланган ҳунар-техника билим юрти қурилди.1980 йилда Қарши чўлини ўзлаштиришга 5миллиард рубль капитал маблағ сарфланди.

Бироқ, ўрганилган даврда янги ерларини ўзлаштириш борабарида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва экологик мувозанатни сақлашга етарлича эътибор берилмади. Натижада, 1987 йил Қашқадарё областида кучли шўрланган ерлар 51

минг гектарни, ўрта шўрланган ерлар 37 минг гектарни ташкил қиларди. Миришкор канали атрофидаги ерларда ниҳоятда оғир аҳвол рўй берди. Бу ерларда ер ости сувини чиқариб юбориш масаласи ҳал қилинмаганлиги учун ер ўта даражада захлаб кетди. Қолаверса қурилиш бошқармаси томонидан ўзлаштирилган ерлар сифатсиз тарзда топширилди. 1987 йилнинг 1 январига қадар бу ерларда қурилмаган коллекторлар 117 кмни, тугалланмаган ёпиқ дренажлар 754 кмни, чала қурилган суғориш тизимлари 84 кмни ташкил этарди. Қарши магистрал каналининг қурилиши охирига етказилмаганлиги туфайли Косон районида коллектор ва дюкерлар қурилмай қолди. Бой терак, Пўлати коллекторлари ишламади. Ҳар йили режадаги 12 минг километр коллекторларни тозалаш ўрнига 2-3 минг километр коллектор тозаланди.

Оқибатда ернинг ҳосилдорлиги пасайиб шўрланиш даражаси ошиб борди. 1987 йилда Қашқадарё областининг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида 2,5млн гектар ер мавжуд бўлиб, шундан 2,2 млн гектар ер қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ер 671 минг гектари ҳайдаладиган ерлар, 1,4 млн гектар ер эса яйловларни ташкил этарди. 1976 йилда областдаги суғориладиган ҳар бир гектар ердан 714 рубллик маҳсулот олинган бўлса, 1986 йилга келиб бу кўрсаткич 639 рублга тушиб қолди. 1976 йили ҳар бир гектардан 28,4 центнердан пахта ҳосили олинган бўлса, 1986 йилга келиб 14,3 центнерга тушиб қолди. Бунинг устига 35 минг гектар суғориладиган ер фойдаланилмасдан шўр босиб қолди.

Қарши чўлидаги дашт ерларга сув келиши одамлар турмушининг ижтимоий-иқтисодий асосларини тубдан ўзгаришига, ишлаб чиқариш кенгайиб турмуш тарзини фаровонлашишига хизмат қилди.

Қарши чўлларини ўзлаштириш, бу қақроқ майдонларда обод қишлоқлар, шинам посёлкалар, гўзал кентлар бунёд этилишида, минглаб гектар ерлар ўзлаштирилиб қишлоқ хўжалиги оборотига киритилишида қолаверса боғ-роғлар, маданий-маиший муассасалар, уй-жойлар бунёд этилишида ўша даврда Ўзбекистонга биринчи раҳбар бўлган Шароф Рашидовнинг чексиз хизматлари бор. Шароф Рашидов тез-тез чўлқуварлар билан учрашган, уларнинг кўпгина муаммоларини жойида ҳал қилган уддабурон раҳбар эди. Ш.Рашидовнинг қўриқ ерларни ўзлаштириш фаолиятига Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.Каримов юксак баҳо бериб, шундай деган эди: “Мирзачўл, Қарши, Жиззах, Ёзёвон, Сурхон-Шеробод ва Макрит чўлларининг ўзлаштирилиши, Ўзбекистон келажаги билан бевосита боғланган эди. Миллионлаб гектар қўриқ ерларда пахта, боғ-роғлар ва бошқа озиқ-овқат экинларининг ўстирилиши аслида узоқни кўзлаб иш тутиш натижаси эди. Кечаги чўлу биёбонлар бугун Ўзбекистон истиқлоли учун хизмат қилмоқда”.

Хулоса сифатида таъкидлаш жоизки, Қашқадарё воҳасида ҳам Қарши чўлларининг ўзлаштирилиши туфайли минглаб гектар ерларга сув чиқарилди, минтақанинг ирригацион тизими жиддий тарзда яхшиланди. Натижада кўплаб қишлоқ ва шаҳарлар, экин майдонлари бунёд этилди. Халқнинг фаровонлиги ҳам бир қадар юксалди. Ижтимоий турмуш ва маиший ҳаётда анча ўзгаришлар юзага келди. Албатта бунинг замирида халқимизнинг заҳматли меҳнати, белгиловчи омил бўлди. Бироқ республикага хом ашё базаси сифатида қараган мустабид тузумнинг маъмурий бошқарув тизими жойлардаги мавжуд имконият ва шароити ҳисобга олмасдан ишлаб чиққан режа ва кўрсатмалар туфайли республика иқтисодиёти бир томонлар ривожланди ва қарам иқтисодиётга айланиб борди. Марказнинг пахтага бўлган эҳтиёжини қондириш борасида қилинган ишлар туфайли табиатнинг мувозанати бузилди, экологик хавф кучайди, аҳоли саломатлиги жиддий зарар

кўрди. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг номутоносиб тизими миллий камситишлар туфайли ижтимоий ва маиший муаммолар кучайиб борди.

**Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати**


1. Алимарданов Т. Ўчмас шараф. – Тошкент: “Доно”. 2017. – Б.70.
2. Жалилов Э. Каршинская целина. – Ташкент, 1979, – С. 11.
3. Каримов И. Халқимизнинг оташ қалб фарзанди. – Тошкент: “Ўзбекистон”. 1992. – Б.16.
4. Қашқадарё ҳақиқати газетаси, 1987 йил 15 сентябрь.
5. Манзаров Ю. Чўлдан гул иси келади // Фан ва турмуш, 1985 йил 4-сон. – Б.16-17.
6. Правда Востока, 28 февраль 1980 года.
7. Степной край. Орган Каршистроя. 26 декабря 1980.
8. Ўз МА, 2349-фонд, 1-рўйхат, 134-иш, 16-варақ.
9. Ўзбекистон колхоз ва совхозлари тарихи. 1Х китоб. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 1980. – Б.412.
10. Фан ва турмуш, 1985 йил 4-сон. – Б.16-17.
11. Худойқулов М. Қарши чўли. – Тошкент: “Шарқ”. 1998. – Б.26.
12. Экономика и жизнь, 1970 г.


## ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ ДЕМОГРАФИК ҲОЛАТИ

***А.А.Пардаев – т.ф.н., доцент. Қарши давлат университети***

Мамлакатимизда аҳоли мунтазам равишда турли суръатларда кўпайиш тенденциясига эга. Бутун мамлакатимизда ва унинг минтақа ва вилоятларида аҳоли кўпайишининг асосини туғилиш ташкил этади.

Демографик жараёнлар-бу аҳолининг вакт ва маконларда ривожланишини акс эттирадиган ҳодисалар бўлиб, унинг кўпайиши, ўлими, жинси ва ёш таркиби ҳамда меҳнат ресурсларининг микдор жиҳатидан ўзгаришлари бевосита жамиятнинг ҳамда миллий иктисодиётнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига таъсир кўрсатувчи ҳодиса ҳисобланади.

Қуйида Қашқадарё вилоятидаги 1989-2019 йиллардаги демографик жараёнлар, хусусан, аҳоли сонидаги умумий ўзгаришлар, қишлоқ ва шаҳар аҳолисининг таркиби, шаҳар аҳолисининг кўпайиши, тўғилиш ва ўлимнинг бири-биридан фарқи, воҳанинг республикадаги бошқа ҳудудлардан фарқи ва ўзига хос хусусиятлари, аҳоли зичлиги, вилоят аҳолисининг милий таркиби, меҳнат ресурслари бандлигининг тармоқ таркиби ва уларнинг жойлашуви таҳлил қилинган.

Маълумки, жамиятдаги демографик воқеалар умумий ва муайян индивидуал тасодифий сабаблар таъсири остида амал қилади. Бу жараёндаги айрим воқеликлар вужудга келиши баъзи сабабларга кўра индивидуал ва ноёбдир, лекин демографик жараёнда улар кетма-кетлик воқеалардан иборат бўлиб, улар мунтазам равишда ўзгариб туради.

Демографик жараёнлар ҳаётнинг барча иқтисодий ва ижтимоий соҳаларига бевосита таъсир этувчи жараён ҳисобланади. Аҳолишуносликни ривожланишининг умумий қонуниятлари алоҳида иқтисодий ва табиий шароитларга эга ҳудудларда кўпгина жиҳатларига кўра мураккаб муаммоларни келтириб чиқаради ва фан олдига янги муаммоларни қўяди. Чунки, бу жараёнлар инсон ҳаёт-мамоти тарзини ифода этувчи фандир.

Юқорида қайд этилган жиҳатлар алоҳида минтақаларда катта илмий ва амалий аҳамиятга эга ва улар қуйидагилар:

а) аҳоли умумий сонидаги ўзгаришларни ҳисобга олиш;

б) таркибидаги қишлоқ ва шаҳар аҳолиси улуши;

в) меҳнат ресурслари бандлигининг тармоқ таркиби ва уларнинг жойлашуви кабилар [1].

Шу жиҳатлар эътиборга олиниши ишлаб чиқаришнинг самарали жойлашуви ва ишчи кучларидан тўла фойдаланишда вазифани амалий жиҳатдан мувофиқлаштиради. Шунингдек, ҳар бир мамлакатнинг демографик сиёсати ҳам муҳим бўлиб, у нафақат шу мамлакат балки у билан чегарадош давлатларнинг аҳоли билан боғлиқ иқтисодий-ижтимоий манфаати, ҳудудда ҳукм сураётган умумменталитетга ҳам мос келиши лозим.

Оилани жамият тараққиёти давомидаги ўрни, тарихий ривожланиши, аҳолининг такрор барпо бўлишидаги асосий фаолияти ва унинг ўзгариб бориш омиллари ва оқибатлари ўрганилиб, келажакда ривожланишининг асосий йўналишлари аниқланади. Мамлакатимизда аҳоли мунтазам равишда турли суръатларда кўпайиш тенденциясига эга. Бутун мамлакатимизда ва унинг минтақа ва вилоятларида аҳоли кўпайишининг асосини туғилиш ташкил этади.

Ўзбекистонда демографик ҳолатни баҳолашда ҳар бир минтақанинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш зарур. Чунки, давлат ва унинг маъмурий ҳудудларини ривожлантиришда демографик жараёнлар муҳим ўрин тутади.

Ўзбекистоннинг жанубида жойлашган муҳим вилоятлардан бири бўлган Қашқадарё воҳаси республика иқтисодий-ижтимоий ҳаётида алоҳида аҳамият касб этади.

Қашқадарё вилояти Самарқанд вилояти билан (276 км), Бухоро вилояти билан (98,3 км), Навоий вилояти (12,5 км), Сурхандарё вилояти билан (193,8 км), Тожикистон Республикаси билан (59,9 км) ва Туркманистон Республикаси билан (253,3). Қашқадарё вилоятининг қўшни давлатлар билан чегарадош ҳудудлари (жами 313,2) ҳақида. Қашқадарё вилоятининг Туркманистон Республикаси билан жами 253,3 км. Чегарадош Шундан, Нишон туманининг 75,7 км чегара ҳудуди Туркманистон Республикасининг Лебап вилояти Туркманбоши этирафи тумани билан; Деҳқонобод туманининг 75,9 км. Чегара ҳудуди Туркманистон Республикасининг Лебап вилояти Чоршанбе ва Дўстлик туманлари билан; Миришкор туманининг 79,5 км. Чегара худуди Туркманистон Республикасининг Лебап вилояти Хўжанбас тумани билан; Ғузор туманининг 22,2 км. Чегара ҳудуди Туркманистон Республикасининг Чоржў вилояти Давлатли тумани Сардоба жамоа хўжалиги Чурдул қишлоғи билан чегарадош ҳисобланади. Шунингдек, вилоят Тожикистон Республикаси билан жами 59,9 км.чегарадош. Шундан, Шаҳрисабз туманининг 18,5 км.чегара ҳудуди Тожикистон Республикасининг Суғд вилояти Панжикент тумани Роғич ва Мағён қишлоқлари билан; Китоб туманининг 41,4 км. чегара ҳудуди Тожикистон Республикасининг Суғд вилояти Панжикент тумани билан чегарадош [2].

Қашқадарё воҳаси чегарасининг умумий узунлиги 795 км ни ташкил этиб, унинг 405 км. тоғли, қолган 390 км. текисликка тўғри келади. Воҳа шарқдан ғарбга 300 км. гача шарқдан жанубга 200 км гача чўзилган бўлиб, унинг умумий ҳудуди 28,6 минг км2 ни ташкил этиб, бу бутун Ўзбекистон ҳудудининг 6,3 фоизига тенгдир [3].

Қашқадарё воҳаси демографияси республикадаги бошқа ҳудудлардан фарқли равишда мустақиллик йилларида аҳолининг усиш сурьати, тўғилиш ва ўлимнинг камайиши, фарзанд кўриш кетма-кетлигини қисқариши аҳоли зичлиги ва

жойлашувидаги ўзгаришлар, ўртача умр кўриш даражасининг ортиши, шаҳар аҳолисининг ўсиши қишлоқ аҳолисига нисбатан секинлашуви, миграциянинг фаоллашуви билан изоҳланади.

Китоб, Шаҳрисабз, туманларида аҳоли ўта зич жойлашганлиги, ернинг чекланганлиги, ўзлаштирадиган ерларнинг қолмаганлиги бошқа туманлардан фарқланади, аксинча, Чироқчи, Миришкор, Муборак, туманларида аҳоли сийрак жойлашган.

Республикада ўтгазилган сўнгги аҳоли рўйхати (1989 йил)да жами 19780.0 минг киши рўйхатга олинган бўлиб,шундан, Қашқадарё воҳасида аҳоли сони 1594 минг кишини ташкил қилиб, шундан, шаҳар аҳолиси 415 минг киши (умумий аҳолининг 25%), қишлоқ аҳолиси 1179 минг киши (умумий аҳолининг75%)ни ташкил қилган. 1992 йилга келиб вилоят аҳолиси да 1 млн 800 минг ташкил қилган [1]. 1995 йил 1млн 975 минг киши, шундан шаҳар аҳолиси 516 минг киши, қишлоқ жойлардаги 1 млн 449 минг киши, 1996 йил 2 млн 30 минг киши, шаҳар аҳолиси 527 минг киши, қишлоқ аҳолиси 1 млн 503 минг киши, 1997 йил 2млн 79 минг киши, шаҳар аҳолиси 538 минг киши, қишлоқ аҳолиси 1 млн 541 минг киши, 1998 йил 2 млн 1123 минг киши,шаҳар аҳолиси 546 минг киши, қишлоқ аҳолиси 1 млн 577 минг киши, 1999 йил 2 млн 170 минг киши, шундан шаҳар аҳолиси 554 минг, қишлоқ аҳолиси 1 млн 616 минг киши, 2000 йил 2 млн 216 минг киши [5], шундан шаҳар аҳолиси 562 минг, қишлоқ аҳолиси 1 млн 654 минг киши, 2001 йил 2 млн 257 минг киши, шаҳар аҳолиси 569 минг киши, қишлоқ аҳолиси 1 млн 688 киши, 2002 йил 2млн 2 98 минг киши, шундан шаҳар аҳолиси 576 минг киши, қишлоқ аҳолиси 1 млн 722 минг киши, 2003 йил 2 млн 340 минг киши, шаҳар аҳолиси 583 мин киши, қишлоқ аҳолиси 1 млн 757 минг кишини ташкил қилган [6].

Агар аҳолининг милиий таркибига эътибор берадиган бўлсак, 1989 йилда аҳолининг 85 % ни ўзбеклар ташкил қилган бўлса, 1995 йилга келиб 91%ни ўзбеклар ташкил қилган. 2013 йилдаги маълумотга кўра вилоят аҳолиси миллий таркибида ўзбеклар кескин ажралиб туради – 92,3 %. Иккинчи ўринда тожиклар – 4,3 %. Қолган миллат вакилларидан туркман ва руслар кўпроқ.Бу жараённи мустақилликнинг дастлабки вақтларидаги аҳоли миграцияси билан изоҳлаш мумкин [7].

Чунки, Республика мустақилликка эришгандан кейинги йилларда туб жой аҳолиси бўлмаган миллат вакилларининг ўз ватанларига қайтиши, ўтиш даври қийинчиликларининг айниқса, шаҳар жойларда сезиларли бўлганли, туғилиш ва табиий кўпайиш суръатларининг тушиб бориши мамлакат умумий урбанизация даражасининг пасайишига олиб келди. Ушбу ҳолат Жанубий Ўзбекистон шаҳарларида ҳам кузатилди, бироқ у Тошкент ва Фарғона иқтисодий районларидаги каби кескин кўринишга эга бўлмади. Бунга таҳлил қилинаётган минтақада юқоридаги иқтисодий районлардаги сингари йирик саноат шаҳарларининг (манфий миграция сальдоси натижасида Ангрен, Чирчиқ, Олмалиқ ва бошқа шаҳарларда аҳоли сони камайган) деярли йўқлиги ҳамда табиий кўпайиш жараёнларининг мамлакат ўртача даражасидан анча баланд эканлиги сабаб бўлган.

Аҳоли демографиясида кузатиладиги ҳолатлардан яна бири шаҳарда яшайдиган аҳоли сонинг кўпайиш жараёнини ҳам кузатиш мумкин. Мисол учун 2004 йилда воҳа аҳолиси 2378,2 минг кишини ташкил қилиб, шундан шаҳар аҳолиси 587,5 минг кишини, қишлоқ аҳолиси 1790,7 минг кишини ташкил қилган бўлса, 2015 йилга келиб воҳа аҳолисининг умумий сони 2958,9 мингга етиб, шаҳар аҳолиси 1274,5 минг кишини, қишлоқ аҳолиси эса, 1684,4 кишини ташкил қилган. Бундан кўринадики, 2004 йилда вилоятда шаҳар аҳолисининг улуши умумий аҳолининг 25%

ташкил қилган бўлса, 2015 йилга келиб шаҳар аҳолиси умумий аҳолининг 43 % ташкил қилган. Шаҳар аҳолиси ўтган 10 йил давомида 18% га кўпайган [10].

Бунга асосан шаҳар ҳудудларининг кенгайиши, қишлоқ аҳолисининг шаҳарга яшаш учун кўчиб келиши, ўқиш ва ишлаш учун келган кишлоқ ёшларининг шаҳарда ишга кириш жараёнида доимий яшаш учун қолиши сабаб бўлган. Бу асосан вилоятдаги Қарши, Шаҳрисабз, Китоб, Косон каби шаҳарларда яққол сезилган.2020 йилда Қашқадарё воҳаси аҳолиси сони 3280130 кишини ташкил қилган. Воҳа аҳолиси ҳар йили ўртача 60 минг кишига кўпаймоқда [8].

Лекин шунга қарамасдан, хозирги даврда жаҳонда юқори суръатлар билан ривожланиб бораётган урбанизация жараёни, шу жумладан Ўзбекистон ҳаётида шаҳарлар мавқеи ортиб боришига қарамасдан, мамлакатимизнинг 63,9 %, жанубий вилоятларнинг 75,4% аҳолиси қишлоқ жойларида истиқомат қилишмоқда. Қашқадарё вилояти қишлоқ муаммосининг ечими учун табиий-иқтисодий географик жиҳатдан етарли имкониятларга эга. Айниқса иқлимий шароити қишлоқ хўжалигида суғорма ва лалмикор деҳқончилик, сабзавот-полизчиликни ривожлантириш учун қулай. Бу тарихий даврларда аҳолининг асосий қисми қишлоқ хўжалиги билан шуғулланиб келишига таъсир этган. Бинобарин Қашқадарё вилоятидаги аҳоли манзилгоҳларининг 87,5 %ини қишлоқлар ташкил этади. ҳисобланади. Қолган 12,5 %и шаҳар манзилгоҳларидир [9].

Таъкидлаш жоизки, аҳоли табиий ҳаракати кўрсатгичлари шаҳар ва қишлоқ жойларда фарқ қилади: қишлоқ жойларда туғилиш шаҳарларга нисбатан бирмунча юқори. Бунинг бир қанча объектив ва субъектив сабаблари мавжуд. Жумладан, қишлоқларда аёлларнинг ижтимоий ҳаётида бандлигини паст даражада бўлиши, қўл меҳнати кўп талаб қилинадиган қишлоқ хўжалигида ишчи кучига бўлган эҳтиёжнинг мавжудлиги, миллий анъаналар даврлар давомида туғилишнинг юқори бўлишига олиб келган. Шаҳар аҳолиси таркибида эса турли миллат вакилларининг аёлларнинг ижтимоий ҳаётда фаоллиги, иқтисодий-ижтимоий омилларга боғлиқ ҳолда уй-жой муаммоси ва бошқа сабаблари туғилиш даражасининг бироз паст бўлишига олиб келади.

Кейинги йиллар мабойнида, яъни 1989-2014 йиллар оралиғида аҳоли сони анча тез кўпайиб борган: Муборак туманида ўртача йиллик кўпайиш 5,70, Косонда 4,75 %, Китоб ва Нишон туманларида 4,10 фоизни ташкил қилган. Нисбатан пастроқ демографик ўсиш Деҳқонобод (2,40 %), Қарши (2,50 %) ва Касби (2,50 %) туманларида кузатилади. Шу ўринда эътироф этиш лозимки, мазкур кўрсаткичлар бўйича Муборак тумани республикамизда энг олдинги ўринларни эгаллайди [11]. Туман аҳолисининг бундай тез ўсиши нафақат табиий кўпайиш, балки аҳоли миграцияси билан ҳам боғлиқ (табиий ресурсларни ўзлаштириш натижасида аҳоли бу ерга кўплаб кўчиб келган). Юқори минтақа (Шаҳрисабз, Яккабоғ ва Китоб туманлари) кўп жиҳатдан республикамизнинг аҳолиси зич, хўжалиги интенсив ривож топган воҳа ва водийларига ўхшаб кетади. Шу билан бирга, аҳоли зичлик кўрсаткичлари қуйи минтақанинг айрим туманларида (Касби, Қарши) ҳам анча юқори. Аҳолининг табиий ҳаракат кўрсаткичлари бошқа ҳудудларга қараганда (Сурхондарѐдан ташқари) сезиларли даражада фарқ қилади. Чунончи, бу ерда туғилиш коэффициенти ҳар 1000 киши аҳолига 25,1 кишини ташкил этади. Энг юқори даража 2000 йилда Чироқчи туманида бўлиб, у бу ерда яқин 34 кишига баробар (Ўзбекистонда олдинги ўринларда). Яккабоғ туманида ҳам туғилиш анча юқори – 26,7 %. Айни вақтда умумий туғилиш коэффициентиМиришкор, Қарши шаҳри ва туманида пастроқ. 2013 йилда ҳам Чироқчи тумани туғилиш коэффициенти бўйича ажралиб туради (30,0 %). Қолган қишлоқ туманлари орасида

катта фарқ кузатилмайди, вилоят маркази – Қарши шаҳрида туғилиш 21,5 промилле [11].

Аҳоли орасида ўлим даражасининг камайиши, тўғилишнинг кўпайиши ҳам аҳоли деографиясида алоҳида ўрни тутадиган жиҳатлардан бири ҳисобланади.

Мамлакатимиздаги каби Қашқадарё вилоятида ҳам аҳолининг мутлоқ сони ўсиб бораётганлигига қарамасдан йиллик ўсиш суръатлари секинлашмоқда. Аҳоли сони ўсишининг пасайиб бораётганлиги асосан туғилишнинг пасайиши ҳисобига бўлмоқда. Табиий ўсиш 1991 йилда ҳар 1 000 кишига 37,7 кишини ташкил этган бўлса, 1999 йилда 17,7 кишини, 2001-йилда 19,1 киши, 2002 йилда 18,7 кишини, 2003 йилда 18,8 кишини, 2005 йилда 18,1 кишини ва 2010 йилда 21,0 кишини ташкил этди. Қашқадарё вилоятида кейинги йилларда аҳолининг табиий кўпайиш даражаси ўлимга нисбатан туғилиш суръатларининг камайиши туфайли бироз камайди. Табиий кўпайишнинг энг паст даражаси 1999 йилда 17,7% ни ва 2006 йилда 17,9% кузатилди [14].

Кейинги йилларда Ўзбекистоннинг барча вилоятларида туғилиш даражасининг қисқариши табиий кўпайишнинг пасайишига сабаб бўлмоқда. 1989 йилда мамлакатда табиий кўпайиш 27,0 % ни ташкил этган, 2003 йилда эса бу кўрсатгич 14,5% га тенг бўлди. Бу йилларда табиий кўпайиш даражаси 12,5% га камайган. Бундай ҳолат Қашқадарё вилояти учун ҳам хос (18,7%) [14]. Кейинги йилларда туғилиш даражасининг қисқариши табиий кўпайишнинг пасайишига сабаб бўлмоқда. 1996 йилда вилоятда табиий кўпайиш 27,9%, 2003 йилга келиб бу кўрсаткич 19,4% ни ташкил этган. Шу йилларда табиий кўрсаткич даражаси 8,5 % га камайган. Табиий кўпайиш даражаси бўйича Қашқадарё вилояти табиий кўпайиш коэффициенти юқори бўлган вилоятлар (Жиззах, Сурхондарё, Хоразм, Самарқанд, Қорақалпоғистон Республикаси) гуруҳига мансуб бўлиб, уларда аҳолининг табиий кўпайиш коэффициенти 17,2 % дан ортиқ. Ўзбекистонда аҳоли сони 1991-йилда 20,7 млн. кишини ташкил этган бўлса, 2010-йил бошида 28,08 млн. кишидан ошиб кетди. 2015 йилнинг сўнгги чорагида эса, 31.5 млн. кишига етди. Ушбу йиллар давомида аҳолининг ўртача ўсиш даражаси 400 минг кишини ташкил этган. Олдинги йиллардаги сонларга нисбатан туғилиш суръатлари ўсди, ўлим кўрсаткичлари эса камайди. Бу ўтган асрнинг 80-йилларидаги юқори туғилиш суръатларининг ўзига хос демографик натижаси ҳисобланади. Кейинги 2-3 йил мобайнида туғилишнинг ўсиши ўша йилларда туғилган кишиларнинг оила қуришни бошлаганлигидан далолат беради.

Жумладан, Қашқадарё воҳасидаги аҳоли тўғилиши 1995 йил да 36,2 промилле, 1996 йил 33,1 промилле, 1997 йил 29,9 промилле, 1998 йилда 27,1 промилле. 1999 йил 27,5 промилле, 2000 йилда 26,3 промилле, 2001 йил 24,2 промилле, 2002 йилда 23,9 промилле, 2003 йилда 23,5 промилле, 2004 йилда 22,7 промиллени ташкил қилган [12]. Ёки, 2018 йилда 82,1 мингта бола туғилганлиги қайд этилган бўлиб, мос равишда 1000 аҳолига нисбатан туғилиш коэффициенти 25,8 промиллени ташкил этган.

2017 йилнинг январь-декабрида туғилганлар сони 76607 кишини ташкил қилди ва 2016 йилнинг шу даврига (77684 киши) нисбатан 1077 тагакамайди. Туғилиш коэффициенти мос равишда 24,6промиллени ташкил қилди ва 2016 йилнинг шу даврига (25,4промилле) нисбатан 0,8 промиллега камайди.

Туғилиш даражасининг камайиши вилоятнинг Ғузор туманида (25,5 дан 25,0промиллега), Деҳқонобод (28,4 дан 28,3промиллега), Қамаши (27,6 дан 27,2 промиллега), Китоб (24,6 дан 24,3 промиллега), Касби (25,6 дан 24,1 промиллега), Чироқчи (30,3дан 30,2 промиллега), Яккабоғ (27,8 дан 25,2 промиллега) туманларида кузатилди [13].

2018 йилда Вилоят туманлари орасида туғилиш коэффициенти ўрганиб чиқилганда, юқори ўсиш Муборак туманида (22,1 промилледан 24,7 промиллега) ва Қарши шаҳрида (17,9 промилледан 20,7 промиллега) Косон (24,6 промилледан 25,6 промиллега) ва Китоб (24,1 промилледан 24,9 промиллега) туманларида бўлиб, энг юқори кўрсаткич Чироқчи туманида (32,9 промилле) кузатилган.

Аҳоли сони бўйича вилоятда Чироқчи тумани олдинда туради (349,9 минг, 2014 йил); Шаҳрисабз туманида ҳам, Шаҳрисабз шаҳрини қўшиб ҳисоблаганда, аҳоли 324 минг киши. Шунингдек, Қамаши, Косон, Китоб ва Яккабоғ туманларининг ҳар бирида 200 минг кишидан кўпроқ аҳоли бор. Умуман, юқорида келтирилган қишлоқ туманлари бу жиҳатдан республикамизда ҳам ажралиб туради. Вилоят табиий географик муҳитига мос ҳолда аҳоли унинг ҳудудида бир текис жойлашмаган. Ўртача зичлик 1 км2 га 101 киши, бу рақам республика ўртача кўрсаткичидан деярли 1,5 марта юқори. Аҳоли, хусусан Касби (267 киши), Қарши (231 киши), Яккабоғ (210 киши) ва Шаҳрисабз (195 киши) туманларида зич жойлашган, Муборак, Деҳқонобод, Миришкор қишлоқ туманларида зичлик анча паст [15].

Аҳоли зичлиги кўрсаткичларида ҳам ҳудудий тафовутлар деярли шунга мос ҳолда шаклланган; энг юқори кўрсаткич Қарши, Касби, Шаҳрисабз, паст кўрсаткичлар эса Муборак, Миришкор ва Деҳқонобод туманларида кўзга ташланади. Қарши туманида демографик (антропоген) “юкнинг” кўплиги унинг бевосита вилоят маркази атрофида жойлашганлиги билан изоҳланса, Шаҳрисабз туманида бундай вазият деярли 100 минг аҳоли сонига эга бўлган Шаҳрисабз шаҳри туфайли вужудга келган [11].

Ёки, вилоят ҳудудлари кесимида 2019 йил 1 январь ҳолатига кўра таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, энг кўп аҳоли сони Чироқчи туманида 400,0 минг кишини (вилоят аҳолиси сонидаги улуши 12,4 %) ва Косон туманида 278,2 минг кишини (8,7 %), Қарши шаҳрида 270,4 минг кишини (8,5 %), аксинча энг кам аҳоли сони Муборак туманида 84,8 минг киши (2,6 %) ва Миришкор туманида 116,8 минг кишини (3,6 %) ташкил этди. Аҳоли зичлиги 1 кв.км га 120 кишини ташкил қилади [8].

Вилоят меҳнат ресурслари таҳлил қилинганда, 2001 йилда меҳнатга лаёқатли ёшдагилар (эркаклар 16-59 ёш, аёллар 16-54 ёш) 49 фоизни, меҳнатга лаёқатли ёшдан катталар 6,0 фоизни ташкил этган. Қашқадарё вилояти статистика бошқармаси маълумотларига кўра, вилоятда меҳнат ресурсларининг сони 2018 йилнинг январь-декабрь ойлари учун ўртача 1806,8 минг кишини ёки жами аҳоли сонидаги улуши 56,8 фоизни ташкил қилди.

Меҳнат ресурслари таркибида иқтисодий фаол аҳоли сони 1356,3 минг кишини (жами меҳнат ресурсларининг 74,9 %), шунингдек, иқтисодий нофаол аҳоли сони 453,5 минг кишини ташкил қилди (25,1 %). Иқтисодий фаол аҳоли сонининг жами аҳоли сонидаги улуши 42,6 фоизни ташкил қилди.

Иқтисодиётда банд бўлганлар 1222 минг киши бўлиб (2017 йилга нисбатан 4.3 фоизга ошган), иқтисодий фаол аҳолининг 64,8 фоизини ташкил этади. Иқтисодий фаол аҳолининг бандлик даражаси (иқтисодиётда банд аҳолининг иқтисодий фаол аҳоли сонига нисбати) 90.3 фоизни ташкил этди.

Бундан кўринадики, вилоятда ишсизлар сони 131,3 минг киши, яъни, ишсизлик 9,7 фоизга тенг (ишсизлик даражаси жами иқтисодий фаол аҳолига нисбатан ҳисобланади). Иш билан банд аҳоли сонининг асосий қисми қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (24.6 %), қурилиш (13.7 %), савдо (10.1 %), саноат (8.4 %) ва таълим (8,3 %) соҳалари ҳиссасига тўғри келади [8].

Меҳнат ресурслари туманлар кесимида таҳлил қилинганда, юқори кўрсаткичларда Чироқчи, Косон, Қамаши ва Шахрисабз туманлари, энг кўп иқтисодий фаол аҳоли сони Чироқчи туманида (146,0 минг киши) ва Қарши шаҳрида (130,6 минг киши) га кузатилди. Иқтисодий фаол аҳоли сонининг энг кам кўрсаткичлари Миришкор (54,7 минг киши) ва Муборак (46,2 минг киши) туманларига тўғри келди.

Хулоса қилиб айтганда, аҳоли демографияси воҳа иқтисодий ва ижтимоий соҳаларига бевосита таъсир этувчи жараён ҳисобланади. Бугунги кунга келиб, кишиларнинг шаҳарларга интилиши кўчайиб бормоқда. Натижада, шаҳар аҳолисининг салмоғи кўпаймоқда, шунингдек, аҳолининг миллий таркибида ўзбекларнинг салмоғи ҳам ошиб кетмоқда, бунга, асосий сабаблардан туб жой аҳолиси бўлмаган миллат вакилларининг ўз ватанларига қайтиши ва қишлоқ жойларида туғилишнинг кўпайишини мисол келтириш мумкин.

Аҳоли бандлиги муаммосини ҳал қилишнинг энг асосий йўллари- туманлар миқёсида ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни фаоллаштириш, бу борада ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларига инновацион технологияларни жалб қилишдир. Бу эса ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши билан мос равишда маҳаллий эҳтиёж асосида ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма тармоқларини жадал ривожлантиришни тақозо этади.

**Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати**


1. Убайдуллаева Р., Ота-Мирзаев О., Умарова Н. – Ўзбекистон демографик жараёнлари ва аҳоли бандлиги. – Т., 2006
2. www.qashstat.uz.
3. Ҳасанов А. Қашқадарё воҳаси шаҳарсозлиги ва меъморчилиги (XVI-XIX асрлар). – Т.: “Voris”. 2019. – Б.21.
4. Қашқадарё ҳақиқати, 1992 йил 22 февраль.
5. Каримов И.А. Ватан озодлиги, халқимнинг омонлиги, юртимнинг равнақи, ҳар бир оила фаровонлиги – мен учун олий саодат. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. – Б.127.
6. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси йиллик статистик тўплам. – Т., 2005. – Б.54-55.
7. Ўзбекистон Республикаси. Энциклопедия. М.Аминов ва бошқалар. – Т., 1997. – Б.650.
8. Қашқадарё вилоят сраститика бошқармасининг жорий архиви, 2020 й.
9. Тожиева З.Н. Ўзбекистон аҳолиси: ўсиши ва жойланиши (1989-2009 йй.). Монография. – Т.: «Fan va texnologiya», 2010. – Б.54.
10. Демографический ежегодник Узбекистана. – Т., 2019. – Б.5.
11. Солиев А. Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий географияси. – Т., 2014. – Б.290.
12. Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами. 2004. – Тошкент, 2005. – Б.57.
13. Қашқадарё вилоятининг статистик ахборотномаси. 2019 йил. – Б.53.
14. Муродова Д.С. Қашқадарё вилоятида аҳоли табиий кўпайишининг хусусиятлари. География. фанининг назарий ва амалий масалалари. – Т., 2007.
15. Солиев А., Назаров М., Қурбонов Ш. Ўзбекистон ҳудудлари ижтимоий иқтисодий ривожланиши. Монография. – Т., 2010. – Б.271.
16. Қашқадарё вилоят сраститика бошқармасининг жорий архиви, 2019 й.

## XX АСР БОШЛАРИДА ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИ

***М.Х.Тўраева – т.ф.н., доцент. Қарши давлат университети***

Ўтмиш тарихимиздан маълумки, ўзбек халқи миллий таълим тизимида анъанавий усулда таълим берувчи, болаларнинг бошланғич хат-саводини чиқарувчи таълим муассасаларининг ўрни бениҳоя катта бўлган. Анъанавий таълим тизимининг вужудга келиши, араблар истилоси даври билан боғлиқ бўлиб, дунё илм-фани тараққиётига ҳисса қўшган буюк алломалар айнан ана шу илм даргоҳларида таълим олган эдилар.

XX аср бошларида ҳам анъанавий таълим тизими ўтган асрлардаги каби бир неча босқичларни қамраб олганлиги манбаларда эътироф этилган. Жумладан, Д.Н.Логофет Бухоро амирлиги ҳудудидаги анъанавий таълим тизимини қуйидаги тўрт тоифага бўлади: мактаблар (мактабхона)–қуйи саводхонлик мактаблари, далоилхона - араб тилида номозларни ёддан ўрганиш учун қуйи мактаблар, қорихона – Қўръонни ёддан ёд олиш қуйи махсус мактаблар, мадраса – Қўръон ва шарият илмларини ўргатадиган қуйи ва олий мактаблар [1:26].

Макур даврда Бухоро амирлиги ҳудудида бўлганидек, Қашқадарё воҳаси шаҳарларида, йирик қишлоқларида ва шунингдек маҳалла гузарларида ҳам бошланғич маълумот берувчи анъанавий таълим шаклидаги муассасалар фаолият кўрсатганлиги манбаларда қайд этилган. Ана шундай мактабларнинг асосий қисми масжидлар ихтиёрида фаолият кўрсатган.

“Мактаб” сўзи арабча “катаба” – ёзмоқ феълидан ясалган бўлиб, ёзишга ўргатиладиган жой дейилса, бошқаларида “мактаб” термини мирзалар мактаби маъносини билдирган [2:94] 1896 йилда Санк-Петербургда нашр қилинган энциклопедияда: “Мактаб-мусулмонларнинг масжидлар қошидаги хат-савод чиқариш ва диний удумларни ўзлаштириш даргоҳи” дея таъриф берилган. Мазкур даврда юз берган сиёсий ҳуқуқсизлик, ташқи алоқаларнинг чекланиши, мамлакатдаги барча соҳаларда жумладан маданий ҳаётда ҳам турғунлик холатларининг кучайишига, давр талабларидан ортда қолиш жараёнларини янада кўчайтирди. Хусусан, таълим тизимида ҳам бу ҳолат яққол кўзга ташланар эди.

Туркистон ўлкасининг мактаб ва мадрасалар бўйича махсус инспектори В.П.Наливкин 1901 йилда қайд этишича: “Анъанавий мактабларда мактаб учун қурилган махсус бино деярли йўқ. Аксари мактабларнинг машғулоти масжидларда ёки тўғридан-тўғри масжиднинг айвонида ёхуд масжид ҳузуридаги ҳужрада ўтказилади, чунончи текширилган 142 та мактабдан 109 таси масжидларда фаолият кўрсатган”лигини айтиб ўтади. Демак, ўлкадаги мактабларнинг 76,7 фоизи масжидлар ихтиёрида бўлган.[3:153]

Худди шундай ҳолатни Қашқадарё воҳасида мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Жумладан, Шахрисабз ҳудудидаги 23 та мактабдан 11 таси масжидлар ҳузурида ташкил этилган бўлиб, бу мактабларда 700 га яқин болалар ўқитилгани мисол бўлади. Бешкент худудидаги 18 масжиднинг деярли барчасида мактаблар бўлиб, уларда ўғил болалар ўқитилган.[4:151] Амин Ғаниевнинг хотирлашича Катта Ҳовуз бўйи масжидида 20 дан ортиқ бола ўқитилган. Темурхон Сулаймоновнинг хотирлашича Ҳазрат Султон масжидида 30 га яқин бола таҳсил кўрган.[5:104] Нуқрабод қишлоғи ҳудуди жиҳатидан катта бўлганлиги боис 7 та масжид фаолият кўрсатган. Масжидлар маҳалий аҳолининг диний урф-одатларини амалга ошириш учун хизмат қилган бўлсада, аммо иккинчи томонидан юқорида таъкидланганидек, ўғил болалар учун мактаб вазифасини ҳам бажарган. Мазкур ҳудудда Бешбой, Ўзбек, Хожибой, Сўпи, Арабхона, Хўжа Хофиз Шерозий, Жар каби масжидлар

фаолият кўрсатган ва уларнинг барчасида анъанавий шаклдаги ўқитиш тизими амалга оширилган [6:36].

XX аср бошларида Қарши шаҳри Buxoro амирлиги ҳудудидаги нуфузли шаҳарлардан бири ҳисобланган. Мазкур даврда шаҳарда Бек, Сарбозхона, Одина, Чорсу, Мир Бекойбий, Ҳарамсарой, Чиғатой, Тутак дарвоза, Шаршара, Хонақоҳ, Хожа Хаёлий номлари билан аталган бир нечта масжидлар фаолият юритган. [7:197] Мазкур масжидларнинг баъзиларига тегишли бўлган вақф ҳужжатларида уларнинг ихтиёрларида бошланғич мактаблар фаолият кўрсатганликлари ҳақида маълумот берилган. Жумладан, Қарши шаҳридаги Мирзо Латиф гузарида жойлашган Мулла Турсунбоқи масжиди пишиқ ғишт, хом ғишт ва ёғочдан қурилган бўлиб, тепа қисмида илм толиблари учун битта ҳужраси ҳам бўлган. Мазкур масжидда Мирзо Латиф гузарининг мактабхонаси жойлашган. Архив маълумотларида Тоқидўзон масжидига тегишли учта вақф ҳужжати сақланиб қолган бўлиб, уларнинг бирида биз учун муҳим бўлган маълумот мавжуддир. Жумладан, мазкур ҳужжатда айтилишича, “Тоқидўзон масжидининг ғарб томонида мазкур гузар мактабхонаси жойлашганлиги кўрсатиб ўтилган.[8:97] Шунингдек, Қўрғонча масжидида ҳам мактаб фаолият кўрсатган бўлиб, унда Насимқори, Содиқ Охун, Самариддинхон исмли кишилар дарс беришган.

Маҳаллий манбаларда эътироф этилишича, Касби ҳудудидаги Муғлон, Денов, Фазли, Қамаши, Маймоноқ, Хўжаҳайрон қишлоқларида кўплаб масжидлар фаолият кўрсатган. Мазкур масжидларнинг барчасида ўғил болаларнинг бошланғич саводи чиқарилган. Деновлик Панжи Омонов, Некбой Шоназаров, Чори Жовлиев, Азизбой Турсунов, Бўри Шамсиев ва Юнус Шоназаровларнинг таъкидлашича, дарслар араб тилида олиб борилган.[9:32] Болалар қироат билан ёд олишга одатланганлар. Қуръон суралари, ҳадислар ва бошқа диний қўлланмалар ёдлатилган.

Масжидлар ихтиёридаги мактабларда болаларнинг сони аниқ қилиб белгиланмаган. Уларга бошланғич саводини чиқариш истагида бўлган болаларнинг барчасини қабул қилган. Шу сабабдан юқорида кўрсатиб ўтилганидек, уларда ўқиётган болалар сони турлича бўлган. Масжид имомлари ўзларининг имкониятларидан келиб чиққан ҳолда ўқитиш тизимларини амалга оширган. Болаларнинг диний нуқтайи назаридан саводини чиқаришга алоҳида эътибор қаратилган. Шариат қоидаларига мувофиқ, масжидлар вақф қилинган мулклар ҳисобидан биноларни таъмирлашга ва бошқа хизматчиларни таъминлашга ва давлат солиқларини тўлашга сарфланган. Хат-савод ўргатиш билан шуғулланган домлаларнинг таъминоти ота-оналарнинг зиммасида бўлган.

Шунингдек Қашқадарё воҳасида мустақил тарзда фаолият юритган мактаблар ҳам мавжуд бўлганлиги манбаларда эътироф этилган. Жумладан, Ғузор ҳудудидаги Афғонбоғ, Эскибоғ, Қўштепа қишлоқларида 5 та бошланғич таълим берувчи мактаблар бўлиб, уларда ўқиган болалар сони 50-60 нафарни ташкил этган.[10:2] Касби ҳудудидаги Қамаши қишлоғи энг қадимий ва йирик манзилгоҳлардан бири бўлиб, анъанавий шаклдаги мактаб фаолият кўрсатган. Мазкур мактабда Мулла Расул қори, Ғёссиддин Қори, Раҳимбой ҳалфа деган кишилар дарс беришган.

Мактабхоналарда болаларнинг саводини чиқариш, ҳарф ва сўзларни ёзиш, ўқишни ўргатишдан бошланган. Ҳар бир мактабдор имкониятига қараб ўқитишни ўзига хос усулда олиб борган. Мактабларда “Савод”, “Ҳафтияк” (“Қуръон”нинг еттидан бири), “Қуръон”, “Чор китоб”, Хўжа Ҳофиз Шерозий, Навоий, Мирзо Бедил, Ҳувайдо каби шоирларнинг асарлари, Сўфи Оллоёрнинг “Маслаки муттақийн” (Парҳезкорлар маслаги) номли диний масалалардан баҳс юритувчи асарлари ўқитилган. Айрим мактабдорлар болаларга ҳуснихат ва оғзаки ҳисобни ўргатишга, баъзилари эса Қуръонни ўқитиш билан чекланган. Мактабхоналар ёки масжидларда

болаларни ўқитишга мўлжалланган хоналар бир хонадан иборат бўлиб, болалар бўйра ёки гилам (тўшамча, шолча) устида ўтиришган. Мактабнинг хоналари кичик, тор бўлиб, ёруғлик тушмайдиган қоронғи, ўқувчилар ўтирадиган жой эса нам ва заҳ бўлган. Ўғил болалар мактабхоналарида масжид қавми томонидан таклиф этилган масжид имоми, муаззини ёки мадрасани тугатган киши муаллимлик қилган.

Анъанавий таълим тизимида амал қилиниб келинаётган қадимий усуллардан бири бу бирор матнни ёдлаш, яъни ҳарфлар ва матнлар ўқитувчи томонидан овоз чиқариб айтиб турилган, болалар томонидан такрорланган. Бу ҳолат болаларнинг савод чиқаришини қийинлаштирган асосий сабаблардан бири бўлган. Шунингдек бошланғич мактабларда ўқиш ва ёзишга бир вақтда ўргатилмаган, яъни ўқувчилар ўқишни тўлиқ ўзлаштириб олганларидан кейин ёзишга ўргатилган. Юқорида таъкидланганидек бошланғич таълим тизимида ўзига хос муаммолар ва салбий ҳолатлар ҳам мавжуд эди.

XX асрнинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири айнан мазкур даврда бутун Туркистон ҳудудида анъанавий таълим тизимини ислоҳ қилиш ишлари ҳам бошлаб юборилган эди. Бухоро амирлигида ҳам миллий зиёлилар таълим тизимини ислоҳ қилиш зарурлигини илгари суриб бу жараёндаги бир қанча камчиликлар ва муаммоларни кўрсатиб берди.

Абдурауф Фитрат кенг халқ оммаси ўртасида илм-маърифат тарқатишда жонбозлик кўрсатди. “Ҳаёт йўлида биринчи масала – мактаб масаласидир” – деб ёзган эди Абдурауф Фитрат. Абдурауф Фитратнинг ўзи ҳам 1913-1914 йилларда Ота Хўжа Пўлатхўжаев билан бирга Шаҳрисабз ва Каркида мактаблар очиш билан машғул бўлган [11:107].

Қашқадарё худудида маърифатпарварлар томонидан очилган мактаблар ҳақида маълумотлар жуда озчиликни ташкил этади. Чунки бу мактаблар яширин ҳолатда фаолият кўрсатган ва бугунги кунимизгача ҳали тўлиқ тадқиқ этилмаган. Шаҳрисабз беклигида Исломқул Тўқсабо ўз уйида янги усул мактаби очиб, унда ишлаш учун Тошкент ва Самарқанддан бир неча муаллимларни таклиф этган. Ушбу муаллимлар томонидан кейинчалик бир неча мактаблар ташкил этилган.

Ғузор туманида истиқомат қилган ҳожи Малик Бобонинг гувоҳлик беришича Самарқанд шаҳридан келган ҳожи Ибрагим исмли киши 1918 йилда Ғузорда битта мактаб очади. Мактабда 30 та бола яширин ҳолатда ўқитилади. Мактаб фақат бир йил фаолият кўрсатади. Аммо мазкур мактаб амирнинг фармони билан ёпилади. Манбаларда эътироф этилишича ушбу мактабнинг ўқитувчиси ҳам у ерда таҳсил олган болалар ҳам яширин равишда ўлдириб юборилади. Мазкур ҳолатдан шундай хулоса қилиш мумкинки, демак ушбу мактаб ҳақиқатдан ҳам янги усул мактаби бўлган бўлиши керак.

Шундай мактаблардан яна бири Бешкентда Қосимбой исмли кишининг ҳовлисида очилди. Шу мактабда таҳсил олган Темирхон Сулаймоновнинг хотирлашича унда жиззахлик Маҳмудий, Зоҳидий, мулла Қутбиддин деган домлалар дарс беришган. Мулла Қутбиддин Бешкентга Махмудхўжа Беҳбудийнинг тавсиясига кўра маърифат тарқатиш мақсадида келганлиги эътироф этилади. Демак бу маълумотлардан шундай хулоса қилиш керакки, Қашқадарё ҳудудига ҳам янги усул мактабларини очиш учун миллий зиёлилар юборилган. Аммо мазкур мактаблар жадид мактаби сифатида ҳеч қаерда қайд этилмаган.

1919 йилда Маҳмудхўжа Беҳбудий Шаҳрисабзда бўлганлиги манбаларда қайд этилган. Аммо мазкур даврда турли хилдаги мактаблар бўлиб, уларни бир-биридан ажратиш жуда мушкулдир. Маҳмудхўжа Беҳбудий ва унинг сафдошлари фавқулодда комиссия айғоқчилари томонидан Шаҳрисабз беклигида қўлга олинади.[12:30] Орадан тахминан икки ой ўтгач, Қарши шаҳрига келтириб зиндонга ташланади. Бир

неча кундан сўнг Қарши беги Тоғайбекнинг буйруғи билан ёрдамчиси Нуриддинхўжа Оғалиқ Аҳмадхўжа ўғли томонидан зиндон яқинидаги “подшолик чорбоғи”да ўлдирилади.

Бухоро амирлиги тугатилиб, совет ҳокимияти ўрнатилгач, анъанавий таълим тизимида ҳам катта ўзгаришлар амалга оширилди. Мазкур даврда турли хилдаги мактаблар бўлиб, уларни бир-биридан ажратиш жуда мушкулдир. Совет ҳукумати мактаблар ва бошқа шу тизимдаги ўқув муассасалари фаолиятини назорат қилиш мақсадида 1921 йилда Туркистон Мухтор совет социалистик республикаси Халқ Маориф Комиссарлиги ҳузурида вақф бош бошқармаси ташкил этилди.[13:28] Бошқармага анъанавий таълим тизимидаги мактаблар сонини аниқлаш масаласи топширилди. Бундан кўзланган асосий мақсад Советларнинг бу мактабларга ўз таъсирини оширишдан иборат эди.

1921 йилнинг январида Бухоро Халқ Совет Республикаси ҳудудида мавжуд бўлган мактаблар, мадрасалар, қорихоналар, Халқ Маорифи Комиссарлиги ихтиёрига ўтказилди. Мактаблардаги барча ишлар унинг раҳбарлиги ва назорати остида ташкил қилина бошланди. Совет давлатининг олиб борган сиёсати туфайли вақфлар тугатилди, мусулмон мактаблари ва мадрасалари фаолиятига бутунлай чек қўйилди.

Хуллас асрлар давомида фаолият юритиб келган бошланғич маълумот берувчи мактабхоналар фаолиятида ўзига хос ютуқлар билан бирга талайгина муаммолар ҳам мавжуд эди. Аммо анъанавий таълим тизимини ислоҳ қилиш ғоясини илгари сурган миллий зиёлиларга имкон берилмади. Қашқадарё ҳудудида анъанавий таълим муассалари фаолиятини ўрганиш уни тадқиқ этиш, ижобий ва салбий ҳолатларини очиб бериш тадқиқотчилар олдида турган муҳим вазифалардан биридир.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**


1. Логофет Д.Н. Бухарское ханство. Том II. С-Петербург, 1911. – С.26.
2. Остроумов Н. П. Исламоведение. Введение в курс исламоведения. – Ташкент, 1914. – С 94.
3. Ўз МА, 47-фонд, 1-рўйхат, 333-иш, 6-варақ.
4. Қашқадарё ВДА Бешкент филиали, 31-жамғарма, 1-рўйхат, 261-иш, 151-варақ.
5. Эргашев Э. Бешкент тарихи. – Қарши, 2000. – Б. 104.
6. Рахматуллаев Т. Қўрғон садоси. – Қарши, Насаф. 1999. – Б 36.
7. Равшанов П, Хушвақов Н. Қашқадарё тарихига саёҳат. – Т.: Илм-зиё-заковат, 2020. – Б 197.
8. Абдусаттор Жуманазар. Насаф. – Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2007. – Б 97.
9. Пўлатова Б. Деновликлар тарих кўзгусида. – Т.: Фан, 1994. – Б 32.
10. Янги ҳаёт газетаси, 1977 йил 18 июнь
11. Шарипов Р. Туркистон жадидчилик ҳаракати тарихидан. – Тошкент: Ўқитувчи, 2002. – Б. 107.
12. Беҳбудий, Маҳмудхўжа. Танланган асарлар. 1-ж. – Т.: Академнашр, 2018. – Б 30.
13. Ражабов С. Ўзбекистонда совет мактаби тарихига доир. – Т., 1957. – Б 28.

# ЎЗБЕКИСТОНДА ЭКОЛОГИЯ МУАММОЛАРИ ВА УНГА ҚАРШИ КУРАШ

***Н.М. Қувватова – т.ф.н., доцент. Қарши давлат университети***

«Экология» атамаси юнонча «ойкос» (уй, яшаш жойи) ва «логос» (таълимот, фан) сўзларидан ясалган. Бошқа барча билимлар йўналишлари каби экология инсониятнинг бутун тарихи давомида муттасил, аммо нотекис ривожланган. Гиппократ, Аристотель ва бошқа қадимги юнон мутафаккирлари асарларида ҳам экологик йўналиш аниқ кўзга ташланиб, бу иборани илк марта 1869 йили немис биолог-эволюционисти Эрнст Геккель қўллашни таклиф этади.

Жаҳонда иқлим ўзгаришлари, экологиянинг бузилиши, сув ва ҳавонинг ифлосланиши, ерларнинг чўлланиши каби муаммолар кучаймоқда. Саноат тараққиёти умумий турмуш савиясини оширишга хизмат қилса-да, айни чоғда урбанизация билан биргаликда инсонни табиий, одатий муҳитдан чиқаради. Индустрализация ва урбанизация инсонни ўзининг биологик эволюцияси давомида таъсирида бўлган табиий жараёнлардан муқаррар узоқлаштириши, физиологик издан чиқишлар манбаига айланишига хизмат қилди. Инсон ўз организми учун физиологик заруратга айланган «табиий маромлар» билан ҳисоблашмасдан яшашга ўтди.

Атроф-муҳит аҳоли соғлиғини ва умуман инсон ривожини белгиловчи омиллар орасида муҳим роль ўйнайди. Кейинги йилларда илгари маълум бўлмаган бутун бир гуруҳ касалликлар юзага келди. Ўзига хос эпидемиологик ҳамда амалиётга эга юкумли касалликлар, олдини олиш мураккаб бўлган генетик касалликлари, эндокрин, аллергик ва заҳарланиш касалликлари шулар жумласидандир. Тадқиқотларда аниқланишча, XX аср 90- йилларнинг бошларида 87 та ривожланаётган мамлакатда 340 млн. аҳоли организмининг тўғри ўсиши ва жиддий касалликлар олдини олиш учун зарур бўлган миқдорда калория ололмаганлиги маълум бўлди. Бундан ташқари табиий офатлардан XX аср 70-йилларига нисбатан 6 марта кўп одам ўлган. Бу каби ҳолатлар инсоният инқирозининг оқибатларини ифода этиб, экологик муаммоларни чуқурроқ ўрганишни тақоза этмоқда. Жумладан, экология ва атроф-муҳит тарихини тадқиқ этиш тарих фанининг ўзига хос назарий-методологик асослар орқали ривожланаётган мустақил йўналишлардан бирига айланди.

Ўрта Осиё минтақасининг иқлимий-географик хусусиятлари инсон, жамият ва табиат ўзаро муносабатлари жараёнига, экотизимлар шаклланиши ва ривожланишига жиддий таъсир кўрсатди. Ўрта Осиё минтақасининг биосферасига антропоген таъсир аста-секин табиатнинг издан чиқишига олиб келди. Минтақада табиий муҳитнинг бузилиши асосан хўжалик фаолияти, ишлаб чиқарувчи кучларни экстенсив ривожлантириш билан боғлиқ бўлди. Аввало бу атроф-муҳитнинг заҳарли моддалар билан ифлосланиши, шунингдек, табиат ресурсларини жадал ва экологик жиҳатдан асоссиз ишга солиш туфайли келиб чиқди. Саноат ва қишлоқ хўжалигининг ривожланиши табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари билан бирга олиб борилмади. Табиатнинг тикланадиган ресурсларни ишлаб чиқариш қобилиятига путур етди. Умуман минтақадаги экологик вазият ҳозирги пайтда жуда мураккаблашди. Бунинг асосий сабабларидан бири табиий муҳитга ҳаддан ташқари саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва демографик зўриқиш тушганлиги бўлди. Бунинг натижасида экологик мувозанат бузилди. Ҳаво ифлосланиши, у орқали бошқа экотизимнинг ифлосланиши саноат корхоналари, барча турдаги транспорт воситаларининг зарарли чиқитларни кўплаб ҳавога чикаришлари, заҳарли химикатлар ишлатилиши туфайли юз берди.

Ўзбекистоннинг иқлим шароитининг иссиқ ва қуруқлиги соғлиқни сақлаш ишига жиддий эътиборни талаб қилади Чунки бундай иқлим юқумли касалликлар тарқалишига ҳар томонлама имкон яратади. Инсон саломатлиги кўп жиҳатдан атрофни ўраб турган иқлим ва табиий муҳитга боғлиқ.

Ўзбекистонда советлар давлатида атроф-муҳит муҳофазаси масаласига муайян даражада эътибор берилди. Урушдан кейинги йигирма йил давомида ушбу масалада 10 га яқин ҳужжат қабул қилинди. Ўзбекистонда ҳам табиий шароитларидан келиб чиқиб бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Аммо Ўзбекистон атроф-муҳит ҳавосининг ифлосланиши бўйича мамлакатда энг юқори ўринлардан бирини эгаллади. Саноат корхоналари экология талабларига жавоб бермади. Аҳоли сони ўсиб бораётган бир шароитда табиатдан фойдаланишни бошқариш ва такомиллаштириш, назоратни кучайтириш турли хил юқумли касалликларнинг олдини олишда энг муҳим тадбирлардан бири ҳисобланади. Ўзбекистонда экология масалалари турли идораларнинг зиммасига юклатилди. Бу эса табиатни муҳофаза қилиш ишларини самарали амалга оширишга тўлиқ имкон бермай келди.

Ўзбекистондаги салбий ижтимоий-экологик шароитнинг асосий сабабларидан яна бири қишлоқ хўжалигида заҳарли кимёвий моддаларнинг ҳаддан ташқари ортиқ ишлатилиши ва технология интизомнинг пастлиги ҳамда инсон саломатлиги учун хавфли бўлган кимёвий дорилардан фойдаланишни тегишлича назорат қилинмаганлигида эди. Табиат қонунлари қўпол равишда бузилди. Чекланган воҳа участкаларида ўнлаб экологик жиҳатдан зарарли кимёвий ишлаб чиқариш иншоотлари қурилди. Улар маҳсулотининг аксарияти хом ашё сифатида республика ташқарисига олиб чиқиб кетилди. Аҳолига заҳарланган ҳаво, ер ва сув қолди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда олиб борилаётган экологик сиёсатда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, атроф-муҳитнинг ифлосланишини пасайтириш, Оролбўйи ҳудудларида экологик вазиятни барқарорлаштириш, тоза ичимлик суви муаммосини ҳал этиш масалаларига жиддий эътибор қаратилмоқда. Ушбу масалада Ўзбекистон Республикасида 51 та қонун, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 4 та қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 10 та фармон ва қарорлари қабул қилиниб, амалиётга жорий қилинди.

Бугунги кунда Ўзбекистон йирик саноат ва аграр минтақа бўлиб, келажакда машинасозлик, энергетика, кимё, газ, қурилиш ва озиқ-овқат саноати, транспорт мажмуини янада ривожлантириш тадбирлари олиб борилмоқда. Бу эса ўз ўрнида ижтимоий экотизимнинг ҳолатига муайян даражада салбий таъсир кўрсатади. Республикада йирик ҳудудий-саноат мажмулари жойлашган туманларда (Ангрен-Олмалиқ-Чирчиқ, Фарғона-Марғилон, Навоий ва ҳоказо) табиатни муҳофаза қилиш, Орол ва Оролбўйи муаммолари, сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан мақбул тарзда фойдаланиш, сувларнинг саноат чиқиндилари, пестицидлар ва минерал ўғитлар билан ифлосланиши каби экология билан боғлиқ муаммолар тўпланиб борди.

Ўзбекистонда ерларнинг шўрланиши, шамол ва сув эрозиясига учраши энг жиддий муаммога айланди. Шўрланган ерлар суғориладиган ерларнинг 50,7 фоизини ташкил этди. Шунингдек, суғориладиган ерларнинг 52 фоизи иккиламчи шўрланишга учраган. Шўрланиш асосан дарёларнинг қуйи қисмида кучли бўлди. Масалан, Амударёнинг қуйи қисмиларида жойлашган ерларнинг 95 фоизида шўрланиш кузатилади.

Табиатдан нотўғри фойдаланиш оқибатида кўпгина ҳайвон турлари ва ўсимликларнинг қирилиб кетиш ҳолатлари аниқланган. Ўзбекистонда турон йўлбарси, гепард, тукрман қулони йўқ бўлиб кетган. Ўсимликлар дунёсида ҳам ушбу

ҳолатни кузатиш мумкин. “Қизил китоб” рўйхатига киритилган ўсимликлар сони 163 тадан 301 тага, ҳайвонлар тури 113 тадан 184 тага кўпайди.

Минтақада экологик вазиятни яхшилашда халқаро ҳамкорлик муҳим аҳамиятга эга бўлди. 1994 йили Марказий Осиё давлат раҳбарлари “ПБАМ-1” дастурини тасдиқлади. Мазкурт дастурни икки босқичда амалга ошириш режалаштирилиб, 5 йилга мулжалланган дастлабки босқичида 30 млн. АҚШ доллари миқдорида маблағ жалб этилди. Иккинчи босқичида эса 500 млн. АҚШ доллари миқдорида маблағ жалб этиш режалаштирилди.

Марказий Осиё давлатлари Орол ҳудуди экологиясини яхшилаш тадбирларини ҳам узлуксиз олиб борди. 2002 йил октябрда Марказий Осиё республикалари раҳбарлари учрашувида “Орол денгизи ҳавзасида экологик ва ижтимоий-иқтисодий ҳолатни яхшилаш бўйича 2003-2010 йилларга мулжалланган ҳаракатлар дастури” қабул қилинди.

2013 йил сентябрда БМТ Бош ассамблеясининг 68-сессиясида “Орол денгизи қуришининг оқибатларини бартараф этиш ва Оролбўйида экотизимлар ҳалокатининг олдини олиш чора-тадбирлар дастури” расмий ҳужжат сифатида тарқатилди. Кўрилган тадбирларга қарамай Орол қуришда давом этди. 2014 йилда Жанубий (Катта) Орол денгизнинг атиги 7297 км. кв. қисми қолди. 2015 йил баҳорда вақтинчалик сув билан тўлган денгиз ўша йилнинг кузига келиб 8303 км. кв.га қисқарди. Орол денгизи бир пайтлар дунёда катталиги жиҳатдан тўртинчи ўринда турувчи кўл ҳисобланган.

Хуллас, атроф-муҳит муҳофазаси ва экология муаммолари бутун жаҳон давлатларининг энг долзарб масаласига айланди. Ўзбекистонда ҳам бу борада муайян ишлар амалга оширилиб борилган бўлсада, экологик вазият туфайли ижтимоий ҳаётнинг қатор йўналишларида муаммолар тўпланиб борди.

**Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати**

1. Атроф-муҳит муҳофазаси ўз ечимини топмоқда // Экология хабарномаси. – Тошкент, 1999. – №4. – Б.6-8.
2. Давлетов С. Р. XX аср иккинчи ярми – XX1 аср бошида Ўзбекистондаги экологик вазият ва унинг ижтимоий муаммолари. Тарих фанлари доктори диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2018. – 34 б.
3. Знамя Дружбы, 1990 йил 28 август.
4. Ниғматов А.Н., Шивалдова Н.С. Иқлим ва биз. – Тошкент, 2010. – 135 б.
5. Рафиков А.А. Геоэкологик муаммолар. – Т.: Ўқитувчи, 1997. – 221 б.
6. Холмўминов Ж. Экология ва ердан фойдаланишнинг ҳуқуқий масалалари. – Тошкент: Меҳнат, 1991. – 56 б.
7. Шодиметов Ю. Ижтимоий экологияга кириш. – Т.: Ўқитувчи, 1994. – 286 б.
8. www.unece.org
9. //www.aral.uz/ru/a_001.htm
10. sputniknews-uz.com/…20170421

## ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИ – ТАРИХНИНГ АЙРИМ САҲИФАЛАРИДА

***О.М.Норматов – тарих фанлари буйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б.***
***Чирчиқ давлат педагогика институти***

Совет ҳокимияти томонидан ўтказилган районлаштириш сиёсати ва унинг ўлка халқларининг иқтисодий – сиёсий, ижтимоий – маданий ҳаётига таъсири масалаларини ўрганиш бугунги кунда тарихчилар олдида турган долзарб

масалаларидан бири ҳисобланади. Жумладан, ушбу мақолада Ўрта Осиёда ўтказилган миллий-ҳудудий чегараланишдан сўнг ташкил топган Қашқадарё вилоятида районлаштириш сиёсатининг ўтказилиши тарихи ва бу ҳудудда ташкил топган Қашқадарё округининг умумий ҳолати, унинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида сўз боради.

Ўзбекистон ССР МИҚ нинг районлаштириш комиссияси томонидан 1926 йилнинг ўрталарида Қашқадарё вилоятининг Беҳбудий, Ғузор ва Шаҳрисабз уездлари ўрнида Қашқадарё округини тузиш лойихаси ишлаб чиқилди. Кенгаш бу лойиҳа ой охирларида амалга оширилиб, округ маркази Беҳбудий (Қарши) шаҳри қилиб белгиланди. Манбаларда кўрсатилишича, Қашқадарё округида қуйидаги 8 та район (туман) районлаштириш комиссияси тамонидан рўйхатга олинган: Косон, Бешкент, Чироқчи, Китоб, Шаҳрисабз, Яккабоғ, Ғузор ва Танга – харам (ҳозирги кунда Деҳқонобод тумани) районлари [1]. Қашқадарё округининг ҳудуди шимолдан Самарқанд ва Ўрта Зарафшон округлари билан, жануби ғарб ва жануб томондан Туркманистон ССР билан, шарқдан Сирдарё округи билан, шимоли – шарқдан эса Тожикистон АССР билан чегараланган. Округнинг умумий майдони 26.289 вёрста*ни ташкил этган.

Қашқадарё округининг умумий аҳоли сони 434.494 киши бўлиб уларнинг 62.374 нафари (14,3 %) шаҳар аҳолиси, 372.120 нафари (85,7 %) эса қишлоқ аҳолиси ҳисобланган. Округ бўйича қишлоқ аҳолиси жами 77.320 хўжаликдан (хонадондан) иборат бўлиб, унинг 1154 хўжалиги кўчманчи аҳоли бўлган. Улар жами округ аҳолисининг 1,5 % ни ташкил этган. Округ ҳудудида шаҳар ва шаҳар типидаги манзилларга Беҳбудий, Шахрисабз, Ғузор ва Китоб кирган. Округ бўйича қишлоқ ва шаҳар аҳолисининг зичлигини ҳисобга олганда ўртача 1 квадрат вёрстага 14 киши тўғри келган. Аҳолининг этник таркибига назар ташлайдиган бўлсак, у ўзига хослиги билан характерланади. Жумладан аҳолининг миллий таркибига кўра ўзбеклар 95.5 % ни, тожиклар 0,6 % ни, араблар 0.6 % ни, яҳудийлар 3.3 % ни ва қолган қисми аҳолининг турли миллат вакилларига тўғри келган. Фақат қишлоқ аҳолисини ҳисобга олганда эса 80,7 % ни ўзбеклар, 11% ни тожиклар, 4,7 % ни араблар ва қолганларини турли миллат вакиллари ташкил этган [2]. Демак расмий маълумотлардан кўриниб турибдики, қишлоқда ҳам, шаҳарда ҳам ўзбеклар аҳолининг асосий қисмини ташкил этган ва улар округда катта мавқега эга бўлган дейишимиз мумкин. Лекин округ аҳолисининг саводлилик даражаси унчалик юқори бўлмаган. Бу кўрсаткичнинг асосий қисми шаҳарларга тўғри келган. Округнинг кўчманчи аҳолиси асосан, Танга ҳарам тумани, Яккабоғ ва Китоб туманларининг айрим қисмларида истиқомат қилишган. Округ аҳолиси асосан кичик – кичик яшаш пунктлари(қишлоқлар)да жойлашган бўлиб, бундай аҳоли пунктларида хўжаликлар сони 10 дан 100 тагача бўлган. Аҳолининг бундай жойлашуви деярли барча районларда ана шундай кўринишда бўлган.

Қашқадарё округида қишлоқ хўжалиги ўзига хос кўринишда бўлиб, асосий тармоқ ҳисобланган. Қишлоқ хўжалиги ҳудуднинг шарт – шароитидан келиб чиқиб турлича бўлган. Масалан воҳаларда деҳқончилик, чўл ҳудудларида эса асосан чорвачилик билан шуғулланишган.

Округнинг умумий экин майдони 159558 десятина бўлиб, шундан 81927 десятина суғориладиган, 66655 десятинаси эса лалмикор ерлар ҳисобланган. Аҳолининг округ бўйича томорқа ерларининг умумий миқдори 226213 десятинани ташкил этиб округдаги 77320 хўжаликнинг ҳар бирига ўртача 3 десятина (2,93) дан тўғри келган. Қишлоқ хўжалигининг суғориладиган ерларида асосан буғдой (44,4 %), арпа ва сули (23 %), ёғ махсулотлари олинадиган экинлар (7,2 %), шоли (4,4 %) ва пахта (4 %) етиштирилган [3. – С.163.]. Лалми ерларда эса, асосан қишги буғдой

ва арпа экилган. Деҳқончилик экинларини етиштириш округ миқёсидаги районларда турли туманлиги билан характерланади. Жумладан, Косон, Бешкент ва Ғузор туманларида асосан (75–90%) суғорма деҳқончилик бўлса, Танга ҳарам районида эса унинг акси бўлганини кузатишимиз мумкин.

Қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоқларидан бири боғдорчилик округда унчалик ривожланмаган. Округда боғдорчиликка мослаштирилган ерларнинг умумий миқдори 2048 десятинани ташкил этиб, унинг 90 % Шаҳрисабз туманига тўғри келган. Узумзорларнинг катта қисми Шаҳрисабз, Косон ва Бешкент туманларида жойлашган эди.

Чорвачилик Қашқадарё округида қишлоқ хўжалигининг энг муҳим тармоқларидан бири бўлган десак хато бўлмайди. Зеро ўша давр манбаларининг таҳлили шуни кўрсатадики чорва махсулотларини етиштириш, чорва молларини кўпайтиришда Қашқадарё республикада олдинги ўринларда бўлган. Округ бўйича чорва молларининг умумий миқдори 1344235 бош бўлиб, 161730 бош йирик қора моллар, 34140 бош отлар, 16933 бош туялар ва 850228 бошни қўйлар ташкил этган [3. – С.164.]. Шундан кўриниб турибдики, чорвачиликда майда қора моллар етиштириш яъни қўйлар ва эчкилар боқиш ва етиштириш яхши йўлга қўйилган. Улар жами чорва молларининг ўртача 80 % ни ташкил этган. Чорва моллари округнинг хар бир хўжалигига ўртача 17- 18 бошдан тўғри келган.

Қашқадарё округининг саноатига эътибор берадиган бўлсак, йирик саноат унчалик ривожланмаган эди. Округда фақат битта асосий пахта тозалаш заводи Китоб шаҳрида фаолият юритган. Лекин округ саноатида қўл мехнатига асосланган маҳаллий майда саноат корхоналари ўзига хос кўринишда бўлганлигини манбалардан кузатишимиз мумкин. Жумладан, округ ҳудудида маҳаллий тегирмонлар, ёғ, гуруч ишлаб чиқарувчи корхоналар, темирчилик, пойафзал устахоналари ва бошқа майда корхоналар фаолият юритган.

Қашқадарё округида савдо сотиқ муносабатларига назар ташлайдиган бўлсак, у ўзига хос равишда ташкил этилган. Округ ҳудудида жами аҳоли истеъмол эхтиёжларини қондириш учун 23 та бозорлар фаолият юритган бўлиб, уларнинг жойлашуви туманларнинг иқтисодий – сиёсий ҳолати, шарт шароитидан келиб чиқиб турлича бўлган. Масалан, Чироқчи, Бешкент туманларида 5 та, Танга ҳарам, Косон туманларида 4 та, Шахрисабзда 2 та, Китоб, Яккабоғ ва Ғузор туманларида эса 1 тадан бозорлар фаолият юритган [3. – С. 165.]. Бу бозорлар Қашқадарё округидаги шаҳар ва қишлоқларни ўзаро боғлаб турган. Бозорлар ўша пайтда аҳолининг асосий олди – сотди жойлари бўлиб, улар ўлканинг иқтисодий тараққиётида мухим рол ўйнаган. Бозорларга турли хил истеъмол моллари ва хом ашё материаллари турли йўллар орқали етказиб берилган ҳамда савдо алоқалари туманларнинг иқтисодий тараққиётига жиддий таъсир кўрсатган. Савдо алоқалари округ доирасидаги туманлар билан чегараланмасдан, қўшни округлар билан ҳам олиб борилган.

Округ бўйича умумий савдо шохобчалари 2032 та бўлиб унинг 23 таси давлатга қарашли, 26 таси тижорат ва 1983 таси хусусий бўлган. Хусусий савдо шохобчаларининг аксарияти белгиланган бозор кунларида ишлаган. 1925 йилнинг биринчи ярмида бу савдо шохобчаларининг жами пул айланмаси 6.696 000 рублни ташкил этган бўлиб, бунинг 2.383 000 рубли давлат шохобчаларига, 377000 минг рубли тижорат шахобчаларига ва 3.936000 рубли хусусий савдо шохобчалари ҳиссасига тўғри келган [3. – С. 163-165.].

Қашқадарё округининг транспорт алоқалар тизимига назар ташлайдиган бўлсак, у ўзига хослиги билан ажралиб туради. Округда темир йўллар муҳим аҳамиятга эга ҳисобланиб, округнинг иқтисодий тараққиётига катта таъсир

кўрсатган. Ўрта Осиё темир йўлларининг мухим ва асосий нуқтаси ҳисобланган Когон шаҳридан бошланган асосий темир йўл йўналиши Қашқадарё округи орқали Турманистон ССРга ўтиб кетган. Бундан ташқари Қаршидан Китобгача бўлган асосий темир йўл йўналиши ҳам мавжуд бўлган. Округ бўйича жами темир йўлларнинг узунлиги 266 вёрстани ташкил этиб, бу темир йўлларда қуйидаги темир йўл бекатлари фаолият юритган: Нишон, Муборак, Косон, Қарши, Манғит, Ғузор, Яккабоғ ва Китоб [3. – С. 165.]. 1923-24 йиллардаги маълумотларга кўра, бу йўллардан 47 минг пуд юк ташилган. Округда темир йўллардан ташқари, марказий манзилларни бир бири билан боғловчи турли хил йўллар ҳам мавжуд бўлган. Жумладан, 5 та транспорт қатнови учун мўлжалланган йўллар ва округнинг шарқий қисмида эса тоғ йўллар яъни карвон йўллари ҳам фаолият юритганлигини алоҳида таъкидлаб ўтишимиз мумкин. Қишнинг совуқли кунларида тоғ йўлларидаги ҳаракатлар вақтинча тўхтаб қолган. Бундай жойларга Китоб ва Шаҳрисабз туманларидаги аҳоли яшаш пунктларидаги айрим жойларни мисол келтиришимиз мумкин. Беҳбудий (Қарши) шаҳри районлаштириш даврида округнинг маъмурий – иқтисодий маркази ҳисобланиб, шаҳарда 3417 хўжалик истиқомат қилишган. Районлаштириш ўтказилиши арафасида округда 14 та волост, 52 қишлоқ совети (шўроси) рўйхатга олинган [3. – С.164-165.]. Кейинчалик Марказнинг районлаштириш комиссияси томонидан улар ўрнида 8 та туман ва 167 та қишлоқ совети, уларнинг 146 таси ўзбеклар, 8 таси тожиклар, 5 таси араблар, 4 таси туркманлар ва қолганлари кам сонли миллатлардан иборат қишлоқ советлари тузиш лойиҳалаштирилди ва бу лойиҳа амалга оширилди [4].

Хуллас, районлаштириш натижасида ташкил этилган Қашқадарё округининг маъмурий – иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маданий ҳолатларини айрим жиҳатларини таҳлил қилинди. Марказнинг районлаштириш комиссияси томонидан XX асрнинг 20 – йилларида Ўрта Осиёда ўтказилган маъмурий – иқтисодий районлаштириш натижасида Ўзбекистон ССР даги маъмурий – ҳудудий бирликларни номлари, чегаралари ўзгартирилди. Жумладан вилоятлар, уездлар, волостлар ўрнига округлар ва районлар (туманлар) ташкил қилинди. Қишлоқ советлари сони эса кўпайтирилди. Таҳлиллардан шуниси маълум бўлдики, Қашқадарё воҳаси Ўзбекистон ССР таркибидаги бошқа ҳудудларга нисбатан ўзига хос ўринга, мавқега эга ҳудуд бўлганлиги билан характерланади ва бу ҳудуд тарихини ўрганиш бугунги кунда муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

**Список использованной литературы:**


1. Ўз МА, Р-86 –фонд, 1-рўйхат, 3402 -иш, 339-варақ.
2. Ўз МА, Р-86 –фонд, 1-рўйхат, 3402 -иш, 63-64-варақ.
3. Материалы по районированию Узбекистана. Выпуск I. Краткая характеристика проектируемых округов и районов. – Самарканд: Изд. ЦК Р Уз, 1926. – С. 163.
4. Ўз МА, Р-86 –фонд, 1-рўйхат, 3404 -иш, 62-варақ.


## ИСТИҚЛОЛ ЙИЛЛАРИДА ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИДАГИ МАДАНИЙ МЕРОС ОБЪЕКТЛАРИГА МУНОСАБАТ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ДИНАМИКАСИ

***М.Ф.Расулов – т.ф.ф.д. (PhD). Фарғона давлат университети***

Истиқлол йилларида Ўзбекистонда миллий қадриятлар ва маданий меросга бўлган эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, уларга бўлган муносабат ўзгарди ҳамда моддий маданий меросдан фойдаланиш соҳалари кенгайди.

Жумладан, маданий мерос объектларни сақлаш, реставрация ва консервация қилиш ҳамда улардан фойдаланиш борасида кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Ҳозирги кунда Республикада 8208 та маданий мерос объектлари давлат муҳофазасига олинган бўлиб, шундан 2250 таси меъморчилик, 4748 таси археологик ёдгорликлар, 678 таси маҳобатли санъат (монументал) объектлари, 532 таси диққатга сазовор жойлардир [19]. Бу маданий мерос объектларидан 4000 дан ортиғи ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган. Кўплаб қадимги ва ўрта асрлар маданий мерос объектлари сақланиб қолган Қашқадарё воҳаси бу жараёнларда алоҳида аҳамият касб этади. Ваҳоланки, Республикада давлат муҳофазасига олинган археологик, меъморий обидалар ва диққатга сазовор жойларнинг 1468 таси воҳада жойлашган (матн охиридаги иловага қаранг). Шаҳрисабз шаҳри тарихий марказининг 2000 йилда [13] ва Сийпантош қоятош расмларининг 2009 йилда ЮНЕСКО томонидан Умумжаҳон мероси [18] рўйхатига киритилиши воҳа маданий мерос объектларининг нафақат республика, балки халқаро майдонда ҳам жаҳон цивилизациясининг ноёб ёдгорликлари сифатида эътироф этилганидан дарак беради.

Юқоридаги ижобий ишларининг ташаббускори ҳамда моддий таъминотчиси, албатта, республика ҳукуматидир. Ҳукумат томонидан қабул қилинган соҳага оид ҳуқуқий ҳужжатлар маданий мерос объектларида кенг кўламли ишларни амалга ошириш имконини яратда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (кейинги ўринларда – Вазирлар Маҳкамаси)нинг Улуғбек таваллуди 600 йиллигини ўтказиш тўғрисидаги қарорига [1] асосан Шаҳрисабзда Кўк-Гумбаз масжиди, Гумбази Саййидон, Дор ут-Тиловат мажмуасидаги Шамсиддин Кулол мақбараларида таъмирлаш-тиклаш ишлари учун 120,9 млн сўм маблағ ажратилди [9]. Умуман олганда, 1991–1996 йиллар давомида Шаҳрисабз махсус илмий-таъмир ишлаб чиқариш устахонасининг бажарган иш ҳажми сал кам 23 баробарга ошди [12].

Воҳадаги маданий мерос объектларида кенг кўламли ишларнинг бошланиши Вазирлар Маҳкамасининг “Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини нишонлаш тўғрисида” қарори [2] ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан “1996 йилни Амир Темур йили” деб аташ тўғрисидаги Фармон [3] билан боғлиқдир. Айнан мазкур қарор ва фармоннинг ижросини таъминлаш мақсадида Амир Темур даври билан боғлиқ ёдгорликларда кенг кўламли таъмирлаш-тиклаш ишлари амалга оширилди. Жумладан, 1995 йилда вилоят бўйича 11 та меъморий ёдгорликларда таъмирлаш-тиклаш ишлари олиб борилди [10]. Шаҳрисабз шаҳридаги Дор ус-Саодат, Дор ут-Тиловат, Оқсарой арки, Чубин мадрасаси, Қалъа девори ва Қарши шаҳридаги Кўк Гумбаз масжиди, қадимги кўприк ва ҳаммом, Қиличбой мадрасасида 64,75 млн сўм ҳажмда меъморий безакларни илмий таъмирлаш ишлари бажарилди [11].

Вазирлар Маҳкамасининг “Шаҳрисабз шаҳрининг 2700 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги қарорига [4] асосан 2002 йил мобайнида шаҳар ва унинг атрофида жойлашган ёдгорликларда 978,15 млн сўм ҳажмда таъмирлаш-тиклаш ишлари амалга оширилди.

Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2014 йилда қабул қилинган қарорга [5] асосан эса вилоятда жойлашган Оқсарой, Дор ус-Саодат, Дор ут-Тиловат, Чубин мадрасаси, Чорсу, Коба карвонсаройи, Ўрта аср ҳаммоми, Абдушукур Оғалик, Тарихий деворлар, Самарқанд дарвоза, Китоб дарвоза каби маданий мерос объектларида кенг кўламли таъмирлаш-тиклаш ишлар олиб борилиб, атрофи ободонлаштирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 декабрь кунидаги қарорига асосан “Йўл харитаси” ишлаб чиқилди. Мазкур “Йўл харитаси” 2019–2021

йилларда моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, илмий тадқиқ этиш, тарғиб қилиш ва улардан оқилона фойдаланишни такомиллаштириш назарда тутилган эди. “Йўл харитаси”да моддий маданий ёдгорликлар борасида 2021 йилга қадар қилиниши керак бўлган вазифалар белгилаб берилди. Бу, ўз навбатида, тарихий-маданий ёдгорликлар масаласига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётганлигидан, ҳуқуқий асослари эса босқичма-босқич такомиллаштирилиб борилаётганлигидан дарак беради.

Маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, халқаро ёки республика миқёсида ўтказилаётган маданий-маърифий тадбирлар, асосан, қадимий шаҳарлар жойлашган вилоятларга тўғри келмоқда. Президент Ш.М.Мирзиёев мана шу ҳолатларни ҳисобга олиб, Маданият концепциясида [6] барча вилоятларда тарихий-маданий ёдгорликларга сайёҳлик йўналишларини очиш, у худудларда сайёҳлик инфратузилмасини халқаро стандартлар асосида ташкил этиш вазифаларини белгилаб берди.

Юқоридаги қарорга асосан Қашқадарё вилоятида Миллий кураш мусобақалари, Хорижий кинофильмлар кунлари, “Анор” фестивали, Халқаро мақом фестивали, “Зафарли юриш” номли театрлаштирилган саҳна кўринишлари, “Ҳисор тоғлари” Халқаро Эко фестивали, Халқаро “Шаҳрисабз Dj Fest мусиқа фестивали”, “Шаҳрисабз – ҳунармандлар маскани” Халқаро ҳунармандлар фестивали, “Абдулла Орипов” хотирасига бағишланган Халқаро адабиёт фестивали, “Дарвешона” Халқаро ҳаво шарлари фестивали, Амир Темур мероси ва кешлик алломалар тарихига бағишланган семинар, Миллий либослар фестивали мода куни “Баҳор-Ёз” коллекцияси, “Халқаро Кўпкари” миллий ўйинлари ўтказилди. Жумладан, Шаҳрисабз шаҳри 2018 йилда 10 дан ортиқ турли фестивалларга мезбонлик қилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2018 йилнинг 13–14 декабрь кунлари Қашқадарёга ташрифи давомида Шаҳрисабзни фестиваллар шаҳрига айлантириш бўйича кўрсатмалар берди [14]. Бу саъй-ҳаракатларнинг амалий натижаси сифатида 2019 йилнинг март ойида Шаҳрисабзда II Халқаро миллий либослар фестивали бўлиб ўтди. Фестиваль якунида Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва ШҲТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ўртасида Таълим ва туризм алмашинуви “Халқ дипломатияси”ни ривожлантириш учун Ўзбекистон ва ШҲТ мамлакатларида маданий ва ижодий тадбирларни мунтазам ўтказиб бориш тўғрисида меморандум имзоланди [16].

Халқаро ёки республика миқёсида ўтказиладиган маданий-маърифий тадбирлар таҳлилидан шу нарса аён бўладики, улар асосан тарихий-меъморий мажмуалар ёки замонавий ва миллий анъаналар уйғунлигида қурилган янги мажмуа ҳамда иншоотлар атрофида ўтказилаётганлиги кўзга ташланади. Юқоридагилардан қуйидагича хулосага келиш мумкин, яъни республикада, жумладан, Қашқадарё вилоятида тарихий-маданий, меъморий иншоотлардан турли маданий-маърифий тадбирларни ўтказишда ҳам ҳозирги кунда унумли фойдаланилмоқда. Бу тадбирлар мамлакатда:

- биринчидан, ўзбек халқи онгида, айниқса, ёш авлод онгида тарихий тафаккурни шакллантириш, уларда аждодлар мероси, миллий анъана ва қадриятларга ҳурмат ҳиссини уйғотиш учун хизмат қилади;
- иккинчидан, жаҳон илм-фан, санъат аҳлида Ўзбекистоннинг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссасини, ўзбек халқининг миллий ва умуминсоний қадриятларини, миллий меъморчилик ва шаҳарсозлик, ҳунармандчилик анъаналарини тадқиқ қилишга ундайди;

• учинчидан, Ўзбекистоннинг халқаро сайёҳлик индустриясига жадаллик билан кириб боришида, чет эллик сайёҳларни жалб қилишда энг самарали усул сифатида реклама вазифасини ўтайди.

Истиқлол йилларида эришилган ютуқлар билан биргаликда, айрим камчиликлар ҳам кўзга ташланади. Хусусан, моддий маданий мерос объектларига ноқонуний эгалик қилиш, фойдаланиш ҳамда уларга зарар етказиш ҳолатлари учраб турибди. Ўзбекистон Республикаси “Миллий тикланиш” демократик партияси вакиллари томонидан маданий мерос объектлари ўрганилганда 259 та объектга жиддий зарар етказилганлиги аниқланган. Жумладан, Қашқадарё вилояти Косон туманидаги Ерқўрғон археология объекти ноқонуний равишда ўзлаштириб олинган [15].

Маълумки, 2016 йилда Истанбулда ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон мероси қўмитаси 40-сессиясида Шаҳрисабз шаҳри тарихий маркази хавф остида турган Умумжаҳон мероси объектлари рўйхатига киритилган эди [17]. Бунга қурилиш ишларида ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон маданий ва табиий меросни муҳофаза қилиш тўғрисидаги конвенциясига риоя этилмагани сабаб қилиб кўрсатилган эди. Ушбу масала 2019 йил Бокуда бўлиб ўтган 43-сессиясида қайта кўриб чиқилди. Унда шаҳар бўйича тегишли қарор қабул қилинган. Мазкур қарор ижросини ўрганиш ҳамда шаҳарнинг тарихий қисмида регенерация ишларини йўлга қўйиш мақсадида 2021 йилнинг 19-24 май кунлари Шаҳрисабзга Франция шаҳарсозлик институтининг бир гуруҳ эксперт-олимлари келиб, шаҳарнинг тарихий маҳаллалар жойлашган қисми, тарихий-меъморий ёдгорликларини ўрганиш бўйича ишларни олиб бордилар. Халқаро экспертлар Маданий мерос департаменти мутахассислари, Шаҳрисабз шаҳар меъморлари, тарихий обидалар мутахассислари билан шаҳарнинг қадимий харитаси бўйича ўзаро фикр алмашиш билан бирга регенерация ишларини йўлга қўйиш масалалари юзасидан ўзаро маслаҳатлашдилар [20].

Юқоридаги вазифаларни юқори савияда бажариш ҳамда соҳа бўйича ЮНЕСКО билан ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳукумат томонидан махсус қарорлар қабул қилинди [7, 8].

Ўзбекистон делегацияси 2021 йил 16-31 июль кунлари Хитойнинг Фучжоу шаҳрида бўлиб ўтган ЮНЕСКО Умумжаҳон мероси қўмитасининг кенгайтирилган 44-сессиясида онлайн иштирок этди.

Делегация томонидан Умумжаҳон маданий мероси объектлари ҳисобланган “Шаҳрисабзнинг тарихий маркази” бўйича Ўзбекистон учун ижобий қарорлар қабул қилиниши таъминланди. Ушбу масала шунингдек, 2021 йилнинг 20 май куни ЮНЕСКО бош директори Одри Азуленинг Венеция архитектура биеналлесидаги Ўзбекистон миллий павильонининг очилиш маросимидаги иштироки давомида ҳам муҳокама этилган эди. Сессия якунига кўра, “Шаҳрисабз тарихий маркази” объектини тиклаш бўйича вазифалар ижроси муддати яна бир йилга узайтирилди [21].

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Қашқадарё воҳасидаги маданий мерос объектларини сақлаш, таъмирлаш-тиклаш ҳамда улардан фойдаланиш ишлари ва шакллари истиқлол йилларида динамик равишда ўсиб борди. Бу ҳолат турли йўналишларда ташкил этилган республика ва халқаро маданий-маърифий тадбирларда, ички ва халқаро туризм йўналишларида яққол намоён бўлди. Бу вазифаларни амалга оширишда ҳукумат томонидан қабул қилинган соҳага оид ҳуқуқий ҳужжатлар муҳим аҳамият касб этди. Эришилган ютуқлар билан бирга, айрим муаммоли масалалар ҳам кўзга ташланди.

**Қашқадарё вилояти бўйича моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари миллий рўйхати [22]**

| № | Ҳудудлар | Арх. ёдгор. | Архит. ёдгор. | Монумент. ёдгор. | Диққат. сазовор жойлар | Жами |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Китоб т. | 281 | 16 | 3 | 5 | **305** |
| 2. | Яккабоғ т. | 195 | 38 | 2 | 2 | **237** |
| 3. | Шаҳрисабз т. | 138 | 22 | 0 | 2 | **162** |
| 4. | Қарши т. | 105 | 15 | 4 | 4 | **128** |
| 5. | Ғузор т. | 94 | 9 | 3 | 3 | **109** |
| 6. | Касби т. | 79 | 11 | 3 | 2 | **95** |
| 7. | Косон т. | 76 | 11 | 4 | 1 | **92** |
| 8. | Чироқчи т. | 58 | 16 | 3 | 2 | **79** |
| 9. | Қамаши т. | 59 | 3 | 1 | 3 | **66** |
| 10. | Шаҳрисабз ш. | 29 | 28 | 5 | 0 | **62** |
| 11. | Қарши ш. | 28 | 25 | 6 | 1 | **60** |
| 12. | Деҳқонобод т. | 33 | 4 | 2 | 1 | **40** |
| 13. | Миришкор т. | 9 | 6 | 2 | 1 | **18** |
| 14. | Муборак т. | 2 | 3 | 2 | 1 | **8** |
| 15. | Нишон т. | 3 | 1 | 3 | 0 | **7** |
| **Жами** | | **1189** | **208** | **43** | **28** | **1468** |

**Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати**


1. “Аллома Муҳаммад Тарағай Улуғбек таваллудининг 600 йиллик юбилейини ўтказиш тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори. 1993 йил 19 апрель.
2. “Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини нишонлаш тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори. 1994 йил 29 декабрь.
3. 1996 йилни “Амир Темур йили” деб эълон қилиш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. 1995 йил 26 декабрь.
4. “Шаҳрисабз шаҳрининг 2700 йиллигини нишонлаш тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори. 2002. 29 март.
5. “Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз шаҳридаги объектларни қуриш ва реконструкция қилишга доир комплекс чора-тадбирлари дастури тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори. 2014. 20 февраль.
6. “Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. 2018. 28 ноябрь.
7. “Моддий маданий мерос объектлари ва ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган ҳудудлар муҳофазасини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 03.03.2021 йилдаги 119-сон Ўбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори.
8. “ЮНЕСКО билан ҳамкорликда маданий мерос масалалари бўйича халқаро маслаҳат қўмитасини ташкил этиш ва унинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида” 14.06.2021 йилдаги 371 сон Ўбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори.
9. Ўз МА, М-7-фонд, 1-рўйхат, 60-иш, 107-108-варақлар.

10. Ўз МА, М-7-фонд, 1-рўйхат, 367-иш, 10-15-варақлар.
11. Ўз МА, М-7-фонд, 1-рўйхат, 367-иш, 182-183-варақлар.
12. Маданият ёдгорликлари илмий ишлаб чиқариш бош бошқармаси бошлиғи Б.Абдураҳмоновнинг “1991–1995 йиллардаги фаолият натижалари таҳлили ва шаклланаётган устивор йўналишлар” мавзусидаги доклади. 1996. – Б. 4.
13. ГлавНПУ памятников культуры. Переодический отчет по реализации Конвенции Всемирного наследия Государством-Участником: Узбекистан. Ташкент. 2006. – С. 4.
14. Раҳмонов С. “Фестиваллар шаҳри” сайёҳлик марказига айланмоқда // Халқ сўзи, 2018 йил 13 февраль.
15. Жалилова Д. Ўтмиш даракчилари келажак учун ҳам зарур // http://parliament.gov.uz. 2018. 21 декабрь.
16. Фестиваллар шаҳрида яна бир фестиваль // Халқ сўзи, 2019 йил 26 март. Шаҳрисабзнинг тарихий маркази хавф остидаги объектлар рўйхатига киритилди. http://www.uzdaily.uz/uz/post/721
17. https://whc.unesco.org/en/tentativelists/5297/
18. https://www.pv.uz/uz/news/moddiy-madaniy-merosning-royxati-tasdiqlandi
19. https://uza.uz/uz/posts /tarixiy-yodgorliklar-puxta-organilib-tiklanadi_270159
20. https://uzbektourism.uz/news/view?id=1834
21. https://consumer.uz/wp-content/uploads/2021/05/qashqadaryo-1468_reklamadan-holi-hududlar.pdf


## ҚАШҚАДАРЁ МАДАНИЯТ МУАССАСАЛАРИ ТАРИХИДАН

***Д.А.Чориева – Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича Мувофиқлаштирувчи-методик марказ кичик илмий ходими***

Ўзбекистонда маданият масалалари давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бири бўлиб келмоқда. Маданият муассасаларига давлат томонидан миллий маданиятимизни ривожлантириш масаласи юкланди. Дунёдаги глобаллашув жараёнининг чуқурлашиб бориши натижасида, инсон учун хавфли бўлган турли хил ноанъанавий таҳдидлар юзага келмоқда. Булардан энг ҳавфлилари инсонларнинг руҳиятига таъсир ўтказиш орқали миллатларнинг қадриятлари ва турмуш тарзини издан чиқаришга қаратилган ахлоқ-одоб, оила ва жамият ҳаётида жиддий таъсир кўрсатадиган маънавий таҳдидларлардир. Бундай турли зарарли ғоялар инсон маънавиятини емиришга уринаётган бир пайтда, буюк миллий маданий меросимизни, миллий қадриятлр, урф-одатларни тиклаш, тарғиб қилиш, ёш авлодга етказиш долзарб масалалар қаторида турибди. Бу борада, маданият муассасалари фаолияти катта аҳамиятга эга.

Қашқадарё воҳасида маданият масалаларига алоҳида эътибор берилиб келинмоқда. Жумладан, вилоятда 1996 йилда Амир Темурнинг 660 йиллиги, 2003 йилда Шаҳрисабз шаҳрининг 2700 йиллиги халқаро миқёсда нишонланди. Қашқадарё вилоятида Республика «Ўзбектуризм» миллий компаниясига қарашли бўлимлар, бир неча меҳмонхоналар мавжуд. Вилоят ҳудудига келаётган туристларнинг сони йилдан йилга кўпаймоқда. Вилоятдаги тарихий ёдгорликлардан 602 таси археология, 192 таси меъморий ва шаҳарсозлик ёдгорликларидир, шунингдек, монументал санъат ёдгорликлари ҳам бор. Вилоятдаги машҳур обидалар Шаҳрисабз шаҳрида жойлашган. Вилоятда музейлар, вилоят мусиқали драма театри, вилоят қўғирчоқ театри, «Эски масжид», «Мулоқот» театр студиялари, «Ўзбекракс»,

«Ўзбекнаво»нинг вилоят бўлимлари, ашула ва рақс дирекцияси фаолият кўрсатиб келмоқда.

Бугунги кунда Қашқадарё вилоятида 3 та музей мавжуд бўлиб, шундан 1 таси филиал музей ҳисобланади. Жумладан, Қашқадарё вилоят ўлкашунослик музейи 1975 йилда Қарши шаҳрида ташкил этилган. Музейда тарих, халқ амалий санъати, табиат, хотира ва қадрият бўлимлари бор. Музей фондида нумизматика, археология, тасвирий ва амалий санъат асарлари, тарихий ҳужжатлар, нодир қўлёзмалар, китоблар, маиший ва этнографияга оид экспонатлар мавжуд. Шунингдек, музей фаолиятида илмий-тадқиқот ишлари алоҳида ўринга эга бўлиб, бу орқали фондини бойитади, китоб, каталоглар нашр этади. Шундай нашрлардан бир бу Францияда француз тилида чоп этилган «Қарши ўлкашунослик музейидаги шарқ қўлёзмалари каталоги»ни (2004, 50 дан ортиқ қўлёзмалар ҳақида маълумотлар бор) айтиш мумкин [1]. Бундан ташқари мустақиллик йилларидан Қашқадарё иқтисодий-ижтимоий ва маданий ҳаёти соҳасида қўлга киритилган ютуқлар, фан тараққиётини намоён этувчи экспонатлар билан бойитилиб борилади.

1996 йилда Амир Темурнинг 660 йиллик юбилейи муносабати билан маҳаллий зиёлиларнинг ташаббуси билан ташкил этилган Амир Темур номли моддий маданият тарихи музейида 21000 дан зиёд асори атиқалар фондига эга бўлиб, ўз олдига Шаҳрисабз шаҳрининг энг кадимги давридан ҳозирги кунларигача бўлган маданияти тараққиёти тарихини ўрганиш вазифасини қўйган. [2]

Қашқадарё вилояти статистика бошқармаси маълумотларига кўра, музейларга 2019 йилда 137,5 минг нафар киши ташриф буюрган ва улардан 96,2 минг (70%) нафари ўқитувчи ва талабалардан иборат бўлган. Ушбу музейларда маърузалар ҳам ташкил қилиб турилади. Масалан, 2019 йилда 238 та маърузалар ўқилган. Шунингдек, музейларда 39 та кўргазмалар ва 6956 та экскурсиялар ташкил қилинган. Ушбу тадбирларда 233,3 минг киши қатнашган [3]. Ушбу маълумотлар орқали вилоят музейларининг фаолияти доирасида бажарилган ишларнинг самарали натижасини кўриш мумкин.

Шунингдек, халқимиз маданий меросининг ажралмас қисми бўлган миллий мақом санъатининг қадимий ва ўрта асрлардаги тарихи, замонавий ижодий анъаналари, асрлар давомида моҳир бастакорлар, ҳофиз ва созандаларнинг ижодий тафаккури билан сайқал топиб келаётган ноёб санъат намуналарини музей экспозицияси орқали халқаро миқёсда кенг тарғиб этиш мақсадида, 2018 йил 6 августда Вазирлар Маҳкамасининг “Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз шаҳрида “Мақом музейи” фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 621-сонли қарорига кўра, Амир Темур номидаги моддий-маданият тарихи музейининг филиали сифатида “Мақом музейи”ни ташкил этилди [4].

Қашқадарё вилоятида театр муассасалари сони 5 тани ташкил этиб, булар 4 та драма ва 1 та қўғирчоқ театридир. 2019 йилда театрларда 650 та спектакллар намойиш этилган. Театрга келган томошабинлар сони 180,0 минг кишидан иборат. Тетрларда ходимлар сони 144 нафарни ташкил қилиб, шу жумладан 43 нафарини аёллар ташкил этади. Ходимларнинг 89 нафари драма театрларида, 55 нафари қўғирчоқ театрида фаолият олиб боради [5].

Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов номидаги Қашқадарё вилоят мусиқали драма ва комедия театрида мустақиллик йилларида Б.Назаров режжисёрлигида Тўра Мирзонинг “Амир Темур” (1991) пьесаси саҳналаштирилди. Бу ўзбек саҳнасида Соҳибқирон сиймосига илк бор мурожаат эди. Спектакл устида театр жамоасининг алоҳида шиддат билан ишлаганлиги кўринди. Жумладан шу спектакл билан Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишлаб ўтказилган давлат театр фестивалида иштирок этиб, ижобий баҳога сазовар бўлди. Шундан сўнг орадан ўн беш йил ўтиб,

2006 йили А.Ориповнинг “Соҳибқирон” (реж. А.Абдуназаров) шеърий драмасини саҳналаштиради. Бу эposспектакл бўлиб, у театрнинг Қарши шаҳрининг 2700 ва Амир Темур таваллудининг 670 йиллигига совғаси бўлди. Спектакл ижрочилар ва режиссёр барча куч-ғайратию, имкониятларини ишга солиб соҳибқироннинг тарихий санасига муносиб совғаси бўлди. Кейинги ўн беш йил ичида эликка яқин спектакллар саҳналаштирилган. Жумладан, театрда “Тақдир” (реж. Р.Маъдиев, 1998), “Тўйлар муборак” (реж. А.Сатторов, 2000), “Бир ўлиб кўрайчи” (реж. М.Равшанов, 2001), “Руҳлар исёни” (реж. Э.Масафаев, 2005), И.Турсунов, С.Одиловларнинг “Жаҳаннамга бир қадам йўл”, Нафас Шодмоновнинг “Кўзлар”, Нурилло Аббоснинг “Қайтармикан умр баҳори” каби спектакллар саҳналаштирилди [6].

Қашқадарё вилоят қўғирчоқ театри дастлаб, Мулла Тўйчи Тошмухамедов номли вилоятт мусиқали драма театри қошида ташкил этилди. Театр саҳнасида қуйилган илк спектакл Л.Махмудовнинг “Дадавойнинг саргузаштлари” номли эртак спектакли бўлган. Қўғирчоқ театри репертуари анчагина бой бўлиб, уларда ўзбек санъаткорлари ва чет эл муаллифларининг турли жанрдаги асарларини учратиш мумкин. Қўғирчоқ театрида, асосан боғчада тарбияланувчилар ва мактаб болаларига мўлжалланган саҳна асарларини саҳналаштирилган. Жумладан, театр репертуарларидан, “Очкўз качал”, “Қитир қитир ким бўлди” (Е.Чеповецкий), “Ғаройиб меҳр” (Б.Орлова), “Қуёш нури” (Е.Попеску), “Бургут” (И.Иброҳимов), “Қоринботир” (А.Обиджон), “Созандалар” (Т.Ортиқов), “Тандир она саховати” (Б.Маҳмудов) каби кўплаб спектакллар жой олган.

Ушбу театр жамоаси Республикада ўтказиладиган театр фестивалларида ўзининг янги-янги асарлари билан иштирок этиб келади. Жумладан, 2005 йилда Бухоро вилоятида бўлиб ўтган Қўғирчоқ театрлар фестивалида театр Ғайрат Ҳамроев А.Обиджон асари асосида саҳналаштирилган “Мешполвон” спектакли учун, “Йилнинг энг яхши режиссёри” номинациясини қўлга киритган. Бундан ташқари театр жамоаси халқаро фестивалларда ҳам иштирок этиб келади. 2008 йили Тожикистон Республикасининг Душанбе шаҳрида бўлиб ўтган “Чодир хаёл” халқаро қўғирчоқ фестивалида ҳам иштирок этиб келган [7].

Вилоятда 23 та ахборот-ресурс марказлари бўлиб, улардан халқ таълими тизимида 1 та, ўрта-махсус таълим тизимида 1 та, олий таълим тизимида 6 та, ҳудудларда 14 та, кўзи ожизлар учун 1 та ахборот-ресурс марказлар мавжуд. Улардаги китоб фонди эса, жами 1388,8 минг нусхани ташкил этади. Улардан 966,2 минг нусхаси ўзбек тилида, 358,3 минг нусхаси рус тилида ва 64,3 минг нусхаси бошқа тиллардаги китоблардир. Барча кутубхоналардаги китоб фондлари ўқувчилар ва аҳолининг китобхонлик сўровларига кўра ҳар йили бюджет маблағлари ҳисобидан янги адабиётлар билан тўлдириб борилади. Ушбу ахборот-ресурс марказларида жами 379 нафар ходим фаолият юритади. Улардан 69 нафари олий маълумотли кадрларни ташкил қилади [8]

Ушбу ахборот-ресурс марказларида бугунги кунда мустақиллик руҳи билан суғорилган, миллий қадриятларимизни улуғловчи китобларни кўплаб учратиш мумкин. Бу эса китобхон ўқувчиларнинг бўш вақтларини унумли ўтказишлари ва уларнинг маънавий онгини доимий ўстириб боришга хизмат қилади албатта.

Қашқадарё вилоятида 59 та маданият марказлари фаолият олиб боради [9]. Ушбу маданият марказларининг санъат ва маънавият ошёни, истеъдодли ёшлар камол топадиган зиё маскани сифатидаги ўрни беқиёс. Ёшларнинг салоҳиятини ошириш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш маданият марказлари муҳим аҳамият касб этади. Вилоятдаги маданият марказлар томонидан асосан оммавий маданий-маърифий, спорт тадбирлари билан биргаликда мавзули адабий-бадиий

кечалар, театрлаштирилган томошалар ва халқ сайллари, концертлар ташкил этилиб, аҳолига маданий хизмат кўрсатиб келинмоқда. Жумладан, маданият марказларида бир йилда жами ўтказилган маданий-маърифий тадбирлар сони 3672 тани ташкил этиб, улардан оммавий маданий-маърифий ва спорт тадбирлари 36,9 % (1354 та), мавзули, адабий-бадиий кечалар 27,9 % (1027 та), театрлаштирилган томошалар ва халқ сайллари 7,5 % (275 та), концертлар 27,7% (1016 та) уюштирилган [10].

Шунингдек, вилоятидаги маданият марказларида 26 та “Халқ” ва “Намунали” унвонга эга бадиий ҳаваскорлик жамоалари фаолият кўрсатмоқда. Энг илғор бадиий жамоалардан “Момогул”, “Чамандагул”, “Чироқчи чироқлари”, “Ойдиной”, “Чўл-чамани” фольклор жамоалари, “Тарона” ашула ва рақс, “Хумо” ашула ва рақс халқ ансамблларини айтиш мумкин [11].

Жамоалар ўз репертуарларини бойитиб, ижро маҳоратини ўстириш, ижодий натижаларни намойиш этиш билан бир қаторда мақом, вокал, эстрада, цирк, миллий урф-одат ва анъаналар, қадриятлар, ўланлар, аллалар, айтишув ва тўй маросимлари қўшиқларидан иборат концерт томоша дастурларини намойиш этиб келишган. Жамоаларнинг репертуарлари миллий ғоя, Ватанга муҳаббат туйғуси, баркамол авлоднинг камол топиши ва маънавий дунёқарашини бойитишга қаратилган бўлиб, уларнинг фаолияти асосан қатнашчиларнинг ижодий изланишига театр, мусиқа, рақс, халқ ижодиёти, анъанавий ижрочилик, томоша санъати ва бошқа санъат турларини ривожланишига йўналтирилган.

Қашқадарё вилоятида мустақилликнинг дастлабки йилларида 13 та [12] маданият ва истироҳат боғлари фаолият юритган бўлса, ҳозирги кунда вилоятда 15 та маданият ва аҳоли дам олиш боғлари фаолият юритмоқда. Улар 130,8 гектар майдонни эгаллайди. Боғларда йил ҳисобида кўриб чиқадиган бўлсак, 2019 йилда боғга жами қатновлар сони 310,3 минг кишини ташкил этиб, улардан 241,7 минг кишини болалар ташкил этади [13].

2010 йил 29 декабрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "2011-2015 йилларда Маданият ва истироҳат боғларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги 322-сонли қарори қабул қилинди. Ушбу қарорга кўра, маданият ва истироҳат боғларини замонавий аттракцион ва ўйин қурилмалари билан жиҳозлаш, уларда замонавий кўнгилочар объектларни барпо этиш қаторида истироҳат боғлари билан боғлиқ азалий анъаналаримизни ҳам сақлаб қолиш ва улардан ёшлар тарбиясида унумли фойдаланишни ташкил этиш ҳам зарурлиги белгилаб берилди. Ушбу қарор билан тасдиқланган дастурга мувофиқ республикада кўпгина ишлар амалга оширилди. Республикада мавжуд 148 та маданият ва истироҳат боғларига яна 77 та янги боғ қўшилиб, I, II ва III типдаги – шаҳарларда ва туман марказларида, II ва III типдаги – фақат қишлоқ жойларда аҳоли сонидан келиб чиқиб хизмат кўрасатиладиган 225 та маданият ва истироҳат боғлари ташкил қилинди. Жумладан, Қашқадарё вилоятида 15 тани [14] ташкил қилди.

2015 йилда Маданият вазирлиги томонидан Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида маданият ва истироҳат боғлари фаолияти, уларнинг моддий-техника базаси, аттракционлар билан таъминланиш ҳамда техник ҳолати, боғларнинг иш юритиш услублари, маданий-маърифий тадбирларни ўтказишда ўзига хос услублар ва шакллардан фойдаланиш даражасини ўрганиш, энг намунали боғларни рағбатлантириш ва иш тажрибасини оммалаштириш мақсадида ташкил этилган “Намунали маданият ва истироҳат боғи” Республика кўрик-танлови ташкил қилинди. “Намунали маданият ва истироҳат боғи” кўрик-танлови икки босқичда ташкил этилиб, биринчи босқичи, Тошкент шаҳри ҳамда вилоятларда июл—август ойларида, Республика босқичи 2015 йилнинг 3-ноябр куни Қорақалпоғистон

Республикаси Элликқалъа тумани Жалолиддин Мангуберди номидаги маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтди. Ўтказилган ушбу кўрик-танловда Қашқадарё вилоятининг Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғи 3-ўринга лойиқ деб топилди [15].

Хулоса қилиб айтганда, ушбу маданият муассасаларининг фаолияти, миллий ва умуминсоний қадриятларга асосланган тадбирлар ўтказиш асосида фуқаролар маънавий камолатига ҳамда жамият ижтимоий-маданий, маънавий-мафкуравий ва ахлоқий якдиллигини оширишга хизмат қилади. Шунингдек, маданият муассасалари асосий эътиборни маданий-маърифий ҳамда миллий истиқлол ғояси ва миллий мафкурага хос тадбирларга қаратиш, жамият аъзоларининг маънавий-маърифий фаолиятини ташкил этиш, шу асосда уларнинг маданий-ижодкорлик ташаббусларини тўхтовсиз ошириб бориш, шу туркумдаги тадбирлар ўтказиш асосида кишилар ижтимоий фаоллигини ошириш, улардаги сусткашлик, лоқайдлик каби салбий иллатларни бартараф этиш, аҳолининг умумий билимдонлик савиясини ошириш каби қатор вазифалар асосида фаолият олиб бормоқда.

**Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати**


1. Қашқадарё вилоят ўлкашунослик музейи. https://qomus.info/encyclopedia/cat-q/qashqadaryo-viloyat-olkashunoslik-muzeyi-uz/ (03.04.2021)
2. Музей ташкил этилишининг тарихи. https://www.shahrisabz.parusinfo.com/uz/museum_history.php (1.03.2021)
3. Қашқадарё вилоятида музейлар фаолияти. https://www.shahrisabz.parusinfo.com/uz/museum_history.ph
4. Қашқадарё вилояти шаҳрисабз шаҳрида «мақом музейи» фаолиятини ташкил этиш тўғрисида. Қаранг: https://lex.uz/docs/3855431
5. Театрлар тармоғи ва фаолияти. https://www.shahrisabz.parusinfo.com/uz/museum_history.php
6. Парвозлари баланд маскан // Театр, 2007 йил 1-сон. – Б. 2-4.
7. Олтин воҳа қўғирчоқлари. Вилоят театрларида рукни // Театр, 2008 йил 3-сон. – Б.46.
8. https://www.qashstat.uz/index.php/uz/press-sluzhba/viloyat-yangiliklari?start=15
9. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Республика маданият муассасалари фаолиятини ташкил этиш илмий-методик маркази Маданият муассасларини ташкил этиш маркази жорий архиви.
10. Маданият марказлари. https://www.qashstat.uz/index.php/uz/press-sluzhba/viloyat-yangiliklari?start=15
11. Маданият вазирлиги жорий архиви. Республика маданият муассасалари фаолиятини ташкил этиш илмий-методик маркази ҳисоботлари.
12. Ўз МА, М-7-фонд, 1-рўйхат, 18-иш, 76-77-варақлар.
13. https://www.qashstat.uz/index.php/uz/press-sluzhba/viloyat-yangiliklari?start=15
14. Республика маданият муассасалари фаолиятини ташкил этиш илмий-методик маркази жорий архиви, 2016 йилги ҳисоботи.
15. Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар Республика илмий-методика маркази ахборотномаси, №34. 2016. – Б.30-31.

# ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИ МАВЗУСИ ТАРИХЧИЛАР ТАЛҚИНИДА

***М.Қодирова – тарих фанлари номзоди, Қарши Давлат университети***

Қашқадарё воҳаси ўзининг кўҳна ва бой тарихига ега. Бу кўҳна воҳа ўзининг узоқ тарихи давомида Ўрта Осиё цивилизациясида муҳим сиёсий, иқтисодий, ижтимоий этник ва маданий аҳамият касб етган минтақа бўлган. Шу сабабли Қашқадарё воҳаси антик даври археологиясини ўрганиш Ўрта Осиё тарихиниг босқишларини ёритишда муҳим аҳамият касб етади. Ўзбекистоннинг қадимий шаҳарлари тарихини ўрганишда турли манбалар билан бирга археологик маълумотларга ҳам таянилади.

Ўзбекистоннинг енг қадимий шаҳарларидан бири ҳисобланган Наутака – Кеш шаҳри кўпчилик тадқиқотчи олимларнинг фикрларига кўра Ўзбекистоннинг жанубий вилояти ҳисобланган Қашқадарё воҳасида жойлашган. Кеш шаҳри ҳақидаги ёзма манбаларни кўздан кеширар еканмиз, шаҳарнинг минг йиллик тарихи турли давр манбаларида турлича ушрайди.

Наутака – Кеш шаҳри тарихи ёзма манбалари икки асосий қисмдан иборат бўлиб, Наутака – Кешнинг енг қадимги манбалари ва кейинги даврда ошилган ва топилган археологик манбалар ҳисобланади.

Биринчи гуруҳга Аҳамонийлар сатраплигидаги Бақтра ҳужжатлари киради. Бу манбалар оромий тилида (асоси суғд алифбосида) терига ёзилган. Бу ҳужжатлар Афғонистоннинг шимолий қисмидан топилган [1].

Кеш топоними даставвал Зардўшт Каъбасидаги Шопур I (242 – 273) битикларида ушрайди. Унда Шопур I ўз давлати чегараларини шу жумладан, Ўрта Осиёдаги Кеш, Суғд ва Шош тоғларигача етиб келган чегараларини тасвирлайди.

Мил. авв. II асрнинг 2-ярми ва охирида Жанубий Сўғд ҳудудида олд томонида Геракл, орқасида Зевс тасвири акс еттирилган ҳамда суғд афсонаси битилган кумуш тангалар зарб қилинган [2].

Қадимги юнон муаррихларидан Арриан, Геродот, Плутарх, Квинт Курсий Руф, Константин Багрянородний асарларининг чоп этилиши катта аҳамият касб этган эди. Бу асарлар биринчи манба сифатида ўзига хос илмий тасаввур шаклланишига хизмат қилади. Уларда қадимги даврда Македониялик Искандарнинг Марказий Осиёни истило этиши сабаб мазлум этилган халқлар, уларнинг ушбу зарблари билан бир қаторда шаҳар ва қишлоқлари, одамлари ҳақида маълумот берилган. Македониялик Александрнинг асосий жанглари Қашқадарё воҳасида кечган. Искандарнинг ўзи Навқат (Наутака) вилояти ва унинг асосий шаҳри бўлган Нахшабда узоқ муддат бўлган. Искандар тарихини ёзган қадим юнон муаррихлари шу муносабат билан бу воҳанинг бир қанча шаҳар ва қишлоқларини тилга олиб ўтганлар. Шарқ ва Ғарб ўтмиши ва маданияти тарихига бағишланган асарлар ана шу жиҳатларга кўра, Наутака – Кеш тарихини яратишда бирламчи манбалар доирасига киритилишга сабаб бўлади [3].

“Ўзбекистон тарихи манбалари” китобини яратган олим Б.К. Лунин “Навтоқ”қа: “Ҳозирги вақтда Навтака (Наутака) харобасини Марказий Осиёнинг энг катта шаҳарларидан бири – Еркўрғон деб қарашга барча асослар етарли, шунки унинг ўрнида антик давр Сўғд шаҳрига хос бўлган маданий қатламлар сақланиб қолган” [4], деган изоҳни беради.

С.К.Кабанов Наутакани ҳам Ксениппани ҳам шаҳарлар тарзида эмас, вилоятлар сифатида талқин этади. Ёзма манбаларда икки вилоят – Наутака ва Ксениппалар маълум, – дейди С.К.Кабанов, – уларни тарихчилар ва қадимшунослар Қашқадарё воҳасида деб кўрсатадилар. Бу вилоятлар, албатта, воҳанинг юқори ва

қуйи қисмидаги икки қадимий деҳқончилик водийлари – Шаҳрисабз ва Қаршига тўғри келади. Бироқ бу номларнинг ҳозирги жойларига тўғри келиши масаласида тадқиқотшиларнинг қарашларида фарқлар мавжуд. С.К.Кабанов фикрига кўра, Наутака воҳанинг юқори қисми, Ксениппа эса қуйи қисми, яъни Ксениппа – Нахшаб (Қарши), Наутака эса Кеш (Шаҳрисабз)га тўғри келади [5].

Тарихчиларнинг Кеш шаҳри ҳақида кўплаб қизиқарли маълумотлари мавжуд. “Син Тан Шу”, “Тундян”, “Тан хуейяо” ва “Тайпин хуанюй цзи” маълумотларига кўра, Кеш давлати ҳукмдори Дае (605 – 617) даврида ўзининг пойтахт шаҳри – Сини ташкил қилади. “Си” ёзуви қадимда “киет” деб, “ши” еса шие деб талаффуз қилинган. Киет-шие кент (шаҳар), ши топоними эса Кеш маъносини англатади. Кент – Кеш шаҳрининг ҳудуди “Бей ши” ва “Суй шу”да кўрсатилишиша, Кеш (Ши) давлатининг пойтахти 1,14 км.ни аскарлари эса 1000 нафардан кўпроқни ташкил этган [6].

Қадимги ёзма манбаларда Қанғ давлати таркибига бешта вилоят кирганлиги таъкидлаб ўтилади. Булар: Су-се, Фуму, Юни, Ги, Юегян вилоятлари. Турли манбаларда бу ҳудудларни географик жойлашиши турлиша берилган. С.П.Толстов хитой манбаларида айтилган бу беш ҳудудни қуйидагиша изоҳлайди: Су-се – Қашқадарёдаги Кеш, Фуму – Зарафшондаги Кушон, Юни – Шош (ҳозирги Тошкент), Ги – Бухоро, Юегян – Хоразм (Урганш) [7]. А.Н.Бернштам еса Юни – Тошкент ҳудуди, Су-се – Сирдарёнинг ўрта оқими, Фуму – Янги Қўрғон (Казалинс оролида), Ги – Сирдарёнинг қуйи оқими, Юегян – Хоразм деб ҳисоблайди.

Тадқиқотши олимларимиз фикрига кўра Кеш шаҳар номининг дастлабки кўриниши Кишан ёки Кешан бўлган. Тангалардаги суғдча матнларда у КСнК сифатида ёзилади ва ݒ суффиксли КСн сўзидан таркиб топади. Хитойчада қисқа сзюйша – Кюйша билан бир қаторда сзюйшуанна шаклидаги тўлиқ ёзуви ҳам учраши бежиз эмас [8]. Бу икки шакл таомилда бир вақтнинг ўзида мавжуд бўлган бўлиши мумкин, лекин кейинчалик VIII асрдаёқ қисқа шаклдаги Кеш – Киш номи анша тўлиқ Кешан – Кишанни суриб чиқарган.

Абу Саъд Абдулкарим ибн Муҳаммад ас-Самонийнинг (1113 – 1167) “Китоб ал-ансоб” қомусий асарида Ўрта Осиё табиати, хўжалиги, шаҳарлари, олимлари ҳақида қимматли маълумотлар берилган, Кеш алоҳида вилоят сифатида тавсифланган. Кеш шаҳри Нахшабга нисбатан кичикроқ ва маҳаллий аҳоли шаҳар номини “Кишш” шаклида талаффуз қилади, дейилади [9]. Ушбу асарда Насаф ва Кеш вилоятларидаги 70 дан ортиқ қишлоқлар, қасабалар тилга олинган [10].

ТошДУ Ўрта Осиё археологияси кафедрасининг 1976 – 1979 йилларда А.С.Сагдуллаев томонидан олиб борилган тадқиқотлари натижасида Қашқадарё воҳасининг шарқий қисмида ҳам бир қатор илк темир даври ёдгорликлари аниқланди. Даратепа ёдгорликларида ўтказилган кўп йиллик тадқиқотлар натижасида ушбу ҳудуд ушун хос бўлган мил. авв. VII – IV асрларга оид турли турар жойлар тузилиши қазиб ўрганилди.

Тадқиқотчиларнинг фикрича, айнан антик даврда Ўзбекистонда қулдорчилик муносабатлари баъзи қадимий патриархал хусусиятларни сақлаб қолса-да, ўзининг энг юқори чўққисига эришган. Шаҳарларнинг тараққий қилиши, савдо ва ҳунармандчиликнинг ривожланиши жамиятнинг ижтимоий жиҳатдан табақаланишини янада кучайтирган. Ижтимоий тузумдаги ўзгаришлар манзилгоҳларнинг айрим турларида, хусусан, йирик мустаҳкамланган деҳқон қўрғонларининг вужудга келишида ҳам ўз ифодасини топади-ки, улар кўп оилали жамоалар аҳамиятининг ошиши ва катта ерларнинг уларга бирикишидан далолат беради. Улар билан бир қаторда кичик уй-қўрғонлар ва алоҳида жойлашган манзилгоҳлар ҳам

мавжуд бўлиб, улар оддий жамоа аъзоларига тегишли бўлган. Шаҳарларда ҳунармандчиликнинг янада чуқурроқ ихтисослашув жараёни давом этган.

Юқоридаги фикрлардан ҳам кўриниб турибдики, Қашқадарё воҳаси дунё маданияти тараққиётининг олтин белбоғи бўлмиш Буюк ипак йўлининг энг муҳим нуқталаридан бирида жойлашган. Бу серфайз замин ўзининг беқиёс моддий ва маънавий неъматлари билан машҳурдир.

Қудратли давлат, буюк иқтисодий-ижтимоий ислоҳотлар ҳақиқий маънавият заминида вужудга келади. Тарихий, маданий-маънавий қадриятлар бой меросимизни ўзлаштириш асосида мустақиллик мафкурасининг шаклланиш жараёни ҳам аниқ кўзга ташланиб бормоқда.

**Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати**


1. Франц Грене. Новые свидетелства о Нахшабе и Кеше антишного периода. // Қарши шаҳрининг жаҳон цивилизацияси тарихидаги ўрни. – Тошкент – Қарши, “Фан”. 2006. – Б.34.
2. Ртвеладзе Е.Йе. Монеты Кеша // История и культура южных раёнов Средней Азии в древности и средневекове. – Т., 1989. – Б.40.
3. Арриан Поход Александра (с приложением XVII книги Диодора), 1963; Геродот История, т X, 1972; Квинт Курсий Руф История Александра Македонского (кн. VIII. 14)., 1963.
4. История Узбекистана в истошниках. Под. Редаксии Лунин Б.К. – Т., 1984. – Б.92
5. Кабанов С.К. В оазисах и степях Кеша и Нахшаба. – Т., “Узбекистан”, 1988. – Б.37.
6. Ходжаев А. Наиболее ранние сведения китабских истошников о Шахрисабзе. // Қарши шаҳрининг жаҳон цивилизацияси тарихидаги ўрни. Тошкент – Қарши: “Фан”, 2006. – Б.119 – 128.
7. Толстов С.П. По следам древне Хорезмской цивилизации. – М., 1948. – Б.144
8. Бишурин Н.Я. Собрания сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. – М. – Л., 1950, – Б.316
9. Камолиддинов С.Ш. Историшеская география Южного Согда и Тохаристана по аробоязышным истошникам IX – XIII вв. – Т., Узбекистан, 1996. – Б.15.
10. Равшанов П. Қарши тарихи. – Т., Янги авлод, 2006. – Б.11.


## ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИДА ПЕДАГОГ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТАРИХИДАН

***Ў.Ш.Абдуллаев – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент.***
***Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти***

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида бозор иқтисодиётига ўтилиши муносабати билан янги ижтимоий-иқтисодий шароитга мос бўлган педагогик кадрлар тайёрлаш давр талабига айланди. Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг қуйидаги сўзларини келтириш лозим: “Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда олий таълим тизимини ривожлантиришга ҳам устувор аҳамият берилмоқда. Янги олий ўқув юртлари билан бирга чет элдаги нуфузли университетларнинг филиаллари очилмоқда, олий таълим муассасаларига қабул квоталари оширилмоқда, кўпгина йўналишлар бўйича сиртқи бўлимлар фаолият кўрсатмоқда”[1].

Ҳар бир давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиётида педагогик кадрлар муҳим бўғин ҳисобланади. Жамиятда ўқитувчиларга эътибор муайян давлатда маданий тараққиётини қай аҳволда эканлигини аниқлашга ёрдам беради. "Бугунги кунда шиддат билан ўзгариб бораётган ҳаёт олдимизга қўяётган бир-биридан мураккаб ва муҳим масалаларни ҳал қилиш ҳақида ўйлар эканмиз, уларнинг ечими айнан таълим-тарбия билан, ёшларнинг дунёқарашини замонавий билим, юксак маънавият ва маърифат асосида шакллантириш билан боғлиқ эканига яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз", дея таъкидлайди Ш.М.Мирзиёев [2].

Ўзбекистонда педагогик кадрлар тайёрлаш соҳасида ўзига хос тажриба шаклланган. Буни биз Қашқадарё вилояти мисолида ўрганганимизда ниҳоятда қизиқарли ва ранг-баранг маълумотларни учратдик.

Қашқадарё вилоятида ўрта махсус маълумотли педагогик кадрлар тайёрлаш 1927 йили Қарши педагогик билим юрти очилиши билан йўлга қўйилди. Бу даврда билим юртида Абдулла Бойматов (биринчи директори), Ашур Одилий (илмий бўлим мудири), Шариф Саидий, Бобохонов, Исломов, Ғоибов каби ўқитувчилар фаолият олиб борди. 1930-1931 ўқув йилида эса билим юртини илк битирувчилари 13 нафардан иборат бўлиб, улар орасида Алиқул Имомов (Тожикистон Республикаси маданият министри), Раҳмонқул Қурбонов (ЎзССР Министрлар Совети раиси), Икром Болтаева (Ўзбекистон Халқ артисти), Баҳриддин Маннонов (т.ф.н. ЎзФА Шарқшунослик институти катта илмий ходими), Очил Тоғаев (филология фанлар номзоди Тошкент давлат университети Журналистика факультет доценти) Қарши Давлат педагогика институти ўқитувчилари Малла Очилов, Амирқул Ҳазратқулов, Исматулла Раҳматуллаев, Самад Зокиров, Қосим Абдуллаевлар бор эди[3].

Йилдан йилга Қарши педагогика билим юртида таҳсил олувчи талабалар сони ортиб борди. Масалан, 1943–1944 ўқув йилида мазкур таълим муасасасида 4 та синфда 86 нафар ўқувчи таълим-тарбия олган бўлса, 1948–1949 ўқув йилида 15 та синфда 460 нафар ўқувчи таълим олди. Аммо улар орасида ўзбек миллатига мансуб қизлар жуда озчиликни ташкил этиб, 1943-1944 ўқув йилида Қарши педагогика билим юртида 15 нафар ўзбек қизлари таҳсил олган бўлса, 1948-1949 ўқув йилида улар сони 69 тани ташкил этди. Шунингдек, Қарши педагогика билим юртида дарс берувчи педагоглар сони ҳам ортиб борди. Масалан, 1943–1944 ўқув йилида билим юртида 6 нафар, 1945–1946 ўқув йили 11 нафар, 1948–1949 ўқув йилида 24 нафар ўқитувчи фаолият кўрсатди. Бу даврда педагогик кадрлар танқислиги ниҳоятда кучли бўлди. Масалан, Қарши педагогика билим юрти ўқитувчиларнинг фақат 50 фоизи олий маълумотли эди. Бундан ташқари билим юрти моддий-техника базасини мустаҳкамлаш борасида қатор муаммолар тўпланиб борган эди. Билим юрти урушгача қурилган икки қаватли бинода фаолият олиб бориб, ишлаш учун шароит мавжуд бўлмаган. Бино йўлаклари тор бўлиб, ўқув хоналарига ўқувчилар сиғмаган[4].

Қашқадарё вилоятида 1945 йили Бухоро бирлашган Давлат педагогика ва ўқитувчилар институтининг Қарши филиали ташкил этилди[5]. Қарши шаҳридаги 7 йиллик мактаб биносидан филиал учун 1 аудитория ажатилди. Шунингдек, талабалар учун собиқ жамоа хўжалигининг отхонаси биноси таъмирланиб ётоқхона қилиб берилди. Филиал ўқитувчилари Оғалиқ эшоннинг катта ҳовлисидаги меҳмонхонага жойлаштирилди. Филиал очилган йили тарих ва тил адабиёт ихтисослиги бўйича 32 нафар талаба қабул қилиниб, уларнинг 11 нафари рус миллатига мансуб бўлди.

Бухоро бирлашган Давлат педагогика ва ўқитувчилар институти Қарши филиалининг биринчи директори қилиб, ташкилотчи ва Иккинчи жаҳон урушининг қатнашчиси Умар Давронов тайинланди. Бу даврда талабаларга П.Я.Межинский,

Т.Ядиханова, М.Тоҳирзода, Н.Рахмонов, С.Расулов каби моҳир педагоглар таълим берди. Шу билан бирга вилоятда ўқитувчилар танқислиги боис, асосий курсларни ўқитиш учун Бухородан ўқитувчилар таклиф этилди. П.Н.Наришкин, Н.Борухов, С.Усмонов, М.Мирзаев каби ўқитувчилар Бухородан келиб, филиалда талабаларга таълим берди [6].

Ўзбекистон Министрлар Советининг 1949 йил 27 октябрдаги 1966-сонли қарори билан мазкур филиал Қарши ўқитувчилар институтига айлантирилди ва унда таълим икки йиллик бўлиб, тўлиқсиз олий маълумот беришга мўлжалланди. Институтда дастлабки йилларда физика-математика, тарих, тил ва адабиёт ихтисосликлари бўйича мутахассислар тайёрланиб, очилган йили 101 нафар талаба ўқишга қабул қилинди. Шундан 29 нафари физика-математика, 19 нафари тарих, рус тили ва адабиёти бўйича 17 нафар, 36 нафари ўзбек тили ва адабиёти бўйича эди [7].

Қарши ўқитувчилар институтини 1949-1951 йиллари Турсун Тожиев, 1951-1954 йиллари Барот Музаффаров, 1954-1955 йиллари Аъзам Шерматов, 1955 йили Азим Самадов бошқарди. Бу даврда таълим масканида Аъзам Шерматов, Очил Тоғаев, Абди Умиров, Абдумўмин Қаҳҳоров, Бозор Самадов, Самад Расулов, Қодир Мирзаев, Боқи Соқиев, Чўли Қўзиев, Андрей Суменков, Турсун Содиқов каби ўқитувчилар талабаларга таълим тарбия берди. Шунингдек, институтда Тошкентдан филология фанлари номзоди Аъло Ашрапов, Охунжон Собиров каби тажрибали педагоглар таклиф этилди. 1955 йили институтда биринчи бўлиб, Таслия Ядиханова Ленинград шаҳрида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Институт жамоаси кўп соҳаларга муваффақиятларга эришиб, Республика таълим тизимида ўз ўрнини топиб борди. Талабалар шаҳар ва вилоят миқёсидаги мусобақаларда фаол иштирок этиб, совринли ўринларни қўлга киритди. 1956 йили институт талабаси Г.С.Канюк гимнастика бўйича спорт устаси талабини бажариб, шу номга сазовор бўлди[8].

Қарши ўқитувчилар институти негизида 1956 йил июлда Ўзбекистон Министрлар Советининг қарори билан Қарши давлат педагогика институти очилди. Педогогик институтда 4 та факультет: физика-математика, ўзбек тили ва адабиёт, рус тили ва адабиёт, педагогика кабилар фаолият кўрсатиб, уларда 726 нафар талаба таҳсил олди. Бу даврда институтда 60 нафар профессор-ўқитувчи фаолият кўрсатиб, шундан 8 нафари фан номзоди, 21 нафари катта ўқитувчи, 31 нафари ассистент ўқитувчи эди[9]. Институтда физика, математика, ўзбек тили ва адабиёти, рус тили ва адабиёти, педогогика, жисмоний тарбия кабинетлари ташкил этилди.

1958-1964 йиллари ҳамда 1967-1972 йиллари институтни Қурбон Ўлжабоев бошқариб, унинг даврида институт ҳудуди 2 гектардан 56 гектарга кенгайтирилди. Кўчабоғ ва Оқмасжид қишлоқлари аҳолиси бошқа жойга кўчирилиб, ҳудуд текисланди. Чинор, манзарали дарахтлар, гулларнинг кўчатлари экилиб, кўпайтирилди. Бундан ташқари 4 гектарли ботаника боғи ташкил этилди. Бу даврда институтда ҳашар йўли билан ўқув бинолари бунёд этилди. Талабалар касаба уюшмаси ва институт илмий кенгашида ҳар бир талаба 2-3 мингтадан хом ғишт қўйиб бериши тўғрисида қарор қабул қилинди. Талабалардан қурилиш отрядлари тузилиб, бу республикада талабаларнинг дастлабки қурилиш отрядларидан бири бўлди. Талабалар отрядида Худойберди Хўжанов, Камол Очилов, Баҳриддин Нуриддинов, Лутфулло Каромов, Анвар Чориев, Жўра Қултоевлар кабилар фаол иштирок этди. Талабалар томонидан қуйилган хом ғиштлар хумдонларда пиширилиб, пишиқ ғиштлар қурилиш ташкилотларига берилди ва эвазига бошқа қурилиш материаллари олинди ҳамда институтда ҳашар йўли билан 12 та бино барпо этилди[10].

Институтда ўқитувчиларни илмий ишга жал этиш борасида ҳам қатор ишлар олиб борилди. М.Самадов филология фани бўйича “Комил Яшиннинг ижодий йўли” мавзусида, И.Е.Токарская “1917 йилга қадар ўзбек-ўқувчиларини рус тилига ўқитиш тарихидан”, Қ.У.Ўлжабоев “Ўзлаштиришни юқори кўтариш ва онгли интизомни тарбиялашда комсомол ташкилотининг роли” мавзусида илмий изланишлар олиб борди[11]. 1965 йили Тоғай Ўринов, Н.Белалов, А.Я.Мирзабоев, Вафо Эгамбердиев, Ўктам Раҳимов, Тошпўлат Жовлиевлар номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. 1966 йили аспирантурада ўқиётганлар сони 47 тага етди. Шунингдек, 10 зиёд ўқитувчи докторлик диссертацияси устида изланиш олиб борди. 1964-1966 йили институт бўйича 10 та илмий тўплам, 4 та рисола тайёрлаб нашр этилди[12].

Хуллас, Ўзбекистонда педагогик кадрлар тайёрлаш соҳасида Қашқадарё воҳасининг ўзига хос муносиб ўрни бор. Қарши педагогика билим юрти ва Қарши давлат педагогика институти Республикадаги энг катта ёшли билим масканлардан ҳисобланади. Мазкур таълим муассасаларида тайёрланган педагоглар вилоят умумтаълим тизимини кадрлар билан таъминлашда катта роль ўйнади.

**Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати**


1. Мирзиёев Ш.М. Ўқитувчи ва мураббийларга табриги // Жамият, 2018 йил 28 сентябрь.
2. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. – Тошкент, 2018. – Б.448.
3. Қашқадарё ҳақиқати, 1967 йил 28 октябрь
4. Қашқадарё вилояти давлат архиви (ҚВДА), 182-фонд, 1 – рўйхат, 51 – иш, 3-варақ.
5. ҚВДА, 1– фонд, 1 – рўйхат, 417 – иш, 89-варақ.
6. Содиқов Т., Расулов Т., Бегматова Н., Университет тарихидан лавҳалар 1-қисм. – Қарши: “Қарши Давлат университети” нашриёти, 2013. – Б.8-9 .
7. Содиқов Т.. Расулов Т., Бегматова Н., Университет тарихидан лавҳалар 1-қисм. – Қарши: “Қарши Давлат университети” нашриёти, 2013. – Б.10-13.
8. Содиқов Т.. Расулов Т., Бегматова Н., Университет тарихидан лавҳалар 1-қисм. – Қарши: “Қарши Давлат университети” нашриёти, 2013. – Б.10-17.
9. ҚВДА, 463-фонд, 1-рўйхат, 115-иш, 1-варақ.
10. Содиқов Т.. Расулов Т., Бегматова Н., Университет тарихидан лавҳалар 1-қисм. – Қарши: “Қарши Давлат университети” нашриёти, 2013. – Б.10-17.
11. ҚВДА, 463-фонд, 1-рўйхат, 115-иш, 6-8-варақлар.
12. ҚВДА, 463-фонд, 1-рўйхат, 115-иш, 5-18-варақлар..


## АБДУЛЛАХОН МАДРАСАСИ ТАРИХИ ҲАҚИДА БАЪЗИ МУЛОХАЗАЛАР

***Г.П.Равшанова – т.ф.ф.д, катта ўқитувчи. Қарши давлат университети***

Қарши шаҳрида XX асрга қадар 100 дан зиёд масжид ва 50 га яқин мадрасалар бўлганлиги манбаларда зикр этилади. Амир Темур бунёд этган Одина (жума) жомеъ масжиди бизнинг кунларимизга қадар етиб келган илк саждагоҳ бўлса, XVI аср охирларида Абдуллахон томонидан барпо этилган мадраса дастлабки илм маскани ҳисобланади. Шаҳарда турли асрларда қурилган масжид ва мадрасаларнинг аксарияти сақланиб қолмади. Ҳозирда мавжуд қадимий обидалар сони жуда кам. Аждодларимизнинг меъморий мероси собиқ Шўро мафкураси тазйиқи остида йўқликка юз тутган эди. Шундай қисмат Абдуллахон мадрасасини ҳам четлаб ўтмади.

Абдуллахон Қаршини олиш учун узоқ кураш олиб борган ва унга қийинчилик билан эришганди. У, ҳокимиятни мустаҳкамлагач, шаҳарни обод қилишга алоҳида эътибор қаратади. Қаршида маҳобатли мадраса қуриш, дарёга кўприк солиш ва ҳаммомлар барпо этиш ишига киришади. Мадраса учун жой Одина масжидининг рўпарасидан танланади. Бино тўрт бурчакли улкан тархда, икки қаватли қилиб қурилади. Мадраса мажмуаси тарихчи олимлар Қамбар Насриддинов ва Абдусаттор Жуманазарлар қайд этганларидек, ички масжид, дарсхоналар, кутубхона ва толиби илмлар яшайдиган ҳужралардан иборат бўлади. Мадрасанинг улуғворлигини ундаги хоналар сонининг 60 га яқинлаб борганлиги ҳам намоён этади. Одина масжидига қараган шарқий тарафдан баланд пештоқли, нилий гумбазли йўлак қўйилган бўлса-да, икки асосий кириш жойлари, яъни олд қисми ғарбий томонда бўлган. Мадрасанинг шарқий ва ғарбий буржларида тўрт минора қад ростлаб, 30 м баландликка бўй чўзган.

Бино Абдуллахон салтанатининг куч-қудратга тўлган даврида қурилганлиги сабабли, мустаҳкам ва серҳашам барпо этилган. Икки тарафдаги пештоқлар безатилишига катта эътибор берилган. Олд қисм деворлари гулдаста монанд кошинлар жилосидан ранг-баранг товланиб турган.

Пишиқ ғиштдан тикланган, тўрт асрдан ортиқ вақт мобайнида ислом зиёси ва дунёвий илмлар маскани сифатида минглаб толиби илмларга таҳсил ошёни бўлиб келган Абдуллахон мадрасаси Шўро мафкуравий қатағонининг, ўтмиш маданиятни йўқ қилиш сиёсатининг дастлабки нишонларидан бирига айланди. 1930 йилдан кейин туғилганлар бу мадрасанинг номини эшитганлар-у, ўзини кўрмаганлар. Мадрасанинг қачон ва кимлар томонидан буздирилганлиги ҳали ҳозирга қадар номаълумлигича қолиб келди.

Қарши тарихи ҳақида ёзилган китобларда мадрасанинг қачон буздирилганлиги ҳақида аниқ маълумот йўқ. «Насаф» асарининг муаллифи Абдусаттор Жуманазар «Бир замонлар Қаршининг ўзига хос илмий академияси вазифасини бажарган бу муборак маскан 1925 йиллардан кейин ер билан битта қилиб текислаб ташланган», деган фикрни айтади.

Қизил салтанат ички қаршиликларни бартараф этиш билан банд бўлган 20-йилларда Қарши шаҳридаги обидаларга вилоят Вақф шўъбаси эгалик қилади. Бу муассаса 1928 йилнинг 4 июлига қадар фаолият юритган. У «диний руҳдаги» идора тизими бўлганлиги сабабли шу йили тугатилади. 1928 йилнинг 3 январида вилоят Вақф шўъбаси бошлиғи Ғофуров ўзи раҳбарлик қилган идорага қарашли кўчмас мулкларни, улар жумласида мадраса ва масжидларни Беҳбудий шаҳар хўжалик бўлими савдо агенти Золотухинга топширганлиги ҳақидаги актни имзолаган.

Вилоят архивининг 83 жамғармаси 181 ишида сақланаётган ана шу ҳужжатдан маълум бўлишича, 1920 йилдан то 1928 йилнинг бошига қадар Мирзо Абдуғаффор, Мир Бек (Бекойбий), Хотамбой, Бекмурод, Ёрбош, Азим Соят, Саидқулбий, Чорибой, Абдуллахон, Олий, Домулла Нур, Шермуҳаммадбой, Қорлуғбой, Хожа Абдуазиз, Абдусамадбой мадрасалари, Одина, Эски мачит, Темир йўл ҳудудидаги масжид (эски закотчихона) Вақф идораси ихтиёрида бўлган. Абдуғаффор мадрасаси округ «Қўшчи» иттифоқига ижарага берилган. Хотамбой мадрасаси шифохонага айлантирилган, бу жойда соғлиқни сақлаш бўлими ҳам фаолият кўрсатган. Бекмурод мадрасасида округ молия бўлими, Мир Бек мадрасасида округ халқ таълими бўлими, Саидқулбой мадрасасида почта, Чорибой мадрасасида вилоят фирқа қўмитаси, Абдуллахон мадрасасида қурилиш-таъмирлаш ташкилоти жойлашган. Шаҳар ижроия қўмитаси «Қўшчи» иттифоқи билан бирга, Абдуғаффор мадрасасида фаолият кўрсатган. Эски мачитда округ хотин-қизлар ташкилоти иш олиб борган [1].

1928 – 1929 йилларда Қизил салтанат динга нисбатан муросасиз курашни авж олдиради. Бутун мамлакатда диний обидаларни, масжид ва мадрасаларни йўқ қилиш ҳаракати бошланиб кетади. Уларнинг тарихий, меъморий-маданий ёдгорлик сифатидаги қиммати эътиборга олинмайди. Қаршида ўтмиш обидаларига бошланган ҳужумнинг биринчи ўлжаси Абдуллахон мадрасаси бўлади. Вақф идораси тугатилганидан 24 кун ўтиб, Қашқадарё округ ижроия қўмитаси мадрасани буздириш пайига тушади. 1928 йилнинг 28 июлида округ ижроия қўмитаси раисининг ўринбосари Карпов, масъул котиби Жалолов ва адлия маслаҳатчиси Александровлар имзолаган 7897-сонли ҳужжатда Абдуллахон мадрасаси ҳақида шундай қарорга келинади:

«Ҳозирги пайтда шаҳар маҳаллий хўжалиги, шаҳар кенгаши ва шаҳар муҳандислиги вакилларидан иборат махсус комиссия томонидан тузилган актга мувофиқ, мадрасанинг бундан кейинги ҳукм суриши хавфли бўлиб қолаётир, бу хавф ҳам ички, ҳам ташқи томондан бўлиб, тезлик билан унинг уст қисмини бузиб (пештоқнинг олд қисми) олиш мақсадга мувофиқдир. Бу девор пишиқ ғиштдан кўтарилган, унда безаклар йўқ. Шуни назарда тутиб Қашқадарё округ ижроия қўмитаси президиуми мадрасани бузиб олишни қисқа фурсатда бажариш лозим деб ҳисоблайди» [2].

Округ ижроия қўмитаси Абдуллахон мадрасасини бузишни кун тартибига қўйиган бўлса-да, рухсат олиш билан боғлиқ сабабларга кўра, бу тарихий обиданинг умри яна бир неча йилга узаяди. Пойтахтда – Самарқандда моддий ёдгорликларни сақлаш, ўрганиш ва фойдаланиш ишига мутасадди бўлган ташкилот округдан юборилган хат жавобини пайсалга солган. Мадрасани йўқ қилишга аҳд қилганлар эса ора йўлда қоладиган кимсалар эмасди. 1931 йилнинг 25 майида Беҳбудий шаҳар кенгаши «Абдуллахон мадрасасининг ҳолати ҳақида» деган масалани муҳокама қилади. Шаҳар кенгаши гоҳ у, гоҳ бу идораларга ижарага берилавериб, таъмирланмаслик оқибатида иккинчи қаватдаги айрим хоналари яроқсиз ҳолга келиб қолган мадраса ҳақида раҳбарлар орасида сўров ўтказади. Фикри сўралганлар–шаҳар ижроия қўмитаси раисининг ўринбосари Визгалин, ижроия қўмита аъзолари Аббосов, Эргашев ва Якушевлар бўлади. Мадраса ҳақида ҳукм чиқарадиганлар ҳам яна шуларнинг ўзлари эди. Қадимшунослар у ёқда турсин, бу ҳақда шаҳарлик усталар маслаҳатини олиш ҳам унутилган.

Мадраса ҳақидаги сўров асосида шаҳар ижроия қўмитаси қуйидагича қарор қабул қилади:

«Абдуллахон мадрасаси ниҳоят ёмон ҳолатда, яъни қулаб тушиш хавфи бор, бунинг устига, айтилаётган мадраса атрофида ҳаракатланиш бўлиб, ағнаш юз берса, бахтсиз ҳодиса рўй бериши мумкинлигини ҳисобга олиб, мадрасани бузиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин. Бузиш вақтида чиққан яроқли ашёлар қурилишларда ишлатилсин.

Қайд этилсинки, шаҳар кенгашининг бир неча марта берган хабарига қарамай, Узкомстариус [3] ўз вакилини юбормади. Ҳолбуки, ушбу масаланинг ечими учун мадрасанинг бузилишини ортиқ пайсалга солиб бўлмайди. Шу сабабли, зудлик билан телеграмма (Узкомстариусга – Г.Р) жўнатилсин ва шундан сўнг мадрасани бузиб олишга киришилсин».[4]

Шу тариқа, Беҳбудий шаҳар кенгашининг 1931 йил 25 майдаги 17-қарори асосида, Визгалин, Аббосов, Эргашев ва Якушевларнинг фикр-хулосаларига кўра Абдуллахон мадрасаси бузиб юборилади. Мадрасани бузиб, ер билан барабар текислаш ишлари анча давом этади. Бу орада Беҳбудий шаҳридаги қадимият обидаларини Шаҳрисабзда ташкил этилган моддий маданият ёдгорликларини сақлаш, ўрганиш ва фойдаланиш қўмитаси ихтиёрига ўтказиш ҳақидаги қарор қабул

этилади. Беҳбудий шаҳар ижроия қўмитасининг бу ҳақдаги қарори 1933 йилнинг 3 сентябрида чиқади. Беҳбудий шаҳридаги масжид ва мадрасаларнинг Шаҳрисабзга тобе этиб қўйилиши Республика Узкомстариуснинг 1933 йил 15 июлдаги 13/08-рақамли хати асосида амалга оширилган.

Шаҳрисабз моддий ёдгорликларни сақлаш, ўрганиш ва фойдаланиш қўмитасида, инсоф юзасидан қайд этиш лозимки, виждонли, ватанпарвар, билимли кишилар ишлашган. Беҳбудий шаҳридаги ўтмиш обидалари улар тасарруфига ўтгач, қўмита ўзининг бир йиғилишида Абдуллахон мадрасасининг бузиб юборилганлигига муносабат билдириб, айбдорларни аниқлаш ишига киришади.

«Махфий» белгис остида ёзилган йиғилиш қарори Беҳбудий шаҳар кенгашига юборилади. Қўмита мажлисида Султонов (раис), Нуриддинов, Умрзоқов, Алимов, ГПУдан Крестьянский, Жалил Рустамов, Жалилов, муҳандис-меъмор Майоров, туман фирқа қўмитаси маданий–оқартув бўлими бошлиғи Шариповлар қатнашади.

1933 йил сентябри охирида ўтган йиғилиш қарорида, «Султонов Беҳбудий шаҳрига хизмат сафарига юборилсин ва унга Абдуллахон мадрасаси ва хаммом (бу вақтда Қаршида Абдуллахон томонидан қурилган 2 та хаммом бўлиб, уларнинг бири шу даврда бузиб юборилган) кимнинг буйруғи билан буздирилганлигини аниқлаш, гуноҳкорларни жиноий жавобгарликка тортиш чорасини кўриш топширилсин», [5] дейилади.

Архив ҳужжатларида Шаҳрисабз моддий ёдгорликларни сақлаш, ўрганиш ва фойдаланиш қўмитаси Беҳбудий шаҳар кенгашига юборган қарор қандай натижа билан якун топганлиги ҳақидаги ҳужжат афсуски, сақланиб қолмаган. Қўмитанинг журъатли ва фидоий раиси Султонов ҳақида ҳам ортиқ маълумотлар йўқ. Шунга қарамасдан, бу ҳужжатнинг тарихий–маънавий аҳамияти жуда катта. Шўронинг қатағон сиёсати хуружга келган даврда бундай ватанпарварлик қарорини қабул қилишнинг ўзи бўлмасди [6].

1931 йил май ойи охирларида бузиб, ер юзидан йўқ қилинган Абдуллахон мадрасаси ноёб меъморий иншоот эди. Ачинарли жойи шундаки, шаҳар ижроия қўмитаси мадраса ҳақидаги масалани муҳокама қилганида, фақат бузиш фикрида бўлган. Таъмирлаш йўли мутлоқо ўйлаб кўрилмаган. Ўша пайтларда ўтмиш асори атиқаларини йўқ қилувчилар ардоқда эди. Абдуллахон мадрасаси шундай корчолонлар қурбони бўлган эди.

Бугун Одина масжидининг Қарши шаҳри 2700 йиллиги муносабати билан қайта тикланган қиёфаси фусункорлиги билан кишини ҳайратга солади. Вақтида қамоқхонага айлантирилган бу обида ҳам ярим вайрона ҳолига келиб қолганлигини яхши биламиз. Мустақиллик шарофати, Президентимизнинг ўтмиш ёдгорликларига нисбатан тутган олижаноб, бунёдкорлик йўли Соҳибқирон масжидига иккинчи умрни бағишлади. Абдуллахон мадрасасининг иккинчи қаватини тиклаш, уни авлодлар учун сақлаб қолиш айтарлик қийин иш эмасди.

**Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати**


1. Равшанов П. Қашқадарё тарихи. – Тошкент, 1995. – Б.457.
2. Равшанов П., Равшанова Г. Мозий сабоғи. – Тошкент, 2009. – Б.5-10.
3. Қашқадарё вилоят давлат архиви, 83-фонд, 1-рўйхат, 181-иш, 27-30-варақлар.
4. Қашқадарё вилоят давлат архиви, 83-фонд, 1-рўйхат, 215-иш, 251-варақ.
5. Моддий маданият ёдгорликларини сақлаш, ўрганиш ва фойдаланиш қўмитаси маълумотлари.
6. Қашқадарё вилоят давлат архиви, 83-фонд, 1-рўйхат, 17-иш, 18-варақ.

# XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ – XX АСРНИНГ БОШЛАРИДА ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИДА ЭТНОТОПОНИМЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ТАРИХИ

***Ж.П.Бердиев – т.ф.ф.д., катта ўқитувчиси. Қарши давлат университети***

XIX асрнинг иккинчи ярми – XX асрнинг бошларида бўлгани каби ҳозирги кунда ҳам Қашқадарё воҳасидаги аҳоли масканларининг катта бир қисмини этник номлар билан аталувчи қишлоқлар ташкил этади. Гарчи ушбу воҳадаги йирик аҳоли масканлари – шаҳар ва қўрғонлар (беклик ёки туман марказлари) номида бу ҳолат деярли кўзга ташланмаса-да, воҳа аҳолисининг катта қисми қишлоқларда яшаб, этник номлардан шаклланган аҳоли масканлари сезиларли даражада кўпчиликни ташкил этади. Аслида бундай ҳолат Ўрта Осиёнинг кўпчилик қисмига хос бўлиб, минтақанинг қадим ва ўрта асрлардан бери энг кўп аҳолига эга қисми бўлмиш Амударё – Сирдарё оралиғи бошқа ҳудудларга нисбатан анча устуворлик қилиб келган. Айниқса, бу масалада сўнгги ўрта асрлардан бери Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхон воҳалари етакчилик қилади [1,2]. Шу билан бирга, Хоразм ва Тошкент воҳаларида, шунингдек Фарғона водийсида ҳам этнотопонимлар сезиларли миқдорни ташкил этади [2,3].

Қашқадарё воҳасидаги энг йирик сиёсий-маъмурий бирлик бўлмиш Қарши беклигидаги жой номлари таркибига назар ташлайдиган бўлсак, бу ҳудудда этнотопонимлар катта кўпчиликни ташкил этгани аён бўлади. Қарши шаҳридан ташқари Бешкент, Касби, Миришкор, Косон, Фулоди (Пўлати) каби йирик аҳоли масканлари - амлокликларни ўз ичига олган Қарши беклигидаги этнотопонимларнинг мутлоқ кўпчилигини ўзбекларнинг “манғит” уруғи билан боғлиқ аҳоли масканлари ташкил этган бўлиб, уларнинг бир қисми ушбу этноним билан, сезиларли бир қисми эса манғит уруғининг тармоқлари билан боғлиқлиги маълум бўлади. Жумладан, Қарши беклигининг марказий ҳудудлари ва унга яқин худудларда Манғит, Оқ-манғит, Тўқ-манғит, Қора-манғит, Чол-манғит қишлоқлари [4] тўғридан-тўғри “манғит” этноними билан боғланса, Бойғунди, Гала, Эсабой, Некуз, Гувалак, Тўлға, Қозоқ, Қорабайир, Човқай, Бақирчи, Ўн икки, Бешкал, Галаботир, Қўзиқўчқор ва бошқалари [4] ушбу уруғнинг бирор тармоқ ёки тўплари билан алоқадордир.

Қашқадарё воҳасидаги кўпчиликни ташкил этувчи этнотопонимлар ўзбекларнинг “қўнғирот” уруғи ва унинг тармоқлари билан боғлиқдир. Ғузор беклигида анча кўпчилик бўлган қўнғирот уруғи вакиллари амирлик даврида Қарши, Чироқчи, Китоб, Яккабоғ бекликларида ҳам анчагина миқдорни ташкил этган. XX асрнинг бошларида қўнғиротлар, асосан, ҳозирги Қашқадарё вилоятининг Қамаши, Ғузор, Деҳқонобод туманларида, Сурхондарё вилоятининг Бойсун, Шеробод-дарё ва Қоратоғдарё водийларида яшаганлар. Бу ерларда қўнғиротлар жуда катта гуруҳларга уюшиб, кенг ҳудудни эгаллаганлар.

Қашқадарё воҳаси қўнғиротларининг кўпчилиги Ғузор ва Қамаши тумандарида яшаб, Қамаши тумани қўнғиротлари ўзларини «олтмиш олти ота қўнғирот» деб айтишган [5]. Бу анъана Деҳқонобод ва Сурхондарё вилоятидаги қўнғиротлар орасида ҳам сақланган бўлиб, қўнғиротларнинг ички тармоқ уруғ ва тўплари билан аталувчи этнотопонимлар анча кўпчиликни ташкил этиши мисолида ҳам ўз тасдиғига эга. Қашқадарё воҳасида Қўнғирот номли қишлоқлар Касби, Ғузор, Яккабоғ туманларида [6,2] мавжуд бўлган. Шунингдек, ушбу уруғнинг тармоқ номлари билан аталган қуйидагича қишлоқлар воҳа бўйлаб тарқалганига гувоҳ бўламиз: Авжин, Беш-калтак, Беш-кўса, Беш-ўғил, Бўғажил, Гала-ботир, Ойинни, Қора-қўнғирот, Қўштамғали ва ҳ.к [4].

Қашқадарё воҳасидаги Дурман, Керайит, Макрит, Мўғул, Найман, Қовчин ва ҳоказо каби этнонимлар [4]. Бу шунинг билан изоҳланадики, дастлабки мўғул ўзаги атрофига кўплаб туркий қабилалар тармоқлари ва шохобчалари бирлашган. Кейинчалик эса улардан фақатгина мўғулча номгина сақланиб қолган, бироқ уларнинг луғавий маъноси унутилган [6]. Бунга тескари ўлароқ Қашқадарё воҳасидаги ўзбекча этнотопонимларнинг кўпчилигини туркий негизли жой номлари ташкил этади ва уларнинг луғавий маъноси маҳаллий аҳоли орасида турлича изоҳланади: Сарой, Қарлуқ, Қозоёқли, Қутчи, Қипчоқ, Қўнғирот ва ҳоказо [4].

Қашқадарё воҳасининг энг чекка – шимоли-шарқий қисмида жойлашган Китоб беклигида воҳадаги бошқа бекликлардан бирмунча фарқли этнотопонимлар учрайди. Қизиғи шундаки, уларнинг бир қисми воҳанинг қадимги туркий этнонимларини бошқаларига қараганда кўпроқ акс эттиради. Жумладан, ушбу бекликда Арлот, Жалойир, Макрит, Мўғул, Қангли, Қовчин, Чиғатой ва ҳоказо каби этнотопонимлар учраб [4] , уларнинг кўпчилиги кўчманчи ўзбек уруғлари воҳага. Шу билан бирга, Чироқчи беклигида ҳам бирмунча қадимийроқ этнотопонимлар ҳам учраб, Барлос қишлоғи бунга мисол бўла олади [4]. Шу ўринда айтиб ўтиш керак, Чироқчи туманидаги ушбу қишлоқ географик жиҳатдан Китоб туманига яқин жойлашган бўлиб, Ҳисор тоғ тизмасиннг Қалқама тоғ ёнбағрида жойлашган.

Қашқадарёда Қарши, Ғузор, Яккабоғ бекликларида, Сурхон воҳасида эса Шўрчи ва Олтинсой туманларида Батош номли қишлоқлар учраб [4], улар ўзаро бир-бирига қариндош бўлган.

Батош этноними каби минтақада нисбатан кам учрайдиган Қовчин этнотопоними ҳам Қашқадарё воҳасида бирмунча кенг тарқалган этник ном ҳисобланади. Қарши беклигида кўп учраб, бир қатор Манғит ва Батош қишлоқлари билан қўшни ёки бирмунча яқин жойлашган Қовчин этнотопонимлари Қарши беклигидан ташқари Яккабоғ, Китоб, Ғузор бекликларида ҳам тарқалган. Зарафшон воҳасида эса Қовчин этнотопоними фақатгина Самарқанд вилоятининг Тайлоқ туманида, Бухоро вилоятининг эса Ғиждувон ва Когон туманларида учрайди [7].

Қашқадарё дарёсининг юқори ҳавзасидаги Китоб, Шаҳрисабз, Яккабоғ, Чироқчи, Қамаши туманларида “қипчоқ-сарой”, “қўнғирот”, “уз”, “чуют”, “қутчи”, “минжир”, “қовчин”, “барлос” уруғларининг вакиллари анча кўпчиликни ташкил этиб, улардан ҳар бири ўзларининг ўнлаб қишлоқларига эга бўлган. Бунинг акси ўлароқ Юқори Қашқадарёда “қангли”, “нудучи”, “ховоти”, “қора-ғасмоқ”, “болғали” каби уруғлари вакиллари анча озчиликни ташкил этган. Чироқчи тумани аҳолисининг кўпчилигини “қипчоқ-сарой”лар ташкил қилса, Қамаши тумани аҳолисининг катта бир қисми “қўнғирот”лардан иборат бўлган. “Барлос”лар кўпроқ Китоб туманининг тоғлиқ қишлоқларида, “қовчин”, “месит” уруғига мансуб аҳолининг деярли барчаси Яккабоғ туманида, “ачамайли”, “тароқли” (тарахли) уруғи вакиллари собиқ Мираки туманида (Китоб туманига қўшиб юборилган) яшаганлар [8].

Ушбу уруғларнинг деярли кўпчилиги XX аср бошларида ўзларининг қишлоқларига эга бўлиб, XXI аср бошларигача ҳам уларнинг кўпчилиги муайян этнотопоним сифатида сақланиб қолганлиги кўзга ташланади. 30 дан ортиқ йирик этноним орасида сезиларли қисми бирор этнотопоним шаклида учраса, айримлари эса аҳоли сони жиҳатидан кўпчиликни ташкил этса-да, муайян аҳоли маскани сифатида деярли учрамайди. Масалан, Чироқчи туманидаги “уз” уруғи ўнлаб йирик қишлоқларга эга бўлса ҳам улар бирор-бир этноним билан эмас, географик хусусиятларига кўра номланган аён бўлади: Мойлижар, Талоқ-тепа, Хўшали, Қора-янтоқ (Кўкдала) ва ҳ.к. [7,4] Юқори Қашқадарёда фақатгина 1 та қишлоқ "Уз" этноними билан юритилиши аниқланган [4]. У ҳам бўлса Яккабоғ туманида

жойлашиб, “уз” уруғи вакиллари кўпчиликни ташкил этадиган Чироқчи туманининг шимоли-ғарбий ва жануби-ғарбий ҳудуди – Кўкдала ва унга қўшни қишлоқлардан анча узоқда жойлашган.

Шу ўринда айтиб ўтиш керак, қаердаки этнотопонимлар кўпчиликни ташкил этса ўша ҳудуд аҳолисининг этник жиҳатдан турличалиги кўзга ташланади. Шунингдек, бир-биридан фарқли этник номларга эса аҳоли вакиллари истиқомат қиладиган ҳудудларда ўзаро қўшничилик ҳолати мавжуд бўлса ўша ҳудудда этнотопонимларнинг кўп эканлиги, аксинча ҳолатда эса этноним билан аталувчи қишлоқларнинг анча кам учраши аён бўлади. Юқорида Кўкдала зонасида қишлоқлари номида этнонимларнинг кам учраши бу ҳудудда асосан “уз” уруғи вакиллари яшаганликлари билан очиқланади. Шунингдек, Чироқчи туманида этник жиҳатдан кўпчилик ўзбек аҳоли бўлгани, бу ҳудудда тожик ёки араб аҳоли жуда камчиликни ташкил этиши туфайли бу ерда этнотопонимларга жуда кам дуч келинади.

Қуйи Қашқадарёда – Қарши, Косон, Касби, Миришкор, Ғузор туманларида эса бунга бирмунча зид ҳолатни кўриш мумкин. Бу ҳудудда кўпчилик аҳоли ўзбеклардан иборат бўлса-да, Юқори Қашқадарёга қараганда этнотопонимлар анча кўп учраши кузатилган. Буни ушбу ҳудудда сезиларли миқдорда тожик, араб ва туркман аҳоли вакиллари мавжуддлиги билан ҳам изоҳлаш мумкин. Шунингдек, Қуйи Қашқадарёда турли ўзбек уруғлари ўзаро қўшни яшаганликлари туфайли ҳам бу ҳудудда этник номлар билан аталган аҳоли масканларининг кўплаб учрашини таъминлаган. Бундан ташқари, Чироқчи туманидан фарқли ўлароқ Қуйи Қашқадарёда қадимий аҳоли масканларининг кўп бўлиши бу ҳудудда этнотопонимлар бирмунча кўпайишига олиб келган. Қуйи Қашқадарёда “ўзбек” номи билан аталган қишлоқлар анча камчиликни ташкил этиши, Қуйи Қашқадарёда бунинг акси ўлароқ “Ўзбек”, “Ўзбек-Дарча”, “Ўзбек-Пистакент”, “Ўзбек-Файзобод” каби қишлоқ ёки маҳалла номларининг ўртага чиқиши сўнгги ўрта асрларда юз берган этномаданий жараёнлар маҳсулидир [4]. Ушбу аҳоли масканларининг бир қисми ёки қўшниси ўлароқ тожик ва араб аҳоли яшайдиган аҳоли масканларининг борлиги бундай этнотопонимларнинг пайдо бўлишига олиб келган.

XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Қашқадарё воҳасида этнотопонимларнинг шаклланишида ижтимоий-сиёсий ва этномаданий жараёнларнинг ўрни масаласи билан танишиб чиқиш қуйидагича хулосаларга келишга имкон яратди:

– Қашқадарё воҳасида бир неча юзлаб этнотопонимлар учраб, уларнинг катта қисми анъанавий ўзбек уруғлари рўйхатида ўрин олган этнонимлар билан алоқалидир: Манғит, Қовчин, Батош, Қутчи, Минг, Қипчоқ, Қарлуқ, Қатағон, Барлос, Турк, Найман, Дурман, Керайит, Макрит, Қўнғирот, Сарой, Месит, Қангли, Уйшун, Уз, Арғун, Арлот ва ҳ.к.

– муайян бир ўзбек уруғи бўлса-да, “92 бовли ўзбек уруғи” рўйхатида келтирилмаган нисбатан кичик уруғларга алоқадор этнотопонимлар воҳа топонимиясига хосдир: Ачамайли, Болғали, Қозоёқли, Қўштамғали ва ҳ.к.

– воҳада Минжир, Қишлиқ, Можор каби минтақанинг бошқа ҳудудларида кам учрайдиган ёки деярли сақланиб қолмаган ўрта асрларга хос этнонимлар билан боғлиқ жой номлари мавжуд.

**Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати**

1. Нафасов Т. Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати. – Т.: “Ўқитувчи”, 1988.

2. Қораев С. Ўзбекистон вилоятлари топонимлари // Масъул. муҳаррир: А. Муҳаммаджонов. – Тошкент: ЎзМЭ ДИН, 2005.
3. Қораев С. Географик номлар маъноси. – Т.: Ўзбекистон, 1978. – 203 б.
4. Нафасов Т. Қашқадарё қишлоқномаси. – Тошкент: Муҳаррир, 2009.
5. Норбўтаев П. Қашқадарё воҳасида достончилик анъаналари шаклланган ҳудудлар аҳолисининг этник таркиби // Этнос ва маданият: анъанавийлик ва замонавийлик. «Академик Карим Шониёзов ўқишлари» туркумида этнологларнинг V республика илмий конференцияси материаллари. – Тошкент, 2009. – Б.117–119.
6. Усмонов М. Жанубий Ўзбекистон қўнғиротлари (XIX аср охири – XX асрнинг биринчи ярми, тарихий-этнологик таҳлил). – Б.15.
7. Населенные пункты Бухарского эмирата (конец XIX – начало XX в.). – С. 77.
8. Жўраев Б. Юқори Қашқадарё ўзбек шевалари. – Б.3-4.

## ЎЗБЕКИСТОНДА МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМНИНГ РИВОЖЛАНИШИ: ЎЗГАРИШЛАР ВА МУАММОЛАР (ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ШАҲАРЛАРИ ТАЛҚИНИДА)

***К.Н.Полвонов – т.ф.ф.д., Қарши давлат университети***

Ўзбекистонда таълим масаласи давлат аҳамиятига молик вазифалар қаторидан жой олган бўлиб, тизим ривожига алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев «Биз таълим ва тарбия тизимининг барча бўғинлари фаолиятини бугунги замон талаблари асосида такомиллаштиришни ўзимизнинг биринчи даражали вазифамиз деб биламиз» – деб алоҳида таъкидлаган эди [1].

Дарҳақиқат, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий соҳалардаги муаммоларнинг ечими таълим тизимининг равнақи билан чамбарчас боғлиқ. Бинобарин, таълим тизимида ислоҳотлар ўтказмасдан, ёшларимизни ватанга муҳаббат руҳида тарбияламасдан буюк мақсадларга эришиб бўлмайди.

Таълимнинг бошланғич бўғини мактабгача таълим тизими ҳисобланиб, тизим тарихини ўрганиш, ундан тегишли хулосалар чиқариш муҳим аҳамият касб этади. Мактабгача таълим тизимининг шаклланиши ва ривожланиши бўйича республикамиз ҳудудлари тарихий даврларда ўзига хос йўлни босиб ўтди. Ушбу тизим тарихини Қашқадарё вилояти шаҳарлари талқинида кўриб ўтамиз.

XX асрнинг 70-80 йилларида Қашқадарё вилояти шаҳарларида саноат корхоналарининг қурилиши билан бошқа жойлардан ишчиларнинг оилавий кўчиб келиши ҳамда табиий кўпайиши натижасида шаҳарлар аҳолиси сони ўсиб борди. Шаҳарларда кўплаб янги оилалар ташкил топди. Бу эса тарбия ўчоқларини - ясли, боғчалар, умумтаълим мактаблари сонини ҳам тўхтовсиз ошириб боришни талаб этди. Вилоят шаҳарларида боғчалар миқдори ва улардаги тарбияланувчилар сони ортиб борди. Масалан, Косон шаҳрида 1978 йили 140 ўринли, 1983 йили 280 ўринли, 1990 йилда 280 ўринли болалар боғчалари фойдаланишга топширилди. Шаҳарда 1972 йилда 2 та болалар боғчасида 310 нафар болалар тарбияланган бўлса, 1989 йилда боғчалар сони кўпайиб, 12 тага етказилди ҳамда 2455 нафар болалар тарбияланди. Шунингдек, Бешкент шаҳрида эса 1978 йилда 4 та болалар боғчаси фаолият юритиб, унда 620 нафар, 1989 йил боғчалар сони 7 та бўлиб, 1277 нафар бола тарбияланди. Яккабоғ шаҳри ва туманида 1978 йилда 26 та боғчалар фаолият олиб бориб, унда 2937 нафар бола тарбияланди. Ўша йили мактабгача ёшдаги

болаларнинг 14,5 фоизи болалар боғчаларига жалб этилган бўлса, 1988 йилга келиб, шу ёшдаги болаларнинг 24 фоизи болалар боғчасига тортилди[2].

Вилоят шаҳарларида турли миллат аҳолиси истиқомат қилиб, ўзбеклар билан бирга руслар, тожиклар, татарлар, туркманлар ва бошқа миллат вакиллари ҳамжиҳатликда яшади. Шаҳар боғчаларида машғулотлар асосан рус тилида олиб борилди. Биргина Ғузор шаҳрида 1978 йили 4 та болалар боғчалари фаолият юритган бўлса, шундан 3 тасида тарбиявий ишлар, кундалик машғулотлар рус тилида ўтказилган [3].

Манбаларда келтирилишича, мактабгача таълим тизимида муаммолар кўп бўлган. Хусусан, шаҳарларда янги боғчалар ва улар учун қўшимча бинолар қурилиши режа қилинса-да, ишлар кейинга сурилиб, ўз вақтида топширилмади, шунингдек, боғча жиҳозларини сақлашга эътиборсизлик билан қаралди. Биргина Бешкент шаҳридаги 7-сонли болалар боғчаси 1984 йил март ойида ташкил этилган бўлишига қарамай, орадан бир йил ўтиб, олинган 500 дона стулнинг 40-45 фоизи яроқсиз ҳолга келиб қолди.

Болалар боғчаси сони кўпайиб борса-да, аммо боғчаларга болаларни қамраб олиниш кўрсаткичи ўзгаришсиз қолди. Боғчаларда болалар сони нормадан кўп бўлиб, бир ўринга икки, уч бола тўғри келар эди. Масалан, 1988 йилда Қамаши шаҳрида 5 та болалар боғчаси фаолият олиб борган бўлиб, уларда шаҳар аҳолисининг 1024 нафар фарзанди тарбияланди. Ваҳоланки, шаҳарда 1 ёшгача бўлган болалар 137 нафар, 1 ёшдан 6 ёшгача бўлганлар 4487 нафарни ташкил этди. Шаҳардаги барча болалар боғчаларидаги ўрин 720 болага мўлжалланган эди. Мисол учун, ўша пайтдаги шаҳардаги «Юлдузча» боғчаси 100 ўринга мўлжалланган бўлиб, 107 бола, «Чаман» боғчаси 140 ўринга мўлжалланган бўлиб, 300 бола, «Ғунча» боғчаси 280 ўринга мўлжалланган бўлиб, 300 бола тарбияланди. Косон шаҳрида 1989 йилда 2455 нафар бола боғчаларга қатнаган бўлса, боғча ёшидаги болалар сони 6446 та эди. Бешкент шаҳрида бу пайтда 1277 бола боғчаларга қатнаган, аммо шаҳар худудида 6 ёшгача бўлган болалар сони 3200 дан ортиқ бўлди [4].

Вилоят шаҳарларида фаолият кўрсатган боғчаларнинг моддий-техник базасининг етарли эмаслиги ва санитария-гигиена қоидаларига риоя қилинмаслиги тизимга салбий таъсирини кўрсатди. Масалан, 1985 йилда Қамаши шаҳридаги «Юлдузча» номли болалар боғчасида бир ўриндиқда 2 нафар боланинг ётишига тўғри келди. Ўша йили мазкур боғчадан 6 нафар бола вирусли гепатит билан оғриб, юқумли касалликлар касалхонасига ётқизилди [5].

Мустақилликка эришилгач, Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтилиши муносабати билан янги ижтимоий-иқтисодий шароитга мос бўлган таълим тизимини яратиш давр талабига айланди. Ўзбекистон Республикасида мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ таълим соҳасига алоҳида эътибор қаратилди. Республикада «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қабул қилинди. Бунга асосан соҳада туб ислоҳотлар амалга оширилиб борилди.

Мустақиллик йилларида Қашқадарё вилоятидаги мактабгача таълим муассасалари янгича услубда фаолият олиб борди. Йиллар давомида соҳага маблағлар ажратилиб, мактабгача таълим муасасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга ҳаракат қилинди ҳамда янги МТМ бинолари бунёд этиб борилди. Масалан, Ғузор шаҳрида «Камалак» (1994), Яккабоғ шаҳрида «Булбулча» (1995), Косон шаҳрида «Феруза» (1992), «Истиқлол» (2003) каби янги МТМ бинолари қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Талимаржон шаҳрида «Малика», «Наврўз» боғчалари фаолият кўрсатиб, шаҳарда боғча ёшидаги болаларнинг кўплиги ва мазкур боғчаларда ўринлар сонининг камлиги сабабли 1992 йилда «Лола» номидаги мактабгача таълим

муассасаси ташкил этилди. 1997 йилга келиб мазкур «Лола» болалар боғчасида 100 нафардан ортиқ бола тарбияланди, боғчада 8 та гуруҳ бўлиб, 20 га яқин тарбиячи фаолият олиб борди. Боғчада «Миллий қадриятлар» музейи ташкил этилиб, унда халқимиз тарихини ифода эттирувчи турли хил экспонатлар қўйилди. Шу йили шаҳардаги «Наврўз» болалар боғчасида «Тил – дил калити» мавзусида болалар фестивали бўлиб ўтди. Фестивалда Талимаржон шаҳар ҳокими А.Худойбердиев, Туркманистон Республикаси С.Ниёзов тумани ҳокими муовини Г.Ялкапова, шу тумандаги халқ таълими бўлими мактабгача тарбия услубчиси О.Бозоровалар қатнашдилар. Меҳмонлар икки халқ қардошлиги, уларнинг тили, урф-одатлари бир-бирига яқинлиги, ҳар бир ўтказиладиган тадбир икки халқ вакиллари иштирокида ўтиши хусусида гапириб ўтдилар.

Китоб шаҳридаги «Коинот» болалар боғчаси энг намунали ясли-боғчалардан бири бўлиб, 2004 йилдан боғча-мактаб мажмуасига айлантирилди. 2008 йилда 7 та гуруҳ, 4 та синфдан иборат 100 та ўқувчи, 120 та тарбияланувчи таълим-тарбия олди, 65 кишидан иборат ишчи-хизматчи фаолият олиб борди. Мазкур муассаса «Соғломжон – полвонжон», «Омад кубоги» спорт мусобақаси, «Энг яхши ўйингоҳ» кўрик танловларида қатнашиб, туманда 1-ўрин, вилоятда 2-ўрин соҳиби бўлдилар.

Мустақиллик йилларида мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари ўртасида ўтказиладиган «Йил тарбиячиси» кўрик-танловида Қашқадарё вилоятидаги шаҳарларда фаолият юритадиган тарбиячилар ҳам фаол иштирок этиб, фахрли ўринларни қўлга киритишди. Масалан, «1998 йил тарбиячиси» республика кўрик танловида Қамаши шаҳридаги «Бойчечак» боғча-гимназиясининг тарбиячиси Эргашева Дилрабо ғолиб деб топилди. «Бойчечак» тажриба-таянч боғча-гимназияси иши республика, вилоят миқёсида ўрганилди [6]. Кейинги йилларда ҳам мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари ўртасида ўтказиладиган «Йил тарбиячиси» кўрик-танловида вилоят шаҳарларининг тарбиячилари ҳам фаол иштирок этишди. 2005 йилда ўтказилган ушбу танловда Китоб шаҳридаги «Пахтаой» болалар боғчасининг тарбиячиси Муҳаммадиева Азиза фахрли биринчи ўринни эгаллаб, кўрик-танловнинг республика босқичида қатнашиш шарафига муяссар бўлди.

Қашқадарё вилоятидаги мактабгача таълим муассасаларида бир қатор муаммолар бўлиб, муассасаларда асосан компьютерлар ва мутахасис-кадрлар етишмади. Масалан, вилоятдаги барча МТМ ларда чет тили мутахасислигига эҳтиёж бор эди (2008 йил). Шунингдек, вилоят шаҳарларидаги мутахасисларга бўлган эҳтиёж турлича бўлди. Жумладан, Бешкент шаҳридаги МТМ ларда жисмоний тарбия инструкторлари, Муборак шаҳридаги МТМ ларда мусиқа раҳбарлари ва услубчилари, Китоб ва Ғузор шаҳарларидаги МТМ ларда эса асосан психологларга бўлган эҳтиёж мавжуд бўлди. Бундан ташқари Яккабоғ шаҳридаги муассасалар (8-Ором, 11-Оймомо, 10-Ниҳол -1, 12-Пахтаой)нинг ҳовлиси ўраб олинмаганлиги, Бешкент шаҳридаги муасасалар (1-Қувонч, 3-Ғунча боғчалари) мослаштирилган биноларда фаолият юритиши тизимга салбий таъсир кўрсатди[7].

Мактабгача таълим муассасаларига нисбатан талаб ошиб борди. Масалан, 2010 йилда Республика бўйича ҳар 100 та ўринга ўртача 76 нафар бола тўғри келган бўлса, 2016 йилга келиб ушбу кўрсаткич 96 нафарга етди. Аммо, Қашқадарё вилоятида мактабгача таълим муассасаларида ўринлар танқислиги кузатилди. Вилоятда 2016 йилда ҳар 100 ўринга 124 та болалар тўғри келса, шаҳар жойларда 126 та ва қишлоқ жойларда 120 та болалар тўғри келди. Қашқадарё вилоятида бу пайтда мактабгача таълим муассасалари сони 329 тани ташкил этиб, шундан 203 таси шаҳар, 126 таси қишлоқ жойларда жойлашган эди [8].

Ўзбекистонда 2017 йил 30 сентябрда «Мактабгача таълим вазирлиги»нинг ташкил этилиши, 2019 йил 8 майда «Ўзбекистон Республикасида 2030 йилгача

мактабгача таълим тизимини ривожлантириш концепцияси»нинг қабул қилиниши тизим ишини ривожлантиришдаги муҳим қадамлардан бўлди. Ислоҳотлар натижасида республикада, хусусан, Қашқадарё вилоятида ҳам мактабгача таълим муассасалари сони ортиб, болаларни қамраб олиш кўрсаткичи кўпайди. 2020 йилда вилоятда 1279 та мактабгача таълим муассасалари фаолият олиб бориб, шундан 374 та давлат, 30 та нодавлат, 6 та идоравий бўйсунувдаги муассасалар, 131 та давлат хусусий шериклиги асосидаги ва 738 та оилавий боғчаларни ташкил этди. 2020 йил январь ойи ҳолатида мактабгача ёшдаги болалар сони жами 285 871 нафар бўлиб, шундан 110 532 нафари (38,6 %) қамраб олинган. Қамров фоизи икки йил давомида (2018 йилдан 2020 йилгача) 12 фоиздан 38 фоизга кўтарилган.

Республикада мактабгача ёшдаги болаларни боғчага қамраб олиш кўрсаткичи 2017 йилда 27,7 фоизни ташкил этган бўлса, 2021 йилнинг июнь ойи ҳолатига кўра, 62,4 фоиз бўлди. 2017 йилда мамлакатимизда 5 минг 211 та мактабгача таълим ташкилоти мавжуд бўлган бўлса, 2021 йилда бу кўрсаткич 18 минг 254 тага етди[9].

Хуллас, совет даври ва мустақиллик йилларида Ўзбекистонда, хусусан Қашқадарё вилояти шаҳарларидаги мактабгача таълим тизимида муайян ўзгаришлар юз берди. Тизимда ижобий ҳолатлар билан бирга муаммолар ҳам кўзга ташланади. Сўнгги йилларда мактабгача таълим муассалари фаолиятига янада эътибор қаратилмоқда, муассасаларнинг миқдори кўпайиб, болаларни қамраб олиш кўрсаткичи ортиб бормоқда.

**Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати**


1. Мирзиёев Ш. М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – Б.124.
2. Қашқадарё вилоят ҳокимлиги архиви, 8-фонд, 36-рўйхат, 1-иш, 32-варақ.
3. Ғузор туман давлат архиви, 8-фонд, 1-рўйхат, 5-иш, 30-варақ.
4. Қарши туман давлат архиви, 320-фонд, 1-рўйхат, 93-иш, 40-варақ.
5. Ғузор туман давлат архиви, 133-фонд, 1-рўйхат, 60-иш, 35-варақ.
6. Қашқадарё вилоят ҳокимлиги архиви, 850-фонд, 2-рўйхат, 67-иш, 10-варақ.
7. Қашқадарё вилоят Халқ таълими бошқармаси жорий архивининг маълумотлар папкаси.
8. https://stat.uz/uz/432-analiticheskie-materialy-uz/2024-ta-lim-statistikasi.
9. https://parliament.gov.uz/uz/events/committee/36727/?sphrase_id=7988072


## ЁШЛАР ТАРБИЯСИДА МУЗЕЙЛАРНИНГ ЎРНИ (ЖАНУБИЙ ВИЛОЯТЛАР МУЗЕЙЛАРИ МИСОЛИДА)

***Х.О.Хосиятов – т.ф.ф.д., доцент.***
***Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти***

Ҳозирги кунда юртбошимиз томонидан амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ватанимизнинг истиқболи, тинчлиги, ободлигига йўналтирилган. Республикамизнинг бу борада тараққиёти ва фаровонлигини, ўзининг ҳаёт фаолияти ҳамда келажаги билан узвий боғлаб мақсад сари интиладиган интеллектуал ёшларни тарбиялаш энг муҳим вазифалардан саналади. Илм фан ва технологияларнинг жадал ривожланиши, глобал дунёда рақобатнинг ортиши шароитида ҳар бир давлат ва жамиятнинг бу жараёнда рақобатбардошлиги ёшларнинг интеллектуал ривожи ҳамда уларнинг истеъдоди ва қобилиятларини тўлиқ амалга оширишга эътибор беришга боғлиқ бўлади. Бу борада “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида” Ўзбекистон республикаси қонунининг 3-моддасида “Ёшларга оид давлат сиёсати -

давлат томонидан амалга ошириладиган ҳамда ёшларни ижтимоий жиҳатдан шакллантириш ва уларнинг интеллектуал, ижодий ва бошқа йўналишдаги салоҳиятини камол топтириш учун шарт-шароитлар яратилишини назарда тутадиган ижтимоий иқтисодий, ташкилий ва ҳуқуқий чора тадбирлар тизимини яратиш белгиланган [1].

Мамлакатимиз инсонларнинг яшаш шарт шароитларини яхшилаш, ёшларга билим бериш, бўш вақтларини самарали ташкил этиш ва бунинг натижасида жамият ҳаётида фаол иштирок этиш, оиласи, касби, ватанини севиш каби ижобий ҳислатларни жо қилишга катта эътибор қаратмоқда. Шу боис ҳам жамият тараққиётига тегишли бўлган барча соҳаларга алоҳида аҳамият берилмоқда. Янгиланаётган Ўзбекистон шароитида ёшларга давлат сиёсати даражасида эътибор берилиб, кундан-кунга фан, таълим ва ишлаб чиқариш жараёнида ёшларнинг интеллектуал салоҳияти ва тафаккур тарзи ижобий томонга ўзгариб бормоқда. Бу борада далатимиз раҳбарининг қуйидаги фикрлари ўринлидир: “Биз ёшларга доир давлат сиёсатини ҳеч оғишмасдан, қатъият билан давом эттирамиз нафақат давом эттирамиз, балки бу сиёсатни энг устувор вазифамиз сифатида бугун замон талаб қилаётган юксак даражага кўтарамиз. Ёшларни мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз.” [2].

Мамлакатимизда Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш, замон талабларига жавоб берадиган меҳнат бозорида рақобатбардош кадрлар тайёрлаш учун зарур шарт-шароитлар ва имкониятларни яратиш бўйича мақсадли йўналтирилган чора-тадбирлар амалга оширилди. Жамият тараққиётини илм-фан ривожисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Чунки илм-фан ишлаб чиқариш, унинг моддий асосини яратиш, технологик ривожлантириш ва энг асосийси-кадрлар билан таъминлаш вазифаларини ўз зиммасига олади [3].

Ёш авлод қалбида маънавий меросимизга нисбатан ҳурмат туйғусини уйғотишда музейларнинг ўрни беқиёс. Бинобарин, бугунги кунда музейлар нафақат халқимиз тарихидан ҳикоя қилувчи осори-атиқаларни сақлайдиган, намойиш қиладиган муқаддас маскан, балки таълим тизими ривожида, навқирон авлод тарбиясида муҳим аҳамиятга эга бўлган маънавият даргоҳи ҳамдир [4].

Харбий ватанпарварлик тарбияси ёшлар ҳаётида муҳим ўрин тутади. Шунинг учун вилоят , туман, шаҳар фахрийлар кенгаши билан 1996 йил ҳамкорлик туфайли Қашқадарё вилоятидаги ўқув юртлари, мактаб ўқувчилари ва бошқа ёшлар билан учрашувлар ташкил қилинди. Бунга Китоб, Усмон Юсупов, Касби, Муборак, Косон, Қарши шаҳри ёшлари кенг жамоатчилик фаол қатнашдилар [5].

1999 йилда Қашқадарё вилоят ўлкани ўрганиш музейида аҳоли ва ўқувчи ёшларни ўзбек халқининг бой маданий меъроси билан кенг таништириш, ватанпарварлик, инсонпарварлик, мустақиллик, она заминга бўлган садоқатни шакллантириш борасида Қашқадарё воҳасининг “Халқ амалий санъати” , “Қадимий Ерқўрғондан қазилма орқали топилган осори-атиқалар” асосида кўргазмалар ташкил этилди [6].

Шаҳрисабз шаҳар Амир Темур номли моддий маданият тарихи музейи 2009-йил “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” га бағишланган Давлат дастурини бажариш учун кўпроқ қишлоқ ёшларига эътибор қаратиб тарғибот ва ташвиқот ишларини кучайтирди. Мазкур музей юртимизнинг бой моддий маданияти

тарихини, мустақиллик моҳиятини тарғиб этиш орқали ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қилади.

2017 йил Термиз археология музейига маҳаллий ва хорижий сайёҳларни жалб қилиш мақсадида Республикада фаолият юритаётган 30 га яқин сайёҳлик фирмалари билан хизмат кўрсатиш шартномалари имзоланган. Шунингдек ўсиб келаётган ёш авлодни ватанпарварлик, инсонпарварлик ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш мақсадида музейга жалб қилиш график асосида йўлга қўйилган [7].

Халқимизнинг маънавий руҳини бойитиш, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлодни ватанимиз тарихига муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашда музейларнинг ўрни беқиёсдир. Тарихни музей воситасида хаққоний тарғибот қилиш учун уни музей экспозицияси тилига айлантиришни талаб этилади. Бу тарих қадимги Кеш вилояти ва шаҳрининг шаклланиши жараёнини кўрсатиб, уни Марказий Осиё ва жаҳон маданияти тараққиётига қўшган ҳиссасини намоён этади. Ушбу концепция Хўжа илғор қишлоғида ташкил этиладиган Амир Темурнинг ёшлик йилларига бағишланган музей экспозициясининг 2018 йилдаги мақсади, вазифалари, ғоявий мазмуни ва тизимини белгилаб беради [8].

2019 йил 29 август куни Қарши давлат университети тузилмасидаги “Қатағон қурбонлари хотираси” музейи “Ўзбекистон почтаси” АЖ Қашқадарё филиалида “Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон” шиори остида Ахборот технологиялари ва коммуникатсияларини ривожлантириш вазирлиги Қашқадарё вилояти ҳудудий бошқармаси ҳамкорлигида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Тадбирда Мустақиллик энг улуғ, энг азиз неъмат экани бугунги биз эришган, келгусида эришадиган, юксак марралар, озод ва обод ватанимиз манзаралари аввало истиқлол шарофати эканлиги ёш кадрлар интеллектуал ва маънавий салоҳиятини юксалтириш, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-куватлаш иноватцион янгиликларни кенг татбиқ этиш хизматлар сифатини оширишни алоҳида эътироф этдилар. Тадбирда Қарши Давлат Университети тузилмасидаги “Қатағон қурбонлари хотираси” музейи директори “Қатағон қурбонлари куни” муносабати ҳамда ушбу инсонларнинг ёдини ҳотирлаб маъруза қилди [9].

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз мумкинки, сўнгги йилларда мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатининг устувор вазифаларининг кўлами тобора ортиб бормоқда. Айниқса, интеллектуал ёшлар тарбияси, ташаббускорлик қобилияти, илмий салоҳияти, уларда ижодкорлик ва ижтимоий фаолликни ошириш тамойиллари муҳим саналади. Ёшларни тинчлик, инсонпарвар, миллатлараро мулоқот руҳида тарбиялаш ҳамда уларни жамиятда ижтимоий фаоллигини ошириш борасида қилиниши керак бўлган ишлар ўз долзарблигини ҳеч қачон йўқотмайди.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида” Ўзбекистон республикаси Қонуни, 3-модда.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг мамлакатимиз ёшларига байрам табриги. 2018 йил 30 июнь.
3. С.И. Ахмедов. “Таълим, фан ва ишлаб чиқаришда интеллектуал салоҳиятли ёшларнинг ўрни” мавзусидаги ёш олимлар, магистрант ва талабаларнинг анъанавий XII республика илмий-амалий конференцияси материаллари IV қисм. – Самарқанд, 2015. – Б.5.
4. Мирзиёев Ш. Ёшлар келажаги билан боғлиқ ҳар қандай вазифа бирламчи аҳамиятга эга // Халқ сўзи, 2020 йил 29 декабрь.
5. Ўзбекистон Миллий архиви, М-7-фонд, 1-рўйхат, 430-иш, 13-14 варақлар.
6. Қашқадарё вилоят давлат архиви, М-687-фонд, 1-рўйхат, 39-иш, 4-варақ.

7. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги жорий архиви, М-38-фонд, 1-рўйхат, 452-иш, 6-7 варақлар.
8. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги жорий архиви, М-38-фонд, 1-рўйхат, 1349-иш, 23-варақ
9. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги жорий архиви, Сурхондарё вилоятида музейлар ҳамда музей иши билан боғлиқ бўлган кўргазма муассасалари фаолиятини ўрганиш бўйича йиғма жилди папкасидан, 2-4 варақлар.
10. Қашқадарё вилоят маданият бошқармаси жорий архиви. Қашқадарё вилоят Шаҳрисабз шаҳар Амир Темур номли моддий маданият тарихи музейининг 2018 йилги ҳисоботи папкасидан, 5-варақ.
11. Қарши давлат университети тузилмасидаги Қатағон қурбонлари хотираси музейининг жорий архиви. Музейнинг 2019 йил ҳисобот папкасидан, 8-варақ.

## СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКИЕ ПРЕОБРАЗОВАНИЯ В ГОРОДЕ КАРШИ В ГОДЫ НЕЗАВИСИМОСТИ (1991-2000-Е ГОДЫ)

***Ж.С.Эштемиров - Доктор философии по историческим наукам (PhD)***
***Директор регионального филиала Академии государственного управления При Президенте Республики Узбекистан***

Исследуя знаменательный этап новейшей истории города Карши, как годы независимости, следует подчеркнуть глубокие социально-экономические, политические, духовные изменения, происходящие в нашей стране с обретением независимости, эффективность и результативность проводимых реформ по пути строительства правового демократического государства во многом зависит от успешного их осуществления во всех городах и сёлах нашей страны.

Коренной перелом в жизни каршинцев связан с обретением государственной независимости Республики Узбекистан. За годы независимости Карши обновился всесторонне. Сегодня город занимает площадь 75,51 км2 – 0,26 % территории Кашкадарьинской области. В состав его входят поселок городского типа Шайхали и 62 махалли. Ныне столичный город Кашкадарьи занимает территорию в 0, 1 тыс. кв.км.., в котором проживают 217,9 тысяч жителей. В 2006 году под эгидой ЮНЕСКО на международном уровне было отмечено 2700-летие древнего Карши.

Своеобразной особенностью развития города в годы независимости являются специфические демографические изменения. Год за годом растет население и трудовые ресурсы города. К примеру, если в 1992 году население города составляло 175,8 тыс. человек, в том числе 75,8 тысяч трудоспособного населения [1], то уже в 2002 году эти показатели составляли соответственно 213,1 тысяч человек и 110 тысяч человек, а к 2005 году население города достигло 217, 9 тысяч человек, в том числе трудоспособное население составило 120, 5 тысяч человек [2]. Это свидетельствует о большом производственном, научном, духовно-просветительном потенциале города. В силу этого разработан генеральный план города, рассчитанный на 500-тысячное население.

В городе создана прочная материально-техническая база, успешно реализуется инвестиционная программа, строятся новые предприятия и модернизируются старые, развиваются новые отрасли промышленного производства, производящие конкурентноспособную продукцию, основанные на инвестиционной политике. Так, 20 совместных предприятий города производят

продукцию на 1 миллиард 300 миллионов сумов. Среди них такие предприятия, как Узбекско-Британское «Мевалар камалаги», Узбекско-Сингапурское «Каршиёг».

В ноябре 1996 года узбекско-турецким трикотажным предприятием в городе Карши сдана в эксплуатацию трикотажная фабрика, акционерным обществом «Каштекс» совместно с турецкой кампанией «Язтекс» построен крупный текстильный комплекс. С 1997 года работает Узбекско-Индонезийское совместное предприятие «Кашкадарётелеком».

Значительное место в экономике Карши занимают легкая и пищевая промышленность. В городе действуют 556 крупных предприятий, в том числе хлопкоочистительный завод, масложировой завод, швейная фабрика, комбинаты строительных материалов и металлообработки, 44 акционерных общества, 761 объектов бытового обслуживания, большое количество предприятий торговли и общественного питания.

За годы независимости в городе произошли широкомасштабные социально-экономические изменения. Город принимает активное участие в процессах перехода к рыночным отношениям, внося свой вклад в укрепление экономики и приращении национального богатства нашего государства. Если в 1994 году в городе функционировало 30 промышленных, 247 малых и 10 совместных предприятий, выпустивших продукцию на сумму 1919,345 тыс. сум [3], то к началу 2005 года в городе насчитывается 4224 предприятий, в числе промышленных – 604, строительных - 622, торговых и предприятий общего питания – 1709 [4]. По своей территории, производственным мощностям, темпам развития Карши занимает достойное место среди крупных городов страны. Здесь функционируют мясной, мукомольный, молочный, текстильный комбинаты, маслоэкстракционный, хлопковый заводы, завод «Термопласт», крупные предприятия строительной индустрии и другие производственные объекты. Надо отметить, что из года в год увеличиваются темпы промышленного производства. Если производство валового промышленного продукта в 2002 году составляло 109 миллиарда 398,0 млн. сум, то в 2004 году -134 миллиарда 475,4 млн. сум [5]. Стабильная положительная динамика производственного роста продолжается.

Анализ результатов осуществленных работ по углублению экономических реформ показывает, что в 2005 году в городе объем производства валовой промышленной продукции вырос на 6,2 процента, производства товаров народного потребления на 13,4 процента, валовой сельскохозяйственной продукции на 7,8 процента, оборот розничной торговли на 9,1 процента, оказание денежных услуг населению на 60,8 процента. Доля негосударственного сектора в производстве промышленной продукции составляет 98,6 % .На долю города приходятся 19,2 % промышленной продукции, 48 % товаров потребления производимых в области [6].

В условиях независимости своеобразной особенностью новых подходов к уровню и качеству развития экономики города является привлечение иностранных инвестиций и создание совместных предприятий. Большой интерес у зарубежных предпринимателей вызывает потенциал города, темпы развития современной индустрии. Если в городе в 1994 году функционировало 10 совместных предприятий, то к 2005 году их число выросло до 17, со стороны которых было произведено продукции и оказано услуг на сумму 14,7 млрд сум, экспортировано продукции на 2,2 млн. долларов США. Только в 2005 году было освоено капитальных вложений на сумму 43311,4 млн. сум, из которых 5302,5 млн. сум приходятся на долю иностранных инвестиций. Привлечение инвестиций в свою очередь способствует модернизации производства. К примеру, за счет привлечения иностранных инвестиций для совместного предприятия “Cotton Road” было

закуплено современное оборудование, произведенное за рубежом на сумму 4,5 млн долларов США [7]. Результатом этих позитивных изменений в экономике города явилось то, что предприятия Карши за годы независимости наладили выпуск товаров на экспорт. Если в 2000 году выпуск продукции на экспорт составляло 4,4 тыс. долларов США [8], то в 2004 году внешний торговый оборот города Карши составил 35965,1 тыс. долларов США, из которых 2098,3 тыс. долларов США приходились на товары для экспорта; в 2005 году было достигнуто положительное сальдо в внешнеторговых операциях на 23,2 млн долларов США, а также на 9,3 млн долларов США экспортировано продукции [9].

За годы независимости в городе Карши произошли положительные сдвиги в важном направлении развития рыночных отношений как приватизация, развитие малого и среднего бизнеса, формирование класса собственников. Так, в 1992 году валовый доход малых предприятий, фирм, ширкатов составил 203 млн. сум, 3,5 тыс. человек получили дополнительный доход [10]. В 1994 году из 247 малых предприятий 55 занимались строительной деятельностью, 24 – деятельностью бытового обслуживания, 17– производством товаров народного потребления, 15 – торгово-посреднической деятельностью [11]. В 2005 году за счет расширения сферы частного бизнеса и создания условий для его развития в городе уже действовало 3762 субъектов малого бизнеса, для финансовой поддержки которых было выделено 7 млрд 661 млн. сум кредита, а также на основе развития малого бизнеса было создано более 3386 новых рабочих мест [12].

Если в 2004 году денежные средства из всех источников приватизации составили 836,6 млн. сум [13], то в 2005 году этот показатель вырос до 1 млрд 106 млн. сум [14]. За счет развития частного сектора, малого и среднего бизнеса, предпринимательства удовлетворяются потребности населения города на многие товары народного потребления. К примеру, частное предприятие “Азамат” выпускает детскую мебель, предприниматель Бахриев Р. наладил выпуск различного вида полумягкой мебели, частное предприятие “Комилбек Н” – кондитерскую продукцию, малое предприятие “Батош – Спутник” – необходимое для строительства рубероид, частная фирма «Садбарг» - карбид, ООО «Махсудий» – полиэтиленовые пакеты, ООО «SASK маркет» – полипропиленовые мешки и т.д.

Особое внимание в годы независимости уделяется социальной сфере как важному приоритетному направлению в программе экономических реформ. Только в 2005 году на мероприятия по социальной защите и повышении благосостояния населения города было выделено 1301,6 млн. сум, что на 423 млн. сум больше по сравнению с 2004 годом [15]. В целях улучшения условий жизни городского населения в эти годы наблюдаются положительные сдвиги в росте объемов строительства жилья, газификации и обеспечении питьевой водой. Так, только в 2005 году было введено в эксплуатацию 30,0 тыс. кв.м. жилого фонда, проложено 23,4 км водопроводных и 28,8 км газовых магистралей.

Большое внимание в Карши уделяется поддержке предпринимательства, созданию рыночной инфраструктуры. В этих целях открыты 15 банков, 9 страховых компаний, пять информационно-консалтинговых центров, торгово-промышленная палата, филиалы республиканской фондовой и биржи недвижимости, бизнес-фонд и многие другие структуры.

Все это доказательство того, что Карши в течение почти 3 тысячелетий несет знамя цивилизованного и развитого города, и является одним из модернизированных и успешно развивающихся мегаполисов страны. Чтобы понять значение города и области для страны достаточно вспомнить, что 10,2 % всей сельскохозяйственной

продукции: 10,6 % хлопка, 11,1 % зерна, 19 % каракуля заготавливаемых в стране приходится на долю Кашкадарьинской области.

В связи с юбилеем города в Карши было осуществлено строительство более 30 крупных объектов и отреставрировано 9 исторических памятников, полностью реконструированы, а также благоустроены площадь Независимости, здания и сооружения, прилегающие к ней, Центральный парк культуры и отдыха имени Алишера Навои, городской детский парк; сооружены спортивный колледж "Олимпийских резервов", Банковский колледж, стадион, закрытый спортивный манеж, 2 плавательных бассейна и спортивный комплекс, колледж Информационных технологий. Естественно, созидательный труд строителей, благоустроителей и других послужил основой коренного изменения облика города Карши.

**Литература**


1. Кашкадарьинский областной отдел Государственного архива, ф.1, 1оп.1, л. 29.
2. Отчет Кашкадарьинского областного статуправления. Карши, 2005. С. 38.
3. Кашкадарьинский областной отдел Государственного архива, ф.1, оп. 4, д.1021, л. 7.
4. Отчет Кашкадарьинского областного статуправления. – Карши, 2005. – С.43.
5. Отчет Кашкадарьинского областного статуправления. – Карши, 2005. – С.51.
6. Отчет Кашкадарьинского областного статуправления. – Карши, 2005. – С.59.
7. Газета «Насаф», 2006 год 16-28 февраля.
8. Газета «Насаф», 2000 год 16- 30 сентябр.
9. Газета «Насаф», 2006 год 16- 28 феврал.
10. Газета «Қашқадарё ҳақиқати», 1992 год 6 июня.
11. Кашкадарьинский областной отдел Государственного архива, ф.1, оп. 4,д-2021, л.8.
12. Газета «Насаф», 2006 год 16-28 февраля.
13. Газета «Насаф», 2005 год 18 марта.
14. Газета «Насаф», 2006 год16- 28 февраля.
15. Газета «Насаф», 2005 год 18 февраля.


## XIX АСР ОХИРИ ВА – XX АСР БОШЛАРИДА ҚАРШИ ШАҲРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ИМКОНИЯТЛАРИ

***Ф.С.Амонова – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).***
***Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети***

XIX аср охири ва XX аср бошларида Бухоро амирлиги иқтисодиётида темир йўлларнинг қурилиши ва ишга тушиши, халқаро алоқаларнинг, транспорт хизмати турларининг кўпайиши даврий ўзгаришнинг ўзига хос бир кўриниши бўлди. Қолаверса, темир йўл тармоқларининг кенгайиши ижтимоий-иқтисодий соҳалар тараққиёти йўлида туртки эди.

Каспийорти темир йўл тармоғининг Бухоро амирлиги ҳудудидан ўтиши унинг иқтисодини ривожланишида муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, иккита ички тармоқ йўлларини қурилиши амирликни халқаро миқёсида савдо алоқаларини кенгайишига сабаб бўлди. "Бухоро темир йўли" деб номланган темир йўл қурилиши лойиҳаси "Chimion" нефть саноати акциядорлик жамиятининг асосчиси муҳандис А.Н.Ковалевский томонидан илгари сурилган бўлиб, бу йўналиш Когон (Янги Бухоро)дан темир йўл изларини Қарши-Карки-Термиз шаҳригача етказиш назарда

тутилган эди. “Туркестан” газетасида 1912 йил 5 октябрда ёзилишича, Амударёда хусусий юк ташувларининг йўқлиги сабабли Россия молларини Шарқий Бухорога Орол денгизи ва Амударё бўйлаб арзон сув оқими орқали жўнатиш мумкин бўлган. Қуриладиган янги темир йўл империянинг иқтисодий манфаатларига хизмат қилган [1].

Шунинг учун ҳам Россия императори ва Бухоро амири бу йўлни қуришдан ўзаро манфаатдор эдилар. Шу муносабат билан Петербургда Россия императорлиги ҳузурида 1910 йил 9 апрелда “Когондан Термизгача Қарши орқали қуриладиган темир йўл тармоғи” Россиянинг иқтисодий-сиёсий, ҳарбий стратегияси учун ўта муҳим аҳамиятга эга эканлиги инобатга олиниб, тез фурсатларда уни қуриш масаласи муҳокама қилинган [3]. Шу билан бирга темир йўлни қуришда Россия капиталистлари орасидан хусусий тадбиркорларни жалб қилишга қарор қилинган.

Бухоро амирининг Бухоро темир йўл лойиҳасини қабул қилганлигини 1912 йил 5 июнда қўшбеги Мирза Насруллабийнинг Бухородаги сиёсий агентга ёзган хатидан ҳам билиш мумкин: “Биз Бухоро темир йўл лойиҳаси масаласи Санкт-Петербургда муҳокама қилинишини эшитдик. Савдо ривожи ва Бухоро амирлигининг фаровонлиги учун ушбу масалани жуда катта аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда амир жаноблари Бухоро темир йўлини ҳал қилишни тезлаштиришни император ҳазратларидан илтимос қилади. Бухоро ва Россия савдоси учун ягона ва манфаатли бўлган бу йўналиш Когон станциясидан Қарши-Карки-Калиф-Термизгача ҳамда Қаршидан Ғузор-Китобгача бўлган тармоғи амирликнинг барча савдо шаҳарларини боғлайди. Ушбу йўналишнинг ўта муҳимлигини инобатга олган ҳолда амир муҳандис Александр Николаевич Ковалевскийга имтиёз беришга қарор қилди” [4].

1913 йил 13 майда Бухоро ҳукумати номидан қўшбеги Мирза Насруллабий билан Россия темир йўллар муҳандиси Н.А.Ковалевский ўртасида келишув битими имзоланган. Битимда Россия императорининг рухсати билан Н.А.Ковалевский Бухоро аҳлининг манфаатларидан келиб чиқиб Қарши-Карки-Термиз темир йўли йўналишини Когондан Шаҳрисабзгача етказишга раҳбарлик қилишига рухсат берилганлиги, у Россия императорининг қарорига ва Бухоро амирининг рухсатига биноан бошқа темир йўл жамиятлари каби ҳуқуққа эга бўлган жамиятни шакллантириш мумкинлиги кўрсатилган [5].

Янги Бухоро шаҳрида Бухоро темир йўл қурилиш бошқармаси жойлаштирилган. Бухоро-Қарши-Термиз темир йўлини қуриш ишлари 1914 йил 20 апрелда бошланиб, 1916 йил 16 июнда у фойдаланишга топширилди. Аммо йўл қурилишидаги айрим камчиликлар фақат 1917 йилга келиб бартараф этилди [6].

Ушбу лойиҳанинг ҳарбий аҳамиятга эга эканлигини ҳисобга олиб, дастлаб Когон-Қарши тармоғини қуришга киришилган. Шу мақсадда Ташқи ишлар министрлиги ва Ҳарбий мудофаа министрлиги ҳамкорлигида махфий тарзда ишларни ташкил этиш бўйича махсус гуруҳ тузилиб, унга ҳарбий инженер капитан Фонь Шульц раҳбарлик қилган [7].

Темир йўлнинг Бухоро-Қарши йўналиши ички савдо алоқаларини ривожлантиришда ҳам жуда қулай бўлиб, айниқса, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини амирликнинг шимолий ҳудудларига етказиш ҳамда ишлаб чиқарилган товарлар, темир ва бошқа маҳсулотларни жанубий қисмга олиб боришга хизмат қилган. Қарши-Бухоро йўналиши орқали олиб борилган йиллик юк айланмаси 2 000 000 пудни ташкил этган.

Бухоронинг жанубий вилоятларидан келтирилган сувсар, тулки тери¬лари ва қоракўл дастлаб Қарши омборхоналарида тўпланиб, сўнгра пойтахт Бухорога, Бухородан эса ўз навбатида чет мамлакатларга жўнатилган.

Қарши шаҳрининг савдо-сотиқ муносабатларда ўзига хос мавқени эгаллашида бу ерда етиштириладиган тамаки маҳсулотининг ҳам ўрни беқиёс бўлган. Ўрта Осиёнинг энг сифатли тамакиси деб тан олинган Қарши тамакиси оқ тамаки номи билан савдога чиқарилган. Н. Петров-скийнинг ёзишича, у доимий равишда қўшни вилоятлардан ташқари, Тошкент, Қўқон ва Хивага олиб кетилган. Унинг бир ботмони 120 танга нархгача сотилган[8]. XIX асрнинг 80-йилларида ҳар йили Бухородан Хивага 1 000 та туяга юкланган Қарши тамакиси жўнатилган. Шероз тамакиси Эронда қанчалик машҳур бўлса, Қаршиники ҳам Ўрта Осиёда худди шундай шуҳрат қозонган [9], деб ёзади саёҳатчилар.

Қарши шаҳридан четга олиб кетиладиган моллар қаторига яна ипак ҳам кирган. Н. Петровскийнинг ёзишича, вилоятнинг Косон қишлоғида етиштирилган ипак қайта ишлаш учун Қаршига жўнатилган [10]. Қаршида тўпланган ипакнинг бир қисми маҳаллий тўқувчилик устахоналари учун хом-ашё бўлиб хизмат қилган бўлса, бир қисми Бухоро ва бошқа шаҳарларга сотилган.

Қаршида зиғир ва кунжут каби донли маҳсулотлар ҳам алоҳида ўрин тутган. Шу ернинг ўзида етиштириладиган ҳамда ҳар йили шарқий вилоятлардан ташиб келтириладиган 100 000 лаб пуд зиғирнинг [11] маҳаллий талаблардан ортган қисми Бухоро амирлигининг бошқа шаҳарларига жўнатилган.

Шунингдек, Қаршида шавил, зиғир, беҳи, қоратут, арча, буғдой, олча, бодом, гуруч, тамаки, узум, қичитқи ўт, кўкнори, жағжағ каби мева ва гиёҳлардан тайёрланган маҳаллий дори-дармонлар доим савдода бўлган. Ҳиндистон, Афғонистон, Эрондан олиб келинган сури¬ладиган, суюқ ҳамда кукун ҳолидаги, сирланган идишга жойланган суюқ дориларга, чарм халтага солинган симобга, Самарқанд тоғларида ўсадиган ўсим¬лик ва мевалардан олинадиган малҳамларга ҳам бу ерда талаб катта бўлган.

Қарши атрофидан қазиб олинадиган олтингугурт, қўрғошин ҳам Бухоро шаҳрига ташиб кетилиши учун аввал Қарши омборхоналарида тўпланган. Порох тайёрлаш учун Қаршидан 35 км ғарбда жойлашган Касбитепадаги (майдони 188 x 200 қадамни ташкил этадиган) кондан қазиб олинадиган селитра хом-ашё бўлиб хизмат қилган. Бу ердаги заҳирадан Бухоро амирлигининг охирги кунигача фойдаланилган [12].

Қарши бозорларида ҳам ҳинд савдогарлари қимматбаҳо тошлар савдоси билан шуғулланган. Қарши шаҳри орқали Ҳиндистондан Ўрта Осиёнинг турли шаҳарлари ва Россияга қимматбаҳо тошлар ва минераллар, олтин, кумуш кабиларнинг олиб ўтилган. Бундай молларнинг халқаро савдога чиқишида вилоятнинг ўрни беқиёс бўлган.

Бухоро амирлигида XIX аср ўрталарига келганда ўн минглаб кишиларни ўзига қамраб олган ҳунармандчилик кенг кўламда ривожланган эди. Ҳунармандчилик маҳсулотлари ички ва ташқи бозорнинг муҳим буюмлари сифатида жуда қадрланган. Бу пайтда амирликда пойтахт Бухородан ташқари Самарқанд, Жиззах, Хўжанд, Ғиждувон, Кармана, Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарлари йирик ҳунармандчилик марказлари сифатида шуҳрат қозонган.

Қарши шаҳрида 25 га яқин йирик тўқувчи тадбиркорлик уюшмалари фаолият олиб борган. Ушбу корхоналарда ишлаб чиқарилган шойи, нимшойи, алача, бўз каби матоларга Сибирда талаб жуда катта бўлган. Бунга сабаб, биринчидан, бу газламалар арзон бўлиб, иккинчидан, жуда мустаҳкам тўқилган [13].

Хуллас, Қарши шаҳри ва вилояти XVIII аср ўрталари ва XIX аср биринчи ярмида Бухоро амирлигининг ички савдо муносабатида шарқий вилоятлари билан ғарбий ҳудуддаги шаҳарларини боғлаб турувчи «савдо кўприги», ташқи савдода эса унинг Афғонистон, Эрон, Ҳиндистон каби мамлакатларга чиқувчи «шарқий дарвозаси» бўлиб хизмат қилган.

Бухорода темир йўлнинг қурилиши натижасида шарқий ва жануби-шарқий йўналиш орқали Ўрта Осиё темир йўлини Бухоро темир йўли билан бирлаштириш амалга оширилган. Бу темир йўл Россия, Афғонистон ва Шарқий Бухоро бозорлари ўртасидаги энг қисқа алоқа воситаси бўлиб, ички ва ташқи савдонинг ривожланишига ёрдам берган. Когондан Қарши орқали Термизгача бўлган ҳамда Афғонистон чегараси орқали ўтадиган йўл Россия-Афғонистон ва Англия-Россия муносабатларига таъсир қилиши, Россиянинг Яқин Шарқдаги мавқеини мустаҳкамлашга хизмат қилиши керак эди.

**Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати**


1. По поводу железно – дорожного строительство и орошения земель в Бухаре // “Туркестан” (Ташкент). – №25. 30 октября 1912 г.
2. Ўзбекистон миллий архиви, И-2-фонд, 8-рўйхат, 277-иш, 15-варақ.
3. К постройке железной дороги в Бухаре // “Туркестан” (Ташкент). – № 4. 5 октября 1912 г.
4. Жуковский С.В. Сношения России с Бухарой и Хивой за последнее трехсотлетие. – Петроград, 1915. – С.199.
5. Несколько цифрь о стоимости соооружения Бухарской ветви Средние Азиатские железние дороги // “Закаспийское обозрение” (Асхабад), – № 239. 23 октября 1901 г.
6. Шульц. Бухара-Каршинский жел.-дор. путь // “Туркестанский сборник”. Том. 508. – Ташкент, 1909. – С.1.
7. Стремоухов Н. Поездка в Бухару (Извлечения из дневника) // Русский вестник. 1875. Том 117. – С. 674.
8. Маев Н.А. Город Карши // Туркестанские ведомости. 1879, – № 25.
9. Петровский Н. Моя поездка в Бухару ... – С. 233.
10. Гейер И.И. Туркестан. Издание второе. – Ташкент, 1909. – С. 193.
11. Мейендорф Е.К. Путешествие из Оренбурга в Бухару. Москва, 1975. – С. 156.
12. Расуль-зоде. П.Н. Из истории Средне-Азиатско-Индийских связей второй половины XIX – начала XX века. – Ташкент: Фан, 1968. – С. 20.
13. Исмоилова Ж. Ҳунармандлар шаҳри // Мозийдан садо, 2006. – №1, Б.39.


## САМАРҚАНД-ҚАРШИ ИҚТИСОДИЙ РАЙОНИ ВА УНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ (1950-1980 ЙИЛЛАР МИСОЛИДА)


***А.Я.Маматқулов – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD.***
***Тошкент шаҳридаги “МЭИ” миллий тадқиқот университети***
***Федерал давлат бюджети олий таълим муассасаси филиали***


Катта Ўрта Осиё иқтисодий райони Совет Иттифоқининг асосий иқтисодий минтақаларидан бири бўлиб, унинг таркибига табиий шароитларидан ташқари географик жойлашишлари билан ҳам бир-бирларига боғлиқ бўлган тўрт республика - Ўзбекистон ССР, Қирғизистон ССР, Тожикистон ССР, Туркманистон ССР кирдган. Ишлаб чиқариш салоҳияти, ишчи кучлари жиҳатидан бошқа иқтисодий районлардан фарқ қилганлиги сабабли у “Катта Ўрта Осиё иқтисодий райони” деб аталган (М.А.). Катта Ўрта Осиё иқтисодий райони муҳим иқтисодий районлардан бири сифатида мамлакатнинг 1960 йиллардаги режали ва лойиҳавий ишланмаларида асосий ўринни эгаллаган [1].

Бу районда Ўзбекистоннинг ҳам ўзига хос ўрни бўлиб, 1960 йилларда республика иттифоқдош республикалар орасида аҳолисининг сони бўйича РСФСР,

Украина, Қазоғистондан кейин тўртинчи ўринда турганлиги, Ўрта Осиё иқтисодий райони таркибидаги тўрт республика орасида эса биринчи ўринни эгаллаши [2] кенгаш диққат марказида бўлди. Айни пайтда Ўзбекистоннинг вилоятлари ривожланиши бўйича турлича бўлди. Тошкент, Самарқанд вилоятлари, Фарғона водийси вилоятларида саноат тармоқлари яхши ривожланди. Табиийки, Ўзбекистоннинг табиий шароити хилма – хил ва асосан халқ хўжалигининг турли тармоқларини ривожлантириш учун қулайлиги, республикада кенг майдонни эгаллаган водийлар ҳам, жазирама қум саҳролари ҳам, тоғлар, ер ости ва бошқа табиий бойликлар мавжуд бўлиб, бошқа иттифоқдош республикалар орасида ўз ўрнига эгалиги бундай қарашларга сабаб бўлганлиги сир эмас эди.

Совет ҳукуматининг иқтисодни режалаштириш сиёсатининг натижаларидан бири бўлган КПСС МҚнинг 1957 йил февраль пленумида саноат ва қурилишда раҳбарлик қилишнинг ташкилий шаклларини қайта қуриш тўғрисида”ги таклиф киритилганидан сўнг СССР Олий Советининг еттинчи сессияси “Саноат ва қурилишни бошқаришни ташкил этишни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Қонунни қабул қилди. Шу ҳужжатга мувофиқ Ўзбекистон ССР Олий Совети қабул қилган қонунга асосан республика ҳудудида тўрт иқтисодий - маъмурий район: Тошкент, Фарғона, Самарқанд ва Қорақалпоғистон иқтисодий - маъмурий районлари ташкил этилди. Бу иқтисодий районларнинг ҳар бирида Ўзбекистон ССР Министрлар Советига бўйсундирилган халқ хўжалик кенгашлари тузилди[3].

Самарқанд иқтисодий-маъмурий районига Қашқадарё воҳаси ҳам киритилган бўлиб, у Самарқанд-Қарши иқтисодий райони деб аталди. Бу район республика ҳудудининг 44,8 минг км. ни эгаллаган бўлиб, республиканинг 10 фоизини, аҳолиси 3,556 минг кишини ташкил этган. Самарқанд иқтисодий районида дастлаб Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё ҳудудлари жамланган бўлиб, улар ривожланишига кўра ягона комплекс бўлган. Бу ҳудуднинг 12,3 фоизини ер майдонлари ташкил этган. Ҳудуд 26,8 фоиз ҳайдалган ерлар, 19,4 фоизи янги ўзлаштирилган ерлар, 10,9 фоизи яйловлардан иборат бўлган. Асосий ерлар Зарафшон водийси ва Қашқадарёга тўғри келган. Шунингдек, Самарқанд-Қарши иқтисодий районида газ, кимё, машинасозлик, енгил ва озиқ-овқат саноати анча ривожланган. Республикада ишлаб чиқариладиган газнинг 20,6 фоизи, минерал ўғитнинг – 6, пахта толасининг 17, хом ипакнинг 10,4, трикотажнинг 21,3 фоизи, лифт ва холодильникларнинг асосий қисми шу районда етиштирилган ва тайёрланган [4].

Ҳудудда пахтачиликдан ташқари чорвачилик ва боғдорчилик ривожланган бўлиб, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларининг лалми ва тоғолди ҳудудларида бошоқли экинлар экилган. Бухоро, Самарқанд, Қашқадарё мамлакатда асосий қоракўл етиштирувчи ҳудудлар ҳисобланган. Сурхондарё вилоятида ҳисор қўйлари етиштирилган бўлса, Самарқанд вилоятининг тоғ олди ҳудудларида гўшт ва жун етиштирилган [5]. Узумчилик яхши ривожланган. Бироқ, бу ҳудудлар ҳам асосан пахтачилик соҳасига йўналтирилган. Ҳудудда пахта тозаловчи, ёғ-мой заводлари, консерва, вино ишлаб чиқариш, умуман озиқ-овқат ва енгил саноат яхши ривожланган. Шунингдек, бу районда машинасозлик, энергетика ва иссиқлик корхоналари иқтисодий ҳудуд ишлаб чиқаришида аҳамият касб этди.

Қашқадарё вилояти 1964 йил Қарши чўллари ўзлаштирилиши муносабати билан ташкил этилди, бу вилоят ташкил этилишидан аввал ҳам Самарқанд-Қарши иқтисодий райони таркибида бўлган. Вилоят Самарқанд-Қарши иқтисодий райони таркибидаги пахтачилик, буғдой етиштириш ва чорвачиликда илғор туманлардан бири бўлган. Бу ерда пахтачиликни ривожлантирилиши билан бирга Эски Ангор канали таъмирланиб, Чимқўрғон сув омбори қурилди. Бу туманга қарашли лалми

ерларда экилган бошоқли экинлар бўйича Қашқадарё Самарқанддан сўнг, қоракўл тери етиштириш бўйича Бухородан кейинги ўринда турди [6].

Қарши туман маркази бўлиб, бу ерда ҳам пахта тозалаш, ёғ-мой комбинатлари, гўшт консерва заводлари, тикув фабрикаси, маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналари жойлашган. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари Китобда жойлашган. Самарқанд "Ўроқ ва болға" заводи сингари Китоб мева консерва заводи мамлакатнинг Узоқ Шарқ ва Узоқ Шимол ҳудудларига доимий маҳсулот етказиб берувчи завод ҳисобланган. Шахрисабзда пахта тозалаш заводлари, консерва ва Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларини ипак билан таъминловчи заводлар бўлган [7]. КПСС МК ва СССР Министрлар Советининг 1946 йил 2 февралда қабул қилган "Ўзбекистон ССРда пахтачиликни ривожлантириш чора - тадбирлари тўғрисида"ги [8] махсус Қарорида пахта майдонларини кенгайтириш ва ҳосилдорликни оширишга алоҳида эътибор қаратилиши баробарида пахтага биринчи ишлов берувчи корхоналар қурилиши бошланди. Масалан, 1947 йилда Китоб пахта тозалаш заводи фойдаланишга топширилди.

Қарши чўлида олий навли пахта етиштириш учун қулай имконият мавжудлиги сабаб ҳукумат бу ердаги қўриқ ва партов ерларни ўзлаштиришга жиддий аҳамият берди. 1963 йил 26 февралида СССР Давлат режа қўмитасининг Давлат эксперт комиссияси қарори билан Қарши чўлидаги 200 минг гектар қўриқ ерни ўзлаштириш ва суғориш ишларини 1975 йилгача туғаллаш режалаштирилди [9]. Ўзлаштирилиши ва суғорилиши керак бўлган умумий майдон 1 млн. 306 минг гектар бўлиб, ундан 435 минг гектар юқори зонада ва 871 минг гектар қуйи зонада жойлашган ерлардан иборат қилиб белгиланди. Қарши чўлларини ўзлаштириш ишлари 1963 йил 26 августдан бошланди [10]. Қарши чўлларининг юқори зоналарини ўзлаштириш ишлари 1969 йилда СССР Министрлар Советининг Қарши чўлининг юқори зонасидаги ерларни суғориш ва ўзлаштириш лойиҳасининг биринчи навбати тасдиқланганидан сўнг бошланди. Унда 200 минг гектар ер ўзлаштириб, 43 та хўжалик ташкил этилиши ва уларнинг 36 таси пахтачилик, 3 таси боғдорчилик-узумчилик, 2 таси чорвачилик ва 2 таси ем-хашак етиштирувчи давлат хўжаликларига айлантириш белгилаб берилди [11].

1963 йил 7 декабрда СССР Министрлар Советининг "Қарши чўлининг биринчи навбатини суғориш ва ўзлаштириш бўйича ишларнинг бошланиши тўғрисида"ги қарори эса чўлни ўзлаштириш ва суғориш ишларини тезлаштириб юборди. Бу тадбирларни амалга оширилиши билан СССР Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлигининг "Главсредаз-ирсовхозстрой" таркибига кирувчи "Каршистрой" бошқармаси тузилди [12]. 1965-1975 йиллар давомида Қарши магистраль ва Ульянов каналлари қурилди. Амударёдан Қашқадарёгача бўлган масофада насос станциялари бўлган Қарши магистраль канали, муҳандислик иншоотлари, қурилиш индустрияси корхоналари, қурилиш материаллари ва буюмлари саноати, қурувчилар ва янги ерларни ўзлаштирувчилар учун посёлкалар қурилди.

1977 йилга келиб ишлаб чиқариш кучларини тез ва мақсадга мувофиқ равишда ривожлантириш ҳамда унинг ижтимоий меҳнат тақсимотидаги ролини оширишни кўзлаб Ўзбекистонда учта ҳудудий ишлаб чиқариш районларини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Бу районлар Чотқол-Курама, Жиззах ва Қарши районлари ҳисобланади. Бу район ташкил этилган вақтда Қашқадарё иқтисодий районида 850 минг гектар унумдор ердан 250 минг гектари ишга солинган бўлиб, табиийки пахтачиликни ривожлантириш вазифалари белгиланган эди.

1988 йилга келиб Қашқадарё вилояти 14 та туманни ўзида бирлаштирди. 1983 йилда бу вилоятда 100 га яқин ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этилиб,

уларнинг 7 таси иттифоқ даражасидаги корхоналар бўлган. Қарши чўлларини ўзлаштириш интенсив давом этиб, янги турар жойлар барпо этилди. Ўнинчи беш йиллик давомида бу ҳудудда 5 та қўриқ райони тузилган бўлсада, бироқ, бу чала ўзлаштирилган ерларда ишлаб чиқариш объектлари ва маданий-маиший биноларнинг камлиги жиддий қийинчиликларни туғдирарди. 1980 йилда Қашқадарёнинг ўзлаштирилган қишлоқларида 56,9 минг киши ишлаган бўлса, 1987 йилга келиб 53,0 минг кишини ташкил этди [13].

Самарқанд-Қарши иқтисодий районида саноат корхоналарининг қурилиши, қишлоқ хўжалигида хосилдорликни ошириш вазифаларини белгиланиши экологик ҳолатга таъсир этмасдан қолмади. Масалан, 1970 йилларда республика бўйича тозаланмасдан ташқарига чиқариб ташланган сув суткасига 460 минг куб метр ундан Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик вазирлигига 119, пахтачилик вазирлигига 48, мева-сабзавот вазирлигига 31, соғлиқни сақлаш вазирлигига 21 минг куб сантиметр тўғри келган. Биргина Самарқанд вилоятида ишлаб чиқарувчи корхоналар сув ҳавзаларига 18,6 минг куб метр ифлос ёки тўлиқ тозаланмаган оқава сувларни сув ҳавзаларига чиқариб юборган. Уларга Лангар радиобошқармаси, “Гелион” заводи, Каттақўрғон ёғ-мой комбинати, “Қизилгвардия” вино комбинати, Ховренко номидаги вино заводи, Самарқанд гўшт комбинати, Каттақўрғон сут ва гўшт комбинати, Самарқанд тери заводи, “Ҳужум” ипак йигирув комбинати, трикотаж фабрика, турли автокорхоналар, онкодиспансер ва бошқалар кирган [14].

“Ҳужум” ипак йигирув фабрикаси бўлса хўжасизлик оқибатида 26 минг куб сувни ортиқча сарфлаб юборган. Ишлаб чиқараётган маҳсулотларининг сифати пастлиги сабабли сорти пасайтирилиб, 166 минг сўмлик 30 та рекламация олиб, 53 минг сўм жарима тўлаган.

Самарқанд гўшт комбинати Сиёб каналига кунига 790 куб.м. оқавани оқизиши оқибатида, сувда аммония ионларини, ачитқиларни кўпайишига сабаб бўлган [15]. “Гелион” заводида бўлса ташланган оқава сувлар натижасида Сиёб каналида хромнинг 40 маротаба кўпайиши кузатилган. Сиёб каналининг ифлосланаётганлиги ҳақидаги масала бир неча йиллар давомида республика миқёсида кўпгина кенгашларда ва семинарларда кўтарилган бўлсада, лекин йиллар давомида аниқ мақсадларга эришилмади. Бу комбинатларда ўғриликлар, маҳсулотларни талон-тарож қилиш ҳолатлари, ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг сифатсизлиги жуда юқори бўлган. Масалан, Самарқанд гўшт комбинатида кунига 5 тоннагача гўшт талон-тарож қилинган. Бухоро консерва заводида ишлаб чиқарилган паста ҳолидаги томат стандартларга мувофиқ бўлмай, уни истеъмолчиларга сотиш имкони бўлмаган.

Каттақўрғон ёғ-мой комбинати бир неча йиллар давомида кунига 10 минг куб.м. ифлос оқаваларни ташлаши натижасида шаҳар четидан оқадиган Чегонак коллекторини оқадиган каналга айлантирган. Натижада нитратнинг 2,3 бараварга оширишга, аммоний азотни 1,3, фзиолимни 13, нефть маҳсулотларини 3, меди - 7,6 цинкни 1,4 мартага ошишига сабаб бўлган. Бундан ташқари асосий ифлослантирувчилар вагон депоси, унинг ёнилғи сақланадиган омборхонаси, гўшт комбинати, кимё заводи бўлган.

Қашқадарё вилоятида етарли даражада тозаланмасдан очиқ сув ҳавзаларига кунига 6,5 минг куб.м. оқава сувлар чиқарилган. Шахрисабз консерва заводи, вино заводи, гўшт комбинати, ипак йигирув комбинатлари мана шундай корхоналар қаторига кирган. Масалан, Қашқадарё ёғэкстракт заводи 1971 йилдан 1983 йилга қадар Дашт коллекторига оқава сувларни оқизиб келган, шунингдек, ҳар йили ҳавога 104 минг тонна заҳарли моддаларни ҳам чиқариб келган.

Хулоса қилиб айтганда, таҳлил этилаётган йилларда республика ҳудудида тўртта иқтисодий-маъмурий район ташкил этилган бўлиб, Самарқанд иқтисодий-маъмурий районига Қашқадарё воҳаси ҳам киритилганлиги сабабли, у Самарқанд-Қарши иқтисодий райони деб аталди.

Ушбу ҳудудда пахтачилик билан бирга чорвачилик ва боғдорчилик ривожланган бўлиб, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларининг лалми ва тоғолди ҳудудларида бошоқли экинлар экилган. Шунингдек, ушбу ҳудудларда чорвачилик ҳам ривожланган бўлиб, мамлакатда асосий қоракўл етиштирувчи маскан ҳисобланган. Ҳудудда пахта тозаловчи, ёғ-мой заводлари, консерва, вино ишлаб чиқариш, умуман озиқ-овқат ва енгил саноат яхши ривожланган. Шунингдек, бу районда машинасозлик, энергетика ва иссиқлик корхоналари иқтисодий ҳудуд ишлаб чиқаришида муҳим аҳамият касб этган.

**Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати**


1. Среднеазиатский экономический район. – Москва: Наука, 1972. – С.14
2. Бедринцев К., Мирзаев А. Ўзбекистонликларнинг келажак авлодлари қаерда яшайди // Ўзбекистон коммунисти, 1988 йил 12 декабрь.
3. 3.Хайдаров И. Ўзбекистон саноатининг совет иттифоқи ягона халқ хўжалиги комплексидаги ўрни. – Тошкент: Тошкент давлат шарқшунослик институти, 2019. – Б.48
4. Ахмедов Э., Ғафуров Ш., Ахмедов Т. Фан-техника тараққиёти ва Ўзбекистон экономикаси. – Тошкент: Ўзбекистон, 1980. – Б.30
5. Экономические районы УзССР. – Ташкент: Гос.изд. Узбекской ССР, 1957. – С.17
6. Экономические районы УзССР. – Ташкент: Гос.изд. Узбекской ССР, 1957. – С.22
7. Экономические районы УзССР. – Ташкент: Гос.изд. Узбекской ССР, 1957. – С.23
8. Ўз МА, Р-2272-фонд, 1-рўйхат, 1208-иш, 54-варақ.
9. Жалолов Э. Яшнаётган воҳа // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги, 1983. – Б.50
10. Ахмедов Э., Ғафуров Ш., Аҳмедов Т. Фан-техника тараққиёти ва Ўзбекистон экономикаси . – Тошкент: Ўзбекистон, 1980. – Б. 35
11. Народное хозяйтво Узбекской ССР за 1987 года.
12. Ўз МА, Р-2272-фонд, 1-рўйхат, 1208-иш, 76-варақ.
13. Ўз МА, Р-2272-фонд, 1-рўйхат, 1208-иш, 75-варақ.
14. Ўз МА, Р-2272-фонд, 1-рўйхат, 1208-иш, 77-варақ.


## ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИДА СУВ ОМБОРЛАРИ ҚУРИЛИШИ ТАРИХИ (XX АСРНИНГ 50-60 ЙИЛЛАРИ МИСОЛИДА)

***И.Х.Жабборова – Қарши давлат университети ўқитувчиси***

XXI аср ўз шиддати ва кўлами билан инсоният тарихида чуқур из қолдирмоқда. Дунёнинг бугунги манзарасида юз бераётган иқтисодий, ижтимоий, экологик ўзгаришлар ечимини топиш бўйича муаммолар кундан-кун кўпайиб бормоқда. Республикамизда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантириш, ҳосилдорликни оширишни, бу эса ўз навбатида суғориш тизимини ривожлантиришни талаб қилади. Бундай ишларни амалга оширишда иқлим шароитини эътиборга олиш, табиатни асраш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш билан бирга олиб бориш давр талабидир. Зеро, ... «Биз

истеъмол қиладиган маҳсулотлар, биз нафас оладиган ҳаво, биз ичадиган сув, биз яшайдиган сайёрага ҳаёт бағишловчи иқлим – барчаси табиат туфайли», – дейилади «Халқаро атроф-муҳитни муҳофаза қилиш – 2020» кун тартибида [1].

Шу жиҳатдан Ўзбекистоннинг, хусусан Қашқадарёнинг табиий географияси, иқлим шароити бу ерда азалдан қишлоқ хўжалиги ривож топганлиги, суғорма деҳқончилик тараққий этганлиги билан аҳамиятлидир.

Қашқадарё воҳаси Республиканинг жануби-ғарбий қисмида жойлашган. Қашқадарёнинг шимолий чегараси Зирабулоқ ва Зиёвуддин тоғларидан, ғарбий чегараси Жарқоқ, Муборак ва Денгизкўл баландликлари орқали ўтади. Жануби ва жануби – ғарбида Сандиқли қум кенгликлари ўлкани Туркманистондан,воҳанинг шарқидаги Ҳисор тоғлари, жануби-шарқида Бойсун тоғлари ўлкани Сурхондарё воҳасидан ажратиб туради. Иқлими континентал, қиши нисбатан юмшоқ, ёзи узоқ, иссиқ, қуруқ. Ўлканинг асосий дарёси узунлиги 332 км, сув йиғадиган майдони 8750 км бўлган Қашқадарё дарёси ҳисобланади [2].

Воҳанинг иқлим шароити ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Ёруғлик ва иссиқлик жуда кўп бўлади, ёзда гармсел эсади, суткалик ва йиллик ҳарорат кескин ўзгариб туради, ёғингарчилик кам бўлади, қиш қисқа, аммо анча совуқ бўлади. Бироқ текислик ва тоғли қисмларида метеорологик элементлар бир хил тақсимланмаган. Қашқадарё ҳудудининг текислик ва тоғолди қисмлари ҳаво ҳарорати жиҳатидан анча фарқ қилади. Ўртача йиллик ҳарорат шимоли-шарқда 15 даражадан жануби-ғарбда 17 даражагача ўзгаради. Баланд кўтарилган сари ҳарорати пасаяди: шимол томонда 1000 метр баландликда 11 даражагача, 2000 метр баландликда 9,5 минг даражагача бўлади [3]. Вилоятда мавжуд фойдали ҳарорат йиғиндиси ғўзанинг, жумладан, ингичка толали навларнинг, иссиқсевар меваларнинг етилишига ёрдам беради. Шунинг учун Ўзбекистоннинг йирик ҳудудий бирлиги саналган - Қашқадарё воҳаси ўтмишда ҳам, кейинги тараққиёт даврларида ҳам қишлоқ хўжалиги ривожида алоҳида аҳамият касб этган. Ўлкада пахта майдонларини кенгайтириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш мақсадида катта майдонларни ўзлаштириш ва суғориш тадбирлари борасида совет давлати тарихида амалий ишлар бошланди.

Совет даврида урушдан кейинги иқтисодий қийинчиликлар ва унинг ижтимоий ҳаётга таъсири ўз ўрнида мамлакатда саноат ва қишлоқ хўжалигини ривожлантиришни талаб қилган. Бу мураккаб вазифаларни бажариш учун ривожлантиришнинг аниқ дастури ишлаб чиқилиши керак эди. Ўзбекистон иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги етакчи ўринга эга бўлиб, республикада ишлаб чиқилган иқтисодиётини тиклаш ва ривожлантириш режаларида ушбу соҳага асосий эътибор қаратилган. Қишлоқ хўжалиги экинлари, хусусан пахтани етиштиришни кўпайтириш мақсадида XX асрнинг 50-80 йилларида бутун республикада суғориш иншоотларини қуриш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ишлари авж олди. Бу каби тадбирлар СССРда қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш учун йирик ва майда сув омборларни барпо этиш жараёнларида ўз аксини топди.

Совет ҳукуматининг 1956 йил 6 августда «Пахта етиштиришни кўпайтириш учун Ўзбекистон ССР ва Қозоғистон ССРдаги Мирзачўлнинг қўриқ ерларини суғориш тўғрисида»ги [4] қарори қабул қилиниб, мамлакатдаги қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш, гидротехник иншоотларни қуриш ишлари бошланиб кетди. Айниқса, марказ томонидан пахта етиштириш учун қулай табиий шароити ва кенг майдон имкониятига эга бўлган Қашқадарё воҳасида бу тадбирларни олиб борилишига катта эътибор қаратилди. Шу даврдан бошлаб республика қишлоқ хўжалигида пахта яккаҳокимлиги сиёсати янада кучайди.

Жумладан, Қашқадарё воҳасида суғориш тизимини йўлга қўйиш КПСС XIX съезди СССР халқ хўжалигини янада ривожлантириш бўйича 1951-1955 йиллар учун қабул қилган Директиваларида ҳам белгиланди [5]. Ушбу съезд қарорларида, жумладан, шундай дейилади: «... Зарафшон ва Қашқадарё дарёлари ҳавзаларида, Марказий Фарғона, Кубань-Егорлик тизими, Ўртатўқай сув омбори ва Катта Чу канали туманларида суғориш тизимларини қуриш ишлари давом эттирилсин» [6]. Демак, бу даврда совет давлатининг диққати қишлоқ хўжалигидаги асосий йўналишларидан бири бу – чўлларнинг ўзлаштириш ва суғорилишига қаратилган. Шу жумладан бу сиёсат доирасида Қарши чўлини ўзлаштириш йирик суғориш тадбирлари билан бирга олиб борилган.

XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Қашқадарё воҳасида йирик гидротехник иншоотлар барпо этилишига жиддий киришилди. 1952 йили «Средазгипроводхоз» («Ўрта Осиё сув хўжалиги лойиҳалаш институти») нинг «Қашқадарё вилоятининг ер ва сув ресурсларидан комплекс фойдаланиш схемаси» асосида муҳандислар А.В.Петров, Г.И.Прозоровлар томонидан 1955 йили Қашқадарё ўзанида 500 млн кубометр сув йиғиш имкониятига эга Чимқўрғон сув омборининг қурилиши лойиҳаси ишлаб чиқилди [7].

1955 йил ноябрь ойининг бошларида Қашқадарё вилоят партия комитети бюроси «Средазгипроводхоз»нинг лойиҳаси асосида Чимқўрғон сув омборини қуриш бўйича аниқ тадбирлар белгилаб олинди. Сув омбордан Қамаши туманида чап ва ўнг қирғоқ каналлари барпо этиш, Қарши гидроузелини бунёд этиш, бу ирригация иншоотидан ҳам ўнг ва чап қирғоқ бетон каналларини чиқариш назарда тутилди.

Лойиҳа тасдиқлангандан сўнг 1956 йилда Я. А. Шчербаков раҳбарлигида Чимқўрғон сув омбори қурилиши бошланди. 1963 йили тўлиқ ҳажмда, яъни лойиҳадаги 500 млн кубометр сув тўплаш имкониятига эга бўлди. Тўғоннинг режадаги қисми тайёр бўлиши билан сув омборига сув йиғилиб, айни сув керак пайтда қишлоқ хўжалик экинларига етказиб берилди. 1963 йилга келиб сув омбори қурилишининг асосий ишлари тугалланди [8]. Аммо сув омбори қурилиш давомида йўл қўйилган хатолар ҳамда уни ишлатиш давомида пайдо бўлган камчиликларни бартараф қилиш жараёни кейинги бир неча йилда ҳам давом этган.

Бунда, аввало, воҳадаги мавжуд дарёлар сувидан фойдаланишни яхшилаш, Зарафшон сувини Қашқадарё ерларига оқизиш, Қарши машина каналининг ишга туширилиши туфайли тежаб қолинадиган Қашқадарё сувини ўлканинг ўрта ва юқори қисмидаги унумдор ерларни бошқариш каби муаммоларни бартараф этиш лозим эди. Қашқадарё вилоятининг ўрта ва юқори қисмидаги ерларни суғориш ва ўзлаштиришнинг Бош режасида Чимқўрғон массивидан 46 минг гектар ерни кучли насослар ёрдамида Амударё суви билан суғориш, шунингдек, Эскианҳор канали орқали Зарафшон суви билан Қашқадарёнинг чап қирғоғида жойлашган Сандал массивидан 39 минг гектар ерни, Кўкдала массивидан 36 минг гектар майдонни суғориш, экин майдонларига айлантириш назарда тутилган.

Шунингдек, бу йилларда Қарши чўлига Амударё сувининг қуйилишини бошланиши билан Қарши, Косон туманларининг ерларига сув кела бошлаган. Шу муносабат билан Зарафшон дарёсининг суви ўрта Қашқадарёда жойлашган Кўкдала, Сандал массивида жойлашган майдонларга сув берган. Бу билан Китоб, Шаҳрисабз, Яккабоғ, Қамаши, Чироқчи туманлари ерларини суғориш учун қўшимча имконият яратилган. Бу имкониятни амалга ошириш учун фойдасиз, қум қаърига сингиб кетаётган 100 млн кубометрга яқин Қумдарё сувини Чимқўрғон сув омборига бошқариш мақсад қилинган. Шу мақсадда 1969-1972 йиллар Қумдарё канали икки навбатга бўлиб қурилган ва ишга туширилган. Зарафшон дарёси сувини ўрта

Қашқадарёга буриш учун Эскианҳор каналининг 56-км.идан жанубга томонга йўналтириб, 43 км узунликдаги янги канал қурилиши лойиҳаси ўртага ташланган [9].

Янги йўналиш бўйича канал қурилиши масофани 64 км қисқартириб, каналнинг бетонлаштириш ишлари ўз навбатида сув исрофгарчилигининг нисбатан олди олинишига хизмат қиладиган бўлди. Чимқўрғон сув омборида 400 миллион кубометр сув тўплаш имкони яратилган. Канал қурилиши оммавий тус олдган ва 6 минг нафардан зиёд киши уч сменада ишлаган. Қисқа муддатда каналнинг 40 км масофаси бетонлаштирилган. 30 миллион кубометрдан зиёд тупроқ ишлари бажарилган. 85 минг кубометр бетон ётқизилган. Канал ўзани баҳорда тўлиб-тошиб оқадиган Жомсойнинг тагидан 650 метрли дюкер орқали олиб ўтилган.

Эскианҳор каналининг 56-км дан чапга қараб янги канал қазилган. Бу каналнинг узунлиги Қумдарёгача 44 км бўлган. Сув Қумдарёга қуйилиб, сўнгра Қашқадарё дарёсига келган. Дарё орқали Чимқўрғон сув омборига тушган [10].

Чимқўрғон сув омборининг 1962 йилда тўла қуриб тугалланиши натижасида Қарши, Косон, Ульянов туманлари хўжаликларидаги экиннинг вегетация даврида сув билан таъминланишини анча яхшилади. Қашқа воҳасининг ўрта ва айниқса қуйи зонасида пахтачилик ривожлантирилишига эришилди.

Қашқадарё воҳасида ерларни ўзлаштириш ва суғориш тизимини йўлга қуйиш ишларида сув танқис бўлган ҳудудларни сувга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида йирик сув омборлари қурилиши давом эттирилди. Жумладан, 1960 йил 21 октябрь Ўзбекистон Министрлар Советининг «Пачкамар сув омборини қурилиши тўғрисида»ги қарори қабул қилинди [11]. Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги «Узгипроводхоз» институтига мазкур лойиҳа иши - сув омборини қуришни ишлаб чиқиш ҳақида кўрсатма берди. Бош муҳандис К.К. Писарчик томонидан тузилган 14349,05 минг рубль қийматга эга лойиҳа 1961 йил 3 ноябрда тасдиқланди [12]. Иншоот қурилгунга қадар Ғузор туманида мавжуд 55 минг гектар ердан фақат 20 минг гектари суғорилганди [13].

Лойиҳага кўра 260 млн кубометр сув сиғимига эга бўлган сув омбори Катта Ўра дарёси, Ғузордарё ўзанида қурилган. Қурилиш лойиҳа нархи 17,3 млн рублни ташкил қилган. Дастлаб «Чимқўрғонқурилиш» бошқармаси қурилиш ишларини бошлаб юборган. 1964 йили Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги буйруғига кўра Пачкамар сув омбори объектларини ишга тушириш бўйича комиссия ҳужжатлари 178465 рубль миқдорида илова қилинган рўйхатга мувофиқ тасдиқланган [14]. Қурилиш ишлари 1963 йилда бошланган. 1964 йилдан қурилиш муддатидан олдин тугаллаш учун ишлар авж олдирилган. 1965 йили «Чимқўрғонқурилиш», «Қаршисувқурилиш» бошқармасига қарашли «Пачкамарсувқурилиш» бошқармасига айлантирилган. А.Я.Шчербаков раҳбарлигидаги бошқарма сув омбор қурилишини охирига етқазган [15]. 1967 йил 29 декабрда Пачкамар сув омбори 100 млн кубометр сувни йиғиш имконига эга бўлган [16]. 1968 йилда Ғузор тумани ҳудудига сув бера бошлаган. 1969 йил 12 октябрда фойдаланишга топширилган. Ғузор туманидаги 5 минг гектар суғориладиган ерларнинг сув таъминоти оширилиб, 15 минг гектар янги ерларни суғориш имконияти пайдо бўлди ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ортди. Масалан, Ғузор тумани 1966 йили 7200 тонна пахта етиштирган бўлса, 1970 йилда бу кўрсаткич қарийб 30000 тоннани ташкил қилган [17]. Чимқўрғон ва Пачкамар сув омборлари қурилиши натижасида 1961 йилдаги 80 млн кубометр сув ўрнига 1969 йили 500 млн кубометр сув тўплаш мумкин бўлган [18].

Суғориладиган майдонлар кенгайиб вилоятнинг пахта етиштириш режаси ортди. Вилоятда 1964-1966 йилларда ерларни ирригация ҳолатини яхшилаш бўйича

қилинган чора-тадбирлар туфайли пахта ҳосили ҳар гектарига 23,5 центнерга кўпайди ва 1966 йилда жами пахта ишлаб чиқариш ҳажми 217,3 минг тоннани, яъни 1965 йилдагига нисбатан 23,3 минг тонна кўпни ташкил қилди [19]. Чимкўрғон, Пачкамар сув омборларининг қурилиши экин майдонларини кўпайишига хизмат қилган. Хусусан, Қашқадарёнинг ўрта қисмида суғориладиган ерлар 1967-1969 йилларда 2000 гектардан зиёдга кенгайган [20].

Хуллас, совет давлатининг Қашқадарё воҳасида ирригация иншоотларининг қурилиш тадбирлари давомида маҳаллий ҳокимият органлари томонидан йўл қўйилган пахта майдонларини кенгайтириш мақсадида янги ерларни ўзлаштиришни сунъий кўпайтиришнинг социалистик мафкураси, ўтказилган социалистик мусобақалар таъсирида ерларни меъёридан ошиқ сунъий суғориш, шўрланиш ҳамда янги ўзлаштирилган ерларнинг тезда истеъмолдан чиқиши, сув омборлари ва гидротехник иншоотларнинг барпо этилишига бир томонлама ёндашуви натижасида аҳолини ижтимоий аҳволининг инобатга олинмаслиги каби камчиликлар вужудга келди. Сув хўжалиги соҳасидаги бу каби муаммоларнинг кучайиши Қашқадарё сув хўжалиги соҳасига салбий таъсир кўрсатган бўлса-да, аммо имкон қадар экин майдонларига кўпроқ сув чиқариш мақсадида Амударёдан Қарши бош канали воситасида катта миқдорда сув келтириш, Чимкўрғон, Пачкамар каби сув омборлари қурилиши тадбирларига аҳамият қаратилганлиги воҳа суғориш тизими тархида ҳамда ривожида муҳим тарихий воқеа бўлди.

**Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати**


1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: O‘zbekiston, 2021. – Б. 388.
2. ҚВДА, 79-фонд, 1-рўйхат, 150-иш, 1-варақ
3. Усмонов И. Қашқадарёнинг иқлим ресурлари // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги, 1977 йил 9-сон. – Б.43.
4. Ўз МА, Р-2483-фонд, 1-рўйхат, 324-иш, 198-варақ.
5. Ғофуров А. Ирригация ва мелиорацияни ривожлантиришнинг иқтисодий проблемалари. –Тошкент: Ўзбекистон, 1974. –Б.25.
6. Рўзиқулова М. Ю. Марказий Фарғона қўриқ ерларининг ўзлаштирилиши ва суғорилиши тарихи (XX асрнинг 50-70-йиллари мисолида) Тарих фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс... – Фарғона, 2021. – Б.74.
7. Ирригация Узбекистана. Т. III –Ташкент: Фан, 1979. – С. 65.
8. ҚВДА, 439-фонд, 1-рўйхат, 38-иш, 43-варақ.
9. Дала ёзувлари. Қарши шаҳри, 2020 йил август.
10. «Қашқадарё ҳақиқати»,1971 йил 2 сентябрь.
11. Хамраев Н., Мифтахов Р. Первая высокая плотина в Узбекистане. – Ташкент, 1971. – С.10.
12. Ўз МА, Р.2483-фонд, 1-рўйхат, 2654-иш 4-варақ.
13. Қориев М. Ўзбекистонда сув омборлари. –Тошкент: Ўзбекистон, 1969. – Б. 78.
14. Ўз МА, Р.2483-фонд, 1-рўйхат, 3-иш. 1-варақ.
15. Пардаев А. Возрожденный край. –Ташкент: Узбекистан, 1984. – С. 46.
16. Ўз МА, Р-2483-фонд, 1-рўйхат, 2654-иш 20-варақ
17. Хамраев Н., Р.Мифтахов. Первая высокая плотина в Узбекистане. – Ташкент, 1971. – С.10.
18. Қориев М. Ўзбекистон сув омборлари. – Тошкент: «Узбекистон», 1969. – Б.41.
19. ҚВДА, 439-фонд, 1-иш, 60-иш, 62-63 бетлар
20. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги, 1969 йил 2-сон. – Б.18-19.

# ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА ҚАШҚАДАРЁДА ТАЪЛИМ ВА УНИНГ МУАММОЛАРИ

***Ф.Самадова – Қарши давлат университети ўқитувчиси***

Иккинчи жаҳон уруши инсоният тарихидаги энг йирик фожиавий воқеалардан бири ҳисобланади. Айнаи уруш йиллари Ўзбекистон тарихи учун ҳам асосий даврлардан бири ҳисобланади. Ўзбекистонда Иккинчи жаҳон уруши қурбонларини хотирлаш бўйича доимий чора-тадбирлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 4 апрелдаги “Хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2865-сонли қарори[25], 2019 йил 16 апрелдаги “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида”ги, 2019 йил 23 октябрдаги “Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 75 йиллигини муносиб нишонлаш тўғрисида”ги ПҚ-4495-сонли қарорлари[26] қабул қилиниб, қатор чора-тадбирлар белгиланди.

Иккинчи жаҳон уруши йиллари жаҳонда энг жиддий зарар кўрган соҳалардан бири бу таълим соҳасидир. Ўзбекистон таълим тизимида бу инқирозли ҳолатлар кўзга ташланади. Чунки давлат бюджетининг асосан мудофаа соҳасини мустаҳкамлашга қаратилиши туфайли ижтимоий ва маданий соҳаларга етарли аҳамият берилмади.

Ўзбекистонда совет давлатининг бошқа ҳудудлари қатори таълим соҳасида фаолият кўрсатган ўқитувчилар ҳаракатдаги армия сафига сафарбар этилиши натижасида, аввало мактабларда кадрлар муаммоси келиб чиқди. Уруш туфайли турмуш шароитининг ёмонлашуви туфайли кўплаб болалар мактабга боришни тўхтатди. Ўқувчилар контингентини сақлаш турмушида қийинчиликлар юзага келди. Қолаверса, мактаб ёшидаги болалар аёллар билан тенг равишда фронтга кетган эркаклар ўрнига асосий ишчи кучига айланди. Ўқувчилар саноат корхоналари ва қишлоқ хўжалиги далаларида фаолият кўрсатиб, ўқиш учун вақт топмади. Давлат таълим соҳаси ходимларидан ҳам ўқитиш, ҳам ишлаб чиқариш режаларини бирдек бажаришни талаб қилди.

Ҳар бир соҳа ривожида аввало моддий таъминот марказий ўринда турди. Хусусан, таълим соҳаси ҳам давлат бюджетидан катта молиявий маблағ ажратилишини талаб қилди. Уруш бошланиши билан таълим соҳаси учун бюджетдан ажратилган маблағ миқдори камайтирилди. Ўзбекистонда бу соҳага давлат бюджетидан 1940 йили 561317 рубль, 1942 йили 461588 рубль ажратилди. Фақат кейинги йилларда ушбу соҳага ажратилган маблағлар миқдорининг ортиши кўзга ташланади. Масалан, 1943 йили халқ маорифи учун 472224 рубль, 1945 йилда 704909 рубль маблағ ажратилди[1]. Қашқадарё вилоятида 1942 йилда халқ таълими эҳтиёжлари учун 22916 минг рубл ёки умумий бюджетнинг 46 фоизи, 1945 йилда эса мос равишда 52321 минг рубл ёки 60,1% миқдорида маблағ ажратилди[2]. Қашқадарё вилоятида 1943 йилдан буён маблағ ва халқ таълими барқарор ўсди: 1943 йил – 26679 минг рубл; 1944 йил – 47382 минг рубл; 1945 йил – 52336 минг рубл, яъни 2,25 мартага кўпайди[3].

Иккинчи жаҳон уруши йиллари давлат бюджетидан соҳага ажратилган маблағлар миқдорининг камлиги ўз ўрнида ўрта мактаблар сонининг камайишига олиб келди. Ўзбекистонда 1940-1941 ўқув йили умумтаълим мактаблари сони 5504 тадан 1944-1945 ўқув йилида 4475 тага камайди[4].

Ўзбекистон мактабларида 1940-1941 ўқув йилида 36267 нафар ўқитувчилар фаолият кўрсатган бўлса, 1942-1943 ўқув йилида улар сони 30616 нафарга қисқарди[5].

Республика мактабларида 7000 нафар ўқитувчи, хусусан, Қашқадарё вилояти мактабларида 320 нафар ўқитувчи етишмади [6]. Бу даврда Қашқадарё вилояти мактаблари, асосан Бухоро ўқитувчилар институти томонидан тайёрланган педагог кадрлар билан таъминланди. 1930 йилдан 1941 йилгача Бухоро ўқитувчилар институти учта – Бухоро, Сурхондарё, Қашқадарё вилояти мактаблари учун 631 нафар ўқитувчи тайёрлаган бўлса, 1941-1945 йилларда эса 610 та ўқитувчи тайёрлади ва халқ маорифининг турли соҳаларида ишлашга юборилди.

Шу билан бирга ўқувчилар сони ҳам қисқарганлиги кўзга ташланади. Масалан, 1940-1941 ва 1945-1946 ўқув йилларида Ўзбекистон умумтаълим мактабларида ўқувчилар сони кескин қисқарди [7]. Масалан, 1940-41 ўқув йилида умумтаълим мактабларида 1241500 ўқувчи, 1944-1945 ўқув йилида эса 946,7 минг ўқувчи таҳсил олди.

Ўзбекистонда уруш даврида мактаб ишини молиялаштириш учун қўшимча маблағлар излашда Республика Халқ таълими тармоғи бўйлаб Наркомпрос томонидан бошқарувчилар ва хизмат кўрсатувчи ходимлар аппаратининг максимал қисқариши амалга оширилгани ва бу 90,3 минг рублни ташкил этгани ҳам муҳим аҳамият касб этди[8].

1941 йил августда Қарши туман партия қўмитаси мактаб биноларининг ҳолатини ўрганиб чиқди ҳамда туманнинг бошланғич партия ташкилотлари котибларини мактабларга раҳбарлик қилиши ва мактаб ишларида уларга амалий ёрдам бериши бўйича қарор қабул қилди [9]. Шу билан бирга, мактабларни таъмирлаш учун ажратилган катта маблағларга қарамасдан, кўплаб маҳаллий партия ва совет органлари мактаб биноларидан фойдаланишда нотўғри бошқарувга қарши курашда тезкорлик етишмади. Қашқадарё вилояти халқ таълими бўлимининг 1942/43 ўқув йили учун ҳисоботида мактаб биноларининг 50% дан ортиғи яроқсиз ҳолатда, улардан 24 таси яроқсиз ҳолга келиб қолганлиги таъкидлаб ўтилади. Туман мактаб биноларининг кўп қисми харобалар ва омборларга айланиб, мактаб биноларида тез-тез турар жойлар, бозорга ташриф буюрувчилар учун турар жойлар, баъзан эса уй ҳайвонлари учун сақловхоналарга (Яккабоғ, Чироқчи, Деҳқонобод туманлари) айланди. Масалан, Яккабог туман марказидаги мактаб 1943 йил 9 январга қадар бўш эди ва омборга айланди. Шаҳрисабз шаҳридаги Пушкин номли мактаб эса ҳам касалхонага ётқизилган кўплаб беморлар учун бўшатиб берилган эди [10].

1943 йилда Қашқадарё вилоят ижроия қўмитаси томонидан Рязань авиация мактабини Карши педагогика мактаби биносига кўчириш тўғрисида қарор қабул қилинди. Бундан ташқари, Қарши туман ижроия қўмитаси РК КП (б) қарори билан туман 1-сонли мактабидан учун учта хонани эвакуация қилинганлар учун ажратишни таклиф қилди [11].

Республика ҳукумати бундай шароитда мактабларни таъмирлаш учун қўшимча маблағ ажратишга мажбур бўлди. Масалан, Ўзбекистон ҳукумати 1944 йил 9 октябр куни “Шаҳарлар ва туман марказларида мактабларни капитал таъмирлаш учун икки миллион рубл қўшимча маблағ ажратиш тўғрисида”ги қарорни қабул қилди. Ушбу қарорга мувофиқ, Қашқадарё вилояти учун 200 минг рубль миқдорида маблағ ажратилди. 1943 йилда Қашқадарё вилоятида 488 та мактабининг 419 таси капитал таъмирланди [12].

Қашқадарё вилоятида 1943-1945 йилларда колхозлар маблағлари ҳисобидан 11 та мактаб биноси қурилган бўлса, 1945-1946 ўқув йилида яна 15 та янги мактаб қуриш кўзда тутилди [13].

Вилоят ижроия қўмитаси қарори билан 1941 йилда Косон туманида янги, 7 синфхонаси бўлган типовой мактаб биноси қуриш белгиланган эди... Янги мактаб биносига муҳтож районлардан бўлиши, 2500 га яқин ўқувчига мактаб биноси етмаслиги, шунингдек 300 га яқин рус болаларини ўқитиш учун" ёрдам бериш сўралади.

Туманда ўқувчи ёшлар сони ортиб бораётган эди. 1940 йилда, масалан, 11600 бола ўқиган бўлса, бу кўрсаткич эвакуация туфайли янада ортади [14].

Уруш йиллари ўқувчиларга дарсликлар етказиб бериш энг жиддий масалалардан бирига айланди. Ушбу жараёнга 1940 йили Ўзбекистонда эски ўзбек ёзувидан кирилл алифбосига ўтказилиши ҳам салбий таъсир кўрсатди. Янги алифбо асосида дарсликларни нашр эттириш анча қийинчиликларни келтириб чиқарди. Мактабда ўқитиладиган алгебра, тарих, кимё, физика каби фанлардан дарсликлар кучли танқис бўлди.

Қашқадарё вилоятида 1944-1945 ўқув йилида ўқувчиларнинг 40-60 %и дарсликлар ва ўқув қўлланмалар билан таъминланди[15]. Айниқса, ўзбек мактабларининг дарсликлар билан таъминланиши паст эди, бироқ дарслик ва қўлланмаларнинг етишмаслиги кўпинча партия ташкилотлари, халқ таълими органлари, туман ҳокимликлари ва партия қўмиталари томонидан мактабларни дарсликлар ва бошқа адабиётлар билан таъминлаш масалаларига етарлича эътибор берилмади. Масалан, 1943 йил 21 августдаги Ўзбекистон КП (б) ва ЎзССР ХКС қарорида қайд этилганидек, "Қашқадарё вилоятида халқ хўжалигини режалаштиришдаги хатоларни тузатиш ва уни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида вилоят, шаҳар ва туман раҳбарларининг масъулиятсизлиги сабабли омборларда мавжуд бўлган 43 минг дарслик ва 60 минг дафтардан фойдаланилмай келди [16].

Моддий таъминотдаги танқислик, хусусан, ўқув бинолари, дарсликлар, кадрлар етишмаслиги таълим соҳаси ишини янада қийинлаштирди. Кўпгина шаҳар мактабларида ўқувчилар 3 сменада ўқишга мажбур бўлди. Мактаб учун зарур жиҳозлар, дарсликлар, ўқув ашёлари, деразалар учун ойна, турли мебеллар ва ёқилғи етишмади. Техник ишчилар йўқлиги мактаб биноларини ўз вақтида таъмирлашда қийинчилик туғдирди. Ўсмирлар етим қолган оилаларнинг асосий боқувчиларига айланди. Минглаб ўғил-қизлар оилаларини боқиш учун ўқишни ташлаб ишлашга мажбур бўлди [17].

Ўзбекистон Компартияси Марказий қўмитаси ва Республика ҳукумати уруш йилларида умумхалқ таълимини таъминлашга қаратилган турли тадбирларни амалга оширди. Шу билан бирга, уруш даврида халқ таълимини ривожлантириш вазифаларини амалга оширишнинг аниқ қарорларини қабул қилиш лозим эди. Ўзбекистонда нафақат ходимлар, қишлоқ хўжалиги кенгашлари, колхозлар раҳбарлари, балки мактаб ходимлари учун партия масъулиятни ўз зиммаларига олмаган, ўқувчилар ўқишдан ажралди, уларни қишлоқ хўжалиги ишларига тез-тез сафарбар этилди. Маҳаллий миллатдаги қизларнинг ўқишига қаршиликлар бўлди. Масалан, Косон тумани Сарский қишлоқ кенгаши ва колхоз раиси Р. Файзиевнинг уч нафар фарзанди мактабга бормади [18]. Бироқ, умумий мактабга бўлган эҳтиёжни қондириш ва болаларни мактабларга қамраб олишни рағбатлантириш ўрнига, бошқа партия ходимлари фарзандларини мактабларга юбормади [19].

Ўқувчиларни мактабга қамраб олиш кўрсаткичини ошириш учун турли ташкилотлар, корхоналар раҳбарлари, колхозлар ва хўжаликлар биргаликда ҳаракат

қилишлари талаб этилди. Масалан, 1943 йил январда Қарши шаҳри халқ таълими бўлимининг ҳисоботларида мактаблар ҳақида сўз юритилиб, бир қатор жиддий камчиликларни қайд этилади. 1942 йил сентябрдан 1943 йил январга қадар, мактабларда давомат 83,2 % бўлган. Ўқувчилар қамровига бағишланган йиғилишлар тез-тез ўтказилиб турилди. Масалан, Мираки туман партия котиби Хонбулаков ва бошқа тарғибот бўлими ходимлари ўқитувчилар билан биргаликда мактаб ёшидаги болаларни ўқитиш ва уларни қамраб олиш бўйича йиғилиш ўтказди [20].

Уруш йилларида ҳам, айниқса 1943-1944 йиллари маҳаллий ҳокимият мактаблар фаолиятини яхшилаш масалалари билан фаол шуғулланди. Ушбу муаммони ҳал этишда мактаб педагогик жамоалари жамоат ташкилотлари ва ота-оналарга суянди. Юқори ташкилотлар томонидан халқ таълими бўлимлари фаолияти доимий назорат қилиб турилди. Масалан, 1943 йил ноябрь ойида ЎзССР Олий Кенгаши Ташкилий Қўмитаси ва Қашқадарё вилоят партия қўмитаси томонидан мактабларнинг фаолияти муҳокама қилинди. Уларнинг биргаликдаги қарорида туманлар, мактаб ёшидаги болаларни мактабга қатнов кўрсаткичини кўтариш бўйича кўрсатмалар берилди. Косон, Бешкент, Яккабоғ, Қарши туманлари мактаблари фаолияти ўрганилиб, уларда болаларнинг мактабларга қамраб олиниши бир оз яхшилиги қайд этилади. Аксинча Китоб, Шаҳрисабз, Мироки, Деҳқонобод туманлари бу борада аҳвол қониқарсизлиги қайд этилади. Мактаб ёшидаги болаларнинг фақат 87%, баъзан 25-30% мактабларга қамраб олинди [21]. Натижада Қашқадарё вилоятида таълим сифати 96,6% дан 88,6% гача қисқарди [22].

Кейинги йилларда ўқувчиларнинг мактабларга қамраб олиш кўрсаткичи бир оз яхшиланди. Масалан, Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз шаҳридаги мактабларда 1943/44 ўқув йилида давомат 1942/43 ўқув йилига нисбатан 16 % га ошди, мактаб ёшидаги болаларни ўқитиш билан қамраб олиш 96 % ни ташкил этди[23]. Қашқадарё вилоятида шунингдек, мактаб интернатлар ҳам ташкил этилиб борилди. 1943/44 ўқув йилида 33 та мактаб интернати очилиб, уларда 1142 нафар ўқувчи таълим олди [24].

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинуи, Ўзбекистонда уруш йиллари кадрлар масаласи энг долзарб муаммолардан бири бўлди. Уруш йиллари Ўзбекистонда қисқа муддатли курслар ташкил этилиб, уларда аёллар ва болаларни ўқитиш тадбирлари қўлланилди. Бу даврда олий таълим муассасалари ҳам жуда оғир шароитда ўз фаолиятини давом эттирди. Таълим муассасаларида талабалар ва ўқитувчилар сони кескин қисқарган эди. Олий ўқув юртларида кадрлар тайёрлашни кўпайтириш мақсадида талабаликка қабул қилиш тартиби ўзгартирилди.

**Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати**


1. Кадыров И.К. Очерки развития общеобразовательной школы Советского Узбекистана. – Т.: 1974. – С. 92.
2. Қашқадарё вилояти ҳокимлиги жорий архири, 1-фонд, 96а-рўйхат, 12-иш, 82-варақ.
3. Қашқадарё вилояти ҳокимлиги жорий архири, 1-фонд, 96а-рўйхат, 9-иш, 17 – 19-варақлар.
4. Ўз МА, Р-94-фонд, 7-рўйхат, 91-иш, 1-варақ.
5. Правда Востока, 1944 г. 29 сентябр.
6. Қашқадарё вилояти давлат архиви, 249-фонд, 1-рўйхат, 1-иш, 109-варақ
7. Кадыров И.К. Очерки развития общеобразовательной школы советского Узбекистана. – Т., 1974. – С. 94.
8. Қашқадарё вилояти ҳокимлиги архиви, 1-фонд, 1-рўйхат, 227-иш, 63-варақ.
9. Қашқадарё вилоят давлат архиви, 2-фонд, 1-рўйхат, 54-иш, 7-варақ.

10. Қашқадарё вилояти ҳокимлиги архиви, 1-фонд, 1-рўйхат, 141-иш, 1-варақ.
11. Қашқадарё вилоят давлат архиви, 1-фонд, 20-рўйхат, 163-иш, 131-варақ.
12. Қашқадарё вилоят давлат архиви, 249-фонд, 1-рўйхат, 1-иш, 123-варақ.
13. Қашқадарё вилояти ҳокимлиги архиви, 1-фонд, 96а-рўйхат, 12-иш, 26 – 27-варақлар.
14. Равшанов П. Пўлати тарихи. (Тадқиқнома). – Т.: “Yangi nashr”, 2019. – Б.186.
15. Қашқадарё вилоят давлат архиви, 1-фонд, 3-рўйхат, 498-иш, 3-варақ.
16. Ўз МА, 94-фонд, 5-рўйхат, 4033-иш, 121-варақ.
17. Сафарова З.С. Иккинчи жаҳон уруши йилларида ўзбекистон маданияти: ҳолати ва муаммолари.: Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссератцияси. – Самарқанд, 2019. – Б.13-28.
18. Қашқадарё вилоят давлат архиви, 249-фонд, 1-рўйхат, 1-иш, 23-варақ.
19. Қашқадарё вилоят давлат архиви, 1-фонд, 1-рўйхат, 112-иш, 275-варақ.
20. Қашқадарё вилояти ҳокимлиги архиви, 1-фонд, 96а-рўйхат, 12-иш, 19-варақ.
21. Қашқадарё вилоят давлат архиви, 1-фонд, 1-рўйхат, 241-иш, 40-варақ.
22. Қашқадарё вилояти ҳокимлиги архиви, 1-фонд, 1-рўйхат, 109-иш, 39-варақ.
23. Қашқадарё вилоят давлат архиви, 249-фонд, 1-рўйхат, 4-иш, 92-варақ
24. Ўз МА, 94-фонд, 5-рўйхат, 4033-иш, 113-варақ.
25. https://nrm.uz/contentf?doc=495971_o%E2%80%98zbekiston_respublikasi_prezidentining_04_04_2017_y_pq-2865-son_hotira_va_qadrlash_kuniga_tayergarlik_ko%E2%80%98rish_va_uni_o%E2%80%98tkazish_chora-tadbirlari_to%E2%80%98g%E2%80%98risidagi_qarori
26. https://nrm.uz/contentf?doc=612033_o%E2%80%98zbekiston_respublikasi_prezidentining_23_10_2019_y_pq-495son_ikkinchi_jahon_urushida_qozonilgan_g%E2%80%98alabaning_75_yilligini_munosib_nishonlash_to%E2%80%98g%E2%80%98risidagi_qarori


## МАНҒИТЛАР СУЛОЛАСИНИНГ ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИДА ОЛИБ БОРГАН БОШҚАРУВ СИЁСАТИ

***Б.Каримов – Қарши давлат университети ўқитувчиси***

Қашқадарё воҳаси Бухоро амирлигининг муҳим ижтимоий сиёсий, иқтисодий ва маданий марказларидан бири ҳисобланган. XIX — XX аср бошларида Бухоро амирлигига қарашли бўлган 27 бекликдан 6 таси — Қарши, Шаҳрисабз, Китоб, Яккабоғ, Ғузор ва Чироқчи бекликлари Қашқадарё воҳасида жойлашган эди. XIX асрда Бухоро амирлари тобора издан чиқиб бораётган маркази ҳокимиятни бошқаришда жиддий қийинчиликларга учраган. [1-42] Жумладан, XVIII асрдан бошлаб ажралишга интилиб келаётган Шаҳрисабз кенагаслари етакчи сиёсий кучга айланиб борган ва уларнинг атрофида Бухоро ҳамда Қарши манғитларига қарашли воҳада яшовчи бир қанча уруғлар бирлаша бошлаган. [2-133] Бухоро амирлар тарқоқликни бартараф этиш мақсадида кўпгина бекликларга жумладан, Шаҳрисабз ва Китоб беклигига қарши урушлар бориши натижасида ушбу ҳудудда жойлашган шаҳар ва қишлоқлар вайрон этилиб, аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий аҳволи оғирлашган.

Ҳокимият талашувлар натижасида бир-бирига ғаним бўлган уруғ бошлиқлари ўзларига қўшни бўлган туман ёҳуд шаҳар ва қишлоқларни атайин талон-тарож қилар, оқибатда аҳоли турмуши издан чиқар, қишлоқ хўжалиги, ҳунармандчилик, савдо-сотиқ, маданиятга катта путур етар эди. Абулфайзхон даврида Қашқадарёда

икки катта уруғ манғитлар ва кенагаслар бошлиқлари хон ҳузурида ўз мавқеларини ошириш нуқтаи назаридан келишар олмас эди.

Манғитлар воҳанинг қуйи қисмида Қарши ва унинг теварак-атрофида, кенагаслар эса Шаҳрисабз, Китоб туманларида жойлашган эди. Уруғ бошлиқлари хонликда катта имтиёзларни қўлга киритар эди.

Мавқе талашувлар халқни тобора безор қилиб, натижада улар ўзлари яшаб турган гўшалардан кетиб қолишга мажбур бўлар эди. XVIII асрнинг 20-йилларида Самарқанд бутунлай ҳувиллаб, шаҳар хароба ҳолатига келиб қолади. [3-516] Бундай ҳолатни Қашқа воҳасининг Қарши ва Шаҳрисабз сингари шаҳарларида ҳам кўриш мумкин эди.

Хонлик уруғ бошлиқлари ўртасидаги адоватни бости-бости қилиш ўрнига, бир томондан ён босар, шу билан бирга қарама-қаршиликни янада кучайтириб юборарди. Жумладан, Шаҳрисабз беги, кенагаслар бошлиғи Иброҳимбий Оталиқ манғитларга қарши курашда омади чопмаганига сабабчи билиб, Абулфайзхонга ошкора душманлик йўлига ўтади. У Самарқандга бориб, куёви Ражабхонни хон деб эълон қилади.[4-517] Бу вақтда Бухорода бўлган Пётр I нинг элчиси Флорио Беневенини айтишича, ғалаён кўтарганлар пойтахтни беш ойлаб қамалда тутиб турганлар. Гарчанд Ражабхон тез орада вафот этган бўлсада, Бухоро ён атрофидаги қишлоқларни талаш қарийиб етти йил давом этган.

XVIII ўрталарида хонликда манғитларнинг мавқе ўсиб борган ва жуда юқори бўлган. Айниқса, бу борада Қаршида оталиқ вазифасини бажарган Муҳаммад Ҳакимбийнинг ўғли Қўқон ва Хива хонлари ҳам ўз мақсадига эришиш йўлида эронликлар билан қўшилиб, фаол ҳаракат қилган.

Нодиршоҳ қўлида хизмат қилган Муҳаммад Раҳим бир оз хизматдан сўнг, Бухорога келиб, “амир-ул-умаро” мансабини эгаллайди.

1747 йилдан бошлаб, амалда ҳокимият манғитлар сулоласининг асосчиси Муҳаммад Раҳим қўлида эди. Муҳаммад Раҳим ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаш ва марказлаштириш мақсадида талайгина истилочилик юришларини амалга оширади. У Бухоро хонлиги ҳудудларини кенгайтириб, ўз мавқеини мустаҳкамлай бошлагач, унинг обрў-эътибори ҳам оша бошлайди.

1756 йилга келиб Бухуро тахтини йирик амалдорлар, руҳонийлар ва уруғ оқсоқолларининг розилиги билан Муҳаммад Раҳимхон хон унвони билан тахтга тўла ва расмий эгаликни эълон қилди [5-36-37]

Муҳаммад Раҳимхон Бухоро тахтига ўтирган даврдан бошлаб, Бухоро давлати амирлик деб юритила бошланди.

Муҳаммад Раҳимхон (1756 – 1758) тахтга ўтирган кундан бошлаб марказлашган давлат тизими тузиш сиёсатини олиб борди. Дастлаб, у барча вилоятлар ва шаҳарлар ҳокимлари, барча уруғ оқсоқолларини тўплаб, мамлакатдаги вазиятни тушунтириб берди ва барчага марказий давлат қонунларига тўла амал қилишини ҳамда кимдаким бўйсунмаса қаттиқ жазоланишини айтди. У Қашқа воҳасига бир неча юриш уюштириб, айрим мустақил қўрғонларига эга бўлган Шаҳрисабз, Китоб, Сангфуруш, Чироқчи бекликларини бўйсундиради. У Шаҳрисабзни қўлга киритиб, экинзорлар, боғлар, қудуқлар ва сугориш иншоотларини ишдан чиқарган [5-208]

Шаҳрисабз – Китоб воҳасида бўлиб турган тинимсиз урушлар бекликларнинг иқтисодий, хўжалиги, умуман воҳа ҳаётининг барча жабҳаларига ниҳоятда катта зарар етказган Қашқадарё воҳасининг энг йирик ҳунармандчилик ҳамда маданий маркази бўлган - Шаҳрисабз олиб борилган урушлар туфайли йўқолиб, заифлашиб борган. Шу сабабли амир ва бекларни ўзаро урушларидан чарчаган Бухоро, Самарқанд, Шаҳрисабз каби марказий шаҳарлар аҳолиси энди чекка ўлкалардан

бошпана излаб кетишга мажбур бўлишган. Қарши беклиги эса тинч шароитли шаҳарлардан бири бўлган ҳамда Шаҳрисабз исёнчи бекларига қарши курашда Бухоронинг асосий таянчи вазифасини ўтаган. Қарши шаҳри юксалиб, Қашқадарё воҳасини асосий марказга айланиши ва Шаҳрисабзнинг унга нисбатан иккинчи даражали бўлиб қолиши айнан XVIII-XIX асрларга тўғри келади.[5-208]

Шоҳмурод (сарой аҳли унга Бекжон деб мурожаат қилардилар) [6-83] отаси ҳукмронлиги даврида бир муддат Самарқанд шаҳри ҳокими эди. Баъзи маълумотларга қараганда, тахминан 1740 – 1742 йиллар орасида йилда дунёга келган. 1785 йили тахтга эга бўлди. Отаси даврида у Кармана ва кейинчалик Қарши вилоятининг ҳокими бўлган. Баъзи маълумотларга қараганда унга қушбеги унвони ҳам берилган эдики, бу энг олий давлат унвонлари сирасига кирар эди. Отаси вафотидан сўнг, амир Шоҳмурод чингизийлардан бўлган Абулғозийни тахтдан ҳайдаб, ўзи мутлақ ҳукмрон сифатида тахтга ўтиради.

Шоҳмурод марказлашган давлат тизимини янада мустаҳкамлаш ва уни қўлда сақлаб туриш соҳасида ҳам катта ишларни амалга оширди. Ўзининг ҳукмромлиги даврида унга итоат этмай қўйган Шаҳрисабзни бўйсундириш борасидаги ҳарбий юришларини амалга оширди ва уларни муваффақият билан якунлади.

Шоҳмурод Бухоро амирлиги тахтига ўтиргандан сўнг, у шаҳарлар тараққиёти ва ободончилигига, суғориш ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ишларига алоҳида эътибор берди. Хусусан, Қашқадарё воҳаси сарҳадидан йирик суғориш иншоотлари мажмуасини қайта тиклашга катта эътибор берди. Рус шарқшуноси В.В.Бартолд ҳам ўз асарида буни эътироф этиб “Шоҳмурод даврида Зарафшон, Амударё ва Қашқадарёдаги суғориш тармоқлари тикланган эди”[7-280] дейди.

Шунингдек Қарши шаҳрини тиклаш ишларига фақатгина амир Шоҳмурод даврида киришилди. Қарши шаҳри манғитлар сулоласининг ўзига таянч маъволаридан ҳисобланар эди. Амир Шоҳмурод ўлимидан бир оз олдинроқ ўғли ва валиаҳди Ҳайдарни Қарши беклигига ҳоким қилиб жўнатади.

Амир Шоҳмурод ҳижрий 1215 йил ражаб ойида (ноябрь-декабрь 1800 йил) вафот этди. Унинг ўрнига ўғли Амир Ҳайдар валиаҳд сифатида тахт тепасига келди. Амир Ҳайдарнинг онаси Абулфайзхоннинг қизидан туғилган эди. Отаси даврида Қаршининг ҳокими ўлган Амир Ҳайдар оқ кигизга ўтқизилиб, хон кўтарилди. Амир Ҳайдар хон унвонини эмас, балки “амир ал мўминин” унвонини олди. Хутба унинг номига ўқилган бўлса ҳам, тангалар ҳам унинг номидан, ҳам отаси ва бобоси (амир Дониёл) номидан зарб этилди. [8-62]

Амир Ҳайдар даврида Қарши шаҳрининг қўрғони, масжид ва мадрасалари, карвон саройлари, намозгоҳ масжиди таъмирланади, шаҳар ободонлаштирилади. Қарши беклигидаги кўпгина ижтимоий ўзгаришлар тўғрисида хориж элларидан ташриф буюрган ўша давр сайёҳлари ўз маълумотларида қайд қилиб ўтган.

Амир Ҳайдар (1800-1825) Қаршида ҳоким бўлиб турган вақтида Шаҳрисабз беклари билан бир неча марта тўқнашган ва шу сабабли уларнинг қанақа кучга эгалигини яхши билган. Шунинг учун у Бухоро амирлиги тахтига ўтиргач кенагасларга қарши асосий таянч манзили сифатида Қарши шаҳрига катта эътибор қаратган. [9-12]

Амир Ҳайдар ҳар томонлама Шаҳрисабз бекларига қарши кураш олиб боришига қарамай, бу даврда Шаҳрисабз нисбатан мустақиллигини сақлаб қолган. Бунга сабаб Бухоро амири мамлакатнинг турли қисмларида қўқонликлар, хитой қипчоқлари, хоразмликлар ва шаҳрисабликларга қарши урушлар олиб боришга мажбур бўлганлиги эди. Шунинг учун бўлса керак Амир Ҳайдар Шаҳрисабз кенегасларини ўз хатларида Бухоро ҳукмронларининг душмани деб айтади.[10-12]

Қўқон ва Хива хонлари билан Амир Ҳайдарнинг муносабатлари анча таранглашиб қолиши туфайли у ҳатто Туркия султони Маҳмуд II га ёрдам сўраб мурожаат қилиб унинг итоатига ўтишга тайёр эканини ҳам маълум қилди. Бу воқеалар Амир Ҳайдар ҳукмронлигининг охирги йиллари Бухоро учун нақадар оғир бўлганлигини кўришимиз мумкин.

Амир Ҳайдар вафотидан сўнг тахтга унинг учинчи ўғли Насрулло ўтирди. (1826-1860). Амир Насрулло ҳукмронлиги, энг аввало, Бухоро амирлигидан феодал тарқоқликка барҳам бериш учун олиб борилган кураш билан характерланади. Амир Насрулло тахтга чиққан даврда Шаҳрисабз анчагина кучли ва амирлик сиёсий ҳаётида яна катта аҳамиятга эга бекликка айланган. Ушбу даврга келиб, Шаҳрисабз беклари ўзларини мустақил деб эълон қилишган. [11-205]

Амир Насруллоҳ сиёсатидан норози бўлган кўплаб мулк эгалари Шаҳрисабзга қочиб паноҳ топдилар. У доимий равишда ўз мустақиллиги учун курашиб келган Китоб ва Яккабоғни ўз ичига олган Шаҳрисабз беклигини ҳам 1856 йилда юришнинг 32 мартасида забт этишга муваффақ бўлди. Лекин Бухоро ва Шаҳрисабз ўртасидаги курашлар кейинги амирлар даврида ҳам давом этган. [12-114]

Ушбу тартибсизликлар натижасида мамлакат, хусусан, Қашқадарё воҳасида ҳам ижтимоий-иқтисодий ҳаёт издан чиқиб, хўжалиги ночор ҳолга келиб қолган. Шунга қарамай, барча жабҳаларда қаёт давом этиб, XIX – XX аср бошларида ҳам асосий хўжалик турлари деҳқончилик, чорвачилик ва ҳунарманчиликдан олинган солиқлар давлат хазинасини тўлдириб турувчи даромад манбаи ҳисобланган.

Амир Музаффар (1860 – 1885) даврида нафақат ички зиддиятлар, балки Ўрта Осиё хонликлари ўртасида, қолаверса Россия империясининг Бухоро амирлиги ҳудудларига уюштирган кўп сонли ҳужумлари натижасида сиёсий, ижтимоий-иқтисодий аҳвол янада оғирлашди. 1868 йилдан бошлаб эса Бухоро амирлиги Россия империясининг мустамлакасига айлантирилади. Шундан кейин амирлик ҳудудларида саноат корхоналарининг қурилиши ва бу ерга завод-фабрика молларининг кўплаб кириб келиши натижасида анъанавий ҳунармандчилик соҳаларида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар сони ҳамда сифатининг пасайиб кетиши кузатилади. Ҳудди шундай вазият Амир Абдулаҳад (1885 – 1910) ва Амир Олимхон (1910 – 1920) даврларида ҳам давом этган бўлиб, Бухоро амирлиги ҳудудларида, хусусан, Қашқадарё воҳасида ҳам сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт танг аҳволда эди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, XVIII аср ўрталарида Бухоро хонлигида юзага келган мураккаб сиёсий вазиятлар оқибатида Қашқадарё воҳасида жойлашган ва амирликда кучли мавқега эга бўлган манғитлар сулоласи бошқарув тизгинини ўз қўлларига олади ҳамда Қашқа ҳудудидаги бекликларда ҳам ўз бошқарувини жорий этади. Мисол учун Манғитлар ҳукмронлиги даврида Қарши беклигининг амирликда мавқеи ошиб, сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан амирликда иккинчи шаҳар даражасига етади.

XVIII асрдан бошлаб XX аср бошларигача Бухоро амирлари ва Шахрисабз беклари ўртасида олиб борилган сиёсий курашларнинг кескинлашуви натижасида мамлакат, хусусан, Шахрисабз воҳаси ижтимоий-иқтисодий ҳаёти чуқур инқирозга учрайди. Бунинг натижасида бошқа барча соҳаларда бўлгани каби ҳунармандчилик маҳсулотлари сифатининг кескин пасайиб кетиши кузатилади. Ушбу инқироз нафақат сиёсий-иқгисодий соҳаларда, балки маданий ҳаётда ҳам акс этган.

XIX аср ўрталарига келибгина, манғитлар сулоласининг олиб борган турли соҳалардаги ислоҳотлари натижасида воҳадаги Қарши, Ғузор, Шаҳрисабз каби йирик шаҳарлар Бухоро амирлигининг асосий савдо марказларига айланди. Амирликда ҳунармандчиликнинг ривожланиши савдо муносабатларининг

кенгайишига бош сабаб бўлган. Ушбу ҳолат айниқса, ички савдо ривожланишига кенг йўл очди. Бу даврда Бухоронинг қўшни давлатлар – Қўқон ва Хива хонлиги, Афғонистон ҳамда Россия, Эрон, Ҳиндистон ва Хитой каби йирик давлатлар билан савдо алоқалари тез суръатлар билан ривожланиб борган.

**Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати**


1. Мир Мухаммед Амини Бухари. Убайдулла-наме // Перевод с таджикского с примечаниями А. А. Семенова. – Ташкент: АН УзССР, 1957.
2. Сухарева О. А. К истории городов Бухарского ханства. – Ташкент: АН УзССР 1958.
3. 3.Равшанов П. Қарши тарихи. – Т.: Янги аср авлоди, 2006.
4. Зимин Л. А. Нахшеб, Несеф, Карши. Их история и древности // Сб. в честь. В. В. Бартольда. – Ташкент, 1927.
5. Саъдуллаев А., Аминов Б., Мавлонов У., Норкулов Н. Ўзбекистон тарихи: Давлат ва жамият тараққиёти. – Т.: Академия, 2000, Яна қаранг: Ражабов Қ. Муҳаммад Раҳимхон // Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 6 жилд. – Б.191. Шу муаллиф. Муҳаммад Рахимхон – манғитлар сулоласи асосчиси // Бухоро мавжлари, 2005 йил 3-сон.
6. Бартольд В. В. К истории орошения Туркестана / Соч.Т. Ш. – М.: “Наука”, 1963.
7. Григорьев В. О некоторых собътиях, с. 62. прим. 16; Бурнашева Р. Монеты Бухарского ханства при мангитах (середина XVIII начало XX в.) // Эпиграфика Востока, 1967, №, Вельяминов-Зернов В. В. Монеты Бухарские и Хивинскис. // Записки императорского археологического общества. т. 8. – СПб., 1859.
8. Вяткин В. Л. Каршинской округ. (1800-1803) годов // Известия Средноазиатского отдела государствепного русского географического общества. т.18. 1928.
9. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. I кисм // Сагдуллаев А. ва бошқалар. – Тошкент: “Академия”, 2000.
10. Якубов Б. С. Чоризм истилоси даврида Ўрта Осиё бекликлари (Шахрисабз ва Китоб бекликлари сиёсий ҳаёти мисолида) // Концептуал-методологик муаммолар. – Тошкент, 1998.


## ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИДА ЖАМОАЛАШТИРИШ СИЁСАТИНИНГ БОРИШИ ВА АҲОЛИ ИЖТИМОИЙ ҲАЁТИГА ТАЪСИРИ

***О.Ё.Акмаматов – Қарши давлат университеи докторанти***

Ўтган асрнинг 20-йилларида ўзбек қишлоқлари ижтимоий-иктисодий аҳволида жиддий ўзгаришлар юз бериб, янги иқтисодий сиёсат (НЭП)га ўтилиши билан деҳқонлар бир оз эркин нафас олди. Озиқ-овқат развёрткасининг озиқ-овқат солиғи билан алмаштирилиши ва айрим бозор механизмларининг тикланиши деҳқонларга ортиқча маҳсулотини сотиш ва қисман даромад олиш имконини берди.

Ўзбекистонда бу масала тадқиқотчи олимлар томонидан атрофлича ўрганилган. Р.Аминова, О.Р.Назаров, Р.Шамсутдинов, П.Равшанов, Б.Расулов, М.Ф.Абдуллаевларнинг тадқиқотлари диққатга сазовордир[2]. Аммо Қашқадарё воҳасида амалга оширилган жамоалаштириш сиёсати ва унинг оқибатлари шу кунга қадар ўз ёчимини топмади. Бу ҳақида таниқли олим Поён Равшанов шундай ёзади; “Бутун Ўзбекистонда бўлгани каби Қашқадарёда қишлоқ ҳаётида ўзгаришлар бўлди. Қашқа воҳасида ўтказилган ер-сувислоҳоти тўғрисида ҳозирга қадар кишини қониқтирадиган бирор манбанинг йўқлиги, изланиш ва тадқиқотлар олиб борилмаганлиги, нафақат Қашқадарё эли, Ўзбекистон ва унинг халқи яқин ўтмишда муҳим аҳамиятга молик бу босқич – советча зўровонликнинг, миллий ўлкалар аҳолисини эзиш ва талашнинг, таҳқирлашнинг, моддий бойликларини ўзлаштиришнинг тарихини илмий жиҳатдан ойдинлаштириш катта илмий-амалий

қимматга эгадир"[3]. Шу боис тарихчилар томонидан ушбу мавзунинг ўрганилиши долзарб масалалардан бир ҳисобланади.

Қашқадарё воҳасида ер-сув ислоҳоти 1928 йилнинг 21 декабридан бошланди. Округ бўйича ер-сув ислоҳоти бошланиб, бойлар, руҳонийлар, собиқ амир амалдорлари, савдогарларнинг хўжаликларини тугатиш чора-тадбирлари олиб борилди. Қарийб бир йил давомида олиб борилган тайёргарлик ишлари ниҳоясига етказилиб, 1928 йил 21 декабрдан то 1929 йилнинг 21 февралига қадар давом этиши ва якунланиши режалаштирилган бу тадбирлар 1929 йилнинг январь ойи охирларидаёқ кутилганидан ортиқ натижа билан якунланди. 1929 йил 20 январда Қашқадарё округ фирқа қўмитасининг конференцияси ўтказилди. Унда асосан қишлоқ хўжалигидаги жамоалаштириш тадбирлари муҳокама этилди. Округ фирқа қўмитасининг маъсул котиби Йўлдош Ирисметов бу тадбирлар ҳақида шундай дейди: "Ер-сув ислоҳотини ўтказдик, батракларни ерли қилдик, бойлардан ва бизга ёт бўлган унсурлардан ерни тортиб олдик, энди бу ишларимизни мустаҳкмлашимиз, янгидан тузилган жамоа хўжаликларини қўллаб-қувватлашимиз керак"[4]. Бу каби тадбирлар Ўзбекистоннинг барча худудларида, хусусан Қашқадарё вилоятида ҳам амалга оширилди. 1928-1929 йилларда амалга оширилган ер-сув ислоҳоти натижасида вилоятдаги Мозорли, Сувлик, Тўқмор, Жомбўз, Чувиллоқ, Жарқудуқ, Мойлижар, Қораёнтоқ каби қишлоқлардаги Бухоро амирлигига қарашли ҳосилдор ерлардан 30 минг десятинаси мусодара қилиниб камбағал деҳқонларга бўлиб берилди[1].

Воҳада амалга оширилган бу тадбирлар жуда мураккаб шароитларда олиб борилди. Ўзбекистонда 1925, 1926, 1927 йилларда юз берган қурғоқчилик сабабли кам ҳосил олинди. Округда 72923 таноб суғориладиган экин майдонлари бўлган бўлса, 1927 йилда бу 87783 танобни, 1928 йилда эса бу 95630 танобга етди. Округда лалмикор ерлар 1926 йили 60644 таноб, 1927 йили 82612 таноб, 1928 йили 112316 танобга кўпайди[5].

Қашқадарё округида дастлабки колхозларнинг ташкил этилиши 1928 йилга тўғри келади. 1929 йили вилоятнинг Косон туманида 8 та, Яккабоғ туманида 13 та, Китоб туманида 15 та, Шаҳрисабз туманида 15 та янги колхоз ташкил этилди.

Ўзбекистонда 1928 йилда 675 колхоз тузилган бўлса, 1929 йилда уларнинг сони 1516 тага етиб, ўсиш суръатлари 124% ни ташкил этди. Қашқадарё округида 1928 йили 24 та колхоз рўйхатга олинган бўлса, 1929 йили улар сони 94 тага етказилди[6].

Ўз ўрнида қишлоқдаги бу сиёсий жараёнлар аҳоли ижтимоий-иқтисодий ҳаётига ҳам таъсир кўрсатди. Ҳокимият органлари, аграр ислоҳотларнинг дастлабки босқичида бўлганидек, қишлоқни ижтимоий қайта қуришнинг тарихий жиҳатдан синалган иқтисодий воситаларини, "Капиталистик мамлакатлар"да деҳқонлар масаласини ҳал қилишнинг муҳим тажрибасини инкор этдилар. Коммунистик метрополиянинг большевик раҳбарлари марксизмнинг хаёлий ақидаларига таянган ҳолда ижтимоий-иқтисодий муносабатларини қайта қуришнинг асосий қуроли сифатида зўровонликни танлади. Чунки янги иқтисодий сиёсат "ҳарбий коммунизм" даври учун хос бўлган усулларни бирмунча юмшатган бўлса-да, умумий стратегик йўл ўзгармасдан қолган эди[7].

Большевиклар раҳбариятининг мулоҳазаси бўйича ислоҳат ўзбек қишоқларининг социалистик ривожланиш йўлига қатъий тушиб олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиши, мафкура таъсирига олинган қишлоқ иқтисодиётининг таянч негизларини вужудга келтириши лозим эди.

1929-1930 хўжалик йилида халқ хўжалигининг деярли барча соҳаларида молиявий маблағларнинг етишмаслиги оқибатида аҳвол анча оғирлашди. Нон

бозоридаги танқислик ўз ўрнида нон нархининг тез кўтарилишига сабаб бўлди. Аҳолига гўшт ва мева-сабзавот маҳсулотларини етказиб беришда ҳам қийинчиликлар келиб чиқди. Саноат маҳсулотлари бозорида ҳам инқирозли ҳолатлар кузатилади. Халқ истеъмол молларининг ассортименти бир хил бўлиб, аҳолига керакли товарлар йўқ эди. Бу даврда озиқ-овқат ва саноат маҳсулотларининг нархи кўтарилган бўлса, тижорат [8] савдода нархларнинг тушиши кузатилади.

Оғир сиёсий вазият, иқтисодий инқироз туфайли қишлоқ хўжалиги ҳам таназзулга учраб, қурғоқчилик, қишлоқдаги сиёсий қарама-қаршиликлар экин майдонларини қайта ишлашга тўсқинлик қилди. Қолаверса, хонавайрон бўлган кўпчилик деҳқон хўжаликларида ерга қадаш учун уруғ, ишлаш учун чорва моллари йўқ эди. Бундай ҳолат вазиятни янада оғирлаштириб, солиқ сиёсатининг издан чиқишига олиб келди.

ВКП(б) МК Сиёсий бюросининг “Ёппасига жамоалаштириш районларида қулоқ хўжаликларини тугатиш тадбирлари тўғрисида”ги қарори ва ВКП(б) МКнинг Ўрта Осиё бюросининг 1930-йил 26-январдаги “Қулоқларни синф сифатида тугатиш билан боғлиқ тадбирлари тўғрисида”ги кўрсатмалари асосида Ўзбекистон КП МКнинг 1930-йил 17-февралда “Коллективлаштириш ва қулоқ хўжаликларини тугатиш тўғрисида” қарори қабул қилинди. Ҳукуматнинг бу каби тадбирлари ўз ўрнида солиқ тизими ишига ҳам жиддий таъсир кўрсатди. Масалан, 1928-йили “қулоқ” хўжаликларидан 306 рублдан солиқ олинган бўлса, бу 1931-йили 675 рублга кўтарилди. Оддий камбағал якка хўжаликлардан эса шу йилларга таалуқли равишда 20,9 рубль ва 16,47 рубль солиқ йиғилди. 1928 йил жами қишлоқ хўжалиги солиғининг 13,5 фоизи “қулоқ” хўжаликларига тўғри келган бўлса, 1931 йили бу 66 фоизга кўтарилди[9]. Қишлоқ хўжалиги солиқларини йиғишда аниқ рўйхат асосида иш олиб борилмади. Ўрта ҳол деҳқонлар ва уларнинг хўжаликлари тўғрисида аниқ рўйхатнинг мавжуд эмаслиги, хўжаликларнинг даромад ва солиқларини ҳисоб-китоб қиладиган, юқори ташкилотларга бу ҳақида ҳисоботлар тайёрлайдиган ходим штатининг йўқлиги шулар жумласидандир.

Мураккаб ижтимоий-иқтисодий ҳодиса бўлган 1925-1929 йиллар аграрислоҳоти ўз мазмуни ва пировард оқибатларига кўра зиддиятли тусда эди. Ислоҳот натижасида, бир томондан, ерсиз камбағал деҳқонларнинг бир қисми ерга эга бўлиб, ўзбек қишлоқларидаги ижтимоий аҳволни бир оз яхшилаган бўлса, иккинчи томондан, асрлар мобойнида ўзбек қишлоқларида шаклланган ижтимоий-психологик тартиб, миллий қадриятлар бузилишини бошлаб берди. Натижада ислоҳот ўзбек қишлоқларининг бутун ижтимоий-иқтисодий тузилишига ижобий таьсир кўрсатган бўлсада, салбий таъсири ҳам бўлганлигини қайд этиш керак[10].

Хуллас, Қашқадарё округида ҳам Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудлари қатори жамоалаштириш сиёсати олиб борилиб, кичик хўжаликлар ўрнига йирик жамоа хўжаликлари тузилди. Бу жараёнлар ўз ўрнида қишлоқ аҳолисининг ижтимоий ҳаётига жиддий таъсир кўрсатди.

**Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати**


1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони архиви, 58-фонд, 1-рўйхат, 788-иш, 141-варақ.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони архиви Қашқадарё вилояти филиали, 34-фонд, 1-рўйхат, 577-иш, 26-варақ.
3. Аминова Р. Осуществление коллективизация в Узбекистане. (1929-1932 гг.). – Т.: Фан, 1974;

4. Два года социалистического строительства а Узбекистане. Отчет правительства УзССР на IV съезд Советов Узбекистана, Самарканд, 1930. – С.10-15.
5. Жуманов А., Кўкдала бошоқлари. – Т.: Меҳнат, 1988. – Б.4.
6. Назаров О.Р. Проведение сплощной коллективизации сельского хозяйства в Узбекистане и ёе социально-экономические последствия (1929-1937 гг.) (на примере Ташкентской и Ферганской областей). Автореф. дисс... канд. ист. наук. – Т., 2001;
7. Равшанов П., Қизил салтанат исканжасида. Истибдод. 2-жилд. – Тошкент, 2011. – 288 б.
8. Расулов Б. Ўзбекистонда коллективлаштириш жараёнидаги сиёсий қатағонлар ва сургун қилинган деҳқонлар аҳволи (1929-1959 йиллар).– Тошкент, 2012. – 368 б.
9. Шамсутдинов Р. Қишлоқ фожеаси: жамоалаштириш, қулоқлаштириш, сургун. – Т.: Шарқ, 2003.
10. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. 2-жилд. – Тошкент, 2006. – 688 б.

## ЛАНГАР ОТА ЗИЁРАТГОҲИ: ТАРИХИ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН

***М.Аллаев – мустақил тадқиқотчи***

Юртимизда тарихий ёдгорликлар жуда кўп. Турли даврларда бунёд этилган, не-не суронли даврларнинг шоҳиди бўлган, ҳар бири мозийнинг бир парчаси сифатида сақланиб қолган мадраса, мақбара, масжид, хонақоҳ ва зиёратгоҳлар тарихимизнинг тилсиз тилсимидир. Қашқадарё вилоятида 927 та маданий мерос объекти мавжуд бўлиб, уларнинг 163 тасини меъморий иншоотлар, 683 тасини археологик ёдгорликлар, 61 тасини қадимий санъат асарлари, 20 тасини эса зиёратгоҳлар ташкил этади. Улардан бири Қамаши туманидаги Қизилтепа қишлоғидан 25-30 километр олисликда, Ҳисор тоғ тизмалари оралиғидаги Лангар қишлоғида жойлашган Лангар ота зиёратгоҳидир.

Аввало, “Лангар” атамаси қандай маъно ифода этишини аниқлаштириб олсак. Лангар сўзи турли вариантларда юнон, лотин, роман-герман, болтиқ, славян, эроний, айрим ҳинд, фин, араб ва бир қанча туркий тилларда мавжуд. А.З.Розенфельд тарихий луғатлар асосида унинг қадимий маъноларини аниқланган: ибодатхона; карвонсарой; ғариб-ғураболарга овқат бериладиган маскан; ғарибхона; хонақоҳ; қабр; гўрхона; йўлдаги бекат; ёмхона; тўхташ жойи; дорбозчўп; кеманинг чангакли темири.

Энг қадимий маъноси ибодатхона, тўхташ жойи. Уйғур тилида баъзи маънолари сақланиб қолган: лангар – катта йўл ёқасидаги бандаргоҳ, ёмхона; карвонсарой. X-XIX асрларда тожик тилида лангар сўзининг мусофирлар тўхтайдиган жой; мусофирхона; хонақоҳ маънолари бўлган. ибодатхона маъноси бирон тилда сақланмаган, фақат жой номлари сифатида қолган [5:155-156].

Манзилгоҳларнинг бу ном билан аталиши эса асосан муҳим карвон йўлларининг одамлар нисбатан кўпроқ тўхтаб ўтадиган, қисман яшайдиган баландликдаги жойлари билан боғлиқ.

Одатда, машҳур шайхлар, сўфийлар қўним топган жойлар лангар дейилган. Шайхлар лангарларида оддий фуқарога, эҳтимол, вақф мулкларидан келадиган даромадлар ҳисобидан озиқ-овқат тарқатилган бўлса керак [3:710].

Тарихдан маълумки, Амир Темур Шаҳрисабзни буюк давлатнинг юрагига айлантириш мақсадида минглаб хоналари бўлган “Саодат уйи”ни қуришни бошлайди. Унда илм-фан тараққиёти билан бир қаторда ислом ғояларини инсон руҳиятига сингдиришнинг турли усулларини тарғиб этиш кўзда тутилган эди.

Жумладан, Оллоҳга муҳаббатни куй-қўшиқлар орқали етказиш учун дунёнинг турли мамлакатларидан созандалар, ижрочилар таклиф этилганди. Соҳибқирон вафотидан сўнг парчаланиб кетган мамлакатнинг "Саодат уйи"да вояга етаётган “Ишқия” тариқати тарғиботчилари тоғлар орасидаги Лангар қишлоғида жон сақлаган бўлса ажаб эмас. Чунки Лангарда ҳоки қўйилган Шайх Абул Ҳасан “Ишқия” тариқати тарғиботчиси эди.

Абул Ҳасан Ишқий дафн этилган дахманинг устида шайх Муҳаммад Содиқ томонидан ушбу мақбара қурилган ва дахма шу тариқа мақбара ичида, чуқурроқда қолиб кетган.

Мақбаранинг бунёд этилиши шайх Абул Ҳасан Ишқийнинг ўғли шайх Муҳаммад Содиқ номи билан боғланади. Шайх Муҳаммад Содиқ шайбонийлар даврида катта мавқега эга бўлган, ҳатто, Наврўз Аҳмад ҳам унинг раъйига қарши бормаган. Маълумотларга қараганда, шайх бу даврда Шаҳрисабзда қозилик қилган. Ҳокимиятнинг Абдуллахон II қўлига ўтиши билан рақиблари билан яхши муносабатда бўлган шайхни ўз мансабидан озод қилган. Тахминан ҳижрий 950 йил (милодий 1562-63)да Лангарга келган ва авлодлари бошлаб қўйган хонақоҳ қурилишини давом эттирган [3:710-711].

Лангар ота мақбараси ичига дафн этилган шайхлар қабрлари бош томонига тик ўрнатилган мармар тошдаги битиклар биз учун катта манба. Биринчи қабр шайх Абул Ҳасан ибн шайх Илёс ибни шайх Муҳаммад ибн шайх Худойқулники бўлиб, вафот этган даври ҳижрий 897 йил, иккинчи қабр эса Шайх Муҳаммад Содиқ ибни шайх Абул Ҳасан ибни шайх Илёсники бўлиб, вафоти 952 йилда, учинчи қабр эса Абул Ҳусайн ибн шайх Муҳаммад Содиқ Абул Ҳасан ибн шайх Илёс ибн шайх Муҳаммад ибн шайх Худайқулга тегишли бўлиб, вафоти ҳижрий 967 йил санасида қайд этилган. Шайхлар шарафига тик ҳолда қўйилган бениҳоя санъаткорона ишланган 2 метр баландликдаги қабртошлар бу масканда ётган азизларнинг нақадар нуфузи баланд эканини кўрсатади [1:67].

Академик А.Сагдуллаев таҳрири остида нашр этилган “Қадимий Кеш - Шаҳрисабз тарихидан лавҳалар” китобида таниқли қадимшунос олим М.Е.Массоннинг Эски Лангар қабр тошлари ҳақидаги тадқиқоти ҳам ўрин олган. У қабристондаги эпитафияларнинг XV-XVI асрдан то XX асрга қадар бўлган даврга мансублигини қайд этган. Қабртошларининг айримларида битиклар ўчирилиб, қайта китобат этилгани М.Е.Массоннинг назаридан четда қолмаган [4:122].

Мақбара тепасида 4 та доира шаклидаги туғ бўлиб, маҳаллий аҳолининг айтишича, худди шундай туғ Туркияда Жалолиддин Румий мақбараси тепасида ҳам мавжуд. Бу доиралар ислом динидаги шариат, маърифат, тариқат ва ҳақиқат аҳкомларига тўғри келади. Шайх ҳазратлари барча соҳанинг билимдони булганлиги учун 4 та доира ўрнатилган деган фикр мавжуд.

Мақбара қурилишида қўнғирот уруғининг беклари фаоллик кўрсатишган. Унга кўра қўнғирот уруғининг обоқли шаҳобчаси вакиллари нон ва ун, бармоқ шаҳобчаси молларини беришган, ўтроқи уруғи эса қурилишга тош келтиришган [1:70-75].

Мақбаранинг шимолий томонида чамаси 400-500 метр масофадаги алоҳида баландликда яна бир тарихий иншоот сақланиб қолган. Масжид эканлиги айтиладиган ушбу обида ҳамда мақбаранинг сатҳи ва баландлиги бир-бирига мос тушиши ўша давр меъморлигининг юксаклигидан дарак беради. Вақт ўтиши билан

қишлоқ аҳолиси кўпайиши натижасида эски масжиднинг жануб томонида беш устунли қўшимча иншоот бунёд этилган.

Масжид 2 та хонақоҳ, 1 айвон, 4 меҳроб, 19 та устун ва 7 эшикдан иборат. 2 та хонақоҳи катта масжид ва кичкина масжид деб номланади. Аввал кичкина масжид қурилган, намозхонлар кўпайганлиги сабабли кейинчалик катта масжид ва айвони қурилган. Катта масжид ички девори тепа қисмига “Фатҳ” сураси 1-11 оятлари ёзилган ҳамда турли-туман нақш-безаклар билан безатилган. Масжид катта хонақоҳининг устуни тепасида ҳижрий 1362 йил (милодий 1905 йил)да уста Муҳаммадиёр томонидан таъмирлангани ёзилган. Масжид баландлиги 11 метр, бўйи ва эни 32 метрдан. Масжид шифтига вассажуфт тахланган. Унинг меҳроб қисми нозик дид ва юксак маҳорат билан безатилган. Меҳроб атрофи сулс усулида ёзилган арабий имло билан тўлдирилган.

Шунингдек, мовий фонга оқ рангли ёзувлар битилган ранг-баранг кошинлардан яратилган ажойиб мозаика киши диққатини ўзига жалб қилади. Одатда бундай ҳашаматли меҳробни йирик шаҳарлардаги масжидлардагина кўриш мумкин. Қолаверса, масжид деворларидаги юлдузсимон нақшларга олтин суви юритилган. Қишлоқ қарияларининг айтишича, юлдузсимон нақшлар ўртасида бир пайтлар қимматбаҳо тошлар бўлиб, кейинчалик улар ўғирлаб кетилган.

1889 йили Бухоро амирлигининг шарқий ҳудудларида ҳарбий ҳаракатлар олиб борган полковник Бельявский Лангар қишлоғида қад ростлаган тарихий обидалар ҳақида ўз хотираларини ёзиб қолдирган. Бу ердаги зиёратгоҳ ва меъморий ёдгорликлар хусусида рус ҳарбий муҳандиси Б.Кастальский биринчи марта илмий тарзда баҳо берган эди. У Термиз шаҳридан қайтаётган пайтда Лангар қишлоғига кириб ўтган ва бу ердаги обидалар билан танишиб, уларни суратга ҳам олган.

Мазкур фотосуратлар 1888 йили Тошкент шаҳрида ўтказилган биринчи Туркистон фотокўргазмасида намойиш этилган ва томошабинлар эътиборини қозонган. Шундан сўнг бу ерга келган рассом Б.Литвинов Лангар қишлоғида жойлашган тарихий обидалар, қадимий ёдгорликлар билан танишади, таассуротларини жамлаб, мақола ёзган ва уни 1910 йилда “Туркестанское ведомости” газетасида чоп эттирган. Бундан ташқари XX аср 30-йилларида қадимшунос С.К.Кабанов, 60-йилларида М.Е.Массон бу ерда бир неча кун бўлиб, тарихий ёдгорликларни ўрганиб чиққан, улардаги ёзувларни ўқиган ва Лангар шайхларининг ҳаётига оид кўплаб маълумотлар тўплаган.

Лангар ота зиёратгоҳи яна шуниси билан қадрлики, бу ерда Қуръони каримнинг асл Усмон нусхаси, табаррук тўн – “Ҳирқайи муборак” ва Пайғамбаримиз (с.а.в)нинг кулоҳлари авлоддан-авлодларга ўтиб келган. Ушбу муқаддас китоб 50х32 см. андозада жайрон терисига битилган бўлиб, 225 варақдан иборат бўлган [2:129].

Унинг ҳозирда ўн уч варағи сақланиб қолган, холос. Ушбу китоб устида тадқиқот олиб борган Санкт-Петербург шаҳридаги Россия ФА Шарқшунослик институти профессори Е.Ризвоннинг аниқлашича, Лангар масжидидаги ушбу Қуръоннинг бошқа варақлари турли сабабларга кўра хорижий мамлакатларга олиб кетилган. Олим катта машаққатлар билан Лангар Қуръонининг етишмайдиган варақларини турли мамлакатлардан топишга эришган ва уларнинг фотонусхаларини олган, сўнг яхлит ҳолатга келтириб, қишлоқ масжидига совға қилган.

Лангар Қуръонининг юртимизга келиб қолиши тарихи ҳақида бир қанча тахминлар мавжуд:

1) ўрта асрларда Афғонистонга келган араблар маълум бир сабабларга кўра Ўрта Осиёга кўчишган ва ўзлари билан ушбу Қуръон нусхасини ҳам олиб келишган;

2) Амир Темур томонидан Сурияддан Қашқадарёнинг тоғлик ҳудудига кўчириб келтирилган араблар ҳам ўзлари билан ушбу Қуръонни келтиришган.

2004 йилда моҳир хаттот Ҳабибуллоҳ Солиҳ томонидан Катта Лангар Қуръонининг 12 саҳифаси қайта кўчирилиб ёзилган ва ҳозирда ўша қўлёзма нусхаси Ўзбекистон Халқаро Ислом академиясининг манбалар хазинасида сақланмоқда (https//muslim.uz//Лангар Қуръони ҳақида қизиқарли ва ноёб маълумотлар)

Муҳтарам президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йил 24 майда “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қароридан кейин юртимизда бу борада бир қанча амалий ишлар амалга оширилди. (“Халқ сўзи” газетаси, 2018 йил 25 май)

2018 йил 10 декабрда бўлиб ўтган медиа-форумда “Ўзбекистон маданий мероси дунё тўпламларида” лойиҳаси доирасида Европа технологиялари асосида Катта Лангар Қуръонининг фиксимиле нусхалари намойиш этилди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда мазкур ноёб қўлёзманинг жами 16 саҳифаси мавжуд бўлиб, шундан биттаси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида, биттаси Ўзбекистон Мусулмонлар идорасида, иккитаси Бухоро вилоят кутубхонасида, 12 варағи эса Лангар қишлоғида сақланмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг Қашқадарё вилоятининг туризм салоҳиятини ривожлантириш бўйича қабул қилган қарори асосида Лангар ота зиёратгоҳида ҳам кенг қуламли ишлар амалга оширилмоқда. Ушбу маскан қайта чирой очиб, гўзаллигию латофати билан вилоятимиз аҳлини ва зиёратчиларини ўзига мафтун этиб келмоқда.

Кўрниб турибдики, юзлаб авлиё ва улуғ зотлар қўним топган бу муқаддас қадамжода улкан тарих жо бўлган. Халқимизнинг ана шу миллий ва маънавий бойликларини излаб топиш, хозирги кундаги долзарб вазифалардан биридир.

Хулоса қилиб айтганда, юртимиздаги машҳур зиёратгоҳлардан бири Лангар ота тарихи ҳанузгача тўлиқ ўрганилмаган. Маҳаллий аҳоли ўртасидаги ривоятлар ҳамда мавжуд тарихий манбалар зиёратгоҳ тарихини тўлиқ очиб бермайди, албатта. Ушбу табаррук зиёратгоҳ тарихи тўлиқ ёритиш халқимиз маънавиятининг янада бойитилишига хизмат қилиши шак-шубҳасиздир.

**Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати**


1. Абдужаббор ҳожи Соатов. Лангар ота табаррук манзилгоҳ ёхуд идрок шамчироғи. – Т.: “Fan va texnologiya”, 2010. 136 б.
2. Боймиров Т, Бойқобилов Ў. Қамаши ва қамашиликлар. – Т.: “Fan va texnologiya”, 2016. 287 б.
3. Равшанов П. Қашқадарё тарихи. – Т.: “Фан”, 1995. 784 б.
4. Қадимги Кеш – Шаҳрисабз тарихидан лавҳалар. – Т.: “Шарқ”, 1998. 208.б
5. Нафасов Т. Қашқадарё қишлоқномаси. – Т.: “Муҳаррир”, 2009. 420 б.


## ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ТАРИХИГА БИР НАЗАР

***Д.А.Шодиева – Қарши давлат университети таянч докторанти***

Қарши шаҳрида дастлабки олий ўқув юрти илдизлари Иккинчи жаҳон урушидан сўнг пайдо бўлди. Ўзбекистон Олий Совети ташкилий қўмитаси ва Қашқадарё вилоят партия қўмитаси қўшма йиғилишининг 1945 йил 16 июндаги қарорига асосан шаҳарда Бухоро бирлашган давлат педагогика ва ўқитувчилар институтининг Қарши филиали ташкил этилди. 1950 йили ушбу филиал негизида

мустақил ўқитувчилар институти ташкил этилди [1:15]. Филиал ва мустақил ўқитувчилар институти икки йиллик бўлиб, уларда тўлиқсиз олий маълумотли ўқитувчилар тайёрланар эди. Филиалнинг биринчи директори Умар Давронов дастлабки йили ажратилган иккита штатга вилоят мактабларидан олий маълумотли, билимли ўқтувчиларни ишга таклиф этди.

Институт филиали учун 7 йиллик мактаб биносидан битта аудитория ажратилди. Кейинчалик мактаб бошқа жойга кўчирилгач, 8 та аудиторияга эга бино тўлиқ филиал ихтиёрига топширилди. Дастлабки йили тарих ва тил-адабиёти ихтисослиги бўйича битта аралаш гуруҳга 32 нафар талаба қабул қилинди. Уларнинг 11 нафари рус миллатига мансуб эди [2].

Институтда 1946 йили янги физика-математика ихтисослиги бўйича 13 нафар талаба қабул қилинди. Аралаш ҳолдаги тарих ва тил-адабиёти гуруҳи иккита мустақил ихтисосликка ажратилди; ўзбек тили ва адабиёти, рус тили ва адабиёти (рус гуруҳи). 1946 йили тарих ихтисослиги бўйича 21 нафар талаба қабул қилинган.

1948-1949 ўқув йилига қабул тўғрисида чоп этилган эълонда шундай ёзилган: “Ўқитувчилар институтида қуйидаги бўлимлар бор: 1. Ўзбек тили ва адабиёти бўлими. 2 Рус тили ва адабиёти бўлими. 3. Тарих. 4. Физика-математика. Ўқитувчилар институтига тўлиқ ўрта маълумотга эга, 17 ёшдан 35 ёшгача бўлганлар қабул қилинади. Институтда ўқиш икки тилда – ўзбек ва рус тилларида олиб борилади. Ўқиш муддати 2 йил. Кириш имтиҳонларидан ўтиб, қабул қилинган студентлар 220 сўм стипендия, ошхона, ётоқ ва пастеллар билан таъмин этиладилар”[3].

Филиал фаолиятининг дастлабки йилларида кафедралар норасмий бўлиб, дарс тақсимоти, йиллик режалар, ҳисоботлар Бухоро бирлашган педагогика ва ўқитувчилар институти кафкедралари томонидан амалга оширилар эди. Бу даврда Умар Давронов, П.Я.Межинский (1945 йил), Таслия Ядиханогва, Муҳаммад Иоҳирзода, Н.Раҳмонов (1946 йил), Самад Расулов (1949 йил) сингари ўқитувчилар фаолият кўрсатишди. 1948 йил 1 январдан филиалда П.Я.Межинский, Т.С.Золоева, Т.Ядиханова, М.Тоҳирзода, Н.Муртазина, Г.И.Жучкина, Н.Борухов, У.Давронов, Р.Каюмомв сингари ўқитувчилар (жами 14 киши) фаолият кўрсатди [4].

Филиалда мутахассислар танқислиги катта қийинчиликлар туғдирарди. Бухоро давлат педагогика институти директори Джураевга 1949 йил 10 августда филиал директори Т.Тожиев имзоси билан юборилган хатда шундай дейилади: “Бизда мутахассислар етишмайди: СССР тарихи (ўзбек бўлимларида), рус тили (ўзбек бўлимларида), элементар математика...”. Филиал ўқитувчилар жамоаси ўқув ишлари билан бир қаторда тарбиявий ва оммовий спорт ишларини ҳам олиб боришди. Масалан, Е.П.Янцена раҳбарлигида талабаларнинг биринчи бадиий ҳаваскорлик тўгараги фаолият кўрсатди. Гуруҳлар ўртасида турли спорт мусобақалари ташкил этилди [1:17].

Университет тарихи музейи (52-стенд) маълумотларига кўра, 1950 йилгача бу ҳудудда Кўчабоғ, Беклар, Оқмачит қишлоғи қўрғонлари, ярим харJба иморатлари, дўнгликлари, боғ ва чакалакзорлари бўлган. Хусусан, 1972 йили қурилган тўрт қаватли бош бино ўрнида Қарши шаҳрин7инг ўзига хос архитектура ёдгарликларидан бири, ҳовуз, бир нечта ҳужара ва минорадан иборат бўлган Хонақоҳ масжиди бор эди. 1945 йилларда масжид биноси ошхонага айналтирилган. Сўнг бузилиб, ғиштларидан бошқа мақсадларда фойдаланилган [2:18].

Республика Министрлар Советининг 1949 йил 27 сентябридаги “СССР Министрлар Советининг 1949 йил 28 августдаги 3565-сонли “Ўзбекистон ССР олий ва ўрта махсус таълимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари иўғрисида”ги қарори ижроси тўғоисида”ги 1966-сонли қарорига асосан 1949-1950 ўқув йилидан

Бухоро давлат бирлашган педагогика ва ўқитувчилар институти Қарши филиали мустақил ўқитувчилар институтига айлантирилди. Мазкур қарорда вилоят ижроия қўмитасига мазкур институт ётоқхонаси учун 100 кишилик жой ажратиш вазифаси юклатилган. Мазкур қарорнинг 1-идовасида республикадаги 12 та ўқитувчилар институтига 1950 йили талабалар қабул контингенти жами 2400 кишўи этиб белгиланган [5].

1949 йил 16 декабрда Республика маориф министрлигининг “1950 йил 1 январдан Бухоро бирлашган педагогика ва ўқитувчилар институти Қарши филиалини Қарши шаҳридаги мустақил ўқитувчилар институти сифатида қайта ташкил этиш тўғрисида”ги 1150-сонли буйруғи чиқарилди. Ташкилий ишларнинг нечоғлик қийин бўлгани қарорлар ижросининг янги йилгача кечиктириб юборилганидан ҳам кўриниб турибди [6]. Ўқитувчилар институти ҳам филиал каби икки йиллик бўлиб, тўлиқсиз олий маълумотли кадрлар тайёрланарди. Институт жамоаси олдига қўйилган вазифа вилоят мактабларини ўқитувчи кадрлар билан таъминлашдан иборат эди.

Институтни юқори малакали кадрлар билан таъминлаш мақсадида пойтахтдан айрим фан номзодлари ишга таклиф этилди. Таслия Ядиханова Ленинградга (ҳозирги Санкт-Петербург) аспирантурага юборилди ва 1955 йили ўзбек тили бўйича номзодлик диссертациясини ҳимоя қилиб қайтди. Таъкидлаш жоизки, бу олима институт тарихидаги биринчи фан номзоди ҳисобланади [1:20].

Талабалар сони 200 нафардан кам бўлгани туфайли факультетлар ташкил қилинмаган эди. Бу даврда тегишли ихтисосликлар бўйича бўлимлар фаолият олиб борди. Ихтисосликлар бўйича ўқитувчилар сони ошгани сабабли 1950 йилдан мустақил кафедралар шакллантирилди.

Республика Министрлар Советининг 1956 йил 18 июлдаги қарори билан мустақил Қарши ўқитувчилар институти негизида Қарши давлат педагогика институти осилди. 1956 йил август ойидан мазкур институтга талабалар қабул қилина бошланди. Институтда ўқиш муддати беш йил бўлиб, бу ерда вилоят мактаблари учун олий маълумотли кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Қарши давлат педагогика институтида 1956 йили Шоди Бозоров, Чўли Қўзиев, Геннадий Канюк, Абдумўмин Қаҳҳаров, Қодир Мирзаев, Александр Суменков, Барот Музаффаров, Аъзам Шерматов, Галина Шеглова, Таслия Ядизанова, Митсей Эткин, Аъло Ашрапова, Турсун Содиққов сингари (жами 32 нафар) ўқитувчилар фаолият кўрсатди [1:24].

“1956 йили Қарши давлат педагогика институтида илмий тадқиқот ишлари ҳақида ҳисобот”да қайд этилишича, институтда 1955 йилгача бир нафар фан номзоди бўлса, 1956 йили уларнинг сони 6 нафарга етди. Институт илмий ходимлари Қашқадарё вилояти иқтисодиёти ва маданиятини ривожлантириш муаммолари билан боғлиқ илмий тадқиқот ишларини олиб бордилар. Талабалар сони эса 362 нафарни ташкил этди [7]. Дастлабки йилларда институтни Азим Самадов бошқарди. 1958 йили Қурбон Ўлжабоев ректор этиб тайинланди.

60-йиллар атрофида ўқитувчилар тайёрлаш институти ва Қарши давлат педагогика институтида А.Қаҳҳаров, Боқи Содиқов, Т.ўринов, Амир Ҳазраткулов, С.Узоқов, Ш.Бозоров, Саттор Турдиев, Ҳабибулла Худойқулов, Наби Ҳамроев, М.Янгибоев. Турсун Бозоров, Ф.Фурсов, Рауп Шукуров, Жўра Қултоев, Нурқул Мирзаев, Эргаш Шодмонов (тарихчи), Исмат Раҳматуллаев, Орзимурод Эсиргалиев, Эргаш Эргаш Шодмонов (филолог), Эшонкул Тоштемиров, Х.Рўзиев, Ойимгул Давидова, Камол Очилов, Эшмурод Тоиров, Анвар Аминов, Т.Рашидова, Номоз Бозоров, Файзулла Эшимов, Чўлпоной Султонова сингари ўқитувчилар фаолият олиб боришган [1:26].

1960 йили Қашыадарё вилоятининг Сурхондарёга қўшиб юборилиши оқибатида институтни тугатиш масаласи кун тартибига чиқди. Аммо, Термиз чегара ҳудудида жойлашганлиги, шаҳарга кириш-чиқишдаги муаммолар, Қаршида яратилган база ҳисобига олиниб Термиз давлат педагогика институти Қаршига кўчирилди ва иккала институт бирлаштирилди. Термиздан келган олимлар, ўқитувчилар бир неча йил институт салоҳиятини кўтаришга катта ҳисса қўшдилар. 1966 йили вилоятлар алоҳида тарзда ташкил этилгач, Термиздаги институт фаолияти қайтадан йўлга қўйилди [1:28].

1974 йили 1200 ўринга мўлжалланган, узоқ йиллар институт, кейинчалик университетнинг бош биноси сифатида фойдаланилган тўрт қавали ўқув биноси фойдаланишга топширилди. Аудиториялар танқислигига қисман барҳам берилди. Ўқув хоналари, лабораториялар жиҳозланди. Бош бинонинг биринчи қавати рус филологияси, қолган қаватлари физика-математика факультетлари учун ажратилди. Астрономия курси бўйича ўқув жараёнида кўршазмалиликни таъминоаш мақсадида планетарий барпо этилди. Ўқув жараёнида техника воситаларининг янги авлодидан фойдаланишга эътибор кучайтирилди. 1972-1973 ўқув йилида физика-математика факультети негизида биринчи техника воситалари хонаси ташкил қилинди. Ижтимоий йўналишдаги кафедралар хузурида лекторлар ва халқаро шарҳловчилар университети, ижтимоий мутахассислик факультети иш бошлади [2].

1979 йили Қарши давлат педагогика институти барча соҳадаги кўрсаткичлари бўйича республика олий ўқув юртлари орасида биринчи ўринни эгаллади. Илмий салоҳият йил сайин яхшиланиб борди. Абдусалом Мавлонов, обод Жўрақулов, Анвар Чориев, Шониёз Қурбоновқ, Малла Очилов, Самадулла Мустафаев, Очил Эргашев сингари бир қатор олимлар докторлик ишларини ҳимоя қилдилар [1:28].

Ислом Каримов Қашқадарёддда бош раҳбар бўлиб ишлаган кезларида унинг Қарши шаҳар аҳолиси, ишчи-хизматчилар, олимлар, журналистлар ва зиёлилар билан учрашиши , фикр алмашиши анъанага айланиб қолган эди. Масалан, 1987 йилнинг ўзида Қарши давлат педагогика институтида вилоят раҳбари билан икки марта учрашув ўтказилди [8:173-174].

1991 йили Ўзбекисто Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан барча соҳаларда кенг қўламли ислоҳатлар жараёни бошланди. Хусусан, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари тармоғини кенгайтириш, таълим тизимини ислоҳ этиш, тизимда сифат ва самарадорликни ошириш, илм-фан ттараққиётини замонавий талаблар даражасига кўтариш борасида улкан ўзгаришлар қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 28 февралдаги ПФ-356-сонли “Республиканинг янги олий ўқув юртларини ташкил қилиш тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ мустақил мамлакатимизнинг бар қатор олий ўқув юртлари қаторида Ҳамид Олимжон номидаги Қарши давлат педагогика институтига ҳам университет мақоми берилди. Воҳамиз аҳли, айниқса, зтёлиларнинг кўп йиллик орзу-ниятлари ифодаси бўлган бу тарихий ҳужжат илм масканининг янги тарихини бошлаб берди. Таъкидлаш жоизки, Қарши давлат университети истиқлолининг илк меваларидан биридир.

Мамлактимиз истиқлол йилларидаги тараққиётида, илм-фан, ишлаб чиқариш соҳаларини малакали кадрлар билан таъминлашда, илмий инфратьузимни ривожлантиришда, муставқил юртимиз равнақигав хизмат қиладиган янги кашфиётлар яратишди Қарши давлат университетининг ҳам ўрни бор. Кейинги чорак аср – мустақилликнинг шони 25 йилда бу борада илм дрогоҳида беқиёс имкониятлар, шарт-шароитлар яратилди.

1992 йили университетда кундкзги бўлимда 4435 нафар, сиртқи бўлимда 3110 нафар талаба таҳсил олган . Дастлабки йилларда кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш мақсадида талабалар қабули кескин қисқартирилди. Янги йўналишлар фаолияти йўлга қўйилди. Бутун мамлакатимизда бўлганидек, 1992 йилдан университетга талабаларни қабул қилиш тест синвлари асосида амалга оширила бошланди. Тест саволлари Давлат тест маркази томонидан тузилиб, синов куни қабул аомиссияларга етказиладиган, натижалар ҳам мазкур марказда замонавий технологиялар орқали текшириладиган бўлди. Бу хайрли тадбир қабул жараёнидаги нохолислик, адолатсизликларга барҳам берди [8] .

1993 йилдан турдош факультетлар бирлаштирилиб, марказлар ташкил этилди. Марказ бошлиқлари деканлар функциясини бажариб келишди. Аммо бошқарувда қийинчиликлар вужудга келгани туфайли 1996 йили улар яна факультетларга айлантирилди. Шу йилдан талабаларнинг билимини баҳолашнинг рейтинг тизими жорий этилди. 1993 йили университет билан биринчи маротаба доктарантура ва аспирантура фаолият бошлади. Университетнинг биринчи докторанти бўлиш бахти Лутфулло Ёзиевга насб қилди. Шунингдек, ўндан ортиқ иқтидорли талабалар аспирантурага қабул қилинди.

Мамлакатимизда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ижросига киришилиши билан университет фаолиятининг янги босқичи бошланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги ПҚ-1533-сонли қарори билан Қарши давлат университети учун 1500 ўринли, умумий қиймати салкам 20 миллиард сўмлик янги ўқув биноси, 300 ўрнли ахборот-ресурс маркази, ёпиқ спорт зали қуриб берилди. Бундан ташқари, 5 та талабалар тураржойи, 230 ўринли ва 1200 ўринли ўқув бинолари мукаммал таъмирланди. Қарши шаҳрини ривожлантириш дастури асосида “Университет хиёбони” бунёд этилди. Кейинги 3 йилда қурилиш ва таъмирлаш ишлари учун 40 миллиард сўмга яқин маблағ сарфланди.

2016 йили университетда малакали кадрлар тайёрлаш учун етарли даражада моддий-техник, ўқув-услубий ва илмий ресурслар жамланган. Университетда илмий салоҳият 38,3 фоизни ташкил этади, 532 нафар профессор-ўқитувчининг 19 нафари фан доктори, профессор, 174 нафари фан номзоди, доцент фаолият кўрсатди.

2019 йилда Қарши давлат университетида 8 та факультет кесимида 34 та кафедра фаолият кўрсатди. Бу кафедраларда 665 штат бирлиги мавжуд бўлиб, унда 678 нафар профессор-ўқитувчилар фаолият кўрсатди. Университетда жами 190 нафар илмий даражали профессор-ўқитувчилар фаолият кўрсатиб, шундан 24 нафари фан доктори профессорлар, 137 нафари фан номзоди ва доцентлар ва 29 нафари фалсафа доктори (PhD). Илмий салоҳият 30,6 % ни ташкил қилди [10].

Хуллас, Қарши давлат университети ўтган давр мобайнида республика олий ўқув юртлари орасида ўзининг салмоқли ўрнига эга бўлиб, асос таълим ва маданият ўчоқларидан бирига айланди.

**Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати**


1. Эгамов Н., Содиқов Т. Жануб жавоҳири. – Т.: “Akademnashr”, 2016. – 160 б.
2. Қарши давлат университети жорий архиви материаллари.
3. ҚВДА, 463-фонд, 1-рўйхат, 1-иш, 16-жилд материаллари.
4. ҚВДА, 463-фонд, 1-рўйхат, 1-йиғма жилд матераллари.
5. ҚВДА, 463-фонд, 1-рўйхат, 2-йиғмажилд, 185-190-варақлар.
6. ҚВДА, 463-фонд, 1-рўйхат, 2-иш, 198-варақ.
7. ҚВДА, 463-фонд, 2-рўйхат, 73-74-иш.

**8.** Ртвеладзе Э., Сулаймонов Р., Буряков Ю., Саъдуллааев А. ва б. Қарши – 2700. Китоб-альбом. – Тошкент: Маънавият, 2010. – Б. 173-174.

**9.** ҚВДА, 463-фонд, 1-рўйхат, 1005-иш, 44-47-варақлар.

**10.** Қарши давлат университети жорий архиви. Илмий ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш бўлимининг 2019 йил ҳисоботлари маълумотномаси папкаси

## Р.Ҳ.СУЛАЙМОНОВ ТАДҚИҚОТЛАРИДА ҚАРШИ ВОҲАСИ АРХЕОЛОГИЯСИ МУАММОЛАРИ

***А.Н.Махмудова – Фарғона политехника институти***

Қарши воҳаси тарихи ва археологияси муаммоларини ўрганиш масалалари Ўзбекистон археологияси тарихшунослигида ўзига ҳос аҳамият касб этади. Қадимий тарихий ўлка сифатида Қарши воҳаси антик ва ўрта аср ёзма манбаларида кўплаб қизиқарли маълумотлар учрайди [1].

Воҳани археологик жиҳатдан тадқиқ этилишида кўплаб археологларнинг хизматлари катта. Бу борада дастлабки илмий тадқиқотлар сифатида Л.А.Зиминнинг (1927) воҳа қадимий шаҳарлари ҳақидаги ёзма манбалар асосида ёритилган ўрта асрларнинг асосий шаҳар ҳаробалари тавсифи берилган.

Олиб борилган археологик тадқиқотлар натижаси ўлароқ Жанубий Сўғднинг шаҳар ва қадимий моддий-маънавий маданиятидан гувоҳлик берувчи кўплаб қадимий аҳоли пунктлари, шаҳар ҳаробалари ўрганилди. Бу шаҳарлардан энг йириклари Ўрта Осиё шаҳарсозлигида алоҳида ўрин тутган ва тарихий манбаларда “Умм ал-Билад” (шаҳарлар онаси) номи билан машҳур бўлган Ерқўрғон ёдгорлиги бир неча ўн йиллар давомида тадқиқотчиларни ўзига жалб қилиб келмоқда [2].

Қарши воҳаси археологиясининг илк тадқиқотчиларидан бири С.К.Кабанов ёдгорликларни бир неча типларга ажратиб берди. Унинг изланишлар туфайли 120 дан ортиқ қадимий ва ўрта аср шаҳарлари, қалъа, аҳоли пунктлари қолдиқлари қайд этилди ва тизимлаштирилди.

С. К. Кабановнинг тадқиқотлари асосан қидирув характерига эга бўлибгина қолмай воҳа тарихий топографияси муаммолари, ҳунармандчилик масалалари, аҳолининг маънавий ҳаётига доир масалаларни ёритиб беради. Этногенез, ирригация ва ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг айрим масалалари ҳам ёритилади [3].

Қарши воҳасининг яна бир тадқиқотчиси Кеш археологик топографик экспедицияси рахбари М.Е.Массон томонидан олиб борилган тадқиқотлари давомида Қарши ва Ғузорнинг археологик ёдгорликлари тадқиқ этилди [4].

Воҳани археологик жиҳатдан ўрганиш ишлари Р.Ҳ.Сулаймонов рахбарлигидаги Қашқадарё археологик экспедицияси тадқиқотларида янада ривожланади.

1973 йилда Қарши даштини ўзлаштирилиши ва суғориш ишлари билан боғлиқ ҳолда қадимий Сўғднинг Ерқўрғон ва Қалъаи Захоки Марон каби йирик шаҳарлари ҳаробаларини ҳар томонлама ўрганилди. Олим томонидан Қарши воҳасидаги Ерқўрғон шаҳри ва бошқа қадимий ёдгорликлар бўйича олиб борилган изланишлари қадимий Сўғдиёна археологиясининг кўплаб муаммоларини ўрганиш имконини берди.

Олим томонидан олиб борилган тадқиқот муаммолари доирасига Ерқўрғон, унинг тузилиши ва ривожланишини ҳар томонлама ўрганиш вазифаси қўйилган бўлиб, бу вазифалар доирасида асосий 2та жиҳатга эътибор қаратилган:

1. Қадимги Сўғд меъморчилиги ва шаҳарсозлик масалалари. Бунда асосан монументал жамоат, маъмурий диний бинолар типологияси, илк ва сўнгги антик даврларда шаҳарсозликнинг ўзига хос хусусиятлари, турар-жой мавзеълари, уй хўжалиги ва унинг тузилиши. Қадимги Сўғд шаҳрининг турар-жойлари шаклланишида ҳунармандчилик ишлаб чиқариши ва савдосининг ўрни.

2. Нахшабдаги қадимги сўғд шаҳарлари фортификацияси, уларнинг мудофаасидаги ўзига ҳос услублари, мудофаа иншоотларининг асосий элементлари ва уларнинг шаҳар тузилишадиги роли каби масалаларга эътибор қаратилди [5]

Қашқадарё экспедициясининг бутун фаолияти давомидаги асосий жиҳат Қашқадарёнинг ўрта оқимидаги барча археологик ёдгорликларни визуал ўрганишга қаратилган эди.

Ушбу тадқиқотларда тўпланган материаллари асосида олим томонидан қадимги Сўғд воҳасининг ижтимоий ва турар-жой тузилишини таҳлил қилиш масалалари ишлаб чиқилди.

Қадимги Сўғд урбанизациясининг асосий муаммоларини тадқиқ этишда олим- қадимги шаҳар генезиси, шаҳар тараққиёти босқичларини даврлаштириш каби масалаларига эътибор қаратган. Бу йўналишда қадимий Сўғднинг қишлоқ ва шаҳар ўртасидаги муносабатлари, воҳанинг топографияси масалалари фундаментал аҳамиятга эга бўлган [6].

Олимнинг кўп йиллик дала – тадқиқот ишлари давомида эришилган натижалар устида олиб борган ишланмалари икки асосий йўналишга бирлаштирилиб, биринчидан Ерқўрғон ва Нахшаб сополллари типологияси стратиграфик даврийлиги асосида ишлаб чиқилди. Ерқўрғон кулолчилик ишлаб чиқариши ва технологияси масалалари кўриб чиқилди.

Иккинчидан эса қадимги Сўғд воҳаси шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг мифологияси ва эътиқодларининг асосий образлари ва персонажларини тавсифловчи Нахшаб коропластика тўпламлари таҳлил этилиши билан бир қаторда қадимги Сўғд санъатининг алоҳида масалалари, жумладан либослар тарихи ва Нахшабнинг мифологик тасвирлари кўриб чиқилди [7]/

Зардуштийлик дахмаси, шаҳар ибодатхонаси ва Ерқўрғондаги мақбара очилишида олинган ноёб материаллар олимга Қарши воҳасининг қадимий ва исломгача бўлган эътиқодлари ва мифологиясига доир тасаввурларини аниқлаш имконини берди.

Р.Ҳ.Сулаймонов раҳбарлигидаги Қашқадарё экспедициясининг узоқ йиллик тадқиқотлари давомида амалга оширилган изланишлар олим ва унинг жамоадошлари томонидан кўплаб илмий нашр ва рисолаларда ўз аксини топди. Ушбу изланишлар натижасида тўрт асосий муаммо таҳлил этилди.

1. Нахшаб ижтимоий турар-жой тизимларининг типологияси ва гуруҳланиши
2. Қадимги Нахшабнинг урбанизацияси, архитектураси ва шаҳарсозлиги
3. Қадимги Нахшаб кулолчилиги ва коропластикасининг типологияси
4. Қадимги Нахшабнинг эътиқодлари ва улар билан боғлиқ мифологик сюжетлари

Олимнинг тадқиқотлари натижасида Нахшаб шаҳарсозлиги шаклланиши нуқати назаридан қабила қишлоқларининг интеграциялашган марказлари эмас, балки марказий ҳокимият томонидан ўйланган бутун воҳаларнинг куртаги сифатида шаклланиб, дастлаб бир неча ихтисослашган қишлоқ хўжалиги қўрғонлари билан ўралганлиги аниқланди. Улардан баъзилари, жумладан Қоровултепа каби ёдгорликлар мавсумий характерга эга бўлган. Бу даврда вужудга келаётган Нахшаб қишлоқ ҳудудларининг ҳаёти ҳар жиҳатдан марказий мустаҳкам шаҳар билан узвий боғланганлиги очиб берилди. Р. Ҳ. Сулаймонов Қарши воҳаси урбанизациясининг

бошланиши ва унинг пойтахти тарихини аниқлаш масаласида милоддан аввалги VIII – VII асрларга оид илк шаҳаргача бўлган даврни ажратиб кўрсатади.

Р.Ҳ.Сулаймоновнинг Қарши воҳасида олиб борган археологик тадқиқотлари натижасида воҳа шаҳарсозлигининг шаклланиши, қонуниятлари ва босқичларига доир бир қатор муаммоларга ойдинлик киритилди. Археологик манбалар асосида воҳанинг этно-сиёсий тарихига ҳам эътибор қаратилди.

**Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати**


1. Сулаймонов Р.Х. Раскопки на городище Еркурган. ОА 1979. – М, 1980
2. Кабанов С. К. Нахшеб на рубеже древности и средневековья (III-VII вв.). – Т.: ФАН, 1977. – 94 с.
3. Кабанов С. К. В оазисах и степях Кеша и Нахшеба. – Т.: Изд. Узбекистан, 1988.
4. Лунина С.Б.Города Южного Согда в VIII-XII 1977. – Т.: Фан. 1984
5. Сулейманов Р.Х.Турабеков. Этапы развития фортификационной системы Еркургана. – ИМКУ, 1978.
6. Сулейманов Р.Х. Развитие древнов городов Южного Согда. – ОНУ, 1985.
7. Воробёва С.Н. Об одной группе женских терракот с городища Еркурган. – ИМКУ, 1990.
8. Воробёва С.Н., Женская терракота из городского храма Еркургана. – ИМКУ, 1991.
9. Nosirovna M. A. The role of Suleymanov Rustam Khamidovich in the study of urban development of ancient period in uzbekistan // Проблемы современной науки и образования. – 2019. – № 12-2 (145). – С. 85-87.
10. Makhmudova A. N. ISSUES OF HISTORY WORLD CIVILIZATION IN THE SCIENTIFIC RESEARCH OF RH SULEYMANOV // Austrian Journal of Humanities and Social Sciences. – 2021. – №. 1-2. – С. 20-24.
11. Махмудова А. Н. Человек, преданный науке // Молодой ученый. – 2020. – №. 9. – С.130-132.


## XIX – XX АСРЛАРДА ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИ ЭТНОТОПОНИМЛАРИ ХУСУСИДА

***Хайрулла Бозорбоевич Рахматов – ЎзМУ Жиззах филиали “Ижтимоий фанлар” кафедраси ассистенти***

XIX аср охири – XX асрлар бошида асосан 6 та беклик – Қарши, Ғузор, Чироқчи, Яккабоғ, Шаҳрисабз ва Китоб бекликларини ўз ичига олган Қашқадарё воҳаси бугунги кунда маъмурий жиҳатдан 13 та туманга – Қарши, Косон, Миришкор, Касби, Нишон, Деҳқонобод, Муборак, Чироқчи, Қамаши, Яккабоғ, Шаҳрисабз ва Китоб туманларига бўлинади. Воҳадаги ҳар бир туманда бир неча ўнлаб аҳоли масканлари – шаҳар ва қишлоқлар мавжуд бўлиб, қарийб юз эллик йиллик ёзма материаллар асосида улардан бир қисмининг номлари кўп асрлик тарихга эга бўлганлигига гувоҳ бўламиз. Яъни мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида бўлгани каби XIX аср охири – XX асрлар бошидан бошлаб Қашқадарё воҳасидаги аҳоли масканлари номининг тизимли равишда ёзма манбаларда қайд этила бошлаши воҳа топонимикаси бўйича муайян маълумотларга эга бўлиш имконини берди.

Бухоро амирлиги даврининг ўзига хос хусусиятларидан бири – бу сўнгги ўрта асрларда ўнлаб кўчманчи ўзбек (туркий) уруғларнинг ёппасига ўтроқ ҳаётга ўтиб,

муқим яшай бошлашларидир [2]. Натижада воҳанинг нисбатан дашт ва чўл ҳудудларида кўп асрлардан бери кўчманчи ва ярим кўчманчи яшаб келаётган чорвадор аҳоли билан боғлиқ равишда юзлаб қишлоқ ва овуллар пайдо бўлади. Айниқса, бу ҳолат асосан воҳадаги Чироқчи, Яккабоғ ва Ғузор каби суғорма деҳқончилиги кам бўлган бекликларда, шунингдек, Қарши беклигининг шимолий ва шимоли-ғарбий ҳудудларида кўзга ташланади. Шу билан бирга, воҳадаги Шаҳрисабз ва Китоб бекликларининг тоғолди ҳудудларида яйловларда чорвачилик билан шуғулланувчи кўплаб ўзбек уруғлари турғунлаша бошлайди.

Қашқадарё воҳасидаги топонимларни ушбу босқичлар кесимида қисқача кўздан кечириб чиқадиган бўлсак, қадим ва илк ўрта асрларда воҳа билан боғлиқ этнотопонимлар деярли учрамаслиги аён бўлади. Фақатгина илк маҳаллий мусулмон сулолалар, хусусан, Қорахонийлар даври ва ундан кейинги даврларга алоқадор “турк”, “қарлуқ”, “халаж”, “уйғур” каби этнонимлари кенг ёйила бошлайди. Мўғул истилоси даврида эса воҳада “барлос”, “арлот”, “мўғул”, “қовчин”, “қиёт”, “қўнғирот”, “арғун”, “кераит”, “макрит”, “тотор”, “силжуйит (чилжувут)” каби этнонимлари учрай бошлаб [7], Темурийлар даврида ушбу этник гуруҳлар билан боғлиқ аҳоли масканлари пайдо бўлади. Шайбонийлар, Аштархонийлар ва ўзбек хонликлари даврига келиб воҳада “сарой”, “манғит”, “кенагас”, “найман”, “қушчи”, “қипчоқ”, “уз”, “батош”, “хитой”, “чуют”, “ёбу” ва ҳоказо каби ўзбек уруғлари билан боғлиқ этнотопонимлар пайдо бўлади [1].

Шу ўринда мўғул истилоси ва Бухоро амирлиги даври оралиғида кечган қарийб беш-олти юз йиллик бир давр мобайнида юқорида келтириб ўтилган уруғ ва қабилаларнинг Қашқадарё воҳасида ўтроқлашуви узлуксиз равишда давом этганлиги, мўғуллар даврида минтақага кириб келган қўнғирот, қовчин, қиёт уруғларининг Темурийлар даврида бўлганидек ўзбек хонликлари даврида ҳам босқичма-босқич давом этгани кўзга ташланади. Яъни бу ва бунга ўхшаш айрим этник гуруҳларнинг Ўрта Осиёнинг бошқа ҳудудлари билан алоқаси ва воҳада ўтроқлашуви узлуксиз бўлиб турган. Айниқса, қўнғиротлар Чингизийлар, Темурийлар ва Шайбонийлар даврида ҳам сиёсий жиҳатдан фаол этник гуруҳ сифатида минтақа ҳаётида катта ўрин тутган бўлса, Бухоро амирлиги даврида ҳам сон жиҳатдан кўпчиликни ташкил этувчи уруғлар уюшмаси ўлароқ билинган. Уларнинг Дашти Қипчоқ билан алоқаси то сўнгги ўрта асрларгача узилмасдан сақланиб қолган [8].

Қашқадарё воҳасидаги аҳоли масканларининг тил ва шева хусусиятларидан келиб чиқилганда ҳам воҳадаги этнотопоним эгаларининг қанчалик эрта ё кеч миграция жараёнларига тортилганини тахмин қилиш имкони пайдо бўлади. Нисбатан эрта ўтроқлашган қарлуқ, барлос, мўғул, чиғатой, қовчин ва ҳоказо уруғлар вакиллари ўзбек тилининг қадимий лаҳжаларидан бири бўлмиш қарлуқ шевасида сўзлашишса, минтақага бирмунча кеч кириб келган сарой, манғит, қўнғирот, найман, кенагас, чуют, уз каби Шайбонийлар ва ўзбек хонликлари даври этник гуруҳларининг бугунги авлодлари ўзбек тилининг қипчоқ шевасида сўзлашадилар [3].

Қашқадарё воҳаси этнотопонимларининг бир қисмини бугунги кунда муайян бир халқ ёки миллат номи сифатида учрайдиган, бироқ ўрта асрлар манбаларида 92 та ўзбек уруғи таркибида кўрсатилган этнонимлар ташкил қилади. Аслида қадимги давр ва ўрта асрларда туркий уруғлар сифатида тилга олинган қирғиз, можор, татар, турк, мўғул, уйғур, қозоқ ва ҳоказолар кўп асрлик этномаданий жараёнлар натижасида бугунги туркий халқлардан бир қанчасининг этник таркибига сингиб кетади. Бу ҳолат айниқса туркий халқлар орасида энг кўп ўзбек халқи этник шаклланишида кўзга ташланадики, буни мамлакатимизнинг деярли барча

вилоятларида ўнлаб туркий халқлар номлари билан боғлиқ этнотопонимлар учрашининг ўзиёқ тасдиқлаб турибди.

XIX – XX асрларда Қашқадарё воҳаси этнотопонимлари фақатгина туркий этнонимлардан иборат бўлмай, воҳадаги аҳоли масканларининг бир қисмини ғайритуркий этник номлар ҳам ташкил этган. Улар орасида айниқса “араб” этноними билан боғлиқ қишлоқ номлари бирмунча кўп учрайди. Шу билан бирга, “тожик” этноними ҳам воҳанинг бир қатор туманларида учраб, улар аҳолисининг кўпчилиги тожиклардир. Шу ўринда воҳанинг маҳаллий орасида миқдор жиҳатидан ўзбеклардан кейин кўпчиликни тожиклар ташкил этиб, улар яшайдиган қишлоқларнинг номи анчагина қадимий ва уларнинг этнотопонимик ҳолати деярли кўзга ташланмайди.

Қашқадарё воҳаси этнотопонимларининг ўзига хос жиҳатларидан бири – бу воҳада “ўзбек” этноними билан аталадиган бир қатор аҳоли масканларининг мавжудлигидир. Жумладан, Косон, Қарши ва Касби туманларида Ўзбек, “Ўзбек-Дарча”, “Ўзбек-Пистакент”, “Ўзбек-Файзобод” каби қишлоқлар учраб, бу ҳолат ушбу аҳоли масканларининг бир қисми ўзбеклар, бир қисми эса араб ёки тожиклардан иборатлиги билан изоҳланади.

Қашқадарё воҳаси этнотопонимларининг воҳадаги бекликлар кесимида тарқалиш географиясига назар ташлайдиган бўлсак, энг кўп манғит, сарой, қўнғирот, кенагас, қовчин уруғлари билан боғлиқ жой номлари учрашига гувоҳ бўламиз.

Манғит уруғи билан аҳоли масканлари энг кўп учрайдиган ҳудуд Қарши беклигида, хусусан, унинг бошқарув маркази – Қарши шаҳри атрофида, Бешкент, Фулоди (Пўлати) ва Косон амлокликларида учраши кўзга ташланади. Қарши беклигида манғитлар билан боғлиқ Манғит, Оқ-манғит, Тўқ-манғит, Чол-манғит, Бойғунди-манғит, Гўбалак, Некуз, Қўзи-қўчқор, Қозоқ, Эсабой каби этнотопонимлар учрайди. Шунингдек, манғит уруғи билан боғлиқ қишлоқ номлари Ғузор, Чироқчи ва Яккабоғ бекликларида тарқалган.

Сарой уруғи билан боғлиқ этнотопонимлар эса Қарши, Ғузор, Чироқчи, Яккабоғ ва Китоб бекликларида кенг тарқалган. Аҳамиятлиси шундаки, бошқа туркий уруғларга нисбатан бирмунча кеч сиёсат саҳнасига чиққан ушбу уруғ вакиллари сўнгги ўрта асрларда нафақат Қашқадарё воҳасида, балки Зарафшон, Бухоро ва Жиззах воҳалари ҳамда Шимолий Афғонистон ҳудудларида фаол ўзбек уруғларидан бири сифатида ўзини намоён қилади. Улар ҳам сон жиҳатдан, ҳам тарқалиш географияси ва аҳоли масканлари салмоғи жиҳатидан манғит, қўнғирот, найман ва ҳоказо уруғлар билан бўйлаша оладиган даражада бўлиб, XIX – XX асрлар Ўзбекистон этнотопонимиясига назар ташланганда ҳам бу ҳолат яққол сезилиб туради.

Қадимги туркий уруғлардан бири сифатида Туркистон ўлкасида, хусусан, бугунги Ўзбекистон ҳудудида муайян бир уруғ номи ўлароқ ўрта асрларга тегишли ёзма манбаларда учраса ҳам ўзбек уруғлари рўйхатида ўрин олмаган лочин этноними билан боғлиқ этнотопонимлар Қашқадарё воҳасида кам бўлса-да сақланиб қолганлиги диққатга сазовордир. Жумладан, ушбу воҳанинг жанубий ҳудудида Қора-лочин (Деҳқонобод т.) топоними учраб, айрим тадқиқотчилар уни лочин уруғининг бир тармоғи – қора-лочин этноними билан алоқадор деб қарайдилар. Гарчи ўрта аср ёзма манбаларида лочин уруғи ҳақида тўлақонли маълумот учрамаса-да, Қашқадарё воҳасида, хусусан, Шаҳрисабзда лочин номли уруғ бўлганлигини XIV асрда Ҳиндистонда яшаб ижод қилган Амир Хисрав Деҳлавийнинг асл келиб чиқиши шаҳрисабзлик туркий лочин уруғидан эканлиги [8]. бу фикрни тасдиқлайди.

Қашқадарё воҳаси ўзининг географик жойлашувига кўра қўшни воҳалардаги этнотопонимлар билан у ёки бу даражада ўхшашлик касб этади. Бу жиҳатдан

воҳанинг қуйи ҳудудларида Бухоро вилояти ва Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон ва Нуробод туманлари билан яқинликка эга бўлса, Юқори Қашқадарё туманларидаги аҳоли масканлари қўшни Ургут тумани билан уйқаш этнотопонимлар кўплаб учрайди. Масалан, Қарши ва Косон туманларида Ябу, Қарлуқ номли қишлоқлар, Юқори Қашқадарёда эса Барлос, Қутчи, Минг номли қишлоқлар қўшни вилоятлардаги қишлоқлар билан ўхшаш номлар билан аталади.

Шевашунос олим Б. Жўраевнинг XX аср ўрталарида Юқори Қашқадарё воҳасида – Шаҳрисабз, Китоб, Чироқчи, Қамаши ва Яккабоғ туманларида аҳоли орасида олиб борган дала тадқиқотлари натижасида бу ҳудудда кўплаб этнотопонимлар сақланиб қолганига гувоҳ бўлади. Тадқиқотчининг ёзишича: “Чироқчи, Қамаши, Яккабоғ районларида ва Шаҳрисабз районининг шарқи жануб, ғарб ва ғарби шимол томонларида яшовчи аҳолининг деярли ҳаммаси ўзи мансуб бўлган уруғни жуда яхши билади. Чунончи, шу территорияда қипчоқ сарой (бўлимлари: қазайағли, қулчан, мирзатўп, қарғаяқ, қирқаяқ, қанжиғали, найман сарой, шагарак, абахли, чаркўса ва ҳ.к.), қутчи, уз (бўлимлари: мирза, олатўн, чибат, сўпи), чуют, қўнғирот, чилжугут//чилжигит, қулас, қияқи, уймаут, қангли, минжир, қия(н)ни, қовчин, қатаған, ачамайли, месит, боташ (батош), нўғайли, манғит, қўштомғали, тарахли, чиғатай//чағатай, нудучи, мусо//мусобозор, барлос, ховоти, хўжа//гўжа, қорағасмоқ сингари турли уруғ-аймоқ вакиллари мавжудлиги қайд этилди”.

Бундан кўринадики, Юқори Қашқадарёда ўзбек уруғлари ва уларнинг тармоқлари билан боғлиқ 43 та этноним мавжуд бўлиб, шулардан ярмидан кўпроғи йирик этнонимлар, бир қисми эса тўп (тармоқ) уруғлар номига алоқадор эди.

Қашқадарё воҳаси этнотопонимларининг мутлақ кўпчилигини Шайбонийлар даври ва ундан кейин воҳада ўтроқлашган ўзбек уруғлари билан боғлиқ жой номлари ташкил этади. Шу ўринда Шайбонийлар даврида кўчманчи ўзбекларнинг кўпчилик ҳолларда ўзларига янги макон сифатида воҳаларни – яйловларга бой тоғ этаклари-ю дала-даштларни танлаганликлари, чорвадор аҳоли учун нисбатан қийин бўлган тор тоғ даралари ва тик қояларни эса маскан тутмасликка ҳаракат қилганликлари каби омилларни ҳам ҳисобга олиш зарур. Шайбонийлар даврида кўпчилиги асосан Евросиё кенгликлари, хусусан, Дашти Қипчоқ (бугунги Волгабўйи ва Марказий Қозоғистон даштлари) ҳудудида кўчманчи ҳаёт кечирган турк ва турклашган мўғул уруғлари Амударё – Сирдарё оралиғи ҳудудига, шу жумладан, Сирдарё ўрта ҳавзалари - Зарафшон воҳаси орқали Қашқадарё ва Сурхон воҳалари ҳамда Шимолий Афғонистон, Бадахшон, Хуросон ҳудудларига кўчиб келишади.

Бу жараён Аштрахонийлар ва ўзбек хонликлари даврида ҳам давом этиб, Нурота, Жиззах ва Зарафшон воҳасидаги кўчманчи ва ярим кўчманчи ўзбек уруғларининг Жанубий Ўзбекистон ва унга қўшни ҳудудларга келиб жойлашуви кучаяди. Айниқса, сўнгги ўрта асрларда Ўрта Осиёнинг жанубий ҳудудига келиб жойлашган ўзбек уруғлари орасида манғит, найман, сарой, қўнғирот каби уруғлар етакчилик қилишади. Ўз навбатида шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, қўнғирот ўзбекларининг бундан мустасно ўларок ҳам тоғли, ҳамда дашт ҳудудларни танлаганликлари, бунда эса асосан уларнинг нисбатан кеч даврда – XVII асрда Амударё – Сирдарё оралиғига ёппасига кўчиб кела бошлаганликлари маълум. Улар аслида бундан олдин зич ҳолда кўпроқ Сирдарёнинг ўрта ҳавзаларида яшаган бўлиб, қалмоқ босқинлари (XVI – XVIII асрлар) натижасида Нурота – Зарафшон йўлаги бўйлаб жанубий вилоятларга йўл олишган, бу пайтда ушбу ҳудудлардаги кенг яйловли воҳалар – тоғ этаклари ва дала-даштлари асосан кўчманчи ўзбеклар билан банд бўлиб, шунинг учун ҳам қўнғиротлар тоғолди ва тоғли жойларни маскан тутишга ҳаракат қилишган.

Аслида кўчманчи ўзбекларнинг таркибий бир қисми бўлган қўнғиротлар бундан анча олдин, Шайбонийлар, ҳатто Чиғатой улуси ва Темурийлар даврида ҳам Амударё – Сирдарё оралиғида салмоқли ўрин эгаллаган бўлса-да, уларнинг Зарафшон, Қашқадарё ва Сурхондарё воҳаларида кенг тарқалиши – бу XVII асрга тўғри келади. Гарчи, “желовчи” шевада сўзлашишлари каби бошқа кўчманчи ўзбек уруғлари билан умумийликка эга бўлсалар-да, қўнғиротларнинг найман, манғит, сарой, минг, қирқ, юз ва яна ўнлаб “қипчоқ ўзбеклари”дан фарқли ҳолда “этнографик хусусиятлар”ни нисбатан кўпроқ сақлаб қолишлари негизида уларнинг мана шу нисбатан “кеч миграцияси” ҳамда тоғолди ва тоғли жойларни маскан тутиб, компакт ҳолатда яшашлари омили ётса керак.

Қашқадарё воҳасининг этнотопонимларининг сезиларли бир қисми қўнғиротларнинг тармоқлари – тўплари билан боғлиқ этнонимлардан ташкил топган бўлиб, Авжин (Деҳқонобод), Ачамайли (Китоб), Қора-қўнғирот (Касби), Қозоёқли / Қазаяқли (Деҳқонобод) ва ҳоказо аҳоли масканлари ушбу уруғ вакилларидан иборат бўлган. Шу ўринда айтиб ўтиш керак, Қозоёқли ёки Қазаяқли деб аталувчи этнотопонимлар воҳанинг Чироқчи, Қамаши ва Яккабоғ туманларида ҳам учраб, айрим туманларда улар қипчоқ-сарой уруғининг, айрим туманларда эса қўнғиротларнинг бирор тармоғи сифатида билинади. Аслида қозоқ, қорақалпоқ, нуғой халқлари таркибида ҳам “қазаяқли”, “қазаяғли”, “қазаяқти” деган номлар остида ушбу туркий халқларнинг муайян бир уруғи сифатида учрайдиган ўзбек қозоёқли уруғи сўнгги ўрта асрлардаги этник жараёнлар натижасида ўзбекларнинг қўнғирот ва қипчоқ-сарой уруғлари таркибидан жой олган бўлиши керак.

Хуллас, Қашқадарё воҳаси этнотопонимлар масаласида ниҳоятда бой ҳудуд бўлиб, шу жиҳати билан воҳа Сурхон, Зарафшон ва Жиззах воҳалари билан яқин ўхшашликка эга. Шунингдек, Қашқадарё воҳасидаги этнотопонимлар Фарғона водийси, Тошкент, Нурота ва Хоразм воҳалари билан умумийлик касб этади. Воҳада учрайдиган бир неча юзлаб этнотопонимларнинг катта қисми мамлакатимизнинг деярли барча вилоятларида ҳам мавжуд бўлиб, бу эса ўзбек халқи этник шаклланишида юз берган тарихий жараёнлар ва этномаданий омиллар билан чамбарчас боғлиқдир.

**Фойдаланилган манбалар ва адабиётлар рўйхати**

1. Ахмедов Б. Государство кочевых узбеков. – М.: Наука, 1965; Шаниязов К. Узбеки-карлуки (историко-этнографический очерк). – Т., 1965; Ўша муалл. К этничексой истории узбекского народа. – Т., 1974; Эрматов М. Этногенез и формирования узбекского народа. – Т., 1968; Дониёров Х. Ўзбек халқи шажара ва шевалари. – Т.: Фан, 1968.
2. Bregel Y. An historical atlas of Central Asia. Leiden – Boston, Brill, 2003. – P. 62-71. [10] ... – P. 56-57.
3. Жўраев Б. Юқори Қашқадарё ўзбек шевалари (тасниф, текстлар ва луғат). – Тошкент: Фан, 1969. – Б. 3-4.
4. Керейтов Р.Х. Ногайцы. Особенности этнической истории и бытовой культуры. – Ставрополь: Сервисшкола, 2009. – С. 115; Нафасов Т. Қашқадарё қишлоқномаси ..., б. 378.
5. Маликов А.М. Тюркские этнонимы и этнотопонимы долины Зерафшана (XVIII – начало XX в.). – Ташкент: Muharrir nashriyoti, 2018; Бўриев С.Н. Ургут тумани микротопонимларининг лексик-семантик таҳлили.: Филология фанлари бўйича номзодлик диссертацияси автореферати. – Т., 2010.
6. Маликов А.М. Тюркские этнонимы и этнотопонимы долины Зерафшана (XVIII – начало XX в.). – Ташкент: Muharrir nashriyoti, 2018;

7. Султанов Т.И. Опыт анализа традиционных списков 92 «племен илатийа» // Средняя Азия в древности и средневековье. – М.: Наука, 1977. – С. 165-176.
8. Усмонов М.Ш. Жанубий Ўзбекистон қўнғиротлари (XIX аср охири – XX асрнинг биринчи ярми, тарихий-этнологик таҳлил). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Тошкент 2019. – Б. 15-18.
9. https://kh-davron.uz/kutubxona/multimedia/amir-xusrav-dehlaviy-gazallar - ruboiylar-videodars.html

## ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИДА ОНАЛИК ВА БОЛАЛИКНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ БЎЙИЧА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИШЛАР

***Н.Д.Тоштемирова – ўқитувчи. Қарши давлат университети***

Ўзбекистонда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш иши давлат сиёсатининг стратегик йўналишларидан бири этиб белгиланган, бунинг замирида миллат генофондини яхшилаш, оилада тиббий маданиятни юксалтириш, аҳолининг турмуш фаровонлигини ва узоқ умр кўриш даражасини оширишдек улуғвор мақсадлар ётади. Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бу соҳанинг ҳуқуқий асосларини яратиш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ҳамда кадрлар билан таъминлаш бўйича қатор чора-тадбирлар олиб борилди. Аҳолининг соғлиғини сақлаш ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий соҳа сифатида доимо давлат назоратидадир.

1993 йили соғлиқни сақлаш соҳасида аҳоли жон бошига 4574 рубл миқдорида маблағ ажратилди. Қашқадарё вилоятида кам таъминланган оилалардаги ҳомиладор аёлларни озиқ-овқат билан таъминлаш режаси 70,1 фоизга бажарилган бўлиб, 1997 йили Қашқадарё вилояти бўйича соғлиқни сақлаш соҳасига эса 2117453,5 минг сўм ажратилиб, ҳар бир кишига 1018,9 минг сўмдан тўғри келди[1].

Тизимда 2009 йил Инвестиция дастури доирасида 9,3 миллиард сўм, 2010 йил – 79,1 миллиард сўм ажратилган бўлса, 2011 йилда 136,0 миллиард сўмни, 2012 йилда эса ушбу кўрсаткич 256,0 миллиард сўмни ташкил этди. 2012 йилнинг Инвестиция дастури доирасида 151 та тиббиёт муассасаларида қурилиш ва реконструкция ишларини амалга ошириш учун 256,0 миллиард сўм сарфлаш режалаштирилди[2].

2009-2011 йилларда Инвестиция дастурлари доирасида жами 175 та тиббиёт муассасаларида қурилиш-монтаж ишлари олиб борилган бўлиб, Қашқадарё вилояти Қамаши туманидаги туғруқ комплекси шулар жумласидандир.

2010 йили республикада вакцина сақлаш омборхоналари, эмлаш пунктларини инвентаризация қилиш, генераторлар, совуткичлар, кварц лампалар, водопровод суви билан таъминлаш ва моддий-техник базани яхшилаш йилдан йилга муаммо бўлиб қолди (айниқса Навоий, Самарқанд, Жиззах, Қашқадарё, Сурхондарё, Наманган, Андижон вилоятларида) [3].

2013 йилга мўлжалланган Инвестиция дастурида эса Қашқадарё вилоятида 143 та тиббиёт объектини барпо этиш ва реконструкция қилиш, кунига 10145 нафар кишини қабул қиладиган амбулатория-поликлиника муассасаларини фойдаланишга топшириш режалаштирилди. 2013 йилда Инвестиция дастурига киритилган бешта инвестиция лойиҳаси асосида умумий қиймати 40,5 миллион АҚШ долларига тенг тиббиёт асбоб-ускуналарини харид қилиш ва етказиб бериш режалаштирилди. 7 та болалар соғломлаштириш оромгоҳларида капитал таъмирлаш ишларини амалга ошириш режалаштирилиб, қўшимча 3200 га яқин ўринлар ташкил этилди[4].

Қашқадарё вилоятининг Чироқчи туманида ҳам Инвестиция дастури доирасида 2013 йилда кўп тармоқли марказий шифохона учун янги бино барпо этилди. Даволаш мажмуасида 30 ўринли шошилинч тиббий ёрдам, 60 ўринли жарроҳлик, 70 ўринли болалар, шунингдек, жонлантириш бўлими фаолият кўрсатди. Шунингдек, мажмуа таркибидаги 140 ўринли туғруқхона ҳам қайта реконструкция қилиниб, 24 турдаги замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланган туғруқ, чақалоқлар патологияси фаолият кўрсатди[5].

Мунтазам олиб борилган ишлар туфайли Фарғона вилоятида туғруқлар сони 1,1% га, ҳомиладорлар сони 2,3%га камайди. Шу билан бир қаторда республиканинг қатор вилоятларида аҳоли репродуктив саломатлигини яхшилаш бўйича муаммолар кузатилди .

Туғруқлар сони 2008 йили 2007 йилга нисбатан Наманган (+11,1%), Қашқадарё (+10,1%), Самарқанд (+7,4%), Сурхондарё (+7,0%), Андижон (+7,2%) вилоятларида, рўйхатга олинган хомиладорлар сони Самарқанд (+6,0%), Тошкент (+5,7%), Қашқадарё (+4,8%), Сурхондарё (+4,0%), Наманган (+3,5%) вилоятларида ошди[6].

2008 йил охирида Республикада туғилганлар сони 612 425 нафарни ташкил этди, бу 2007 йилнинг шу даврига нисбатан 36 062 (6,3%) нафарга кўп эди. Туғилишлар сони Жиззахда 3199 (14,5%), Самарқандда 8378 (13,7%), Қашқадарёда 5454 нафарга (9,7%), Анжижонда 4211 нафарга (7,8%), Сурхондарёда 3345 нафарга (8, 8) кўпайди[7].

Қашқадарё вилоятида туманлари миқёсида эса туғилиш динамикасининг ўсиши Китоб (22,9%), Деҳқонобод (19,2%), Қарши (18,4%), Нишон (16,3%), Яккабоғ (13,9%) туманлари ҳисобига тўғри келди[8].

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2005 йил 11 августдаги 153-сонли "Унни бойитиш миллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги қарори ва "Ёшлар йили" Давлат дастуридаги оналар саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган тадбирлари туфайли 2008 йили туғиш ёшидаги аёлларнинг камқонлик билан касалланиши 2003 йилга нисбатан 3 тага камайди. Эндокрин касалликлар 6%, юрак-қон томир тизими касалликлари 4,35 фоизга пасайди. Бу тадбирлар ўз ўрнида оналар ўлими кўрсаткичига ҳам таъсир кўрсатди. Масалан, Ўзбекистонда 2010 йили оналар ўлими 82 тани ташкил етган бўлса, ушбу кўрсаткич 2009 йилга (117 та) нисбатан 35 нафарга камайди. Жорий йилда оналар ўлими Қашқадарё вилоятида 2 тадан, Сирдарё ва Тошкент шаҳрида 1 тадан қайд этилди[9]. Бу даврда туғилиш кўрсаткичи ҳали ҳам юқори эди. Айниқса, Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд, Жиззах ва Андижон вилоятларида бу кўрсаткич юқори бўлиб, фақат Тошкент шаҳрида паст эди. 2011 йилнинг 3 ойида давомида ҳисобга олинган хомиладор аёллар сони 2010 йилнинг шу даврига нисбатан 1815 тага (1,8) ошди. Жумладан, Қашқадарёда 413 (3,0%) нафарга кўпайди[10].

2011 йилнинг 8 ойида республика бўйича жами 375849 та туғилиш қайд қилинган бўлиб, ўтган даврнинг шу даврига нисбатан 14584 тага камайди. Фарғона, Самарқанд, Қашқадарё, Андижон, Сурхондарё, Наманган ва Тошкент вилоятлари ҳисобига республикадаги туғилишларнинг қарийб 70 фоизи тўғри келди. Лекин, Қашқадарё вилоятида атиги 331 тага, Тошкент шахрида 409 тага туғилишлар сони камайган бўлса, ишлар бир маромда олиб борилмаётганлиги натижасида Наманган ва Сурхондарё вилоятларида улар сонининг ошиши кузатилди[11].

2008 йилда демографик вазиятни таҳлил қилиш ва жойлардаги мавжуд вазиятни оптималлаштириш бўйича ҳаракатлар режаларини ишлаб чиқишда амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлигининг етакчи мутахассислари томонидан жойларга 32 та мониторинг ташрифлари ўтказилди. Мутахассислар

Сурхондарё, Қашқадарё, Наманган, Самарқанд, Жиззах, Тошкент вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳридаги демографик вазиятни ўрганди[12].

Қашқадарё вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси тизимида 60 ўринли вилоят гўдаклар уйи фаолият олиб борди. Республика даволаш-профилактика муассасалари ва ихтисослаштирилган илмий текшириш институтлари профессор-ўқитувчилари иштирокида 2013 йилнинг июнь ва август ойларида Қарши шаҳри ҳамда Нишон, Касби, Косон, Муборак, Ғузор, Деҳқонобод, Қамаши, Чироқчи, Шаҳрисабз, Яккабоғ, Китоб туманларида “Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!” шиори остида 4000 нафар аҳоли чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди. 2011-2012 йиллар мобайнида Қашқадарё вилояти Туғруқ комплекслари ва Туғруқхона бўлимларига “Аёллар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш” лойиҳаси асосида 2 млрд. 562 млн. сўмлик, лаборатория бўлимларига 93,4 млн. сўмлик жиҳозлар ажратилди. Қашқадарё вилояти ФҲДЁ бўлимининг никоҳ уйида туман хотин-қизлар қўмитаси, туман марказий шифохонаси ҳамкорлигида ёш йигит-қизларни оилага тайёрлаш, соғлом оилани шакллантириш, соғлом авлодни дунёга келтириш ҳамда камол топиши ҳақидаги тушунчаларни ёшлар онгига сингдириш мақсадида “Ёш оила мактаби” ташкил этилди ва уларда 25565 нафар йигит-қиз ўқитилди. Оналар мактабида 7181 та машғулот ўказилиб, 78308 нафар ёш оналарга маҳорат дарслари ўтилди[12].

Хуллас, Қашқадарё вилоятида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш иши сифатида ўсмир қизлар ва репродуктив ёшдаги аёлларда касалликларни аниқлаш мақсадида профилактик тиббий кўрикларни ўтказиш, оилада тиббий маданиятни ошириш, аёллар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, репродуктив саломатлик ва соғлом турмуш тарзи масалалари бўйича аҳолининг хабардорлигини оширишга қаратилган тадбирлар ва назоратни кучайтириш, соғлом оилани яратиш ва ёш оилаларни патронаж қилиш масалалари бўйича ФҲДЁ бўлимида доимий равишда олиб бориладиган ўқув курслари ишини такомиллаштириш, соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғинида ишлайдиган тиббиёт ходимларини ўқитиш ва малакасини ошириш бўйича ишларни тартибга солиш, маҳаллий ҳокимликлар томонидан бюджет маблағлари ажратилишини таъминлаш масалаларига эътибор қаратилди.

### Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйҳати


1. Қашқадарё вилояти соғлиқни сақлаш муассасаларининг 1997-1998 йилги статистик ҳисоботлари бўйича иш фаолияти натижалари статистик тўплам. – Қарши, 1999. – Б. 20.
2. “Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш”, 2012 йил 24 август.
3. Ўз ИТТҲ МА, М-372-фонд, 1-рўйхат, 5124-иш, 87-варақ.
4. “Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш”, 2013 йил 1 март.
5. Баротов Ў. Малакали тиббий хизмат инсон саломатлигини сақлашда муҳим омил бўлмоқда // “Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш”, 2014 йил 14 февраль.
6. Ўз ИТТҲ МА, М-372-фонд, 1-рўйхат, 5124-иш, 76-варақ.
7. Ўз ИТТҲ МА, М-372-фонд, 1-рўйхат, 5124-иш, 32-варақ.
8. Ўз ИТТҲ МА. М-372-фонд, 1-рўйхат, 5124-иш, 34-варақ.
9. Ўз ИТТҲ МА. М-372-фонд, 1-рўйхат, 5124-иш, 41-варақ.
10. Ўз ИТТҲ МА, М-372-фонд, 1-рўйхат, 5124-иш, 38-варақ.
11. Ўз ИТТҲ МА, М-372-фонд, 1-рўйхат, 5124-иш, 56-варақ.
12. Ўз ИТТҲ МА. М-372-фонд, 1-рўйхат, 5124-иш, 31-варақ.
13. Соатова И. Мақсад: инсон саломатлиги ва унинг манфаати // “Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш”, 2014 йил 3 январь.

# ЁШЛАР ЎРТАСИДА ГИЁҲВАНДЛИК ВА ПСИХАТРОП МОДДАЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ БЎЙИЧА ОЛИБ БОРИЛГАН ТАДБИРЛАР

***Ж.И. Махматқулов – Қашқадарё вилояти ИИБ Жиноят қидирув бошқармаси Гиёхвандлик воситалари ноқонуний муомаласига Қарши курашиш бўлими катта тезкор вакили.***

Гиёҳвандликка қарши кураш бугунги куннинг энг долзарб муаммоларидан бирига айланди. БМТнинг маълумотларига қараганда, дунёда ҳозир 8 млн. киши героин, 191,2 млн. киши эса турли хил гиёҳванд моддаларни истеъмол қилади. Бунинг оқибатида 20 минг киши захарланган. Натижада, ёшлар ўртасида кучли таъсир этувчи ва заҳарли моддаларни тайёрлаш, сотиш ҳоллари билан бирга, талончилик, ўғирлик, номусга тегиш каби жиноятларга қўл урилиши ҳам кузатилмокда[6].

Ёшлар ўртасида назоратсизлик, қаровсизлик, ҳуқуқбузарликларни олдини олиш, уларни салбий таъсирлардан сақлаш, энг хавфли жиноятлардан бири ҳисобланган, инсоният томонидан “Аср вабоси” деб тан олинган гиёҳвандлик иллатига қарши кураш, айниқса ўсиб келаётган ёш авлодни бу иллат домига тушиб қолишларини олдини олиш олдимизда турган долзарб масалалардан ҳисобланади.

ЮНИСЕФ экспертлари томонидан 35 та мамлакатда болалар ва ўсмирлар ўртасида ўтказилган сўров натижаларига кўра, уларнинг 60 фоизи мактаб, коллеж ва олий ўқув юртларида гиёхванд моддаларни истеъмол қилиб кўрганлар. Кураш кучайгани сари оғуга ружу қўйиш ҳам авж олмокда. Буни айримлар дунё бўйлаб стресс ҳолатларнинг, асаб хасталикларининг ва уни келтириб чиқараётган турли ижтимоий муаммоларнинг ортаётгани билан оқлашга уринишмоқда[6].

1997 йилда 125 нафар ўсмир гиёҳвандлик, 22 ўсмир токсикомания касалликлари билан диспансер кўзатувида тўрган, 42 нафар ўсмирга гиёҳванд хасталиги, 6 нафар ўсмир токсикомання ташхиси уларни ҳаётида бириринчи маротаба қўйилган, гиёҳванд воситаларни истеъмол қилувчи 145 ўсмир, бошқа турдаги моддаларни истеъмол қилувчи 172 ўсмир ҳисобда турган[1].

Статистик маълумотларга кўра, 1998 йил якунига кўра наркодеспансерларда ҳисобида норкаман сифатида 9814 нафар (35 нафари вояга етмаган), шундан Самарқанд вилоятида 2410 нафар (8 таси вояга етмаган), Тошкент шаҳрида 1278 нафар (5 таси вояга етмаган), Фарғона вилоятида 853 нафар (14 таси вояга етмаган), Сурхондарёда 829 нафар (1 таси вояга етмаган), Қашқадарёда 606 нафар, Хоразмда 489 нафар (6 таси вояга етмаган) шахс ҳисобда турган[4].

1999 йилнинг октябр-ноябр ойларида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси наркотикларни назорат қилиш комиссияси ва БМТнинг наркотикларни кўмагида “Камолот» фонди томонидан ўтказилган социологик тадқиқотлар натижасида аниқланишича, асосан 15 дан 23 ёшгача бўлган шахслар наркотикларга дучор бўлиш хавф остида қолишган. Гиёванд воситаларни истеъмол қилувчиларнинг аксарияти даволанишга ҳаракат ҳам қилишмаган, натижалари эса бу масалада расмий равишда хеч қаерга мурожаат этмаганлар. Гиёванд воситаларни истеъмол қилувчиларнинг 71,5 фоизи дастлаб марихуана, яъни «анаша», гиёванд воситлари истеъмол қилишган. Лекин қолганлари биринчи марта героин истеъмол қилишган жиддий ташвиш туғдирмоқда[3].

2000 йилда Ўзбекистонда гиёҳвандликка қарши курашишда ЮНИСЕФ билан ҳамкорликда гиёхванд моддаларни истеъмол қилиш йўлига кириб колган ёшларни даволаш бўйича махсус Дастур юзасидан иш олиб борилди. 2000 йилда Тошкент

вилоятининг мактабларида гиёҳванд моддаларни истеъмол қилиш ва унинг салбий оқибатлари тўғрисида сўровнома ўтказди. Унга кўра ёшларнинг 71,4 фоизи гиёҳванд моддаларни бир татиб кўришга қизиқиш сабабли, 37,3 фоизи турли кўнгилочар байрамларда биринчи марта, 12 фоизи тўйда, 10 фоизи эса тунги кулбларда истеъмол қилганлигини, 74 фоизи эса ота-онаси билан зиддията келиб қолгани учун спиртли ичимлик еки гиёҳванд моддасини истеъмол қилганини маълум қилишди. ЮНИСЕФ томонидан ташкил этилган дастурга асосан гиёҳванд моддаларни истеъмол қилган ёшларни даволаш мавзусида мунтазам равищда семинарлар ўтказиб келинди. 2001 йил июнъ ойига қадар мактаб, лицей ва коллежларда иш олиб боришди. Ўқув машғулотларини Москва, Киев, Бишкек шахарларида махсус малака ошириб қайтган психолог, ҳуқуқшунос, врачлар олиб боришди[5].

Гиёҳвандликка қарши курашиш тадбирлари прокуратура идоралари ҳамкорлигида Навоий, Фарғона, Сирдарё, Самарқанд вилоятларида вояга етмаганлар орасида гиёҳвандликка қарши курашхусусида дастурлар ишлаб чиқилиб хаётга тадбиқ этилганини ижобий жихатдан таъкидлаш жоиз[2].

2000–2002 йиллар давомида "Ёшлар орасида гиёҳвандликка қарши кураш" ойлиги доирасида маҳалла фуқаролар йиғинлари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вакиллари иштирокида мактабларда, ўқув юртларида "Гиёҳвандлик - аср вабоси", "Оғусиз дунё сари” мавзуларида учрашувлар, суҳбатлар ўтказилмоқда. Ўқувчилар, талабалар учун турли викториналар ташкил этилиб, гиёҳвандликнинг оқибатлари тўғрисида саҳна чиқишлари уюштирилмоқда[7].

2010–2014 йиллар давомида, гиёҳвандлик билан касалланишни бирламчи кўрсаткичи 100 минг ахолига 7,6 тадан 3,8 тагача қисқарди. Соғлиқни сақлаш тизимида наркологик хисобида турган гиёҳванд беморлар сони 18939 тадан 14692 тагача камайди. Беморлар орасида ёшлар, яъни 20–39 ёш гурухига кирувчилар сони 69 фоиздан 48 фоизгача камайди[9].

Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 12 ноябрдаги “Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, ундан олиб чиқиш ва транзит тарзида ўтказиш тартибини, шунингдек, уларнинг муомалада бўлиши юзасидан назоратни такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори билан ҳозирга қадар мамлакатимизда таъқиқланган гиёҳвандлик воситалари рўйхатига қўшимча 80 турдаги янги гиёҳвандлик воситалари киритилди[8].

2020 йилда Ўзбекистонда 5889 нафар гиёҳвандлик моддалари истеъмол қилувчи ёшлар рўйхатда турибди. Уларнинг асосий қисми Андижон вилоятида — 1232 нафар, Фарғонада — 1093 нафар ва Тошкент шаҳрида — 1188 нафар. Қолган вилоятларда 600−500 нафардан ҳисобда турибди. Охирги тўрт йилда кучли таъсир қилувчи препаратлар ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланмаси ҳажми ортиб бораётганини ҳам таъкидлаб ўтди. 2016 йилда 58 мингта «дорихона наркотиклари»нинг ноқонуний савдосига чек қўйилган бўлса, 2017 йилда 62,5 минг, 2018 йилда 128 минг, 2019 йилда 365 мингта таблетка ва бошқа гиёҳванд воситалар олинган. 2020 йилнинг 8 ойи ичида эса 191196 та трамадол ёки тропикамид таблеткалари олиб қўйилган[10].

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз мумкинки, вояга етмаганларнинг спиртли ичимликлар ва гиёҳвандлик воситаларига ружу қўйишининг асосий ижтимоий сабаблари ҳам мавжуд. Буларга нотинич оилалар, шахс яшаётган муҳит, жамиятнинг муносабати ва ўтиш давридаги иқтисодий қийинчиликлар ва бошқа муаммолар киради. Шунингдек, ҳозирги кунда алкоголизм ёки гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилувчи вояга етмаганлар томонидан жиноят содир этиш ҳоллари кузатилмоқда.

**Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати**


1. Ўз МА, М-76-фонд, 1-рўйхат, 1072-иш, 33-варақ
2. Ўз МА, М-76-фонд, 1-рўйхат, 1484-иш, 62-варақ
3. Ўз МА, М-76-фонд, 1-рўйхат, 1484-иш, 73-варақ
4. Ўз МА, М-76-фонд, 1-рўйхат, 1264-иш, 91-варақ.
5. Фролова С. Инсоният бошига ёғилаётган яна бир хавф // Тошкент ҳақиқати, 2001 йил 15 сентябрь
6. Исроилов М. “Оқ ажал асорати абадийми?” // Ma’rifat, 2003 йил 25 июнь
7. Арипов Ш. Оғули хаёт азоб // Тошкент ҳақиқати. 2008 йил 20 февраль
8. Юлдошов Ҳ. “Ўзбекистонда 1,6 тоннадан ортиқ гиёҳвандлик воситалари ёқиб юборилди”// Халқ сўзи, 2018 йил 26 июн.
9. http://m.ncdc.uz/uz/sokrashchenie-sprosa-na-narkotiki/profilaktika/
10. https://www.gazeta.uz/uz/2020/09/11/narcotic/


## ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИДА БАХШИЧИЛИК САНЪАТИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ

*А.Ахматов – мустақил тадқиқотчи. Қарши давлат университет*

Ҳар қайси халқнинг азалий тарихи ва маданияти, энг аввало, унинг оғзаки ижоди – фольклор санъатида, достон ва эпосларида мужассам бўлиб, улар миллатнинг ўзлигини англаш, миллий қадриятлари ва анъаналарини сақлаш ва ривожлантиришда муҳим аҳамят касб этади. Бахшичилик халқ оғзаки ижодининг ёрқин намунаси сифатида ҳар бир халқнинг ўтмиши, руҳияти, менталитети, қадриятлари, урф-одат ва анъаналарида акс этади. Шу боис ушбу ноёб санъат мавжуд бўлган барча элларда у номоддий маданий мерос сифатида муҳофаза қилинади, юксак қадрланади. Бугунги кунда мамлакатимизда ҳам ўзбек миллий бахшичилик ва достончилик санъатининг ноёб намуналарини асраб-авайлаш ва ривожлантириш, кенг тарғиб қилиш, ёш авлод қалбида ушбу санъат турига ҳурмат ва эътибор туйғуларини кучайтириш, турли халқлар ўртасидаги дўстлик ва биродарлик ришталарини мустаҳкамлаш, ижодий ҳамкорлик, маданий-маънавий муносабатлар доирасини халқаро миқёсда янада кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Юртбошимиз ташаббуси билан бахшичилик санъатини кенг тарғиб қилиш, рағбатлантириш мақсадида Халқаро бахшичилик санъати фестивали ташкил этилгани улкан тарихий воқеа бўлди. Қашқадарё воҳасида бахши ва оқинларимизга ўзлигини, истеъдод ва салоҳиятини намоён этиши учун имконият яратди, халқимизнинг асрий орзулари, истак-хоҳишларини рўёбга чиқарди. Халқаро бахшичилик санъати фестивали ўтказилиши халқимизнинг қадимий санъатини асраб-авайлаш, ўрганиш, тарғиб қилиш, ривожлантириш аслий орзуси амалга ошди. Олимларнинг таъкидлашича, юртимизда достон куйлаш анъанаси қадимда уч йўналишда ривожланган. Биринчи йўналиш — Булунғур, Нарпай, Нурота, Қўрғон, Шаҳрисабз, Қамай, Шеробод, Жанубий Тожикистонда яшовчи ўзбек-лақай достончилик мактабларида дўмбира чертиб якка ҳолда, бўғиз овоз билан ижро этилган. Иккинчи йўналиш — Хоразмда тор, дутор, ғижжак, гармон, буламон, қўшнай, доира жўрлигида баъзан якка, баъзан жуфт ҳолда, очиқ овоз билан куйланган. Учинчи йўналиш — Фарғона водийсида дутор жўрлигида очиқ овозда айтилган. “Алпомиш”, “Гўрўғли”, “Кунтуғмиш”, “Рустамхон”, “Муродхон”, “Мисқол пари”, “Ҳасанхон”, “Ёдгор”, “Юсуф билан Аҳмад”, “Авазхон”,

"Қиронхон", "Равшан", "Интизор", "Ширин билан Шакар", "Эрали", "Ойсулув" каби достонларни бахшилар мароқ билан айтиб келган [1].

Ўзбек халқ оғзаки ижодининг ноёб дурдонаси "Алпомиш" достонининг яратилиши ҳам узоқ ўтмиш билан чамбарчас боғлиқ, ушбу достонда, гарчи маълум бир ҳудуд одамлари, уларнинг тарихи, маданияти, миллий урф-одат ва анъаналари ҳақида ҳикоя қилинса-да, у умуминсоний қадриятларни ҳам ўзида ифодалаган юксак ижод маҳсулидир. "Алпомиш" достони давр ва замонлар синовидан ўтиб, кишиларга юксак руҳий мадад, маънавий озуқа бахш этиб келяпти. Мутахассисларнинг таъкидлашича, "Алпомиш" достонининг қирққа яқин варианти мавжуд. У турли ҳудудларда ўзига хос талқин этилади. Достон халқ оғзаки поэтик ижодининг ёрқин намунаси унда ватанпарварлик, халқпарварлик, соф инсоний фазилатлар, покиза муҳаббат туйғулари зўр маҳорат билан куйланган. "Алпомиш" достони 1939 йили таниқли шоир Ҳамид Олимжон томонидан Фозил Йўлдошдан ёзиб олиниб, қоғозга туширилган. Кейинчалик фольклоршунослар бу достоннинг турли муқобил версияларини ҳам бахшилар тилидан ёзиб олишган [2].

Қашқадарё воҳасида Қамай қишлоғи билан боғлиқ Қамай достончилик мактаби мавжуд бўлган. Бу мактаб Деҳқонобод ва Ғузор туманлари атрофида яшовчи Абдукарим Жуйруқ, Мулла Холназар ўғли, Бозор Шерқул ўғли, Хазратқул бахши Худойбердиев каби 60 га яқин бахшиларни бирлаштириб, Шаҳрисабз достончилик мактаби билан ижодий ҳамкорлик қилган. Қамай достончиларидан "Нуралининг ёшлиги" (1972-1977), "Хонимой" (1963) ва бошқа достонлар ёзиб олинган. Ўзбек миллий бахшичилик ва достончилик санъатининг ривожланиши Қашқадарё воҳасида ноёб намуналарини асраб-авайлаш ва ривожлантириш, уни кенг тарғиб қилиш, ёш авлод қалбида ушбу санъат турига ҳурмат ва эътибори туйғуларини кучайтириш, турли халқлар ўртасидаги дўстлик ва биродарлик ришталарини мустаҳкамлаш, ижодий ҳамкорлик, маданий-маънавий муносабатлар доирасини халқаро миқёсда янада кенгайтириш лозим [3].

Қашқадарё воҳасида Деҳқонобод бахшичилик мактаби асосчиси Қодир бахши Рахим ўғлидир. 1937 йил 16 апрелда Деҳқонобод туманининг Хўжамаҳмуд қишлоғида туғилди. Мактабни тугатгандан сўнг, Ҳамид Олимжон номидаги Қарши давлат педагогика институти (ҳозирги Қарши давлат университети)ни тамомлади. 1962 йилдан умрининг охиригача Деҳқонобод туманининг Хўжамаҳмуд қишлоғида Бобур номидаги ўрта мактабда ўқитувчилик қилди. Қодир бахши болалик йиллариданоқ таниқли бахшилар Ражаб бахши Нормурот ўғли, Умир бахши Сафар ўғлидан халқ оғзаки бадиий ижодининг достончилик ва терма ижрочилиги санъати сирларини қунт билан ўрганди. Шу билан бирга, ўзи ҳам достон ва термалар яратиш йўлида тинмай ижод қилди. Кўплаб анъанавий достонларни куйлаш баробарида тарихий ва замонавий мавзудаги достон ҳамда термаларни ҳам яратган [4].

1981 йили Қодир бахши Раҳим ўғли Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига қабул қилинди. 1985 йили эса «Ўзбек халқ оғзаки ижоди» кўпжилдлиги туркумида унинг «Ойчинор» достони чоп этилди. Қодир бахши етмишдан ортиқ халқ достонларини ёддан билган ва маҳорат билан куйлаган. Унинг репертуарида «Алпомиш», «Ёдгор», «Ширин билан Шакар», «Рустамхон», «Муродхон», «Зайдиной», «Балхувон», «Гавҳаройим», «Ойчинор», «Келиной», «Ойч «Мисқол пари», «Равшанхон» сингари пари анъанавий достонлар мавжуд бўлиб, «Ахм савий», «Ота дуоси», «Махтумқули», «Ойша», «Эшқора билан дўстқора», «Даврим фарзанди», «Отибахт полвон» сингари достонларни ҳам яратди [5].

Ўз ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклор институти Фольклор архивида Қодир бахши Раҳим ўғлидан ёзиб олинган «Норгулой» (1982 йил), «Машарой» (1975 йил), «Ойша» (1975 йил), «Келиной» (1975 йил), «Гўрўғли», «Отибанд», «Омон

билан эшқобил», «Гулисанобар», «Ёзи билан Зебо» каби достонлар сақланади. Қодир бахши Раҳим ўғли халқ бахшиларининг I ва II Республика олимпиадаси, ЮНЕСКО томонидан Москва ва Париж шаҳарларида ўтказилган VII ва VIII Халқ ижодиёти Халқаро Конгрессларининг совриндори бўлган. У 1982 йили Олмаота шаҳрида ўтказилган «Шарқ халқлари эпоси мусиқаси» мавзусидаги халқаро анжуманда иштирок этган. Қодир бахши Раҳим ўғли 1986 йили август ойида вафот этган. Қодир бахши Раҳим ўғли халқ бахшиларига қолдирган бой мероси ёшларимиз онгида ватанга муҳаббат, халқпарварлик, меҳнатсеварлик, севги, вафо, содиқлик сингари туйғуларни акс эттирувчи достонлар яратди [6].

Қаҳҳор бахши – ҳозирги ўзбек достончилигининг йирик вакилларидан бири бўлиб, отаси, таниқли бахши Қодир Раҳимовнинг эпик анъаналарини изчил давом эттириб келаётган ижодкор. 1957 йилда Деҳқонобод туманида туғилган. 1983 йил Қарши давлат педагогика институти филология факультетини тамомлаган. 1983 йилдан Бобур номидаги ўрта мактабда ўзбек тили ва адабиёти фанидан ёшларга дарс бериб келади. Қаҳҳор бахши Раҳимов шу йиллар давомида ўқувчиларни илмга қизиқишларини, айниқса адабиёт фанига бўлган ҳавас ва ижодкорлигини ўстириб келмоқда. Мактабда «Ёш адабиётчилар» тўгарагини ташкил қилиб, ўқувчиларининг шеъриятга бўлган иштиёқларини юксалтиряпти. Ёш шоирларнинг туман ва вилоят кўрик-танловлари ҳамда фестивалларида қатнашишларига кўмаклашиб келяпти. Қаҳҳор бахши Раҳимовнинг эпик репертуарида «Алпомиш», «Кунтуғмиш», «Соҳибқирон», «Жархум мастон», «Малла савдогар», «Гўрўғлининг туғилиши», «Зайдиной», «Авазнинг олиб келиниши», «Авазнинг арази», «Хондалли», «Оллоназар-Олчинбек», «Бева Барчин ёхуд Барчин Бекач», «Ёдгор», «Маликаи айёр», «Зарнигор», «Зайидқул», «Шерали билан Эрали», «Муродхон», «Рустамхон», «Болхувон», «Қирқ қасамёд», «Ойсулув», «Чамбил қамали», «Ойтумса», «Балогардон», «Ҳасан-Ҳусан», «Болойим», «Нурали ва Семурғ» каби достонлар ўрин олган. Қаҳҳор бахши томонидан яратилган «Ёдгор» достони, «Аҳмад Яссавий» достони, «Насаф» нашриётида «Қўнғирот» достони, «Алпомишнома» Қашқадарё талқинида ҳамда «Истиқлол» замонавий достони нашр қилинди. Бахши кўплаб хорижий давлатларда ижодий сафарларда бўлган, фестивал, кўрик-танлов ва анжуманларда иштирок этган. Ундан «Ойчинор», «Келиной», «Темур ва Боязид», «Махтумқули», «Самарқанд таровати», «Гавҳари хуштар», «Равшанхон», «Ғуппоной», «Ёзи билан Зебо» каби достонлари бор, бахши 65 достонни ёддан билади. Қаҳҳор бахши томонидан яратилган «Ойсулув», «40 қасамёд», «Малла савдогар», «Оллоназар-Олчинбек», «Бева Барчин», «Ёдгор», «Темур ва Боязид», «Ёзи билан Зебо», «Самарқанд таровати» (улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоийнинг Самарқанддаги ҳаёти ҳақида), «Гавҳари хуштар ёхуд Аҳмад Яссавий», «Махтумқули» каби достонлар ёзиб олинган. «Истиқлол муборак. Ўзбекистоним», «Ўзбекистон Ватаним», «Шаҳрисабз, туйинг муборак», «Зафарли Қашқадарём», «Қаршининг 2700 йиллик тўйига», «Марғилон гўзаллик шаҳри», «Конституция – бахтимиз қомуси», каби 50 дан ортиқ термалар яратган [7].

Хулоса ўрнида шуни такидлаш лозимки, Ўзбек миллий бахшичилик ва достончилик санъатининг ривожланиши Қашқадарё воҳасида ўтган давр мобайнида жамиятнинг маънавият ва маданий қиёфаси бой ахлоқий ҳамда моддий қадриятлар замирида шаклланади. Бу борада бахшичилик мактаби асосчилари Қодир бахши Рахим, Абдукарим Жуйруқ, Мулла Холназар ўғли, Бозор Шерқул ўғли, Хазратқул бахши Худойбердиев, Қаҳҳор бахши Раҳимов ва кўплаб бахшилар ўзлари қолдирган бой мерос билан миллий санъатнинг ривожланиш тарихини муайян давр хусусиятларга боғлаб ўрганиш ва жиддий таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этди.

**Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон бахшилари. – Т.: Ўзбекистон, 2019. – 144 б.
2. https://uzhurriyat.uz. 2019.05.22
3. Йўлдошев Б. Қашқадарё бадиияти. – Т.: Шарқ, 2000.
4. Ўзбекистон бахшилари. – Т: Ўзбекистон, 2019. – Б.34.
5. Равшанов П. Адабий саҳифалар. – Т.: Насаф, 1985
6. Ўзбекистон Республикаси Энциклопедияси. – Т., 1998.
1. Йўлдошев Б. Қашқадарё бадиияти. – Т.: Фан, 1998
7. http://qashqadaryo.uz/

## XX АСР БОШЛАРИДА ҚАРШИ БЕКЛИГИ МАДРАСАЛАРИ ВА УЛАРДА ТАЪЛИМ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ

***Ф.Ф.Қобилов – Қарши давлат университети магистранти***

Ҳозирги глобаллашув даври шиддат билан ривожланиши бизнинг олдимизга янги марраларни қўймоқда. Бу марраларни забт этишда илм-фаннинг ўрни беқиёсдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек: “Биз оила, мактабгача таълим, мактаб ва олий таълимни ҳамда илмий-маданий даргоҳларни бўлғуси Ренессанснинг энг муҳим бўғинлари деб ҳисоблаймиз. Шу сабабли, ушбу соҳаларда тубислоҳотларни изчил амалга оширмоқдамиз”[1]. Юртимизда таълим, илм-фанга эътибор азал-азалдан давлат сиёсати даражасида бўлган. Минг йилдан зиёд тарихга эга бўлган ва бугунга қадар кўпдан-кўп олим-у уламоларни етиштириб бераётган мадрасалар фаолиятини илмий ўрганиш ҳамда ушбу илм даргоҳларидаги тарихий тажрибани бугунги кун замонавий таълим тизимида қўллаш ижобий натижаларни беради.

“Мадраса” сўзи луғавий жиҳатдан “дарс берадиган жой”, “билимгоҳ”, “ўқиш жойи” деган маъноларни англатган. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да эса мадраса сўзи “мактаб”, “ўқув юрти” маъноларини англатиши таъкидланган [2].

Анъанавий таълим тизимининг юқори босқичи-мадрасалар ҳақидаги илк маълумот Абу Бакр Наршахийнинг “Бухоро тарихи” асарида берилиб, Бухоро шаҳридаги Форжак номидаги мадрасанинг 937 йилги ёнғин пайтида ёниб кетгалигини [3] айтиб ўтилади. Ўрта асрларда Бухоро мадрасалари илм маскани сифатида нафақат Мовароуннаҳрда, балки Марказий Осиё, мусулмон шарқида ҳам машҳур эди. Мадрасани муваффақиятли битирганлардан мамлакат бошқаруви, ҳуқуқ-тартибот ва таълим муассасалари учун кадрлар, уламолар етишиб чиққан.

XIX аср охири – XX аср бошларида Бухоро амирлигида амал қилган олий таълим муассасалари савод чиқариш ўчоғи сифатидагина эмас, балки суд тизими, масжид, мадрасалар учун кадрлар тайёрлаш маскани сифатида, диний-ахлоқий қадриятларни шакллантириш, жамиятни маънавий қиёфасини белгилашда ҳам муҳим аҳамият касб этган. Қолаверса мадраса таълими тизимини тарихий-қиёсий чуқур таҳлил қилиш, тегишли хулосалар олиш бугунги кунда ҳам илмий-амалий аҳамиятга эгадир.

Энг йирик мадрасалар амирликнинг маркази Бухоро шаҳрида ҳамда Қарши, Ғиждувон, Шаҳрисабз, Шеробод шаҳарларида, Шарқий Бухоро бекликлари марказларида фаолият кўрсатган. Умуман, Бухоро амирлигида юзлаб мадрасалар мавжуд эди [4].

XX аср бошларида бу ўқув даргоҳлари унда қандай унвондаги мударрис дарс бериши ва унинг моддий таъминотига қараб тоифаларга ажратилган ҳамда Бухоро мадрасаларига ўхшаб олий, ўрта ва қуйи мадраса каби турларга бўлинган.

Олий мадрасаларда охунд, аълам ва муфти (муфтий) дарс ўтган. Ўрта мадрасаларда банораспўш мударрислар, қуйи мадрасаларда эса дарс берувчилар оддийгина мударрис дейилган.

Охунд – дарс берувчиларнинг энг юкори унвони хисобланган. Абдуллахон мадрасасида дарс берган.

Аълам – охунднинг ўринбосари, муфтийларнинг раиси. Мадрасайи Олийда дарс берган.

Муфти – зарурат туғилганда мухим масалаларда фатво чикариш даражаси ва хукукига эга булган олимдир. Улар Мир Бекойбий ва Сарой мадрасаларида дарс берган.

Аълопўш – таълим сохасида етарли тажриба орттириб, илмда юқори даражага кўтарила олган мударрислардир Муфтийлар уларнинг орасидан танлаб олинган.

Мударрис – унвонсиз ўқитувчилар хисобланиб, колган мадраса ва ҳужраларда дарс берган.[5]

Олий ўқув таълими тизимида ўқиш муддати бир йилда олти ой давом этган. Ўқув мавсуми вилоят Қози судурининг олий хукмдорга мурожаати билан бошланган [6].

Судур – Бухоро шаҳри тасарруфидан ташқаридаги мадрасалар фаолиятида худди садр каби вазифаларни бажарган [7].

Бу даврда Бухоро мадрасаларида ўқиш кунлари шанба, якшанба, душанба ва сешанба кунлари ҳамда таътил кунлари чоршанба, пайшанба ва жума кунлари бўлган. Жума мусулмонларнинг байрами бўлиб, шу куни ҳамма ибодатга тайёргарлик кўрган ва бу кунни толиби илмлар учун ўзига хос амалий машғулот бўлган дейиш мумкин. Ўқиш соати эса бомдод намози ва нонуштадан кейин бошланиб, ҳар бир мадраса кун тартибини ўзи белгилаган [8].

Қарши беклигида ҳам XIX аср охири – XX аср бошларида Бухоро амирлиги таълим тизимига хос мадраса таълими шаклланган эди. Бугунги кунгача Қаршида фаолият кўрсатган мадрасалар ва ўқитиш тизими ҳақида шу даврнинг йирик вакиллари ва тарихчилари Амир Саййид Олимхон [9], Муҳаммад Али Балжувоний [10], А.Фитра т[11], чет эллик сайёҳлар, жумладан Ю.Скайлер [12], журналист В.Соснин [13] асарларида баъзи маьлумотлар мавжуд.

Мустақиллик йилларида эса бу мавзу тарихчи олимлар Қ.Ражабов, Ш.Ҳайитов, А.Жуманазар, Ф.Бобожонова ҳамда Қ.Насриддиновлар тадқиқотлар олиб боришган. Бу борада тарихчилардан О.Жўрақулов, П.Равшановларнинг асарларини ҳам тилга олиб ўтиш жоиз.

XIX аср охири – XX аср бошларида Қарши шаҳрида Абдуллахон, Олий (Ю.Скайлер ва В.Соснин асарларида – “Али” деб аталган, лекин бу хато, чунки хужжатларда мадрасанинг номи “айн-ع”, “лом-ل” билан эмас “алиф-ا” билан ёзилган – муаллиф изоҳи), Мир Бекойбий, Абдусамадбой, Сарой, Хотамбой, Чорибой, Юсуф сайёд, Азим сайёд, Мозорча, Хожа гузари, Чорсу, Гули, Шароффбой, Шермуҳаммад, Султон Арши, Султон Фарши, Чаримгар, Қўргонча, Домулла Нур, Ҳожи Қурбон, Ҳожи Абдулазизбой, Бекмуродбой, Киличбой, Қутб шайх, Додхоҳ, Нави Олий, Қозихона, Мир Чаман, Карбос, Қарлуқ, Шаршара, Дукчи, Чақар, Худойдоди, Эшон шаҳид, Кат овул, Саройча, Саидкулбой, Мирза Абдулғаффор, Мулла Турсунбоқи, Хожа Убайд Жарроҳ қорихонаси, Санокул аттор, Ширин хожа, Миср Муҳаммадхон, Мулла Раҳимсўфи каби бир 45 та мадраса [14] фаолият кўрсатган.

Манбаларни ўрганиш давомида шаҳарда XX асрнинг бошларида қурилган яна бир Жумабой мадрасаси мавжуд бўлганлигини кўриш мумкин, лекин ушбу мадраса ҳозиргача сақланиб қолмаган [15]. Юқоридаги маълумотлардан келиб чиқиб, XX аср бошларида Қарши шаҳрида 46 та мадраса мавжуд бўлган деган хулосага келиш мумкин.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, ушбу 46 та мадрасадан 20 таси ҳужра кўринишида бўлган. Ҳужралар масжидга қўшиб ёки алоҳида қурилган бўлиб, ўқув даргоҳлари ҳисобланиб, таълим бериш жиҳатидан мадрасадан фарқ қилмаган.

Абдусаттор Жуманазарнинг "Насаф" рисоласида 1923-1924 йилларда мадрасаларнинг ўн учтасигина сақланиб қолганлиги баён қилинади [16].

Қарши беклиги олий ўқув юртларининг (мадрасалар) моддий таъминоти асоси вақф мулклари эди. Вақф мулкини ҳужжатда кўрсатилган шартлар асосида мутавалли бошқарган. Уни воқиф тайинлаган. Кўп ҳолларда воқифнинг ўзи мутавалли бўларди. Вақф мулклари 3 йилгача ижарага берилган. Вақф мулкларидан ушр солиғи олинган ҳамда бой мадрасалардан тушган тушум вақфсиз мадрасаларга берилган. Баъзи ҳолларда эса маблағсиз, маоши кам мадрасаларнинг мударрислари Қаршининг Абдуллахон ва Олий мадрасалари ҳужраларида ҳужра ҳақи ҳисобига кун кечирганлар. Бу икки мадраса том маънода Қаршининг илмлар уйи бўлган[17].

Қарши мадрасаларида, асосан, аҳлоқий-фалсафий фанлар ўқитилган. Дарсликлар асосини шу йўналишдаги асарлар ташкил этган. Лекин қўшимча ўқув қўлланмалар сифатида тарих, адабиёт, жўғрофия ҳисоб (математика), фалаккиёт, тиббиёт каби бир қанча турдаги асарлар ҳам ўқишга тавсия килинган[18].

Мадрасаларнинг ҳар бири ўз дарслик ва қўлланмаларига ҳам эга бўлган. Қамбар Насриддиновнинг "Қарши Регистони" асарида Абдуллахон мадрасасида ўқитилган китоблар ва дарсликларни келтириб ўтади. Абдуллахон мадрасасида таълим уч босқичли усулда ўтилиб, толиби илмлар хар босқичда 3 - 4 йил ўқиган, мадрасани битириш учун эса 10-12 йил сарф этилган. Фақат пешво (аълочи) толиблargina мадрасани тамомлай олган холос. Ўрта ҳол толиблар эса 20-25 йиллаб ўқишларига тўғри келган[19].

Дастлабки босқичда – саводхонлик асослари. араб тили, масалан, "Аввали илм", "Бидон", "Кофия" дарсликлари, кейинги босқичда шариат ва фиқҳ асослари – Куръони карим ва Хадиси шарифлар - "Ҳидоя", "Фиқҳҳои Аъзам", "Шарҳи мухтасар виқоя турки", "Мухтасар виқоя" ва бошқа китоблар асосида ўргатилган ва ёд олинган. Бундан ташқари, мадрасанинг сўнгги боскичида бу дарсларга яна мантик, Ҳандаса-ҳисоб, тарих, аруз илми, ҳикмат, сўфийлик ҳам қўшиларди[20]. Гарчи, мадрасаларда аниқ ва табиий фанлар ўқитилган бўлсада, уларнинг ўзини алоҳида ўргатишга ихтисослашган мадрасалар бўлмаган. Табиийки, бу даврда Қарши беклигидаги мадрасаларда фойдаланилган дарсликлар Бухоро мадрасаларидан фарқ қилмаган, жумладан Амир Ҳайдар Олий мадрасани қурдиргандан сўнг унда махсус кутубхона барпо этиб, унга 60 жилддан иборат 37 та китоб совға, яъни вақф қилади [21].

Қарши беклиги мадрасаларида дарс даражаси ва илмий доираси мударрисларнинг билими даражаси ва фанларга муносабатига боғлиқ бўлган.

Шунинг билан бирга таълим тизимининг бу босқичида талай муаммолар кўзга ташланади. Жумладан, Муҳаммад Али Балжувоний ўзининг "Тарихи Нофеий" асарида таъкидлаганидек: "Бухоро амирлиги мадрасаларида тафсир, хадис, фиқҳ, калом, усул, сарфу нахв илмларидан иборат бўлган шариат илмлари ривожланган , хикмат илмини ҳам бу ерда зарурат юзасидан ўқитадилар. Бу илми ҳикмат мантик, қисмати илохийлардан иборат бўлган, бироқ риёзий ва сиёсий илмлар азалдан

Бухорода кенг тарқалмаган. Шунинг учун Бухоро давлатининг сиёсати бошқа исломий давлатлар сингари орқада қолгандир” [22].

Бухоро амирлигида ўқитишнинг ягона тизими амал қилганлигини ҳисобга олсак, юқоридаги хусусиятлар Қарши беклиги мадрасалари учун ҳам хосдир. Маърифатпарвар жадидларнинг йирик вакили бўлмиш Фитрат (1885-1938) эса ўзининг “Ҳинд сайёҳининг қиссаси” асарида сайёҳ тилидан: “Сизнинг ўтмиш аждодларингиз ушбу мадрасаларни бечора, камбағал муллабаччалар учун қурганлар, бироқ бугун бойлик илинжида муккасидан кетган кишилар, илм аҳлига тегишли катта пулдорлар мадраса ҳужраларини ўзларининг моллари этиб, уларнинг вақфларини жиғилдонларига урмоқдалар. Ушбу ҳужраларнинг асл эгалари бўлмиш бечораю мискин толиби илмлар эса масжидларнинг бурчак-бурчакларида ғужанак бўлиб ётиб, қотган нон ва совуқ сув билан кун кечирмоқдалар”,[23] дейди ва яна шу асарда адибнинг: “Қарши Бухоронинг ката шаҳарларидан биридир. Илм маориф анқонинг уруғи. Кўпчилик ҳатто хат саводдан маҳрум.”[24] деган фикрларини учратишимиз мумкин.

Тадқиқотчи Ф.Бобожонованинг “Бухоро амирлигида таълим тизими (XIX аср охири ва XX аср бошларида)” номли диссертациясида: “Кўпчилик мадрасаларда ҳужраларнинг камлиги, дарсхоналар ва дарсликлар камлиги, уларда замонавий шарт-шароитлар етишмаслиги, қурилиш ишлари лойиҳалар асосида эмас, балки ўзбошимчалик билан бажарилганлиги, хоналарда ёруғликка эътибор қаратилмаганлиги, қатор муаммолар ва ноқулайликларга сабаб бўлган. Мадрасалар, уларнинг хизматчилари ва мударрислар хизмат ҳақи вақф даромадларига боғлиқлиги мадрасалардаги таълим жараёнида ҳам ўз аксини топган, уларнинг нуфузини белгилаб берган. Натижада қишлоқлар, шаҳар четларидаги мадрасалар пойтахт Бухородаги мадрасалардан катта фарқ қилган. Бу ҳолат талабаларни ўтилган сабоқларни ўзлаштиришида ҳам маълум даражада роль ўйнаган[25].”-деб таъкидлайди.

“Ўзбекистон уламолари” номли асари билан танишиш чоғида XX аср биринчи ярмида Қашқадарё воҳаси ҳудудида фаолият юритган бор-йўғи 3 нафар диний уламо яъни, имом хатиблар ҳақидаги маълумотни учратиш мумкин:

Абдулҳамид Абдулҳақ ўғли – 1873 йилда Шаҳрисабзда туғилган, вафоти номаълум, дастлаб Шаҳрисабз ва Китоб, сўнгра Бухоро мадрасаларида таҳсил олган. XX асрнинг 40-йилларигача бўлган фаолияти ҳақида маълумот мавжуд эмас.

Раҳматуллоҳ Асадуллаев – (1890-1961). Қарши тумани Сактапиёз қишлоғида туғилган. Бухородаги Мир Араб мадрасасида таҳсил кўрган.

Мулла Ҳайитмурод Каримбой ўғли – (1902-1999). Қарши тумани Ниёзмўдин қишлоғида туғилган. Илк сабоқни бобоси Карим сўфидан олган. Кейинчалик Қарши шаҳридаги “Кўкгумбаз” жомеъ масжиди тафтиш аъзоси ва раиси лавозимларида ишлаган.[26]

Кўриниб турибдики, юқоридаги шахслар ичида Қарши беклиги мадрасаларида таҳсил олганларини йўқ. Таъкидлаш керакки, беклик мадрасалари ҳақидаги маълумотларнинг кўпчилигида улар меъморий обида сифатида тилга олиб ўтилган ва яна кўпроқ вақфиялар ҳақидаги маълумотлар сифатида берилган.

Хулоса қилиб айтганда, XX аср бошларида Қарши беклигида ўзига хос мадраса таълими шаклланган бўлиб, уларда ўқув жараёнлари Бухоро таълим тизими йўналишида бўлган. Мадрасаларнинг иқтисодий ва услубий таъминоти турлича бўлиб, бу эса ўз навбатида ўқув жараёнларига таъсир қилган. Бу даврда мадрасалар яхши сақланмаган ёки ўз вазифасида фойдаланилмаган. Қолаверса мадраса таълимини ислоҳ қилиш бўйича, уларда дунёвий фанларни ўқитишни такомиллаштириш ва чет эллардан мутахассисларни таклиф қилиш, ўқув-услубий

тажриба алмашиш каби таклифларни илгари сурган жадидларнинг фикрлари эса инобатга олинмаган.

Дунёнинг ривожланган минтақаларида илмий-техника инқилоби рўй бераётган бир даврда – XX аср бошларида мавжуд ҳукмрон тузум ушбу ислоҳотларни қабул қила олмаган. Бир пайтлар илм ўчоғи бўлган Қарши беклигида бу пайтда илм-фан тараққиёти сустлашиб қолган эди. Зеро 46 та мадраса ва дунё тамаддунига ҳисса қўшган Насафийлар илмий меросини ўзида жамлаган бу беклик янада кўпдан-кўп олиму уламо ва давлат хизматчиларини етказиб бериши мумкин эди..

**Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати**


1. “Халқ сўзи”, 2020 йил 26 декабрь
2. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. 2-ж. – Т., 2006. – Б.521
3. Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахий. Бухоро тарихи . Форс-тожик тилидан А.Расулов таржимаси. – Тошкент: “Фан”, 1966. – Б. 84.
4. Бобожонова Ф.Ҳ. Бухоро амирлигида таълим тизими (XIX аср охири – XX аср бошларида). Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент, 2011. – Б.28
5. Жуманазар А. Насаф. – Тошкент, 2007. – Б.127
6. Шу асар. – Б.131
7. Жуманазар А.Бухоро таълим тизими тарихи. – Тошкент, “Академнашр”, 2017. – Б.57
8. Шу асар. – Б.64
9. Амир Саййид Олимхон. Бухоро халқининг ҳасрати тарихи. – Тошкент: “Fan”, 1991. – 31 б
10. Муҳаммад Али Балжувоний. Тарихи Нофеий. – Тошкент: “Академия”, 2001. – 122 б
11. Фитрат А. Ҳинд сайёҳининг қиссаси. – Тошкент, “Шарқ юлдузи”, 1991 йил 8-сон.
12. Скайлер Ю. Туркистон. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2019. – 335 б
13. Соснин В. Столица кочевая: Наутака-Нахшеб-Карши. – Қарши: “Насаф”, 1996. – 172 б
14. ҚВДА, Ф-129. 1-22-2, 27.
15. Қарши. – Тошкент: “Маънавият”, 2006. – Б.142
16. Жуманазар А. Насаф. – Б.125
17. Ўша асар. – Б.129.
18. Жуманазар А. Насаф. – Б.135
19. Насриддинов Қ. Қарши Регистони. – Тошкент: “Тошкент ислом университети”, 2014. – Б.86
20. Насриддинов Қ. Кўрсатилган асар. – Б.86
21. Жуманазар А. Насаф. – Б.134
22. Балжувоний М.А. Тарихи Нофеий. – Тошкент: “Академия”, 2001. – Б.33
23. Фитрат А. Кўрсатилган асар. – Б.20
24. Шу асар. – Б.27
25. Бобожонова Ф. Кўрсатилган асар. – Б.147
26. Йўлдошхўев Ҳ., Қаюмова И. Ўзбекистон уламолари. – Тошкент: “Мовароуннаҳр”, 2015. – Б.410-412.

# 1991-2021 ЙИЛЛАРДА ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИДА ЯНГИЧА ИЖТИМОИЙ МЕХАНИЗМНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА АҲОЛИ МОДДИЙ ДАРОМАДЛАРИНИНГ ЎСИБ БОРИШИ

**А.Ҳ.Равшанов – мустақил тадқиқотчи, Қарши давлат университети**

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон ҳукумати томонидан мамлакат иқтисодий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда янгича ижтимоий механизмни шакллантириш, аҳоли ҳаёт даражаси кескин пасайиши олдини олиш, уни ижтимоий ҳимоялаш сингари муҳим вазифаларни амалга ошириш учун чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Мустақиллик шароитида Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўта бошлаши ҳам халқнинг турмуш тарзига, оилаларнинг иқтисодий аҳволига бевосита таъсир кўрсата бошлади. Ислоҳотларнинг дастлабки йилларида ижтимоий соҳага оид бир қатор ҳуқуқий ҳужжатлар, хусусан, пенсия таъминоти, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам ҳамда истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилишга оид қонун, қарор ва фармонлар қабул қилинди. Мисол учун, 1992-1996 йилларда фақатгина иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендияларни ошириш бўйича 10 дан ортиқ Президент фармони ва республика ҳукуматининг 5 та қарори қабул қилинди. [1] 1992 йил 26 декабрда Вазирлар Маҳкамасининг “1993 йил 1 январдан меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасини жорий этиш тўғрисида”ги қарори ва иш ҳақи, пенсияларнинг энг кам миқдоридан солиқ олинмаслигининг жорий этилиши, шунингдек, қўшимча ижтимоий имтиёзлар: бошланғич синф ўқувчилар, ёлғиз пенсионерлар ва икки ёшгача болаларга бепул овқатланиш, ўқувчи ва талабалар учун овқатнинг арзонлаштирилиш амал қилди. Айрим тоифадаги фуқароларга турар жойлар шахсий мулк қилиб берилди, Баъзи турдаги коммунал тўловларда енгилликлар жорий қилинди. Масалан, биргина Қарши туманида 1992 йили жами 16385 киши, жумладан, 9621 та ёш бўйича, 240 та Иккинчи жаҳон уруши ногиронлиги учун, 315 та ногиронлиги учун нафақа олди. [2] . .

Истиқлол йилларида Қашқадарё вилояти аҳолисини ичимлик сув, электр энергия, табиий газ, канализация ва иситиш тармоқлари билан таъминлашга алоҳида эътибор берилди. Йиллар давомида ичимлик сув ва газ қувурлари ётқизилди, аҳолининг турмуш даражасини яхшилашга ҳаракат қилинди. Вилоят аҳолисини ичимлик сув билан таъминланиш 1991 йилдаги 52,7%[3] дан 1999 йил 72.1 %га кўтарилди. 1999 йил вилоят шаҳарларининг ичимлик суви билан таъминланиши 85.1%ни ташкил этди. Кейинги йилларда эскирган сув қувурлари таъмирланиб, янги сув тармоқлари фойдаланишга топширилди. Масалан, вилоятда 2014 йилда 91,2 км, 2015 йилда 110,8 км ва 2016 йилда 87,8 км сув тармоқлари фойдаланишга топширилди [4]. . .

Иқтисодий ўзгаришлар аҳоли моддий фаровонлиги ошишига бевосита таъсир қилди. Воҳада аҳоли пул даромадлари 2006 йилда 2002 йилга нисбатан 251,3%га ошди. Бу эса вилоят аҳолиси харид қобилиятига ижобий таъсир қилди. 2006 йилда якка тартибда 4 млн 549 минг$^2$ метр уй-жой 2200 та дала ҳовли қурилди. Вилоятда бандлик муаммосига, кам таъминланган оилаларни барқарор даромад манбалари билан таъминлашга, умуман, ижтимоий муҳофаза масалаларига оид маълум ишлар олиб борилди. 2004 йилда 53,2 мингта, 2005 йилда 55,2 мингта янги иш ўрни яратилган бўлса, 2006 йилда бу рақам 67,2 мингтани ташкил қилиб, шу жумладан қишлоқ жойларда 58,6 минг иш ўрни яратилди.[5]

Мустақиллик йилларида воҳа аҳолисини уй-жой билан таъминлаш мақсадида ер-участкалари бериш, турар-жой бинолари қуриш ва мавжуд биноларни таъмирлаш ишлари амалга оширила борди. Айниқса, кейинги йилларда ҳам бу борадаги ишлар

изчиллик билан амалга оширилди. Вилоят бўйича 2015 йилда 1037.8 минг кв. км., 2016 йилда эса 1169.9 минг кв. км. уй-жойлар қурилиб, фойдаланишга топширилди.[6] Намунали лойиҳалар асосида қурилган уйлар вилоятдаги қишлоқлар қиёфасини тубдан ўзгартириб юборди. 2009-2016 йиллар давомида 92 та массивда намунали лойиҳалар бўйича 7,5 минг хусусий уйлар барпо этилди.

Қашқадарё воҳаси бир-биридан фарқ қиладиган ижтимоий-иқтисодий ҳудудларга ажратилади. 1. Юқори марказий ҳудуд. (Шаҳрисабз, Китоб, Қарши). Бу ҳудуд иқтисодий ривожланганлиги туфайли ижтимоий ривожланиш кўрсаткичлари ҳам юқори ҳисобланади. Бу ерда нисбатан унумли ерлар, сув манбаларининг етарлилиги, ривожланган агросаноатга эгалигини кўриш мумкин. 2. Марказий ҳудуд. (Чироқчи, Деҳқонобод, Қамаши, Ғузор ва бошқа туманлар). Бу ҳудудда қурғоқчилик даражаси юқори бўлиб, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси нисбатан пастроқ саналади. 3. Ғарбий қисм (Муборак тумани). Бу ерда аҳоли нисбатан сийрак бўлиб яшаса ҳам аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадлар, аҳолининг бандлик даражаси, сув ва газ билан таъминланганликнинг нисбатан юқори кўрсаткичлари билан характерланади [7]

Қашқадарёда қишлоқ жойларидаги инфратузилмани ривожлантириш масаласи ҳам долзарбдир. Ўзбекистон аҳолисининг 49,4% қисми қишлоқ жойларда яшаса, Қашқадарё вилоятида бу кўрсаткич 57%ни ташкил қилади. Воҳада 1041та қишлоқ аҳоли пунктлари мавжуд бўлиб, сўнгги йилларда вилоятда асосан, қишлоқ аҳолисининг шаҳарликларга нисбатан юқори ўсиш тенденцияси кузатилмоқда. [8]

2020 йилда жами вилоят аҳолисидан (сони 3 млн 318 минг нафар) меҳнатга лаёқатли, иқтисодий фаол аҳоли 1 млн 364 минг 500 кишини ташкил қилди. Бундан ташқари, бутун аҳолининг салмоғида 18-20 ёшгача бўлган ёшлар сони 780 минг 642 нафардир. Бундан кўриниб турибдики, кўп сонли вилоят ёшларини иш билан таъминлаш, уларнинг истеъдодини юзага чиқаришда ва умуман олганда, ёшларни жамиятда ўз ўрнини эгаллашга кўмаклашиш муҳим масалалардан бири саналади.

2020 йил Қашқадарё вилоятида расман ишсиз фуқаролар деб қайд этилган шахслар 154 минг дан ортиқни ташкил қилиб, иш билан банд бўлганлар: расмий секторда 462 минг, норасмий секторда 746 минг кишини ташкил қилади. Хорижга ишлаш учун чиқиб кетганлар 167 минг 300 кишидан ортиқ. Маълумот ўрнида, 2020 йилнинг бошида вилоятда ишсизлик даражаси 9,1 фоизни ташкил этган бўлса, пандемия даврида эса иш ўринлари йўқотилгани боис бу кўрсатгич 13,4 фоизга етган. Айни вақтда эса ишсиз фуқаролар сони 11,4 фоизни ташкил этмоқда. 2019 йилда жами 7270 нафар кишига ишсизлик нафақаси тайинланган бўлса, 3137 нафар киши ишга жойлаштирилди.

Воҳа аҳолиси даромадларининг ўсиш даражаси ошиб борди. Вилоятда 2010 йилда ишчи-хизматчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи суммаси 862,8 минг сўм бўлган бўлса, 2017 йилга келиб, 1070,8 минг сўм(24,1%)га кўпайганлиги аниқланди. Вилоятнинг Муборак, Ғузор туманлари ва Қарши шаҳрида аҳолининг ўртача ойлик иш ҳақи нисбатан юқоридир. Бу уларда аҳоли бандлиги, яратилган иш ўринлари сони бўйича бошқа ҳудудларга қараганда анча юқори улушга эгалигидан, вилоят аҳолисининг Муборак ва Ғузор туманларидаги йирик саноат корхоналарида бандлиги таъминлан-ганидан далолат беради.

Вилоятда ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламига ажратилган нафақалар динамикасини кўриб чиқадиган бўлсак, биргина 2017 йилда вояга етмаган болалари бўлган оилаларга белгиланган нафақалар 2016 йилдагига нисбатан 107,4%, икки ёшгача болаларга бериладиган нафақалар 103,2%, кам таъминланган оилаларга бериладиган моддий ёрдам 116,5%га ошди. [9]

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш “Ҳаракатлар стратегияси”да аҳолига мажбурий ижтимоий кафолатларни таъминлаш, кам таъминланган оилалар сонини ва аҳоли даромадлари бўйича фарқланиш даражасини янада қисқартириш юзасидан тўртинчи вазифа – ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устивор йўналиши белгиланди. Бу ўз навбатида бюджет, аҳолининг пул даромадлари, иш ҳақи, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар ҳажмини инфляция суръатларидан юқори миқдорда изчил ошириш каби устивор вазифаларнинг асосий омили бўлиб ҳисобланди.

Хулоса. Истиқлол йилларида Қашқадарё вилояти аҳолисининг турмуш шароитини яхшилаш мақсадида давлат томонидан қатор тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилди. Йиллар давомида вилоятнинг ижтимоий инфратузилмаси яхшиланиб борилди. Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида республика бюджетидан узлуксиз маблағлар ажратилди. Вилоятнинг ишсизлик даражаси юқори ҳудудларида аҳоли бандлигини ошириш, пул даромадларини кўпайтириш, янги иш ўринларини яратиш, шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, касаначилик, хизмат кўрсатиш ва сервис, фермер ва деҳқон хўжаликларини ривожлантириш ҳамда улар фаолиятини янада ривожлантириш талаб этилади. Фақат моддий ёрдамнинг ўзи аҳоли қатламлари турмуш тарзини ва пул даромадларини ошириш имконини бермайди. Бунинг учун жойларда кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш, касаначиликни, ўз томорқа ерларидан унумли фойдаланиш ва ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадга мувофиқдир.

**Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати**

1. Акрамов Э. Таиров А. Экономические реформы Республики Узбекистан. – М., 1998 – С.61.

2. ЎзРПДАҚВФ, 846-жамғарма, 1-рўйхат, 1-иш, 58-варақ.

3. ҚВҲА, 829-фонд, 1-рўйхат, 85-иш, 55-56-варақлар.

4. Қашқадарё вилоят ижтимоий-иқтисодий паспорти. Қарши, 2017 йил. – Б.15.

5. Қашқадарё вилояти истиқлол йилларида. Муаллифлар гуруҳи раҳбари А. Эркаев. – Тошкент: Маънавият, 2007 йил – Б.36.

6. Қашқадарё вилоят Статистика бошқармаси жорий архивининг маълумот папкаси.

7. Қашқадарё вилояти социологик тадқиқоти. – Қарши, 2007. – Б.7-8.

8. https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/demography-2Hududlar bo’yicha shahar va qishloqlar aholisi soni

9. Баҳромова Д. Аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг асосий йўналишларини иқтисодий-статистик таҳлили(Қашқадарё вилояти мисолида) – Тошкент, 2018. – Б.63.

## БУЮК ИПАК ЙЎЛИНИНГ ЖАҲОН ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ ТАРИХИДА ТУТГАН ЎРНИ

**Ш.А.Якубова – т.ф.ф.д., доцент. “ТИҚХММИ” Миллий тадқиқот университети Қарши ирригация ва агротехнологиялар институти ўқитувчиси**

Айрим тадқиқотчиларнинг фикрларига қараганда Яқин ва Ўрта Шаркдаги турли ўлкалар ва тарихий-маданий вилоятларни боғлаб турувчи маълум маънодаги карвон йўллари тартиби ҳамда маданий, сиёсий, мафкуравий ва иқтисодий алоқалари илдизи неолит даври (милоддан аввалги VI-IV минг йилликлар) билан боғланади. Чунки айнан мана шу даврда Ўрта Осиёда илк деҳқончилик маданияти

пайдо бўлиб янги ерлар аҳоли томонидан жадаллик билан ўзлаштириб борилади. Бу жараён бронза даврига келиб янада кучаяди.

Бронза даврга келиб Ўрта Осиёда кўп сонли қабилалар ва этник гуруҳлар жойлашган бўлиб, Қорақум ва Қизилқум чўлларининг ички ҳудудлари ҳамда Помир ва Олойнинг юқори минтақаларидан ташқари барча ҳудудлар ўзлаштириб бўлинган эди. Бу ҳудудлардаги моддий маданият умумий ҳолатда икки гуруҳ чорвачилик хўжалиги соҳиблари бўлган Андронова тарихий-маданий жамоалари(шимолий минтақа) ва деҳқончилик хўжалиги юритган Намозгоҳ тарихий-маданий жамоаларига (жанубий минтақа) бўлинади. Улар ва уларга қўшни бўлган ҳудудлар ўртасида алмашинув савдо муносабатларининг жадаллашувига имконият яратди. Маълум ҳудудларда тайёрланган маҳсулотлар ёки хом ашёнинг бошқа бир ҳудудлардан топилиши шу жараёндан далолат беради. Мисол учун Андронова маданиятига хос идишлар Марғиёна, Бақтрия, Сўғдиёна ҳудудларидан топилган бўлса, Хоразмда тайёрланган сопол ва металл шимолий ҳудудларда кўплаб учрайди. Замонбобо ва Гужайли ёдгорликларидан Бадахшон ложувардидан тайёрланган маҳсулотлар топилган (Замонбобо - қуйи Зарафшон бўйи, Гужайли - қуйи Қашқадарё) [1].

Савдо-сотиқда асосий воситачи сифатида танга пуллар ишлатилганга қадар муомалада қандай буюмлар ишлатилган. Қадимги тош асрида (палеолит) айирбошлаш муомаласи асосан тош қуроллар билан чегаранилган.

Кавказортига хос буюмларнинг шимолий ҳудудларда учраши ёки Қрим ярим ороли маконларидаги қуролларнинг Рус текислигида пайдо бўлиши бунга мисол бўла олади.

Ўзбекистон ҳудудида савдо-сотиқнинг дастлабки кўринишлари (Навоий вилояти) Учтут устахоналарида ишланган меҳнат қуролларида кузатилади. Юқори палеолит ва айниқса мезолит (ўрта тош) асридан бошлаб мол айирбошлаш ва муомалада суякдан ясалган қуроллар ва ҳайвонлар ҳам ишлатила бошлаган.

Энеолит (мис-тош) ва айниқса бронза асридан бошлаб ҳунармандчиликнинг ихтисослашуви туфайли минтақалараро савдо ва айирбошлаш юзага келди. Ўлкаларни иқтисодий жиҳатдан боғлаб турган табиий савдо йўллари пайдо бўлди. Танга пуллар пайдо бўлгунга қадар савдо-сотиқ ва айирбошлаш жараёнида қорамол, қимматбаҳо тошлардан ясалган тақинчоқлар,қуйма кумуш ва олтин ёмбилар эквиалент бўлиб хизмат қилди.

Кўпчилик тадқиқотчилар бу йўлни “Ложувард йўли” (Лазурит, Лаъл) деб атайдилар. Бронза давридаги Ўрта Осиёнинг савдо йўлларидан бири Бақтрия ва Марғиёнани қадимги Хоразм, Сўғдиёна, Марказий Қозоғистон ва Урал билан боғлаган. Милоддан аввалги III минг йилликда Мессопатамияда Бадахшон ложуварди машҳур бўлган.Тадқиқотчиларнинг фикрича ўша даврдаги яна бир йўл Бадахшондан  жануби-шарққа томон Афғонистон орқали Ўрта Осиёнинг қадимги халқларини Месопотамиянинг шаҳарлари - Ур, Урук, Кеш, Лагаш ва бошқалар билан боғлаган. Милоддан аввалги II минг йилликка келиб Фарғона ва Шош ҳудудлари ҳам қадимги Шарқ билан алоқалар ўрнатади.Археологик тадқиқотлар натижаларига кўра бу даврда Месопотамия шаҳарларидан чиққан савдо йўллари Эрон ва Жанубий Туркманистон орқали Бақтрия ва Сўғдиёнадан ўтиб Фарғонага келган. Бу йўлнинг бир тармоғи Фарғонадан шарққа Довон орқали Синсзян, Шимолий Хитойга кетган [2].

Бронза даври йўлларида қатнаган от, эшак, туя карвонлари орқали қимматбоҳо тошлар, фил суяги ва ундан ишланган буюмлар, тақинчоқлар, баъзи ҳолларда майда чорва ва ғалла ташилган. Турли ҳудудлардан топилган археологик топилмалар шу жараёнлардан далолат беради.

Милоддан аввалги I минг йилликнинг биринчи ярмига келиб Греция ва Мисрдан Ўрта Осиё ва Ҳиндистонга қадар улкан ҳудудларда ташкил топган аҳмонийлар давлати кўпгина давлатлар, халқлар ва элатларнинг турли томонлама муносабатларида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бу ўринда айниқса бу даврда пайдо бўлган ва тарихий адабиётларда “Шох йўли” деб аталувчи йўлнинг аҳамиятини ҳам таъкидлаш жоиздир. Бу йўлнинг бир тармоғи милоддан аввалги VI-IV асрларда Кичик Осиё шаҳарларини ҳамда Ўрта Ер денгизи бўйидаги Эфес, Сарди шаҳарларини Эроннинг марказларидан бири Суза билан боғлаган бўлса, яна бир тармоғи Эронддан Бақтрия орқали Сўғдиёна, Тошкент воҳаси ва Қозоғистон ҳудудларидан ўтиб Олтойгача борган. “Шоҳ йўли” дан ташқари “Чўл”, “Нефрит”, “Олтин” йўллари ҳам мавжуд эди. “Олтин йўли” академик А.Сагдуллаевнинг фикрича Қурама ва Олтой тоғлари бойликлари шарафига бу ном қўйилган бўлиб, Зарафшон орқали Поп ва Заркентга борар эди. Яна бир академик олимимиз Аҳмадали Асқаров фикрича бу йўл Сибирга йўл эди. Довон (Фарғона) дан ўтиб, Иссиққўл қирғоқларидан олтин ташилган. “Кумуш йўл” орқали Марказий Осиё кумуши билан карвонлар Болгар давлати, Киев ва Европа давлатларига борар эди.

Ғарб билан Шарқнинг бир неча минг йиллар давомида бир-бирига боғлаб келган ана шундай қадимги йўллардан бири – “Буюк ипак йўли” дир. Ушбу йўл фанга “Ипак йўли” номи билан XIX асрнинг 70-йилларидан бошлаб немис олими Фердинанд фон Рихтгофен томонидан киритилди. Унга қадар бу йўл “Ғарбий меридионал йўл” деб аталар эди [3].

Қадимги карвон йўлларидан кимлар юрганлиги ҳам диққатга молик. Шубҳасиз, булар орасида савдогарлар, элчилар ва ҳажга борувчилар кўпчиликни ташкил этган. Бундан ташқари, сайёҳлар, дарвешлар, хат ташувчилар, жангчилар ҳам бу қадим йўллардан фойдаланишган, қароқчи – йўлтўсарлар изғиб юрган.

Буюк ипак йўлининг асосий ва тармоқли қисмларини табиий ва иқтисодий географаия, этнография, археология, экология каби фанларнинг назарий ва методологик асосларига таяниб тадқиқ этиш, карвон йўлларининг ҳар иккала томонида туташган майдонларнинг табиий-экологик ва ўлкашуносликка оид хариталарини тузиш, унга ноёб табиат ва кишилар қўли билан бунёд этилган тарихий-археологик обида ва ёдгорликларни, қадимги йўлларнинг кўринишларини тушириш лозим.

Қадимги Ғарб – Рим, Афина дунёнинг энг шарқий чегариси деб Ўрта Осиё ҳудудларини худди шунингдек, Шарқ-Хитой эса “Ғарбий мамлакатлар” деб айнан бизнинг диёримизни билар эдилар. Демак, Ўзбекистон Ғарб билан Шарқ учрашган диёр, икки дунёнинг яқинлашувида,инсоният цивилизацияси яхлитлигида Ўзбекистоннинг хизмати буюкдир. Дарҳақиқат, Ғарб – Европа ва Шарқ – Осиё цивилизацияси қачон бир-бири билан учрашди.

Милоддан аввалги VI-V асрларда яшаган юнон тарихчиси Гекатей “Ернинг кўриниши” асарида Осиё, Шарқ дунёсининг таърифини берган. Юнонлар Ҳиндистоннинг ғарбий ҳудудлари ва Помир тоғларини Осиёнинг чегараси сифатида, у ерлардан шарқда эса ҳаёт йўқ, қоронғулик ва зулматдан иборат чексиз Океан деб тасаввур қилишган.

Худди шунингдек, Гекатейдан ярим аср кеийн, милоддан аввалги V аср ўрталари ўзининг “Тарих” асарини яратган, тарих илмининг отаси номи билан машҳур бўлган Геродот ҳам Хитойнинг борлигини билмас эди. “Қуёш чиқишидаги биринчи халқ бу-ҳиндулардир, уларнинг шарқроқ ҳудудлари қумли саҳролардан иборат бўлиб, у ерларнинг қандайлигини ҳеч ким айта олмайди ”, - деб ёзади Геродот.

Лекин юнонлар ва Рим тарихчилари бизнинг юртимизни - “Бақтри”, “Хоразм”, “Сўғдиёна”, “Мароканда”, “Ксениппа”, “Наутака”, “Сисиметр қояси”, “Саклар”, “Окс ва Яксарт”, “Оксиарт ва Рокшанак”ларни дунёга машҳур қилдилар.

Демак, минг йиллар давомида Ғарб дунёнинг шарқий чегаралари деб бизнинг юртимиз ҳудудларини билган [4].

Хитой цивилизацияси узоқ асрлар давомида ташқи дунёдан ажралган ҳолда мустақил ривожланди. Ушбу алоҳидалик ҳатто милоддан аввалги VI-V асрларда яшаган Конфутсий фалсафасида ҳам ўз аксини топди. Унга кўра, дунёнинг асоси мутаносиблик ва номутаносибликлардан иборат бўлган. Бу нима дегани? Конфутсий тилга олган бу тушунчалар дунёга эмас, фақат Хитойга тааллуқлидир.

Мутаносиблик, бу Хуанхе ва Янсзи дарёлари ҳавзаларидаги унумдор ерлар ва у ерларда жойлашган ўтроқ деҳқонлар бўлиб, , милоддан аввалги II асрда Хитойда ҳукмронлик қилган Хан сулоласи маълум сиёсий мақсадлар билан Туркистонга Чжан Сзянни элчи қилиб юборган. Элчига Хитой манбаларида Даюэжи (Улуғ юэжи, Улуғ тўхорийлар давлатига бориб унинг ҳукмдорини Хун империясига қарши курашда ҳамкорлик қилишга даъват этиш номутаносиблик эса воҳанинг шимоли ва ғарбий чегараларидаги қумли саҳро ҳамда даштлар, у ерларда умргузаронлик қиладиган кўчманчи чорвадорлар эди. Бу икки дунё бир-бирларига қарама-қарши қўйилган эди ва шу сабабдан ҳам уларнинг ўзаро муносабатлари аксарият даврларда тинимсиз жанглар тарихидан иборат бўлди.

Хитойнинг “Ғарбий мамлакатлар”ни кашф этиши “Буюк ипак йўли”нинг очилиши билан узвий боғлиқдир.

“Буюк ипак йўли” қачон ва қаерда шаклланди? Ушбу 1877 йили Германияда, немис географи Фердинанд фон Рихтгофеннинг “Хитой” асари нашрдан чиқди ва ушбу китобда илк бор “Буюк Ипк йўли” атамаси тилга олинди. Немис олимининг нияти оқлигиданми ёки бутун дунё географлари тилининг учида турган атамани жойига қўйиб, ўз вақтида айтганиданми - “Буюк ипак йўли” атамаси тез орада оммалашиб кетди ва тарихда абадий қолди.

Саволга жавоб қидириш учун бир-бири билан боғлиқ икки воқеликни эслашни жоиз деб биламиз.

Биринчи воқелик. Милоддан авваалги II асрда Янсзи ва Хуанхе дарёлари оралиғида вужудга келган Хан давлати куч-қудратга тўлаётган бир даврда, “Самовий империя” тузиш ниятида ён-атрофига ҳамла қилаётган ҳукмдор “сирли Ғарб” ўлкаларига Чжан Сзян номли шахсни элчи ўрнида жўнатган. У 13 йиллик сафардан сўнг, милоддан аввалги 126 йили омон-эсон император саройига қайтиб келди. Сўзсиз Чжан Сзян жуда истеъдодли ва ўта синчков шахс эди.

Маълумки унга жосус вазифаси топширилганди. Аммо мазкур давлатга бориш учун у албатта Хунлар таъсиридаги ҳудудлардан ўтиши лозим эди. Чжан Сзян Хитойнинг пойтахти Чанғандан милоддан аввалги 138 йили йўлга чиқиб, милоддан аввалги 127 йили Фарғона давлатига етиб келган. Шу орадаги 11 йил давомида у Хунлар юртида асирликда бўлган [5].

Хитой элчиси асирликдан қутулгандан сўнг, фарғонага етиб келади. Бу ерда у кўп янгиликлар билан танишади.Ширинликда тенги йўқ бўлган Фарғона узуми ва унинг сувидан тайёрланган ичимлик шифобахш эканлиги Чжан Сзянни ҳайратга солди. Элчи милоддан аввалги 126 йилда Чанғанга (ҳозирги Шиан шаҳри) қайтиб борганида Хан сулоласи ҳоқони Удига ( милоддан аввалги 140-85 йиллар) узумнинг ширинлиги ва шифобахш эканлиги, ундан тайёрланган мусаллас ҳам инсон соғлиги учун фойдали эканлиги ҳақида мамнуният билан сўзлаб берган ва бу ўсимликни мўъжиза деб таърифлаган. Бу ҳақда хитой тарихчиси Лю Йингшенг қуйидагиларни ёзадаи: “Чжан Сзян ғарбий мамлакатларга элчи бўлиб борганида Доонда узумдан

кўп миқдорда ароқ ишлаб чиқарилишини, бойлар сақлайдиган узум ароғининг ҳажми баъзида 10 минг пуддан ошишини кўрган. Қадимда Хитойда ишлаб чиқарилагн ароқнинг қуввати нисбатан паст бўлибгина қолмасдан, балки у осонгина ачиб, бузилиб қолар эди. Довонда бойлар сақлаган узум ароғи бир неча йил турса ҳам бузилмас экан... Қайтишда элчи узум токидан Хитойга олиб кетиб, Удига тақдим қилди. Уди узум токини сарой боғига экиб қўйишни буюрди".

Удининг фармони билан экилган ток кейинчалик кўпайтирилган. Фикримизча, Чжан Сзян токни ўстириш технологиясини ҳам яхши ўрганиб келган бўлиши керак. Шундан маълумки, узумнинг Хитойга тарқалганига 21 асрдан кўпроқ вақт бўлган.

Чжан Сзян ватанига қайтиб келганида узумни замонавий хитой талаффузида "путуо, қадимги талаффузда "будав", узумдан тайёрланган ичимликни эса "путуо жю" деб атаган. Иккинчи атамадаги "жю" ароқ сўзининг эквиваленти ҳисобланади. Лекин хитой тилида ушбу атама барча қувватли ичимликларга ишлатиладиган умумий ном ҳисобланади. Узумнинг Хитойга тарқалиши билан унинг номи хитой тилига кириб борган. Айрим хитой олимлари қадимий форсий тилда узум "буда", юнон тилида "будрувз" деб аталганлигини ҳисобга олиб, Чжанг Сзян мана шу номларнинг биронтасидан олган бўлса керак, деб тахмин қилишади.

Узум ўстириш Хитойга тарқалиши билан бирга, ушбу мамлакатда ундан мусаллас ишлаб чиқариш услуби ҳам ўзлаштирилди.

Беданинг Хитойга тарқалиши ҳам Чжан Сзяннинг Фарғонага биринчи марта келиши ва бу ерда тезчопар тулпор отларни кўриши билан боғлиқ бўлган.Чжан Сзян Фарғонада кўрган тулпор отлар тезликда ва узоққа чопишда мўғул отларидан катта фарқ қилган. Шу боис элчи тулпорларни боқиш услуби билан яхши танишган. Чжан Сзянга фарғоналиклар тулпор отларни боқишда ишлатиладиган беда янгилик бўлиб кўринган. Ватанига қайтиб кетишида у ўзи билан беда уруғини олиб кетган[6].

Чанғанга қайтиб боргандан сўнг Чжан Сзян Уди ҳоқонга тулпор отлар ва уларни боқиш учун муҳим аҳамият касб этадиган ўсимлик-беда ҳақида барча кўрган – эшитганларини сўзлаб берган.

Жосуслик вазифасини ўтаган элчининг,ҳатто бирор-бир диққат эътиборга арзигулик икир-чикирлар ҳам четда қолмаган ҳисоботидан император Уди ва сарой аҳли ҳайратга тушди. Император Чжан Сзянга "Буюк саёҳатчи "титулини берди. Илк бора "Самовий империя" аёнлари сирли, афсонавий "Ғарб мамлакатлари" - Даван (Фарғона), Кан (Сўғдиёна), Кансзюй (Хоразм), Дася (Бақтрия), Анси(Парфия), Шенду(Ҳиндистон) давлатлари ҳақида ажойиб-ғаройиб ҳикояларни эшитдилар. Айниқса, Чжан Сзяннинг Фарғонанинг бўйи икки метрдан ошадиган баҳайбат, ўта бақувват, елдек учадиган "самовий отлар"и тўғрисидаги ахбороти ҳаммани ҳайратга солди. Чунки, Хитой аҳли ўша даврларда одам минганда чавандознинг оёғи ерга тегиб турадиган, ҳарбий юришлар у ёқда турсин, ҳатто кундалик ҳаётда ҳам ҳеч вақога ярамайдиган пакана, митти пони отларини билар эдилар. Бу ахборот, айниқса, император Удини қизиқтириб қолди [7].

Иккинчи воқелик. Хитой ҳоқони элчининг гапини эшитиб дарҳол шундай тезчопар отлар билан қўшинни таъминлаш режасини туза бошлаган. Шу боис Уди тулпор отларни олиб келишдан олдин уларнинг асосий озуқаси бўлган бедани ҳам сарой ёнидаги боққа экишга ва шундан кейин уни кўпайтиришга фармон берган. Орадан кўп ўтмай Хитойда беда экиш кенг тарқала бошлаган.

Чжан Сзян Фарғонадан қайтиб келгандан сўнг император Уди шимолдан мамлакатга таҳдид солиб турган туркий Сюан қабилаларига қарши курашишда ва юрт сарҳадларини кенгайтишда муваффақият қозонишнинг ягона имконияти, бу ўз армиясини Фарғона отлари билан қуроллантириш эканлигини дарҳол тушунди, ва

уларни сотиб олиш учун олтин пуллар билан ғамланган катта савдо карвонини Ғарбга –Давонга жўнатди. Бу воқелик милоддан аввалги II асрнинг сўнгги чорагида юз берди, шу даврдан эътиборан мамлакатлараро савдо йўли илк бора давлат назоратида мунтазам ишлай бошлади ва у сўнгги “Буюк ипак йўли” номи билан тарихга кирди. Шу тариқа, Хитой ўзи учун Ғарбни- Ўрта Осиёни кашф қилди. Аммо фарғоналиклар бир-иккита от совға қилиш билан чекланиб, кўп миқдорда от сотишга розилик бермайдилар.

Шундан кейин, милоддан аввалги 104 йили Уди Фарғонага Ли Гуангли қўмондонлигида катта қўшин юбориб, маҳаллий ҳукуматни тулпор отларни беришга мажбур қилмоқчи бўлади. Лекин Фарғонага юборилган қўшин мақсадга эришолмай, Узгенд (Узгент)дан қайтади. Мағлубиятга кўниколмаган Хитой ҳоқони Ли Гуанглини катта қўшин билан иккинчи марта Фарғонага юбориб, уруш қилади. Бу уруш ҳам Хитой ҳоқонига у кутган натижани бермайди. Айрим маълумотларга қараганда, милоддан аввалги 102 йили Ли Гуангли 14 та, бошқа маълумотларга кўра 30 дан ортиқ от олиб қайтиб кетишга мажбур бўлади. Шундан бошлаб Хитойда аста - секин зотли отлар пайдо бўла бошлайди [8].

Юқорида зикр қилинган икки воқелик трансконтинентал савдо йўлининг очилиши учун бир туртки, сабаб эди, холос. Аслида, бу муаммо моҳиятга бориб тақалади. Унга кўра,бирор бир жамият, миллат, давлат якка ҳолда бошқалардан ажралиб ривожлана олмайди. Буни амалга оширишнинг иккита йўли бор, холос. Биринчиси-ҳарбий юришлар, яъни уруш. Иккинчиси – маданий-маърифий ҳамкорлик.

Милоддан аввалги II минг йиллардаёқ Ўрта Осиёдан Бадахшондан лазурит мунтазам равишда Хитойга етказилиб турилган. “Буюк ипак йўли” фаолият кўрсата бошлагандан сўнг икки буюк қўшни цивилизациялар – Ўрта Осиё ва Хитой алоқалари ниҳоятда фаоллашиб кетди.

Самарқанднинг анжири, Фарғонанинг узуми, бодринги, анори, бедаси Хитойда маданийлаштирилди ва кенг етиштириладаган бўлди. Хан, кейинчалик Тан сулолалари даврида салтанат саройларида сўғдлик ва шошлик мусиқачилар ҳамда раққосаларнинг санъати оммавийлашиб кетди. Ўз навбатида, Хитойдан Ўрта Осиёга, хусусан Ўзбекистонга чинни, пилла, шойи, қоғоз, марварид, симоб ва доривор ўсимликлар кириб келди [9].

Буюк ипак йўли – инсониятнинг ўз тарихий мавжудлиги жараёнида қандай ривожланганлиги, бир маданиятдан бошқа маданиятга қай ҳолда ўтганлиги, турмуш даражасини ўзгартира олганлигини яққол наъмунаси. У ўзига хос “Халқлар тарихи китоби” бўлиб,  савдо-сотиқ ва маданий фаолиятда умумий ҳаракатини кўрсатиб беради. Бундан ташқари, Буюк ипак йўли шуни ўам исботладики, халқлар ўртасидаги ўзаро алоқа ва муомаланинг энг маъқул усули айнан савдо, маданият ва илм-фандир.

**Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйҳати**

1 .Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 2-жилд. – Т., Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси нашриёти, 2001. – Б. 256.

2. Ўзбекистон тарихи. - Тошкент, “Янги аср авлоди”, 2003. – Б. 24-25.

3. Каримов Ш., Шамсутдинов Р. Ватан тарихи. - Тошкент, “Ўқитувчи”, 1997. – Б. 33.

4. Хўжаев А. Буюк ипак йўли .Тошкент. “Ўзбекистон миллий энсклопедия” Давлат илмий нашриёти, 2007. – Б.91-93.

5. Ширинов Т. Ғарб билан Шарқ учрашган диёр. “Халқ сўзи”, 2004 йил 16 октябрь.

6. Зокиров Ш., Соатов А. Бу қадим йўллар. Фан ва турмуш, 1991 йил. 7-сон. – Б. 15-16.

7. Мирзаев Р. Сюан Сзян: будда зиёратгоҳларига саёҳат. “Мозийдан садо” журнали – №1. 2004 йил. – Б. 7-9.

8. Хўжаев А. Буюк ипак йўли “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. – Тошкент, 2007. –

9. Хўжаев А. Фарғона водийсининг Хитой билан савдо алоқалари. Мозийдан садо, 2005 йил 1-сон. – Б. 13.

## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ТЕРРОРИЗМ ВА ЭКСТРЕМИЗМГА ҚАРШИ КУРАШИШ БОРАСИДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ЖАРАЁНЛАР

**Ахмуродов Ф.Х. – мустақил тадқиқотчи**

Ўзбекистон Республикаси истиқлолга эришган дастлабки даврларда кўплаб террорчилик ҳуружларга дуч келган бўлиб, мустақиллик каби олий неъматни қадрламайдаган ҳар хил экстремистик ва террористик гуруҳ аъзолари ҳорижий давлатлардаги раҳнамолари ёрдамида халқни қурқув ва даҳшатга солиш, конституциявий тузумга таҳдид қилиш ва ҳокимиятни қўлга киритиш мақсадида бир қанча қўпорувчилик ҳаракатлари содир этишганлигини тарихдан билишимиз мумкиндир.

Тарихдан бизга маълумки, Юртимизда содир этилган террористик ҳуружларини аксариятини дин ниқоби остидаги экстремизм ва террористик ташкилот аъзолари томонидан уюштирилгани айни ҳақиқатдир.

“Бугунги кунда халқаро терроризм, экстремизм, наркотирафик, ноқонуний миграция, одам савдоси, экологик муаммолар кучайиб бораётгани бутун инсониятни, жумладан, бизни ҳам қаттиқ ташвишга солмоқда. Бундай мураккаб шароитда юртимизда ва минтақамизда тинчлик осойишталикни асраш ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этиб бормоқда” дея таъкидлайди. Бундан келиб чиқиб ҳозирги кунда юртбошимиз томонидан юқорида келтириб ўтилган масалалар долзарб ва ўта жиддий муаммо эканлигини англашимиз мумкин.

Давлатимиз томонидан терроризм ва экстремизмга оид жиноятларни олдини олиш ва унга қарши курашишдаги фаолиятни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилган ва ҳозирда Ўзбекистон Республикаси ва фуқаролар ҳавфсизлиги таъминлаш, терроризм ва экстремизмнинг турли кўринишлари олдини олиш ҳамда унга қарши курашиш борасида ҳатти-ҳаракатлари ва ижтимоий муносабатларини ўз ичга тўлиқ қамраб олган дея таъкидласак муболаға бўлмайди.

Янги Ўзбекистонда Терроризм ва экстремизмга қарши курашиш борасида олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий жараёнларни тартибга солувчи миллий қонунчилигимизга тухталсак ушбу соҳадаги ижтимоий муносабатларни тартибга соладиган норматив-ҳуқуқий базамиз тўлиқ шаклланган дея айтишимиз мумкин. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисида кодекси, Ўзбекистон Республикасининг “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонуни, Ўзбекистон Республикасининг “Терроризмга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуни, Ўзбекистон Республикасининг “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуни, Ўзбекистон

Республикасининг “Тезкор - қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонуни, Ўзбекистон Республикасининг “Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуниларини келтиришимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси терроризм ва экстремизмга қарши курашиш масаласида ўз позициясига эга бўлиб, нафақат минтақада балки жаҳонда тинчлик ва барқарорликни таъминлашга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Жумладан, Бирлашган миллатлар ташкилоти, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Евроосиё иқтисодий ҳамкорлиги ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Ислом конференцияси ташкилоти каби ҳалқаро ташкилотлар доирасида қабул қилинган экстремизм ва халқаро терроризмга қарши курашиш борасидаги ҳужжатлар ва шартномаларни бажаришда фаол иштирок этиб келди.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигида сўзлаган нутқида “Ҳозирги кунда Ўзбекистон БМТ, ЕХҲТ, МДҲ каби нуфузли ҳалқаро ташкилотлар билан ва қатор ихтисослашган халқаро тизимлар ишида фаол иштирок этиб, минтақавий хавфсизликни таъминлаш ишида салмоқли ҳисса қўшмоқда” дея таъкидлаган.

Давлатимиз томонидан Терроризм ва экстремизмга қарши курашиш борасидаги ижтимоий, ҳуқуқий ва сиёсий муносабатларни тартибга солувчи бир қатор ҳалқаро норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ратификация қилган. Хусусан, “Ҳаво кемаси бортида содир этиладиган жиноятлар ва бошқалар тўғрисида”ги 1963 йил 14 сентябрдаги Токио конвенцияси, “Ҳаво кемаларини ғайриқонуний тарзда эгаллаб олишга қарши курашиш тўғрисида”ги 1970 йил 16 декабрдаги Гаага конвенцияси, “Фуқаро авиацияси хавфсизлигига қарши йўналтирилган ноқонуний актларга қарши курашиш тўғрисида”ги 1971 йил 23 сентябрдаги Монреал конвенцияси, ушбу конвенцияни тўлдирувчи “Аэропортларда халқаро фуқаро авиациясига хизмат қилиш, ғайриқонуний ҳаракатларга қарши курашиш тўғрисида”ги 1988 йил 24 февралдаги протоколи, “Ҳалқаро ҳимоядан фойдаланувчи шахсларга, шу жумладан дипломатия агентларига қарши жиноятларни олдини олиш ва бундай жиноятлар учун жазолаш тўғрисида”ги 1973 йил 14 декабрдаги конвенцияси, “Одамларни гаровга олишга қарши курашиш тўғрисида”ги 1979 йил 17 декабрдаги Вена ҳалқаро конвенцияси, “Ёдровий материални жисман ҳимоя қилиш тўғрисида”ги 1979 йил 26 октябрдаги Вена конвенцияси, “Пластик портловчи моддаларни топа олиш мақсадида маркировка қилиш тўғрисида”ги 1991 йил 1 мартдаги Монреал конвенцияси, “Бомбали терроризмга қарши курашиш тўғрисида”ги 1997 йил 15 декабрдаги ҳалқаро конвенцияси, “Терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида”ги 1999 йил 9 декабрдаги ҳалқаро конвенцияси, бундан ташқари “Терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши кураш тўғрисида”ги 2001 йил 15 июндаги Шанҳай конвенцияси шулар жумласидир.

Ўзбекистон бир неча давлатлар билан терроризм ва экстремизмга қарши курашиш бўйича ўзаро шартнома ва битимлар имзолади. Масалан, 2011 йил 16 июнь кунидаги “Жиноий даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Евросиё гуруҳи тўғрисидаги” Битим, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Туркия Республикаси ҳукумати ўртасида 2004 йил 1 сентябрь кунидаги “Халқаро терроризмга қарши кураш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида”ги Битим, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Покистон Ислом Республикаси ҳукумати ўртасида 2005 йил 6 март кунидаги “Халқаро терроризмга қарши кураш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида”ги Битим, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Миср Араб Республикаси ҳукумати ўртасида 2007 йил 18 апрель кунидаги “Уюшган жиноятчилик ва терроризмга қарши курашда ҳамкорлик қилиш ҳақида”ги Битимларни келтириш мумкин .

Юртбошимиз Ш.М.Мирзиёевнинг ташаббуслари билан Терроризм ва экстремизмга қарши курашишдаги ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи бир қанча норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилинган бўлиб, қуйидагиларни мисол келтиришимиз мумкин. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрь кунидаги ПФ-5542-сонли “Террористик, экстремистик ёки бошқа тақиқланган ташкилот ва гуруҳлар таркибига адашиб кириб қолган ўзбекистон республикаси фуқароларини жиноий жавобгарликдан озод этиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 сентябрь кунидаги ПҚ-3947-сонли “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши кураш бўйича идоралараро комиссияни ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 01 июль кунидаги ПФ-6255-сонли “2021 - 2026 йилларга мўлжалланган экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича ўзбекистон республикаси миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони ва шу каби бошқа қонун ости ҳужжатлари тегишли ташкилот ва идораларнинг терроризм ва экстремизмга қарши курашиш фаолиятидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишда ёрдам бериб келаётгани ҳақиқатдир.

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз мумкинки, давлатимиз томонидан қабул қилинган қонунлар, ҳалқаро шартнома, битимлар, шунингдек, Юртбошимиз томонидан қабул қилинган 2021 йил 01 июль кунидаги “2021 - 2026 йилларга мўлжалланган экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича ўзбекистон республикаси миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6255-сонли Фармонини қабул қилиниши Янги Ўзбекистоннинг Терроризм ва экстремизмга қарши курашиш борасида ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишида ҳамда ушбу йўналишда олиб борилиши лозим бўлган тизимли ва самарали ишларни тўлиқ белгилаб берганлигидан далолат беради.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрда кабул килинган «Терроризмга карши кураш тўғрисида»ги қонуни.
3. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 12 июнда қабул қилинган “Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуни.
4. Ш. Мирзиёев “Эркин ва фаровон, демократик давлатни биргаликда барпо этамиз”, Тошкент 2017 й.
5. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 26 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан байрам табриги // Халқ сўзи. – 2018. – 13 январ.
6. Каримов И.А. “Хавфсизлик ва барқарорлик йўлида”, Тошкент 2000й.
7. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. 12-жилд. -Т., 2004.
8. Матлюбов Б.А. Терроризм ва экстремизмга қарши курашиш: муаммо ва ечимлар: Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018.
9. https://lex.uz

# БУХОРОДА ИП-ГАЗЛАМА КОМБИНАТИ ҚУРИЛИШ ТАРИХИ

**Утаева Ф.Х. - Бухоро давлат университети**
**“Бухоро тарихи” кафедраси ўқитувчиси**

XX асрнинг 50-70 йиллари Бухорода тўқимачилик саноатининг асосий тўқимачи корхонасини қурилиши кераклиги ҳақида Республикага бир неча маротаба таклифлар берилган. Бухоронинг ерлари унумдор ерлар бўлиб, пахта далалари жуда катта ҳудудни эгалларди. Оддий ва кичик ишлаб чиқариш тўқимачилик фаолияти аҳолини эҳтиёжини қондира олмасди.

Бухоро ип-газлама корхонасининг қурилиши тарихи ва маъсулияти аҳамиятлидир. Ва ниҳоят, бухороликларнинг ҳаракатлари орзулари ушаладиган бўлди. Иттифоқ Енгил Саноат Вазирининг 1969 йил 24 майда Бухорода тўқимачилик комбинатини қурилиши ҳақидаги техник лойиҳасини тасдиқлади. Ўзбекистон ССР Енгил Саноат Вазирлигининг 1970 йил 26 майда 216-сон буйруғининг 2-сон низоми: Низомга кўра Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгашининг 1970 йил 10 апрелдаги № 384- буйруғи [1] ва 1970 йил 20 апрелдаги №156-сон Енгил Саноат Вазирлигининг буйруғи асосида Бухоро шаҳрида қурилиши режалаштирилган ип-газлама комбинатини ташкил этишга рухсат берилди. Лойиҳалашни Тошкентдаги ГПИ-4 (4-сон Давлат лойиҳалаштириш институтига топширилди). Лойиҳалаштириш ишлари тугагач ва ниҳоят, 1971 йилда қурилишга рухсат берилган. ГПИ-4 директори Нурматов ва бош лойиҳачи комбинат қурилиши лойиҳасига жавобгар шахс А.Н.Погробенский Оскар Наймович назоратига топширилди.

1955 йил 24 августдаги 1552-сон ва қурилиш ҳукуматининг бошқа қарорлари ва СССР Вазирлар Кенгашининг кўрсатилган қоидалар ва қарорлари билан ўзига юкланган қурилиш қурилаётган корхона раҳбарияти эҳиёжларини таъминлаш учун жавобгардир.[2] СССР Вазирлар Кенгашининг қарори билан тасдиқланган “Узоқ муддатли инвеститстиялар бўйича банклар томонидан қурилишни молиялаштириш мумкинлиги” қоидаларига асосланиб, 1970 йилда қурилиши режалаштирилган Бухоро ип-газлама комбинати юқорида кўрсатилган қарор бўйича комбинат қурилиши лойиҳаси асосида ишлар бошлаб юборилди.

Н.Ражабов Бухородаги 163-қурилиш трести бошқарувчиси лойиҳа бош инженери О.Погробенский билан телефон орқали суҳбатда бўлган бу суҳбат Совет Ўзбекистони газетасининг 1971 йил 11 апрель сонида чоп этилган. О.Погробенскийнинг таъкидлашича, лойиҳа устида бир йилдан бўён иш олиб борилмоқда. Бухоронинг кун чиқар томонидан танланган эрнинг тупроқ таркиби ўрганилди. 60 гектардан ортиқ майдонни мўлжаллаган ҳолда, 250 минг тўқимачилик ва 39 минг тўқув-йигирув ускуналари жойлаштирилади. Ҳар йили 100 млн метр газлама ишлаб чиқаришга мослаштирилган.[3]

ЎзССР Энгил Саноат Вазирлиги Тошкент шаҳар Ўзбекистон қурилиш банкининг Тошкент вилоят бошқармаси, Бухоро вилоят статистика бошқармасига Бухоро ип-газлама комбинатини қурилиш ишлари бўйича директор Н.Михалков ва қурилиш ишлари бўйича маъсул ҳисобчи А.Чанчиналар томонидан ёзилган тушунтириш хатида келтириллишича[4]: 1970 йил 20 апрелдан режа-молия ишлари бошланган. 1970-йил 1-декабрь йил охири ҳисоб китоблари бўйича тугалланмаган ишлар ва асосий воситаларни сотиб олиш йил бошида 325 минг руб. керак деб ёзилган бўлса, ҳисобот даври охиридаги якуний ҳисоботда 1514 минг рубни ташкил этган. Бухорода қурилаётган ип-газлама дирекстиясининг капитал қўйилмалар ҳажми бўйича йиллик ҳисоботга ҳисоб-китобларни ҳисобга олган ҳолда тузатишлар киритилиб борилган. Йил бошидаги режаданда кўп ишлар қилинган.

Майдони 76 гектар ерда қурилиш ишлари олиб борилиши лойиҳага киритилган. Бундай катта тўқимачилик саноати корхонасини ишга тушириш учун 13-15 минга яқин ишчи ва хизматчилар икки-уч навбатда иш олиб боришлари белгиланган. Тошкентдан, Чирчиқдан, Чилябинскдан, Навоийдан ва собиқ иттифоқ ҳудудидан қурувчилар ва мутахассислар жалб қилинди. Ер усти ва эр ости

муҳандислик тармоқлари - кабеллар, сув, газ, канализация, пар-буғ, том тепасида юриш учун мулжалланган темир панжарали йўлаклар, ҳаво қувурлари, буларнинг ҳаммаси ҳисобга олиниб мўлжалланган лойиҳа асосида қурилиш ишлари олиб борилди. Ўзбекистон ССР Минестрлар совети раисининг ўринбосари Госплан раиси С.К.Зиёдуллаев корхона қурилиш ишлари энг юқори техника технологиялари асосида олиб борилиб ҳудудлари кенгайтирилмоқда деб ҳисобот берилган[5].

Қурилиш ишларининг бориши радио ва газеталарда холис ёритилиб борилган. Шавқи Гадоэйв матбуотда КПСС XXИВ съезди беш йилик ишлар юзасидан эълонни ўқиб қолади. Эълонда Бухорода ип газлама комбинати қуриб, ишга тушуриш лозимлиги кўрсатилган эди. Шавқи Гадоев Навоийлик қурувчилар бунёд этаётган Қизилтепа ғишт заводида қурилишида ишлаб ўзини қурувчиликка ҳар тарафлама тайёрлаган эди, жумладан: дурадгор, қишт терувчи, сувоқчи, пардозловчи, бўёқчи ва электр пайвандловчи бўлиб меҳнат қилган. Эълон бўйича 163-трестга қарашли 2-қурулиш монтаж бошқармаси бошлиғи Юрий Николаевич Кониковга учрашди ва ишга қабул қилинади. Комбинат қурулишида жасорат кўрсатгани учун комсомол ёшлар биригадасига бошлиқ этиб тайинлашди. 50 минг квадрат метр майдонни эгаллаган улкан бино биринчи фабрикани ишга тушириш учун меҳнат қилди. Матбуотда ёзилишича, биринчи фабрикани пештоқида “СССРнинг 50 йиллиги” деб ёзилган юбилей эмблемаси порлаб турган[6].

Бухорода тўқимачилик саноати тез қуриб ишга туширилиши учун ошпазлар ҳам ҳисса қўшдилар. Бухоро шаҳридаги умумий оватланиш трестининг олтинчи бирлашмаси қурилиш майдончасида ошхона ташкил қилди. Моҳир пазанда Сулаймон Балаев, ошхона хизматчиларидан Муаттар Султонова, Ҳалима Расулова зарбдорларга хизмат кўрсатдилар. Ошхонада жиҳозлар етишмаслиги, техника ускуналарнинг етарли эмаслиги, ошхонада таомлар маҳсулотларининг камлиги ҳолбуки, зарбдор қурилиш ишчилари жисмоний меҳнат қиладилар. Улар учун тайёрланадиган таомлар каллориясини кўтариш лозимлиги ҳақидаги ошпазлардан олинган суҳбатлар матбуотда ёритилган.

Кўмирчи ва монтажчилар, бинокорлар 1-йигирув тикув фабрикасини ва ип-калавани бўяш фабрикаларини фойдаланишга топшириш учун кунни тунга улаб меҳнат қилдилар. 16 минг тонна металл конструкстиялари сарфланди. “Союзмантажлегмаш” трестининг Ленинград, Минск, Олмаота, Дедовск шаҳарларидаги бошқармалардан келган 270 та юксак малакали монтажчилар фабрика ускуналарини ўрнатдилар. М.Исмоилов раҳбарлигида тўқимачилик шаҳарчасида 64 ва 48 квартирали иккита уй жойни 1972 йил бошида бинокорлар ва мутахасисларга истиқомат қилишлари учун топширдилар. Бу қурилган уйлар бинокорлар ва мутахасисларга етишмасди. Турар жой бинолари учун жуда кам маблағ ажратилган эди.

1971 йил 17 декабрда Фарғона тўқимачилик комбинатидан биринчи бўлиб кўнгиллилар гуруҳи етиб келди. Фарғона комбинати Ўзбекистон тўқимачилик саноатининг тўнғичидир Фарғона энг йирик комбинатга айланган, тўқимачилик фабрикасини ташкил топганига бу вақт етти йил бўлган эди. “Ўзсантехмонтаж”нинг Самарақнд бошқармаси, Фағонадаги бошқармалари барча коллективлар ўз ишларига ижодкорлик билан ёндашдилар. Монтажчиларга етарли маданий- маиший шароит яратилди. Вагончилардан иборат “Монтажчилар шаҳарчаси” ташкил қилинди. Ишчилар бригадалар бўйлаб вагончаларга жойлаштирилди.

1972 йил комсомол ёшлар биригадалари ўртасида мусобақалар ташкил қилинди. Мусобақаларда ўз вақтида берилган маррани ортиғи билан бажарган бетон қорувчилар, монтажчиларга ойлик маошига қўшимча мукофот пуллари берилган.

Бухоро вилояти раҳбари Қаюм Муртазоев 1972 йил 15 мартда Гигант тўқимачилик комбинати қурилишга директор қилиб, С.Баратовни тавсия этади. Қурилиш лойиҳасида тош плиталар темир бетондан бўлиб, улар Тошкентда тайёрланган ва Бухорога олиб келинган. Бу қиммат ва анча қийинчиликларни келтириб чиқарган. Субҳиддин Баратов бу лойиҳага ўзгартириш киритишни таклиф қилганлиги туфайли лойиҳа қайта кўриб чиқилди.

Корхонанинг кадрлар бўйича ўринбосари Ҳ.Ж.Фозилова зиммасига жуда катта маъсулият юкланган. Сабаби қурилиш ва монтаж таъминоти ишларида қатнашган барча ташкилотларнинг рўйхатини ўз вақтида тўғри назорат қилиш жуда муҳим иш эди. Бухоро тўқимачилик комбинати қурилишида ишлаш учун келаётганларни ишга жойлаштириб, зарур бўлган шароитларни яратиш учун кўнлик жадвал тўлдириб борилган бу ишлар Ҳ.Ж.Фозиловага юкланган. [7]

1973 йил 29 декабир куни Бухоро ип-газлама комбинати тарихда ёрқин ва унутилмас кун бўлиб қолди. Кундуз соат 14 дан 30 минут ўтганда марказий ремонт устахонасининг мажлислар хонасида 150 минг урчиқ хамда 1600 тикув станогини ишга тушириш ҳақидаги актни давлат комисияси имзолади.

Биринчи тўқув-йигирув фабрикасини ишга тушириш билан комбинатнинг биринчи корхонаси ва унга алоқадор бўлган биноларни фойдаланишга топшириш учун 25 миллион 665 минг сўм капитал маблағ ажратилган шундан 16 миллион 665 минг сўмни бевосита қурилиш ишларига сарфланган.

Хулоса қилиб айтганда, Бухорода улкан тўқимачилик саноатининг қурилиши аҳоли учун кўп имкониятларни яратилишига туртки ва сабабчи бўлди. Қурилиши 1971 бошланган бўлса 1974 йил январдан ип-калава ишлаб чиқилди, 1977 йилдан момиқ сочиқлар, пардозланган бўялган матолар сотувга чиқарилди ва экспорт қилинди. 10 йил ичида 12 минг аҳоли иш билан таъминланди. Тўқимачилик корхонаси ҳисобидан касалхона, бўғчалар, спорт майдонлари, мактаблар, ошхона ва бозорлар, савдо расталари қурилган.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Бухоро вилоят давлат архиви. 1236-фонд,1-рўйхат,7-йиғма жилд,7-варақ.
2. Бухоро ВДА. 1236-фонд,1-рўйхат,4-йиғмажилд,3-варақ.
3. Н.Ражабов // Саноатимиз фахри. Совет Ўзбекистони газетаси 1971 йил 11 апрел,б-1
4. Бухоро ВДА. 1236-фонд,1-рўйхат,2-йиғмажилд,1-варақ
5. Халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1971 йилги давлат плани тўғрисида // Бухоро ҳақиқати 1970 йил 23 декабр,б-1
6. Н Наимов("Ёш ленинчи"нинг Бухоро ип-газлама комбинати қурилишидаги мухбирлар пости бошлиғи) А.Муртозоев("Ёш ленинчи" мухбири) // Шавқининг иши завқли. Ёш ленинчи,1972 йил,3-август
7. А.Қодиров (Комбинат қурилишидаги ошхона пазандаси) // Хизматимизни аямаймиз Бухоро ҳақиқати 1973, 20 апрел

## ДАВЛАТ СИЁСАТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА СИЁСИЙ ИНСТИТУТЛАРНИНГ ЎРНИ

**Юлдашев А.Н. – Ўзбекистон Халқаро Ислом Академияси**

Қадимги даврлардан бошлаб инсоният бошқарувга, кучли жамоа бўлиб уюшишга, умумий кулфат келтирувчи омилларга қарши биргаликда қарши курашишга нисбатан доимо кучли эҳтиёж сезган. Айнан, шу нуқтаи-назардан ҳам эҳтиёжларга ва замоннинг ўзгаришига мувофиқ талабларга нисбатан турли усуллар

билан жавоб берилган [1: 13]. Бошқарувнинг такомиллашиб бориши, манфаатдор гуруҳларнинг юзага келиши, давлатлар билан муносабатларни ривожлантириш заруратининг пайдо бўлиши ва бошқа омиллар туйфайли сиёсий институтларнинг шаклланиб, ривожланиб бориши кузатилган. Ушбу жараёнлар сиёсий институтларнинг мавқеи ва нуфузини ортирган. Сиёсий институтлар инсоният тараққиёти учун қуйидаги муҳим вазифаларни бажарган:

биринчидан, жамиятнинг уюшқоқлигини таъминлаган, одамларнинг халқ бўлиб шаклланиши ва бошқарувга нисбатан мослашувчанлигини оширган;

Яъни, тарихан шаклланиб келаётган, инсоният эндигина янги даврга қадам қўяётган бир даврда, уларда бирлашишга, умумий жамоа бўлишга нисбатан эҳтиёж юзага кела бошлаган. Дастлаб, одамларнинг оила, қариндошчилик, уруғ-қабила шаклида уюшиши, уларда бошқарув институтига нисбатан эҳтиёжни юзага келтирди. Аста-секин бошқарув тизимининг мустаҳкамланиб такомиллашиб бориши кузатилган, бошқарувга ва бошқарилишга нисбатан кўникмалар пайдо бўлган. Уларни қабила бошлиқларига, оқсоқолларга ва етакчиларга нисбатан ҳурмати ошиши, жамият қонунларига бўйсиниши каби ижобий ҳолатлар юзага келди. Кўпинча ижтимоий муносабатлар ижтимоий ҳаёт соҳалари бўйича ажратилади. Ҳар қандай жамиятда тилдан, ҳукмрон диндан, тарихдан, хўжалик тарзидан қатъий назар, уни сақлаб қолиш ва давом эттириш мақсадида ишлаб чиқилиши лозим бўлган, фаолиятнинг тўрт тури мавжуд бўлади. Улар ижтимоий ҳаётнинг тўрт асосий соҳалари асослари шаклланишидан ҳамда ижтимоий муносабатларнинг тўрт шаклидан таркиб топади: иқтисодий муносабатлар; ижтимоий муносабатлар; сиёсий муносабатлар; маънавий-интеллектуал муносабатлар.

“Ижтимоий муносабатлар инсоннинг ва бутун жамиятнинг тартибга солувчи таъсирини сезади. Шунда мазкур жамиятда ўрнатилган муносабатларнинг характерига ҳар бир одамнинг аҳволи ва фаровонлиги, шунингдек, ижтимойи тараққиётнинг йўналиши ва суръати боғлиқ бўлади” [2: 55].

иккинчидан, ҳокимиятнинг вужудга келишига ва унинг мустаҳкамланишига имкон берган;

Бунда, умумий жамоа бўлиб бирлашиш ва унда бошқарувнинг юзага келиши энг қадимий ва муҳим сиёсий институт бўлган ҳокимиятнинг вужудга келишига замин яратди. Дастлабки вақтларда ушбу институт бир мунча примитив бўлиб, уруғ-қабила, қон-қариндошлик, ҳудудийлик каби хусусиятларга таянган бўлсада, инсоният тараққиётида давлатчиликнинг юзага келиши, унинг тараққий этиши, янги мазмун билан бойиши ва такомиллашувига замин яратди. Маълумки, ҳар қандай давлат сиёсий ҳокимият сифатида жамият ижтимоий ҳаётида муҳим ўрин тутади. “Давлатнинг жамият ижтимоий ҳаётидаги аҳамияти ва фаоллиги ўтиш даври, ислоҳотлар даврида янада кучлироқ намоён бўлади. Ўтиш, ислоҳот жамиятдаги мавжуд эҳтиёж ва манфаатларнинг янги эҳтиёж ва манфаатлар билан тўқнашуви тўқнашуви жараёнида, давлат ва халқ манфаатини акс эттирувчи, ҳимоя қилувчи ҳамда кишилар ўртасидаги хоҳиш-иродага асосланган муносабатлар тизими сифатида ўзини намоён қилади” [3: Б.41].

учинчидан, ташқи душманлардан ҳимояланишга бўлган эҳтиёжни қондирган;

Армия ёки қуролли кучлар ҳам тизим сифатида ўзига хос сиёсий институт бўлиб, у доимо ҳокимиятнинг энг асосий йўлдоши сифатида эътироф этилиши мумкин. Бунга сабаб, бевосита ҳокимиятнинг мавжудлиги ва унинг самарали фаолияти учун қадимдан инсоният армияга эҳтиёж сезган. Ушбу институт нафақат ҳокимиятнинг мустаҳкамлиги ва унинг барқарорлиги учун, умуман инсониятнинг хавфсизлигини ва жамиятнинг ташқи кучлардан ҳимояланиши учун ҳам армияга нисбатан эҳтиёж туғилди. Армия давлат мустаҳкамлигини оширар ва хавфсизлигини

таъминлар эди. Жамоанинг онгида унга нисбатан ишонч ва ҳурмат шаклланган, кўплаб одамлар унинг сафида бўлишни орзу қилиши билан ҳам ушбу инстититутнинг нуфузи баландлиги бугунги кунга қадар сақланиб қолганлигини кўришимиз мумкин.

тўртинчидан, замон талаблари асосида ривожланиб борган талабларни ва муаммоларни ҳал қилган;

Сиёсий институтларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиб боришининг яна бир ўзига хос сабабларидан бири сифатида, тараққиётга ҳамоҳанг тарзда замон талабларининг такомиллашиб бориши ва уни қондириш учун турли хил институтларнинг пайдо бўлиши каби омилларни кўрсатиш мумкин. Мисол учун иқтисодиётнинг ривожланиши, турли хил молиявий институтларнинг пайдо бўлишига замин яратган бўлса, сиёсий ҳаётда ҳам ранг-баранг эхтиёжларнинг юзага келиши, парламент, сиёсий партиялар, уларнинг фракциялари, ҳокимиятнинг тарғиботини бажарадиган ОАВ сингари институтларнинг пайдо бўлишига ва ривожланишига олиб келди. Бу институтлар бугунги кунда ҳам ўзига хос аҳамият касб этиб, демократик тараққиётнинг муҳим омилларидан бўлиб қолмоқда.

бешинчидан, халқнинг аҳлоқий меъёрларини назорат қилиш ва унинг маънавий ҳаётини бойитиш;

Одамлар қадимдан табиий офатлардан, кулфатлардан қутулиш учун кўпроқ турли хил афсоналарга, диний қарашларга ва ақидаларга ишонганлар. Бундай ҳолатларнинг чуқурлашуви натижасида дин вужудга келганлигини ва ривожланганлигини таъкидлаш зарур. Бу бир томондан ҳокимиятга айнан ушбу институтдан ўз легитимлигини таъминлаш учун самарали фойдаланганлигини, иккинчи томондан эса одамларда ҳокимиятга нисбатан ишонч ва ҳурмат ҳиссининг ҳам чуқурлашувида ушбу институтнинг ўрни алоҳида бўлди. Мисол учун, Европада насронийликнинг кенг тарқалиши рим империясининг қудратли бўлишига, ривожланишига ғоявий асос бўлган бўлса, Арабистон ярим оролида ислом динининг вужудга келиши мусулмон давлатлари тараққиёти ва халифаликнинг империя даражасида кенгайиши учун зарурий асос бўлди. Бугунги кунда ҳам дин сиёсий институт сифатида ўз аҳамиятини йўқотмасдан ривожланиб, баъзи бир давалтлар сиёсатида ҳам алоҳида мавқега эга бўлиб бораётганлигини айтиб ўтиш жоиздир.

олтинчидан, жамият тараққиётини белгилаб берадиган манфаатлар тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш;

Маълумки, манфаатлар мавжуд бўлиши жамият ва давлат тараққиётини белгилаб берар экан, унда турли институтларнинг ҳам амал қилишини тақазо этади. Замонавий парламентнинг шаклланиши ва ривожланиши, унда сиёсий партияларнинг кенг иштироки, бевосита манфаатлар тизимининг ривожланишига ва такомиллашувига замин яратди.

Европада парламентаризмнинг ривожланиши ва унда манфаат гурҳларининг, лобби гуруҳларининг пайдо бўлиши, сиёсий партияларнинг ўз электорати манфаатлари учун жон-жаҳдлари билан курашишлари учун асос бўлди. Сиёсий институтларнинг энг муҳим аҳамияти сифатида ўз тарафдорларининг ва ижтимоий асосларининг манфаатларини ҳимоя қилиш ҳисобланади.

еттинчидан, аҳолини зарурий ахборот билан таъминлаш ва хокимиятга ўз қарорларини етказишга кўмаклашиш кабилар.

Ушбу турдаги вазифаларни бажарадиган сиёсий институтлар қаторига ОАВини киритиш мумкин. Ҳар қандай давлат ва жамият тараққиётида ОАВ ўта муҳим рол ўйнайди. Азалдан ҳокимият ва давлат, шунингдек, ҳар бир ҳукмдор ўз мақсадларини, олиб бораётган сиёсатини халққа тарғиб қилишда турли усуллардан фойдаланган.

ОАВлари бугунги кунга қадар асосан халқни турли ахборотлар билан таъминлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган бўлса, кейинчалик ушбу институтнинг аҳамияти тобора ортиб бора бошлаган ва турли мафкуравий жараёнларнинг фаол иштирокчиси, жамоатчилик фикрини шаклллантиришнинг ўзига хос механизмларини яратувчиси, сиёсий рақобатчилар курашининг энг муҳим воситаси ва хоказо хусусиятларга эга бўлишга улгурди. Чунки, унинг айнан “тўртинчи ҳокимият” мақомига эга бўлиши ҳам шундандир.

Хулоса тарзида айтиш мумкинки, сиёсий институтлар инсоният тараққиёти билан ҳамоҳанг ривожланган ва унинг давлатчилик тараққиётида ўта муҳим роль ўйнаган омил ҳисобланади. Кишилик жамияти талаб ва эҳтиёжларининг ривожланиб дифференциаллашиб боришининг ўзи сиёсий институтларнинг ривожини ва такомиллашувини талаб қилади. Бундан келиб чиққан ҳолда, инсоният ҳаёт даражасининг юксалиб ривожланиб боришининг ўзи сиёсий институтларнинг шаклланиши ва ривожланишига замин яратган ва манфаат ва эҳтиёжларни қондиришнинг энг муҳим механизмлари сифатида майдонга чиққан.

**Фойдаланилган манбалар:**

1. Истон, Д. Категории системного анализа политики // Антология политической мысли. — М., 1973. — Т. 2. С. 13

2. Talcott Parsons. The System of Modern Societies. Basic Ethics in Action. Foundations of modern sociology series. Prentice-Hall foundations of modern sociology series. Prentice-Hall, 1971 C 55

3. Гаджиев Х.А. Формирование политических институтов в трансформационный период: место и роль политической культуры. PolitBook – 2016 – 2. С. 41

## МАЪНАВИЙ САЛОҲИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШДА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ

**Ғуломов О.Ғ. – ТАҚИ ўқитувчиси**

Бугун юксак маънавий ва ахлоқий фазилатларга эга, билимли, самарали меҳнат қилишга қодир фуқаролар жамиятнинг энг муҳим бойлиги ва асосий капитали, уни ҳаракатга келтирувчи кучига айланиб бормоқда. [1]

Айнан шу боис XXI аср - интеллектуал билимлар асрида инсон капиталига инвестициялар йўналтиришни устувор вазифа сифатида танлаган мамлакатларгина юксак тараққиётга эришиши мумкин. Фақат том маънодаги билимли жамиятгина замонавий таҳдид ва муаммоларни енгиб ўтишга қодир бўлади. Бугунги кунда ҳар қандай мамлакатнинг жаҳон бозорида рақобатбардошлиги нафақат табиий ресурсларнинг мавжудлигига, балки, биринчи навбатда, замонавий, мунтазам янгиланиб турган технологияларни ўзлаштиришга қодир юксак билимли ва интизомли ишчи кучини мунтазам тайёрлашга боғлиқдир. Бундай ишчи кучисиз иқтисодиётнинг юқори технологияларга асосланган замонавий тузилмасини шакллантирадиган янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиб бўлмайди. Ҳар қандай давлат мамлакатнинг интеллектуал ва маънавий салоҳиятини юксалтиришдан манфаатдор бўлмоғи керак.

Жамиятда билимли, маълумотли ва юксак интеллектга эга одамларнинг мавқеини ошириш; таълим ва касб-ҳунар дастурларининг жаҳондаги таълим, илм-фан, техника ва технологиялар, иқтисодиёт ҳамда маданият соҳасидаги замонавий ютуқларга мувофиқлиги; таълимни ёшларнинг келажакдаги амалий меҳнат фаолияти билан узвийлигини таъминлаш; таълим олаётган ёшлар онгида умуминсоний қадриятлар, юксак маънавият, маданият ва ижодий фикрлаш устуворлигини

шакллантириш; таълимнинг миллий тарих, халқ анъаналари ва урф-одатлари билан муштараклиги, бошқа халқлар тарихи ва маданиятини ҳурмат қилиш таълим тизимини ислоҳ этишнинг асосий принциплари бўлиши лозим. Таълим соҳасида, ҳам ушбу соҳада меҳнат қилаётганлар, ҳам замонавий кадрлар талаб қилинадиган тармоқлар вакиллари ўртасида халқаро ҳамкорликни мунтазам ривожлантириш зарур.

Шу боисдан, замонавий таълим-тарбия тизимини ислоҳ қилиш, замон талабларига мос кадрлар тайёрлаш ишини йўлга қўйишда “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг ҳаётга татбиқ этиш ишлари давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида фаолиятимизнинг бош мезонига айланмоғи даркор.

Бугунги кунда барча соҳалардаги глобаллашув жараёнлари ва ахборотларнинг шиддат билан кириб келиши замонавий таълим муассасаларида инновацион жараёнларни тизимли бошқаришни йўлга қўйишни талаб этмоқда.

“Инновация – бу келажак дегани. Биз буюк келажагимизни барпо этишни... айнан инновацион ғоялар асосида бошлашимиз керак. Инновацион ривожланиш ва рақамли иқтисодиёт йўлига ўтишимиз бежиз эмас. Чунки замон шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда ким ютади? Янги фикр, янги ғояга, инновацияга таянган давлат ютади.[2]

Инновация – бу ихтиронинг амалий аҳамиятини ажратиб кўрсатиш ва уни муваффақиятли сотиладиган маҳсулотга айлантириш.

Инновациялар – бу билимлар ва ғояларни маблағларга айлантиришдир.

Инглиз профессори В.Р. Спенсер “Инновация – бу аниқ вазиятда мутлақо янги нарса, биз буни англаганимизда фойдаланишимиз мумкин” [3] деб таъриф беради. Россиялик олимлар А.Кулагин “Инновация – бу инновацион, ишлаб чиқариш, институционал молиявий, илмий-техник ва бошқа соҳалардаги янгиликдир” [4] деб таъриф берадилар. Д.Форининг “инновацион имкониятлар - бу мунтазам равишда комбинациялашган билимларни кашф қилиш, улардан фойдаланиш демакдир. Бунда комбинациялашган жараёнларда асосий эътибор бериладиган жиҳат – бу билимдир” [3] деб таъкидлайди. И.Балабанов “Инновация-капитални янги техника ёки технологияга, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, меҳнат, хизмат кўрсатиш ва бошқарувнинг янги шаклларига, жумладан, янгича назорат ва ҳисоб шакллари, режалаштириш ва таҳлил усулларига киритишдан олинган, моддий тус олган натижадир” [5] деб таърифлаган

“Инновация – бу ихтиронинг амалий аҳамиятини ажратиб кўрсатиш ва уни муваффақиятини таъминловчи янгиликдир”

Маълумки, бугунги кунда таълим тизимини рақобатбардош мутахассислар тайёрлашдаги ролини ошириш кўп жиҳатдан мазкур таълим муассасаларидаги инновацион жараёнларни тизимли бошқаришга боғлиқ бўлиб қолмоқда. Чунки инновацион жараёнларни тизимли бошқариш ўқув жараёни самарадорлигини таъминлаш, ёшларнинг маънавий, интеллектуал, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан камол топишига кўмаклашиш, уларни ватанпарварлик, фуқаролик туйғуси, бағрикенглик, қонунларга, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида, зарарли таъсирлар ва оқимларга қарши тура оладиган, ҳаётга бўлган қатъий ишонч ва қарашларга эга қилиб тарбиялаш,очиқ ва сифатли таълимни таъминлаш, иқтидорли ва истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш, ёшларда соғлом турмуш тарзига интилишни шакллантириш ва юқори салоҳиятга эга кадрларни тайёрлашнинг муҳим омилидир.

Бошқарув назариясига доир тадқиқотлардан маълум бўладики, инновация тушунчаси мазмунан “янги”, “янгилик” тушунчаларининг айнан ўзи эмас. Исталган

янгилик, қачонки, амалий фаолиятда ўзининг кенг қамровли самарасини берса ва кенг кўламли эҳтиёж объектига айлансагина, том маънодаги инновация деб аташ мумкин бўлади.

Инновацияларни таълим жараёнига кундан-кунга тезлик билан кириб келиши тизимли ёндашув асосида инновацион жараёнларни бошқаришни шарт қилиб қўяди. Акс ҳолда ички бошқарув меъёрий ҳужжатларида қуйидаги камчилликларни келтириб чиқариши мумкин:

- Инновацион жараёнларни бошқариш суръатининг пастлиги;
- Олий ўқув юртларини бошқаришга таъсир этувчи ички ва ташқи омилларнинг ўзаро алоқадорлигини тўлиқ ҳисобга олинмаслиги;
- инновацион жараён таркибий қисмларининг тизимли равишда бошқарилмаслиги;
- Олий ўқув юртларини тизимли бошқаришга доир ташкилий моделнинг мавжуд эмаслиги ва уни амалга ошириш технологиясининг яратилмаганлиги кабилардир.

Айнан шуларни ҳисобга олган ҳолда “Янги дарсликларни, замонавий педагогик ва ахборот технологияларини ўз вақтида ишлаб чиқиш ва жорий этишни таъминлашни назорат остига олиш зарур“.[6] Бугун олимлар ва профессор-ўқитувчилар илғор педагогик технологияларни ишлаб чиқишга астойдил киришишлари шарт ва улар бу ишга масъулдирлар.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, агар мамлакат ривожланиши учун тўғри стратегия танланса уни ҳал этиш мумкин. Айрим муаммоларни инновацион йўл билан ечиш учун вақт керак, аммо айримларини эса ҳозир ҳал этиш мумкин.

Ижтимоий инновация – бу айнан муаммони ечимида ҳар бир яшовчи қатнашади. Унинг кўлами, яъни, иш ташкил этиши, маҳалла фуқаролар йиғинидан тортиб, то давлат ижро органига қадар турлича.

Бунда инновация нега керак? Чунки, бу биринчи навбатда эскириган пойдевор, тиргаклардан воз кечиб, мавжуд моддий-маънавий бойликларни қайта кўриб чиқиб, давлат ва одамлар ўртасидаги муносабатларнинг самарали услубларига ўтишдир. Бунинг натижасида ҳаёт сифати анча яшиланади, аҳолининг хавфсизлик даражаси ва фаровонлиги юксалади, бу инновация худудларнинг, шаҳар ва қишлоқ ва маҳалаларнинг иқтисодиётига нисбатан кўпроқ таъсир этади.

Янги Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий, маънавий-иқтисодий ислоҳатларни амалга оширишга жаҳон андозалари даражасида билим олган заковатли, ҳар томонлама баркамол, мустақил фикрлайдиган, бирон бир масалани онгли равишда, масъулият билан ҳал қиладиган, изланувчи, янгиликка интилувчи истеъдодли ёшлардан халқ хўжалигининг устувор тармоқлари учун юксак малакали мутахассислар етказиш, олий таълим тизимида етук мутахассисларни тайёрлаш мақсадида мутахассислик фанларини ўқитишда ўқув-тарбия жараёни сифатини жаҳон стандартлари даражасига кўтариш, таълим, замонавий педагогик ва ахборот технологияларининг бутунлай янги усулларини жорий этиш асосида ташкил этиш ўта муҳим шунингдек долзарб масаладир.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА ДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т., 2008.

2. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Т.2018, 19-20-бетлар.

3. Инновации: теория, механизм, государственное регулирование: Учебн. пособие /Под ред. Ю.В. Яковца. – М.: РАГС, 2000.

4. Кулагин А. Оценка и самооценка научной организации. Инновационная экономика. 2011 г. Ст. 54-55.

5. Балабанов И. Инновационный менежмент. Питер, 2001

6. Аҳмадалиев А. М., Қосимов А. Х. "Инновацион фаолият ва илғор педагогик технологиялар" Ўқув қўлланма. Т.: ТАТУ, 2006 й.

## ЗАМОНАВИЙЛАШГАН ТЎҚИМАЧИЛИК ИНДУСТРИАЛ ЦИКЛИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

**Холманова Ф.У – катта ўқитувчи. Термиз давлат университети**

Республикамиз ҳудудлари саноат салоҳиятини ошириш, янги иш ўринларини яратиш борасида тўқимачилик саноатининг ўрни беқиёсдир. Республикада тўқимачилик саноатининг келгуси ривожини таъминлаш учун барча шарт-шароитлар мавжуд.

Енгил саноат, айниқса тўқимачилик саноат маҳсулотларининг катта қисмини шу жойнинг ўзида тайёр маҳсулот даражасига етказиш катта иқтисодий натижа беради.

Хусусан, Республикамизда бозорга сифатли ва бежирим тўқимачилик маҳсулотлари таклиф этишни рағбатлантириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 17 июндаги "Ўзбекенгилсаноат" акциядорлик жамияти ҳузурида "Дизайн маркази ташкил этиш тўғрисида" ги ПҚ-1554-сон қарори қабул қилинганди. Бугунги кунда эса Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 декабрдаги "2017-2019 йилларда тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида" ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 майдаги "Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора тадбирлар тўғрисида" ги фармони ҳам бунга мисол бўла олади.

Жаҳон миқёсида тўқимачилик саноати ишлаб чиқаришига назар ташлайдиган бўлсак, асосий қисмини сунъий, кимёвий толанинг хар бир турларидан аралашма газламалар, ип газлама ҳамда трикотаж маҳсулотлари тайёрланаётганлигини кўришимиз мумкин.

Тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда муҳим ярим тайёр маҳсулот ҳисобланган калава ипни жаҳон бозорига етказиб беришни юқори улуши мос равишда Хитой (24%), АҚШ (19%) ва Ҳиндистон (13%) каби мамлакатлар ҳиссасига тўғри келмоқда. Тўқимачилик саноати ривожланган малакатлар қаторида Туркия, Германия ва Хитой муҳим аҳамият касб этади.

Мустақилликга эришганимиздан сўнг Республика вилоятлари қаторида Сурхондарё вилоятида ҳам тўқимачилик циклини ривожлантириш борасида талайгинаислоҳатлар амалга оширилди. Жумладан, Жарқўрғон ип йигирув-тикув фабрикаси тарихига тўхталадиган бўлсак, Бухоро тўқимачилик бирлашмасининг филиали сифатида Ўзбекистон Республикаси қарорига асосан 1983 йил сентябрдан ташкил этилган эди. 1986 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб, Бухоро тўқимачилик бирлашмасидан ажралиб, алоҳида фаолият кўрсата бошлаган. 1994 йил 1 ноябрдан "Сурхонтекстиль" акционерлик жамиятига айланган. Корхона асосан пахтали ип, газлама ишлаб чиқариш ва сотиш билан шуғулланади. 2007 йилда корхонада жами ишчи-ходимлар сони 1059 кишини ташкил этган .

1992 йилда Жарқўрғон ип йигирув-тикув фабрикасининг лойиҳавий қуввати 1681 минг тоннани ташкил этган. Шундан, қаттиқ пахта тўқимаси-136271 минг пог.метрни ташкил қилган. 1992 йилда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми

бўйича, йигирув саноатида 55,5 фоизни, тўқувчилик саноатида 55,0 фоизни ташкил этган. Бу кўрсаткичлар пастлигининг сабаблари, мавжуд ускуналарнинг эскирганлиги, эҳтиёт қисмлар ва ёрдамчи материалларнинг етишмаслиги сабаб бўлган. Тўқувчилик соҳасида корхона эҳтиёжи 31 та станокни талаб этса, амалда эса 18 та станок мавжуд бўлган. Йигирув саноатида эса 1500 та урчуқ талаб этилган бўлса, амалда 1008 та урчуқни ташкил этган. .

1993 йил корхонанинг йиллик маҳсулот сотишдан тушган пул 152896 минг сўмни ташкил этган. Ушбу корхонада маиший хизмат кўрсатиш бўйича мактабгача таълим, муассаси мавжуд бўлган. Муассаса 190 ўринли бўлиб, 140 нафар бола тарбияланган .

Сурхондарё вилоятида 1992 йил енгил саноат корхоналарида жами бир миллион икки юз қирқ етти минг (1247000) погоно метр шойи-газлама, 99.5 миллион сўмликдан кўпроқ, тикувчилик буюмлари, 20.1 минг жуфт пойабзал, 19.2 минг дона трикотаж буюмлари, 5.2 минг дона пайпоқлар 2,3 тонна йигирилган ип тайёрланган .

Республикамиз вилоятлари бўйича 1998 йилда тўқимачилик корхоналари ва уларда ишлаб чиқарилган тўқимачилик саноати маҳсулотлари ҳажми, 512 та бўлиб, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 157994,3 млн сўмни ташкил этган бўлса, вилоятлар кесимида эса қуйидагичадир: Қашқадарё вилояти жами 37 та корхона , ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 12406,5 млн.сўм. Бухоро вилоятида 16 та корхона ва иш.ч.маҳ. ҳажми 22557,9 млн сўмни ва Сурхондарё вилоятида эса жами 29 та корхона бўлиб ишлаб чиқариш маҳсулотлари ҳажми 12341,9 млн. сўмни ташкил этган .

Тўқимачилик саноати корхоналарида ишлаб чиқариш ип йигирув, тўқув ва хом сурпга пардозлаб ишлов бериш босқичларини ўз ичига олади. Ўз навбатида ип йигирув босқичи саралаш-титиш, тараш, пилталаш ва йигирув жараёнларидан иборатдир.

1999 йилда Сеулда ўзбек пахтаси тақдимотининг ўтказилиши Ўзбекистоннинг тўқимачиликка ихтисослашганлигини ҳисобга олган ҳолда халқаро меҳнат тақсимотида иштирок этишнинг янги босқичини очиб берди.

Республикамизда тўқимачилик саноати корхоналарини бошқариш тизими турлича бўлиб, бу уларнинг мулкчилик шаклига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Агар 1990 йилда барча тўқимачилик корхоналари давлат тасарруфида бўлган бўлса, 1991 йилда 266 та корхонадан 243 таси давлатники ва 23 таси акциядорлик жамияти эди. Корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш йилдан йилга кучайиб борди ва 1998 йилга келиб жами корхоналар сони 512 та бўлса, шундан 25 таси давлат корхоналари сифатида фаолият кўрсатди.

Республикамиз вилоятларида, хусусан Сурхондарёда ҳам истиқлол йилларида кичик, хусусий ва қўшма корхоналар ташкил этила бошланди. Дастлабки кичик корхона 1992 йили Ангор матлубот жамияти қошида трикотаж буюмларини ишлаб чиқарадиган цех сифатида ўз фаолиятини бошлаган. Бу цех Японияда ишлаб чиқарилган 9 та “Тайота” маркали тикув машинаси билан жиҳозланди .

Тўқимачилик саноатида етти хил турга бўлинадиган пахта толалалари ишлатилади. I-II-III турдаги ингичка толали ғўза навларидан олиниб, бу навлар кеч пишади, шунинг учун Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида ўстирилади.Бундай пахта толалаларидан махсус газламалар тўқилади. Улар юпқа ва пишшиқ бўлади. Сатин батис, трикотажлар ингичка толалардан тўқилган газламалардир. IV,V,VI турга кирувчи толалар ўрта толали ғўза навларидан олинади. Булар эртапишар ва серҳосил бўлади. IV тур толадан марказет ва шу каби газламалар тўқилади. V турга кирувчи толалар тўқимачилигида энг кўп ишлатилади. Ушбу тур толадан турли хил ички кийимлар, кўйлаклар ва астарлик бўладиган газламалр тўқилади.VI турга

кирувчи толалардан кастюмбоп газламалар тўқилади. VII тур толалар V тур толаларга қўшиб ишлатилади .

Юртимизда хом ашё ва меҳнат ресурсларининг мавжудлиги тўқимачилик саноатини ривожлантириш учун реал шарт-шароитлар яратади. Тўқимачилик саноатини ривожлантириш учун етакчи давлатлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш янаям кўпроқ самара беради.

1995 йилда енгил саноат корхоналарига киритилган инвестициялар ҳажми 37,37 млн АҚШ долларини ташкил қилган бўлса, 2004 йилда 848 млн АҚШ долларига яқин инвестициялар жалб қилинган, уларнинг асосий қисми тўқимачилик саноатини ривожлантиришга қаратилганди.

Инсон ўз турмуш шароитини яхшилашга интилиши билан боғлиқ хатти-харакатлари ўз навбатида истеъмол бозорида товарларга бўлган сифат талабларининг тезда ўзгаришига олиб келади. Айниқса, тўқимачилик маҳсулотларининг хилма-хиллиги, мавсумий ўзгаришларга тез берилувчанлиги мазкур турдаги маҳсулотлар савдосини тўғри ташкил этиш, товарлар бозоридаги ҳолатлар тўғрисидаги маълумотларни тўлиқ ўзлаштириш ва самарали қайта ишлашни тақозо этади.

Фойдаланилган манбалар

1. Абдурасулов.Ғ, Маматқулов.С. Тармоқлар технологияси. –Тошкент. Иқтисод-молия. 2007. – Б 31.
2. Турсунов С., Тўхтаев А. Жарқўрғон . – Тошкент: “Фан”, 2008. – Б 144.
3. Ўзбекистон Миллий архиви. 43- жамғарма, 1- рўйхат, 149 -иш, 7- варақ.
4. Ўзбекистон Республикаси Статистика ва истиқболни белгилаш вазирлиги маълумотлари.
5. Сурхондарё вилоят давлат архиви 698- жамғарма, 1-рўйхат , 295- иш, 63-варақ.
6. Ўзбекистон Республикаси Статистика ва истиқболни белгилаш вазирлиги маълумотлари.
7. Сурхондарё вилоят давлат архиви 1091- жамғарма, 1-рўйхат ,765-иш, 90-варақ.
8. https://lex.uz/docs/519903.

## ШАҲРИСАБЗ – ФЕСТИВАЛЛАР ШАҲРИ

**Махамов М. – магистр.**

Шаҳрисабз ўзининг бетакрор жозибаси, сўлим гўшалари, тарихий обидалари ва миллий қадриятлари билан азал-азалдан инсонни ўзига ром этган. Тарихга назар ташлайдиган бўлсак Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асарида шаҳри Кешга шундай таъриф берилган: “Баҳорлар саҳроси ва шаҳри ва боми ва томи хўб сабз бўлур учун Шаҳрисабз ҳам дерлар”, “Дерларким, Кисро тоқидин бу буйикрактур” ... Шоҳ ва шоир берган бундай таърифларда ҳам Шаҳрисабз ўрта асрларда қандай гўзал маскан бўлганлиги кўрсатиб берилган. Ана шу гўзалликка Собиқ тузум даврида бир муддат соя тушиб, тарихий обидаларимиз ва меъморчилигимизнинг нодир намуналарини йўқ қилишга уринган. Истиқлол туфайли бу гўзал маскан, “Қашқа воҳасининг зумрад гавҳари” том маънода тарихий қудратини қайта тиклади. 2001 йилдан буён эса 18 октябрь Шаҳрисабз куни сифатида нишонланиб келади. Амир Темурдек буюк инсоннинг бешигини тебратган бу замин. Бугунги кунда мамлакатимизда етти мингдан ортиқ ёдгорлик, 2500 та

меъморий обида, 2700 дан ортиқ монументал санъат асари давлат муҳофазасига олинган бўлиб, Шаҳрисабз шаҳри марказидаги ёдгорликлар 2000 йилда Юнесконинг “Умумжаҳон маданий мероси” рўйҳатига киритилган[1].

2018 йилда Шаҳрисабз шаҳри мезбонлик қилган биринчи халқаро Мақом анжумани йирик фестиваллар ўтказиш, сайёҳларга манзур хизматларни ташкил этишда ўзига хос тажриба майдони вазифасини ўтади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 6 апрелда имзоланган “Халқаро мақом санъати анжуманини ўтказиш тўғрисида” ги қарорига асосан, 6-10 сентябр кунлари юртимиз аҳли ва меҳмонлари ушбу нуфузли тадбирнинг гувоҳи бўлишди.

Давлатимиз раҳбари Қашқадарё вилоятига ташрифи чоғида соҳибқирон бобомиз Амир Темур қурдирган Оқсаройни зиёрат қилиб, Шаҳрисабз қадимий меросимиз бўлган мақомларни дунёга таратиш учун энг мақбул жой эканлигини таъкидлаганди. Зеро, “Шашмақом” дунёга келган ўша давр айнан Амир Темур давлатчилиги тарихи билан чамбарчас боғлиқ.

Буюк бобомиз даврида мусиқа санъати жадал ривожланиб, чинакам уйғониш даврини бошдан кечирганлиги, созандалик ва хонандалик, мусиқа илми ҳамда бастакорлик камол топганлиги ҳақида кўплаб манбалар мавжуд. Уларда таъкидланишича, XVII-XVIII асрларга келиб, Шаҳрисабзда бухоролик ва самарқандлик санъат усталари ҳамкорлигида “Шашмақом” тароналарига рақсга тушадиган раққослар ҳамда созандалар гуруҳлари тузилди.

Анжуман муносабати билан хорижий давлатлардан 22 нафар мусиқашунос олим, 29 яккахон ижрочи ва мусиқий жамоа, 21 нафар мутахассис ҳамда фахрий меҳмон санъат байрамида қатнашиш истагини билдирди.

Президентимиз қарорига асосан, ушбу анжуман доирасида Ўзбек миллий мақом санъати марказининг Шаҳрисабз филиали ташкил этилди. Шаҳрисабзга келган меҳмонлар шаҳар Маданият саройида ташкил этилган мақом санъати музейида мақом тарихи ҳақидаги анимацион кўргазма воситалари орқали ўзларини қизиқтирган барча маълумотга эга бўлдилар. Шунингдек, шаҳардаги “Наврўз” маданият ва истироҳат боғи ҳамда “Дор ут-тиловат” мажмуаси ҳудудидаги хиёбонда эса онлайн тизимида ишлайдиган катта экран орқали анжуманни кузатиб бордилар. Фестиваль 40 дан ортиқ мамлакатларга тўғридан-тўғри намойиш этилди. Анжуманда 70 дан ортиқ давлатлардан санъаткорлар қатнашди, 300 дан зиёд хорижий меҳмонлар ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 17 ноябрдаги “Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда 2018 йил 6 апрелдаги “Халқаро мақом санъати анжуманини ўтказиш тўғрисида”ги қарорлари ўзбек мумтоз мусиқаси тарихида янги даврни бошлаб берган муҳим ҳужжатлар бўлди

Уларда мақом санъатини янада ривожлантириш борасида аниқ вазифалар белгилаб берилган. Анжуман 2018 йилдан бошлаб, ҳар икки йилда бир марта Шаҳрисабз шаҳрида ўтказилади.

Бундан ташқари, Наврўз умухалқ байрами кунларида Халқаро миллийлибослар фестивали, кўпкари, миллий кураш ўйинлари уюштирилди. Шанингдек, “Шаҳрисабз ҳунармандлар маскани”, “Shahrisabz music dance” фестивали, “Ҳисор тоғлари” экофестиваллари ташкил этилиб келинмоқда.

Таъкидлаш керакки, бу ҳудуд қишлоқ хўжалиги, хусусан, боғдорчилиги билан ҳам машҳур. Бу эса агротуризмни ривожлантириш учун ҳам айни муддао. Шу боис 2019 йилдан Шаҳрисабз шаҳрида Биринчи халқаро “Анор” агротуристик фестивали ҳам ўтказилди. Мазкур тадбир иштирокчилари шаҳар туташ бўлган

Китобнинг дунёга машҳур Варганза анорларини етиштириш, сақлаш ва етказиб бериш жараёнига яқиндан гувоҳ бўлишмоқда[4].

Шаҳрисабзда ҳар йили 1 — 8 февраль кунлари туристик майдонга мезбонлик қилиб келмоқда. Унда соҳа мутахассислари, туроператорлар, чет эллик экспертлар қатнашиб, Ўзбекистон туристик салоҳиятини ошириш, тарғиб этишнинг долзарб масалаларини муҳокама қилишмоқда[2].

2019 йилнинг 21-22 март кунлари II халқаро миллий либослар фестивали Туризмни ривожлантириш Давлат қўмитаси томонидан Наврўз умумхалқ байрами доирасида уюштирилган мазкур фестивалда МДҲ давлатлари дизайнерлари ва модельерларини Шаҳрисабзда жамлади. Унда Ўзбекистоннинг “Ra’no collection”, “Sindor collection”, “Mohigul”, “Bukhara brilliant silk”, “Banoras”, “Guzal collection”, “Istorakhan”, “Nataly Kondra”, “Nodirabegim”, “Iroda Agzam Xoja”, “Dilorom collection”, “Azima”, “Kafa” брендлари остида иш олиб бораётган дизайнерлар билан бир қаторда, Россиянинг “Asian spirit”, Озарбайжоннинг “Gulnara Khalilova”, Туркманистоннинг “Ayna izbasar”, Қирғизистоннинг “Kate Zabolotnova”, Қозоғистоннинг “Aynura Maidanova”, Грузиянинг “Кетисашвили Мари” брендлари ўзларининг миллий либослар коллекциялари билан иштирок этишди[3]. Фестиваль доирасида Шаҳрисабз шаҳри тарихий марказида ўзбек миллий либослари, урф-одатлари, таомлари кўргазмалари, сумалак сайиллари, дорбозлар ва полвонлар мусобақалари, фольклор дасталарнинг чиқишлари, миллий таомлар тайёрлаш маҳорат дарслари, хорижий дизайнерлар томонидан ёш дизайнерлар учун маҳорат дарслари бўлиб ўтди.

Халқаро фестивалда дизайнерлар ишларини баҳолашда Россия, Беларусь, Қозоғистон ва ўзбекистонлик экспертлар қатнашди. Унда қирғизистонлик дизайнерлар Катя Заболотнова ҳамда Алия Эдилова, Ўзбекистондан Ирода Агзамхўжа, туркманистонлик Айна Избасар “Олтин игна соҳиби” бўлишди. Шунингдек, қирғизистонлик Шахзада Балтабаева “Bibihanum Award”, Ўзбекистон вакилалари Кумушхон Мадумарова “Miss Shahrisabz”, Диёра Камолова “Top Model”, Ситора Исломова “Fest Girl” номинациялари бўйича совриндорлар сафидан жой олишди.

Фестиваль доирасида Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва “Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси” нодавлат ташкилоти ўртасида “Таълим ва туризм алмашинуви “Халқ дипломатиясини” ривожлантириш учун Ўзбекистонда ва ШҲТ мамлакатларида маданий ва ижодий тадбирларни мунтазаб ўтказиб бориш тўғрисида” меморандум имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Қашқадарё вилоятининг туризм салоҳиятидан самарали фойдаланиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз шаҳри фестиваллар шаҳри сифатида эътироф этилди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Қашқадарё вилояти ҳокимлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси Шаҳрисабз шаҳрида йил давомида Амир Темур таваллуди куни, “Кўпкари” миллий ўйини, фольклор гуруҳлар ва ҳунармандлар фестивали каби турли маданий-кўнгилочар тадбирларни аниқ режа ва тасдиқланган тақвим асосида мунтазам ўтказиб бориш орқали Шаҳрисабз шаҳрини фестиваллар шаҳрига айлантириш чораларини кўришди ва бу ўз натижасини берди.

Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси мазкур маданий-кўнгилочар тадбирларни республикага ташриф буюрувчи туристлар

ўртасида кенг тарғиб этиш ҳамда тадбирлар доирасида Шаҳрисабз шаҳрига туристларни кенг жалб этиш юзасидан тегишли чора-тадбирларни амалга ошириб бормоқда.

Қашқадарё вилоятида янги туризм йўналишларини ташкил этиш юзасидан чора-тадбирлар режасини 2019–2020 йилларда Қашқадарё вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш бўйича амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг манзилли рўйхати тасдиқлашди.

Хуллас, Шаҳрисабз шаҳрида анъанавий ўтказилиб келинаётган халқаро фестиваллар ҳам моддий маданиятимиз тарихини жаҳон миқёсида кенг тарғиб этишда алоҳида аҳамият касб этмоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Қўқон шаҳрида анъанавий фестиваллар бу йўналишдаги ишларни янги босқичда давом эттиришга хизмат қилади.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. “Фестиваллар шаҳри” - Шаҳрисабз туристик майдон мезбонига айланади. Жамият газетаси 2019 йил 9 феврал.

2. Муҳаммадиев Аҳад. 2019 йил 23 март. Фестиваллар шаҳрининг биринчи фестивали. 2019 йил 21-22 март кунлари 2 халқаро миллий либослар фестивали бўлиб ўтди. Халқ сўзи газетаси.

3. https://m.kun.uz/news/2019/03/04/shahrisabz-ii-milliy-libos-xalqaro-festivali-taniqli-dizaynerlarni-jamlaydi.

4. https://daryo.uz/2019/08/24/qashqadaryoda-birinchi-xalqaro-anor-festivali-otkaziladi/

## ИЛК ЎРТА АСРЛАР ҚАРШИ ВОҲАСИ ШАҲАРЛАРИ ШАКЛЛАНИШ ЖАРАЁНИ

**Раззоқова Ш. – ҚарДУ магистри.**

Қашқадарё воҳасида дастлабки шаҳарларнинг пайдо бўлиши илк темир даврига бориб тақалади. Воҳанинг қуйи оқимида Ерқўрғон, юқори оқимида Узунқир каби ёдгорликларида дастлабки шаҳарлар пайдо бўлган ҳолда воҳада илк бор шаҳарсозлик маданияти шаклланган.

Илк ўрта асрларда Жанубий Суғдда нечта шаҳар фаолият кўрсатганлиги номаълум. Сабаби, 565 йилда Турк ҳоқонлиги ва Сосонийлар давлати иттифоқининг Эфталитлар билан бўлган жанги натижасида Жанубий Суғднинг Ерқўрғон, Шуллуктепа, Косонтепа, Кофиртепа, Таллисортепа Ғузор воҳасидаги Ялпоқтепа каб шаҳарлар вайрон бўлганлиги бу ёдгорликларда олиб борилган археологик қазишмалар натижаларидан маълум. Лекин Нахшаб-Насафнинг ўрта асрларга оид йирик шаҳарлари бўлган Касби, Кўҳна Фазли (Базда, Паздава), Боғоттепа, Бобокенттепа, Ғузор воҳасидаги Ўликтепа, Хўжа Бузургтепа ва бошқа ўнлаб ўрта асрлар даври шаҳар ёдгорликлари тагида илк ўрта асрлар даври шаҳарлари бўлганми, йўқми, бу шаҳарлар қачондан бошлаб шаҳарга айланганликлари номаълум. Лекин, бу шаҳарларнинг барчасида илк ўрта асрлар даври сополлари учрайди. Бизнинг ҳисоб-китобларимизга кўра, илк ўрта асрлар даврида Жанубий Суғднинг Нахшаб ва Кеш воҳаларида ўндан ортиқ шаҳарлар фаолият кўрсатганлар ва уларнинг аксарияти  вайроналари устида Насаф ва Кешнинг йирик ўрта асрлар даври шаҳарлари бунёд этилганлар.

Насаф-Нахшаб. Қашқадарё воҳаси ҳудудида турли тарихий даврларда шаклланган ва турли даврларда вайронага айланган ўрта аср шаҳарларидан бири Насаф шаҳридир. Бу шаҳарнинг бизнинг кунларгача етиб келган харобалари бўлган Шуллуктепа - Қарши шаҳридан 7-8 км чамаси шимолий-ғарбда, асосан Қашқадарёнинг сўл қирғоғида, ҳозирги Тўқманғит қишлоғи яқинида жойлашган. Бу ҳудудда дарёнинг кенг майдонни эгаллаган ярим доира шаклидаги қайрилиши бўлиб мана шу қайрилиш ичида Нахшаб-Насафнинг арки, шаҳристони ва рабоди жойлашган[1:43-44].

Шаҳристоннинг шу кунлардаги устки топографиясини кузатиб бирон-бир фикрга келиш қийин, чунки бу ерда жуда узоқ йиллар, балки асрлар давомида шу атрофда яшовчи аҳоли пишиқ ғишт кавлаб олиб кетиш билан шуғулланган ва бу ҳолат бу ерга ташриф буюрган рус тадқиқотчилари томонидан ҳам таъкидланган[2]. Шуллуктепа нафақат маҳаллий олимларни балки рус шарқшуносларини ҳам қизиқтириб келган. 1883 йилда В.В.Крестовский[3:85], 1885 йилда эса Б.Литвинов Шуллуктепада бўлиб, у шундай тасвирлайди. “Қарши атрофида археология ва тарих учун энг қимматли бўлган хароба Шуллуктепа қалъаси харобаларидир. Аҳоли ҳозиргача ўз қурилишлари учун бу ердан пишиқ ғишт олиб кетади, кўплаб уйлар, Қаршининг машҳур ҳаммомлари мана шу ғиштлардан қурилган. Ҳозир ҳам Бухоро бозори Шуллуктепадан қазиб топилган ажойиботлар билан тўла. Ажойиб кошинлар, ҳайкалчалар, мис идишлар, тангалар ва қабртошлар фанга кўплаб янгиликлар ва қизиқарли нарсаларни бера оладиган серғайрат инсонни кутмоқда.Мозаик кошинларга туширилган нақшлар, мис идишларга берилган тасвирлар бу ерда яшаб ўтганларнинг юксак маданиятидан ва ниҳоятда нозик дидидан далолат беради”[4:89].

С.К. Кабанов ўтган асрнинг 50-60-йилларида Қарши воҳасининг антик ва илк ўрта асрларга оид кўплаб қишлоқларини қазишмалар асосида ўрганиб бу воҳанинг қадимий моддий маданияти тарихини тадқиқ этишда жуда катта илмий натижаларга эришади[5:78].

1965 йилда М.Е.Массон бошчилигидаги Кеш археология топография экспедицияси (КАТЭ) томонидан Қарши воҳасининг бир қатор йирик археологик ёдгорликлари - Еркўрғон, Қарши қалъаси, Қалъайи Зоҳҳаки Морон, Шуллуктепа, Касбитепада қидирув ва қисман қазиш ишлари олиб борилди ва биринчи марта бу ёдгорликларнинг топографик тархлари қоғозга туширилди ҳамда ўрта асрларга мансуб шаҳарлар тўғрисида тарихий манбалар тўплашга муваффақ бўлинди. Шу даврда Шуллуктепа аркидан 250 м шимоли-шарқ томонда шурф қазилиб ва шаҳар маданий қатламларининг стратиграфияси қисман ўрганилди[6:41].

1987 йилда М.Ҳ. Исомиддинов ва А.А. Раимқуловлар томонидан Шуллуктепа аркининг энг юқори қисмида олиб борилган тадқиқотлар натижасида бинонинг қолдиқлари очиб ўрганилди[7:29].

Шуллуктепада ҳаёт VIII асрнинг охирларида тўхтаган. X асрда шаҳар арки вайрона ҳолда бўлиб, Қашқадарёнинг ҳар икки қирғоғида жойлашган рабодида аҳоли гавжум жойлашган эди. “Дар ал-имара”, яъни “ҳукумат уйи” (ҳукмдор қароргоҳи) ва зиндон Қашқадарё қирғоғидаги “Ра’с ал-қантара” (кўприкнинг боши) деб аталувчи жойда жойлашган эди. Шаҳарнинг жоме масжиди эса рабодда, Ғубдин дарвозаси олдида жойлашган, шаҳар бозори ҳоким қароргоҳи ва жоме масжиди орасида фаолият кўрсатган. Шаҳар рабодида, Бухоро дарвозаси яқинида Ҳайит номозлари ўқиладиган “ал Мусалла” масжиди ҳам бўлгани манбаларда акс этган[8:52].

Қалъайи Заҳҳоки Морон. Қадимий Нахшабнинг антик шаҳарларидан бири Қалъайи Заҳҳоки Морон Қарши шаҳрининг жануби-ғарбий қисмида жойлашган.

М.Е. Массоннинг маълумотига кўра, Қалъайи Заҳҳоки Морон ёдгорлиги қадимий шаҳар харобалари бўлиб, у квадрат шаклда, уч қаторли маҳобатли мудофаа деворлари билан ўраб олинган. Ёдгорликнинг марказида қуйи қисмининг томонлари 110х90 м, баландиги 15 м бўлган улкан арк жойлашган. Аркнинг атрофидаги биринчи қатор мудофаа девори томонлари 200х200 м (4 га) майдонни ўраб олган. Арк ва биринчи девор оралиғи 30-35 кенгликдаги сайхонликдан иборат. Биринчи мудофаа деворининг қолдиқлари баландлиги 8-9 м, кенглиги 17-20 м бўлган, аркни ҳамма томондан ўраб олган узун тупроқ кўтармаси (вал) шаклида сақланиб қолган. Ундан ташқаридаги иккинчи қатор мудофаа деворлари эса 400х400 м (16 га) майдонни ўраб олган. Бу деворнинг қолдиқлари ҳам биринчи девор каби баландлиги 8-9 м, кенглиги 17-20 м бўлган тупроқ кўтармаси (вал) шаклида сақланиб қолган. Биринчи ва иккинчи мудофаа девори оралиғида 50-60 м кенгликдаги сайхонлик мавжуд. Майдони 16 гектар бўлган ушбу маҳобатли қалъа ва унинг атрофидаги кенг текис майдон томонлари 1,5х1,5 км бўлган учинчи қатор мудофаа деворлари билан ўраб олинган. М.Е.Массоннинг фикрига кўра, мана шундай улкан ҳудудни эгаллаган шаҳарнинг умумий майдони 225 га, ва у антик дунёнинг энг йирик шаҳарларидан бири бўлган.

М.Е.Массоннинг фикрига кўра, Нахшаб шаҳри мана шу ёдгорлик ўрнида бўлган[9]. Ҳозирги даврдаги топографик хусусиятларига кўра, ёдгорликнинг шарқий қисмида қалъа дарвозаси бўлган[10:171]. Ёдгорликни биринчи бўлиб И. Кастанье ва 1916 йилга келиб Л.А. Зиминлар тадқиқ этишган. Кейинги даврда М.Е. Массон ва С.К. Кабановлар тадқиқоти хулосаларига кўра ёдгорлик III-IV асрларга оид эканлиги аниқланди[11:19]. Ёдгорликни мудофаа деворларини ўрганиш М. Турабеков томонидан амалга оширилди. Археологик қазишмалар муаллифи М.Туребековнинг хулосасига кўра, Қалъайи Зоҳҳаки Морон ўрнидаги қадимий шаҳар бу ҳудудга Жанубий Сибир ва Олтой томонлардан келган, Ўрта Осиё ҳудудида фаолият кўрсатаётган Юнон-Бақтрия давлатини йиқитган скиф қабилалари томонидан милоддан аввалги II асрда бунёд этилган [12:75].

1985 йиллда ёдгорликнинг марказидаги аркда М.Х.Исомиддинов ва Ш.А.Раҳмонов, томонидан археологик қазишмалар олиб борилган[13]. Кейинчалик тадқиқотлар А.А.Раимқуловлар томонидан давом эттирилган ва бу жойда VII –VIII асрлар давомида фаолият кўрсатган қаср харобалари очилган[14:6-7].

Кейинги вақтда Қалъайи Зоҳҳаки Морон тўғрисида бутунлай янги бир фикр ўртага ташланди. Археолог олим А.А.Раимқуловнинг фикрига кўра, бу шаҳар мил.авв. II асрда Жанубий Сибир ва Олтой томондан келган, Катта Юечжи кўчманчи қабилалар иттифоқи томонидан бунёд этилган бўлиб, бу шаҳарда юечжи қабилалари жойлашган кенг ҳудуднинг марказида жойлашган ва у мана шу қабилаларга қишлов вазифасини ўтаган[15:102-109].

Шаҳарлар инсониятнинг серқирра фаолияти натижасида пайдо бўлиб, турли ривожланиш босқичларидан ўтган. Қашқадарё воҳасининг илк шаҳарлари сўнгги бронза ва илк темир даврида шаклланиб, кейинги даврларда ривожланиб борган. Илк ўрта асрлар даврида Кеш (Китоб-Шаҳрисабз), Шуллуктепа (Қарши), Ғузор, Навқат Қурайш, Эскифағн, Касби, Базда каби йирик кўҳна шаҳарлар дарё воҳаларида, қадимги йўллар бўйларида шаклланиб воҳанинг ички ва ташқи савдо алоқаларида, маданий ҳаётида, миграция жараёнларида муҳим аҳамият касб этганлар.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Кабанов С.К.Нахшаб на рубеже древности и средневековья (III-VIIвв). Тошкент.Фан. 1977.С.43-44.

2. Литвинов Б. Карши. // Туркестанское ведомости. 1910

3. Массон М. Е. Столичные города в области низовьев Кашкадарьи с древнейших времен. -Т., 1973. С. 85

4. Литвинов Б. Карши. // Туркестанское ведомости. 1910 №114-116 Абдусаттор Жуманазаров Насаф .Т. 2017. Б. 89.

5. Кабанов.С.К. Археологические разведки в верхней части долиной Кашкадарья. //Тр. Института истории и археологии.вып.7, 1955; Ўша муаллиф. Нахшаб на рубеже древности и средневековья. -Т., 1977. С. 78.

6. Массон М.Е. Столичные города... С.41; Кабанов С.К. Нахшебна рубежи древности и средневеков (III-VII вв); -Т.: 1977.-С. 56-57; Исомиддинов А. Яркулов Нахшаб ҳунармандчилиги тарихи Т.: “Янги нашр”. 2014. Б.39.

7. Сулейманов. Р.Древний Нахшаб. 2000 С. 29.

8. Камалиддинов Ш.С. Историческая география Южного Согда и Тохаристана по арабоязычным источникам IX – начала XIII вв. – Ташкент: Узбекистан, 1996. – С. 52.

9. Массон М. Е.Столичные города в области низовьев Кашкадарьи с древнейших времен (Из работ Кешской археолого-топографической экспедиции ТашГУ (1965-1966 гг.). Ташкент, 1973.

10. Равшанов П. Қарши тарихи. Тошкент “Янги аср авлоди ”., 2006. Б. 171.

11. Мўминов О.Қалъаи Заҳҳоки Морон ёдгорлигининг ўрганилиш тарихидан. Шаҳрисабз шаҳрининг жаҳон тарихида тутган ўрни // Халқаро илмий конференция маърузалари тезислари. Тошкент « Фан» 19 бет.

12. Туребеков М. Археологическое изучение оборонительных сооружений городища Калаи-Зохаки Марон. ИМКУ, Вып. 15, Ташкент, 1979, С.75.

13. Исамиддинов М.Х., Рахманов Ш.А. Предварительное исследование цитадели городища Калаи Захоки Морон//Тезиси докладов конференции «Творческое наследие народов Средней Азии в памятниках искусства, архитектуры и археологии». Ташкент, 1985.

14. Раимкулов А.А. Культура сельских поселений Нахшаба в эпоху раннего феодализма. Автореф. дисс.кан. ист. Наук. Самарканд, 1992. С.6-7.

15. Раимқулов А.А. Қалъайи Зоҳҳаки Морон (қадимда, кеча ва бугун). Ўрта Осиё археологияси кафедраси: авлодлар изланиши ва кашфиётлар. Тошкент, 2020, Б. 102-109.

# М У Н Д А Р И Ж А



| № | МУАЛЛИФЛАРНИНГ ФАМИЛИЯСИ, ИСМИ, ШАРИФИ | МАҚОЛА МАВЗУСИ | БЕТ |
|---|---|---|---|
| **КИРИШ СЎЗИ:** | | | |
| | *Набиев Д.Ҳ.* | *Янги Ўзбекистон – Учинчи Ренессанс сари* | *3* |
| **I – ШЎЪБА. МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ ТИЗИМИДА ҚАДИМГИ ВА ЎРТА АСРЛАР МИГРАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ ВА ШАҲАРСОЗЛИК МАДАНИЯТИ** | | | |
| 1. | *Сагдуллаев А.* | *Марказий Осиёда илк цивилизациялар ривожланиши хусусиятлари* | 6 |
| 2. | *Рахимшикова М., Хавазметова Д.* | *Культурное наследие тюркских народов как фактор становления средневекового Ренессанса Центральной Азии* | 9 |
| 3. | *Адигамов К.* | *Накшбандийские наставники татарских богословов конца XVIII – XIX вв. в Средней Азии* | 13 |
| 4. | *Бегалинова К.* | *Философские взгляды Аль-Фараби и их роль в развитии общественной мысли Центральной Азии* | 18 |
| 5. | *Мавлонов Ў.* | *Марказий Осиё халқаро маданий алоқалар тизимида* | 25 |
| 6. | *Эшов Б.* | *Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг қадимги шаҳарлари тарихи бўйича амалга оширилган тадқиқотларнинг натижалари* | 29 |
| 7. | *Бўриев О.* | *“Марказий Осиё” атамаси: баъзи чизгилар* | 35 |
| 8. | *Гордеева Е.* | *Панние храмы и сакрализация древних культов* | 39 |
| 9. | *Азимов Х.* | *Қадимги давр Марказий Осиё ва Хитой савдо - дипломатик алоқалари тарихидан (хитой манбалари асосида)* | 43 |
| 10. | *Иноятова Д.* | *История миграции немцев в Туркестан* | 47 |
| 11. | *Худойқулов Т.* | *Қўқон хонлиги шаҳарсозлик маданиятида меъморчилик ва амалий санъатининг ўрни (XVIII асрнинг охири – XIX асрнинг бошлари)* | 51 |
| 12. | *Қодирова Д.* | *Фарғона водийсидаги илк шаҳарлар* | 55 |
| 13. | *Хакимниязов Ж.* | *Бронза ва илк темир даври миграция жараёнларида Жанубий Оролбўйининг тутган ўрни* | 58 |
| 14. | *Қудратов Д.* | *Темурийлар давридаги урбанизация жараёнлари* | 61 |
| 15. | *Наимов И.* | *Буюк маърифатпарвар илмий ижодида оби ҳаёт масаласи* | 63 |
| 16. | *Чориев А.* | *Амир Темур даврида илм-фан тараққиёти* | 67 |
| 17. | *Файзуллаев О.* | *Туркон хотун ва унинг ануштегинийлар сулоласида тутган ўрни* | 69 |
| 18. | *Эгамбердиева Н.* | *Духовный взгляды Алишера Навои на систему цивилизации Средней Азии* | 74 |
| 19. | *Хушвақов Н.* | *Суғдиёна худудидаги терракоталарда эчки тасвири ва талқини* | 77 |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 20. | *Тошева Ш.* | *VIII – XII асрларда Ўрта Осиё шаҳарларида касбий ўзликнинг ўзига хос хусусиятлари* | 80 |
| 21. | *Омонов А.* | *Қизилолма 2 – илк палеолит даври ёдгорлигининг тош индустрияси ва маданий-даврий хусусиятлари* | 83 |
| 22. | *Ғофуров Ж.* | *Илк ўрта асрларда Уструшонада қишлоқ турар жойларининг ривожланиш омиллари хусусида* | 88 |
| 23. | *Сулайманова С.* | *Илк ўрта асрларда Суғд шаҳарлари шаҳарсозлиги* | 91 |
| 24. | *Хўжаёров А.* | *Насаф шаҳрининг Марказий Осиё цивилизациясидаги ўрни* | 94 |
| **II – ШЎЪБА. ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ ВА МАДАНИЯТИ МАВЗУСИНИНГ МАНБАШУНОСЛИГИ ВА ТАРИХШУНОСЛИГИ** | | | |
| 25. | *Козлов К.* | *История Туркестанской епархии русской православной церкви (1871–1917) в современной историографии* | 99 |
| 26. | *Рашидов О.* | *Жадид ғояларининг большевиклар мафкураси танқид нишонига айланиши* | 108 |
| 27. | *Темиров Ф.* | *Ўзбекистонлик жангчиларнинг фашизмни тор-мор этишдаги жасоратлари* | 110 |
| 28. | *Бобожонова Ф., Элмуродова Н.* | *Ўзбекистон тарихи ва маданиятини ўрганишда Бухоро мадрасаларининг манбашунослиги ва тарихшунослиги* | 114 |
| 29. | *Муртазова С.* | *Ўзбекистонда мусиқа маданияти ва таълим тизими тарихи масаласининг назарий-методологик асослари* | 118 |
| 30. | *Хошимов С.* | *Ўзбекистонда совет ҳокимияти қатағон сиёсатининг хориж тарихшунослигида ёритилиши* | 122 |
| 31. | *Эркаев Э.* | *Ўзбекистон пахтакорларининг ғалабага қўшган ҳиссаси тарихидан. (1941-1945 йиллар)* | 125 |
| 32. | *Ҳакимов А.* | *Фарғона водийси урбанизация жараёнлари тарихшунослиги (Андижон шаҳридаги Чордона ва Сарвонтепани археологик ўрганилиши)* | 130 |
| 33. | *Норматов Ш.* | *Фарғона водийсининг ёзма манбалар тарихшунослиги* | 134 |
| 34. | *Тўхтаева Р.* | *Ўзбекистонда молия кадрларини тайёрлаш тизими ҳолати (XX асрнинг 50-йиллари)* | 136 |
| 35. | *Тошпўлатов* | *Туркистонда илк тиббий таълим муассасалари тарихи тарихшунослиги* | 139 |
| 36. | *Орзиев М.* | *Россия империяси истилоси даврида Бухоро-Афғонистон муносабатлари хусусида* | 145 |
| 37. | *Б.Кўчаров Ж.* | *Бухоро руҳонийларининг темурийлар даври ижтимоий-сиёсий ҳаётга таъсири* | 149 |
| 38. | *Умарова М.* | *Амир Шоҳмурод даврида таълим тизимида қўлланилган муҳим дарслик ва адабиётлар* | 155 |
| 39. | *Жалилов И.* | *Ўзбек анъанавий ўйинлари тарихи манбашунослигига баъзи чизгилар (Қашқадарё воҳаси мисолида)* | 159 |
| 40. | *Қудратов Ш.* | *Бухоро амирлигидаги қоракўл тери таназзули* | 161 |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | | *ҳақидаги айрим мулоҳазалар* | |
| **41.** | ***Болтабоев Ё.*** | ***“Щит народа” газетаси саҳифаларида Марғилон шаҳар думаси фаолиятининг ёритилиши*** | ***163*** |
| **42.** | ***Исметов Р.*** | ***Қораўзак туманида жойлашган Мурат Шайх бобо ҳақида тарихий ва оғзаки-афсона маълумотлар*** | ***167*** |
| **43.** | ***Раматуллаев М.*** | ***Совет ҳокимияти йилларида Қорақалпоғистонда олиб борилган диний сиёсат масаласининг тадқиқ қилиниши*** | ***169*** |
| **44.** | ***Сапаров З.*** | ***XIX асрдаги Жанубий Орол бўйида яшаган қорақалпоқ халқининг таниқли сиймолари ҳақида манбалар*** | ***172*** |
| **45.** | ***Ахматов А.*** | ***XX аср 80-йиллари Бухоро адабий муҳити тарихини ўрганишда архив ва матбуот материалларидан фойдаланиш*** | ***176*** |
| **46.** | ***Исаев О.*** | ***XX асрнинг 20-30 йилларида Сурхон воҳасида маданий муассасаларнинг зиддиятли фаолияти*** | ***179*** |
| **47.** | ***Канимқулов О.*** | ***Яҳё Ғуломовнинг шахсий архив фонди ҳужжатлари ҳақида*** | ***181*** |
| **48.** | ***Тожибоев Ф.*** | ***Совет ҳокимиятининг 1945 – 1985 йилларда Ўзбекистонда амалга оширган аграр сиёсати тарихшунослиги*** | ***184*** |
| **49.** | ***Ҳасанова Н.*** | ***Биринчи ўзбек ҳуқуқшунос олимаси ҳақида*** | ***187*** |
| **50.** | ***Муродова Д., Азимова Н.*** | ***Иккинчи жаҳон уруши йилларида Коғон шаҳар мактаблари фаолияти*** | ***190*** |
| **51.** | ***Панжиев А.*** | ***Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон раҳбарияти сиёсий фаолиятининг матбуотда ёритилиши*** | ***194*** |
| **52.** | ***Аҳмедов Р.*** | ***Ўзбекистонда саводсизликни тугатиш сиёсатининг совет даври тарихшунослиги*** | ***197*** |
| **53.** | ***Бекмирзаев Д.*** | ***Ўзбекистон халқининг фашизм устидан қозонилган ғалабага қўшган хиссасини тарихшунослигимизда ёритилиши*** | ***201*** |
| **54.** | ***Акмаматова М., Акмаматов О.*** | ***Қарлуқлар тарихшунослигига оид чизгилар*** | ***204*** |
| **55.** | ***Акбаров Р.*** | ***Бутунроссия Таъсис Мажлиси тарихшунослиги*** | ***207*** |
| **III – ШЎЪБА. МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ ТИЗИМИДА ЎЗБЕКИСТОН АРХЕОЛОГИЯСИ ВА ЭТНОЛОГИЯСИ МУАММОЛАРИ** | | | |
| **56.** | ***Отахўжаев А.*** | ***Бухоро Суғди вакиллари Буюк ипак йўлида*** | ***212*** |
| **57.** | ***Бобоёров Ғ.*** | ***Эфталийларнинг уруғ-қабилавий тузилиши*** | ***217*** |
| **58.** | ***Раҳмонов Ф.*** | ***Марказий Осиё деҳқончилик маданиятида Жанубий Ўзбекистон аҳолисининг зироатчиликка оид урф-одат ва маросимларининг тутган ўрни*** | ***221*** |
| **59.** | ***Пахратдинов А.*** | ***Қорақалпоқларда қалин дастури ҳақида*** | ***225*** |
| **60.** | ***Алманов Қ.*** | ***Жиззах воҳасида қирғиз этноси вакилларининг жойлашуви ва этномаданий хусусиятлари*** | ***227*** |
| **61.** | ***Шамсиева З.*** | ***Бухоро воҳаси никоҳ тўйи маросимлари анъанавий тизими хусусида*** | ***232*** |
| **62.** | ***Эгамбердиев Ф.*** | ***Илк ўрта асрлар даври Жанубий Суғд қишлоқ*** | ***234*** |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | | *маконлари қурилиш услуби* | |
| **63.** | *Эргашева С.* | *Сурхон воҳаси гилам ва гиламчилик тарихидан* | *239* |
| **64.** | *Очилова О.* | *Ўрта Осиёда халқ табобатининг пайдо бўлиши ва ривожланиш тарихи* | *242* |
| **65.** | *Бахрамов Т.* | *Бухоро амирлиги доирасида кечган этник жараёнларда Қашқадарё воҳаси аҳолисининг иштироки* | *246* |
| **66.** | *Абдураупов О.* | *Фаргона водийсида қиргизларнинг ўтроқлашув жараёни* | *249* |
| **67.** | *Эшмуҳаматов А.* | *Жиззах воҳа аҳолиси таомномасида сутли маҳсулотларнинг ўрни* | *252* |
| **68.** | *Жумаева Н.* | *Қуйи Зарафшон воҳасида деҳқончилик маданиятининг ўзига хос анъаналари (XIX аср охири-XX аср бошлари)* | *257* |
| **69.** | *Очилова Ҳ.* | *Қарши вохасида бола тарбиясининг этнолокал хусусиятлари* | *263* |
| **70.** | *Бобожонов Ш.* | *Бухоро зиёратгоҳлари академик В.В.Бартольд нигоҳида* | *265* |
| **71.** | *Сатторов Н.* | *Ўзбек халқи этногенезининг шаклланиш жараёни ҳақида тугилган пантуркизм, паниранизм, панисломизм қарашлари* | *269* |
| **72.** | *Тоштемирова Ҳ.* | *Аврангзеб Оламгир – буюк бобурий ҳукмдор* | *275* |
| **IV – ШЎЪБА. ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАРИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШДА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВЛАР** | | | |
| **73.** | *Эргашева Ю.* | *Сотрудничество Узбекистана и Республики Центральной Азии в научной сфере и подготовке научно-педагогических кадров: история и современность* | *281* |
| **74.** | *Муртазаева Р.* | *Языковая политика в Узбекистане на современном этапе* | *286* |
| **75.** | *Ишанходжаева З.* | *Культура Узбекистана и политика советской власти в 1920-1930 гг.* | *289* |
| **76.** | *Муминова Г.* | *История развития основных направлений системы здравоохранения в Узбекистане* | *295* |
| **77.** | *Сомрликова К., Абдукакаҳҳорова Д., Майнонов У.А.* | *Халқаро майдонда Ўзбекистон нуфузининг ортиб бориши* | *303* |
| **78.** | *Ёрматов Ф.* | *Нуронийлар саломатлигини таъминлаш: муаммолар ва ечимлар* | *306* |
| **79.** | *Васиева Д., Шойқулова Д., Аҳмедова А.* | *Олий таълимнинг тизимини ислоҳ қилиш – давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши* | *311* |
| **80.** | *Темирова Ч.* | *Развитие традиционного народного творчества на селе в условиях независимости* | *314* |
| **81.** | *Собирова Д.* | *Янги Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий жараёнларида аёлларнинг иштироки (Андижон вилояти мисолида)* | *320* |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 82. | *Каромов Ғ.* | *1920-1924 йилларда Ўзбекистон аҳолиси ижтимоий ҳаёти ва унинг соғлиқни сақлаш ишига таъсири (ХХСР мисолида)* | *323* |
| 83. | *Чориев А., Раҳмонов М.* | *Ўзбекистон ва Қирғизистон Республикалари ўртасидаги алоқаларда миллий маданий марказларнинг ўрни* | *326* |
| 84. | *Болтаев Б.* | *Янги Ўзбекистонда замонавий музейларнинг вужудга келиши: тарихий ва инновацион ёндашувлар* | *331* |
| 85. | *Охунжонова Ш.* | *1991-2020 йиллардаги Тошкент шаҳри бозорлари фаолиятининг қиёсий таҳлили* | *334* |
| 86. | *Боқиев Б.* | *Мустақиллик шароитида Ўзбекистон ижодкор зиёлиларига яратилган ижод эркинлиги* | *339* |
| 87. | *Убайдуллаева Ш.* | *Ўзбекистонда мустақиллик йилларида соғлиқни сақлаш ислоҳотларида хотин-қизларнинг роли* | *342* |
| 88. | *Холиқов Ғ.* | *Ўзбекистоннинг тиббиёт соҳасидаги хорижий давлатлар билан ҳамкорлиги* | *347* |
| 89. | *Махматқулов Ж.* | *Марказий Осиё давлатларининг гиёҳвандликка қарши кураш тадбирларида Ўзбекистоннинг ўрни* | *350* |
| 90. | *Ахмадова Н.* | *Ўзбекистоннинг Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни таъминлашдаги фаолияти* | *353* |
| 91. | *Ёқубов Т.* | *Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари бошқаруви тизими* | *357* |
| 92. | *Шодихонов С.* | *Концепцию военно-политического перевода и ее значение в сфере военного перевода* | *362* |
| 93. | *Тоштемиров Д.* | *Ўзбекистон ва МДҲ давлатларининг олий таълим соҳасидаги халқаро алоқалари* | *367* |
| 94. | *Жумаев Б.* | *Янги Ўзбекистон маҳаллаларида туризмнинг ривожланиши (2016-2021 йиллар)* | *370* |
| 95. | *Ахмедов С.* | *Ўзбекистоннинг халқаро маданий алоқалар тизимида мусиқа ва қўшиқчилик санъатининг тутган ўрни (ХХ аснинг иккинчи ярми)* | *373* |
| 96. | *Каромов Ш.* | *Тарихни ўрганиш методологияси бўйича айрим мулоҳазалар* | *378* |
| 97. | *Мирзаев О.* | *Ёшлар маънавиятини шакллантиришда тарихий мавзудаги санъат асарларининг ўрни* | *381* |
| 98. | *Makhmatkulova Sh.* | *The lexeme of “fidoiy” and “xiyonatkor” in english and uzbek proverbs as a indication of mentality of English and Uzbek* | *383* |
| 99. | *Омонова С., Раҳматова Д.* | *Ўзбекистонда аёллар футболини ривожлантириш тадбирлари* | *387* |
| 100. | *Бўронов О.* | *Қишлоқ аҳолиси саломатлигини мустаҳкамлашда тез тиббий ёрдамининг ўрни* | *389* |
| 101. | *Орипова Л.* | *Гендер тушунчаси ва унинг тарихий аҳамияти* | *391* |
| 102. | *Аҳмедов Б.* | *ХХ асрнинг биринчи ярмида қоракўлчилик соҳасидаги илмий изланишлар* | *396* |
| 103. | *Махманова Х.* | *Ўзбекистонда кўпмиллатликнинг вужудга келиши ва ривожланиши* | *403* |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 104. | *Каримов М.* | *Олий таълим муассасаларидан хорижга малака ошириш ва стажировка ўташ учун юборилган профессор-ўқитувчилар фаолияти* | *407* |
| 105. | *Рахматова Н.* | *Ўзбекистонда аёллар тадбиркорлиги ва касаначиликни ривожлантириш борасидаги давлат сиёсати* | *410* |
| **V – ШЎЪБА. ҚАШҚАДАРЁ ТАРИХИ: ЎТМИШ ВА БУГУН** | | | |
| 106. | *Ражабов Қ.* | *Иброҳимбек қўрбоши ва сафдошларининг Қашқадарё ва Сурхондарё воҳаларида қизил армияга қарши кураши* | *414* |
| 107. | *Юнусова Х.* | *XX аср 50-80 йиллари Қашқадарё вилояти қазилма конлари ва унинг мамлакат халқ хўжалигидаги ўрни* | *419* |
| 108. | *Қобулов Э.* | *Қашқадарё вилояти саноати корхоналарида рационализаторлик ва ихтирочилик ҳаракати ва унинг иқтисодиётдаги ўрни* | *424* |
| 109. | *Пардаев Т.* | *Қашқадарёда янги ерларнинг ўзлаштирилиш тарихи* | *426* |
| 110. | *Пардаев А.* | *Қашқадарё вилоятининг демографик ҳолати* | *429* |
| 111. | *Тўраева М.* | *XX аср бошларида Қашқадарё воҳасида таълим тизими* | *436* |
| 112. | *Қувватова Н.* | *Ўзбекистонда экология муаммолари ва унга қарши кураш* | *440* |
| 113. | *Норматов О.* | *Қашқадарё воҳаси – тарихнинг айрим саҳифаларида* | *442* |
| 114. | *Расулов М.* | *Истиқлол йилларида Қашқадарё воҳасидаги маданий мерос объектларига муносабат ва улардан фойдаланиш динамикаси* | *445* |
| 115. | *Чориева Д.* | *Қашқадарё маданият муассасалари тарихидан* | *450* |
| 116. | *Қодирова М.* | *Қашқадарё воҳаси мавзуси тарихчилар талқинида* | *455* |
| 117. | *Абдуллаев Ў.* | *Қашқадарё воҳасида педагог кадрлар тайёрлаш тарихидан* | *457* |
| 118. | *Равшанова Г.* | *Абдуллахон мадрасаси тарихи ҳақида баъзи мулохазалар* | *460* |
| 119. | *Бердиев Ж.* | *XIX асрнинг иккинчи ярми – XX асрнинг бошларида Қашқадарё воҳасида этнотопонимларнинг шаклланиши тарихи* | *464* |
| 120. | *Полвонов К.* | *Ўзбекистонда мактабгача таълимнинг ривожланиши: ўзгаришлар ва муаммолар (Қашқадарё вилояти шаҳарлари талқинида)* | *467* |
| 121. | *Хосиятов Х.* | *Ёшлар тарбиясида музейларнинг ўрни (Жанубий вилоятлар музейлари мисолида)* | *470* |
| 122. | *Эштемиров Ж.* | *Социально-экономические преобразования в городе Карши в годы независимости (1991-2000-е годы)* | *473* |
| 123. | *Амонова Ф.* | *XIX аср охири ва XX аср бошларида Қарши шаҳрининг иқтисодий имкониятлари* | *476* |
| 124. | *Маматқулов А.* | *Самарқанд-Қарши иқтисодий райони ва унинг хусусиятлари (1950-1980 йй.)* | *479* |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 125. | *Жабборова И.* | *Қашқадарё воҳасида сув омборлари қурилиши тарихи (XX асрнинг 50-60 йй.)* | *483* |
| 126. | *Саматова Ф.* | *Иккинчи жаҳон уруши йилларида Қашқадарёда таълим ва унинг муаммолари* | *488* |
| 127. | *Каримов Б.* | *Мангитлар сулоласининг Қашқадарё воҳасида олиб борган бошқарув сиёсати* | *492* |
| 128. | *Акмаматов О.* | *Қашқадарё воҳасида жамоалаштириш сиёсатининг бориши ва аҳоли ижтимоий ҳаётига таъсири* | *496* |
| 129. | *Аллаев М.* | *Лангар ота зиёратгоҳи: тарихи ва ҳозирги замон* | *499* |
| 130. | *Шодиева Д.* | *Қарши давлат университети тарихига бир назар* | *502* |
| 131. | *Махмудова А.* | *Р.Ҳ.Сулаймонов тадқиқотларида Қарши воҳаси археологияси муаммолари* | *507* |
| 132. | *Рахматов Х.* | *XIX – XX асрларда Қашқадарё воҳаси этнотопонимлари хусусида* | *509* |
| 133. | *Тоштемирова Н.* | *Қашқадарё вилоятида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича амалга оширилган ишлар* | *514* |
| 134. | *Махматқулов Ж.* | *Ёшлар ўртасида гиёҳвандлик ва психатроп моддалар билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш бўйича олиб борилган тадбирлар* | *517* |
| 135. | *Ахматов А.* | *Қашқадарё воҳасида бахшичилик санъатининг ривожланиш тарихи* | *519* |
| 136. | *Қобилов Ф.* | *XX аср бошларида Қарши беклиги мадрасалари ва уларда таълим жараёнларининг ташкил этилиши* | *522* |
| 137. | *Равшанов А.* | *1991-2021 йилларда Қашқадарё вилоятида янгича ижтимоий механизмни шакллантириш ва аҳоли моддий даромадларининг ўсиб бориши* | *527* |
| 138. | *Якубова Ш.* | *Буюк ипак йўлининг жаҳон цивилизацияси тарихида тутган ўрни* | *529* |
| 139. | *Ахмуродов Ф.* | *Янги Ўзбекистонда терроризм ва экстремизмга қарши курашиш борасида олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий жараёнлар* | *535* |
| 140. | *Утаева Ф.* | *Бухорода ип-газлама комбинати қурилиш тарихи* | *537* |
| 141. | *Юлдашев А.* | *Давлат сиёсати самарадорлигини оширишда сиёсий институтларнинг ўрни* | *540* |
| 142. | *Ғуломов О.* | *Маънавий салоҳиятини юксалтиришда инновацион ёндашув* | *543* |
| 143. | *Холманова Ф.* | *Замонавийлашган тўқимачилик индустриал циклининг шаклланиши* | *546* |
| 144. | *Махамов М* | *Шаҳрисабз – фестиваллар шаҳри* | *548* |
| 145. | *Раззоқова Ш.* | *Илк ўрта асрлар Қарши воҳаси шаҳарлари шаклланиш жараёни* | *551* |

# МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЦИВИЛИЗАЦИЯ ТИЗИМИДА ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ ВА МАДАНИЯТИ

**Халқаро илмий-амалий конференция материаллари**
**2022 йил 14 май**

Bosishga ruxsat etildi: 13.05.2022 y.
Ofset qogʻoz. Qogʻoz bichimi: 60x84 1/16.
“Times New Roman” gar. Ofset bosma.
Hisob nashriyot t.: 28,22. Shartli b. t.: 28,30.
Adadi: 20 nusxa. Buyurtma№ 14

QarMII kichik bosmaxonasida chop etildi.
180100. Qarshi shahri, Mustaqillik koʻchasi, 225 – uy.
Telefon 91-466-80-32.